

# Ўзбек тилидаги Инжил

Uzbek New Testament, Genesis, and Psalms

© Institute for Bible  
Translation, Moscow  
(Институт перевода  
Библии)

This Bible is copyrighted by Institute for Bible Translation, Moscow (ibtrussia.org) and is provided with permission at the cost of printing by the Digital Bible Society (dbs.org). This translation is made available to you under the terms of the Creative Commons Attribution-Non-commercial-No Derivatives license 4.0.

This Bible, and many others, are available for free download in a variety of digital formats at [dbs.org/bibles](https://dbs.org/bibles).

ИБТИДО.....	4
ЗАБУР.....	46
МАТТО.....	104
МАРК.....	135
ЛУҚО.....	155
ЮҲАННО.....	188
ҲАВОРИЙЛАР.....	213
РИМЛИКЛАРГА.....	244
БИРИНЧИ КОРИНФЛИКЛАРГА.....	258
ИККИНЧИ КОРИНФЛИКЛАРГА.....	271
ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА.....	280
ЭФЕСЛИКЛАРГА.....	285
ФИЛИППИЛИКЛАРГА.....	290
КОЛОСАЛИКЛАРГА.....	294
БИРИНЧИ САЛОНИКАЛИКЛАРГА.....	298
ИККИНЧИ САЛОНИКАЛИКЛАРГА.....	301
БИРИНЧИ ТИМЎТИЙГА.....	303
ИККИНЧИ ТИМЎТИЙГА.....	307
ТИТУСГА.....	310
ФИЛИМЎНГА.....	312
ИБРОНИЙЛАРГА.....	313
ЁҚУБ.....	323
БИРИНЧИ БУТРУС.....	327
ИККИНЧИ БУТРУС.....	331
БИРИНЧИ ЮҲАННО.....	334
ИККИНЧИ ЮҲАННО.....	338
УЧИНЧИ ЮҲАННО.....	339
ЯҲУДО.....	340
ВАҲИЙ.....	342

# ИБТИДО

## Дунёнинг яратилиши

**1** Азалда Худо осмон билан ерни яратди. <sup>2</sup> Ер ҳали шаклсиз ва бўм-бўш бўлиб, тубсизлик узра қоронғилик ҳукм суради. Худонинг Руҳи эса сув юзида парвоз этар эди.

<sup>3</sup> Худо: «Ёруғлик бўлсин», – деди ва ёруғлик пайдо бўлди. <sup>4</sup> Худо ёруғликнинг яхши эканини кўриб, уни қоронғиликдан ажратди. <sup>5</sup> Шундай қилиб, Худо ёруғликни кундуз, қоронғиликни эса тун деб атади. Кеч бўлди, эрта бўлди – бу биринчи кун эди.

<sup>6</sup> Яна Худо: «Сувликлар ўртасида уларни бир-биридан ажратиб турадиган гумбаз пайдо бўлсин», – деди. <sup>7</sup> Шундай ҳам бўлди. Худо бир гумбазни вужудга келтириб, гумбаз остидаги сувни гумбаз устидаги сувдан ажратди. <sup>8</sup> Ушбу гумбазни эса Худо осмон деб атади. Кеч бўлди, эрта бўлди – бу иккинчи кун эди.

<sup>9</sup> Яна Худо: «Осмон остидаги сув бир жойга тўплансин, қуруқлик кўринсин», – деди ва шундай ҳам бўлди. <sup>10</sup> Худо қуруқликни ер деб атади, сувларнинг жамини эса денгизлар деб атади. Буларнинг ҳам Худо яхши эканини кўрди.

<sup>11</sup> Яна Худо: «Ер ўсимлик кўкартирсин: уруғ берадиган ўт-ўланлар, мевасида уруғи бор турли-туман мевали дарахтлар ер юзида униб-ўссин», – деди ва шундай ҳам бўлди. <sup>12</sup> Ер турига кўра ўсимликларни: уруғ берадиган ўт-ўланлар ҳамда мевасида уруғи бор мевали дарахтларни ундирди. Худо буларнинг ҳам яхши эканини кўрди. <sup>13</sup> Кеч бўлди, эрта бўлди – бу учинчи кун эди.

<sup>14</sup> Яна Худо: «Кунни тундан ажратиш ҳамда фасллар, кунлар, йилларни белгилаш учун осмон гумбазида ёритқичлар пайдо бўлсин. <sup>15</sup> Булар ер юзини ёритмоқ учун осмон гумбазида нур сочиб турсин», – деди ва шундай ҳам бўлди. <sup>16</sup> Шундай қилиб, Худо иккита катта ёритқични: кунни бошқариш учун каттароқ ёритқични ва тунни бошқариш учун кичикроқ ёритқични, шунингдек, юлдузларни ҳам вужудга келтирди. <sup>17</sup> Ер юзини ёритиб турсин ва тун билан кунни бошқариб, ёруғликни қоронғиликдан ажратиб турсин, деб Худо буларни осмон гумбазида жойлаштирди. Буларнинг ҳам Худо яхши эканини кўрди. <sup>19</sup> Кеч бўлди, эрта бўлди – бу тўртинчи кун эди.

<sup>20</sup> Яна Худо: «Сув тўда-тўда жониворлар билан қайнасин, ер устидаги осмон гумбази бўйлаб қушлар учсин», – деди. <sup>21</sup> Худо ҳайбатли денгиз

аждарларини, сувда қайнайдиган турли-туман майда жониворларни ҳамда қуш-паррандаларни яратди. Буларнинг ҳам Худо яхши эканини кўрди.

<sup>22</sup> Худо уларни муборак қилиб: «Баракали бўлинглар, кўпайинглар, денгиз сувларини тўлғазинглар. Ер юзида эса парранда кўпайсин», – деди. <sup>23</sup> Кеч бўлди, эрта бўлди – бу бешинчи кун эди.

<sup>24</sup> Яна Худо: «Ер турли-туман тирик жонни: чорва, судралувчи ҳамда ёввойи ҳайвон турларини ҳосил қилсин», – деди ва шундай ҳам бўлди. <sup>25</sup> Худо ерга хос турли-туман ёввойи ҳайвонларни, чорвани, қуруқликда судралувчиларни вужудга келтирди. Буларнинг ҳам Худо яхши эканини кўрди.

<sup>26</sup> Яна Худо: «Ўз суратимизга кўра, Ўзимизга ўхшаш одамни яратайлик. У денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар, чорвалар, ҳа, бутун ер юзи ва ерда ҳаракат қилувчи барча махлуқот устидан ҳокимлик қилсин», – деди. <sup>27</sup> Шундай қилиб, Худо одамни Ўз суратида, илоҳий суратда яратди. Уларни эркак ва хотин қилиб яратди. <sup>28</sup> Худо одамларни муборак қилиб, уларга: «Баракали бўлинглар, кўпайинглар. Ер юзини тўлғазиб тобе қилинглар. Денгиздаги балиқлар, кўк юзидаги паррандалар ҳамда ер юзида ҳаракатланувчи барча ҳайвонлар устидан ҳоким бўлинглар», – деди.

<sup>29</sup> Худо давом этиб: «Мана, Мен сизларга бутун ер юзидаги уруғ берадиган ўт-ўланнинг ва уруғли мева берадиган дарахтнинг ҳаммасини бердим; сизларга овқат учун ярайди. <sup>30</sup> Шунингдек, тирик жони бўлган бутун ёввойи ҳайвонларга: кўк юзида учиб юрувчи барча паррандаларга ва ер юзида ҳаракат қилувчи барча махлуқларга ҳам емиш учун кўк ўтнинг ҳар турли навини бердим», – деди ва шундай ҳам бўлди.

<sup>31</sup> Худо бутун яратганларига қараб, ҳаммасининг жуда яхши эканини кўрди. Кеч бўлди, эрта бўлди – бу олтинчи кун эди.

## Яратилишнинг еттинчи куни

**2** Шу зайлда осмон билан ер ҳамда улардаги борлиқ мавжудот яратилиб бўлди. <sup>2</sup> Худо Ўз фаолиятини еттинчи кунда тамомлаб, у кунда барча қилган ишларидан тинди. <sup>3</sup> Худо еттинчи кунни муборак ва муқаддас қилиб айирди, чунки ушбу кунда У Ўзининг бутун яратиш фаолиятидан

тинган эди. <sup>4</sup> Осмон билан ернинг яратилиш тарихи мана шудир.

### Одам ва жаннат

Худованди Карим еру осмонни бунёд этган эдию, <sup>5</sup> лекин ҳали ерга ёмғир ёғдирмаган ва ерни ишлаш учун одам ҳам яратмаган эди. Ер юзида ҳеч қандай дашт бутаси ва ҳеч қандай дала гиёҳи ҳам ўсмаган эди. <sup>6</sup> Фақат ердан буғ кўтарилиб, бутун ер юзини суғориб турар эди. <sup>7</sup> Ўша пайтда Худованди Карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади. Шу йўсинда одам тирик жон бўлди.

<sup>8</sup> Худованди Карим шарқ томонда, Адан ўлкасида боғ ўтқазиб, Ўзи ясаган одамни у ерга қўйди.

<sup>9</sup> Сўнгра Худованди Карим кўзга ёққан, емоққа яхши бўлган ҳар хил дарахтни ердан ўстирди. Боғнинг ўртасида эса ҳаёт дарахтини, шу билан бирга яхши ва ёмонни билиш дарахтини ҳам ўстирди.

<sup>10</sup> Боғни суғориш учун бир дарё Адандан оқиб чиқиб, тўрт ирмоққа бўлинар эди. <sup>11</sup> Бир ирмоқнинг оти Пишўндир. У олтин ери бўлган бутун Ҳавила диёрини айланиб оқади. <sup>12</sup> У диёрнинг олтини қимматлидир. У ерда биллур ва ақиқ тоши ҳам бор. <sup>13</sup> Иккинчи ирмоқнинг оти Гиҳўндир. У бутун Куш диёрини айланиб оқади. <sup>14</sup> Учинчи ирмоқнинг оти Дажладир. У Ассириянинг шарқий ёнидан оқиб ўтади. Тўртинчи ирмоқ эса Фротдир.

<sup>15</sup> Шундай қилиб, Худованди Карим одамни Адан боғини ишлаб парвариш қилиши учун у ерга жойлаштирди. <sup>16</sup> Худованди Карим одамга буюриб деди: «Сен бу боғнинг ҳар бир дарахтидан еявергин. <sup>17</sup> Фақат яхши ва ёмонни билиш дарахтидан ема. Чунки ундан еган куниеъ ўласан».

### Момо Ҳавонинг яратилиши

<sup>18</sup> Яна Худованди Карим: «Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, энди унга муносиб мададкор яратаман», – деди. <sup>19</sup> У тупроқдан ҳар хил дашт ҳайвонини, кўкда учувчи ҳар хил паррандани ясади ва уларга от қўйиш мақсадида одамнинг олдига келтирди. Одам эса ҳар бир жонли махлуққа от қўйди ва ўша махлуқнинг оти шундай бўлди. <sup>20</sup> Одам ҳамма чорва туёқларига, ҳамма осмон паррандалари ва дашт ҳайвонларига от қўйиб бўлди, аммо одамга мувофиқ мададкор топилмади.

<sup>21</sup> Шунда Худованди Карим одамни қаттиқ уйқуга мубтало қилди. Одам ухлаб қолгач, унинг қовурғаларидан биттасини олди ва ўрнини эт билан қоплади. <sup>22</sup> Одамнинг қовурғасидан Худованди Карим бир хотин барпо қилиб, уни одамнинг олдига олиб келди. <sup>23</sup> Шунда одам: «Мана, энди бу суяк менинг суякларимдан, бу эт менинг этимдандир. У хотин киши деб айтилади, зероки у эр кишидан олинган», – деди.

<sup>24</sup> Шунинг учун киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўладилар.

<sup>25</sup> Одам билан хотини эса қип-яланғоч бўлиб, бир-биридан уялмас эдилар.

### Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳ қилиши

**3** Худованди Карим яратган барча дашт ҳайвонлари орасида энг айёри илон эди. Илон хотинга:

– Чиндан ҳам Худо, боғдаги ҳеч бир дарахтнинг мевасидан еманглар, деб айтдимикин? – деди.

<sup>2</sup> Хотин илонга деди:

– Боғ дарахтларининг мевасидан ея оламиниз-у,

<sup>3</sup> Худо фақат боғнинг ўртасидаги дарахтнинг мевасини еманглар, унга тегманглар, бўлмаса ўласизлар, деди.

<sup>4</sup> Илон хотинга:

– Йўқ, мутлақо ўлмайсизлар! <sup>5</sup> Чунки Худо биладики, ундан еган куниеъ кўзларингиз очилиб қолади ва Худо каби яхши ва ёмонни биладиган бўласизлар, – деди.

<sup>6</sup> Хотин кўрсаки, дарахтнинг меваси емоққа яхши, кўзга ёқимли ҳамда дид-фаросат топишга фойдали экан. У дарахтнинг мевасидан олиб, еди. Сўнг эрига ҳам берди, эри ҳам еди. <sup>7</sup> Шу онда икковининг кўзлари очилиб, яланғоч эканларини пайқадилар. Анжир барглари бир-бирига тикиб, ўзлари учун ёпинчиқлар ясадилар.

<sup>8</sup> Куннинг салқин шабадаси эсган вақтда Одам ва унинг хотини боғда юрган Худованди Каримнинг овозини эшитиб қолишди. Улар Унинг назаридан қочиб, боғдаги дарахтлар орасида яширинишди. <sup>9</sup> Лекин Худованди Карим Одамга хитоб қилиб, сўради:

– Қаердасан?

<sup>10</sup> – Мен овозингни боғда эшитдим-у, қип-яланғочман деб кўрқиб, яшириндим, – деди Одам.

<sup>11</sup> Худованд:

– Яланғоч эканингни сенга ким айтди? Ё Мен ема деб буюрган дарахт мевасидан едингми? – дея сўради. <sup>12</sup> Одам:

– Сен берган бу хотин дарахтнинг мевасидан менга берди ва мен ҳам едим, – деди.

<sup>13</sup> Худованди Карим хотинга:

– Бу нима қилганинг? – деди.

– Илон мени алдади ва мен едим, – деди хотин.

### Жаннатдан қувилиш

<sup>14</sup> Шунда Худованди Карим илонга айтди: «Бу қилган ишинг учун сен ҳамма чорва туёқлари ва ҳамма дашт ҳайвонларидан кўра лаънатисан. Умринг бўйи қорнинг билан юриб, тупроқ ейсан.

<sup>15</sup> Сен билан хотин орасига, сенинг зотинг билан унинг зоти орасига адоват соламан. Ўша зот сенинг бошингни эзиб ташлайди, сен эса унинг товонини чақасан».

<sup>16</sup> Кейин хотинга деди: «Сенинг ҳомиладорлик пайтидаги машаққатингни бағоят орттираман. Сен дард билан фарзандлар туғасан. Иштиёқинг эрингга бўлади, у эса сенга ҳоким бўлади».

<sup>17</sup> Кейин Одамга деди: «Сен хотинингнинг гапига қулоқ солдинг, Мен ема деб буюрган дарахт мевасидан единг. Энди сен сабабли ер лаънатидир. Умринг бўйи машаққат чекиб, ер ундирган ҳосилдан ейсан. <sup>18</sup> Ер сенга тикану янтоқ ўстиради, сен эса дашт ўтини еб юрасан. <sup>19</sup> Сен ердан олингансан ва ерга қайтунингга қадар пешана тери билан нон еб юрасан. Зеро тупроқдирсан ва тупроққа қайтарсан».

<sup>20</sup> Шундан сўнг Одам хотинининг исмини Ҳаво (*яъни Барҳаёт*) қўйди, чунки у ҳамма ҳаёт эгаларининг онаси бўлди.

<sup>21</sup> Худованди Карим Одам ва унинг хотини учун теридан кийим ясаб, уларни кийинтирди. <sup>22</sup> «Мана, одамзод яхши ва ёмонни фарқлашда худди Биздай бўлиб қолди! – деди Худованди Карим. – Энди, тагин қўлини чўзиб, ҳаёт дарахти мевасидан ҳам олмасин, уни еб абадий яшамасин!»

<sup>23</sup> Шу билан Худованди Карим, ўзи чиққан ерни ишласин, деб одамзодни Адан боғидан чиқариб юборди. <sup>24</sup> У одамзодни ҳайдаб юборди-да, ҳаёт дарахтига борадиган йўлни қўриқлаш учун Адан боғининг шарқий томонига карубларни ва айланадиган алангали қилишни қўйди.

### Ҳобил билан Қобил

**4** Одам хотини Ҳавога яқинлашгач, у ҳомиладор бўлиб Қобилни туғди. Ҳаво: «Худованд берган қобиллик билан бир кишини қўлга киритдим», – деди. <sup>2</sup> Кейинроқ унинг укаси Ҳобилни туғди. Ҳобил қўйчивон, Қобил эса деҳқон бўлди.

<sup>3</sup> Бир муддатдан кейин Қобил ернинг маҳсулидан Худовандга ҳадя тақдим этди. <sup>4</sup> Ҳобил ҳам қўйларининг каттасидан қурбонлик сўйиб, унинг думбасини тақдим этди. Худованд Ҳобилни ва унинг ҳадясини манзур кўрди. <sup>5</sup> Аммо Қобилни ва унинг ҳадясини манзур кўрмади. Шунда Қобил қаттиқ ранжиб, қовоғини солди.

<sup>6</sup> Худованд Қобилга:

– Нима учун сен ранжидинг? Нега қовоқ солиб ўтирибсан? <sup>7</sup> Агар яхшиликни ният қилганингда, унда бош кўтариб юрмасмидинг? Агар ниятинг яхши бўлмаса, остонада гуноҳ пойлаб туриб, сени ўзига жалб қилади. Сен эса, аксинча, унга ҳоким бўл! – деди.

<sup>8</sup> Қобил укаси Ҳобил билан сўзлашиб олди. Улар даштда бўлган вақтда Қобил укаси Ҳобилга қарши қўл кўтариб уни ўлдирди.

<sup>9</sup> Худованд Қобилдан сўради:

– Уканг Ҳобил қаерда?

– Билмайман, мен укамнинг соқчисими? – деди Қобил.

<sup>10</sup> Худованд:

– Сен нима иш қилиб қўйдинг? Укангнинг қони тупроқдан Менга қараб фарёд этмоқда. <sup>11</sup> Энди ўзингнинг дастингдан оғзини очиб укангнинг қонини ютиб қўйган тупроқдан қувилиб, лаънати бўлгайсан. <sup>12</sup> Ерга ишлов берганингда ҳам, у ўз қувватини бошқа сенга бермас. Ер юзида сарсон-саргардон бўлгайсан, – деди. <sup>13</sup> Қобил Худовандга:

– Менинг жазойим кўтара оладиганимдан ҳам каттадир. <sup>14</sup> Агар Сен мени бугун бу тупроқдан ҳайдасанг, энди Сенинг ҳузурингдан яшириниб юраман, жаҳонда сарсон-саргардон бўламан. Ҳар бир йўлиққан жонзод мени ўлдириб юборар, – деди. <sup>15</sup> Худованд Қобилга:

– Агар кимки Қобилни ўлдирса, ундан етти карра ўч олинар, – деди-ю, Қобилни ҳар бир йўлиққан урмаслиги учун унга бир нишона қўйди. <sup>16</sup> Шундай қилиб, Қобил Худованд ҳузуридан чиқиб кетди-да, Аданнинг шарқий томонидаги Нўд ерида ўрнашди.

### Қобилнинг насл-насаби

<sup>17</sup> Қобил хотинига яқинлашгач, у ҳомиладор бўлиб Ҳанўхни туғди. Қобил шаҳар бинокори бўлди. Қурган шаҳрини эса ўғлининг номи билан Ҳанўх деб атади. <sup>18</sup> Ҳанўхдан Эрод туғилди. Эроддан Маҳуёъил туғилди. Маҳуёъилдан Матушоил туғилди. Матушоилдан эса Ламак туғилди.

<sup>19</sup> Ламак икки хотин олди: бирининг исми Ада, иккинчисининг исми Силла эди. <sup>20</sup> Ада Ёволни туғди. Ёвол чодирда яшовчи чорвадорларнинг отаси бўлди. <sup>21</sup> Укасининг исми Ювол эди. У ҳамма ғижжак ва най чалувчиларнинг отаси бўлди. <sup>22</sup> Силла Тувол-Қайинни туғди. Бу ҳар хил мис ва темир қуролларни ясовчиларнинг отаси бўлди. Тувол-Қайиннинг синглиси эса Наома эди.

<sup>23</sup> Ламак ўз хотинларига деди:

«Эй Ада ва Силла,  
Менинг гапимни тинглангиз!  
Сўзларимга қулоқ солингиз,  
Эй Ламак хотинлари!  
Мени ярадор қилишса, бир кишини,  
Шикастлантиришса, бир болани ўлдирурман.  
<sup>24</sup> Агар Қобил учун етти карра ўч олинса,  
Ламак учун етмиш етти карра ўч олинур!»

### Шит алайҳиссаломнинг туғилиши

<sup>25</sup> Одам яна ўз хотинига яқинлашди. У эса бир ўғил туғиб: «Қобил ўлдирган Ҳобил эвазига Худо менга бошқа зурриёт берди», – деди ва унинг исмини Шит (*яъни Эваз*) қўйди. <sup>26</sup> Шит ҳам бир ўғил кўрди, исмини Энўш (*яъни Инсон*) қўйди.

Уша пайтда инсонлар Худованднинг исмини чақира бошладилар.

### Яратилишдан тўфонгача ўтган ўн авлод

**5** Бу Одам авлодларининг китобидир: Худо Одамни яратган кунда унга илоҳий сурат берди. <sup>2</sup> У одамларни эркак ва хотин қилиб

яратди. Уларни яратган кунининг ўзидаёқ муборак қилиб, уларга Одамзод номини берди.

<sup>3</sup> Одам бир юз ўттиз ёш умр кўргандан сўнг, ўзига ўхшаган, ўзининг суратидек бир ўғил кўрди. Унинг исмини Шит қўйди. <sup>4</sup> Шит туғилганидан кейин Одам яна саккиз юз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>5</sup> Одам жами тўққиз юз ўттиз ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>6</sup> Шит бир юз беш ёшида Энўшни дунёга келтирди. <sup>7</sup> Энўш туғилганидан кейин Шит яна саккиз юз етти йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>8</sup> Шит жами тўққиз юз ўн икки ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>9</sup> Энўш тўқсон ёшида Қенанни дунёга келтирди.

<sup>10</sup> Қенан туғилганидан кейин Энўш яна саккиз юз ўн беш йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>11</sup> Энўш жами тўққиз юз беш ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>12</sup> Қенан етмиш ёшида Маҳолалил деган ўғил кўрди. <sup>13</sup> Маҳолалил туғилганидан кейин Қенан яна саккиз юз қирқ йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>14</sup> Қенан жами тўққиз юз ўн ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>15</sup> Маҳолалил олтмиш беш ёшида Ёредни дунёга келтирди. <sup>16</sup> Ёред туғилганидан кейин Маҳолалил яна саккиз юз ўттиз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>17</sup> Маҳолалил жами саккиз юз тўқсон беш ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>18</sup> Ёред бир юз олтмиш икки ёшида Ханўхни дунёга келтирди. <sup>19</sup> Ханўх туғилганидан кейин Ёред яна саккиз юз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>20</sup> Ёред жами тўққиз юз олтмиш икки ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>21</sup> Ханўх олтмиш беш ёшида Матушалоҳни дунёга келтирди. <sup>22</sup> Матушалоҳ туғилганидан кейин Ханўх яна уч юз йил яшади. У Худо билан юриб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>23</sup> Ханўх жами уч юз олтмиш беш ёш умр кўриб, <sup>24</sup> бирданига йўқ бўлиб кетди. У Худо билан юрар эди, Худо эса уни олиб кетди.

<sup>25</sup> Матушалоҳ бир юз саксон етти ёшида Ламакни дунёга келтирди. <sup>26</sup> Ламак туғилганидан кейин Матушалоҳ яна етти юз саксон икки йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>27</sup> Матушалоҳ жами тўққиз юз олтмиш тўққиз ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>28</sup> Ламак бир юз саксон икки ёшида бир ўғил кўрди. <sup>29</sup> Ламак: «Худованд лаънат этган ерни ишлаганда қўлларимиз чекадиган машаққатларга шу юпанчиқ бўлсин», – деб, ўғлининг исмини Нуҳ (яъни Юпанчиқ) қўйди. <sup>30</sup> Нуҳ туғилганидан кейин Ламак яна беш юз тўқсон беш йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди. <sup>31</sup> Ламак жами етти юз етмиш етти ёш умр кўриб, ўлди.

<sup>32</sup> Нуҳ беш юз ёшга кириб, Сом, Хом ва Ёфит деган ўғилларни кўрди.

#### Одамзоднинг бузилиши

**6** Ер юзида одамлар кўпая бошлаб, улар учун қизлар ҳам туғилди. <sup>2</sup> Илоҳий зотлар эса

одамзод қизларининг жуда яхшилигини кўриб, истаганларини хотинликка оладиган бўлдилар.

<sup>3</sup> Шунда Худованд: «Менинг Руҳим одамзодда абадий қолмас, зероки у ўткинчи махлуқдир. Унинг умри юз йигирма йил бўлади», – деди.

<sup>4</sup> Илоҳий зотлар одамзод қизлари билан аралашгандан сўнг, улар учун бола туғдилар. Ўша замонда ва кейинроқ ҳам ерда баҳодирлар насли бор эди. Булар қадим замоннинг қаҳрамонлари деб шуҳрат топганлар.

<sup>5</sup> Ерда одамзоднинг ёмонлиги ошиб бораётганини, кўнглидаги бутун фикр-хаёли эса ҳаммиша ёмонлик эканини Худованд кўриб, уни яратганидан ўқинди, юраги ачишиб кетди. <sup>7</sup> «Ўзим яратган одамзодни ер юзидан қириб ташлайман, – деди Худованд. – Одамзоддан тортиб ҳайвонгача, ерда қимирловчидан тортиб кўкдаги паррандагача жамики жонни қириб ташлайман. Энди уларни яратганимдан ўқиняпман».

#### Нуҳ пайғамбар ва кема

<sup>8</sup> Бироқ Нуҳ Худованднинг илтифотига сазовор бўлган эди. <sup>9</sup> Нуҳнинг насл-насаб тарихи шудир: Нуҳ солиҳ киши бўлиб, ўз қавмида бенуқсон турмуш кечирар, Худо билан юрар эди. <sup>10</sup> У Сом, Хом ва Ёфит деган уч ўғил кўрди.

<sup>11</sup> Ўшанда ер зўравонликка тўлиб-тошган, Худонинг кўзи олдида бузила бораётган эди. <sup>12</sup> Ердаги ҳар бир башар ўз йўлини бузиб, ер разиллашиб бораётганини Худо кўрди-да, <sup>13</sup> Нуҳга хитоб қилиб деди:

«Бутун башариятнинг охири Менинг кўз ўнгимда турибди, чунки улар дастидан ер зўравонликка тўлиб-тошмоқда. Энди Мен уларни ер билан бирга йўқ қиламан. <sup>14</sup> Сен эса ўзингга шамшод ёғочидан кема ясагин. Кемани хона-хона қилиб, ичкаридан ва ташқаридан қатронлагин. <sup>15</sup> Кеманинг узунлиги уч юз газ, кенлиги эллик газ, баландлиги эса ўттиз газ бўлсин. <sup>16</sup> Кемада тўйнуқ очиб, устини бир газ юқорироқда том билан ёпиб қўйгин. Кеманинг эшигини унинг ён томонида жойлаштиргин. Кемани пастки, ўрта ва юқори қаватли қилиб қургин. <sup>17</sup> Мен ер юзини тўфон билан бостириб, фалак остида ҳаёт руҳига эга бўлган ҳамма махлуқларни маҳв этаман. Ерда яшовчи борлиқ мавжудот ҳалок бўлади. <sup>18</sup> Мен фақат сен билан аҳд тузиб, шундай шарт қўяман: сен билан ўғилларинг, хотининг ва келинларинг кемага кириб қутуласизлар. <sup>19</sup> Шунингдек, сен билан тирик қолишлари учун ҳамма жонзодлардан кемага киргизгин: ҳар бир махлуқнинг эркак ва урғочи жинсидан иккитадан олиб киргизгин. <sup>20</sup> Парранда, чорва, ерда қимирловчи жониворларнинг ҳаммасидан иккитадан сен билан борсин ва тирик қолсинлар. <sup>21</sup> Бундан ташқари, ейиладиган ҳар хил озиқ-овқатдан ҳам етарли ғамлаб олгин. У сен ва жониворлар учун емиш бўлсин», – деди.

<sup>22</sup> Худо нимаики буюрган бўлса, Нуҳ ҳаммасини худди шундай бажо келтирди.

### Тўфон

**7** Худованд Нуҳга: «Сен бутун хонадонинг билан кемага киринглар. Чунки бу насл орасидан Менинг назаримда солиҳ бўлган ёлғиз сени топдим, – деди. <sup>2</sup> – Ҳалол бўлган ҳар бир чорва туёгининг эркак ва урғочи жинсидан еттитадан, ҳаром бўлган чорванинг эркак ва урғочи жинсидан эса иккитадан олиб, ўзинг билан кемага киргизгин. <sup>3</sup> Осмондаги паррандаларнинг ҳам эркак ва урғочи жинсидан еттитадан олиб киргизгин, токи бутун ер юзида яшовчи ҳар хил жониворлардан тирик қолганлар бўлсин. <sup>4</sup> Чунки етти кундан кейин Мен ерга қирқ кечаю қирқ кундуз давом этадиган ёмғир ёғдираман. Ўзим бунёд этган барча мавжудотни ер юзидан қириб ташлайман».

<sup>5</sup> Нуҳ эса Худованд буюрган ҳамма нарсани бажо келтирди.

<sup>6</sup> Нуҳ олти юз ёшда бўлганда, ер юзини тўфон сувлари босди. <sup>7</sup> Нуҳ ва унинг ўғиллари, хотини, келинлари у билан бирга тўфондан қочиб, кемага кирдилар. <sup>8</sup> Худо Нуҳга буюрганидек, ҳалол ҳамда ҳаром чорва туёқларининг, паррандалар ва барча ерда қимирловчи ҳайвонларнинг эркак ва урғочи жинсидан жуфт-жуфт бўлиб Нуҳнинг олдига кемага кирдилар. <sup>10</sup> Ўша етти кун ўтгандан сўнг ер юзини тўфон сувлари босди.

<sup>11</sup> Нуҳ умрининг олти юзинчи йили, иккинчи ойининг нақ ўн еттинчи кунида улкан тубсизлик булоқлари бари қайнай бошлаб, осмон қопқалари очилиб кетди. <sup>12</sup> Кетидан ер юзига қирқ кечаю қирқ кундуз ёмғир ёғди.

<sup>13</sup> Ана шу куннинг ўзида Нуҳ ва унинг ўғиллари Сом, Ҳом ва Ёфит, Нуҳнинг хотини билан учта келини ҳаммаси бирга кемага кирдилар. <sup>14</sup> Улар билан бирга барча ёввойи ҳайвон, чорва ва ерда қимирловчи майда жониворлар турлари, шунингдек, барча парранда турларидан хилма-хил патли қушлар кемага кирдилар. <sup>15</sup> Ҳаёт руҳига эга бўлган ҳар бир махлуқдан жуфт-жуфт бўлиб Нуҳнинг олдига, кемага кирдилар. <sup>16</sup> Худо Нуҳга буюрганидек, кемага кирган ҳар бир махлуқнинг эркак ва урғочи жинсидан бор эди. Охирида Худованд Нуҳнинг кетидан эшикни ёпиб қўйди.

<sup>17</sup> Қирқ кун давомида ер юзини тўфон босди, сувлар тошиб, кемани ердан юқорига кўтарди. <sup>18</sup> Ер юзини босаётган сув тошқини тобора кучайиб борар экан, кема сув юзида сузиб юрар эди. <sup>19</sup> Ер юзидаги сув тошқини беҳад кучайиб, осмону фалак остидаги баланд тоғларнинг ҳаммасини қоплаб олди. <sup>20</sup> Сув тошқини тоғу тепалиқдан ўн беш газ юқорироқ кўтарилиб, ҳамма ёқни кўмиб ташлади. <sup>21</sup> Ер юзида ҳаракат қилувчи ҳар бир махлуқ – парранда ҳам, чорва ҳам, ёввойи ҳайвонлар ҳам, ерда қимирловчи майда жониворлар ҳам, одамлар ҳам бирдан ҳалок бўлдилар. <sup>22</sup> Қуруқликда яшовчи

димоғида ҳаёт нафаси бор бўлган ҳар бир жонзод ўлиб кетди. <sup>23</sup> Ерда бор бўлган бутун мавжудот қирилди. Одамдан тортиб чорвагача, ерда қимирловчи махлуқдан тортиб кўкда учувчи қушгача бари ер юзидан қирилди. Фақат Нуҳ ва у билан бирга кемада бўлганлар тирик қолдилар. <sup>24</sup> Ер юзидаги сув тошқини эса бир юз эллик кун давом этди.

### Тўфондан қутулиш

**8** Нуҳ ва у билан бирга кема ичида бўлган ёввойи ҳайвонлар ва чорванинг ҳаммаси Худонинг хотирида бўлиб, У ер юзи устидан шамол эстирди. Шундан сўнг сувлар пасая бошлади. <sup>2</sup> Тубсизлик булоқлари тугаб, осмон қопқалари ёпилиб, ёғаётган ёмғир тиниб қолди. <sup>3</sup> Сув бора-бора ер юзидан қайтиб, бир юз эллик кун ўтгандан сўнг камайиб кетди. <sup>4</sup> Еттинчи ойнинг ўн еттинчи кунида кема Арарат тоғлиги устига келиб тўхтаб қолди. <sup>5</sup> Сув ўнинчи ойгача камайиб борди. Ниҳоят ўнинчи ойнинг биринчи кунида тоғ чўққилари кўринди.

<sup>6</sup> Тағин қирқ кун ўтгандан кейин, Нуҳ қурган кемасининг дарчасини очиб, <sup>7</sup> қузғунни чиқариб юборди. Қузғун эса ер устидаги сув қуримагунча, ташқарига учиб кетиб ва қайтиб келиб турар эди.

<sup>8</sup> Яна Нуҳ энди ер юзидан сув тушган-тушмаганини кўрмоқчи бўлиб, олдидан каптарни чиқариб юборди. <sup>9</sup> Аммо каптар оёқ кўядиган қўнолға тополмай, яна Нуҳнинг ёнига, кемага қайтиб келди. Чунки ҳали бутун ер юзи сув билан қопланган эди. Нуҳ қўлини чўзиб, каптарни олди ва ўз ёнига, кемага киргизди.

<sup>10</sup> Етти кун сабр қилиб, Нуҳ тағин каптарни кемадан чиқариб юборди. <sup>11</sup> Оқшом вақти каптар унинг ёнига қайтиб келганида, тумшуғида янги юлинган зайтун барги бор эди. Энди Нуҳ ер юзидан сув пасайиб қолганини билди.

<sup>12</sup> Нуҳ яна етти кун сабр қилиб, каптарни бошқатдан чиқариб юборди. Бу гал эса каптар унинг олдига қайтиб келмади. <sup>13</sup> Нуҳ умрининг олти юз биринчи йили, биринчи ойининг биринчи кунида ерни қоплаган сув қуриб кетган эди. Нуҳ кеманинг қопқоғини кўтариб қараб, ер юзининг энди қуруқ бўлганини кўрди. <sup>14</sup> Иккинчи ойнинг йигирма еттинчи кунида ер қоқ қуруқ бўлди.

### Нуҳнинг қурбони, Худонинг ваъдаси

<sup>15</sup> Худо Нуҳга хитоб қилиб: <sup>16</sup> «Сен хотининг, ўғилларинг ва келинларинг билан кемадан чиқиб кетинглар! <sup>17</sup> Сен билан бирга бўлган ҳайвонларнинг ҳаммасини, парранда, чорва туёқлари, ерда ҳаракат қилувчи махлуқлар қанча бўлмасин, ўзинг билан ташқарига чиқаргин. Улар ер юзида баракали бўлиб кўпайсин, ер бўйлаб қайнаб боришсин», – деди.



<sup>18</sup> Шунда Нуҳ билан ўғиллари, хотини ва келинлари ташқарига чиқдилар. <sup>19</sup> Улар билан барча ёввойи ҳайвонлар, майда жониворлар, паррандалар – ер юзида ҳаракат қилувчи махлуқлар қанча бўлмаса-да, ҳаммаси оила-оила бўлиб кемадан чиқиб кетдилар.

<sup>20</sup> Сўнгра Нуҳ Худованд шаънига қурбонгоҳ қурди. Ҳар бир ҳалол чорвадан, ҳар бир ҳалол паррандадан олиб, қурбонгоҳ устида сўйиб куйдирди.

<sup>21</sup> Худованд қурбонлик тутунининг хуш ҳидини искаб, Ўз кўнглида деди: «Мен ерни одамзод туфайли бошқа лаънатламайман. Зероки одамзод кўнглидаги фикр-хаёл ёшлигиданоқ бузуқдир. Мен аввал қилганимдек, энди бошқа ҳамма жониворларни уриб нобуд қилмайман. <sup>22</sup> Бундан кейин ер бор экан, экин-тикин, ўрим-йиғим, совуқ билан иссиқ, ёз билан қиш, кун билан тун тугамайди».

### Худонинг Нуҳ билан қилган аҳди

**9** Худо Нуҳ билан ўғилларини муборак қилиб, деди: «Баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзини тўлғазинглар. <sup>2</sup> Ердаги ҳамма ҳайвонлар, осмондаги барча паррандалар, бутун ер юзида ҳаракат қилувчи махлуқлар ва бутун денгиздаги балиқлар сизлардан қўрқиб, даҳшатга тушадилар. Ана, улар қўлингизга топширилган. <sup>3</sup> Яшаётган ҳар бир жонивор сизлар учун емиш бўлади; кўк ўт каби буларнинг ҳаммасини ҳам сизларга бердим. <sup>4</sup> Фақат этни ўз жони, яъни қони билан еманглар. <sup>5</sup> Айниқса сизнинг жонингизни олгандан Мен хун талаб қиламан. Одам жонини олган ҳар бир ҳайвондан, шунингдек, ўз қон-қардошининг жонини олган ҳар бир одамдан Мен хун талаб қиламан. <sup>6</sup> Ким одам қонини тўкса, унинг қони одам қўли билан тўкилуру. Зеро одам Худо суратида яратилгандир. <sup>7</sup> Сизлар баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзида тарқалиб, кўпайиб боринглар».

<sup>8</sup> Яна Худо Нуҳ билан ўғилларига деди: <sup>9</sup> «Мен сизлар билан ва сизлардан кейинги насллар билан аҳд-паймон қиламан. <sup>10</sup> Шунингдек, сизлар билан бўлган парранда, чорва, ҳар бир тирик жон билан, яъни кемадан чиқиб, орангизда яшаётган ернинг ҳамма ҳайвонлари билан аҳд-паймон қиламан. <sup>11</sup> Сизлар билан қилаётган аҳдим ана шу мазмунда: энди ҳеч қачон тўфон сувлари билан бутун махлуқот қирилмайди, энди ҳеч қачон ерни хароб қилувчи тўфон юз бермайди».

<sup>12</sup> Худо тагин деди: «Менинг сизлар билан ҳамда сизлардаги ҳар бир тирик жон билан қилаётган, наслдан-наслга абадий ўтадиган аҳдимнинг аломати шу: <sup>13</sup> Ўзим билан ер орасидаги аҳдимнинг аломати сифатида Мен булутларда ёйимни пайдо қиламан. <sup>14</sup> Бундан буён ер юзига булут тортганимда, булутларда Менинг ёйим намоён бўлади. <sup>15</sup> Сизлар билан ва барча махлуқлар билан,

ҳар бир тирик жон билан қилган аҳдимни Мен эслаб туриб, бутун махлуқотни йўқ қиладиган тўфон тошқинига ортиқ йўл бермайман. <sup>16</sup> Мен булутларда ёй пайдо бўлганини кўрганим сайин, Ўзим ила ердаги бутун махлуқот – ҳар бир тирик жон орасидаги абадий аҳдни хотирда тутаман».

<sup>17</sup> Худо яна бир бор Нуҳга: «Менинг ердаги ҳар бир махлуқ билан қилган аҳдимнинг аломати ана шу бўлади», – деди.

### Нуҳнинг ўғилларига қилган васияти

<sup>18</sup> Нуҳнинг кемадан чиққан ўғиллари – Сом, Ҳом ва Ёфит эдилар. Ҳом Канъоннинг отаси бўлди. <sup>19</sup> Нуҳнинг бу учала ўғлидан одамзод тарқаб, бутун ер юзи бўйлаб ўрнашди.

<sup>20</sup> Нуҳ ер ҳайдаб, дастлабки тоқзорни ўтқазди. <sup>21</sup> У ўзи қилган шаробдан ичиб маст бўлиб, чодирда яланғоч ётган эди. <sup>22</sup> Канъоннинг отаси Ҳом ўз отасининг яланғоч ётганини кўрди-да, ташқарига чиқиб, ака-укасига сўзлаб берди. <sup>23</sup> Шунда Сом ва Ёфит икковлон чопонни елкасига ташлаб олишди-да, орқаси билан юриб бориб, яланғоч оталарини ёпиб қўйишди. Юзларини бошқа томонга буриб, унинг яланғочлигини кўришмади.

<sup>24</sup> Нуҳ мастликдан кейин ўзига келгач, кенжа ўғли унга нима қилганини англаб:

<sup>25</sup> «Канъон лаънати бўлсин!  
Оға-иниларига қулларнинг қули бўлсин!» – деди. <sup>26</sup> Ва сўнгра яна деди:

«Сомнинг Тангриси Худовандга санолар!  
Канъон Сомга қул бўлсин!

<sup>27</sup> Худо Ёфитни фотиҳ қилсин,  
Сом чодирларини унга берсин,  
Канъон унга қул бўлсин!»

<sup>28</sup> Нуҳ тўфондан сўнг яна уч юз эллик йил яшади.

<sup>29</sup> Нуҳ жами бўлиб тўққиз юз эллик ёш умр кўриб, ўлди.

### Нуҳдан тарқалган дунё халқлари

**10** Нуҳ ўғиллари – Сом, Ҳом ва Ёфитнинг насл-насаб тарихи куйидадир. Тўфондан кейин улардан шу авлодлар келиб чиқди:

#### Ёфитлар авлоди

<sup>2</sup> Ёфитнинг ўғиллари: Гўмер, Маъжуж, Модай, Ёвон, Тувол, Машак ва Тирос.

<sup>3</sup> Гўмернинг ўғиллари: Ашканоз, Рифат ва Тўгарма.

<sup>4</sup> Ёвоннинг ўғиллари: Элиша ва Таршиш, Киттим ва Дўдоним. <sup>5</sup> Булардан денгиз соҳилида яшовчи халқлар тарқалиб, ҳар бири ўз элати, ўз халқи ва тили бўйича жойлашган.

#### Ҳомлар авлоди

<sup>6</sup> Ҳомнинг ўғиллари: Куш, Миср, Пут ва Канъон.

<sup>7</sup> Кушнинг ўғиллари: Сабо, Ҳавила, Савта, Раъма ва Савтаха.

Раъманинг ўғиллари: Шабо ва Дедон.

<sup>8</sup> Куш яна Нимрўд деган ўғил кўрди. Нимрўд жаҳон қахрамонларининг биринчиси эди. <sup>9</sup> У Худованд олдида ов ботири деб шон қозонди. Шу сабабли эл орасида: «Худованд олдида Нимрўд каби ботир овчи», деган сўз айтиладиган бўлди. <sup>10</sup> Нимрўд даставвал Вавилония мамлакатига Бобил, Эрех, Аккад ва Калне шаҳарлари устидан ўз ҳокимиятини ўрнатди. <sup>11</sup> Ўша мамлакатдан Ассирияга кўчиб, Ниневия, Раҳовот-Ир ва Келаҳ шаҳарларини бино қилди. <sup>12</sup> Ниневия билан Келаҳ орасида Расан шаҳрини ҳам қурди; у Буюк Шаҳар деб ҳам айтилади.

<sup>13</sup> Мисрдан лудий, анамий, лаҳобий, нафтухий, <sup>14</sup> патрўсий, шунингдек, филистий халқига асос бўлган каслуҳий ва кафтўрий халқлари келиб чиққан.

<sup>15</sup> Канъондан тўнғичи Сидўн ҳамда Ҳет бино бўлган. <sup>16</sup> Яна Канъондан ябусий, амўрий, гиргоший, <sup>17</sup> хиввий, арқий, синий, <sup>18</sup> арводий, саморий ва ҳамотий халқлари келиб чиққан. Кейинроқ Канъон қабилалари тарқалиб, <sup>19</sup> улар яшайдиган макон чегараси Сидўндан Гарор ва Ғазагача, яна бу ердан Садўм, Ғамўра, Адма, Сабўйим ва Леша шаҳарларигача борар эди.

<sup>20</sup> Буларнинг ҳар бири ўз элати, ўз халқи ва тили бўйича ўлкасига эга бўлган Ҳом фарзандларидир.

### Сомийлар авлоди

<sup>21</sup> Ёфитнинг акаси Сом ҳам фарзандлар кўрди; у барча Ибр фарзандларининг отаси бўлди.

<sup>22</sup> Сомнинг ўғиллари: Элам, Ассур, Арпахшод, Луд ва Арам.

<sup>23</sup> Арамнинг ўғиллари: Ус, Хул, Гатар ва Маш.

<sup>24</sup> Арпахшод эса Шалоҳ, Шалоҳ эса Ибр деган ўғиллар кўрдилар.

<sup>25</sup> Ибр икки ўғилни кўрди: тўнғичи айёмида дунё бўлингани учун, унинг отини Фалаж (*яъни Бўлиниш*) қўйди; кенжасининг исми эса Йўқтон эди.

<sup>26</sup> Йўқтоннинг ўғиллари: Алмўдод, Шалаф ва Ҳосармавт, Ёраҳ, <sup>27</sup> Ҳадўром, Узол, Дикло, <sup>28</sup> Ўвол, Абумоил, Шабо, <sup>29</sup> Ўфир, Ҳавила ва Йўбоб эдилар. Буларнинг бари Йўқтон фарзандлари эди. <sup>30</sup> Улар Мешо билан Сефор оралиғидаги Шарқ тоғлигида ўрнашганлар.

<sup>31</sup> Мана шуларнинг ҳар бири ўз элати, ўз халқи ва тили бўйича ўлкасига эга бўлган Сом фарзандларидир.

<sup>32</sup> Буларнинг ҳаммаси Нуҳ насл-насаби сифатида ўз элати, ўз қабиласини ташкил этган. Тўфондан сўнг булардан бир неча халқлар бўлиниб, бутун ер юзига тарқалиб кетган.

### Бобил минораси ва тилларнинг чатишуви

**11** Бутун жаҳоннинг тили бир, нутқи бир бўлган вақтлар эди. <sup>2</sup> Одамлар Шарқ томон кўчиб

кетаётган эдилар. Бобил мамлакатада бир текислик топиб, у ерда ўрнашдилар.

<sup>3</sup> Одамлар бир-бировига: «Келинг, ғишт қуйиб хумдонда яхшилаб пиширамиз», – деб айтишди. Шундан сўнг тош ўрнига ғишт, гил ўрнига қатрон ишлатадиган бўлишди. <sup>4</sup> Улар: «Келинг, ўзимизга шаҳар ва боши осмонга етадиган минора бино қилайлик, бутун ер юзига тарқалиб кетмаслик учун ўзимиз учун ном чиқарайлик», – дейишди.

<sup>5</sup> Одам фарзандлари қураётган шаҳар ва минорани кўриш учун Худованд осмондан тушди. <sup>6</sup> Худованд: «Мана, ҳаммасининг миллати бир, тили ҳам бир. Улар бу ишни бошлабди-ю, энди хаёлидаги аллақандай ишларни ҳам қилишдан воз кечмайдилар. <sup>7</sup> Қани энди пастга тушиб, ўша ердаёқ уларнинг тилини аралаштириб юборайлик, токи бири бошқасининг сўзини тушунмайдиган бўлиб қолсин!» – деди.

<sup>8</sup> Шундай қилиб, Худованд одамларни у жойдан бутун ер юзига тарқатиб юборди. Шундан сўнг шаҳарни қуришни ҳам бас қилишди. <sup>9</sup> Шаҳар Бобил (*яъни Аралашув*) деб аталиб қолди, чунки ўша ерда Худованд бутун жаҳоннинг тилини аралаштириб, одамларни ер юзи бўйлаб тарқатиб юборган эди.

### Сомдан Иброҳимгача бўлган насллар

<sup>10</sup> Сом авлодлари қуйидагилардир:

Тўфондан икки йил ўтгандан сўнг Сом юз ёшга кирди ва Арпахшод исмли ўғил кўрди. <sup>11</sup> Арпахшод туғилганидан кейин Сом яна беш юз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>12</sup> Арпахшод ўттиз беш ёшида Шалоҳ исмли ўғил кўрди. <sup>13</sup> Шалоҳ туғилганидан сўнг Арпахшод яна тўрт юз уч йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>14</sup> Шалоҳ ўттиз ёшида Ибр исмли ўғил кўрди.

<sup>15</sup> Ибр туғилганидан кейин Шалоҳ яна тўрт юз уч йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>16</sup> Ибр ўттиз тўрт ёшида Фалаж исмли ўғил кўрди.

<sup>17</sup> Фалаж туғилганидан сўнг Ибр яна тўрт юз ўттиз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>18</sup> Фалаж ўттиз ёшида Рағу исмли ўғил кўрди.

<sup>19</sup> Рағу туғилганидан кейин Фалаж яна икки юз тўққиз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>20</sup> Рағу ўттиз икки ёшида Саруғ исмли ўғил кўрди.

<sup>21</sup> Саруғ туғилганидан сўнг Рағу яна икки юз етти йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>22</sup> Саруғ ўттиз ёшида Наҳўр исмли ўғил кўрди.

<sup>23</sup> Наҳўр туғилганидан кейин Саруғ яна икки юз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>24</sup> Наҳўр йигирма тўққиз ёшида Тераҳ исмли ўғил кўрди. <sup>25</sup> Тераҳ туғилганидан сўнг Наҳўр яна юз ўн тўққиз йил яшаб, кўп ўғиллар ва қизлар кўрди.

<sup>26</sup> Тераҳ етмиш йил яшаб, Ибром, Наҳўр ва Ҳарон исмли ўғиллар кўрди.

<sup>27</sup> Тераҳ авлодлари қуйидагилардир:

Тераҳдан Ибром, Наҳўр ва Ҳарон туғилди. Ҳарон эса Лут исмли ўғил кўрди. <sup>28</sup> Ҳарон отаси Тераҳ

тириклигидаёқ туғилган ери – халдейларнинг Ур шаҳрида ўлди. <sup>29</sup> Ибром ва Нахўр уйландилар: Ибром хотинининг оти Сорай эди, Нахўр эса Ҳароннинг қизи ва Исконинг синглиси Милкани олди. <sup>30</sup> Сорай наслсиз бўлиб, бола туғмас эди.

<sup>31</sup> Тераҳ ўғли Ибромни, ўғли Ҳарондан бўлган набираси Лутни, Ибромнинг хотини бўлган келини Сорайни олди ва улар билан бирга халдейларнинг Ур шаҳридан чиқиб, Канъон мамлакатига қараб жўнади. Ҳорон шаҳрига етиб келиб, ўша ерда ўрнашдилар.

<sup>32</sup> Тераҳ икки юз беш йил умр кўриб, Ҳорон шаҳрида қаза қилди.

### Худованднинг Иброҳимни чақирishi

**12** Худованд Ибромга хитоб қилиб деди: «Ўз ерингдан, она юртингдан, отанг уйидан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга кет. <sup>2</sup> Сендан буюк халқ вужудга келтираман. Сени табаррук қилиб, номингни улуғлайман. Сен баракали бўлгайсан. <sup>3</sup> Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман. Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топадилар».

<sup>4</sup> Ибром, Худованд буюрганидек, Ҳорондан чиқиб кетди. Лут эса унга йўлдош бўлди. Ибром Ҳорондан чиққанида етмиш беш ёшда эди. <sup>5</sup> У хотини Сорайни, жияни Лутни, орттирган ҳамма мол-мулкани ҳамда Ҳоронда хизматга олган одамларни ўзи билан олиб, Канъон мамлакатига қараб йўлга тушди. Охири у ерга етиб боришди. <sup>6</sup> Ибром мамлакат бўйлаб кезиб, Шакам шаҳрига, Мўре деган табаррук дарахт турган маконга келди. Ўша вақтда бу ерда канъонийлар яшар эди.

<sup>7</sup> Худованд Ибромга зоҳир бўлиб: «Мен бу ерни сенинг зурриётингга бераман», – деди. Ибром эса ўша ерда ўзига зоҳир бўлган Худованд шаънига қурбонгоҳ қурди.

<sup>8</sup> У ердан жўнаб, Ибром Байтил шаҳрининг шарқ томонидаги тоғлик жойга кўчиб кетди. Фарб томонга қараганда Байтил, шарқ томонга қараганда эса Ғай кўришиб турадиган бир жойда чодир тикди. Ўша ерда яна Худованд шаънига қурбонгоҳ қуриб, Худованд исмини чақирди.

<sup>9</sup> Кейин Ибром ўз йўлида давом этиб, Жанубистонга кетди.

### Иброҳим Мисрда

<sup>10</sup> Шу орада мамлакатда қаҳатчилик юз берди. Ибром мусофир бўлиб яшаш учун Мисрга қараб равона бўлди, чунки мамлакатдаги қаҳатчилик ҳаддан зиёд эди. <sup>11</sup> Мисрга яқинлашаётган вақтда, Ибром хотини Сорайга шундай деди:

– Мана, мен биламанки, сен жуда гўзал хотинсан. <sup>12</sup> Мисрликлар сени кўргач: «Бу унинг хотинидир», деб мени ўлдириб, сени тирик қолдирадилар.

<sup>13</sup> Энди ўзингни унинг синглисиман деб айтгин,

токи сен орқали мен яхшилик топиб, барҳаёт қолайин.

<sup>14</sup> Ниҳоят Ибром Мисрга етиб келганида, мисрликлар унинг хотини жуда ҳам гўзаллигини кўришди. <sup>15</sup> Фиръавннинг амирлари ҳам кўриб, у ҳақда Фиръавнга мадҳ этишди. Фиръавн эса аёлни саройига олиб келтирди. <sup>16</sup> У сабабли Ибромга ҳам мурувват қилди: унга қўю сигирлар, эшаклар, қуллар, чўрилар, хачирлар ва туялар совға қилди. <sup>17</sup> Аммо Худованд Ибромнинг хотини Сорай туфайли Фиръавн ва унинг сарой аҳлини оғир кулфатларга йўлиқтирди.

<sup>18</sup> Шунда Фиръавн Ибромни чақиртиб:

– Менга бу нима қилганинг? Бу сенинг хотининг эканлигини нега менга билдирмадинг? <sup>19</sup> Нима учун «Бу менинг синглим» дединг? Бўлмаса уни ўзимга хотинликка олмасдим-ку! Мана хотининг, ол-да, кўзимдан йўқол! – деди.

<sup>20</sup> Сўнг Фиръавн одамларига фармон берди. Улар Ибром билан хотинини ўзларининг бор-йўқ нарсалари билан бирга узатиб қўйишди.

### Иброҳим ва Лутнинг ажралиши

**13** Шундай қилиб, Ибром ўзи билан хотини ва Лутни ҳамда бутун мол-мулкларини олиб, Мисрдан чиқди ва Жанубистонга қайтиб кетди. <sup>2</sup> Ибром чорвага, кумушу олтинга жуда бой эди. <sup>3</sup> У яна Жанубистондан сафарга чиқиб, Байтилга етгунча қўноқлаб йўл юрди. Байтил билан Ғай орасида жойлашган ва илгари ўз чодирини тиккан маконга борди. <sup>4</sup> Ибром дастлаб қурбонгоҳ қурган ўша жойда Худованд исмини чақирди.

<sup>5</sup> Ибромнинг йўлдоши Лутда ҳам қўйлар, сигирлар ва чодирлар бор эди. <sup>6</sup> Ниҳоят мамлакатга иккови бирга сиғмай қолди. Уларнинг мол-мулки жуда кўпайиб, энди бирга яшай олмас эдилар. <sup>7</sup> Бундан ташқари ўша вақтда мамлакатда канъонийлар ва периззийлар яшар эди.

Ибром билан Лутнинг чўпонлари орасида жанжал юз бериб қолган бир пайтда, <sup>8</sup> Ибром Лутга: «Зинҳор бир-биримиз ва молбоқарларимиз орасида жанжал бўлмасин. Биз қариндошмиз! – деди. <sup>9</sup> – Мана, бутун мамлакат кўз ўнгингда турибди. Мендан ажралиб, истаган томонингга кета қол. Агар сен чап томонга кетсанг, унда мен ўнг томонга бораман, агар ўнг томонга кетсанг, унда мен чап томонга бораман».

<sup>10</sup> Лут атрофга бир қараган эди, кўзига кенг Ўрдун уваси кўринди. Худованд Садўм ва Ғамўрани хароб қилишидан олдин бу ува то Сўъарга боргунча жуда серсув эди, бамисоли Худованднинг жаннатидай, Миср диёридай эди. <sup>11</sup> Шундай қилиб, Лут ўзига бутун Ўрдун увасини танлади. Улар бир-биридан айрилдилар. Лут шарқ томон ҳаракат қилди, <sup>12</sup> Ибром эса Канъон юртида тураверди. Лут угадаги шаҳарларда ўрнашиб, чодирлар қуриб, Садўм яқинларигача етди. <sup>13</sup> Садўм одамлари эса ўта ёвуз, Худованд олдида жуда гуноҳкор эдилар.

<sup>14</sup> Лут Ибромдан айрилганидан кейин, Худованд Ибромга деди: «Энди сен ҳозир турган жойингдан шимолга, жанубга, шарққа ва ғарбга кўзингни тиккин. <sup>15</sup> Ана, шу сен кўриб турган мамлакатнинг ҳаммасини Мен сенга ва зурриётингга абадий бераман. <sup>16</sup> Сенинг зурриётингни ернинг кумидек кўпайтираман. Агар бирон киши ернинг кумини санай олса, сенинг зурриётингни ҳам санаб бўлади. <sup>17</sup> Қани ўрнингдан тур, мамлакатни бу бошидан у бошигача кезиб чиқ! Сенга Мен уни бераман». <sup>18</sup> Шундан сўнг Ибром Ҳебрўндаги Мамре болутзорида манзил қилиб, чодирларини кўчириб борди. Уша жойда Худованд шарафига қурбонгоҳ тиклади.

#### Иброҳим Лутни асирликдан қутқаргани

**14** Ўша замонда Бобил подшоҳлигида Амрафел, Элласар подшоҳлигида Ариўх, Элам подшоҳлигида Кадўр-Лоўмер ва Гўйим подшоҳлигида Тидўол ҳукмронлик қилардилар. <sup>2</sup> Улар Садўм шоҳи Бера, Ғамўра шоҳи Бирша, Адма шоҳи Шинъоб, Сабўйим шоҳи Шемавар ва Бела (яъни Сўъар) шоҳи билан урушга бордилар. <sup>3</sup> Бу шоҳлар ҳаммаси бирлашиб, Сиддим водийси (яъни бугунги Туз денгизи) томон ҳаракат қилдилар. <sup>4</sup> Улар ўн икки йил Кадўр-Лоўмерга қарам бўлган ва ўн учинчи йилда эса исён қилган эдилар. <sup>5</sup> Ўн тўртинчи йилда Кадўр-Лоўмер ва у билан бирлашган подшоҳлар ҳужумга ўтиб, Аштарўт-Қарнайм шаҳридаги рафойларни, Ҳом шаҳридаги зузийларни ва Қирёттайм текислигида яшовчи эмийларни мағлубиятга учратдилар. <sup>6</sup> Сеъир тоғлигида яшовчи ҳўрийларни ҳам енгиб, чўл чеккасидаги Эл-Порон шаҳригача қувиб бордилар. <sup>7</sup> У ердан қайтиб, Айн-Мишпот (яъни Қадеш) шаҳрига бордилар, бутун омолеқийлар юртини олиб, Ҳасасўн-Томор шаҳрида яшовчи амўрийларни ҳам мағлубиятга учратдилар. <sup>8</sup> Шу орада Садўм, Ғамўра, Адма, Сабўйим ва Бела (яъни Сўъар) шаҳарларининг шоҳлари Сиддим водийсида душманга қарши саф тортиб кутиб турган эдилар. <sup>9</sup> Ана шу бешта шоҳ тўртта подшоҳ – Элам подшоҳи Кадўр-Лоўмер, Гўйим подшоҳи Тидўол, Бобил подшоҳи Амрафел ва Элласар подшоҳи Ариўхга қарши жанг қилдилар. <sup>10</sup> Сиддим водийси ўшанда қатрон чуқурлари билан тўла эди. Садўм ва Ғамўра шоҳлари энгилиб қочиб кетишаётганда, бу чуқурларга йиқилиб кетдилар. Қутулиб қолганлари эса тоғларга қочиб кетдилар. <sup>11</sup> Тўртала подшоҳ эса Садўм ва Ғамўра шаҳарларининг бутун бойлик ва озуқаларини талаб кетдилар. <sup>12</sup> Уша вақтда Садўмда яшаб турган Ибромнинг жияни Лутни ҳам асир олиб, унинг ўзини ва бутун мол-мулкни олиб кетдилар. <sup>13</sup> Қочоқлардан бири иброний Ибромга бориб, бўлган воқеаларни хабар қилди. Ибром ўша вақтда Эшқўл ва Онернинг қариндоши – амўрий Мамренинг болутзорида яшар, Мамренинг қавми

эса унинг иттифоқчилари эди. <sup>14</sup> Ибром жияни асир олинганини эшитиб, ўзининг уйида туғилиб тарбияланган уч юз ўн саккиз эрни қуроллантирди-да, подшоҳларнинг кетидан қувиб, Дан шаҳрига етиб борди. <sup>15</sup> Кечаси Ибром ва унинг қуллари бўлиниб, душманга ҳужум қилишди ва уларни тор-мор қилишди. Уларнинг кетидан яна қувиб, Дамашқ шаҳрининг шимолий тарафидаги Ҳўва еригача етиб келишди. <sup>16</sup> У ердан Ибром ўлжага олинган бутун мол-мулкларни қайтариб келди. Жияни Лутни ва унинг мол-мулки, хотинлари билан қавм-қариндошларини ҳам қайтариб келди.

#### Малкисидқ Иброҳимни дуо қилгани

<sup>17</sup> Ибром Кадўр-Лоўмер ва унга иттифоқдош бўлган подшоҳларни тор-мор этиб қайтиб келаётганида, Садўм шоҳи уни Шове текислигида (яъни Шоҳ водийсида) қаршилагани чиқди. <sup>18</sup> Худойи Таолонинг руҳонийси бўлган Салим шоҳи Малкисидқ ҳам Ибромга нон ва шароб олиб чиқди. <sup>19</sup> У Ибромни дуо қилиб, шундай деди: «Еру кўкни яратган Худойи Таоло Ибромни муборак қилгай! <sup>20</sup> Ёвларингни қўлингга берган Худойи Таоло Ўзи муборак бўлгай!» Ибром эса Малкисидққа ҳар бир нарсадан ушр берди. <sup>21</sup> Садўм шоҳи Ибромга: – Одамларни менга беру, мол-мулкни ўзингга олгин, – деди. <sup>22</sup> Лекин Ибром Садўм шоҳига деди: – Мен еру кўкни яратган Худованд, Тангри Таоло ҳақи онт ичиб қўл кўтараман: <sup>23</sup> Сенинг бутун нарсаларингдан, ипдан тортиб чориқ боғигача бирон нарса ҳам олмайман. Яна: «Мен Ибромни давлатманд қилдим», демагин. <sup>24</sup> Ёлғиз йигитларнинг еб-ичганлари ва мен билан жангга борган одамлар – Онер, Эшқўл ва Мамренинг улуши бунга кирмайди, улар ўз ҳиссаларини олсинлар.

#### Худонинг Иброҳим билан қилган аҳди

**15** Бу ҳодисалардан кейин Худованд Ибромга ваҳий орқали каломини юбориб: – Эй Ибром, қўрқма, Мен сенга қалқонман. Сен учун мукофот ғоят катта бўлади, – деди. <sup>2</sup> Ибром бунга жавобан: – Ё Худоё Худовандо! Сен менга нима берасан? Мана, мен фарзандсиз кетаётирман. Рўзгоримни эса менга ўғиллик қиладиган дамашқлик Илъазар бошқаради. <sup>3</sup> Сен менга авлод бермаганингдан сўнг, энди хонадонимда ўғиллик қиладиган мана шу қулбошим менинг ворисим бўлади, – деди. <sup>4</sup> Шунда Худованд Ибромга каломини юбориб: – Йўқ, бу сенинг ворисинг бўлмайди, балки ўз уруғингдан ҳосил бўлажак ўғлинг сенинг ворисинг бўлади, – деди. <sup>5</sup> Сўнг Ибромни ташқарига чиқариб:

– Осмонга қараб юлдузларни санай олсанг, сана, – деди. Ва қўшиб: – Мана сенинг авлодинг ҳам шунчалик кўп бўлади, – деди.

<sup>6</sup> Ибром эса Худовандга ишонди ва шу тариқа оқланди.

<sup>7</sup> Сўнгра Худованд Ибромга яна хитоб қилиб:

– Бу ерга эга бўлишинг учун Мен, Худованд, сени халдейларнинг Ур шаҳридан чиқарганман, – деди.

<sup>8</sup> Ибром сўради:

– Ё Худоё Худовандо! Бу ерга эга бўлишимни мен қандай биламан?

<sup>9</sup> Худованд:

– Менга уч ёшли ғунажин, уч ёшли эчки, уч ёшли қўчқор ва битта мусича билан каптар жўжасини топиб кел, – деди.

<sup>10</sup> Ибром эса буларнинг ҳаммасини топиб келди.

Қурбонликларни икки пора қилиб, ҳар қайси бўлагини бошқа бўлагининг қаршисига қўйди. Фақат қушларни пора қилмади. <sup>11</sup> Улаксалар устига калхатлар қўна бошлади, Ибром уларни ҳуркитиб юборди.

<sup>12</sup> Қуёш ботиш чоғида Ибромни қаттиқ уйқу босди. Шу пайтда катта даҳшату зулмат уни чулғаб олди. <sup>13</sup> Худованд Ибромга хитоб қилиб деди:

– Шуни яхши билиб қўйгинки, сенинг насл-насабинг бегона юртда ғарибларча яшаб, кул бўладилар, тўрт юз йил жабр-зулм кўрадилар.

<sup>14</sup> Аммо уларни кул қилган халқни эса Мен ҳукм этаман. Шундан сўнг улар катта мол-мулк билан у ердан чиқиб кетадилар. <sup>15</sup> Сен нуруний мўйсафид бўлиб ўлиб, дафн этилажаксан ва ота-боболаринг олдига боражаксан. <sup>16</sup> Амўрийларнинг гуноҳи ҳаддидан ошмагунча, сенинг насл-насабинг бу ерга қайтиб келмас, фақат тўрт авлод ўтгандан кейин қайтиб келажаклар.

<sup>17</sup> Қуёш ботиб, қоронғилик чўккан эди. Қўққисдан тутаб турган бир тандир ва алангаланаётган бир машъал кўринди, булар қурбонлик парчалари орасидан ўтди. <sup>18</sup> Ўша куннинг ўзида Худованд Ибром билан аҳд қилиб, деди:

– Миср водийсидан бошлаб улкан Фрот дарёсига қадар бу ернинг ҳаммасини Мен сенинг авлодингга бераман: <sup>19</sup> қенийлар, қенизийлар, қадмўнийлар, <sup>20</sup> ҳетийлар, периззийлар, рафойийлар, <sup>21</sup> амўрийлар, канъонийлар, гиргошийлар ва ябусийлар юртарининг ҳаммасини сенинг авлодингга бераман.

### Ҳожар билан Исмоил

**16** Ибромнинг хотини Сорай бола туғмаётган эди. Сорайнинг Ҳожар деган мисрлик чўриси бор эди. <sup>2</sup> Бир куни Сорай Ибромга:

– Мана, Худованд мени туғишдан ожиз қилди. Сиз энди чўримнинг ёнига кираверинг, балки ундан болали бўларман, – деди.

Ибром Сорайнинг сўзига қулоқ солди. <sup>3</sup> Шундай қилиб, улар Канъон юртида ўрнашганларининг ўнинчи йилида Ибромнинг хотини Сорай ўзининг

мисрлик чўриси Ҳожарни эри Ибромга хотинликка олиб берди. <sup>4</sup> Ибром Ҳожарнинг ёнига кирганидан кейин, у ҳомиладор бўлди. Ҳожар ҳомиладорлигини пайқагач, хонимини назарга илмай қўйди.

<sup>5</sup> Сорай Ибромга:

– Менинг жафо чекишимга сиз айбдор! Мен чўримни сизнинг қўйнингизга солиб қўйдим, у ҳомиладор эканини билгач, мени назарига илмай қўйди. Бизнинг орамизда Худованд Ҳоқим! – деди.

<sup>6</sup> Ибром Сорайга:

– Ўз чўринг ўз ихтиёрингда эмасми? Сен у билан билганингни қилавер, – деди.

Сорай эса чўриси Ҳожарга шундай озор бердики, Ҳожар Сорайнинг олдидан қочиб кетди. <sup>7</sup> Ниҳоят Худованднинг фариштаси чўлдаги бир чашма бошида, Шур йўлидаги булоқ бошида Ҳожарни топиб:

<sup>8</sup> – Эй Сорайнинг чўриси Ҳожар! Қайдан келиб, қайга бораётирсан? – деди.

– Мен хонимим Сорайнинг олдидан қочиб келаётирман, – деди Ҳожар. <sup>9</sup> Худованднинг фариштаси унга:

– Хониминг ёнига қайт ва унинг озорига чида, – деди. <sup>10</sup> Сўнг Худованд фариштаси қўшиб Ҳожарга: – Сенинг авлодингни шу қадар кўпайтираманки, кўплигидан уни санаб бўлмайди, – деди.

<sup>11</sup> Худованднинг фариштаси учинчи гал Ҳожарга гапирди:

– Мана, сен ҳомиладор бўлдинг, энди бир ўғил туғасан. Худованд сенинг жафоларингга қулоқ солгани учун, ўғлингнинг исмини Исмоил (*яъни Худо эшитади*) деб қўясан. <sup>12</sup> У инсонлар орасида асов эшакдай бўлмай. Унинг қўли ҳаммага қарши, ҳамманинг қўли ҳам унга қарши кўтарилмай. У барча қариндошлари билан қарама-қаршиликка бориб туражак.

<sup>13</sup> Ҳожар:

– Мени кўриб турган Тангрини мен ўз кўзим билан кўриб, *тирик қолибман*, – деди ва ўзига гапирётган Худовандни «Кўрувчи Тангри» деб чақирди. <sup>14</sup> Шунинг учун ҳам бу қудуқ «Барҳаёт Тангри кўзи» деб ном олди. У Қадеш билан Барад орасида жойлашган.

<sup>15</sup> Ҳожар Ибромга ўғил туғиб берди. Ибром Ҳожар туққан ўғилнинг отини Исмоил қўйди. <sup>16</sup> Ҳожар Ибромга Исмоилни туғиб берганида, Ибром саксон олти ёшда эди.

### Худо билан аҳдлашиш белгиси – хатна

**17** Ибром тўқсон тўққиз ёшга кирган эди. Худованд унга зоҳир бўлиб деди: «Мен Қодир Тангриман. Менинг олдимда покдил бўлиб юргин. <sup>2</sup> Мен сен билан аҳд-паймон қиламан, сени жуда ҳам кўпайтираман».

<sup>3</sup> Ибром юз тубан ерга йиқилди. Худо у билан гаплашиб деди: <sup>4</sup> «Мен сен билан аҳд қилиб, сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қиламан. <sup>5</sup> Сенинг

исминг энди Ибром эмас, балки Иброҳим бўлади; зеро сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қилиб тайинладим. <sup>6</sup> Сени жуда ҳам баракали қилиб, сендан эл-халқлар вужудга келтираман. Сенинг уруғингдан подшоҳлар келиб чиқадилар. <sup>7</sup> Мен сен билан ва сендан кейинги авлодларинг билан наслдан-наслга ўтиб барқарор бўладиган абадий аҳдимни тузаман. Сенинг ва сендан кейинги авлодларингнинг Худоси Мен бўламан. <sup>8</sup> Сен ҳозир мусофирларча яшаётган мамлакатни – бутун Канъон ерини сенга ва сендан кейинги авлодларингга абадий мулк қилиб бераман. Уларнинг Худоси Мен бўламан».

<sup>9</sup> Худо Иброҳимга яна деди: «Энди сен ва сендан кейин туғилладиган барча авлодларинг ҳам Менинг аҳдимга риоя қилиб юринглар. <sup>10</sup> Сенга ва сендан кейинги авлодларингга қуйидаги аҳдга риоя қилишингизни буюраман: орангиздаги ҳар бир эркак хатна қилинсин. <sup>11</sup> Сизлар аъзонгиз учигаги терини кестириб, суннат бўлинглар. Ана шу Мен билан сизларнинг орангиздаги аҳднинг белгиси бўлади. <sup>12</sup> Бундан буён наслингиздан туғилладиган ҳар бир ўғил болангиз, шу жумладан уйда туғилган ва бегона уруғдан бўлиб, сотиб олинган барча ўғил болалар ҳам саккиз кунлигида хатна қилинсинлар. <sup>13</sup> Хоҳ уйингизда туғилсин, хоҳ сотиб олинсин, сўзсиз хатна қилинсинлар. Менинг аҳдим ўз танангизда муҳрланган абадий аҳд бўлади. <sup>14</sup> Аъзосини кестирмай, суннатсиз тураверган эркак эса ўз қавми орасидан йўқ қилинсин. Бундай киши Менинг аҳдимни бузган ҳисобланади».

### Худонинг Сорога берган ваъдаси

<sup>15</sup> Худо Иброҳимга яна:

– Хотининг Сорайни энди Сорай деб чақирма; унинг исми Соро (*яъни Бека*) бўлсин. <sup>16</sup> Мен уни баракали қилиб, ундан сенга ўғил ҳам бераман. Уни шундай баракали қиламанки, у эл-халқларнинг онаси бўлади. Ундан ҳатто халқларнинг подшоҳлари туғилдилар, – деди.

<sup>17</sup> Иброҳим буни эшитиб, юз тубан ерга йиқилди. «Наҳотки юз ёшга кирган эркакдан бола бўлса? Наҳотки тўқсон яшар Соро бола туғса?» – деб кўнглидан ўтказди ва кулиб юборди. <sup>18</sup> Сўнг Иброҳим Худога:

– Кошки Исмоил Сенинг лутфу караминг остида яшаса эди! – деди. <sup>19</sup> Худо деди:

– Хотининг Соро сенга ўғил туғиб бериши муқаррар. Унга Исҳоқ деб исм қўясан. Ундан кейинги авлод учун ҳам абадий аҳд бўлсин, деб Мен у билан аҳдлашмоқчиман. <sup>20</sup> Бироқ, Исмоил ҳақида айтган сўзингга ҳам қулоқ бердим. Мен уни баракали қиламан ва жуда ҳам кўпайтираман. Ундан ўн икки қабила йўлбошчиси келиб чиқади. Мен ундан буюк халқ вужудга келтираман. <sup>21</sup> Аммо ўз аҳдимни эса келаси йил шу вақтнинг ўзида Соро сенга туғиб берадиган Исҳоқ орқали амалга ошираман.

<sup>22</sup> Худо Иброҳим билан гапини тамомлаб, унинг олдидан юқорига кўтарилди. <sup>23</sup> Иброҳим эса, Худо унга буюрганидек, ўша куннинг ўзида ўғли Исмоилни ва унинг хонадонида туғилган ҳамда сотиб олинган бутун эркакларни хатна қилди. <sup>24</sup> Иброҳим ўзи хатна қилинганида тўқсон тўққиз ёшда эди. <sup>25</sup> Унинг ўғли Исмоил хатна қилинганида ўн уч ёшда эди. <sup>26</sup> Улар иккаласи ўша куннинг ўзида суннат қилиндилар. <sup>27</sup> Шунингдек, Иброҳим билан бирга унинг хонадонидаги барча эркаклар – уйда туғилганлар билан бегона уруғдан сотиб олинганлар ҳам барчаси хатна қилиндилар.

### Иброҳимга ўғил хабарлаган фаришталар

**18** Куннинг жазирама иссиқ вақтида Иброҳим чодирининг эшиги олдида ўтирган эди.

Бирданига Худованд Мамре болутзори ичидан унга зоҳир бўлди. <sup>2</sup> Иброҳим бир қараб, рўпарада уч киши турганини кўрди. Иброҳим уларни кўриши биланоқ чодир эшигидан туриб, уларни кутиб олгани чопди-да, ергача эгилганча таъзим қилди.

<sup>3</sup> – Ҳазратим, – деди, – Агар мендан рози бўлсанг, бандангдан юз ўгириб кетма. <sup>4</sup> Бир оз сув келтирсин, оёқларингизни ювинглар, шу дарахт тагида ёнбошлаб дам олинглар. <sup>5</sup> Мен бир луқма нон олиб келай. Дилингизга қувват киритиб, яна сафарни давом эттирасизлар. Бандангиз томон йўлингиз тушибди, ахир.

– Хўп, худди айтганингдек қилавер! – деди улар.

<sup>6</sup> Иброҳим чодирга, Соронинг ёнига шошилиб кирди-да:

– Тез бўл, уч тоғора майда ун олиб, хамир қил ва патир ёп, – деди. <sup>7</sup> Сўнг Иброҳим пода томон чопди-ю, битта яхши, ёш бузоқни олиб, хизматчи йигитга берди. Йигит эса дарҳол бузоқни сўйиб пиширишга қўл урди. <sup>8</sup> Шу орада Иброҳим сариёғ билан сут келтирди. Бузоқ пишгач, уни ҳам меҳмонлар олдига қўйди. Улар овқатланар эканлар, Иброҳим дарахтнинг тагида ҳозир бўлиб турарди. <sup>9</sup> Улар Иброҳимдан сўрашди:

– Хотининг Соро қаерда?

– Шу ерда, чодирда, – деди Иброҳим. <sup>10</sup> Улардан Бири:

– Келгуси йил шу вақтда Мен сенинг олдинга қайтиб келганимда, хотининг Соронинг бир ўғли бўлади, – деди.

Соро эса Унинг орқа томонида, чодирнинг эшиги олдида гапни тинглаб турарди. <sup>11</sup> У бу гапни эшитиб, ич-ичидан кулиб юборди. Чунки Иброҳим билан Соро энди жуда қариб қолишган, умрлари охирлаб қолган, Сорода хотинларга хос хусусият ҳам тугаган эди. «Қариганимдан кейин мен яна гаштимни сурар эканман-да! Жанобим ҳам қариб қолганлар-ку, ахир», – деб кўнглидан кечирди.

<sup>13</sup> Худованд Иброҳимга деди:

– Нима учун Соро кулиб, «Мен қариганимда яна бола туғсам бўлармикин», деб айтди? <sup>14</sup> Худованд учун имконсиз нарса борми? Келгуси йил

белгиланган вақтда Мен сенинг олдинга қайтиб келганимда, Соронинг бир ўғли бўлади, – деди.

<sup>15</sup> Шунда Соро кўрқиб:

– Кулганим йўқ, – деб сўзидан тонди. Лекин У:

– Йўқ, кулдинг! – деди.

### Иброҳимнинг Садўм учун ёлвориши

<sup>16</sup> Фаришталар у ердан пастга қараб, Садўм томон жўнаб кетдилар. Иброҳим эса уларни кузатиб кўйгани бирпас уларга йўлдош бўлди. <sup>17</sup> Шу орада Худованд деди: «Мен қиладиган ишимни Иброҳимдан яширмайман. <sup>18</sup> Иброҳимдан-ку улуг ва кучли халқ келиб чиқади. Бутун ер юзидаги халқлар ундан барака топадилар. <sup>19</sup> У ўзидан кейинги ўғилларига ва уй аҳлига ҳам Худованд йўлидан боришни, тўғрилиқ ва одиллик билан иш қилишни амр этсин, деб Мен уни танладим. Шу амрга амал қилишса, Мен, Худованд, Иброҳим ҳақида сўзлаганларимни амалга ошираман».

<sup>20</sup> Худованд яна деди: «Садўм ва Ғамўра устидан оҳу воҳлар кўп бўлган, уларнинг гуноҳлари жуда оғир бўлган. <sup>21</sup> Энди Мен пастга тушай, қулоғимга етиб келган оҳ-фиғонлар ростмикин, улар эшитганимча разилликка борганмикин, бир кўрайин. Рост бўлмаса уни ҳам билайин».

<sup>22</sup> Шу орада фаришталар Садўмга қараб жўнаб кетишган, Иброҳим эса ёлғиз ўзи Худованд олдида тик турган эди. <sup>23</sup> Иброҳим Унга яқинроқ келиб деди:

– Наҳотки Сен солиҳни ёвуз киши билан бирга қириб ташласанг? <sup>24</sup> Балки бу шаҳарда эллик нафар солиҳ киши бордир. Наҳотки ўша эллик нафар солиҳ ҳақи бу жойга омонлик бермасанг? <sup>25</sup> Асло, солиҳни ёвуз билан бирга қириб ташлама! Солиҳ билан ёвузнинг қисматини баробар тутиш ҳеч ҳам Сенга муносиб иш эмас. Сен бутун ернинг Ҳокимисан, шак-шубҳасизки, Сен адолат билан ҳукм қиласан.

<sup>26</sup> Худованд:

– Агар Мен Садўм шаҳрида эллик нафар солиҳ киши топсам, улар ҳақи бутун бу жойга омонлик бераман, – деди. <sup>27</sup> Иброҳим жавоб берди:

– Мана мен тупроқ ва кул бўла туриб, Раббимга гапиришга журъат этдим. <sup>28</sup> Агар эллик солиҳга беш нафар етмаса-чи, шу беш нафар учун Сен бутун шаҳарни хароб қиласанми?

– Агар у ерда қирқ беш нафар солиҳ топсам, хароб этмайман, – деди Худованд. <sup>29</sup> Иброҳим яна Унга гапиришда давом этиб:

– Бордию, у ерда қирқ нафар топилса-чи? – деди.

– Шу қирқ нафар ҳақи учун ҳам бу ишни қилмайман, – деди Худованд. <sup>30</sup> Иброҳим яна:

– Айтадиган сўзимга Раббим ғазабланмасин-у, мабодо у ерда ўттиз нафар топилса-чи? – деди. Худованд:

– Агар у ерда ўттиз нафар топилса ҳам, бу ишни қилмайман, – деди. <sup>31</sup> Иброҳим:

– Мана, мен Раббимга гапиришга кўп журъат қилдим, бордию у ерда йигирма нафар топилса-чи? – деди. Худованд:

– Ўша йигирма нафар ҳақи учун ҳам бу жойни хароб қилмайман, – деди. <sup>32</sup> Иброҳим Унга:

– Мен яна бир марта сўзласам, Раббим дарғазаб бўлмасин: бордию у ерда ўн нафаргина топилса-чи? – деди. Худованд:

– Ўша ўн нафар ҳақи учун ҳам бу жойни хароб қилмайман, – деди.

<sup>33</sup> Худованд Иброҳим билан гапини тамом қилиб, ундан айрилиб кетди. Иброҳим эса ўз маконига қайтиб кетди.

### Садўм ва Ғамўранинг хароб бўлиши, утнинг халос бўлиши

**19** Оқшом тушгач, ўша икки фаришта Садўмга келдилар. Шаҳар дарвозаси ёнида Лут ўтирган эди. Лут уларни кўриши биланоқ ўрнидан туриб, уларга пешвоз чиқди, юзи билан ерга йиқилгудек бўлиб таъзим қилди:

<sup>2</sup> – Жанобларим, бандангизнинг уйига кириб кечани ўтказинглар, оёқларингизни ювинглар. Эрта билан туриб, яна ўз йўлингизга кетасизлар, – деди. Улар эса:

– Йўқ, биз кўчада тунаймиз, – дедилар. <sup>3</sup> Фақат Лут уларга жуда кўп ялингандан кейин унинг уйига кириб меҳмон бўлдилар. Лут уларга зиёфат берди, патир нон ёпди, улар еб тўйди.

<sup>4</sup> Улар ҳали ётмаган эдилар, Садўм шаҳрининг барча аҳолиси, ёшлардан тортиб кексаларгача – шаҳарнинг ҳамма одамлари йироқ-яқиндан келишиб, уйнинг атрофини ўраб олдилар. <sup>5</sup> Улар Лутни чақириб:

– Бу кеч сенинг олдинга келган одамлар қани? Уларни бизнинг олдимизга олиб чиқ, уларни яқиндан билиб олайлик! – дедилар. <sup>6</sup> Лут эса уларнинг олдига, остонага чиқиб, кетидан эшикни ёпиб қўйди-да:

<sup>7</sup> – Биродарларим, зинҳор уларга ёмонлик қилманглар! <sup>8</sup> Мана, менинг эрга тегмаган икки қизим бор. Яхшиси мен уларни олдингизга чиқарай, улар билан ўзингиз маъқул кўрганингизни қилинглар. Фақат бу одамларга қўл тегизманглар, улар менинг томим остида манзил топишган, ахир, – деди.

<sup>9</sup> Аммо одамлар бир оғиздан:

– Йўлни бўшат! Мана бир киши бегона жойдан истиқомат қилишга келади-ю, охирида қозиликка ҳам интилади! Энди улардан кўра сенга кўпроқ ёмонлик қиламиз, – деб Лутни кўп сиқдилар. Эшикни синдириб ташлаш учун ҳамла қилдилар.

<sup>10</sup> Шу заҳот ичкаридаги зотлар қўл узатиб, Лутни ёнларига, уйга олиб кирдилар ва орқаларидан эшикни бекитиб қўйдилар. <sup>11</sup> Эшик олдида турган одамларнинг каттаю кичигини кўрликка мубтало қилдилар, улар эса эшикни топишга ожиз бўлдилар.

<sup>12</sup> Фаришталар Лутга:

– Бу ерда сенинг яна киминг бор? Куёвингми, ўғлингми, қизингми – шаҳарда киминг бўлса, ҳаммасини бу ердан олиб чиқиб кетгин. <sup>13</sup> Чунки биз бу шаҳарни хароб қилмоқчимиз. Бу ердаги одамларнинг ёвузлиги ҳақидаги оҳ-фиғонлар Худовандгача етиб борди. Мана шу жойни хароб қилиш учун Худованд бизни юборди, – дейишди.

<sup>14</sup> Лут ташқарига чиқиб, куёвлари билан гаплашди:

– Туринглар, бу жойдан чиқиб кетинглар, чунки Худованд бу шаҳарни хароб қилмоқчи, – деди. Лекин куёвлари назарида у ҳазил қилаётгандек туюлди.

<sup>15</sup> Тонг отганда, фаришталар Лутни қистаб:

– Бу шаҳарнинг гуноҳи туфайли ҳалок бўлмаслигинг учун энди ўрнингдан тур, ўзинг билан хотинингни ва икки қизингни олиб кет, – дедилар. <sup>16</sup> Лут эса сусткашлик қилса ҳам, Худованд уни аяди. Фаришталар уни, хотини ва икки қизини кўлидан ушлаб, шаҳарнинг ташқарисига чиқариб қўйдилар. <sup>17</sup> Уларни ташқарига чиқараётган вақтда фаришталардан бири:

– Жонингни сақлаб қочиб қол, орқага ҳеч қарама. Ҳалок бўлмаслик учун атрофдаги бирон жойда ҳам тўхтамай, тўғри тоққа чиқ, бошингни омон сақла, – деди. <sup>18</sup> Аммо Лут унга:

– Йўқ энди, Ҳазратим! <sup>19</sup> Мана, сен шу бандангни илтифотингга сазовор ҳисоблабсан, жонимни аяб, жуда катта эҳсон қилдинг. Бироқ, ўзимни кулфату ўлимдан сақлаб қолиш учун тоққа қочиб кета олмайман. <sup>20</sup> Мана, шу яқин жойда кичик шаҳарча бор. Мен анави кичкина жойга қочиб, жонимни сақлаб қоламан, – деди. <sup>21</sup> Фаришта Лутга деди:

– Мен бу ишда ҳам сенга эътибор бераман, сен айтган шаҳарни яксон қилмайман. <sup>22</sup> Энди тез ҳаракат қил, у ерга қочиб омон бўл. Чунки сен у ерга етиб бормагунингча, мен бирон иш қила олмайман, – деди.

Ана шу сабабли бу шаҳар Сўъар (*яъни Кичкина*) деб аталиб келади.

<sup>23</sup> Мамлакат узра кун ёришиб, Лут Сўъарга етиб борган эдики, <sup>24</sup> Худованд Садўм билан Ғамўра устига осмондан, Ўз ҳузуридан оловли олтингургурт ёғдирди. <sup>25</sup> Бу шаҳарларни ҳамда уларда яшовчиларнинг ҳаммасини, бутун ува ва унинг ўсимликларини ҳам ер билан яксон қилиб ташлади. <sup>26</sup> Лутнинг хотини эса орқасига қараб, туз тирагига айланиб қолди.

<sup>27</sup> Эрта билан Иброҳим йўлга чиқиб, Худованд рўпарасида турган ўша жойга борди. <sup>28</sup> Пастга қараб, Садўм ва Ғамўра ҳамда бутун ува бўйлаб рўй берган фожиани пайқади. Ер сатҳидан кўтарилаётган паға-паға тутун ёнар кўрадан чиқаётган тутунга ўхшар эди.

## Лут ва унинг қизлари

<sup>29</sup> Лут истиқомат қилган ува шаҳарларини Худо ер билан яксон қилганида, У Иброҳимнинг ҳақи учун талаф бўлаётганлар орасидан Лутни халос қилган эди. <sup>30</sup> Лут Сўъар шаҳридан чиқиб, икки қизи билан тоғда яшай бошлади. Чунки у Сўъарда туришдан кўрқди ва икки қизи билан бир ғорда истиқомат қилаверди.

<sup>31</sup> Бир куни Лутнинг катта қизи кичигига деди:

– Отамиз қари, ер юзидаги одатга кўра биз никоҳга олинишимиз учун мамлакатда бирон эркак қолмаган. <sup>32</sup> Кел, отамизга шароб ичириб, у билан ётамиз, токи отамиздан насл сақлайлик.

<sup>33</sup> Ўша кечаси қизлар оталарига шароб ичирдилар. Катта қиз отасининг ётоғига кириб, у билан ётди. У эса қизининг қачон ётиб, қачон турганини билмади.

<sup>34</sup> Эртасига катта қиз синглисига:

– Мен ўтган кеча отам билан ётдим. Бу кеча унга яна шароб ичирамиз, бу гал сен унинг ётоғига кириб у билан ёт, токи отамиздан насл сақлайлик, – деди.

<sup>35</sup> Қизлар ўша кечаси ҳам оталарига шароб ичирдилар. Кичик қиз бориб, отаси билан ётди. Отаси эса қизининг қачон ётиб, қачон турганини билмади.

<sup>36</sup> Шундай қилиб, Лутнинг иккала қизи ҳам оталаридан ҳомиладор бўлдилар. <sup>37</sup> Катта қиз ўғил туғиб, унинг исмини Мўов қўйди; у бугунгача Мўов халқининг отасидир. <sup>38</sup> Кичик қиз ҳам ўғил туғиб, унинг исмини Бен-Амми қўйди; у бугунгача Аммон ўғилларининг отасидир.

## Иброҳим шоҳ Абумалик олдида

**20** Иброҳим у ердан Жанубистонга кўчиб бориб, Қадеш билан Шур орасида ўрнашиб олди.

Гарор шаҳрида эса манзилгоҳ қилди. <sup>2</sup> Иброҳим хотини Сорони «синглим» деб айтар эди. Гарор шоҳи Абумалик эса одам юбориб, Сорони хотинликка олди. <sup>3</sup> Бир кеча Худо Абумаликнинг тушига кириб, унга:

– Сен мана шу олган хотининг туфайли ўласан, чунки у эри бор хотиндир, – деди.

<sup>4</sup> Абумалик эса Сорога яқинлашмаган эди. У:

– Ё Раббим, наҳотки Сен бегуноҳ халқни ҳам ҳалок қилсанг? <sup>5</sup> Ана у киши ўз аёлини синглим деди-ку! Хотиннинг ўзи ҳам: «Бу менинг акам», деб айтиб юрибди-ку. Мен бу ишни соддадиллик билан, ҳалол кўлим билан қилдим, – деди. <sup>6</sup> Худо Абумаликка тушида деди:

– Сен бу ишни соддадиллик билан қилганингни Мен ҳам билар эдим. Шунинг учун сени Менга қарши гуноҳ қилишдан сақладим, сени Сорога тегишга қўймадим. <sup>7</sup> Энди сен бу аёлни эрига қайтариб бер. У пайғамбардир, сен учун ибодат қилади ва сен тирик қоласан. Агарда аёлни



қайтариб бермасанг, шуни билки, сен билан халқинг ҳаммангиз бутунлай ўласизлар!

<sup>8</sup> Абумалик эрталаб туриши билан барча қулларини чақириб, бу гапларнинг ҳаммасини уларга уқтириб берди. У одамлар эса қаттиқ қўрқиб кетишди. <sup>9</sup> Сўнгра Абумалик Иброҳимни чақиртириб, унга:

– Сен бизга нима қилдинг? Мен сенга нима ёмонлик қилдимки, сен менинг ва мамлакатим бошига оғир гуноҳ келтирдинг? Сен ҳеч ким қилмайдиган ишларни менга қилдинг! – деди.

<sup>10</sup> Кейин Абумалик Иброҳимдан яна:

– Сен асли нимани кўзлаб бу ишни қилдинг? – деб сўради. <sup>11</sup> Иброҳим айтди:

– Мен: бу жойда Худодан қўрқиш деган нарса йўқ, хотиним сабабли мени ўлдирарлар, дедим. <sup>12</sup> Лекин ҳақиқатан ҳам у менинг синглим, онамнинг қизи бўлмаса-да, отамнинг қизидир. Энди эса у менинг хотиним ҳам бўлди. <sup>13</sup> Бир вақтлар Худо мени отам уйдан адаштириб дарбадарликка йўлиқтирган эди. Шунда мен Сорога: Менга қиладиган яхшилигинг шу бўлсинки, биз қаерга борсак, сен мени акам деб айт, дедим.

<sup>14</sup> Шунда Абумалик қўю сигирлар, қулу чўриларни Иброҳимга тортиқ қилди. Хотини Сорони эса унга қайтариб берди.

<sup>15</sup> – Мана, менинг ўлкам сенинг кўз олдинда турибди. Ўзингга ёққан жойда истиқомат қил, – деди Абумалик. <sup>16</sup> Сорога ҳам:

– Мана, мен акангга мингта кумуш танга беряпман, булар сенинг юз-кўзингни паранжидай қавминг кўзидан тўссин, сенинг иффатинг беғубор эканини ҳамма аниқ билсин, – деди.

<sup>17</sup> Ўшанда Иброҳим Худога ибодат қилди, Худо эса Абумаликка шифо берди. Унинг хотини ва чўриларига ҳам Худо шифо бериб, уларни яна туғадиган қилди. <sup>18</sup> Чунки Иброҳимнинг хотини Соро сабабли Худованд Абумаликнинг хонадонидаги ҳар бир аёлни туғишдан ожиз қолдирган эди.

### Исҳоқнинг туғилиши

**21** Худованд берган сўзини амалга ошириб, Сорони йўқлади. <sup>2</sup> Соро эса ҳомиладор бўлиб, Иброҳимга қариган чоғида, Худо унга белгилаган вақтда ўғил туғиб берди. <sup>3</sup> Иброҳим ўзидан бўлган, Соро унга туғиб берган ўғлининг отини Исҳоқ (*яъни Кулган*) қўйди. <sup>4</sup> Иброҳим, Худо буюрганидек, ўғли Исҳоқни саккиз кунлигида хатна қилди. <sup>5</sup> Исҳоқ туғилганида, Иброҳим юз ёшда эди. <sup>6</sup> Соро эса: «Худо мени кулги қилди, эшитган барча менинг устимдан кулади», – деди. <sup>7</sup> Ва яна: «Соро чақалоқ эмизади, деб Иброҳимга ким айтар эди? Энди қаранг, Иброҳим қариганидан кейин мен ўғил туғдим!» – деди.

### Ҳожар билан Исмоилнинг қувилиши

<sup>8</sup> Исҳоқ ўсиб, унинг эмчақдан ажралиш куни келиб қолганда, Иброҳим ўғли шарафига катта зиёфат берди. <sup>9</sup> Мисрлик Ҳожарнинг Иброҳимга туғиб берган ўғли эса шўхлик қилаётган эди. Соро буни кўриб, <sup>10</sup> Иброҳимга:

– Бу чўрини ўғли билан бирга ҳайдаб юбор! Бу чўрининг ўғли менинг ўғлим Исҳоқ билан бараваар ворис бўлмайди, – деди.

<sup>11</sup> Иброҳим бу гапдан жуда хафа бўлди. Ахир, бу ҳам унинг ўғли эди. <sup>12</sup> Аммо Худо Иброҳимга деди:

– Сен ўғлинг ва чўринг учун хафа бўлма.

Соронинг айтадиган ҳамма гапига қулоқ сол. Чунки сенинг наслинг Исҳоқ орқали кўпаяди. <sup>13</sup> Шунга қарамай, чўрининг ўғлидан ҳам бир халқ яратаман, чунки у ҳам сенинг наслингдир.

<sup>14</sup> Иброҳим эрталаб туриб, нон ва бир меш сувни олиб Ҳожарга берди, унинг елкасига қўйиб, боласи билан жўнатиб юборди. Ҳожар эса кетаётиб, Беър-Шева чўлида адашиб қолди. <sup>15</sup> Мешдаги сув тамом бўлгач, Ҳожар боласини бир бутанинг тагига ташлаб кетди. <sup>16</sup> «Боламнинг ўлишини кўрмайин», – деб у нарироқ кетди-да, бир ўқ отар масофадаги узоқликда ўтирди. Ҳожар рўпарада ўтирганича, дод-фарёд кўтарди.

<sup>17</sup> Худо эса ўсмирнинг додига қулоқ солди. Худонинг фариштаси осмондан Ҳожарга хитоб қилди:

– Эй Ҳожар, сенга нима бўлди? Қўрқма, Худо ўсмирнинг додини ётган жойидан эшитди. <sup>18</sup> Энди ўрнингдан тур, ўсмирни кўтариб ол ва унинг қўлидан қаттиқ ушла. Чунки Мен ундан буюк халқ яратаман, – деди.

<sup>19</sup> Худо Ҳожарнинг кўзларини очиб юборди, у суви бор қудуқни кўриб қолди. Бориб мешни сувга тўлдирди-да, боласига ичирди.

<sup>20</sup> Шундан кейин ўсмир чўл-биёбонда яшай бошлади. Худо эса доимо у билан бирга эди. У улғайиб, камонкаш бўлди. <sup>21</sup> У Порон чўлида истиқомат қиларди. Онаси эса уни Миср юртидан уйлади.

### Иброҳим билан Абумаликнинг аҳдлашуви

<sup>22</sup> Ўша вақтда Абумалик ўз лашкарбошиси Пихўл билан Иброҳимнинг олдида бориб гап очди:

– Сен нимаики қилсанг, Худо сен биландир.

<sup>23</sup> Энди шу турган жойда мени ва ўғил-набираларимни алдамаслик тўғрисида Худо ҳақи қасамёд қилгин: мен сенга қандай эҳсон қилган бўлсам, сен ҳам менга ва сен мусофир бўлган мамлакатга шундай эҳсон қилгайсан, – деди.

<sup>24</sup> Иброҳим:

– Мен қасамёд қиламан, – деди-ю, <sup>25</sup> шу билан Абумаликнинг қуллари суви бор қудуқни зўрлик билан олганликлари ҳақида гина қилди.

<sup>26</sup> Абумалик:

– Мен бу ишни ким қилганини билмайман, сен ҳам менга хабар қилмагандинг. Мен бу ҳақда бугунгача эшитганим йўқ эди, – деди.

<sup>27</sup> Шунда Иброҳим қўйлар ва сигирларни Абумаликка тортиқ қилиб, икковлари аҳдлашдилар. <sup>28</sup> Иброҳим еттита урғочи қўзини подадан алоҳида ажратиб қўйди.

<sup>29</sup> Абумалик Иброҳимдан:

– Нима учун сен шу еттита урғочи қўзини алоҳида қўйдинг? – дея сўради. <sup>30</sup> Иброҳим:

– Бу етти урғочи қўзини менинг қўлимдан олгин, шу қудуқни мен ўзим қазиганлигимга мана шу қўзилар гувоҳ бўлсин, – деди.

<sup>31</sup> У ерда иккови қасамёд қилишди. Шу сабабли Иброҳим ўша жойни Беър-Шева деб атади. <sup>32</sup> Улар Беър-Шевада аҳдлашиб бўлгач, Абумалик ва лашкарбошиси Пихўл йўлга тушиб, филистийлар мамлакатига қайтиб кетишди.

<sup>33</sup> Иброҳим эса Беър-Шевада юлғунзор ўтқазди. Ўша ерда у абадий Тангри бўлган Худованд исмини чақирди. <sup>34</sup> Иброҳим анча вақт филистийлар мамлакатида мусофирдай яшади.

### Худонинг Иброҳимни синаши

**22** Бу ҳодисалардан сўнг Худо Иброҳимни синаб, унга:

– Иброҳим! – деди.

– Лаббай! – деди у. <sup>2</sup> Худо:

– Ўзинг севадиган ягона ўғлинг Исҳоқни олиб Мўриё ерига кет. У ерда Мен сенга айтадиган тоққа чиқиб, ўғлингни қурбон қил, – деди.

<sup>3</sup> Иброҳим эрта билан туриб, эшагини эгарлаб, қурбонлик куйдириш учун ўтин ҳам майдалади-да, қулваччалардан иккитасини ва ўғли Исҳоқни ўзи билан олди, Худо унга айтган жойга қараб равона бўлди.

<sup>4</sup> Уч кун юришгандан кейин Иброҳим нарига бир кўз ташлади, ўша жойни узоқдан кўрди. <sup>5</sup> У йигитларига:

– Сизлар эшак билан бу ерда ўтириб кутиб туринглар. Мен ўсмир билан у ёққа бориб сажда қилиб, яна ёнингизга қайтиб келамиз, – деди.

<sup>6</sup> Иброҳим қурбон куйдиришга ярайдиган ўтинни ўғли Исҳоқнинг елкасига ортди. Ўт ва пичоқни эса ўзи қўлига олиб, икковлари бирга жўнаб кетдилар.

<sup>7</sup> Шу орада Исҳоқ отаси Иброҳимга:

– Отажон! – деди.

– Лаббай, ўғлим, – деди у.

– Мана, ўт бор, ўтин бор, лекин қурбон қўзиси қани? – деб сўради. <sup>8</sup> Иброҳим:

– Ўғлим, қурбон қўзисини Худо Ўзи беради, – деди.

Шундай қилиб, икковлари йўлда давом этдилар.

<sup>9</sup> Худо Иброҳимга айтган жойга келганларида, у қурбонгоҳ тиклаб, ўтинни қалади. Сўнг ўғли Исҳоқни боғлаб, уни қурбонгоҳ устига, ўтинларнинг устига ётқизди. <sup>10</sup> Иброҳим пичоққа қўл солиб, ўғли Исҳоқни бўғизламоқчи бўлган ҳам

эдики, <sup>11</sup> бирданига осмондан Худованднинг фариштаси унга хитоб қилди:

– Иброҳим! Иброҳим!

– Лаббай, – деди у. <sup>12</sup> Фаришта:

– Ўсмирга қарши қўл кўтарма, унга ҳеч ёмонлик қилма. Мен энди биламанки, сен Худодан қўрқасан, яккаю ягона ўғлингни ҳам Мендан аямадинг, – деди.

<sup>13</sup> Иброҳим бир орқасига бурилиб қараса, чакалақда шохлари ўралиб қолган қўчқорни кўрди. Иброҳим бориб, қўчқорни олиб келди ва уни ўғли ўрнига сўйиб куйдирди. <sup>14</sup> Бу жойга Иброҳим «Худованд таъминлайди» деган ном берди. Бинобарин бугун ҳам: «Худованд тоғида таъминот бор», деб айтишади.

<sup>15</sup> Худованднинг фариштаси иккинчи гал осмондан Иброҳимга хитоб қилди:

<sup>16</sup> – Мен Зотим ҳақи қасамёд қиламанки, Худованд гапирмоқда: сен бу ишни қилиб, ягона ўғлингни аямаганинг учун, <sup>17</sup> Мен сенга кут-барака бераман. Насл-насабингни кўкдаги юлдузлардай ва денгиз соҳилидаги кумдай кўпайтириб юбораман. Сенинг ўғил-набираларинг ўз душманларининг шаҳарларини оладилар. <sup>18</sup> Сен гапимга қулоқ солганинг учун, ер юзидаги барча халқлар сенинг наслингдан барака топадилар, – деди.

<sup>19</sup> Шундан сўнг Иброҳим яна йигитлари ёнига қайтиб келди. Улар бу ердан бирга жўнашиб, Беър-Шевага кетдилар. Иброҳим Беър-Шевада турар эди.

### Наҳўрнинг авлодлари

<sup>20</sup> Бу ҳодисалардан кейин Иброҳимнинг қулоғига: «Мана сенинг уканг Наҳўрнинг хотини Милка ҳам ўғилларнинг онаси бўлди», деган хабар етди.

<sup>21</sup> Чунончи Наҳўрнинг ўғиллари: тўнғичи Ус ва унинг укаси Буз, Арамнинг отаси Қамуил, <sup>22</sup> Касад, Ҳазў, Пилдош, Идлоф ва Батуил. <sup>23</sup> Батуил эса Ривқо деган қизнинг отаси бўлди. Мана шу саккиз ўғилни Милка Иброҳимнинг укаси Наҳўрга туғиб берди.

<sup>24</sup> Наҳўрнинг Раума деган иккинчи хотини ҳам бор эди; у эса эрига Таваҳ, Гаҳам, Таҳаш ва Мааха исмли ўғилларни туғиб берди.

### Соронинг ўлими ва кўмилиши

**23** Соро юз йигирма етти йил умр кўрди. <sup>2</sup> Соро шу ёшида Канъон мамлакатидаги Қирят-Арба (яъни Ҳебрўн) шаҳрида қазо қилди. Иброҳим эса Соро учун йиғлаб, таъзия маросими ўтказди.

<sup>3</sup> Марҳумасига мотам тутиш даври тугагач, Иброҳим ҳетийларнинг олдига бориб уларга:

<sup>4</sup> – Мен сизларнинг олдингизда ғарибу мусофир бўлиб яшаб келаман. Энди марҳумам билан видолашиб, уни дафн этишим учун менга ерингиздан мақбара қурадиган жой ажратиб беринглар, – деди. <sup>5</sup> Ҳетийлар Иброҳимга жавоб бериб:

<sup>6</sup> – Эй тақсиримиз, бизни тингла: биз сени ўз орамизда Худонинг амири деб биламиз. Сен мақбарамизнинг энг яхшисига мархумангни дафн қилгин. Бизлардан бирон киши мархумангни кўмишинг учун ўз мақбарасини сендан аямайди, – дейишди.

<sup>7</sup> Иброҳим ўрнидан туриб у ернинг халқи – ҳетийларга таъзим қилди-да, <sup>8</sup> уларга хитоб қилди:

– Агар мархумам билан видолашиб уни дафн этишимга рози бўлсангизлар, унда мени тингланглар. Мен учун Сўҳар ўғли Афрондан илтимос қилинган, <sup>9</sup> у ўзининг даласи четидаги Махпела ғорини менга берсин. Мен орангизда бемалол мақбара қуришим учун, у шу ғорни менга тўла нархга берсин.

<sup>10</sup> Ҳетий Афрон эса ўз қавми орасида ўтирган эди. Шаҳар дарвозасига келган ҳамма ҳетийларга эшиттириб, Афрон Иброҳимга жавоб берди:

<sup>11</sup> – Йўқ, тақсирим, мени тингла: ўша далани мен сенга шундайлигича бераман, ундаги ғорни ҳам бераман, мана, сенга буни беришимга ўз қавмим кишилари гувоҳдирлар. Сен мархумангни дафн қила қол, – деди.

<sup>12</sup> Иброҳим у ернинг халқи олдида таъзим қилди-да, <sup>13</sup> ҳамма халққа эшиттириб Афронга:

– Қани энди сен менинг гапимга қулоқ солсанг: сенга у дала эвазига пул бераман. Пулини мендан ол, мен эса бемалол мархумани у ерга кўма қолай, – деди. <sup>14</sup> Афрон Иброҳимга жавоб бериб:

<sup>15</sup> – Майли тақсирим, мени тингла: ернинг қиммати тўрт юз кумуш ёмби туради, бу бизнинг орамизда ҳеч нарса эмас. Сен мархумангни дафн қила қол, – деди.

<sup>16</sup> Иброҳим Афроннинг ҳетийларга эшиттириб айтган нархига унади, савдогарлар муомаласида ўтадиган оғирликдаги тўрт юз кумуш ёмбини тортиб Афронга берди. <sup>17</sup> Шундай қилиб, Мамре қаршисидаги Махпела деган ернинг даласи ва ундаги ғор, шунингдек, далада ва унинг атрофида бўлган барча дарахтлар Афроннинг қўлидан кетиб, <sup>18</sup> Иброҳимнинг мулкига ўтди. Шаҳар дарвозасидан кириб чиқадиган ҳетийларнинг ҳаммаси эса бунга гувоҳ бўлдилар.

<sup>19</sup> Шундан кейин Иброҳим хотини Сорони ўша ерга дафн қилди. Шу йўсин Канъон мамлакатидаги, Мамре (Ҳебрўн) қаршисида жойлашган Махпела даласи ҳамда ундаги ғор ҳетийлар мулкидан чиқиб, Иброҳимга оиласи учун мақбара бўладиган ер улуши бўлиб ўтди.

#### Исҳоққа совчилик ва унинг уйланиши

**24** Иброҳим энди қариб, кунлари охирлаб қолган эди. Худованд уни ҳар жиҳатдан баракали қилган эди. <sup>2</sup> Иброҳимнинг бутун мол-мулкани бошқарадиган хонадон раиси бор эди. Иброҳим унга:

– Қўлингни сонимнинг тагига қўй. <sup>3</sup> Еру осмонни яратган Худованд ҳақи сенга қасам ичираман: мен

канъонийларнинг орасида яшасам-да, канъоний қизларидан ўғлимга хотин олма. <sup>4</sup> Сен ўзимнинг ватанимга бориб, қавм-қариндошларимдан ўғлим Исҳоққа хотин олгин, – деди.

<sup>5</sup> Хизматкор Иброҳимга жавобан:

– Бош устига! Лекин бордию у қиз мен билан бу ерга келишга рози бўлмаса, унда мен ўғлингизни сиз қолдириб кетган юртингизга қайтаришим керакми? – деб сўради. <sup>6</sup> Иброҳим унга:

– Зинҳор-базинҳор ўғлимни у ерга қайтарма! <sup>7</sup> Мени отам уйидан, қавмим еридан олган, осмонни яратган Худованднинг Ўзи менга қасамёд қилиб: «Мана, шу ерни сенинг зурриётингга бераман», деб айтган эди. Энди эса У сенинг олдинга фариштасини юборади ва сен ўғлимга ўша ердан хотин топасан. <sup>8</sup> Агар у қиз сенинг орақандан келишга рози бўлмаса, унда сен бу қасамдан озод бўласан. Фақат ўғлимни у ерга қайтара кўрма! – деди.

<sup>9</sup> Шунда хизматкор хўжайини Иброҳимнинг сони тагига қўлини қўйиб, унга бу ҳақда қасамёд қилди. <sup>10</sup> Сўнг у хўжайинининг туяларидан ўнтасини ва ҳар хил қимматбаҳо буюмларидан ҳам ўзи билан олиб, жўнаб кетди. У йўл юриб, Месопотамияга, Нахўр яшаган шаҳарга етиб борди.

<sup>11</sup> Аёллар сув тортиш учун чиқадиган оқшом пайти бўлган эди, хизматкор туяларни шаҳар ташқарисидаги қудуқнинг бошида чўктириб <sup>12</sup> деди:

– Ё Худое Худовандо, хўжайиним Иброҳимнинг Худоси! Хўжайиним Иброҳимга иноят қилиб, бугун ишимга омад бергин. <sup>13</sup> Мана, мен шу чашма бошида турибман, шаҳар аҳлининг қизлари ҳозир сув тортгани чиқишяпти. <sup>14</sup> Мен қайси қизга: «Қўзангни пасайтир, мен сув ичай», десам, у эса: «Ўзинг ич, туяларингни ҳам суғораман», деса, Сен банданг Исҳоққа лойиқ кўрганинг ўша бўлсин. Сен хўжайинимга иноят қилишингни мен шундан биламан, – деди.

<sup>15</sup> Хизматкор ҳали гапириб турган ҳам эдики, Ривқо кўзасини елкалаб чиқиб қолди. У Иброҳимнинг укаси Нахўр билан хотини Милканинг ўғли – Батуилнинг қизи эди. <sup>16</sup> Бу қиз ранги-рафтори жуда чиройли, бирон эркак қўл тегизмаган бокира қиз эди. У чашмага иниб, кўзасини тўлдириб олди-да, юқорига қайтиб чиқди.

<sup>17</sup> Шунда хизматкор уни қаршилагани чопди ва:

– Кўзангдан менга бир қултум сув бер-чи, – деди.

<sup>18</sup> Қиз:

– Ичинг, жанобим, – деди-ю дарҳол кўзасини пасайтириб, ўз қўли билан унга ичирди. <sup>19</sup> Унга ичириб бўлгач:

– Мен сизнинг туяларингизга ҳам сув тортаман, тўйгунча ичсин, – деди-да, <sup>20</sup> тез кўзасида қолган сувни охурга бўшатди. Яна қудуқ томон чопиб бориб, сув тортди ва у кишининг ҳамма туяларини ҳам суғорди. <sup>21</sup> Хизматкор киши эса, Худо йўлимни

ўнгладим, деб билмоқчи бўлиб, диққат билан қизга қараганича жим турар эди.

<sup>22</sup> Туяларни суғориб бўлгандан сўнг, хизматкор қизнинг бурнига тақиш учун бир мисқолча келадиган олтин сирға ва қўлларига тақиш учун чорак қадоқча келадиган иккита олтин билагузукни қўйнидан олиб чиқарди. <sup>23</sup> У қиздан: – Менга айт-чи, сен кимнинг қизисан? Отангинг уйда тунашимиз учун жой борми? – деб сўради. <sup>24</sup> Қиз унга:

– Мен Милканинг Нахўрга туғиб берган ўғли Батуилнинг қизиман, – деди. <sup>25</sup> Ва қўшиб: – Бизда сомон ҳам, ем ҳам кўп; тунаш учун жой ҳам бор, – деди.

<sup>26</sup> Шунда хизматкор киши тиз чўкиб, Худовандга сажда қилди-да:

<sup>27</sup> – Ўзининг инояту садоқатини хўжайинимдан аямаган Иброҳимнинг Тангриси – Худовандга ҳамду санолар бўлсин! Йўлда кетаётганимда, Худованд мени то хўжайинимнинг уруғлари олдигача бошлаб келди, – деди.

<sup>28</sup> Қиз эса ҳарамга югуриб бориб, бу гаплардан онасини хабардор қилди. <sup>29</sup> Ривқонинг Лобон исмли акаси бор эди. Лобон ташқарида турган кишини қаршилагани чашма томон чопди. <sup>30</sup> У синглисининг бурнидаги сирғани, қўлларигаги билагузуқларни кўриб, Ривқодан у кишининг нималар айтганини эшитиши биланоқ у кишининг олдига борди. Хизматкор эса туялар ёнида, чашма бошида турар эди. <sup>31</sup> Лобон унга:

– Кел, эй Худованд олқаган! Нега ташқарида турибсан? Ана, мен уй-жойни йиғиштирдим, туяларга ўрин бор, – деди.

<sup>32</sup> Шундан сўнг хизматкор уйга кирди. Туяларнинг эгар-жабдуқларини ечишиб, уларга сомон ва ем беришди. Хизматкор ва унинг йўлдошларига оёқларини ювиш учун сув беришди. <sup>33</sup> Унинг олдига овқат қўйишди. Аммо у:

– Талабимни айтмагунимча овқат емайман, – деди.

– Майли, айтгин, – дейишди улар.

<sup>34</sup> – Мен Иброҳимнинг қулиман, – деди у. <sup>35</sup> – Менинг хўжайиним Худованддан мўл барака топиб, жуда улуғ киши бўлиб қолди. Мана Худованд унга қўю сигирлар, кумушу олтинлар, қулу чўрилар, туя билан эшаклар берди. <sup>36</sup> Хўжайинимнинг хотини Соро ҳатто қариганидан кейин эрига ўғил туғиб берди. Хўжайиним эса ўзининг бор-йўғини ўғлига топширди. <sup>37</sup> Хўжайиним менга қасам ичириб: «Мен юртларида яшаётган канъонийларнинг қизларидан ўғлимга хотин олма. <sup>38</sup> Балки отамнинг уйига, қариндошларимнинг олдига бориб ўғлимга хотин оласан», деди.

<sup>39</sup> Мен хўжайинимдан: «Бордию у қиз орқамдан келмаса-чи?» – деб сўрадим. <sup>40</sup> У менга: «Мен доимо Худованднинг кўз олда юраман. Мана, Худованд Ўз фариштасини сен билан юбориб, йўлингни ўнглайди. Сен қариндошларимдан, отам уйдан

ўғлимга хотин топиб кел. <sup>41</sup> Шундан кейин мен ичирган қасамдан озод бўласан. Мабодо сен қариндошларим олдига келганимда, улар сенга қизини беришмаса, шунда сен бу қасамдан озод бўласан», – деди.

<sup>42</sup> Шундай қилиб, мен бугун чашма ёнига келганимда: Ё Худоё Худовандо, хўжайиним Иброҳимнинг Худоси! Кошки Сен менинг йўлимни ўнгласанг! – дедим. <sup>43</sup> – Ҳозир мен шу чашма бошида турибману, шундай бўлсинки, сув олгани чиқадиган қайси қизга мен: «Кўзангдан менга бир оз сув ичир-чи», десам, <sup>44</sup> ва у менга: «Ўзинг ич, туяларингни ҳам суғораман», деб айтса, Худованд хўжайинимнинг ўғлига лойиқ кўрган хотин ана ўша бўлсин, дедим.

<sup>45</sup> Мен ҳали ич-ичимдан гапириб турганимда, мана елкасида кўзаси билан Ривқо чиқиб қолди. У чашмага иниб сув тортди. Мен унга: Менга сув ичир-чи, дедим. <sup>46</sup> У эса тезда кўзасини елкасидан тушириб: «Ўзингиз ичинг, туяларингизни ҳам суғораман», деди. Ўзим ичдим, туяларни эса у суғорди.

<sup>47</sup> Ундан: Кимнинг қизисан? деб сўрасам, у: «Мен Милканинг Нахўрга туққан ўғли Батуилнинг қизиман», деди. Шундаёқ мен унинг бурнига сирға ва қўлларига билагузуқлар тақдим. <sup>48</sup> Сўнг тиз чўкиб, Худовандга сажда қилдим. Хўжайинимнинг ўғлига ўзининг жиянини олиш учун мени тўғри йўлга бошлаб келган хўжайиним Иброҳимнинг Тангриси – Худовандга ҳамду санолар ўқидим.

<sup>49</sup> Энди сизлар хўжайинимга илтифоту садоқат кўрсатишга тайёр бўлсангизлар, менга айтишлар, йўқ бўлса, уни ҳам айтишлар, токи мен шу ё бу йўлга бурилай.

<sup>50</sup> Лобон ва Батуил жавоб беришиб:

– Бу Худованднинг иши. Сенга яхши-ёмон бирон жавоб бериш бизнинг ишимиз эмас. <sup>51</sup> Мана, Ривқо сенинг ихтиёрингдасан, уни ол-да, кет. Худованд айтганидек, хўжайинингнинг ўғлига хотин бўлсин, – дедилар.

<sup>52</sup> Иброҳимнинг хизматкори уларнинг сўзларини эшитгач ергача энкайиб Худовандга сажда қилди. <sup>53</sup> Хизматкор кумуш ва олтин асбоблар ва кийимларни чиқариб, Ривқога берди. Шунингдек, унинг акаси ва онасига қимматбаҳо совғалар берди. <sup>54</sup> Хизматкор ва унинг йўлдошлари еб-ичиб, ётдилар.

Эрталаб туришлари билан хизматкор:

– Мени хўжайинимнинг олдига узатиб қўйинглар, – деди. <sup>55</sup> Аммо Ривқонинг акаси ва онаси: – Қиз беш-ўн кун бизникида қолсин, кейин боради, – дейишди.

<sup>56</sup> – Мени кечиктирманглар, Худованд менинг йўлимни ўнглаган, ахир. Энди мени кузатиб қўйинглар, хўжайинимнинг олдига боради, – деди у. <sup>57</sup> Улар:

– Қизни чақириб унинг фикрини сўраймиз, – дейишди. <sup>58</sup> Ривқони чақиритиб ундан:

- Бу киши билан кетасанми? – деб сўрадилар.
- Кетаман, – деди у.

<sup>59</sup> Шундай қилиб, улар сингиллари Ривқони, унинг энагасини, Иброҳимнинг хизматкори билан одамларини кузатиб қўйдилар. <sup>60</sup> Ривқони дуо қилишиб:

«Эй синглимиз, сендан минг-минглар туғилсин, Сенинг зурриётинг душман шаҳарларини олсин!» – дедилар.

<sup>61</sup> Шундай қилиб, Ривқо ва чўрилари ўринларидан туриб, туяларга миниб, хизматкор кишининг ортидан кетишди. Хизматкор эса Ривқони ўзи билан олиб кетди.

<sup>62</sup> Шу пайтда Исҳоқ Жанубистонда турар эди. У «Барҳаёт Тангри кўзи» номли қудуқ зиёратидан қайтиб келган эди. <sup>63</sup> Шом вақти Исҳоқ яхшилаб ўйлаш учун даштга чиқди. У бир қараса, туялар келаётган экан. <sup>64</sup> Ривқо ҳам шу вақт бир кўз ташлаб, Исҳоқни кўриб қолди. Ривқо сапчиб туядан тушди-да, <sup>65</sup> хизматкордан:

- Даштда кезиб бизга пешвоз чиқаётган бу киши ким? – деб сўради.

- Бу менинг хўжайиним, – деди у.

Шунда Ривқо паранжига ўранди. <sup>66</sup> Хизматкор эса Исҳоққа ҳамма қилган ишларини айтиб берди.

<sup>67</sup> Шундай қилиб, Исҳоқ Ривқони онаси Соронинг чодирига олиб келди. Ривқога уйланди; унга кўп муҳаббат қўйди. Шу зайлда Исҳоқ онасининг ўлимидан сўнг тасалли топди.

### Иброҳимнинг бошқа ўғиллари ва ўлими

**25** Иброҳим яна Қатура исмли хотин олган эди. <sup>2</sup> У эрига Зимрон, Йўқшон, Медон, Мидён, Ишбоқ ва Шуаҳни туғиб берди. <sup>3</sup> Йўқшон эса Шабо ва Дедон деган ўғиллар кўрди. Дедоннинг ўғиллари – Ашури, Латушим ва Лаумим эдилар. <sup>4</sup> Мидённинг ўғиллари – Айфо, Афар, Ханўх, Авидо ва Элдао эдилар. Буларнинг ҳаммаси Қатуранинг ўғил-набиралари эди.

<sup>5</sup> Иброҳим ўзининг бор-йўғини Исҳоққа топширди. <sup>6</sup> Сородан кейинги хотинлари туққан ўғилларига эса Иброҳим совғалар берди ва тириклигида уларни ўғли Исҳоқнинг олдидан кунчиқар томонга, Шарқ мамлакатига жўнатди.

<sup>7</sup> Иброҳим жами бир юзу етмиш беш йил умр кўриб, вафот этди. <sup>8</sup> У кўнгли тўқ ва қари, нуроний мўйсафид бўлиб оламдан ўтди, ота-боболари олдига жўнади. <sup>9</sup> Ўғиллари Исҳоқ ва Исмоил уни Мамре қаршисидаги ҳетий Сўҳар ўғли Афронга қарашли бўлган, Махпела деган даланинг ғорига дафн этдилар. <sup>10</sup> Иброҳим ҳетийлардан сотиб олган ушбу далада ўзи ва хотини Соро кўмилдилар.

<sup>11</sup> Иброҳимнинг вафотидан кейин унинг ўғли Исҳоқ Худодан кўп барака топди. Исҳоқ «Барҳаёт Тангри кўзи» деган қудуқ яқинида истиқомат қилди.

### Исмоилнинг насл-насаб тарихи

<sup>12</sup> Соронинг чўриси мисрлик Ҳожар туққан, Иброҳим ўғли бўлган Исмоилнинг насл-насаб тарихи куйидадир. <sup>13</sup> Исмоил ўғилларининг авлод-аждод шажараси исмлари бўйича: Исмоилнинг тўнғичи Навойўт, сўнг Қедор, Адбоил, Мибсом, <sup>14</sup> Мишмо, Думо, Массо, <sup>15</sup> Ҳадад билан Темо, Ятур, Нафиш ва Қедмо. <sup>16</sup> Бу Исмоил ўғиллари номлари исмоилийларнинг ўн икки қабиласи ва уларнинг йўлбошчилари, шунингдек, овуллари ва манзилларига ўтган. <sup>17</sup> Исмоил жами бўлиб бир юз ўттиз етти йил яшаб, ўлди. У оламдан ўтиб, ўзининг ота-боболари олдига жўнади. <sup>18</sup> Исмоилийлар Ҳавила диёридан то Миср чегараси яқинлигидаги Ассирия йўлида жойлашган Шур чўлигача тарқалиб ўрнашганлар. *Аввал айтилганидек*, улар барча қариндошлари билан қарама-қарши тушиб турар эдилар.

### Эсов билан Ёқубнинг туғилиши

<sup>19</sup> Иброҳим ўғли Исҳоқнинг насл-насаб тарихи шудир: Иброҳим Исҳоқнинг отаси эди. <sup>20</sup> Исҳоқ Месопотамиядан арабий Батуилнинг қизи ва арабий Лобоннинг синглиси бўлган Ривқони ўзига хотинликка олганида қирқ яшар эди.

<sup>21</sup> Исҳоқнинг хотини фарзандсиз юрарди. Исҳоқ у учун Худовандга кўп илтижо қиларди. Унинг илтижоси ижобат бўлиб, Ривқо ҳомиладор бўлди. <sup>22</sup> Унинг қорнидаги ўғиллари талашадиган бўлиб қолдилар. Шунда Ривқо: «Агар бундай бўлса, менга нима кераги бор?» – деди ва Худовандга мурожаат этгани борди.

<sup>23</sup> Худованд унга деди:

«Сенинг қорнингда иккита халқ бор, Ичингдан иккита эл айрилиб чиқажак. Бир халқ иккинчисидан зўр чиқиб, Каттаси кичигига қул бўлажак!»

<sup>24</sup> Ривқонинг ой-куни тўлиб, туғиш вақти келди, кўрсаки, қорнида эгизак бор экан. <sup>25</sup> Биринчи туғилган боланинг бутун танаси қизғиш ва пўстиндек сержун эди. Шу туфайли унинг исмини Эсов (*яъни Сержун*) қўйдилар. <sup>26</sup> Кейинроқ унинг укаси онаси қорнидан чиқаётганда, у акаси Эсовнинг товонини қўли билан ушлаб турган эди. Шунинг учун унга Ёқуб (*яъни Товон Ушлаган*) отини бердилар. Булар туғилганида Исҳоқ олтмиш яшар эди.

### Эсов укасига тўнғичлигини сотгани

<sup>27</sup> Болалар ўсиб катта бўлишди. Эсов моҳир овчи, дала-дашт одами, Ёқуб эса чодирда яшовчи беозор одам бўлди. <sup>28</sup> Исҳоқ овга ўч бўлганидан, Эсовни севарди. Ривқо эса Ёқубни севарди.

<sup>29</sup> Бир куни Ёқуб шавла пиширган эди. Эсов даладан чарчаб келиб, <sup>30</sup> Ёқубга:

– Менга ейишга шу қизилидан бер, ана шу қизилидан! Мен жуда чарчаб кетдим, – деди. Шу сабабли у Эдўм деб ҳам ном олди.

<sup>31</sup> – Ҳозирнинг ўзида менга тўнғичлигини сот! – деди Ёқуб. <sup>32</sup> Эсов:

– Мен жонимни нуқул ҳовучлаб юрсам, тўнғичликдан менга нима фойда? – деди. <sup>33</sup> Ёқуб:

– Ҳозирнинг ўзида менга қасамёд қил! – деди. Ўшанда Эсов Ёқубга қасамёд қилиб, ўзининг тўнғичлигини унга сотди. <sup>34</sup> Ёқуб эса Эсовга нон ва ясмиқ шавла берди. Эсов еди, ичди ва туриб кетди. Шундай қилиб, Эсов ўзининг тўнғичлигини хўрлаб ташлади.

### Исҳоқ Гарор шаҳрида

**26** Иброҳим даврида бўлган аввалги қаҳатчиликдан кейин мамлакатда яна қаҳатчилик юз берди. Исҳоқ Гарор шаҳрига, филистийлар шоҳи Абумаликнинг олдига борди. <sup>2</sup> Худованд унга зоҳир бўлиб: «Мисрга борма, лекин Мен сенга айтадиган ерда истиқомат қилгин, – деди. <sup>3</sup> – Шу ерда мусофир бўлиб тургин. Мен сен билан бўлиб, сени баракали қиламан. Мана шу ерларнинг ҳаммасини сенга ва сенинг зурриётингга бераман, отанг Иброҳимга ичган қасамимни бажо келтираман. <sup>4</sup> Сенинг зурриётингни фалақдаги юлдузлардай кўпайтириб, шу ерларнинг ҳаммасини уларга бераман. Ер юзининг ҳамма халқлари сенинг зурриётингдан барака топадилар. <sup>5</sup> Чунки Иброҳим ўзи Менинг гапимга қулоқ солди, фармону қонунларимга, тартибу таълимотларимга риоя қилиб юрди».

<sup>6</sup> Шундай қилиб, Исҳоқ Гарор шаҳрида маскан қилди. <sup>7</sup> Бу шаҳарнинг одамлари ундан хотини ҳақида сўраганларида, у хотинини синглим деб айтди. «Ривқо чиройли, мабодо бу жойнинг одамлари шу сабабдан мени ўлдирмасинлар», – деб ўйлаб, уни хотиним деб айтишга қўрқар эди.

<sup>8</sup> Исҳоқ у ерда яшаётганига бир мунча вақт бўлган эди. Бир куни филистийларнинг шоҳи Абумалик дарчадан кўз ташлаб қараса, Исҳоқ хотини Ривқо билан шўхлик қилаётган экан.

<sup>9</sup> Абумалик шу заҳоти Исҳоқни чақиртиб:

– Бу сенинг хотининг экан-да! Нега сен уни синглим деб айтдинг? – деди. Исҳоқ унга:

– Мени у туфайли ўлдиришади, деб қўрқдим, – деди.

<sup>10</sup> – Бу нима қилганинг? Халқ орасидан кимдир хотининг билан ётишига оз қолди-ку. Шундай бўлганда, сен бошимизга катта гуноҳ келтирар эдинг! – деди Абумалик.

<sup>11</sup> Сўнг Абумалик бутун халққа амр қилиб:

– Кимки бу одамга ёки хотинига қўл тегизса, албатта ўлдирилади! – деди.

### Исҳоқ топган барака ва филистийларнинг ҳасади

<sup>12</sup> Исҳоқ у ерда экин экди ва ўша йили юз баробар кўп ҳосил кўтарди. Худованд унга барака бергани учун, <sup>13</sup> Исҳоқ жуда бойиб кетиб, ғоят улуғ киши бўлиб қолди. <sup>14</sup> Унинг қўй сурувлари, сигир подалари ва қулларининг саноғига етиб бўлмас эди. Шунинг учун филистийлар унга ҳасад қиларди.

<sup>15</sup> Отаси Иброҳим тириклигида унинг қуллари қазиган қудуқларнинг ҳаммасини филистийлар тупроқ тўлдириб, кўмиб ташладилар.

<sup>16</sup> Абумалик Исҳоққа:

– Бизнинг еримиздан кет, чунки сен бизлардан анча кучлироқ бўлиб кетдинг, – деди.

<sup>17</sup> Шундан кейин Исҳоқ у ердан жўнади ва Гарор водийсида манзил қилиб, ўрнашиб олди. <sup>18</sup> Отаси Иброҳим даврида қазилган ва унинг вафотидан кейин филистийлар кўмиб ташлаган қудуқларни Исҳоқ яна қазиб, отаси кўйган аввалги номларни кўйди.

<sup>19</sup> Исҳоқнинг қуллари у водийни қазиб, у ерда қайнаб чиқаётган булоқни топдилар. <sup>20</sup> Гарор чўпонлари эса: «Бу сув бизники», – деб Исҳоқнинг чўпонлари билан жанжал қилдилар. Улар билан анча талаш-тортиш қилганлари учун Исҳоқ у қудуқни Асақ (*яъни Талашув*) деб атади.

<sup>21</sup> Сўнгра бошқа бир қудуқ қазидилар. У учун ҳам жанжал қилишгач, уни Ситна (*яъни Тўхмат*) деб атади.

<sup>22</sup> У ердан кўчиб, яна бошқа бир қудуқ қазидилар. Бу гал жанжаллашмадилар ва Исҳоқ: «Худованд бизга кенглик берди; энди биз мамлакатда ёйилиб борамиз», – дея, қудуққа Раҳовот (*яъни Кенглик*) деб ном берди.

<sup>23</sup> У жойдан Исҳоқ Беър-Шевага кўчиб кетди.

<sup>24</sup> Худованд ўша кечаси унга зоҳир бўлиб: «Мен отанг Иброҳимнинг Худосиман. Қўрқма, Мен сен билан. Бандам Иброҳим хотири учун Мен сени баракали қилиб, зурриётингни кўпайтираман», – деди. <sup>25</sup> Исҳоқ эса ўша ерда қурбонгоҳ тиклаб, Худованд исмини чақирди. Ўша ерда чодирини қурди ва унинг қуллари шу ердан қудуқ қазиди.

### Исҳоқ билан Абумалик орасидаги аҳдлашув

<sup>26</sup> Абумалик билан маслаҳатчиси Аҳузат ва лашкарбошиси Пихўл Гарордан Исҳоқнинг олдига боришди. <sup>27</sup> Исҳоқ уларга:

– Нега менинг олдимга келдингизлар? Сизлар мени ёмон кўриб, орангиздан чиқариб юборган эдингизлар-ку! – деди.

<sup>28</sup> Улар эса:

– Бизларга очик аён бўлдики, Худованд сен билан экан. Шунинг учун ҳам сен билан биз орамизда энди қасам бўлсин, дедик. <sup>29</sup> Биз сенга зарар етказмаганмиз, сенга фақат яхшилик қилганмиз, сени эсон-омон жўнатиб юборганмиз. Энди сен ҳам бизга ёмонлик қилмаслигинг ҳақида аҳд қилайлик.

Мана, Худованд сени баракали қилган, – дейишди.

<sup>30</sup> Исҳоқ уларга зиёфат берди. Улар еб-ичишди.  
<sup>31</sup> Эрта билан туриб, бир-бирига қасамёд қилишди. Исҳоқ уларни кузатди ва улар Исҳоқнинг олдидан эсон-омон кетишди.

<sup>32</sup> Ўша куни Исҳоқнинг қуллари келиб: «Биз сув топдик», – деб ўзлари қазийётган қудуқ ҳақида уни огоҳ қилдилар. <sup>33</sup> Исҳоқ у қудуқнинг отини Шивъа (яъни Қасамёд) кўйди. Шу сабабдан у шаҳарнинг оти бугунга қадар Беър-Шевадир.

### Эсовнинг бегона хотинлари

<sup>34</sup> Эсов қирқ ёшида ҳетий Беърийнинг қизи Яхудитни ва ҳетий Эйлоннинг қизи Бўсматни хотинликка олди. <sup>35</sup> Бу келинлар Исҳоқ билан Ривқони жонидан тўйдирди.

### Исҳоқ тўнғичини дуо қилмоқчи

**27** Исҳоқ қариб, кўзлари хиралашиб қолган чоғда, у катта ўғли Эсовни ёнига чақириб:

– Ўғлим! – деди.

– Лаббай! – деди Эсов.

<sup>2</sup> – Мана, мен энди қариб қолдим, ажалим келадиган кунни билмайман. <sup>3</sup> Энди сен ўқ-ёй ва садоқни олиб даштга бор, мен учун ов қилиб кел. <sup>4</sup> Мен яхши кўрган таомдан тайёр қилиб келтир, токи мен еб, ўлмасимдан олдин, жоним танимда борида сени дуо қилайин, – деди.

<sup>5</sup> Исҳоқ ўғли Эсовга гапираётган вақтда, онаси Ривқо эшитиб турган эди. Эсов ов қилиб келиш учун даштга кетганидан кейин, <sup>6</sup> Ривқо ўғли Ёқубга деди:

– Мен отангнинг аканг Эсовга айтган гапини эшитдим. У Эсовга: <sup>7</sup> «Менга ов қилиб кел, мен яхши кўрган таомдан тайёр қил, – деди, – ўлишимдан олдин сени Худованд ҳузурида дуо қилайин», – деди. <sup>8</sup> Энди ўғлим, менинг гапимга қулоқ сол! <sup>9</sup> Қўтонга бориб, у ердан менга иккита яхши улоқ олиб кел. Мен улардан отанг яхши кўрадиган таомни тайёрлайман. <sup>10</sup> Сен отангга олиб бориб унга едирасан, токи у сени ўлимидан олдин дуо қилсин.

<sup>11</sup> Ёқуб онаси Ривқога:

– Эсов акам сержун одам, менинг терим эса силлиққина. <sup>12</sup> Бордию отам мени пайпаслаб кўрса, мен унинг олдада алдамчи бўлиб қоламан-у, ўзимга дуо ўрнига лаънат оламан, – деди. <sup>13</sup> Онаси унга:

– Сен оладиган лаънат менинг бўйнимга бўлсин, ўғлим. Сен гапимга қулоқ сол, қани энди бориб, мен айтганни олиб кел! – деди.

<sup>14</sup> Шунда Ёқуб бориб, онасига истаганини олиб келди. Онаси эса Ёқубнинг отаси яхши кўрадиган таомни тайёр қилиб кўйди. <sup>15</sup> Уйда катта ўғли Эсовнинг сақланаётган энг чиройли кийимларини олиб, кичик ўғли Ёқубга кийгизди. <sup>16</sup> Унинг қўлларини ва бўйнининг силлиқ жойини эса

сўйилган улоқларнинг териси билан ёпди. <sup>17</sup> Сўнг у тайёрлаган лаззатли таом билан нонни ўғли Ёқубнинг қўлига берди.

### Ёқуб акасининг дуосини ўғирлагани

<sup>18</sup> Ёқуб отаси ёнига келиб:

– Ота! – деди.

– Лаббай ўғлим, сен кимсан? – деди у. <sup>19</sup> Ёқуб отасига:

– Мен сизнинг тўнғичингиз Эсовман. Сиз айтгандек қилдим. Марҳамат дастурхонга ўтириб, овимдан тайёрланган таомдан енг, токи мени тириклигингизда дуо қилинг, – деди.

<sup>20</sup> Исҳоқ ўғлидан:

– Қандай қилиб бунчалик тез топдинг, ўғлим? – деб сўради.

– Худованд, сизнинг Худойингиз менга рўпара қилди, – деди у. <sup>21</sup> Исҳоқ Ёқубга:

– Яқинроқ кел-чи, ўғлим, мен сени бир пайпаслаб кўрайин, сен ўғлим Эсовмисан, ёки йўқми? – деди.

<sup>22</sup> Ёқуб отаси Исҳоққа яқинлашгач, отаси уни пайпаслаб кўрди-да:

– Овоз – Ёқубнинг овозию, аммо қўллар – Эсовнинг қўллари, – деди. <sup>23</sup> Уни танимади, чунки унинг қўллари акаси Эсовнинг қўлларидай сержун туюлар эди. Барибир уни дуо қилди. <sup>24</sup> Бир оздан кейин яна сўради:

– Сен ўғлим Эсовмисан?

– Ҳа, менман, – деди у.

<sup>25</sup> – Ундай бўлса, майли, менга овингнинг ўлжасидан келтириб бер, ўғлим. Мен уни еб, жоним борида сени дуо қилайин, – деди.

Ёқуб ўлжасидан отасига келтириб берди, отаси еди. Шароб келтирди, уни ҳам ичди.

<sup>26</sup> Сўнг Исҳоқ Ёқубга:

– Яқинроқ келиб мени ўпгин, ўғлим! – деди. <sup>27</sup> У яқинлашиб отасини ўпди. Исҳоқ ўғлининг кийимини искаб, уни дуо қилиб деди:

«Мана, ўғлимнинг иси – Худованд муборак қилган даштнинг исидай!

<sup>28</sup> Худо сенга кўк шабнамани ва ер семизлигини, Ғалла ҳам узум фаровонлигини ато этсин.

<sup>29</sup> Халқлар сенга қарам бўлсин,

Улуслар сенга бўйин сунсин.

Ака-укаларингга сарвар бўлгил,

Оға-иниларинг сенга бўйсунсин.

Сенга лаънат ўқиганлар лаънати бўлгай,

Сени дуо қилувчилар муборак бўлгай».

### Исҳоқ Эсовни дуо қилолмагани

<sup>30</sup> Ёқуб Исҳоқнинг дуосини эндигина олиб, отаси олдидан ташқарига чиққан ҳам эдики, акаси Эсов овдан қайтиб келиб қолди. <sup>31</sup> У ҳам лаззатли таом тайёрлади ва отасига келтириб:

– Ота! Марҳамат қилиб ўғлингизнинг овидан тайёрланган таомдан енг, токи жонингиз борида мени дуо қилгайсиз, – деди. <sup>32</sup> Отаси Исҳоқ ундан:

– Сен кимсан? – деб сўради.

– Мен тўнғич ўғлингиз Эсовман, – деди у.

<sup>33</sup> Шунда Исҳоқни ғоят шиддатли титроқ босди:

– Анави ов овлаб менга келтирган ким эди, ахир? Сенинг келишингдан олдин мен кимнинг ови ўлжасидан еб уни дуо қилган бўлсам, ўша табаррук бўлади, – деди.

<sup>34</sup> Эсов отасининг сўзларини эшитгач, баланд ва ғоят аччиқ фарёд кўтариб:

– Ота, мени ҳам дуо қилсангиз-чи! – деб отасига ёлворди.

<sup>35</sup> – Уканг ҳийла ишлатиб, сенинг дуойингни олиб кетди-ку, ахир, – деди отаси. <sup>36</sup> Эсов:

– Унга Ёқуб деб от қўйишлари бекорга эмас-да! Икки марта у мени алдади: аввал тўнғичлигимни олди, мана энди дуойимни ҳам олиб кетибди! – деди.

Сўнг у яна сўради:

– Мен учун бирон дуо қолдирмадингизми?

<sup>37</sup> Исҳоқ жавоб бериб:

– Мен укангни сенга сарвар қилдим, ҳамма биродарларини ҳам унга кул қилиб бердим. Ғалла ва узум неъматини билан уни таъминладим. Энди сен учун нима қилайин, ўғлим? – деди.

<sup>38</sup> Эсов отасига:

– Ота, наҳотки дуо сизда биттагина бўлса? Ота, мени ҳам дуо қилинг! – деб қаттиқ дод солиб йиғлади. <sup>39</sup> Отаси Исҳоқ унга шундай жавоб берди: «Сенинг масканинг унумдор ерлардан йироқ, Юқоридан тушган кўк шабнамидан йироқ бўлгай.

<sup>40</sup> Сен қиличинг тиғида яшаб,

Укангга қарам бўлгайсан.

Бир вақт силкинганинга эса,

Унинг зулмини бўйнингдан ташларсан».

### Ёқубни қочириб уйлантирмоқчилар

<sup>41</sup> Ёқуб отасининг дуосини олгани сабабли, Эсов укасини ёмон кўриб қолди. Эсов: «Отанинг куни битяпти, ана ўшанда укам Ёқубни ўлдираман», – деб ўйлаб юрди.

<sup>42</sup> Ривқо биби катта ўғли Эсовнинг фикридан хабардор бўлгач, кичик ўғли Ёқубни чақириб унга деди: «Мана, аканг Эсов сендан ўч олмоқчи, сени ўлдириш ниятида юрибди. <sup>43</sup> Энди ўғлим, менинг сўзимга қулоқ сол: сен бу ердан чиқиб, Ҳоронга, акам Лобоннинг ёнига қочиб кет. <sup>44</sup> Аканг ғазабидан тушмагунча, сен бир муддат Лобоннинг ёнида яшагин. <sup>45</sup> Қўй, акангнинг ғазоби сендан қайтсин, унга қилган ишинг эсидан чиқсин, ўшанда мен киши юбориб сени у ердан олдириб келарман. Акс ҳолда мен бир куннинг ўзида икковларингиздан ҳам маҳрум бўлиб қоламан-ку!»

<sup>46</sup> Кейин Ривқо Исҳоққа сўзлаб: «Хетий келинларимиз дастидан мен жонимдан безор бўлдим. Агар Ёқуб ҳам бу ернинг қизлари – ҳет қизларидан хотин олса, унда менга яшашнинг нима кераги бор?» – деди.

**28** Шунда Исҳоқ Ёқубни чақириб, уни дуо қилди ва шундай васият қилди:

«Канъон қизларидан хотин олма. <sup>2</sup> Бу ердан чиқиб, Месопотамияга, онангнинг отаси Батуилнинг хонадонига кет. У ердан онангнинг акаси Лобоннинг қизларидан ўзингга хотин ол.

<sup>3</sup> Қодир Тангри сени баракали қилсин, сенга фаровонлик бериб, наслингни кўпайтирсин, сендан халқлар жамоатини вужудга келтирсин.

<sup>4</sup> Иброҳимнинг баракатини сенга ҳамда зурриётингга берсин, токи сен мусофир бўлиб юрган ерни – Худо Иброҳимга берган ерни эгаллаб олгин».

<sup>5</sup> Шуни айтиб, Исҳоқ Ёқубни жўнатди. Ёқуб Месопотамияга, ўзининг ва Эсовнинг онаси Ривқонинг акаси арабий Батуилнинг ўғли Лобоннинг олдига борди.

### Эсовнинг яна хотин олгани

<sup>6</sup> Исҳоқ Ёқубни дуо қилиб, ўзига хотин олиши учун уни Месопотамияга юбораётганини, уни дуо қилаётганида эса «Канъон қизларидан хотин олма», деб буюрганини Эсов эшитган эди. <sup>7</sup> Ёқуб ота-онасининг гапига қулоқ солиб, Месопотамияга кетди. <sup>8</sup> Эсов эса Канъон қизлари отаси Исҳоққа ёқмаганини билиб, <sup>9</sup> Иброҳим ўғли Исмоилнинг олдига борди ва аллақачон олган хотинлари устига Исмоилнинг қизи, Навойўтнинг синглиси Маҳолатни ўзига хотинликка олди.

### Ёқубнинг нарвон ҳақида кўрган туши

<sup>10</sup> Ёқуб Беър-Шева шаҳридан жўнаб, Ҳоронга қараб йўл олди. <sup>11</sup> Қуёш ботай деган пайтда у бирон жойга тушиб, тунамоқчи бўлди. Атрофдаги тошлардан бирини олди-да, боши тагига қўйиб ётди.

<sup>12</sup> У ухлар экан, тушида тик турган нарвонни кўрди. Нарвоннинг бир учи ерга, бир учи осмонга тегиб турар, Худонинг фаришталари эса унда чиқиб тушаётган эдилар. <sup>13</sup> Худованднинг ўзи ҳам нарвоннинг устида турганича, шундай гапирди: «Мен – Худованд, отанг Иброҳимнинг ва Исҳоқнинг Худосиман. Сен ётган ерни Мен сенга ва зурриётингга бераман. <sup>14</sup> Сенинг зурриётинг ернинг қумидек кўп бўлади. Фарбу шарққа, шимолу жанубга ёйилиб борасан. Сендан ва зурриётингдан ер юзидаги ҳамма қабилалар барака топадилар. <sup>15</sup> Мана, Мен сен билан. Қаерга бормагил, Мен сени асрайман, сени яна шу ерга қайтараман. Сенга айтганларимни то бажо келтирмагунимча, сени тарк этмайман».

<sup>16</sup> Ёқуб уйғонгач: «Чиндан ҳам бу ерда Худованд бор экан, мен эса билмабман!» – деди. <sup>17</sup> У жуда ваҳимага тушиб: «Қандай кўрқинчли бу жой! Бу Худонинг уйидан бошқа нарса эмас, бу осмон қопқасидир!» – деди.



<sup>18</sup> Эрта билан Ёқуб ўрнидан турди-да, боши тагига қўйган тошни олиб, уни ёдгорлик қилиб тиклади, уни *Худога бағишлаш учун* устидан мой қўйди. <sup>19</sup> Илгари Луз деб номланган бу шаҳарга Байтил (*яъни Худо уйи*) номини берди. <sup>20</sup> Ёқуб назр атаб, деди: «Агар Худо мен билан бўлиб, бораётган шу йўлимда мени асраса, менга ейишим учун нон, кийишим учун кийим-кечак бериб турса, <sup>21</sup> мени эсон-омон отамнинг уйига қайтариб келтирса, унда Худовандни ўзимнинг ягона Худойим биламан. <sup>22</sup> Мен ёдгорлик қилиб тиклаган шу тошнинг ўзи Худонинг уйи бўлади. Менга Сен нимаики берсанг, ўндан бир қисмини Сенга ушр қилиб бераман».

### Ёқубнинг Лобон олдида бориши

**29** Ёқуб йўл юриб, шарқийлар ўлкасига етиб борди. <sup>2</sup> У бир кўз ташлаб қараса, даштда бир қудуқ, қудуқ яқинида эса учта қўй суруви ётганини кўрди. У ер одамлари бу қудуқдан сурувларини суғориб юришар экан. Қудуқнинг оғзида катта тош бор эди. <sup>3</sup> Ҳамма сурувларини у ерга ҳайдаб келишар ва қудуқ оғзидан тошни юмалатиб, қўйларини суғориб, қудуқни яна тош билан ёпиб қўйиб юришар экан.

<sup>4</sup> Ёқуб у ердагилардан сўради:  
– Эй биродарларим, қаердансизлар?  
– Биз Ҳоронданмиз, – деди улар. <sup>5</sup> Ёқуб сўради:  
– Наҳўрнинг ўғли Лобонни танийсизларми?  
– Таниймиз, – дейишди. <sup>6</sup> Ёқуб:  
– Ўзи соғ-саломатми? – деди. Улар:  
– Соғ-саломат. Мана, ҳозир унинг қизи Роҳила қўйлари билан келяпти, – дейишди. <sup>7</sup> Ёқуб:  
– Ҳали кун ботишига анча бор, чорвани тўдалайдиган пайт бўлгани йўқ. Сизлар қўйларни суғориб, яна бориб ўтлатинглар, – деди. <sup>8</sup> Улар:  
– Ҳамма сурувларни йиғиб, қудуқ оғзидан тошни юмалатмагунча, биз қўйларни суғора олмаймиз, – дедилар.

<sup>9</sup> Ёқуб булар билан ҳануз гаплашиб турар экан, Роҳила отасининг қўйлари билан келиб қолди. Чунки қўйларни у боқарди. <sup>10</sup> Ёқуб тоғаси Лобоннинг қизи Роҳилани ва қўйларини кўриши биланоқ, қудуққа бориб унинг оғзидан тошни юмалатиб юборди-да, тоғаси Лобоннинг қўйларини суғорди. <sup>11</sup> Сўнг Ёқуб Роҳилани ўпиб, баланд овоз билан йиғлаб юборди. <sup>12</sup> У Роҳилага унинг отасининг жияни ва аммаси Ривқонинг ўғли эканини билдирди. Шунда Роҳила югуриб бориб, отасига хабар қилди. <sup>13</sup> Лобон сингисининг ўғли Ёқуб келганини эшитган заҳоти уни қаршиламоқ учун чопиб борди ва уни кучоқлаб, юз-кўздан ўпди. Сўнг Лобон уни уйига олиб келди ва Ёқуб унга ҳамма бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

<sup>14</sup> Лобон унга:

– Сен ўзимнинг эту суягимсан! – деди.

### Ёқубнинг хизмат йиллари ва уйланиши

Ёқуб Лобонникида бир ойча яшагандан кейин, <sup>15</sup> Лобон Ёқубдан сўради:

– Наҳотки сен менинг жияним бўла туриб, менга текин хизмат қиларкансан? Менга айт-чи, хизмат ҳақингга нима тўлай?

<sup>16</sup> Лобоннинг икки қизи бор эди: каттасининг исми Леа, кичигининг исми Роҳила эди. <sup>17</sup> Леанинг кўзлари ожизроқ, Роҳила эса қадди-қомати келишган, жуда чиройли қиз эди. <sup>18</sup> Ёқуб Роҳилани севиб қолгани учун, Лобонга:

– Кичик қизингиз Роҳила учун етти йил сизга хизмат қиламан, – деди. <sup>19</sup> Лобон унга:

– Бошқа бировга берганимдан кўра, уни сенга берганим яхшидир. Майли, меникида туравер, – деди.

<sup>20</sup> Шундай қилиб, Ёқуб Роҳила учун етти йил хизмат қилди. Унга бўлган муҳаббати сабабли етти йил унинг кўзига бир неча кундек кўринди.

<sup>21</sup> Охири Ёқуб Лобонга:

– Менинг муддатим тугади, энди хотинимни беринг, мен унинг ёнига кирайин, – деди.

<sup>22</sup> Лобон у ернинг ҳамма аҳолисини тўплаб, базм қилди. <sup>23</sup> Кечаси эса қизи Леани Ёқубнинг олдида келтирди. Ёқуб у билан ётди. <sup>24</sup> (Лобон ўзининг чўриси Зилпани қизи Леага чўриликка берган эди.)

<sup>25</sup> Эрта билан Ёқуб туриб кўрсаки, у Леа экан! У Лобонга бориб:

– Бу нима қилганингиз? Мен сизга Роҳила учун хизмат қилмагандимми? Нега мени алдадингиз? – деди. <sup>26</sup> Лобон унга:

– Бизнинг маконимизда кичикни каттадан олдин бериш одати йўқ. <sup>27</sup> Майли, Леанинг келинлик ҳафтаси тугасин, ўшанда мен Роҳилани ҳам сенга бераман, агар унинг эвазига меникида яна етти йил хизмат қилсанг, – деди.

<sup>28</sup> Ёқуб бунга кўнди. Леанинг келинлик ҳафтаси ўтгандан кейин, Лобон қизи Роҳилани ҳам Ёқубга хотинликка берди. <sup>29</sup> (Лобон ўзининг чўриси Билҳани қизи Роҳилага чўриликка берган эди.)

<sup>30</sup> Ёқуб Роҳила билан ҳам ётди. Уни Леадан кўпроқ севарди. Шундай қилиб, Ёқуб Лобонникида яна етти йил хизмат қилди.

### Ёқубнинг Леадан туғилган ўғиллари

<sup>31</sup> Худованд Леанинг эрига сеvimсиз эканини кўриб, уни туғадиган қилди. Роҳила эса пуштсиз эди. <sup>32</sup> Леа ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди. У: «Худованд менинг мусибатимни кўрди, эрим энди мени севади», – деб, ўғлига Рубен (*яъни ўғилни кўринг*) исмини қўйди. <sup>33</sup> У яна ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди. Бу гал у: «Худованд менинг сеvimсизлигимдан қулоғини бекитмай, менга бунга ҳам берди», – деб, ўғлига Шимъун (*яъни Эшитувчи*) исмини берди. <sup>34</sup> У яна ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди ва: «Энди бу сафар эрим менга боғланади,

чунки мен унга уч ўғил туғиб бердим», – деди, ўғлини Левий (*яъни Боғланган*) деб атади. <sup>35</sup> У яна ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди ва: «Бу гал мен Худовандга шукур қиламан», – деди, ўғлига Яхудо (*яъни Шукур*) исмини қўйди.

Шундан кейин у туғишдан қолди.

### Ёқубнинг чўриларидан туғилган ўғиллари

**30** Роҳила Ёқубга бола туғолмагач, опасига ҳасад қила бошлади. У Ёқубга:

– Менга фарзанд беринг, бўлмаса ўламан! – деди.

<sup>2</sup> Лекин Ёқуб Роҳилага ғазабланиб:

– Наҳотки мен сени оналик бахтидан бебахра қилган Худонинг ўрнида бўлсам?! – деди. <sup>3</sup> Роҳила:

– Мана чўрим Билҳа билан ётинг. Мен уни ўз тиззаларимга олиб туғдираман, боласига доя ҳам, она ҳам бўламан, – деди.

<sup>4</sup> Шундай қилиб, Роҳила ўзининг чўриси Билҳани эрига хотинликка берди ва Ёқуб у билан ётди.

<sup>5</sup> Билҳа ҳомиладор бўлиб, Ёқубга бир ўғил туғиб берди. <sup>6</sup> Шунда Роҳила: «Худо мени ҳимоя қилди, фарёдими эшитиб менга бир ўғил берди», – деди ва ўғлининг отини Дан (*яъни Ҳимоячи*) қўйди.

<sup>7</sup> Сўнгра Роҳиланинг чўриси Билҳа яна ҳомиладор бўлиб, Ёқубга иккинчи бир ўғил туғиб берди.

<sup>8</sup> Роҳила: «Мен опамни илоҳий кураш билан енгдим», – деди ва ўғлига Нафтоли (*яъни Курашчи*) исмини қўйди.

<sup>9</sup> Леа туғишдан қолганини билгач, ўзининг ўрнига чўриси Зилпани Ёқубга хотинликка берди.

<sup>10</sup> Леанинг чўриси Зилпа ҳам Ёқубга бир ўғил туғиб берди. <sup>11</sup> Шунда Леа: «Толеим келди», – деб, унинг отини Гад (*яъни Толе*) қўйди. <sup>12</sup> Леанинг чўриси Зилпа Ёқубга иккинчи бир ўғил туғиб берди.

<sup>13</sup> Шунда Леа: «Мен қандай бахтиёрман, энди аёллар мени бахтиёр дейишади», – деб, ўғлига Ошер (*яъни Бахтиёр*) деган ном берди.

### Роҳилага меҳригиёҳлар, Леага ўғиллар

<sup>14</sup> Рубен буғдой ўрими вақтида далага борди.

Далада меҳригиёҳларни топиб, онаси Леага келтирди. Шунда Роҳила Леага:

– Ўғлингнинг меҳригиёҳларидан менга ҳам бер! – деди. <sup>15</sup> Аммо Леа унга:

– Эримни олганинг камми, ўғлимнинг меҳригиёҳларини ҳам олмоқчимисан? – деди.

– Майли, ўғлингнинг меҳригиёҳлари эвазига бу кеча эрим сен билан ётсин, – деди Роҳила.

<sup>16</sup> Кечқурун Ёқуб даладан келгач, Леа уни қарши олгани чиқди-да, унга:

– Сиз менинг ётоғимга киринг, чунки мен сизни ўғлим топган меҳригиёҳлар эвазига сотиб олдим, – деди.

Ёқуб ўша кеча Леа билан ётди. <sup>17</sup> Худо эса Леани эшитди; у ҳомиладор бўлиб Ёқубга бешинчи бир ўғил туғиб берди. <sup>18</sup> Шунда Леа: «Чўримни эримга берганим учун Худо менга мукофот берди», – деди,

ўғлини Иссохор (*яъни Мукофот*) деб атади. <sup>19</sup> Леа яна ҳомиладор бўлиб, Ёқубга олтинчи ўғил туғиб берди. <sup>20</sup> Леа: «Худо менга яхши ҳадя берди; мен эримга олти ўғил туғиб берганим учун у энди менга эътибор беради», – деди ва ўғлининг отини Завулун (*яъни Мўътабар*) қўйди.

<sup>21</sup> Кейинроқ у қиз туғиб, исмини Дина қўйди.

### Юсуф – Роҳиланинг ўғли

<sup>22</sup> Роҳилани эса Худо унутмаган эди. Худо унинг ноласини эшитиб, уни туғадиган қилди. <sup>23</sup> Роҳила ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди. У: «Худо менинг шармандалигимни орадан кўтарди», – деди. <sup>24</sup> Сўнг: «Худованд менга бошқа бир ўғил ҳам қўшиб берсин», – деди ва ўғлининг исмини Юсуф қўйди.

### Ёқубнинг топган бойлиги

<sup>25</sup> Роҳила Юсуфни туққанидан кейин, Ёқуб Лобонга деди:

– Менга жавоб беринг, мен ўз маконимга, ўз мамлакатимга кетайин. <sup>26</sup> Мен хотинларим ва болаларим учун сизга хизмат қилганман, энди уларни ўзимга беринг ва мен кетаман. Мен сизга қандай холис хизмат қилиб келганимни ўзингиз биласиз, – деди. <sup>27</sup> Лобон унга:

– Менга илтифот қилиб сўзимни тингла! Мен-ку: «Хайрли фолим бор», деб айтиб юрган эканман, Худованд мени сен туфайли баракали қилган экан. <sup>28</sup> Менга хизмат ҳақингни айт, сенга бераман, – деди. <sup>29</sup> Ёқуб:

– Сизга кўрсатган хизматим самарасини ўзингиз кўряпсиз. Мен келганимда, чорваларингизнинг аҳволи қандайлигини эсингизга келтиринг-чи.

<sup>30</sup> Мен келганимдан олдин сизнинг молингиз озгина эди, кейинчалик ўсиб кўпайди. Мен ҳар қадам отганимда, Худованд сизни ҳам баракали қилди. Лекин мен ўз уй-рўзғоримни қачон боқар эканман? – деди. <sup>31</sup> Лобон:

– Сенга нима берай? – деди.

– Менга ҳеч нарса берманг, – деди Ёқуб. – Мен яна сизнинг подаларингизни боқиб чўпонлигимни давом эттираман, агар сиз куйидаги шартимга рози бўлсангиз: <sup>32</sup> Мен бугун барча подаларингиз ичидан ўтаман. Қўйлардан қора, ола ёки холдор бўлганини, шунингдек, эчкилардан ҳам ола ёки холдор бўлганини подадан ажратиб қўяман. Шу ҳайвонлар менинг хизмат ҳақим бўлади. <sup>33</sup> Сиз кейинчалик менинг хизмат ҳақимни текширгани келганингизда, кўнглим тозалиги сизнинг кўз ўнгингизда равшан бўлади. Эчкиларимдан қайси бири ола ёки холдор бўлмаса, қўйларимдан қайси бири қора бўлмаса, ўғирлиқ ҳисоблансин.

<sup>34</sup> Лобон:

– Майли, сен айтгандек бўлсин, – деди-ю, <sup>35</sup> ўша куннинг ўзида танасида оқи бор барча ола, чипор ва холдор такалар ҳамда эчкиларни, шунингдек, барча қора қўйларни подадан айириб қўйди-да,

Ўғилларининг қарамоғига топширди. <sup>36</sup> У ўзи билан Ёқуб орасидаги масофани уч кунлик йўл қилиб белгилади. Шундай қилиб, Ёқуб Лобоннинг қолган кўйларини боқиб юраверди.

<sup>37</sup> Ёқуб ўзига терак, бодом ва чинор дарахтларидан ёш новдаларни қирқиб олди. Новдаларнинг пўстлоғини оқ қаватигача йўл-йўл қилиб шилиб олиб, уларда оқ чизиклар пайдо қилди. <sup>38</sup> Пўстлоғи шилинган новдаларни эса у чорва сув ичадиган охурлар ёнига, ҳайвонларнинг рўпарасига кўйди. Ҳайвонлар сув ичгани келганда, новдаларнинг олдида жуфтлашиб бўғоз бўлар эди. <sup>39</sup> Пода бу новдалар олдида бўғоз бўлгандан кейин, ола-була, чипор ва холдор туғарди.

<sup>40</sup> Ёқуб кўзиларни кўтондан айириб, кўйларнинг юзларини Лобоннинг ҳамма олачипор ва қора ҳайвонлари томонга қаратарди. Шундай қилиб, у ўзига махсус подалар яратиб, Лобоннинг чорваси билан бирга эмас, алоҳида кўярди.

<sup>41</sup> Урғочиларнинг бакувватлари қочаётган вақтда, Ёқуб улар новдалар олдида жуфтлашсин, деб новдаларни сув охурлари ёнига, кўйларнинг рўпарасига кўярди. <sup>42</sup> Лекин заиф урғочилар қочаётган пайтда, у новдаларни кўймас эди. Шундай қилиб, заиф ҳайвонлар туққанлари Лобоннинг подаларига, бакувватлари эса Ёқубникига ўтар эди.

<sup>43</sup> Натижада Ёқуб ҳаддан ортиқ бойиб, жуда бадавлат киши бўлиб кетди. Унинг кўй-эчки подалари, чўрилару куллари, туя билан эшаклари сон-саноксиз эди.

### Ёқубнинг яширинча жўнаб кетиши

**31** Лобоннинг ўғиллари: «Мана Ёқуб отамизнинг ҳамма нарсасини ўзлаштирган, отамизни шилиб, ўзининг бутун бу бойлигини орттирган», – деб айтиб юрган эдилар. Бу гаплар Ёқубнинг қулоғига етиб қолди. <sup>2</sup> Ёқуб Лобоннинг авзойини кўриб, у ҳам илгаригидай унга яхши кўз билан қарамаётганини сезди.

<sup>3</sup> Шу пайт Худованд Ёқубга хитоб қилиб: «Сен ота-боболаринг ерига, туғилган юртингга қайтиб бор, Мен сен билан бўламан», – деди.

<sup>4</sup> Ёқуб киши юбориб, Роҳила ва Леани ўзининг сурувлари ўтлаб юрган яйловга чақиртирди. <sup>5</sup> Улар келгач, Ёқуб уларга: «Отангизнинг авзойи яхши эмас, у менга илгаригидай яхши кўз билан қарамаяпти, – деди. – Аммо отамнинг Худоси мен биландир. <sup>6</sup> Биласизларки, мен отангизга бутун кучим билан хизмат қилдим. <sup>7</sup> Лекин отангиз менга панд берди, хизмат ҳақимни ўн марта ўзгартирди. Шунга қарамай, Худо унинг менга ёмонлик қилишига йўл кўймади. <sup>8</sup> Қачон у: “Холдорлар сенинг хизмат ҳақинг бўлади”, – деса, бутун пода холдор туғарди. Қачон у: “Чипорлар сенинг хизмат ҳақинг бўлади”, – деса, бутун пода чипор туғарди. <sup>9</sup> Мана Худонинг Ўзи отангизнинг чорвасини олиб менга берди.

<sup>10</sup> Чорваларнинг бўғоз бўлиш вақтида бир куни туш кўриб қолдим. Тушимда назар солсам, урғочиларни қочирган такалар ола, холдор ва йўл-йўл эканлар. <sup>11</sup> Худонинг фариштаси тушимга кириб:

– Эй Ёқуб! – деди.

– Лаббай! – дедим мен. <sup>12</sup> У:

– Энди назар солиб кўр, урғочиларни қочирган ҳамма такалар ола, холдор ва йўл-йўлдирлар. Мана, Лобон сен билан нима қилаётганини кўрдим. <sup>13</sup> Мен – Байтилда сенга зоҳир бўлган Худоман. Сен у ерда ёдгорлик тошига мой суртгансан, у ерда Менга назр атагансан. Энди тур, бу мамлакатдан чиқиб, туғилган юртингга қайтиб кет, – деди».

<sup>14</sup> Роҳила билан Леа Ёқубга жавоб беришди:

«Отамиз уйда бизнинг яна ҳиссамиз, меросимиз қолганмикин? <sup>15</sup> У бизларни сотди, пулимизни ҳам еди. Бизлар энди унга бегона бўлиб қолдик. <sup>16</sup> Шунга кўра, Худо отамиздан олиб берган бутун бу бойлик бизларга ва болаларимизга тегишли. Энди Худо сизга нима айтган бўлса, ҳаммасини бажо келтиринг», – дейишди.

<sup>17</sup> Ёқуб ўғиллари билан хотинларини туяларга миндириб, у ердан кўзгалди. <sup>18</sup> Ўзининг бутун чорвасини олдига солиб, ҳамма орттирган мол-мулкни, Месопотамияда қўлга киритган бор-йўғини олиб, Канъон мамлакатига, отаси Исҳоқ хузурига қараб йўлга тушди. <sup>19</sup> Лобон эса ўша пайт кўйларининг жунини қирққани кетган эди. Роҳила фурсатдан фойдаланиб, отасининг уйдаги санамларни ўғирлади. <sup>20</sup> Шу тариқа Ёқуб арабий Лобонни алдаб кетди. Ўзининг қочишидан уни огоҳ қилмай, <sup>21</sup> бор-йўқ нарсасини йиғиштириб, қочиб кетди. Фрот дарёсидан ўтиб, Гилъад тоғлигига қараб жўнади.

### Ёқубнинг Худодан паноҳ топиши

<sup>22</sup> Уч кун ўтгач, Ёқубнинг қочганлиги ҳақидаги хабар Лобонга етиб борди. <sup>23</sup> У қариндош-уруғларини ўзи билан олиб йўлга чиқди-да, етти кун Ёқубнинг кетидан қувиб, Гилъад тоғлигида унга етиб олди. <sup>24</sup> Лекин ўша кечаси Худо арабий Лобоннинг тушига кириб, унга: «Эҳтиёт бўл, Ёқубга яхши-ёмон гаплар билан дўқ-пўписа қилма!» – деди.

<sup>25</sup> Лобон Ёқубга етиб олганида, Ёқуб тепада чодир тикиб ётган эди. Лобон ҳам ўзининг уруғ-аймоқлари билан бирга Гилъад тоғлигида чодир тикди.

<sup>26</sup> Лобон Ёқуб билан юзлашиб:

– Сен нима қилдинг? – деди. – Нега сен менга панд бериб, қизларимни ҳарбий асирлардай олиб кетдинг? <sup>27</sup> Нега мени лақиллатиб, ўғринча қочиб кетдинг? Менга билдирганингда эди, мен сени хурсандчилик ва кўшиқлар билан, дойра ва ғижжак садолари остида кузатардим. <sup>28</sup> Сен ҳатто набираларим ва қизларимни ўпишимга ҳам имкон

бермадинг. Сен аҳмоқларча иш тутдинг!

<sup>29</sup> Сизларни жазолаш менинг қўлимдан келса керак. Аммо ўтган кеча отангизнинг Худоси менга хитоб қилиб: «Эҳтиёт бўл, Ёқубга яхши-ёмон гаплар билан дўқ-пўписа қилма», – деди. <sup>30</sup> Албатта, сен энди отанг уйига борасан. Ўзимникиларни кўрай, деб кўзинг тўрт бўлди, ахир. Лекин нега сен худоларимни ўғирлаб кетдинг?

<sup>31</sup> Ёқуб Лобонга жавоб бериб:

– Мен кўрқдим. Мабодо сиз қизларингизни мендан тортиб оласиз, деб кўрқиб юрган эдим.

<sup>32</sup> Аммо худоларингизга келсак, агар уларни кимнинг ёнидан топсангиз, у тирик қолмасин! Қариндошларимнинг кўзи олдида ҳамма нарсамни титкилаб кўринг. Агар сизнинг бирор нарсангизни топсангиз, олиб кетинг! – деди.

Роҳила санамларни ўғирлаганини Ёқуб билмас эди. <sup>33</sup> Лобон Ёқубнинг ходирига, сўнгра Леанинг ва иккала чўрининг ходирларига ҳам кирди, аммо санамларни тополмади. Леанинг ходирдан чиқиб, Роҳиланинг ходирига кирди. <sup>34</sup> Роҳила эса санамларни туя эгарининг тагига қўйиб қўйган ва унинг устида ўтирган эди. Лобон бутун ходирни ахтариб чиқди-ю, бироқ санамларини тополмади.

<sup>35</sup> Шу орада Роҳила отасига:

– Жанобимнинг хузурида ўрнимдан турмаганимга уларнинг аччиқлари келмасин, мен хотинлар одатига йўлиққанман, – деди. Шундай қилиб, Лобон қанча ахтарса ҳам, санамларини тополмади.

<sup>36</sup> Ёқуб эса аччиқланиб, Лобонни жеркиб деди:

– Айбим ва гуноҳим нимаки, сиз қутургандай менинг кетимдан қувяпсиз? <sup>37</sup> Сиз менинг ҳамма анжомларимни титиб чиқдингиз, ўз уй анжомларингиздан нима топдингиз? Топган бўлсангиз, қани менинг ва ўзингизнинг қариндошларингиз олдида бу ерга қўйинг. Улар икковимизнинг орамизда ҳукм қилсинлар. <sup>38</sup> Мана, йигирма йилдир мен сизникида бўлдим. Совлиқ қўйларингиз ва эчкиларингиз чала туғмадилар. Мен қўтонингиздан бирон қўчқор ҳам еганим йўқ.

<sup>39</sup> Ёввойи ҳайвонлар бўғизлаб ташлаганларини сизнинг олдингизга келтирмас ҳам эдим, зарарини ўз бўйнимга олардим. Лекин сиз кундузи ўғирланганми, кечаси ўғирланганми, ҳаммасини мендан талаб этардингиз. <sup>40</sup> Кундузи иссиқдан, кечаси совуқдан азоб чекардим. Кўзларимдан уйқум қочарди. <sup>41</sup> Менинг йигирма йил умрим сизнинг уйингизда шундай ўтди. Ўн тўрт йил икки қизингиз учун, олти йил чорвангиз учун сизга хизмат қилдим. Сиз эса хизмат ҳақимни ўн марта ўзгартирдингиз. <sup>42</sup> Агарда отамнинг Худоси, отам Исҳоқ ва бобом Иброҳим қўрққан Тангри мен билан бўлмаганида эди, энди сиз ҳозир ҳам мени қуруқ жўнатар эдингиз. Лекин Худо менинг азобимни ва қўлларим чеккан машаққатни кўриб, кеча мени ҳимоя қилди.

## Ёқуб билан Лобон орасидаги чегара битими

<sup>43</sup> Лобон Ёқубга жавобан деди:

– Бу қизлар – менинг қизларим. Бу болалар – менинг болаларим. Бу чорва – менинг чорвам. Сен кўриб турган ҳамма нарсалар – меники. Шундай экан, мен ўз қизларимга ва улар туққан болаларга бирор нима қила олсам бўладими? <sup>44</sup> Энди кел, иккимизнинг орамизда аҳд қиламиз, бу аҳд сен ва менга гувоҳ бўлади.

<sup>45</sup> Шунда Ёқуб бир тошни олиб, уни ёдгорлик қилиб қўйди. <sup>46</sup> Сўнг қариндошларига: «Тош тўплаб келинглар», – деди. Улар тош тўплаб, уюм ясадилар. Ўша ерда, тош уюмининг устида овқат едилар.

<sup>47</sup> Лобон тош уюмини Ягар-Саҳадута, Ёқуб эса Галъед деб атади.

<sup>48</sup> Лобон: «Бугун бу тош уюми бизнинг орамизда шоҳиддир», – дегани учун, у ер Галъед (*яъни Шоҳид Тепаси*) деб аталиб келади. <sup>49</sup> Шунингдек, тепа Миспо (*яъни Посбонлик*) деб ҳам аталган. Чунки Лобон сўзида давом этиб:

– Бир-биримизни кўрмай қолганимиздан кейин, Худованд икковимизнинг орамизда посбонлик қилиб турсин. <sup>50</sup> Агар қизларимга озор берсанг ёки улар устига яна хотинлар олсанг, билиб қўйгинки, бизнинг орамизда инсонгина эмас, балки Худонинг ўзи шоҳид бўлади, – деди.

<sup>51</sup> Лобон Ёқубга яна шундай деди:

– Мен ўрнатган шу тош уюми ва мана бу ёдгорлик бизнинг орамизда қолиб кетсин. <sup>52</sup> Тепа ва ёдгорликдан ўтиб, мен сенга, ёки сен менга зарба бермаслигимизга бу тепа ҳамда ёдгорлик гувоҳ бўлиб турсин. <sup>53</sup> Иброҳим ҳамда Наҳўрнинг, шунингдек, уларнинг ота-боболарининг Худоси бизнинг орамизда ҳукм қилсин.

Шунда Ёқуб отаси Исҳоқ қўрққан Тангри ҳақи қасамёд қилди. <sup>54</sup> Ёқуб тоғ устида мол сўйиб, худойи қилди ва қариндошларини таом емоққа чақирди. Улар овқатланиб, тоғда тунадилар.

<sup>55</sup> Эрта билан Лобон туриб, набираларини ва қизларини ўпиб дуо қилди, йўлга равона бўлиб, ўз маконига қайтиб кетди.

## Ёқуб акаси Эсовга хабарчи юборгани

**32** Ёқуб ўз йўлида кетаётган экан, Худонинг фаришталари унга учраб қолдилар. <sup>2</sup> Ёқуб уларни кўриб: «Бу Худонинг лашкаргоҳи-ку!» – деб юборди, у жойни Маҳанайим (*яъни Лашкаргоҳлар*) деб атади.

<sup>3</sup> Ёқуб ўзидан олдин Сеъир Дашти дейиладиган Эдўм мамлакатига, акаси Эсов олдида хабарчилар юборди. <sup>4</sup> Уларга буюриб деди: «Жанобим Эсовга шундай деб айтинглар: “Сизнинг бандангиз Ёқуб деяптики, мен Лобонникида мусофир бўлиб яшаб, ҳозиргача банд бўлиб қолдим. <sup>5</sup> Шу орада мен хўкизлар, эшаклар, қўй-эчкилар, қулу чўрилар эгаси бўлдим. Энди хабарчиларни жанобимни огоҳ

қилиш ва унинг илтифотига сазовор бўлиш учун юбордим».

<sup>6</sup>Хабарчилар бориб келиб, Ёқубга: «Бизлар акангиз Эсовнинг ёнига бордик. У сизнинг қаршингизга чиқиб келаётир, у билан тўрт юз киши бор», – дейишди. <sup>7</sup>Шунда Ёқуб жуда қўрқиб, юраги зиқ бўлиб кетди. Ўзининг одамлари билан қўй, сигир ва туяларни икки манзилга айириб қўйди. <sup>8</sup>«Агар Эсов бир манзилга келиб менга зарба берса, қолган манзилдагилар қутулиб қолар», – деб ўйлади.

<sup>9</sup>Ёқуб ибодат қилиб деди: «Ё Худоё Худовандо, бобом Иброҳимнинг ва отам Исҳоқнинг Худоси! Сен менга: “Она юртингга, ўз қавм-уруғларингга қайтгин ва Мен сенга эҳсон қиламан”, – деб айтган эдинг. <sup>10</sup>Банданга кўрсатган бутун меҳр-шафқатингга ва садоқатингга мен сазовор эмасман. Мен-ку, таёғим билангина ушбу ўрдун дарёсидан ўтган эдим, энди мана, икки манзилнинг Эгаси бўлдим. <sup>11</sup>Марҳамат қилиб, мени акам Эсовнинг қўлидан қутқазгин! Мен ундан жуда қўрқаман, мабодо у келиб мени, фарзандларим билан оналарини қириб ташламасин. <sup>12</sup>Сен менга дегансанки: “Мен сенга эҳсон қиламан, сенинг зурриётингни денгиз кумидек кўпайтириб юбораман, кўплигидан уни санаб бўлмайдим”».

<sup>13</sup>Ёқуб ўша кеча у жойда тунади. Ўзида бор нарсаларнинг ҳаммасидан акаси Эсовга совға учун ажратди: <sup>14</sup>икки юз бош эчки, йигирма бош така, икки юз бош совлиқ қўй, йигирма бош қўчқор, <sup>15</sup>ўттиз бош соғин туя билан бўталоклари, қирқ бош сигир билан ўн бош новвос, йигирмата урғочи эшак ва ўнта ҳанги эшак. <sup>16</sup>Ҳар бир подани алоҳида-алоҳида қулларига топшириб, уларга: «Менинг олдимдан ўтиб бораверинглар ва пода билан пода орасида белгили масофа қолдиринглар», – деди. <sup>17</sup>Яна улардан биринчисига махсус амр бериб: «Акам Эсов сен билан учрашиб қолганда: “Кимникисан? Қаерга боряпсан? Олдиндаги бу пода кимники?” – деб сўраб қолса, <sup>18</sup>унда дегинки: “Бандангиз Ёқубникидир, жанобим Эсовга Ёқубнинг юборган ҳадяси дир. Мана, унинг ўзи ҳам бизнинг кетимиздан келаётир”».

<sup>19</sup>Ёқуб иккинчисига ҳам, учинчисига ҳам, подаларни ҳайдаб кетаётганларнинг ҳаммасига ҳам буюриб: «Эсов билан учрашиб қолганингизда, унга худди шундай деб айтинглар. <sup>20</sup>Айниқса: “Бандангиз Ёқуб орқамиздан келаётир”, – деб таъкидлаб айтинглар», – деди.

Ёқуб: «Ўзимдан олдин бораётган ҳадялар билан уни тинчитаман, ундан кейин у билан юзма-юз кўришамиз, балки мендан юз ўгирмас», – деб ўйлар эди. <sup>21</sup>Шундай қилиб, Ёқуб ҳадяларни ўзидан олдин юборди. Ўзи эса ўша кеча яна манзилида тунади.

## Ёқубнинг Худо билан курашуви

<sup>22</sup>Ҳали тун ўтмай, Ёқуб ўрнидан турди-да, икки хотини билан икки чўрисини ҳамда ўн бир боласини олиб, Яббуқ дарёсининг кечувидан ўтди. <sup>23</sup>Уларни ва ўзида бор бўлган нарсаларини ҳам дарёдан ўтказди. <sup>24</sup>Охирида якка ўзи қолди ва бир Зот тонг отгунча у билан курашди. <sup>25</sup>У Ёқубни енга олмагач, унинг сон бўғинига урди ва сони бўғинидан чиқиб кетди.

<sup>26</sup>У Зот:

– Мени қўйиб юбор, мана тонг отди, – деди. Лекин Ёқуб Унга:

– Мени дуо қилмагунингча, Сени қўйиб юбормайман! – деди. <sup>27</sup>Ўша Зот:

– Отинг нима? – деб сўради. У:

– Отим Ёқуб, – деди. <sup>28</sup>Ўша Зот:

– Бундан буён сени Ёқуб эмас, балки Исроил дейдилар. Чунки сен Худо ҳамда одамлар билан курашиб, ғолиб чиқдинг, – деди. <sup>29</sup>Ёқуб:

– Ўтиниб сўрайман, исмингни айт-чи! – деб илтимос қилди. Лекин У:

– Нима учун Менинг исмингни сўраяпсан? – деди. Сўнг ўша ерда Ёқубни дуо қилди.

<sup>30</sup>Ёқуб эса: «Худони юзма-юз туриб кўрдим, У жонимга ора кирди», – деди. Шунинг учун ўша жойни Понуил (*яъни Худо Юзи*) деб атади. <sup>31</sup>У Понуилдан узоқлашганда, кун ёриша бошлаган эди. У сони оғриб, оқсаб юрарди. <sup>32</sup>Шу сабабдан Исроил фарзандлари бугунгача сон бўғинидаги қуймуч пайини емайдилар. Чунки у Зот Ёқубни нақ шу жойига урган эди.

## Ёқуб билан Эсовнинг учрашуви

**33** Ёқуб назар солиб бир қараган эди, Эсов ва у билан тўрт юз киши келаётганини кўрди. Шунда Ёқуб болаларини Леа, Роҳила ва икки чўриси орасида тақсим қилди. <sup>2</sup>Чўрилар ва уларнинг болаларини олдинга, Леа ва унинг болаларини кетроққа, Роҳила билан Юсуфни эса энг орқага қўйди. <sup>3</sup>Ёқубнинг ўзи ҳамманинг олдида бориб, акасига яқинлашгунча етти марта ергача эгилиб таъзим қилди.

<sup>4</sup>Эсов укасини қаршилагани югурди, уни кучоқлаб, бўйнига осилиб, юз-кўзидан ўпди. Улар йиғлашдилар. <sup>5</sup>Эсов бошини кўтариб қараб, хотинлар билан болаларни кўрди.

– Булар сенинг киминг бўладилар? – деб сўради.

– Булар сизнинг бандангизга Худо эҳсон қилган болалар дир, – деди Ёқуб.

<sup>6</sup>Шунда чўрилар билан болалари ҳам яқинлашиб, таъзим қилишди. <sup>7</sup>Сўнгра Леа билан болалари, охирида эса Юсуф билан Роҳила ҳам ҳаммалари яқинлашиб, таъзим қилишди.

<sup>8</sup>Эсов сўради:

– Мен учрашиб қолган бошқа тоифа-чи, уларни юборишингдан мақсад нима?

– Жанобимнинг илтифотига сазовор бўлишим учун юбордим, – деди Ёқуб.

<sup>9</sup> – Эй биродарим, менда кўп нарса бор, ўзингники ўзингга бўлсин, – деди Эсов. <sup>10</sup> Ёқуб:

– Йўқ, агар сиз мени илтифотингизга сазовор ҳисобласангиз, совғамни менинг қўлимдан олинг. Мана сиз мени очиқ чеҳра билан қаршиладингиз, сиз билан юзма-юз кўришиш мен учун худди Худонинг юзини кўриш демакдир. <sup>11</sup> Марҳамат қилиб, сизнинг олдингизга юборган совға-саломимни қабул қилинг. Чунки Худо менга эҳсон қилди, менда ҳамма нарса бор, – деди.

Ёқуб унга кўп ёлворгач, Эсов совғаларни қабул қилди ва:

<sup>12</sup> – Қани юрайлик, мен сенинг олдингда боравераман, – деди. <sup>13</sup> Лекин Ёқуб унга деди:

– Жанобим билдиларки, болалар нозик, қўйлар ва сигирларим эса соғиларидан. Агар уларни бир кунгина қистаб ҳайдасалар, бутун чорва ўлиб қолади. <sup>14</sup> Илтимос, жанобим ўз бандасидан илгаридан бораверсинлар. Мен ихтиёримдаги моллар ва болаларнинг қадамига қараб, аста-секингина юриб, жанобим ёнига, Сеъирга етиб бораман.

<sup>15</sup> Эсов:

– Мен билан келган одамлардан бир нечасини сенинг измингга топширайин, – деди. Лекин Ёқуб:

– Нима кераги бор? Жанобим мени илтифотига сазовор ҳисобласалар, бас, – деди.

<sup>16</sup> Шундай қилиб, Эсов ўша кунни ўз йўлига, Сеъир томонга қайтиб равона бўлди. <sup>17</sup> Ёқуб эса Суккотга кўчиб кетди. Ўзи учун уй қуриб, чорваларига эса чайлалар ясади. Шунинг учун бу жой Суккот (*яъни Чайлалар*) деган ном олди.

<sup>18</sup> Шундай қилиб, Ёқуб Месопотамиядан қайтиб келгандан кейин Канъон мамлакатиданги Шакам шаҳрига эсон-омон бориб, шаҳарнинг рўпарасида манзил қурди. <sup>19</sup> Сўнгра ўрнашган ерни Шакамнинг отаси Ҳамўр ўғилларидан юз кумуш тангага сотиб олди. <sup>20</sup> У жойга бир қурбонгоҳ қуриб, уни Тангрига – Исроилнинг Худосига бағишлади.

#### Динанинг номусига тегиш ва хун

**34** Леанинг Ёқубга туғиб берган қизи Дина бир кунни Канъон қизларини кўришга бориш учун манзилдан ташқарига чиқди. <sup>2</sup> У ернинг амири ҳиввий Ҳамўрнинг ўғли Шакам қизни кўриб, уни ушлади, зўрлаб у билан ётди.

<sup>3</sup> Шакам Ёқубнинг қизи Динага мафтун бўлган, уни жуда севиб қолган эди. У бу қизнинг дилини овламоқчи бўлди. <sup>4</sup> Отаси Ҳамўрга ҳам билдириб:

– Бу қизчани менга хотинликка олиб беринг, – деди.

<sup>5</sup> Ёқуб эса қизи Динанинг номуси топталганини эшитгач, ўғиллари чорва билан даштдан қайтиб келгунча хомуш юрди. <sup>6</sup> Шакамнинг отаси Ҳамўр Ёқуб билан гаплашмоқчи бўлиб, унинг олдида борди. <sup>7</sup> Шу орада Ёқубнинг ўғиллари даштдан

келишди. Бўлган ҳодисани эшитишгач, уларнинг ғазаби қайнаб, қаттиқ жаҳли чиқиб:

– Ёқубнинг қизи билан ётиб, Исроил номига иснод келтирибди, қилмайдиган ишни қилиб қўйибди! – дейишди. <sup>8</sup> Ҳамўр уларга:

– Ўғлим Шакам қизингизга жуда ишқибоз бўлган, энди марҳамат қилиб уни ўғлимга хотинликка берсангизлар. <sup>9</sup> Бир-биримиз билан куда-андачилик қилайлик, сиз қизларингизни бизларга беринглар, бизнинг қизларимизни ўзингизга олинглар. <sup>10</sup> Бизлар билан яшайсизлар, бу ер сизларнинг ихтиёрингизда бўлади. Бу ерда яшаб, савдо-сотиқ қиласизлар, ер-сув эгаси бўласизлар, – деди.

<sup>11</sup> Кейин Шакам сўз олиб, қизнинг отасига ва акаларига:

– Фақат сизларнинг илтифотингизни қозонсам, бас. Менга нимаики десангизлар, уни бераман.

<sup>12</sup> Мендан қанча совға, қалин талаб қилсангизлар ҳам, бераман; фақат қизни менга хотинликка беринглар, – деди.

<sup>13</sup> Ёқубнинг ўғиллари эса сингиллари Динани ҳаром қилган Шакам ва отаси Ҳамўрга айёрлик билан жавоб бермоқчи бўлдилар. <sup>14</sup> Уларга:

– Бу ишни бизлар қилолмаймиз; синглимизни суннат бўлмаган одамга бериш биз учун беномуслик бўлади. <sup>15</sup> Башарти ҳар бир эркаингиз бизлардек хатна қилинса, биз бунга рози бўламиз.

<sup>16</sup> У тақдирда қизларимизни сизларга берамиз, сизларнинг қизларингизни ҳам ўзимизга оламиз, сизлар билан яшаб, битта қавм бўламиз. <sup>17</sup> Агар бизларга қулоқ солмай, хатна бўлмасангизлар, қизимизни олиб кетамиз, – дейишди.

<sup>18</sup> Уларнинг бу гаплари Ҳамўр билан ўғли Шакамга маъқул тушди. <sup>19</sup> Йигит Ёқубнинг қизига меҳр қўйганидан, бу ишни бажаришни кечиктирмади. У отасининг хонадонидан ҳаммадан эътиборли эди. <sup>20</sup> Шундай қилиб, Ҳамўр ва ўғли Шакам шаҳар дарвозаси олдида боришди ва ўз ҳамшаҳарларига хитоб қилиб:

<sup>21</sup> – Бу одамлар бизга нисбатан беғараз. Майли, шу мамлакатда яшаб савдо-сотиқ қилсинлар. Еримиз кенг, улар бемалол сиғади. Уларнинг қизларини ўзимизга хотинликка олайлик, ўз қизларимизни ҳам уларга берайлик. <sup>22</sup> Энди бу одамлар бизлар билан бирга яшаб бир қавм бўлишга рози-ю, лекин биттагина шартлари бор: бизлардаги ҳар бир эркак улар сингари хатна қилинсин экан. <sup>23</sup> Шунда уларнинг подалари, мол-мулклари, от-уловлари ҳам бизларники бўлади-ку! Фақат уларнинг бу шартига кўнсақ бўлди, бизлар билан бирга яшайдилар, – дейишди.

<sup>24</sup> Буни эшитганларидан кейин, шаҳар дарвозасидан кириб-чиқадиган ҳамма эркаклар Ҳамўр ва ўғли Шакамнинг гапига кириб, хатна бўлдилар.

<sup>25</sup> Орадан уч кун ўтиб, улар оғриб ётар эканлар, Ёқубнинг икки ўғли – Динанинг акалари Шимъун ва

Левий ҳар бири ўз қиличини тақиб олишди-да, тинч шаҳарга ногаҳон хужум қилиб, бутун эркакларни ўлдирдилар. <sup>26</sup> Ҳамўрни ва ўғли Шакамни ҳам тифдан ўтказиб, Динани Шакамнинг уйдан олиб кетдилар. <sup>27</sup> Ёқубнинг ўғиллари ўлганларнинг устига ёпирилиб, сингилларини шарманда қилган шаҳарни талон-тарож қилиб ташладилар. <sup>28</sup> Ҳам шаҳардан топган, ҳам даштдан топган кўй-эчки, қорамол ва эшакларни олиб кетдилар. <sup>29</sup> Шаҳарликларнинг бутун бойлигини талаб, бола-чақаси билан аёлларининг ҳаммасини эса асир олиб, уйларидаги бор-йўғини ўлжа қилиб олиб кетдилар.

<sup>30</sup> Ёқуб Шимўн ва Левийга:

– Сизлар мени бу юртнинг аҳли – канъонийлар ва перизийларнинг нафратига қолдириб, нотинч қилиб қўйдингизлар-ку! Менинг одамларим озгина; менга қарши қўшин тизиб зарба беришса, мен билан бутун хонадоним ҳам қирилиб йўқ бўлиб кетамиз-ку, – деди. <sup>31</sup> Ўғиллари эса:

– Синглимиз билан фоҳиша каби муомала қилишига йўл қўйиб бўладими, ахир?! – дейишди.

### Ёқубнинг Байтилга бориши

**35** Худо Ёқубга: «Ўрнингдан тур, Байтилга бориб у ерда истиқомат қил. Аканг Эсовнинг олдидан қочаётганинда сенга зоҳир бўлган Худо шаънига у ерда қурбонгоҳ тиклагин», – деди.

<sup>2</sup> Шунда Ёқуб ўзининг оиласига ва хонадонидаги бошқа барчага хитоб қилиб: «Орангизда сақлаб юрган ёт худолар *санамларини* ўзларингиздан узоқлаштиринглар. Ўзларингизни покиза қилиб, кийимларингизни алмаштиринглар. <sup>3</sup> Биз шу ердан қўзғалиб, Байтилга борамиз. Бошимга оғир кун тушган вақтларда менга кўмак берган ва юрган йўлимда ҳар доим мен билан бўлган Худо шаънига у ерда қурбонгоҳ қураман», – деди.

<sup>4</sup> Шунда улар сақлаб юрган ҳамма ёт худолар *санамларини* ва қулоқларига тақиб юрган бут сирғаларни Ёқубга беришди. Ёқуб эса буларни Шакам яқинидаги улуғ дарахтнинг тагига кўмди. <sup>5</sup> Сўнгра улар у ердан жилиб йўлга тушишди. Теварак-атрофдаги шаҳарлар аҳли эса Худодан қаттиқ ваҳм олган эди, шунинг учун Бани-Ёқубнинг кетидан қувишмади.

<sup>6</sup> Шундай қилиб, Ёқуб ва у билан юрган бутун қавм Канъон еридаги Луз шаҳрига етиб келдилар. (Луз – Байтилга тенгдир.) <sup>7</sup> У ерда Ёқуб қурбонгоҳ тиклаб, ўша жойни Эл-Байтил (*яъни Байтил Худоси*) деб атади. Чунки акаси олдидан қочаётганида ўша ерда Худо унга Ўзини намоён қилган эди.

<sup>8</sup> Шу орада Ривқонинг энагаси Девора ўлиб қолди. Уни Байтилнинг пастроғидаги болут дарахти тагига кўмдилар, дарахтни эса «йиғи болут» деб атадилар.

<sup>9</sup> Месопотамиядан қайтиб келганидан кейин, Худо Ёқубга яна бир бор зоҳир бўлди. Худо уни муборак қилиб: <sup>10</sup> «Сенинг отинг Ёқуб бўлса-да, бундан

кейин сени Ёқуб дейишмайди; энди сенинг исминг Исроил бўлади», – деганидек, унга Исроил деб ном қўйди. <sup>11</sup> Худо унга яна: «Мен Қодир Тангриман. Баракали бўлиб, ўсиб-кўпайгин. Сендан бир халқ ва ҳатто халқлар жамоати бунёд бўлади; сенинг уруғингдан подшоҳлар чиқади. <sup>12</sup> Мен Иброҳимга ва Исҳоққа берган бу ерни сенга ва сендан кейинги зурриётингга бераман», – деди.

<sup>13</sup> Ёқуб билан сўзлашиб бўлиб, Худо унинг ёнидан юқорига кўтарилди. <sup>14</sup> Ёқуб эса Худо ўзи билан гаплашган жойдаги тошни олиб, ёдгорлик тиклади, тошнинг устига шароб ва ёғ тўкиб назр атади. <sup>15</sup> Худо ўзи билан сўзлашган жойни эса Байтил (*яъни Худо уйи*) деб атади.

### Беняминнинг туғилиши, Роҳиланинг ўлиши

<sup>16</sup> Байтилдан жўнаб, йўл босар эдилар. Эфратга боришга сал қолган эдики, Роҳилани тўлғоқ тутиб, у жуда қийналди. <sup>17</sup> У азоб чекиб туғаётганида, дояси унга: «Кўрқма, бу ҳам сенга ўғил бўлади», – деди. <sup>18</sup> Ниҳоят, Роҳила ўлаётиб, жони чиқай деганда, туғилган ўғлини Бен-Ўни (*яъни Шум Оёқ*) деб чақирди. Аммо отаси унинг исмини Бенямин (*яъни Ўнг Қўлим*) деб қўйди. <sup>19</sup> Эфрат, яъни Байтлаҳм йўлида марҳума Роҳилани дафн этишди. <sup>20</sup> Ёқуб унинг қабри устида ёдгорлик тиклади. Қабр бугунгача «Роҳила мақбараси» деб айтилади.

<sup>21</sup> Шундан сўнг Исроил йўлга чиқиб, Адир Минора деган жойнинг нариги томонида чодир қурди.

<sup>22</sup> Исроил у юртда ўрнашганидан кейин, ўғли Рубен бориб отасининг чўри хотинларидан бири Билҳа билан ётди. Исроил буни эшитди, [ўғлини ёмон кўриб кетди.]

### Ёқубнинг ўғиллари

Ёқубнинг жами бўлиб ўн икки ўғли бор эди:

<sup>23</sup> Леа туққан ўғиллар: Ёқубнинг тўнғичи Рубен, кейин Шимўн, Левий, Яҳудо, Исохор ва Завулун.

<sup>24</sup> Роҳила туққан ўғиллар: Юсуф ва Бенямин.

<sup>25</sup> Роҳиланинг чўриси Билҳа туққан ўғиллар: Дан ва Нафтоли.

<sup>26</sup> Леанинг чўриси Зилпа туққан ўғиллар: Гад ва Ошер.

Ёқуб Месопотамияда бўлганида, мана шу ўғилларни кўрди.

<sup>27</sup> Ёқуб отаси Исҳоқнинг олдида, Мамре деган жойга борди. Иброҳим ҳам, Исҳоқ ҳам мусофир бўлиб яшаган бу жой Қирят-Арба (*яъни Ҳебрўн*) шаҳри яқинидадир. <sup>28</sup> Исҳоқ эса жами бир юзу саксон йил умр кўриб, вафот этди. <sup>29</sup> У тўқ ва кексайиб оламдан ўтди, ўзининг ота-боболари олдида жўнади. Унинг ўғиллари Эсов ва Ёқуб уни кўмишди.

### Эсовнинг насл-насаби – Эдўм халқи

**36** Эдўм халқининг отаси Эсовнинг насл-насаб тарихи қуйидагича:

<sup>2</sup> Эсовнинг хотинлари Канъон қизларидан эди. Булар – ҳетий Эйлоннинг қизи Ада, ҳиввий Сивъўн ўғли Ононинг қизи Аҳолибама <sup>3</sup> ва Исмоилнинг қизи, Навойўтнинг синглиси Бўсмаат эдилар. <sup>4</sup> Ада Эсовга Элифазни, Бўсмаат эса Рағуилни туғиб беришди. <sup>5</sup> Аҳолибама эса Яъуш, Яълам ва Қўраҳни туғди. Ҳали Канъон ерида бўлганда Эсов учун туғилган ўғиллари ана шулар эди. <sup>6</sup> Кейинроқ Эсов хотинларини, ўғил-қизларини ва хонадонидоги борлиқ жонни, шунингдек, бутун чорва подаларини, Канъон ерида орттирган барча мол-мулкни олиб, укаси Ёқубнинг олдидан ўзга мамлакатга кўчиб кетди. <sup>7</sup> Иккала ака-уканинг мол-мулки жуда кўпайгани учун, улар энди бирга яшай олмас эдилар. Уларнинг чорвалари кўплигидан, улар мусофир бўлиб турган мамлакат энди уларни сиғдиrolмайдиган бўлиб қолган эди. <sup>8</sup> Шундай қилиб, Эсов (Эдўмга тенгдир) Сеъир тоғлигида ўрнашиб олди.

<sup>9</sup> Эсовдан келиб чиққан, Сеъир тоғлигида ўрнашган Эдўм халқининг насл-насаби қуйидагича: <sup>10</sup> Эсовга хотини Ададан Элифаз, хотини Бўсмаатдан эса Рағуил номли ўғиллар туғилдилар.

<sup>11</sup> Элифазнинг ўғиллари: Теман, Умар, Сафў, Гаътам ва Қаноз эдилар. <sup>12</sup> Эсов ўғли Элифазнинг иккинчи хотини Тимна эса эрига Омолеқни туғиб берди. Ана шулар ҳаммаси Эсовнинг хотини Аданинг ўғил-набиралари эди. <sup>13</sup> Рағуилнинг ўғиллари: Наҳат, Зараҳ, Шамма ва Мизза эдилар. Булар эса Эсовнинг хотини Бўсмаатнинг ўғил-набиралари эди. <sup>14</sup> Сивъўн ўғли Ононинг қизи Аҳолибама эри Эсовга Яъуш, Яълам ва Қўраҳ деган ўғилларни туғиб берди.

<sup>15</sup> Эсов наслидан келиб чиққан қабила йўлбошчилари қуйидагилардир: Эсовнинг тўнғичи Элифаз – Теман, Умар, Сафў, Қаноз, <sup>16</sup> Қўраҳ, Гаътам ва Омолеқ номли қабила йўлбошчиларининг отаси бўлган. Ана шу Эдўм қабилалари бари Элифаздан келиб чиқиб, *Эсовнинг хотини* Аданинг ўғил-набиралари эдилар. <sup>17</sup> Эсовнинг *иккинчи ўғли* Рағуил эса – Наҳат, Зараҳ, Шамма ва Мизза номли қабила йўлбошчиларининг отаси бўлган. Ана шу Эдўм қабилалари Рағуилдан келиб чиқиб, Эсовнинг хотини Бўсмаатнинг ўғил-набиралари эдилар.

<sup>18</sup> Эсовнинг хотини Аҳолибаманинг эрига туғиб берган ўғиллари: Яъуш, Яълам ва Қўраҳ эдилар. Булар худди шу исмли қабилаларнинг йўлбошчилари бўлганлар. Ана шулар Эсовнинг хотини, Ононинг қизи Аҳолибамадан бино бўлган йўлбошчилар эди. <sup>19</sup> Шундай қилиб, бу Эдўм қабилаларининг ҳаммасига Эсовнинг ўғиллари йўлбошчи бўлганлар.

<sup>20</sup> Эдўм туб аҳолисининг келиб-чиқиши ҳўрий Сеъирнинг ўғилларидан бошланган. Сеъирнинг ўғиллари: Лўтан, Шўвал, Сивъўн, Оно, <sup>21</sup> Дишўн, Эсар ва Дишан эдилар. Булар Эдўмдаги ҳўрий қабилаларининг йўлбошчилари бўлганлар.

<sup>22</sup> Лўтанинг ўғиллари Хўрий ва Ҳемам эдилар. Лўтанинг Тимна деган синглиси ҳам бор эди.

<sup>23</sup> Шўвалнинг ўғиллари: Алвон, Маноҳат, Эвол, Шафў ва Ўном эдилар. <sup>24</sup> Сивъўннинг ўғиллари: Айё ва Оно эдилар. (Отаси Сивъўннинг эшакларини чўлда боқаётганида иссиқ булоқни топган ўша Оно эди.) <sup>25</sup> Ононинг эса Дишўн отли ўғли ва Аҳолибама отли қизи бор эди. <sup>26</sup> Дишўннинг ўғиллари: Ҳамдон, Эшбон, Йитрон ва Карон эдилар. <sup>27</sup> Эсарнинг ўғиллари: Билҳон, Заъвон ва Ақон эдилар. <sup>28</sup> Дишаннинг ўғиллари: Ус ва Орон эдилар. <sup>29</sup> Шундай қилиб, Сеъир юртидаги Хўрий қабилаларининг номлари ўз йўлбошчиларининг тартиби бўйича шундайдир: Лўтан, Шўвал, Сивъўн, Оно, Дишўн, Эсар ва Дишан.

### Эдўм подшоҳларининг тарихчаси

<sup>31</sup> Исроил фарзандлари устидан бирон подшоҳ ҳукм сурмасдан олдин, Эдўм юртида қуйидаги подшоҳлар ҳукмронлик қилганлар:

<sup>32</sup> Эдўм тахтида ўтирган *илк* подшоҳ Динҳоба шаҳридан бўлган Баъўр ўғли Бела эди. <sup>33</sup> Бела ўлгач, унинг ўрнига Бўсра шаҳридан Зараҳ ўғли Йўбоб тахтга чиқди. <sup>34</sup> Йўбоб ўлгач, унинг ўрнига Теман юртидан Ҳушом тахтга чиқди. <sup>35</sup> Ҳушом ўлгач, унинг ўрнига Мўов ерида мидёнликларни тор-мор этган, Авит шаҳридан бўлган Бедод ўғли Ҳадад тахтга чиқди. <sup>36</sup> Ҳадад ўлгач, унинг ўрнига Масреқа шаҳридан Самла тахтга чиқди. <sup>37</sup> Самла ўлгач, унинг ўрнига дарё бўйида жойлашган Раҳовот шаҳридан Шоул тахтга чиқди. <sup>38</sup> Шоул ўлгач, унинг ўрнига Ахбўр ўғли Баал-Ҳанан тахтга чиқди. <sup>39</sup> Ахбўр ўғли Баал-Ҳанан ўлгач, унинг ўрнига Ҳадар тахтга чиқди. У Пағу шаҳридан бўлиб, хотини эса Матраднинг қизи, Мезаҳобнинг набираси Меҳатобила эди.

<sup>40</sup> Эсовдан келиб чиққан *Эдўм* қабилаларининг номлари сулоалари ва ўрнашган жойлари бўйича шулардир: Тимна, Алва, Ятет, <sup>41</sup> Аҳолибама, Эло, Пинўн, <sup>42</sup> Қаноз, Теман, Мибсор, <sup>43</sup> Магдиэл ва Ирам. Ушбу қабилалар ўз йўлбошчиларининг номларини олиб, ҳар бириси ўзининг яшаш ерига эга бўлган. Мана шуларнинг ҳаммаси Эдўм халқининг отаси Эсовдан келиб чиққанлар.

### Юсуфнинг кўрган тушлари

**37** Ёқуб отаси мусофир бўлиб яшаган мамлакатда – Канъон диёрида яшайверди.

<sup>2</sup> Ёқубнинг насл-насаб тарихи эса қуйидагича:

*Ёқубнинг ўғли* Юсуф ўн етти яшар ўсмир бўлиб қолган эди. У отасининг хотинлари Билҳа ва Зилпадан туғилган акалари билан бирга чорва боқар, отаси олдида акаларининг ғийбатини қилар эди. <sup>3</sup> Исроил эса Юсуфни ҳамма ўғилларидан кўпроқ севар эди, чунки у Исроилнинг қариллик чоғида кўрган ўғли эди. Шу сабабли унга беқасам тўн қилдирди. <sup>4</sup> Юсуфнинг акалари эса оталари уни ҳамма ўғилларидан кўпроқ севганини билиб,



Юсуфни ёмон кўриб қолдилар. Энди у билан дўстона гаплаша олмас эдилар.

<sup>5</sup> Бир куни Юсуф туш кўриб, акаларига айтиб берди. Улар эса уни янада ёмон кўриб қолишди.

<sup>6</sup> Юсуф акаларига:

– Мен кўрган бу тушни тингланглар, – деди. <sup>7</sup> – Тушимда бизлар экинзорда боғлам боғлаётган эканмиз. Қарасам, менинг боғламим ердан кўтарилиб, тик турган экан, сизларнинг боғламларингиз эса давра олиб, менинг боғламимга таъзим қилди.

<sup>8</sup> Юсуфнинг акалари унга:

– Наҳотки сен бизнинг устимиздан подшоҳ ёки ҳукмрон бўлмоқчисан? – дейишди. Уни кўрган туши ва гапирган гапи туфайли янада ёмон кўриб қолдилар.

<sup>9</sup> Кейин Юсуф яна бошқа бир туш кўрди. Уни ҳам акаларига ҳикоя қилиб берди:

– Мен яна туш кўрдим. Тушимда қуёш ва ой ҳамда ўн бир юлдуз менга таъзим қилаётган экан, – деди.

<sup>10</sup> Юсуф буни акалари ва отасига ҳам ҳикоя қилган эди, отаси уни койиб:

– Бу кўрган тушинг қандай туш экан? Наҳотки мен, онанг ва акаларинг сенинг оёқларингга йиқирилиб таъзим қилсан? – деди.

<sup>11</sup> Юсуфга акалари ҳасад қилишарди. Лекин отасини бу гаплар ўйлатиб қўйди.

### Юсуфни Мисрга сотиш

<sup>12</sup> Юсуфнинг акалари оталарининг подаларини боқиш учун Шакамга кетишган эди. <sup>13</sup> Шу вақт Исроил Юсуфга:

– Акаларинг Шакамда мол боқишяпти. Кел, сени уларнинг ёнига юборайин, – деди.

– Хўп бўлади, отажон! – деди Юсуф.

<sup>14</sup> – Сен бориб акаларинг ва подаларнинг ҳол-аҳволини билиб, менга хабар келтир, – деб отаси уни Ҳебрўн водийсидан жўнатди.

Юсуф Шакамга қараб йўл олди. <sup>15</sup> Даштда адашиб қолди. Бир киши Юсуфни кўриб, ундан сўради:

– Нимани изляяпсан?

<sup>16</sup> – Мен акаларимни изляяпман, улар қаерда мол боқишяпти? Билсанг, менга айт, – деди Юсуф.

<sup>17</sup> Ҳалиги одам унга:

– Улар бу ердан жўнаб кетишди. Дўтанга борамиз, деб айтганларини эшитган эдим, – деди.

Шунда Юсуф акаларининг кетидан бориб, уларни Дўтанда топди. <sup>18</sup> Юсуф ҳали яқинлашмасданок, акалари кўриб, Юсуфни ўлдиришга қасд қилдилар.

<sup>19</sup> Бир-бировига:

– Мана, ўша туш кўрувчи келяпти! <sup>20</sup> Келинлар энди, уни ўлдирамиз ва бирон қудуққа ташлаймиз. Сўнгра йиртқич ҳайвон уни еб кетибди, деб айтамыз. Шунда унинг тушлари нима бўларкан, кўрамыз, – дедилар. <sup>21</sup> Аммо Рубен Юсуфни уларнинг қўлидан қутқармоқчи бўлиб, укаларига:

– Унинг жонига қасд қилмайлик. <sup>22</sup> Қон тўкманглар, уни мана шу яқиндаги чўл қудуғига

ташласаларинг бўлди, фақат унинг жонига қасд қилманглар! – деди. Чунки у Юсуфни укалари қўлидан қутқариб, отаси олдига қайтариш ниятида эди.

<sup>23</sup> Юсуф акалари ёнига келганда, акалари уни ушлаб, устидаги беқасам тўнни ечиб, <sup>24</sup> ўсмирни қудуқнинг ичига ташлаб кетишди. Қудуқ эса қуруқ, ичида сув йўқ эди.

<sup>25</sup> Улар овқатланиб ўтириб, бир қарашган эди, Гилъад томондан исмоилийлар карвони келаётганини кўришди. Уларнинг туяларига хушбўй смолалар ва тутатқилар ҳамда мумиё ортилган, Мисрга қараб йўл босаётган эдилар.

<sup>26</sup> Яҳудо биродарларига:

– Укамизнинг қонини тўкиб буни яширишдан нима фойда бор? <sup>27</sup> Келинлар, яхшиси уни исмоилийларга сотамиз, қўлимизни унинг қони билан булғамаймиз. У бизнинг укамиз, ўз суягимиз, ахир, – деди.

Яҳудо ака-укаларини кўндирди.

<sup>28</sup> Шу пайт Мидёндан савдогарлар карвони ўтаётган эди. Улар Юсуфни қудуқдан тортиб чиқардилар ва йигирма кумуш тангага исмоилийларга сотдилар. Улар эса Юсуфни Мисрга олиб кетдилар.

<sup>29</sup> Рубен ўша қудуқ бошига қайтиб бориб, қарасаки, Юсуф қудуқ ичида йўқ! У чопонини йиртиб ташлади-да, <sup>30</sup> укалари ёнига қайтиб бориб уларга:

– Бола йўқ, энди мен қаерга бош урай? – деди.

<sup>31</sup> Шунда ака-укалар Юсуфнинг беқасам тўнини олиб, бир такани сўйиб, тўнни така қонига ботирдилар. <sup>32</sup> Сўнг тўнни оталари олдига юбориб: «Биз буни топдик. Танинг-чи, бу ўғлингизнинг чопоними, ёки у эмасми?» – деб сўратдилар.

<sup>33</sup> Ёқуб чопонни таниб:

– Ўғлимнинг чопони-да, уни йиртқич ҳайвон еган. Юсуф бурда-бурда бўлган, шекилли, – деди. <sup>34</sup> Ва кийимини йиртиб, белига жул ўраб, ўғли учун анча вақт мотам тутди. <sup>35</sup> Ҳамма ўғил-қизлари унга тасалли бермоқ учун отасини бориб кўрса-да, аммо у овунишни рад қилар,

– Мен мотамли бўлиб ўғлимнинг ёнига, ўликлар диёрига бораман, – дерди. Ўғлининг ҳасратида кўп фарёд чекди.

<sup>36</sup> Шу орада мидёнликлар Юсуфни Мисрга олиб бориб, Фиръавннинг саройи маъмури ва соқчилар бошлиғи – Пўтифарга сотган эдилар.

### Яҳудо ва Тамара

**38** Ўша вақтда Яҳудо ўз ака-укаларидан айрилиб жўнади. У йўл юриб, Адуллам шаҳрида Ҳиро отли бойнинг ёнида жойлашди.

<sup>2</sup> Яҳудо у ерда Шуо исмли канъонлик бир одамнинг қизини кўриб қолди. Уни хотинликка олиб, бир ёстикқа бош қўйишди. <sup>3</sup> Аёл ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди. Эри унинг отини Фер қўйди. <sup>4</sup> У яна ҳомиладор бўлиб бир ўғил туғди, унинг отини Ўнан

қўйди. <sup>5</sup> У тагин бир ўғил туғиб, унинг отини Шело қўйди. Бу туғилган пайтда Яхудо Каззоб шахрида эди.

<sup>6</sup> Яхудо тўнғичи Ферни Тамара исмли бир қизга уйлантирди. <sup>7</sup> Яхудонинг тўнғичи Фер Худованд назарида нобоп одам бўлгани учун, Худованд уни ўлдирди. <sup>8</sup> Шунда Яхудо Ўнанга:

– Қайнағалик бурчингни ўтаб, акангнинг хотинини никоҳингга ол, токи акангга зурриёт етиштиргин, – деди.

<sup>9</sup> Лекин Ўнан бу зурриёт ўзиники бўлмаслигини билиб, акамга зурриёт қолмасин, деб унинг хотини билан қовушган пайтларда уруғини ерга тўкиб юборар эди. <sup>10</sup> Унинг бу қилган иши эса Худовандга ёқмади ва Худованд уни ҳам ўлдирди.

<sup>11</sup> Яхудо келини Тамарага:

– Ўғлим Шело катта бўлгунга қадар сен отангнинг уйида бева туравергин, – деди. Чунки Яхудо: «Бу ҳам акалари каби ўлмасин», деб кўрқар эди. Шундай қилиб, Тамара кетди, отасининг уйида яшайверди.

<sup>12</sup> Анча вақт ўтгандан сўнг Шуонинг қизи, яъни Яхудонинг хотини ўлиб қолди. Яхудо бир муддат ўтиб таскин топганидан кейин, ўзи билан дўсти адулламлик Ҳирони олиб, қўйларининг жунини қирқаётганларни кўргани Тимнага боришди.

<sup>13</sup> Тамаранинг қулоғига: «Мана, қайнотанг қўйларининг жунини қирқиш учун Тимнага бораётир», – деган дарак етиб келди. <sup>14</sup> Шунда у бевалик кийимларини ечиб, паранжи ёпиниб, ўзини таниб бўлмайдиган қилди-да, Тимнага борадиган йўлда жойлашган Энойим ерининг кираверишида ўтирди. Тамара: «Шело энди катта бўлган, мени унга хотинликка беришмайди», деган хулосага келган эди.

<sup>15</sup> Яхудо Тамаранинг юзи ёпиқ ўтирганини кўриб, фоҳиша деб ўйлади. <sup>16</sup> У ўзининг келини эканини билмай, Яхудо йўлидан аёл томон бурилди-да:

– Рухсат бер, сен билан ётай, – деди.

– Сиз мен билан ётсангиз, менга нима берасиз? – деди аёл. <sup>17</sup> Яхудо:

– Қўтондан сенга бир улоқ бериб юбораман, – деди.

– Юборгунингизгача гаровга бирон нарса берасизми? – деди. <sup>18</sup> Яхудо:

– Гаровга нима берай? – деб сўради.

– Муҳрингизни, унинг ипини ва қўлингиздаги ҳассани беринг, – деди аёл.

Яхудо у айтган нарсаларни берди ва у билан ётди. Тамара эса ундан ҳомиладор бўлди. <sup>19</sup> Тамара уйига қайтиб кетди ва паранжисини ечиб, яна ўзининг бевалик кийимларини кийди.

<sup>20</sup> Шу орада Яхудо ўша аёлга гаровга берган нарсаларини қайтариб олай, деб адулламлик дўсти орқали улоқни юборди. Уни тополмагач, <sup>21</sup> дўсти бу жойнинг одамларидан сўради:

– Энойимда йўл чеккасида ўтирган анави фоҳиша қани?

– Бу ерда фоҳиша йўқ эди, – дейишди.

<sup>22</sup> Дўсти Яхудонинг ёнига қайтиб келиб:

– Уни тополмадим, у жой одамлари ҳам ўша ерда фоҳиша йўқлигини айтдилар, – деди. <sup>23</sup> Яхудо:

– Мана мен бу улоқни юбордим, лекин сен аёлни топмабсан. Майли ўзига олиб қўйсин, тагин биз уятга қолмайлик, – деди.

<sup>24</sup> Қарийб уч ой ўтгач, Яхудога: «Сенинг келининг Тамара зино қилибди, фоҳишалигидан ҳомиладор ҳам бўлибди», – деган хабар етказишди. Яхудо:

– Уни майдонга чиқариб ёқинглар! – деди.

<sup>25</sup> Тамарани ташқарига олиб чиқишаётган вақтда, у қайнотасига киши юбориб: «Мен мана бу буюмларнинг эгасидан ҳомиладор бўлганман.

Танинг-чи, бу муҳр, бу ип, бу ҳасса кимники экан?» – деган гапни жўнатди.

Яхудо буюмларни таниб:

<sup>26</sup> – Мен эмас, у ҳақлидир, чунки мен уни ўғлим Шелога бермадим, – деди. Шундан кейин Тамарага бошқа тегмади. <sup>27</sup> Тамарани тўлғоқ тутганида, унинг қорнида эгиз болалар борлиги маълум бўлди.

<sup>28</sup> Туғаётган вақтда болалардан бири қўлини чиқарди. Доя алвон ип олиб: «Мана бу биринчи бўлиб чиқди!» – деб ипни унинг қўлига боғлади.

<sup>29</sup> Бола қўлини қайтариб олиши билан унинг биродари чиқди. Шунда доя: «Ҳа, сен қандай ёриб чиқиб олдинг!» – деди. Шунинг учун Яхудо унинг исмини Парас қўйди. <sup>30</sup> Кейин қўлида алвон ип бўлган биродари ҳам чиқди. Унинг отини Зараҳ қўйди.

### Юсуф ва Пўтифарнинг хотини

**39** Шу орада Юсуфни Мисрга олиб боришган эди. Фиръавн саройининг маъмури ва соқчилар бошлиғи, Мисрнинг беги бўлган Пўтифар Юсуфни у ерга олиб борган исмоилийлардан сотиб олган эди. <sup>2</sup> Худованд Юсуф билан эди. У мисрлик хўжайинининг уйида тураркан, омадли киши бўлиб қолди. <sup>3</sup> Унинг хўжайини ҳам Худованд Юсуф билан бўлганини англади. Чунки Юсуф қўл урган ҳар қандай ишга Худованд омад берар эди. <sup>4</sup> Шундай қилиб, Юсуф хўжайинининг кўнглини топиб, унинг шахсий ходими бўлиб қолди. Бек Юсуфни ўз хонадони устидан гумашта қилиб тайинлаб, бор-будини унинг ихтиёрига топширди. <sup>5</sup> Мисрликнинг хонадони ва бутун мол-мулки устидан Юсуф гумашта қилиб тайинланган вақтдан эътиборан Худованд Юсуф туфайли у хонадонни баракали қилди, уйда ва даштдаги ҳамма нарсасида Худованднинг баракати намоён эди. <sup>6</sup> Бек ўзининг бор-йўғини Юсуфнинг қарамоғига топшириб, энди ўз томоғидан бошқа ҳеч нарса ҳақида қайғурмас эди.

Юсуф қадди-қомати келишган, жуда чиройли йигит эди. <sup>7</sup> Орадан бир муддат ўтгач, бекнинг хотини Юсуфга кўзини тикадиган бўлди. У Юсуфга: – Мен билан ёт! – деб айтар эди. <sup>8</sup> Аммо Юсуф рад этиб, хўжайинининг хотинига:

– Мана, хўжайиним мен унинг хонадонида қиладиган ҳеч бир ишимга аралашмайди, ўзининг бор-будини менинг ихтиёримга топширган. <sup>9</sup> Бу хонадонда мендан катта одам йўқ. Хўжайин мендан ҳеч нарса аямай, биргина сени бермаган. Сен унинг хотинисан-ку. Мен қандай қилиб бундай қабихликка бориб, Худога қарши гуноҳ қиламан? – деди.

<sup>10</sup> Бека кундан-кун зўрласа-да, Юсуф у билан ётишга ёки ҳатто ўтиришга ҳам кўнмас эди.

<sup>11</sup> Кунларнинг бирида Юсуф ўз ишини қилиш учун уйга кирди. Уй хизматчиларидан ҳеч ким йўқ эди.

<sup>12</sup> Бека Юсуфнинг жомасини ушлаб:

– Мен билан ёт! – деди. Аммо Юсуф жомасини аёлнинг кўлида қолдириб, ташқарига қочиб кетди.

<sup>13</sup> У қочиб кетгандан кейин, бека жомани кўлида ушлаганча <sup>14</sup> уй хизматчиларини чақирди ва уларга:

– Қаранглари олиб келган одамни! Энди бу иброний бизлар билан шўхлик қилишга ҳам интилади-да! Мана ҳозир у келиб, мен билан ётмоқчи бўлди. Аммо мен баланд овоз билан қичқариб юбордим. <sup>15</sup> У фарёд кўтарганимни эшитгач, ўз жомасини ёнимда қолдириб ташқарига қочиб кетди, – деди.

<sup>16</sup> Бека Юсуфнинг жомасини ёнида олиб қўйди. Бек уйига қайтиб келгач, <sup>17</sup> унга арз қилишга тушди:

– Бизларга сиз келтирган шу иброний кул мен билан шўхлик қилмоқчи бўлиб ёнимга келди.

<sup>18</sup> Овозимни баланд қилиб, қичқаришим билан у жомасини ёнимда қолдириб, ташқарига қочиб кетди, – деди.

<sup>19</sup> Юсуфнинг хўжайини эса хотинининг: «Юсуф менга не-не ишларни қилмади!» – деган нолишини эшитиб, жаҳли чиқди. <sup>20</sup> У Юсуфни ушлаб, подшоҳнинг махсус зиндонидаги қамоқхонага қаматиб қўйди.

Шундай қилиб, Юсуф зиндонда ётар эди. <sup>21</sup> Лекин Худованд Юсуф билан бўлиб, унга эҳсон қилар эди. Юсуф зиндон бошлиғининг кўнглини топди.

<sup>22</sup> Зиндон бошлиғи қамоқдаги бутун маҳбусларни Юсуфнинг қарамоғига берди, у ердаги ҳамма ишларни Юсуф идора қилар эди. <sup>23</sup> Зиндон бошлиғи энди Юсуфнинг назорати остидаги ҳеч бир ишга аралашмас эди. Чунки Худованд Юсуф билан бўлиб, у қилган ҳамма ишга омад берар эди.

#### Қамоқда Юсуфнинг туш таъбирлаши

**40** Бу ҳодисалардан сўнг Миср подшоҳининг соқийси ва новвойи ўз жаноблари – Фиръавнга қарши гуноҳ қилдилар. <sup>2</sup> Ўзининг бош соқийси ва бош новвойи бўлган бу иккала маъмуридан Фиръавн аччиқланиб, <sup>3</sup> уларни қаматиб қўйди. Улар ётган қамоқхона соқчилар бошлиғининг назорати остида бўлиб, у ерда Юсуф ҳам маҳбус эди. <sup>4</sup> Соқчиларнинг бошлиғи Юсуфни

буларга малай қилиб қўйди. Шундай қилиб, Юсуф уларга хизмат қилар эди.

<sup>5</sup> Миср подшоҳининг соқийси билан новвойи бир муддат қамоқда ётганларидан кейин, бир кечанинг ўзида иккаласи бирдан туш кўришди. Ҳар бир тушнинг ўзига хос маъноси бор эди. <sup>6</sup> Саҳар туриб, Юсуф уларнинг ёнига келди, ҳар икковининг кўнгли хуфтон эканини кўрди. <sup>7</sup> Юсуф ўзи билан бир қаторда хўжайини – Фиръавннинг уйида асир бўлган бу маъмурлардан:

– Нима учун бугун юзларингиз ғамгин? – деб сўради. <sup>8</sup> Улар:

– Биз туш кўрдик, аммо тушни таъбир қиладиган кишини тополмадик, – дейишди. Юсуф уларга:

– Тушнинг таъбирлари Худодан эмасми? Менга тушунтириб беринглари-чи, – деди.

<sup>9</sup> Шунда бош соқий тушини Юсуфга ҳикоя қилди:

– Мен тушимда олдимда бир ток кўрдим. <sup>10</sup> Тоқда учта новда бор экан. Новдалар ўсиб, гуллаб, шингил-шингил узумлар пишди. <sup>11</sup> Менинг кўлимда Фиръавннинг косаси бор экан. Мен узумларни олиб сиқдим ва Фиръавннинг косасига қуйиб, косани унинг кўлига бердим, – деди.

<sup>12</sup> Юсуф унга:

– Тушнинг таъбири шу: уч новда – уч кун. <sup>13</sup> Мана уч кундан кейин Фиръавн сенинг бошингни юксалтириб, аввалги мансабинга қайтаради.

Худди унга соқийлик қилган вақтда қилганиндай, аввалги тартиб бўйича яна Фиръавннинг косасини унинг кўлига берасан. <sup>14</sup> У сенга ҳиммат қилганидан сўнг, мени ҳам эслаб тургин. Марҳамат қилиб Фиръавн ҳузурда мени ёдингга келтир ва мени бу қамоқхонадан чиқариб олишга тиришгин.

<sup>15</sup> Мени ибронийларнинг еридан ўғирлаб кетишгани етмагандек, энди бу ерда ҳам бирон-бир жиноят қилмай, бу чуқурга тиқиб қўйилдим, – деди.

<sup>16</sup> Бош новвойи эса Юсуф бояги тушни яхшиликка йўйганини кўргач:

– Мен ҳам туш кўрдим, – деди. – Бошим устида учта саватда кулча бор экан. <sup>17</sup> Энг устки саватда новвойлар Фиръавн учун махсус тайёрлаган ҳар хил таомлар бор экан. Лекин қушлар келиб, бошим устидаги саватдан уларни чўқиб кетди.

<sup>18</sup> Юсуф жавоб берди:

– Тушнинг таъбири шу: уч сават – уч кун. <sup>19</sup> Мана шу уч кундан кейин Фиръавн бошингни танангдан жудо қилиб, сени дорга остиради, қушлар келиб этингни танангдан чўқиб кетади, – деди.

<sup>20</sup> Орадан уч кун ўтиб, Фиръавн ўзининг туғилган кунини нишонлаш муносабати билан бутун мулозимлари учун зиёфат қилди. Мулозимларидан ўзининг бош соқийси билан бош новвойини ҳам ўртага чиқарди. <sup>21</sup> Бош соқийни ўз мансабига қайтарди ва у яна косани Фиръавн кўлига берди.

<sup>22</sup> Лекин бош новвойни эса, Юсуф таъбир қилганидек, дорга остирди.

<sup>23</sup> Шундан сўнг бош соқий Юсуфни бошқа эсламади, уни унутиб юборди.

### Фиръавннинг кўрган тушлари

**41** Орадан икки йил ўтгач, Фиръавн туш кўриб қолди. Тушида у Нил дарёси бўйида турган экан. <sup>2</sup> Дарёдан кўримли, семиз етти бош сигир чиқиб, қиёқзорда ўтлаб юришар экан. <sup>3</sup> Уларнинг кетидан дарёдан кўримсиз, ориқ етти бош сигир чиқиб, дарё бўйидаги сигирлар ёнида турибди. <sup>4</sup> Кўримсиз, ориқ сигирлар кўримли, семиз етти сигирни еб юборибди.

Шундан кейин Фиръавн уйғонди. <sup>5</sup> У яна уйқуга кетиб, иккинчи марта туш кўрди. Тушида битта пояда еттита яхши ва тўлиқ бошоқ чиқибди. <sup>6</sup> Уларнинг кетидан чўл шамоли қовжиратган ориққина етти бошоқ ўсиб чиқибди. <sup>7</sup> Бу ориқ бошоқлар семиз ва тўлиқ етти бошоқни ютиб юборибди. Шундан сўнг Фиръавн уйғониб, туш кўрганини билди.

<sup>8</sup> Сахар пайтида Фиръавннинг кўнгли жуда ғаш эди. У киши юбориб, Мисрнинг барча сеҳргарлари ва донишмандларини чақиртирди. Фиръавн уларга тушларини ҳикоят қилди, аммо унга таъбир қилиб берадиган бирон киши топилмади.

<sup>9</sup> Шунда Фиръавннинг бош соқийси сўз олиб унга деди:

– Мен бугун гуноҳларимни эслатишга мажбурман. <sup>10</sup> Фиръавн жаноби олийларининг бандаларига ғазаблари келиб, мени ва бош новвойни соқчилар бошлиғининг қамоқхонасига топширган эдилар. <sup>11</sup> Бир кечанинг ўзида мен ва жўрам бирдан туш кўриб қолдик, ҳар биримизнинг тушимиз эса ўзига хос таъбирни талаб қилар эди. <sup>12</sup> У ерда бизлар билан соқчилар бошлиғига хизмат қилиб юрган бир иброний йигит бор эди. Биз тушларимизни унга сўзлаб бердик, у бизга таъбир қилиб берди, тушларимизни алоҳида-алоҳида шарҳлаб берди. <sup>13</sup> Хулласи калом, у қандай таъбир этган бўлса, худди шундай бўлди. Мен ўз мансабимга қайтарилдим, жўрам эса осилди.

### Юсуф Фиръавннинг тушларини таъбирлаши

<sup>14</sup> Буни эшитиб, Фиръавн Юсуфни олиб келиш учун кишилар юборди. Улар шошиб-пишиб Юсуфни зиндондан чиқаришди, сочини олиб, кийимини алмаштиришди. Юсуф Фиръавннинг ҳузурига келди. <sup>15</sup> Фиръавн унга:

– Мен туш кўрдим, лекин уни таъбир қиладиган киши йўқ. Эшитишимча, сенинг тушни таъбир қилишга фаҳминг етар экан, – деди. <sup>16</sup> Юсуф Фиръавнга:

– Бу мендан эмас; лекин Худо Фиръавнга хайрли башорат қилган бўлса керак, – деб жавоб берди.

<sup>17</sup> Фиръавн Юсуфга:

– Мен тушимда Нил бўйида турган эканман.

<sup>18</sup> Шунда дарёдан семиз ва гўзал етти бош сигир

чиқиб, қиёқзорда ўтлаб юришар экан. <sup>19</sup> Уларнинг кетидан кўриниши ёмон, бадбашара, жуда ориқ бошқа етти бош сигир чиқди. Мен бутун Миср ерида шунчалик ёмон сигирни кўрмаган эдим.

<sup>20</sup> Ёмон, ориқ сигирлар эса аввалги етти семиз сигирни еб юборди. <sup>21</sup> Семиз сигирлар уларнинг қорнига кирган бўлса-да, қорнида борлиги билинмас эди. Уларнинг кўриниши аввалгидек ёмон эди. Шундан сўнг мен уйғониб кетдим.

<sup>22</sup> Кейинги тушимда мен битта пояда ўсиб чиққан еттита тўлиқ ва яхши бошоқни кўрдим. <sup>23</sup> Уларнинг кетидан ингичка, чўл шамолидан қовжиратган, қуруқ еттита бошоқ ўсиб чиқди. <sup>24</sup> Ингичка бошоқлар эса еттита тўлиқ бошоқни ютиб юборди. Шунда мен буни сеҳргарларга айтдим, аммо менга шарҳлаб берадиган киши топилмади, – деди.

<sup>25</sup> Юсуф Фиръавнга деди:

– Фиръавннинг тушлари бир. Худо қилмоқчи бўлган ишини Фиръавнга билдирибди. <sup>26</sup> Етти бош яхши сигир – етти йил, еттита яхши бошоқ ҳам – етти йил. Тушларнинг маъноси бир. <sup>27</sup> Улардан кейин чиққан етти бош ёмон ва ориқ сигир эса – яна етти йил, шунингдек, ориқ ва чўл шамолидан қовжиратган еттита бошоқ ҳам ўша маънода: яъни бу етти қаҳатчилик йилини билдиради.

<sup>28</sup> Мен шуни демоқчиман: Худо қиладиган ишини Фиръавнга намоён қилибди. <sup>29</sup> Бутун Миср мамлакатада етти йил буюк фаровонлик бўлади. <sup>30</sup> Ўша даврдан сўнг етти йил қаҳатчилик бош кўтаради. Мисрни хароб қиладиган бу очарчилик оғирлигидан мамлакат кўрган аввалги фаровонлик даври бутунлай эсдан чиқиб кетади. <sup>31</sup> Кейин пайдо бўладиган қаҳатчилик шунчалик оғир бўладики, мамлакатда ҳеч фаровонлик бўлмагандай туюлади. <sup>32</sup> Туш Фиръавнга икки марта такрор намоён бўлиши эса шундан далолат берадики, бу иш Худо олдида муқаррардир, У буни кечиктирмай амалга оширади.

<sup>33</sup> Энди Фиръавн жаноби олийлари ақлли ва доно бир одамни сайлаб, уни Миср юрти устидан қўйсинлар, <sup>34</sup> токи у олий фармон ила етти фаровонлик йили бадалида Мисрнинг ҳосилидан бешдан бир қисмини ажратиб ундириш учун мамлакат устидан нозирлар тайинласин. <sup>35</sup> Бу келадиган яхши йилларда бутун ҳосилни йиғиб ғамлаб қўйишсин, шаҳарларда озиқ-овқат бўлиши учун ғаллани Фиръавннинг омборхоналарига ғарамлаб сақлашсин. <sup>36</sup> Мисрнинг бошига келадиган етти йиллик қаҳатчилик даврида мамлакат қирилмаслиги учун, бу озиқ-овқатлар захира бўлади.

### Юсуфнинг Мисрда юксалиши

<sup>37</sup> Бу гап Фиръавн ва унинг бутун амалдорларига маъқул тушди. <sup>38</sup> Фиръавн ўз аъёнларига:

– Ўзида Худонинг Руҳи бўлган бундай одамни топиб бўладими? – деди.

<sup>39</sup> Фиръавн Юсуфга қайрилиб:

– Худо буларнинг ҳаммасини сенга маълум қилган экан. Сендан ақллироқ ва донороқ одам йўқ. <sup>40</sup> Сен хонадоним устидан раис бўласан, бутун халқим сенинг амрингга қараб иш тутади. Мен фақат тахтим билангина сендан катта бўламан. <sup>41</sup> Мен сени бутун Миср юрти устидан бошлиқ қилиб тайинлайман, – деди-да, <sup>42</sup> ўз узугини бармоғидан чиқариб, Юсуфнинг бармоғига тақди. Унга кимхоб тўн кийгизиб, бўйнига олтин занжир тақди. <sup>43</sup> Фиръавн Юсуфни ўз ўринбосарининг аравасига миндириб, у боришидан олдин «Таъзим қилинглари!» дея жар солдирди. Шундай қилиб, Юсуф бутун Миср устидан бошлиқ бўлиб қолди.

<sup>44</sup> Фиръавн Юсуфга:

– Мен, Фиръавн, сенга айтяпман: сен амр бермасдан бутун Миср ерида ҳеч кимса ё қўлини ё оёғини кўтармайди, – деди. <sup>45</sup> У Юсуфга Сафнат-Паънаҳ деб исм қўйди ва Ўн шахрининг коҳини Пўтиферонинг қизи Ўснатни унга хотинликка олиб берди. Юсуф эса Миср юрти бўйича юксалиб борди. <sup>46</sup> Миср подшоҳи – Фиръавннинг ҳузурида турганида Юсуф ўттиз ёшда эди.

Шундай қилиб, Юсуф Фиръавннинг ҳузуридан чиқиб, бутун Миср мамлакатини кезадиган бўлди. <sup>47</sup> Етти фаровонлик йили бошланиб, ер мўл-кўл ҳосил берди. <sup>48</sup> Бу етти йил ичида Юсуф Мисрнинг бутун озиқ-овқатини йиғиб, шаҳарларда ғамлаб қўйди. Ҳар шаҳарнинг атрофидаги далаларда етишган ғаллани омборларга ғарамлаб қўйди. <sup>49</sup> Юсуф денгиз кумидай кўп, беҳисоб кўп ғалла жамғарди. Ғалла миқдори сон-саноксиз эди.

<sup>50</sup> Қаҳатчилик даври бошланишидан аввал Ўн шахрининг коҳини Пўтиферонинг қизи Ўснат Юсуфга икки ўғил туғиб берди. <sup>51</sup> Юсуф: «Худо менга бутун машаққатимни ва бутун отам уйини унуттирди», – дея, тўнғичининг исмини Манаше (яъни *Унуттирган*) қўйди. <sup>52</sup> Иккинчи ўғли туғилганида Юсуф: «Худо ғурбатсаройимда мени самарали қилди», – дея, ўғлининг отини Эфраим (яъни *Самарали*) қўйди.

<sup>53</sup> Миср юрти кўрган етти фаровонлик йили тугади. <sup>54</sup> Юсуф олдиндан айтган етти қаҳатчилик йили бошланди. Барча ўлкалар очарчиликка йўлиққан бўлса-да, Мисрнинг ҳар бурчагида нон сероб эди. <sup>55</sup> Охири Миср халқи ҳам очлик чекиб, Фиръавнга нон деб фарёд қила бошлади. Фиръавн эса бутун Миср аҳолисига: «Юсуфнинг олдида боринглари, у сизларга нима айтса, шуни қилинглари», – деб айтарди.

<sup>56</sup> Қаҳатчилик энди бутун ер юзини қоплаган эди. Юсуф ҳамма омборларни очиб, мисрликларга ғалла сотарди. Шунга қарамай, Мисрда қаҳатчилик кучайиб борарди. <sup>57</sup> Бошқа ҳамма ўлкалардан ҳам Юсуфдан ғалла сотиб олиш учун Мисрга келишарди, чунки бутун ер юзида очарчилик жуда кучайган эди.

## Юсуф акаларининг Мисрга бориши

**42** Ёқуб Мисрда ғалла борлигини эшитиб, ўғилларига:

– Нима учун сизлар бир-бирингизга қараб турибсизлар? <sup>2</sup> Мен Мисрда ғалла борлигини эшитдим. Энди ҳаммамиз бу ерда очликдан ўлмайдими-да, сизлар у ерга бориб, бизга ғалла сотиб олиб келинглари, – деди.

<sup>3</sup> Шундан кейин Юсуфнинг ўнта акаси ғалла сотиб олиш учун Миср томон жўнадилар. <sup>4</sup> Юсуфнинг укаси Беняминни эса Ёқуб акалари билан юбормади. «Мабодо у бирон балога йўлиқмасин», – деб кўрқар эди.

<sup>5</sup> Шундай қилиб, Мисрга ғалла сотиб олгани борганлар орасида Исроил ўғиллари ҳам бор эди, чунки Канъон ўлкасида ҳам қаҳатчилик ҳукм сураб эди. <sup>6</sup> Мисрнинг ҳокими бўлган Юсуф эса бошқа ўлкалардан келаётганларга ҳам ғалла сотар эди.

Шу орада Юсуфнинг акалари келиб қолишди. Юзлари ерга теккудек эгилиб, унга таъзим қилишди. <sup>7</sup> Юсуф эса акаларини кўриб, уларни таниди, лекин танимасликка олди. Уларга:

– Қаердан келдиларинг? – деб қаттиқ гапирди.

– Биз Канъон еридан озиқ-овқат сотиб олгани келдик, – деди улар.

<sup>8</sup> Юсуф акаларини таниган бўлса-да, акалари уни танимадилар. <sup>9</sup> Юсуф улар ҳақида кўрган тушларини эслаб, уларга:

– Сизлар жосуссизлар! Бу мамлакатнинг камчиликларини билиб олиш учун келгансизлар-да! – деди. <sup>10</sup> Лекин улар Юсуфга:

– Йўқ, жаноби олийлари, бандаларингиз озиқ-овқат сотиб олгани келганлар. <sup>11</sup> Биз ҳаммамиз бир одамнинг фарзандларимиз. Сизнинг бандаларингиз тўғри одамлар, жосус эмаслар, – дейишди. <sup>12</sup> Юсуф уларга:

– Йўқ, сизлар бу мамлакатнинг камчиликларини билиб олиш учун келгансизлар, – деди яна. <sup>13</sup> Улар:

– Биз, бандаларингиз, ўн икки оға-инимиз. Бизлар Канъон юртидаги битта одамнинг фарзандларимиз. Кичиги ҳозир отамизнинг ёнида, бошқа бири эса ғойиб бўлган, – дейишди. <sup>14</sup> Юсуф уларга:

– Ана, худди айтганимдай, сизлар жосусдан бошқа нарса эмассизлар. <sup>15</sup> Сизлар энди синовдан ўтасизлар: Фиръавннинг жони ҳақи қасам ичаманки, агар кенжа укангиз бу ерга келмаса, сизлар бу ердан чиқмайсизлар. <sup>16</sup> Ўзингиздан бирортангиз бориб, укангизни олиб келсин. Сизлар эса қамалиб турасизлар, токи сўзларингиз ҳақиқат ёки ёлғонлиги аниқ-равшан юзага чиқсин. Бўлмаса, Фиръавннинг жони ҳақи қасам ичаманки, сизлар жосус деб ҳисобланасизлар, – деди.

<sup>17</sup> Юсуф ака-укаларни уч кунгача қаматиб қўйди.

<sup>18</sup> Учтинчи куни уларни чақиртириб:

– Мен Худодан кўрқаман. Агар сизлар шу шартимни бажо келтирсаларинг, тирик қоласизлар.

<sup>19</sup> Агар тўғри одамлар бўлсаларинг, унда биродарингиздан бири сиз қамалган уйда қамокда турсин, сизлар эса очликдан сулайган хонадонингиз аҳлига ғалла олиб боринглар <sup>20</sup> ва укангизни олиб, менинг олдимга қайтиб келинглар. Ўшанда сўзларингиз тўғрилиги билинади ва сизлар ўлмайсизлар, – деди.

Ака-укалар бунга рози бўлишди. <sup>21</sup> Ўзаро сўзлашиб:

– Дарҳақиқат бизлар укамизга қарши гуноҳкор бўлдик. У бизга ялиниб-ёлворди, биз унинг жони қийналаётганини писанд қилмадик, унга қулоқ солмадик. Ана шунинг учун бошимизга энди бу кулфат келди, – дейишди. <sup>22</sup> Рубен ҳам уларга қўшилиб:

– Болага қарши гуноҳ қилманг, деб мен сизларга айтган эдим-ку. Аммо сизлар қулоқ солмадингизлар. Мана энди биздан унинг қонига қон олинади! – деди.

<sup>23</sup> Уларнинг гапларини Юсуф тушунишини акалари билмас эди, чунки Юсуф улар билан таржимон орқали гаплашар эди. <sup>24</sup> Юсуф шу онда улардан айрилиб ташқарига чиқди-ю, йиғлаб юборди. Яна ўзига келиб, уларнинг ёнига қайтиб келди ва ораларидан Шимъўнни чиқариб олиб, акаларининг кўз олдида уни боғлатиб қўйди.

#### Юсуф акаларининг Канъонга қайтиши

<sup>25</sup> Юсуф амр бериб, уларнинг қоплари ғаллага тўлдирилсин, ҳар бирининг пули ўз қопига қайтариб солинсин, уларга йўл учун овқат берилсин, деб буюрди. Айтилганлар бажарилди.

<sup>26</sup> Биродарлар сотиб олган дон-дунларини эшакларига ортиб, у ердан жўнаб кетишди.

<sup>27</sup> Бир манзилга тушганларидан кейин, улардан бири эшагига ем бергани қопини очди-ю, ўз кумуш пулини кўриб қолди. Пул хуржун оғзида ётган экан.

<sup>28</sup> У биродарларига:

– Менга пулимни қайтаришибди-ку, мана, ўз хуржунимда экан! – деди. Шунда уларнинг юраклари қинидан чиққудай бўлди. Қалтираб бир-бирларига:

– Худо бизга қилаётган бу иш ўзи нимаси? – дердилар.

<sup>29</sup> Охири Канъон юртига, оталари Ёқуб олдига қайтиб келдилар. Улар билан юз берган ҳамма воқеаларни оталарига ҳикоя қилиб бердилар:

<sup>30</sup> – Мисрни бошқарувчи зоти олий биз билан терс гаплашди, бизни жосуслар гумон қилди. <sup>31</sup> Биз унга: Тўғри одамлармиз, жосус эмасмиз, дедик.

<sup>32</sup> Биз ягона отамизнинг ўн икки ўғлимиз, укамизнинг бири ғойиб бўлган, кичиги эса ҳозир Канъон юртида, отамизнинг ёнида, дедик.

<sup>33</sup> Мамлакатни бошқарувчи зоти олий эса бизга: “Сизлар тўғри одамлар эканингизни мен шундан биламан: биродарингиздан бирини менинг ёнимда қолдиринглар, сизлар эса очликдан сулайган хонадонингиз аҳлига ғаллани олиб бориб,

<sup>34</sup> укангизни олиб, менинг олдимга қайтиб келинглар. Ўшандагина сизлар жосус эмас, балки тўғри одамлар эканингизни биламан. Биродарингизни сизларга қайтариб бераман ва бу мамлакатда олди-сотди қиласизлар”, – деди.

<sup>35</sup> Шу маҳал ака-укалар ўз қопларини бўшатишди, ҳар бирининг кумуш тугуни ҳам қопида эди. Улар ва оталари Ёқуб кумуш тугунларини кўриб, қўрқиб кетишди. <sup>36</sup> Оталари уларга:

– Сизлар мени фарзандларимдан маҳрум қилдингизлар: Юсуф йўқ, Шимъўн йўқ, Беняминни ҳам олиб кетмоқчисизлар. Менинг бошимга не-не офатлар келди! – деди. <sup>37</sup> Рубен отасига:

– Беняминни менга ишониб топширинг. Агар уни сизга қайтармасам, менинг икки ўғлимни ўлдириб. Мен уни сизга соғ-саломат қайтариб келаман, – деди. <sup>38</sup> Лекин Ёқуб:

– Менинг ўғлим сизлар билан бормайди. Чунки унинг акаси ўлди ва ёлғиз у қолди. Яна мабодо сизлар бораётган йўлда у бирон балога йўлиқмасин, оқ сочимни алам билан гўрга олиб борманглар, – деди.

#### Беняминни Мисрга олиб бориш

**43** Мамлакатда қаҳатчилик кучайиб борар эди.

<sup>2</sup> Мисрдан келтирган ғаллани еб тугатганларидан кейин, Ёқуб ўз ўғилларига:

– Яна бориб бизга бир оз озиқ-овқат сотиб олиб келинглар, – деди. <sup>3</sup> Яҳудо унга жавоб берди:

– Ўша зоти олий бизга қатъиян таъкидлаб: “Агар укангиз сизлар билан келмаса, менинг юзимни кўрмайсизлар”, деб айтган эди. <sup>4</sup> Агар сиз укамизни биз билан юборсангиз, у ерга бориб сизга озиқ-овқат сотиб олиб келамиз. <sup>5</sup> Агар юбормасангиз, биз бормаймиз. У зот: “Укангиз сизлар билан келмаса, менинг юзимни кўрмайсизлар”, деб айтиб қўйди бизга.

<sup>6</sup> Исроил:

– Нима учун сизлар у зотга яна укангиз борлигини билдириб, менинг бошимга бало бўлдингизлар? – деди. <sup>7</sup> Улар:

– У зоти олий ўзимизни ва туғишганларимизни сўроқ қилиб турди-да. “Ҳали ҳам отангиз тирикми? Бошқа биродарингиз борми?” деб сўраганида, биз унга тўғри жавоб бердик. “Укангизни келтиринглар”, деб айтишини биз қаердан билибмиз? – дейишди. <sup>8</sup> Яҳудо ҳам отаси Исроилга:

– Болани мен билан юборинг. Биз жўнаб кета қолайлик ва сиз ҳам, биз билан болаларимиз ҳам тирик қолайлик, очликдан ўлмайлик. <sup>9</sup> Мен ўзим бола учун кафил бўламан, уни менинг қўлимдан оласиз. Агар уни сизга соғ-саломат қайтариб бермасам, унда мен умрбод сизнинг лаънатингизга қолай. <sup>10</sup> Агар биз бундай хаёлга бормаганимизда, ҳозиргача икки марта бориб келган бўлар эдик, – деди.

<sup>11</sup> Исроил ўз ўғилларига деди:

– Ундай бўлса, мана қиладиган ишингизни билиб олинглар: сизлар бу ернинг аъло ноз-неъматларидан олиб идишларингизга солинглар. Ўша зоти олийга бир оз мумиё, бир оз асал, атирлар, хушбўй тутатқилар, писта ва бодом совға қилиб олиб боринглар. <sup>12</sup> Ўзларингиз билан икки барабар кумуш пул олиб, хуржунларингизга солиб қўйилган пулларни ҳам қайтариб беринглар. Ҳар ҳолда қандайдир бир янглишлик юз бергандир. <sup>13</sup> Хўп, энди укангизни олиб кета қолинглар, у зоти олийнинг олдига қайтиб боринглар. <sup>14</sup> У Бенямин ва бошқа биродарингизни ҳам сиз билан қайтариб юбориши учун унинг ҳузурида Қодир Оллоҳ сизларга марҳамат айласин. Мен агар фарзандларимдан маҳрум бўладиган бўлсам, майли, маҳрум бўлай.

### Юсуфнинг ака-укалари билан иккинчи кўришуви

<sup>15</sup> Ака-укалар совға-саломларни уловларга ортиб, ўзлари билан икки барабар пулни ҳамда Беняминни олиб йўлга тушдилар. Мисрга етиб бориб, Юсуфнинг ҳузурида ҳозир бўлдилар. <sup>16</sup> Юсуф Беняминни биродарлари билан бирга кўргач, ўзининг уй бошқарувчисига:  
– Бу одамларни уйга олиб бор ва ҳайвон сўйиб таом тайёрла. Улар пешин пайтида мен билан овқат ейдилар, – деди.  
<sup>17</sup> У эса Юсуфнинг айтганини қилиб, ака-укаларни Юсуфнинг уйига олиб борди. <sup>18</sup> Улар Юсуфнинг уйига олиб борилаётганларини билгач, кўрқиб кетишди. Ўзларича: «Мана, бундан олдин хуржунларимизга қайтариб солиб қўйилган пул учун бизни олиб боришяпти. Ҳозир устимизга ҳамла қилишади, бизни қул қилиб, эшакларимизни эса олиб кетишади», – дедилар.  
<sup>19</sup> Ҳовлига кираётганда, улар Юсуфнинг уй бошқарувчисига бош уриб:  
<sup>20</sup> – Тингланг, эй жаноб, биз бундан олдин ҳам ғалла сотиб олиш учун бу ерга келган эдик.  
<sup>21</sup> Жўнаётганимизда бир манзилга тушиб хуржунларимизни очсак, ҳар биримизнинг кумуш ақчамиз ҳеч камаймай хуржунларимизда турган экан. Энди биз буни қайтариб бергани келдик.  
<sup>22</sup> Бунинг устига биз озиқ-овқат сотиб олиш учун яна бошқа пул келтирдик. Бошда ким пулни хуржунларимизга солиб қўйган, биз билмаймиз, – дейишди. <sup>23</sup> Уй бошқарувчи:  
– Хотиржам бўлинглар, кўрқманглар. Сизларнинг Худойингиз, отангизнинг Худоси хуржунларингизга ҳазина қўйиб кетибди. Мен сизлардан ўз ҳақимни олдим, холос, – деди. Шу билан Шимъунни уларнинг олдига чиқарди.  
<sup>24</sup> Уй бошқарувчи ака-укаларни Юсуфнинг уйига келтирди ва уларга оёқларини ювгани сув берди, эшакларига ем берди. <sup>25</sup> Пешинда Юсуф билан бирга овқатланишларини эшитишиб, у келгунча совға-саломни тайёр қилиб қўйишди. <sup>26</sup> Юсуф уйга келгач, улар ўзлари билан олиб келган совғаларни

уйга киргизишди ва Юсуфнинг олдида ергача энкайиб таъзим қилишди. <sup>27</sup> Юсуф улардан ҳол-аҳвол сўраб:

– Ўша сизлар айтган қари отангиз саломатми, ҳануз ҳаётми? – деди.

<sup>28</sup> – Бандангиз отамиз саломат, ҳануз ҳаётдир, – деб бош эгиб таъзим қилишди. <sup>29</sup> Юсуф кўзларини ўз онасининг ўғли, укаси Беняминга тикиб:

– Менга айтган кенжа укангиз буми? – деди. Ва бир оздан сўнг:

– Эй ўғлим, Худо сенга марҳамат айласин! – деди-ю, <sup>30</sup> шитоб билан чиқиб кетди. Чунки укасига нисбатан меҳри қайнаб, йиғлагиси келган эди. У ўз ётоғига кириб, у ерда йиғлаб юборди. <sup>31</sup> Ўзини ювиб, яна ташқарига чиққанидан кейин, ўзига ҳоким бўлиб:

– Таом қўйилсин! – деб амр берди.

<sup>32</sup> Юсуфга алоҳида, ака-укаларига алоҳида ҳамда у билан овқатланаётган мисрликларга алоҳида қўйдилар. Чунки мисрликлар ибронийлар билан бирга овқат ейиши мумкин эмас, бу улар учун макруҳ ҳисобланади. <sup>33</sup> Юсуф ўз қаршисига ҳамма ака-укаларини тўнғичидан кенжасигача ёш тартиби бўйича ўтқазди. Улар эса бир-бирига таажжуб билан қараб туришарди. <sup>34</sup> Юсуфнинг дастурхонидан уларга овқат беришар экан, Беняминнинг ҳиссасини акаларига қараганда беш карра кўп қилиб беришарди. Шундай қилиб, ака-укалар Юсуф билан еб-ичиб, айш сурар эдилар.

### Адаштирилган кумуш жом

**44** Юсуф ўзининг уй бошқарувчисига амр этиб:

– Бу одамларнинг хуржунларини ўзлари кўтара олгунча озиқ-овқат билан тўлдир, ҳар бирининг пулини ҳам ўз хуржуни ичига қайтариб сол. <sup>2</sup> Ўша кенжанинг хуржунига эса ғаллага берган пули билан менинг хусусий кумуш жомимни солиб қўй, – деди. Уй бошқарувчи Юсуф айтгандек қилди.

<sup>3</sup> Эртасига тонг ёришган пайтда оға-иниларни эшаклари билан жўнатиб юборишди. <sup>4</sup> Улар шаҳардан чиқиб, унча узоққа бормаган ҳам эдиларки, Юсуф ўзининг уй бошқарувчисига шундай буюрди:

– Қани, у одамларнинг кетидан қув. Уларга етиб олгач, шундай деб айтасан: “Нима учун сизлар яхшиликка ёмонлик қайтардингизлар? <sup>5</sup> Мана бу жом – хўжайиним ичимлик ичадиган жомнинг ўзи-ку! Хўжайиним унга қараб каромат қилади. Сизларнинг бу қилган ишингиз жуда ёмон иш”.

<sup>6</sup> Уй бошқарувчи оға-иниларга етиб олиб, худди шу гапни уларга айтди. <sup>7</sup> Оға-инилар унга:

– Нима учун жанобимиз бундай деяптилар?

Бандаларингиз бундай ярамас ишни асло қилмайдилар. <sup>8</sup> Мана, бундан аввал биз хуржунларимиздан топган кумуш пулни Канъон еридан олиб келиб, сизга қайтариб бердик, яна қандай қилиб биз хўжайинингизнинг уйдан кумуш ёки олтинни ўғирлар эканмиз?

<sup>9</sup> Бандаларингиздан кимнинг ёнидан жом топилса, у ўлсин ва ҳаммамиз ҳам жанобимизга қул бўлайлик, – дейишди. <sup>10</sup> Уй бошқарувчи:

– Майли, айтганингиздек бўлсин. Жом кимнинг ёнидан топилса, у менга қул бўлади, қолганларингиз эса айбсиз бўлиб чиқасизлар, – деди.

<sup>11</sup> Уларнинг ҳар бири шоша-пиша ўз хуржунини ерга тушириб очишди. <sup>12</sup> Уй бошқарувчи эса каттасининг ҳам, кичигининг ҳам ашёларини тинтиб чиқиб, жомни Беняминнинг хуржунидан топди. <sup>13</sup> Шунда улар кийимларини йиртиб, юкини эшагига ортиб, шаҳарга қайтиб боришди. <sup>14</sup> Яҳудо билан укалари Юсуфнинг уйига кириб келишди. У ҳануз шу ерда эди. Унинг олдида ерга йиқилишди. <sup>15</sup> Юсуф уларга:

– Бу қилган ишингиз нимаси? Ёки мендек одам каромат қила олишини билмас эдингизларми? – деди. <sup>16</sup> Яҳудо:

– Биз жанобимизга нима ҳам дердик? Нима деб ўзимизни оқлаймиз? Мана Худонинг ўзи бандаларингизнинг гуноҳини фош қилибди-ку. Майли, биз жанобимизга қул бўламиз, жом топилган одам ҳам, бошқаларимиз ҳам сизга қул бўламиз, – деди. <sup>17</sup> Юсуф:

– Асло, мен бундай қилмайман. Фақат кимдан жом топилган бўлса, ўша менга қул бўлади, қолганларингиз эса эсон-омон оталарингиз олдида борасизлар, – деди.

<sup>18</sup> Шунда Яҳудо Юсуфга яқинроқ келиб деди:

– Жаноби олийлари ижозат берсалар, бандангиз жанобимнинг қулоқларига бир оғиз сўз айтса. Жанобимнинг ўзи Фиръавн ўрнида бўлсалар-да, мендан ғазабланмасинлар. <sup>19</sup> Жанобимиз ўз бандаларидан отамиз ёки биродаримиз борлиги ҳақида сўраганларида, <sup>20</sup> биз жанобимизга: Бизларнинг қари отамиз бор, унинг қариликда кўрган кенжа ўғли ҳам бор, дедик. Унинг биродари ўлгач, онасига ёлғиз у қолди ва отамиз ҳам уни кўп севади, дедик. <sup>21</sup> Шунда сиз бандаларингизга: «Уни менга келтиринглар, токи мен унга бир назар солайин», – деб айтдингиз. <sup>22</sup> Лекин биз жанобимизга: Бола отасини қолдириб келолмайди. Агар отаси ундан жудо бўлиб қолса, ўлиб қолади, дедик. <sup>23</sup> Аммо сиз бандаларингизга: «Агар кенжа укангиз сизлар билан келмаса, юзимни бошқа кўролмайсизлар», – деб айтдингиз. <sup>24</sup> Биз бандангиз, отамизнинг ёнига қайтиб борганимизда, жанобимизнинг сўзларини унга айтиб бердик. <sup>25</sup> Отамиз: «Яна бориб бизга бир оз озиқ-овқат сотиб олинглар», – деганларида, <sup>26</sup> биз: Боролмаймиз, агар кенжа укамиз бизлар билан бормаса, у жаноби олийлارнинг юзини кўролмаймиз, дедик. <sup>27</sup> Шунда бандангиз, отамиз бизга: «Биласизларки, хотиним *Роҳила* менга икки ўғил туғиб берди холос. <sup>28</sup> Бири менинг олдимдан чиқиб кетди. Мен: йиртқич ҳайвон уни ебди, дедим ва ҳозиргача ҳам уни топмадим. <sup>29</sup> Бунисини ҳам

менинг кўз олдимдан олиб кетсангизлар ва у балога йўлиқса, унда сизлар оқ сочимни қайғу билан гўрга олиб борасизлар», – дедилар.

<sup>30</sup> Энди, агар мен, бандангиз отам ёнига борганимда у билан бир жон, бир тан бўлган шу бола бизлар билан бирга бўлмаса, <sup>31</sup> ўғлининг йўқлигини кўриб, у ўлиб қолади, биз, бандаларингиз бандангиз отамизнинг оқ сочини алам билан гўрга олиб борган бўлармиз. <sup>32</sup> Чунки мен, бандангиз бу бола учун кафил бўлиб, отамга: Агар уни сизга қайтариб олиб келмасам, умрбод сизнинг лаънатингизга қолай, – деган эдим. <sup>33</sup> Энди майли, мен, бандангиз бу бола ўрнига жанобларига қул бўлиб қолайин, бола эса акалари билан бирга бора қолсин. <sup>34</sup> Чунки мен агар болани ўзим билан олиб бормасам, қандай қилиб отамнинг юзига қарайман? Мен отамни кулфатга дучор қилиб қўяман-ку!

#### Юсуф ўзини биродарларига танитгани

**45** Шунда Юсуф ҳузурида турганларнинг олдида ўзини бошқа тута олмай:

– Ҳаммани ҳузуримдан чиқаринглар! – деб хитоб қилди. Шундай қилиб, Юсуф ўзини биродарларига танитган вақтда унинг ҳузурида ҳеч ким қолмаган эди. <sup>2</sup> У овози бориचा йиғлади. Мисрликлар уни эшитишди ва овоза Фиръавн саройигача етиб борди.

<sup>3</sup> Юсуф ўз биродарларига:

– Мен Юсуфман! Отам ҳали ҳам тирикми? – деди. Лекин биродарлари унинг қаршисида гангиб қолиб, нима деярини билмас эдилар. <sup>4</sup> Юсуф яна биродарларига:

– Менга яқинроқ келинглари-чи! – деди. Улар яқинроқ келишди. Юсуф сўзини давом эттирди: – Сизлар Мисрга сотган биродарингиз Юсуф – мен ўзим бўламан! <sup>5</sup> Энди ғам чекманглар, мени бу ерга сотганингиздан пушаймон ҳам бўлманглар. Чунки Худо жон сақлашим учун мени сизлардан олдин бу ерга юборди. <sup>6</sup> Мамлакат ҳали икки йил қаҳатчилик кўрди, яна беш йил ер ҳайдалмайди, ўрим-йиғим ҳам бўлмайди. <sup>7</sup> Худо катта нажот билан наслингиз ер юзидан қирилиб кетмаслиги учун, сизлар барҳаёт қолишингиз учун сизлардан олдин мени бу ерга юборди. <sup>8</sup> Демак, мени бу ерга сизлар юборганингиз йўқ, балки Худо юборди. У мени Фиръавнга ота, унинг бутун хонадонига хўжайин ҳамда бутун Миср устидан ҳоким қилиб қўйди. <sup>9</sup> Энди тез отамнинг олдида боринглар, унга шундай денглар: «Ўғлингиз Юсуф бундай деяпти: Худо мени бутун Миср устидан хўжайин қилиб қўйди. Сиз кечикмай менинг олдимга келаверинг. <sup>10</sup> Сиз ўғилларингиз, набираларингиз, шунингдек, бутун қорамол ва қўй-эчки подаларингиз, бор-йўғингиз билан менга яқин бўлган Гўшен юртида ўрнашасизлар. <sup>11</sup> Сизни бу ерда боқаман, чунки яна беш йил қаҳатчилик давом этади. Бўлмаса сиз хонадонингиз ва молларингиз билан йўқчиликка



юз тутасизлар», – деб айтингллар. <sup>12</sup> Мана сизлар ҳам, укам Бенямин ҳам ўз кўзларингиз билан кўряпсизларки, сизларга бу гапни айтаётган мен ўзимман. <sup>13</sup> Мисрда қозонган бутун шон-шуҳратим ва сизлар кўраётган бошқа ҳамма нарса ҳақида отамга хабар қилингллар. Кечикмай, отамни бу ерга олиб келингллар, – деди.

<sup>14</sup> Шунда Юсуф укаси Беняминнинг бўйнига осилиб йиғлади. Бенямин ҳам акаси кучоғида йиғлар эди. <sup>15</sup> Сўнг Юсуф ҳамма акаларини ўпди ва уларни кучоқлаб йиғлади. Шундан кейин ака-укалари у билан гаплашдилар.

<sup>16</sup> Юсуфнинг ака-укалари келди, деган хабар Фиръавн саройига етиб борди. Фиръавн ва унинг аъёнлари хурсанд бўлдилар. <sup>17</sup> Фиръавн Юсуфга шундай амр қилди: «Биродарларингга айт, улар бундай қилсинлар: уловларига юкларини ортиб, жўнаб Канъон ерига борсинлар. <sup>18</sup> Оталарини ва оилаларини олиб, у ердан менинг олдимга қайтиб келсинлар. Мен уларга Мисрнинг аъло ноз-неъматларини бераман, бундаги семиз ернинг ҳосилидан еб тўядилар. <sup>19</sup> Мана сен амримни олдинг, уларга худди шундай қилишларини айт. Бола-чақа ва хотинларингиз учун Мисрдан аравалар олиб, отангизни ҳам кўчириб келингллар. <sup>20</sup> Қолиб кетган нарсаларингизга ачинмангллар, бутун Мисрнинг ноз-неъматлари сизларники бўлади».

<sup>21</sup> Исроил ўғиллари худди шундай қилдилар. Юсуф Фиръавннинг амрига мувофиқ уларга аравалар берди ва йўл учун керак бўладиган овқат билан таъминлади. <sup>22</sup> Уларнинг ҳар бирига бир сидрадан кийим-кечак берди, Беняминга эса уч юз кумуш танга ҳамда беш сидрадан кийим-кечак берди. <sup>23</sup> Шунингдек, отасига Мисрнинг ноз-неъматлари ортилган ўн бош ҳанги эшакни ва йўл учун ғалла, нон ва бошқа емишлар ортилган ўн бош урғочи эшакни тортиқ қилиб юборди. <sup>24</sup> Юсуф биродарларини кузатиб қўяётганида:

– Йўлда аразлашиб қолмангллар! – деб уларни жўнатиб юборди.

<sup>25</sup> Улар Мисрни қолдириб Канъон ерига, оталари Ёқуб олдига келдилар. <sup>26</sup> Улар оталарига:

– Юсуф ҳали ҳам тирик экан, ҳозир у бутун Миср устидан ҳокимдир, – деб хабар беришди. Ёқуб эса қаттиқ ҳаяжонланиб, уларнинг гапига ишонмади.

<sup>27</sup> Ака-укалар Юсуфнинг айтган ҳамма гапларини оталари Ёқубга гапириб беришди. Уни кўчириб келиш учун Юсуфнинг юборган араваларини кўргандан кейин, Ёқубнинг руҳи тетиклашди.

<sup>28</sup> – Хайриятки, ўғлим Юсуф ҳануз тирик экан. Мен ўлиб кетмасимдан аввал уни кўрадиган бўлдим, – деди Исроил.

#### Исроил ўғилларининг Мисрга кўчиши

**46** Исроил ўзининг бор-йўғини олиб йўлга равона бўлди. Беър-Шевага етиб келгач,

отаси Исҳоқнинг сиғинган Худоси шаънига қурбонликлар сўйди.

<sup>2</sup> Кечаси Худо ваҳийда Исроилга зоҳир бўлиб унга:

– Ёқуб, Ёқуб! – деди.

– Лаббай! – деди у. <sup>3</sup> Худо деди:

– Мен Худоман, отангнинг сиғинган Худосиман.

Сен Мисрга боришдан қўрқма, Мен у ерда сени буюк халқ қиламан. <sup>4</sup> Мен Ўзим сен билан бирга Мисрга бораман-у, у ердан яна Ўзим сени олиб чиқаман. Юсуфнинг қўлларида кўзинг юмилади.

<sup>5</sup> Шу гапдан сўнг Ёқуб Беър-Шевадан жўнаб кетди.

Исроил ўғиллари оталари Ёқубни, хотинлар билан болаларини Фиръавн юборган араваларда олиб боришди. <sup>6</sup> Шундай қилиб, Ёқуб билан унинг бутун зурриёти Канъон ерида қўлга киритган чорваю мол-мулкларини олиб, Мисрга етиб келишди. <sup>7</sup> Ёқуб ўзи билан бирга ўғил-қизларини ва набираларини, бутун зурриётини Мисрга олиб келди.

<sup>8</sup> Мисрга кўчиб кетган Ёқубнинг ўғиллари – Исроил ўғилларининг исмлари қуйидагича:

Ёқубнинг тўнғичи: Рубен. <sup>9</sup> Рубеннинг ўғиллари: Ҳанўх, Фаллу, Ҳасрўн ва Кармий. <sup>10</sup> Шимўн ва унинг ўғиллари: Ямуил, Ямин, Ўҳад, Яхин, Сўҳар ва канъонлик хотини унга туғиб берган Шоул.

<sup>11</sup> Левий ва унинг ўғиллари: Гершўн, Қаҳот ва

Мерори. <sup>12</sup> Яхудо ва унинг ўғиллари: Фер, Ўнан,

Шело, Парас ва Зараҳ. Булардан Фер ва Ўнан

Канъон ерида ўлиб кетдилар. Парас эса Ҳасрўн ва

Ҳамул исмли ўғиллар кўрди. <sup>13</sup> Иссохор ва унинг

ўғиллари: Тўло, Фувво, Аюб ва Шимрўн. <sup>14</sup> Завулун

ва унинг ўғиллари: Сарад, Элўн ва Яҳлаил.

<sup>15</sup> Месопотамияда бўлганларида, Леа бу ўғил-набираларини ва биргина қизи – Динани Ёқубга туғиб берди. Ёқубнинг Леадан кўрган ўғил-қизлари ва набиралари жами бўлиб ўттиз уч жон эдилар.

<sup>16</sup> Яна Гад ва унинг ўғиллари: Сифйўн, Ҳаггий, Шуний, Эсбон, Ферий, Арўдий ва Аръилий. <sup>17</sup> Ошер ва унинг ўғиллари: Имно, Ишво, Ишвий ва Барие

ҳамда сингиллари Сераҳ. Бариенинг ўғиллари:

Ҳавер ва Малкиэл. <sup>18</sup> Мана булар – Лобоннинг қизи

Леага берган чўриси Зилпанинг Ёқубга туғиб

берган ўғиллари. Улар жами бўлиб ўн олти жон

эдилар.

<sup>19</sup> Ёқубнинг хотини Роҳиланинг ўғиллари Юсуф ва

Бенямин эдилар. <sup>20</sup> Миср мамлакатига келгандан

сўнг, Ўн шаҳрининг қоҳини Пўтиферонинг қизи

Ўснат Юсуфга Манаше ва Эфраимни туғиб берди.

<sup>21</sup> Беняминнинг ўғиллари: Бело, Бакар, Ошбел,

Геро, Наъман, Эҳи, Рўш, Муппим, Хуппим ва Ард.

<sup>22</sup> Мана булар – Роҳиланинг Ёқубга туғиб берган

ўғиллари. Ҳаммаси бўлиб ўн тўрт жон эдилар.

<sup>23</sup> Даннинг ўғли: Ҳушим. <sup>24</sup> Нафтолининг ўғиллари:

Яҳсоил, Гуни, Ясар ва Шиллем. <sup>25</sup> Мана булар –

Лобоннинг ўз қизи Роҳилага берган чўриси

Билҳанинг Ёқубга туғиб берган ўғиллари. Улар

ҳаммаси бўлиб етти жон эдилар.

<sup>26</sup> Ёқуб ўғилларининг хотинларидан бошқа, Ёқубнинг уруғидан чиққан ва у билан бирга Мисрга келган барча жонлар олти нафар эдилар.  
<sup>27</sup> Бунинг устига Юсуф Мисрда икки ўғил кўрди. Жами бўлиб Ёқуб хонадонидан Мисрга кўчиб кетган жонлар сони етмиш нафар эди.

### Ёқубнинг Юсуф билан учрашуви

<sup>28</sup> Ёқуб Гўшенга борадиган йўлни билиб олиш учун ўзидан олдин Яхудони Юсуфнинг қошига юборган эди. Улар Гўшен юртига етиб келганларида, <sup>29</sup> Юсуф аравасини кўшиб, отаси Исроилнинг истиқболига чиқиш учун Гўшенга кетди. Улар кўришгач, бир-бирининг бўйнига осилиб, қучоқлашганча узоқ йиғлашдилар.  
<sup>30</sup> Исроил Юсуфга:

– Мана, мен сени тирик кўрдим. Энди дийдорингга тўйиб, бемалол оёғимни узатаман, – деди.

<sup>31</sup> Юсуф биродарларига ва отасининг хонадони аҳлига хитоб қилди:

– Мен энди бориб Фиръавнга хабар қиламан. Унга: Канъон еридан менинг биродарларим ва отамнинг хонадони олдимга келишди, – дейман.

<sup>32</sup> – Бу кишилар мол эгасидирлар, чорвадорлик билан шуғулланишади, кўю сигирларини ва барча мол-ҳолларини ҳам бу ерга олиб келишди, – дейман. <sup>33</sup> Агарда Фиръавн сизларни чақириб: «Касб-корингиз нима?» – деб сўраб қолса, <sup>34</sup> шунда сизлар: «Бандаларингиз чорвадордир, кўҳна авлодлардан бошлаб то ҳозиргача бизлар чорвадорлик билан шуғулланиб келамиз», – деб айтишлар. Ўшанда Гўшен юртида баҳузур яшарсизлар. Чунки мисрликлар назарида ҳар бир чорвадор макруҳдир, – деди.

### Исроил ўғиллари Фиръавн ҳузурида

**47** Юсуф Фиръавнни хабардор қилгани унинг олдида бориб:

– Менинг отам ва биродарларим ўзларининг қўй-эчки ва қорамол подалари, бор-йўғи билан Канъон еридан келдилар. Мана ҳозир улар Гўшен юртидалар, – деди.

<sup>2</sup> Шундан кейин биродарларидан бештасини танлаб, уларни Фиръавннинг қошига чиқарди.

<sup>3</sup> Фиръавн ака-укалардан сўради:

– Касб-корингиз нима?

– Биз, бандаларингиз ота-боболаримиздай қадимдан молбоқар бўлганмиз, – дейишди улар Фиръавнга. <sup>4</sup> Ва кўшиб: – Биз бу мамлакатга яшаш учун келдик. Канъон ерида оғир қаҳатчилик, бандаларингизнинг чорваларига ўтлоқ йўқ. Энди ижозат берсангиз, бандаларингиз Гўшен диёрида турсалар, – дейишди.

<sup>5</sup> Фиръавн Юсуфга қайрилиб:

– Отанг ва биродарларинг сенинг ёнинга келибдилар. <sup>6</sup> Мана Миср диёри сенинг

ихтиёрингда; отанг ва ака-укаларингни бу диёرنинг энг яхши жойида ўрнаштир. Майли, Гўшен юртида тураверсинлар. Агарда уларнинг орасида уддабуро одамлар борлигини билсанг, уларни менинг чорвам устидан назоратчи қилиб қўй, – деди.

<sup>7</sup> Шундан сўнг Юсуф отаси Ёқубни чақириб, Фиръавннинг қаршисида турғизди. Ёқуб эса Фиръавнни дуо қилди. <sup>8</sup> Фиръавн Ёқубдан:  
 – Умринг айёми неча йилга борди? – дея сўради.  
<sup>9</sup> Ёқуб:

– Менинг ғарибона умрим айёми юз ўттиз йилга борди-ю, лекин ҳаётим тез ва машаққатли ўтди, ота-боболаримнинг ғариблик йилларига етиб бормади, – деди. <sup>10</sup> Ва Фиръавнни тағин дуо қилиб, унинг олдида қиқиб кетди.

<sup>11</sup> Шундай қилиб, Юсуф отасини ва ака-укаларини ўз жойларига ўрнаштирди. Фиръавннинг фармони бўйича, Мисрнинг энг яхши жойи бўлган Раъмсес музофотидан уларга мулк берди. <sup>12</sup> У ерда Юсуф отасини, биродарларини ҳамда бутун отаси хонадонини уларнинг болалари сонига қараб ризқ-рўз билан таъмин этди.

### Юсуф ва Мисрдаги қаҳатчилик

<sup>13</sup> Ер юзида қаҳатчилик жуда оғирлашиб борар эди. Миср ва Канъон мамлакатларида ҳам одамлар овқат йўқлигидан ҳолдан тойган эдилар. <sup>14</sup> Юсуф эса халққа сотаётган ғалла эвазига Мисрнинг ва Канъоннинг ҳамма пулини қўлга киритиб, Фиръавн саройига тўплаб қўярди. <sup>15</sup> Ниҳоят Мисрда ҳам, Канъонда ҳам пул қолмагач, барча мисрликлар Юсуфга ёлвориб:

– Бизларга овқат беринг! Мана пулимиз битди, биз сизнинг кўзингиз олдида ўлиб кетсак, бундан нима фойда? – дедилар. <sup>16</sup> Юсуф уларга:

– Агар пулингиз битган бўлса, чорваларингизни ҳайдаб келишлар. Мен сизларга чорваларингиз эвазига озиқ-овқат бераман, – деди.

<sup>17</sup> Шунда улар чорваларини Юсуфнинг олдида ҳайдаб келишди. Юсуф уларнинг от-эшак, қўй-эчки ва қорамоллари эвазига уларга ғалла берди. Ўша йили уларнинг бутун чорваларини сотиб олиб, халқни ризқ-рўз билан таъминлади.

<sup>18</sup> У йил ўтиб, кейинги йили яна халқ Юсуфнинг ҳузурига келиб:

– Биз тақсиримиздан яширган нарсамиз йўқ, пул тамом бўлди, молларимиз эса тақсиримизнинг ихтиёрида. Мана энди тақсиримизга бериш учун ўз жон-танзимиз ва ер-сувимиздан бошқа нарса қолмади. <sup>19</sup> Ўзларимиз ҳам, ер-сувимиз ҳам сизнинг кўзингиз олдида ҳалок бўлишидан нима фойда? Сиз ўзимизни ва ер-сувимизни ҳам озиқ-овқат эвазига сотиб олинг. Биз ер-сувимиз билан Фиръавнга қул бўламиз. Бизга уруғлик берсангиз, бас, токи биз ҳалок бўлмай, тирик қолайлик, ер-сувимиз ҳам чўлга айланмасин, – дейишди.

<sup>20</sup> Шундай қилиб, мисрликлар энди очарчиликка тоб бера олмай, ҳар бири ўзининг экин майдонини сотди. Юсуф Мисрнинг барча ер-сувини Фиръавн учун сотиб олди, ўлканинг ер-суви батамом Фиръавннинг эгалигига ўтди. <sup>21</sup> Мисрнинг бир чеккасидан бошқа чеккасигача бўлган халқни қулликка олди. <sup>22</sup> Фақат қоҳинларнинг мулкини сотиб олмади. Чунки қоҳинларга Фиръавн томонидан ажратилган экин майдонлари бор эди. Улар бу ерларнинг унумидан ризқини еб турганлари учун, сотишга мажбур эмас эдилар.

<sup>23</sup> Юсуф халққа хитоб қилди:

– Энди мен сизларни ва ер-сувингизни Фиръавн учун сотиб олдим. Мана, сизларга уруғлик, буни ерга экинглар. <sup>24</sup> Урим-йиғим чоғида эса, ҳосилнинг бешдан бир қисмини Фиръавнга ажратиб беринглар. Қолган тўрт қиссаси сизларга уруғлик ва хонадонингиз аҳлига, бола-чақаларингизга емишлик бўлсин.

<sup>25</sup> – Эй тақсир, сиз бизга ҳаёт ато этдингиз. Кошки биз яна жанобимизнинг илтифотига сазовор бўлсак, биз Фиръавнга қул бўлар эдик, – деди халқ.

<sup>26</sup> Шунга кўра, Юсуф Мисрнинг ер-мулки тўғрисида қонун чиқарди. Бугунгача жорий бўлган ушбу қонун бўйича, ҳосилнинг бешдан бир қисми Фиръавнга тўланар эди. Фақатгина қоҳинларнинг ер-мулки алоҳида бўлиб, Фиръавнга қарам эмас эди.

### Ёқубнинг сўнги тилаги

<sup>27</sup> Исроил фарзандлари Миср мамлакатининг Гўшен музофотида ўрнашган эдилар. Улар юртни тасарруф этиб, беҳад ўсиб-кўпайиб кетдилар.

<sup>28</sup> Ёқуб эса Мисрда ўн етти йил яшади. Унинг умри роса юз қирқ етти ёшга борди. <sup>29</sup> Ёқубнинг ажали яқинлашгач, у ўғли Юсуфни чақириб:

– Агар сен мени илтифотингга сазовор ҳисобласанг, унда қўлингни сонимнинг тагига қўй, менга эҳсон вафодорлик кўрсатиб, мени Мисрда дафн этмаслигинг ҳақида ваъда бер. <sup>30</sup> Мен оламдан ўтиб, ота-боболарим билан бир жойда ётганимдан кейин, мени Мисрдан олиб кетиб, ота-боболарим ётган мақбарага дафн этгин, – деди. Юсуф:

– Айтганингиздек қиламан, – деди. <sup>31</sup> Ёқуб:

– Менга қасамёд қил, – деди. Юсуф унга қасамёд қилди. Шунда Ёқуб тўшагининг бошида сажда қилди.

### Ёқубнинг набираларини дуо қилиши

**48** Бу ҳодисалардан кейин Юсуфга отасининг бемор ётганини билдиришди. У икки ўғли Манаше ва Эфраимни ўзи билан олиб, отасини кўргани борди. <sup>2</sup> Исроилга (яъни Ёқубга): «Ўғлингиз Юсуф сизни кўришга келибди», – деб маълум қилишганда, у кучини тўплаб, тўшагига ўтирди.

<sup>3</sup> Ёқуб Юсуфга:

– Қодир Оллоҳ Канъон диёридаги Луз шаҳрида менга зоҳир бўлиб, мени муборак қилди. <sup>4</sup> У менга шундай сўзлади: «Мен сени баракали қилиб, кўпайтириб юбораман. Сендан халқлар жамоати яратаман. Бу ерни сендан кейинги зурриётингга ҳам абадий мулк қилиб бераман», – деди. <sup>5</sup> Энди мен сенинг ёнингга, Мисрга келишимдан аввал бу ерда сен кўрган шу икки ўғлинг – Эфраим ва Манашени меники деб билгин. Улар мен учун катталарим Рубен ва Шимъўн билан тенг. <sup>6</sup> Агар булардан кейин яна ўғиллар кўрсанг, уларни ўз ўғилларинг деб билгин. Уларга акалари эгаллаган ер-мулкдан насиба берилади. <sup>7</sup> Мен Месопотамиядан қайтиб келиб, Канъон юртини кезар эканман, Эфратга боришга сал қолганда Роҳила менинг кўзим олдида вафот этди. Уни ўша ерда, Эфрат (яъни Байтлаҳм) йўлида дафн этдим, – деди.

<sup>8</sup> Исроил Юсуфнинг ўғилларини кўриб:

– Булар ким? – дея сўради. <sup>9</sup> Юсуф отасига:

– Булар менинг Худо бу ерда насиб этган ўғилларимдир, – деди.

– Уларни менга келтир-чи, мен уларни дуо қилайин, – деди у.

<sup>10</sup> Исроилнинг кўзлари қариликдан хиралашган эди. Юсуф ўғилларини отасига яқинроқ келтирди. Исроил уларни кўролмаса-да, ўпиб кучоқлади.

<sup>11</sup> Исроил Юсуфга:

– Мен ҳатто сенинг дийдорингни кўришдан умид узган эдим, энди эса Худо менга зурриётингни ҳам кўрсатди, – деди.

<sup>12</sup> Юсуф ўғилларини отасининг тиззалари орасидан олди, юзи ерга теккудай таъзим қилди.

<sup>13</sup> Сўнг Юсуф икки ўғлини қўлларидан ушлади-да, Эфраимни ўнг қўлига олиб Исроилнинг чап томонига турғизди, Манашени эса чап қўлига олиб Исроилнинг ўнг томонига турғизди. <sup>14</sup> Аммо Исроил қўлларини чалиштириб чўзиб, кенжаси Эфраимнинг бошига ўнг қўлини, тўнғичи Манашенинг бошига эса чап қўлини қўйди <sup>15</sup> ва Юсуфни дуо қилиб деди:

«Оталарим Иброҳим ва Исҳоқ Унинг олдида юрган Худо,

Умрим бошидан то бугунгача мени боқиб келган Худо,

<sup>16</sup> Ҳар бир мусибатдан мени халос қилган Фаришта

Бу ўсмирларни қут-баракали айласин.

Менинг исмим ва оталарим Иброҳим ила Исҳоқнинг исми

Уларнинг ўртасида зикр этилиб турсин.

Сувда балиқлар қайнаган каби,

Улар ер бўйлаб ўсиб-кўпайиб боришсин».

<sup>17</sup> Отаси ўнг қўлини Эфраимнинг бошига қўйгани Юсуфга ёмон кўринди. У отасига:

– Ота, бундай бўлмасин, тўнғичи мана бу! Ўнг қўлингизни унинг бошига қўйинг, – деди-да, отасининг қўлини Эфраимнинг бошидан олиб,

Манашенинг бошига қўймоқчи бўлди. <sup>19</sup> Аммо отаси рози бўлмай:

– Биламан, ўғлим, биламан. Ундан ҳам бир халқ пайдо бўлади, у ҳам буюк бўлади. Ва лекин укаси ундан буюкроқ бўлади, унинг зурриётидан кўпдан-кўп халқлар пайдо бўлади, – деди.

<sup>20</sup> Ўша куннинг ўзида Исроил ўсмирларни дуо қилиб деди:

«Исроилликлар муборакбод айлаганларида, Сизларнинг номингиз ила айлайдилар. “Худо сени Эфраимдек, Манашедек қутли қилсин”, – деб айтадилар».

Исроил шундай деб, Эфраимни Манашедан кўра олдинроқ қўйди. <sup>21</sup> Сўнг у Юсуфга:

– Мана, менинг куним битяпти. Худо сизлар билан бўлади ва сизларни ота-боболарингизнинг ерига қайтариб келтиради. <sup>22</sup> Мен сенга биродарларингиздан зиёда бир адир бергайман; уни амўрийлар кўлидан қиличиму камоним билан олганман, – деди.

### Ёқубнинг ўғилларига қилган васияти

**49** Ёқуб ўғилларини ёнига чақириб деди: «Жам бўлингиз, сизларга маълум қилайин,

Оқибатда сизлар билан нелар юз бераркин.

<sup>2</sup> Эй Ёқуб ўғиллари, тўпланиб кулоқ солингиз, Тинглангиз отангиз Исроилнинг васиятларин!

<sup>3</sup> Эй сен, Рубен, менинг тўнғичим!

Менинг қудратим, ёшлик ғурурим!

Сен шуҳрат оширдинг, қудрат оширдинг,

<sup>4</sup> Вале жўш урдинг-да, селдай тошдинг.

Энди ўз ҳаддингдан ошмагин тагин.

Сен-ку, ўз отангнинг тўшаги устига чиқдинг, Менинг кўрпа-ёстиғим узра ҳаромлик қилдинг.

<sup>5</sup> Шимъун ва Левий – биродарлар-у, Жабр-жафо қуролидир уларнинг иттифоқлиги.

<sup>6</sup> Менинг жоним уларнинг мажлисига кирмас, Таним эса уларнинг қарорига қолмас.

Зеро улар ғазаб айлаб одамларни ўлдиришди, Бебошлик этиб буқаларни шикастлантиришди.

<sup>7</sup> Лаънат уларнинг тошқин қаҳр-ғазабига!

Лаънат уларнинг беомон ситам-зўғумига!

Мен Ёқуб элида уларга низо солгайман, Исроилда тарқатиб юборгайман уларни.

<sup>8</sup> Эй сен, Яхудо!

Биродарларинг сени мадҳ этишажак,

Туғишганларинг сенга таъзим этишажак.

Ёвни эса гарданидан ушлаб қолажаксан.

<sup>9</sup> Эй ўғлим Яхудо, арслон боласи!

Сен шикорингдан қайтиб келдинг, ўғлим.

Мана қаранг, у шердек чўкди-ю ётди;

Арслондайин ўзи – ким ҳуркитармиш уни?

<sup>10</sup> Салтанат ҳассаси Яхудодан силжимас,

Мирза ҳам кам бўлмас оёғи тагидан,

То Малики Сулҳ келгунига қадар;

Элу халқлар эса Унга бўйин сунадилар.

<sup>11</sup> Ул ўз эшагини ток новдасига боғлар, Бахузур хўтигини боғда қолдириб кетар.

Ўз кийим-кечагини шаробга булаб, Либосини хуни хамрда ювар.

<sup>12</sup> Шаробдан кўзлари учқунланар порлоқ, Сутни мўл ичиб тишлари бўлган оппоқ.

<sup>13</sup> Завулун денгиз соҳилида жойлашиб, Кемаларга бандаргоҳ бўлажак;

Унинг худуди эса Сидўнгача чўзилажак.

<sup>14</sup> Иссохор – қўралар орасига чўккайган

Суяқдор эшак сингари.

<sup>15</sup> Осойиш яхши, диёр ёқимли, – деди.

Юк ташишга бўйин эгай, – деганда,

Куллик бўйинтуруғига кириб қолди.

<sup>16</sup> Дан – Исроил қабилаларининг бири сифатида Ўз халқининг қозисию ҳомийси бўладур.

<sup>17</sup> Дан – йўлда биланглаб юрган илон, Йўловчидан бекиниб олган оғули илон.

Ул отнинг тўпиғини чақар,

Сувориси эса орқага кулаб кетар.

<sup>18</sup> Сенинг мададингга умидвордирман,

Эй Худованд!

<sup>19</sup> Гадни босмачилар тўдаси босиб олур, У из қувиб уларга етиб босиб олур.

<sup>20</sup> Ошер мўл-кўлчиликда ўз нонини еяр, Шоҳларча ноз-неъматларни еб тўяр.

<sup>21</sup> Нафтоли – чопқир оҳудайин ўзи,

У чиройлигина қуралайларни туғар.

<sup>22</sup> Юсуф – мевадор дарахтнинг ниҳоли,

Булоқ бошида ўсган оғочнинг кўчати.

Унинг тармоқлари девордан ошиб кетадур.

<sup>23</sup> Ўқчилар дастаси уни ранжитишди,

Ўқ отишиб, унга қасд-адоват қилишди.

<sup>24</sup> Унинг камони таранг, қўли чечан бўлди.

Ёқубнинг суянган Илоҳий Қудратдан,

Исроилни боққан Улуғ Қоядан у куч олди.

<sup>25</sup> Отангнинг Худоси сенга мадад бергай,

Қодир Оллоҳ сени муборак айлағай.

Юқорида бўлган кўк баракатларини,

Пастда ётган тубсизлик сероблигини,

Она эмчаги ва она қорни қутини сенга эҳсон

этгай.

<sup>26</sup> Мана, отангнинг қолдириб кетган қут-баракатлари –

Абадий юксакликлар баракатидан ҳам ошиқ,

Азалий чўққилар неъматидан ҳам ортиқдир.

Ана шу баракатлар барчаси тепадан ёғиб,

Биродарларининг улуғи Юсуфга насиб этгай.

<sup>27</sup> Бенямин – йиртқич бўри!

Сабоҳда у овини ямлаб ютар,

Оқшомда эса ғаниматни тақсимлар».

### Ёқубнинг ўлиши

<sup>28</sup> Исроилнинг ҳамма ўн икки қабилалари булардир, оталарининг уларга топширган сўзлари ҳам шулар. У ўғилларини шундай дуо қилди, ҳар бирини ўзининг дуосига мувофиқ дуо қилди.

<sup>29</sup> Уларга васият қилиб, яна деди: «Мен ўз ота-боболарим олдида жўнай деб турган эканман, энди сизлар мени оталарим ётган, ҳетий Афроннинг

даштида жойлашган ғорга дафн этинглар.

<sup>30</sup> Канъон ерида, Мамре қаршисидаги Махпела даштида жойлашган, ҳетий Афрондан сотиб олинган, Иброҳимнинг оила мақбараси бўлган ана у мағорага мени кўминглар. <sup>31</sup> Иброҳим ва хотини Сорони у ерда дафн этдилар. Исҳоқ ва хотини Ривқони ҳам у ерда дафн этдилар. Мен Леани ҳам у ерда дафн этдим. <sup>32</sup> Бу дашт ва ундаги ғорни биз Ҳет ўғилларидан сотиб олганмиз».

<sup>33</sup> Ёқуб буларни айтиб, ўғилларига васият қилишни тамом қилди. У оёқларини тўшаги ичига йиғиб олиб, жон берди ва ўзининг ота-боболари олдида жўнади.

### Ёқубни дафн этиш

**50** Шунда Юсуф отасининг устига йиқилиб, йиғлаганича унинг юз-кўзидан ўпди. <sup>2</sup> Юсуф отасини мумиёлаш учун ўз хизматидаги табибларга амр этди, табиблар Исроилни мумиёладилар. <sup>3</sup> Мумиёлаш иши одат бўйича роса қирқ кунни талаб этди. Мисрликлар эса етмиш кун унга йиғи қилдилар.

<sup>4</sup> Йиғи даври тугагач, Юсуф Фиръавннинг сарой аҳлига деди: «Агар мени илтифотга сазовор ҳисобласангизлар, унда Фиръавн зоти олийларига билдириб қўйингларки, <sup>5</sup> отам менга қасам ичириб: “Менинг куним битди, мени Канъон ерида ўзим учун қазиган қабримга дафн этасан”, – деган эдилар. Энди ижозатингиз билан бориб отамни дафн этайин, кейин яна бу ерга қайтиб келайин».

<sup>6</sup> Фиръавн буни эшитиб, Юсуфга: «Сен бора қол, отанг сенга қандай қасам ичирган бўлса, шундай дафн этгин», – деди.

<sup>7</sup> Шундай қилиб, Юсуф отасини кўмиш учун жўнади. Фиръавн саройининг бутун ходимлари ва кексалари, Миср мамлакатида барча оқсоқоллари, <sup>8</sup> шунингдек, Юсуфнинг бутун хонадони, ака-укалари ва отасининг хонадони ҳам у билан кетдилар. Фақат бола-бақраларини, қўй-эчки ва қорамол подаларини Гўшен юртида қолдирдилар. <sup>9</sup> Аравалардан, оту отлиқлардан иборат ғоят катта бир карвон унга ҳамроҳлик қилди.

<sup>10</sup> Ўрдун дарёсининг шарқий томонига, Янтоқли Хирмон деган жойга етиб келганларида, у ерда катта ва жуда салобатли таъзия маросими ўтказишди. Юсуф отаси учун етти кун аза тутди.

<sup>11</sup> Канъон аҳолиси Янтоқли Хирмонда содир бўлаётган бу маросимни кўргач: «Мисрликларнинг мана бу салобатли мотамини қаранг!» – дедилар. Шу сабабдан Ўрдуннинг шарқий бўйидаги ўша жой Миср Мотами деб аталиб келади.

<sup>12</sup> Ёқубнинг ўғиллари оталарининг васиятини бажардилар. <sup>13</sup> Улар оталарини Канъон ерига олиб

бордилар, Мамре қаршисида жойлашган Махпела даштидаги ғорга уни дафн этдилар. Иброҳимнинг ўзи у ғорни дашт билан бирга оила мақбараси қилиб ҳетий Афрондан сотиб олган эди. <sup>14</sup> Юсуф отасини дафн этгандан кейин, ўзи, биродарлари ва у билан отасининг жанозасида қатнашганларнинг ҳаммаси Мисрга қайтиб келдилар.

### Юсуфнинг биродарларини тинчитиши

<sup>15</sup> Оталари ўлгач, Юсуфнинг биродарлари: «Юсуф бизларга кек сақлаб юрибди, биз унга қилган бутун ёмонликларнинг қасдини у биздан олмасдан қўймайди», – деб ўйлардилар. <sup>16</sup> Шундай қилиб, Юсуфга шу мазмундаги эслатишни йўлладилар: «Отанг ўлишидан аввал васият қилиб: <sup>17</sup> “Юсуфга шундай деб айтинглар: Марҳамат қилиб, биродарларининг унга қилган жиноятларидан ўтиб, оғир гуноҳларини кечириб юборсин”, – деган эдилар. Энди марҳамат қилиб, отанг Худосининг қуллари бўлган бизнинг бу оғир гуноҳимиздан кечгин».

Юсуф уларнинг бу сўзларини эшитиб, йиғлаб юборди. <sup>18</sup> Охири биродарларининг ўзлари ҳам келдилар ва унинг оёқларига йиқилиб:

– Мана бизлар сенинг қулларингиз, – дедилар.

<sup>19</sup> Юсуф уларга:

– Қўрқманглар, мен Худонинг ўрнида эмасман-ку! – деди. <sup>20</sup> – Сизлар менга ёмонлик ният қилган эдингизлар, лекин Худо буни яхши ниятга айлантириб юборди. Мана ҳозир кўраётганимиздай, У шу йўсинда анча халқнинг ҳаётини асради. <sup>21</sup> Энди қўрқманглар; мен сизларнинг ва болаларингизнинг ташвишини қиламан, – деди. Уларга шундай деб далда бериб, уларнинг хотирини жам қилди.

### Юсуфнинг ўлиши

<sup>22</sup> Юсуф ўзи ва отасининг хонадони Мисрда туравердилар. Юсуф роса бир юз ўн йил умр кўрди.

<sup>23</sup> Юсуф кенжаси Эфраимнинг учинчи наслини ҳам кўрди; тўнғичи Манашенинг ўғли Мокирнинг ўғиллари ҳам Юсуфнинг тиззалари устида туғилдилар.

<sup>24</sup> Юсуф биродарларига: «Менинг ажалим етди. Аммо Худо, албатта, сизларни йўқлайди. У сизларни бу ердан кўчириб, Иброҳимга, Исҳоққа ва Ёқубга қасамёд қилган ерга олиб кетади», – деди.

<sup>25</sup> Сўнг Юсуф Исроил ўғилларига қасам ичириб: «Худо, албатта, сизларни йўқлайди. Ўшанда менинг суякларимни бу ердан олиб кетинглар», – деди.

<sup>26</sup> Шундай қилиб, Юсуф бир юз ўн ёшда қазо қилди. Уни мумиёлаб, Мисрда бир тобутга солдилар.

# ЗАБУР

## Солиҳнинг ҳаловати, фосиқнинг ҳалокати

- 1** Саодатли одамдир у,  
Фосиқлар маслаҳатига юрмас,  
Гуноҳкорлар йўлига кирмас,  
Бузуқилар йиғинида ўтирмас.
- <sup>2</sup> Илло Худованднинг Қонунидир\* унинг завқу орзуси,  
Туну кун Тангри Қонуни ила банддир фикри-зикри.
- <sup>3</sup> Оқар сувлар канорига ўтқазилган,  
Мевасини мавсумида тугадиган,  
Барглари эса сўлмайдиган дарахт кабидир у киши.  
У неки қилса, толе унга ёрдир.
- <sup>4</sup> Фосиқлар эса-чи бундай эмаслар,  
Балки шамолда тўзғиб кетгуси тўпондирлар.
- <sup>5</sup> Шу боис фосиқлар ҳукм қилинганда бош кўтармас,  
Гуноҳкорлар эса солиҳлар мажлисида тура олмас.
- <sup>6</sup> Худованд солиҳлар йўлини асрар,  
Фосиқлар эса ўз йўлида ҳалок бўлар.

## Худо тайинлаган абадий Хукмрон

- 2** Нега исён кўтаряпти миллатлар?  
Нечун пуч режаларни тузяпти элатлар?
- <sup>2</sup> Биргалашиб исён қилиб дунё подшоҳлари,  
Худованд ва Унинг Масиҳига\* қарши кенгашдилар:
- <sup>3</sup> «Қани, бузиб ташлайлик уларнинг кишанларин,  
Халос бўлайлик уларнинг бўйинтуруғидин!»
- <sup>4</sup> Самода ўлтирган Эгам кулар,  
Раббим уларни масхара қилар.
- <sup>5</sup> Вақти келиб, У қаҳри билан сўзлар,  
Ҳазаб ила уларнинг кўксига ғулу солар.
- <sup>6</sup> «Мен Ўз Подшоҳимни тайинладим,  
Муқаддас тоғим бўлмиш Сионда\* ўрнатдим», – деяр.
- <sup>7</sup> Мен Худованд фармонини эълон этгайман,  
У Менга айтди-ким:  
«Сен Менинг Ўғлимсан,  
Сени бугун таваллуд эттирдим.
- <sup>8</sup> Мендан талаб қилгин, токи  
Элу халқларни насибанг қилай,  
Бутун ер юзини мулкингга берай.
- <sup>9</sup> Темир ҳасса ила бошқарасан\* уларни,  
Сопол кўза мисоли парчалаб ташларсан».
- <sup>10</sup> Энди, эй подшоҳлар, ақлли бўлинг!  
Ибрат олинг, эй дунё ҳокимлари!
- <sup>11</sup> Қўрқув ила Худовандга хизмат қилинг,

Қалтираб Ундан масрур бўлинг!

<sup>12</sup> Унинг Ўғлини эъзозланг,  
Токи қаҳри келмасин.  
Унинг ғазаби ўт олса тезда,  
Унда нобуд бўласиз ўз йўлингизда.  
Иқболлидир барча Ундан паноҳ топганлар!

## Худованднинг ёрдамига умидворлик

**3** Эй Худованд,  
Ёвларим қанчалик кўпайиб кетган!  
Сон-саноқсиздир менга қарши чиқаётганлар!  
<sup>3</sup> Кўплар менинг жонимга қасд ила:  
Худодан унга нажот йўқ экан, демоқдалар.

*САЛОТ\**

<sup>4</sup> Бироқ Сен, эй Худованд,  
Менинг қалқоним, менинг иззатимсан,  
Бошимни баланд кўтарадигансан.

<sup>5</sup> Худовандга фарёд қилганимда,  
У мени тинглар Ўзининг муқаддас тоғидан.

*САЛОТ*

<sup>6</sup> Мен тинчгина ухлаб, хотиржам уйғонаман,  
Зеро Худованд менга мададкор бўлур.

<sup>7</sup> Қўрқинч солмас менга ҳар ёқдан куршаб,  
Минглаб ёпирилган оломон.

<sup>8</sup> Эй Худованд, ўрнингдан тургин,  
Қутқаргин мени, эй Худойим!  
Сен барча душманларим жағига уриб,  
Фосиқлар тишини синдириб ташлайсан!

<sup>9</sup> Нажот – Худованддандир;  
Сенинг баракатингдан халқинг баҳраманд бўлғай!  
*САЛОТ*

## Кечки ибодат

**4** Илтижо қилганимда, менга жавоб айлагин,  
Эй менинг одил Худойим!  
Танг қолганимда Ўзинг нажот бергансан;  
Яна менга меҳрибонлик кўрсатгин,  
Ибодатимга қулоқ бергин!

<sup>3</sup> Эй инсон ўғиллари,  
Қачонгача иззатимни тупроққа қорасизлар?  
Қачонгача пуч ниятларга ружу қўясизлар?  
Қачонгача ёлғон-яшиққа ҳавасланасизлар?

*САЛОТ*

<sup>4</sup> Бироқ билингиз-ким,  
Худованд Ўз азизини ажратиб олган.  
Худованд менинг илтижомни эшитар.  
<sup>5</sup> Ҳазабланиб, гуноҳ қилманг!

Ётганингизда қалбингиз ила ҳамсуҳбат бўлиб,  
тинчланинг.

САЛОТ

6 Ҳалол қурбонликлар келтиринг,  
Худовандга умид боғланг!  
7 Кўплар сўрамоқдалар:  
Ким бизга бахт-саодат келтирар экан?  
Жамолинг нуруни устимизга солгин, эй Худованд!  
8 Уларнинг буғдойи ва шароби кўпайган, бироқ  
Сен менинг дилимга шодлик бердинг кўпроқ.  
9 Осойишта ётаман ҳам уйғонаман;  
Чунки, эй Худованд,  
Хотиржамлигимга ёлғиз Сен посбон.

## Тонгги ибодат

5 Эй Худованд,  
Сўзларимни тинглагин,  
Огоҳ бўлгил ниятимдан!  
3 Нолаю фарёдимга қулоқ солгин,  
Эй Подшоҳим ҳам Худойим!  
Мен Сенга ибодат қилмоқдаман.  
4 Тонг чоғи овозимни эшитасан, эй Худованд,  
Тонг чоғи Сенинг олдинда ҳозир бўламан,  
Интизорлик-ла кўз тутаман Сен томон.  
5 Сен ёвузликни хуш кўрмайдиган Тангрисан,  
Нопок одам жой топмас Сенинг ҳузурингда,  
6 Такаббур эса қад кўтармас қаршингда.  
Нафрат этасан жами бадкирдорлардан,  
7 Ёлғон сўзловчини Ўзинг маҳв этасан.  
Ҳа, Худованд қонхўру маккордан жирканур.  
8 Мен эсам, раҳминг кўплиги туфайли  
Сенинг уйингга кираман.  
Муқаддас маъбадинг\* томон бош эгиб,  
Сенга хос қўрқинч ила сажда қиламан.  
9 Ёвларим-чун мени ҳақиқат йўлингга бошла,  
Ўз йўлингни равон қилгин олдимда,  
Эй Худованд!  
10 Уларнинг оғзида тўғрилиқ йўқдир,  
Касофатдир уларнинг ботини.  
Бўғизлари – очиқ қабр,  
Сўзлари – фақат тилёғлама.  
11 Эй Худойим, уларни гуноҳкор бил!  
Ёмон ниятлари ўзларига урсин!  
Гуноҳлари кўплиги боис уларни даф қил!  
Чунки улар Сенга қарши исён қилдилар.  
12 Сендан паноҳ топган ҳамма севингай,  
Доимо қувониб тараннум этишгай.  
Уларни Ўзинг ҳимоя қилурсан,  
Номингни севгучилар Сен-ла шод бўлгай.  
13 Эй Худованд,  
Солиҳга Ўзинг барака берурсан,  
Лутфу карамингни қалқондай қилиб,  
Унинг ила солиҳни ўраб олурсан.

## Васвасага тушганинг ноласи

6 Эй Худованд,  
Қаҳринг келиб, таъзиримни бермагин,

Ғазабинг ила мени жазоламагин!  
3 Менга меҳрибонлик қилгин, ё Раббим,  
Чунки мен бемажолман.  
Менга шифо бергин, эй Худовандим,  
Чунки устухонларимни титроқ босди.  
4 Жон-танимни ваҳима қамрамоқда.  
Сен-чи, эй Худованд, қачонгача..?  
5 Қайтгин, эй Тангрим, жонимни қутқар,  
Лутфинг шарафи учун халос қил мени!  
6 Улим диёрида Сени ёдламаслар,  
Тамуғда ким шукрона айтар Сенга?  
7 Мен оҳ-зор қилавериб ғоятда чарчадим.  
Ҳар кеча кўрпам нам бўлади,  
Кўз ёшим-ла хўллайман тўшагим.  
8 Кўзим нури қайғудан адо бўлди,  
Ёву ағёр мадоримни тамом қилди.  
9 Эй сизлар, ҳамма бадкирдорлар,  
Йўқолинглар менинг кўз олдимдан!  
Худованд эшитди менинг оху ноламни,  
10 Худованд эшитди муножотимни.  
Ҳа, ибодатимни Худованд қабул этади.  
11 Барча душманларим шарманда бўлсин,  
Қаттиқ саросимага тушсинлар!  
Бир лаҳзада қайтиб, шувут бўлсинлар!

## Гуноҳкорга жазо, покдилга нажот

7 Сендан мен паноҳ топдим, эй Худованди  
каримим,  
Ҳамма қасдимга тушганлардан қутқар, халос эт!  
3 Акс ҳолда шердаин жонимни тишлаб парчалар,  
Чилпарчин бўларман, халоскорим қолмасдан.  
4 Эй Худованди каримим,  
Агар гуноҳ иш қилган бўлсам,  
Қўлимни ноҳақликка булғаган бўлсам,  
5 Пок ниятлига ёмонлик қайтарган бўлсам,  
Сабабсиз ғанимни ғорат қилган бўлсам,  
6 Унда душман жоним пайига тушиб, қувиб етсин,  
Ҳаётимни ерда топтаб, номусимни тупроққа  
қорсин.

САЛОТ

7 Эй Худованд, ғазабинг ила тур!  
Ёвларим зўғимига қарши кўтарил!  
Воқиф бўлиб, мени одил ҳукм қил!  
8 Халқлар жамоати Сени ўрасин;  
Улар устидан юксак ўрнингни олгин!  
9 Эй Худованд, қавмларни ҳукм этувчи!  
Мен солиҳман, кўнглим пок,  
Юзимни ёруғ қилгин, эй Худованд!  
10 Фосиқлар ёвузлиги барҳам топсин,  
Солиҳни-ку Сен асрарсан, эй одил Худо,  
Юраклару кўнгилларни синовдан ўтказувчи!  
11 Менинг қалқоним Худо бўлур;  
Покдилларга У нажот берур.  
12 Худо одил ҳукм чиқарур,  
Ҳар кун тегишлича чора кўрур.  
13 Фосиқ бўлса, гуноҳ йўлдан қайтмас.  
У шамширин чархлаб, шай қилган камонин.  
14 Тирларини ёнадиган қилиб,

Ўзига ўзи ажал сипоҳиси бўлган.  
<sup>15</sup> У нотўғрилиқ тухумини босиб,  
 Касофат жўжаларини очиб чиқар,  
 Оқибатда ўзини ўзи алдар.  
<sup>16</sup> Ўзгага чоҳ қазиган киши  
 Қазиган чоҳига ўзи қулар.  
<sup>17</sup> Ўзгага фалокат тилаганнинг фалокати  
 Ўз оёғи остида бўлар.  
 Муштумзўрнинг мушти ўзига қайтар.  
<sup>18</sup> Мен Худованднинг адолатини куйлаб шукрлар  
 дейман,  
 Тангри Таолонинг номини тараннум этгайман.

### Худованднинг улуғворлиги ва меҳрибонлиги

**8** Эй Худованд, бизнинг Раббимиз,  
 Ер юзи бўйлаб Сенинг номинг нақадар  
 улуғвор!  
 Осмондан ҳам юксақдир улуғворлигинг!  
<sup>3</sup> Сен гўдагу чақалоқлар оғзида мадҳ яратдинг\*,  
 Токи Сенга қарши хусумат сақлаб юрган  
 Душману интиқомчи оғзини тўсиб қўйгин.  
<sup>4</sup> Сен бунёд этган кўкка кўзим тикилса,  
 Ўзинг ўрнатган ою юлдузларга боқсам,  
<sup>5</sup> Инсон қадри недирки, Сен уни ёдлагайсан?  
 Одам ўғли недирки, Сен уни ардоқлайсан?  
<sup>6</sup> Сен уни Худодан\* андак паст қилдинг,  
 Иззату жамол тожини унга кийдирдинг.  
<sup>7</sup> Ўз яратганларинг устидан унга салтанат бердинг,  
 Бор мавжудотни унинг оёқлари тагига қўйдинг:  
<sup>8</sup> Қўйлару сигирлар барисин,  
 Ҳамда дала-дашт ҳайвонларин,  
<sup>9</sup> Кўк паррандасию денгиз балиқларин,  
 Роҳи баҳрдан ўтувчи сув махлуқотларин.  
<sup>10</sup> Эй Худованд, бизнинг Раббимиз,  
 Ер юзи бўйлаб Сенинг номинг нақадар улуғвор!

### Довуднинг ғалаба мадҳияси

**9** Чин юракдан Худовандга шукрлар дейман,  
 Сенинг мўъжизаларингни, эй Таоло,  
 Бир-бир ҳикоя қиламан.  
<sup>3</sup> Сендан шодланиб тантана қиламан,  
 Исми шарифингни доим тараннум этаман.  
<sup>4</sup> Менинг душманларим орқага қайтди,  
 Қаршингда қоқилиб, йўқолиб кетди.  
<sup>5</sup> Сен мени ҳукм этиб, юзимни ёруғ қилдинг,  
 Адолатли ҳакам бўлиб тахтга ўтирдинг.  
<sup>6</sup> Сен элларга таъзир бердинг,  
 Бетавфиқларни маҳв қилдинг,  
 Номларини дорилбақодан ўчирдинг.  
<sup>7</sup> Душманлар битди, кул бўлди яроғи,  
 Шаҳарларини Сен хароб қилдинг,  
 Улардан хотира ҳам қолмади.  
<sup>8</sup> Худованд абадий Ўз тахтида ўтирар,  
 Ҳукм учун У тахтини қургандир.  
<sup>9</sup> Дунёни адолат билан бошқариб,  
 Халқлар учун тўғри ҳукм чиқарур.  
<sup>10</sup> Мазлум учун Худованд паноҳдир,

Қайғули замонларида паногоҳдир.  
<sup>11</sup> Номингни билганлар Сенга умид боғлар,  
 Ўзингга илтижо қилувчиларни тарк этмайсан, эй  
 Худованд!

<sup>12</sup> Сионда давр сурган Худовандни куйланг!  
 Халқлар ичра ажойиботларини хабарланг!  
<sup>13</sup> Худованд хун олувчидир,  
 У жафокашни ёдда тутди,  
 Унутмайди мазлумлар фарёдини.  
<sup>14</sup> Менга меҳрибонлик кўрсатгин, эй Худованд,  
 Ғанимларимдан тортган кулфатимни кўргин!  
 Улим дарвозасидан Ўзинг қайтаргансан мени,  
<sup>15</sup> Токи Сион қизинг дарвозаларида  
 Сенинг барча ҳамдларингни хабар қилай,  
 Сенинг нажотинг билан қувонай!  
<sup>16</sup> Халқлар ўз қазиган чоҳларига қулади,  
 Ўз қўйган домларига оёқлари илинди.  
<sup>17</sup> Худованд Ўз ҳукмини юритганидан танилди,  
 Бетавфиқ эса ўз қилмишлари билан тутилди.

### ОҲАНГЛИ САЛОТ

<sup>18</sup> Бетавфику Худони унутган барча эллар  
 Ўлиқлар диёрига тушиб қоладилар.  
<sup>19</sup> Бироқ бечораҳол умрбод унутилмас,  
 Камбағалнинг умиди абадий тугамас.  
<sup>20</sup> Тургин, эй Худованд,  
 Банда манманлик қилмасин!  
 Халқлар Сенинг хузурингда муҳокама бўлсин!  
<sup>21</sup> Эй Худованд, халқларга даҳшат солгин!  
 Улар билсинки, оддий инсондирлар.

### САЛОТ

<sup>22</sup> Эй Худованд, нега мендан узоқдасан?  
 Нега оғир замонларда кўринмайсан?  
<sup>23</sup> Мана, бетавфиқ мағрурланмоқда,  
 Бечораҳолнинг эса жони ёнмоқда.  
 Улар тўқиган иғволари ўз бошига қайтсин!  
<sup>24</sup> Бетавфиқ-ку ғаразгўйни дуо қилади,  
 Ўзининг нафс бандаси бўлиши билан мақтаниб.  
<sup>25</sup> Худовандни эса менсимайди бетавфиқ,  
 «Худо ўч олмас-ку», дейди гердаийб;  
 Худого ҳеч жой йўқ унинг хаёлида.  
<sup>26</sup> Йўллари ҳар доим ўнғай бўлур,  
 Сенинг ҳукмларинг эса баландда,  
 Узоқда турур унинг хаёлидан.  
 Душманларига эса у бир пуфлаб,  
 Ҳаммасини назарга илмай қўяр.  
<sup>27</sup> Юрагида у айтадир:  
 Мен ҳеч қачон панд емайман,  
 Фалокатга ҳам учрамайман, то абад!  
<sup>28</sup> Тили остида лаънату ҳийла-найранг ётадир,  
 Уқубату касофат унинг измидадир.  
<sup>29</sup> У қўра ортида писиб ётиб,  
 Пинҳона гуноҳсизни ўлдирар,  
 Кўзлари фақирни яширинча қидирар.  
<sup>30</sup> Ўз инида беркинган арслон сингари  
 Бечорани тутмоқ-чун пистирмага беркинар,  
 Бечорани босиб олиб, ўз домига тортар.  
<sup>31</sup> Бечора-ку эзилиб, икки букилиб,  
 Йиртқич панжаларидан нобуд бўлар.



32 Бетавфиқ ўз дилида айтар:  
 Тангри унутибди, юз-кўзини беркитибди,  
 Қилмишимни У абадий кўрмас!  
 33 Тургин, эй Худованд,  
 Чўз кўлингни, эй Тангрим!  
 Унутма бечораю мазлумни!  
 34 Нечун бетавфиқ Худони менсимай:  
 «Сен ўч олмайсан», деб кўнглида айтар?  
 35 Сен кўриб турибсан-ку,  
 Ўз кўлинг билан унинг чорасини берасан.  
 Сен жафони, азоб-укубатни кўрасан!  
 Бечораҳол умидини Сенга боғлайди,  
 Есир-етимларга Ўзинг ғамхўрсан.  
 36 Фосиқлару жиноятчилар кўлини қирқиб ташла,  
 Токи ёвузлигининг изи битсин!  
 37 Худованд абадулабад Подшоҳдир,  
 Ёт халқлар Унинг диёридан йўқ бўлур.  
 38 Мўминлар тилагини Сен эшитасан, эй Худованд,  
 Юракларига далда бериб, уларга қулоқ соласан.  
 39 Етиму мазлумларни Ўзинг ҳимоя қиласан;  
 Ердаги одамзод бошқа ваҳм олмасин.

#### Худованд – солиҳнинг паноҳи

10 Худованддан мен паноҳ топдим.  
 Сизлар қандай қилиб жонимга дейсиз:  
 «Қуш каби тоғларингга учиб кет!»  
 2 Қаранг, фосиқлар камонини тортиб,  
 Покдилни зулматда отмоқ учун  
 Ўқларини ипга қадаб қўйибдилар!  
 3 «Пойдевор вайрон бўлгандан сўнг,  
 Солиҳ не қила билар?» – дея.  
 4 Худованд Ўзининг муқаддас маъбадидадир,  
 Тахти осмондадир Худованднинг.  
 Худованднинг кўзлари кўрар,  
 Нигоҳи текширар инсон ўғилларин.  
 5 У солиҳлару фосиқларни синаб кўрар,  
 Зўравонлар эса Унинг нафратига йўлиқар.  
 6 Фосиқлар бошига У ёмғирдай кўру чўғ  
 Ҳамда ёнаётган олтингургурт ёғдирар,  
 Гармсел уларнинг тақдиру қисмати бўлар.  
 7 Зероки Худованд барҳақдир,  
 У ҳаққоний ишларни севар,  
 Тўғри кишига эса юзини қаратар.

#### Ёвузликка қарши ибодат

11 Нажот бергин, эй Худованд!  
 Чунки художўй ҳеч қолмади,  
 Банибашар ичра мўмин йўқ бўлди.  
 3 Ҳар ким ўз яқинига ёлғон сўзлайдир,  
 Тили бошқа, дили бошқа тилёғламачилардир.  
 4 Худованд қириб ташлагай бундай бузуқ оғизни,  
 Қирқиб ташлагай катта гапирувчи ҳар бир тилни!  
 5 «Биз тилимиз-ла зўр чиқамиз,  
 Лаб-даҳан ўзимизники, – демоқда улар –  
 Ким ҳам бизга хўжайин бўлолар экан?»  
 6 «Бечораҳоллар хонавайрон бўлганини,  
 Фақирларнинг хўрсинганини Мен эшитиб,

Энди ҳаракатга келаман, – дейди Худованд, –  
 Улар кўз тегизган одамни хузурга эриштираман».  
 7 Худованд каломлари – пок каломлардир,  
 Тупроқдан олиниб ўчоқда етти гал эритилган  
 Мусаффо кумушдай каломлардир.  
 8 Эй Худованд, Сен уларни муҳофаза қиласан,  
 Бизни ҳам бу наслдан абадий асрайсан.  
 9 Бетавфиқлар энди бемалол айланиб юришибди,  
 Банибашар ичра тубанлик авжга чиққан.

#### Тушкуннинг Худога таваккал қилиши

12 Эй Худованд, қачонгача мени унутасан?  
 Қачонгача мендан юз ўгирасан?  
 3 Қачонгача қийнар эканман жонимни,  
 Туну кун талвасада тўлғаниб қалбим?  
 То қайгача душман мендан ғолиб чиқар экан?  
 4 Ё Худоё Худовандо,  
 Менга қараб, қулоқ солгин,  
 Ўлим уйқусига ботиб қолмайин!  
 5 Душманам: Уни енгдим, демасин,  
 Йиқилиб қолсам, ёв тантана қилмасин.  
 6 Мен Сенинг лутфингга умид боғладим,  
 Сендан нажот топиб, кўнглим қувонур.  
 У менга хайрихоҳлик кўрсатди деб,  
 Худовандни тараннум этарман.

#### Шаккокнинг аҳмоқлиги ва разолати

13 Аҳмоқ ўз кўнглида: «Худо йўқ», – дейди.  
 Бундайлар бузилиб, разолат ботқоғига ботар.  
 Яхшилик қиладиган ҳеч кимса йўқдир.  
 2 Худованд инсон ўғилларига осмондан боқар,  
 Худони қидирувчи бирор идрокли киши бормикан  
 дея.  
 3 Бироқ ҳаммаси янглишиб,  
 Барчаси мурдор бўлган.  
 Яхшилик қилувчи ҳеч кимса йўқ,  
 Ҳатто бирор киши ҳам йўқдир!  
 4 Халқимни бир луқма каби еб юборадиган,  
 Худовандни эса ҳеч чақирмайдиган  
 Ўша бадкирдорлар тўдасининг ақли етмайдими?  
 5 Мана, кўққисдан уларни ваҳма босди!  
 Чунки Худо солиҳлар насли орасидадир.  
 6 Фақирни кўнгил армонидан айирдингиз,  
 Илло Худованд унинг паноҳидир.  
 7 Кошки Сиондан Исроилга нажот келса!  
 Худованд Ўз халқини асоратдан қайтаргач,  
 Бани-Ёқуб шод бўлгай, Исроил севингай!

#### Худовандга маъқул ким?

14 Эй Худованд, Сенинг чодирингга ким кўнар?  
 Ким маскан топар муқаддас тоғингда?  
 2 Кимки покдил бўлиб, ҳалол ишласа,  
 Чин қалбдан ҳақиқатни сўзласа,  
 3 Кимки тилига бўҳтон олмаса,  
 Биродарига ёмонлик қилмаса,  
 Хеш-ақрабосини шарманда қилмаса,  
 4 Кимки манфур кишидан нафрат этса,

Худованддан кўрққанларни хурмат қилса,  
 Ўз зарарига бўлса ҳам сўзидан қайтмаса,  
<sup>5</sup> Пулини қарзга бериб судхўрлик қилмаса,  
 Бегуноҳни қоралаш учун пора емаса –  
 Кимда-ким буларга эътибор берса,  
 У то абад тебранмас.

### Художўйнинг тилаги

**15** Эй Тангрим, мени Ўзинг асрагин,  
 Чунки Сендан паноҳ топганман.  
<sup>2</sup> Мен Худовандга дедим:  
 Сен менинг Раббимсан,  
 Сендан бошқа мен учун хайр йўқ.  
<sup>3</sup> Мамлакатдаги асил, азиз кишилардадир  
 Менинг бутун завқу муродларим.  
<sup>4</sup> Сохта худога сажда қилганларнинг дард-ғами  
 ошсин!  
 Улар қон тўкиб худойи қиладилар.  
 Мен қўлимни булғамайман бундай ишларга,  
 Уларнинг номини ҳам оғзимга олмайман.  
<sup>5</sup> Эй Худованд, Сен менинг насибамсан,  
 Косам оқи – Ўзингдирсан,  
 Тақдирим қуръаси – Сенинг қўлингда.  
<sup>6</sup> Кўнгилли ерларга тушди марзаларим,  
 Хузур-ҳаловатдир менинг меросим.  
<sup>7</sup> Менга машварат берган Худовандни  
 олқишлайман,  
 Кечалари ўз ботинларим менга ўгит қилар.  
<sup>8</sup> Худовандни доим кўз олдимда кўраман,  
 У ўнг томонимда бўлгунча тебранмасман.  
<sup>9</sup> Шул боис менинг дилим қувонур,  
 Тилимдан\* шод-хуррамлик тўкилур,  
 Таним ҳам умидвору бехатар бўлур.  
<sup>10</sup> Сен ўликлар диёрига ташлаб кетмайсан  
 жонимни,  
 Ўз азизингга чуқурлик юзини кўрсатмайсан.  
<sup>11</sup> Сен ҳаёт йўлини менга билдирасан,  
 Бахт-қувончлар тўқиндир ҳузурингда,  
 Боқий ҳаловатдир Сенинг ўнг қўлингда.

### Мазлумнинг фарёди

**16** Эй Худованд, салоҳга эътибор бергин,  
 Дод-фарёдимга қулоқ солгин,  
 Макрсиз ириндан унган ибодатимни тинглагин!  
<sup>2</sup> Юзимни Ўзинг ёруғ қилгин,  
 Кўзларинг тўғрилиқка етаклансин!  
<sup>3</sup> Дилимни синаб, кечалари мени йўқладинг,  
 Имтиҳон қилдингу, бирор ёмон ниятни  
 топмадинг.  
 Чунон тилим ила дилим бирдир менинг.  
<sup>4</sup> Одамлар иш-амалига келганда дейман:  
 Мен Сенинг каломингга риоя қилдим,  
 Ғаддор йўлларида ўзимни тийдим.  
<sup>5</sup> Қадамларимни Ўз роҳингда собит қилгин,  
 Токи оёқларим зинҳор тебранмасин.  
<sup>6</sup> Сенга нола қиламан, эй Тангрим,  
 Чунки Сен менга жавоб берарсан.

Қулоғингни менга тутгин, тингла сўзимни!

<sup>7</sup> Ажойиб меҳр-иноятингни кўрсатгин,  
 Эй, илтижо қилувчиларнинг Халоскори!  
 Сенинг қўлинг ҳимоясида  
 Осийлардан паноҳ топса бўлади.  
<sup>8</sup> Кўз қорачиғидай асрагин мени,  
 Ўз қанотларинг соясида яширгин мени  
<sup>9</sup> Зарба берган бетавфиқлардан,  
 Ҳар ёқдан ўраб олган жон душманидан!  
<sup>10</sup> Уларнинг юрагини-ку ёғ босган,  
 Оғизлари мақтанишдан гупурмоқда.  
<sup>11</sup> Ҳар қадамда бизни таъқиб этиб,  
 Ҳар томонлама ўраб олмоқдалар,  
 Ерга урмоқ учун пусиб ётибдилар.  
<sup>12</sup> Улар овга зориққан арслонга,  
 Пистирмада пойлаб ётган қоплонга ўхшар.  
<sup>13</sup> Эй Худованд, тургин!  
 Уларнинг олдини олиб, қулатгин!  
 Ўз қиличинг-ла жонимни фосиқлар қўлидан  
 тортиб олгин!  
<sup>14</sup> Эй Худованд, шундай одамлардан,  
 Ҳа, шу жаҳоннинг одамларидан  
 Ўз қўлинг билан мени халос қилгин!  
 Улар насибаларини бу ҳаётдаёқ олмоқдалар.  
 Сен уларга раво кўрган озиқ билан қорнини тўқ  
 қил!  
 Ўғиллари қорнини ҳам тўқ қил!  
 Ҳатто келажак авлодга ҳам ортиб қолсин!  
<sup>15</sup> Мен эса салоҳ ила Сенинг сиймонгни кўргайман,  
 Уйғонганим замон Сенинг дийдорингга тўярман.

### Довуднинг зафар мадҳияси

**17** Эй Худованд, менинг қувватим,  
 Сенга мен меҳр боғладим.  
<sup>3</sup> Худованд – суянчиғим менинг,  
 Қўрғониму Халоскорим менинг!  
 Тангрим – бошпана топган қоям,  
 Қалқоним, қаҳрамоним, истеҳкомим менинг!  
<sup>4</sup> Таҳсинларимга лойиқдир Худованд,  
 Уни чақирган чоғим ёвларимдан халос этур.  
<sup>5</sup> Ўлим занжирлари мени қуршаб олди,  
 Бало-қазо селлари даҳшатга чулғади.  
<sup>6</sup> Тамуғ ипларига илиниб қолдим,  
 Ўлим тўрларига ўралиб қолдим.  
<sup>7</sup> Танг аҳволимда Худовандни чақирдим,  
 Худойимга фарёд этиб ёлвордим.  
 Ўз маъбадидан Ул эшитди овозим,  
 Фигоним Унинг даргоҳию қулоғига етди.  
<sup>8</sup> Ончоқ дунё ларзага келиб қалтиради,  
 Тоғлар пойдевори титраб жунбушга келди.  
 Чунки Тангри Таоло ғазабга минди.  
<sup>9</sup> Унинг бурнидан тутун чиқди,  
 Оғзидан ҳалокатли оташ сочилди,  
 Ёнаётган чўғлар ёғилди Ундан.  
<sup>10</sup> У кўклар бағрини тилиб тушди,  
 Тим зулмат оёқлари остида эди.  
<sup>11</sup> У малакка миниб учиб,  
 Ел қанотлари узра парвоз этди.

12 Тун пардасини Ўзига ёпинчиқ қилиб,  
Тубсиз, сим-сиёҳ сувларга беркиниб,  
Қуюқ фалак булутларига бурканди.  
13 Унинг хузури нурафшанлигидан булутлар қочди,  
Дўл ва ёнаётган чўғлар ёғилди.  
14 Худованд кўкларни гулдуратди,  
Худойи Таоло товушини эшиттирди,  
Дўл ва ёнаётган чўғлар ёғдирди.  
15 У ўқларини отиб ёвларини тарқатди,  
Чақмоғини чақнатиб уларни тўзитиб юборди.  
16 Эй Худованд, Сенинг қаҳрли товушингдан,  
Руҳингнинг ғазабнок садосидан  
Сув чашмалари очилиб қолди,  
Дунёнинг пойдевори яққол кўринди.  
17 У кўқдан энкайиб кўлимдан ушлаб қолди,  
Азим сувлар ичидан мени чиқариб олди.  
18 У мени бақувват душманларимдан,  
Мендан кучли ғанимларимдан халос этди.  
19 Офатли кунимда улар қаршимга чиқди,  
Лекин Худованд менинг таянчим бўлди.  
20 У мени кенгликка чиқариб қўйди,  
Мендан рози бўлиб, эркинликка чиқарди.  
21 Худованд салоҳимга яраша мени сийлар,  
Қўлларим поклиги бўйича мени тақдирлар.  
22 Чунки мен Худованд йўлларини тутдим,  
Худойим йўлидан чиқиб ёмонлик қилмадим.  
23 Унинг бутун ҳукмлари кўз ўнгимдадир,  
Унинг қонунларидан чекинмадим асло.  
24 Унинг олдида сидқи дил билан юриб,  
Гуноҳлардан ўзимни сақладим.  
25 Худованд мени солиҳ деб тақдирлади,  
Ҳалол иш қилиб, Унга мақбул бўлдим.  
26 Содик кишига Сен садоқат кўрсатасан,  
Самимий одамга самимий бўласан.  
27 Пок кишига поклик ато қиласан;  
Бироқ эгри одам билан терс йўл тутасан.  
28 Эзилган халқни Ўзинг қутқариб,  
Манманларни эса қақшатасан.  
29 Ё Раббим, Сен менинг шамимни ёқасан,  
Зулматимни Худойим Ўзи ёруғ айлар.  
30 Сенинг мададинг ила мен қўшинга ҳам зарба  
бераман,  
Худойим номи билан тўсиқ ошиб кетаман.  
31 Тангрининг йўли комилдир,  
Худованднинг каломи софдир.  
Ундан паноҳ сўраган ҳаммага У бир қалқондир.  
32 Худованддан бошқа тангри ким экан?  
Худойимиздан бўлак паноҳ қояси бормикан?  
33 Тангри белимга қувват камарин боғлар,  
Йўлимни Ўзи камолга етказар.  
34 У оёқларимни буғу оёқларидай қилиб,  
Мени баланд ерлар устига турғизар.  
35 Қўлларимни У жангга ўргатар,  
Мис ёйни отиш ҳам қўлимдан келар.  
36 Сен менга нажот қалқонингни бергансан.  
Сенинг қўлинг – таянчим менинг,  
Илтифотинг мени юксалтирур.  
37 Оёғимни Ўзинг собитқадам қилурсан,

Қимир этмас ҳеч товоним.

38 Душманларимни қувиб уларга етаман,  
Уларни тор-мор қилмагунча қайтмайман.

39 Уларга зарба қилсам, қад кўтармаслар,  
Оёқларим остига йиқилиб қоларлар.

40 Жанг қилмоғим учун белимга қувват  
киритарсан,

Менга қарши чиққан ёвни оёғим остига  
чўктирарсан.

41 Душманларимнинг орқа томонини менга  
бурдинг,

Мендан нафрат этганларни қириб битираман.

42 Улар фарёд этса-да, қутқарувчи бўлмас,  
Худовандни қақирсалар-да, У эшитмас.

43 Ел тўзонни кўкка совургандай,

Мен уларнинг қулини кўкка сокураман,  
Йўл устидаги лой каби топтаб ташлайман уларни.

44 Сен ҳарбу зарбдан мени халос этдинг,  
Ёт халқларга мени сардор қилдинг,

Мен билмайдиган эл менга қарам бўлди.  
45 Улар овозимни эшитибок итоат этадилар,

Ажнабийлар менга ширинзабонлик этадилар.  
46 Қалъаларидан тир-тир титраб чиқадилар,  
Ҳолдан кетиб, ажнабий ўғиллари.

47 Худованд барҳаётдир, менинг қоямдир,  
Унга ҳамду санолар бўлсин!

Нажоткор Худойим юксалсин!

48 Тангрим менинг ўчимни олади,  
Халқларни менга тобе қилади.

49 Душманларимдан Ўзинг қутқарасан,  
Ғанимларимдан кўра мени юксалтирасан,  
Зўравонлар панжасидан халос қиласан.

50 Шул сабабдан, эй Худованд,  
Миллатлар ичра Сени мадҳ қиламан,  
Исмингни тараннум этаман Сенинг.

51 Сен подшоҳингга улуғ нажотлар ато қиларсан,  
Ўз танлаганинг – Довуд ва унинг зурриётига  
Мангу иноятлар бахш этарсан.

#### Яратганнинг ишлари ва каломи

**18** Осмон Тангри улуғворлигини эълон этар,  
Фалак Унинг яратганларини баён этар.

3 Кун кунга сухан қилар,  
Тун тунга билим қўшар.

4 На сўзлар бор, на бирон калом,  
Эшитилмас уларнинг товуши.

5 Лек бутун дунёга ёйилди дараги,  
Ернинг тўрт тарафига етди хабари.

Мана, қуёш учун ҳам макон қурилган!

6 У қуёшдирки, гўшангадан чиққан қуёвдай,  
Ботирдай қувониб, ўз йўлида елиб кетар.

7 Унинг чиқиши осмоннинг бир четидандир,  
Давраси эса кўк юзи чегарасига қадардир.

Ҳеч на беркина билмас унинг тафтидан.  
8 Худованд Қонуни мукамалдир,  
У жонга жон киритади.

Худованд ваҳийси барқарордир,  
У содда одамга дониш беради.

<sup>9</sup> Худованд фармони ростдир,  
У кўнгилни қувонтиради.  
Худованд амри ёруғдир, кўзни ёритади.  
<sup>10</sup> Худованддан кўрқмоқлик пок ва боқийдир,  
Худованднинг бари ҳукми ҳақ ва тўғридир.  
<sup>11</sup> Олтиндан, мусаффо зардан ҳам  
кўнгиллироқдир,  
Асалдан, мумли бол томчисидан ҳам  
ширинроқдир.  
<sup>12</sup> Мана, Сенинг қулинг ҳам улардан ибрат олур,  
Уларга риоя этган киши буюк мукофот топур.  
<sup>13</sup> Адашмасликка кимнинг фаҳми етар?  
Яширин хатолардан мени поклагин!  
<sup>14</sup> Қасдан қиладиган гуноҳлардан ҳам сақла  
бандангни,  
Улар менга ҳоким бўлмасин!  
Шунда мен беайб бўлурман,  
Оғир гуноҳдан ҳам холи бўлурман.  
<sup>15</sup> Эй Худованд, оғзимдан чиқадиган сўзлар,  
Қалбимдан кечадиган андишалар  
Сенинг олдинда мақбул бўлсин,  
Эй, менинг суянчим ва Халоскорим!

#### Подшоҳ учун зафар дуолари

**19** Оғир кунда Худованд сени эшитсин!  
Ёқуб Худосининг исми кўрғонинг бўлсин!  
<sup>3</sup> Муқаддас маконидан сенга ёрдам юборсин!  
Сиондан сенга мадад йўлласин!  
<sup>4</sup> Барча хайр-эхсонларингни қабул этсин!  
Куйдирган қурбонларингни ёдда тутсин!

<sup>5</sup> Сенга кўнглинг тилаганича берсин!  
Бутун армонларингни рўёбга чиқарсин!  
<sup>6</sup> Биз сенинг ғалабаларингни куйлаймиз,  
Худойимиз номи ила туғларимизни кўтарамиз.  
Худованд барча муродларингни бажо келтиргай!  
<sup>7</sup> Энди аниқ билдимки,  
Худованд танлаган подшоҳини қутқарар,  
Ўзининг музаффар қўлини узатар,  
Нажот юбориб осмони шарифларидан.  
<sup>8</sup> Баъзилар жанг аробалари билан мақтанар,  
Бошқалар оту отлик билан гердаяр.  
Бизлар эса Раббимиз номи билан,  
Худованд исми билан фахрланамиз.  
<sup>9</sup> Улар йиқилиб тушдилар,  
Бизлар эса кўтарилиб тик турибмиз.  
<sup>10</sup> Эй Худованд, подшоҳга зафар бергин!  
Сени чақирган кунимизда жавоб бергин!

#### Худога суянган подшоҳнинг дуоси

**20** Эй Худованд,  
Сенинг қудратинг ила подшоҳ севинур,  
Юборган нажотинг-ла у беҳад масрур бўлур.  
<sup>3</sup> Кўнгил армонини унга бердинг,  
У неки тиласа, рад этмадинг.

САЛОТ

<sup>4</sup> Сен неъмату баракатлар билан уни кузатдинг,

Бошига соф олтиндан тож кийгиздинг.  
<sup>5</sup> Сендан у ҳаёт сўради – унга бердинг,  
Узоқ умр ҳамда бақо бағишладинг.  
<sup>6</sup> Сен бахш этган нажот туфайли унинг донғи  
ошди,  
Шараф-шон ва дабдабаларга сазовор қилдинг  
уни.  
<sup>7</sup> Ҳа, Сен уни абадий муборак айладинг,  
Ўз ҳузурингдаги бахт-саодатга муяссар этдинг.  
<sup>8</sup> Подшоҳ Худовандга умид боғлаган,  
Ҳақ Таолонинг инояти ила у тебранмас.  
<sup>9</sup> Сенинг ўнг қўлинг барча ёвларингни топиб  
олади,  
Сенга ғараз қилувчиларни топиб олади қўлинг.  
<sup>10</sup> Эй Худованд, Сен зуҳур этдигинг замон,  
Уларни қизиган тандирга айлантирасан.  
Сен қаҳрингни сочиб барҳам берасан,  
Олов куйдириб адо этади уларни.  
<sup>11</sup> Сен уларнинг наслини ер юзидан супуриб,  
Зурриётини бани-инсон орасидан қуритасан.  
<sup>12</sup> Сенга қарши ёмонликни ўйлаганлар  
Қора ниятларига эриша олмаслар.  
<sup>13</sup> Сен ўқ-ёйингни шай қилиб,  
Юзларига қараб ўқ узасан,  
Токи мақсадлари пучга кетсин.  
<sup>14</sup> Эй Худованд, қудратинг ила юксалавер!  
Биз Сенинг ботирлигингни куйлаймиз,  
Сенга ҳамду санолар ўқиймиз.

#### Масиҳнинг жафолари ҳақида каромат\*

**21** Танграм! Танграм!  
Нега мени ташлаб қўйдинг?  
Мен нолаю фиғон чекяпман,  
Сен эса йироқдасан, қутқармаяпсан.  
<sup>3</sup> Эй Худойим,  
Кундузлари арз-додимни қияпман,  
Аммо Сен қулоқ солмаяпсан;  
Кечалари ҳам менда тиним йўқ.  
<sup>4</sup> Бироқ Сен – муқаддасан,  
Исроилнинг санолари узра салтанатлисан.  
<sup>5</sup> Ота-боболаримиз Сендан умид қилардилар,  
Умид қилардилар-у, Сен уларни халос этардинг.  
<sup>6</sup> Сенга фарёд этардилар-у, қочиб қутулардилар,  
Сенга ишониб, шарманда бўлмасдилар.  
<sup>7</sup> Лекин мен – инсон эмас, қуртман,  
Шармандайи оламман, эл аро юзим қора.  
<sup>8</sup> Мени кўрган барча мазах қилади,  
Бурнини жийириб, бош ирғатиб дейдилар:  
<sup>9</sup> «Худовандга эътиқод қилди, У халос этсин!  
Худованд ундан рози экан, Ўзи қутқарсин!»  
<sup>10</sup> Сенсан-ку мени онам қорнидан ёруғ юзага  
чиқарган,  
Волидам кўкрагида тинч ётқизгансан мени.  
<sup>11</sup> Мавлудимданоқ Сенга назр қилинганман,  
Онам қорнидан чиққанамдан буён  
Сен менинг Танграмсан.  
<sup>12</sup> Энди мендан узоқлашма,  
Қайғу яқин, мадақкорим қолмади.

13 Бир гала буқалар мени қуршаб олди,  
Зўр Башан\* буқалари менга ёпирилди.  
14 Ов қўмсаб ўкираётган арслон каби  
Улар менга оғизларини катта очди.  
15 Менинг ичларим сел бўлиб оқяпти,  
Бутун суякларим бўғини бўшашгудай бўлди,  
Юрагим танимда мум каби эриб битди.  
16 Дармоним сопол парчасидек қуриб қақшади,  
Тилим танглайимга ёпишиб қолди.  
Сен мени ўлим хокига топширдинг-ку!  
17 Мана, итлар мени қуршаб олди,  
Ёвузлар тўдаси мени ўраб олди,  
Улар қўлларим ва оёқларимга ҳам санчди.  
18 Суякларимни бирма-бир санай оламан,  
Улар менга тикилиб бақраймоқдалар.  
19 Кийимларимни ўзаро бўлишиб олиб,  
Либосим учун қуръа ташладилар.  
20 Эй Худованд, мендан узоқлашма,  
Сенсан мажолим менинг, ёрдамга шошил!  
21 Ҳаётимни дами тиғдан сақлагин,  
Итлар панжасидан қутқар жонимни!  
22 Шер комидан мени тортиб чиқаргин,  
Яккашоҳ мугузларидан асрагин мени!  
23 Сенинг исмингни биродарларимга эълон  
этгайман,  
Жамоат ичра Сенга ҳамду санолар айтурман.  
24 Эй сиз, Худованддан қўрққанлар,  
Унга ҳамду санолар ўқинглари!  
Уни сийланглари, эй Ёкубнинг барча зурриёти!  
Тавоф қилингиз, Исроилнинг жами авлодлари!  
25 У эзилганнинг дардини камситмади,  
Хор қилмади, юзини бурмади ундан,  
Унинг фарёдига қулоқ солди.  
26 Сенгадир ҳамду санойим улуғ жамоат ичра,  
Назр-ниёзимни бажо келтиргум худотарслар ичра.  
27 Бечораҳоллар бўлса, улар еб тўядилар,  
Худовандни қидирувчилар Унга санолар ўқисин,  
Дилингизга жон кирсин, то абад!  
28 Дунёнинг тўрт бурчида яшовчи инсонлар  
Худовандни ёд этиб, Унга қайтиб келажаклар,  
Бор элу элатлар Худовандга сажда қилажаклар.  
29 Худованд – ҳокими мутлақдир,  
Эл-халқ устидан У ҳукмфармодир.  
30 Бу дунёда еб-ичиб тўйган,  
Ўзига тўқ бўлган барча Унга сажда қилажак.  
Ўз ҳаётини сақлаёлмай, гўрга борган барча  
Унинг олдида тиз чўкажак.  
31 Ҳозирги зурриёт Унга хизмат қилажак,  
Кейинги наслга Раббим ҳақида дарак етажак.  
32 Туғилажак авлодга ҳам эълон қилиб,  
Раббимнинг ажойиботини хабар қилажаклар.

### Худованд – Чўпоним

**22** Худованд – Чўпоним менинг,  
Мен муҳтожлик кўрмайман асло.  
2 У мени ям-яшил яйловларда ётқизар,  
Оромбахш сувлар бўйлаб етаклаб борар.  
3 Жонимга У тетиклик киритар,

Ўз номи учун мени тўғри йўлга бошлар.  
4 Улим водийси зулматида юрсам ҳам,  
Даҳшатлардан мен қўрқмайман.  
Чунки Сен менга ҳамроҳдирсан,  
Ўз ҳассангу хивичинг менга тасалли берар.  
5 Ёвнинг кўз ўнгида менга дастурхон тузагансан,  
Хушбўй мой ила мойлагансан бошимни,  
Лим-лим тўлдиргансан косамни.  
6 Умрим бўйи хайру иноят изимдан юрар,  
Бор кунларим Худованднинг уйида ўтар.

### Улуғвор Подшоҳ – Худованд

**23** Худовандникидир бутун дунёю  
Уни тўлдирган борлиқ,  
Ер юзию барча унда яшовчилар.  
2 У денгизлар узра ерни бунёд этган,  
Уммонлар узра уни маҳкам ўрнатган.  
3 Худованднинг тоғига ким чиқиб боради?  
Унинг муқаддас маконида ким тура олади?  
4 Кимки қўли ҳалол, кўнгли пок,  
Ёлғон-яшиқ гапга кўнгил боғламас,  
Маккорона қасамёд қилмас экан,  
5 У Худованддан баракат топар,  
Халоскор Худосидан нажот топар.  
6 Мана будир Худовандни қидирувчилар насли;  
Эй, Ёкубнинг Худоси, ана шундайдир  
Сенинг ҳузурига интилувчилар насли!

САЛОТ

7 Эй дарвозалар, кенгроқ очилинг,  
Баландроқ кўтарилинг, мангу қопқалар;  
Токи улуғвор Подшоҳ кириб келсин.  
8 Кимдир бу улуғвор Подшоҳ?  
Қудратли ва музаффар Худованддир,  
Жангда зафар қучғуси Худованддир У.  
9 Эй дарвозалар, кенгроқ очилинг,  
Баландроқ кўтарилинг, мангу қопқалар;  
Токи улуғвор Подшоҳ кириб келсин.  
10 Кимдир бу улуғвор Подшоҳ?  
Мана, Худованд, Сарвари коинот,  
Удир улуғвор Подшоҳ!

САЛОТ

### Йўл кўрсатиш, кечириш учун илтижо

**24** Сенга, эй Худованд, дилимни йўллайман.  
2 Сенга таваккал қиламан, эй Худойим!  
Мен шарманда бўлмайин,  
Душманларим тантана қилмасин устимдан!  
3 Сенга умид боғлаган ҳеч ким шарманда бўлмас;  
Сабабсиз хоинлик қилганлар эса шармандаю  
шармисор бўлсин.  
4 Эй Худованд, менга Ўз йўлингни кўрсатгин,  
Ўз йўриқларингни ўргатгин менга.  
5 Мени ҳақиқатинг йўлидан бошлаб, ўргатгин,  
Чунки Нажоткор Худойим Ўзингсан,  
Кундан-кун умидим Сенда.  
6 Эй Худованд, Ўз марҳаматингни,  
Азалий иноятларингни эслаб тур!

7 Ёшлик чоғида қилган гуноҳларим  
 Ва жиноятларимни эсга солма.  
 Ўз раҳмингу мурувватингни ёдлаб,  
 Менга раҳм айлагин, эй Худованд!  
 8 Худованд мурувватли ва адолатлидир,  
 У гуноҳкорларга йўл-йўриқ кўрсатур.  
 9 Бўйсунганларни тўғри йўлга бошлар,  
 Беозорларга Ўзи раҳнамо бўлар.  
 10 Ўзининг аҳду низомин тутганлар учун  
 Худованднинг барча йўллари иноят ва  
 ҳақиқатдир.  
 11 Эй Худованд,  
 Ўз номинг хоотири учун гуноҳимдан ўтгил,  
 Чунки кўпдир менинг гуноҳим.  
 12 Худованддан кўрққан одам ким?  
 Танлайдиган йўлини унга Ўзи кўрсатар.  
 13 Жон-тани фароғатга эришар,  
 Зурриёти эса ерга эга бўлар.  
 14 Худованд Ўз сирини худотарсларга очар,  
 Ундан кўрққанларга илоҳий аҳд насиб этар.  
 15 Кўзларим доим Худованддадир,  
 Оёғимни Ўзи тўрдан тортиб олар.  
 16 Менга назар солиб, меҳрибонлик қилгин,  
 Чунки мен ёлғиз ва тушкунман.  
 17 Юрагимда дард тўлиб-тошган,  
 Балоларимдан мени қутқаргин!  
 18 Тушкунлигим ва эзилганлигимни кўргил,  
 Барча гуноҳларимдан кечгил!  
 19 Душманларимни кўргин, қанчалик кўпайган  
 улар!  
 Ашаддий нафрат сочиб менга қасд қилмоқдалар.  
 20 Жонимни Ўзинг сақла, халос қилгин мени!  
 Сендан паноҳ топдим деб шарманда бўлмайин.  
 21 Софлик ва тўғрилиқ сақласин мени,  
 Чунки Сенга умид боғлаганман.  
 22 Эй Худо,  
 Исроилни барча дардларидан қутқаргин!

#### Покдил одамнинг тилаги

**25** Эй Худованд, юзимни ёруғ қилгин,  
 Чунки мен покдил бўлиб юрдим;  
 Худовандга таяниб иккиланмадим.  
 2 Эй Худованд,  
 Мени имтиҳон қил, синаб кўргин,  
 Кўнглим ва юрагимни синовдан ўтказгин!  
 3 Сенинг иноятинг кўзим олдидадир,  
 Мен Сенинг ҳақиқатинг ила юрдим.  
 4 Ёлғончи одамлар аро ўтирмасман,  
 Юрмасман ҳам ҳийлагарлар бирлан.  
 5 Бадкирдорлар жамиятидан нафратланаман,  
 Бетавфиқларга бўлмасман ҳамсуҳбат.  
 6 Ҳалол қўлларимни чайдим, эй Худованд,  
 Сенинг қурбонгоҳингни айланиб чиқаман.  
 7 Сенга шукроналар айтаман,  
 Мўъжизаларингни бир-бир ҳикоя этиб.  
 8 Эй Худованд, Сенинг масканингни,  
 Жалолнинг ўрин олган маконни севаман.  
 9 Жонимни гуноҳкорлар жони билан,

Танимни қонхўрлар тани билан бир санаб, барҳам  
 бермагин!

10 Уларнинг-ку сўл қўли фожирлик,  
 Ўнг қўли порага тўлиб-тошган.  
 11 Мен бўлсам, покдил бўлиб юраман;  
 Халос қилгин мени, аямагил меҳринг!  
 12 Текис майдонда турибди оёғим менинг,  
 Йиғинларда Худовандни олқишлагайман.

#### Нурим ва нажоткорим – Худованд

**26** Нурим ва нажоткорим Худованддир,  
 Кимдан мен кўрқаман?  
 Ҳаётим кўрғони Худованддир,  
 Кимдан хавотирланаман?  
 2 Ёвузлар этимни ғажимоқ-чун ҳужум қилганда,  
 Ўзлари қоқилиб қулайди, ўша ашаддий ёвларим.  
 3 Юрагимга даҳшат тушмайди, гарчи  
 Қаршимга жангга тизилсалар ҳам.  
 Ҳатто ҳамла қилсалар ҳам,  
 Комилдир менинг ишончим.  
 4 Худованддан бир тилагим бор,  
 Фақат ўшани излайман:  
 Худованд уйида умрбод тураин,  
 Худованд жамолини тамошо қилаин,  
 Унинг маъбадини зиёрат қилиб.  
 5 Оғир кунда У мени ҳимоясига олар,  
 Ўз макони соясида мени яширар,  
 Қоя устига мени юксалтириб қўяр.  
 6 Энди мен бош кўтариб юраман,  
 Қуршаб олган ёвлар устидан ғалаба қиламан.  
 Худованд маконига тантана ила кириб,  
 Хурсандлик ила қурбонлик келтираман.  
 Худовандни куйлаб васф қиламан.  
 7 Эй Худованд,  
 Чақирган пайтим овозимни эшитгин,  
 Меҳрибонлик қилиб, менга жавоб бергин!  
 8 «Ҳузуримни қидиринг» деган сўзингни  
 Мен дилимга тугиб қўйдим.  
 Сенинг ҳузурингни қидираман, эй Худованд!  
 9 Мендан юз ўгирмагин,  
 Ҳазаб ила силтаб ташлама қулингни!  
 Сен менинг паноҳим бўлгансан-ку,  
 Мендан воз кечма, ташлаб кетма,  
 Эй, менинг нажоткорим Худованд!  
 10 Ота-онам мени ташлаб кетса-да,  
 Худованд мени қабул қилар.  
 11 Эй Худованд,  
 Ўз йўл-йўригингни менга ўргатгин,  
 Ёвларим сабабли мени тўғри йўлга бошла!  
 12 Афёрим ихтиёрига топширмагин мени!  
 Мана, ёлғончи шохидлар,  
 Қаҳр-зўғим сочиб турган зўравонлар  
 Менга қарши ҳужум бошлади!  
 13 Менга қолса, ишончим комилки,  
 Мен тириклар диёрида қоламан,  
 Худованднинг баракатларини кўраман.  
 14 Худовандга умид боғла!  
 Бақувват бўл, дадил бўл,

Худовандга умид боғла!

### Илоҳий меҳрибонлик учун шукрона

**27** Эй Худованд, менинг суянган қоям!  
Сени чақираман, мени эшитмай қолмагин!

Сен менга жавоб бермасанг гар,  
Ер бағрига тушганларга ўхшаб қоларман.  
<sup>2</sup> Мен Сенга ёлвориб фиғон қилсам,  
Муқаддас маконинг томон қўлларим чўзсам,  
Муножотимга қулоқ солгин!  
<sup>3</sup> Ўз қўшнилари билан дўстона гапириб,  
Дилида эса қора ният сақлаётган бетавфиқ,  
Ёмон одамлар бирла мени қириб ташлама!  
<sup>4</sup> Сен уларнинг қилмишига яраша,  
Кирдикорлари ёмонлигига яраша,  
Қўллари булганган қабиҳликларига яраша жазо бер!

<sup>5</sup> Улар-ку Худованднинг фаолиятига,  
Унинг бажарган ажойиб ишларига бепарво қарайди.

Худованд уларни хонавайрон қиладию,  
Тагин ҳеч барпо этмас.

<sup>6</sup> Худованд ҳамду санога муносибдир,  
У менинг таваллоларимни эшитди.

<sup>7</sup> Худованд менинг қудратим ва қалқонимдир.  
Мен чин юракдан Унга умид боғладим,  
У менга ёрдам берганда, дилим қувончга тўлди;  
Қўшиғим билан Унга шукрлар дейман.

<sup>8</sup> Худованд Ўз халқининг қудратидир,  
Танлаган подшоҳига нажотқору қўрғондир.

<sup>9</sup> Ўз халқингга Ўзинг нажот бергин,  
Ўз мулкингни муборак айлагин!

Уларни абадий юксалтириб боргин!

### Тўфондаги Худованднинг овози

**28** Эй Тангри ўғиллари\*, Худовандга тан беринг!  
Худованднинг шавкати ва қудратига тан беринг!

<sup>2</sup> Худованднинг исми шарафига тан беринг!  
Муқаддас кўрқда Худовандга сажда қилинг!

<sup>3</sup> Худованднинг овози сувлар узрадир,  
Улуғвор Тангри гулдурос товуш чиқарур,  
Азим сувлар устидадир Худованд.

<sup>4</sup> Худованднинг овози кучлидир,  
Худованднинг овози маҳобатлидир.

<sup>5</sup> Худованднинг овози кедр дарахтини қулатар,  
Лубнон кедрларини ёриб ташлар Худованд.

<sup>6</sup> У уларни бузоқдайин ўйнатар,  
Лубнон ва Сирийн\* тоғини буқадек чоптирар.

<sup>7</sup> Худованднинг овози ўт алангасини ёриб юборар.

<sup>8</sup> Худованднинг овози чўлни титратар,  
Қадеш чўлини ларзага солар Худованд.

<sup>9</sup> Худованднинг овози буғуларни туғдирар,  
Ўрмонларни яланғочлаб юборар.

Маъбадида эса ҳаммаси Унинг улуғворлигини куйлар.

<sup>10</sup> Тўфон бўлганда Худованд тахтида ўтирар эди,

Худованд мангу Подшоҳ бўлиб тахтига ўтирган.

<sup>11</sup> Худованд Ўз халқига куч-қудрат ато этар,  
Худованд Ўз халқига баракаю осойиш бахш этар.

### Ўлимдан қутулганнинг шукронаси

**29** Сени улуғлайман, эй Худованд,  
Сен мени чуқурликдан чиқариб олдинг,  
Ёвларимнинг тантана қилишига йўл қўймадинг.

<sup>3</sup> Эй Худойим, Сенга фарёд қилдим,  
Эй Худовандим, менга шифо бердинг.

<sup>4</sup> Жонимни ўликлар диёридан қайтардинг, ё Раб,  
Қабрга кирмаслигим учун менга ҳаёт бағишладинг.

<sup>5</sup> Худовандни тараннум этинг, эй, Унинг мухлислари!

Унинг муқаддаслиги шарафига шукрлар қилинг!

<sup>6</sup> Чунки Унинг ғазаби – бир лаҳзалик,  
Лутфу карами эса умрбоддир.

Оқшомда йиғи ҳукм сурса,  
Саҳарда шодиёна келур.

<sup>7</sup> Мен эсам ўзимга амин бўлиб,  
То абад тебранмасман, деган эдим.

<sup>8</sup> Эй Худованд, мурувват этган чоғингда  
Мени қудратли тоққа айлантирдинг;

Бироқ мендан юз ўгирганингда,  
Мен саросимага тушдим.

<sup>9</sup> Сенга, эй Худованд, илтижо қилдим,  
Мен ўз Раббимга ялиниб-ёлвордим:

<sup>10</sup> Мен ўлиб гўрга кирсам,  
Ҳаётимдан не фойда?

Тупроқ Сенга шукрона айтармикан,  
Ҳақиқатингни юқори кўтарармикан?

<sup>11</sup> Қулоқ бергин, эй Худованд,  
Менга меҳрибонлик қилгин!

Ё Раб, Ўзинг менга мададкор бўлгин!

<sup>12</sup> Сен мотамимни рақсга айлантирдинг,  
Қора кийимимдан фориг қилдинг,

Бахт-севинч либосини кийгиздинг.

<sup>13</sup> Ё Худое Худовандо!

Сенга тинимсиз санолар ўқиса арзийди,  
Мен Сенга абадий шукрлар айтаман.

### Худо – ягона паногоҳ

**30** Эй Худованд,  
Сени паноҳим деб биламан,  
Абадий шарманда бўлмайин!

Ўз адолатинг ҳақи мени қутқаргин!

<sup>3</sup> Менга қулоқ сол, тезроқ халос қилгин!  
Мен учун суянадиган тоғ,

Нажот топадиган қалъа бўлгин!

<sup>4</sup> Менинг қоям ва қўрғоним Сен экансан,  
Ўз исминг шаъни учун мени етаклаб,

Менга раҳнамо бўлгин!

<sup>5</sup> Мен учун яширишган тўрдан чиқариб қўй,  
Чунон Сени паноҳим деб билдим.

<sup>6</sup> Руҳим Сенинг қўлингда омонатдир.

Сен менга эркинлик берасан,

Эй Худованд, эй Ҳақ Таоло!  
 7 Бемаъни бутга сиғинувчилардан нафратланиб,  
 Мен фақат Худовандга умид боғлайман.  
 8 Сенинг иноятинг учун мен шод-хуррамман,  
 Сен бечораҳол бўлганимни кўрдинг,  
 Жоним азоб-уқубатда қолганини билдинг.  
 9 Душман кўлига мени топширмадинг,  
 Оёқларимни кенг ерларга қўйдинг.  
 10 Эй Худованд, менга раҳм-шафқат кўрсат,  
 Юрагимга қил сиғмай бўлиб қолди.  
 Қайғудан кўзим хиралашди,  
 Ботиним, жон-танзим адо бўлди.  
 11 Мана, ҳаётим ғам-ғуссада,  
 Умрим оҳ-зор билан ўтиб кетди.  
 Гуноҳларим учун илигим қуриб, суякларим  
 қақшади.  
 12 Барча рақибларим назарида уятга қолдим,  
 Кўни-кўшни ва танишларимга олабўжи бўлдим.  
 Кўчада кўрган барча мендан қочяптилар.  
 13 Ўлик каби эсдан чиқарилдим, унутилдим,  
 Парчаланган сополга ўшаб қолдим.  
 14 Кўпларнинг ҳақоратини эшитяпман,  
 Мана, ҳамма ёқда ваҳималар!  
 Менга қарши тил бириктиряптилар,  
 Жонимни олмоқ-чун суиқасд қилмоқдалар.  
 15 Мен-чи Сенга эътиқод қиламан, эй Худованд,  
 Сенсан менинг Худойим, дейман.  
 16 Ҳар бир куним Сенинг кўлингдасин.  
 Душманларим ва эзувчиларим кўлидан  
 Мени халос қилгин!  
 17 Мунаввар юзингни қулингдан дариф тутма,  
 Иноятинг билан мени халос этгин!  
 18 Эй Худованд,  
 Сенга таваккал қилдим деб уятга қолмайин.  
 Бетавфиқлар эса шарманда-шармисор бўлсин,  
 Ўликлар диёрига тушиб жимжит бўлиб қолсин.  
 19 Ёлғончилар тили лол бўлсин!  
 Улар уялмасдан солиҳни ҳақорат қилиб,  
 Катта гапириб гердайиб юрибдилар.  
 20 Сен ўзингдан кўрққанлар учун яширган,  
 Эл кўзида Сени паноҳ билганлар учун яратган  
 Эҳсонлар хазинаси қанчалик ажойибдир!  
 21 Ўз ҳузурингдан паноҳ топганларни  
 Сен инсон фитнасидан сақларсан,  
 Ўз соянгда яширарсан ёлғон чақиқлардан.  
 22 Худовандга шон-шарафлар бўлсин!  
 У мустаҳкам шаҳарда менга ажойиб иноятини  
 кўрсатди.  
 23 Кўзингдан жудо бўлдим, дедим мен эсанкираб.  
 Илло Сенга фарёд қилиб ўтинганимда,  
 Сен муножотимга қулоқ бердинг.  
 24 Худовандни севингиз, Унинг барча азизлари!  
 Худованд содиқларни ўз паноҳида асрайди,  
 Такаббурлардан эса дариф тутмайди тегишли  
 чорасини.  
 25 Эй, барча Худовандга таваккал қилувчилар,  
 Бақувват ва дадил бўлингиз!

### Гуноҳи ўтилганнинг бахтиёрлиги

**31** Қандай бахтли гуноҳи ўтилган,  
 Қонунсиз ишлари афв бўлган одам!  
 2 Қандай саодатли ундай киши-ким,  
 Худованд инobatга олмас айбин,  
 Кўнглида эса бирон макр йўқ.  
 3 Мен гуноҳимни сир сақлаганим сайин,  
 Суякларимгача хуркираб, нолиб ўтирдим.  
 4 Кечаю кундуз Сенинг кўлинг устимда оғирлашди,  
 Ёзинг саратонидаги мевадек қуриб қолдим,  
 Тинка-мадорим бутунлай адо бўлди.

САЛОТ

5 Сенинг олдинда гуноҳимга иқрор бўлдим,  
 Яширмадим ҳеч бир айбимни.  
 Ёзиқларимни бўйнимга оламан,  
 – дедим Сенга, эй Худованд.  
 Сен эса гуноҳу айбимни кечирдинг.

САЛОТ

6 Шул сабабдан ҳар бир художўй  
 Ижобат чоғида Сенга сиғинсин,  
 Токи азим сувлар тошқини унга етмасин.  
 7 Сенсан менинг паногоҳим,  
 Танглигимдан Ўзинг халос этарсан,  
 Озодлик куйлари-ла мени кўмиб ташларсан.

САЛОТ

8 «Мен сенга ақл ўргатарман,  
 Юрар йўлингни кўрсатарман.  
 Кўзим сенинг устингда бўлиб,  
 Сенга раҳнамолик қиларман.  
 9 Онгсиз от ёки хачир каби бўлманглар!  
 Уларни тутиб юриш учун юган ва сувлуқ  
 тақмасанг,  
 Улар сенга сира бўйсунмас».  
 10 Фосиқнинг дардлари кўп бўлур.  
 Вале Худовандга умид боғлаганга  
 Илоҳий лутф-карам доим ёр бўлур.  
 11 Худованддан қувонинг, эй солиҳлар,  
 Хуррам бўлинг, тараннум этинг,  
 Эй барча кўнгли тўғрилар!

Яратган, Асраганга ҳамду санолар

**32** Эй солиҳлар, Худовандни куйлангиз!  
 Дили тўғриларга ҳамду сано ярашар.  
 2 Ғижжак чалиб, Худовандга шукр қилинг,  
 Ўн торли чанг билан Уни тараннум этинг!  
 3 Унга янги бир кўшиқ куйланг,  
 Гўзал оҳанг чалиб, хитоб қилинг!  
 4 Зеро Худованднинг каломи – ҳақиқатдир,  
 Унинг барча ишлари вафодорлигидан  
 далолатдир.  
 5 Солиҳлик ва адолатни Худованд севар,  
 Унинг инояти ила дунё тўлгандир.  
 6 Кўк Худованд каломи билан бунёд бўлган,  
 Барча осмон лашкари\* Унинг амри ила яралган.  
 7 Денгиз сувларини уюмдай уйиб қўйган,  
 Уммонни Ўз омборига жойлаб сақлаган.



8 Худованддан бутун ер юзи кўрқсин,  
Барча аҳли жаҳон Ундан қалтирасин.  
9 Зеро У сўзлади, худди айтганидай бўлди;  
У амр берди, амри вожиб бўлди.  
10 Худованд мажусийлар ниятини бузади,  
Халқлар мурод-мақсадини пучга чиқаради.  
11 Худованднинг нияти эса боқий туради,  
Наслдан-наслга жорий бўлади Унинг дил муроди.  
12 Худовандни Тангримиз деб билган халқ бахтли!  
Худованд Ўз мулким деб сайлаган эл иқболли!  
13 Худованд осмондан боқар,  
Барча инсон ўғилларин кўриб турар.  
14 Тахти маконидан кузатиб туриб,  
Бутун жаҳонни текшириб кўрар.  
15 У жами инсоннинг юрагини яратган,  
Инсон қилмишларига ҳам англаб етар.  
16 Аскарлари кўплиги билан подшоҳ қутулмас,  
Қуввати кўплиги учун жангчи зафар топмас.  
17 От жангининг бошини омон сақлаёлиши  
ёлғондир,  
Катта кучи билан ҳам уни қутқара билмас.  
18 Мана, Худованднинг кўзи Ундан кўрққанларда,  
Унинг иноятига умид қилганлардадир.  
19 У уларнинг жонини ўлимдан қутқазар,  
Очлик пайтида уларнинг дилига қувват киритар.  
20 Жонимиз Худовандга мунтазир,  
Ёрдамчимиз, қалқонимиз Ўзидир.  
21 Қалбимиз У билан шод бўлур,  
Унинг муқаддас номи бизнинг таянчимиздир.  
22 Эй Худованд, биз Сенга умид боғлаганмиз,  
Яна иноятинг бизга ёр бўлсин!

### Парвардигори олам мўминларни асрайди

**33** Ҳар лаҳзада Худовандни олқишлайман,  
Унинг саноси тушмас ҳеч тилимдан.  
3 Жоним Худованд билан фахрланур,  
Беозорлар буни эшитиб севинур.  
4 Мен билан бирга Худовандни улуғланг,  
Келинг, бирга Унинг исмини шарафлайлик!  
5 Худовандга мурожаат қилганимда,  
У менга қулоқ солди-ю,  
Барча даҳшатларимдан қутқарди.  
6 Унга боққанлар зиё олдилар,  
Уларнинг асло юзи шувут бўлмас.  
7 Бу фақир чақирганда, Худованд эшитди,  
Барча дардларидан уни халос қилди.  
8 Худованднинг фариштаси мўминлар атрофида  
қароргоҳ қурган,  
Ундан кўрққанларни Ўзи халос этар.  
9 Худованддан лаззат олиб кўринг-чи,  
У қанчалик мурувватли экан!  
Бахтли Ундан паноҳ топган одам!  
10 Худованддан кўрқинг, эй Унинг азизлари!  
Ундан кўрққан киши муҳтожлик кўрмас.  
11 Арслонлар оч ва муҳтож бўлур,  
Художўйлар ризқ-насибаси эса бут бўлур.  
12 Эй ўғилларим, келинг, мени тингланг!  
Худованддан кўрқишни сизларга ўргатай.

13 Ҳаёт яхши, умрим узоқ бўлсин,  
Яхши кунлар кўрай, деган одам ким?  
14 У тилини ёмон сўздан тийсин,  
Оғзини эгри гапдан сақласин.  
15 Ёмонликдан қочиб яхшилик қилгин,  
Тинчликни қидириб унинг пайдан бўлгин.  
16 Худованднинг кўзлари солиҳлардадир,  
Солиҳлар фиғонига У қулоқ солар.  
17 Бадкирдорлардан эса У юз ўгирар,  
Ер юзидан йўқ қилар уларнинг хотирасин.  
18 Солиҳлар фарёд этгач, Худованд эшитар,  
Барча дардларидан уларни халос этар.  
19 Худованд дили вайронларга яқиндир,  
Рухи тушкунларни Ўзи қутқарар.  
20 Солиҳнинг дардлари кўп бўлар,  
Бироқ Худованд уни барчасидан халос этар.  
21 Суяқларининг ҳеч бири синмасин дея,  
Уларнинг барчасини ўз ўрнида тутар.  
22 Ёвуз одам ёвузларча ўлиб кетар,  
Солиҳга душманлик қилувчилар айбдор бўлар.  
23 Қулларининг жон тўловини Худованд берар,  
Ундан паноҳ сўраган ҳеч ким айбдор бўлмас.

### Художўйлар ўчини Худо олади

**34** Эй Худованд,  
Мен билан талашаётганлар билан Ўзинг  
талашгин!  
Мен билан жанг қилаётганлар-ла Ўзинг жанг  
қилгин!  
2 Совут ва қалқонни олиб, менга ёрдамга келгин!  
3 Найзангни яланғочлаб чиққин,  
Мени куваётганларнинг йўлини тўсгин!  
Жонимга: «Сенинг нажотинг Менман!» – дегин.  
4 Жонимга қасд қилганлар шармандаю шармисор  
бўлсин,  
Менга ёмонликни ўйлаётганлар орқага қайтсин,  
Юзлари шувут бўлсин.  
5 Шамолда учиб кетган тўзон каби,  
Худованднинг фариштаси уларни супуриб  
ташласин.  
6 Уларнинг йўли қоронғи ва тойғанчоқ бўлсин,  
Худованднинг фариштаси уларни ҳайдаб  
юборсин.  
7 Улар-ку мен учун сабабсиз дом тайёрлашди,  
Сабабсиз жонимга қасд қилиб, чоҳ қазишди.  
8 Тасодифан уларнинг бошига ҳалокат тушсин,  
Яширган тўрларига ўзлари тушиб маҳв бўлсин!  
9 Менинг жоним Худованддан масрур бўлур,  
У берган нажотдан кўнглим қувонур.  
10 Ҳатто суяқларим ҳам тилга кирур:  
Эй Худованд, эзилганни қувватлидан,  
Бечора-фақирни талончидан қутқарувчи  
Сендан бўлак ким ҳам бор экан?  
11 Қора ниятли шоҳидлар бош кўтариб,  
Билмайдиганларим ҳақида сўроқ қиладилар.  
12 Яхшилик эвазига ёмонлик кўрсатиб,  
Жонимни ҳижронда қолдирмоқдалар.  
13 Мен бўлсам, улар оғриганда жон куйдирар,

Жулдурга бурканиб рўза тутар эдим,  
Аммо менинг дуом ўз бағримга қайтар эди.  
<sup>14</sup> Худди у менинг дўстим,  
Қардошим бўлгандай муносабатда бўлар эдим,  
Онаси учун аза тутгандек мунгли юрар,  
Ғам-ғусса билан йиғлар эдим.  
<sup>15</sup> Лек мен қоқилганимда улар севиниб тўпланди,  
Урушқоқ одамлар бошимга тўпланиб,  
Тўхтовсиз менга азоб беришар эди,  
Негадир – мен билмайман.  
<sup>16</sup> Юзларини буриштириб уялмай масхара қилар,  
Менга тишларини қайрар эдилар.  
<sup>17</sup> Ё Раббий, қачонгача қараб турасан?  
Жонимга улар бераётган уқубатдан қутқар,  
Ҳаётимни шу йиртқичлардан халос қил!  
<sup>18</sup> Улуғ жамоат ичра Сенга шукрлар дейман,  
Беҳисоб эл аро Сенга ҳамд – санолар айтаман.  
<sup>19</sup> Ноҳақ менга хусумат этганлар тантана  
қилмасин,  
Сабабсиз нафрат этганлар бир-бирига кўз  
ўйнатмасин.  
<sup>20</sup> Улар тинчликни оғзига ҳам олмайдилар,  
Мамлакатда тинч яшаётганларга қарши фитнес  
уюштирадилар.  
<sup>21</sup> Менга оғизларини катта очиб:  
«Эҳа, эҳе, кўзимиз билан кўрдик!» – деяптилар.  
<sup>22</sup> Эй Худованд, Сен буни кўрдинг-ку,  
Индамай ўтирмагин!  
Ё Раббий, мenden узоқлашиб кетма!  
<sup>23</sup> Ҳаракатга кел, ғайратга кел,  
Менинг даъвомни инобатга олгин,  
Юзимни ёруғ қилгин, ё Раббим, ё Худойим!  
<sup>24</sup> Эй менинг Раббим ва Тангрим,  
Менга адолатли ҳукм чиқаргин,  
Улар устимдан тантана қилмасин!  
<sup>25</sup> «Эҳа, тилагимиз бажо бўлди!» – деб  
Кўнгилларидан кечирмасинлар,  
«Уни ютиб юбордик!» – демасинлар.  
<sup>26</sup> Бахтсизлигимдан севинганлар бари уялсин,  
Уларнинг юзи қора бўлсин!  
Менга қарши бош кўтарганлар қора кийсин,  
Шармандаю шармисор бўлишсин!  
<sup>27</sup> Мени оқловчилар эса севиниб тараннум этсин,  
Улар доимо: «Худованд юксалаверсин!  
У Ўз қулига хотиржамлик тилаган», – десинлар.  
<sup>28</sup> Мен эса Сенинг адолатингни тилдан қўймай,  
Кун бўйи Сени мақтаб ҳикоя қиларман.

#### Худованднинг чексиз иноят

**35** Қонунсизнинг фисқ-фасоди дилимга ғулу  
солади,  
Унинг кўз ўнгида Худодан қўрқиш деган нарса йўқ.  
<sup>3</sup> У мақтаниб юриб, ўзини ўзи алдайди,  
Ёмонлиги фош бўлганда эса надомат қилмайди.  
<sup>4</sup> Оғзидан чиққан сўзлар эгрилигу маккорликдир,  
Фаҳм-фаросатдан, хайрли ишдан у бош тортган.  
<sup>5</sup> Ётганида ҳам ёвузликни хаёл қилиб,  
Фисқ-фасод сўқмоғига қадам ташлаб,

Нопок ниятидан юз ўгирмайди.  
<sup>6</sup> Эй Худованд,  
Сенинг иноятинг кўкларгача,  
Содиқлигинг булутларга қадардир.  
<sup>7</sup> Адолатинг Тангри тоғларидай юксакдир,  
Ҳукмларинг эса – тубсиз уммон.  
Инсонун ҳайвонни Узинг қутқарасан, эй Худованд!  
<sup>8</sup> Ё Худо, иноятинг қанчалик бебаҳо!  
Қанотларинг соясида одам ўғиллари осойиш  
топар.  
<sup>9</sup> Улар уйинг ноз-неъматларидан тўядилар,  
Лаззат дарёларингдан қондирарсан уларни.  
<sup>10</sup> Зотан, ҳаёт манбаи Сендадир,  
Сенинг нурунгни биз зиё оламиз.  
<sup>11</sup> Сени билганлардан иноятингни аямагин,  
Раҳматингни дариг тутма юраги софлардан!  
<sup>12</sup> Такаббурнинг оёғи менга етмасин,  
Фосиқнинг кўли мени овора қилмасин.  
<sup>13</sup> Мана, бадкирдорлар беҳосдан ағдарилиб,  
Йиқилиб тушди,  
Улар тагин қад кўтара билмас.

#### Солиҳга баракат, фосиққа ҳалокат

**36** Ёмон одамларга ғашлик қилма,  
Бадкирдорларга ҳавас қилма!  
<sup>2</sup> Чунки улар ўт каби тезда қуриб,  
Яшил сабзадай сўлиб кетадилар.  
<sup>3</sup> Худовандга умидвор бўлиб яхшилик қилгин,  
Ер юзида яшаб, эътиқодни сақлагин.  
<sup>4</sup> Худованддан лаззат олгин,  
У сени кўнгил армонларингга етказди.  
<sup>5</sup> Йўлларингни Худовандга топшир,  
Ундан умид қил, У бажо келтиради.  
<sup>6</sup> У сенинг ҳақлигингни нурдай порлатар,  
Кун ёруғлигидай ёруғ қилар юзингни.  
<sup>7</sup> Худованд ҳузурида тинч тур,  
Унга умидвору мунтазир бўлгин.  
Йўли очилган фирибгарга ғашлик қилма.  
<sup>8</sup> Қаҳрдан чекиниб, ғазабдан ўзингни тутгин,  
Ҳаяжонланиб ёвузлик қилишга мойил бўлма.  
<sup>9</sup> Ёмонлик қилувчилар бари қириб ташланур,  
Худовандга умидворлар эса ер юзига эга бўлур.  
<sup>10</sup> Яна бироздан кейин фосиқ йўқ бўлур,  
Унинг жойини кўрасан-у,  
Аммо ўзи йўқолиб кетган бўлур.  
<sup>11</sup> Беозорлар эса ер юзига эга бўлажак,  
Улар тинч-осойишталикда ҳузур қилажак.  
<sup>12</sup> Фосиқ солиҳга ёмонлик тилаб,  
Унга қарши тишларини қайрайди.  
<sup>13</sup> Фосиқнинг куни битай деб турибди-ку,  
Эгам буни кўриб, унга мазах қилади.  
<sup>14</sup> Бечора ва фақирни ерга урмоқ,  
Тўғри йўлдан юрувчиларни бўғизламоқ-чун  
Фосиқлар қилич чархлаб, ёйларини тортадилар.  
<sup>15</sup> Уларнинг тиғи қайтиб, ўз юрагига санчилгай,  
Ёйлари эса синиб чилпарчин бўлгай.  
<sup>16</sup> Солиҳнинг кўлидаги оз нарсаси  
Барча фосиқлар мўлчилигидан афзалдир.

17 Фосиқнинг-ку қўллари синиб кетгуси,  
Солиҳларга эса Худованд мадад бергуси.  
18 Худованд софдиллар кунларини белгилаб,  
Уларнинг насибасини мангуликка беради.  
19 Офат замонида ҳам улар шарманда бўлмас,  
Қаҳатчилик кунларида ҳам еб тўядилар.  
20 Аммо фосиқлар эса-чи, ҳалок бўлажаклар,  
Худованд душманлари қўйлар подасидек тўзиб  
кетажак,  
Тутунга айланиб йўқолиб кетажаклар.  
21 Фосиқ қарз олиб уни тўламайди,  
Солиҳ эса муруввату саховат кўрсатади.  
22 Худованд олқаганлар ер юзини эгаллаб олур,  
У қарғаганлар эса барҳам топулар.  
23 Киши қадамларини Худованд тўғрилар,  
У рози бўлган кишининг йўлини очар.  
24 У киши мункиганда ҳам юз тубан йиқилмас,  
Чунки унинг қўлидан Худованд ушлаб турар.  
25 Мен ёш ҳам эдим, қариб ҳам қолдим,  
Аммо солиҳнинг ташлаб кетилганини,  
Ёки унинг зурриёти нонга зор бўлганини  
кўрмадим.  
26 Кундан-кун у мурувват кўрсатиб,  
Мардумга қарз берар,  
Зурриёти эса муборак бўлар.  
27 Ёмонликдан бош тортиб, яхшилик қилгин,  
Шунда мангу яшайсан.  
28 Чунки Худованд адолатни севар,  
Ўз азизларини ташлаб кетмас.  
Улар абадий сақланар,  
Фосиқлар томири эса қуриб қолар.  
29 Солиҳлар ер юзига эга бўлиб,  
Унда мангу яшайдилар.  
30 Солиҳнинг ирни ҳикматни сўзлар,  
Тили эса тўғрилиқни баён этар.  
31 Худоси Қонунни дилига бўлган жо,  
Адашмас унинг қадами асло.  
32 Фосиқ кишилар солиҳни кузатиб,  
Уни ўлдирмоқ учун пойлайдилар.  
33 Худованд улар қўлига солиҳни топширмас,  
Ҳукм пайтида уни айблашга йўл қўймас.  
34 Худовандга кўз тутиб, У кўрсатган йўлда юр,  
Ер юзига эга бўлишинг учун сени У юксалтирур.  
Фосиқлар нобуд бўлганда сен буни кўрурсан.  
35 Ёвуз ва золим бир одамнинг илдиз отиб,  
Яшил дарахт каби униб яшнаганини кўрдим.  
36 Бироқ у ўтди, битди, йўқ бўлди,  
Уни қидирсам ҳам, топа олмадим.  
37 Софдилга нигоҳ ташла, тўғри одамни кузат!  
Бундай кишининг истиқболи осойишталикдир.  
38 Аммо қонунсизлар бари нобуд бўлур,  
Фосиқлар насли оқибатда қириб ташланур.  
39 Солиҳлар омонлиги Худованддан келур,  
Кулфат чоғида Ўзи уларга қалъа бўлур.  
40 Худованд уларга мададу нажот юборур,  
Фосиқлар қўлидан уларни халос этур,  
Мендан паноҳ сўради, деб уларни қутқарур.

## Оғир хастанинг ноласи

37 Эй Худованд,  
Ҳазабинг ила таъзимимни берма,  
Қаҳринг келиб менга жазо берма!  
3 Сенинг ўқларинг менга санчилди,  
Қўлинг устимга оғир босиб тушди.  
4 Ҳазабингдан баданимда соғ жой қолмади,  
Гуноҳим туфайли устухонимда роҳат йўқ.  
5 Менинг ёмонликларим бошимдан ошди,  
Оғир юк каби устимга босди,  
Энди кўтара олмайман.  
6 Ўзимнинг ақлсизлигим туфайли  
Яраларим йиринглаб сасимоқда.  
7 Ғоят букчайиб, чўкиб қолдим,  
Кун бўйи ғамгин юраман.  
8 Ҳа, белим ўтдай ёнмоқда,  
Баданимда соғ жой қолмади.  
9 Мажолим қолмади, ғоят эзилдим,  
Юрагим аламидан додлаб юраман.  
10 Ё Раббий!  
Бутун тилагим Сенга равшандир,  
Нолаю фиғоним Сендан пинҳон эмас.  
11 Юрагим безовта, қувватим адо бўлди,  
Кўзларим нуридан ҳам маҳрум бўлдим.  
12 Мени севадиган дўстлару маҳбубларим  
Жароҳатимдан жирканиб узоқлашиб кетди,  
Хеш-ақрабо узоқдан кўз олайтирмоқдалар.  
13 Жонимга қасд қилганлар тузоқ қўймоқда,  
Ёвузлик пайдан бўлганлар менга бало-қазодан  
сўзлаб,  
Кун бўйи ҳийлаю найранг тўқимоқдалар.  
14 Мен эса эшитмайдиган кар казиман,  
Оғзини оча олмайдиган соқовга ўхшайман.  
15 Ҳа, оғзидан гап чиқмайдиган,  
Эшитмайдиган одам бўлиб қолдим.  
16 Эй Худованд, умидим Сендан дир,  
Ё Раббим, эй Тангрим, Сен тинглайсан-ку!  
17 Душманларим тантана қилмасин, дейман,  
Оёғим қоқилса, димоғи кўтарилмасин.  
18 Мана, мен йиқилиш арафасидаман,  
Ғам-алам менга доим ҳамроҳ.  
19 Мен гуноҳимни бўйнимга олдим,  
Ўз айбим учун қайғурмоқдаман.  
20 Лекин душманларим бардам ва кучлидир,  
Мендан ноҳақ нафратланганлар кўпайиб кетган.  
21 Яхшиликка жавобан менга ёмонлик қиладилар,  
Эзгу ниятим эвазига адоват сақлайдилар.  
22 Эй Худованд, мени ташлаб қўймагин,  
Эй Худойим, мендан узоқлашмагин!  
23 Менга мадад бермоқ учун шошилгин,  
Ё Раббий, эй менинг Халоскорим!

## Ҳаётнинг фонийлиги

38 Мен юрар йўлимга эҳтиёт бўлайин,  
Айтар сўзим ила гуноҳ қилиб қўймайин,  
Фосиқ қаршимда экан, оғиз очмайин, дедим.

<sup>3</sup> Тилимни тийиб, сукут этдим,  
 Ҳар қандай яхши гапни ҳам оғзимга олмай, жим бўлдим.

Шунда дардим ортиб борди,  
<sup>4</sup> Вужудимда юрагим ҳароратланди,  
 Хаёлимдан кўнглим ўртанди,  
 Ниҳоят мен тилга келдим:

<sup>5</sup> Айтгил, Худованд, умрим қазосин,  
 Кунларим саноғи неча эркан,  
 Нечоғлик фоний эканман, билайин!

<sup>6</sup> Ҳа, Сен кунларимни қаричлаб бергансан,  
 Умрим Сенинг олдинда ҳеч нарсадай,  
 Ҳар қандай бадастир инсон умри ҳам фақат  
 оворагарчиликдир.

САЛОТ

<sup>7</sup> Ҳар бир одам юрадиган кўланкага ўхшайди,  
 Инсон ғавғоларининг ҳаммаси – оворагарчилик.  
 Мол тўплайди, бироқ кимга қолишни билмайди.

<sup>8</sup> Энди, ё Раббим, мен нимани кутай?  
 Сендан бир менинг барча умидим!

<sup>9</sup> Бутун қонунсизлигимдан ўтиб фориф қилгин,  
 Разиллар разолатига дучор этмагин мени!

<sup>10</sup> Индамадим, оғзимни очмадим,  
 Чунки Сенинг ишингир бу.

<sup>11</sup> Зарбларингни мендан четлатгин,  
 Кўлинг балосидан мен тамом бўлдим.

<sup>12</sup> Сен инсонни жинояти учун фош этиб,  
 Жазосини берадиган бўлсанг гар,  
 Унинг бор хусни, куя емиргандек, кукунга  
 айланар.

Ҳа, ҳар бир инсон умри оворагарчиликдир.

САЛОТ

<sup>13</sup> Ибодатимни эшитгин, эй Худованд,  
 Қулоқ солгин дод-фарёдима!  
 Кўз ёшларимни назарга илмай қўйма!  
 Мана, Сенинг олдинда мен бир ғарибман,  
 Барча боболарим каби бир мусофирман.

<sup>14</sup> Ҳазабингни мендан қайтаргин,  
 Оламдан ўтиб йўқолишимдан олдин  
 Мен бир таскин топайин!

Халос бўлганнинг шукрона дуоси

**39** Мен Худовандга қаттиқ умид боғладим,  
 У менга эгилиб, фарёдими эшитди.

<sup>3</sup> У мени даҳшатли зовурдан,  
 Лойли ботқоқдан чиқариб олди.  
 Оёқларимни қояга бостириб,  
 Қадамларимни мустаҳкамлаб қўйди.

<sup>4</sup> У оғзимга янги бир кўшиқ,  
 Худойимиз учун тасанно солди.  
 Кўплар буни кўриб ва кўрқиб,  
 Худовандга умид боғлайдилар.

<sup>5</sup> Худовандга умид боғлайдиган,  
 Мағрурларга эса ялинмайдиган,  
 Каззоблар билан юрмайдиган одам бахтли!

<sup>6</sup> Ё Раббим, Худоё Худовандо,  
 Сен кўп ажойиботлар кўрсатдинг,  
 Мўъжизакор мақсадларинг биз учундир;

Бунда Сенинг тенгинг йўқ,  
 Ажойиботларингни баён этиб оғиз очсам,  
 Уларнинг сон-саноғи йўқ.

<sup>7</sup> Қурбонлик ва бағишловдан Сен рози бўлмадинг,  
 – Қулоқларимни очиб юбординг –  
 Гуноҳ учун ёқиладиган қурбонликни,  
 Бахшидани талаб қилмадинг.

<sup>8</sup> Ўшанда мен дедим:  
 Сенинг ҳузурингга келдим,  
 Ўроғлиқ битикда мен ҳақда битилган.

<sup>9</sup> Хоҳишингни бажармоқ истайман, эй Худойим,  
 Сенинг Қонунинг юрагимда менинг.

<sup>10</sup> Улуғ жамоат ичра ҳаққониятни эълон этдим,  
 Асло ирнимга қатағон қилмадим;  
 Эй Худованд, Сен биласан!

<sup>11</sup> Сенинг ҳақлигингни юрагимда яширмадим,  
 Садоқат ва нажоткорлигингни баён этдим,  
 Инояту ҳақиқатингни эса сир сақламадим улуғ  
 жамоатдан.

<sup>12</sup> Эй Худованд,  
 Дариф тутма мендан ҳимматларинг,  
 Инояту ҳақиқатинг мени доим сақласин!

<sup>13</sup> Мен саноқсиз офатларга дучор бўлдим,  
 Ўз гуноҳларим мени қувиб, бошимга етди,  
 Қарашга ҳам ботинолмайман.

Улар бошимдаги сочлардан ҳам кўп,  
 Юрагим мени тарк этди.

<sup>14</sup> Эй Худованд, мени озод этмоққа рози бўлгин,  
 Менга ёрдам беришга шошилгин, эй Худованд!

<sup>15</sup> Жоним пайига тушганларнинг ҳаммаси  
 Шарманда бўлсин, юзи шувут бўлсин!

Менга ёмон ниятларни истаганлар  
 Орқага қайтиб калака бўлсинлар!

<sup>16</sup> Менга: «Эҳе, Эҳа!» – деганлар  
 Шармисорликдан эсанкираб қолсинлар!

<sup>17</sup> Барча Сени қидирувчилар эса  
 Сендан шод бўлиб севинсинлар.

Сенинг нажотларингни севганлар:  
 «Худованд улуғ!» – десинлар мудом.

<sup>18</sup> Мен бўлсам – бечораю фақирман,  
 Вале Раббим ейди менинг ғамимни,  
 Удир мадакору халоскорим менинг.  
 Кечикмагин, эй Худойим!

Меҳрибон меҳр топар

**40** Бечорага жони куйган киши бахтлидир,  
 Офат кунида Худованд уни қутқарар.

<sup>3</sup> Худованд уни асраб, ҳаёт бағишлар,  
 Ўзи мамлакатда бахтли бўлар.  
 Сен уни душман ихтиёрига топширмайсан, эй  
 Худованд.

<sup>4</sup> У оғриб ётганида уни мустаҳкамлайсан,  
 Хасталик тўшагини Ўзинг ағдариб юборасан!

<sup>5</sup> Мен Худовандга дедим:  
 Менга меҳрибонлик қилгин,  
 Дардимга даво бергин;

Мен Сенга қарши гуноҳ қилдим.

<sup>6</sup> Душманларим мени ғийбат қиладилар,

«Қачон ўлиб, унинг номи йўқ бўларкан?» – дейдилар.

- <sup>7</sup> Улар мени кўрмоққа келса гар,  
 Ёлгон сўзлаб, кўнглида ёмонлик тўқийдилар,  
 Ташқарига чиқар-чиқмас, лоф урадилар.  
<sup>8</sup> Мендан нафратланувчилар ўзаро пичирлашиб,  
 Менга қарши ёмон ният қиладилар.  
<sup>9</sup> «Бало-қазо ёпишибди унга, – дейдилар, –  
 Бир ётгандан кейин жойидан турмас!»  
<sup>10</sup> Ҳатто менинг нон-тузимни тотган,  
 Мен суянган, мен билан тотув бўлган дўстим  
 Менга қарши товонини кўтарди!  
<sup>11</sup> Аммо Сен, эй Худованд,  
 Менга меҳрибонлик қилиб, оёққа турғаз,  
 Токи улардан қасос олайин!  
<sup>12</sup> Мендан рози эканингни шундан биламан:  
 Душманним мендан асло устун чиқа олмайди.  
<sup>13</sup> Софдиллигим туфайли менга мадақдорсан,  
 Юзинг ўнгида абадий турғазиб сақлайсан.  
<sup>14</sup> Исроилнинг Тангриси – Худовандга  
 Абадулабад шон-шарафлар бўлсин!  
 Омин! Омин!

#### Худого ташналик

- 41** Кийик оқар анҳор сувларини тусагандай,  
 Кўнглим Сени шундай тусамоқда, эй Худо!  
<sup>3</sup> Худого, кучли, барҳаёт Тангрига жоним ташна.  
 Қачон келиб Худонинг хузурига кўринар эканман?  
<sup>4</sup> «Сенинг Худойинг қаерда?» деб  
 Мендан кун бўйи сўрашмоқда,  
 Кеча-кундуз кўз ёшим менга озиқ бўлмоқда.  
<sup>5</sup> Шуларни эслаганимда кўнглим сел бўляпти:  
 Мен жамоат билан сайр этар эдим,  
 Байрам тусли, тантанавор оломон ичра,  
 Баланд овозли куйлару ҳамд – санолар ичра  
 Худонинг маъбадига бориб кирар эдим.  
<sup>6</sup> Эй жоним, нега бундай тушкунсан?  
 Нечун ичимда ғашлик қиласан?  
 Худого умид боғла!  
 Ҳа, мен яна Худого шукр айтаман,  
 Ундан келар менга нажот.  
<sup>7</sup> Жоним ичимда қийналиб кетмоқда,  
 Шунинг учун ўрдун диёридан,  
 Ҳермўн ва Мисъор тоғларидан туриб,  
 Сени хотирламоқдаман, эй Худойим!  
<sup>8</sup> Сенинг шаршаранг овозлари ила  
 Гирдоб гирдобни чорламоқда,  
 Сенинг барча сув тўлқинларинг  
 Устимдан ўтиб кетмоқдалар.  
<sup>9</sup> Кундузи Худованд иноятини йўллар,  
 Кечаси эса Унгадир менинг хонишим,  
 Ҳаётим Тангрисигадир ибодатим.  
<sup>10</sup> Мен суянган қоям – Худого дейман:  
 Нечун Сен мени унутдинг?  
 Нега ёв зулми остида ғамгин юрар эканман?  
<sup>11</sup> «Сенинг Худойинг қаерда?» деб  
 Кун бўйи сўрашмоқда душманларим.  
 Уларнинг ҳақорати илигимга сингди,

Суякларим зирқираб кетди.

- <sup>12</sup> Эй жоним, нега бундай тушкунсан?  
 Нечун ичимда ғашлик қиласан?  
 Худого умид боғла!  
 Ҳа, мен яна Худого шукр айтаман,  
 Ундан келар менга нажот.

#### Илоҳий ёрдам учун муножот

- 42** Ё Худоё, юзимни ёруғ қилгин!  
 Шақкок халойиққа ҳақлигимни кўрсат!  
 Ёлгончидан, ҳийлагардан мени ҳимоя қил!  
<sup>2</sup> Менинг Худойим ва кўрғоним Сенсан-ку,  
 Нечун мени рад қилдинг?  
 Нега ёв зулми остида ғамгин юрар эканман?  
<sup>3</sup> Ўз нуринг ва ҳақиқатингни юборгил,  
 Улар менга йўл кўрсатсин,  
 Сенинг муқаддас тоғингга,  
 Улуғ масканларингга мени элтсин;  
<sup>4</sup> Токи мен Худонинг қурбонгоҳига борай,  
 Мени қувонтирган Тангримга шукрлар дей.  
 Сени ғижжак чалиб куйлайман,  
 Эй, мени шод қилган Худойим!  
<sup>5</sup> Эй жоним, нега бундай тушкунсан,  
 Нечун ичимда ғашлик қиласан?  
 Худого умид боғла!  
 Ҳа, мен яна Худого шукр айтаман,  
 Ундан келар менга нажот.

#### Олдинги қутулишлар, ҳозирги уқубатлар

- 43** Ё Худоё!  
 Биз ўз қулоғимиз билан эшитганмиз,  
 Ўтган кунларда, қадимий замонларда  
 Сен яратган ажойиб ишларинг ҳақида  
 Бизга оталаримиз ҳикоя қилиб келдилар.  
<sup>3</sup> Сен Ўз қўлинг-ла халқларни қувиб ташлагансан,  
 Элу элатларни тўнтариб, суриб ташлагансан,  
 Ота-боболаримизнинг эса азиз диёрда томир  
 ёйишига йўл бергансан.  
<sup>4</sup> Улар диёрни ўз қиличи билан олгани йўқ,  
 Қўл кучлари ёрдамида ғалабага эришгани йўқ.  
 Фақат Сенинг қўлинг, Сенинг кучинг,  
 Юзинг нури ва лутфинг туфайли ғалабага  
 эришганлар.  
<sup>5</sup> Эй Худойим ва Подшоҳим, Сен Ўшасан,  
 Бани-Ёқубга Ўзинг нажотлар йўллагайсан.  
<sup>6</sup> Сенинг қувватинг-ла ёвни сузиб юборармиз,  
 Исми шарифинг-ла эзиб ташлармиз ғанимни.  
<sup>7</sup> Мен ўз камонимга суянмайман,  
 Шамширим эса мени қутқармас.  
<sup>8</sup> Душманларимиздан бизни Сен қутқарурсан,  
 Биздан нафратланганларни шарманда қилурсан.  
<sup>9</sup> Кундан-кун Сен бизнинг ифтихоримизсан, эй  
 Худо,  
 Сенинг исмингни абадий шарафлаймиз.

САЛОТ

- <sup>10</sup> Бироқ ҳозир Сен бизни ташлаб, шарманда  
 қилдинг,

Кўшинларимиз билан жангга чиқмаяпсан энди.  
<sup>11</sup> Ёв олдидан бизни қочирдинг,  
 Афёрлар бизни талон-тарож қилмоқдалар.  
<sup>12</sup> Бизни қўйлар каби емиш учун топширдинг,  
 Халқлар орасига бизни тарқатиб юбординг.  
<sup>13</sup> Ўз халқингни эса текинга сотдинг,  
 Унинг баҳоси ҳақида савдолашмадинг.  
<sup>14</sup> Қўшниларимиз олдида юзимизни қора қилдинг,  
 Аτροφимиздагиларга кулги ва масхара бўлдик.  
<sup>15</sup> Эллар аро бизни кинояга қолдирдинг,  
 Ёт қавмлар бизга қараб, бош чайқаб қўйдилар.  
<sup>16</sup> Ҳар куни шармандалик кўзим ўнгида,  
 Юзим қора, беркитиб юраман.  
<sup>17</sup> Тухматчи ва таҳқирчининг сўкувидан,  
 Душман ва қасоскорнинг боқишидан уяламан.  
<sup>18</sup> Буларнинг ҳаммаси бошимизга тушди,  
 Бироқ биз Сени унутмадик,  
 Аҳдингга ҳам хоинлик қилмадик.  
<sup>19</sup> Кўнглимиз қайтмади Сендан,  
 Товонимиз оғиб кетмади роҳингдан.  
<sup>20</sup> Илло Сен бизни аждарҳо инида поймол  
 қилдинг,  
 Ўлим сояси билан бошимизни чулғадинг.  
<sup>21</sup> Агар биз Худойимиз номини унутиб,  
 Бегона бир тангрига сиғинганимизда,  
<sup>22</sup> Худованд бунинг ҳисобини сўрамасмиди?  
 У юрак сирларини билади-ку!  
<sup>23</sup> Сен туфайли бизни ҳар кун ўлдирмоқдалар,  
 Қурбонлик қўйлар деб ҳисоблайдилар.  
<sup>24</sup> Ё Раббий, уйғонгин, нега уйқудасан?  
 Тургин, бизни абадий ташлаб қўйма!  
<sup>25</sup> Нега Сен юзингни яширасан,  
 Фақир ва мазлумларимизни унутасан?  
<sup>26</sup> Жонимиз тупроқда поймол бўлди,  
 Бағримиз ерга ёпишиб қолди.  
<sup>27</sup> Сен туриб, бизга ёрдамга шошил,  
 Иноятинг билан бизга нажот юборгил!

#### Улуғ Подшоҳнинг никоҳ қўшиғи

**44** Дилимдан эзгу каломлар тўкилаверади,  
 Тилим – моҳир ёзувчининг қалами.  
 Яратган шеъримни подшоҳга тақдим этгайман:  
<sup>3</sup> Сен инсон ўғилларининг энг гўзалсан,  
 Лабларингдан латофатли сўзлар қуйилар.  
 Шул боис Худо сени мангу муборак айлаган.  
<sup>4</sup> Эй ботир, жамолу салобатинг ила  
 Белингадаги шамширни шайлаб қўй!  
<sup>5</sup> Шу салобатинг ила жангга тушгил,  
 Ҳақиқатгўйлик, олижаноблик, одиллик йўлида  
 курашгил!  
 Сенинг қўлингдан ажойиб ишлар келгай.  
<sup>6</sup> Камонинг ўқлари ўткир бўлгай,  
 Подшоҳ душманларининг юрагига санчилгай,  
 Сенинг пойингга халқлар йиқилгай!  
<sup>7</sup> Эй Худо,  
 Сенинг тахтинг доимий ва абадийдир,  
 Подшоҳлигинг ҳассаси – ҳаққоният ҳассаси.  
<sup>8</sup> Сен адолатни севиб,

Ёвузликдан нафратланасан,  
 Шунинг учун Худо, Сенинг Худойинг  
 Тенгдошларингдан кўра кўпроқ  
 Сенинг бошингга хуррамлик мойи суртган.  
<sup>9</sup> Бутун уст-бошингдан мирра\*,  
 Сабур ва долчин ҳиди сочилар;  
 Фил суягидан қилинган саройлардан келган  
 Ўйин-кулги садолари сени шод қилар.  
<sup>10</sup> Ҳурматли бонуларинг ичра шоҳ қизлари бор,  
 Малика эса Ўфир олтинига безаниб,  
 Сенинг ўнг томонингда турибди.  
<sup>11</sup> Тингла, эй қиз, қулоқ солиб қарагин,  
 Қавминг ва отанг уйини унутгин!  
<sup>12</sup> Подшоҳ сенинг гўзаллигингни орзу этмоқда,  
 Сенинг жанобингдир у, унга сажда қил!  
<sup>13</sup> Тир қизи сенга таважжуҳ қилсин,  
 Элнинг бойлари сенга ялиниб-ёлворсин.  
<sup>14</sup> Ҳарамдаги подшоҳ қизи жуда чиройли,  
 Олтиндан тикилгандир унинг либоси.  
<sup>15</sup> Нақшинкор либосда уни шоҳга келтирадилар,  
 Дугоналари унинг ортидан бориб,  
 Сенга уни элтадилар.  
<sup>16</sup> Улар шодлигу хуррамлик-ла кузатилиб,  
 Подшоҳ саройига кирадилар.  
<sup>17</sup> Боболаринг жойини ўғилларинг олгайлар,  
 Сен бутун жаҳонда уларни сарвар этгайсан.  
<sup>18</sup> Мен наслдан-наслга Сенинг номингни  
 мақтайман,  
 Халқлар эса илалабад Сенга шукроналар айтгай.

#### Худо – бизнинг паноҳимиз

**45** Худо бизнинг паноҳимиз ва қувватимиздир,  
 Танг аҳволларимизда ҳамиша тайёр турган  
 ёрдамчимиздир.  
<sup>3</sup> Шунинг учун биз қўрқмаймиз;  
 Ҳатто ер остин-устин бўлиб кетса ҳам,  
 Денгизлар бағрига тоғлар қулаб тушса ҳам,  
<sup>4</sup> Тўлқинлар мавж уриб, кўпириб кетса ҳам,  
 Пўртаналардан тоғу тепа силкиниб кетса ҳам,  
 Биз қўрқмаймиз!

САЛОТ

<sup>5</sup> Бир дарё борки,  
 Унинг оқимлари Худонинг шаҳрига,  
 Таолонинг муқаддас масканига севинч келтиур.  
<sup>6</sup> Худо унинг ўртасида, у тебранмас асло.  
 Тонг отганда Худо унга ёр бўлур.  
<sup>7</sup> Халқлар шовқин солди, ўлкалар тебранди,  
 Тангри овоз берди, дунё эриб кетди.  
<sup>8</sup> Сарвари коинот бизлар билан,  
 Ёқуб Худоси қўрғонимиз бизнинг!

САЛОТ

<sup>9</sup> Келинг, Худованд қилмишларини кўринг,  
 У ер юзига қандай даҳшатлар солди!  
<sup>10</sup> Ер четларига қадар У жанглари тўхтатади,  
 Камонни синдириб, найзани парчалайди,  
 Жанг аробаларини ёқиб кулга айлантиради.  
<sup>11</sup> «Тўхтанг, билингки, Мен – Худоман,  
 Халқлар ичра номим баланд бўлгай,

Ер юзи бўйлаб номим баланд бўлгай».  
 12 Сарвари коинот бизлар билан,  
 Ёқуб Худоси кўрғонимиз бизнинг!

### Худо – Подшоҳимиз

**46** Эй барча халқлар,  
 Худо шаънига қарсак чалинлар,  
 Қувончли садолар-ла хитоб қилинлар!  
 3 Худойи Таолодан кўрқмоқ лозим,  
 Бутун ер юзида У буюк Подшоҳдир!  
 4 У бизга халқларни тобе қилди,  
 Элатларни оёғимиз тагига қўйди.  
 5 Суйган қули Ёқубнинг фахрли қисматин  
 Бизнинг қисматимиз қилиб белгилади.

6 Худо зафар шодиёнаси ила юксалди,  
 Сурнай овози-ла тахтга чиқди Худованд.  
 7 Тараннум этинг, Худога тараннум этинг!  
 Тараннум этинг, Подшоҳимизга тараннум этинг!  
 8 Худо бутун ер юзининг Подшоҳидир;  
 Буни фаҳмлаб, тараннум айланг!  
 9 Худо халқлар устидан салтанатдир,  
 Худо муқаддас тахтида ўлтирибдир.  
 10 Халқлар асилзодалари тўпландилар,  
 Иброҳим Худосининг қавмига тўпландилар,  
 Худога қарамдир ер юзи саркардалари;  
 У ғоят баланд мартабадир.

### Сионнинг кўркамлиги

**47** Худованд бузруквордир!  
 Ўз шаҳрида, Узининг муқаддас тоғида  
 Худойимизни қанчалар улуғласа оздир.  
 3 Сион тоғи гўзал тепалиқдир,  
 Бутун ер юзининг севинчидир.  
 Шимол тоғларидай улуғдир у,  
 Буюк Подшоҳнинг шаҳридир у.  
 4 Худо унинг саройларида ҳозирдир,  
 Мудофаа қалъаси Ўзи эканини кўрсатур.  
 5 Шунинг учун подшоҳлар тўпланиб,  
 Унинг ҳузурига саф-саф бўлиб ўтдилар.  
 6 Уни кўрганларида таажжубда қолиб,  
 Ваҳму даҳшат олиб қочиб кетдилар.  
 7 Туғаётган хотиннинг тўлғоғи каби,  
 У ерда уларни титроқ ва азоб қоплади.  
 8 Сен шарқ шамолини эстириб,  
 Таршиш кемаларини парчалаб ташладинг.  
 9 Биз Худойимизнинг шаҳрида,  
 Сарвари коинотнинг кентига эшитган эдик,  
 Энди худди ўшани кўрдик:  
 Худо шаҳарни то абад мустаҳкамлайди.  
 10 Эй Худованд, Сенинг маъбадинг ўртасида  
 Биз иноятингни кўз олдида келтириб, маҳлиё  
 бўлдик.  
 11 Эй Худо, Сенинг номинг қанчалик улуғ!  
 Шуҳратинг ернинг четларигача ёйилган,

Ўнг қўлинг адолатли ишларга тўлиб-тошган.  
 12 Сенинг ҳаққоний ҳукмларинг туфайли  
 Сион тоғи севинсин,  
 Яхудо қизлари шод бўлсин!  
 13 Сион чегарасини кезиб,  
 Атрофини айланиб чиқингиз,  
 Минораларини санаб чиқингиз.  
 14 Истеҳкомларига яхши эътибор беринг,  
 Саройларида сайр қилинлар,  
 Келажак наслга ҳам ҳикоя этинлар:  
 15 Ана, бу – Худодир!  
 Абадулабад бизнинг Худойимиздир,  
 Ўлимдан нарига бошловчи Доҳийимиздир.

### Давлат ва шуҳратнинг охири – ўлим

**48** Бунга қулоқ солинг, эй ҳамма халқлар!  
 Эй аҳли дорилфано, барчангиз тингланг!  
 3 Авомлару бекзода ҳам, бойлару фуқаро ҳам  
 Биргаликда қулоқ солинлар!  
 4 Тилим ҳикматни баён этар,  
 Дилимдан доно мулоҳазалар ўтар.  
 5 Ўзим ҳам масалга қулоқ солиб,  
 Сиримни ғижжак билан англатарман.  
 6 Офатли кунларда нечун кўрқар эканман?  
 Мана, таъқиб қилувчиларнинг ёвузлиги  
 Ҳар ёқдан мени сиқиб қўймоқда!  
 7 Улар ўз давлатмандлигига таяниб,  
 Бойликлари кўплигидан гердаийб кетганлар.  
 8 Вале тўлов билан қутқара олмас  
 Бирон-бир инсон ўз биродарин,  
 Худога пул бера билмас  
 Жонига нажот топмоқ учун.  
 9 Жонлар баҳоси-ку – бебаҳодир,  
 Бунга киши асло эриша олмас.  
 10 Йўқса киши боқий яшар,  
 Қабр юзини ҳам кўрмас эди.  
 11 Маълумки, ҳатто донолар ўлар,  
 Аҳмоқ ва нодон бирдай йўқ бўлар,  
 Бойликлари эса бошқаларга қолар.  
 12 Улар ич-ичидан хаёл суриб:  
 Бизнинг уй-жойимиз боқийдир, дейдилар,  
 Масканимиз наслдан-наслга ўтаверади, деб,  
 Ер-сувиги ўз номларини берадилар.  
 13 Бироқ одам иззатли бўлса-да мангу қўнмас,  
 У ҳайвонга ўхшаб йўқ бўлиб кетар.  
 14 Уларнинг бу йўли телбалиқдир,  
 Уларни маъқуллаганлар эса уларга эргашадилар.  
 15 Улар қўйлардек тамуғга ҳайдаладилар,  
 Ўлим эса уларнинг чўпони бўлиб қолар.  
 Субҳда солиҳлар улар устидан ҳукм сурар.  
 Уларнинг тани тамуғда нураб кетар,  
 Ўликлар диёри уларнинг қасри бўлар.  
 16 Бироқ менинг жонимни Худо  
 Ўлим панжасидан қутқариб қолар,  
 Ўзи мени қабул қилар.

САЛОТ

17 Бировнинг давлатманд бўлганидан,

Ёки хонадони иззати ошганидан қўрқма.  
 18 У ўлганида ўзи билан ҳеч нарса олиб кетмас,  
 Унинг иззати ҳам орқасидан кетмас.  
 19 Гарчи тириклигида уни дуо этишган бўлса ҳам,  
 Гарчи у инсонга яхшилиқ қилиб,  
 Мақтовга сазовор бўлган бўлса ҳам,  
 20 У ўз оталари наслига етар,  
 Улардай то абад ёруғликни кўрмас.  
 21 Шуни англамайдиган инсон иззатли бўлса-да,  
 Ҳайвонга ўхшаб йўқ бўлиб кетар.

### Ҳақиқий ва сохта диндорлик

**49** Худованд, Тангри Таоло сўзлади,  
 Қуёшнинг чиқар еридан ботар еригача  
 У ер юзига хитоб қилмоқда.  
 2 Камоли чиройли Сиондан Худо зухур этади.  
 3 Худойимиз келадию, индамай турмас.  
 Унинг олдида еб битирадиган оташ,  
 Атрофида эса – шиддатли бўрон.  
 4 Ўз халқига ҳукм чиқармоқ учун,  
 У юқоридан еру осмонни чақиради:  
 5 «Мен билан қурбонликка аҳд қилган  
 Азизларимни Менга тўплаб беринглари!»  
 6 Осмон Унинг адолатини эълон қилади,  
 Худонинг Ўзи – Хукмловчидир.

7 «Эй халқим, тинглагин, Мен сўзлайман,  
 Эй Исроил, сени қаттиқ огоҳлантираман,  
 Мен Худоман, Сенинг Худойингман.  
 8 Қурбонликларинг учун таъна қилмайман,  
 Куйдирган бағишловларинг қаршимда доим.  
 9 Мен на ҳовлингдаги буқани,  
 На оғилингдаги такани истайман.  
 10 Меникидир ўрмоннинг ҳамма ҳайвонлари,  
 Тоғда яшовчи минглаб жониворлар.  
 11 Барча тоғ қушларини Мен биламан,  
 Бутун дашт жониворлари қўлим остида.  
 12 Оч қолсам-да, сендан сўрамайман,  
 Меникидир дунё ва уни тўлдирган борлиқ.  
 13 Мен буқа гўштини ермиканман,  
 Ёки такалар қонини ичармиканман?»  
 14 «Худога шукрона билан қурбонлик келтир,  
 Ҳақ Таолога назрларингни бажо келтир.  
 15 Оғир кунларда Мени чақиргин,  
 Мен сенга нажот бераман,  
 Сен эса Мени улуғлайсан».  
 16 Бироқ гуноҳкорга Худо бундай дейди:  
 «Нега сен Менинг амрларимни талқин қилиб,  
 Аҳд-паймонимни оғзинга олсан?  
 17 Сен Менинг йўл-йўриғимдан нафратланиб,  
 Каломларимни хор қилиб ташлайсан-ку!  
 18 Ўғрини кўрганда у билан топишиб олсан,  
 Зиногар ила бир жон, бир тан бўласан.  
 19 Оғзингда ёмонликка эрк бериб,  
 Тилингда ҳийлани тўқийсан.  
 20 Ўтирсанг, биродарингни ғийбат қиласан,  
 Ўз онанг ўғлига тухмат қиласан.  
 21 Сен шу ишларни қилдинг,

Мен эса индамадим;  
 Шунда Мени ўзинга ўхшаш деб ўйладинг.  
 Энди Мен адабингни бериб қўяман,  
 Гуноҳингни кўз ўнгингда фош қиламан.  
 22 Энди шуни англаб олинг,  
 Эй сизлар, Худони унутганлар!  
 Йўқса сизларни парчалаб ташларман  
 Ва нажоткорингиз қолмас».  
 23 «Шукрона билан қурбонлик келтирган  
 Мени улуғлайди,  
 Шу йўлда тўғри юрганларга  
 Мен илоҳий нажот йўллайман».

### Гуноҳкорнинг тавба қилиши

**50** Эй Худо, менга иноят қилиб,  
 Меҳрибонлик кўрсатгин!  
 Чексиз раҳм-шафқатинг туфайли  
 Қонунсиз ишимдан кечиб юборгин!  
 4 Айбимни тамоман ювиб ташла,  
 Гуноҳимдан мени тозалагин!  
 5 Қилмишимни қонунсизлик деб тан оламан,  
 Қилган гуноҳим кўз ўнгимдадир мудом.  
 6 Мен Сенга, фақат Сенга қарши гуноҳ қилдим,  
 Сенинг кўз олдингда ёмонлик қилдим.  
 Сен эса сўзингда доим барҳақсан,  
 Хукм қилганингда фақат одилсан.  
 7 Мен гуноҳкор бўлиб дунёга келганман,  
 Онам мени гуноҳ ичида туққан экан.  
 8 Сен кўнгиллардан ҳақиқатни қидирасан,  
 Яширин қалбимга ҳикматни ўргатасан.  
 9 Мени иссоп\* билан тозала, пок бўлай,  
 Мени ювгин, қордан ҳам оқ бўлай!  
 10 Менга шодлигу хурсандлик муждасин келтир,  
 Сен эзган суяқларимга яна жону қувонч кирсин!  
 11 Гуноҳларимдан юзингни ўгиргин,  
 Барча ёмонликларимдан кечиб юборгин!  
 12 Эй Худо, менда пок юракни яратгин,  
 Ичимда янги, собит руҳни бунёд этгин.  
 13 Мени Ўзингдан узоқлаштириб ташлама,  
 Ўз Муқаддас Руҳингни мендан олма.  
 14 Нажотинг ила мени қайта қувонтиргин,  
 Иродали руҳ ила мени мустаҳкамлагин.  
 15 Қонунбузарларга Сенинг йўлларингни  
 ўргатаман,  
 Гуноҳкорлар Сенга қайтиб келсинлар.  
 16 Қонимдан ўтавергин, эй Худойим, Нажоткорим,  
 Сенинг адолатингни тараннум этсин тилим.  
 17 Қулфи дилимни Ўзинг очиб юборгин, ё Раббий,  
 Тилимдан тушмасин энди Сенинг саноларинг!  
 18 Сен қурбонликни хоҳламассан,  
 Акс ҳолда уни сўйиб келтирар эдим;  
 Куйдирилган бағишловдан ҳам рози бўлмассан.  
 19 Худога маъқул бўладиган қурбонлик – бузилган  
 кўнгилдир.  
 Бузилган, эзилган кўнгилни Сен хорламассан, эй  
 Худо.  
 20 Сионга лутфу карам айлагин,  
 Қуддус деворларини обод қилгин!

САЛОТ



21 Ўшанда ҳалол қурбонликлар келтирилажак,  
Ўшанда ёқиладиган қурбонликлар тутуни  
Сенинг ризолигингни топажак,  
Қурбонгоҳингда новвослар қурбон қилинажак.

#### Худосиз мақтанчоқнинг қисмати

51 Эй зўравон, нечун ёвузлигинг билан  
мақтаниб,  
«Тангри инояти менга доим ёр», деб юрасан?  
4 Ҳой ҳийлагар, нияти бузуқ,  
Кескир устарадекдир тилинг!  
5 Сен яхшилиқдан кўра ёмонликни,  
Ҳақиқатдан кўра ёлғонни ортиқ севасан.

6 Эй сен, макрли тил,  
Қинғир мақсадларни ортиқ севасан!  
7 Тангри Ўзи сени абадий ҳалок қилади,  
Сени чодирингдан қувиб чиқаради,  
Тириклар диёридан илдизингни қуритиб  
ташлайди.

8 Солиҳлар буни кўриб, қўрқадилар,  
Унинг устидан кулиб, дейдилар:  
9 «Қаранг, Худони таянчим деб билмаган,  
Давлати кўплигига эътиқод қўйиб,  
Бойлигига ишонган одамнинг оқибати шу!»  
10 Мен эса Худо уйда яшнаб турган зайтун  
дарахти кабирман,  
Илалабад Худо иноятига суяниб, умид қиламан.  
11 Сенга мангу шукрлар дейман, ё Раб,  
Чунки буни Сен бажардинг.  
Сенинг исминга умид қиламан,  
Зеро азизларинг наздида эзгудир исминг.

#### Шаккокнинг аҳмоқлиги ва разолати

52 Аҳмоқ ўз кўнглида: «Худо йўқ!» – дейди.  
Бундайлар бузилиб борган сари расво  
бўладилар.  
Яхшилиқ қиладиган ҳеч кимса йўқ.  
3 Худо инсон ўғилларига осмондан боқади,  
Мени қидирувчи бирор идрокли киши бормикан,  
дея.  
4 Илло ҳамма йўлдан озиб гумроҳ бўлган,  
Барча чириб, яроқсиз бўлган.  
Эзгулик қиладиган йўқ,  
Ҳатто бирор киши ҳам йўқ!  
5 Халқимни бир луқма каби ютиб юборадиган,  
Худони эса чақирмайдиган бадкирдорларнинг  
ақли етмасмикан?  
6 Қаранг, улар кўрқувдан чўчидилар,  
Аммо ҳеч кўрқинч йўқ эди.  
Худо сени қамал қилганларнинг суякларини сочиб  
ташлади.  
Сен уларнинг шармандасини чиқардинг,  
Ҳа, Худонинг Ўзи уларни рад этди.  
7 Кошки Сиондан Исроилга нажот келса!  
Худо Ўз халқини асирликдан қайтаргач,

Бани-Ёқуб шод бўлгай, Исроил севингай.

#### Ёвдан халос бўлиш учун муножот

53 Эй Худо,  
Исминг ҳақи учун мени қутқаргин,  
Қудратинг ила ҳуқуқимни ҳимоя қилгин!  
4 Ибодатимни тинглагин, эй Худо,  
Сўзларимга қулоқ бергин!  
5 Ажнабийлар менга қарши оёқ кўтарди,  
Золимлар жонимга қасд қилдилар;  
Улар Худони писанд қилмайдилар.

САЛОТ

САЛОТ  
6 Мана қаранг, Худо менга ёрдамчидир,  
Раббимнинг Ўзи жонимни асрайди.  
7 У офатни мендан қайтариб,  
Ёвларимнинг ўз бошига солади.  
Ҳақиқатинг ҳақи уларни маҳв қил, эй Худованд!  
8 Сенга чин кўнгиладан қурбонлик келтириб,  
Исминга шукрлар дейман, ё Раббим,  
Чунки эзгудир Сенинг исминг.  
САЛОТ  
9 Сен мени ҳар қандай кулфатдан қутқардинг,  
Ёвларимнинг шармандалигини менга кўрсатдинг.

#### Хиёнатга учраганнинг ноласи

54 Эй Худо,  
Ибодатимга қулоқ солгин,  
Юз ўғирма муножотимдан!  
3 Мени яхши тинглаб, жавоб бергин!  
Мен қайғуга ботиб, фиғон чекапман.  
4 Душман дўқ-пўписа қилаётир,  
Фосиқ жабр-ситама айламоқда;  
Улар менга кулфат келтирмоқчи,  
Қаҳр-зўғим ва хусумат ёғдирмоқдалар.  
5 Бағримда юрагим ўйнапти,  
Устимга ўлим даҳшатлари тушди.  
6 Менга кўрқув ва титроқ келди,  
Ваҳима босиб олди юрагимни.  
7 Кошки кабутарнинг қаноти менда бўлса эди,  
Учар ва роҳат ҳам топар эдим, дедим.  
8 Ҳа, узоқларга учиб кетиб,  
Чўл-биёбонда кўнолға топар эдим.

САЛОТ

9 Қирон ва бўрондан тез қочиб,  
Бекинар жой қидириб топар эдим.  
10 Ё Раббий, Сен уларни яксон қил,  
Тилларидан айириб ташла!  
Шаҳарда фақат зўравонлик ва ғавғони кўряпман.  
11 Кечаю кундуз шаҳар деворлари устида  
юрибдилар,  
Шаҳар гуноҳ ва кулфат билан тўлиб-тошган.  
12 Унинг ўртасида бузуқчилик ҳоким,  
Ҳийлаю фириб майдонларидан чиқмай қолди.  
13 Мени ҳақорат қилаётган душман эмас,  
Акс ҳолда чидар эдим.  
Менга ағёрлик қилаётган ёв эмас,  
Йўқса ундан қочар эдим.  
14 Аммо сен ўзингсан, менинг тенгқурим,

Ўртоғим, менинг жон дўстим!

<sup>15</sup> Биз қандай бирга ширин суҳбатлар қилиб,  
Оломон билан Худо уйига кириб чиқар эдик...

<sup>16</sup> Ўлим уларнинг бошига келсин,  
Тамуғга тириклигича кетсинлар!

Уларнинг уйларидаю ичларида – фақат ёвузлик.

<sup>17</sup> Мен бўлсам, Худони чақиряпман,  
Худованд менга нажот берар.

<sup>18</sup> Оқшом, субҳ ва қиёмда фарёд этиб,  
Ташвишмандлар ноласини қияпман.

Худованд менинг товушимни эшитар.

<sup>19</sup> Қаршимда кўпчилик саф тортган бўлса-да,  
Жангдан жонимни Ўзи қутқарар,

Мени соғ-саломат сақлаб қолар.

<sup>20</sup> Азалдан Тангри Ўз тахтида ўлтирибди,  
У эшитади ва уларни жиловлайди.

Улар тавба-тазарруга ёндашмайди,  
Худодан ҳам кўрқмайдилар.

<sup>21</sup> Тинч аҳолига қўл узатиб,  
Аҳд-паймонни бузиб юрибдилар.

<sup>22</sup> Уларнинг тили ёғдай бўлса ҳам,  
Лекин юракларида ҳарбу зарб бор.

Сўзлари ҳалимдек бўлса-да,  
Лекин ўзлари – яланғоч қиличдир.

<sup>23</sup> Ташвишингни Худовандга ташлаб кет,  
Унинг Ўзи сенга таянчиқ бўлур.

Солиҳнинг йиқилишига У абадий йўл бермас.

<sup>24</sup> Қонхўр ва ҳийлагар одамларни эса  
Ўзинг ҳалокат чоҳига ташлайсан, эй Худо,

Улар умрининг ярмини ҳам яшамайдилар.  
Менинг эса Сенга ишончим комил.

#### Ночорнинг Худога ёлвориши

**55** Эй Худо, менга меҳрибонлик кўрсатгин!

Чунки инсон мени ютмоқни истамоқда,  
Кун бўйи зарба бериб, исканжага олмоқдалар.

<sup>3</sup> Кундан-кун душманларим мени ютмоқ пайида,  
Жуда кўпчилик менга қарши чиққан, ё Таоло!

<sup>4</sup> Кўрққан кунимда умидим Сенда, ё Раб!

<sup>5</sup> Мен Худо каломини тараннум этаман,  
Худога умид боғлаб, кўрқмайман;  
Башар менга не қила билар?

<sup>6</sup> Ҳар кун сўзларимни бузиб кўрсатадилар,  
Менга қарши бутун ниятлари – ёвузлик.

<sup>7</sup> Улар мени яширинча кузатиб турадилар,  
Жонимга қасд қилиб, изимдан қувадилар.

<sup>8</sup> Уларни асло қўлдан чиқарма, эй Худо,  
Ғазабинг ила халқларни тўнтариб юбор!

<sup>9</sup> Ғурбатимни Сен ҳисобга олгансан;  
Кўз ёшларимни шишанга солиб кўргин,  
Улар Сенинг китобингда ёзилган-ку!

<sup>10</sup> Мен Сени чақирган кунимда,  
Душманларим орқага қайтадилар;  
Шундан биламанки, Худо мен томонда.

<sup>11</sup> Мен Худо сўзини тараннум этаман,  
Худованд каломини куйлайман;

<sup>12</sup> Худога умид боғлаб, кўрқмайман;

Инсон менга не қила билар?

<sup>13</sup> Эй Худо, атаган назрларим менга фарздир,  
Сенга шукроналаримни бажо келтираман.

<sup>14</sup> Сен жонимни ўлимдан асрадинг,  
Оёқларимни тўсиқлардан сақладинг.

Мен энди ҳаёт ёруғида, Худо ҳузурида юраман.

#### Балодан паноҳ

**56** Менга шафқат қилгин, эй Худо,

Менга шафқат қилгин!

Ўзингсан-ку жонимга паноҳ!

Балолар қайтмагунига қадар,  
Қанотларинг соясида паноҳ топаман.

<sup>3</sup> Мен учун эзгулик яратувчи Тангримга,  
Худойи Таолога илтижо қиламан.

<sup>4</sup> У кўқдан менга нажот юборгай,

Мени тишлаётганларни шарманда қилгай.

САЛОТ

САЛОТ

Худо Ўзининг инояту ҳақиқатини юборгай.

<sup>5</sup> Мен арслонлар ўртасида қолдим,  
Йиртқишлар ичра ётибман-ку!

Одамзод тиши – бамисоли найзаю ўқ,  
Уларнинг забони – кескир қилич!

<sup>6</sup> Эй Худо, фалақдан ҳам баланд юксалгин,  
Улуғворлигинг рўйи замин узра порласин!

<sup>7</sup> Улар қадамларимга тўр тайёрлашди,  
Жоним маъюсликка тушди.

Борар йўлимда чуқур қазишди,

Чуқурга ўзлари қулаб тушди.

САЛОТ

<sup>8</sup> Юрагим шай, эй Худо, юрагим шайдир.

Мен Сени куйлайман, тараннум этаман.

<sup>9</sup> Уйғонгин, эй руҳим!

Уйғонинг, эй чанг ила ғижжак!

Мен саҳарни уйғотиб юбораман.

<sup>10</sup> Халқлар ичра Сенга шукр дейман, ё Раббий,  
Эллар аро Сени тараннум этгайман.

<sup>11</sup> Сенинг иноятинг кўклардан ҳам баланд,  
Ҳақиқатинг эса булутлардан ҳам юксалдир.

<sup>12</sup> Эй Худо, фалақдан ҳам юқорига юксалгин,  
Улуғворлигинг рўйи замин узра порласин!

#### Охирги ҳукм – Худодан

**57** Эй қозилар, наҳотки сиз адолатни  
сўзлаяпсизлар?

Наҳотки тўғри ҳукм чиқаряпсиз, эй бекзодалар?

<sup>3</sup> Аксинча, кўнглингизда ноҳақликни тўқийсизлар,  
Қўлингиздан мамлакат бўйлаб зўравонлик келади.

<sup>4</sup> Фосиқлар она қорнидан чиқибоқ янглишар,  
Ёлғончилар туғилишидан бошлаб адашар.

<sup>5</sup> Уларнинг заҳари – бамисли илон оғуси,  
Улар кар илонга ўхшаб қулоғини беркитар.

<sup>6</sup> У илонки, эшитмас афсунгар товушин,  
Туймас ҳам унинг моҳирона сеҳр-жодусин.

<sup>7</sup> Ё Худоё Худовандо,

Уларнинг оғзидаги тишларни синдириб ташла,  
Арслонлар жағларини эзиб ташла!

8 Оқар сувдай сочилиб йўқ бўлсинлар,  
 Ёйни тортганда ўқлари синиб тушсин.  
 9 Шиллиқ қурт сингари эриб кетсинлар,  
 Онаси қорнидан чала туғилган,  
 Кўёш кўрмаган гўдакдай бўлсинлар.  
 10 Қозонларингиз тикан ўтини сезишидан олдин,  
 Гўшт хомми, пишиқми деб ўтирмасдан,  
 Уларни уюрма супуриб ташлагай!  
 11 Солиҳ қаримтасини кўриб севингай,  
 Фосиқнинг қони ила оёқларини ювгай.  
 12 Ўшанда инсонлар айтадурлар:  
 Ҳали ҳам солиҳга мукофот бор экан,  
 Ҳануз ер юзида ҳукм қилувчи Худо бор экан!

### Душман ўртасида қолганинг нолиши

**58** Мени душманларимдан озод этгин, эй  
 Худойим,  
 Менга исён қилганлардан ҳимоя қилгин.  
 3 Бадкирдорлардан мени халос қилгин,  
 Қонхўр одамлардан мени қутқаргин.  
 4 Мана улар писиб ётиб, жонимга қасд  
 қилмоқдалар,  
 Зўравонлар менга ҳужум бошлаптилар.  
 Жиноят ёхуд гуноҳим туфайли эмас, эй Худованд,  
 5 Мен бегуноҳ бўла туриб, ҳужумга саф  
 тортяптилар.  
 Менга ёрдам бермоқ учун тургин ва қарагин!  
 6 Сен, эй Худованд,  
 Сарвари коинот, Исроилнинг Тангриси,  
 Барча халқларга чора бермоқ учун қўзғалгин,  
 Сотқину хоинларнинг ҳеч бирини аямагин!

*САЛОТ*

7 Шомда улар қайтиб, итлардай увлаб,  
 Шаҳар атрофини айланиб чиқадилар.  
 8 Уларнинг оғзи тинмай иғво тўқийди,  
 Лаблари эса бамисоли дудама қилич!  
 Улар: Ким эшитар экан? – дейди.  
 9 Сен эсанг, эй Худованд,  
 Бундайлар устидан куласан,  
 Элу элатларни масхара қиласан.  
 10 Эй қудратим\*, Сенга кўз тикаман;  
 Менинг миңорам Сенсан-ку, эй Худойим!  
 11 Худойим Ўз инояти ила мени қаршилайди,  
 Душманларим устидан зафар бағишлайди.  
 12 Уларни ўлдирма, токи халқим унутмасин,  
 Уларни қудратинг-ла йиқит, дарбадар қил,  
 Ё Раббий, бизнинг қалқонимиз!  
 13 Оғизларидан чиққан гуноҳли сўзлар,  
 Улар ўқиган лаънат ва ёлғонлар учун  
 Ўз ғурурлари билан ушлаб қолинсинлар.  
 14 Нест-нобуд қилгин уларни!  
 Ҳазабинг билан қириб ташла уларни!  
 Улар йўқ бўлсин ва ҳамма билсин:  
 Ёқуб элида ва рўйи замин узра  
 Худо ҳокими мутлақдир.

15 Шомда улар қайтиб, итлардай увлаб,  
 Шаҳар атрофини айланиб чиқадилар.

16 Ўлжа топмоқ-чун дайдиб юриб,  
 Очиқдан ириллаб тунайдилар.  
 17 Мен эсам, Сенинг қудратингни куйлайман,  
 Эрта тонгдан иноятингни тараннум этаман.  
 Чунки Сен менга минора бўлгансан,  
 Хавфли кунимда паноҳим бўлгансан.  
 18 Эй қудратим, Сени тараннум этаман.  
 Худодир менинг мустаҳкам қалъам,  
 У мендан меҳр-иноятини аямайди.

### Исроил халқининг кулфат ва ғалабалари

**59** Эй Худо,  
 Сен бизларни ташлаб қўйдинг,  
 Сафларимизни ёриб босдинг,  
 Бизлардан ғазабландинг.  
 Кошки бизларга яна юз тутсанг!  
 4 Сен мамлакатни ларзон айладинг,  
 Ерни дарз-дарз қилиб юбординг.  
 Ер юзи яксон-талқон бўлди,  
 Ёриқларини тикламоқ-чун даво топгин!  
 5 Халқингга оғир кулфатлар келтирдинг,  
 Бизга заққумли шаробни ичирдинг.  
 6 Ўзингдан қўрққанларга туғ бергинки,  
 Уни ҳақиқат йўлида баланд кўтарсинлар!

*САЛОТ*

7 Ўз севганларинг халос бўлсинлар,  
 Кучли қўлинг билан қутқаргин бизни,  
 Қулоқ солгин бизга!  
 8 Худо Ўзининг муқаддас маконида сўзлади:  
 «Мен Шакамни тантана ила тақсимлайман,  
 Суккот водийсини эса ўлчаб оламан.  
 9 Гилъад Меники, Манаше ҳам Меники.  
 Эфраим – бошимдаги дубулға,  
 Яхудо – салтанатим ҳассаси.  
 10 Мўов – ювинадиган тосимдир.  
 Эдўм устига этигимни босаман,  
 Филистия узра ғалаба эълон қиламан».\*  
 11 Мустаҳкам шаҳарга мени ким элтади?  
 Эдўмга мени ким кузатиб боради?  
 12 Эй Худо, Ўзинг бизни ташлаб қўймадингми?  
 Қўшинларимиз билан чиқмаяпсан-ку, эй Худо!  
 13 Ёвга қарши курашда бизга ёрдам бергин,  
 Чунки башарият нажоти бемаънилиқдир!  
 14 Биз Худо номи билан ботирлик қиламиз,  
 Душманларимизни У тор-мор этади.

### Жабрланган одамнинг дуоси

**60** Эй Худо, дод-фарёдимни эшитгин,  
 Тоат-ибодатимга қулоқ солгин!  
 3 Менинг дилим қон бўлди-ку,  
 Ернинг олис бурчидан Сени чақираман.  
 Ўзимдан баланд қояга мени олиб чиққин!  
 4 Ўзинг менга паноҳ бўлгансан-ку,  
 Ёвга қарши мустаҳкам минора бўлгансан.  
 5 Сенинг чодирингда боқий қоларман,  
 Қанотларинг соясида осойиш топарман.

*САЛОТ*

*САЛОТ*

6 Эй Худо,  
Менинг назр-ниёзимни Ўзинг эшитдинг,  
Художўйлар насибасига мени ноил этдинг.  
7 Подшоҳ кунларига кунлар қўшгин,  
Унинг умри айёми даврларча давом этсин!  
8 У Сенинг ҳузурингда абадий турсин,  
Эй Худо, амр бергин-ким,  
Иноят ва ҳақиқат унга ёр бўлсин доим!  
9 Мен Сенинг исмингни мангу куйлайман,  
Атаган назрларимни кундан-кун бажо этаман.

### Ёлғиз паноҳ – Худо

**61** Худо олдида менинг қалбим тинч,  
Фақат Ундан келар менга нажот.  
3 Ўзидир суянчиғим, нажоткорим,  
Мустаҳкам қалъам менинг;  
Мен тебранмасман мутлақо.  
4 Қачонгача ҳаммангиз эрга ёпириласизлар?  
Гўё эгилган пахса, қийшайган ғов бўлгандай,  
Унга қақшатқич зарба берасизлар.  
5 Унинг номига доғ туширишни кўзлаб,  
Ёлғон-яшиқ гапга ружу қўясизлар.  
Уларнинг оғзидан-ку хайр дуо тўкилур,  
Лекин юракларида заҳру лаънат тўкилур.

6 Худо олдида тинчлан, қалбим менинг,  
Фақат Ундандир менинг умидим.  
7 Ўзидир суянчиғим, нажоткорим,  
Мустаҳкам қалъам менинг;  
Мен тебранмасман ҳеч қачон.  
8 Нажотим ва иззатим Худодан келур,  
Худодир қудратли қоям, паноҳим менинг.  
9 Ҳар дам Унга умид боғланг, эй мардум,  
Унинг олдида юракларингизни очинг;  
Худодир бизнинг паноҳимиз.

10 Одамзод-ку – бир нафасгина,  
Бекзода-чи – бир ёлғондир.  
Улар иккови тарозида тортилса,  
Нафасдан ҳам енгил бўлиб чиқарлар.  
11 Талончиликка умид боғламанг,  
Ўғирлиқ-ла беҳуда мақтанманг,  
Давлат ошиб кетса, унга кўнгил қўйманг!  
12 Худо бир дафъа сўзлади,  
Мен икки карра эшитдим:  
Қудрат Худодан келур, дея.  
13 Иноят ҳам Сендан келур, ё Раббий,  
Сен ҳар кишини қилмишига яраша тақдирлайсан.

### Соғинган кўнгилга Худо дармон

**62** Эй Худо, Сен менинг Тангримсан,  
Эрта саҳардан Сени излайман,  
Сенга ташнадир жон-дилим.  
Қуриб, чарчаб, сувсиз қолган тупроқдай  
Вужудим Сени қўмсаб қийналмоқда.  
3 Муқаддас маконингда Сенга интизор бўлиб,  
Қудратинг ва жамолингни кўрай деб турибман.

4 Сенинг иноятинг ҳаётдан ҳам афзалдир,  
Сенинг мадҳингни тилдан қўймайман.  
5 Умрим бўйи Сенга санолар ўқиб,  
Сенинг номинг-ла кўкка чўзаман қўлларим.  
6 Илик ва чарвидан тўйгандек жоним тўяр,  
Лаб-даҳаним эса Сени тараннум этар.  
7 Ётганимда Сени хотирлайман,  
Кечалари Сени чуқур ўйлайман.  
8 Қанотларинг соясида тараннум этаман,  
Чунки Сен менга ёрдам бериб келдинг.  
9 Жон-дилим ила Сенга боғланганман,  
Сенинг ўнг қўлинг мени қаттиқ ушлар.  
10 Бироқ жонимга қасд қилганлар эса  
Ернинг қаърига тушиб кетгайлар.  
11 Улар қилич тифидан ҳалок бўлғай,  
Чиябўрига ўлжа бўлғайлар.  
12 Подшоҳ бўлса Худодан шод бўлғай.  
Худо номи ила онт ичган барча  
Шу кўйи ифтихор топар;  
Илло ёлғончилар оғзи куяр.

### Тухматчи фитнасига қарши муножот

**63** Эй Худо, ҳасратли овозимни эшитгин,  
Душман даҳшатидан мени омон сақлагин!  
3 Ёмон одамларнинг фитна-фасодидан,  
Бадқирдорлар ғавғосидан мени ҳимоя қилгин!  
4 Улар тилларини шамширдай қайраб,  
Ўқ узгандай заҳарини сочадилар.  
5 Софдил одамни пистирмадан пойлаб,  
Ҳеч кўрқмасдан, ногаҳон уни отадилар.  
6 Улар ёвуз ниятларида қаттиқ турадилар,  
Домларини яшириш учун тил бириктириб:  
«Ишимизни ким ҳам кўради?» – дейдилар.  
7 Улар ёвузлик режаларини тузиб:  
«Роса боглабмиз-да шу ишни!» – дейдилар,  
Одамнинг юрак-бағрини чуқур ковлайдилар.  
8 Бироқ Худо уларга ўқ отиб,  
Ногаҳон уларни яралайди.  
9 Ўзларининг тиллари орқали  
Худо уларни йўлдан қоқинтиради;  
Уларни кўрган барча улардан қочади.  
10 Бутун одамзод ваҳм олиб:  
Буни Худо қилган, деб тан оладилар,  
Худонинг фаолиятини фаҳмлаб оладилар.  
11 Солиҳлар Худованддан шодлигу паноҳ топур,  
Барча юраги поклар эса У билан ифтихор этур.

### Еру кўк неъматлари учун шукрона

**64** Эй Худо, Сен Сион мақтовларига муносибсан,  
Сенга аталган назр-ниёзлар бажо бўлғуси.  
3 Сен ибодатни эшитгучисан,  
Сенга келади барча банибашар.  
4 Гуноҳли ишлар мени енгмоқда,  
Қонунсизлик айбимизни Сен ўчиргайсан.  
5 Саодатлидир ундай киши-ким,  
Сен уни маъбадинг ҳовлисига киритиб,  
Ўз ҳузурингга сазовор биласан!

Биз Сенинг уйинг фаровонлигидан,  
Муқаддас маъбадинг баракасидан қониқайлик.  
6 Эй Сен, бизнинг нажоткор Худойимиз!  
Сен бизга маҳобату адолат ила жавоб берасан,  
Эй Сен, ернинг тўрт бурчи-ю,  
Олисдаги денгизларнинг умиди!  
7 Ўз қудратинг-ла тоғларни ўрнатгансан,  
Сенинг либосинг – ҳайбат.  
8 Сен денгизлар шов-шувини,  
Тўлқинлар гумбурашини,  
Халқлар шовқин-суронини тинчитасан.  
9 Ер юзи бурчакларида яшовчилар  
Сенинг ғаройиботларингни кўриб қўрқадилар.  
Сен кунчиқар ва кунботар ерларини ҳам  
Ўз шаънингга тараннум эттирасан.  
10 Сен ерни зиёрат этиб, сувга қондирасан,  
Унга мўл-кўлчилик ато қиласан.  
Худонинг дарёси сув билан тўлиб-тошади.  
Сен ерни шундай яратдинг-ким,  
Одамлар учун ғалла ҳосил этсин.  
11 Дала жўякларига сув тараб,  
Кесакларини Ўзинг текислайсан.  
Тупроғини ёмғир билан юмшатиб,  
Униб-ўсувига барака берасан.  
12 Йилнинг мўл-кўлчилиги таъминланар,  
Сенинг изларингдан фаровонлик келар.  
13 Чўлдаги ўтзорлар ҳам сувга қониб,  
Тепаликлар шодлик тусига бурканар.  
14 Яйловларга чорва ёйилар,  
Водийларда буғдой тўлғанар.  
Улар бари севинчдан ўйноқлаб,  
Тантана билан куйлайдилар.

#### Ибодатни эшитган Худони куйлаш

**65** Эй бутун ер юзи,  
Худо шаънига тантана қилинг!  
2 Унинг улуғ исмини куйланг,  
Шон-шуҳратини юксалтиринг!  
3 Худого айтингиз-ким:  
Сенинг ишларинг қандай қўрқинчли!  
Қудратинг буюклиги туфайли,  
Душманларинг Сенга бўйин эгарлар.  
4 Бутун дунё Сенга сажда қилсин,  
Сени тараннум этсин, исмингни куйласин!  
*САЛОТ*  
5 Келинг-да, Худо яратганларини кўринглар!  
У бани-инсонга не-не мудҳиш ишлар кўрсатди!  
6 У денгизни қуруқликка айлантирди,  
Бани-Исроилни баҳрдан пиёда ўтказди;  
Шул кез биз Ундан чоғ бўлдик.  
7 У Ўз қудрати билан абадий ҳукм сурар,  
Кўзлари халқларга диққат билан боқар,  
Исёнчилар эса қад кўтармас асло!  
*САЛОТ*  
8 Эй халқлар, Худойимизга санолар ўқинг,  
Унга таҳсин-тасаннолар ёғдиринг!  
9 Бизнинг жонимизни Ўзи барҳаёт сақлаган,  
Оёғимизнинг тойиб кетишига йўл бермаган.

10 Сен бизни синаб кўрдинг, Эй Худо,  
Кумушни тозалалагандай бизни тозоладинг.  
11 Бизларни тўрга илинтириб,  
Белимизга оғир юк қўйдинг.  
12 Инсонни бошимизга миндирдинг,  
Бизни ўтга ҳам, сувга ҳам итқитдинг,  
Тағин бизни фаровонликка эриштирддинг.  
13 Мен Сенинг уйингга бориб,  
Қурбонликлар келтириб бераман,  
Атаган назр-ниёзларимни бажо этаман.  
14 Қайғули кунларимда ўз оғзим билан  
Бу ҳақда Сенга ваъда берган эдим.  
15 Сенинг шаънингга кўчқорни сўяман,  
Думба мойини куйдириб тутатаман,  
Буқалару такаларни бағишлайман.

*САЛОТ*

16 Келингиз, тинглангиз, Эй сиз,  
Барча Худодан кўрқадиганлар!  
Жоним учун У нелар қилганини ҳикоя этайин.  
17 Ўз оғзим билан Уни чақирар эдим,  
Тилдан қўймас эдим ҳамду саносин.  
18 Дилимда терслик бўлсайди гар,  
Раббим мени тингламас эди.  
19 Ҳолбуки Худо менга қулоқ солди,  
Дуою ибодатларим ижобат бўлди.  
20 Худо ибодатимни рад этмади,  
Дариг тутмади мендан иноятин.  
Унга шон-шарафлар бўлсин!

#### Барча халқлар Худого шукр қилсин

**66** Эй Худо,  
Бизга меҳрибон бўл, дуо қилгин бизни,  
Мунаввар юзингни устимизга порлатгин!

*САЛОТ*

3 Ер юзи бўйлаб роҳинг маълум бўлсин,  
Барча халқлар билиб олсин нажотинг!  
4 Эй Худо, халқлар Сенга шукр қилсин,  
Барча халқлар Сенга шукрона айтсин.  
5 Эллер бари севиниб тараннум этсин.  
Элатларни Сен адолат ила ҳукм этасан,  
Ер юзидаги қавомларга йўл кўрсатасан.

*САЛОТ*

6 Эй Худо, халқлар Сенга шукр қилсин,  
Барча халқлар Сенга шукрона айтсин.  
7 Мана, ер ўз ҳосилини берди,  
Худо, бизнинг Худойимиз бизни дуо қилди.  
8 Ҳа, Худо бизни доим дуо қилсин, токи  
Ер юзининг тўрт бурчаги Ундан кўрқсин!

#### Музаффар Худого қаратилган мадҳия

**67** Худо кўтарилсин, ёвлари тўзисин,  
Ғанимлари Унинг олдидан қочиб кетсин!  
3 Сен уларни тутундай тарқатиб юбор!  
Оташда мум қандай эриб кетса,  
Фосиқлар Худо олдидан шундай йўқ бўлсин!  
4 Солиҳлар бўлса севинсинлар,  
Худо ҳузурида шодиёна қилсинлар,

Кувонч билан тараннум этсинлар!  
<sup>5</sup> Қани, Худога куйлар айтинг,  
 Унинг исмини тараннум этинг!  
 Булут Чавандозини юксалтиринг!\*  
 Унинг номи – Худованддир,  
 Хурсандчилик қилинг ҳузурида!  
<sup>6</sup> Худо Ўзининг муқаддас маконидадир,  
 У етим-есирларнинг Отасидир,  
 Тул аёлларнинг Ҳимоячисидир.  
<sup>7</sup> Худо ёлғизларга уй-жой беради,  
 Занжирбандларни озодликка чиқаради;  
 Исёнкорлар эса қуруқ чўлда қолаверадилар.  
<sup>8</sup> Эй Худо,  
 Сен Ўз халқинг олдига чиқаётганинда,  
 Биёбонда кезиб қадам отаётганинда,  
<sup>9</sup> Худо олдида, Исроилнинг Тангриси олдида  
 Ер ларзага келди, Синай\* тоғи тебранди,  
 Ҳатто фалак ҳам эриб сел бўлди.  
<sup>10</sup> Сен диёрингга барака ёмғирини ёғдирдинг,  
 Тетикладинг-да ҳолдан кетганда, эй Худо.  
<sup>11</sup> Уматинг у диёрда истиқомат қилганда,  
 Бечораҳолларга Ўз неъматингни ҳозирладинг, эй  
 Худо!  
<sup>12</sup> Раббано эълон қилмоқда,  
 Мужда келтираётган қизлар – улкан қўшин:  
<sup>13</sup> «Саркардаю шоҳлар тўздай тўзғиб кетяпти,  
 Уйда қолган аёллар ўлжани тақсимлашяпти».  
<sup>14</sup> Наҳот сиз қўралар\* аро ётаверасиз?  
 Каптарнинг\* қанотлари кумуш ила қопланган,  
 Парлари ялтироқ олтин каби товланар.  
<sup>15</sup> Жаббор диёридан шоҳларни тўзитганда,  
 Зулмон тоғини қор ёғиб босди.  
<sup>16</sup> Башан тоғи – Худонинг тоғи,  
 Башан тоғи – юксак тоғдир.  
<sup>17</sup> Худо маконим деб танлаган Сион тоғига  
 Нечун сиз ғилай қарайсиз, юксак чўққилар?  
 Мана, Худованд унда абадий давр сурар!  
<sup>18</sup> Худонинг жанг аробалари минг-мингу лак-лак,  
 Улар ичра Раббимиз Ўзи келяпти;  
 У муқаддас макони – Синай тоғидадир.  
<sup>19</sup> Сен юксакликка чиқиб, асирларни асир олдинг,  
 Инсонлар аро ҳадялар қабул қилдинг,  
 Токи ҳатто осий бандалар ҳам  
 Сендан паноҳ топсин, ёху Худовандо!  
<sup>20</sup> Ҳар куни Раббимизни олқишланг!  
 Худо бизга оғирлик қўйса-да,  
 Бизни Ўзи халос қилади.  
<sup>21</sup> Худо биз учун Халоскор Тангридир,  
 Қодир Раббимиз қўлидадир ўлимдан нажот.  
<sup>22</sup> Худонинг Ўзи ёвнинг бошини эзиб ташлар,  
 Гуноҳи билан гердайиб юрган сочли каллани  
 мажақ қилар.  
<sup>23</sup> «Башандан қайтараман, – деди Раббано, –  
 Денгиз тубидан қайтараман сени.  
<sup>24</sup> Оёғингни ёвнинг қонига булагайсан,  
 Итларинг ҳам қон ялаб-ялаб тўйгай!»

САЛОТ

САЛОТ

<sup>25</sup> Улар Сенинг тантанавор юришларингни,  
 Ё Худоё, эй Тангрим, эй Подшоҳим,  
 Сенинг муқаддас маконга чиқишингни кўрдилар.  
<sup>26</sup> Олдинда хонандалар, орқада созандалар,  
 Ўртада чилдирмачи қизлар юришарди.  
<sup>27</sup> Эй сизлар, Исроил уруғи бўлганлар,  
 Йиғинларда Худойи Таолога санолар ўқинг!  
<sup>28</sup> Мана кенжа Бенямин уларнинг йўлбошчиси,  
 Улар аро тумонат Яҳудо амирлари бор,  
 Завулун ва Нафтоли\* беклари ҳам ҳозир эди.  
<sup>29</sup> Худойинг сенга куч атаб қўйган.  
 Бизга яратганингни амалда кўрсат, ё Худоё!  
<sup>30</sup> Қуддус тепасидаги маъбадингдан бошлаб  
 Подшоҳлар Сенга ҳадя келтирадилар.  
<sup>31</sup> Қамишзорда\* яшовчи ёввойи ҳайвонни,  
 Халқлар бузоқлари ичидаги буқалар галасини  
 чўчитгин!  
 Кумуш ёмбилари ила ясаниб елиб бораётган  
 Жанговар халқларни Ўзинг тўзитиб юборгил!  
<sup>32</sup> Мисрдан ҳудайчилар келади,  
 Ҳабашлар Худога қўл чўзади.  
<sup>33</sup> Эй ер юзи султонликлари, Худони куйланг,  
 Раббимиз шаънига хониш айланг!

САЛОТ

<sup>34</sup> Осмону фалак юксаклигига минган,  
 Азалий самовотдан тушган Чавандозни куйланг!  
 Мана, У Ўз овозига куч бериб хитоб қилар.  
<sup>35</sup> Худонинг қудратига тан беринглар!  
 Унинг салобати Исроилнинг устидадир,  
 Куч-қудрати эса булутларда намоёндыр.  
<sup>36</sup> Худо Ўзининг муқаддас маконида ваҳималидир,  
 У Исроилнинг Тангрисидир,  
 Ўз халқига қувват ва ғалаба бахш этар.  
 Худони олқишланг!

### Маъюснинг фиғони

**68** Қутқаргин мени, эй Худо!  
 Сувлар ҳалқумимга қадар етди.  
<sup>3</sup> Чуқур ботқоқликка ботганман,  
 Оёқ қўядиган жойим йўқ.  
 Тубсиз гирдоб оғушида қолдим,  
 Сел мени олиб кета ёзди.  
<sup>4</sup> Мен фарёд қилавериб чарчадим,  
 Томоғим қуриб кетди,  
 Худони кутиб кўзим нури сўнди.  
<sup>5</sup> Мендан ноҳақ нафратланаётганлар  
 Бошимдаги сочлардан ҳам кўп бўлди-ку!  
 Менга беҳуда хусумат қилаётганлар жуда зўр,  
 Улар мени хомуш қилмоқчилар.  
 Мен ҳеч на олмаган бўлсам ҳам,  
 Қайтариб беришга мажбур этиптилар.  
<sup>6</sup> Эй Худо, ақлсизлигимни Ўзинг биласан,  
 Айбдорлигимни Сендан яширмайман.  
<sup>7</sup> Ё Раббий, Сарвари коинот,  
 Сенга умид қилганлар уятга қолмасин,  
 Мен сабабли, эй Исроил Худоси,  
 Таваккал қилувчилар бўлмасин хижолат!  
<sup>8</sup> Мен Сен деб ҳақоратга чидаяпман,

Хижолатдан юзим шувут.  
 9 Ака-укамга, ўз онаминг ўғилларига  
 Ғарибу бегона бўлиб қолдим.  
 10 Сенинг уйингга бўлган рашким  
 Менинг ичимни кемиряпти.  
 Сени таҳқир қилувчиларнинг ҳақорати  
 Менинг бошимга тушди.  
 11 Йиғлаб, рўза тутиб жонимни қийнасам,  
 Бу ҳам ҳақорат саналди менга.  
 12 Қанорни\* ўзимга уст-бош қилганимда,  
 Улар учун афсона бўлдим.  
 13 Шаҳар киришида ўтирганлар оғзига тушдим,  
 Майхўрлар таронасига ҳадаф бўлдим.  
 14 Эй Худованд, Сен лутф қилган чоғинг  
 Ибодатимни Сенга йўллаيمان,  
 Эй Худо, Сенинг иноятинг беҳад экан,  
 Менга қатъий нажот юборгин!  
 15 Мени балчиқдан чиқариб қўй, ботиб кетмайин!  
 Мендан нафратланаётган одамлардан,  
 Чуқур сувлардан халос бўлайин!  
 16 Сел сувлари мени олиб кетмасин,  
 Тубсиз чуқурлик мени ютмасин,  
 Қудуқ оғзи устимдан ёпилмасин!  
 17 Менга кулоқ бергин, эй Худованд!  
 Сенинг лутфу караминг беқиёс,  
 Раҳмдиллигинг эса беҳисоб экан,  
 Менга эътибор бергин!  
 18 Юз ўгирма қулингдан,  
 Кулфатдаман, менга тез жавоб бергин!  
 19 Яқинроқ келиб, жонимни халос қилгин,  
 Менга нажот бер, душманларим уялсин!  
 20 Бошимга не-не ҳақоратлар тушди,  
 Қанчалик расвою шармисор бўлдим, Ўзинг  
 биласан!  
 Ёвларимнинг ҳаммаси Сенинг кўз ўнгингга.  
 21 Шармандалиқдан юрагим қон бўлди,  
 Ўлар ҳолатда дармонсизман.  
 Шафқат кутдим, аммо беҳуда;  
 Тасалли қидирдим, лекин топмадим.  
 22 Емагим учун менга заҳар бердилар,  
 Ташналигимда менга сирка ичирдилар.  
 23 Ўз дастурхонлари уларга қопқон бўлсин,  
 Ўз ҳамсуҳбатлари уларга тузоқ бўлсин!  
 24 Уларнинг кўз нури сўниб қолсин,  
 Беллари доим титрайдиган бўлсин!  
 25 Сен ғазабингни уларнинг бошига соч,  
 Қаҳрингга дучор қил уларни!  
 26 Уларнинг маскани хувиллаб қолсин,  
 Чодирларида тирик жон қолмасин!  
 27 Сендан жафо чекканларни улар қувади,  
 Сен яралаган одамларнинг ярасини эса  
 Қайта-қайта ковлайдилар.  
 28 Уларнинг гуноҳига гуноҳ қўшгин,  
 Уларни мутлақо оқламагин!  
 29 Ҳаёт китобидан ўчирилсинлар,  
 Солиҳлар билан бирга ёзилмасинлар!  
 30 Мен-ку бечораман, азобдаман;  
 Эй Худо, Ўз нажотинг ила мени тиклагин!

31 Қўшиғимда Худонинг номини шарафлайман,  
 Шукроналар билан Уни улуғлайман.  
 32 Ана шу ҳар қандай туёқли, шохли буқадан  
 Ёки хўкиздан кўра Худовандга мақбул келади.  
 33 Ҳақирлар буни кўриб севинадилар.  
 Эй, барча Худога интилаётганлар,  
 Сизнинг дилингизга яна жон кирсин!  
 34 Худованд бечоралар фиғонини эшитар,  
 Асир тушган Ўз азизларини хор қилмас.  
 35 Ер ҳам, кўк ҳам, денгизлар ҳам,  
 Унда қайнайдиган бор махлуқотлар ҳам  
 Худога ҳамду санолар айтишсин!  
 36 Зеро Худо Сионга нажот юбориб,  
 Яхудо шаҳарларини ободон қилажак.  
 Улар диёрни эгаллаб, тинч яшашажак.  
 37 Худо қулларининг насли унга ўрнашажак,  
 Худо номини севгучилар унда ҳузур топажак.

### Душман қўлидан қутулиш учун илтижо

69 Ё Худоё Худовандо, ёрдам бергин,  
 Мени халос қилмоққа шошилгин!  
 3 Жонимга қасд қилганлар шарманда бўлсин,  
 Юзлари шувут бўлсин!  
 Менга ёмонликни истаганлар орқага қайтиб,  
 Расвои олам бўлсинлар!  
 4 Менга: «Эҳе, эҳа!» – деганлар  
 Шармандалиқдан паришон бўлсинлар!  
 5 Барча Сени қидирувчилар қувониб,  
 Сендан хурсанд бўлсинлар!  
 Сенинг нажотингни орзу қилганлар:  
 «Худо улуғдир!» – десинлар мудом.  
 6 Мен эрсам, бечора ва фақирман,  
 Эй Худо, менга тез келгин!  
 Сенсан ёрдамчим ва Қутқарувчим,  
 Кеч қолмагин, эй Худованд!

### Қариганда Худодан ёрдам сўраш

70 Эй Худованд, Сени паноҳ тортиб келаман,  
 Абадий шарманда бўлмайин!  
 2 Адолатинг хотири учун менга нажот бергин,  
 Қулоғингни мен томонга тутгин,  
 Токи кулфатдан қочиб халос бўлайин!  
 3 Сен мен учун суянар қоя бўлгин,  
 Доим қочиб беркинар жойим бўлгин!  
 Мени қутқармоққа амр бергансан-ку,  
 Якка Ўзингсан менинг суянчиғим, кўрғоним!  
 4 Эй Худойим,  
 Қутқар мени фосиқ одамлардан,  
 Нопоку тажовузкорлар панжасидан!  
 5 Менинг умидим Сенсан-ку, ё Раббий,  
 Ёшлигимдан бери ишончимсан, эй Худованд!  
 6 Туғилганимдан буёқ Сенга суянганман,  
 Онам қорнидан Ўзинг ёруғ дунёга чиқардинг,  
 Сени қанчалар мадҳ қилсам оздир.  
 7 Мен кўплар назарида ажиб бўлиб қолдим,  
 Илло Сен менинг қудратли паноҳимсан.  
 8 Савлатинг кун бўйи кўз ўнгимда менинг,

Ҳамду санойинг тушмас тилимдан менинг.  
 9 Қариган чоғимда мени ташлаб кетма,  
 Қувватим битганда мени тарк этма!  
 10 Душманларим менга қарши тил биркитмоқда,  
 Ўзаро кенгашиб, жонимга қасд қилмоқдалар.  
 11 «Худо уни ташлаб қўйган, деяптилар,  
 Қувиб етиб тутинглар уни,  
 Уни қутқарадиган қолмабди-ку».  
 12 Эй Худо, мендан узоқлашма,  
 Менга ёрдам бермоққа шошгин, эй Худойим!  
 13 Жоним душманлари шарманда бўлсин,  
 йўқолсин!  
 Менга ёмонликни раво кўрганлар уялсин,  
 Расвои олам бўлсинлар!  
 14 Менга қолса, доим Сенга умид боғлайман,  
 Сенга мақтовларни оширавераман.  
 15 Сенинг адолатингни кун сайин ҳикоя этаман,  
 Наботкорлигингни тилдан қўймайман мутлақо.  
 Синоатларингни қанча баён этсам оздир!  
 16 Мен Раббининг куч-қудратига суяниб бораман,  
 Сенинг ҳақиқатингдан бўлак ҳеч на тилга  
 олмасман, эй Худованд.  
 17 Ёшлигимданоқ Ўзинг мени ўргатгансан, эй Худо,  
 Ҳозирга қадар мўъжизаларингни хабарлаб  
 юраман.  
 18 Эй Худо, мен қартайганимда ҳам,  
 Сочимга оқ тушганда ҳам мени тарк этма,  
 Токи шу наслга Сенинг қудратингни баён этай,  
 Келажак авлодга эса ботирлигингни эълон этай!  
 19 Эй Худо, осмондай юксакдир адолатинг,  
 Сен улуғ ишлар бажаргансан.  
 Сен каби ким бор, эй Худо?  
 20 Сен мени кўп ёмон фалокатларга йўлиқтирдинг,  
 Энди қайта жонлантиргин мени!  
 Ернинг қаъридан қайтариб чиқаргин мени!  
 21 Мени яна юксалтириб, таскин бергин!  
 22 Эй Худо, Сенга шукрлар дейман,  
 Сенинг садоқатингни чангда куйлайман,  
 Ғижжак чалиб Сени куйлайман,  
 Эй Исроилнинг муқаддас Тангриси!  
 23 Мен Сени тараннум этавераман,  
 Лаб-даҳаним Сени куйлайверсин,  
 Сен қутқарган жоним ҳам куйласин.  
 24 Адолатингни тилдан қўймасман асло.  
 Менга ёмонлик истаганларни қаранг,  
 Улар шармандаю, юзлари шувут бўлди!

#### Улуғ Подшоҳнинг тинчлик ҳукмронлиги

**71** Эй Худо,  
 Подшоҳга Ўз ҳаққониятингни ато қилгин,  
 Шаҳзодага Сенинг адолатинг ёр бўлсин!  
 2 У Сенинг халқингни ҳаққоният билан,  
 Фақирларингни инсоф ила ҳукм этсин.  
 3 Токи тоғлардан элга осойишталик,  
 Тепалардан адолат оқиб келсин.  
 4 У элнинг фақирларини ҳимоя қилсин,  
 Ғариб-ғураболарни халос этсин,  
 Золимни эса эзиб ташласин!

5 Қуёш балқиб, ой чиқиб тургунча,  
 Барча насллар сендан кўрққайлар.  
 6 Ути ўрилган майсазорга тушувчи ёмғир каби,  
 Тупроқни суғорадиган кўк томчилари сингари  
 Шоҳ диёрга баракат келтиргай.  
 7 У ҳукм сурган айёмда солиҳ яшнагай,  
 Ой йўқ бўлгунча тинчлик-осойиш бўлгай.  
 8 Денгиздан денгизга қадар,  
 Дарёдан\* то ер четларигача У ҳукм сургай.  
 9 Чўл халқи Унинг олдида эгилажак,  
 Душманлари тупроқни ялаяжак!  
 10 Таршиш\* ва ороллар шоҳлари Унга бож  
 келтиражак,  
 Шабо ва Сабо\* шоҳлари Унга ҳадя беражак.  
 11 Ҳамма подшоҳлар Унга сажда қилажак,  
 Барча миллатлар Унга хизмат қилажак.  
 12 Зеро У додлаб юрган фақирни,  
 Ҳомийси йўқ қашшоқни қутқарур.  
 13 Бечораю мискинларга раҳмдиллик кўрсатур,  
 Фақирларнинг жонига ора кирур.  
 14 Ҳийлагар ва зўравондан уларни озод қилур,  
 Назарида уларнинг қони жуда қадрли бўлур.  
 15 У узоқ яшасин!  
 Унга Шабо олтинидан берилсин!  
 Доимо У учун дуо қилгайлар,  
 Кундан-кун Уни олқагайлар!  
 16 Ўлка бўйлаб буғдой ҳосили мўл бўлгай,  
 Лубнон ўрмонларидай бўлгай ҳосили,  
 Тоғу тепа бошларида ҳилпиллагай.  
 Шаҳар аҳли эса ердаги майса каби чечак отгай.  
 17 Шоҳимиз номи мангуликка туражак,  
 Қуёш тургунча донғи ошажак.  
 Барча халқлар У орқали барака топажак,  
 Ҳамма эллар Уни муборакбод этажаклар.  
 18 Мўъжизавий ишларни ёлғиз Ўзи бажарувчи  
 Исроилнинг Тангриси, Худойи Таолони  
 олқишланг!  
 19 Унинг улуғвор исмига абадий офаринлар  
 бўлсин,  
 Бутун ер юзи Унинг шуҳрати билан тўлсин!  
 Омин! Омин!  
 20 Ишай ўғли Довуднинг ибодатлари шу билан  
 тугади.

#### Солиҳ билан фосиқнинг қисмати

**72** Исроилга, ҳа, барча дили покларга  
 Худо доим ҳимматлидир.  
 2 Менинг эса оёқларим қоқила ёзиб,  
 Товонларим тойишига оз қолган эди.  
 3 Мен фосиқлар соғломлигини кўрдим,  
 Мақтанчоқлар ҳолига ғашим келди.  
 4 Улар ўлгундек изтироб чекмайди,  
 Танлари эса соппа-соғломдир.  
 5 Уларда халқ дарди йўқ,  
 Бошқа одамлардай балога йўлиқмайдилар.  
 6 Гарданларига мағрурлик мунчоғин тақиб,  
 Зўравонлик либосига безанганлар.  
 7 Кўзлари семизликдан қисилиб қолган,



Кўнгилларидаги хаёллар дайдиб юради.  
<sup>8</sup> Мазах билан, кек сақлаб гапирадилар,  
 Кибр ҳам, жабр ҳам тушмас тилларидан.  
<sup>9</sup> Оғизларини кўкка кўтарганлар,  
 Забонлари эса ерда судралмоқда.  
<sup>10</sup> Ҳатто Худо халқи улар томон юз бурмоқда,  
 Уларда сув кўп экан, ичган қонар экан.  
<sup>11</sup> «Тангри қаердан билади?  
 Таолода билим бормикан?» – дейдилар.  
<sup>12</sup> Ана шундайдир бетавфиқлар,  
 Бу дунёда роҳат-фароғатдадирлар,  
 Давлатлари тобора ошиб боради.  
<sup>13</sup> Мен бекорга пок сақлабман юрагим,  
 Ҳалол кўлим-ла ишламоғим беҳуда экан!  
<sup>14</sup> Мен ҳар куни кулфатга йўлиқаман,  
 Субҳдан-субҳга адабимни еяпман-ку!  
<sup>15</sup> Агарда шундай сўзлайман, деганимда,  
 Сенинг ўғилларинг наслига хоинлик қилар эдим.  
<sup>16</sup> Буни қандай тушуниш керак деб ўйлаганимда,  
 Бу менга оворагарчиликдай туюлди –  
<sup>17</sup> То Тангрининг азиз маконига кириб,  
 Уларнинг хотимасини тушуниб олгунимча..!  
<sup>18</sup> Ҳа, Сен уларни тойғоқ ерларга қўйдинг,  
 Бехосдан туби йўқ жарликка улоқтирарсан.  
<sup>19</sup> Улар ногаҳон донг қотиб қолар,  
 Даҳшатдан супурилиб, барҳам топар.  
<sup>20</sup> Уйғонганда туш қандай эсдан учиб кетса,  
 Сен, ё Раббий, уларни шундай уйғотиб,  
 Бемаъни хаёлларини барбод қиласан.  
<sup>21</sup> Менинг юрагим қайнаб турганда,  
 Жон-танним азобда қолганда,  
<sup>22</sup> Мен нодон ва жоҳил бўлиб қолдим,  
 Сенинг олдинда ҳайвон каби эдим.  
<sup>23</sup> Бироқ мен доим Сен биланман,  
 Сен менинг ўнг қўлимдан тутиб турасан.  
<sup>24</sup> Маслаҳатинг ила менга йўл кўрсатиб,  
 Охирида мени шараф ила қабул қиласан.  
<sup>25</sup> Осмонда кимим бор Сендан бўлак?  
 Ерда ҳам Сендан ўзгасини истамайман.  
<sup>26</sup> Баданим, юрагим ҳолдан кетмоқда,  
 Илло Худо абадий дилим суянчиғидир,  
 Эзгулик қисматим Унинг Ўзидир.  
<sup>27</sup> Мана, Сендан узоқда қолганлар йўқолур,  
 Сенга хоинлик қилган ҳар бир кишини нобуд  
 этасан.  
<sup>28</sup> Лекин мен учун Худога яқинлашмоқ яхшидир.  
 Унинг барча ишларини тарғиб қилай дейман,  
 Худойи Таолони ўзим учун паноҳ биламан.

### Маъбадни хароб қилганлардан нолиш

**73** Эй Худо, Сен нечун бизни абадий рад қилдинг?  
 Нега Ўз яйловинг қўйларига қарши қаҳринг ўт олди?  
<sup>2</sup> Қадимдан соҳиб бўлган умматингни эслагин,  
 Ўз халқим деб қўлга киритган миллатни,  
 Масканим деб танлаган Сион тоғини аягил!

<sup>3</sup> Шу бепоён харобага қараб одим отиб  
 боравергин:  
 Душман маъбадинга қанчалик вайронагарчилик  
 келтирган!  
<sup>4</sup> Азиз маконинг ўртасида ёвларинг наъра тортиб,  
 Туғ деб ўз санжоқларини ўрнатдилар.  
<sup>5</sup> Улар худди дарахтга болта ургандек,  
 Сенинг азиз маконингни болталаб ташладилар.  
<sup>6</sup> Маъбаднинг ҳамма ёғоч безакларини  
 Болтаю табарлар-ла чопиб ташладилар.  
<sup>7</sup> Маъбадингни оташга бердилар,  
 Исминг ўрин олган азиз жойни ҳаромладилар.  
<sup>8</sup> «Уларни батамом вайрон қиламиз!»  
 – деб кўнгилдан кечирдилар,  
 Мамлакатдаги барча Худо уйларини кулга  
 айлантирдилар.  
<sup>9</sup> Илоҳий аломатни тополмай қолдик,  
 Наби-анбиё ҳам қолмади бизда,  
 Ҳеч ким билмайди, қачонгача...  
<sup>10</sup> Эй Худо, қачонгача ғаним ҳақорат этади?  
 Душман исмингни абадий сўкармикан?  
<sup>11</sup> Нечун кўлингни, кучли ўнг кўлингни чўзмай  
 турасан?  
 Кўлтигиндан кўлингни чиқар-да, йўқ қил уларни!  
<sup>12</sup> Эй Худо, Сен қадимданоқ менинг Подшоҳимсан,  
 Замин бўйлаб нажотлар юборгучи Худосан.  
<sup>13</sup> Сен қудратинг билан денгизни ёриб,  
 Аждаҳо бошларини сувда яксон қилгансан.  
<sup>14</sup> Ҳа, Левятан\* бошларини тилка-пора қилиб,  
 Уни чўл аҳлига емиш учун ташлагансан.  
<sup>15</sup> Янги чашмалару анҳорларни юзага келтириб,  
 Доим оқиб келган дарёларни қуритиб  
 юборгансан.  
<sup>16</sup> Кундуз Сеники, кеча ҳам Сеникидир,  
 Ёғдуни, куёш нуруни Сен бунёд этгансан.  
<sup>17</sup> Барча ер чеккаларини ўрнатган Сенсан,  
 Ёзу қишни таъсис этган Ўзингсан.  
<sup>18</sup> Шуни эслагин, эй Худованд,  
 Душман Сени ҳақорат қилди,  
 Олчоқ бир қавм Сенинг исмингни сўқди.  
<sup>19</sup> Каптаринг жонини ёввойи ҳайвонларга берма,  
 Бечораларинг ҳаётини абадий унутма!  
<sup>20</sup> Ўз аҳд-паймонингга эътибор бергин,  
 Зеро диёримизнинг қоронғу жойлари  
 Зўравонлик ўчоқлари билан тўлиб кетган.  
<sup>21</sup> Ҳақиру мазлум шармандаларча тисланмасин,  
 Бечораю камбағал яна исмингга санолар ўқисин!  
<sup>22</sup> Тургин, эй Худо, Ўз ғоянгни ҳимоя қилгин!  
 Кун бўйи ёғаётган разиллар ҳақоратини инобатга  
 олгин!  
<sup>23</sup> Душманларингнинг товушини эшитмай  
 қолмагин,  
 Исёнчилар ғулғуласи тўхтовсиз юксалиб боряпти-  
 ку!

### Солиҳнинг юксалиши ҳақида дуо

**74** Сенга шукрлар деймиз, эй Худо,  
 Шукрлар деймиз, чунки Сенинг исминг яқин,

Бунга Ўз ажойиботинг гувоҳдир.

<sup>3</sup> «Мен белгилаган вақтнинг ўзида  
Тўғрилик билан ҳукм чиқараман.

<sup>4</sup> Ер ва ундаги борлиқ жон қалтираганда,  
Унинг устунларини Ўзим ўрнида тутаман».

САЛОТ

<sup>5</sup> Манманчиларга дейман: Манманлик қилманг!

Мугузингизни кўтармангиз, эй фосиқлар!

<sup>6</sup> Кўкка кўтармангиз мугузларинг,  
Кеккайиб гапирманг-да ғоз юриб!

<sup>7</sup> Зотан на Шарқдан, на Ғарбдан,  
На чўллардан одамга юксаклик келур.

<sup>8</sup> Ҳокими мутлақ фақат Худодир,  
Бировни ерга урар, бировни юксалтирур.

<sup>9</sup> Мана, Худованднинг қўлида коса бор,  
Унда шароб кўпириб қайнар;

Шу косадан У қуяр-да,  
Заминдаги жами бетавфиқларга ичирар,  
Улар ичиб-ичиб, қуйқасини ҳам ялаб чиқар.

<sup>10</sup> Шуни мен абадий хабар қиламан,  
Ёқубнинг Худосига тараннум этаман.

<sup>11</sup> Фосиқларнинг ҳамма шохлари қирқилгуси,  
Солиҳлар мугузи эса юксалиб боргуси.

#### Худонинг адолатли ҳукмини куйлаш

**75** Яхудо юртида Худо маълумдир,  
Исроилда Унинг номи буюқдир.

<sup>3</sup> Салимда\* Унинг макони бўлган,  
Сионни Ўзига маскан қилиб олган.

<sup>4</sup> Ўша ерда У ловуллаган ўқларни синдириб,  
Қалқону, шамширу жанг яроғларин  
Яксон қилган эди.

САЛОТ

<sup>5</sup> Сендан нур ёғилиб туради,  
Ваҳший тоғлардан ҳам баҳайбатсан.

<sup>6</sup> Дили ботирлар ўлжа бўлиб,  
Ўлим уйқусига йўлиқдилар;  
Эрларнинг ҳеч бири қўлига мадор тополмади.

<sup>7</sup> Эй Ёқуб Худоси, Сенинг танбеҳингдан  
Арава ҳам, от ҳам карахт бўлиб кетди.

<sup>8</sup> Сен, ҳа Сен – даҳшатлисан;  
Ғазабинг келганда олдинда ким тура олар?

<sup>9</sup> Осмондан ҳукмингни билдирганингда,  
Ер қўрқиб, сукутга чўмди.

<sup>10</sup> Эй Худо, Сен ҳукм этмоққа турганингда,  
Ердаги барча мазлумларга қутулиш умиди келди.

САЛОТ

<sup>11</sup> Инсонлар қаҳри Сенга ҳамду саного айланади,  
Қолган ғазабни эса Сен бўйсундирасан.

<sup>12</sup> Раббингиз Худовандга назр атаб,  
Уни бажо келтиринглар!

Эй, барча Унинг атрофида бўлганлар,  
Даҳшатли Худога ҳадя келтиринглар!

<sup>13</sup> У амирлар руҳини бўйсундирур,  
У дунё подшоҳлари учун қўрқинчлидур.

#### Худованд Ўз халқини ташлаб кетмас

**76** Овозим борича Худога фарёд қиламан,  
Овозим Худога етиб боради,  
У қулоқ солади менга.

<sup>3</sup> Оғир кунимда Раббимга илтижо қиламан,  
Тун бўйи қўлимни узатиб, туширмайман,  
Жоним эса тасаллини рад қилади.

<sup>4</sup> Худони эслаб, титраяпман,  
Андиша қилиб, жоним ҳолдан тоймоқда.

САЛОТ

<sup>5</sup> Сен кўз юмишимга йўл бермаяпсан,  
Юрагим сиқилиб, сўзлай олмайман.

<sup>6</sup> Мен эски кунларни,  
Ўтган даврларни ўйламоқдаман.

<sup>7</sup> Кечалари чалган оҳангларимни эслаб,  
Ўз қалбим ила суҳбат қиламан,  
Руҳим сўраб-суриштирмоқда:

<sup>8</sup> Наҳотки Раббимиз абадий ташлаб қўяр,  
Бошқа ҳеч қачон лутф-карам қилмас бизга?

<sup>9</sup> Наҳотки Унинг инояти тамоман адо бўлган,  
Келгуси насларга яна ваҳий келмас бўлса?

<sup>10</sup> Наҳотки Тангри шафқат қилишни унутган,  
Раҳмдиллик манбаини ғазаби тўсиб қўйган бўлса?

САЛОТ

<sup>11</sup> Таолонинг ўнг қўли ўзгаргани –  
Бу менинг дардимнинг боиси, дедим.

<sup>12</sup> Мен Худованднинг ишларини хотирлайман,  
У азалдан яратган барча мўъжизаларини  
эслайман.

<sup>13</sup> Сенинг бутун амалларинг ҳақида фикр юргизиб,  
Кўрсатган ажойиботингни чуқур ўйлайман.

<sup>14</sup> Эй Худо, Сенинг йўлинг муқаддасдир,  
Худомиздан улуғ илоҳ ким экан?

<sup>15</sup> Мўъжизакор Тангри фақат Сенсан,  
Халқлар аро қудратингни билдиргансан.

<sup>16</sup> Ўз халқингни кучли қўлинг-ла озод этиб,  
Ёқуб ва Юсуф ўғилларини қутқаргансан.

САЛОТ

<sup>17</sup> Сувлар Сени кўрди, эй Худо,  
Сувлар Сени кўрди-да кўрди,  
Тубсиз уммонлар ларзага келди.

<sup>18</sup> Булутлар ёмғирин қуйди,  
Самода момақалдироқ гумбурлади,  
Ўқларинг тўрт томонга учиб кетди.

<sup>19</sup> Довул ичидан чақмоғинг гумбурлади,  
Барқларинг дунёни ёритиб юборди,  
Ер юзи қалтираб остин-устин бўлди.

<sup>20</sup> Сенинг йўлларинг денгиздан ўтди,  
Роҳларинг азамат сувлардан кечди.  
Изларинг эса – номаълумдир.

<sup>21</sup> Мусо ва Ҳорун қўли билан Сен  
Халқингни сурув каби етаклаб бординг.

#### Садоқатсиз халқ, садоқатли Худо

**77** Эй халқим, Қонунимга диққат этинг,  
Оғзимдан чиққан ўғитларни тингланг!

<sup>2</sup> Масал айтмоқ-чун оғиз очаман,  
Азалий сирларни баён этаман.

<sup>3</sup> Эшитган ҳамда билганларимизни,

Ота-боболаримиз бизга айтганларини  
<sup>4</sup> Ўз ўғил-набираларимиздан яширмайлик,  
 Келажак наслга ҳам хабар этайлик  
 Худованднинг шон-шуҳратию буюк қудратин,  
 Унинг кўрсатган барча мўъжизаларин.  
<sup>5</sup> У Бани-Ёқуб учун низом ўрнатган,  
 Исроил ўғилларига Тавротни йўллаган.  
 Ўғилларингизга уларни ўргатинг деб,  
 Ота-боболаримизга буни амр этган-ким,  
<sup>6</sup> Келгуси насл, туғилажак ўғиллар ҳам билсин,  
 Улар эса ўз даврида ўз ўғилларига ўргатсин.  
<sup>7</sup> Токи улар Худога умид боғласинлар,  
 Тангри яратган ажойиботни унутмасинлар,  
 Амр-фармонларига эса амал қилсинлар.  
<sup>8</sup> Зинҳор, ота-боболаримиз каби ўжар ва исёнкор,  
 Юраги тош, Худога садоқатсиз насл бўлмасинлар.  
<sup>9</sup> Ўқ-ёй билан қуролланган Эфраим\* ўғиллари  
 Жанг кунда орақага қайтдилар.  
<sup>10</sup> Улар Худо буюрган аҳдни тутмадилар,  
 У юборган Таврот йўлидан юрмоқ истамадилар.  
<sup>11</sup> Унинг ажойиботини эсдан чиқариб,  
 Кўрсатган мўъжизаларини унутдилар.  
<sup>12</sup> Миср диёрида, Сўъан даштида  
 Уларнинг ота-боболари олдида  
 Худо мўъжизалар кўрсатган эди:  
<sup>13</sup> Денгизни ёриб, ўртасидан уларни ўтказди,  
 Сувларни бир девор каби қилиб қўйди.  
<sup>14</sup> Кундузи булут билан уларни етаклар,  
 Тунлари эса оташ ёруғи ила йўл кўрсатар эди.  
<sup>15</sup> Улар учун чўл-биёбонда қояларни ёриб,  
 Катта гирдобдай сув чиқариб берди.  
<sup>16</sup> У қоялардан оқизган сувлар  
 Улкан дарёга айланиб қолди.  
<sup>17</sup> Аммо улар гуноҳ қилишда давом этиб,  
 Саҳрода Худойи Таолони ғазаблантирдилар.  
<sup>18</sup> Нафсларига қараб овқат талаб қилиб,  
 Кўнгилларида Тангрини синаб кўрдилар.  
<sup>19</sup> Худога қарши сўзлаб, шундай дедилар:  
 «Тангри чўлда дастурхон ёзолармикан?  
<sup>20</sup> Дарвоқе, У қояни ёриб сув чиқазган,  
 Шунда селдай сувлар оққан эди.  
 Аммо наҳот халқига нон ҳам берар,  
 Гўшт ҳам ҳозирлай билар экан?»  
<sup>21</sup> Худованд буларни эшитиб ғазабланди,  
 Бани-Ёқубга ўт-сув бўлди,  
 Исроилга қарши жаҳлга минди.  
<sup>22</sup> Чунки улар Худога инонмадилар,  
 Тан бермадилар-да нажоткорлигига.  
<sup>23</sup> Шунга қарамай, У юқоридан булутларга амр  
 этди,  
 Осмон қопқаларини очиб юборди.  
<sup>24</sup> Емоқ учун уларга манна\* ёғдирди,  
 Ҳа, самовий ғалла берди уларга.  
<sup>25</sup> Одамзод фаришталар нонини еди,  
 Уларга тўйгунча озуқа юборди.  
<sup>26</sup> Қўк юзидан У шарқ шамолини қўзғатди,  
 Қудрати билан жануб елини эстирди.  
<sup>27</sup> Уларнинг устига тўзондек гўшт ёғдирди,

Денгиздаги қумдай қуш-парранда шай қилди.  
<sup>28</sup> Улар манзилининг ўртасигаёқ,  
 Чодирлари атрофигача буларни ёғдирди.  
<sup>29</sup> Улар қорни тўйгунча еб-ичишди,  
 Нафслари қонгунча, уларга берди.  
<sup>30</sup> Ҳануз иштаҳалари узилмаган,  
 Луқмалари ҳамон оғизларида экан,  
<sup>31</sup> Уларга қарши Худо қаҳри келди,  
 У Исроил йигитларини қирди,  
 Энг бақувватларини ўлдирди.  
<sup>32</sup> Шунга қарамай, улар яна гуноҳ қилдилар,  
 Худованднинг мўъжизаларига инонмадилар.  
<sup>33</sup> У уларнинг кунини оворагарчиликда,  
 Умр йилларини даҳшат ичида битирди.  
<sup>34</sup> Тангри уларни ўлдираётганда улар ўгирилиб,  
 Тонгданоқ Унинг ҳузурига югуришар эди.  
<sup>35</sup> Худо уларнинг нажот қояси бўлганини,  
 Худойи Таоло уларни қутқариб келганини  
 эслардилар.  
<sup>36</sup> Лек оғизлари-ла Унга хушомад қилар,  
 Тиллари-ла Унга ёлғон сўзлардилар.  
<sup>37</sup> Унинг олдида юраклари қийшайган эди,  
 Буюрган аҳдига бевафолик қилдилар.  
<sup>38</sup> Шунга қарамай, У раҳмдиллик кўрсатди,  
 Гуноҳларидан ўтиб уларни ҳалок этмади.  
 Неча марталаб қаҳрини улардан қайтариб,  
 Бутун ғазабини бирдан тўкмади.  
<sup>39</sup> У билар эдики, улар ўткинчи махлуқдир,  
 Чиқиб кетиб, қайтиб келмас нафасгинадир.  
<sup>40</sup> Неча марталаб чўлда Унинг ғашини  
 келтирдилар,  
 Дашт-биёбонда Уни ғазаблантирдилар!  
<sup>41</sup> Улар Худони қайта-қайта синадилар,  
 Исроилнинг муқаддас Тангрисини ранжитдилар.  
<sup>42</sup> Улар Унинг қудратли қўлини,  
 Уларни жабр-зулмдан қутқарган кунини,  
<sup>43</sup> Унинг Мисрда кўрсатган ажойиботини,  
 Сўъан даштида кўргазган ғаройиботини эсдан  
 чиқардилар.  
<sup>44</sup> Худо Нил дарёсини қонга айлантирди,  
 Мисрликлар сув ичолмай қолди.  
<sup>45</sup> Уларни чаксин дея ҳашарот галасини юборди,  
 Қириб битирсин дея қурбақаларни йўллади.  
<sup>46</sup> Уларнинг ҳосилини чигирткага берди,  
 Меҳнатлари самарасини қуртларга едирди.  
<sup>47</sup> Узумзорларига дўл ёғдирди,  
 Тут-анжирларини ях билан хароб этди.  
<sup>48</sup> Ҳайвонларини дўлга дучор қилди,  
 Подаларини барқ оташига берди.  
<sup>49</sup> Уларга қарши қаҳр-ғазоби ўт олди,  
 Бошларига жаҳл, зуғум, балолар келтирди,  
 Талай қирувчи малакларни ҳам юборди.  
<sup>50</sup> Тангри Ўз ғазабига йўл очди-ю,  
 Ўлимдан сақламади уларнинг жонини,  
 Вабою қирғинга топширди молларини.  
<sup>51</sup> Мисрда ҳар бир тўнғич фарзандни урди,  
 Ҳом\* чодирларидаги бор эркаклик ғурурини  
 йўқотди.

52 Худо Ўз халқини қўйлар каби ҳайдаб чиқарди,  
 Чўлда уларни сурув каби етаклаб борди.  
 53 Уларни бехатар бошлаб борди, улар қўрқмади,  
 Душманлари эса денгизга кўмилди.  
 54 Уларни Ўзининг муқаддас ўлкаси худудига,  
 Ўнг қўли эгаллаган бу тоққа келтирди.  
 55 Ўз олдидан эл-элатларни қувиб чиқарди,  
 Исроил авлодларига у ерни мерос қилиб берди,  
 Уларни ёвнинг чодирларида жойлаштирди.  
 56 Улар эса ҳали ҳам Худойи Таолони синаб, хафа  
 қилардилар,  
 Низом-қоидаларига риоя этмасдилар.  
 57 Оталари каби орқага қайтиб хоинлик қилдилар,  
 Ўқи адашган камон каби эгри кетдилар.  
 58 Тепадаги санамларга топиниб Уни хафа  
 қилдилар,  
 Уйма бутларга сажда қилиб рашкини кўзғатдилар.  
 59 Худо буни эшитиб ғазабга минди,  
 Исроилдан жуда қаттиқ аччиқланди.  
 60 Одамзод ичра У олган Ўз ўрнини,  
 Шилўда\* қурган масканини ташлаб қўйди.  
 61 Ўз шону шавкатин асирликка мубтало қилди,  
 Душманлар қўлига берди Ўз шарафин.  
 62 Ўз халқини қиличга топширди,  
 Ўз мулкидан ғазаби келди Худонинг.  
 63 Уларнинг йигитларини ўт ёқиб битирди,  
 Қизлари никоҳ қўшиқларини айтмай қолди.  
 64 Руҳонийлари қиличдан ўтказилди,  
 Тул хотинлари йиғлаёлмади қолди.  
 65 Ўша вақт Раббим уйқудан турган каби,  
 Шаробдан кайф қилган ботирдай уйғонди.  
 66 Душманларига зарба бериб орқага қайтарди,  
 Уларни абадий шармандаликка дучор қилди.  
 67 Худо Юсуф қавминини рад этган,  
 Эфраим наслини тан олмаган бўлса-да,  
 68 Лекин Яхудо авлодини танлаб олди,  
 Ўзи севган Сион тоғини сайлади.\*  
 69 Ўзининг азиз маконини фалак каби яратди,  
 Ер куррасидай мангу ўрнатди уни.  
 70 Худо Ўз қули Довудни танлаб,  
 Уни қўй қўраларидан олиб чиқди.  
 71 Ўзининг халқи бўлган Бани-Ёқубни,  
 Ўзига айириб олган Исроилни бошқармоқ учун,  
 Довудни мол боқувчиликдан озод қилиб  
 юксалтирди.  
 72 У эса дил софлиги ила уларга чўпон бўлди,  
 Маҳоратли қўллари-ла уларга бошчилик қилди.

### Қуддус ноласи

**78** Ёт халқлар Сенинг диёрингни босиб олди,  
 Муқаддас маъбадингни мурдор қилдилар,  
 Қуддусни харобага айлантдилар, эй Худо.  
 2 Қулларинг жасадини ем учун кўк қушларига,  
 Азизларинг этини дашт ҳайвонларига бердилар.  
 3 Қуддус атрофида уларнинг қонини сувдек тўкиб,  
 Уларни кўмадиган бирор киши ҳам  
 қолдирмадилар.

4 Қўшниларибиз кўзи олдида расвои жаҳон  
 бўлдик,  
 Атрофдагиларга кулги ва масхара бўлдик.  
 5 Эй Худованд,  
 Қачонгача тўхтовсиз ғазаб сочасан?  
 Қачонгача рашкинг оташдай ёнаверади?  
 6 Сени танимайдиган миллатлар устига,  
 Исмингни тилга олмайдиган ўлкалар узра  
 Қаҳрингни тўкиб ташлагин!  
 7 Улар Ёқубнинг бошини еб ютдилар,  
 Унинг юртини талон-тарож қилдилар.  
 8 Оталаримизнинг гуноҳларини бизга эслатма,  
 Дарров раҳм-шафқатингни биз томон йўлла!  
 Чунки биз жуда ҳам хўрландик.  
 9 Эй, нажоткор Худомиз!  
 Исминг ҳурмати учун бизга ёрдам бергин,  
 Ўз номинг хоотири учун бизни қутқаргин,  
 Гуноҳларимиздан кечиб юборгин!  
 10 Нима учун ёт халқлар:  
 «Уларнинг Худоси қаерда?» – десин?  
 Қулларингнинг тўкилган қонлари бадалига  
 Халқлардан ўч олгин, кўзларимиз кўрсин!  
 11 Маҳбуслар ноласи Сенга етсин!  
 Ўлимга маҳкум бўлган одамзодни  
 Буюк қудратинг билан асрагин!  
 12 Ё Раббий,  
 Қўшниларибиз Сенга қилган ҳақоратларини  
 Етти марта кўпайтириб ўз бағрига қайтаргин!  
 13 Мана бизлар – Сенинг халқингиз,  
 Сенинг яйловинг қўйларимиз!  
 Сенга абадий шукрона айтамыз,  
 Наслдан-наслга мақтовингни ошираверамиз.

### Исроилни қайта тиклаш учун муножот

**79** Эй Исроилнинг Чўпони, бизни тинглагин!  
 Зухур этгин, эй, Юсуфни сурувдай  
 бошқарган,  
 Малаклар устида тахт қурган Худо!  
 3 Эфраим, Беньямин, Манаше авлодлари олдида  
 Ўз қудратингни намоён қилгин,  
 Бизни қутқаришга келгин!  
 4 Эй Худо, бизни асл ҳолимизга келтиргин,  
 Мунаввар юзингни кўрсатгин,  
 Бизлар нажот топайлик!  
 5 Эй Худованд, Сарвари коинот,  
 Қачонгача халқинг ибодатига дарғазаб бўласан?  
 6 Сен бизга кўз ёши билан нон едирдинг,  
 Коса-коса кўз ёши ичирдинг.  
 7 Қўшниларибизнинг биз билан талашувига сабаб  
 бўлдинг,  
 Душманларимиз бари мазах қилмоқдалар.  
 8 Эй Худо, Сарвари коинот,  
 Бизларни асл ҳолимизга келтиргин,  
 Мунаввар юзингни кўрсатгин,  
 Бизлар нажот топайлик!  
 9 Мисрдан ток новдасини келтирдинг,  
 Халқларни қувиб уни ўтқаздинг.  
 10 У учун ер тайёрлаган эдинг,

У чуқур илдиз ёйиб мамлакатни қоплади.  
 11 Ҳатто тоғлар ҳам унинг сояси остида қолди,  
 Тангри дарахтларидайди унинг тармоқлари.  
 12 Унинг бутуқлари денгизга қадар,  
 Шохлари эса Фрот дарёсигача ёйилган эди.  
 13 Энди нега Сен унинг ихоталарини буздинг?  
 Ўтган-кетган унинг унумини юлиб ташламоқда.  
 14 Ўрмон тўнғизлари унинг илдизини емирмоқда,  
 Ёвон жониворлари новдасини ғажиб ташламоқда.  
 15 Эй Худо, Сарвари коинот,  
 Бизга қайтиб келгин, ахир!  
 Осмондан боқиб паноҳ бергин,  
 Шу токнинг аҳволини кўриб кетгин!  
 16 Ўз қўлинг билан ўтқазган кўчатни,  
 Ўзинг учун ўстирган ўғлонни асрагин!  
 17 Мана, уни чопиб, оташда ёндириптилар,  
 Улар Сенинг танбеҳ-ғазабингдан йўқ бўлсин!  
 18 Ўнг томонингга раво кўрган мард узра,  
 Ўзинг учун ўстирган инсон ўғли узра қўлинг  
 бўлсин!  
 19 Биз энди Сендан юз ўгирмаймиз,  
 Жонимизга Ўзинг жон бўлгин,  
 Токи Сенинг номингни чақириб юрайлик.  
 20 Эй Худованд, Сарвари коинот,  
 Бизларни асл ҳолимизга келтиргин,  
 Мунаввар юзингни кўрсатгин,  
 Бизлар нажот топайлик!

Исроилни қутқарган Худога ҳамду сано

**80** Қувватимиз – Худони тараннум этинг,  
 Ёқуб Худосига шодланиб хитоб қилинг!

3 Хониш қилинг, чилдирма чалинг,  
 Хушовоз ёйжак ила чанг чертинг!  
 4 Янги ойда, белгиланган вақтда,  
 Байрам кунимизда бурғу чалинг!  
 5 Чунки бу Исроилнинг қонунидир,  
 Ёқуб Худосининг фармонидир.  
 6 Худо Миср ерига қарши чиққанда,  
 Мен тушунмайдиган бир тил эшитдим,  
 У шуни Юсуфга низом қилиб берди:  
 7 «Унинг елкасидаги юкини енгиллаштирдим,  
 Қуллик бўйинтуруғидан озод этдим қўлин.  
 8 Мусибат кунни фиғон кўтарганингда,  
 Мен сенга нажот йўлладим,  
 Гулдуросли булут ичидан сенга жавоб бердим,  
 Исёнгоҳ\* сувлари бўйида сени синадим».

САЛОТ

9 «Тингла, халқим, сени жиддий огоҳлантираман,  
 Эй Исроил, кошки Менга қулоқ солсанг!  
 10 Орангда бошқа тангри бўлмасин,  
 Ўзга эл худосига бош эгмагин!  
 11 Миср диёридан сени олиб чиққан Раббинг,  
 Худованд – Узимдирман.  
 Оғзингни катта оч, Мен уни тўлдирарман».  
 12 «Бироқ халқим гапимга қулоқ солмади,  
 Исроил Менга бўйсунмоқ истамади.  
 13 Мен уларни ўжарликлари бўйича қолдирдим,  
 Майли ўз хаёллари билан борсинлар, дея».

14 «Қани эди халқим Менга қулоқ солса эди,  
 Исроил Менинг йўлларимдан юрса эди!  
 15 Душманларини бир онда мағлуб қилар эдим,  
 Жабр этувчилари узра қўлимни босар эдим.  
 16 Худобезорлар унга лаганбардорлик қилар,  
 Унинг эзгу қисмати эса мангу бўлар эди.  
 17 Сенга буғдойнинг аълосини едирар эдим,  
 Қоядан асал оқизиб сени тўйдирар эдим».

АСАФ САНОСИ.

**81** Худо илоҳий мажлисда туриб,  
 Илоҳийлар\* орасида ҳукмини юритди.  
 2 Қачонгача сиз ноҳақ ҳукм қиласизлар,  
 Фосиқ одамларга юз-хотир қиласизлар?

САЛОТ

3 Қашшоқ ва етимнинг даъвосини қилинг,  
 Бечораю камбағалга инсоф кўрсатинг!  
 4 Дармонсизу фақирни халос қилинг,  
 Фосиқлар қўлидан озод этинг уларни!  
 5 Улар билмасдан ва англамасдан зулматда  
 кезмоқда,  
 Ҳатто ернинг негизлари ларзон урмоқда.  
 6 «Мен айтдим: Сизлар худоларсиз,  
 Ҳаммангиз ҳам Таолонинг ўғилларисиз.  
 7 Шунга қарамай, инсон каби ўласизлар,  
 Ҳар қандай раис каби йиқиласизлар».  
 8 Тургин, эй Худо, ер юзини ҳукм этгин!  
 Барча халқларнинг Соҳиби Сенсан-ку!

Исроилнинг душмани – Худонинг душмани

**82** Эй Худо, индамай турмагин,  
 Жим бўлма, сукутда қолма, эй Тангрим!

3 Мана Сенинг душманларинг тўполон қилмоқда,  
 Худобезорлар бош кўтармоқдалар.  
 4 Сенинг халқингга суиқасд қилмоқдалар,  
 Ўз ҳимояннга олганларингга қарши  
 Муғомбирона кенгаш ўтказмоқдалар.  
 5 «Юринглар, уларни миллат сифатида йўқ  
 қилайлик,  
 Исроил номи бошқа эсга олинмасин!» –  
 деяптилар.  
 6 Улар бир жон, бир дил бўлиб,  
 Сенга қарши иттифоқ туздилар.  
 7 Мана, Эдом ва Исмоил чодирлари,  
 Бани-Мўов ва ҳажрийлар,  
 8 Жабал, Аммон ва Омолеқ ўғиллари,  
 Филистийлар ҳамда Тир аҳолиси,  
 9 Ҳатто Ассирия ҳам уларга қўшилиб,  
 Лут ўғилларини қўллаб-қувватлаган.

САЛОТ

10 Сен Қишўн дарасида мидёнликларни,  
 Шохлари Сисаро ва Ёбинни тўнтарган эдинг,  
 Энди худди шундай уларни тўнтариб юборгин!  
 11 Улар-ку Айн-Дўрда поймол бўлган эдилар,  
 Ҳа, ер учун гўннга айланган эдилар.  
 12 Ўриб ва Заибга қандай муомала қилган бўлсанг,

Ўзларию улуғларига худди шундай муомала қилгин;  
Беклари Завоҳ ва Салмунога қандай қилган бўлсанг,  
Уларнинг жами саркардаларини ҳам шу кўйга солгин!

<sup>13</sup> «Худо ўтлоқларини ўзимизга мулк қилиб оламиз!»

– деб айтишган эди-ку улар.

<sup>14</sup> Эй Худойим, уларни қуондаги тўзондай, Уярмадаги сомон каби учириб юборгин!

<sup>15</sup> Алангада ўрмон ёнгани каби,

Олов тоғларни куйдиргани каби,

<sup>16</sup> Сен бўрон чақириб уларни ҳайдаб ташла, Бошларига тўфон келтириб даҳшатга солгин!

<sup>17</sup> Сенинг номингга рижо этишлари учун

Уларнинг юзини шувут қилгин, эй Худованд!

<sup>18</sup> Улар абадий шармандаю саросима бўлсин, Расвои жаҳон бўлсинлар, йўқолсинлар!

<sup>19</sup> Билсинларки, Сенинг исминг – Худованд, Бутун дунёда энг олий ёлғиз Сенсан.

#### Худованд ҳузурини соғиниш

**83** Эй Худованд, Сарвари коинот, Сенинг масканларинг қандай азиздир!  
<sup>3</sup> Худованд ҳузурини\* соғиниб кўнглим адо бўлди, Жону таним барҳаёт Тангрини тараннум этади.

<sup>4</sup> Мана, қушча ҳам ўзига қўнолға топган, Қалдирғоч палапонларим учун жой топай дея, Сенинг қурбонгоҳларинг аро уясин қурган, Эй Худованд, эй Сарвари коинот, Менинг Подшоҳим ва Худойим!

<sup>5</sup> Сенинг уйингда манзил топганлар бахтлидир! Улар тинимсиз Сенга ҳамду сано айтадилар.

САЛОТ

<sup>6</sup> Дил сўқмоқлари Сен томон бурилган, Сени қувватим деб билган одамлар бахтли!

<sup>7</sup> Ҳасрат водийсидан ўтар эканлар, Уни чашмазорга айлантирадилар, Барака ёмғирлари эса унумини оширар.

<sup>8</sup> Улар қадам босган сари кучаявериб, Сионда Худонинг ҳузурида ҳозир бўладилар.

<sup>9</sup> Эй Худойи Таоло, Сарвари коинот, Ибодатимни тинглагин!

Қулоқ солгин, эй Ёқуб Худоси!

САЛОТ

<sup>10</sup> Эй Худо, бизнинг Ҳимоячимиз, Танлаган Подшоҳингга илтифот-ла қарагин!

<sup>11</sup> Маъбадинг ҳовлисида ўтган бир кун Бошқа минг кундан афзалдир, Фосиқлар чодирда яшагандан кўра, Худойим уйи эшигида турганим яхшидир.

<sup>12</sup> Худованди карим қуёш ва қалқондир, Иноят ва иззат бахш этади Худованд; Тўғри юрганлардан дариғ тутмас неъматин.

<sup>13</sup> Эй Худованд, Сарвари коинот, Бахтлидир Сенга умид боғлаган инсон!

#### Худованднинг лутфига муҳтож халқ

**84** Эй Худованд, Сен Ўз диёрингга илтифот кўрсатиб, Бани-Ёқубни асоратдан қайтаргансан.  
<sup>3</sup> Халқингнинг гуноҳидан ўтиб, Барча айбларини кечиргансан.

САЛОТ

<sup>4</sup> Бутун ғазабингни қўйнингга солиб, Ловуллаб ёнаётган қаҳрингдан тушгансан.

<sup>5</sup> Эй, нажоткоримиз Худо!

Яна бизни асл ҳолимизга келтиргин, Бизга қарши жаҳлингга барҳам бер!

<sup>6</sup> Наҳот бизга абадий ғазабланиб, Авлодларча қаҳрингни сочаверасан?

<sup>7</sup> Наҳот халқинг Сендан шодланмоғи-чун, Бизни қайтадан жонлантирмайсан?

<sup>8</sup> Эй Худованд, лутф-карамингни кўрсатиб, Бизларга нажот бергин!

<sup>9</sup> Тангри Таоло нелар сўзлаётир, Қулоқ солайин: У Ўз халқига, Ўзининг аҳли мўминига тинчликдан сўзлаётир, Токи улар яна тентакликка қайтмасинлар.

<sup>10</sup> Худотарслар нажоти жуда яқиндир, Диёримизда иззат-ҳурмат қарор топгай.

<sup>11</sup> Иноят ва ҳақиқат учрашгай, Адолат ва тинчлик ўпишгай.

<sup>12</sup> Ҳақиқат ердан униб чиққай, Адолат эса кўкдан ёққай.

<sup>13</sup> Худованд баракатин бергай, Диёримиз ҳосилин бергай.

<sup>14</sup> Адолат Унинг олдидан юргай, Қадамларини йўлга солгай.

#### Ташвишли кунда меҳрибонлик тилаш

**85** Қулоғингни мен томон тутиб, Жавоб бергин, эй Худованд; Чунки мен фақир ва мискинман.  
<sup>2</sup> Жонимни асрагин, негаки художўйман. Сенга умид қилган қулингга қутқаргин, э Худойим!

<sup>3</sup> Менга меҳрибон бўл, эй Худованд, Мен ҳар кун Сенга ёлвормоқдаман.

<sup>4</sup> Қулингнинг кўнглини севинтиргин, Сенга, ё Раб, кўнгил боғлаганман.

<sup>5</sup> Сен мурувватли ва кечиримлисан, эй Худованд, Барча Сени чақирганларга караминг чексиздир.

<sup>6</sup> Менинг ибодатимга қулоқ солгин, Ҳасратли овозимни эшит, эй Худованд!

<sup>7</sup> Мусибат кунида Сени чақираман, Чунки Сен менга жавоб берасан.

<sup>8</sup> Худолар орасида Сенга ўхшаши йўқ, Ишларингнинг тенги ҳам йўқ, эй Худованд.

<sup>9</sup> Сен яратган барча халқлар келиб, Сенинг ҳузурингда сажда қиладилар, Исмингни шарафлайдилар, эй Худованд.

<sup>10</sup> Зеро Сен жуда буюксан,

Мўъжизаларни пайдо қиласан.

Ёлғиз Сен – Худосан.

11 Ўз йўлингни менга ўргатгин, эй Худованд,  
Токи ҳақиқат сўқмоғингда юраин,  
Исмингдан қўрқмоқ-чун юрагим бутун бўлсин!  
12 Ё Раббим, чин юракдан Сенга шукр дейман,  
Абадий исмингни шарафлайман, ё Худойим!  
13 Сен менга буюк иноят кўрсатдинг,  
Тубандаги дўзахдан жонимни қутқардинг.  
14 Такаббур одамлар менга қарши кўтарилган,  
Ғаддорлар тўдаси жонимга қасд қилган, ё Худо,  
Улар Сени хаёлларига ҳам келтирмайди-ку!  
15 Аммо Сен менинг Раббимсан,  
Раҳмдил ва меҳрибон Тангримсан.  
Сен жуда узоқ сабрлисан,  
Иноятинг ва садоқатинг ҳам қўп.  
16 Мен томонга юз буриб, меҳрибон бўлгин!  
Шу қулингга қувват бергин,  
Канизагинг ўғлига нажот бергин!  
17 Бахтим учун бир аломат яратгин,  
Токи мендан нафратланганлар буни кўриб,  
Шарманда бўлсинлар!  
Ўзинг менинг ёрдамчимсан-ку, эй Худованд,  
Менга тасалли бериб келасан.

#### Сионнинг абадий шон-шарафи

**86** Пойдевори азиз тоғлардадир Сионнинг!  
2 Барча Ёқубнинг масканларидан кўра,  
Худованд севади Сион дарвозаларин.  
3 Сени зўр эҳтиром ила тилга олурлар,  
Эй Худонинг шаҳри!

4 Танишларим аро Миср\* ила Бобилни  
эслатурман,  
Филистия, Тир, Ҳабашистон ҳақида сўйлашиб:  
«Мана бу одам ўша ерда туғилган», – дерлар.  
5 Сионга эса шундай айтажаклар:  
«Ҳар бир киши ўша ерда туғилган,  
Худойи Таоло Ўзи уни мустаҳкамлаган».  
6 Худованд халқларни рўйхатга олган пайтда:  
«Фалон киши бу ерда туғилган», – деб ёзиб  
кўряжак.

САЛОТ

7 Хонандаю чолғучилар тараннум этишажак:  
Менинг барча манбаларим Сендадир, деб.

#### Ўлимга яқинлашганнинг илтижоси

**87** Эй Худованд, нажоткорим Худо,  
Кеча-кундуз Сенга нола қилиб тураман.  
3 Ибодатим олдингга етиб ижобат бўлсин,  
Фарёд-фиҒонимга қулоқ солгин!  
4 Чунки мусибатлардан жоним тўйган,  
Ўликлар диёрига яқинлашгандир ҳаётим.  
5 Гўрга кетаётганлар билан бир саналаман,  
Мадори қуриган одамдай бўлиб қолдим.  
6 Ўликлар орасига ташланганман,  
Қабрда ётган тиғ қурбонларидайман.

Сен уларни бошқа эсламайсан,

Улар йироқ тушган қўлингдан.

7 Сен мени чуқурлик тубига қўйдинг,  
Зулмат, зимзиё мағорага ташладинг.  
8 Ғазабинг устимга оғир юкдай чўқди,  
Мавжу селларинг ила мени эзиб қўйдинг.

САЛОТ

9 Танишларимдан мени узоқлаштирдинг,  
Уларни мендан жиркантирдинг;  
Қамалганман, чиқа билмайман.  
10 Азоб-уқубатдан кўзларим хиралашди,  
Ҳар кун Сени чорлайман, эй Худованд,  
Қўлларимни Сенга қарата чўзиб ётаман.  
11 Ўликларга мўъжиза кўрсатурмикансан?  
Мархумлар туриб Сенга шукр қилурмикан?

САЛОТ

12 Наҳотки қабрда Сенинг лутфу карамингни,  
Талафот диёрида ҳақиқатингни мақтасалар?  
13 Наҳотки зулматда, унутилганлар диёрида  
Сенинг ажойиб, одил ишларингни билсалар?  
14 Бироқ мен Сенга фарёд қиляпман, эй Худованд,  
Субхданоқ ибодатим Сени қаршилар.  
15 Эй Худованд, нега жонимни рад қилдинг?  
Не сабабдан мендан юз ўгирдинг?

16 Мен ғарибман, ёшлигимдан бошлаб  
сўнмоқдаман;  
Сенинг даҳшатларингни кўравериш ҳолдан  
тойдим.

17 Ғазабинг ўти устимдан ўтиб жонимни ўртади,  
Ваҳималаринг мени тамоман хазон қилди.  
18 Селдай бўлди-ку мени ўраб олганлар,  
Кун бўйи мени исканжага олмоқдалар.  
19 Маҳбубу дўстимни мендан йироқлаштирдинг,  
Танишим қоронғуликка кўмилиб қолди.

#### Худо Довуд билан қилган абадий аҳд

**88** Эй Худованд,  
Сенинг меҳр-иноятингни абадий куйлайман,  
Тилдан қўймасман ҳақиқатинг-да то абад.  
3 Иноятинг мангу асосланган, дедим,  
Садоқатинг фалакда мустаҳкамланган.  
4 Сен деган эдинг-ким:  
«Мен Ўз танлаганим ила аҳд тузганман,  
Қулим Довудга қасамёд қилганман:  
5 Сенинг зурриётингни абадийлаштираман,  
Тахтингни наслдан-наслга ўтказаман», деб.

САЛОТ

6 Эй Худованд, кўк Сенинг ажойиботингни  
куйласин,  
Малаклар\* жамоатида ҳақиқатингга тан  
берилсин!  
7 Осмону фалакда Худовандга тенги бормикан?  
Илоҳий зотлар\* ичра Худованд каби бормикан?  
8 Малаклар мажлисида Тангри бир ҳайбатлидир,  
Атрофидагиларнинг ҳаммаси учун қўрқинчлидир.  
9 Эй Худованд, Сарвари коинот,  
Сен каби қудратли кимдир?  
Садоқатинг бутун атрофни эгаллаган, эй Худованд!

<sup>10</sup> Денгиз мавж урганда, Сен ҳукмронсан,  
Тўлқинлари кўтарилганда, уларни Сен тинчитасан.

<sup>11</sup> Раҳаб\* билан жанг қилдингу тор-мор қилдинг,  
Кучли қўлинг-ла душманларингни тўзитиб  
юбординг.

<sup>12</sup> Осмон Сеники, ер ҳам Сеникидир,  
Дунё ва унинг борлиғини Сен бунёд этгансан.

<sup>13</sup> Шимол ва Жануб томонларни Сен яратгансан,  
Тобур ва Ҳермўн тоғлари исмингни куйлар.

<sup>14</sup> Сенинг қудрат-иқтидоринг мислсиздир,  
Сўл қўлинг кучли, ўнг қўлинг музаффардир.

<sup>15</sup> Тахтинг асоси адолат ва ҳаққониятдир,  
Иноят ва садоқат эса доим ҳузурингдадир.

<sup>16</sup> Эй Худованд, бахтлидир ундай халқки,  
Ғолибларча тантана қилишни билади,  
Сенинг юзинг нури билан юради!

<sup>17</sup> Исминг ила халқ кун сайин севинар,  
Адолатинг орқали эл юксалиб борар.

<sup>18</sup> Халқинг қувватию савлати фақат Сенсан,  
Сенинг розилигинг ила биз ғалаба қозонамиз.

<sup>19</sup> Бизнинг қалқонимиз ёлғиз Худованддир,  
Муқаддас Исроил Худосининг амридадир  
шоҳимиз.

<sup>20</sup> Қадимда Сен ўз азизингга ваҳий юбориб  
дегансан:

«Мен бир ботирга ёрдам йўлладим,  
Эл орасидан арзандамни юксалтирдим.

<sup>21</sup> Қулим Довудни топдим,  
Муқаддас мойим-ла уни суркадим.

<sup>22</sup> Қўлим абадий унга ёр бўлур,  
Ўзим унга куч-қувват бераман.

<sup>23</sup> Душман уни енгиб олмас,  
Муғомбир унга ситам бермас.

<sup>24</sup> Ёвларини унинг кўз ўнгида қулатаман,  
Ғанимларини ер билан яксон қиламан.

<sup>25</sup> Ўз садоқатим ва иноятим унга ёр бўлар,  
Менинг номим билан у ғалаба қучар.

<sup>26</sup> Унинг сўл қўлини денгиз узра,  
Ўнг қўлини эса наҳрлар узра қўяман».

<sup>27</sup> «У мени чақириб дейди-ким:  
Сен – менинг Отамсан,

Худойим, нажот топадиган қоямсан.

<sup>28</sup> Мен уни тўнғич ўғлим деб,  
Дунё подшоҳларидан юқори қўяман.

<sup>29</sup> У учун иноятимни абадий сақлайман,  
У билан аҳдим собит бўлгай.

<sup>30</sup> Унинг зурриётига мангу умр бериб,  
Тахтини кўк кунларидай давом эттираман».

<sup>31</sup> «Мабодо унинг ўғиллари Тавротимдан чиқиб,  
Қонунларим билан юрмасалар,

<sup>32</sup> Мабодо қонун-қоидаларимни бузиб,  
Амрларимга бўйсунмасалар,

<sup>33</sup> Унда Мен қонунбузарларни хивич ила,  
Ғуноҳқорларни яра-жароҳат ила жазолайман.

<sup>34</sup> Лекин ўзидан иноятимни дариф тутмай,  
Садоқатимни сира ўзгартирмайман.

<sup>35</sup> Тузган аҳдимни асло бузмай,  
Берган сўзимдан қайтмайман.

<sup>36</sup> Бир марта муқаддаслигим ҳақи онт ичиб,  
Довудга ёлғон сўзлармиканман?

<sup>37</sup> Унинг зурриёти абадий яшар,  
Тахти қаршимда қуёш каби турар.

<sup>38</sup> Кўк юзидаги барҳақ шоҳид – ой каби,  
У ҳам мангу собит турар», – деган эдинг.

САЛОТ

<sup>39</sup> Бироқ энди Сен дарғазаб бўлдинг,  
Танлаганингни қаҳр билан силтаб ташладинг.

<sup>40</sup> Қулинг билан қилган аҳдингни менсимай,  
Унинг тожини тупроққа қординг.

<sup>41</sup> Барча деворларини йиқитиб,  
Қасрларини вайронага айлантирдинг.

<sup>42</sup> Йўлдан ўтаётган барча уни таламоқда,  
Қўшнилари олдида у масхара бўлди.

<sup>43</sup> Ёвларининг қўлларини баланд қилдинг,  
Бутун душманларини севинтирдинг.

<sup>44</sup> Ҳатто қиличи учини қайтардинг,  
Жангда уни қўлламадинг.

<sup>45</sup> Унинг довуғини битирдинг,  
Тахтини эса ерга урдинг.

<sup>46</sup> Ёшлик кунларини қисқартирдинг,  
Юзи қаро қилдинг.

САЛОТ

<sup>47</sup> Қачонгача, эй Худованд..?

Ўзингни абадий яшираверасанми?  
Қачонгача ғазабинг оташ каби ёнар?

<sup>48</sup> Умрим нақадар қисқа экан, эсда тутгин!  
Қандай оворагарчилик учун яратгансан одам  
болаларин!

<sup>49</sup> Қандай эр борки, яшаб, ўлим юзи кўрмас экан,  
Ўликлар диёридан эса қутқарар экан жонин?

САЛОТ

<sup>50</sup> Довудга ичган онтингга садоқат кўрсатгин,  
Аввалги лутф-караминг қаерда қолди, ё Раббий?

<sup>51</sup> Қулинг қанчалик шарманда бўлганини,  
Бутун қудратли халқларнинг жабр-ситамини  
Қандай бағримда кўтариб юрганимни эсда тут, эй  
Худованд!

<sup>52</sup> Душманларинг қандай таҳқир этганларини,  
Танлаганингни изларини қандай таҳқир  
этганларини

Эсда тут, эй Худованд!

<sup>53</sup> Худовандга абадий шон-шарафлар бўлсин!  
Омин! Омин!

Худонинг абадийлиги, инсоннинг фонийлиги

**89** Ё Раббий,  
Сен барча насларимизга паноҳ эдинг.

<sup>3</sup> Тоғлар вужудга келмасидан олдин,  
Ер ва коинот бунёд бўлмасидан бурун,  
Азалдан ва илалабад Сен Тангрисан.

<sup>4</sup> Сен инсонни тупроққа қайтарасан,  
«Эй одам ўғиллари, қайтинглар!» – дейсан.

<sup>5</sup> Мана, Сенинг назарингда минг йил –  
Ўтиб кетган кечаги кун каби,  
Бир тун қоровуллиги қадардир.

<sup>6</sup> Одамларни селдай супуриб ташлайсан,



Улар уйку сингари ўтиб кетадилар,  
 Субҳда кўкариб чиққан ўтга ўхшайдилар.  
 Субҳда ўт кўкариб гул очар,  
 Оқшомда эса сўлиб, қуриб кетар.  
 7 Мана, Сенинг қаҳр-ғазабингдан  
 Биз ваҳималаниб, тугаб боряпмиз.  
 8 Сен гуноҳларимизни қаршингга келтирдинг,  
 Сирли ишларимизни юзинг нурига чиқариб  
 қўйдинг.  
 9 Бор кунларимиз Сенинг ғазабинг остида ўтди,  
 Йилларимизни оҳ билан бой бериб қўйдик.  
 10 Умримиз муддати етмиш йил экан,  
 Ёки бардамлик берса саксон йил экан,  
 Унинг чўққиси ҳам жафо ва заҳматдир.  
 Ҳаёт тезлик билан ўтар,  
 Мана, биз учиб кетамиз!  
 11 Ҳазабинг шиддатига кимнинг фаҳми етар?  
 Қаҳринг даҳшатини ким ўлчар экан?  
 12 Кунларимизни санашни бизга ўргатгин,  
 Токи доно қалб эгаси бўлайлик!  
 13 Қайтгин бизга, эй Худованд, қачонгача..?  
 Қулларингга раҳм айлагин!  
 14 Субҳда яна иноятинг ила бизни тўйдиргин,  
 Токи умримиз борича шод бўлиб куйлайлик.  
 15 Бизни ранжитган кунлар эвазига,  
 Балога йўлиқтирган йиллар эвазига  
 Бизни тағин севинтиргин!  
 16 Қулларингга улуг ишларингни кўрсатгин,  
 Қулларинг ўғилларига ҳам улуглигинг ошкор  
 бўлсин!  
 17 Ё Раббимиз Худо, марҳаматинг бизга ёр бўлсин,  
 Қўлларимизга Узинг барака ато этгин,  
 Қўл урган барча ишларимиз ўнгсин!

### Қодир Тангри соясида яшаш

**90** Кимки Худойи Таолонинг паноҳида яшар,  
 Қодир Тангри соясида ором топар экан,  
 2 У Худовандга айтади:  
 Ўзингсан бошпанам, қасрим менинг,  
 Умидим фақат Сенда, эй Худойим!  
 3 Худо сени овчи қопқонидан ҳам,  
 Вабо-қазодан ҳам халос етар.  
 4 У Ўз парлари билан сени ёпар,  
 Қанотлари остида бехатар бўласан;  
 Ҳақиқати сенга қалқон ва тўсиқ бўлар.  
 5 На тунги ваҳимадан қўрқасан,  
 На кундузи учаётган ўқдан,  
 6 На зулматда кезувчи вабодан,  
 На қиём чоғи қирувчи ўлатдан.  
 7 Сенинг ёнингда мингтаси йиқилиб,  
 Туман қулаб кетса-да ўнг ёфингда,  
 Бало-қазо сенга яқин йўламас.  
 8 Сен фақат кўзларинг билан боқиб,  
 Фосиқларга берилган жазони кўрасан.  
 9 Худовандни паноҳим деб билганинг учун,  
 Ҳақ Таолони кўрғоним деганинг учун,  
 10 Тушмас бошингга бирон-бир фалокат,  
 Йўламас чодирингга ҳам қандайдир ўлат.

11 У Ўз фаришталарига сен ҳақда амр этгай,  
 Токи бутун йўлларингда сени асрасинлар.  
 12 Улар сени қўлларига кўтариб кетар,  
 Оёғинг ҳам тошга қоқилиб кетмас.  
 13 Шер ва бўғма илон устидан босиб ўтасан,  
 Арслон ва аждарни эзиб ташлайсан.  
 14 «У Менга меҳр боғлагани-чун қутқазаман,  
 Номимни тан олгани-чун омон сақлайман.  
 15 У Мени чақирган чоғида жавоб бераман,  
 Қайғули кунда у билан бирга бўламан,  
 Уни халос этиб ҳурматга сазовор қиламан.  
 16 Узоқ умр бериб кўнглини тўйғазаман,  
 Нажоткорлигимни унга намоён қиламан».

### Худовандга шукр этмоқ яхшидир

**91** Қандай яхшидир Худовандга шукр этмоқ,  
 Сенинг исмингни куйламоқ, ё Рабби Таоло!  
 3 Субҳданоқ иноятингни хабарламоқ,  
 Кечалари эса садоқатингни тан олмоқ,  
 4 Ўн торли соз ва танбурда Сени куйлаб,  
 Ғижжақда ҳам оҳанг чалмоқ яхшидир.  
 5 Эй Худованд,  
 Ўз ижодларинг ила мени севинтирдинг,  
 Яратганларингдан қойил бўлиб куйлайман.  
 6 Ишларинг қандай буюқдир, эй Худованд,  
 Жуда терандир андишаларинг Сенинг!  
 7 Бефаҳм киши буни била олмас,  
 Нодон одам буни англаб етмас.  
 8 Бетавфиқларнинг ўт каби чечак отиши,  
 Ҳамма қонунсизларнинг яшнаб-гуллаши  
 Уларнинг абадий йўқ бўлиши учундир.  
 9 Лекин Сен, эй Худованд,  
 Абадулабад улугворсан!  
 10 Душманларингга қара, эй Худованд,  
 Мана, душманларинг йўқ бўладилар,  
 Барча қонунсизлар тарқалиб кетадилар!  
 11 Ёввойи буқа қандай шохини кўтариб юрса,  
 Сен бошимни шундай кўтариб юргизасан,  
 Мени ёғинг-ла суртиб жонимни киргизасан.  
 12 Ёвларим йиқилганини ўз кўзим-ла кўрдим,  
 Ўз қулоғим билан эшитдим фарёдини  
 Менга қарши қўл кўтарган ёвуз душманнинг.  
 13 Солиҳлар хурмо дарахти каби гуллаб-яшнар,  
 Лубнондаги кедр дарахтидек юксалиб кетар.  
 14 Худованднинг уйида ўтқазилган барчалар  
 Худойимиз ҳовлиларида яйраб-яшнайдилар.  
 15 Мўйсафидликда ҳам мўл мева берадилар,  
 Бардам ва ширадор бўладилар.  
 16 Худованднинг ҳақлигини хабар қиладилар,  
 Қоям Удир, Унда ноҳақлик йўқ, дейдилар.

### Худованд – маҳобатли Хукмрон

**92** Худованд салтанат сурмоқда;  
 Улугворлик билан кийингандир У,  
 Қудрат камарин боғлаб ясангандир Худованд.  
 Мана, дунё қарор топган, у тебранмас асло.  
 2 Сенинг тахтинг қадимдан мустаҳкамланган,

Сен азалий Ўшасан, эй Худо!

<sup>3</sup> Мана, дарёлар шовқини, эй Худованд,

Мана, дарёлар шовқини кўтарилди!

Наҳрлар шов-шуви жуда баландлади!

<sup>4</sup> Кўп сувларнинг шовқинидан кўра,

Азим денгиз долғаларидан кўра,

Юқоридаги Худованд жуда маҳобатлидир.

<sup>5</sup> Сенинг ваҳийларинг шак-шубҳасиздир,

Уйингга илалабад муқаддаслик ярашур,

Эй Худованд!

#### Худо дунёни одилона ҳукм этади

**93** Ё Худовандо, интиқомлар Тангриси!

Ё интиқомлар Тангриси, зухур этгин!

<sup>2</sup> Кўтарилгин, эй ерни Ҳукм қилувчи,

Мағрурларнинг жазосини бергин!

<sup>3</sup> Қачонгача бетавфиқлар, эй Худованд,

Қачонгача бетавфиқлар тантана қиладилар?

<sup>4</sup> Бадкирдорлар ҳаммаси оғзини катта очиб,  
Баландпарвоз гаплар-ла кеккайиб юрадилар.

<sup>5</sup> Эй Худованд, Сенинг халқингни тепкилаб,

Умматингга жабр-жафо бермоқдалар.

<sup>6</sup> Бева ва ғарибларни ўлдириб,

Етимларни нобуд қилмоқдалар,

<sup>7</sup> «Худованд кўрмас», – дея,

«Ёқуб Худоси билмас», – дея.

<sup>8</sup> Эй элнинг тентаклари, ақлга киринглар!

Қачон ҳушингизни йиғасиз, эй аҳмоқлар?

<sup>9</sup> Қулоқни ясаган эшитмайдими?

Кўзни яратган кўрмайдими?

<sup>10</sup> Наҳотки одам болаларига ақл ўргатувчи,

Халқларга танбеҳ берувчи Худо фош қилмаса?

<sup>11</sup> Худованд инсонларни биладими,

Уларнинг фикр-хаёлотлари беҳудадир.

<sup>12</sup> Ё Худоё, бахтлидир Ўзинг танбеҳ берадиган,

Қонунинг орқали ақл ўрганадиган киши!

<sup>13</sup> Уни ёмон кундан соғ-омон сақлайсан,

То фосиқ учун чуқур қазилмагунча...

<sup>14</sup> Худованд Ўз халқини тарк этмас,

Ўз умматин ташлаб қўймас мутлақо.

<sup>15</sup> Чунки ҳукм-фармон адолатга қайтажак,

Ҳамма покдиллар эса унинг пайдан бўлажак.

<sup>16</sup> Ёмон одамлар олдида ким мени ёқлайди?

Бадкирдорлар қаршисида ким мени оқлайди?

<sup>17</sup> Худованд ёрдамчим бўлмасайди гар,

Аллақачон жоним чиқар,

Сукунат диёрида ётар эдим.

<sup>18</sup> Оёғим қоқила ёзди, деганимда,

Лутфинг мени қўллади, эй Худованд.

<sup>19</sup> Ичимда қайғуларим тошиб борганида,

Таскинларингдан кўнглим қувончга тўлди.

<sup>20</sup> Қонундан қийшиқ ҳукмлар чиқарадиган

Инсофсиз қозиларга Сен шерик бўлармидинг?

<sup>21</sup> Улар-ку солиҳга қарши ҳужумга ёпирилиб,

Беғуноҳ қонни ерга қормоқчилар.

<sup>22</sup> Илло Худованд менинг истехкомимдир,

Ҳа, паноҳ топар қоямдир Худойим менинг.

<sup>23</sup> Уларнинг фосидлигини У ўз бошларига солар,

Ўз ёвузликлари билан уларни қириб ташлар;

Ҳа, бизнинг Раббимиз – Худованд

Ўзи уларни қириб ташлар.

#### Худого топиниш ва бўйсунушга ундов

**94** Келинглари, Худовандни куйлайлик,  
Нажотимиз Қоясини олқишлаб хитоб  
қилайлик!

<sup>2</sup> Унинг ҳузурига шукрона айтиб яқинлашайлик,  
Унга севинчли кўшиқлар-ла хитоб қилайлик!

<sup>3</sup> Чунки Худованд – улуғ Тангридир,  
Бутун худолар устидан буюк Подшоҳдир.

<sup>4</sup> Ернинг тубсиз қаъри Унинг қўлидадир,

Тоғлар чўққилари ҳам Унга қарамдир.

<sup>5</sup> Денгиз Уники, уни яратган Ўзидир,  
Қуруқликни ҳам Унинг қўллари бунёд этган.

<sup>6</sup> Келинглари, Унга юз тубан сажда қилайлик,

Парвардигоримиз олдида тиз чўкайлик!

<sup>7</sup> Чунки У бизнинг Худойимиздир,

Бизлар эса – Унинг яйловининг халқи,

Унинг қўли остидаги қўйлармиз.

Кошки бугун Унинг овозига қулоқ солсангиз!

<sup>8</sup> «Чўлда, исён ва синов\* кунда бўлгандай,

Яна юрагингизни тош қилманглар!

<sup>9</sup> Ўшанда оталарингиз Мени синов қилдилар,

Ишимни кўриб туриб, имтиҳон қилдилар.

<sup>10</sup> Қирқ йил бу наслдан безор бўлиб дедим:

Булар дилидан адашган бир қавмдир,

Менинг йўлларимга риоя қилмадилар.

<sup>11</sup> Мен ғазабланиб онт ичдимки,

Улар Менинг фароғат диёримга кирмас».

#### Худони бутун жаҳон куйласин

**95** Худовандга янги кўшиқ айтинг!  
Эй бутун ер юзи, Худовандни куйланг!

<sup>2</sup> Худовандни куйлаб, исмига санолар ўқинг,  
Нажоткорлигини кундан-кунга эълон қилинг!

<sup>3</sup> Шон-шуҳратини халқлар орасида хабарланг,  
Мўъжизаларини барча элларга билдиринг!

<sup>4</sup> Худованд бузруквордир,

У кўп мақтовга сазовордир;

Барча худолардан кўра Ундан кўрқмоқ керак.

<sup>5</sup> Чунки барча халқларнинг худолари – бут,

Худованд эса осмону фалакни яратгандир.

<sup>6</sup> Унинг ҳузурида – савлат ва маҳобат,

Азиз маконида эса қудрат ва ҳашаматдир.

<sup>7</sup> Эй халқ қабилалари, Худовандга тан беринг,

Унинг шуҳратию қудратига тан беринг!

<sup>8</sup> Худованднинг исми шарафига тан беринг,

Сийлов билан Унинг ҳузурига киринг!

<sup>9</sup> Муқаддас кўрқда Худовандга сажда қилинг,

Бутун ер юзи Унинг олдида титрасин!

<sup>10</sup> Халқлар орасида эълон қилинг:

Худованд – Ҳокими мутлақдир,

Дунё қарор топган, у тебранмас асло.

Халқларни У тўғрилиқ билан ҳукм этади.

<sup>11</sup> Осмон севинсин, ер хурсанд бўлсин,

Денгиз ва уни тўлдирган борлиқ жўш урсин!  
<sup>12</sup> Далалар ва улардаги борлиқ жон яйрасин,  
 Ўрмондаги бутун дарахтлар Худовандни куйласин!  
<sup>13</sup> Чунки мана, Худованд келади!  
 У келади-ю, ерни ҳукм этади;  
 У коинотни Ўз адолати билан,  
 Дунё халқларини ҳақиқати ила ҳукм этади.

#### Худованднинг қудрати ва салтанати

**96** Худованд Ҳокими мутлақдир.  
 Ер хурсанд бўлсин,  
 Бутун ороллар севинсин!  
<sup>2</sup> Булутлар ва зулумот Унинг атрофидадир,  
 Ҳаққоният ва адолат тахтининг асосидир.  
<sup>3</sup> Унинг олдида оташу олов югурар,  
 Атрофдаги душманларни куйдириб ташлар.  
<sup>4</sup> Унинг яшинлари дунёни ёрқин қилди,  
 Ер буни кўриб титрамоқда.  
<sup>5</sup> Худованд олдида,  
 Бутун ернинг Эгаси олдида  
 Тоғлар мумдай эриб кетмоқда.  
<sup>6</sup> Кўк Унинг адолатини эълон қилар,  
 Улуғворлигини барча халқлар кўрар.  
<sup>7</sup> Уялсин барча санамга бош эгувчилар,  
 Бутлари билан мақтаниб юрувчилар!  
 Ҳамма худолар Ҳаққа сажда этсинлар!  
<sup>8</sup> Эй Худованд, одил ҳукмларингни эшитгач,  
 Сион қувонди, Яҳудо қизлари шод бўлди.  
<sup>9</sup> Эй Худованд, бутун ер узра энг юксаги Сенсан,  
 Барча худоларга қараганда Сен жуда юқорисан.  
<sup>10</sup> Эй сизлар, Худовандни севганлар,  
 Ёвузликдан нафратланинг!  
 Азизларининг жонини У сақлар,  
 Бетавфиқлар қўлидан халос этар.  
<sup>11</sup> Солиҳлар йўлига нур сочилгай,  
 Дили тўғриларга хуррамлик насиб этгай.  
<sup>12</sup> Эй солиҳлар, Худованддан хурсанд бўлинг,  
 Муқаддаслигига тан бериб ҳамду сано қилинг!

#### Худовандни куйланг!

**97** Худовандга янги бир кўшиқ айтинг!  
 Чунки У мўъжизалар яратди,  
 Ўзининг ўнг қўли, муқаддас қўли  
 Унга зафар келтирди.  
<sup>2</sup> Худованд Ўз нажоткорлигини кўрсатди,  
 Халқлар ўнгида одил ҳукмини намоён қилди.  
<sup>3</sup> Исроил халқига бўлган инояту садоқатини  
 эслади,  
 Ернинг тўрт бурчи Худойимиз нажотини кўрди.  
<sup>4</sup> Эй бутун ер юзи, Худовандни олқишланг,  
 Қувнаб куй куйланг, чолғу чалинг!  
<sup>5</sup> Худованд шаънига ғижжак чалинг,  
 Ғижжак чалиб кўшиқлар айтинг!  
<sup>6</sup> Карнай ва сурнай товушлари билан  
 Подшоҳимиз Худовандни куйланг!  
<sup>7</sup> Денгиз ва ундаги барча мавжудот,  
 Дунё ва унда яшайдиганлар жўш урсин!

<sup>8</sup> Худованд олдида дарёлар қарсак урсин,  
 Тоғлар ҳам кўшилиб тараннум этсин!  
<sup>9</sup> Чунки У ерни ҳукм этгали келади.  
 У келади-да, дунёни адолат билан,  
 Халқларни одиллик билан ҳукм қилади.

#### Худойи Таолонинг мутлақ салтанати

**98** Худованд – Ҳокими мутлақдир,  
 Элу халқлар титраб кетар.  
 Малаклар узра салтанатлидир У,  
 Ер юзи ларзага келар.  
<sup>2</sup> Сионда Худованд буюқдир,  
 Барча халқлар устидан олийдир.  
<sup>3</sup> Сенинг исмингни тан олсинлар, эй Худованд,  
 Улуғ ва кўрқинчли, муқаддасдир исминг.  
<sup>4</sup> Подшоҳнинг қудрати адолатсеварликдадир.  
 Ўзинг тўғрилиқни маҳкам ўрнатгансан, ё Раб,  
 Бани-Ёқубга адолат ва ҳаққоният кўрсатгансан.  
<sup>5</sup> Раббимиз – Худовандни улуғланг,  
 Унинг оёғига йиқилиб сажда қилинг!  
 У – муқаддасдир.  
<sup>6</sup> Унинг руҳонийлари аро Мусо ва Ҳорун\* бор эди,  
 Исмини чорлаганлар ичра Шомуил\* ҳозир эди.  
 Улар Худовандни чақирганларида,  
 У уларга кулоқ солар эди.  
<sup>7</sup> Худо булут устунидан уларга сўзлар,  
 Улар эса У берган низом-қоидаларга амал  
 қилишар эди.  
<sup>8</sup> Сен уларга кулоқ солар эдинг, ё Раббий.  
 Эй Худованд, Сен уларнинг айбини кечирувчи,  
 Ёмон қилмишларига яраша жазо ҳам берувчи бир  
 Тангри эдинг.  
<sup>9</sup> Раббимиз – Худовандни улуғланг,  
 Муқаддас тоғида Унга сажда қилинг!  
 Чунки Раббимиз – муқаддасдир.

#### Аҳли мўминнинг Худого шукронаси

**99** Эй бутун ер юзи, Худовандни олқишланг!  
<sup>2</sup> Худовандга хурсандчилик ила хизмат  
 қилинг,  
 Ҳузурига ҳайқириқлар ила яқинлашинг!  
<sup>3</sup> Билингки, Худованд – Ҳақ Худодир,  
 Унинг Ўзи бизни яратган,  
 Бизлар – Унга тегишлимиз,  
 Ўз халқию яйловининг қўйларимиз.  
<sup>4</sup> Маъбад дарвозаларига шукрона айтиб кирилинг,  
 Мақтовлар айтиб Худонинг ҳузурига келинг,  
 Унга шукр қилиб, исмига ҳамд – сано ўқинг!  
<sup>5</sup> Чунки Худованд эзгудир, абадий иноятлидир,  
 Садоқати эса даврдан-даврга ҳукм сурар.

#### Художўй подшоҳнинг дуоси

**100** Лутфу караминг ва адолатингни куйлаб,  
 Сени тараннум этаман, эй Худованд.  
<sup>2</sup> Бенуқсонлик йўли ҳақида фикр юритаман.  
 Сен қачон мен томонга келасан?  
 Хонадоним ичра соф дилим ила юраман.

3 Разил нарсани кўз ўнгимга келтирмайман,  
Бузуқилар қилмишидан нафратланаман,  
Бундай нарса менга ёпишмас асло.  
4 Терс кўнгил мендан узоқлашади,  
Ёвузлар билан алоқам бўлмайди.  
5 Дўстини орқаворотдан ғийбат қилганни  
Мен йўқ қиламан – чидай олмайман ҳеч  
Кўзлари мағрур, ўзига бино қўйган одамга.  
6 Кўзларим мамлакатнинг мўминларидадир,  
Улар менинг соямда ўрнашурлар.  
Софдил одам менга хизмат қилур.  
7 Ҳийлагарлар менинг ҳузуримда яшамас,  
Ёлғончилар турмас ҳеч қаршимда.  
8 Саҳар демай мамлакатнинг бари фосиқларин  
Йўқ қиламан – қуритиб ташлайман-да  
Бадкирдорлар илдизин Худованд шаҳридан.

### Пушаймонлик фиғони

**101** Эй Худованд, ибодатимни эшитгин,  
Фарёдим Сенга етиб борсин!  
3 Мусибат кунимда мендан юз ўгирма,  
Қулоғингни мен томон тутгил;  
Чақирган чоғим менга тез жавоб бергин!  
4 Мана, кунларим тутун каби ўтиб кетди,  
Суякларим – бамисли сўхта ўтин!  
5 Юрагим қуёшдан қовжираган ўтдайин,  
Ҳатто нонимни ейишни ҳам унутяпман.  
6 Мен оҳу зор қилавериб,  
Этим суягимга ёпишиб қолди.  
7 Мен чўл-биебонда яшовчи соққақушга,  
Вайроналарда қўнувчи бойўғлига ўхшайман.  
8 Кўзимга уйқу келмай қолди,  
Том устида ёлғиз қолган қуш кабиман.  
9 Душманларим ҳар кун мени ҳақоратламоқда,  
Исмимни таҳқирловчилар лаънат ўқимоқдалар.  
10 Мен кулни нон деб еяпман,  
Ичимлигимни кўз ёшим-ла аралаштиряпман.  
11 Сенинг қаҳру ғазабинг туфайлидир бу,  
Сен мени кўтардинг-у, ерга урдинг.  
12 Қўланка узайгандек куним битди,  
Қуриган ўт сингари қақшаб кетдим.  
13 Лекин Сен абадий ҳукмронсан, эй Худованд,  
Даврлар оша давом этар шон-шуҳратинг Сенинг.  
14 Сен кўтарилиб Сионга марҳамат этгайсан,  
Ана, унга меҳрибонлик қилиш вақти келди,  
Ҳа, вақт-соати етиб келди!  
15 Унинг тошларига қулларинг меҳр қўйган,  
Ҳатто гарду тўзонини ҳам аямоқдалар.  
16 Эй Худованд!  
Элу халқлар ва бутун жаҳон подшоҳлари  
Сенинг маҳобатли исминдан кўрқадилар.  
17 Мана, Худованд Сионни обод қилажак,  
Ўзининг маҳобати билан зоҳир бўлажак.  
18 Маъюслар ибодатига эътибор беражак,  
У хор қилмагай асло тоатларин.  
19 Ушбулар келажак насл учун ёзилсин,  
Токи туғилажак қавм ҳамду сано ўқисин!  
20 Худованд муқаддас юксаклигидан энгашади,

Ерга боқади осмони фалақдан –  
21 Маҳбуслар ноласини эштай дея,  
Ўлиб кетадиган одамзодни қутқарай дея.  
22 Сионда Худованд исмини шарафласинлар,  
Қуддусда хабар қилсинлар шон-шуҳратин.  
23 Шунда барча халқлар жам бўлажак,  
Мамлакатлар Худовандга хизмат этажак.  
24 Йўлимда У қувватимни олди,  
Кунларимни Ўзи қисқартирди.  
25 Умрим ярмида мени олма, дедим,  
Сенинг йилларинг даврларча давом этар, ё  
Раббим!  
26 Сен ерни азалдан яратгансан,  
Осмон эса қўлларинг амалидир.  
27 Улар йўқ бўлиб кетар,  
Лекин Сен тураверасан.  
Ҳаммаси кийимдай нураб кетар,  
Уларни жома каби алмаштирасан,  
Улар эса ўзгариб кетар.  
28 Бироқ Сен айни Ўшанинг Ўзисан,  
Йилларинг тамом бўлмас Сенинг.  
29 Қулларинг ўғиллари ўзларига макон топажак,  
Уларнинг зурриёти эса Сенинг ҳузурингда бехатар  
яшаяжак.

### Худонинг раҳм-шафқатини куйлаш

**102** Эй жоним, Худовандни олқишла!  
Унинг муқаддас исмини олқишланг,  
Эй, бутун аъзойи баданим!  
2 Эй жоним, Худовандни олқишлагин,  
Унутма Унинг бирон-бир эҳсонини!  
3 У бутун айб-гуноҳларингни кечирар,  
Барча хасталикларингга даво топар;  
4 Ҳаётингни гўр азобидан қутқарар,  
Бошингга инояту марҳамат тожин тақар;  
5 Кўнглингни неъматлар билан қондирар,  
Ёшлигинг кучини бургут кучидай янгилар.  
6 Худованд адолатли ҳукм чиқарар,  
Барча эзилганлар ҳуқуқини ҳимоя қилар.  
7 У Ўз йўлларини Мусо пайғамбарга,  
Ишларини Бани-Исроилга намоён қилган.  
8 Худованд раҳмон ва меҳрибондир,  
Жуда узоқ сабрли ва иноятлидир.  
9 У охиригача аразлаб юрмас,  
То абад дарғазаб ҳам бўлмас.  
10 Айбларимизга қараб бизга муомала қилмас,  
Гуноҳларимизга яраша бизга жазо бермас.  
11 Осмон ердан қанчалик юксак бўлса,  
Ундан кўрққанларга инояти шунчалик кўпдир.  
12 Шарқ Фарбдан қанчалик узоқда бўлса,  
Ёзиқларимизни биздан шу қадар узоқлаштирди.  
13 Ота фарзандларига қандай марҳамат қилса,  
Худованд Ундан кўрққанларга шундай  
марҳаматлидир.  
14 Бизнинг таркибимизни У билар,  
Тупроқ эканлигимизни ёдга олар.  
15 Инсон кунлари бир ўтга ўхшар,  
Дашт гулидай униб чиқиб, чечак отар.

16 Унинг устидан шамол эсиб ўтади-ю,  
У йўқ бўлур, макони ҳам уни танимас.  
17 Лек Худованднинг инояти абадийдир,  
Илалабад Ундан қўрққанларга ёрдир,  
Уларнинг ўғилларига ҳам садоқати ёрдир.  
18 Худованд буюрган аҳдга вафо қилган,  
Амрларини эслаб бажарган барчага ҳам  
Унинг садоқати ёрдир.  
19 Худованд тахтини осмонда қурган,  
Унинг салтанати бутун коинотга ҳокимдир.  
20 Эй, Унинг сўзига қулоқ берувчи,  
Каломини ижро этувчи кучли, ботир малаклар,  
Худовандни олқишланглар!  
21 Эй сизлар, Унинг барча қўшинлари,  
Иродасини адо этувчи хизматкорлари,  
Худовандни олқишланглар!  
22 Эй, Худованд яратган борлиқ жон,  
Салтанатининг ҳамма жойида Уни олқишланг!  
Эй менинг жоним, Худовандни олқишлагин!

**Коинотни Яратган ва Асраганга шукр**

**103** Эй жоним, Худовандни олқишлагин!  
Эй Худованд, ё Раббим, жуда улуғсан,  
Жамол ва салобат ила кийингансан.  
2 Ёруғлик либосига буркангансан,  
Осмонни чодир каби ёйиб қўйгансан.  
3 Юқори даргоҳларинг томини сувдан қургансан,  
Булутларни ўзингга ароба қилиб,  
Шамол қанотлари узра кезасан.  
4 Шамолларни ўзингга малак қиласан,  
Хизматчиларинг қилиб ўт-оловни ишлатасан.  
5 Ер то абад тебранмасин дея,  
Уни пойдевори узра маҳкам қургансан.  
6 Унга уммонни либосдай кийдиргансан,  
Сувлар тоғ чўққиларигача етиб борди.  
7 Сенинг қатъий ажримингдан сувлар чекинди,  
Чақмоғинг гулдурашидан тез қочиб кетди.  
8 Улар Сен тайинлаган ерга оқди,  
Тоғ чўққиларигача чиқиб борди,  
Водийларни тўлдириб тошди.  
9 Тўфон қайтиб тошмасин,  
Ерни яна қопламасин дея,  
Сен унга чегара қўйгансан.  
10 Дараларда чашмаларни очиб юбординг,  
Суви тоғлар орасидан оқиб боради.  
11 Сувида даштдаги ҳар бир жонивор қонади,  
Ёввойи эшак ҳам чанқовини босади.  
12 Ўша сувлар бўйида кўк қушлари қўнади,  
Дарахт шохлари аро улар сайрайди.  
13 Юқори даргоҳларингдан тоғларни суғорасан,  
Ер мўъжизаларинг маҳсулидан тўяр.  
14 Сен ҳайвон учун ўт-ўлан ўстириб,  
Инсонлар учун кўкат яратасан;  
Инсон ерига ишлов бериб овқат топар.  
15 Одам дилини хушнуд қиладиган шаробни,  
Инсон юзини ялтиратадиган ёғни,  
Дилига қувват берадиган нонни ҳам Сен яратасан.  
16 Худованднинг дарахтлари –

Ўзи ўтқазган Лубнон кедрлари сувга қонади.  
17 Шохлари аро қушлар уя қуради,  
Лайлак уяси эса сарв дарахтларида.  
18 Баланд тепалар – тоғ эчкиларининг юрти,  
Қоялар эса – бўрсуқлар паноҳидир.  
19 Фаслларни аниқламоқ учун У ойни яратди,  
Қуёш эрса – ботар ерин билур.  
20 Сен қоронғилик чўқтирсанг, тун бўлур,  
Ўрмондаги ҳайвонлар бари сайрга чиқур.  
21 Арслон болалари ўлжа ахтариб бўкирар,  
Тангридан озиқ-овқатларини сўрашар.  
22 Қуёш чиқар, тўпланарлар,  
Қайтиб кириб, инларида ётарлар.  
23 Инсон эса ўз меҳнатига чиқар,  
Оқшомгача рўзғор тебратиш учун ишлар.  
24 Эй Худованд,  
Сенинг ишларинг қанчалик кўпдир!  
Ҳаммасини ҳикмат билан яратгансан,  
Ер Сенинг ижодларинг билан тўлади.  
25 Мана, буюк, бепоён денгиз!  
Унда сон-саноғи йўқ жониворлар,  
Кичик ва катта ҳайвонлар бор.  
26 Денгизда кемалар қатнайди,  
Унда ўйнасин дея Сен Левятанни\* –  
Ўша ҳайбатли балиқни яратгансан.  
27 Уларнинг ҳаммаси Сенга кўз тикар,  
Вақтида овқатимизни берсин деб умид қилар.  
28 Уларга берганинга, териб оларлар,  
Қўлингни очганинга, неъматингга тўярлар.  
29 Юзингни яширганинга, улар даҳшатга тушар,  
Рухларини олсанг, улар ўлиб кетар,  
Яна тупроққа қайтарлар.  
30 Рухингни юборсанг, қайта яратилурлар,  
Ер юзига Сен янги қиёфа берурсан.  
31 Худованднинг шон-шухрати абадий бўлсин,  
Ўз ишлари билан севинсин Худованд!  
32 У ерга боққанида, ер титрайди,  
Тоғларга текканида, улар тутун чиқаради.  
33 Мен бор эканман Худовандни куйлайман,  
Умрим борича Худойимни тараннум этаман.  
34 Менинг суханим Унга хуш келсин,  
Мен Худованддан хурсанд бўламан.  
35 Гуноҳкорлар дунёдан йўқ бўлсин,  
Бетавфиқлар йўқолиб кетсинлар!  
Эй жоним, Худовандни олқишлагин!  
Ҳамдлар бўлсин!

#### Исроил тарихида Худонинг мўъжизакорлиги

**104** Худовандга шукр қилинг, исмини чорланг,  
Халқлар аро ажойиботини тарғиб қилинг!  
2 Қўшиқлар айтиб, Уни тараннум этинг,  
Бутун мўъжизаларини сўзлаб беринг!  
3 Муқаддас исми билан ифтихор қилинг,  
Худовандни соғинганлар кўнгли шод бўлсин!  
4 Худовандни, Унинг қудратини ахтаринг,  
Унинг ҳузурини доимо қидиринг!  
5 Унинг яратган ажиб мўъжизаларини,  
Оғзидан чиққан ҳукмларини эсда тутинг!

6 Эй, Унинг қули Иброҳим зурриёти,  
 Ўзи танлаган Ёқубнинг ўғиллари:  
 7 Раббимиз – Худованд ана шудир,  
 Бутун ер юзида Унинг ҳукми ўтади.  
 8 У қилган аҳдини абадий ёдда тутар,  
 Васиятини минглаб насларгача эслар.  
 9 Иброҳим билан тузган аҳдини,  
 Исҳоққа ичган қасамини хотирлар.  
 10 Буни Ёқубга қонун деб жорий қилди,  
 Исроилга абадий аҳд қилиб берди.  
 11 «Канъон ерини улушинг қилиб  
 Сенга ва зурриётингга бераман», – деди.  
 12 Ўшанда улар сон жиҳатдан жуда оз,  
 У ерда ҳали келгинди эдилар.  
 13 Бир халқдан бошқа халққа,  
 Бир ўлкадан ўзга элга кезар эдилар.  
 14 Худо уларга озор беришга йўл қўймас,  
 Улар ҳақида подшоҳларга ҳам ман этарди.  
 15 «Менинг танлаганларимга тегмангиз,  
 Набиларимга ёмонлик қилмангиз!» – дерди У.  
 16 Мамлакат бўйлаб очарчилик эълон қилди,  
 Ғалла поясини ҳам буткул қуришиб юборди.  
 17 Улардан олдин бир одамни –  
 Қул қилиб сотилган Юсуфни юборган эди.  
 18 Унинг оёқларини кундалаб қўйдилар,  
 Жони темирга киргандай қийналар эди –  
 19 То Худованднинг сўзи ижро бўлгунча,  
 Илоҳий калом уни синаб софлагунча.  
 20 Шоҳ\* одам юбориб уни бандиликдан қутқарди,  
 Ҳа, эллар ҳукмдори уни озодликка чиқазди.  
 21 Уни ўз уйи устидан мирзо қилиб қўйди,  
 Бутун мол-мулкига бошлиқ қилиб тайинлади.  
 22 Токи вазирларига кўнглидагидек ўғит қилсин,  
 Оқсоқолларига эса ҳикматни ўргатсин.  
 23 Сўнгра Ёқуб Мисрга келди,  
 Ҳом\* диёрида маскан олди Исроил.  
 24 Худованд халқини жуда ҳам кўпайтириб,  
 Душманларидан кўра қувватлироқ қилди.  
 25 Ўз халқига қарши хусумат қилмоғи-чун,  
 Қулларига қарши фитна уюштирмоғи-чун  
 Ёвнинг юракларида нафрат уйғотди.  
 26 У Ўз қули – Мусо пайғамбарни,  
 Ўзи танлаган Ҳорунни йўллади.  
 27 Улар Ҳом диёрида Худованд ажойиботин,  
 Илоҳий аломатларни намоён қилишди.  
 28 Худованд қоронғилик юборди,  
 Ён-атрофни зулмат қамради,  
 Мисрийлар Унинг амрига қарши турмади.  
 29 Уларнинг сувларини қонга айлантди,  
 Балиқларини эса нобуд қилиб ташлади.  
 30 Ўлкаларини ғуж-ғуж қурбақалар босди,  
 То подшоҳ ётоқхонасигача тўлиб кетди.  
 31 Илоҳий амр бўйича пашша галалари босиб  
 келди,  
 Мамлакатнинг тўрт томонини битлар босиб олди.  
 32 Бошларига ёмғир ўрнига дўл ёғдирди,  
 Ўлкаларига жазирама оташ юборди.  
 33 Боғларини, анжир дарахтларини қурутди,

Сарҳадлари ичидаги ҳар бутани қириб ташлади.  
 34 Унинг буйруғи ила чигирткалар пайдо бўлди,  
 Сон–саноқсиз ҳашарот галалари чиқди.  
 35 Мамлакатдаги бутун ўт-ўланни ўпириб юборди,  
 Даладаги ҳосилни тамоман еб тугатди.  
 36 Охири Худо ўлканинг барча тўнғичларини,  
 Элнинг бутун эркаклик ғурурини ўлдирди.  
 37 Ўз халқини эса симу зар ила чиқарди,  
 Ораларидан ожиз қолгани йўқ эди.  
 38 Уларнинг чиққанига Миср севинди,  
 Чунки уларга ваҳм солган эдилар.  
 39 Худованд булутни пардадай ёйиб ташлар,  
 Тунни ойдин қилмоқ учун оташ юборар эди.  
 40 Улар сўради, Худо беданаларни муҳайё қилди,  
 Уларни самовий нон ила тўйғазди.  
 41 Худованд қояни ёриб сув оқизди,  
 Қуруқ чўл ўртасида дарёдай сув оқди.  
 42 У берган муқаддас сўзини хотирлади,  
 Ўз қули Иброҳимни эсдан чиқармади.  
 43 Ўзи учун танлаб олган халқини  
 Шодиёнаю тантаналар ила озодликка чиқарди.  
 44 Уларга элу элатлар диёрини берди,  
 Бошқа халқлар меҳнати уларга насиб бўлди.  
 45 Токи улар Худо қонунларини тутиб,  
 Кўрсатган йўл-йўриқларига риоя қилсинлар!  
 Ҳамдлар бўлсин!

Исроилнинг бевафолиги, Худонинг садоқати

105 Ҳамдлар бўлсин!  
 Худовандга шукр қилинглар!  
 У олижанобдир, абадийдир инояти.  
 2 Худованднинг қудратли ишларини ким сўзлай  
 билар?  
 Унинг бор шон-шухратини ким баён қила олар?  
 3 Бахтлидир адлу инсоф ила иш тутган,  
 Доим солиҳлик билан юрган киши!  
 4 Халқингга кўрсатган карамингни менга раво кўр,  
 Нажотингни мен томон йўлла, ё Раб!  
 5 Танлаганларинг қут-баракасини кўрайин,  
 Халқинг шодлиги ила шод бўлайин,  
 Элинг ифтихори ила мақтаниб юрайин!  
 6 Биз оталаримиз қаторида гуноҳ қилдик,  
 Йўлдан оздик, бузуклик қилдик.  
 7 Ота-боболаримиз Мисрда бўлганларида,  
 Сенинг ажойиботингни фаҳмамасдилар.  
 Беҳад лутфу карамингни эсга олмасдан,  
 Денгизда, Қизил денгиз бўйида исён қилдилар.  
 8 Худованд эрса, қудратимни кўрсатай дея,  
 Ўз исми ҳурмати учун уларни қутқарди.  
 9 У Қизил денгизга дўқ урди,  
 Денгиз қоқ қуруқ бўлди.  
 Худди чўл ўртасидан кездиргандай,  
 Уларни гирдоб ўртасидан қуруқ ўтказди.  
 10 Афёр қўлидан уларни қутқарди,  
 Душман дастидан халос қилди.  
 11 Ёвларини сувлар босди,  
 Уларнинг ҳеч бири қолмади.  
 12 Ўшанда инондилар Унинг каломларига,

Сано ўқидилар-да шону шуҳратига.  
<sup>13</sup> Бироқ тезда унутдилар ишларини,  
 Кўз тикмадилар ўғит-насиҳатларига.  
<sup>14</sup> Чўлда ўтакетган эҳтиросга берилдилар,  
 Дашт-биёбонда Тангрини синадилар.  
<sup>15</sup> Сўраганларини У уларга берди-ю,  
 Жонларини озғинликка ҳам мубтало қилди.  
<sup>16</sup> Манзилда Худованднинг авлиёлари –  
 Мусо билан Ҳорунга рашк қилдилар.  
<sup>17</sup> Ер ёрилиб Датанни ютиб юборди,  
 Абиром қавмини қоплаб олди.  
<sup>18</sup> Бошларига ногаҳон ўт-олов тушди,  
 Осийлар тўдасини ёндириб юборди.  
<sup>19</sup> Ҳўриб тоғида қуйма бутни ясадилар,  
 Бузоққа топиниб сажда қилдилар.  
<sup>20</sup> Ҳа, ўт ейдиган ҳўкиз сурати билан  
 Улуғвор Худовандларини алмаштирдилар.\*  
<sup>21</sup> Мисрда буюк ишлар намоён қилган  
 Халоскорлари – Тангрини унутдилар.  
<sup>22</sup> Ҳа, Ҳом\* диёрида ажойиботлар яратган,  
 Қизил денгизда маҳобатини кўрсатган Худони  
 унутдилар.  
<sup>23</sup> Худо уларни ҳалок қилишга ният қилди.  
 Агарда Худованднинг танлагани – Мусо  
 Худованд хузурида тик турмаганида,  
 Даҳшатли ғазабидан қайтармаганида эди,  
 У ниятини бажарган бўлур эди.  
<sup>24</sup> Гўзал Диёрни ҳам улар хор қилдилар,  
 Инонмасдилар-да Худонинг каломига.  
<sup>25</sup> Чодирларида зорланиб турдилар,  
 Бўйсунмадилар-да Худованд амрига.  
<sup>26</sup> Шу кез Худо уларга қарши қўл кўтарди,  
 Чўлда уларни яксон қилмоқчи бўлди.  
<sup>27</sup> Бари зурриётини эллар орасига сочиб ташлай,  
 Турли халқлар аро уларни яксон қилай, деди.  
<sup>28</sup> Улар Баал-Пеғур номли бутга топиндилар,  
 Жонсиз санамга қурбонлик атаб едилар.  
<sup>29</sup> Қилмишлари-ла Худованд қаҳрини  
 келтирдилар,  
 Иттифоқо ўлатга гирифтор бўлдилар.  
<sup>30</sup> Пинҳос турди-да, ҳукм юритди,  
 Шунда ўлат ҳам кесилди.  
<sup>31</sup> Бу Пинҳоснинг эзгу ишларига кирди,  
 Насллар оша, абадий қадрлангуси.  
<sup>32</sup> Исёнгоҳ\* сувларида Бани-Исроил тағин  
 Худованднинг ғазабини келтирдилар,  
 Улар сабабли Мусо жафо тортар эди.  
<sup>33</sup> Мусонинг ғашини келтирганларида,  
 У ўйламай сўзлаб юборди.  
<sup>34</sup> Худованд уларга амр берган эди,  
 Вале ҳалок қилмадилар ёт халқларни.  
<sup>35</sup> Улар мажусийлар билан аралашиб,  
 Уларнинг ишларини ўргандилар.  
<sup>36</sup> Санамларига ҳам топиндилар,  
 Булар эса тузоқ бўлди уларга.  
<sup>37</sup> Ўз ўғилларию қизларини ўлдириб,  
 Жинларга қурбонликка бағишладилар.  
<sup>38</sup> Манфур Канъон бутларига қурбонлик атаб,

Ўғил-қизларининг беғуноҳ қонини тўқдилар,  
 Мамлакат эса қонга ботиб ҳаром бўлди.  
<sup>39</sup> Улар бу иши туфайли мурдор бўлдилар,  
 Қилмишлари-ла фаҳшлик қилгандай бўлдилар.  
<sup>40</sup> Шунда Худованд Ўз халқидан ғазабланди,  
 Ўзининг азиз диёридан нафратланди.  
<sup>41</sup> Уларни ёт халқларнинг қўлига берди,  
 Ғанимлари улар устидан ҳукмронлик қилди.  
<sup>42</sup> Душманларидан улар жабр-зулм чекди,  
 Ёв қўли остида эгилиб-букилдилар.  
<sup>43</sup> Кўп марталаб Худованд уларни қутқарарди,  
 Улар эса ўз қайсарлиги ила Уни аччиқлантирар,  
 Ўз ёмонликлари туфайли хазон ҳам бўлардилар.  
<sup>44</sup> Шунга қарамай Худованд  
 Уларнинг ноласини эшитди,  
 Оғир аҳволларига эътибор берди.  
<sup>45</sup> Улар билан қилган аҳдини эслади,  
 Кўп илтифот қилиб уларни аяди.  
<sup>46</sup> Уларни асир олган ҳамманинг дилида  
 Уларга нисбатан раҳм кўзғатди.  
<sup>47</sup> Ё Раббано, ё Худовандо, бизларни қутқаргин!  
 Халқлар орасидан бизни тўплаб олгин,  
 Токи муқаддас исмингни улуғлайлик,  
 Ҳамду санойинг ила ифтихор этайлик!  
<sup>48</sup> Исроилнинг Тангриси – Худовандга  
 Азалий ва абадий офаринлар бўлсин!  
 Бутун қавм эса «Омин!» – десин!  
 Ҳамдлар бўлсин!

#### Нажот топганларнинг ҳамду саноси

**106** Худовандга шукр қилинглар!  
 У олижанобдир, абадийдир инояти.  
<sup>2</sup> Бундай десин Худованд қутқарган,  
 Душман қўлидан нажот топган халқ!  
<sup>3</sup> У бизни Шарқу Ғарбдан, Шимолу Жанубдан,  
 Турли ўлкалардан тўплаб олди, деб юришсин!  
<sup>4</sup> Улар чўлу биёбонни кезиб адашардилар,  
 Одам яшайдиган бирон шаҳар тополмасдан.  
<sup>5</sup> Оч ҳамда сувсиз қолган эдилар,  
 Жону танлари ҳолдан кетар эди.  
<sup>6</sup> Машаққатларида Худовандга фарёд этишгач,  
 У уларни қутқарди азоб-уқубатларидан.  
<sup>7</sup> Одам яшайдиган шаҳарни топсин дея,  
 Уларни тўғри йўлга бошлади У.  
<sup>8</sup> Худовандга шукр қилсинлар берган инояти учун,  
 Одам болаларига кўрсатган мўъжизалари учун!  
<sup>9</sup> Чунки У қондирди чанқоқ кўнгилини,  
 Неъматлар билан тўйдирди очиққан жонни.  
<sup>10</sup> Зулматга, ўлим ваҳимасига келиб қолдилар,  
 Темир кишанда ўтириб азоб чекардилар.  
<sup>11</sup> Чунки Тангри амрларига қаршилиқ қилдилар,  
 Тангри Таоло иродасини менсимадилар.  
<sup>12</sup> У оғир иш билан уларнинг димоғини туширди,  
 Улар қоқилди, ёрдамчилари йўқ эди.  
<sup>13</sup> Машаққатларида Худовандга фарёд этишгач,  
 У уларни қутқарди азоб-уқубатларидан.  
<sup>14</sup> Зулмат ва ўлим ваҳмасидан уларни озод қилди,  
 Занжир-кишанларини синдириб ташлади.

15 Худовандга шукр қилсинлар берган инояти учун,  
 Одам болаларига кўрсатган мўъжизалари учун!  
 16 Мана Ўзи мис дарвозаларни пора-пора қилган,  
 Темир тамбаларни чопиб парчалаб ташлаган.  
 17 Улар эса тентаклик қилиб исён кўтардилар,  
 Қилган ёмонликлари эвазига жафо ҳам чекдилар.  
 18 Жонлари ҳар қандай озиқ-овқатни рад этар,  
 Ўлим дарвозасига яқинлашган эдилар.  
 19 Машаққатларида Худовандга фарёд этишгач,  
 У уларни қутқарди азоб-уқубатларидан.  
 20 Каломини юбориб уларга шифо берди,  
 Уларни тушган чоҳларидан чиқариб олди.  
 21 Худовандга шукр қилсинлар берган инояти учун,  
 Одам болаларига кўрсатган мўъжизалари учун!  
 22 Худовандга шукрона билан қурбонлик атасинлар,  
 Унинг ишларини тантана ила тарғиб қилсинлар!  
 23 Кемаларида денгизда қатновчилар ҳам,  
 Баҳрлар аро меҳнат қилувчилар ҳам  
 24 Худованднинг ишларига гувоҳ бўлдилар,  
 Гирдобда кўрсатган мўъжизаларин кўрдилар.  
 25 У амр бериб, кучли бўрон келтирди,  
 Денгиз тўлқинларин баланд кўтариб юборди.  
 26 Кемачилар кўкка ўрлаб, тубсизликка чўкди,  
 Даҳшатдан уларнинг жони мумдек эриди.  
 27 Улар маст каби ўйноқлаб айланди,  
 Ақли-ҳуши бошидан учди.  
 28 Машаққатларида Худовандга фарёд этишгач,  
 У уларни чиқарди азоб-уқубатларидан.  
 29 Худованд бўронни тинчитиб қўйди,  
 Сув тўлқинларини ҳам пасайтирди.  
 30 Сувларни тинчитиб, умматини севинтирди,  
 Орзу қилган бекатларига етаклаб борди.  
 31 Худовандга шукр қилсинлар берган инояти учун,  
 Одам болаларига кўрсатган мўъжизалари учун!  
 32 Халқ йиғинларида Уни кўкка кўтарсинлар,  
 Оқсоқоллар мажлисида Унга ҳамд – сано айтсинлар.  
 33 Худованд дарёларни чўлга айлантиради,  
 Булоқларни эса қуришиб юборади.  
 34 Аҳолисининг ёвузлиги сабабли  
 Ҳосилдор тупроқни шўр ерга айлантиради.  
 35 Тағин саҳрода кўлларни пайдо қилиб,  
 Бўз ерни чашмазорга айлантиради.  
 36 Оч-юпунларни ўша ерга жойлаштиради,  
 Улар яшайдиган шаҳарни қурадилар.  
 37 Экин экиб, узумзор яратадилар,  
 Даладан мўл-кўл ҳосил кўтарадилар.  
 38 Худованд уларга баракат беради,  
 Уларнинг сони ошиб боради,  
 Чорваси эса сира камаймайди.  
 39 Тағин улар сон жиҳатдан озайиб қолган,  
 Жабр-жафо, бало-қазога йўлиқиб қадди букилган эди.  
 40 Саркардаларни шувут қилувчи Худованд Ўзи

Йўлсиз саҳрода уларни саргардон қилди.  
 41 Лек бечораҳолларни тупроқдан юқори кўтарди,  
 Оилаларини қўйлар подасидек кўпайтирди.  
 42 Тўғри кишилар буни кўриб севинур,  
 Барча қаллоблар оғзи эса тўсилиб қолур.  
 43 Кимки оқил бўлса, буларни пайқар,  
 Худованднинг меҳр-иноятини англар.

### Душман зулмидан қутулиш умиди

107 Юрагим шайдир, эй Худо!  
 Мен бажону дил куйлайман,  
 Сени тараннум этаман.  
 3 Уйғонинг, эй чанг ила ғижжак!  
 Мен саҳарни уйғотиб юбораман.  
 4 Эллар аро Сенга шукр дейман, эй Худованд,  
 Элатлар ичра Сени тараннум этгайман.  
 5 Сенинг иноятинг кўклардан ҳам баланд,  
 Ҳақиқатинг эса булутлардан ҳам юксакдир.  
 6 Эй Худо, фалақдан юқорига юксалгин,  
 Улуғворлигинг рўйи замин узра порласин!  
 7 Севганларинг халос бўлсин учун  
 Кучли ўнг қўлингни узатиб юборгин!  
 Менга қулоқ солгин, нажот бергин!  
 8 Худо Ўзининг муқаддас маконида сўзлади:  
 «Мен Шакамни тантана ила тақсимлайман,  
 Суккот водийсини эса ўлчаб оламан.  
 9 Гилъад Меники, Манаше ҳам Меники.  
 Эфраим – бошимдаги дубулға,  
 Яхудо – салтанатим ҳассаси.  
 10 Мўов – ювинадиган тосимдир,  
 Эдўм устига этигимни босаман,  
 Филистия узра ғалаба эълон қиламан».\*  
 11 Мустаҳкам шаҳарга мени ким элтади?  
 Эдўмга мени ким кузатиб боради?  
 12 Эй Худо, бизни ташлаб қўйган Сен эмасми?  
 Қўшинларимиз билан чиқмаяпсан-ку, эй Худо!  
 13 Душманга қарши курашда бизга ёрдам бергин!  
 Чунки инсон нажоти – бекордир.  
 14 Биз Худо номи билан ботирлик қиламиз,  
 Душманларимизни Ўзи тор-мор этади.

### Ўч олиш учун илтижо

108 Эй, менинг мақтайдиган Худойим, жим турма!  
 2 Мана, фосиқлару маккорлар оғзини катта очиб,  
 Менга қарши тилларини қайрамоқдалар!  
 3 Нафратли сўзлар билан мени чулғаб,  
 Сабабсиз менга зарба бермоқдалар.  
 4 Муҳаббатим учун менга адоват қиладилар,  
 Мен бўлсам – тоат-ибодатдаман.  
 5 Яхшилигим эвазига ёмонлик қиладилар,  
 Севгимга қарши нафрат изҳор этадилар.  
 6 Бундай одамнинг бошига фосиқни миндир,  
 Шайтон\* турсин унинг ўнг томонида.  
 7 Муҳокама қилинганда айбдор бўлиб чиқсин,  
 Тоати гуноҳ деб ҳисоблансин.  
 8 Умри қисқа бўлсин,



Ўрнини бошқаси эгалласин.

<sup>9</sup> Болалари етим қолсин,

Хотини бева бўлсин.

<sup>10</sup> Ўғиллари дарбадарликка йўлиқсин,

Вайроналарда гадойлик қилишсин.

<sup>11</sup> Мол-ҳолини судхўрлар эгалласин,

Меҳнати самарасин бегоналар тарож қилсин.

<sup>12</sup> Унга ҳеч ким илтифот кўрсатмасин,

Етимларига ҳеч кимса ачинмасин.

<sup>13</sup> Унинг зурриёти қириб ташлансин,

Келажак наслдан номлари ўчирилсин.

<sup>14</sup> Оталари айбларини Худованд ёдга олсин,

Оналари гуноҳларидан кечмасин.

<sup>15</sup> Доим Худованднинг ўнгида бўлсин айби,

Ер юзидан супуриб ташласин хотирасини.

<sup>16</sup> Улар-ку бечораю фақирни таъқиб қилди,

Илтифот кўрсатмоқни ҳеч ўйламади,

Дилабгорларни ўлдирмоққа қасд қилди.

<sup>17</sup> Лаънатгўйнинг лаънати ўз бошига тушади,

Дуо қилмоқ истамагандан дуо арийди.

<sup>18</sup> Лаънатни у либосдай кийиб олсин,

Қарғишни эса сувдай ичсин,

Илиқдай суяқларига ўрнашиб қолсин.

<sup>19</sup> Ўзи учун лаънат ҳамиша киядиган жома,

Доимо тақадиган бир тасма бўлсин.

<sup>20</sup> Жонимга ёмонлик тилаганларнинг оқибати,

Тухматчиларнинг Худованддан жазоси шу бўлсин!

<sup>21</sup> Эй Худованд, менинг Раббим,

Исминг ҳурмати учун менга илтифот кўрсатгин,

Беқиёсдир иноятинг Сенинг, халос қилгил мени!

<sup>22</sup> Чунки мен бечораю мискинман,

Юрагимга ўқ қадалгандай бўлди.

<sup>23</sup> Кечки соя каби тез ўтиб кетяпман,

Чигиртка каби улоқтириб ташладилар.

<sup>24</sup> Тиззаларим рўзадан титрамоқда,

Этим суягимга ёпишиб қолган.

<sup>25</sup> Одамларнинг ҳақоратига нишон бўлдим,

Менга кўз олайтириб, бош чайқаяптилар.

<sup>26</sup> Эй Худованд, менинг Худойим,

Мадад юборгин менга!

Иноят қилиб мени қутқаргин!

<sup>27</sup> Билсинларки, бу Сенинг қўлингдир,

Буни бажарган Сенсан, ё Раббий!

<sup>28</sup> Улар лаънат ўқиса-да, Сен дуо қиласан,

Улар оёқланса-да, шарманда бўлиб қайтарлар,

Сенинг қулинг эса севиниб кетар.

<sup>29</sup> Ғанимларим расволикка буркансин,

Шармандаликка жома каби ўрансинлар.

<sup>30</sup> Худовандга шукрни тилимдан туширмайман,

Катта халойиқ ичра Унга санолар ўқийман.

<sup>31</sup> Жон душманларидан уни қутқариб қолай дея,

Худованд фақирнинг ўнг томонида туради.

### Масихнинг мангу ғалабаси

**109** Худованд менинг Раббимга айтди:  
«Ёвларингни оёқларинг остига

йиқитмагунимча,

Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин!»\*

<sup>2</sup> Сенинг қудратли салтанатинг ҳассасин

Худованд Сиондан узатиб юборгай,

Душманларинг ўртасида ҳукмрон бўлгил дея.

<sup>3</sup> Жанговарлик кунингда Сенинг халқинг

Муқаддас зийнатда Сенга хоҳиш билдиргай,

Тонг бағридан тушган шабнам мисоли

Йигитларинг\* Сен томон келаверишгай.

<sup>4</sup> Худованд онт ичган ва сўзидан қайтмас:

«Малкисидқ\* мартабаси бўйича

Сен абадий руҳонийсан».

<sup>5</sup> Раббинг Сенинг ўнг томонингда ўлтирар,

Қаҳри келган кунда шоҳларни эзиб ташлар.

<sup>6</sup> Халқларни У ҳукм этган вақтда

Ер юзи жасадлар билан тўлғуси,

Улкан давлат бошлари мажақ бўлғуси.

<sup>7</sup> Йўл бўйидаги ирмоқдан сув ичиб,

Мард бошини баланд кўтариб юргуси.

### Худонинг инояти ва садоқати

**110** Ҳамдлар бўлсин!

Мен солиҳлар маҳфилида, улуғ жамоатда  
Худовандга чин юракдан шукр қиламан.

<sup>2</sup> Худованднинг ишлари буюқдир,

Барча мухлислари улардан завқ олур.

<sup>3</sup> Худованд ижоди – жамол ва салобатдир,

Унинг адолати эрса – илалабаддир.

<sup>4</sup> Ажойиботини унутилмайдиган қилиб яратган,

Раҳмону меҳрибондир Худованд.

<sup>5</sup> Ўзидан кўрққанларнинг ризқи-рўзини берар,

Халқи ила тузган аҳдини абадий эсда тутар.

<sup>6</sup> Ўз халқига қудратли фаолиятини кўрсатди,

Мажусийлар ер-мулкини уларга берди.

<sup>7</sup> Бажарган ишлари ҳақиқат ва адолатдир,

Барқарордир бари фармойишлари.

<sup>8</sup> Улар доимий ва абадий устувордир,

Ҳақ ва тўғрилиқ ила ижро бўлмишдир.

<sup>9</sup> Худованд Ўз халқига нажот юборган,

Ўз аҳдини абадий қилиб буюрган,

Унинг исми – муқаддас ва кўрқинчлидир.

<sup>10</sup> Доноликнинг боши – Худодан кўрқмоқликдир,

Бундай йўл тутган ҳамманинг ақли расодир,

Худовандга абадий сано ўқимоқ даркордир.

### Художўй – табарруқдир

**111** Ҳамдлар бўлсин!

Қандай бахтли Худованддан кўрқадиган,  
Амрларига завқ билан бўйсунадиган киши!

<sup>2</sup> Унинг зурриёти ер юзида мард авлод бўлгай,

Кўнгли тўғрилар насли табарруқ бўлгай.

<sup>3</sup> Бойлик ва мўлчилик солиҳнинг ҳовлисидадир,

Боқий умр кўргай солиҳнинг салоҳи.

<sup>4</sup> Солиҳга қоронғуликда ҳам ёғду нур сочар,

Раҳмону меҳрибон ҳамда одилдир У.

<sup>5</sup> Элга мурувват қилиб қарз берувчи,

Инсоф ила иш бошқарувчи одам бахтиёрдир.

<sup>6</sup> Солиҳ то абад тебранмагай,

Мангу бўлгай унинг хотираси.

7 Ёмон овозадан у қўрқмайди,  
Умиди Худовандда, собитдир юраги.  
8 Душманларига бемалол қарар,  
У довюррак ва қўрқмас бўлар.  
9 У қўлини очиб камбағалга садақа берар,  
Унинг солиҳлиги боқий бўлар,  
Иzzат-хурмати юксалиб борар.  
10 Бетавфиқ буни кўриб ғазабланур,  
Тишларин ғижирлатару завол топур,  
Ҳа, бетавфиқлар тилаги пучга чиқур.

### Худовандни олқишланг!

**112** Ҳамдлар бўлсин!  
Ҳамдлар айтинг, эй Худованд куллари,  
Худованд номига ҳамд – сано айтинглар!  
2 Худованд номига олқишлар бўлсин,  
Ҳозирдан бошлаб то мангуликка қадар!  
3 Кун чиқардан то кун ботарга қадар  
Худованд исмига мақтовлар бўлсин!  
4 Худованд барча халқлар устидан олийдир,  
Улуғворлиги эса осмондан ҳам баланддир.  
5 Раббимиз Худованд юксакларда ўлтирибди,  
Унга ўхшайдиган ким ҳам бор экан?  
6 У ҳам ер, ҳам кўкдагиларни кўрай дея,  
Тубанликка энгашиб нигоҳ ташлар.  
7 Бечораҳолни У тупроқдан кўтарар,  
Фақирни ахлатдан олиб чиқиб юксалтирар.  
8 Уларни элнинг улуғлари бирла,  
Ўз халқининг беклари бирла ўтқизар.  
9 Туғмас аёлни У уйида ўрнаштирар,  
Уни фарзандлар онаси қилиб қувонтирар.  
Ҳамдлар бўлсин!

### Мўъжизакор Худовандга шукрона

**113** Бани-Исроил Мисрдан қочган пайтда,  
Ёқуб забони забун элдан чиққан кезде,  
2 Яхудо ери Худонинг азиз макони бўлди,  
Исроил юрти Худо салтанатига асос бўлди.  
3 Денгиз суви буни кўрди-да қочди,  
Ўрдун оқими тўхтаб орқага қайтди.  
4 Тоғлар қўйлардай сакрашди,  
Тепалар кўзилардай ирғишлади.  
5 Эй денгиз, сенга не бўлди, қочяпсан?  
Нечун орқага қайтяпсан, Ўрдун суви?  
6 Эй тоғлар, нега қўйлардай сакраяпсизлар?  
Нечун кўзилардай ирғишляяпсиз, эй тепалар?  
7 Раббано олдида, Ёқубнинг Худоси олдида  
Ер юзи кўрқувдан титрасин!  
8 У қояни сув ҳовузига айлантирган,  
Харсанг тошдан селдай сув оқизган.  
9 Бизларга эмас, эй Худованд, бизларга эмас,  
Ўзингнинг исминга мақтов бергин!  
Зеро Сен кўп иноятлино садоқатлисан.  
10 Нима учун мажусийлар:  
«Қани уларнинг Худоси», – дейди?  
11 Бизнинг Худойимиз осмондадир,  
У истаганини яратаверади.

12 Уларнинг санамлари кумуш ва олтиндир,  
Инсон қўлларининг иш-амалидир.  
13 Оғизлари бор, лекин сўзламайдилар,  
Кўзлари бор, аммо кўрмайдилар.  
14 Қулоқлари бор-у, эшитмайдилар,  
Бурунлари бор-у, ҳидламайдилар.  
15 Қўллари бордир, вале сезмайдилар,  
Оёқлари бордир, вале юрмайдилар,  
Бўғизларидан эса товуш чиқмайди.  
16 Уларни ясаган ҳар бир киши –  
Ҳамма уларга эътиқод қилувчилар  
Худди уларга ўхшаб қолур.  
17 Эй Исроил, Худовандга умид боғлагин!  
У сенинг ёрдамчинг ва қалқонингдир.  
18 Эй Ҳорун хонадони\*, Худовандга умид боғланг!  
У сизнинг ёрдамчингиз ва қалқонингиздир.  
19 Эй художўйлар, Худовандга умид боғланг!  
У сизнинг ёрдамчингиз ва қалқонингиздир.  
20 Худованд бизларни эслади-ю,  
Қут-баракали ҳам қилди.  
Исроил хонадонини баракали қилсин!  
Ҳорун хонадонини баракали қилсин!  
21 Узидан қўрққан каттаю кичикни  
Худованд баракали қилсин!  
22 Худованд ўзларингиз ва ўғилларингизга  
Хийла ва хийла кўпайтириб берсин!  
23 Еру осмонни яратган Худованд  
Сизларни муборак айласин!  
24 Осмон – Худованднинг осмонидир,  
Аммо ерни У инсон ўғилларига берган.  
25 Ўлиб сукунат диёрига борган ҳеч кимса  
Худовандга ҳамду сано айтмас.  
26 Биз эса ҳозирдан бошлаб то абад  
Худовандга ҳамду санолар айтамыз.  
Ҳамдлар бўлсин!

### Ўлимдан қутулганнинг шодиёнаси

**114** Доду фиғонимга қулоқ солгани-чун  
Мен Худовандни севаман.  
2 Қулоғини мен томон тутгани-чун  
Умрим борица Уни чақираман.  
3 Ўлим тўрлари мени чулғаб олди,  
Дўзах азоблари бошимга тушди,  
Жуда сиқилдиму, дард-аламда қолдим.  
4 Ушанда Худованд исмини чақирдим,  
Ёху Худовандо, жонимни қутқар, дедим.  
5 Худованд меҳрибон ва одилдир,  
Ҳа, Худойимиз раҳмдилдир.  
6 Худованд соддадил одамларни асрар,  
Ожиз қолганимда Ўзи мени қутқарар.  
7 Эй жоним, роҳатингга қайтгил,  
Мана Худованд сенга эзгулик қилган!  
8 Жонимни ўлимдан, кўзимни ёшдан,  
Оёғимни эса қоқилиб кетишдан  
Ўзинг тийгансан, ё Раббим!  
9 Мен тириклар диёрида қоламан,  
Худованд ҳузурида яравераман.

## Нажот топганнинг ҳамду саноси

**115** Мен ишондим, шул боис гапирдим:  
Мен кўп озор чекдим, дедим.

<sup>2</sup> Бутун инсоният ёлғончиликдир,

– дедим мен ҳаяжонланиб.

<sup>3</sup> Менга қилган барча яхшиликлари учун  
Худовандни қандай тақдирлайман?

<sup>4</sup> Мен нажот қадаҳини кўтариб,

Худованд номини чақираман.

<sup>5</sup> Бутун аҳли мўминнинг кўзи ўнгида  
Худовандга атаганларимни бажо этаман.

<sup>6</sup> Ўз азизларининг ўлими

Худованд назарида бебаҳодир.

<sup>7</sup> Ёху Худовандо,

Мен Сенинг қулингман-ку,

Ўз канизагинг ўғлидирман,

Кишанларимни Ўзинг ечгансан.

<sup>8</sup> Сенинг исмингни чақириб, эй Худованд,  
Шукрона билан қурбонлик келтираман.

<sup>9</sup> Бутун аҳли мўминнинг кўзи ўнгида  
Худовандга атаганларимни бажо этаман.

<sup>10</sup> Худованднинг маъбади ҳовлиларида,  
Қуддус бағрида назрларимни ифо этаман.

Ҳамдлар бўлсин!

## Эй барча халқлар..!

**116** Эй барча халқлар,  
Худовандни мадҳ этинглар!

Унга ҳамду сано айтинглар,

Эй бутун миллатлар!

<sup>2</sup> Унинг бизга берган инояти беҳаддир,  
Абадийдир Худованднинг вафосию ҳақиқати.

Ҳамдлар бўлсин!

## Ғалаба бағишлаган Худога шукрона

**117** Худовандга шукр қилинг!  
У эзгудир, абадийдир инояти.

<sup>2</sup> Исроил хонадони десин:

Абадийдир Унинг инояти!

<sup>3</sup> Ҳорун хонадони десин:

Абадийдир Унинг инояти!

<sup>4</sup> Худодан кўрққанлар десин:

Абадийдир Унинг инояти!

<sup>5</sup> Танг қолганимда Худовандни чақирдим,

У менга кулоқ солди-да,

Кенгликка чиқариб кўйди мени.

<sup>6</sup> Худованд мен томонда, кўрқмайман,  
Инсон менга не қила билар?

<sup>7</sup> Худованд менинг ёрдамчим экан,  
Ғанимларимга бемалол қарайман.

<sup>8</sup> Инсонга эътиқод қилгандан кўра,  
Худованддан паноҳ сўраш афзалдир.

<sup>9</sup> Шаҳзодаларга ишонгандан кўра,  
Худованддан паноҳ сўраш афзалдир.

<sup>10</sup> Барча халқлар мени ўраб олган эди,  
Худованд номи ила қириб ташладим уларни.

<sup>11</sup> Мени ўраб олгандилар, ҳа,  
Ҳамма ёғимдан қисиб кўйгандилар;  
Худованд номи ила қириб ташладим уларни.

<sup>12</sup> Арилар каби мени ўраб олдилар,  
Тикан алангасидек ўчиб қолдилар;  
Худованд номи ила қириб ташладим уларни.

<sup>13</sup> Йиқилиб кетсин деб мени туртдиларинг,  
Илло Худованд менга ёрдам берди.

<sup>14</sup> Ёху, қувватим ва кўшиғим менинг,  
Ўзинг бўлдинг Нажоткорим менинг!

<sup>15</sup> Хурсандчилик ва озодлик садолари  
Солиҳларнинг чодирларида янграйди:

Худованднинг ўнг қўли мардлик кўрсатур!

<sup>16</sup> Худованднинг ўнг қўли баланд кўтарилур!

Худованднинг ўнг қўли мардлик кўрсатур!

<sup>17</sup> Мен ўлмасман, яшайвераман,

Худованднинг ишларини хабар қиламан.

<sup>18</sup> Худованд менга қаттиқ чора кўрди-ю,

Илло ўлимга топширмади жонимни.

<sup>19</sup> Салоҳ қопқаларини менга очиб кўйингиз,  
Улардан кириб, Худовандга шукр қилайин!

<sup>20</sup> Бу – Худованднинг дарвозасидир,

Ундан солиҳлар кирадилар.

<sup>21</sup> Сенга шукрлар дейман, ё Раб,

Сен менга кулоқ солдинг,

Халоскорим ҳам бўлдинг.

<sup>22</sup> Бинокорлар кераксиз деб ташлаган Тош

Нақ бинонинг пештоқидан жой олди.

<sup>23</sup> Бу Худованд иродаси туфайлидир,

Бизга эса ажойибот тимсолидир.

<sup>24</sup> Худованднинг яратган кунидир бу,

Ундан шод бўлиб севинайлик!

<sup>25</sup> Худоё Худовандо, нажот бергин!

Худоё Худовандо, муваффақият тилагин!

<sup>26</sup> Худованд номидан Келаётган муборак!

Худованд уйидан туриб сизни дуо қиламиз.

<sup>27</sup> Ҳақ Тангри – Худованддир,

У бизга зиё йўллагандир.

Байрам тусида арқон улашинг-да,

Қурбонгоҳ мугузларини зиёрат этинг!\*

<sup>28</sup> Сенсан Тангрим менинг, шукр қиламан,

Сенсан Худойим менинг, сано қиламан.

<sup>29</sup> Худовандга шукр қилинглар!

У эзгудир, абадийдир инояти.

## Илоҳий Қонуннинг фазилатлари

(Алеф)\*

**118** Қандай бахтлидир софдиллик йўлидан  
борувчи,

Илоҳий Қонун билан юрувчи кишилар!

<sup>2</sup> Бахтлидир Худованд шаҳодатин сақлаб,

Чин қалбдан Худога интилувчилар!

<sup>3</sup> Улар қонунсиз ишга оёғини бурмай,

Худованднинг йўлларидан юрадилар.

<sup>4</sup> Низом-қонунларингни Ўзинг буюргансан,

Жиддийлик билан риоя қилинсин дея.

5 Қоидаларингга амал қилмоққа  
Кошки йўлларим ўнгса эди!  
6 Шунда шарманда бўлмасман,  
Барча амрларингни кўз ўнгимга келтириб.  
7 Соф кўнгилдан шукр қиларман,  
Сенинг одил ҳукмларингни ўрганиб.  
8 Фармонларингни бажараман Сенинг,  
Мени бутунлай ташлаб кетмагин!

## (Бет)

9 Йигит ўз йўлини қандай қилиб соф сақлар?  
Сенинг каломинг билан юрса бу бўлар.  
10 Мен Сени чин кўнгилдан қидиряпман,  
Амрларингдан бош тортишимга йўл қўйма!  
11 Сенга қарши гуноҳ қилмаслик учун,  
Каломингни юрагимда сақлайман.  
12 Эй Худованд, мен Сени олқишлайман,  
Қонун-қоидаларингни менга ўргатгин!  
13 Оғзингдан чиққан барча ҳукмларни  
Ўз ирним билан хабар қиламан.  
14 Сенинг ваҳийларинг йўлида мен  
Катта бойлик топгандек хурсанд бўламан.  
15 Буйруқларингни теран ўйлаб,  
Сенинг йўлларингга кўз тикаман.  
16 Низом-қоидаларингдан завқ топаман,  
Унутмайман каломинг Сенинг.

## (Гимел)

17 Қулингга илтифот қилгин,  
Мен яшаб сўзингни тутайин!  
18 Кўзларимни очиб юборгин,  
Қонунинг ажойиботларини кўрайин!  
19 Мен бу дунёда мусофирман,  
Амрларингни мендан яширмагин!  
20 Ҳукмларингни доимо орзу қиламан,  
Соғинчдан жоним адо бўлмоқда.  
21 Бошбошдоқларнинг адабини Ўзинг берасан,  
Амрларингдан адашган ҳамма лаънатидир.  
22 Шармандалик ва ҳақоратни мендан  
узоқлаштир,  
Мен Сенинг шаҳодатингга риоя қиламан-ку.  
23 Ҳатто беклар ўтириб мени ғийбат қилмоқда,  
Қулинг эса низомларингни теран ўйламоқда.  
24 Ҳа, Сенинг ваҳийларинг мен учун завқдир,  
Улар менинг маслаҳатчиларим ҳамдир.

## (Далет)

25 Жоним тупроққа ёпишиб қолган,  
Ўз каломинг ила мени жонлантиргин!  
26 Йўлларимни Сенга очганимда, мени эшитдинг;  
Қонун-қоидаларингни менга ўргатгин!  
27 Буйруқларинг йўлини менга англлатгин,  
Токи мўъжизаларингни теран ўйлаб олайин!  
28 Жоним ғам-ғуссадан адо бўлмоқда,  
Каломинг билан мени мустаҳкамлагин!  
29 Ёлғончилик йўлин мендан узоқлаштир,  
Қонунинг роҳини мен учун ўнглагин!

30 Мен садоқат йўлини танлаб,  
Ҳукм-фармонларингни олдимга қўйдим.  
31 Ваҳийларингга қаттиқ ёпишдим,  
Мени шарманда қилма, ё Раббим!  
32 Сен юрагимни кенг қилган сайин,  
Амрларинг йўлидан елиб борарман.

## (Ҳе)

33 Эй Худованд,  
Қонун-қоидаларинг йўлини менга ўргатгин,  
Уларни охиригача тутиб амалга оширайин!  
34 Менга ақл-идрок бергин,  
Токи Қонунингга риоя қилайин,  
Уни чин қалбдан сақлаб юрайин!  
35 Мени амрларинг йўлидан юргизгин,  
Чунки ундан мен хушнуд бўлдим.  
36 Юрагимни тамагирликка эмас,  
Ўз шаҳодатингга мойил қилгин!  
37 Беҳуда иш-ҳаракатларга қаратма кўзим,  
Ўз йўлларингга мени тирик тутгин!  
38 Сендан қўрққанларга берган сўзингни  
Ўз қулингга ҳам барқарор қилгин!  
39 Мен қўрқадиган ҳақоратни мендан  
узоқлаштиргин!  
Фақат Сенинг ҳукмларинг олижанобдир.  
40 Ҳа, Сенинг буйруқларингни ҳавас қилдим,  
Ўз адолатинг ҳақи жонлантиргин мени!

## (Вов)

41 Берган ваъдангга кўра, эй Худованд,  
Иноятинг ва нажотинг менга келсин!  
42 Шунда ҳақорат қилганларга жавоб берарман,  
Чунки Сенинг каломингга ишончим комил.  
43 Оғзимдан ҳақиқат каломини бутунлай тортиб  
олма,  
Мен Сенинг ҳукмларингга умид боғлаганман.  
44 Сенинг Қонунингни мен ҳамма вақт,  
Доимо ва абадий сақлайман.  
45 Юрагим кенг бўлиб юравераман,  
Зеро буйруқларингга кўнглим мойил.  
46 Шоҳлар қошида шаҳодат келтираман,  
Сени деб шарманда бўлмайин!  
47 Мен амрларингни кўп севаман,  
Улардан ҳузур-ҳаловат топаман.  
48 Меҳр билан қўл чўзаман амрингга,  
Фармонларингни чуқур ўйлаб ўрганаман.

## (Зайн)

49 Бандангга берган сўзингни эслагин,  
Ундан мени умидвор қилгансан-ку!  
50 Мусибатим кунида тасаллим шу бўлур:  
Сенинг каломинг жонимга жон киритур.  
51 Такабурлар мени кўп масҳара қилишди,  
Мен эса қайтмадим Қонунингдан.  
52 Азалий ҳукмларингни эслаб Сенинг,  
Мен тасалли топмоқдаман, эй Худованд.  
53 Қонунингни ташлаб кетган,

Йўл-йўригинг баҳридан кечган фосидлардан  
Мени ваҳима босиб кетди.

<sup>54</sup> Шу ғурбатсаромда низому қоидаларинг  
Илҳом бўлди қўшиқларимга менинг.

<sup>55</sup> Эй Худованд, тунда Сенинг исмингни эслаб,  
Қонунингга риоя қилишга азм қилдим.

<sup>56</sup> Сенинг буйруқларингни сақлаганим учун,  
Бу бахт менга насиб бўлди.

## (Ҳет)

<sup>57</sup> Эй Худованд, – дедим мен, –

Каломингни сақлашдир менинг бурчим.

<sup>58</sup> Мен чин кўнгилдан Сенга ёлвордим,  
Ваъданга кўра менга меҳрибонлик қилгин!

<sup>59</sup> Мен йўлларимни ўйлаб кўрдиму,  
Оёқларимни қоидаларинг томон бурдим.

<sup>60</sup> Амрларингни тутмоқ учун шошилдим,  
Шу йўлда мутлақо имилламадим.

<sup>61</sup> Бетавфиқлар ўз домига тортди мени,  
Вале Сенинг Қонунингни унутмадим.

<sup>62</sup> Одил ҳукмларинг учун шукр қилай деб,  
Мен ярим кечада ҳам тураман.

<sup>63</sup> Мен барча Сендан кўрққанларнинг,  
Буйруқларингни тутганларнинг улфатиман.

<sup>64</sup> Сенинг иноятинг билан тўладир ер юзи,  
Менга қоидаларингни ўргатгин, ё Раб!

## (Тет)

<sup>65</sup> Эй Худованд, ўз каломингга мувофиқ  
Шу қулинга яхшилик қилгин!

<sup>66</sup> Менга аъло дид ва фаросат бахш этгин,  
Буйруқларингга ишончим комил менинг.

<sup>67</sup> Жафо тортмасдан олдин адашар эдим,  
Энди эса каломингни тутмоқдаман.

<sup>68</sup> Сен яхшисан, яхшилик қилувчисан,  
Қонунларингни менга ўргатгин!

<sup>69</sup> Такаббурлар орқамдан ғийбатимни қиладилар,  
Мен эса чин қалбдан амрларингни тутаман.

<sup>70</sup> Уларнинг юраги чарви боғлаб семирган,  
Мен эса Сенинг Қонунингдан лаззат оламан.

<sup>71</sup> Жафо тортганим менга яхши бўлибди,  
Чунки қонун-қоидаларингни ўрганиб олдим.

<sup>72</sup> Минглаб олтину кумушдан афзал биламан  
Ўз оғзингдан чиққан Қонунинг Сенинг.

## (Юд)

<sup>73</sup> Сенинг қўлларинг мени яратган, барпо этган,  
Амрларингни ўрганишим учун менга идрок  
бергин!

<sup>74</sup> Сендан кўрққанлар мени кўриб севинар,  
Чунки Сенинг сўзингга умид боғлаганман.

<sup>75</sup> Эй Худованд, ҳукмларинг одил эканини  
биламан,  
Мени қийнаганингда ҳам вафодорлик қилдинг.

<sup>76</sup> Қулинга берган ваъданга кўра,  
Илтифотинг менга тасалли бўлсин!

<sup>77</sup> Раҳм-шафқатинг менга келсин ва яшайман,

Сенинг Қонунингдир менга ҳузур берадиган.

<sup>78</sup> Мени ноҳақ ситам қилган шаккоқлар уялсин,  
Мен Сенинг буйруғингни фикрлаб борайин.

<sup>79</sup> Сендан кўрққан, шаҳодатингни билган  
Барча мен томон бурилиб келсин.

<sup>80</sup> Мен шарманда бўлмаслигим учун,  
Қоидаларинг йўлида дилимни пок сақлайман.

## (Коф)

<sup>81</sup> Нажотингни кутиб жоним адо бўлмоқда,  
Каломингга мен умид боғлаганман.

<sup>82</sup> Қачон менга тасалли берасан? – дея,  
Каломингга тикилиб кўзим сўниб бормоқда.

<sup>83</sup> Тутунда бужмайиб қолган мешга ўхшайман,  
Лекин Сенинг фармонларингни унутмайман.

<sup>84</sup> Шу қулининг умри ҳам қанча бўларди?  
Изимга тушганларни қачон ҳукм этарсан?

<sup>85</sup> Қонунингни менсимайдиган шаккоқлар  
Менга чоҳ-чуқур қазидилар.

<sup>86</sup> Барча амрларинг ҳақдир Сенинг.  
Ноҳақ изимга тушганларга қарши туриб,  
Менга ёрдам юборгин!

<sup>87</sup> Мени ер юзидан йўқ қилишларига оз қолди,  
Бироқ мен амрларингдан кўз юммадим.

<sup>88</sup> Иноят қилиб мени барҳаёт сақлагин,  
Ўз оғзингдан чиққан шаҳодатни сақлаб юрайин!

## (Ломед)

<sup>89</sup> Эй Худованд, Сенинг каломинг абадийдир,  
У фазода маҳкам ўрнатилгандир.

<sup>90</sup> Садоқатинг наслдан-наслга ўтади,  
Сен ерни мустаҳкам қилиб яратгансан.

<sup>91</sup> Қароринг ила бугунгача ҳаммаси мавжуд,  
Сенинг қулларингдир борлиқ мавжудот.

<sup>92</sup> Қонунингдан тасалли тополмасайдим гар,  
Мен мусибатдан йўқ бўлиб кетардим.

<sup>93</sup> Буйруқларингни ҳеч вақт унутмайман,  
Улар орқали менга ҳаёт бағишладинг.

<sup>94</sup> Мен Сеникиман, халос қилгин мени,  
Сенинг амрингни ўзим талаб қилганман.

<sup>95</sup> Бетавфиқлар мени йўқ этмоқни пойлади,  
Мен-чи шаҳодатингни дилимга тугиб олдим.

<sup>96</sup> Ҳар қандай камолотнинг ҳаддини кўрдим,  
Сенинг амринг эса ҳадсиз-поёнсиздир.

## (Мем)

<sup>97</sup> Қонунингни мен қанчалик севаман,  
Кун бўйи у фикр-хаёлимда менинг.

<sup>98</sup> Ёвларимдан ортиқ доно қилди мени амринг,  
То абад меники деб биламан фармонинг.

<sup>99</sup> Барча устозларимдан ақллироқ бўлдим,  
Чунон хаёлимдан кетмас қонун-қоидаларинг.

<sup>100</sup> Оқсоқоллардан ҳам ҳикматлироқ бўлдим,  
Зеро Сенинг буйруқларингни сақлаб келаман.

<sup>101</sup> Сўзингга риоя қилай дея тийдим мен  
Оёқларимни барча ёмон йўлдан.

<sup>102</sup> Сенинг ҳукмларингдан қайтмадим,

Зеро Ўзинг менга таълим беряпсан.  
<sup>103</sup> Каломларинг томоғимга нечук лазиздир,  
 Оғзимга улар болдан ҳам ширин татийди!  
<sup>104</sup> Буйруқларингдан ақл ўрганганим учун,  
 Ҳар хил ёлғон йўлдан нафратланаман.

## (Нун)

<sup>105</sup> Сенинг каломинг қадамларим учун чироқдир,  
 Йўлимга нур сочадиган ёруғликдир.  
<sup>106</sup> Ҳақ қарорларингни тутмоққа онт ичдим,  
 Қасамимга вафо ҳам қиламан.  
<sup>107</sup> Мен жуда кўп жафо чекдим, ё Раб,  
 Каломинг ила менга жон бахш этгин!  
<sup>108</sup> Эй Худованд, тилимдаги ҳамду санони  
 Кўнгил қурбонлиги каби қабул этгин,  
 Ҳукму қарорларингни менга ўргатгин!  
<sup>109</sup> Жоним нуқул ҳовучимда бўлса ҳам,  
 Лек Сенинг Қонунингни унутмадим.  
<sup>110</sup> Фосиқлар менга қопқон қўйган бўлса-да,  
 Лек Сенинг амрларингдан бош тортмадим.  
<sup>111</sup> Ваҳийларингни абадий мерос қилиб олдим,  
 Улар юрагимга шод-хуррамлик бағишлайди.  
<sup>112</sup> Низом-қоидаларингга риоя қилмоққа,  
 Умрбод, қатъий қарор қилдим.

## (Сомех)

<sup>113</sup> Иккиланувчилардан нафратланаман,  
 Сенинг Қонунингни мен севаман.  
<sup>114</sup> Паноҳим ва қалқоним Сенсан,  
 Сенинг сўзингга умид боғлаганман.  
<sup>115</sup> Эй бадкирдорлар, мендан узоқлашинг,  
 Худойимнинг амрларини тутиб юрайин!  
<sup>116</sup> Ўз амринг бўйича маҳкам ушла қўлимдан,  
 Яшайверайин, кўнглимни совитма умидимдан!  
<sup>117</sup> Менга мадад юборгин, халос бўлайин,  
 Низомларингга синчиклаб қарайин мудом!  
<sup>118</sup> Қоидаларингдан чиққан барчани Сен рад  
 қиласан,  
 Мана беҳудадир уларнинг ҳийлаю найранги!  
<sup>119</sup> Ер юзидаги ҳамма бетавфиқларни  
 Сен чиқитдай супуриб ташлайсан;  
 Мен-ку Сенинг ваҳийларингни севаман.  
<sup>120</sup> Сендан қўрққанимдан вужудимни титроқ  
 босди,  
 Ҳукмларингдан мен жуда қўрқаман.

## (Айн)

<sup>121</sup> Мен инсоф ва ҳаққоният йўлида ҳаракат  
 қилдим,  
 Жабр қилувчилар қўлига топширма мени!  
<sup>122</sup> Ўз қулингдан дариғ тутма шафоатинг,  
 Такаббурлар менга жабр-зулм қилмасин!  
<sup>123</sup> Сенинг нажотингга кўзим тўрт бўлди,  
 Одил ҳукмингни кутиб кўзим нури тўкилди.  
<sup>124</sup> Қулингга иноят қилиб иш кўрсатгин,  
 Амру фармонларингни ўргатгин менга!  
<sup>125</sup> Мен Сенинг қулингман-ку,

Менга ақл-идрок бергин,  
 Ваҳийларингни фаҳмлаб олайин!  
<sup>126</sup> Худованднинг иш қилиш вақт-соати келди,  
 Мана, Сенинг Қонунингни бузиб юрибдилар!  
<sup>127</sup> Менга қолса, амрларингни олтидан ҳам,  
 Энг соф тилладан ҳам кўпроқ севаман.  
<sup>128</sup> Ҳамма буйруқларингни тўғри деб биламан,  
 Ҳар қандай ёлғончиликдан нафратланаман.

## (Пе)

<sup>129</sup> Ваҳийларинг ажойибдир Сенинг,  
 Шул боис уларга ёпишар жоним.  
<sup>130</sup> Каломинг очилиб қолганда зиё сочар,  
 Ғофилларга ақл-идрок берар.  
<sup>131</sup> Оғзимни кенг очиб оҳ дейман,  
 Амрларингга қанчалик зориқаман!  
<sup>132</sup> Исмингни севгучиларга қилганингдек,  
 Менга ҳам қараб меҳрибонлик кўрсатгин!  
<sup>133</sup> Амринг ила қадамларимни тўғри қил,  
 Ҳеч бир ёмонлик менга ҳукмрон бўлмасин!  
<sup>134</sup> Инсон жабридан мени қутқаргин,  
 Буйруқларингни тутиб борайин!  
<sup>135</sup> Қулингга мунаввар юзингни кўрсатгин,  
 Низом-қоидаларингни ўргатгин менга!  
<sup>136</sup> Қонунингни бузганлар сабабли  
 Кўз ёшимни дарёдай тўкиб юраман.

## (Соде)

<sup>137</sup> Сен одилсан, эй Худованд,  
 Ҳукмларинг эса тўғридир Сенинг.  
<sup>138</sup> Ваҳийларингни барҳақ қилиб буюргансан,  
 Улар тамомила ишонарлидир.  
<sup>139</sup> Жаҳду ғайратим мени адо этмоқда,  
 Каломингни эсдан чиқаряпти-ку ёвларим!  
<sup>140</sup> Сенинг каломинг жуда мусаффоидир,  
 Қулинг унга қанчалик меҳр қўйган!  
<sup>141</sup> Мен кичикман, хўрланганман,  
 Лекин буйруқларингни унутмайман.  
<sup>142</sup> Сенинг адолатинг – мангу алолат,  
 Қонунинг эса – ҳақиқатдир.  
<sup>143</sup> Мен азоб ва машаққатга йўлиқдим,  
 Амрларинг-чи менга завқ бағишлар.  
<sup>144</sup> Ваҳийларинг абадий адолатдир,  
 Менга идрок бергин ва яшайман.

## (Қуф)

<sup>145</sup> Чин кўнгилдан ёлворяпман,  
 Менга жавоб бергин, эй Худованд!  
 Сенинг қонун-қоидаларингни сақлайман.  
<sup>146</sup> Сенга ёлворяпман, қутқаргин мени,  
 Токи шаҳодатингга содиқ қолайин!  
<sup>147</sup> Саҳар чоғи туриб нолаю фиғон қиламан,  
 Сенинг сўзингга умид боғлайман.  
<sup>148</sup> Каломингни фикр қилиб тунни тонгга улайман,  
 Кўзларимга уйқу бермайман асло.  
<sup>149</sup> Иноят қилиб овозимни эшитгин, ё Раббим,  
 Адолат қилиб менга жон бергин!

<sup>150</sup> Фисқ-фасод пайдан бўлган бузуқ ниятлилар  
Қонунингдан узоқлашиб, менга яқинлашдилар.

<sup>151</sup> Бироқ Сен жуда яқинсан, эй Худованд,  
Барча амрларинг эса ҳақиқатдир.

<sup>152</sup> Ваҳийларингни азалий деб биламан,  
Сен уларни мангу барқарор қилгансан.

(Реш)

<sup>153</sup> Тушкунлигимни кўру, мени қутқаргин,  
Чунки Сенинг Қонунингни унутмадим!

<sup>154</sup> Даъвомга чора қил, мени ҳимоя этгин,  
Ваъданга кўра мени жонлантиргин!

<sup>155</sup> Бетавфиқлар қутулишдан узоқдир,  
Чунки улар низомингни изламайдилар.

<sup>156</sup> Сен эса-чи кўп раҳмдилсан, эй Худованд,  
Ўз ҳукму қароринг ила жонимни киритгин!

<sup>157</sup> Мени таъқиб қилаётган душманларим кўп,  
Бироқ Сенинг шаҳодатингдан мен чиқмадим.

<sup>158</sup> Каломингга амал қилмайдиган хоинларни  
кўриб,

Мен қаттиқ нафратландим.

<sup>159</sup> Қара, Сенинг амрларингни мен қандай  
севаман!

Эй Худованд, лутф қилиб мени жонлантиргин!

<sup>160</sup> Сенинг каломинг асоси ҳақиқатдир,

Ҳар бир адолатли ҳукминг абадийдир.

(Шин)

<sup>161</sup> Беклар сабабсиз орқамдан тушдилар,  
Дилимга эса Сенинг каломинг кўркув солар.

<sup>162</sup> Мен Сенинг ваъдангни эшитиб,  
Катта ғанимат топгандай хурсанд бўлдим.

<sup>163</sup> Ёлғончиликдан нафратланиб жирканаман,  
Лекин Сенинг Қонунингни севаман.

<sup>164</sup> Мен адолатли ҳукмларингни куйлаб,  
Ҳар куни етти марта Сенга сано айтаман.

<sup>165</sup> Қонунингни севганларга буюк хотиржамлик  
ёрдир,

Уларнинг оёғи тўсиққа қоқилиб кетмас.

<sup>166</sup> Нажотингга умид боғладим, эй Худованд,  
Сенинг амрларингни бажариб бораман.

<sup>167</sup> Ваҳийларингни қалбимда сақлаб юраман,  
Уларни жон-дилим билан севаман.

<sup>168</sup> Буйруқ ва низомларингни тутаман,  
Барча йўлларим Сенинг олдинда аёнدير.

(Тов)

<sup>169</sup> Фарёдим Сенга бориб етсин, эй Худованд,  
Каломинг билан менга фаҳм-идрок бергин!

<sup>170</sup> Ёлвориб-ялинишим Сенга бориб етсин,  
Сўзингга яраша мени халос қилгин!

<sup>171</sup> Низомларингни менга ўргатар экансан,  
Сенга мақтовлар тилимдан тушмасин!

<sup>172</sup> Сенинг барча амрларинг адолатли экан,  
Ирним каломингни тараннум этсин!

<sup>173</sup> Қўлинг менга ёрдам бермоққа шай бўлсин,  
Сен буюрган амрларни мен танлаганман.

<sup>174</sup> Нажотингни ҳавас билан излайман, ё Раббим,  
Қонунинг эса завқу овунчоғим бўлди менинг.

<sup>175</sup> Жоним яшасин, Сенга мақтовлар ўқисин,  
Ҳукмларинг менга ёрдам берсин!

<sup>176</sup> Йўқолган қўй каби йўлдан адашдим;  
Сен шу қулингни ахтариб топгин,  
Чунки амрларингни унутмадим.

Маккордан халос бўлиш учун муножот

**119** Худовандга дод қилдим мен танглигимда,  
У эса қулоқ солди фарёдимга.

<sup>2</sup> Ёлғончи лаблардан, маккор тилдан  
Жонимни асрагин, ё Раббий!

<sup>3</sup> Ҳой маккор тил-ей,  
Сенга не насиб бўлар экан?

Нелар орттирар экан сенга Тангри?

<sup>4</sup> Баҳодирнинг ўткирлашган ўқларию,  
Қизгин юлғун чўғи насиб этгуси.

<sup>5</sup> Ўзимнинг ҳолимга вой, дейман,  
Мана, кофирлар\* ўртасида қолибман-ку,  
Имонсизлар\* чодиридан чиқмай қолдим!

<sup>6</sup> Тинчлик душманлари бирла узоқ яшаб,  
Анча қийнадим мен жонимни!

<sup>7</sup> Мен тинчлик тарафдориман,  
Илло оғзимни очай десам,  
Улар урушни истайдилар.

Сени Худованд кўриқлайди

**120** Тоғларга кўзларимни тикаман,  
Менга мадад қаердан келар экан?

<sup>2</sup> Худованд еру осмонни яратган,  
Ундан келар менга мадад.

<sup>3</sup> Оёқларинг қоқилишига У йўл қўймагай,  
Сенинг Кўриқчингдир У, ухламагай асло!

<sup>4</sup> Ҳа, Исроилни Кўриқловчи мудрамас,  
У мижжа ҳам қоқмас.

<sup>5</sup> Худованд сенинг Кўриқчингдир,  
Ўнг томонингдаги соябонингдир У.

<sup>6</sup> Кундузи қуёш сени урмас,  
Кечаси ой сенга зарар етказмас.

<sup>7</sup> Ҳар бир бадбахтликдан сени асрар,  
Жонингни ҳам кўриқлар Худованд.

<sup>8</sup> Ҳозирдан бошлаб то абадга қадар  
Чиқиш ва қайтишингни Худованд асрар.

Қуддусга тинчлик тилаш

**121** Худованднинг уйига борамиз!  
– деганлардан хурсанд бўлдим.

<sup>2</sup> Сенинг дарвозаларинг остонасида  
Оёқларимиз турган эди, Қуддус!

<sup>3</sup> Уйларинг бир-бирига туташ,  
Маҳкам қурилган шаҳарсан, Қуддус!

<sup>4</sup> У шаҳарга қабилалар бориб кирди,  
Худованднинг қабилалари бориб кирди.

Худованд исмини мадҳ этмоқ –  
Ана бу Бани-Исроилга буюрилган амр.

<sup>5</sup> Ўша ерда ҳукм қилиш учун тахтлар қурилган,

Довуд хонадони учун минбарлар қурилган.

<sup>6</sup> Қуддусга тинчлик тилангиз:

Сени севгучилар ҳузур кўргай!

<sup>7</sup> Деворларинг ичра тинчлик,

Қасрларинг аро осойиш бўлғай!

<sup>8</sup> Қардошу қондошларим учун дейман:

Сенга тинчлик ҳамроҳ бўлғай!

<sup>9</sup> Рабби Худовандимиз хонадони хотири учун

Сенга эзгулик тилайман.

#### Кулларнинг тикилган кўзлари

**122** Кўзларимни Сенга тикаман,  
Эй, осмони фалакда ўлтирган Эгам!

<sup>2</sup> Худди кулларнинг кўзлари хўжайини қўлига,  
Канизларнинг кўзлари бекаси қўлига  
тикилгандай,

Бизнинг кўзимиз Рабби Худовандимизга тикилган,

То У бизга меҳрибонлик қилгунига қадар.

<sup>3</sup> Бизга меҳрибонлик қилгин, эй Худованд!

Бизга меҳрибонлик айлагин,

Зеро ҳақоратдан жуда тўйганмиз.

<sup>4</sup> Роҳатда яшовчиларнинг масхарасидан,

Димоғи кўтарилганларнинг ҳақоратидан

Жонимиз жуда ҳам тўйгандир..!

#### Душмандан қутулганлар мадҳияси

**123** Агар Худованд биз билан бўлмаса эди,  
– десин Исроил, –

<sup>2</sup> Банибашар бизга қарши чиққанда,

Агар Худованд биз билан бўлмаса эди,

<sup>3</sup> Улар ашаддий қаҳр-ғазаби билан

Тириклайин бизни ютиб юборишар эди.

<sup>4</sup> Унда сувлар бизни босиб қолар,

Жонимиз устидан селлар қуюлар эди.

<sup>5</sup> Унда сувлар шовуллаб тошиб,

Жонимиз устидан босиб ўтар эди.

<sup>6</sup> Худовандни олқишлайлик, чунки

Йиртқишларга ўлжа қилиб қўймади бизни.

<sup>7</sup> Овчилар қопқонидан қочиб қутулди

Жонимиз бизнинг, бамисоли куш;

Қопқон синиб, биз қочиб қутулдик.

<sup>8</sup> Еру осмонни яратган Парвардигор –

Худованднинг исмидандир мададимиз.

#### Худованд аҳли мўминнинг атрофида

**124** Худовандга умид боғлаганлар Сион  
тоғидайдир:

У тебранмас, мустаҳкамдир илалабад.

<sup>2</sup> Қуддус-чи тоғу тепа унинг атрофидадир,

Худованд эса Ўз халқининг атрофидадир,

Ҳозирдан бошлаб то илалабад.

<sup>3</sup> Худованд фосиқларнинг ҳукм ҳассасини

Солиҳлар тақдирига устун қўймас, токи

Солиҳлар ноҳақ ишга қўл урмасин зинҳор.

<sup>4</sup> Яхшиларга, юраги тўғриларга

Ўзинг яхшилик қилгин, эй Худованд!

<sup>5</sup> Ўзларининг қинғирлиги ила юрувчиларни эса

Худованд бадқирдорлар билан ирғитиб ташлар.

Исроилга тинчлик ёр бўлсин!

#### Озод бўлганларнинг шодиёнаси

**125** Худованд Сион аҳлини сургундан  
қайтарганда,

Биз туш кўраётганлардай бўлар эдик.

<sup>2</sup> Шу кез оғзимиз кулги ила тўлиб-тошар,

Тилимиздан эса узилмас эди тараннум.

Шу кез эл-халқлар орасида:

«Худованд улар учун буюк ишлар яратди»,

– деган гап-сўз ёйилар эди.

<sup>3</sup> Ҳа, Худованд биз учун буюк ишлар яратди,

Бундан биз хуррам бўлар эдик.

<sup>4</sup> Эй Худованд, Жанубистондаги селларни

Мавсумида Сен қандай қайтариб турсанг,

Сургунда бўлганларимизни шундай қайтаргин!

<sup>5</sup> Кўз ёши билан экин экканлар

Хурсандчилик билан ҳосил кўтарар.

<sup>6</sup> Оҳ-зор билан уруғини сепган деҳқон

Боғ-боғ буғдой кўтариб куйлаб қайтар.

#### Ҳар бир барака Худодан

**126** Агар уйни Худованд қурмаса,  
Қурувчилар бекорга ишлайди;

Агар шаҳарни Худованд қўриқламаса,

Қоровул бекорга бедор қолади.

<sup>2</sup> Бекорга сизлар саҳар туриб,

Тунги уйқудан қоласизлар,

Бекорга ғам-ғусса нонини ейсизлар.

Мана, Худонинг маҳбубига уйқу насиб этар.

<sup>3</sup> Мана ўғиллар – Худованд берган насиба,

Фарзандлар – Худованд берган мукофотдир.

<sup>4</sup> Ботирнинг қўлида ўқлар қандай бўлса,

Ёшлик чоғида кўрган ўғиллари шундайдир.

<sup>5</sup> Ўқдони улар билан тўлган эр бахтли!

Майдонда душманлари билан даъволашса,

Элнинг кўзи олдида шарманда бўлмас.

#### Художўйнинг ҳузур-ҳаловати

**127** Бахтлидир Худованддан кўрқадиган,  
Унинг йўлларида юрадиган ҳар бир  
инсон!

<sup>2</sup> Қўл меҳнатинг самарасини ер экансан,

Ҳузур-ҳаловатга ноил бўлурсан.

<sup>3</sup> Хотининг ҳовлинг ичра ўтқазилган

Серҳосил ток новдаси каби бўлур.

Дастурхонинг атрофидаги ўғилларинг

Зайтун кўчатлари сингари бўлурлар.

<sup>4</sup> Мана қаранг Худодан кўрққан эрни,

У қанчадан-қанча баракага эришур!

<sup>5</sup> Худованд сени Сиондан табаррук қилгай!

Сен бутун ҳаётинг давомида

Қуддуснинг гуллаб-яшнашини кўргайсан.

<sup>6</sup> Ҳатто ўғилларинг ўғилларини кўргайсан.

Исроилга тинчлик ёр бўлсин!



## Сион душманларининг йиқилиши

- 128** Ёшлигимдан бери мени кўп жабрладилар,  
– десин Исроил, –  
<sup>2</sup> Ёшлигимдан бери мени кўп жабрладилар,  
Бироқ мени енга олмадилар.  
<sup>3</sup> Орқамда қўшчилар ер ҳайдаб,  
Узун эгатлар очдилар.  
<sup>4</sup> Худованд эса-чи адолатпарвардир,  
У фосиқлар кишанларин синдириб ташлади.  
<sup>5</sup> Барча Сиондан нафратланувчилар  
Шарманда бўлиб орқага қайтсинлар!  
<sup>6</sup> Юлинмасдан олдин қуриб кетган  
Том устидаги ўт каби бўлсинлар!  
<sup>7</sup> У билан на ўроқчининг ҳовучи,  
На боғ боғловчининг қўйни тўлар.  
<sup>8</sup> Ўтган-кетган ўроқчиларга айтишмасин:  
«Худованд сизга барака берсин!» – дея,  
«Худованд номидан сизни муборақбод этамиз!»  
– деб ҳам айтишмасин зинҳор.

## Гуноҳни Кечирадиганга умид

- 129** Эй Худованд,  
Чуқурликлардан Сени чорляпман!  
<sup>2</sup> Ё Раббий, овозимни тинглагин,  
Ёлворишимга қулоқларинг диққат қилсин!  
<sup>3</sup> Ёху Раббано!  
Сен гуноҳларни ҳисобга олсанг,  
Ким ҳам тура олар экан?  
<sup>4</sup> Бироқ, Сен кечиримлисан;  
Шу сабаб эл Сендан кўрқсин.  
<sup>5</sup> Худовандга умид боғладим,  
Жоним билан умид боғладим,  
Унинг амрига мунтазирман.  
<sup>6</sup> Қоровулнинг сахарни кутишидан кўра,  
Посбоннинг тонгни кутишидан кўра,  
Жоним Раббимга кўпроқ мунтазирдир.  
<sup>7</sup> Исроил Худовандга умид боғласин!  
Худованд раҳм-шафқатлидир,  
Жон исқотини Ўзи мўл беради.  
<sup>8</sup> Ўзи фориг қилади Исроилни  
Барча гуноҳларидан.

## Тинчиган қалб

- 130** Эй Худованд, дилимда мағрурлик йўқ,  
Кўзларим такаббуруна боқмайди.  
Мен ета олмайдиган, ажиб ишларга  
киришмайман.  
<sup>2</sup> Жонимни тинчитдим мен, осудаман.  
Онаси қучоғида ётган эмизиксиз гўдак,  
Сутдан чиқарилган чақалоқ каби  
Бағримда ётибди жоним менинг.  
<sup>3</sup> Ҳозирдан то илалабад Исроил  
Худовандга умид боғласин!

Довуд шаҳри – Худованд шаҳри

- 131** Эй Худованд, Довудни ҳам,  
Барча қайғуларини ҳам эслагин!

- <sup>2</sup> У Худованд ҳузурида қасам ичган,  
Ёқубдек Жабборга назр атаб деган:  
<sup>3</sup> «Мен уйимга кирмайман,  
Тўшагим узра ётмайман,  
<sup>4</sup> Кўзларимга уйқу келмагай,  
Юмилмагай қовоқларим ҳам,  
<sup>5</sup> То Худовандга бир макон топмагунимча,  
Манзил қурмагунимча Ёқуб кўрққан Жабборга».  
<sup>6</sup> Аҳд Сандиғи Эфратда\*, деб эшитган эдик,  
Яъар\* қирларида эса уни топиб олдик.  
<sup>7</sup> Келинг, Худонинг масканига кирайлик,  
Оёқлари остига йиқилиб сажда қилайлик!  
<sup>8</sup> Тургин, эй Худованд,  
Роҳатланадиган ерингга чиққин,  
Ўзинг ила қудратли Сандиғинг бирла!  
<sup>9</sup> Руҳонийларинг солиҳлик ила кийинсин,  
Азизларинг севинч-ла тараннум этсин!  
<sup>10</sup> Қулинг Довуднинг хотири учун,  
Ўз танлаганингдан юз ўгирмагин!  
<sup>11</sup> Худованд Довудга онт ичган эди,  
Сўзи барқарордир, У сўзидан қайтмас:  
«Тахтингга ўз уруғингдан одам ўтқазаман.  
<sup>12</sup> Агар ўғилларинг Менинг аҳд-паймонимга,  
Ўзим ўргатган шаҳодатга риоя қилсалар,  
Ўғилларинг ўғиллари ҳам тахтингга ўтирар, то  
абад».  
<sup>13</sup> Зотан, Худованд Сионни танлади,  
Ўзига маскан учун у ерни хоҳлади.  
<sup>14</sup> «Роҳатланадиган ерим шудир то абад,  
Бунда ўрнашаман, бу ерни хоҳладим, – деди,  
<sup>15</sup> Озуқаларини баракали қилиб бераман,  
Нонга тўйдираман фақир-фуқароларин.  
<sup>16</sup> Руҳонийларига нажот кийимини кийдираман,  
Буюк севинч-ла куйлаб борар азизларим.  
<sup>17</sup> Ўша ерда Довудга салтанат пайдо қиламан,  
Танлаганимга ёнар чироқни муҳайё қиламан.  
<sup>18</sup> Душманларини шармандалик билан қоплайман,  
Бошидаги тожи эса гуллаб-яшнагай».

## Биродарона иноқлик

- 132** Биродарларнинг иноқ бўлиб яшаши  
Мана, қандай яхши ва қандай соз!  
<sup>2</sup> Бошга суртилган хушбўй ёғ кабидир бу,  
Ҳа, Ҳоруннинг\* соқолига оқиб тушган,  
Тўни ёқасигача оқиб тушган мойдекдир.  
<sup>3</sup> Сион тепалиқларигача тушиб келган  
Кўҳи Ҳермўн шабнами кабидир бу.  
Зеро Сионда Худованд баракатни,  
Абадий ҳаётни амр этган.

## Худованднинг барча бандалари!

- 133** Эй сизлар, Худованднинг барча бандалари,  
Кечалари Худованднинг уйида турганлар,  
Худованд шаънига ҳамду сано айтинглари!  
<sup>2</sup> Унинг муқаддас маконига томон

Кўллари гизни юқорига чўзинг-да,  
 Ҳамду сано айтинглари Худовандга!  
 3 Осмон ва ерни яратган Худованд  
 Сени Сиондан туриб табаррук қилгай!

#### Қодир Худовандни куйлаш

**134** Ҳамдлар бўлсин!  
 Ҳамдлар ўқинг, эй Худованд қуллари,  
 Худованднинг исмига ҳамдлар ўқинг!  
 2 Эй сиз, Худованднинг уйида турганлар,  
 Худойимиз ҳовлиларида хизмат қилаётганлар,  
 3 Худовандни мақтанглари, чунки У эзгудир,  
 Исмини тараннум этинг, чунки у олижанобдир!  
 4 Зероки Худованд Ўзига Ёқубни,  
 Азизим деб Исроилни танлаган.  
 5 Мен биладан, Худованд улугдир,  
 Ҳа, Раббимиз барча худолардан улугдир.  
 6 Ер ва осмонда ҳам,  
 Денгизлар ва ҳамма тубсиз жойларда ҳам  
 Худованд истаганини яратаверади.  
 7 Ернинг четидан У булутларни чиқаради,  
 Ёмғир ичра чақмоқларни чақнатади,  
 Ўз хазиналаридан елни ҳам чиқаради.  
 8 Удир Мисрнинг тўнғичларини қирган,  
 Инсондан тортиб ҳайвонга қадар.  
 9 Миср ўртасида, Фиръавннинг кўзи ўнгида,  
 Фиръавннинг барча қуллари кўзи ўнгида  
 У кароматли ажойиботлар пайдо қилган.  
 10 У анча элу халқларни қирган,  
 Қудратли шоҳларни тифдан ўтказган.  
 11 Амўрийлар шоҳи Сихўнни ҳам,  
 Башан подшоҳи Ўғни ҳам,  
 Бутун Канъон шоҳликларини ҳам  
 У ағдариб ташлаган.  
 12 Уларнинг ер-мулкни тортиб олиб,  
 Ўз халқи Исроилнинг мулкига қўшиб берган.  
 13 Эй Худованд, Сенинг номинг абадийдир,  
 Наслларча давом этар хотиранг, эй Худованд.  
 14 Худованд Ўз халқини ҳукм қилар,  
 Ўз қулларига раҳм-шафқат айлар.  
 15 Мажусийларнинг манфур санамлари кумуш ва  
 олтиндир,  
 Инсон қўлларининг иш-амалидир.  
 16 Уларнинг оғзи бор, лек сўзламайдилар,  
 Уларнинг кўзлари бор, лек кўрмайдилар.  
 17 Қулоқлари бор-у, эшитмайдилар,  
 Оғизларидан эса нафас чиқармас.  
 18 Уларни ясаган киши,  
 Уларга эътиқод қилган барча  
 Худди уларга ўхшаб қолур.  
 19 Эй Исроил хонадони, Худовандни олқишланг!  
 Эй Ҳорун хонадони, Худовандни олқишланг!  
 20 Эй Левий хонадони, Худовандни олқишланг!  
 Эй Худованддан қўрққанлар, Уни олқишланг!  
 21 Қуддусда маскан топган Худованд шаънига  
 Сионда ҳамду санолар ўқилсин!  
 Ҳамдлар бўлсин!

#### Абадийдир Унинг инояти!\*

**135** Худовандга шукр қилинг,  
 У олижанобдир, абадийдир инояти!  
 2 Худолар Худосига шукр қилинг,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 3 Ҳокимлар Ҳокимига шукр қилинг,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 4 Ёлғиз Ўзи буюк мўъжизалар яратган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 5 Осмонни У ҳикмат билан яратган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 6 Ерни сувлар устида ўрнатган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 7 Буюк осмон ёритқичларин яратган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 8 Кундузи ҳукм сурмоғи-чун қуёшни яратган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 9 Тунда ҳукм сурмоғи-чун ой ва юлдузларни  
 яратган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 10 Мисрдаги тўнғичларни Қирганга шукр қилинг,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 11 У Бани-Исроилни ўрталаридан олиб чиққан,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 12 Уларни Ўзининг баланд қўли ила,  
 Ўзининг чўзилган қўли ила озод қилган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 13 Қизил денгизни иккига бўлган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 14 Бани-Исроилни денгиз ўртасидан ўтказган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 15 Фиръавн ва лашкарин Қизил денгизга ағдарган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 16 Халқини чўлдан ўтказганга шукр қилинг,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 17 У буюк подшоҳларни қириб ташлаган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 18 Шўхрати баланд шоҳларни ўлдирган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 19 Амўрийлар шоҳи Сихўнни ўлдирган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 20 Башан подшоҳи Ўғни нобуд қилган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 21 Уларнинг ерини мерос қилиб берган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 22 Ўз қули Исроилга мерос қилиб берган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 23 Хор бўлганимизда У бизни эслаган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 24 Ёвларимиздан бизни халос этган,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 25 Ҳар бир жонга ризқини Берувчига шукр қилинг,  
 Абадийдир Унинг инояти!  
 26 Осмон Тангрисига шукр қилинг,  
 Абадийдир Унинг инояти!

## Сургундаги халқнинг нолаю фарёди

**136** Бобил нахрлари бўйида ўтириб,  
Биз Сионни эслаб йиғлар эдик.  
<sup>2</sup> Бобил бағридаги тол дарахтларига  
Ғижжакларимизни осиб қўйган эдик.  
<sup>3</sup> Чунки бизни асир қилиб олганлар  
Бизни у ерда масхара қилар,  
Биздан қўшиқ айтиб беришни сўрар,  
«Сион қўшиқларидан айтиб беринглар!»  
– деб жонимизни қийнар эдилар.  
<sup>4</sup> Аммо бегона ерда эканмиз,  
Худованднинг қўшиғини қандай айтайлик?  
<sup>5</sup> Агар сени унутсам, эй Қуддус,  
Ўнг қўлим мени унутсин!  
<sup>6</sup> Эй Қуддус, агар сени эсламасам,  
Энг чексиз севинчимдан юқори тутмасам,  
Тилим танглайимга ёпишиб қолсин!  
<sup>7</sup> Қуддусга фалокат келган кунда:  
«Уни тубигача яланғочланг,  
Уни хароб қилиб ташланг!» – деган  
Эдўм ўғилларини эсга олгин, эй Худованд!  
<sup>8</sup> Эй, вайронагарчилик қизи – Бобил!  
Бизга қилган ёмонликларинг учун  
Сендан ўч олгучи бахтли бўлур!  
<sup>9</sup> Ўдақларингни олиб қояга уриб,  
Тилка-пора қилгучи бахтли бўлур!

## Худованднинг меҳрибонлигига шукрона

**137** Эй Худованд,  
Чин кўнгилдан Сенга шукр қилиб,  
Илоҳлар қаршисида Сени куйлайман.  
<sup>2</sup> Муқаддас маъбадинг томон сажда қилиб,  
Иноятү садоқатинг учун шукр қиламан,  
Улуғ номингга тан бераман Сенинг.  
Сен номингдан ҳам улуғ ваъда бергансан.  
<sup>3</sup> Чақирган кунимда менга қулоқ солдинг,  
Кўнглимни кўтариб тетик қилдинг.  
<sup>4</sup> Эй Худованд,  
Ўз оғзингдан чиққан амрларни эшитганларида,  
Ер юзи шоҳлари ҳаммаси Сенга шукр қиладилар.  
<sup>5</sup> Худованднинг йўлларини куйлайдилар,  
Чунки шуҳрати буюқдир Худованднинг!  
<sup>6</sup> Худованд юксак бўлиб, ювошларга боқар,  
Мағрурларни эса узоқдангина танир.  
<sup>7</sup> Мусибатлар ичида юрсам ҳам,  
Сен менинг руҳимни кўтарасан;  
Ёвларим ғазабига қарши қўл кўтариб,  
Кучли ўнг қўлинг ила мени қутқазасан.  
<sup>8</sup> Худованд менинг ишимни рўёбга чиқазар.  
Сенинг иноятинг абадийдир, эй Худованд,  
Ўзинг яратганларни ҳеч вақт ташлаб қўймагин!

## Худованд мени билади

**138** Эй Худованд, Сен мени синадинг  
Ҳамда билиб олдинг.  
<sup>2</sup> Ўтириб-туришларимни Сен биласан,

Хаёлларимни узоқдан англайсан.  
<sup>3</sup> Юришиму ётишимни Сен текширасан,  
Барча йўлларим Сенга равшандир.  
<sup>4</sup> Бирон гапни айтмоққа тилим бормасдан,  
Сен ҳаммасини биласан, эй Худованд.  
<sup>5</sup> Олдимдан ва орқамдан мени ўраб олиб,  
Қўлингни устимга қўйгансан.  
<sup>6</sup> Бу менинг тушунчам учун ғоят ажибдир,  
Юксакдир, ақлим бовар қилмас.  
<sup>7</sup> Сенинг Руҳингдан қаерга ҳам кетар эдим?  
Сенинг хузурингдан қаерга қочиб бораман?  
<sup>8</sup> Агар осмонга ўрласам, Сен у ердасан,  
Ўликлар диёрига тушай десам,  
Ўша ерда ҳам Сен борсан.  
<sup>9</sup> Саҳарнинг қанотларини олиб учсам,  
Денгиз четларигача кўчиб ўрнашсам,  
<sup>10</sup> Ўша ерда ҳам Сенинг қўлинг мени етаклар,  
Ҳа, кучли ўнг қўлинг мени ушлаб турар.  
<sup>11</sup> Агар мен: Зулмат мени ўраб олсин,  
Атрофимдаги ёруғлик тунга айлансин, – десам-да,  
<sup>12</sup> Ҳатто зулмат ҳам Сен учун қора эмас,  
Тунни гўё кундуздек ёруғ кўрасан.  
Қоронғу ва ёруғ Сен учун бари бирдир.  
<sup>13</sup> Бутун ичларимни Сен бунёд этдинг,  
Онам қорнида мени ташкил қилдинг.  
<sup>14</sup> Сенга шукрлар қиламан,  
Мен ҳайбатли суратда яралганман,  
Санъатинг ажойибдир Сенинг,  
Буни жон деб тан оламан.  
<sup>15</sup> Шаклим Сенга сир эмас эди;  
Пинҳона вужудга келганимни,  
Ернинг тубан жойларида тўқилганимни,  
Ҳаммасини ҳам Сен биласан.  
<sup>16</sup> Ҳамон пушт шаклида эканман,  
Кўзларинг кўрарди мени.  
Ҳали бир кун ҳам яшамаганимда,  
Сен кунларимни тайин қилиб,  
Ҳаммасини китобингга ёзган эдинг.  
<sup>17</sup> Сенинг муддаоларинг менга жуда азиздир,  
Улар қанчадан-қанчадир, эй Тангрим!  
<sup>18</sup> Уларни санаб чиқадингиз бўлсам,  
Қум зарраларидан кўпроқ бўлиб чиқар.  
Мен бир ухлаб, уйғонсам,  
Ҳали ҳам Сен билан биргаман.  
<sup>19</sup> Эй Худо, кошки Сен фосиқни ўлдирсанг эди!  
Узоқлашинглар мендан, барча қонхўрлар!  
<sup>20</sup> Нопок ният билан Сени тилга оладилар,  
Беҳуда ишларни хаёл қиладилар ғанимларинг.  
<sup>21</sup> Эй Худованд, Сендан нафратланганлардан  
Мен нафратланмайинми?  
Сенга қарши чиққанлардан жирканмайинми?  
<sup>22</sup> Бор нафрат билан улардан жирканаман,  
Ўзимга душман деб биламан уларни!  
<sup>23</sup> Эй Тангрим,  
Мени синаб, юрагимни билиб олгин!  
Мени текшириб, хаёлларимни ўрганиб чиққин!  
<sup>24</sup> Кўргил-чи, йўлимда бирон хафалик бормикин?  
Абадият йўлига мени йўналтиргин!

### Ёвузлардан қутулиш учун муножот

**139** Эй Худованд,  
Мени ёмон одамдан қутқаргин,  
Золимдан асраб қолгин мени!

<sup>3</sup> Улар юрагида ёвуз ниятларни тўқиб,  
Кундан-кунга уруш кўзғайдилар.

<sup>4</sup> Илон каби тилларини қайрайдилар,  
Лаблари учида қора илон захридир.

<sup>5</sup> Эй Худованд, фосиқ қўлидан мени сақлагин,  
Золим одамдан асраб қолгин мени!

Улар мени туртиб, йўлдан тойдирмоқчи.

<sup>6</sup> Мағрурлар мен учун дом яширишди,  
Борар йўлим четига тўру илмоқ,  
Қопқону тузоқ ёйиб қўйишди.

*САЛОТ*

<sup>7</sup> Менинг Тангрим Сенсан, дедим Худовандга.

Ёлворишимга қулоқ бергин, эй Худованд!

<sup>8</sup> Ё Худоё Худовандо!

Ўзингсан қувватиму нажотим менинг,  
Жанг кунида Ўз паноҳингда асрадинг.

<sup>9</sup> Фосиқлар тилагини бермагин, ё Раббий!  
Ёвуз ниятларига омад берсанг гар,  
Улар мағрурланиб кетар!

*САЛОТ*

<sup>10</sup> Мени ўраб олганларнинг тил учидаги ёмонлиги  
Ўз бошига қайтиб уларни шувут қилсин!

<sup>11</sup> Бошларига ёнаётган чўғлар ёғсин,  
Оташга, тубсиз чуқурликларга ташлансин,  
Қайтиб у ердан чиқмасинлар!

<sup>12</sup> Тил қайровчи одам мамлакатда ўрнашмасин,  
Золим изидан бадбахтлик қувиб ҳалок қилсин!

<sup>13</sup> Биламан, Худованд мазлумни ҳимоя қилар,  
Бечораҳолни У адолатли ҳукм қилар.

<sup>14</sup> Солиҳлар-чи Сенинг исмингга шукр қилар,  
Софдиллар бари Сенинг ҳузурингда яшар.

*САЛОТ*

### Ёмон йўлдан сақлаш учун ибодат

**140** Эй Худованд,  
Сенга ёлворяпман, менга шошилгин!  
Чақирган чоғим тавалломга қулоқ солгин!

<sup>2</sup> Ибодатим исириқ каби тутаб,  
Сенинг олдинга етиб борсин;

Дуога қўл чўзишларим эса Сенга  
Шом қурбонлигидай мақбул бўлсин!

<sup>3</sup> Эй Худованд, оғзимга посбон қўйгин,  
Ирним эшигини ихота қилгин!

<sup>4</sup> Юрагимни ёмон йўлга майл қилмагин,  
Ёвуз одамларнинг кирдикорларигагин,  
Ёмон қилмишларига ҳаваслантирма,  
Уларнинг мазасидан мен лаззат олмайин!

<sup>5</sup> Солиҳ мени урар экан – бу иноятдир,  
У мени фош қилар экан – бошимга мойдир,  
Бундан мен бош тортмайман мутлақо.

Вале ҳанузгача менинг ибодатим  
Ёвузларнинг ёвузлигига қарши қаратилган.

<sup>6</sup> Уларнинг беклари қояга урилиб нобуд бўлганда,  
Менинг сўзларимга улар қулоқ солажақлар,  
Ёқимли сўзлар эканини тушунажақлар.

<sup>7</sup> Худди ер ҳайдагандек бизни чопиб-тилиб,  
Суяқларимизни ўликлар диёрига сочиб  
юбордилар.

<sup>8</sup> Менинг кўзларим эса Сенга тикилган,  
Ё Раббим! Эй Худованд!

Сендан паноҳ топган эканман,  
Зинҳор итқитиб ташлама жоним!

<sup>9</sup> Менга қасд қилиб қўйилган домдан,  
Қонунсизлар тузоғидан сақлагин мени!

<sup>10</sup> Мен бемалол ўтиб кетар эканман,  
Фосиқлар ўз тўрларига тушиб қолсинлар.

### Жафокашлар дод-фиғони

**141** Овозим Худовандга етиб борсин,  
Нолаю фарёд қиламан.

Овозим Худовандга етиб борсин,  
Тавалло қилиб ялинаман.

<sup>2</sup> Қўнглимни Унинг олдида очаман,  
Қайғуларимни Унга сўзлаб бераман.

<sup>3</sup> Танимдаги руҳим ҳолдан кетганда,  
Сен борар йўлимни билар эдинг.

Мен келаётган йўлимда-ку  
Мен учун илмоқ яширибдилар.

<sup>4</sup> Ўнг томонимга қарасам,  
Мени танийдиган ҳеч ким йўқ,  
Мен учун қочар жой қолмабди,  
Жоним ҳақида ҳеч ким қайғурмаяпти.

<sup>5</sup> Эй Худованд, Сенга фарёд қилдим:  
Сенсан менинг паноҳим, дедим,  
Ўзингсан тириклар диёридаги ҳиссам менинг.

<sup>6</sup> Ноламни тинглагил, жуда толиққанман!  
Мени қувғин қилганлар қўлидан халос этгин,  
Улар мендан ғоят зўрдирлар!

<sup>7</sup> Исмингни мадҳ этмоғим учун,  
Зиндондан чиқариб юбор жонимни!  
Менга эзгулик қилганинг учун,  
Солиҳлар атрофимга тўпланадилар.

### Қутқариш, йўл кўрсатиш учун илтижо

**142** Эй Худованд, ибодатимни эшитгин,  
Садоқатинг ҳақи тавалломга қулоқ солгин,

Адолатинг ҳақи менга жавоб бергин!

<sup>2</sup> Банданг билан даъволашмагин,  
Чунки яшайдиганлардан бирортаси  
Сенинг олдинда оқлана билмас.

<sup>3</sup> Душман жоним пайига тушди,  
Ҳаётимни оёқости қилди.

Дунёдан ўтиб кетганлар каби,  
Мени қоронғида яшашга мажбур этди.

<sup>4</sup> Танимдаги руҳим жуда тушкун,  
Сийнамдаги қалбим аламзада.

<sup>5</sup> Илгариги кунларни эслайман,  
Барча ишларингни фикрлаб юраман,  
Қўлларинг ижоди ҳақида ўйлаб юраман.

6 Кўлларимни Сен томон чўзаман,  
Жоним қуриган ер каби Сенга ташна.

7 Эй Худованд, мени тезда эшитгин!  
Соғинчдан руҳим ҳолдан кетмоқда!  
Юзингни мендан яширмагин, токи  
Гўрга кирганлар каби бўлиб қолмайин!

8 Саҳардан иноятли сўзингни эшиттиргин,  
Чунки Сенга умид боғлаганман.  
Юрадиган йўлимни менга кўрсатгин,  
Чунки Сенга кўнгил боғлаганман.

9 Душманларимдан халос қилгин, эй Худованд!  
Мен Сенинг ҳузурига югураман.

10 Иродангни адо этишни менга ўргатгин,  
Сенсан менинг Худойим!

Сенинг олиҳиммат Рухинг  
Равон ерлардан мени етаклаб борар.

11 Эй Худованд!

Ўз исминг ҳақи мени жонлантиргин,  
Адолатинг ҳақи мени кулфатдан қутқаргин!

12 Иноятинг ҳақи душманларимни қириб  
битиргин,  
Жонимга ғулу солганларнинг барини йўқ қилгин!  
Ахир, мен Сенинг бандангман-ку!

#### Барака тилаш муножоти

**143** Кўлларимни жангга,  
Бармоқларимни урушга ўргатган  
Суянчиғим – Худовандни олқишлайман.

2 У иноят манбаим ва кўрғонимдир,  
Истеҳкомим, Халоскорим менинг,  
Қалқонимдир, Ундан паноҳ топдим,  
У халқимни менга бўйсундирган.

3 Эй Худованд, инсон қадрни недирки,  
Сен унга эътибор бергайсан?  
Инсон ўғли недирки, Сен уни ардоқлайсан?

4 Одамзод – бир нафасгинадир,  
Кунлари бир соя каби ўтиб кетар.

5 Эй Худованд, осмонингни ёриб тушгин,  
Тоғларга теккил, улардан тутун чиқаргин!

6 Чақмоқ юбориб, ёвларни тарқатгин,  
Ўқларингни отиб, уларни супуриб ташлагин!

7 Самодан кўлингни узатиб мени қутқаргин,  
Улкан сувлардан, ажнабийлар кўлидан  
Мени халос қилгин!

8 Уларнинг оғзидан ёлғон-яшиқ гаплар тошган,  
Кўллари эса ҳаром ишларга булғангандир.

9 Эй Худо, Сенга янги кўшиқ айтаман,  
Ўн торли чангда Сени тараннум этаман.

10 Сенсан-ку шоҳларга нажот берадиган,  
Банданг Довудни қилич дамидан қутқазган.

11 Ажнабий ўғилларининг кўлидан қутқар,  
Халос қил бандангни!

Уларнинг оғзидан ёлғон-яшиқ гаплар тошган,  
Кўллари эса ҳаром ишларга булғангандир.

12 Ўғилларимиз ёшлигида ўсиб қалинлашган  
кўчатлар каби,

Қизларимиз саройнинг нақшли устунлари каби  
бўлсинлар!

*САЛОТ* 13 Омборларимизда мўл-кўлчилик бўлсин,  
Ҳар хил неъматлардан тўлиб-тошсин!  
Яйловларимиздаги қўйлар минг-минглаб,  
Минги эса туман бўлиб кўпайсин!

14 Қора молимиз семириб борсин,  
Талаш ҳам, зарар-зиён ҳам бўлмасин,  
Кўчаларимизда дод-фиғон эшитилмасин!

15 Мана шундай дуоларни олган халқ бахтли!  
Худовандни Раббимиз деб билган халқ бахтли!

#### Раҳмдил ва қодир Худого ҳамду сано

**144** Эй Худойим, эй Подшоҳим, Сени  
улуғлайман,

Исминга абадулабад тасаннолар айтгайман.

2 Сени кундан-кунга олқишлайман,  
Исмингни мадҳ этаман илалабад.

3 Худованд бузруквордир,  
У кўп мақтовга сазовордир,  
Унинг буюклигига ақл етмас.

4 Ишларингга зурриётларимиз тасанно айтишгай,  
Қудратли ажойиботларингни хабарлаб юришгай.

5 Мен улуғворлигинг, савлату маҳобатинг,  
Ажойиб ишларинг ҳақида ўйлаб юргайман.

6 Ваҳимали ғаройиботларинг ҳақида гапиргайлар,  
Буюклигингни хабар қилмоқ эса менга фарз.

7 Улуғ илтифотингни мақтаб юргайлар,  
Одиллигингни куйлаб тараннум этгайлар.

8 Худованд раҳмону меҳрибондир,  
У узоқ сабрли, жуда иноятлидир.

9 Худованд ҳар бир инсонга ҳиммат айлар,  
Барча махлуқотга раҳм-шафқат кўрсатар.

10 Эй Худованд,  
Ҳамма яратганларинг Сенга шукр қилар,  
Азизларинг Сенга ҳамду сано ўқирлар.

11 Салтанатинг шон-шуҳратини тарғиб қилар,  
Куч-қудратинг ҳақида ҳикоя қиларлар.

12 Инсон ўғилларига Сенинг қудратли ишларинг,  
Буюк, ҳашаматли салтанатингни билдирарлар.

13 Сенинг салтанатинг даврлар оша давом этар,  
Асрдан-асрга Сен ҳукмронлик қиласан.

14 Барча йиқилаётганларга Худованд мадад берар,  
Ҳар бир қадди букилганни У ростлар.

15 Ҳамманинг кўзи Сенга тикилган экан,  
Ўз вақтида уларнинг ризқини берасан.

16 Сен кўлингни очасан-у,  
Ҳар бир жонзотни марҳаматингга тўйдирасан.

17 Худованд барча йўлларида адолатли,  
Ҳамма ишларида содиқ ва иноятлидир.

18 Худовандга мурожаат қиладиган,  
Чин қалбдан мурожаат қиладиган

Ҳар бир инсонга У яқиндир.

19 Художўйларнинг тилагини У қондирар,  
Уларнинг фарёдини эшитиб, нажот берар.

20 Ўзини севган ҳаммани Худованд асрар,  
Барча бетавфиқларни эса йўқ қилар.

21 Худованднинг мадҳи тилимдан тушмас,

Бутун одамзод ҳамду сано айтсин  
Унинг муқаддас исмига, то абад!

**Вафодор ва одил Худога ҳамду сано**

**145** Ҳамдлар бўлсин!  
Эй жоним, Худовандни мадҳ қилгин!  
2 Тирик эканман Худовандни мадҳ қиламан,  
Умрим борича Худойимни тараннум этаман.  
3 Умид боғламанг бекларга,  
Нажот беролмайдиган одамзодга!  
4 Унинг руҳи чиқиб, ўз тупроғига қайтар,  
Ўша куннинг ўзида пучга чиқар  
Унинг барча мурод-орзулари.  
5 Ёқуб Тангрисини ёрдамчим деб билган,  
Раббим деб Худовандга умид боғлаган  
Ҳар бир инсон бахтлидир!  
6 Ўзи еру осмонни ҳам, денгизни ҳам,  
Улардаги ҳар бир мавжудотни ҳам яратган,  
У абадий вафодорлигини сақлайди.  
7 Худованд эзилганларни ҳимоя қилади,  
Очларга нон, асирларга озодлик беради.  
8 Худованд кўрларнинг кўзини очади,  
Қадди букилганларни У ростлайди,  
Солиҳларни севади Худованд.  
9 Худованд ғарибларни асрайди,  
Етим ва беваларга мадор беради,  
Фосиқларни эса йўлларидан адаштиради.  
10 Худованд абадий ҳукм сургай!  
Сенинг Худойинг, эй Сион,  
Даврдан-даврга салтанатли бўлгай!  
Ҳамдлар бўлсин!

**Парвардигор кимдан рози?**

**146** Ҳамдлар бўлсин!  
Худойимизни тараннум этмоқ  
Қандай яхши, қандай лаззатлидир!  
Мана, У кўп мақтовга муносибдир!  
2 Қуддусни қайта куражак Худованд,  
Исроилнинг тарқалиб кетганларини эса  
Ўзи тўплаб олажак.  
3 У эзилган кўнгилларни даволаб,  
Яраларига малҳам суртади.  
4 У юлдузлар сонини белгилаб,  
Ҳаммасини номма-ном чақиради.  
5 Раббимиз буюк, қуввати азимдир,  
Донолигини эса ўлчаб бўлмайди.  
6 Худованд хокисорларни юқори кўтарар,  
Бетавфиқларни эса ерга урар.  
7 Худовандга шукрона айтиб куйланглар,  
Ғижжакда куйланглар Худойимизни!  
8 У булутлар ила осмонни қоплайди,  
Ер учун ёмғир ҳозирлайди,  
Тоғларда эса гиёҳ ўстиради.  
9 Ҳайвонларга У ризқи-рўзини беради,  
Қағиллайдиган қарға болаларин тўйғазади.  
10 Худованд отнинг куч-қувватидан рози бўлмас,  
Чопқирнинг болдирлари Унга манзур бўла олмас.

11 Худованд Ўзидан қўрқадиганлардан,  
Иноятига умид боғлаганлардан рози бўлур.

**Эй Қуддус ва бутун дунё!**

**147** Эй Қуддус, Худовандни мадҳ қилгин!  
Худойингга ҳамд – сано айтгин, эй Сион!  
2 Удир дарвозаларинг тамбаларини маҳкамлаган,  
Ўртангдаги ўғилларингга баракат берадиган,  
3 Сарҳадларинг ичра тинчликни барқарор қилган,  
Сени буғдой ҳосили билан тўйдирадиган.  
4 У ер юзига каломини жўнатар,  
Унинг амри зудлик ила елиб борар.  
5 У жун каби қор ёғдирар,  
Кул сингари қиров сочар.  
6 У парча-парча қилиб муз ёғдирар;  
Қаҳратон аёзига ким тоб бера олар?  
7 У каломини юбориб, уларни эритар,  
Шамолини юбориб, сувларни оқизар.  
8 У Ўз каломини Ёқубга билдирган,  
Қонун-қоидаларини Исроилга берган.  
9 У бошқа халққа бунини раво кўрмаган,  
Улар Унинг ҳукмларини билмайдилар.  
Ҳамдлар бўлсин!

**Бутун дунё Худони мадҳ қилсин**

**148** Ҳамдлар бўлсин!  
Осмондан Худовандни мадҳ қилинглар,  
Баландликлардан туриб Уни мақтанглар!  
2 Эй, Унинг барча малаклари,  
Уни мадҳ қилинглар!  
Эй, Унинг барча қўшинлари,  
Уни мадҳ қилинглар!  
3 Эй қуёш ва ой,  
Уни мадҳ қилинглар,  
Эй бутун нурли юлдузлар,  
Уни мадҳ қилинглар!  
4 Эй осмону фалаклар,  
Эй кўк юқорисидаги сувлар,  
Уни мадҳ қилинглар!  
5 Худованднинг исмини мадҳ қилсинлар,  
Чунки У амр этди ва улар яратилди.  
6 У уларни абадий ўрнаштирди,  
Уларга қайтиб бўлмас мангу қонун берди.  
7 Худовандни ердан туриб бирга мадҳ этинглар,  
Эй, денгиз аждарлари ва бутун тубсизликлар!  
8 Эй, оташ ва дўл, қор ва буғ,  
Унинг каломига бўйсунадиган бўрон шамоли!  
9 Эй, тоғлар ва бутун тепаликлар,  
Мевали дарахтлар ва ҳамма сарв оғочлари!  
10 Эй, ёввойи ҳайвонлар ва бутун чорвалар,  
Судралувчилар ва қанотли паррандалар!  
11 Эй, дунё подшоҳлари ва барча халқлар,  
Хонлар ва ернинг барча ҳокимлари!  
12 Эй, йигитлар билан қизлар,  
Қариялар билан ёшлар!  
13 Бариси Худованд исмини мадҳ қилсин,  
Чунки ёлғиз Унинг исми юксақдир;

Унинг улуғворлиги ердаю осмондадир.

<sup>14</sup> Барча азизларим шуҳратини оширай дея,  
У Ўзига яқинлаштирган халқига –  
Исроил ўғилларига ғалаба бағишлаган.  
Ҳамдлар бўлсин!

Художўйлар Худони мадҳ қилсин

**149** Ҳамдлар бўлсин!  
Худовандга янги бир қўшиқ айтинг,  
Азизлар жамоатида ҳамду санолар қилинг!  
<sup>2</sup> Исроил ўзининг Парвардигоридан севинсин,  
Сион ўғиллари ўз Подшоҳидан қувонсин!  
<sup>3</sup> Рақс тушиб Унинг исмини мадҳ қилишсин,  
Доира ва ғижжак ила Уни тараннум этишсин!  
<sup>4</sup> Чунки Худованд Ўз халқига марҳамат қилар,  
Хокисорларни нажот гулчамбари ила шарафлар.  
<sup>5</sup> Азизлар шараф ила тантана қилсинлар,  
Ётганда ҳам тараннум этсинлар!  
<sup>6</sup> Оғизларида Тангрига ҳамду санолар,  
Қўлларида эса дудама қилич бўлсин!  
<sup>7</sup> Токи улар ўзга халқлардан ўч олгайлар,  
Элатларга тегишли жазосини бергайлар;  
<sup>8</sup> Токи подшоҳларини занжирлар билан,

Тўраларини пўлат кишанлар ила боғлагайлар;  
<sup>9</sup> Токи уларни ёзилгани бўйича ҳукм қилгайлар.  
Бу шараф эса барча Худо азизларига хос бўлгай.  
Ҳамдлар бўлсин!

Бутун жонзод Худони мадҳ қилсин

**150** Ҳамдлар бўлсин!  
Муқаддас маконида Тангрини мадҳ қилинг!  
Қудратли фалагида Уни мадҳ қилинг!  
<sup>2</sup> Қаҳрамонликлари учун Уни мадҳ қилинг!  
Бузрукворлиги учун Уни мадҳ қилинг!  
<sup>3</sup> Бурғу овози билан Уни мадҳ қилинг!  
Чанг ва ғижжак ила Уни мадҳ қилинг!  
<sup>4</sup> Доира ва рақс билан Уни мадҳ қилинг!  
Най ва торли асбобларда Уни мадҳ қилинг!  
<sup>5</sup> Жарангдор зиллар билан Уни мадҳ қилинг!  
Хушовоз зиллар билан Уни мадҳ қилинг!  
<sup>6</sup> Бутун жонзод Худовандни мадҳ қилсин!  
Ҳамдлар бўлсин!

ХУШХАБАР

# МАТТО

## ХУШХАБАР

### Исо Масихнинг насл-насаби

- 1** Иброҳим ўғли, Довуд ўғли Исо Масихнинг насабномаси.
- <sup>2</sup> Иброҳимдан Исҳоқ туғилди. Исҳоқдан Ёқуб туғилди. Ёқубдан Яхудо ва унинг ака-укалари туғилдилар.
- <sup>3</sup> Яхудо ва Тамарадан Парас ҳамда Зараҳ туғилдилар. Парасдан Ҳасрўн туғилди. Ҳасрўндан Арам туғилди.
- <sup>4</sup> Арамдан Амминадаб туғилди. Амминадабдан Наҳшўн туғилди. Наҳшўндан Салмўн туғилди.
- <sup>5</sup> Салмўн ва Раҳобадан Бўаз туғилди. Бўаз ва Руфдан Обид туғилди. Обиддан Ишай туғилди.
- <sup>6</sup> Ишайдан подшоҳ Довуд туғилди. Подшоҳ Довуд ва Уриёнинг собиқ хотинидан Сулаймон туғилди.
- <sup>7</sup> Сулаймондан Раҳабам туғилди. Раҳабамдан Абиё туғилди. Абиёдан Осо туғилди.
- <sup>8</sup> Осодан Йўшафат туғилди. Йўшафатдан Йўрам туғилди. Йўрамдан Уззиё туғилди.
- <sup>9</sup> Уззиёдан Йўтам туғилди. Йўтамдан Аҳаз туғилди. Аҳаздан Ҳизқиё туғилди.
- <sup>10</sup> Ҳизқиёдан Манаше туғилди. Манашедан Амўн туғилди. Амўндан Йўшиё туғилди.
- <sup>11</sup> Йўшиёдан Йўаким туғилди. Йўакимдан Бобилга сургун <sup>†</sup> бўлиш даврида Яқўниё билан ака-укалари туғилдилар.
- <sup>12</sup> Бобилдаги сургунлик давридан кейин Яқўниёдан Шаълтиэл туғилди. Шаълтиэлдан Зарубобил туғилди.
- <sup>13</sup> Зарубобилдан Абиҳуд туғилди. Абиҳуддан Элёқим туғилди. Элёқимдан Азўр туғилди.
- <sup>14</sup> Азўрдан Садўқ туғилди. Садўқдан Ахим туғилди. Ахимдан Элиҳуд туғилди.

<sup>†</sup> БОБИЛГА СУРГУНЛИК: луғатга қаранг.

<sup>15</sup> Элиҳуддан Илъазар туғилди.

Илъазардан Маттан туғилди.

Маттандан Ёқуб туғилди.

<sup>16</sup> Ёқубдан Марямнинг эри Юсуф туғилди.

Марямдан эса Масих <sup>††</sup> деб аталган Исо туғилди.

<sup>17</sup> Шундай қилиб, Иброҳимдан Довудгача ҳаммаси бўлиб ўн тўрт насл, Довуддан Бобил сургунлигигача ўн тўрт насл ва Бобил сургунлигидан Масих келишигача ўн тўрт наслдир.

### Исо Масихнинг туғилиши

<sup>18</sup> Исо Масихнинг туғилиши шундай содир бўлди: Унинг онаси Марям Юсуфга унаштириб қўйилган эди. Уларнинг никоҳидан олдин Марям Муқаддас Рухдан <sup>‡</sup> ҳомиладор экани маълум бўлди. <sup>19</sup> Унинг эри Юсуф эса солиҳ одам бўлиб, Марямни шарманда қилишни истамай, яширинча қўйиб юбориш ниятида бўлди. <sup>20</sup> Буни ўйлаб кўрганидаёқ, Худованднинг бир фариштаси тушида унга кўриниб: “Эй Довуд ўғли Юсуф! – деди, – Сен Марямни ўзингга хотинликка олишдан қўрқма; чунки унинг вужудидаги ҳомила Муқаддас Рухдан пайдо бўлган. <sup>21</sup> У ўғил туғади ва Унинг исмини Исо <sup>††</sup> қўясан, чунки У Ўз халқини гуноҳларидан қутқаради. <sup>22</sup> Буларнинг бари эса Худованднинг пайғамбар орқали айтгани бажо келиши учун рўй берди. Пайғамбар:

<sup>23</sup> “Қиз ҳомилали бўлғай ва ўғил туққай, Унинг исмини эса Иммануил қўюрлар”, – деб каромат қилган эди. Иммануил – “Худо биз билан” демақдир”.

<sup>24</sup> Юсуф уйғонгач, Худованднинг фариштаси унга буюрганидек қилди ва Марямни хотинликка олди.

<sup>25</sup> Лекин у туғмагунча унга яқинлашмади. Ниҳоят, Марям ўзининг тўнғич ўғлини туғди ва Унинг исмини Исо қўйди.

### Мунажжимларнинг Исони зиёрат қилиши

**2** Исо подшоҳ Ҳирод даврида, Яҳудиянинг Байтлаҳм шаҳарчасида туғилганидан кейин, шарқдан Қуддусга мунажжимлар келди. <sup>2</sup> Улар:

<sup>††</sup> МАСИХ: луғатга қаранг. <sup>‡</sup> МУҚАДДАС РУХ: Худонинг Рухи. <sup>††</sup> ИСО: яҳудий тилида Ешуъа, яъни “Худованд нажот беради” деган исм.



– Яхудийларнинг подшоҳи бўлиб туғилган бола қаерда? Биз шарқда Унинг юлдузини кўрдик, Унга таъзим қилгани келдик, – дедилар.

<sup>3</sup> Подшоҳ Ҳирод буни эшитгач, у билан бутун Қуддус безовталаниб кетди. <sup>4</sup> У барча яхудий олий руҳонийлари ва уламоларини тўплаб, улардан Масихнинг қаерда туғилиши кераклигини сўради. <sup>5</sup> Улар эса:

– Яхудиянинг Байтлаҳм шаҳрида, – дейишди унга, – чунки пайғамбарнинг китобида шундай ёзилган: <sup>6</sup> “Эй Яхудо диёридаги Байтлаҳм!

Сен Яхудо улуғларидан асло кам эмассан. Зеро халқим – Исроилни боқувчи Доҳий Сендан келиб чиқажак”.

<sup>7</sup> Ўшанда Ҳирод мунажжимларни яширинча чақириб, улардан юлдузнинг пайдо бўлган аниқ вақтини билиб олди. <sup>8</sup> Сўнг уларни Байтлаҳмга юбориб:

– Боринглар, чақалоқ ҳақида синчиклаб суриштиринглар. Уни топгач, менга хабар беринглар, токи мен ҳам бориб Унга таъзим қилайин, – деди.

<sup>9</sup> Мунажжимлар подшоҳнинг сўзларига кулоқ солиб жўнадилар. Улар шарқда кўрган юлдуз эса уларга йўл кўрсатиб борди ва ниҳоят, чақалоқ ётган жой тепасига келиб тўхтади. <sup>10</sup> Улар юлдузни кўриб, ҳаддан зиёд қувондилар. <sup>11</sup> Уйга кириб, чақалоқни ва Унинг онаси Марямни кўрдилар-да, мук тушиб, чақалоққа таъзим қилдилар. Сўнг хазиналарини очиб, Унга олтин, хушбўй тутатқилар ва мумиё тортиқ қилдилар. <sup>12</sup> Ҳиродга қайтмаслик ҳақида тушларига огоҳлантирилгандан кейин, бошқа йўл билан ўз юртларига қайтиб кетдилар.

### Мисрга қочиш

<sup>13</sup> Мунажжимлар жўнаб кетганларидан сўнг, Худованднинг бир фариштаси Юсуфга тушида кўриниб: “Ўрнингдан тур! – деди. – Чақалоқ билан онасини олиб, Мисрга қоч ва мен сенга бирор нарса айтмагунимча, у ерда қолгин. Чунки Ҳирод чақалоқни қидириб топса, уни ҳалок қилиш нияти бор”.

<sup>14</sup> Юсуф шу кечасиёқ туриб, чақалоқ билан онасини олиб, Мисрга қараб йўлга тушди.

<sup>15</sup> Ҳироднинг ажали етгунигача, у ерда қолди. Шу тариқа Худованднинг: “Мен Ўғлимни Мисрдан чақириб олдим”, – деб пайғамбар орқали айтган сўзи бажо келди.

### Байтлаҳмда чақалоқларни қирғин қилиш

<sup>16</sup> Ҳирод мунажжимлар томонидан алданганини пайқагач, жуда қаттиқ ғазабланди. Улардан билиб олган вақтга кўра, Байтлаҳм ҳамда унинг теварак-атрофларидаги икки ёш ва ундан кичик бўлган ҳамма ўғил болаларни қиличдан ўтказгани киши

юборди. <sup>17</sup> Ўшанда Еремия пайғамбарнинг ушбу каромати бажо келди:

<sup>18</sup> “Рамадан бир нидо эшитилур, Чексиз бир нолаю оху фиғон, бу. Болалари учун йиғлар Роҳила, Ҳеч на юпатолмас, энди улар йўқ”.

### Мисрдан қайтиб келиш

<sup>19</sup> Ҳироднинг ўлимидан кейин Худованднинг бир фариштаси Мисрда Юсуфга тушида кўриниб:

<sup>20</sup> “Ўрнингдан тур! – деди. – Чақалоқ билан онасини олиб, Исроил мамлакатига йўл ол. Чунки чақалоқнинг жонига қасд қилганлар оламдан ўтди”.

<sup>21</sup> Шунда Юсуф чақалоқ билан онасини олиб жўнади, Исроил мамлакатига қайтиб келди. <sup>22</sup> Аммо Яхудияда Ҳирод ўрнига унинг ўғли Архелай тахтга чиққанини эшитиб, у ерга боришга кўрқди. Бироқ тушида ваҳий келгач, у Жалила юртига борди. <sup>23</sup> У юртнинг Носира деган шаҳрида жойлашди. Шундай қилиб, “У носиралик деб аталгай”, – деган пайғамбар сўзи бажо келди.

### Яҳё пайғамбарнинг келиши

**3** Ўша кунларда Яҳё пайғамбар пайдо бўлиб, Яхудия чўлида воизлик қила бошлади. <sup>2</sup> У: “Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги † яқинлашди!” – деб хитоб қилар эди. <sup>3</sup> Бу воқеа эса Ишаъё пайғамбарга ваҳий қилинган шу оятга тўғри келади:

“Мана, чўлда нидо янграмоқда: Худованд йўлини тайёрлангиз, Равон айлангиз сўқмоқларин! – дея”.

<sup>4</sup> Яҳёнинг ўзи туя жунидан кийим кийиб, белига теридан камар тақар эди. Унинг егулиги эса чигиртка билан ёввойи асал эди.

<sup>5</sup> Қуддусда, Яхудия юрти бўйлаб ва Ўрдун дарёси атрофида яшовчиларнинг ҳаммаси Яҳё пайғамбарнинг олдига чиқар эди. <sup>6</sup> Улар гуноҳларини эътироф этиб, Яҳёнинг буйруғи билан Ўрдун сувига чўмиб имон келтирар эдилар.

<sup>7</sup> Фарзий ва саддуқий †† мазҳабларидан ҳам талай киши чўмиш учун унинг олдига келаётганларини Яҳё кўриб, уларга деди: “Вой илонлар зоти! Бошингизга келадиган Худо ғазабидан қочиб қутулишингизни сизларга ким уқтирди? <sup>8</sup> Бундан буён тавба қилганингизга яраша ҳосил беринглар! <sup>9</sup> “Иброҳим бизнинг отамиз”, деб кўнглингиздан ўтказманглар. Мен сизларга айтаманки, Худо шу тошлардан Иброҳимга авлод тиклашга қодир.

<sup>10</sup> Ҳозирданок дарахтлар илдизида болта ётибди-ку. Яхши мева бермаган ҳар қандай дарахт кесилиб оловга ташланади. <sup>11</sup> Мен сизларни тавбага чақириш учун сувга чўндириб юрибман. Лекин менинг кетимдан Келаётган мендан қудратлидир.

† ОСМОН ШОҲЛИГИ: Худо салтанати; луғатга қаранг. †† ФАРЗИЙ...САДДУҚИЙ: луғатга қаранг.

Мен Унинг чориқларини кўтаришга ҳам арзимайман. У сизларни Муқаддас Руҳга ва оловга чўмдиради. <sup>12</sup> Унинг паншахаси қўлида тайёр турибди. У ўз хирмонини шопириб ташлайди; буғдойини омборга тўплаб, сомонни сўнмас ўтда ёндириб юборади”.

#### Худонинг Исони тасдиқлаши

<sup>13</sup> Ўшанда Исо Яҳёнинг ҳузурида сувга чўмиш учун Жалиладан Ўрдун дарёси бўйига келди.

<sup>14</sup> Лекин Яҳё Исони тўхтатмоқчи бўлиб:

– Мен Сенинг ҳузурида имон келтиришим керак эди. Сен бўлсанг, менинг олдимга келяпсанми? – деди. <sup>15</sup> Исо унга жавоб бериб:

– Энди рози бўл, чунки биз шу йўсинда илоҳий амрни тўла бажаришимиз † ўринлидир, – деди.

Шундан кейин Яҳё Исога изн берди. <sup>16</sup> Исо дарёга тушди. У сувдан чиққан заҳоти, осмон очилиб кетди ва Худонинг Руҳи каптардай Исонинг устига тушиб кўнгани кўринди. <sup>17</sup> Осмондан эса: “Бу Менинг севики Уғлимдир, Ундан мамнунман”, – деган нидо келди.

#### Исонинг васваса қилиниши

**4** Ўшанда Исо, иблиснинг синовидан ўтиш учун Муқаддас Руҳ томонидан саҳрога олиб борилди. <sup>2</sup> У қирқ кун ва қирқ кеча рўза тутиб, охири оч қолди. <sup>3</sup> Шунда васваса қилувчи Исонинг ёнига келиб Унга:

– Агар Сен Худонинг Ўғли †† бўлсанг, айтгин, бу тошлар нонга айлансин! – деди. <sup>4</sup> Исо унга жавобан деди:

– *Тавротда*: “Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз билан яшайди”, деб ёзилган.

<sup>5</sup> Кейин иблис Исони табаррук шаҳарга ‡ келтирди ва маъбаднинг †† тепасида турғизиб, <sup>6</sup> Унга деди:

– Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни пастга ташла-чи. Чунки *Забурда* шундай ёзилган-ку:

“У Сен ҳақда Ўз фаришталарига амр этгай:

Улар Сени қўлларидан кўтариб кетар, Оёғинг ҳам тошга қоқилиб кетмас” ††.

<sup>7</sup> Исо унга:

– “Эганг Худовандни синама”, деб ёзилгани ҳам бор, – деди.

<sup>8</sup> Иблис Исони яна жуда баланд тоққа олиб чиқиб кетди. Дунёнинг барча салтанатларини ҳамда уларнинг ҳашаматини Унга кўрсатиб:

<sup>9</sup> – Агар тиз чўкиб менга сажда қилсанг, буларнинг ҳаммасини Сенга бераман, – деди. <sup>10</sup> Шунда Исо:

– Йўқол кўзимдан, шайтон! Чунки *Тавротда*:

“Эганг – Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл”, деб ёзилган, – деди.

† ИЛОҲИЙ АМРНИ ТўЛА БАЖАРИШ: аслида “бутун солиҳликни (адолатни) бажо келтириш”. †† ХУДОНИНГ ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. ‡ ТАБАРРУК ШАҲАР: Қуддус (Иерусалим). †† МАЪБАД: луғатга ва маъбад харитасига қаранг. †† қаранг: *Забур* 90:11-12.

<sup>11</sup> Шундан сўнг иблис Исони тарк этди ва фаришталар эса келиб, Исога хизмат қила бошладилар.

#### Исонинг хизматини бошлаши

<sup>12</sup> Исо Яҳёнинг ҳибсга олинганини эшитгач, Жалилага қайтиб борди. <sup>13</sup> У Носира шаҳрида кўп қолмай, Завулун ва Нафтоли юртидаги кўл бўйида жойлашган Кафарнаҳум шаҳрига келиб ўрнашди. <sup>14</sup> Шундай қилиб, Ишаъё пайғамбарга ваҳий бўлган ушбу оят бажо келди:

<sup>15</sup> “Эй Завулун диёри ва Нафтоли диёри, Ўрдун наҳрининг нарёғида, Денгиз йўлида жойлашган мажусийлар Жалиласи!

<sup>16</sup> Зулматда қолиб келган халқ катта зиёни кўрди, Ўлим соясига бурканган эл уфқлари ёришди” †††.

<sup>17</sup> Шу кундан бошлаб Исо воизлик қиладиган бўлиб: “Тавба қилинлар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлаб қолди”, – деб айтар эди.

#### Исонинг дастлабки шогирдлари

<sup>18</sup> Жалила кўли ёнидан ўтаётганида, Исо кўлга тўр ташлаб турган икки ака-ука – Бутрус деб аталувчи Симун ва унинг укаси Идрисни кўриб қолди. Улар балиқчи эдилар. <sup>19</sup> Исо уларга: “Менинг орқамдан юринлар, Мен сизни инсон овчилари қиламан”, – деди. <sup>20</sup> Ака-ука дарҳол тўрларини қолдириб, Унинг орқасидан эргашдилар.

<sup>21</sup> У ердан ўтаётиб, Исо бошқа икки ака-ука – Забадийнинг ўғли Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони кўриб қолди. Улар оталари Забадий билан бирга қайиқда тўрларини ямаб ўтиришган эди. Исо уларни ҳам чақирди. <sup>22</sup> Улар ҳам дарҳол қайиқни ва оталарини қолдириб, Исонинг орқасидан эргашдилар.

#### Исонинг воизлик ва шифокорлик хизмати

<sup>23</sup> Исо бутун Жалилани айланиб чиқди. У юртнинг ибодатхоналарида ††† таълим бериб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни § эълон қилиб, одамлардаги ҳар турли касаллик ва дармонсизликни шифолаб юрди. <sup>24</sup> У ҳақдаги хабар бутун Сурияга ёйилди. Турли-туман дарду иллатлардан қийналиб юрганлар, жинга чалинганлар, тутқаноқ ва шол касалига йўлиққанларнинг ҳаммасини Исонинг олдида келтиришар, У эса уларни соғайтирар эди.

<sup>25</sup> Жалила ва Ўнкент вилоятдан, Қуддусдан, Яҳудия ҳамда Ўрдуннинг нариги томонидаги юртлардан келган кўплаб халойиқ Унинг орқасидан эргашиб борди.

††† қаранг: *Ишаъё* 9:1-2. Милоддан олдинги 734-йил Исроилнинг шимолий қисми – Эфраим, Нафтоли ва Завулун қабилалари (кейинроқ Жалила юрти) Оссурия хужумига учраб қарам бўлган эди (қаранг: *Таврот*, 4-Шоҳлар 15:29). Исонинг бу юртдаги фаолияти ўша халққа яна ёруғлик ва севинч келтирди. ††† ИБОДАТХОНА: луғатга қаранг. § ХУШХАБАР: луғатга қаранг.

### Ҳақиқий бахтиёрлик

**5** Исо талай халойиқни кўриб, тоққа чиқиб ўтирди. Шогирдлари Унинг олдига келишди.  
<sup>2</sup> Исо уларга таълим бериш учун оғзини очиб, деди:  
<sup>3</sup> “Руҳан камбағал бўлганлар бахтлидир, Чунки Осмон Шоҳлиги † уларникидир.  
<sup>4</sup> Йиғлаётганлар бахтлидир, Чунки улар тасалли топув.  
<sup>5</sup> Беозор бўлганлар бахтлидир, Чунки улар ер юзига эга бўлув.  
<sup>6</sup> Адолатга очу чанқоқлар бахтлидир, Чунки улар тўқ бўлув.  
<sup>7</sup> Раҳмдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар раҳм-шафқат топув.  
<sup>8</sup> Покдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар Худони кўрув.  
<sup>9</sup> Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир, Чунки улар Худо ўғиллари дейилув.  
<sup>10</sup> Адолат йўлида жабр кўрганлар бахтлидир, Чунки Осмон Шоҳлиги уларникидир.  
<sup>11</sup> Мен туфайли одамлар сизни ҳақоратлаб қувғин этса, сиз ҳақда ёлғон гапириб фиску ғийбат қилса, бахтлисиз! <sup>12</sup> Севининглар ва хурсанд бўлинглар, чунки сизга осмон мукофоти буюк. Сиздан аввал ўтган пайғамбарлар ҳам шундай қувғин бўлган”.

### Туз ва нур ҳақида

<sup>13</sup> “Сиз – ернинг тузисизлар. Агарда туз кучини йўқотса, уни яна қандай шўр қилиш мумкин? У энди чиқитга ташлаб юборилади, оёқ остида поймол бўлишдан бошқага ярамайди.  
<sup>14</sup> Сиз – дунёнинг нурисизлар. Тоғнинг тепасида қурилган шаҳар яширин қололмайди.  
<sup>15</sup> Шунингдек, шамни ёқиб, кейин идиш билан ёпиб қўйишмайди. Уйдагиларнинг ҳаммасига ёруғлик берсин, деб уни шамдонга қўйишади. <sup>16</sup> Айни равишда сизнинг нурингиз ҳам инсонлар олдида шундай порласинки, улар яхши ишларингизни кўриб, осмондаги Отангизни †† улуғласинлар”.

### Илоҳий Буйруқ ҳақида

<sup>17</sup> “Мени Таврот ёки пайғамбар оятларини бекор қилгани келди, деб ўйламанглар. Мен бекор қилгани эмас, балки бажо келтиргани келдим.  
<sup>18</sup> Сизга чинини айтайин: еру осмон тугамагунча ва тақдир этилган ҳамма нарса амалга ошмагунча, Тавротдан на бир ҳарф, на бир нуқта ўчади.  
<sup>19</sup> Шундай қилиб, ким бу амрларнинг энг кичигини ҳам инсонларга бузиб ўргатса, Осмон Шоҳлигида энг кичик бўлади. Лекин ким бу амрларни бажариб бошқаларга ўргатса, Осмон Шоҳлигида буюк бўлади. <sup>20</sup> Сизларга айтиб қўяй: агар сизнинг солиҳлигингиз уламолар ва фарзийларнинг ‡

† ОСМОН ШОҲЛИГИ: Худо келажакда яратадиган янги дунё.

†† ОТАНГИЗ: яъни Худо. ‡ УЛАМО...ФАРЗИЙ: луғатга қаранг.

солиҳлигидан устун келмаса, Осмон Шоҳлигида киролмайсизлар”.

### Ғазаб ва жазо ҳақида

<sup>21</sup> “Қадимгиларга: “Одам ўлдирма; ким одам ўлдирса, жавобгарликка тортилади”, – деб айтилганини эшитгансизлар. <sup>22</sup> Лекин Мен сизга айтаман: кимки биродарига беҳуда ғазабланса, жавобгарликка тортилади. Кимки биродарига аҳмоқ деса, олий маҳкамада жавоб беради. Кимки биродарига телба деса, жаҳаннам оловида жавоб беради.

<sup>23</sup> Шундай қилиб, сен хайр-эҳсонингни қурбонгоҳга олиб келганинда, агар у ерда биродаринг сендан хафа экани ёдингга тушса, <sup>24</sup> хайр-эҳсонингни у ерда, қурбонгоҳ олдида қолдир ва бориб, аввал биродаринг билан ярашгил. Шундан кейин келиб, хайр-эҳсонингни бажо келтир.

<sup>25</sup> Сен рақибинг билан қозихонага бораркансан, йўл-йўлакай у билан келишишга шошил, токи рақибинг сени қозига, қози эса миршабга топшириб, сени зиндонга ташламасин. <sup>26</sup> Сенга чинини айтайин: охирги тийинингни бермагунингча, у ердан чиқолмайсан!”

### Зино ва ажралиш ҳақида

<sup>27</sup> “Қадимгиларга: “Зино қилма”, – деб айтилганини эшитгансизлар. <sup>28</sup> Лекин Мен сизга айтаман: ким бир аёлга шаҳват билан қараса ҳам, аллақачон кўнглида у билан зино қилган бўлади.

<sup>29</sup> Агар сенинг ўнг кўзинг гуноҳ қилишингга сабаб бўлса, уни суғуриб ташла. Чунки бутун баданинг жаҳаннамга ташланишидан кўра, аъзойингдан бирининг нобуд бўлгани сен учун яхшироқдир. <sup>30</sup> Агар сенинг ўнг қўлинг гуноҳ қилишингга сабаб бўлса, уни чопиб ташла. Чунки бутун баданинг жаҳаннамга йўлиқишидан кўра, аъзойингдан бирининг нобуд бўлгани сен учун яхшироқдир.

<sup>31</sup> Яна дейилганки: “Ким хотини билан ажралмоқчи бўлса, унга талоқ хатини ёзиб берсин”.

<sup>32</sup> Лекин Мен сизга айтаман: ким бевафолик айбидан бошқа сабаб билан хотинидан ажралса, унга зино қилишга сабаб топиб беради. Шунингдек, ким ажралган хотинга уйланса, зино қилган бўлади”.

### Қасам ҳақида

<sup>33</sup> “Яна қадимгиларга: “Қасамдан қайтма. Ичган қасамларингни Худованд олдида бажо келтир”, – деб айтилганини эшитгансизлар. <sup>34</sup> Лекин Мен сизга айтаман: ҳеч қандай қасам ичманглар – на осмон ҳақи, чунки у Худонинг тахтидир; <sup>35</sup> на ер ҳақи, чунки у Худонинг пойандозидир; на Қуддус ҳақи, чунки у Буюк Подшоҳнинг †† шаҳридир.

†† БУЮК ПОДШОҲ: яъни Парвардигори олам; айнан қаранг: Забур 46:3 ва 47:3.

<sup>36</sup> Бошинг ҳақи ҳам қасам ичма, чунки сен биронта сочингни оқ ёки қора қилолмайсан. <sup>37</sup> Сизларнинг сўзингиз фақат “ҳа” ёки “йўқ” бўлсин. Бундан ортиғи эса шайтонликдир”.

### Қаримта ва қасос ҳақида

<sup>38</sup> “Сизлар: “Кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш”, – деб айтилганини эшитгансизлар. <sup>39</sup> Лекин Мен сизга айтаман: ёмонга қарши чиқма. Ким сенинг ўнг чакканга урса, унга иккинчисини ҳам ўгир. <sup>40</sup> Ким сен билан даъволашиб, кўйлагингни олмоқчи бўлса, унга тўнингни ҳам бериб юбор. <sup>41</sup> Ким сени бир чақирим йўл юришга мажбур қилса, у билан икки чақирим юр. <sup>42</sup> Сендан сўраганга бер, сендан қарз олмоқчи бўлгандан юз ўгирма”.

### Душманларингизни севинглар

<sup>43</sup> “Яна: “Қардошингни севгин, душманингдан нафратлан”, – деб айтилганини эшитгансизлар. <sup>44</sup> Лекин Мен сизга айтаман: душманларингизни севинглар. [Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун,] сизга жабр-зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар. <sup>45</sup> Шунда сиз осмондаги Отангизнинг ўғиллари бўласизлар. Чунки У Ўз қуёшини ёвузлар устида ҳам, яхшилар устида ҳам балқитади, ёмғирини солиҳлар устига ҳам, фосиқлар устига ҳам ёғдиради. <sup>46</sup> Агар сизни севадиганларнигина севсангиз, бундан сизга раҳмат бўлурми? Солиқчилар ҳам худди шундай қилишмайдими? <sup>47</sup> Агар сиз фақат биродарларингиз билангина саломлашсангиз, қандай фазилатли иш қилган бўласизлар? Бутпарастлар ҳам худди шундай қилишмайдими? <sup>48</sup> Шундай қилиб, осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сиз ҳам баркамол бўлинглар”.

### Садақа ҳақида

**6** “Эҳтиёт бўлинглар, савобли ишингизни одамларга кўриниш учун ҳамманинг кўз ўнгида қилманглар. Акс ҳолда осмондаги Отангиздан мукофот ололмайсизлар. <sup>2</sup> Шундай қилиб, сен бировга садақа бермоқчи бўлсанг, ўтган-кетганга жар солма. Иккиюзламачиларгина одамлардан олқиш олиш учун ибодатхоналарда ва кўча-кўйда шундай қиладилар. Сизларга чинини айтайин: булар ўзларига яраша мукофотни олиб бўлдилар. <sup>3</sup> Сен садақа бераётганингда, чап қўлинг ўнг қўлинг нима қилаётганини билмасин. <sup>4</sup> Яъни сенинг мурувватинг яширин бўлсин. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи Отанг <sup>†</sup> сени аниқ тақдирлайди”.

<sup>†</sup> ОТАНГ: яъни Худо.

### Ибодат ҳақида

<sup>5</sup> “Ибодат қилаётганингизда, одамларга кўриниш учун ибодатхоналарда ва кўча бурчакларида туриб ибодат қилишни яхши кўрадиган иккиюзламачиларга ўхшаманглар. Сизларга чинини айтайин: улар ўзларига ярашасини олиб бўлдилар. <sup>6</sup> Сен эса ибодат қилаётганингда ўз хужранга кир ва эшикни беркитиб, яширин бўлган Отангга ибодат қил. Шунда яширин бўлганларни кўрувчи Отанг сени аниқ тақдирлайди. <sup>7</sup> Ибодат қилаётганингизда, мажусийлар <sup>††</sup> каби ортиқча сўзларни такрорлаб турманглар. Улар: кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар. <sup>8</sup> Уларга ўхшаманглар, чунки Отангиз нималарга муҳтожлигингизни Ундан сўрашингиздан олдин билади.

<sup>9</sup> Сизлар эса бундай ибодат қилинглар: Бизнинг осмондаги Отамиз!

Сенинг муқаддас исминг улуғлансин <sup>‡</sup>.

<sup>10</sup> Сенинг Шоҳлигинг келсин.

Осмонда бўлгани каби,

Ерда ҳам Сенинг ироданг бажо келсин.

<sup>11</sup> Бугунги ризқ-рўзимизни бергин.

<sup>12</sup> Бизга гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин.

<sup>13</sup> Бизни васвасага дучор қилмагин, Аммо ёвуз шайтондан халос қилгин.

[Салтанат, куч-қудрат ва шон-шуҳрат то абад Сеникидир. Омин.]

<sup>14</sup> Агар сиз бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирсангизлар, самовий Отангиз ҳам сизни кечиради. <sup>15</sup> Бироқ, агар сиз бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирмасангизлар, Отангиз ҳам сизни кечирмайди”.

### Рўза ҳақида

<sup>16</sup> “Рўза тутаётганингизда, иккиюзламачилар каби қовоқ осилтириб юрманглар. Улар рўза эканларини одамларга билдириш учун ўзларини авзойи бузуқ қилиб кўрсатадилар. Сизларга чинини айтайин: улар ўзларига ярашасини олиб бўлдилар. <sup>17</sup> Лекин сен рўза тутганингда, ўзингни ювиб-тараб юргин <sup>‡†</sup>, <sup>18</sup> токи рўза тутганинг инсонларга эмас, балки яширин бўлган Отангга ошкор бўлсин. Яширин бўлганларни кўрувчи Отанг эса сени аниқ тақдирлайди”.

### Самовий хазиналар ҳақида

<sup>19</sup> “Бу дунёда куя ва занг еб кетадиган ҳамда ўғри тешиб талайдиган хазиналарни жамламанглар. <sup>20</sup> Аксинча, куя ва занг еб кетмайдиган, ўғри тешиб таламайдиган у дунёнинг <sup>‡‡</sup> хазиналарини

<sup>††</sup> МАЖУСИЙЛАР: луғатга қаранг. <sup>‡</sup> МУҚАДДАС ИСМИНГ УЛУҒЛАНСИН: ёки “Исминг муқаддас тугилсин”. <sup>††</sup> ЎЗИНГНИ ЮВИБ-ТАРАБ ЮРГИН: аслида “бошингга ёғ суртиб юзингни ювгин”, яъни умуман шахсий озодалик кўзда тутилади. <sup>‡‡</sup> У ДУНЁ: аслида “осмон”.

жамланглар. <sup>21</sup> Хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлур.

<sup>22</sup> Кўз – таннинг чироғидир. Агар сенинг кўзинг тиниқ бўлса, бутун танинг ҳам ёруғ бўлур. <sup>23</sup> Аммо кўзинг ёмон бўлса, бутун танинг ҳам қоронғи бўлур. Агарда ичингдаги нур қоронғи бўлиб турса, у қоронғилик қанчалик кўрқинчли бўлур!

<sup>24</sup> Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини севади, ёки бирига ихлос қўйиб, бошқасини хорлайди. Сиз ҳам Худога, ҳам пулга бирдек сиғина олмайсизлар”.

### Тирикчилик ташвишлари ҳақида

<sup>25</sup> “Бинобарин, сизга шуни айтаман: нима еб, нима ичамиз, деб жонингиз учун, нима киямиз, деб танингиз учун ташвишланиб юрманглар. Жон овқатдан, тан эса кийимдан афзал эмасми? <sup>26</sup> Кўкда учувчи қушларга қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборга дон йиғади. Шунга қарамай, самовий Отангиз уларнинг ризқини беради. Сиз эса улардан анча аълороқ эмасмисиз? <sup>27</sup> Сизлардан ким ташвишланиб, ўз умрини бир лаҳза бўлсин узайтира олар экан? <sup>†28</sup> Нега кийим учун ташвишланасизлар? Даштдаги пиёзгулларнинг қандай ўсишига қараб, ибрат олинглар: улар на меҳнат қилар, на чарх йигирар. <sup>29</sup> Аммо сизларга айтиб қўяй: ҳатто подшоҳ Сулаймон ҳам ўзининг шуҳрат чўққисиди буларнинг ҳеч биридай кийинмаган эди. <sup>30</sup> Агар Худо бугун бор бўлиб, эртага ўчоққа отиладиган дашт ўтига шундай зеб берган бўлса, сизни ундан кам кўрармиди, эй имони суслар?!

<sup>31</sup> Шундай экан, нима еймиз, нима ичамиз, нима киямиз, деб ташвишланиб юрманглар.

<sup>32</sup> Мажусийлар ҳадеб буларнинг ғамида юришади. Лекин самовий Отангиз сиз буларнинг барига муҳтож эканингизни билади-ку! <sup>33</sup> Сиз аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси <sup>††</sup> пайидан бўлинглар, шунда буларнинг ҳаммаси сизга қўшимча қилиб берилади. <sup>34</sup> Бинобарин, эртаги кун ҳақида ташвиш тортманглар. Эртанинг ташвиши эртанинг ўзига тегишлидир. Ҳар бир куннинг дарди ўзига етар”.

### Бошқаларни ҳукм қилманглар

**7** “Бошқаларни ҳукм қилманглар, сиз ҳам маҳкум бўлмайсиз. <sup>2</sup> Сизлар қандай ҳукм қилсангиз, сизга ҳам шундай ҳукм ўтказилади. Сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангиз, сизга ҳам шундай ўлчов татбиқ этилади. <sup>3</sup> Нега сен биродаринг кўзидаги чўпни кўрасану, лекин ўз кўзингдаги ходани сезмайсан? <sup>4</sup> Сенинг кўзингда хода бор экан, қандай қилиб биродарингга: “Кел, кўзингдаги чўпни чиқариб олай”, – дейсан? <sup>5</sup> Эй

† КИМ УМРИНИ БИР ЛАҲЗА БЎЛСИН УЗАЙТИРА ОЛАР ЭКАН: ёки “Ким ўз буйига бир қарич бўлсин қўша олар экан?”. †† ИРОДА: аслида “адолат, ҳақ”, яъни Худонинг Шоҳлигига яраша тўғрилиқ, муқаддаслик.

иккиюзламачи! Олдин ўз кўзингдан ходани чиқариб ол, кейин биродаринг кўзидан чўпни қандай чиқармоқ учун кўзинг очилади.

<sup>6</sup> Муқаддас бўлган нарсани итларга берманг, марваридларингизни чўчқалар олдига ташламанг. Тағин буларни оёқ-ости қилиб, сўнгра ўзингизни тилка-пора қилмасинлар!”

### Худодан сўранглар

<sup>7</sup> “Сўраб туринг, сизга берилади. Излаб туринг, топасизлар. Тақиллатиб туринг, сизга очилади. <sup>8</sup> Чунки ҳар бир сўраган олар, излаган топар, тақиллатганга эшик очилар. <sup>9</sup> Орангизда бир кимса борми, ўғли ундан нон сўраганда, унга тош берса? <sup>10</sup> Ёки балиқ сўраганда, унга илон берса? <sup>11</sup> Сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангиз, боз устига осмондаги Отангиз Ундан сўраганларга мўл-кўл неъматни беради!

<sup>12</sup> Одамлар сизга қандай муомала қилишларини истасангиз, сиз ҳам уларга шундай муомалада бўлинг. Таврот ва пайғамбарлар таълимотининг мағзи шундадир”.

### Нажот эшиги тор

<sup>13</sup> “Тор эшиқдан киринглар! Чунки ҳалокатга элтувчи йўл кўп энли, дарвозаси эса кенгдир. Ана, шу томон юраётганлар кўп. <sup>14</sup> Ҳаёт сари элтувчи йўл эса танг, эшиги жуда тордир. Бу йўлни топадиганлар оз”.

### Дарахт ва унинг меваси

<sup>15</sup> “Сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлинглар! Улар сизнинг олдингизга қўй кийимида келадилар, лекин ичларидан йиртқич бўрилардир. <sup>16</sup> Уларни меваларидан билиб оласизлар. Тиканакдан узум, ёки янтоқдан анжир теришармикан? <sup>17</sup> Ҳар бир яхши дарахт яхши мева берар, ёмон дарахт эса ёмон мева берар. <sup>18</sup> Яхши дарахт ёмон мева беролмас, ёмон дарахт ҳам яхши мева беролмас. <sup>19</sup> Яхши мева бермайдиган ҳар бир дарахт эса кесилиб, оловга ташланади. <sup>20</sup> Шундай қилиб, сохта пайғамбарларни меваларидан билиб оласизлар.

<sup>21</sup> Мени “Ё Раббий, ё Раббий” деб чақиргани билан ҳар бир одам Осмон Шоҳлигига киравермайди. Бунга осмондаги Отамнинг иродасини бажо келтирувчигина эришади. <sup>22</sup> Қиёмат кунида кўплар Менга: “Ё Раббий, ё Раббий, бизлар Сенинг номинг билан башорат қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўпгина мўъжизалар яратмадикми?” – дейдилар. <sup>23</sup> Ўша вақтда Мен уларнинг юзига қараб: Мен сизларни ҳеч қачон таниган эмасман. Эй бадқирдорлар, Менинг олдимдан кетинглар! – дейман”.

### Соғлом ва чирик негиз

<sup>24</sup> “Энди ким Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажо келтирса, уни ўз уйини тош устига қурган фаросатли одамга ўхшатаман. <sup>25</sup> Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, у уйни босиб қолибди. Лекин тош устига ўрнатилгани учун қуламабди. <sup>26</sup> Бироқ ким Менинг бу сўзларимни эшитиб, уларни бажо келтирмаса, ўз уйини қум устига қурган фаросатсиз одамга ўхшайди. <sup>27</sup> Ёмғир ёғиб, селлар тошиб, шамоллар эсиб, у уйни босиб қолибди. Уй эса қулаб, ер билан яксон бўлибди”.

<sup>28</sup> Исо бу сўзларни айтиб бўлгандан кейин, халойиқ Унинг таълимотига ҳайрон қолди. <sup>29</sup> Чунки Исо уларга уламолар ва фарзийлар каби эмас, балки қудратли куч эгасидай таъсирчан таълим берар эди.

### Исонинг моховни соғайтириши

**8** Исо тоғдан тушгач, тумонат халойиқ Унинг орқасидан эргашди. <sup>2</sup> Шу ўртада бир мохов Унга яқинлашиб, сажда қилди-да:

– Ҳазрат, агар истасанг, мени моховликдан пок қила оласан, – деди. <sup>3</sup> Исо қўлини узатди ва унга тегизиб:

– Истайман, пок бўл! – деди. Мохов шу заҳоти дардидан фориғ бўлди. <sup>4</sup> Исо унга:

– Эҳтиёт бўл, буни ҳеч кимга айтма. Лекин бориб, ўзингни руҳонийга кўрсат ва соғайганингни тасдиқлатгин, Мусо пайғамбар буюрган қурбонликни келтириб бер, – деди.

### Римлик юзбошининг эътиқоди

<sup>5</sup> Исо Кафарнаҳум шаҳрига кириб келаётганда, бир юзбоши Унинг олдида келди ва ёлвориб:

<sup>6</sup> – Ҳазрат, менинг хизматкорим уйда шол бўлиб ғоят қийналиб ётибди, – деди. <sup>7</sup> Исо унга:

– Мен бориб уни соғайтираман, – деди. <sup>8</sup> Юзбоши жавоб бериб:

– Ҳазрат! – деди, – Кулбамга оёқ босишинг учун мен муносиб эмасман. Сен биргина сўз айтсанг, бас, хизматкорим соғайиб кетади. <sup>9</sup> Чунки мен ҳам буйруққа тобе одамман, шунингдек, менинг буйруғимга бўйсунувчи аскарларим ҳам бор. Бирига “кет” десам, кетади. Бошқасига “кел” десам, келади. Бирон хизматкоримга “шуни қил” десам, қилади.

<sup>10</sup> Исо буни эшитгач ҳайрон қолди. Орқасидан эргашиб келаётганларга:

– Сизларга чинини айтайин, – деди, – Мен бунчалик буюк ишончни Исроилнинг бирон жойида ҳам топмадим. <sup>11</sup> Сизларга шуни айтаман: қиёматда шарку ғарбдан кўплар келиб, Осмон Шоҳлигида Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқуб билан бирга зиёфатга ўтиришади. <sup>12</sup> Лекин Шоҳ аҳлининг <sup>†</sup> ўзлари эса ташқи қоронғиликка отиладилар. У ерда зор йиғлаб, тиш ғичирлатадилар.

<sup>13</sup> Кейин Исо юзбошига:

– Бор, сен ишонганингдек бўлсин, – деди. Юзбошининг хизматкори эса ўша заҳоти соғайиб кетди.

### Исо кўп хасталарни соғайтириши

<sup>14</sup> Исо Бутруснинг уйига келганда, унинг қайнонаси иситмалаб ётганини кўрди. <sup>15</sup> Исо унинг қўлига тегиши билан иситмаси тушди. Аёл эса туриб, Унга <sup>††</sup> хизмат қила бошлади.

<sup>16</sup> Кеч кириши билан, жинга чалинган бир талай кишини Исонинг олдида келтиришди. У сўз билан ёмон руҳларни қувиб чиқарди, дардга йўлиққанларнинг ҳаммасини соғайтирди. <sup>17</sup> Шу тариқа Ишаъё пайғамбарга ваҳий бўлган ушбу оят бажо келди:

“У бизнинг касалликларимизни кўтарди, Дардларимизни эса Ўзи чекди”.

### Исога эргашишнинг шартлари

<sup>18</sup> Исо атрофида кўп халойиқни кўргач, шогирдларига нариги томонга сузиб ўтишни буюрди. <sup>19</sup> Шу вақтда бир уламо Унга яқинлашиб:

– Устоз, қаерга борма, мен Сенинг орқангдан юраман, – деди. <sup>20</sup> Исо унга:

– Тулқиларнинг инлари бор, осмон қушларининг уялари бор. Лекин Инсон Ўғлининг <sup>‡</sup> бош суқадиган жойи йўқ, – деди.

<sup>21</sup> Шогирдлардан бошқа бири Исога:

– Ҳазрат <sup>‡†</sup>, олдин бориб отамни кўмиб келишимга ижозат бер, – деди. <sup>22</sup> Лекин Исо унга:

– Сен Менинг орқамдан юр. Ўликларни қўй, уларни ўзича ўлик бўлганлар кўмсин, – деди.

### Исонинг тўфонни тинчитиши

<sup>23</sup> Исо қайиққа тушганда, Унинг кетидан шогирдлари ҳам тушишди. <sup>24</sup> Қўққисдан кўлда кучли тўфон кўтарилди, қайиқ тўлқинлар оғушида қолди. Исо эса уйқуда эди. <sup>25</sup> Шогирдлари Унинг ёнига борди-да, Уни уйғотишиб:

– Ё Раббий, бизларни қутқар, ҳалок бўляпмиз! – дейишди. <sup>26</sup> Исо уларга:

– Ҳой имони суслар, бунча кўрқоқ бўлмасангиз?! – деди. Сўнг туриб, шамолга ва кўлга дўқ урди. Шу заҳоти чуқур сукунат чўкди. <sup>27</sup> Одамлар эса бир-бирига:

– Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса? – деб ҳайратланишди.

<sup>†</sup> *ШОҲ АҲЛИ:* аслида “Шоҳлик ўғиллари”, яъни Худо аввалдан танлаб марҳамат қилган Исроил халқи; яна қаранг: 22:1-14, Луқа 13:28-30. <sup>††</sup> *УНГА:* баъзи қадимги кўлёмалар бўйича: уларга. <sup>‡</sup> *ИНСОН ЎҒЛИ:* Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. <sup>‡†</sup> *ҲАЗРАТ:* ёки, Раббий (аслидаги сўзнинг маъноси луғатда изоҳланади).

### Жин урган икки одамнинг қутулиши

<sup>28</sup> Исо нариги қирғоққа, Гургеса † юртига етиб келганида, қабристон лаҳадларидан чиқиб келган, жинга чалинган икки киши Унга рўбарў бўлди. Улар жуда ваҳший бўлганликлари учун, ҳеч ким бу йўлдан ўтолмас эди. <sup>29</sup> Улар шундай бақира бошлашди:

– Эй Худонинг Ўғли †† Исо, бизда нима ишинг бор? Бу ерга бизларни вақтидан олдин қийнагани келдингми?

<sup>30</sup> Улардан узоқроқда катта тўнғиз подаси ўтлаб юрган эди. <sup>31</sup> Жинлар Исога ёлвориб:

– Агар бизларни қувиб чиқарадиган бўлсанг, унда тўнғиз подасига юборгин, – дейишди. <sup>32</sup> Исо уларга:

– Боринглар! – дейиши биланоқ, улар одамлардан чиқиб кетиб, тўнғиз подасига кириб олдилар. Шу онда бутун тўнғиз подаси тик қияликдан қўл томон ёпирилиб, сувда нобуд бўлди. <sup>33</sup> Тўнғиз боқувчилар эса қочиб шаҳарга боришди ва юз берган ҳамма ҳодисани, шунингдек, жинга чалинганлар билан бўлиб-ўтган воқеани гапириб беришди. <sup>34</sup> Шунда бутун шаҳар аҳолиси Исонинг қаршисига чиқди. Уни кўргач, юртлари худудидан чиқиб кетишини илтимос қилишди.

### Исонинг шолни соғайтириши

**9** Шундан кейин Исо қайиққа тушиб, қўлнинг бериги томонига қайтиб сузиб ўтди. У Ўз шаҳри – *Кафарнаҳумга* кириб келган заҳоти <sup>2</sup> Унинг олдида тўшақда ётган бир шол одамни кўтариб келдилар. Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга:

– Дадил бўл, болам, гуноҳларинг кечирилди, – деди. <sup>3</sup> Шунда уламолардан баъзилари ўзларича:

“Бу куфрлик қияпти-ку!” – дейишди. <sup>4</sup> Исо эса уларнинг мулоҳазаларини пайқаб, деди:

– Нега сизлар кўнгилларингиздан ёмон фикрларни ўтказяпсиз? <sup>5</sup> “Гуноҳларинг кечирилди”, – деб айтиш осонроқми, ёки: “Ўрнингдан туриб юра қол”, – деб айтишми? <sup>6</sup> Лекин Инсон Ўғлининг ер юзида гуноҳларни кечириш қудрати борлигини ҳам билиб қўйинглар.

Шундан сўнг Исо шолга қайрилиб:

– Ўрнингдан тур, тўшагингни олиб уйингга кет! – деди. <sup>7</sup> Шол эса ўрнидан турди-да, тўшагини олиб ўз уйига равона бўлди. <sup>8</sup> Бу воқеани кўрган халойиқ ўта ҳайрон бўлиб, инсонларга бундай қудрат берган Худони олқишлади.

### Исонинг Маттони чақирishi

<sup>9</sup> Исо у ердан ўтаётганда, солиқ йиғадиган жойда ўтирган Матто исмли одамни кўриб қолди-да, унга:

– Менинг орқамдан юр! – деди. У эса ўрнидан қалқиб, Исонинг орқасидан юрди.

† ГЕРГЕСА: бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Гераса ёки Гадара”; харитага ва Марк 5:1, Луқа 8:26 га қаранг. †† ХУДОНИНГ ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.

<sup>10</sup> Исо уйда еб-ичиб ўтирар экан, кўпгина солиқчилар ва ҳар хил гуноҳкор кишилар ҳам келиб, дастурхон атрофида Исо билан шогирдларига қўшилишди. <sup>11</sup> Фарзийлар бунни кўриб, Исонинг шогирдларидан:

– Нега Устозингиз солиқчилару гуноҳкорлар билан бирга еб-ичиб ўтирибди? – деб сўрадилар.

<sup>12</sup> Исо бунни эшитгач, уларга деди:

– Соғлар эмас, беморлар табибга муҳтождир.

<sup>13</sup> Яхшиси сизлар бориб, *Тавротдаги*: “Мен қурбон эмас, раҳм-шафқат истайман”, деган оятнинг маъносини ўрганиб олинглар. Чунки Мен тақводорларни эмас, балки гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман.

### Рўза тутиш ҳақида савол

<sup>14</sup> У вақт Яҳёнинг шогирдлари Исонинг олдида келиб сўрадилар:

– Бизлар ва фарзийлар кўп рўза тутамиз-у, Сенинг шогирдларинг-чи, нега тутмайдилар?

<sup>15</sup> Исо уларга деди:

– Куёв даврада бўлган вақтда тўй аҳли аза тутармикин? Бироқ куёв улардан жудо бўлган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар. <sup>16</sup> Ҳеч ким эски кийимга янги матодан ямоқ солмайди. Чунки янги ямоқ эски кийимдан сўкилиб, кийимни баттар ситиб юборади. <sup>17</sup> Шунингдек, янги шаробни ҳам эски мешга қўймайдилар. Чунки эскининг таги тушади, шароб тўкилади ва меш ҳам нобуд бўлади. Аксинча, янги шаробни янги мешга қўядилар, у ҳам, бу ҳам сақлаб қолинади.

### Тирилган қиз, соғайган аёл

<sup>18</sup> Исо уларга бу сўзларни айтиб турганда, қайси бир жамоабоши келиб, Исога таъзим қилди-да:

– Менинг қизим ҳозир ўлди. Бироқ Сен келиб унга қўлингни текизсанг, у яна тирилиб кетади, – деди.

<sup>19</sup> Исо ўрнидан туриб, шогирдлари билан у одамнинг орқасидан борди. <sup>20</sup> Шу пайт ўн икки йилдан бери қон кетишидан қийналиб юрган бир аёл Исога орқа томондан йўлаб, кийимининг этагига қўл тегизди. <sup>21</sup> У ўзича: “Агар кийимига бир тегиб олсам бас, соғайиб кетаман”, – деб ўйлаган эди.

<sup>22</sup> Исо орқасига ўгирилиб, аёлни кўргач:

– Дадил бўл, қизим, ишончинг сени қутқарди, – деди.

Аёл шу заҳоти дардидан халос бўлди.

<sup>23</sup> Исо бошлиқнинг уйига етиб, най чалувчиларни ва қий-чув қилаётган оломонни кўргач:

<sup>24</sup> – Бу ердан ташқарига чиқинглар! Қизча ўлган эмас, ухлаб ётибди, – деди.

Улар эса Унинг устидан кулишди. <sup>25</sup> Оломон ташқарига чиқарилгандан сўнг Исо ичкарига кириб, қизчанинг қўлидан ушлади. Қизча эса ўрнидан туриб кетди.

<sup>26</sup> Бу ҳодиса хабари мамлакат бўйлаб овоза бўлди.

### Икки кўр ва бир соқовни соғайтириш

<sup>27</sup> Исо у ердан жўнаб кетаётганда, икки кўр Унинг орқасидан эргашганча дод солиб:

– Эй Довуд Ўғли † Исо, бизларга раҳм қил! – деб фарёд чекишарди. <sup>28</sup> Исо уйга қайтганда, кўрлар Унинг ёнига келишди. Исо улардан сўради:

– Мен хоҳишингизни бажо қилишга кучим борлигига ишонасизларми?

– Ишонамиз, Ҳазрат! – деб жавоб беришди улар.

<sup>29</sup> Шунда Исо уларнинг кўзларига тегиб:

– Сизнинг ишончингизга яраша бўлсин, – деди.

<sup>30</sup> Шу билан уларнинг кўзлари очилиб кетди.

– Бунга ҳеч ким билмасин, тагин! – деб Исо уларга қаттиқ тайинлади. <sup>31</sup> Улар эса у ердан чиқиб, бутун мамлакат бўйлаб У ҳақда овоза тарқатиб юрадиган бўлишди.

<sup>32</sup> У кишилар энди чиқиб бораётганда, жин чалган бир соқовни Исонинг олдига келтиришди. <sup>33</sup> Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов гапира бошлади. Халқ эса ҳайратда қолиб:

– Исроилда бундай ҳодиса ҳеч қачон бўлган эмас, – деди. <sup>34</sup> Бунга фарзийлар:

– У жинлар бошлиғининг кучи билан жинларни қувиб чиқаряпти-ку, – деб ғингшидилар.

### Ҳосил мўл, юмушчилар оз

<sup>35</sup> Исо ҳамма шаҳар-қишлоқларни айланадиган бўлди. Маҳаллий ибодатхоналарда таълим бериб, *Худонинг* Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабарни эълон қилар ва одамларнинг ҳар хил дарду дармонсизликларини даволар эди. <sup>36</sup> Халқ оломонини кўриб, Исо уларга ачинди; чунки чўпонсиз кўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар.

<sup>37</sup> Ўша вақтда Исо Ўз шогирдларига деди: “Ҳосил мўл, бироқ юмушчилар оз. <sup>38</sup> Ўз ҳосилингни йиғиб-терадиган юмушчилар юбор, деб ҳосил Эгасига илтижо қилинглр”.

### Ўн икки шогирдни танлаб хизматга юбориш

**10** Исо Ўзининг ўн икки шогирдини ёнига чақариб, одамлардан ёмон руҳларни қувиб чиқариш ва ҳар қандай дарду иллатни соғайтириш учун уларга қудрат ато этди. <sup>2</sup> Ушбу ўн икки ҳаворийнинг †† исмлари эса қуйидагича: биринчиси Бутрус деб аталган Симун ва унинг укаси Идрис, кейин Забадийнинг ўғиллари Ёқуб билан укаси Юҳанно, <sup>3</sup> Филип, Бартолмей, Тўма, солиқчи Матто, Алфейнинг ўғли Ёқуб ва Таддей деб аталган Левий, <sup>4</sup> ватанпарвар ‡ Симун ҳамда Исонинг хоини Яҳудо Ишқариёт.

<sup>5</sup> Исо бу ўн икковини жўнатиб, буйруқ берди: “Мажусийлар йўлига оёқ босманглр ва самарияликларнинг бирон шаҳрига кирманглр.

† *ДОВУД ЎҒЛИ*: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. †† *ИНСОН*: луғатга қаранг. ‡ *ВАТАНПАРВАР*: луғатга қаранг.

<sup>6</sup> Аксинча, адашган кўйларга ўхшаган Исроил халқи олдига боринглр. <sup>7</sup> Йўлингиз қайга тушмасин, элга: “Осмон Шоҳлиги яқинлаб қолди”, – деб эълон қилинглр. <sup>8</sup> Хасталарни соғайтиринглр, моховларни пок қилинглр, ўликларни тирилтиринглр, жинларни қувиб чиқаринглр. Текин олдингизлар, текин беринглр.

<sup>9</sup> Белбоғларингизга олтин, қумуш ёки мис пул ҳам тугманглр. <sup>10</sup> Йўл учун на тўрва, на бир жуфт кўйлак, на чориқ ва на ҳасса олинглр. Чунки меҳнаткаш ўзининг нон-насибасига муносибдир.

<sup>11</sup> Қайси шаҳар ёки қишлоққа кирсангиз, у ерда ўзингизга муносибларнигина йўқлаб боринг ва жўнагунингизча ўша ерда қолинглр. <sup>12</sup> Уйга кираётганингизда уй аҳлига салом беринглр.

<sup>13</sup> Агар у уй аҳли ниятингизга муносиб бўлса, уларнинг боши саломат бўлади. Агарда муносиб бўлмаса, саломингиз сизга қайтиб келади. <sup>14</sup> Агар ким сизни қабул қилмаса ва сўзларингизга қулоқ солмаса, у уйдан ёки шаҳардан чиқиб кетаётганингизда оёқларингиздан чангни ҳам қоқиб кетинглр. <sup>15</sup> Сизга чинини айттайин: қиёмат кунида бундай шаҳардан кўра Садўм ва Ғамўра ерининг аҳволи энгилроқ бўлади”.

### Келажак қайғулар ва қувғинлар

<sup>16</sup> “Мана, Мен сизларни бўриларнинг орасига кўйлар каби юборяпман. Сиз илондай зийрак, каптардай содда бўлинглр. <sup>17</sup> Инсонлардан эҳтиёт бўлинглр; чунки сизларни адлияга топшириб, ибодатхоналарда калтаклайдилар. <sup>18</sup> Менинг номим учун сизларни ҳокимлар ва подшоҳлар қошига олиб борадилар, сиз эса улар ва турли халқлар олдида Менинг гувоҳларим бўласизлар.

<sup>19</sup> Сизни тутиб беришаётганда эса нимани айтамингиз, қандай гапирамиз, деб ўйлаб қайғурманглр. Нима айтишингиз кераклиги ўша онда сизларга уқтирилади. <sup>20</sup> Чунки ўзларингиз эмас, ичингиздаги Отангизнинг Руҳи †† гапиради.

<sup>21</sup> Ака укасини, ота ўғлини ўлимга топширади. Болалар ўз ота-оналарига қарши чиқиб, уларни ўлдиртирадилар. <sup>22</sup> Менинг номим туфайли ҳамма сизлардан нафратланади. Лекин охиригача чидаган қутулади. <sup>23</sup> Агар сизларни бир шаҳардан қувсалар, бошқасига қочиб ўтинглр. Сизларга чинини айттайин: сизлар Исроилнинг шаҳарларини айланиб чиқишга улгурмасингиздан, Инсон Ўғли †† *ер юзига* қайтиб келади.

<sup>24</sup> Шогирд ўзининг устозидан юқори бўлмас, хизматкор ўзининг хўжайинидан юқори бўлмас.

<sup>25</sup> Шогирдга ўзининг устозидай, хизматкорга ўзининг хўжайинидай бўлса кифоядир. Агар уй эгасига иблис ††† деб ном қўйишган бўлса, унда уй аҳлини яна нималар дейишмайди!”

†† *ИЧИНГИЗДАГИ ОТАНГИЗНИНГ РУҲИ*: Исо Масиҳга ишонганнинг қалбида яшовчи Муқаддас Руҳ. ††† *ИНСОН ЎҒЛИ*: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. ††† *ИБЛИС*: аслида “Баалзабул”; луғатга қаранг.



### Кўрқиш ва кўрқмаслик ҳақида

<sup>26</sup> “Шундай қилиб, улардан кўрқманглар! Чунки очилмай қоладиган ҳеч қандай яширин нарса йўқ, маълум бўлмайдиган ҳеч қандай сир ҳам йўқдир. <sup>27</sup> Сизга қоронғиликда гапираётганларимни ёруғликда айтаверинглар. Қулоғингизга шивирлаб айтилаётганларни томларнинг устидан эълон қилаверинглар. <sup>28</sup> Танни ўлдириб, жонни эса ўлдира олмайдиганлардан кўрқманглар. Яхшиси, жонни ҳам, танни ҳам жаҳаннамда ҳалок этишга қодир бўлган *Худодан* кўрқинглар. <sup>29</sup> Иккита чумчуқ бир тангага † сотилмайдими? Аммо Отангиз рози бўлмасдан, уларнинг биттаси ҳам ерга тушмайди. <sup>30</sup> Сизларга келганда, бошингиздаги сочларнинг ҳаммаси ҳам саналгандир. <sup>31</sup> Шунинг учун кўрқманглар, сизлар талай чумчуқлардан кўра қадрлироқсиз”.

### Исога лойиқ бўлиш ҳақида

<sup>32</sup> “Кимда-ким инсонлар олдида Мени тан олса, Мен ҳам осмондаги Отамнинг олдида уни тан оламан. <sup>33</sup> Бироқ, ким инсонлар олдида Мени инкор этса, Мен ҳам осмондаги Отамнинг олдида уни инкор этаман.

<sup>34</sup> Мени ер юзига тинчлик келтириш учун келган, деб ўйламанглар. Мен тинчлик эмас, балки қилич келтиргани келганман. <sup>35</sup> Одамни отасидан, қизни онасидан, келинни қайнонасидан ажратиш учун келганман. <sup>36</sup> Одамнинг душманлари ўз уйидагилар бўлади. <sup>37</sup> Ота ёки онасини Мендан ортиқ севган Менга лойиқ эмас. Ўғли ёки қизини Мендан ортиқ севган Менга лойиқ эмас. <sup>38</sup> Кимки ўз хочини олиб, ортимдан эргашмаса, Менга лойиқ эмас. <sup>39</sup> Ўз жонини аямоқчи бўлган уни йўқотади. Мен учун жонини йўқотган эса жон топади.

<sup>40</sup> Сизни қабул қилган Мени қабул қилади. Мени қабул қилган эса Мени Юборганни қабул қилган бўлади. <sup>41</sup> Ким пайғамбарни пайғамбар деб қабул қилса, у пайғамбарга яраша эҳсон олади. Ким солиҳни солиҳ деб қабул қилса, у солиҳга яраша эҳсон олади. <sup>42</sup> Кимки шогирдлик ҳурмати деб, буларнинг ҳатто энг кичигига бир пиёла совуқ сувгина ичирса ҳам, чиндан сизларга айтаманки, у эҳсонига сазовор бўлур”.

### Исо Масиҳ ва Яҳё пайғамбар

**11** Исо ўн икки шогирдига ушбуларни буюриб бўлгач, яқин шаҳарларда таълим бериш ва воизлик қилиш учун у ердан жўнади. <sup>2</sup> Зиндонда ётган Яҳё эса Масиҳнинг қилаётган ишларини эшитгач, ўз шогирдларидан иккитасини Унинг олдида юбориб: <sup>3</sup> “Келадиган *Қутқарувчи* Сенмисан, ёки биз бошқасини кутайликми?” – деб Ундан сўратди.

† ТАНГА: юнонча “ассарий”; пуллар жадвалига қаранг.

<sup>4</sup> Исо жавоб бериб уларга деди: “Боринглар, эшитиб кўраётганларингизни Яҳёга билдиринглар: <sup>5</sup> Кўрлар кўряпти, чўлоқлар юряпти, моховлар тузаяпти, карлар эшитяпти, ўликлар тириляпти ва бечораларга Хушxabар эълон қилиняпти. <sup>6</sup> Мени деб васвасага тушмаган бахтлидир!”

<sup>7</sup> Яҳёнинг шогирдлари жўнаётган пайтда, Исо халойиққа Яҳё ҳақида гапира бошлади: “Нима кўргани саҳрога бордингизлар? Шамолда ҳилпираб турган қамишними? <sup>8</sup> Ахир, нима кўргани чиқдингизлар? Нафис кийим кийган одамними? Нафис кийинганлар подшоҳ саройларида бўлади-ку! <sup>9</sup> Ахир, нима кўргани чиқдингизлар? Пайғамбарними? Ҳа, сизга айтаманки, пайғамбардан ҳам улуғ бўлганни кўрдингизлар. <sup>10</sup> Бу киши *Тавротда* ёзилганнинг худди ўзи: “Мен Сендан аввал элчимни юборарман, У Сенинг олдинда йўл ҳозирлаб юрар”.

<sup>11</sup> Сизларга чинини айтийин: аёл зотидан туғилганлар орасида Яҳё пайғамбардан буюги чиққан эмас. Шунга қарамай, Осмон Шоҳлигида ҳатто энг кичик ҳисобланган ҳам ундан каттадир. <sup>12</sup> Яҳё пайғамбар майдонга келган кунлардан то ҳозиргача Осмон Шоҳлигига тажовуз қилиб келмоқдалар; тажовузкорлар дастаси уни босиб олишга зўр бермоқда. <sup>13</sup> Маълумки, Яҳёгача ўтган барча пайғамбарлар ва шунингдек, Таврот битиклари бўлғуси ҳодисалар ҳақида олдиндан дарак бериб келган. <sup>14</sup> Энди қабул қилишни истасангизлар, қайтиб келиши муқаррар бўлган Илёс пайғамбар худди Яҳёнинг ўзидир. <sup>15</sup> Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!

<sup>16</sup> Энди бу наслни кимга ўхшатай? Бу насл – майдонда ўтириб, бир-бирига:

<sup>17</sup> “Сенларга най чалдик, ўйнамадинглар, Сенларга йиғи чиқардик, додламадинглар”, – деб қичқиришадиган болаларга ўхшайди.

<sup>18</sup> Чунки Яҳё келиб, емади-ичмади ва уни “жин урибди” деяптилар. <sup>19</sup> Инсон Ўғли †† келиб, еди ҳам, ичди ҳам ва бу гал: “Ана кабобхўру шаробхўр одамни кўринглар, У солиқчилар ва гуноҳкорларнинг дўсти экан!” – дейишмоқда. Ва лекин *илоҳий* ҳикмат унга риоя қилувчилар орқали тасдиқланади”.

### Гуноҳкор шаҳарларнинг ҳолига вой

<sup>20</sup> Шу вақт Исо мўъжизаларининг аксари намоён бўлган шаҳарларга, тавба-тазарру қилмаганликлари учун таъна қила бошлади:

<sup>21</sup> “Сенинг ҳолингга вой, эй Ҳоразин! Сенинг ҳолингга вой, эй Байтсайда! Чунки сизларда содир бўлган мўъжизалар Тир ва Сидўн шаҳарларида рўй берганда эди, улар аллақачон жулға ўраниб, кулга † сурканиб, тавба-тазарру қилган бўлардилар.

<sup>22</sup> Бироқ сизларга айтиб қўяй: қиёмат кунида

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. ‡ ЖУЛ...КУЛ: иккови ҳам надомат ва мотам белгиси; яна қаранг: Луқо 10:13, Ваҳий 11:3.

сиздан кўра Тир ва Сидўннинг ҳоли енгилроқ бўлади. <sup>23</sup> Ё сен, эй кўккача юксалувчи Кафарнаҳум! Сен тамуғгача † тушиб кетурсан. Чунки сенда содир бўлган мўъжизалар Садўм †† ерида содир бўлганда эди, у ер шу кунгача сақланиб қолган бўлар эди. <sup>24</sup> Бироқ сизларга айтиб кўяй: қиёмат кунда сендан кўра Садўм ерининг аҳволи енгилроқ бўлади”.

### Ҳориб-толганларга хушхабар

<sup>25</sup> Ўша вақтда Исо сўзини давом эттириб деди: “Эй Ота, еру кўк Хукмрони! Сен бу ишларни доною оқиллардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун Сенга ҳамду санолар айтаман. <sup>26</sup> Ҳа Ота, Сенинг эзгу хоҳишинг шундай эди. <sup>27</sup> Отам Менга ҳамма нарсени топширган. Отадан бошқа ҳеч ким Ўғилни билмас. Ўғилдан бошқа ҳамда Ўғил билим беришни истагандан бошқа ҳеч ким Отани билмас.

<sup>28</sup> Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман. <sup>29</sup> Менинг бўйинтуруғимга ўзингизни қўшинг ‡ ва Мендан ўрганинглр. Чунки Мен беозор ва соддадилман. Шундай қилиб, жонларингиз таскин топар. <sup>30</sup> Чунки Мен солган бўйинтуруқ юмшоқ, Мен берган юк енгилдир”.

### Дам олиш кунига риоя қилиш ҳақида

**12** Ўша кезлар бир шанба куни Исо экинзордан ўтиб бораётган эди. Унинг шогирдлари оч бўлганидан, бошоқларни узиб ея бошлашди. <sup>2</sup> Фарзийлар †† буни кўриб, Исога:

– Ана, Сенинг шогирдларинг дам олиш кунига †† қилиш мумкин бўлмаган ишни қиляптилар! – дейишди.

<sup>3</sup> – Наҳотки сизлар Довуд ва унинг оч қолган ҳамроҳлари нималар қилганини ўқимаган бўлсангиз? – деди уларга Исо. <sup>4</sup> – Довуд Худонинг уйига кириб, ўзи ва ёнидагиларга ҳам тақиқланган, фақат руҳонийларгина ейиши мумкин бўлган бахшида нонларни еган эди. <sup>5</sup> Ёки маъбаддаги руҳонийлар шанба кунги дам олиш амрини бузсалар-да, гуноҳкор бўлмасликларини Тавротда ўқимагансизми? <sup>6</sup> Бироқ Мен сизларга айтайинки, бу ердаги Кимса маъбаддан ҳам улуғдир. <sup>7</sup> Агар сизлар *Тавротдаги*: “Мен қурбон эмас, раҳм-шафқат истайман” деган оятга тушунганингизда, бегуноҳларни ҳукм қилмас эдингизлар. <sup>8</sup> Чунки Инсон Ўғли ††† дам олиш кунининг ҳам ҳокимидир.

<sup>9</sup> Исо у жойдан нарига ўтиб, яҳудий ибодатхонасига кирди. <sup>10</sup> У ерда кўли шол бўлиб

† ТАМУҒ: луғатга қаранг. †† САДЎМ: луғатга қаранг. ‡ МЕНИНГ БЎЙИНТУРУҒИМГА ЎЗИНГИЗНИ ҚЎШИНГ: бўйинтуруққа умуман бир жуфт ҳайвон қўшилади. Демак, биз Исо билан бирга юриб, Унга бўйсуниб, бу йўлда учрайдиган машаққатларга чидашимиз лозим. †† ФАРЗИЙ: луғатга қаранг. †† ДАМ ОЛИШ КУНИ: луғатга қаранг. ††† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

қолган бир одам бор эди. Исони айблаш мақсадида Уни сўроқ қилишди:

– Шанба кунда касални даволаш мумкинми?

<sup>11</sup> Исо уларга айтди:

– Сиздан қай бирингиз бир қўйи бўлатуриб, агар қўй шанба куни чуқурга тушиб кетса, уни тортиб чиқармайди? <sup>12</sup> Инсон эса қўйдан қанчалар улуғ! Шунга кўра, шанба кунда яхшилиқ қилиш мумкин.

<sup>13</sup> Шундай қилиб, Исо у одамга:

– Қўлингни узат! – деди. У эса узатиши биланоқ, бу кўли бошқа кўлидай соппа-соғ бўлди-қолди.

<sup>14</sup> Фарзийлар эса шу заҳот ташқарига чиқиб, Исони йўқ қилишга тил бириктирдилар. Исо буни билиб, у ерни тарк этди.

### Улуғ Халоскор Исо

<sup>15</sup> Тумонат халойиқ Исонинг кетидан эргашди, У эса ҳамма касалларини соғайтирди. <sup>16</sup> Ўзини ошкор этмоқни уларга қатъий ман қилди. <sup>17</sup> Шу билан Ишаёе пайғамбарга келган куйидаги Худо каломи бажо бўлди:

<sup>18</sup> “Мана, Менинг танлаган Ўғлоним, Маҳбубим, кўнглим Унга нисор! Мен Ўз Руҳимни Унга берарман, У эса элга адл эълон этгай.

<sup>19</sup> У талашмас, тортишмас ҳам, Кўча-кўйда сира бақирмас.

<sup>20</sup> Синдирмагай букик қамишни, Ўчирмагай тутаётган пиликни-да, То адлу инсофни ўрнига қўйгунча.

<sup>21</sup> Эллар эса Унинг исмига умид боғлар”.

### Исо ва шайтон

<sup>22</sup> Шундан сўнг Исонинг олдида жинга чалиниб кўр ва соқов бўлган кишини келтиришди. Исонинг шифолаши туфайли унинг тили ҳам чиқди, кўзи ҳам очилди. <sup>23</sup> Бундан бутун халойиқ ҳайратланиб: “Бу Довуднинг Ўғли – Масиҳ ††† эмасмикан?” – деди. <sup>24</sup> Фарзийлар буни эшитишгач: “У инс-жинсларнинг бошлиғи – иблиснинг § кучи билангина жинларни қувиб чиқаряпти-ку”, – дедилар.

<sup>25</sup> Уларнинг ўй-фикрларини билиб, Исо уларга деди: “Ўз ичидан бўлиниб кетган ҳар бир подшоҳлик хароб бўлади, ўз ичидан бўлиниб кетган ҳар бир шаҳар ёки уй абгор бўлади. <sup>26</sup> Агар шайтон шайтонни қувиб чиқарса, унда у ўз-ўзидан бўлинган бўлади. Энди унинг салтанати қандай тура олади? <sup>27</sup> Агар Мен жинларни иблиснинг кучи билан қувиб чиқараётган бўлсам, у ҳолда сизларнинг ўғилларингиз кимнинг кучи билан қувиб чиқаради? Шу боис, уларнинг ўзи сизларни ҳукм қиладилар. <sup>28</sup> Магар Мен Худонинг Руҳи билан жинларни қувиб чиқараётган эканман, у демак, Худонинг Шоҳлиги сизларга етиб келган.

††† МАСИХ: Худо юборишни ваъда қилган улуғ Қутқарувчи. § ИБЛИС: аслида “Баалзабул”; луғатга қаранг.

<sup>29</sup> Уйнинг эгаси бўлган бақувват кишини аввал боғлаб қўймасдан туриб, биров унинг уйига кириб, мол-мулкини ўғирлаб кета олармиди? Фақат шундай қилибгина уйни талаш мумкин. <sup>30</sup> Ким Мен билан бирга бўлмаса, Менга қаршидир. Ким Мен билан бирга йиғмаса, сочади.

<sup>31</sup> Шунинг учун сизларга айтаман: инсонларнинг ҳар қандай гуноҳи ва куфрлиги кечирилади. Лекин Муқаддас Рухни куфр қилганлар † кечирилмайди. <sup>32</sup> Ким Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Рухга қарши сўз айтса, икки дунёда ҳам кечирилмайди.

<sup>33</sup> Ё дарахтни яхши дер экансиз, мевасини ҳам яхши денг. Ёки дарахтни ёмон дер экансиз, мевасини ҳам ёмон денг. Чунки ҳар бир дарахт ўз мевасидан билинур. <sup>34</sup> Вой илонлар зоти-ей! Сизлар ёвуз бўла туриб, қандай қилиб яхши сўзлай оласиз? Ахир, одамнинг дилида нима бўлса, тили ўшани гапирди-ку! <sup>35</sup> Яхши одам *юрагининг* яхшилиқ хазинасидан яхшилиқ чиқарур. Ёмон одам *юрагининг* ёмонлик хазинасидан ёмонлик чиқарур. <sup>36</sup> Мен сизга дейманки: инсонлар айтадиган ҳар бир бекор сўзи учун қиёмат кунда ҳисоб берадилар. <sup>37</sup> Сен ўз сўзларинг асосида ё оқланасан, ёки айбланасан”.

### Исодан далил сўраш

<sup>38</sup> Шунда уламолар ва фарзийлардан баъзилари Исога: “Устоз, биз Сендан шуларнинг бирон бир далилини кўрмоқчимиз”, – дедилар.

<sup>39</sup> Исо уларга жавобан деди: “Бу ёвуз ва субутсиз насл далил излаяпти, лекин Юнус пайғамбарнинг аломатидан бошқа унга далил берилмайди. <sup>40</sup> Юнус пайғамбар уч куну уч тун кит қорнида бўлгани каби, Инсон Ўғли ҳам худди шундай уч куну уч тун ер бағрида бўлади. <sup>41</sup> Ниневия одамлари қиёмат кунда бу насл билан бирга тирилик, уни маҳкум этадилар. Чунки улар Юнуснинг ваъзи сабабли тавба-тазарру қилганлар. Ва мана, Юнусдан буюкроғи шу ердадир. <sup>42</sup> Жануб маликаси †† қиёмат кунда бу насл билан бирга кўтарилиб, уни маҳкум этади. Чунки у Сулаймоннинг ҳикматини тинглаш учун дунёнинг олис бурчидан келган эди. Ва мана, Сулаймондан буюкроғи шу ердадир.

<sup>43</sup> Ёвуз рух инсондан чиқиб кетгандан сўнг, роҳат излаб сувсиз ерларни айланади ва тополмагач: <sup>44</sup> “Мен чиққан уйимга қайтиб бораман”, – дейди. У уйга келгач уни кимсасиз, супурилган ва йиғиштирилган ҳолда топади. <sup>45</sup> Ўшанда бориб, ўзидан ёвузроқ яна еттита руҳни ўзига эргаштиради ва уйга кириб яшайдилар. У одамнинг сўнгги аҳволи эса аввалгидан баттар бўлади. Бу ёмон насл билан ҳам шундай бўлади”.

† МУҚАДДАС

†† ЖАНУБ МАЛИКАСИ: Подшоҳ Сулаймонни йўқлаб борган Шабо (бугунги Яман) маликаси; (айнан Таврот, 3-Шоҳлар 10-боб).

### Исонинг онаси билан укалари

<sup>46</sup> Исо халқ оммасига ҳали гапириб турган вақтда, Унинг онаси билан укалари келиб қолишди. Улар ташқарида кутиб туриб, У билан гаплашмоқчи бўлишди. <sup>47</sup> Кимдир Исога:

– Мана, онанг ва укаларинг ташқарида Сен билан гаплашмоқчи бўлиб туришибди, – деди. <sup>48</sup> Исо буни айтган кишига жавоб бериб:

– Менинг онам ким? Укаларим ким? – деди. <sup>49</sup> Сўнг қўли билан шогирдларини кўрсатиб:

– Мана, Менинг онам ва укаларим! – деди. <sup>50</sup> – Кимда-ким осмондаги Отамнинг иродасини бажо келтирса, у Менинг укам, синглим ва онам бўлади.

### Худо Шоҳлигини тасвирловчи еттита масал

**13** Ўша кун Исо уйдан чиқиб, кўл бўйида ўтирди. <sup>2</sup> Унинг олдида анчагина халойиқ тўплангач, У қайиққа тушиб ўтирди. Бор халойиқ эса қирғоқда Унга кўз тикди. <sup>3</sup> Исо уларга масал йўли билан кўп насиҳатлар қилди:

#### 1. Уруғ сепувчи

“Уруғ сепувчи уруғ сепгани чиқибди. <sup>4</sup> Уруғ сепатганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушибди. Қушлар учиб келиб, уларни чўқиб кетибди. <sup>5</sup> Бошқа баъзи уруғлар эса тупроғи кам тошлоққа тушибди. Тупроқ саёз бўлганидан, уруғлар тез кўкариб чиқибди. <sup>6</sup> Бироқ куёш чиққач, сўлиб, илдизи бўлмагани учун қуриб қолибди. <sup>7</sup> Яна бошқа баъзи уруғлар тиканлар орасига тушибди. Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди. <sup>8</sup> Яна бошқа уруғлар эса яхши ерга тушиб, баъзиси юз, баъзиси олтмиш, баъзиси ўттиз қат ҳосил берибди. <sup>9</sup> Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

#### Масалларнинг мақсади

<sup>10</sup> Шогирдлар яқинроқ келиб, Исодан: – Нега халққа масаллар билан гапиряпсан? – деб сўрадилар. <sup>11</sup> У уларга жавоб бериб деди: – Чунки Осмон Шоҳлигининг † сирларини билиш қобилияти сизларга берилган, уларга берилмаган. <sup>12</sup> Зеро кимда бор бўлса, унга яна берилади ва у мўлчиликда бўлади. Аммо кимда йўқ бўлса, бори ҳам ундан тортиб олинади. <sup>13</sup> Халққа масал билан гапиришимнинг сабаби шундаки, улар қараб туриб кўрмайдилар, қулоқ солиб туриб эшитмайдилар ва англамайдилар. <sup>14</sup> Ишаъё пайғамбарнинг каромати уларга жуда тўғри келади, мана Худо шундай деган: “Тинглаб турсангиз-да, англамайсизлар, Қараб турсангиз-да, кўролмайсизлар. <sup>15</sup> Бу халқнинг дилини-чи ёғ босган, Аранг эшитар қулоқлари ҳам, Кўзларини эса юмиб олганлар. Кўз кўрсин деб, қулоқ эшитсин деб, Дил фаросатли бўлсин деб,

† ОСМОН ШОҲЛИГИ: Худонинг салтанати.

Менга илтижо қилсалар эди,  
Мен уларга шифо берар эдим”.

<sup>16</sup> Лекин кўзларингиз кўраётган ва қулоқларингиз эшитаётган сизлар қандай бахтлисизлар! <sup>17</sup> Сизга чинини айтайин: не-не пайғамбару солихлар сиз кўраётганларни кўришни орзу қилганлар-у кўролмаганлар, сиз эшитаётганларни эшитишни орзу қилганлар-у эшитолмаганлар.

### Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг маъноси

<sup>18</sup> “Энди сизлар уруғ сепувчи ҳақидаги масални яхши тингланглар. <sup>19</sup> Худонинг Шоҳлиги тўғрисидаги каломни эшитиб, уқиб олмаган ҳар бир кишига ёвуз шайтон келиб, унинг юрагига экилган эзгулик уруғларини ўғирлаб кетади. Йўл ёқасига тушган уруғлар ана шуларга ишорадир. <sup>20</sup> Тошлоққа сепилган уруғлар эса шундай кишини билдиради: у каломни эшитар-эшитмас севинч билан қабул қилаверади. <sup>21</sup> Лекин илдизи йўқ, беқарор киши бўлгани учун, калом туфайли қайғу ёки қувғинга дучор бўлган ҳамон васвасага тушиб қолади. <sup>22</sup> Тиканлар орасига сепилган уруғлар эса шундай одамни билдиради: у каломни эшитса-да, бу дунёнинг ташвишлари ва бойлик ружуи каломни бўғиб ташлайди ва калом самарасиз қолади. <sup>23</sup> Яхши ерга сепилган уруғлар эса, каломни эшитиб уни уқиб оладиган одамни билдиради. Бундай киши, албатта, самарали бўлади; кими юз, кими олтмиш, кими ўттиз қат ҳосил беради”.

### 2. Бегона ўт

<sup>24</sup> Исо уларга бошқа бир масални келтирди: “Осмон Шоҳлиги ўз даласига яхши уруғ сепган бир одамга ўхшайди. <sup>25</sup> Ҳамма ухлаб ётганда, у одамнинг душмани келиб буғдой орасига бегона ўт † уруғларини сепиб кетибди. <sup>26</sup> Экин кўкариб бошоқ чиқарганда, бегона ўтлар ҳам пайдо бўлибди. <sup>27</sup> Ер эгасининг хизматкорлари келиб:

– Хўжайин, сиз далангизга яхши уруғ сепган эмасмидингиз? Энди бу бегона ўтлар қаердан пайдо бўлди? – деб сўрашибди.

<sup>28</sup> – Бу душманнинг ишидир, – дебди ер эгаси.

– Истасангиз, биз бориб уларни юлиб ташлаймиз, – дейишибди хизматкорлар.

<sup>29</sup> – Йўқ, – дебди у, – сизлар бегона ўтларни юлаётганда, улар билан бирга буғдойни ҳам юлиб олишингиз мумкин. <sup>30</sup> Ўрим-йиғим вақтигача қўйинглар, у ҳам, бу ҳам бирга ўсаверсин. Ўрим-йиғим бўлгач, мен ўроқчиларга: “Олдин бегона ўтларни ўриб олинглар ва боғ-боғ қилиб ёқишга тайёрланглар. Буғдойни эса менинг омборимга тўплаб қўйинглар”, деб айтаман”.

### 3. Хантал уруғи

<sup>31</sup> Исо уларга яна бошқа бир масални айтиб берди: “Осмон Шоҳлиги бир одам ўз даласига сепиб қўйган хантал уруғига ўхшайди. <sup>32</sup> У барча уруғлардан кичик бўлса-да, лекин етилгач, ҳамма кўкатлардан баланд бўлиб ўсади. У шундай дарахт бўладики, кўк юзидаги қушлар учиб келиб, унинг шоҳларини ўзларига уя қиладилар”.

### 4. Хамиртуруш бурдаси

<sup>33</sup> Исо уларга бошқа бир масални ҳам айтиб берди: “Осмон Шоҳлиги бир аёл бутун хамирни ошириш учун уч тоғора †† унга қориштириб солган хамиртуруш бурдасига ўхшайди”.

<sup>34</sup> Исо буларнинг ҳаммасини халққа масаллар билан тушунтирди. Масалсиз уларга ҳеч нарсани тушунтирмас эди. <sup>35</sup> Шу билан пайғамбарга ваҳий бўлган шу сўз бажо келди:

“Оғзимни масаллар айтмоққа очиб,  
Азалий сирлардан воқиф этаман” ‡.

### Бегона ўт ҳақидаги масалнинг маъноси

<sup>36</sup> Шундан сўнг Исо халойиққа жавоб бериб, уйга кирди. Шогирдлари Унинг олдида келиб:

– Даладаги бегона ўтлар ҳақидаги масални бизларга тушунтириб бергин, – дедилар. <sup>37</sup> Исо уларга жавобан деди:

– Яхши уруғни сепган – Инсон Ўғлидир ††, <sup>38</sup> дала эса – дунё. Яхши уруғлар – Худо ҳокимиятидаги одамлар, бегона ўтлар эса – ёвуз шайтон ҳокимиятидаги одамлардир. <sup>39</sup> Бегона ўтларни сепган душман бўлса – иблисдир. Ўрим-йиғим – дунёнинг охири, ўроқчилар эса фаришталарга тенг келади.

<sup>40</sup> Бегона ўтларни қандай териб ўтда ёқсалар, бу дунёнинг охирида ҳам шундай бўлади. <sup>41</sup> Инсон Ўғли Ўз фаришталарини юборади, улар эса гуноҳга сабаб бўлган ва ёмонлик қилиб юрган барчани Унинг Шоҳлигидан йиғиб олиб, <sup>42</sup> ловуллаб турган ўчоққа ташлайдилар. У ерда йиғи-сиғи ва оҳу нола бўлади. <sup>43</sup> Ўшанда солихлар ўз Оталарининг Шоҳлигида қуёш каби порлайдилар. Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!

### 5. Яширилган хазина

<sup>44</sup> “Яна Осмон Шоҳлиги далада яширилган хазинага ўхшар. Уни бир одам топиб сир сақлабди ва жуда севинганидан бориб, бор-йўғини сотиб, у далани харид қилибди”.

### 6. Қимматбаҳо марварид

<sup>45</sup> “Яна Осмон Шоҳлиги нодир марварид излаётган бир савдогарга ўхшар. <sup>46</sup> У қимматбаҳо

† БЕГОНА ЎТ: тўғрироғи, мастак (ғалла экинлари орасида ўсиб ғалладан аранг фарқланадиган, дони заҳарли ёввойи ўт).

†† ТОҒОРА: юнонча “сатон” – 13 литрга тенг суюқлик ўлчови.  
‡ қаранг: Забур 77:2. †† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

марваридни топганда, бориб бор-йўғини сотиб, марваридни харид қилибди”.

### 7. Денгизга ташланган тўр

<sup>47</sup> “Яна Осмон Шоҳлиги денгизга ташланган ва турли балиқларни тутган тўрга ўхшайди. <sup>48</sup> Тўр тўлгач, уни қирғоққа тортиб чиқаришибди ва ўтиришиб, яхши балиқларни саралаб идишларга солишибди, ёмонларини эса ташқарига ташлаб юборибди. <sup>49</sup> Дунёнинг охирида ҳам шундай бўлади: фаришталар келиб, фосиқларни солихлар орасидан ажратиб, <sup>50</sup> уларни ловуллаб турган ўчоққа ташлайдилар. У ерда йиғи-сиғи ва оху нола бўлади”.

<sup>51</sup> Исо шогирдларидан сўради:

– Буларнинг ҳаммасига тушундингизларми?  
– Тушундик †, – деди улар. <sup>52</sup> Исо шогирдларига:  
– Демак, Осмон Шоҳлиги тўғрисида таълим-тарбия олган ҳар бир уламо ўз хазинасидан янги ва эски нарсалар чиқарадиган уй эгасига ўхшайди, – деди.

### Исонинг Ўз юртида рад қилиниши

<sup>53</sup> Исо бу масалларни айтиб бўлгач, у ердан кетди. <sup>54</sup> Ўз ватанига келиб, ерли халқнинг ибодатхонасида таълим бера бошлади. Улар эса ҳайратда қолиб:

– Шундай донолик ва мўъжизакорлик қудрати Унга қаердан насиб бўлди экан? <sup>55</sup> Дурадгорнинг ўғли эмасми Ўзи? Онасининг исми Марям, укалари эса Ёқуб, Юсуф, Симун ва Яхудола эмасми?

<sup>56</sup> Унинг ҳамма сингиллари ҳам бизнинг орамизда-ку! Буларнинг барчасига У қандай қилиб эришди экан? – дейишди. <sup>57</sup> Ва ғашланиб, Уни рад қилишди. Исо эса уларга:

– Пайғамбар ўз ватани ва уйдан бошқа ерда эътиборсиз бўлмас, – деди. <sup>58</sup> Уларнинг эътиқодсизлиги сабабли у ерда кўп мўъжизалар кўрсатмади.

### Яҳё пайғамбарнинг бошини олиш

**14** Ўша кезларда вилоят ҳокими Ҳирод Исо тўғрисидаги овозаларни эшитиб, <sup>2</sup> ўзининг амалдорларига:

– Бу Яҳё пайғамбар-ку, у қайтадан тирилибди! Шунинг учун У орқали ажойиботлар содир бўлмоқда, – деди.

<sup>3</sup> Ҳирод ўз укаси Филипнинг хотини Ҳиродия туфайли Яҳёни тутиб кишанлаган ва зиндонга ташлаган эди. <sup>4</sup> Чунки Яҳё унга: “Бу хотинни олиш сен учун раво эмас”, – деб айтиб юрган эди. <sup>5</sup> Ҳирод Яҳёни ўлдирмоқни истаган бўлса-да, халқдан қўрқарди. Чунки Яҳёни пайғамбар деб ҳисоблашарди.

<sup>6</sup> Ҳироднинг туғилган куни нишонланган йиғинда Ҳиродиянинг қизи ўртага чиқиб ўйнади ва

† баъзи қўлёзмаларда “Ё Раббий” сўзи қўшилган.

Ҳироднинг кўнглини топди. <sup>7</sup> Натижада Ҳирод у нимаики сўраса, топмоққа қасам ичиб, унга ваъда берди. <sup>8</sup> Қиз эса онасининг ташвиқига кўра:

– Менга ҳозироқ лаганда Яҳё пайғамбарнинг бошини келтириб беринг! – деди.

<sup>9</sup> Шоҳ хафа бўлди-ю, лекин ўзи билан бирга еб-ичиб ўтирганларнинг кўзи олдида қасам ичганлиги учун, бу илтимоснинг бажарилишини буюрди.

<sup>10</sup> Зиндонга одам юбориб, Яҳёнинг бошини олди. <sup>11</sup> Унинг бошини лаганда келтириб қизга бердилар, қиз эса онасига олиб бориб берди.

<sup>12</sup> Яҳёнинг шогирдлари келиб, унинг жасадини олиб кўмдилар. Кейин бориб Исога хабар бердилар.

### Исонинг 5000 кишини тўйдириши

<sup>13</sup> Исо буни билиб олгач, бир Ўзи қайиққа тушиб, у ердан хилват жойга сузиб кетди. Халойиқ буни эшитиб, шаҳарлардан пиёда йўлга тушиб, Унинг орқасидан эргашди. <sup>14</sup> Исо қайиқдан чиқиб, тумонат одамни кўрди. Уларга ачинди ва уларнинг хасталарига шифо берди.

<sup>15</sup> Оқшом тушгач, шогирдлари Унинг ёнига келиб дедилар:

– Бу ерлар ёвон экан, энди вақт кеч бўлиб қолди. Халойиққа рухсат бергин, қишлоқларга бориб ўзларига овқат сотиб олсинлар.

<sup>16</sup> Лекин Исо уларга:

– Улар кетишлари керак эмас, сизлар уларга овқат беринглар, – деди.

<sup>17</sup> – Бу ерда бизнинг бешта нон ва иккита балиғимиз бор холос, – дейишди Унга.

<sup>18</sup> – Уларни бу ерга, Менга келтиринглар, – деди Исо. <sup>19</sup> Сўнг У халойиққа ўт устига

ёнбошлашларини буюрди. Бешта нон билан иккита балиқни олиб, осмонга қараб дуо қилди. Нонларни синдириб шогирдларига берди, улар эса халойиққа тарқатишди. <sup>20</sup> Ҳаммаларининг қорни тўйди. Ортиб қолган бурда нонларни териб олишганда, тўла ўн икки сават чиқди. <sup>21</sup> Еганлар эса хотинлар ва болалардан ташқари беш мингга яқин киши эди.

### Исонинг сув устида юриши

<sup>22</sup> Исо шогирдларини ўша заҳоти қайиққа тушириб, нариги томонга сузиб ўтишга мажбур қилди. Унгача Ўзи одамларга рухсат берадиган бўлди. <sup>23</sup> У халойиқни жўнатиб бўлгандан кейин, танҳо Ўзи ибодат қилиш учун тоққа чиқди. Кеч кирганда, у ерда ёлғиз Ўзи қолди. <sup>24</sup> Қайиқ эса кўлнинг ўртасида бўлиб тўлқинларда чайқалар, ёқимсиз шамол эсмоқда эди.

<sup>25</sup> Субҳидамда †† Исо кўл томондан шогирдлари ёнига келди. <sup>26</sup> Улар эса Унинг кўл устида юриб келаётганини кўриб, даҳшатга тушдилар.

†† СУБҲИДАМ: аслида “Туннинг тўртинчи қоровуллиги” (вақт жадвалига қаранг).

– Бу бир шарпа! – деб кўрқувдан қичқириб юбордилар. <sup>27</sup> Лекин Исо шу заҳот улар билан мулоқотга кириб:

– Дадил бўлинглар, бу Мен, кўрқманглар! – деди. <sup>28</sup> Бутрус гапга кириб:

– Ё Раббим †, агар бу Сен бўлсанг, менга буйруқ бер, мен сув устида юриб Сенинг ёнинга борай! – деди. <sup>29</sup> Исо:

– Кел! – деди. Бутрус эса қайиқдан чиқиб, сув устидан юрганча Исонинг ёнига йўл олди. <sup>30</sup> Лекин кучли шамолни кўриб, ўтакаси ёрилди. У чўка бошлагач:

– Ё Раббим, мени қутқар! – деб бақирди. <sup>31</sup> Исо ўша заҳоти қўлини узатиб, уни ушлаб қолди-да:

– Ҳа, имони сушт, нега сен иккиландинг? – деди. <sup>32</sup> Улар қайиққа ўтишлари биланоқ шамол тинди. <sup>33</sup> Қайиқдагилар эса Исога сажда қилиб:

– Ҳақиқатан ҳам Сен Худонинг Ўғлисан! – дейишди. <sup>34</sup> Кўлдан сузиб ўтиб, Генисарет қирғоғига келиб тўхташди. <sup>35</sup> У ернинг одамлари Исони таниб қолишди. Бутун теваарак-атрофларга одам юбориб, бирон дардга чалинганларнинг ҳаммасини Унинг олдига йиғишди. <sup>36</sup> Ақалли кийимининг этагига тегиш учун Ундан илтимос қилишди, текканлар эса дардларидан халос бўлди.

### Диний урф-одатлар ва Худонинг амри

**15** Ўшанда Қуддусдан баъзи уламолар ва фарзийлар Исонинг олдига келиб, савол бердилар:

<sup>2</sup> – Сенинг шогирдларинг нега ота-боболар урф-одатини бузиб юрибди? Ҳатто овқатланаётганда ҳам улар қўлларини ювишмайди!

<sup>3</sup> Исо уларга жавоб бериб деди:

– Нега сизлар ҳам ўз урф-одатингизни деб Худонинг амрини бузиб юрибсизлар? <sup>4</sup> Худо *Тавротда* шундай амр берган: “Ота-онангни ҳурмат қил”, ва “Ота-онасини ҳақорат қилган албатта ўлдирилсин”. <sup>5</sup> Аммо сизлар: “Агар ким ота ёки онасига: “Менинг сенга ёрдамим Худога бағишланган”, – деса, <sup>6</sup> “у ота ёки онасини ҳурмат қилмаса ҳам бўлади”, – дейсизлар”. Шундай қилиб, сиз ўзингизнинг урф-одатингизни деб Худонинг амрини бекор қилдингизлар. <sup>7</sup> Эй мунофиқлар! Сиз ҳақда каромат қилиб айтган Ишаъё пайғамбарнинг ушбу сўзлари тўғри чиқди:

<sup>8</sup> “Бу халқ Менга яқинлашар фақат оғизда, Ва Мени ҳурматлар фақат тилида.

Лекин дили эса Мендан узоқдур.

<sup>9</sup> Улар Мени беҳуда сано этур, Инсонлар амру таълимин ўргатиб”.

### Инсонни нима ҳаром қилади?

<sup>10</sup> Кейин Исо халқни ёнига чақириб, уларга деди:

† РАББИМ: ёки, Ҳазрат (асл нусхадаги сўз гоҳ одамий ва гоҳ илоҳий Эгани билдиради).

– Менга қулоқ солиб, мияга жойланг! <sup>11</sup> Оғизга кирадиган нарса эмас, балки оғиздан чиқадиган нарса инсонни ҳаром қилади.

<sup>12</sup> Шунда шогирдлари келиб Исога:

– Биляпсанми, фарзийлар бу сўзни эшитгач васвасага тушдилар, – дейишди. <sup>13</sup> Исо жавоб бериб деди:

– Самовий Отам ўтқазмаган ҳар бир ўсимлик таг-томири билан суғуриб ташланади. <sup>14</sup> Уларни қўйинглар, улар кўрларнинг кўр йўлбошчиларидир. Агар кўр кўрни етаклаб юрса, унда иккови ҳам чоғга тушиб кетар.

<sup>15</sup> Бунга жавобан Бутрус:

– Бизга бояги масални тушунтириб бер! – деди.

<sup>16</sup> Исо деди:

– Сизлар ҳам ҳанузгача англамадингизми?

<sup>17</sup> Оғизга кирадиган ҳар бир нарса қоринга ўтиб, керак жойдан чиқиб кетишини ҳали ҳам тушунмадингизми? <sup>18</sup> Бироқ оғиздан чиқадиган нарсалар эса юракдан чиқади. Ана шулар инсонни ҳаром қилади. <sup>19</sup> Ёмон фикрлар, қотиллик, фаҳшу зино ишлари, ўғрилик, сохта гувоҳлик ва ҳақоратлар бари юракдан чиқади. <sup>20</sup> Ювилмаган қўллар билан овқат ейиш инсонни ҳаром қилмайди, ана шулар инсонни ҳаром қилади.

### Ғайрияхудий аёлнинг ишончи

<sup>21</sup> Исо у ердан чиқиб, Тир ва Сидўн юртига кетди.

<sup>22</sup> Ўша тевааракдан канъонлик †† бир аёл Исони қаршилаб:

– Эй Ҳазрат, Довуднинг Ўғли ‡, менга раҳм қил! Қизимни жин жуда қаттиқ қийнапти, – деб фарёд чекди.

<sup>23</sup> Лекин Исо унга бир оғиз сўз ҳам жавоб бермади. Шогирдлари келиб:

– Уни қўйиб юбор, у орқамиздан додлаб юрибди, – деб Исодан илтижо қилдилар. <sup>24</sup> Исо эса жавоб бериб:

– Мен фақат Исроил халқининг адашган қўйлари ҳузуригагина юборилганман, – деди.

<sup>25</sup> Шунда аёл яқинроқ келиб:

– Эй Ҳазрат, менга ёрдам бер! – деб Исога сажда қилди. <sup>26</sup> Исо:

– Болалардан нонни олиб итларга ташлаш яхши эмас, – деган жавобни қайтарди. <sup>27</sup> Аёл:

– Худди шундай, Ҳазрат, лекин итлар ҳам хўжайинларининг дастурхонидан тушган ушоқларни ейдилар-ку! – деди. <sup>28</sup> Исо буни эшитиб, аёлга:

– Эй аёл, сенинг ишончинг буюк, сен тилагандек бўлсин, – деди. Аёлнинг қизи эса ўша заҳоти соғайиб кетди.

<sup>29</sup> Исо у ердан ўтиб, Жалила кўли атрофларига келди. Тоққа чиқиб, бир оз ўтирди. <sup>30</sup> Ҳузурига тумонат одам йиғилди. Улар ўзлари билан бирга

†† КАНЪОНЛИК: Канъон (қадимги Фаластин) туб аҳолисига мансуб ғайрияхудий киши; яна қаранг: Марк 7-боб. ‡ ДОВУДНИНГ ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.

чўлоқ, кўр, соқов ва бошқа кўпгина майиб-мажруҳларни олиб келиб, Исонинг оёқлари олдига кўйдилар. Исо эса уларни соғайтирди.

<sup>31</sup> Соқовларнинг гапирётганини, майибларнинг соғлом бўлиб кетаётганини, чўлоқларнинг юриб, кўрларнинг кўзлари очилаётганини халқ кўриб, хайрон бўлди ва Исроилнинг Худосига ҳамд-сано айтди.

### Исонинг 4000 кишини тўйдириши

<sup>32</sup> Исо шогирдларини ёнига чақириб уларга:  
– Халойиққа ачинаман, чунки уч кундир Менинг олдимда турибди ва ейдиган ҳеч нарсаи йўқ. Мен уларга овқат бермай жўнатиб юборишни истамайман, чунки йўлда дармонсизланиб қоладилар, – деди. <sup>33</sup> Шогирдлари Унга:

– Бу ёвонда шунча кишини тўйдирадиган емакни қаердан топамиз? – дейишди.

<sup>34</sup> – Қанча нонларингиз бор? – сўради Исо.

– Еттита нон ва озгина балиғимиз бор, – дедилар.

<sup>35</sup> Шундан кейин Исо халойиққа ерга ўтиришни буюрди. <sup>36</sup> Еттита нон ва балиқларни олиб, шукрона дуосини айтиб синдирди ва шогирдларига берди, шогирдлари эса бутун халойиққа тарқатди. <sup>37</sup> Ҳаммаларининг қорни тўйди. Ортиб қолган нон бурдалари нақ етти сават бўлди. <sup>38</sup> Хўрандалар эса хотинлар ва болалардан ташқари тўрт минг киши эди. <sup>39</sup> Исо халойиққа рухсат берди ва қайиққа тушиб, Мағдала атрофларига келди.

### Замоннинг аломатларини билиш ҳақида

**16** Фарзий ва саддуқий мазҳабидагилар Исони синаш мақсадда Унинг олдига келиб, осмондан аломат кўрсатишини сўрадилар. <sup>2</sup> Исо эса уларга жавобан деди: “Оқшом тушгач, сиз: “Осмон қизил экан, ҳаво очиқ бўлади”, – дейсизлар. <sup>3</sup> Эрталаб эса: “Осмон қизил-қорамтир экан, бугун ҳаво бузуқ бўлади”, – дейсизлар. Вой мунофиқлар-эй! Кўк юзини аниқлай оласиз-у, нега замоннинг аломатларини аниқлай олмайсизлар? <sup>4</sup> Бу бузуқ ва бесубут авлод далолатни-ку излайди, аммо Юнус пайғамбарнинг <sup>†</sup> аломатидан бошқа унга бирор бир далолат бўлмайди”.

Шундай деб, Исо уларни қолдириб кетди.

### Идроксиз шогирдларни койиш

<sup>5</sup> Нариги қирғоққа етиб келган шогирдлар ўзлари билан нон олишни унутибдилар. <sup>6</sup> Исо уларга:

– Қаранглар, фарзийлар билан саддуқийларнинг хамиртурушидан эҳтиёт бўлинглар! – деди. <sup>7</sup> Улар эса: “Буни нон олмаганимиз учун айтди, чоғи”, деб кўнгилларидан ўтказдилар. <sup>8</sup> Исо буни билиб, уларга деди:

– Эй имони суслар! Ўзингизча нега: ўзимиз билан нон олмадик, деб андиша қиялпсизлар?

<sup>†</sup> ЮНУС ПАЙҒАМБАР: яна қаранг: 12:39.

<sup>9</sup> Ҳали ҳам англамадингларми? Бешта нонни беш минг киши еб, неча сават нон бурдаларини йиғиштириб олганингизни эсламаяпсизларми?

<sup>10</sup> Ёки еттита нонни тўрт минг киши еб, неча сават йиғиштириб олганингизни-чи? <sup>11</sup> Мен сизларга: “Фарзийлар билан саддуқийларнинг хамиртурушидан эҳтиёт бўлинглар”, – деб айтганим бу нон ҳақида эмаслигини қандай қилиб тушунмадинглар?

<sup>12</sup> Шундан кейин шогирдлар, Исо уларга ноннинг хамиртурушидан эмас, балки фарзийлар билан саддуқийларнинг таълимотидан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтганини тушундилар.

### Бутруснинг Масихни тан олиши

<sup>13</sup> Филип Кесарияси атрофларига келган Исо Ўз шогирдларидан сўради:

– Одамлар Мени, Инсон Ўғлини, ким деб ҳисоблайдилар?

<sup>14</sup> – Баъзилари Яҳё пайғамбар деб, бошқалари Илёс пайғамбар деб, яна бирлари эса Еремия ёки бўлак пайғамбарлардан бири деб ҳисоблайдилар, – деди шогирдлар. <sup>15</sup> Исо улардан:

– Сизлар-чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар? – деб сўрагач, <sup>16</sup> Симун Бутрус жавоб бериб деди:

– Сен барҳаёт Худонинг Ўғли – Масихсан!

<sup>17</sup> Исо Бутрусга жавобан деди:

– Сен бахтиёрсан, эй Юнус ўғли Симун! Бу сирни сен ўз уқув-идрокин <sup>††</sup> билан уққанинг йўқ, балки осмондаги Отам сенга очиб берган. <sup>18</sup> Мен ҳам сенга шуни айтиб қўяй: сенинг тош деган исминг бор ва Мен Ўз умматимни бу тош <sup>‡</sup> устида бунёд этаман, жаҳаннам кучлари <sup>‡‡</sup> эса ундан устун чиқмас. <sup>19</sup> Осмон Шоҳлигининг очқиқларини сенга бераман. Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

<sup>20</sup> Шундан сўнг Исо Ўзининг Масих эканини бирор кимсага айтмоқни шогирдларига қатъий ман этди.

### Исо Ўз ўлими ҳақида

<sup>21</sup> Шу вақтдан бошлаб, Исо шогирдларига Ўзининг Қуддусга бориши, оқсоқоллар, олий руҳонийлар ва уламолар қўлида кўп азоб чекиб, ўлдирилиши, учинчи куни эса тирилиши кераклигини ошкор этадиган бўлди. <sup>22</sup> Бутрус Уни четга олиб таъна қила бошлади:

– Худо хайрингни берсин, Раббим <sup>‡‡</sup> Бу нарсалар Сенинг бошингга тушмас, – деди. <sup>23</sup> Исо эса Бутрусга қараб:

<sup>††</sup> ЎЗ УҚУВ-ИДРОКИНГ: аслида “эт ва қон”, яъни инсоний куч ва идрок. <sup>‡</sup> ТОШ: юнончада “Бутрус”, арабийчада “Кифа” деган номларнинг маъноси бир, яъни “тош”. <sup>‡‡</sup> ЖАҲАННАМ КУЧЛАРИ: аслида “ўликлар диёри қопқалари”, яъни инсоният устидан ҳокимлик қилаётган ўлим ҳамда шайтон кучлари. <sup>‡‡</sup> РАББИМ: ёки, Ҳазратим (асл нусхадаги сўз гоҳ одамий ва гоҳ илоҳий Эгани билдиради); айнан қаранг: 17:4.

– Йўқол кўзимдан, шайтон! – деди. – Сен Мени йўлдан уряпсан, чунки сен Худонинг ишларини эмас, балки инсон ишларини ўйлаяпсан.

<sup>24</sup> Кейин Исо Ўз шогирдларига деди:

– Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб, орқамдан юрсин. <sup>25</sup> Ким ўз жонини аямоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен учун жонини йўқотса, жон топади. <sup>26</sup> Агар инсон бутун дунёни эгалласа-ю, ўз жонига зарар етказса, бундан қандай наф кўради? Ёки инсон ўз жони эвазига қандай тўлов топаркан? <sup>27</sup> Инсон Ўғли Ўз Отасининг улуғворлигида, фаришталари билан келишида, ҳар кимни ўз қилмишига яраша тақдирлайди. <sup>28</sup> Сизларга чинини айтайин: бу ерда турганлардан баъзилари борки, улар Инсон Ўғлининг салтанатли Шоҳ бўлиб келаётганини кўрмагунча, ўлим кўрмайдилар.

### Исо қиёфасининг ўзгариши

**17** Орадан олти кун ўтгандан кейин Исо танҳо Бутрус, Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони ёнига олиб, баланд бир тоққа олиб чиқди. <sup>2</sup> У ерда, уларнинг кўз ўнгидан Исонинг қиёфаси ўзгариб кетди. Унинг юзи қуёшдай порлаб, кийимлари эса нурдай оппоқ тус олди. <sup>3</sup> Бирданига уларга Мусо билан Илёс пайғамбарлар кўриниб, Исо билан суҳбатлашаётгандай туюлди. <sup>4</sup> Буни Бутрус кўриб, Исога:

– Раббим! Бизлар учун бу жой жуда ёқяпти. Агар истасанг, шу ерда учта чайла қурайлик: бириси Сенга, бириси Мусога, бириси Илёсга...

<sup>5</sup> У гапини тугатмасданок, нур ёғилиб турган бир булут уларни қоплаб олди. Булут ичидан эса бир овоз келди:

– Бу Менинг севиқли Ўғлимдир, Ундан мамнунман. Унга қулоқ солинглар!

<sup>6</sup> Шогирдлар буни эшитгач, ваҳимага тушиб, ерга юз тубан йиқилдилар. <sup>7</sup> Исо эса келиб уларга қўл тегизди-да:

– Туринглар, кўрқманглар! – деди. <sup>8</sup> Улар бошларини кўтариб, ёлғиз Исодан бошқа ҳеч кимни кўрмадилар.

<sup>9</sup> Тоғдан тушаётганларида, Исо шогирдларига:

– Инсон Ўғли қайтадан тирилик келмагунча, кўрганларингизни ҳеч кимга айтманглар, – деб тайинлади. <sup>10</sup> Шогирдлари Ундан сўрадилар:

– Нега уламолар, олдин Илёс пайғамбар келиши керак, деб айтадилар?

<sup>11</sup> Исо жавоб бериб уларга деди:

– Бу тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди. <sup>12</sup> Лекин Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимади, у билан истаганларини қилишди. Худди шунга ўхшаб, Инсон Ўғли ҳам одамлар қўлида азоб чекиши муқаррардир.

<sup>13</sup> Шунда шогирдлар Исо уларга Яҳё пайғамбар ҳақида гапирганлигини англадилар.

### Исо тутқаноқли болани соғайтириши

<sup>14</sup> Улар халойиқ ёнига келганларида, бир одам Исонинг олдига келиб тиз чўқди-да:

<sup>15</sup> – Ҳазрат, – деди, – ўғлимга раҳминг келсин! Унинг тутқаноғи бор, у жуда азобда қолди. Дам оловга, дам сувга ташланади. <sup>16</sup> Боламни Сенинг шогирдларингга кўрсатдим, аммо улар уни тузатишолмади.

<sup>17</sup> Исо жавоб бериб:

– Эй имонсиз, бузуқ насл-эй! Қачонгача сизни ёқлайвераман? Қачонгача сизга чидайин? Болани бу ерга, Менинг олдимга келтиринглар! – деди.

<sup>18</sup> Исо жинга дўқ ургач, у боладан чиқиб кетди. Бола ўша заҳоти тузалди.

<sup>19</sup> Сўнгра шогирдлари Исонинг якка қолганда олдига келиб:

– Нега биз жинни қувиб чиқаролмадик? – деб сўрашди. <sup>20</sup> Исо уларга:

– Эътиқодсизлигингиз учун! – деди. – Чиндан, сизларга айтаманки: агар бир хантал донидай ишончингиз бўлса-ю, бу тоққа: “Бу ердан у ерга кўч”, – деб айтсангизлар, у кўчади. Сизга ҳеч бир нарса имконсиз бўлмайди. <sup>21</sup> [Бироқ бу тоифа жинлар ибодат ва рўзадан бошқа нарса билан чиқмас.]

<sup>22</sup> Улар Жалилага қайтиб келгандан сўнг, Исо шогирдларига деди:

– Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилиши муқаррардир. <sup>23</sup> Уни ўлдирадилар ва У учинчи куни қайтадан тирилади.

Шогирдлар жуда хафа бўлдилар.

### Маъбад солиғи

<sup>24</sup> Улар Кафарнаҳумга келганларида, икки дирамлик маъбад солиғини † йиғувчилар Бутруснинг олдига келиб:

– Сизларнинг Устозингиз маъбад солиғини тўламайдими? – деб сўрадилар. <sup>25</sup> Бутрус:

– Тўлайди! – деди.

У уйга келгач, Исо олдинроқ гап очиб деди:

– Симун, сенинг фикринг қандай? Бу дунё подшоҳлари солиқ ёки божни кимдан оладилар? Ватан ўғиллариданми ёки бегоналарданми?

<sup>26</sup> – Бегоналардан-да, – деди Унга Бутрус. Исо жавоб берди:

– Ундай бўлса, ватан ўғиллари солиқдан озод экан-да. <sup>27</sup> Шунга қарамай, биз уларни васвасага солмайлик. Сен кўлга бориб қармоқ ташла.

Биринчи илинган балиқни олиб оғзини очсанг, тўрт дирамлик †† тангага кўзинг тушади. Тангани олиб, Мен ва ўзинг учун солиқ тўлови сифатида уларга бер.

† ИККИ ДИРАМЛИК МАЪБАД СОЛИҒИ: юнонча “дидрахма”; яҳудийлар маъбад учун ҳар йили икки кунлик иш ҳақиға тенг келган солиқни тўлашлари керак эди. †† ТҲРТ ДИРАМ: юнонча “статир”; пуллар жадвалига қаранг.



### Худо олдида ким буюк?

**18** Шу кез шогирдлар Исонинг олдида келиб:  
– Осмон Шоҳлигида ким буюк? – деган саволни бердилар.

<sup>2</sup> Исо ёнига бир болани чақириб, уни ўрталарида турғизиб:

<sup>3</sup> – Сизларга чинини айтайин, – деди. – Агар сиз йўлингиздан қайтиб, болалардай бўлмасангиз, Осмон Шоҳлигига сира киролмайсизлар. <sup>4</sup> Шундай қилиб, ким бу бола каби ўзини паст олиб юрса, Осмон Шоҳлигида энг буюк бўлади. <sup>5</sup> Ким шундай бир болани Менинг номимдан қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади.

### Васваса ва гуноҳ ҳақида

<sup>6</sup> “Кимки Менга ишонган бу кичиклардан биронтасини йўлдан оздирса, унинг бўйнига улкан тегирмон тошини осиб денгиз чуқурлигига чўктирилиши у учун яхшироқ бўлар эди.

<sup>7</sup> Васвасалар дастидан бу дунёнинг ҳолига вой! Васвасалар келиши шаксиздир, лекин ким орқали келса, ўша одамнинг ҳолига вой!

<sup>8</sup> Агар қўлинг ёки оёғинг сени йўлдан оздирса, уни кесиб ташла. Сенга икки қўлу икки оёғинг билан абадий ўтга ташланишдан кўра, майиб ёки чўлоқ бўлиб абадий ҳаётга эришганинг яхшироқдир. <sup>9</sup> Агар кўзинг сени йўлдан оздирса, уни ўйиб ташла. Сенга икки кўзинг билан ўтли жаҳаннамга ташланишдан кўра, бир кўз билан абадий ҳаётга эришганинг яхшироқдир”.

### Адашган қўй ҳақида масал

<sup>10</sup> “Эҳтиёт бўлинглар, бу кичиклардан биронтасини ҳам хор қилманглар. Мен сизга шуни айтаман: осмонда уларнинг фаришталари доимо самовий Отамнинг жамолини кўриб турадилар.

<sup>11</sup> [Инсон Ўғли эса адашиб гумроҳ бўлганларни қутқариш учун келган.] <sup>12</sup> Сизларнинг фикрингиз қандай? Агар бир одамнинг юзта қўйи бўлиб, улардан бири адашиб қолса, тўқсон тўққизини тоғларда қолдириб, адашиб қолганни излаб кетмайдими? <sup>13</sup> Агарда уни топиб олса борми, сизга ростини айтсам, адашмаган тўқсон тўққизтасидан кўра, шу бир қўй учун у кўпроқ севинади. <sup>14</sup> Шунга ўхшаб, осмондаги Отангиз бу кичиклардан бирининг ҳам ҳалок бўлишини истамайди”.

### Биродаринг гуноҳ қилса...

<sup>15</sup> “Агар биродаринг сенга қарши гуноҳ қилса, унинг олдида бориб, фақат юзма-юз гапириб, айбини унга кўрсат. Агар сенга қулоқ солса, сен биродарингни қайтариб олган бўласан. <sup>16</sup> Агар сенга қулоқ солмаса, ўзинг билан яна бир ёки икки кишини олиб бор, токи *Тавротда ёзилганидек* “айтилувчи ҳар бир сўз икки ёки уч шохиднинг гувоҳлиги билан тасдиқлансин”. <sup>17</sup> Агар уларга ҳам

қулоқ солмаса, имонлилар жамоатига <sup>†</sup> айт. Агар имонлилар жамоатига ҳам қулоқ солмаса, уни кофир <sup>††</sup> ёки тамагир <sup>‡</sup> қаторида сана.

<sup>18</sup> Сизларга чинини айтайин: ер юзида сизлар нимаики боғласангизлар, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида нимаики ечсангизлар, осмонда ҳам ечилган бўлади. <sup>19</sup> Сизларга яна шуни ҳам айтай: агар ер юзида сиздан икки киши якдил бўлиб, қандайдир бир нарсани сўрашса, Менинг осмондаги Отам уларнинг тилагини бажаради. <sup>20</sup> Қаерда икки ёки уч киши Менинг номим учун йиғилса, Мен шу ерда уларнинг ўртасида бўламан”.

### Раҳмсиз банда ҳақида масал

<sup>21</sup> Шу вақтда Бутрус келиб Исога: “Раббим, – деди, – агар биродарим менга қарши гуноҳ қилса, мен неча марта уни кечирайин? Етти марта кечсам етарми?”

<sup>22</sup> Исо унга деди: “Сенга етти марта эмас, балки етмиш карра етти марта, деяпман. <sup>23</sup> Бинобарин, Осмон Шоҳлиги бандалари билан ҳисоб-китоб қилишни истаган бир подшоҳга ўхшайди.

<sup>24</sup> Ҳисоблашишни бошлаганда, ундан ўн минг олтин ёмби <sup>††</sup> қарздор бўлган бир бандани унинг қошига келтирибдилар. <sup>25</sup> Лекин қарз тўлашга ҳеч нарсаси бўлмагани учун, подшоҳ унга ўзини, хотинини, болаларини ва бутун мол-мулкини сотиб, қарзини тўлашни буюрибди. <sup>26</sup> Банда эса ерга йиқилиб, подшоҳига таъзим қилиб:

– Подшоҳим, сабр қилинг, мен сизга ҳаммасини тўлайман, – дебди. <sup>27</sup> Бу бандасига раҳми келиб, подшоҳ уни қўйиб юборибди ва қарзини кечириб юборибди.

<sup>28</sup> У банда эса ташқарига чиқиб, ўзидан юз кумуш танга қарздор бўлган бир шеригини учратиб, уни ушлаб олибди-да:

– Мендан олган қарзингни қайтар! – деб бўға бошлабди. <sup>29</sup> Шериги эса унинг оёқларига йиқилиб:

– Сабр қил, мен сенга ҳаммасини тўлайман, – деб ёлворибди. <sup>30</sup> Бироқ у бунга кўнмабди, бориб, қарзини тўламагунича шеригини зиндонга қаматиб қўйибди.

<sup>31</sup> Унинг шериклари бу воқеани кўриб, жуда хафа бўлишибди ва бориб, подшоҳга ҳамма бўлиб-ўтганни хабар қилишибди. <sup>32</sup> Шунда подшоҳ бандасини олдида чақириб:

– Эй ёвуз банда! – дебди. – Менга ёлворганинг учун, мен сенинг барча қарзингдан кечдим. <sup>33</sup> Мен сенга раҳм қилганимдай, сен ҳам шеригингга раҳм қилсанг бўлмасмиди?

<sup>34</sup> Ҳазабланган подшоҳ ҳамма қарзини тўламагунча бандасини азоб берувчиларнинг қўлига топширибди.

† ИМОНЛИЛАР ЖАМОАТИ: луғатга қаранг. †† КОФИР: ёки, мажусий; луғатга қаранг. ‡ ТАМАГИР: аслида “солиқчи”; бу сўз умуман порахўр, нопок кишини билдиради. †† ОЛТИН ЁМБИ: юнонча “талант”; қадим замондаги энг қадрли пул бирлиги, 20-30 кило олтин нархига тенг.

<sup>35</sup> Шунингдек, агар сизларнинг ҳар бирингиз ўз биродарингизнинг гуноҳини чин кўнгилдан кечирмасангиз, Менинг самовий Отам ҳам сизларга худди шу йўлни тутади”.

### Никоҳ ва ажралиш ҳақида

**19** Исо бу сўзларни айтиб бўлгач, Жалилани тарк этиб, Яҳудия ҳудудига, Ўрдун дарёсининг нариги томонига келди. <sup>2</sup> Тумонат халойиқ Унинг кетидан эргашиб юрди. Исо у ерда хасталарга шифо берди.

<sup>3</sup> Исони синаш ниятидаги баъзи фарзийлар Унинг олдига келиб:

– Эркак ҳар қандай сабабга кўра ўз хотинидан ажралиши мумкинми? – деган саволни бердилар.

<sup>4</sup> Исо уларга жавобан:

– *Тавротда* ўқимагансизларми? – деди. – Парвардигор бошданок одамларни эркак ва аёл қилиб яратди <sup>5</sup> ва деди: “Эр киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўлади” <sup>†</sup>. <sup>6</sup> Шунга кўра улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланадилар. Худо бирга қўшганини бандаси ажратмасин.

<sup>7</sup> Улар Исога:

– Ундай бўлса, Мусо нима учун: “Эркак хотини билан ажралса, талоқ хатини ёзиб берсин”, деб амр этганлар? – дейишди. <sup>8</sup> У уларга деди:

– Бағри тош одамлар бўлганингиз учун Мусо сизларга хотинларингиз билан ажралишга ижозат берган. Лекин бошдан бундай эмас эди. <sup>9</sup> Мен сизларга шуни айтийин: ким бевафоликдан бошқа сабаб туфайли хотинидан ажралиб, ўзгага уйланса, зино қилган бўлади. Шунингдек, эридан ажралган хотинга уйланган ҳам зино қилган бўлади.

<sup>10</sup> Шогирдлар Исога:

– Агар эркакнинг хотинига нисбатан шундай мажбурияти бўлса, уйланмаган яхшироқ экан-да! – дейишди. <sup>11</sup> Исо уларга:

– Бу сўзни ҳамма ҳам ҳазм этолмайди, – деди. – Кимгаки насиб бўлса, у ҳазм эта олади. <sup>12</sup> Баъзи кишиларнинг онадан туғма эркаклиги заифдир. Бошқалар эса одамлар томонидан ахта қилинадилар. Яна бошқалар Осмон Шоҳлиги йўлида уйланишдан воз кечадилар. Уддалаган бу гапларнинг мағзини чақсин.

### Исонинг болаларни дуо қилиши

<sup>13</sup> Шунда Исо уларнинг пешаналарига кўлларини қўйиб дуо қилиши учун, Унинг олдига болаларни келтиришди. Шогирдлари етаклаб келувчиларни койий бошлагач, <sup>14</sup> Исо деди:

– Болаларни қўйинглар, Менинг олдимга келишларига тўсқинлик қилманглар. Зеро Осмон Шоҳлиги шундайларникидир.

<sup>†</sup> қаранг: *Ибтидо 2:24 (Эфесликлар 5:31, 1-Коринфликлар 7-боб).*

<sup>15</sup> Уларнинг пешаналарини силаб, у ердан жўнаб кетди.

### Бойлик ва абадий ҳаёт

<sup>16</sup> Шу маҳал бир киши Исонинг ёнига келиб: – Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлиши учун қандай савобли иш қилмоғим лозим? – деб сўради. <sup>17</sup> Исо унга деди:

– Нега сен Мендан савобли иш ҳақида сўраяпсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким савоб эгаси эмас <sup>††</sup>. Агар боқий ҳаётга эришмоқ истасанг, илоҳий амрларга риоя қил.

<sup>18</sup> – Қайсиларига? – деб сўради у. Исо деди:

– “Одам ўлдирма. Зино қилма. Ўғрилиқ қилма. Сохта гувоҳлик берма. <sup>19</sup> Ота-онангни ҳурмат қил. Ўзгани ўзинг каби сев”, деган амрларни-да.

<sup>20</sup> Йигит Унга деди:

– Мен буларнинг ҳаммасини ёшлигимдан сақлаб келаман. Менга яна нима етишмайди?

<sup>21</sup> Исо унга:

– Агар комил бўлишни истасанг, бор, ҳамма мол-мулкингни сотиб, пулини камбағалларга тарқат. Шундагина кўкда хазинанг бўлур. Ва кел, Менинг ортимдан эргаш, – деди.

<sup>22</sup> Йигит бу сўзларни эшитиб, қайғу ичида у ердан чиқиб кетди. Чунки унинг пул-дунёси кўп эди.

<sup>23</sup> Исо шогирдларига:

– Сизга чинини айтийин: бой одамнинг Осмон Шоҳлигига кириши қийин бўлади. <sup>24</sup> Яна сизга айтаман: бой одамнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осондир, – деди.

<sup>25</sup> Шогирдлари буни эшитиб, чандон таажжубландилар ва:

– Ундай бўлса, ким нажот топа оларкан? – деб сўрадилар. <sup>26</sup> Исо уларга кўзларини тикиб:

– Одамларга бу имконсиз, лекин Худога ҳамма нарса мумкиндир, – деди. <sup>27</sup> Бу сўзга жавобан, Бутрус Исога деди:

– Мана, биз ҳамма нарсани қолдириб, Сенинг орқангдан эргашиб келдик. Бунинг эвазига биз нима топармиз?

<sup>28</sup> Исо уларга деди:

– Сизга чинини айтийин: янги дунёда <sup>‡</sup> Инсон Ўғли Ўзининг улуғвор тахтида ўтирганида, Менинг орқамдан эргашиб келган сизлар ҳам ўн иккита тахтга ўтириб, Исроилнинг ўн икки қабиласини ҳукм қиласизлар. <sup>29</sup> Мен учун уй-жой, ака-ука, опа-сингил, ота-она, хотин-бола ёки ер-мулкни ташлаб кетган ҳар бир киши булардан юз ҳисса ортиқроғини топиб, абадий ҳаётга ноил бўлажак.

<sup>30</sup> Лекин кўп биринчи бўлганлар охириги, охиригилар эса биринчи бўладилар.

<sup>††</sup> Бу сўзларни яна шундай таржима қилиш мумкин: “Нега сен Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас”. <sup>‡</sup> ЯНГИ ДУНЁ: аслида “янгидан яратиш”, яъни Худо борлиқни янги қиладиган замон, Масихнинг келажақ ҳукмронлик даври.

## Узумзорда ишловчилар ҳақида масал

**20** “Шундай қилиб, Осмон Шоҳлиги узумзорига эрта саҳарда мардикорлар ёллагани чиққан боғ эгасига ўхшайди. <sup>2</sup> У мардикорлар билан кунига бир кумуш танга беришга келишиб, уларни ўзининг узумзорига юборибди.

<sup>3</sup> Соат тўққизларда <sup>†</sup> у яна чиқиб, бозор майдонида бекор турган бошқа одамларни кўриб, <sup>4</sup> уларга:

– Сизлар ҳам менинг узумзоримга боринглар, мен сизларга тегишли ҳақингизни бераман, – дебди. Улар эса борибдилар.

<sup>5</sup> Туш чоғи ва соат учга яқин у тагин чиқиб, яна шундай қилибди. <sup>6</sup> Соат бешларда чиқиб, бекор турган яна бошқаларни кўрибди-да:

– Нега сизлар бу ерда кун бўйи бекор турибсизлар? – деб сўрабди. <sup>7</sup> Улар эса:

– Ҳеч ким бизларни ишга ёлламади-да, – дебдилар. Шунда боғ эгаси:

– Сизлар ҳам менинг узумзоримга боринглар, тегишли ҳақингизни оласизлар, – дебди.

<sup>8</sup> Кеч бўлгач, узумзор эгаси ўзининг ҳосилотига:

– Мардикорларни чақириб, уларга охиргисидан бошлаб биринчисигача хизмат ҳақларини бергин, – деб буюрибди. <sup>9</sup> Шундай қилиб, соат бешларда иш бошлаганлар бир кумуш тангадан олишибди.

<sup>10</sup> Биринчи келганлар эса кўпроқ оламиз, деб ўйлашибди. Аммо улар ҳам бир кумуш тангадан олишибди. <sup>11</sup> Улар хизмат ҳақини олгач, боғ эгасига норозилик билдира бошлашибди:

<sup>12</sup> – Бу охирги келганлар бир соатгина ишлади, сиз эса уларни куннинг иссиғию машаққатини тортган бизлар билан тенг кўрдингиз.

<sup>13</sup> Бунга жавобан боғ эгаси улардан бирига:

– Дўстим, мен сенга ноҳақлик қилганим йўқ. Сен мен билан бир кумуш тангага келишган эдингми?

<sup>14</sup> Энди ҳақингни олиб, боравер. Мен сенга берганча ақчани бу охирги келганга ҳам берсам, нима бўпти? <sup>15</sup> Ўз пулимни хоҳлаганча истифода қилиш ўз ихтиёримда эмасми? Ёки менинг сахийлигимни кўролмаёйсанми? – дебди.

<sup>16</sup> Шунга ўхшаб, *охиратда ҳам охиргилар биринчи ва биринчилар эса охирги бўладилар.* [Чунки даъват этилганлар кўп, аммо танланганлар оздир.]”

## Исо Ўз ўлимини учинчи бор айтиши

<sup>17</sup> Исо Қуддусга қараб йўл олар экан, ўн икки шогирдини алоҳида чақириб, уларга деди:

<sup>18</sup> “Ҳозир Қуддусга боряпмиз ва Инсон Ўғли олий руҳонийлар билан уламоларга тутиб берилади. Улар эса Уни ўлимга маҳкум этадилар.

<sup>19</sup> Ҳақоратлаш, қамчилаш ва хочга михлаш учун Уни мажусийларга топширадилар. Учинчи куни эса У қайтадан тирилажак”.

† СОАТ ТЎҚҚИЗЛАРДА: аслида “3-соат чамаси” (бу бобдаги соатларнинг таржимаси вақт жадвалида изоҳланади).

## Бир онанинг тилаги

<sup>20</sup> Шунда Забадийлар оиласининг онаси ўғиллари билан бирга Исонинг ҳузурига келди. Нимадир сўрамоқчи бўлиб, Унга таъзим қилди. <sup>21</sup> Исо аёлдан сўради:

– Сен нима истайсан?

– Сенинг Шоҳлигингда бу менинг икки ўғлимнинг бири ўнг томонингда ва бири чап томонингда ўтиришларини буюргин! – деди Унга аёл. <sup>22</sup> Исо жавоб бериб деди:

– Сизлар нима сўраётганингизни билмайсизлар. Мен ичажак ҳасратли тақдир шаробини ича оласизларми?

– Ичамиз! – деди улар. <sup>23</sup> Исо уларга:

– Сизлар-ку Менинг косамдан ичиб, ҳасратларимни чекасизлар, аммо Менинг ўнг ва чап томонимда ўтиришга рухсат бериш Менинг ихтиёримда эмас. Отам бу ўринни кимларга тайёрлаган бўлса, уларга буюради, – деди.

<sup>24</sup> Бошқа ўн шогирд буни эшитгач, икки ака-укага аччиқлана кетишди. <sup>25</sup> Исо эса уларни ёнига чақириб, деди:

– Биласизларки, дунё халқлари устидан салтанатли подшоҳлар бор, эл устидан отабеклар ҳокимлик қилади. <sup>26</sup> Аммо сизнинг орангизда бундай бўлмасин. Орангизда ким катта бўлишни истаса, сизга хизматкор бўлсин. <sup>27</sup> Орангизда ким биринчи бўлишни истаса, сизга қул бўлсин. <sup>28</sup> Зеро Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни қутқариш учун келган.

## Исонинг икки кўрни соғайтириши

<sup>29</sup> Улар Ерихо шаҳридан жўнаётганларида, кўп халқ Исонинг орқасидан эргашиб борди. <sup>30</sup> Йўл чеккасида ўтирган икки кўр Исо уларнинг олдидан ўтиб бораётганини эшитгач:

– Эй Ҳазрат, Довуд Ўғли <sup>††</sup>, бизларга раҳм қил! – деб бақира бошладилар. <sup>31</sup> Халойиқ уларни жим бўлишга мажбур қилса-да, лекин улар овозларини янада баландроқ қилиб:

– Эй Ҳазрат, Довуд Ўғли, бизларга раҳм қил! – деб ёлвордилар. <sup>32</sup> Исо тўхтаб, уларни ёнига чақирди-да:

– Сизлар Мендан нима истайсизлар? – деб сўради. <sup>33</sup> Улар:

– Ҳазрат, кўзларимиз очилсин! – дейишди.

<sup>34</sup> Исонинг уларга раҳми келиб, кўзларига қўл тегизди. Шу онда уларнинг кўзлари очилиб кетди. Улар Исонинг ортидан эргашдилар.

## Исонинг Қуддусга тантанали кириши

**21** Қуддусга яқинлашиб, Зайтун тоғи этагидаги Байтфагия қишлоғига етиб келишди. Исо икки шогирдини яна йўлга солиб:

†† ДОВУД ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

<sup>2</sup>“Қаршингиздаги қишлоққа боринглар, шу заҳот боғлаб қўйилган урғочи эшакни ва унинг ёнида хўтиқни кўрасизлар. Уларни ечиб, Менинг олдимга келтиринглар. <sup>3</sup> Агар кимдир сизга бирор нима деса, “Булар Раббимизга керак, У кўп ўтмай уларни қайтариб юборади”, – деб жавоб беринглар”, – деди.

<sup>4</sup> Бу содир бўлганларнинг ҳаммаси пайғамбарга ваҳий бўлган ушбу оят бажо келиши учун рўй берди:

<sup>5</sup> “Сион қизига айтингизким:

Бир моча эшакка миниб,  
Хўтиқка мингашиб камтарона,  
Сенинг Подшоҳинг келар ёнингга” †.

<sup>6</sup> Шогирдлар йўлга тушиб, Исо уларга буюрганидай қилдилар. <sup>7</sup> Эшак билан хўтиқни келтириб, уларнинг устига кийимларини юкладилар. Исо эса миниб олди. <sup>8</sup> Халқнинг кўпчилик қисми ўз кийимларини йўлга пойандоз қилди. Баъзилари эса дарахт шохларини кесиб, йўлга тўшадилар. <sup>9</sup> Олдда ва орқада юраётган халойиқ:

“Довуд Ўғли мангу яшасин! ††

Худованд номидан Келаётган муборак!

Кўклардан нажот юборгил!”

– деб ҳайқиришар эди. <sup>10</sup> Исо Қуддусга кириб келганда, бутун шаҳар: “Бу ким бўлди?” – деб ҳаракатга келди. <sup>11</sup> Халойиқ эса: “Бу Жалиланинг Носира шахридан бўлган Исо пайғамбар!” – деб таъкидлади.

### Исонинг сотувчиларни маъбаддан қувиши

<sup>12</sup> Исо Худо маъбадига кириб, маъбадда олди-сотди қилаётган ҳаммани қувиб чиқарди. Саррофларнинг ‡ хонтахталарини ва каптар сотувчиларнинг курсиларини ағдариб юборди.

<sup>13</sup> Исо уларга:

– *Тавротда*: “Менинг уйим ибодат уйи аталгай”, – деб ёзилган. Сизлар эса уни қароқчилар уясига айлантириб юборибсизлар!

<sup>14</sup> Маъбадда Исонинг олдида кўрлар ва чўлоқлар келди. У эса уларга шифо берди. <sup>15</sup> Лекин олий руҳонийлар ва уламолар Исонинг қилаётган ажойиб ишларини ҳамда маъбадда: “Довуд Ўғли мангу яшасин!” деб ҳайқираётган болаларни кўриб, дарғазаб бўлдилар.

<sup>16</sup> – Булар нима демоқдалар, эшитяпсанми? – дейишди Унга. Исо уларга:

– Ҳа! – деди. – Наҳотки сизлар: “Гўдак ва чақалоқлар оғзидан Сен мадҳия яратдинг”, – деган оятни †† ҳеч қачон ўқимаган бўлсангиз?

<sup>17</sup> Сўнг Исо уларни қолдириб, шаҳардан чиқди ва Байтанияга бориб, у ерда тунади.

† СИОН ҚИЗИ: Қуддус аҳолиси; айнан қаранг: *Таврот, Ишаъё 62:1* ва *Зикирё 9:9*. †† ДОВУД ЎҒЛИ МАНГУ ЯШАСИН: аслида “Довуд Ўғлига (яъни Масиҳга) хўшаъно (яъни нажот)”; айнан қаранг: *Забур 117:25-26*. ‡ САРРОФЛАР: луғатга қаранг. †† ОЯТ: қаранг: *Забур 8:3*.

### Қуриб қолган анжир дарахти

<sup>18</sup> Эрталаб Исо шаҳарга қайтиб келаётганда оч қолди. <sup>19</sup> Йўл четида бир анжир дарахтини кўриб, унинг ёнига келди. Исо барглардан бошқа ҳеч нарса топмай, дарахтга:

– Бундан кейин сенда абадий мева битмасин! – деди. Анжир дарахти эса шу онда қуриб қолди.

<sup>20</sup> Бунга кўрган шогирдлар ҳайратга тушиб:

– Қандай қилиб анжир дарахти дарҳол қуриб қолди? – дедилар. <sup>21</sup> Исо уларга жавобан:

– Сизларга чинини айтайин, – деди, – Агар ишончингиз қатъий бўлиб, шубҳаланмасангиз, бу анжир дарахти билан содир бўлганни адо этиш у ёқда турсин, ҳатто бу тоққа: “Кўтарил-да, денгизга отил”, – десангиз, айтганингиз бўлади. <sup>22</sup> Сизлар ибодат қилиб, ишонч билан нимаики сўрасангиз, эришасизлар.

### Исонинг ваколати ҳақида савол

<sup>23</sup> Исо маъбадга кириб таълим бераётганда, олий руҳонийлар ва халқ оқсоқоллари Унинг олдида келиб:

– Сен бу ишларни қандай ҳуқуқ билан қиляпсан? Сенга бундай ваколатни ким берган? – деб сўрадилар. <sup>24</sup> Исо уларга жавоб бериб деди:

– Мен ҳам сизга бир савол берайин. Агар Менга жавоб берсангизлар, шунда Мен ҳам бу ишларни қандай ваколат билан қилаётганимни сизларга айтаман. <sup>25</sup> Яхё пайғамбар одамларни сувда тавба қилдириш учун кимдан ваколат олган эди? Худоданми †† ёки инсонданми?

Улар эса ўзаро мулоҳаза юрита бошладилар: “Агар Худодан десак, У бизларга: “Нега унга ишонмадингиз?” – деб айтади. <sup>26</sup> Агар инсондан десак, халқдан қўрқиш керак, чунки халқнинг бари Яхёни пайғамбар деб ҳисоблайди-ку”.

<sup>27</sup> Ниҳоят Исога:

– Билмаймиз, – деб жавоб бердилар. Исо эса уларга:

– Мен ҳам буларни қандай ваколат билан қилаётганимни сизга айтмайман, – деди.

### Икки ўғил ҳақида масал

<sup>28</sup> “Сизларнинг фикрингиз қандай? Бир одамнинг икки ўғли бор экан. У биринчисига келиб:

– Ўғлим, бугун бориб узумзоримизда ишла, – дебди. <sup>29</sup> Аммо у:

– Истамайман! – деб сўз қайтарибди. Кейин пушаймон бўлиб, борибди. <sup>30</sup> У одам иккинчи ўғлига келиб, яна шундай дебди. Буниси жавоб бериб:

– Хўп хўжайин, бораман, – дебди-ю, лекин бормабди. <sup>31</sup> Икковидан қайси бири отасининг хоҳишини бажо келтирган бўлади?”

Исога: “Биринчиси”, – дедилар.

†† ХУДОДАН: аслида “осмондан”.

У уларга: “Сизларга чинини айтайин, – деди. – Саёқлару † фоҳишалар Худонинг Шоҳлигига сизлардан олдин эришмоқдалар. <sup>32</sup> Чунки Яҳё пайғамбар сизнинг олдингизга тўғри йўлни ўргатиб келди ва сизлар унга ишонмадингиз, саёқлар ва фоҳишалар эса ишонди. Сизлар-чи, буни кўргандан кейин ҳам пушаймон қилмадингиз, ишонмадингиз”.

### Ёвуз боғбонлар ҳақида масал

<sup>33</sup> “Энди бошқа бир масални эшитинг: бир ер эгаси бор экан. У узумзор яратиб, атроф-теварагини панжара билан ўраб, ичида исканжа ва қўриқчи минораси қурибди-да, узумзорни боғбонларга ижарага ташлаб, ўзи вақтинча бошқа мамлакатга кетибди. <sup>34</sup> Ҳосил мавсуми яқинлашгач, ўзининг маҳсулини олиш учун боғбонларнинг олдига хизматкорларини юборибди. <sup>35</sup> Боғбонлар эса унинг хизматкорларини тутишибди ва кимини уриб, кимини ўлдириб, кимини эса тошбўрон қилишибди. <sup>36</sup> Боғ эгаси бу гал аввалгидан ҳам кўпроқ бошқа хизматкорларини юборибди. Боғбонлар эса улар билан ҳам шундай қилишибди. <sup>37</sup> Охирида боғ эгаси:

– Ўғлимни ҳурмат этарлар, – деб уларнинг олдига ўз ўғлини юборибди. <sup>38</sup> Лекин боғбонлар ўғлини кўриб, бир-бирига:

– Бу меросхўр-ку, қани уни ўлдириб, меросига эга бўлайлик, – дейишибди. <sup>39</sup> Уни тутиб, узумзордан ташқарига чиқариб, ўлдиришибди. <sup>40</sup> Шундай қилиб, узумзорнинг эгаси қайтиб келганда, бу боғбонларни нима қилар экан?”

<sup>41</sup> Тинглаётганлар Исога: “Бу ёвуз одамларни ёвузларча йўқ қилиб, узумзорини эса мавсумида ҳосилини териб турадиган бошқа боғбонларга ижарага беради”, – дедилар.

<sup>42</sup> Исо уларга деди: “Наҳотки сиз Забурдаги бу сўзни ҳеч ўқимаган бўлсангизлар?”

“Бинокорлар кераксиз деб ташлаган тош Нақ бинонинг пештоқидан жой олди.

Бу Худованд иродаси туфайлидир, Бизга эса ажойибот тимсолидир” ††.

<sup>43</sup> Шунинг учун сизларга айтаманки, Худонинг Шоҳлиги сиздан олиниб, тегишли ҳосилини етиштирувчи халққа берилади. <sup>44</sup> Кимки бу тошга йиқилса, парчаланиб кетади. Тош кимнинг устига тушса, уни эзиб юборади”.

<sup>45</sup> Олий руҳонийлар ва фарзийлар Исонинг масалларини тинглаган сайин, улар ўзлари ҳақида айтилганини пайқадилар. <sup>46</sup> Улар Исони қўлга туширишга интилаётган бўлсалар-да, халқдан кўрқар эдилар. Чунки халқ Исони пайғамбар деб ҳисоблар эди.

### Никоҳ тўйи ҳақида масал

<sup>22</sup> Исо масаллар билан гапини давом эттириб, халққа хитобан деди:

<sup>2</sup> “Осмон Шоҳлиги ўзининг ўғлига никоҳ тўйи қилган бир подшоҳга ўхшайди. <sup>3</sup> Подшоҳ тўйга таклиф этилганларни чақириш учун хизматкорларини юборибди. Улар эса келишни истамабдилар. <sup>4</sup> Подшоҳ яна бошқа хизматкорларини юбориб:

– Таклиф этилганларга айтингларки, мен зиёфат дастурхонини тайёрлаб қўйдим, хўкизлару бўрдоқиларим сўйилди, ҳаммаси тайёр. Тўйга келаверинглар! – дебди.

<sup>5</sup> Бироқ улар яна назарга илмай, бири ўзининг даласига, бошқаси бозор-ўчарга кетибди.

<sup>6</sup> Қолганлар эса подшоҳ хизматкорларини тутиб, хўрлаб, ўлдиришибди. <sup>7</sup> Подшоҳ буни эшитиб, ғазабланибди. Қўшинларини юборибди-да, қотилларни тигдан ўтказиб, шаҳарларини кулга айлантирибди. <sup>8</sup> Кейин у қолган хизматкорларига:

– Никоҳ тўйи тайёр, лекин таклиф этилганлар бунга муносиб эмас эканлар. <sup>9</sup> Шунинг учун чорраҳаларга бориб, кимни топсангизлар, тўйга чақиринглар, – деб буюрибди. <sup>10</sup> Бу хизматкорлар йўлга чиқиб, учратганларининг ҳаммасини – ёмонларни ҳам, яхшиларни ҳам тўплашибди. Тўйхона меҳмонларга тўлиб кетибди.

<sup>11</sup> Подшоҳ меҳмонларни кўриш учун кирганда, у ерда никоҳ кийимида кийинмаган бир одамни кўрибди <sup>12</sup> ва ундан:

– Дўстим, никоҳ кийимисиз бу ерга қандай кирдинг? – деб сўрабди, у индамабди. <sup>13</sup> Шунда подшоҳ малайларига буйруқ бериб:

– Унинг қўл-оёқларини боғлаб, ташқарига, қоронғиликка ташланглар. У ерда йиғи-сиғи ва оху воҳ бўлади, – дебди.

<sup>14</sup> Шунга ўхшаб, Худо даъват этганлар кўп, аммо танланганлар оздир”.

### Худонинг ҳақи Худога...

<sup>15</sup> Шундан кейин фарзийлар бориб, Исони У айтадиган бирон сўзи орқали илинтириш чорасини маслаҳатлашиб олдилар. <sup>16</sup> Улар ўз шогирдларини Ҳирод тарафдорлари ‡ билан бирга Исонинг олдига юборишди. Булар Исога:

– Устоз, – дейишди, – Биз биламизки, Сен ҳақиқатгўйсан ва Худонинг ҳақ йўлини ўргатиб юрибсан. Кимларгадир маъқул бўлишни ўйлаб ўтирмайсан, ҳеч кимни юз-хотир қилмайсан ҳам. <sup>17</sup> Энди бизларга айт-чи, Сеннинг фикринг қандай? Қайсарга †† солиқ тўлаш динга мувофиқми, ёки йўқми?

<sup>18</sup> Лекин Исо уларнинг шумлигини билиб:

† САЁҚЛАР: аслида “солиқчилар”. †† қаранг: Забур 117:22-23 (Ҳаворийлар 4:11, 1-Бутрус 2:7).

‡ ҲИРОД ТАРАФДОРЛАРИ: луғатга қаранг. †† ҚАЙСАР: Рим императори.

– Мунофиқлар! – деди, – Нега Мени синаб кўрмоқчисизлар? <sup>19</sup> Қани, Менга солиққа тўланадиган тангани кўрсатинглар-чи.

Улар Исога бир динор <sup>†</sup> келтиргач,  
<sup>20</sup> – Бу сурат ва ёзув кимники? – деб сўради.

<sup>21</sup> – Қайсарники, – дедилар.

– Ундай бўлса, Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини Худога беринглар, – деди Исо.

<sup>22</sup> Буни эшитганларида ҳайрон бўлдилар ва Исонинг олдидан узоқлашдилар.

### Қиёмат ҳақида савол

<sup>23</sup> Қиёмат йўқ, деб айтадиган саддуқийлар ўша куни Исонинг олдига келиб, <sup>24</sup> Унга савол бердилар:

– Эй Устоз! Мусо пайғамбар деганки: “Агар ким фарзанд кўрмасдан дунёдан ўтса, укаси унинг хотинини никоҳига олиб, акасининг зурриётини тикласин”. <sup>25</sup> Бизда етти ака-ука бор эди. Биринчиси уйланиб, фарзанд кўрмай қазо қилди, хотини эса укасига қолди. <sup>26</sup> Иккинчи, учинчи, ҳатто еттинчигача ҳамманинг бошига шу кўргилик тушди. <sup>27</sup> Ҳаммадан кейин хотин ҳам ўлди.

<sup>28</sup> Шундай қилиб, у қиёматда еттовидан қайси бирининг хотини саналар экан? Чунки у ҳаммасига хотин бўлган эди-ку.

<sup>29</sup> Исо уларга жавоб бериб деди:

– Сиз Муқаддас Китобни ҳам, Худонинг қудратини ҳам билмаганингиздан адашяписизлар. <sup>30</sup> Чунки охирада на уйланадилар ва на эрга тегадилар, балки осмондаги Худо фаришталарига ўхшайдилар. <sup>31</sup> Ўликларнинг қайта тирилишига келсак, Худонинг сизларга йўллаганини ҳеч ўқимагансизми? <sup>32</sup> “Мен Иброҳимнинг Худоси, Исҳоқнинг Худоси ва Ёқубнинг Худосиман”, – деган эди У. Худо эса ўликларнинг эмас, тирикларнинг Худосидир.

<sup>33</sup> Халқ буни эшитиб, Исо таълимотига маҳлиё бўлди.

### Энг буюк амр

<sup>34</sup> Исо саддуқийларни жим қилиб қўйганини фарзийлар эшитгач, бир жойга тўпландилар.

<sup>35</sup> Улардан Таврот тафсирчиси бўлган бириси Исони синаш ниятида Ундан:

<sup>36</sup> – Устоз, Тавротнинг қайси амри буюк? – деб сўради. <sup>37</sup> Исо унга:

– “Эганг Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан ва бутун онгинг билан севгин”. <sup>38</sup> Бу – биринчи ва энг буюк амр. <sup>39</sup> Иккинчиси эса шунга ўхшашдир: “Ўзгани ўзинг каби севгин”. <sup>40</sup> Бутун Илоҳий Буйруқ ва пайғамбар оятларининг ҳаммаси ҳам мана шу икки амрга таянади.

### Масих кимнинг ўғли?

<sup>41</sup> Фарзийлар йиғилишганда, Исо улардан сўради:

<sup>42</sup> – Масих <sup>††</sup> ҳақида қандай фикрларингиз бор? У кимнинг ўғли?

– Довуднинг ўғли-да, – деб жавоб бердилар. <sup>43</sup> Исо уларга деди:

– У ҳолда, қандай қилиб Довуд илоҳий илҳом билан Масихни Раббим деб атаган? Мана, Довуд нима деган:

<sup>44</sup> “Худованд менинг Раббимга айтди: Ёвларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча, Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин” <sup>‡</sup>.

<sup>45</sup> Демак, Довуд Уни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб У Довуднинг ўғли бўлади?

<sup>46</sup> Ва ҳеч ким Исога бир оғиз сўз жавоб беролмади. Ўша кундан бошлаб яна ҳеч ким Ундан бирон гап сўрашга журъат этмади.

### Сохта ва чин диндорлик

**23** Ундан кейин Исо халойиққа ва шоғирдларига хитоб қилиб, деди: <sup>2</sup> “Уламолар ва фарзийлар Мусо минбарида ўтирибдилар <sup>‡</sup>. <sup>3</sup> Шу боис улар сизга нимани бажаришни амр этсалар, бажо келтиринглар. Айтганини қилинг, лекин қилганини қилманг! Чунки улар ўз айтганларини бажармайдилар. <sup>4</sup> Улар оғир ва кўтариб бўлмайдиган юкларни инсонлар елкасига ташлаб қўядилар, лекин ўзлари бу юкларга бармоқ тегизишни ҳам истамайдилар. <sup>5</sup> Улар бутун ишларини инсонларга кўриниш учун қиладилар. Дуо қутиларини <sup>‡‡</sup> йирикроқ, кийимларининг гажимларини <sup>‡‡‡</sup> узунроқ қиладилар. <sup>6</sup> Шунингдек, зиёфатларда тўрда ва ибодатхоналарда ҳурматли ўринда ўтиришни, <sup>7</sup> халқ йиғинларида алик олишни ва одамлар томонидан “Устозимиз, Устозимиз!” деб олқишланишни яхши кўрадилар.

<sup>8</sup> Бироқ сизлар устоз деб аталишга кўнманг. Чунки сизнинг биргина Устозингиз бор, У ҳам бўлса – Масихдир. Сизлар эса ҳаммаларингиз биродарсизлар. <sup>9</sup> Ер юзида ҳеч кимни ўзингизга ота деб ҳам атаманглар. Чунки сизнинг биргина Отангиз бор, У ҳам бўлса – самовий Отангиздир.

<sup>10</sup> Раҳбар деб ҳам ном олманглар. Чунки сизларнинг биргина Раҳбарингиз бор – У Масихдир. <sup>11</sup> Орангиздаги каттангиз сизларга хизматда бўлсин. <sup>12</sup> Зеро ким ўзини юқори қўйса, пасайтиради. Ким ўзини паст олиб юрса, улуғланади”.

### Дин арбобларига таъна қилиш

<sup>13</sup> “Эй уламою фарзийлар, мунофиқлар! Осмон Шоҳлигини инсонларга бекитиб қўйганингиз учун ҳолингизга вой! Ўзларингиз ҳам унга

<sup>††</sup> МАСИХ: Худо юборишга аҳд қилган улуғ Нажоткор. <sup>‡</sup> қаранг: Забур 109:1. <sup>‡‡</sup> яъни яҳудий дин олимлари Мусо пайғамбар ўрнида халққа Илоҳий Амрни талқин этадилар. <sup>‡‡‡</sup> ДУО ҚУТИСИ: Ичига Таврот оятлари битилган, яҳудийлар ибодат қилганда пешанага ва чап елкага боғлайдиган тери қутича. <sup>‡‡‡‡</sup> ГАЖИМЛАР: Яҳудийлар Илоҳий Амрни эслаб туриш учун кийим этагига тикадиган тўртта попук.

<sup>†</sup> ДИНОР: Рим империясидаги кумуш танга.

кирмаяпсизлар, кирмоқчи бўлганларга ҳам йўл қўймаяпсизлар.

<sup>14</sup> [Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сиз бева аёлларнинг уйларини шилиб, хўжа кўрсинга узоқ дуо ўқийсизлар. Шунга яраша оғирроқ жазо оласизлар.]

<sup>15</sup> Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар лоақал бирор-бир кишини ўз динингизга киритиш учун денгизлару қитъаларни айланиб чиқасизлар. Лекин буни амалга ошириб бўлгач эса, уни ўзингиздан икки баробар ёмонроқ дўзахи қиласизлар.

<sup>16</sup> Эй кўр пешволар, ҳолингизга вой! Сизлар: “Маъбад ҳақиға ичилган қасам ўтмайди, лекин маъбаддаги олтин ҳақиға ичилган қасам бажарилиши шарт”, дейсиз. <sup>17</sup> Ҳой нодону кўрлар! Қайси бири буюкроқ: маъбаднинг олтиними, ёки олтинни муқаддас қилган маъбаднинг ўзими? <sup>18</sup> Шунингдек, сизлар яна: “Қурбонгоҳ ҳақиға ичилган қасам ўтмайди, лекин қурбонгоҳдаги қурбонлик ҳақиға ичилган қасам бажарилиши шарт”, – дейсизлар. <sup>19</sup> Ҳой нодонлар, кўрлар! Қайси бири буюкроқ: қурбонликми ёки қурбонликни муқаддас қилган қурбонгоҳми? <sup>20</sup> Ахир, қурбонгоҳ ҳақиға қасам ичган, ҳам қурбонгоҳнинг ўзи, ҳамда ундаги барча нарсалар ҳақиға қасам ичган бўлади. <sup>21</sup> Маъбад ҳақиға қасам ичган эса, ҳам маъбаднинг ўзи, ҳамда маъбадда яшайдиган Худо ҳақиға қасам ичган бўлади. <sup>22</sup> Осмон ҳақиға қасам ичган эса, ҳам Арши Аъло, ҳамда Арши Аълодаги Худонинг ўзи ҳақиға қасам ичган бўлади.

<sup>23</sup> Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар ялпиз, арпабодиён ва зира қатори ошқўқдан ушр бериб турасиз-у, лекин Илоҳий Буйруқнинг ниҳоятда муҳим амрлари бўлган ҳаққоният, марҳамат ва садоқатга † эса эътибор бермай қўйдингизлар. Буларнинг бирини бажара туриб, иккинчисини ҳам ташлаб қўймаслигингиз керак эди. <sup>24</sup> Сизлар чивинни пеш қилувчи ††, аммо туяни ютиб юборадиган кўр пешволарсиз!

<sup>25</sup> Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар косаю лаганнинг сиртини тозалайсиз, аммо уларнинг ичи ўғрилиқ ва баднафсликка тўлиб-тошиб ётибди. <sup>26</sup> Эй сўқир фарзий! Сен аввало коса ва лаганнинг ичини тозалаб ол, шунда уларнинг таши ҳам тоза бўлади.

<sup>27</sup> Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Сизлар ташқаридан чиройли кўринадиган, лекин ичи ўликларнинг суяклари ва ҳар хил қабиҳликларга тўла, оҳакланган қабрларга ўхшайсизлар. <sup>28</sup> Гарчи ташқаридан инсонларга мўмин кўринсангизлар ҳам, лекин ичларингиз иккиюзламачилиқ ва ёмонликка тўладир”.

† САДОҚАТ: ёки, имон, ишонч. †† ЧИВИННИ ПЕШ ҚИЛУВЧИ: аслида “чивинни сузиб айирувчи”; мутаассиб диндорлар ҳаром деб ҳатто чивинни ютишдан кўрқиб, ичадиган ҳамма нарсасини сузгичдан ўтказишар эди.

## Сохта диндорлар оладиган жазо

<sup>29</sup> “Эй уламою фарзийлар, сиз мунофиқларнинг ҳолига вой! Чунки сизлар пайғамбарларга мақбара қуриб, азиз-авлиёларнинг ёдгорликларини безаб юрибсизлар. <sup>30</sup> “Агар ота-боболаримиз даврида яшаганимизда, биз пайғамбарларнинг қонини тўкишда уларга ҳамкорлик қилмас эдик”, – дейсизлар. <sup>31</sup> Бу билан сиз ўзингизни ўзингиз инкор этиб, пайғамбарларни қатл қилганларнинг ўғиллари эканингизни ўзингиз тасдиқлаб турибсиз. <sup>32</sup> Қани, ота-боболарингиз бошлаган ишни битириб қўймайсизларми?!

<sup>33</sup> Ҳой илонлар, заҳарли илон зотлари-ей! Жаҳаннам жазосидан қандай қилиб қутуларкансизлар? <sup>34</sup> Ана шу сабабдан Мен сизга қанчадан-қанча пайғамбару донишманду уламоларни юбориб тураман. Сизлар эса улардан кимини ўлдирасизлар, кимини хочга михлайсизлар, кимини эса ибодатхоналарингизда қамчилаб шаҳардан-шаҳарга қувғин қиласизлар. <sup>35</sup> Шу йўсин солиҳ киши бўлган Ҳобилнинг ‡ қонидан тортиб, маъбад билан қурбонгоҳ оралиғида сизлар ўлдирган Барахия ўғли Закариёнинг †† қонигача, ер юзида тўкилган бутун бегуноҳ қонлар сизнинг бўйнингизда! <sup>36</sup> Ҳа, сизларга чинини айтаман: ушбу гуноҳларнинг ҳаммаси шу наслнинг бўйнига тушади”.

## Исонинг Қуддус учун ноласи

<sup>37</sup> “О, Қуддус, Қуддус! Пайғамбарларни ўлдирувчи ва ҳузурингга юборилганларни тошбўрон қилгувчи шаҳар! Товуқ ўз жўжаларини қанотлари остида қандай тўпласа, Мен ҳам сенинг болаларингни неча бор шундай тўпламоқчи бўлдим, сизлар-чи, истамадингиз. <sup>38</sup> Мана, сизнинг уй-жойингиз хувиллаб қолади. <sup>39</sup> Сизга шуни айтиб қўяй: “Худованд номидан Келаётган муборак”, – деб хитоб қилмагунингизча, Мени қайтиб кўрмайсизлар”.

## Исо охирзамон ҳақида

**24** Исо маъбаддан чиқиб кетаётганда, шогирдлари Унинг ёнига келиб, диққатини маъбаднинг биноларига қаратмоқчи бўлишди. <sup>2</sup> Исо уларга: “Буларнинг ҳаммасини кўряпсизми? Сизларга чинини айтайин: бу ерда бирор ғишт бутун қолмайди, ҳаммаси вайрон бўлади”, – деди.

<sup>3</sup> Исо бир ўзи Зайтун тоғида ўтирган вақтда, шогирдлари Унинг ёнига келиб, сўрашди: “Бизларга айт-чи, бу воқеалар қачон юз беради? Сенинг келишинг ва охирзамон яқинлашганини кўрсатадиган белги қандай бўлади?”

‡ ҲОБИЛ: Одам Атонинг иккинчи ўғли, акаси Қобил уни ўлдирган (қаранг: Ибтидо 4-боб). †† ЗАКАРИЁ: милoddан сал олдин яшаган руҳоний Закариё билан тенг бўлиши мумкин (қаранг: 2-Солномалар 24:20-22), яъни Таврот даврида бўлган илк ва сўнги қатл.

<sup>4</sup> Исо жавоб бериб уларга деди: “Ҳеч ким сизларни йўлдан оздирмаслиги учун эҳтиёт бўлинглар. <sup>5</sup> Чунки талай кишилар Менинг номим билан келиб: “Мен Масих бўламан”, – деб кўпларни йўлдан оздиради. <sup>6</sup> Шунингдек, йироқ-яқиндан уруш хабарларини эшитасизлар. Аммо чўчиб ваҳимага тушмангиз! Ҳамма нарса Худо тақдир этганидек содир бўлиши лозим. Аммо бу ҳали сўнгги ниҳоя эмасдир. <sup>7</sup> Халқ халққа қарши, подшоҳлик подшоҳликка қарши кўтарилади. Айрим жойларда қаҳатчиликлар, ўлатлар, зилзилалар бўлади. <sup>8</sup> Буларнинг бари эса бамисли тўлғоқнинг бошидир.

<sup>9</sup> Ушанда сизларни қийнаш ва ўлдириш учун тутиб берадилар. Менинг номим туфайли барча халқлар сизлардан нафратланади. <sup>10</sup> Ушанда кўплар васвасага тушиб, бир-бирини тутиб беради, бир-бириндан нафратланади. <sup>11</sup> Кўпдан-кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, кўпларни йўлдан уради. <sup>12</sup> Ёвузлик авжга чиқиши туфайли кўпчиликнинг севгиси совийди. <sup>13</sup> Лекин охиригача чидаган кутулади. <sup>14</sup> Худо салтанати тўғрисидаги Инжил Хушxabари ҳамма халқларга далолат бўлиш учун жаҳон бўйлаб тарғиб қилинади ва ўшандагина сўнг бўлади”.

#### Буюк мусибат ва Исонинг қайта келиши

<sup>15</sup> “Шундай қилиб, Дониэл пайғамбар каромат қилиб айтган “даҳшатли разолат” † муқаддас жойда турганини кўрганингизда (ўқиган ўзи тушунсин!) <sup>16</sup> Яхудияда бўлганлар тоғларга қочишсин.

<sup>17</sup> Томнинг устида турганлар уйдан анжомларини олиш учун пастга тушмасин. <sup>18</sup> Далада бўлганлар эса тўнини олгани қайтиб келмасин. <sup>19</sup> У кунларда ҳомиладор ва эмизувчи аёлларнинг ҳолига вой! <sup>20</sup> Қочишингиз қишга ёки дам олиш кунига тўғри келмаслиги учун ибодат қилинглар. <sup>21</sup> Чунки ўшанда дунё бошланишидан то ҳозиргача содир бўлмаган ва қайтиб содир бўлмайдиган буюк мусибат бўлади. <sup>22</sup> Агар ўша кунлар қисқартирилмаганида эди, ҳеч бир жонзод омон қолмасди. Лекин танланган кишилар учунгина у кунлар қисқартирилади. <sup>23</sup> Агар ўшанда кимдир сизга: “Масих мана бу ерда”, ёки “У ерда”, – деб айтса, ишонманглар. <sup>24</sup> Чунки сохта масихлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, иложини топсалар, ҳатто танланган кишиларни ҳам йўлдан оздириш учун ғаройибот ва мўъжизалар кўрсатадилар. <sup>25</sup> Мана, Мен сизларга олдиндан айтиб қўйдим.

<sup>26</sup> Шундай қилиб, агар сизларга: “Мана, У саҳрода”, – деб айтсалар, чиқманглар. “Мана, У берк хоналарда”, – деб айтишса ҳам, ишонманглар. <sup>27</sup> Чунки Инсон Ўғлининг келиши худди шарқда чақнаб, ҳатто ғарбда ҳам барчага кўрунувчи чақмоқдай бўлади.

† ДАҲШАТЛИ РАЗОЛАТ: луғатга қаранг.

<sup>28</sup> Мурда қаерда бўлса, калхатлар ҳам ўша ерда тўпланади.

<sup>29</sup> Ўша кунларнинг мусибатидан сўнг, алҳол куёш тутилиб, ой хираланади. Юлдузлар осмондан тушиб, самовий кучлар ларзага келади. <sup>30</sup> Ушанда Инсон Ўғлининг аломати осмонда намоён бўлади. Ер юзидаги барча қабилалар уввос тортиб йиғлайдилар, Инсон Ўғли осмон булутлари узра буюк қудрат ва шон-шуҳрат ила келаётганини кўрадилар. <sup>31</sup> У маҳобатли карнай тутган фаришталарини юборади. Улар эса Унинг танлаган кишиларини осмоннинг бир бурчидан бошқа бурчигача, тўрт томондан тўплаб келадилар”.

#### Ҳушёр бўлиб туриш ҳақида

<sup>32</sup> “Анжир дарахтидан ибрат олинглар. Унинг шохлари кўкариб, барг чиқараётганидан ёз яқинлашганини биласизлар. <sup>33</sup> Худди шундай, сизлар ҳам буларнинг ҳаммасини кўргач, билингки, У яқиндир, эшик олдида турибди.

<sup>34</sup> Сизларга чинини айтайин: бу насл ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир бўлади. <sup>35</sup> Еру осмон битар, лекин Менинг сўзларим битмас.

<sup>36</sup> У кун ва у соат ҳақида биргина Отамдан бошқа ҳеч ким билмайди, осмондаги фаришталар ҳам билмайди. <sup>37</sup> Нуҳ пайғамбар даврида қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли келишида ҳам шундай бўлади.

<sup>38</sup> Тўфонгача бўлган кунларда, то Нуҳ пайғамбар кемага кирган кунигача еб-ичдилар, уйландилар, турмушга чиқдилар. <sup>39</sup> Улар бўлғуси офатдан беҳабар юрганда, тўфон келиб, ҳаммасини қириб ташлади. Инсон Ўғлининг келиши ҳам худди шундай бўлади. <sup>40</sup> Ушанда икки киши далада бўлади; бири олинади, бири қолдирилади.

<sup>41</sup> Тегирмон тортаётган икки аёл бўлади; бири олинади, бири қолдирилади.

<sup>42</sup> Шунинг учун ҳушёр бўлиб туRINGлар, чунки Раббингиз қайси соатда келишини билмайсизлар.

<sup>43</sup> Лекин шуни билиб қўйингларки, ўғри туннинг қай вақтида келишини агар уй эгаси билганда, бедор туриб, уйига лаҳим қазилишига йўл қўймас эди. <sup>44</sup> Шунга ўхшаб, сизлар ҳам тайёр бўлиб туRINGлар. Чунки Инсон Ўғли сизлар ўйламаган соатда келиб қолади”.

#### Яхши ва ёмон хизматкор ҳақида масал

<sup>45</sup> “Қул-чўриларга ризқ-рўзни ўз вақтида бериб туриш учун хўжайин уларга бошлиқ қилиб қўйган ишончли ва ақлли хизматкор кимдир? <sup>46</sup> Хўжайини келганда, уни шуларни бажариб турган ҳолда кўрса, у хизматкор қандай бахтлидир! <sup>47</sup> Сизларга чинини айтайин: ўзининг бутун мол-мулки устидан уни назоратчи қилиб қўяди.

<sup>48</sup> Агарда ёмон ниятли хизматкор ўз кўнглида: “Хўжайиним яқин орада келмайди”, – деб ўйлаб, <sup>49</sup> ўртоқларини уриб, ичкиликбозлар билан бирга еб-ичишни бошласа, <sup>50</sup> у хизматкорнинг хўжайини



кутмаган бир кунда, ўйламаган бир соатда келиб қолади-ю, <sup>51</sup> уни тилка-пора қилиб, бошига иккиюзламачилар кунини солади. У ерда йиғи-сиғи ва оҳу воҳлар бўлади”.

#### Ўн келин дугонаси ҳақида масал

**25** “Ўша вақтда Осмон Шоҳлигини ўзларининг чироқларини ёнига олишиб, куёвни қаршилагани чиққан ўн келин дугонасига † ўхшатса бўлади. <sup>2</sup> Улардан бешови эс-хушли, бешови эса овсар экан. <sup>3</sup> Овсарлари чироқларини олиб, ўзлари билан ёғ олмабдилар. <sup>4</sup> Эс-хушлилари эса чироқлари билан бирга идишларда ёғ ҳам олибдилар. <sup>5</sup> Куёв кечиккани сабабли, ҳаммалари мудраб, ухлаб қолишибди.

<sup>6</sup> Туннинг ярмида бирданига овоз янграбди:

– Ана, куёв келяпти, уни қаршилагани чиқинглар!

<sup>7</sup> Шунда қизларнинг ҳаммаси туриб, чироқларига ёпишибди. <sup>8</sup> Овсарлари эс-хушлиларга:

– Чироқларимиз ўчиб боряпти, бизларга ёғларингиздан беринглар! – дейишибди. <sup>9</sup> Эс-хушлилар жавоб бериб:

– Йўқ, бизларда ҳам, сизларда ҳам ёғ етмай қолмасин. Яхшиси, сиз баққолларнинг олдига бориб, ўзларингизга ёғ сотиб олинглар, – дейишибди.

<sup>10</sup> Улар ёғ сотиб олгани кетишганда, куёв келиб қолибди. Тайёр турган қизлар куёв билан бирга тўйхонага кириб, орқаларидан эшиклар ёпилибди.

<sup>11</sup> Бир муддатдан кейин қолган қизлар келиб:

– Ҳой Эгам, ҳой Эгам, эшикни очинг, бизлар келдик! – дейишибди. <sup>12</sup> Лекин У уларга жавоб бериб:

– Мен сизга ростини айтсам, сизларни танимайман, – дебди.

<sup>13</sup> Шундай қилиб, хушёр бўлиб турунглари, чунки сиз Инсон Ўғли келадиган аниқ кунни ҳам, соатни ҳам билмайсизлар”.

#### Омонат пул ҳақида масал

<sup>14</sup> “Яна *охирзамон* бир одам сафарга жўнаб, хизматкорларини чақириб, ўз мол-мулкини уларга омонатга берганига ўхшайди. <sup>15</sup> У одам ҳар бир кишига ўз қобилиятига яраша: бирига беш, бирига икки, бирига бир ёмбидан †† бериб, жўнаб кетибди.

<sup>16</sup> Бешта ёмби олган ўша заҳоти бориб, пулини ишга солиб, яна беш ёмби орттирибди. <sup>17</sup> Шунга ўхшаб, икки ёмби олган ҳам яна икки ёмби орттирибди. <sup>18</sup> Битта ёмби олган эса бориб, чуқур қазиб, хўжайинининг пулини яшириб қўйибди.

<sup>19</sup> Анча вақтдан сўнг бояги хизматкорларнинг хўжайини қайтиб келиб, улардан ҳисобот сўрабди.

<sup>20</sup> Беш ёмби олган бошқа беш ёмбини ҳам олиб келиб:

– Хўжайин! Менга беш ёмби бергандингиз, мана мен уларга қўшиб яна беш ёмби орттирдим, – дебди. <sup>21</sup> Хўжайини унга:

– Баракалла, яхши ва содиқ хизматкор экансан. Сен кичик бир ишда ҳам содиқ бўлганинг учун, энди сени катта ишларга муносиб кўраман.

Хўжайинининг шодлигини баҳам кўр, – дебди.

<sup>22</sup> Икки ёмби олган ҳам келиб:

– Хўжайин! Менга икки ёмби бергандингиз. Мана, мен уларнинг ёнига қўшиб яна икки ёмби орттирдим, – дебди. <sup>23</sup> Хўжайини унга:

– Баракалла, яхши ва содиқ хизматкор экансан. Сен кичик бир ишда ҳам содиқ бўлганинг учун, энди сени катта ишларга муносиб кўраман.

Хўжайинининг шодлигини баҳам кўр, – дебди.

<sup>24</sup> Битта ёмби олган ҳам келиб:

– Хўжайин! Мен сизнинг қаттиққўл одам эканингизни билардим. Сиз экмаган ердан ўрасиз, уймаган жойдан хирмон кўтарасиз. <sup>25</sup> Шунинг учун мен кўрққанымдан бориб, сизнинг ёмбингизни ерга яшириб қўйдим. Мана берганингиз! – дебди.

<sup>26</sup> Хўжайини унга жавоб қайтариб:

– Эй ёмон ва ялқов хизматкор! – дебди. – Мен экмаган ердан ўришимни, уймаган жойдан хирмон кўтаришимни биларкансан, <sup>27</sup> у ҳолда пулимни судхўрларга қарзга берсанг бўлмасмиди? Шунда мен келиб, уни фойдаси билан қайтариб олган бўлар эдим. <sup>28</sup> Энди, ундан ёмбини олиб ўн ёмбиси борга беринглари! <sup>29</sup> Чунки кимда бор бўлса, унга яна берилади ва у мўлчиликда бўлади. Кимда йўқ бўлса, ундан бори ҳам тортиб олинади. <sup>30</sup> Энди бу ярамас хизматкорни ташқарига, қоронғиликка улоқтириб юборинглари. У ерда йиғи-сиғи ва оҳ-воҳлар бўлади”.

[Буларни айтиб, Исо хитоб қилиб деди: “Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”]

#### Қиёмат-қойим сўроғи

<sup>31</sup> “Инсон Ўғли Ўзининг улуғворлигида, жамики муқаддас фаришталари билан бирга келган пайтида Ўзининг улуғвор тахтига ўтиради. <sup>32</sup> Барча халқлар Унинг ҳузурига тўпланадилар. Чўпон қўйларни эчкилардан ажратганидай, У уларни бирма-бир саралаб қўяди. <sup>33</sup> “Қўйларни” Ўзининг ўнг томонига, “эчкиларни” эса чап томонига турғизади.

<sup>34</sup> Шунда Подшоҳ ўнг томондагиларга айтади:

– Эй, Менинг Отамнинг олқаганлари, келинглари! Дунё яратилганидан бери сизлар учун мерос сифатида тайёрлаб қўйилган Шоҳликни эгаллангиз. <sup>35</sup> Чунки Мен оч эдим, Менга овқат бердингизлар. Чанқаган эдим, Менга сув ичирдингизлар. Мусофир эдим, Мени меҳмон қилдингизлар. <sup>36</sup> Яланғоч эдим, Мени кийинтирдингизлар. Касал эдим, Мени боқдингизлар. Зиндонда эдим, Мени келиб кўрдингизлар.

† КЕЛИН ДУГОНАЛАРИ: аслида “бокира қизлар”. †† ЁМБИ: юнонча “талант”; 18:24-оятдаги изоҳга қаранг.

<sup>37</sup> Бунга жавобан солихлар Унга шундай дейдилар:

– Ё Раббий! Қачон Сенинг очлигингни кўрибмизки, едирган бўлсак, ёки чанқаганингни кўрибмизки, сув тутган бўлсак? <sup>38</sup> Қачон Сенинг мусофир бўлганингни кўриб, меҳмон қилдик, ёки яланғочлигингни кўриб, кийинтирдик? <sup>39</sup> Қачон биз касал ёки зиндонда бўлганингни кўриб, Сени йўқлаб келдик?

<sup>40</sup> Подшоҳ жавоб бериб уларга дейди:

– Сизларга чинини айтайин: сизлар Менинг шу кичик биродарларимдан бирига неки қилган бўлсангиз, бу Менга қилганингиздир.

<sup>41</sup> Сўнг У чап томондагиларга ҳам айтади:

– Эй лаънатилар! Кўзимдан йўқолинг, иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинг! <sup>42</sup> Чунки Мен оч эдим, овқат бермадингизлар. Чанқагандим, сув тутмадингизлар. <sup>43</sup> Мусофир эдим, Мени меҳмон қилмадингиз. Яланғоч эдим, Мени кийинтирмадингиз. Касал бўлдим, зиндонга тушдим, Мени келиб кўрмадингизлар.

<sup>44</sup> Шунга жавобан улар ҳам:

– Ё Раббий! Сени қачон оч, чанқаган, мусофир, яланғоч, касал ёки зиндонда бўлганингни кўрибмизки, Сенга хизмат қилмаган бўлсак? – деб сўрайдилар. <sup>45</sup> У жавоб бериб уларга шундай дейди:

– Сизларга чинини айтайин: сизлар шу кичикларнинг бирига қилмаган мурувватингиз Менга қилмаган билан баробардир.

<sup>46</sup> Шундай қилиб, булар абадий азобга, солихлар эса абадий ҳаётга ноил бўладилар”.

### Исони ўлдириш режаси

**26** Исо ҳамма сўзларини айтиб бўлгач, шогирдларига деди: <sup>2</sup> “Икки кундан кейин Фисиҳ байрами бўлишини биласизлар. Ана, ўшанда Инсон Ўғли хочга михлаш учун тутиб берилади”.

<sup>3</sup> Шундан кейин олий руҳонийлар, уламолар ва оқсоқоллар жамиси Каяфа исмли бош олий руҳонийнинг ҳовлисида тўпланишиб, <sup>4</sup> Исони ҳийла билан тутиб ўлдиришни ўзаро маслаҳатлашиб олдилар. <sup>5</sup> Улар: “Бу иш фақат байрам кунларида бўлмаслиги керак, яна халқ ғалаён қилмасин”, – дедилар.

### Исога атир мой қуйган аёл

<sup>6</sup> Исо Байтанияда мохов Симуннинг уйида экан, <sup>7</sup> бир аёл Унинг олдида келди. У ганчдан ясалган идишда жуда қимматли атир мой келтириб, Исо дастурхон олдида ўтирган пайтда Унинг бошига қуйди. <sup>8</sup> Шогирдлари бунни кўргач, ғазабланиб:

– Бу исрофгарликнинг нима кераги бор? <sup>9</sup> Бу мойни катта баҳога сотиб, пулини камбағалларга бўлиб бериш мумкин эди-ку! – дейишди.

<sup>10</sup> Исо айтилганларнинг фарқига бориб, шогирдларига деди:

– Нега аёлни хижолатда қолдирыпсизлар? У Мен учун эзгу иш қилди. <sup>11</sup> Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга, лекин Мен доим сизлар билан бирга бўлмайман. <sup>12</sup> Аёл бу мойни танамга тўкиб, Мени кўмишга тайёрлади. <sup>13</sup> Сизларга чинини айтайин: Инжил Хушхабари дунёнинг қайси ерида тарғиб қилинса, бу аёл ҳам эсланиб, унинг қилган иши ёдга олинади.

<sup>14</sup> Шунда ўн икки шогирддан бири бўлган Яҳудо Ишқариёт деган киши олий руҳонийларнинг олдида бориб:

<sup>15</sup> – Исони қўлингизга тутиб берсам, менга нима берасизлар? – деб сўради. Улар Яҳудога ўттиз кумуш танга таклиф этдилар. <sup>16</sup> Ўша вақтдан бошлаб Яҳудо Исога хиёнат қилиш учун қулай пайт пойлайдиган бўлди.

### Қутлуғ зиёфат ва Исога хиёнат

<sup>17</sup> Хамиртурушсиз нон ёпиладиган Фисиҳ байрамининг биринчи кунда шогирдлар Исонинг олдида келиб сўрадилар:

– Сенга Фисиҳ байрами таомини қаерда тайёрлашимизни буюрасан?

<sup>18</sup> – Шаҳарга кириб фалон кишининг олдида боринглар, – деди Исо, – ва унга шундай деб айтинглар: “Устозимиз: Менинг вақт-соатим яқинлашди, деяпти, Фисиҳ байрамини шогирдларим билан бирга сенинг уйингда нишонламоқчиман, деяпти”.

<sup>19</sup> Шогирдлари Исо уларга буюрганидай қилиб, Фисиҳ таомини тайёрладилар.

<sup>20</sup> Оқшом тушгач, Исо ўн икки шогирди билан дастурхон атрофига ўтирди.

<sup>21</sup> Овқатланаётганларида, Исо:

– Сизларга ростини айтсам, сиздан бир киши Мени тутиб беради, – деди. <sup>22</sup> Шогирдлар жуда хафа бўлиб, бирин-кетин Ундан:

– Раббий, ўша мен эмасми? – деб сўрай бошладилар. <sup>23</sup> У эса жавоб қайтариб деди:

– Мен билан бирга косага нон ботириб еган Мени тутиб беради. <sup>24</sup> Тўғри, Инсон Ўғлининг тақдири оятда ёзилганидай кетяпти. Лекин Инсон Ўғлини тутиб берадиган ўша одамнинг ҳолига вой! У одамнинг туғилмагани яхшироқ бўлар эди.

<sup>25</sup> Шунда Исога хоинлик қиладиган Яҳудо сўради:

– Устоз, мени кўзда тутаётганинг йўқми?

– Ўзинг айтдинг, – деди Исо.

<sup>26</sup> Улар овқатланиб ўтирганларида, Исо нонни олди, дуо ўқиб синдирди ва шогирдларига тарқатиб:

– Олинглар, енглар, бу Менинг танамдир, – деди.

<sup>27</sup> Косани ҳам олиб, шукрона дуосини айтди ва уларга узатиб:

– Бундан ҳаммаларинг ичинглар, – деди. <sup>28</sup> – Чунки бу – кўпларнинг гуноҳлари кечирилиши учун тўкиладиган, Янги Аҳдни † тасдиқлайдиган Менинг

қонимдир. <sup>29</sup> Мен сизларга шуни айтаман: Отамнинг Шоҳлигида сизлар билан янги шароб ичадиган ўша кунгача, Мен узумнинг бу кўз ёшидан бошқа ичмайман.

<sup>30</sup> Кейин улар куйлаб, Зайтун тоғи томон кетдилар.

### Бутруснинг Исодан тониши ҳақида каромат

<sup>31</sup> Шу орада Исо шогирдларига деди:

– Бу тунда ҳаммангиз Мендан юз ўгирасизлар.

Чунки *Тавротда* шундай ёзилган:

“Мен чўпонни жароҳатлайман,  
Қўйлар ўзи тарқаб кетади”.

<sup>32</sup> Бироқ ўлиб тирилганимдан кейин, Мен сизлардан олдин Жалилага бораман.

<sup>33</sup> Бутрус жавоб бериб Унга деди:

– Агар ҳамма Сендан юз ўгирса ҳам, мен ҳеч қачон ўгирмайман! – деди. <sup>34</sup> Исо унга:

– Сенга ростини айтсам, шу кечаёқ, хўроз қичқирмасдан аввал, сен Мендан уч марта тонасан, – деди. <sup>35</sup> Бутрус Унга:

– Мен Сен билан бирга ўлсам ҳам, Сендан асло тонмайман! – деди. Бошқа ҳамма шогирдлари ҳам шундай дедилар.

### Исонинг боғдаги ибодати

<sup>36</sup> Шундан кейин Исо шогирдлари билан бирга Гетсемания деган жойга келди ва уларга:

– Мен нарироқ бориб ибодат қилгунимча, сизлар шу ерда ўтириб турунглари, – деди. <sup>37</sup> Бутрус билан Забадийнинг икки ўғлини Ўзига ҳамроҳ қилиб олган Исо руҳан сиқилиб, андуҳ чека бошлади. <sup>38</sup> У ёнидагиларга:

– Менинг жоним ўлим олдидалигини сезиб, жуда қийналмоқда. Шу ерда қолиб, Мен билан бирга сергак турунглари, – деди. <sup>39</sup> Бир оз нари кетиб, ерга мук тушди ва ибодат қилиб:

– Эй Отам! Агар мумкин бўлса, бу заққум коса Менинг ёнимдан ўтиб кетсин. Лекин Мен истагандек эмас, Сен истагандек бўлсин, – деди.

<sup>40</sup> У шогирдлари ёнига қайтиб келганда, уларни ухлаб ётган ҳолда кўрди ва Бутрусга деди:

– Демак, сизлар Мен билан бирга лоақал бир соатга уйғоқ тура олмадинглар. <sup>41</sup> Васвасага тушмаслик учун хушёр бўлиб, ибодат қила турунглари. Руҳ тетик, тана эса заифдир.

<sup>42</sup> Исо иккинчи марта бориб:

– Эй Отам! Агар бу қисмат Мени дамига олмай † ўтиб кетиши мумкин бўлмаса, майли, Сен хоҳлагандек бўлсин, – деб ибодат қилди.

<sup>43</sup> У қайтиб келиб, шогирдларини яна ухлаб ётган ҳолда кўрди. Уларнинг қовоқлари салқиган эди.

<sup>44</sup> Исо уларни қолдириб, яна узоқлашди ва ўша сўзларни такрорлаб, учинчи марта ибодат қилди.

† ЯНГИ АҲД: луғатга қаранг. † БУ ҚИСМАТ МЕНИ ДАМИГА ОЛМАЙ: аслида “бу косани ичмай”.

<sup>45</sup> Шундан сўнг Ўз шогирдлари ёнига келиб, уларга деди:

– Сизлар ҳали ҳам ухлаб, роҳатланиб ётибсизларми? Мана, вақт-соати келди, Инсон Ўғли гуноҳкорлар қўлига тутиб бериляпти. <sup>46</sup> Турунглари, кетайлик. Мана, Менга хоинлик қилувчи ҳам яқинлашиб қолди.

### Исонинг ҳибсга олиниши

<sup>47</sup> Исо гапини тугатмаёқ, ўн икки шогирдидан бири бўлган Яхудо келиб қолди. Унинг ёнида олий руҳонийлар ва халқ оқсоқоллари томонидан юборилган, қилич ва таёқ ушлаган оломон бор эди.

<sup>48</sup> Исога хоинлик қилувчи эса: “Мен кимни ўпсам, У Ўшадир, Уни тутиб олинглар”, деб улар билан тил бириктирган эди. <sup>49</sup> У тўғри Исонинг олдида бориб:

– Кайфинг чоғ бўлсин, Устоз! – деб, Уни ўпди.

<sup>50</sup> Исо унга:

– Дўстим, нима учун келдинг? – дейиши биланоқ, одамлар келиб, Исога қўллари билан ёпишганча Уни ушлаб олишди. <sup>51</sup> Шунда Исо билан бирга бўлганлардан бири қиличини қинидан суғуриб, қулоқашлаб олий руҳонийнинг қаролига даст солди-да, қулоғини узиб ташлади. <sup>52</sup> Лекин Исо унга:

– Қиличингни жойига қайтариб қўй! Қилич кўтарган бари қиличдан ҳалок бўлур. <sup>53</sup> Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илтижо қилолмайманми? У Менга ҳозироқ ўн икки тумандан †† кўпроқ фаришталарни юбориши мумкин. <sup>54</sup> Бироқ у ҳолда буларнинг содир бўлмоғи кераклиги айтилган оятлар бажо бўлармикин?

<sup>55</sup> Шундан сўнг Исо оломонга қайрилиб деди:

– Сизлар Мени ҳибсга олиш учун қароқчига қарши чиққандек қиличлару таёқлар билан қуролланиб келибсизлар. Мен бўлсам, ҳар куни маъбадда таълим бериб, сизлар билан бирга ўтирар эдим, сизлар-чи, Мени қўлга олмадинглар. <sup>56</sup> Лекин буларнинг ҳаммаси пайғамбар оятлари бажо келиши учун содир бўлди.

Ўшанда ҳамма шогирдлари Исони қолдириб, қочиб кетишди.

### Исо яҳудийларнинг Олий Кенгаши олдида

<sup>57</sup> Исони қўлга олганлар Уни бош олий руҳоний Каяфанинг ҳузурига келтирдилар. У ерга уламолар билан оқсоқоллар ҳам тўпландилар. <sup>58</sup> Бутрус эса Исога узоқдан эргашиб, олий руҳонийнинг ҳовлисигача келди. Ичкарига кириб, бу воқеанинг охирини кўриш учун хизматкорлар билан бирга ўтирди. <sup>59</sup> Олий руҳонийлар, оқсоқоллар ва бутун Олий Кенгаш Исога ўлим жазосини бериш учун Унга қарши сохта далиллар излашга тушдилар.

<sup>60</sup> Анчагина гувоҳлар олға чиққан бўлса-да,

†† ТУМАН: юнонча “легион”, яъни Рим армиясида 6000 аскардан иборат ҳарбий қисм.

етарлича айбловчи далиллар топилмади. Ниҳоят, икки сохта гувоҳ сўзга чиқиб:

<sup>61</sup> – Бу Одам: “Мен Худонинг маъбадини бузиб, уч кунда қайта тиклай оламан”, деган, – деб айтишди.

<sup>62</sup> Бош олий руҳоний ўрнидан туриб, Исога:

– Нега Сен ҳеч жавоб қайтармайсан? Уларнинг айбловларига нима дейсан? – деди. <sup>63</sup> Исо индамади. Олий руҳоний Унга:

– Барҳаёт Худо ҳақи Сенга қасам ичирайинки, бизларга айт: Худонинг ўғли – Масих Сенмисан? – деди. <sup>64</sup> Исо унга:

– Ўзинг айтдинг, – деди. – Ҳатто сизларга айтадурманки, бундан кейин Инсон ўғли Қодир Тангрининг ўнг томонида ўлтириб, осмон булутлари узра келаётганини кўрасизлар.

<sup>65</sup> Шунда олий руҳоний кийимларини йиртиб:

– У шаккоклик қилмоқда-ку! Бизларга бошқа гувоҳларнинг нима кераги бор? Мана энди У Худога шак келтирганини ўзларингиз эшитдингизлар.

<sup>66</sup> Сизлар нима дейсизлар? – деди. Улар жавоб бериб:

– Ўлимга лойиқ! – дейишди.

<sup>67</sup> Сўнг улар Исонинг юзига тупуриб, Уни муштлай бошладилар. Бошқалари эса Уни шапалоқлаб:

<sup>68</sup> – Эй Масих! Қани пайғамбарлигингни кўрсатиб, айтиб бер-чи, Сени кимлар уряпти экан? – дердилар.

### Бутруснинг Исодан тониши

<sup>69</sup> Бу вақт Бутрус ташқи ҳовлида ўтириб эди. Бир хизматкор аёл унинг ёнига келиб:

– Сен ҳам жалилалик Исо билан бирга эдинг-ку! – деди. <sup>70</sup> Лекин Бутрус ҳамманинг олдида инкор этиб:

– Сен бўлмағур гапни айтяпсан, – деди.

<sup>71</sup> Сўнг дарвоза томон чиқди. Бошқа бир хизматкор аёл ҳам уни кўриб, атрофдагиларга:

– Бу ҳам носиралик Исо билан бирга бўлган! – деди. <sup>72</sup> Бутрус эса қасам ичганча:

– Мен бу Одамни танайман! – деб яна тонди.

<sup>73</sup> Бир оздан кейин у ерда турганлар келиб, Бутрусга:

– Сен улардан бирининг худди ўзисан, каломинг ҳам айтиб турибди, – дейишди. <sup>74</sup> Лекин Бутрус лаънат ўқиб, қасам ичди-да:

– Мен бу Одамни танайман! – деб туриб олди. Шу вақт бирдан хўроз қичқирди. <sup>75</sup> Исонинг унга: “Хўроз қичқирмасданоқ, сен Мендан уч марта тонасан”, – деган сўзи Бутруснинг эсига тушиб, ташқарига чиқди-да, аччиқ-аччиқ йиғлади.

### Хоин Яхудонинг ҳалокати

**27** Тонг отгач, олий руҳонийлар билан халқ оқсоқоллари жамиси кенгашиб, Исони ўлим жазосига маҳкум қилишга келишдилар. <sup>2</sup> Исони боғладилар ва олиб бориб, вилоят ҳокими Пўнтий Пилатга топширдилар.

<sup>3</sup> Хоин Яхудо эса Исонинг маҳкум этилганини билиб, пушаймон бўлди ва ўттиз кумуш тангани олий руҳонийлар билан оқсоқолларга қайтариб бериб:

<sup>4</sup> – Мен хоинлик қилдим, беғуноҳ қон тўкилишида айбдорман, – деди. Улар эса:

– Бундан бизларга нима? Яна ўзинг биласан! – дейишди.

<sup>5</sup> Шунда Яхудо кумуш тангаларни маъбад ичига улоқтириб юборди-да, у ердан чиқиб бориб, ўзини осиб ўлдирди.

<sup>6</sup> Олий руҳонийлар тангаларни териб олиб: “Бу пул қон нархидир, уни маъбаднинг хазинасига қўшиш мумкин эмас”, – дейишди. <sup>7</sup> Ўзаро келишиб, бу пулга бегоналар кўмиладиган қабристон учун Кулол Ерини сотиб олдилар. <sup>8</sup> Шунинг учун у ер бугунгача “Қон Ери” деб аталади. <sup>9</sup> Шу йўсин Еремия пайғамбарга ваҳий бўлган ушбулар бажо бўлди:

“Исроил ўғиллари Унга баҳо бериб қўйган ўттиз кумуш тангани олиб,

<sup>10</sup> Худованд менга буюргани каби, Кулол Ерин сотиб олдилар”.

### Исо ҳоким Пилат олдида

<sup>11</sup> Исо ҳокимнинг ҳузурида турди. Ҳоким Ундан сўради:

– Сен яхудийларнинг Подшоҳимисан?

– Ўзинг айтдинг, – деди унга Исо.

<sup>12</sup> Олий руҳонийлар ва оқсоқоллар Уни айблаганларида, У ҳеч нарса деб жавоб бермади.

<sup>13</sup> Шунда Пилат Унга:

– Эшитмаяпсанми, Сенинг бўйнингга қанча айблар қўйишяпти! – деди. <sup>14</sup> Лекин Исо бу гапларга ҳам бирон жавоб қайтармади. Ҳоким эса жуда ҳайрон бўлди.

<sup>15</sup> Ҳар Фисиҳ байрамида ҳоким халқ истаган бир маҳбусни озод қилиш одати бор эди. <sup>16</sup> Ўша кез қамоқда ном чиқарган Барабба исмли банди бор эди. <sup>17</sup> Халқ тўплангач, Пилат уларга хитоб қилиб сўради:

– Сизлар кимни озод қилишимни истайсизлар? Бараббаними, ёки Масих аталмиш Исоними?

<sup>18</sup> Улар Исони кўролмасликдан тутиб берганларини у билар эди. <sup>19</sup> У ҳакамлик курсисидан ўтирганда, хотинидан хабар келди: “У солиҳ Одам билан сенинг ишинг бўлмасин. Чунки бу тунда мен тушимда У туфайли кўп азобда қолдим”.

<sup>20</sup> Аммо олий руҳонийлар ва оқсоқоллар бўлса, Бараббани озод этиш, Исони эса йўқ қилишни сўрашлари учун оломонни қайраб қўйдилар.

<sup>21</sup> Ҳоким яна уларга хитоб қилди:

– Сизлар икковидан қай бирини озод қилишимни истайсизлар?

– Бараббани! – деб жавоб беришди. <sup>22</sup> Пилат уларга деди:

– Унда мен Масих аталган Исони нима қилай?

– Хочга михлансин! – дейишди бир оғиздан.

23 – У нима ёмонлик қилган экан? – сўради ҳоким. Лекин улар овозларини яна баландроқ кўтариб:

– Хочга михлансин! – деб қичқиришди.

24 Пилат ҳеч нарса ёрдам бермаётганини, аксинча шов-шув янада кучайиб бораётганини кўргач:

– Мен бу солиҳ Одамнинг қони тўкилаётганидан бегуноҳман. Бу ишни ўзларингиз кўриб чиқинглар!

– деди-да, оломоннинг кўз олдида сув олиб,

кўлларини чайди. 25 Бутун халқ бунга жавобан:

– Унинг қони бизларнинг ва болаларимизнинг гарданидадир! – дейишди.

26 Шундан сўнг Пилат уларга Бараббани чиқариб юборди. Исони эса савалатгандан кейин хочга михлаш учун аскарларга топширди.

### Исони ҳақорат қилиш

27 Шундан сўнг ҳокимнинг аскарлари Исони ҳукумат қароргоҳига олиб бориб, бутун бўлинмани Унинг бошига тўпладилар. 28 Унинг кийимларини ечиб, эгнига тўқ қизил ятак кийдирдилар.

29 Тиканлардан тож ўриб, бошига кийгиздилар. Ўнг қўлига қамиш бериб, Унинг олдида тиз чўкканча:

“Яшавор, эй, яҳудийларнинг Подшоҳи!” – деб

масхара қилдилар. 30 Унга тупурганларича

қамишни олиб, бошига урдилар. 31 Масхаралаб

бўлишгандан сўнг эгнидан ятакни ечиб, Ўзининг

кийимларини кийдирдилар ва хочга михлаш учун олиб кетдилар.

### Исони хочга михлаш

32 Улар чиқиб кетаётганларида, киринялик Симун деган кишини учратиб қолдилар. Уни Исонинг хочини кўтариб боришга мажбур қилдилар. 33 “Бошсуяги” маъносини берувчи Гўлгота деган жойга келдилар. 34 Шунда Исога ичиш учун зардоб аралаштирилган шароб † бердилар. Исо уни татиб кўргач, ичгиси келмади.

35 Сўнг Уни хочга михлаб кўйдилар. Кийимлари учун қуръа ташлаб, ўзаро бўлишиб олдилар.

36 Кейин шу ернинг ўзида ўтирганча, Уни кўриқлаб турдилар. 37 Унинг боши узра бир тахтачага:

“Яҳудийларнинг Подшоҳи Исо – Будир” деган айбномани ёзиб кўйдилар.

38 Исо билан бирга икки қароқчини ҳам – бирини Унинг ўнг томонида, иккинчисини эса сўл томонида хочга михлаб кўйдилар. 39 Ўтиб кетаётганлар бошларини чайқаганча, Исони ҳақоратлашарди:

40 – Ҳей маъбадни бузиб уч кун ичида тиклайдиган! Ўзингни Ўзинг қутқар-чи! Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, қани хочдан тушиб кўр-чи!

41 Олий руҳонийлар, уламолар ва оқсоқоллар ҳам барчаси бунга кўшилишиб, Уни масхаралай кетдилар:

† ЗАРДОБ АРАЛАШТИРИЛГАН ШАРОБ: ёки “ўт аралаштирилган сирка” (оғриқни пасайтириш учун узум сиркасига бирон аччиқ дори кўшилди) айнан қаранг: Забур 68:21.

42 – Бошқаларни қутқарди, Ўзини эса қутқара олмайди! Агар У Исроилнинг Подшоҳи бўлса, энди хочдан тушиб кўрсин, шунда биз Унга ишонамиз.

43 У Худога ишонарди-ку. Агар У Худонинг азизи бўлса, ҳозир қутқариб олсин-чи! Чунки У: “Мен Худонинг Ўғлиман”, – деган.

44 Исо билан бирга хочга михланган қароқчилар ҳам Уни шундай сўкар эдилар.

### Исонинг жон бериши

45 Тушдан бошлаб соат учгача †† бутун ерни қоронгилик қоплади. 46 Соат учларда Исо баланд овоз билан:

– Эли, Эли, ламо шавақтани? яъни “Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб кўйдинг?” – деб фарёд қилди. 47 У ерда турганлардан баъзилари бунни эшитиб:

– У Илёсни чақиряпти-ку, – дейишди. 48 Улардан бири дарҳол югуриб, шимгични олиб келди-да, уни сиркага ботириб, қамишнинг учига илганча, Исога ичишга узатди. 49 Бошқалари эса:

– Тўхта кўрайлик-чи, Илёс келиб Уни қутқарармикан, – дейишди.

50 Исо эса яна бир бор қаттиқ оҳ уриб, жон берди.

51 Шу ондаёқ маъбаддаги парда ‡ юқоридан пастгача иккига бўлиниб, йиртилиб кетди. Ер ларзага келди, тошлар ёрилди. 52 Қабрлар очилиб, талай раҳматли азизу авлиёларнинг жасадлари тирилиб кетди. 53 Улар қабрларидан чиқиб, Исо қайта тирилгандан кейин табаррук шаҳарга †† кириб, кўпларга кўриндилар.

54 Исони кўриқлаб турган юзбоши билан ёнидаги аскарлар зилзилани ва содир бўлаётган барча ишларни кўриб, ваҳимага тушдилар-да:

– Ҳақиқатан ҳам бу Худонинг Ўғли экан! – дедилар.

55 Жалиладан бошлаб Исога эргашиб хизмат қилиб келган кўпгина аёллар ҳам узоқдан қараб турган эдилар. 56 Уларнинг орасида мағдалалик Марям, Ёқуб билан Юсуфнинг онаси Марям ҳамда Забадий ўғилларининг онаси бор эди.

### Исони кўмиш, қабрни кўриқлаш

57 Оқшом тушгач, Ариматея шаҳридан бўлган Юсуф исмли бир бой одам келди. Ўзи ҳам Исонинг шогирди эди. 58 У Пилатнинг олдида бориб, Исонинг жасадини сўради. Шунда Пилат жасадни унга беришни буюрди. 59 Юсуф жасадни олиб, уни тоза кафанга ўради 60 ва ўзининг қояда йўнилган янги қабрига кўйди. Кейин қабрнинг оғзига катта бир тошни юмалатиб келтириб кўйди-да, жўнади.

61 Мағдалалик Марям билан бошқа Марям эса шу ерда, қабрнинг рўпарасида ўтирган эдилар.

†† ТУШДАН БОШЛАБ СОАТ УЧГАЧА: аслида “6-соатдан 9-соатгача” (вақт жаadwalига қаранг). ‡ ПАРДА: луғатга қаранг. †† ТАБАРРУК ШАҲАР: Қуддус.

<sup>62</sup> Тайёргарлик кунининг † эртасига олий руҳонийлар ва фарзийлар Пилатнинг ҳузурига тўпланишиб:

<sup>63</sup> – Тақсир! – дейишди, – Ўша алдамчи ҳали тириклигида: “Уч кундан кейин қайта тириламан”, – дегани эсимизга тушди. <sup>64</sup> Шунинг учун уч кунгача қабрни қоровуллашни буюрсангиз, токи Унинг шогирдлари кечаси келиб Уни ўғирлаб кетишмасин ва халққа: “У қайта тирилди”, – деб айтишмасин. Йўқса, охирги алдов биринчисидан баттар бўлади.

<sup>65</sup> Пилат уларга:

– Мана, соқчилар бўлинмаси ўзларингизнинг ихтиёрингизда. Бориб, билганингиздек қабрни қоровулланглар, – деди.

<sup>66</sup> Улар эса соқчилар билан бориб, қабр тошига муҳр босиб, қабрни қоровуллай бошладилар.

### Исонинг тирилиши

**28** Дам олиш кунининг эртасига, якшанба кунни тонготарда мағдалалик Марям билан бошқа Марям қабрни кўргани боришди. <sup>2</sup> Шунда тўсатдан шиддатли зилзила бўлди. Худованднинг бир фариштаси осмондан тушди ва қабрга бориб тошни ағдариб юборди-да, унинг устига ўтирди. <sup>3</sup> Унинг кўриниши яшиндай, кийимлари эса қордай оппоқ эди. <sup>4</sup> Соқчилар бўлса, қўрқувдан титраб, жони чиққандай бўлишди.

<sup>5</sup> Фаришта сўзини аёлларга қаратиб:

– Сизлар қўрқманг! – деди. – Хочга михланган Исони излаётганларингизни биламан. <sup>6</sup> У бу ерда йўқ. Ўзи айтганидек, қайта тирилиб кетди. Келинлар, Раббингиз ётган жойини кўринглар. <sup>7</sup> Энди тезроқ бориб, Унинг шогирдларига: “Исо тирилди. У сиздан олдин Жалилага кетяпти, Уни ўша ерда кўрасизлар”, – деб айтинлар. Сизларга буни мен айтдим.

<sup>8</sup> Аёллар қабрдан шоша-пиша чиқиб, катта севинч ва қўрқув ила югура-югура Исонинг шогирдларига хабар бергани кетишди.

<sup>9</sup> Шогирдларга бу хабарни етказайлик, деб улар

† ТАЙЁРГАРЛИК КУНИ: яҳудийларнинг дам олиш кунини бўлган шанбага тайёрлик қилиш учун пайшанба кун ботишдан жума кун ботишгача давом этган муддат.

йўлда кетаётганларида, бирданига Исонинг Ўзи уларнинг қаршисидан чиқиб:

– Салом! – деди.

Улар эса рўбарў келиб, оёқларига ёпишганча Унга топина бошладилар. <sup>10</sup> Шунда Исо уларга:

– Қўрқманглар! Бориб биродарларимга Жалилага боришларини, Мени ўша ерда кўришларини хабар беринглар, – деди.

### Соқчиларнинг хабар бериши

<sup>11</sup> Аёллар ҳали йўлда боришар экан, соқчилар бўлинмасидан бир нечаси шаҳарга кириб, содир бўлган барча ҳодисотни олий руҳонийларга билдирдилар. <sup>12</sup> Улар оқсоқоллар билан тўпланиб кенгашгач, аскарларга анча пул бериб, <sup>13</sup> шундай дедилар:

– Сизлар: “Шогирдлари кечаси келиб, биз ухлаб ётганимизда Уни ўғирлаб кетишди”, деб айтинлар.

<sup>14</sup> Агарда бу бўлиб-ўтганлар ҳокимнинг қулоғига етиб борса, бизлар уни шунга ишонтирамиз ва сизларни кўнгилсизликдан халос этамиз.

<sup>15</sup> Соқчилар эса пулни олиб, топшириқни айтилгандек бажардилар. Шундай қилиб, бу ҳангама то бугунгача яҳудийлар орасида овоза бўлиб келади.

### Исонинг охирги буйруғи

<sup>16</sup> Ўн бир шогирд Жалилага, Исо уларга тайин этган тоққа боришди. <sup>17</sup> Улар Исони кўриб, Унга сажда қилдилар. Баъзилари эса шубҳага бордилар.

<sup>18</sup> Исо уларга яқинлашиб, шундай деди: “Менга осмонда ҳам, ерда ҳам бутун ҳокимият берилгандир. <sup>19</sup> Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдириб, имонга киритинглар. <sup>20</sup> Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Мана, Мен ҳар кунни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”.

Омин.

### ХУШХАБАР

# МАРК

## ХУШХАБАР

### Яхё пайғамбарнинг келиши

- 1** Инжил, яъни Худонинг Ўғли – Исо Масих ҳақидаги Хушхабар шу билан бошланади.
- 2** Ишаъё пайғамбарнинг китобида ёзилганки: “Мен Сендан аввал элчимни юборарман, У Сенинг олдингда йўл ҳозирлаб юрар.
- 3** Чўл-биёбонда нидо янграмоқда: Худованд йўлини тайёрлангиз, Равон айлангиз сўқмоқларин! – дея”.
- 4** Бу оят худди Яхё пайғамбарга тўғри келади. У чўлда пайдо бўлиб, халқни имонга чақира бошлади. “Гуноҳларингиз кечирилиши учун тавба-тазарру қилинглари ва сувга чўмиб имон келтиринглари”, – деб эълон қиларди. **5** Шунда бутун Яҳудия юрти бўйлаб яшовчилар ва барча қуддусликлар Яхёнинг олдига чиқар, гуноҳларига иқрор бўлар ва Яхёнинг буйруғи билан дарёга чўмиб имон келтирар эдилар.
- 6** Яхё туя жунидан кийим кийиб, белига теридан камар боғлаб, чигирткаю ёввойи асал билан овқатланарди. **7** У халққа шундай деб эълон қиларди: “Орқамдан мендан ҳам Қудратлиси келмоқда. Мен энгашиб Унинг чориқ ипларини ечишга ҳам арзимайман. **8** Мен сизларни сувгагина чўмдириб юрибман, У эса сизларни Муқаддас Руҳга чўмдиради”.

### Исонинг Худо томонидан тасдиқланиши

- 9** Ўша кунлари Исо Жалиланинг Носира шаҳридан келди, Яхё Уни Ўрдун дарёсига чўмдирди. **10** Исо сувдан чиқиши биланоқ осмон очилиб, Муқаддас Руҳ каптардай учиб Исонинг бошига қўнгани кўрилди. **11** Осмондан эса: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан, Сендан мамнунман”, – деган садо эшитилди.

### Исонинг васвасага солиниши

- 12** Муқаддас Руҳ Исони дарҳол чўлга ҳайдаб кетди. **13** Исо чўлда қирқ кун бўлиб, шайтон томонидан васвасага солинди. У ҳайвонлар билан бирга яшар, фаришталар эса Унга хизмат қилишарди.

† МУҚАДДАС РУҲГА ЧЎМДИРИШ: яна қаранг: Ҳаворийлар 1:5-8, 2-боб.

- 14** Яхё қамаб қўйилгандан сўнг, Исо Жалилага қайтди. У Худонинг Шоҳлиги <sup>††</sup> ҳақида Хушхабар тарқатди. **15** “Вақт-соати келди, Худонинг Шоҳлиги яқинлашиб қолди. Тавба қилинглари, Инжилга имон келтиринглари!” – деб эълон қилиб юрди.

### Исонинг дастлабки шогирдлари

- 16** Исо Жалила кўли бўйидан ўтаётиб, кўлга тўр ташлаб ўтирган Симун ва унинг укаси Идрисни кўриб қолди. Улар балиқчи эдилар. **17** Исо уларга: – Менинг кетимдан юринглари, Мен сизларни инсон овчилари қиламан, – деди. **18** Улар эса дарҳол тўрларини ташлаб, Исонинг ортидан юришди. **19** Исо у ердан бир оз нари юргач, Забадий ўғиллари Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони кўриб қолди. Улар қайиқда тўрларини ямаб ўтиришган эди. **20** Исо шу онда уларни ҳам чақирди. Улар эса оталари Забадийни ишчилар билан қайиқда қолдириб, Исонинг орқасидан юришди.

### Ибодатхонадан ёмон руҳни қувиб чиқариш

- 21** Улар Кафарнаҳум шаҳрига кириб келишди. Жума куни кеч киргач <sup>‡</sup>, Исо яҳудий ибодатхонасига бориб, таълим бера бошлади. **22** Халойиқ Исонинг таълимотига ҳайрон қолди. Чунки У одамларга уламолар каби эмас, балки қудратли куч эгасидай таъсирчан таълим берар эди. **23** Ўша ибодатхонада ёмон руҳга чалинган бир одам бор эди. У тўсатдан қичқириб юборди: **24** – Эй носиралик Исо! Бизда нима ишинг бор? Сен бизни ҳалок қилгани келдингми? Сенинг кимлигингни биламан, Сен Худонинг Азизисан! **25** Бироқ Исо ёмон руҳга дўқ уриб: – Жим бўл ва ундан чиқиб кет! – деди. **26** Ёмон руҳ у одамни ларзага солди-да, овози борича бақириб, унинг вужудидан чиқиб кетди. **27** Ҳаммани ваҳима босди. Ўзаро фикр юритиб: – Бу нима гап? Бу қанақа янги таълимот экан? У ёмон руҳларга ҳам қудрат билан буюради, руҳлар эса Унга бўйсунди! – дейишди. **28** Шундай қилиб, Исо ҳақидаги шов-шув тезда бутун Жалила юртига ёйилиб, ён-атрофга овоза бўлди.

†† ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ: луғатга қаранг. ‡ ЖУМА КУНИ КЕЧ КИРГАЧ: аслида “дам олиш куни бошлангач”; луғатга қаранг.

### Исонинг кўпларни соғайтириши

<sup>29</sup> Ибодатхонадан чиққан ҳамон Исо Ўзи билан Ёкуб ва Юҳаннони олиб, Симун ва Идриснинг уйига боришди. <sup>30</sup> Симуннинг қайнонаси иситмалаб ётган эди. У ҳақда Исога айтиб қолишди. <sup>31</sup> Исо аёлнинг ёнига бориб, қўлидан ушлаб кўтарди. Шу заҳоти иситма тушди ва аёл хизматга тутинди.

<sup>32</sup> Қуёш ботиб, кеч кирган пайтда, барча касаллар ва жинга чалинганларни Исонинг олдида олиб кела бошлашди. <sup>33</sup> Бутун шаҳар аҳолиси эшик олдида йиғилиб қолди. <sup>34</sup> Исо талай дарду иллатлардан қийналганларни соғайтирди. Кўп жинларни қувиб чиқарди, уларнинг сўзлашига эса имкон бермасди. Чунки жинлар Исонинг Масихлигини † билар эдилар.

### Исонинг воизлик ва шифокорлик сафари

<sup>35</sup> Эрталаб Исо жуда барвақт турди ва шаҳардан ташқарига, хилват жойга бориб, ибодат қилди.

<sup>36</sup> Симун ва унинг жўралари Исонинг орқасидан боришди. <sup>37</sup> Исони топиб:

– Ҳамма Сени изляпти-ку! – дейишди. <sup>38</sup> Исо уларга:

– Яқин атрофдаги қишлоқ ва шаҳарларга борайлик, Мен у ерларда ҳам воизлик қилайин, чунки Мен ана шу мақсад учун келганман, – деди.

<sup>39</sup> Шундай қилиб, Исо бутун Жалила юртини кезиб чиқиб, маҳаллий ибодатхоналарда воизлик қилар ва жинларни қувиб чиқарар эди.

### Исонинг моховни соғайтириши

<sup>40</sup> Бир мохов Исога яқинлашиб, Унинг олдида тиз чўкканча ялинди:

– Агар истасанг, мени моховликдан пок қила оласан.

<sup>41</sup> Исонинг унга раҳми келиб, қўлини узатди ва унга тегизиб:

– Истайман, пок бўл! – деб қўйди.

<sup>42</sup> Буни айтар-айтмас, у одамнинг моховлиги ариб, пок-покиза бўлиб кетди. <sup>43</sup> Исо эса унга жиддий танбеҳ бериб:

<sup>44</sup> – Менга қара! Ҳеч кимга ҳеч нарса айтма, лекин бориб руҳонийга кўрин ва соғайганингни тасдиқлат, бундан далолат бўлиши учун Мусо пайғамбар буюрган қурбонликларни келтириб бер, – деди-да, уни дарҳол жўнатиб юборди.

<sup>45</sup> У киши чиқиб, рўй берган ҳодиса ҳақида ҳамма ёққа эълон қила бошлади. Натижада Исо энди бирор шаҳарга очиқ киролмайдиган бўлиб қолди. У шаҳардан ташқарида, хилват жойлардагина бўларди. Шунга қарамай, халойиқ ҳар томондан Унинг олдида келар эди.

### Исонинг шолни соғайтириши

<sup>2</sup> Бир неча кундан кейин Исо яна Кафарнаҳум шаҳрига келди. Унинг уйда эканлиги маълум бўлгач, <sup>2</sup> тезда кўп халойиқ тўпландики, ҳатто эшик олдида ҳам жой қолмади. Исо эса халққа Худонинг сўзини айтарди. <sup>3</sup> Шу орада тўрт киши кўтариб келаётган бир шол одамни Унинг олдида олиб келишди. <sup>4</sup> Халқ кўплигидан Исога яқинлашиш имконини тополмай, улар Исо ўтирган уйнинг томини тешиб туйнук очишди ва шолни тўшаги билан туширишди.

<sup>5</sup> Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга:

– Болам, гуноҳларинг кечирилди, – деди.

<sup>6</sup> Бу ерда баъзи уламолар ўтирган эдилар. Улар ўзларича: <sup>7</sup> “Нега У бундай шаккоклик қиляпти? Гуноҳларни ёлғиз Худодан бошқа ким ҳам кечира олади?” – деб ўйлар эдилар. <sup>8</sup> Исо шу онда уларнинг мулоҳазаларини руҳан пайқаб, уларга деди:

– Нега сизлар дилларингизда бундай мулоҳаза қиляпсизлар? <sup>9</sup> Нима осонроқ? Шолга:

“Гуноҳларинг кечирилди”, деб айтишми, ёки:

“Ўрнингдан тур, тўшагингни олиб юр”, деб айтишми? <sup>10</sup> Лекин Инсон Ўғлининг †† ер юзида гуноҳларни кечириб қудрати борлигини ҳам билиб қўйинглр!

У шундай деди-да, шолга қараб:

<sup>11</sup> – Сенга айтаман, ўрнингдан тур, тўшагингни олу, уйингга кет! – деди.

<sup>12</sup> Шол шу ондаёқ ўрнингдан туриб кетди-ю, тўшагини кўтариб, ҳамманинг кўз олдида чиқиб кетди. Барча ҳайратга тушди.

– Биз ҳеч қачон бундай ҳолни кўрмаган эдик! – деб Худони олқишлар эдилар.

### Исонинг Левийни чақиритиши

<sup>13</sup> Исо яна қўл бўйига чиқди. Тумонат халойиқ Унинг олдида тўпланди. Исо уларга таълим берди.

<sup>14</sup> У ердан ўтаётиб, Исо солиқ йиғадиган жойда ўтирган Алфей ўғли Левийни кўриб қолди.

– Менинг орқамдан юр! – деди унга Исо. Левий эса ўрнингдан туриб, Исонинг орқасидан эргашди.

<sup>15</sup> Кейин Исо Левийнинг уйида меҳмон бўлиб ўтирди. Исо ва шогирдларидан бошқа кўп солиқчилар ва ҳар хил гуноҳкор одамлар ҳам еб-ичиб ўтирарди. Булар сингари Исога эргашувчи одамлар кўп эди. <sup>16</sup> Исо солиқчилар ва гуноҳкорлар билан бирга еб-ичиб ўтирганини уламолар ва фарзийлар † кўриб, Унинг шогирдларига:

– Бу қандай гап? У солиқчилару гуноҳкорлар билан бирга еб-ичиб ўтирибди-ку! – дейишди.

<sup>17</sup> Исо буни эшитиб, шундай жавоб берди:

– Соғлар эмас, беморлар табибга муҳтождир. Мен тақводорларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман.

† МАСИХ: Худо юборишга аҳд қилган улуғ Нажоткор.

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг. † УЛАМОЛАР...ФАРЗИЙЛАР: луғатга қаранг.



### Рўза тутиш ҳақида савол

<sup>18</sup> Яҳёнинг ҳам, фарзийларнинг ҳам шогирдлари рўза тутадиган эдилар. Улар Исонинг ёнига келиб: – Нега Яҳёнинг шогирдлари ва фарзийларнинг шогирдлари рўза тутадиган-ю, Сенинг шогирдларинг тутмайди? – деб сўрашди. <sup>19</sup> Исо уларга деди:

– Куёв даврада бўлган вақтда тўй аҳли рўза тутадиганлармикин? Йўқ, куёв улар билан бирга бўлгунча, рўза тутадиганлармикин. <sup>20</sup> Бироқ куёв улардан жудо бўладиган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар. <sup>21</sup> Ҳеч ким янги матодан ямоқ қилиб, эски кийимга солмайди. Акс ҳолда, янги ямоқ эски кийимдан сўкилиб кетади ва йиртиқ баттар ёмон бўлади. <sup>22</sup> Шунингдек, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Акс ҳолда, янги шароб мешни йиртади, шароб тўкилади ва меш ҳам нобуд бўлади. Илло, янги шаробни янги мешга қуймоқ даркор.

### Дам олиш кунига риоя қилиш ҳақида

<sup>23</sup> Бир шанба куни Исо ғалла даласидан ўтаётган эди. Унинг шогирдлари йўл-йўлакай бошоқларни уза бошлашди. <sup>24</sup> Буни кўрган фарзийлар Исога:

– Қара, нега улар дам олиш кунига тақиқланган ишни қилишяпти? – дейишди. <sup>25</sup> Исо уларга деди: – Наҳотки сизлар Довуд билан ҳамроҳлари оч қолиб муҳтож бўлганда нималар қилишганини ҳеч қачон ўқимаган бўлсангиз? <sup>26</sup> Довуд олий руҳоний Авиатар замонида Худонинг уйига кириб, фақат руҳонийларгина ейиши мумкин бўлган бахшида нонларни еб, ҳамроҳларига ҳам берган эди.

<sup>27</sup> Кейин Исо давом этди:

– Инсон дам олиш кунини учун эмас, балки дам олиш кунини инсон учун яратилган. <sup>28</sup> Бинобарин, Инсон Ўғли дам олиш кунининг ҳам ҳокимидир.

### Исо қўли шол одамни даволаши

**3** Исо яна ибодатхонага кирди. У ерда қўли шол бир одам бор эди. <sup>2</sup> У бу одамни дам олиш кунига ҳам соғайтирармикан, деб Исони зимдан кузатиб туришди.

<sup>3</sup> Исо қўли шол одамга:

– Ўртага чиқ! – деди. <sup>4</sup> Сўнг халойиқдан сўради:

– Дам олиш кунига яхшилик қилиш лозимми ёки ёмонлик? Жонни халос қилиш керакми, ёки ҳалок? Улар эса индамади.

<sup>5</sup> Исо одамларнинг бундай бағри тошлигидан қайғуриб, атрофга ғазаб билан қараганча, у одамга:

– Қўлингни узат! – деди.

У одам қўлини узатиши биланок, тузалиб кетди.

<sup>6</sup> Фарзийлар эса дарров ташқарига чиқиб, Исони ҳалок қилиш чорасини топмоқ учун Ҳиродчилар † билан тил бириктиришди.

† **ҲИРОДЧИЛАР:** подшоҳ Ҳироднинг сиёсий маслақдошлари.

### Кўл бўйидаги оломон

<sup>7</sup> Исо шогирдлари билан кўл томон жўнади. Жалила ва Яхудиядан чиққан катта бир оломон Унга эргашарди. <sup>8</sup> Қуддус ва Идумеядан, Ўрдун нарёғидаги юртлардан, шунингдек, Тир ва Сидўн соҳилларидан келган тумонат халойиқ Исонинг қилаётган ишларини эшитиб, Унинг олдида тирбанд бўлиб қолган эди. <sup>9</sup> Исо одам кўплигидан сиқилиб қолмай, деб шогирдларига қайиқ тайёрлаб қўйишни айтди. <sup>10</sup> Чунки кўплар шифо топаётган эди ва ҳамма дардлилар кўл тегизиш илинжида Исо томон ёпириллар эдилар. <sup>11</sup> Ёмон руҳлар эса Исони кўрган пайтда Унинг олдида йиқилиб: “Сен Худонинг Ўғлисан”, – деб бақариб юборишарди. <sup>12</sup> Аммо Исо Ўзини ошкор қилиб қўймасликлари учун руҳларни қаттиқ танбеҳлаб қўярди.

### Исо ўн икки шогирдини танлаши

<sup>13</sup> Шундан сўнг Исо тоққа чиқиб, шогирдларидан Ўзи истаганларини ёнига чақирди. Улар келгач, <sup>14</sup> Исо уларни воизлик қилишга, касалларни соғайтириш ва жинларни қувиб чиқаришга юбормоқчи бўлиб, куч-қудрат эгаси қилди. Исо доим Ўзи билан бирга бўлиш учун қуйидаги ўн икки шогирдини тайинлади: <sup>16</sup> унга Бутрус деб лақаб қўйган Симун, <sup>17</sup> Бани-рагаш, яъни “Момақалди роқ ўғиллари” деб лақаб қўйган Забадий ўғиллари Ёқуб ва Юҳанно, <sup>18</sup> яна Идрис, Филип, Бартолмей, Матто, Тўма, Алфей ўғли Ёқуб, Таддей, ватанпарвар Симун <sup>19</sup> ва Исога хиёнат қилган Яхудо Ишқариёт.

### Исо ва шайтон

<sup>20</sup> Шундан сўнг уйга келдилар. Яна шунчалик кўп халойиқ тўпланган эдики, ҳатто нон ейишга вақтлари бўлмади. <sup>21</sup> Исонинг яқинлари буни эшитиб,

– У ақлдан озиб қолибди, – деб олиб келишга бордилар. <sup>22</sup> Қуддусдан келган уламолар эса:

– Уни шайтон †† урган, У инс-жинсларнинг бошлиғи шайтон кучи билангина жинларни қувиб чиқаряпти, – дейишди.

<sup>23</sup> Шунда Исо уларни ёнига чақириб, масал билан сўзлай бошлади:

– Қандай қилиб шайтон шайтонни қувиб чиқара олади? <sup>24</sup> Агар бир подшоҳлик ўз ичидан бўлиниб кетса, у подшоҳлик туролмайди. <sup>25</sup> Бир хонадон ўз ичидан бўлиниб кетса, у хонадон туролмайди.

<sup>26</sup> Агарда шайтон ўз-ўзига қарши чиқиб бўлинган бўлса, у тура олмайди, балки унинг кунини битади.

<sup>27</sup> Ҳеч ким унинг эгаси бўлган кучли кишини аввал боғлаб қўймасдан туриб, унинг уйига кириб, мол-дунёсини ўғирлаб кетолмайди. Фақат шундай қилибгина уйни талаш мумкин.

†† **ШАЙТОН:** аслида “Баалзабул”; луғатга қаранг.

<sup>28</sup> Сизларга чинини айтайин: одам болаларининг қилган барча гуноҳлари ва айтган барча куфрликлари кечирилади. <sup>29</sup> Лекин ким Муқаддас Рухни † куфр этса, абадий кечирилмайди, у абадий жазога маҳкум бўлади.

<sup>30</sup> Исо бу сўзни, “Уни жин урибди”, – деганлари сабабли айтди.

### Исонинг онаси билан укалари

<sup>31</sup> Исонинг онаси билан укалари келиб қолишди. Ўзлари уйнинг ташқарисида кутиб туриб, Исони чақириб келиш учун одам юборишди. <sup>32</sup> Исонинг атрофида халойиқ тирбанд эди. Улар Унга:

– Мана, онанг, укаларинг ва сингилларинг ташқарида кутиб, Сени сўраяптилар, – дейишди.

<sup>33</sup> Исо уларга жавобан:

– Менинг онам ва укаларим ким? – деди. <sup>34</sup> Сўнгра атрофида ўтирганларга назар солиб деди:

– Мана, Менинг онам ва укаларим! <sup>35</sup> Кимда-ким Худонинг иродасини бажо келтирса, у Менинг укам, синглим, онам бўлади.

### Уруғ сепувчи ҳақида масал

**4** Исо яна кўл бўйида таълим беришни бошлади. Олдига бир талай одам йиғилиб қолгач, Исо кўлдаги қайиққа тушиб ўтирди. Бутун халойиқ эса кўл қирғоғида, қуруқликда қолди. <sup>2</sup> Исо масал орқали халққа кўп насиҳатлар қилди. Ўз таълимотида шундай деди:

<sup>3</sup> “Қулоқ солинлар! Уруғ сепувчи уруғ сепгани чиқибди. <sup>4</sup> Уруғ сепаетганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушибди. Қушлар учиб келиб, уруғларни чўқиб кетибди. <sup>5</sup> Баъзи донлар тупроғи кам тошлоққа тушибди. Тупроқ чуқур бўлмаганидан, уруғлар тез кўкариб чиқибди. <sup>6</sup> Бироқ қуёш чиққач, сўлиб, илдизи бўлмагани учун қуриб кетибди. <sup>7</sup> Бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди. Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди ва улар ҳосил бермабди. <sup>8</sup> Яна бошқа уруғлар эса яхши ерга тушибди ва униб-ўсиб, ўттиз, олтмиш ва ҳатто юз баробар кўп ҳосил берибди”.

<sup>9</sup> Кейин Исо уларга: “Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!” – деди.

### Масалларнинг ҳикмати

<sup>10</sup> Халқ кетиб, Исо ёлғиз қолгач, У билан юривчилар ва ўн икки шогирди бояги масал ҳақида алоҳида сўрадилар. <sup>11</sup> Исо уларга деди: “Худо Шоҳлигининг сири сизларга насиб этган. Ташқаридагиларга эса ҳамма нарса масаллар билан уқтирилади. <sup>12</sup> Шундай қилиб, уларга қаратилган бу оят бажо келмоқда :

“Улар қараб туриб, кўрмаслар,

Эшитиб туриб, англамаслар.

Акс ҳолда тавба-тазарру қилур

Ва гуноҳларидан фориг бўлур эдилар””.

### Уруғ сепувчи ҳақидаги масалнинг моҳияти

<sup>13</sup> “Бу масални тушунмаяпсизларми? – деди уларга Исо. – Ундай бўлса, барча масалларни ҳам қандай қилиб тушунасизлар? <sup>14</sup> Мана, уруғ сепувчининг сепгани – Худонинг каломидир. <sup>15</sup> Йўл ёқасига тушган уруғ шундай одамларни билдиради: уларнинг юрагига илоҳий калом сепилади. Бироқ улар эшитган ҳамон шайтон келиб, қалбларига сепилган каломни ўғирлаб кетади. <sup>16</sup> Тошлоққа тушган уруғ эса шундай одамларни билдиради: улар каломни эшитар-эшитмас, севинч билан қабул қилаверадилар. <sup>17</sup> Лекин улар илдизи йўқ беқарор одамлардир. Сўнгра калом туфайли қайғу ёки қувғинга дучор бўлишса, тезда васвасага тушиб қоладилар. <sup>18</sup> Яна бошқалар тиканзорга тушган уруққа ўхшайдилар. Улар Худонинг каломини эшитади-ю, <sup>19</sup> лекин бу дунёнинг ташвишлари, бойликка ўчлик ва бошқа ҳаваслар уларнинг юракларига суқилиб кириб, каломни бўғиб қўяди, калом эса самарасиз қолади. <sup>20</sup> Яхши тупроққа тушган уруғ бўлса, каломни эшитиб, қалбига жо қилган одамларни билдиради. Улар гоҳ ўттиз, гоҳ олтмиш, гоҳ юз баробар кўп самара берадилар”.

### Илоҳий нурни тан олиш ҳақида

<sup>21</sup> Исо уларга яна деди: “Шамни олиб келиб, идишнинг ёки чорпояннинг тагига қўядими? Аксинча, шамдонга қўймайдими? <sup>22</sup> Худди шу сингари, ошкора бўлмайдиган ҳеч қандай сир йўқ, сиртга чиқмайдиган ҳеч яширин нарса йўқ. <sup>23</sup> Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

<sup>24</sup> Кейин уларга яна деди: “Эшитаётганларингизни қулоғингизга қўйиб олинг! Сиз қандай ўлчов билан ўлчасангиз, худди шундай ўлчов билан сизга ҳам ўлчаб берилади. Сиз, тинглаётганларга эса қўшиб ҳам берилади. <sup>25</sup> Кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, бор бўлгани ҳам тортиб олинади”.

### Инжилнинг ёйилиши ва таъсири ҳақида

<sup>26</sup> Исо яна деди: “Худонинг Шоҳлиги ерга уруғ сепган одамга ўхшайди. <sup>27</sup> Кечаси бўлдими, ухлайди, кундузи бўлдими, туради. Уруғнинг қандай униб-ўсаётганидан у беҳабар. <sup>28</sup> Ер ўз-ўзидан аввал кўкатни, сўнгра бошоқни, ундан кейин бошоқдаги тўлиқ донни ундиради. <sup>29</sup> Ҳосил пишгач, йиғим-терим вақти келди, деб дарҳол ўроқ солади”.

<sup>30</sup> Исо яна деди: “Худо Шоҳлигини нимага ўхшатайлик? Уни қандай масал билан ифодаласак бўлади? <sup>31</sup> Мана, Худонинг Шоҳлиги бир хантал донига ўхшайди: у ерга сепилганда, ер юзидаги барча уруғлардан кичик бўлади. <sup>32</sup> Лекин сепилгандан кейин кўкаради ва барча кўкатлардан баланд бўлиб ўсади. У улкан шоҳлар чиқарадики,

† МУҚАДДАС РУҲ: Худонинг Рухи; яна қаранг: Матто 12:31.

осмондаги қушлар ҳам унинг паноҳида уя қурадилар”.

<sup>33</sup> Шундай қилиб, Исо халқнинг эшитиш имконига қараб, бу сингари кўпгина масаллар орқали Худо каломини ўргатар эди. <sup>34</sup> Масалсиз уларга гапирмас эди. Шогирдлари билан танҳо қолганда эса, уларга ҳаммасини очиқ тушунтирар эди.

### Исонинг бўронни тинчитиши

<sup>35</sup> Ўша куни кечқурун Исо шогирдларига:

– Нариги қирғоққа сузиб ўтайлик, – деди.

<sup>36</sup> Улар халойиқни жўнатиб, Исони ўтирган қайиғида олиб кетишди. Исонинг кетидан бошқа қайиқлар ҳам сузиб келди. <sup>37</sup> Шу орада кўлда кучли бўрон кўтарилди. Тўлқинлар қайиқни тебратиб юборди, қайиқ сувга тўла бошлади. <sup>38</sup> Исо эса қайиқнинг қуйруқ томонида ёстиққа бош қўйиб, ухлаб ётган эди.

Шогирдлар Исони уйғотиб:

– Устоз, биз ҳалок бўляпмиз! Парво қилмайсанми? – дейишди. <sup>39</sup> Шунда Исо туриб, шамолга дўқ урди ва кўлга:

– Жим бўл, бас қил! – деб қўйди. Шу онда шамол тинди ва чуқур сукунат бўлди.

<sup>40</sup> Исо шогирдларига:

– Нега бундай қўрқоқсизлар? Қандай қилиб ҳалигача ишончингиз йўқ? – деди. <sup>41</sup> Улар эса жуда қўрқиб, бир-бирига:

– Бу қанақа кишики, шамол ҳам, кўл ҳам Унга бўйсунса? – дейишди.

### Исо ёвуз руҳли одамни соғайтириши

**5** Кўлнинг нариги қирғоғидаги Гадара юртига етиб келишди. <sup>2</sup> Исо қайиқдан тушиши биланоқ, ёвуз руҳга чалинган бир одам қабрлар орасидан чиқиб, Уни қаршилади. <sup>3</sup> Турар жойи қабристон бўлган бу одамни ҳеч ким ҳатто занжир билан ҳам боғлай олмас эди. <sup>4</sup> Кўп мартаба уни кишану занжирлар билан боғлаган бўлсалар-да, аммо у занжирларни узиб, кишанларни ҳам синдириб ташлар эди. Уни тийиш учун ҳеч кимнинг кучи етмас эди. <sup>5</sup> Доимо, кечаю кундуз қабрларда, тоғларда бақириб юрар, ўзини тошларга уриб жароҳатлар эди.

<sup>6</sup> У Исони узоқдан кўриб, югуриб келди-да, Унга таъзим қилиб, <sup>7</sup> овози борича бақирди:

– Эй Исо, Худойи Таолонинг Ўғли! Мен билан нима ишинг бор? Худо ҳақи Сенга ёлвораман, мени қийнама!

<sup>8</sup> Чунки Исо унга: “Эй ёвуз руҳ, бу одамдан чиқиб кет!” – деб буюрган эди.

<sup>9</sup> Исо ундан сўради:

– Исминг нима?

– Исминг Тумонат †, чунки бизлар кўпчиликмиз, – жавоб берди у. <sup>10</sup> Ўзларини бу юртдан ташқарига

† ТУМОНАТ: юнонча “легион”, яъни қадимги Рим армиясидаги 6000 аскардан иборат ҳарбий қисм.

ҳайдаб чиқармаслигини Исодан кўп ёлвориб сўради.

<sup>11</sup> Ўша тоғнинг ён бағрида катта тўнғиз подаси ўтлаб юрган эди. <sup>12</sup> Ҳамма руҳлар Исога ёлвориб:

– Бизни шу тўнғизларга юборгин, уларга кирайлик, – дейишди.

<sup>13</sup> Исо уларга рухсат берди. Ёвуз руҳлар эса шу заҳоти у одамдан чиқиб, тўнғизларга кириб олишди. Икки мингга яқин тўнғиз подаси тик қияликдан кўлга ёпирилиб, фарқ бўлди.

<sup>14</sup> Шунда тўнғиз боқувчилар тўрт томонга тўзиб, шаҳар ва қишлоқларда бу бўлиб ўтган ҳодисани гапириб беришди. Аҳоли эса буни кўргани бориб, <sup>15</sup> Исонинг олдига йиғилишди. Илгари тумонат жин қамраган одамни кийинган ва ақли расо ҳолда ўтирганини кўриб, қўрқиб кетишди. <sup>16</sup> Воқеани кўрганлар эса ҳалиги одам жиндан қандай қутулгани ва тўнғизлар билан нима рўй бергани ҳақида халққа сўзлаб беришди. <sup>17</sup> Шунда ерли халқ Исодан ўз юртлари чегарасидан чиқиб кетишни илтимос қилди.

<sup>18</sup> Исо қайиққа тушди. Жиндан қутулган одам Исога эргашиш учун рухсат сўради. <sup>19</sup> Лекин Исо розилик бермади.

– Ўз уйингга бор, Раббинг сенга нималар қилганини, қандай раҳм-шафқат кўрсатганини ўз яқинларингга гапириб бер, – деди унга.

<sup>20</sup> Шунда у киши бориб, Ункент вилоятида Исо ўзига нималар қилганини тарғиб қила бошлади. Ҳамма ҳам ҳайратга тушди.

### Тирилган қиз, соғайган аёл

<sup>21</sup> Исо кўлнинг бериги бўйига сузиб ўтиб, қирғоқда турарди. Унинг олдига яна кўп халойиқ тўпланди. <sup>22</sup> Яҳудий жамоа бошларидан Яир исмли бир киши келиб қолди. У Исони кўриб, Унинг оёқларига ўзини ташлади-да:

<sup>23</sup> – Қизим ўлим тўшагида ётибди. Келиб унга қўлингни тегизгин, у соғайиб тирик қолсин, – деб ялиниб-ёлворди.

<sup>24</sup> Исо у билан кетди. Унинг орқасидан кўп халойиқ эргашиб, Уни сиқиб қўяр эди. <sup>25</sup> У ерда ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл ҳам бор эди. <sup>26</sup> У кўп табиблардан кўп қийналиб, бутун мол-мулкини сарф этгани билан ҳеч фойда кўрмаган, аксинча, аҳволи янада оғирлашиб кетган эди.

<sup>27</sup> Аёл Исо ҳақида эшитдию, халойиқ ўртасида орқа томондан Унга яқинлашиб, кийимига қўл тегизди. <sup>28</sup> У ўзича: “Агар кийимига бир тегиб олсам бас, соғайиб кетаман”, – деб ўйлаган эди. <sup>29</sup> У шундай қилиши биланоқ, қон кетиши тўхтади. Аёл касалликдан фориғ бўлганини ўз танасида ҳис этди.

<sup>30</sup> Исо эса шу онда Ўзидан бир куч чиққанлигини пайқади. У атрофидаги халойиққа кўз югуртириб:

– Менинг кийимимга ким тегди? – деди.

<sup>31</sup> Шогирдлари Унга:

– Халойиқ Сени сиқиб турганлигини кўряпсан-ку ва тагин кийимимга ким тегди, деб сўраяпсанми? – дейишди.

<sup>32</sup> Лекин Исо буни қилган аёлни кўриш учун атрофга қарар эди. <sup>33</sup> Аёл ўзига нима бўлганини билиб, кўрқиб ва қалтираб келди, Исонинг оёқларига ўзини ташлаб, бутун ҳақиқатни Унга сўзлаб берди. <sup>34</sup> Исо унга:

– Қизим, ишончинг сени кутқарди. Эсон-омон бориб, дардиндан фориг бўлгил, – деди.

<sup>35</sup> Исо шундай деб турган ҳам эдики, жамоабошининг уйдан одамлар келиб унга:

– Қизингиз ўлди, нега яна Устозни овора қилияпсиз? – дедилар. <sup>36</sup> Исо бу сўзларни эшитиб, жамоабошига:

– Кўрқма, фақат ишонгин, – деди.

<sup>37</sup> Исо ҳеч кимнинг эргашишига йўл қўймай, фақат Бутрус, Ёқуб ва унинг укаси Юҳаннони олиб кетди. <sup>38</sup> Жамоабошининг уйига етганларида, йиғи ва дод-фарёд тўла бир қий-чувга дуч келишди. <sup>39</sup> Исо ичкарига кириб:

– Нега қайғуряпсизлар, нега йиғляяпсизлар? Қизча ўлган эмас, у ухлаб ётибди, – деди. <sup>40</sup> Улар эса Унинг устидан кулишди.

Исо ҳаммани ташқарига чиқариб юборди, қизчанинг ота-онаси ва шогирдларини олиб қолди ва қизча ётган хонага кирди. <sup>41</sup> Қизчанинг қўлидан ушлаб унга:

– Талифа куми! – деди. Бу сўзнинг таржимаси: “Қизим, сенга айтаман: ўрнингдан тур!” демакдир.

<sup>42</sup> Ун икки яшар қизалоқ шу онда ўрнидан туриб, юра бошлади. Буни кўрганларнинг ақли шошди.

<sup>43</sup> Исо:

– Буни ҳеч ким билмасин, – деб уларга қатъий буюрди ва қизчага овқат беришларини айтди.

### Исонинг Ўз юртида рад қилиниши

**6** Исо у ердан жўнаб, Ўз юртига борди. Шогирдлари ҳам Унинг орқасидан эргашиб келишди.

<sup>2</sup> Шанба куни бўлгач, Исо ибодатхонада таълим бера бошлади. Уни тинглаётганларнинг кўпчилиги ҳайратга тушиб:

– Булар Унга қаердан насиб бўлган экан? Унга бундай доноликни ким берди? Қандай қилиб Унинг қўли орқали бунақа мўъжизалар содир бўляпти?

<sup>3</sup> Марямнинг ўғли, Ёқуб, Юсуф, Яҳудо ва Симуннинг акаси дурадгор Исо бу эмасми? Унинг сингиллари ҳам мана шу ерда, ўз орамизда турибди-ку! – дейишди. Ва ғашланиб, Исони рад қилишди. <sup>4</sup> Исо уларга:

– Пайғамбар ўз ватанидан, ўз қариндош-уруғлари ва уйдан бошқа ерда эътиборсиз қолмас, – деди.

<sup>5</sup> Исо у ерда ҳеч қандай мўъжиза яратолмади. Фақатгина бир мунча беморларга қўл тегизиб, уларни соғайтирди. <sup>6</sup> Уларнинг имонсизлигига ажабланди.

### Ўн икки шогирдни хизматга юбориш

Шундан сўнг Исо атрофдаги қишлоқларда кезиб таълим берарди. <sup>7</sup> Ун икки шогирдини ёнига чақириб, иккита-иккитадан қилиб жўнатмоқчи бўлди. Уларга ёвуз руҳлар устидан ҳокимлик қилиш учун кудрат берди. <sup>8</sup> Уларга буюриб: “Йўл учун ёлғиз хассадан бошқа ҳеч нарса – тўрва ҳам, нон ҳам, камарларингга мис чақа ҳам олманглар, <sup>9</sup> балки оддийгина чориқ кийиб, икки сидра кийим эса кийманглар”, – деди.

<sup>10</sup> Исо яна деди: “Агар бирон жойда бирон уйга кирсангизлар, у ердан чиқишингизгача ўша уйда қолинглар. <sup>11</sup> Агар бирон жой одамлари сизни қабул қилмаса ва сизга қулоқ солмасалар, у ердан чиқаётганингизда уларга огоҳлантириш тариқасида оёқларингиздан чангни қоқиб кетинглар. [Сизларга чинини айтайин, қиёмат кунида у шаҳардан кўра Садўм ва Ғамўра шаҳарларининг ҳоли енгилроқ бўлади.]”

<sup>12</sup> Шунда шогирдлар йўлга тушиб, халқни тавба қилишга ундаб юришди. <sup>13</sup> Кўп жинларни қувиб чиқаришди ва кўп касалларга ёғ суртиб уларни соғайтиришди.

### Яҳё пайғамбарнинг бошини олиш

<sup>14</sup> Исонинг номи эл оғзига тушиб қолган эди. Подшоҳ Ҳироднинг қулоғига ҳам миш-мишлар етганда, у:

– Яҳё пайғамбар тирилиб келибди. Шунинг учун бу Киши орқали бундай ажойиботлар содир бўлмоқда, – деди.

<sup>15</sup> Бошқалар эса Уни Илёс пайғамбар деб ҳисобласа, яна бошқалар Уни қадимги пайғамбарлар қаторида бир пайғамбар дердилар.

<sup>16</sup> Ҳирод буларни эшитиб:

– Бу мен бошини кесган Яҳёдан бошқаси эмас. У қайта тирилиб келган, – деб қаттиқ турди.

<sup>17</sup> Ҳирод ўз укаси Филипнинг хотини Ҳиродияга уйлангани сабабли Яҳёни қўлга олиб, зиндонга қаматиб қўйган эди. <sup>18</sup> Чунки Яҳё Ҳиродга: “Укангнинг хотинини олиш сен учун раво эмас”, – деб юрган эди. <sup>19</sup> Ҳиродиянинг ўзи Яҳёдан аччиқланиб, уни ўлдирмоқчи бўлган, аммо бу ниятига ета олмаётган эди. <sup>20</sup> Ҳирод эса Яҳёнинг солиҳ ва муқаддас киши эканини билиб, ундан кўрқар ва уни ҳимоя қилар эди. Унинг сўзларини мароқ билан тинглар ва кўп ишларни унинг маслаҳати билан қиларди <sup>†</sup>.

<sup>21</sup> Бир куни қулай фурсат туғилиб қолди. Ҳирод ўзининг туғилган куни муносабати билан ўз мансабдорлари, мингбошилари ва Жалила юртининг оғаларига зиёфат берди. <sup>22</sup> Ҳиродиянинг қизи кириб, рақс тушди ва Ҳирод билан улфатларининг кўнглини топди. Подшоҳ қизга:

<sup>†</sup> ёки бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Унинг сўзларини эшитиб, жуда ҳаяжонланарди”.

– Нима истасанг, тила, мен сенга бераман, – деди.  
<sup>23</sup> Унга ҳатто қасам ичиб:

– Мендан нима сўрасанг, бераман, подшоҳлигимнинг ярмигача бўлса ҳам, бераман, – деди.

<sup>24</sup> Қиз чиқиб онасидан сўради:

– Нимани сўрай?

– Яхё пайғамбарнинг бошини сўра! – деди онаси.

<sup>25</sup> Қиз шу онда подшоҳ ҳузурига югуриб бориб:

– Менга ҳозироқ лаганда Яхё пайғамбарнинг бошини олиб беришингизни сўрайман, – деди.

<sup>26</sup> Подшоҳ жуда хафа бўлди. Лекин қасам ичганлиги туфайли ва меҳмонлар хотири учун қизнинг илтимосини рад этишни истамасди. <sup>27</sup> У шу ондаёқ жаллодни юбориб, Яхёнинг бошини келтиришни буюрди. <sup>28</sup> Жаллод зиндонга бориб, Яхёнинг бошини танидан жудо қилди ва лаганга солиб, қизга олиб берди; қиз эса онасига топширди.

<sup>29</sup> Яхёнинг шогирдлари юз берган ҳодисани эшитиб, унинг жасадини олгани боришди ва уни дафн этишди.

### Исонинг 5000 кишини тўйдириши

<sup>30</sup> Ҳаворийлар † Исонинг ҳузурига тўпланиб, қандай ишлар қилишганини, халққа нималар ўргатишганини бирма-бир айтиб бердилар. <sup>31</sup> Исо уларга:

– Келинлар, бир ўзимиз бирон хилват жойга борайлик, бир оз дам олинлар, – деди. Чунки келиб-кетувчилар кўплигидан уларнинг овқат ейишга ҳам вақти йўқ эди.

<sup>32</sup> Исо билан шогирдлари алоҳида қайиққа тушиб, хилват жойга жўнаб кетишди. <sup>33</sup> Лекин халқ уларнинг кетаётганини кўрди, кўпчилик таниб қолди. Шунда ҳамма шаҳарлардан пиёда йўлга тушишди, Исо билан шогирдлари бораётган жойга югуриб бориб, улардан олдин етиб келишди. <sup>34</sup> Исо қайиқдан чиққанда, шунча халойиқни кўриб, уларга ачинди. Чунки улар чўпонсиз қўйларга ўхшарди. Исо уларга кўп нарсаларни ўргатарди.

<sup>35</sup> Анча вақт ўтгандан сўнг, шогирдлар Исонинг ёнига келиб:

– Бу ер ёвон экан, энди вақт кеч бўлиб қолди.

<sup>36</sup> Халқни кўйиб юбор, атрофдаги қишлоқ ва овулларга бориб ўзларига нон сотиб олишсин, ейдиган ҳеч нарсалари йўқ, – дейишди. <sup>37</sup> Исо уларга жавобан:

– Сизлар уларга овқат беринлар! – деди.

– Наҳотки биз икки юз кумуш тангага нон сотиб олиб келиб, халққа едирсак? – деб сўрашди Ундан.

<sup>38</sup> Исо деди:

– Қанча нонларингиз бор? Бориб кўринлар. Улар билиб келгач:

– Бешта нон, иккита балиқ бор экан, – дейишди.

<sup>39</sup> Исо халойиқни тўп-тўп қилиб яшил ўт устида ўтқазишни шогирдларига буюрди. <sup>40</sup> Халқ юзтадан

† ҲАВОРИЙЛАР: луғатга қаранг.

ва элликтадан тўда-тўда бўлиб ўтирди. <sup>41</sup> Исо бешта нон билан иккита балиқни олди ва осмонга қараб шукрона дуосини ўқиди. Нонларни синдириб, халойиққа тарқатиш учун шогирдларига берди. Иккита балиқни ҳам ҳаммага тақсимлаб берди. <sup>42</sup> Уларнинг ҳаммалари еб тўйди. <sup>43</sup> Сўнг ортиб қолган нон бурдалари ва балиқларни териб олишди, тўла ўн икки сават чиқди. <sup>44</sup> Нон еганлар беш мингга яқин эркак эди.

### Исонинг сув устида юриши

<sup>45</sup> Исо вақт ўтказмай, шогирдларини қайиққа тушириб, нариги томондаги Байтсайда шаҳрига сузиб ўтишга мажбур қилди. Унгача Ўзи одамларга рухсат берадиган бўлди. <sup>46</sup> Халқни жўнатиб юборганидан кейин, Исо ибодат қилиш учун тоққа чиқди.

<sup>47</sup> Кеч киргач, қайиқ кўлнинг ўртасида эди, Исо эса ёлғиз Ўзи қуруқликда эди. <sup>48</sup> Шамол шогирдларга қарши эсар эди. Исо улар қайиқни ҳайдашга қийналаётганини кўрди.

Субҳидам чоғи †† Исо кўл устида юрганча шогирдлари томон келди-да, ёнларидан ўтгудай бўлди. <sup>49</sup> Шогирдлар эса кўл юзида юрган Исо кўриб, аллақандай шарпа деб ўйлаб, қичқириб юборишди. <sup>50</sup> Ҳаммаси ҳам Уни кўриб, юраклари орқасига тортиб кетди. Аммо Исо ўша заҳоти гапга кириб:

– Дадил бўлинглар! Бу Мен, кўрқманглар! – деди.

<sup>51</sup> Исо шогирдлари ёнига, қайиққа тушиши билан шамол тинди. Шогирдлар ҳаддан ташқари таажжубланиб, лол бўлиб қолишди. <sup>52</sup> Улар нон билан бўлган мўъжизадан ҳам ибрат олмаган эдилар, ақллари етмас эди ‡.

<sup>53</sup> Кўлдан сузиб ўтиб, Генисарет қирғоғига келиб тўхтадилар. <sup>54</sup> Қайиқдан чиқишлари биланоқ халқ Исо таниб қолди. <sup>55</sup> Тезда бутун ўша юртга хабар елиб борди. Исонинг қаердалигини эшитганлар эса ўз касалларини тўшақда кўтариб бориб, Исо кидириб топгунча юртни айланадиган бўлишди.

<sup>56</sup> Исо қаерга бормасин – қишлоқларгами, шаҳарларгами, овулларгами – одамлар касалларни очиқ майдонларга қўяр, ақалли кийимининг бир чеккасига тегиш учун Ундан илтимос қилишарди. Унга кўл тегизганлар эса шифо топарди.

### Диний урф-одатлар ва Худонинг амри

**7** Фарзийлар †† ва Қуддусдан келган айрим уламолар Исонинг ёнига тўпландилар. <sup>2</sup> Улар Исо шогирдларининг баъзилари ҳаром, яъни ювилмаган қўллари билан нон еяётганларини кўриб, таъна қилдилар. <sup>3</sup> Сабабки, фарзийлар ва умуман яҳудийлар ота-боболарининг урф-одатини сақлаб, қўлларини яхшилаб ювмай ҳеч овқат

†† СУБҲИДАМ ЧОҒИ: аслида “туннинг тўртинчи қоровуллиги чамасида”; вақт жадвалига қаранг. ‡ АҚЛЛАРИ ЕТМАС ЭДИ: аслида “диллари қотган эди”. †† ФАРЗИЙЛАР: яҳудийларнинг мазҳаби; луғатга қаранг.

емайдилар. <sup>4</sup> Бозордан қайтганларида ҳам ювинмай овқат емайдилар. Шунингдек, коса, товоқ, қозон, курси ювиш билан боғлиқ кўпгина удумларга риоя қиладилар.

<sup>5</sup> Шундай қилиб, фарзийлар ва уламолар Исодан: – Сенинг шогирдларинг нега ота-боболар урф-одатини сақламайдилар? Нима учун ювилмаган кўллари билан нон ейишади? – деб сўрадилар.

<sup>6</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Ишаъё пайғамбарнинг каромати сиз иккиюзламачиларга жуда тўғри келади, мана унинг китобида Худо нима деган:

“Бу халқ Мени ҳурматлар тилида, Лекин дили эса Мендан узоқдур.

<sup>7</sup> Улар Менга беҳудага ўқир санолар, Инсонлар амру таълимин фарз деб”.

<sup>8</sup> [Сизлар-ку қозон-товоқ чайиш билан боғлиқ ва бошқа яна кўп удумларга риоя қилиб,] Худонинг амрини ташлайсиз-у, инсонлар урф-одатини эса пеш қиласизлар.

<sup>9</sup> Яна уларга деди:

– Сиз ўз урф-одатларингизни деб Худонинг амрларини бир четга йиғиштириб кўйишни боғлайсиз-да! <sup>10</sup> Мусо пайғамбар айтган эди: “Ота-онангни ҳурмат қил”, ва “Ота-онасини ҳақорат қилган мутлақо ўлдирилсин”. <sup>11</sup> Аммо сизлар: Агар ким ота ёки онасига: Менинг сенга ёрдамим қурбон, яъни Худога бағишланган, – деса, <sup>12</sup> у ота ёки онасига бирон яхшилик қилмаса ҳам бўлади, дейсизлар. <sup>13</sup> Шу билан сиз ўзларингиз ўрнатган урф-одатларингизни деб Худонинг каломини бекор қиласизлар. Ва шунга ўхшаш яна кўп ишларни қиласизлар.

### Инсонни нима ҳаром қилади?

<sup>14</sup> Кейин Исо бутун халқни ёнига чақириб, деди:

– Ҳаммаларингиз Менга қулоқ солиб, мияга жойланг! <sup>15</sup> Сиртдан инсон ичига кирадиган ҳеч нарса инсонни ҳаром қила олмайди. Аксинча, инсон ичидан чиқадиган нарса инсонни ҳаром қилади. <sup>16</sup> [Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!]

<sup>17</sup> Исо халойиқ орасидан чиқиб уйга кирди, шогирдлари Ундан бояги масал ҳақида сўрадилар.

<sup>18</sup> У уларга деди:

– Сизлар ҳам шунчалик бефаҳммисизлар? Сиртдан инсоннинг ичига кирадиган ҳеч нарса уни ҳаром қила олмаслигини англамайсизларми? <sup>19</sup> Бу нарсалар инсоннинг қалбига эмас, қорнига киради ва керак жойдан чиқиб кетади.

Шу билан Исо ҳар қандай озик-овқатларни ҳалоллади.

<sup>20</sup> У яна деди:

– Инсоннинг ичидан чиқадиган нарсалар инсонни ҳаром қилади. <sup>21</sup> Чунки ичдан, яъни инсон қалбидан ёмон фикрлар, фаҳшу зино, қотиллик, <sup>22</sup> ўғрилик, тамагирлик, бадниятлик, маккорлик, нафсга берилганлик, ғайирлик, куфр, манманлик ва нодонлик чиқади. <sup>23</sup> Ана шу ёмонликларнинг

ҳаммаси инсоннинг ичидан чиқиб, уни ҳаром қилади.

### Ғайрияхудий аёлнинг ишончи

<sup>24</sup> Исо у ердан чиқиб, Тир ва Сидўн тарафларига келди. Бир уйга кирди ва буни ҳеч ким билиб қолишини истамас эди, лекин яширина олмади.

<sup>25</sup> Қизалоғини ёвуз руҳ чалган бир аёл Исо ҳақида эшитиб қолди-да, тез келиб Унинг оёғига йиқилди.

<sup>26</sup> Бу аёл Суриянинг Финикия музофотида туғилган бўлиб, яҳудий эмас эди †. Қизидан жинни қувиб чиқаришни Исодан илтимос қилди. <sup>27</sup> Бироқ Исо унга:

– Аввал болалар тўйсин, болалардан нонни олиб итларга ташлаш яхши эмас, – деди. <sup>28</sup> Аёл:

– Худди шундай, Ҳазрат, лекин итлар ҳам болалар дастурхонидан тўкилган ушоқларни териб ейди-ку, – деб жавоб берди. <sup>29</sup> Исо унга:

– Бор, мана шу гапинг учун қизингдан жин чиқиб кетди, – деди.

<sup>30</sup> Аёл бориб уйига келганда, қизини жиндан қутулиб, тўшақда ётган ҳолда кўрди.

### Исонинг кар-соқовни тузатиши

<sup>31</sup> Исо Тир ва Сидўн чегарасидан жўнаб, Ўнкент вилоятидан ўтиб, яна Жалила кўли бўйига келди.

<sup>32</sup> Исонинг олдида бир кар-соқовни келтириб, унга кўл тегизишини сўрашди. <sup>33</sup> Исо у одамни халойиқ орасидан олиб чиқиб бир четга тортди-да, бармоқларини унинг қулоқларига тиқиб кўйди ва тупуриб тилига тегизди. <sup>34</sup> Кейин осмонга қараб, чуқур хўрсинди-да, унга:

– Эффатаҳ! – деди. Бу сўзнинг таржимаси “Очил!” демақдир.

<sup>35</sup> Шу онда у одамнинг қулоқлари очилиб, тилга кирди, равонгина гапира бошлади.

<sup>36</sup> Исо у ердагиларга, буни ҳеч кимга айтманглар, деб буюрди. Бироқ У одамларга қанча ман этса ҳам, улар янада кўпроқ ошкор этишарди. <sup>37</sup> Улар ҳаддан ташқари тонг қолиб: “У ҳамма нарсани яхши қилади, карларни эшитадиган, соқовларни гапирадиган қилади”, – дейишарди.

### Исонинг 4000 кишини тўйдириши

**8** Ўша кунларда яна кўпдан-кўп одам йиғилган эди. Ейиш учун ҳеч нарсалари қолмаганда, Исо шогирдларини ёнига чақириб деди:

<sup>2</sup> – Халққа ачинапман. Уч кундан бери Менинг олдимда туришибди ва ейдиган ҳеч нарсалари йўқ.

<sup>3</sup> Агар уларни уйларида овқат бермай жўнатиб юборсам, йўлда ҳолдан тоядилар, чунки баъзилари олис ерлардан келишган.

<sup>4</sup> Шогирдлари бунга жавобан:

– Уларни тўйдириш учун бу саҳрода ким қаердан нон топа оларди? – дейишди.

† ЯХУДИЙ ЭМАС ЭДИ: аслида “юнон эди” (Ғайрияхудийлар умуман юнон дейиларди).

5 – Қанча нонларингиз бор? – сўради Исо.

– Еттита, – деди шогирдлар.

6 Шундан кейин Исо халққа ерга ўтиришни буюрди. Еттита нонни олиб, шукрона дуосини ўқиб синдирди ва тарқатиш учун шогирдларига берди. Шогирдлар халққа тарқатишди. 7 Уларда бир оз балиқ ҳам бор эди. Исо дуо ўқиб, буларни ҳам тарқатишни буюрди. 8 Халқ еб тўйди. Ортиб қолган бурдаларни теришганда, етти сават чиқди. 9 У ерда тўрт мингга яқин одам бор эди.

Исо халойиққа жавоб берди 10 ва тезда шогирдлари билан қайиққа тушиб, Далманута юртига сузиб ўтди.

### Исодан далил сўраш

11 Фарзийлар Исонинг олдига бориб, У билан баҳслаша бошладилар. Уни синаб кўриш мақсадида кўкдан далил кўрсатишини сўрадилар.

12 Лекин Исо чуқур хўрсинди:

– Нега бу авлод далилни талаб қиляпти? Сизларга айтиб қўяй, бу авлодга ҳеч қандай далил кўрсатилмайди!

13 Шундай деди-ю, уларни қолдириб, яна қайиққа тушди ва нариги қирғоққа сузиб ўтди.

### Онгсиз шогирдларни койиш

14 Шогирдлар ўзлари билан нон олишни унутибдилар. Қайиқда биттагина нондан бошқа нарса йўқ эди. 15 Шу орада Исо шогирдларини огоҳлантириб:

– Менга қаранглар, фарзийларнинг ва Ҳироднинг хамиртурушидан эҳтиёт бўлинглар! – деди.

16 Улар ўзларича: “Буни нон олмаганимиз учун айтди, чоғи”, – деб фикр юритишди. 17 Исо буни билиб қолиб, уларга деди:

– Нега сизлар, нонимиз йўқ, деб қайғуряпсизлар? Ҳали ҳам тушунмаяпсизларми, англамаяпсизларми? Ҳали ҳам юрагингиз сўқирми?

18 Наҳотки кўзларингиз бўлиб, кўрмайсизлар, қулоқларингиз бўлиб, эшитмайсизлар? Эсингизда йўқми? 19 Мен бешта нонни синдириб, беш минг кишига бўлиб берганимда, сизлар нон бурдаларидан неча сават териб олдинглар?

– Ун икки сават, – деди улар.

20 – Мен еттита нонни синдириб, тўрт минг кишига бўлиб берганимда, бурдаларидан неча сават териб олдинглар?

– Етти сават, – дейишди.

21 – Ҳали ҳам англамадингларми? – деди уларга Исо.

### Исонинг кўрни соғайтириши

22 Исо Байтсайда қишлоғига келди. Унинг олдига бир кўрни олиб келиб, унга қўл тегизишини сўрашди. 23 Исо кўрнинг қўлидан ушлаб, қишлоқ ташқарисига олиб чиқди. Кўзларига тупуриб, қўлларини унинг бошига қўйди-да:

– Бирон нарса кўряпсанми? – деб сўради. 24 Кўр бошини кўтариб:

– Одамларни кўряпман, лекин улар менга юраётган дарахтлардай туюлмоқдалар, – деди.

25 Шундан кейин Исо қўлларини яна кўрнинг кўзларига тегизиб, унга бир қарашни буюрди. У кўзларини очиб қараса, соғайиб қолган, ҳамма нарсани аниқ кўраётган эди. 26 Исо уни уйига жўнатаркан:

– Қишлоққа кирма, [қишлоқда ҳеч кимга буни айтма,] – деди.

### Бутруснинг Масихни тан олиши

27 Исо ўз шогирдлари билан Филип Кесариясига мансуб қишлоқларга кетди. Йўлда У шогирдларидан:

– Одамлар Мени ким деб ҳисоблайдилар? – деб сўради. 28 Шогирдлар деди:

– Баъзилари Яҳё пайғамбар деб, бошқалари Илёс пайғамбар деб, яна бирлари эса *ўтган* пайғамбарлардан бири деб ҳисоблайдилар.

29 Исо улардан сўради:

– Сизлар-чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар?

Бутрус Унга жавоб бериб:

– Сен Масихсан †, – деди.

30 Бундан сўнг Исо, Мен ҳақимда ҳеч кимга гапирманглар, деб шогирдларига қатъий буюрди.

### Исо Ўз ўлими ҳақида

31 Инсон Ўғли †† кўп азоб чекиши, оқсоқоллар, олий руҳонийлар ва уламолар томонидан рад қилиниб, ўлдирилиши, учинчи куни эса қайта тирилиши керак, деб Исо шогирдларига уқтира бошлади. 32 Бу ҳақда очиқдан-очиқ гапирар эди. Шунда Бутрус Исони четга тортиб, фикрдан айнитишга ҳаракат қилди. 33 Лекин Исо ўгирилиб шогирдларини кўрди-да, Бутрусга таъна қилди: – Йўқол кўзимдан, шайтон! Сен Худонинг ишларини эмас, инсон ишларини ўйлаяпсан, – деди.

34 Шундан сўнг Исо халқ билан шогирдларини олдига чақириб деди:

– Кимда-ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб ‡, орқамдан юрсин.

35 Ким жонини аямоқчи бўлса, жонини йўқотади. Ким Мен ва Инжил учун жонини берса, жонини қутқаради. 36 Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, ўз жонига зарар келтирса, бундан унга нима фойда? 37 Инсон ўз жони эвазига қандай тўлов топиб бераркан? 38 Кимки бу вафосизу гуноҳкор насл орасида Мендан ва Менинг сўзларимдан уялар экан, Инсон Ўғли ҳам муқаддас фаришталар билан бирга Отасининг улуғворлигида келганда, ундан уялади.

† МАСИХ: луғатга қаранг. †† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг. ‡ ЎЗ ХОЧИНИ КЎТАРИШ: Луқо 9:23 даги изоҳга қаранг.

### Исо қиёфасининг ўзгариши

9 Исо уларга яна деди:  
– Сизларга чинини айттайин, бу ерда турганлардан баъзилари борки, улар Худо Шоҳлиги қудрат билан келишини кўрмагунча, ўлим кўрмайдилар.

<sup>2</sup> Орадан олти кун ўтгач, Исо Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннони алоҳида баланд бир тоққа олиб чиқди. У ерда, уларнинг кўзи олдида Исонинг қиёфаси ўзгариб кетди. <sup>3</sup> Унинг кийимлари ярқираб, қордай оппоқ тусга кирдики, ер юзида ҳеч бир кир ювувчи бундай оқартира олмас эди.

<sup>4</sup> Тўсатдан шогирдларга Илёс билан Мусо пайғамбарлар кўринди. Улар Исо билан суҳбатлашаётган эдилар. <sup>5</sup> Шунда Бутрус Исога:

– Устоз! Бизлар учун бу ерда бўлиш жуда ёқпти. Учта чайла ясайлик, бириси Сенга, бириси Мусога, бириси Илёсга, – деди. <sup>6</sup> Лекин у нима дейишини билмас эди, уларни жуда ваҳима босган эди.

<sup>7</sup> Шу пайтда бир булут пайдо бўлиб, уларга соя солди. Булут ичидан:

– Бу Менинг севиқли Ўғлимдир, Унга қулоқ солинглар! – деган садо келди.

<sup>8</sup> Бирданига шогирдлар атрофларига қараб, ёлғиз Исодан бошқа ҳеч кимни ёнларида кўришмади.

<sup>9</sup> Тоғдан тушаётганларида Исо уларга:

– Инсон Ўғли ўлиб тирилмагунча, бу кўрганларингни ҳеч кимга айтманглар, – деб буюрди. <sup>10</sup> Улар эса бу сўзни дилига тугиб олиб, ўлиб тирилиш ўзи нима экан, деб ўзаро фикрлашар эдилар. <sup>11</sup> Исодан сўрадилар:

– Нега уламолар, қиёматдан олдин Илёс пайғамбар келиши керак, деб айтадилар?

<sup>12</sup> Исо уларга жавобан деди:

– Тўғри, аввало Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди. Хўш, қандай қилиб Инсон Ўғли кўп азоб чекиши ва хўрланиши керак, деган оятлар ҳам бор? <sup>13</sup> Бироқ Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келди ва, у ҳақида ёзилганидек, у билан ўз билганларича қилдилар †.

### Жин урган болани соғайтириш

<sup>14</sup> Исо қолган шогирдлари ёнига қайтиб келгач, уларнинг атрофида кўп халойиқни ва улар билан баҳслашаётган уламоларни кўрди. <sup>15</sup> Халойиқ Исони кўриши биланоқ ҳаммаси ажабланиб кетишди. Унинг олдида югуриб бориб, салом беришди.

<sup>16</sup> Исо уламолардан:

– Улар билан нималар тўғрисида баҳслашяпсизлар? – деб сўради. <sup>17</sup> Халойиқ орасидан кимдир жавоб берди:

– Устоз! Мен Сенинг олдинга ўғлимни олиб келдим, мана уни тилсиз руҳ урган. <sup>18</sup> Ёвуз руҳ уни

† Бу ерда Масихнинг келишига ҳозирлик кўрган Яҳё пайғамбарнинг рамзи бор; яна қаранг: 1:1-8, 6:14-29, Матто 17:11-13, Римликлар 11:2-3.

қаерда тутиб олса, ерга йиқитиб судрайди. Унинг оғзидан кўпик чиқади, тишларини ғичирлатиб қотиб қолади. Сенинг шогирдларингга, руҳни қувиб чиқаринглар, дедим, лекин улар эплашолмади.

<sup>19</sup> Исо бунга жавобан:

– Эй имонсиз авлод! Қачонгача сизлар билан бўламан? Қачонгача сизларга чидайман? Олдимга келтиринглар болани! – деди.

<sup>20</sup> Болани Исонинг олдида келтиришди. Ёвуз руҳ Исони кўриши биланоқ, болани қалтиратиб ташлади. Бола ерга йиқилди-ю, оғзидан кўпик оқизганча ағнаб ётаверди. <sup>21</sup> Исо унинг отасига қараб:

– У бу аҳволга тушганига неча вақт бўлди? – деб сўради.

– Болалигидан шунақа. <sup>22</sup> Руҳ уни ҳалок қилмоқчи бўлиб кўп мартаба оловга, сувга ташлади. Агар қўлингдан келса, бизларга раҳм қил, ёрдам бергин, – деди. <sup>23</sup> Исо унга:

– Қўлимдан келсами? Тўғриси, сен бир оз бўлса ҳам ишона олсанг эди! Эътиқодли киши ҳамма имконга эга бўлади, – деди. <sup>24</sup> Шу он боланинг отаси кўз ёши билан ҳайқириб:

– Эътиқод қиламан, Раббий! Эътиқодсизлигимдан кутқаргин! – деди.

<sup>25</sup> Халқ югуришиб йиғилаётганини кўрган Исо ёвуз руҳга дўқ қилиб:

– Эй соқов ва кар руҳ, Мен сенга буюраман: боладан чиқ ва қайтиб унга кирма! – деди.

<sup>26</sup> Шунда руҳ қаттиқ қичқириб юборди-да, болани шиддат билан қалтиратиб ундан чиқиб кетди. Бола ўликдай бўлиб қолганидан, кўплар уни ўлди, деб айтишди. <sup>27</sup> Лекин Исо уни қўлидан ушлаб кўтарди, бола оёққа турди.

<sup>28</sup> Исо уйга кирди. У ёлғиз экан, шогирдлари Ундан:

– Нега биз жинни қувиб чиқаролмадик? – деб сўрадилар. <sup>29</sup> Исо уларга деди:

– Бу тоифа жинларни ибодатдан †† бошқа йўл билан қувиб бўлмайди.

### Иккинчи марта Исо Ўз ўлими ҳақида

<sup>30</sup> Улар у ердан жўнаб, Жалила юрти орқали юриб ўтдилар. Исо эса буни ҳеч ким билиб қолишини истамас эди. <sup>31</sup> У шогирдларига таълим бериб, шундай деди:

– Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилади. Уни ўлдиришади, ўлдиришгандан уч кун кейин эса У қайта тирилади.

<sup>32</sup> Шогирдлар эса бу сўзларни тушунмасалар-да, аммо Ундан сўрашга ҳам ботина олмадилар.

### Энг катта ким?

<sup>33</sup> Исо Кафарнаҳум шаҳрига келди. Уйда бўлганда, шогирдларидан сўради:

†† Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “ибодат ва рўза”.



– Йўлда кетаётганингизда нималар ҳақида баҳслашдинглар?

<sup>34</sup> Улар индамадилар, йўлда улар ким энг катта деб баҳслашган эдилар.

<sup>35</sup> Исо ўтириб, ўн икки шогирдини ёнига чақирди: – Ким биринчи бўлишни истаса, ҳаммининг охирида турсин ва ҳаммага хизматкор бўлсин, – деди.

<sup>36</sup> Сўнгра бир болани олиб, уни ўрталарида турғизиб қўйди ва болани кучоқлаганча, шогирдларига деди:

<sup>37</sup> – Ким шундай болалардан бирини Менинг номимдан қабул қилса, у Мени қабул қилган бўлади. Ким Мени қабул қилса, у Мени эмас, балки Мени Юборганни қабул қилган бўлади.

### Масихга шогирд бўлиш ҳақида

<sup>38</sup> Юҳанно Исога:

– Устоз! Сенинг номинг билан жин қувиб чиқараётган бир одамни кўриб қолдик. У биз билан юрмаяпти, деб унга буни ман қилдик, – деди.

<sup>39</sup> Исо шундай деди:

– Ман қилманг! Чунки Менинг номим билан мўъжиза яратган ҳеч ким дарров Мени ёмонлай олмайди. <sup>40</sup> Ким сизга қарши бўлмаса, у сиз томонда. <sup>41</sup> Ким сизга Менинг номим учун, Масих уммати бўлганингиз учун бир пиёла сувгина ичирса ҳам, сизларга чиндан айтаманки, у ўз мукофотидан қуруқ қолмас.

### Йўлдан озиш ва оздириш ҳақида

<sup>42</sup> “Ким Менга ишонган шу кичиклардан биронтасини йўлдан оздирса, унинг бўйнига бир тегирмон тошини осиб денгизга ташланиши у учун яхшироқ бўлар эди.

<sup>43</sup> Агар қўлинг сени йўлдан оздирса, уни чопиб ташла. Икки қўлинг билан сўнмас дўзах ўтига йўлиққанингдан кўра, майиб бўлиб абадий ҳаётга эришганинг яхшироқдир. <sup>44</sup> [Дўзахиларнинг қурти ҳам ўлмас, ўти ҳам сўнмас.] <sup>45</sup> Агар оёғинг сени йўлдан оздирса, уни чопиб ташла. Икки оёғинг билан сўнмас дўзах ўтига ташлангандан кўра, чўлоқ бўлиб абадий ҳаётга эришганинг яхшироқдир. <sup>46</sup> [Дўзахиларнинг қурти ҳам ўлмас, ўти ҳам сўнмас.] <sup>47</sup> Агар кўзинг сени йўлдан оздирса, уни ўйиб ташла. Икки кўзинг билан ўтли дўзахга ташлангандан кўра, бир кўз билан Худонинг Шоҳлигига кирганинг яхшироқдир.

<sup>48</sup> Дўзахиларнинг қурти ҳам ўлмас, ўти ҳам сўнмас.

<sup>49</sup> Ҳамма ҳам ўтда покланади †, ҳар бир қурбонлик тузга буланади. <sup>50</sup> Туз – яхши нарса. Лекин туз ўз шўрлигини йўқотса, уни яна нима билан шўр қиласизлар? Гапингиз тузли бўлсин, ўзаро тинч-тотув яшанглар”.

† *ЎТДА ПОКЛАНАДИ: аслида “ўт билан тузланади”, синовдан ўтишимизни билдиради. Таврот, Левилар 2:13-оятига кўра, Худога келтирилган қурбон гўштини тузлаш керак эди; яна қаранг: Матто 5:13, Колосаликлар 4:6.*

### Никоҳ ва ажралиш ҳақида

**10** Исо у ердан кетиб, Яҳудия ўлкасига ва Ўрдун дарёсининг нарёғига келди. Унинг атрофига яна кўп халқ йиғилди, У Ўз одати бўйича одамларга яна таълим бера бошлади. <sup>2</sup> Баъзи фарзийлар Уни синаб кўрмоқ ниятида яқинлашиб:

– Эр ўз хотинидан ажралишига ижозат бериладими? – деб сўрадилар. <sup>3</sup> Исо бунга жавобан: – Мусо сизларга нимани буюрган эди? – деб сўради.

<sup>4</sup> – Мусо эркак талоқ хатини ёзиб хотинидан ажралишига ижозат берган эди, – дейишди. <sup>5</sup> Исо уларга жавоб бериб деди:

– Бағри тошлигингиз учун Мусо сизларга бу амрни ёзиб қолдирган. <sup>6</sup> Аслида Худо дунёни яратишиданоқ одамларни эркак ва хотин қилиб яратди. <sup>7</sup> *Тавротда ёзилишича*: “Шунинг учун эр киши ота-онасини қолдириб, <sup>8</sup> ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўлади” ††. Бунга кўра, улар энди икки эмас, балки бир тан ҳисобланади. <sup>9</sup> Худо бирга қўшганни бандаси ажратмасин.

<sup>10</sup> Уйга келганларида, шогирдлар яна шу ҳақда Исодан сўрадилар. <sup>11</sup> У уларга деди:

– Ким ўз хотини билан ажралиб бошқасига уйланса, у хотинига нисбатан зино қилган бўлади. <sup>12</sup> Хотин ҳам агар ўз эридан ажралиб бошқасига тегса, зино қилган бўлади.

### Исонинг болаларни дуо қилиши

<sup>13</sup> Уларнинг пешанасига қўлини қўйсин, деб Исонинг олдига болаларни келтиришарди. Шогирдлар эса етаклаб келувчиларни койиб қўйишди. <sup>14</sup> Исо буни кўрганда, ғазабланиб деди:

– Болаларга йўл қўйинглар, Менинг олдимга келишига тўсқинлик қилманглар! Мана, Худонинг Шоҳлиги бундайларникидир. <sup>15</sup> Сизларга чинини айтайин: ким Худонинг Шоҳлигини бола каби қабул қилмаса, унга ҳеч киролмайди.

<sup>16</sup> Кейин болаларни кучоқлаб, уларнинг пешаналарини силаб дуо қилди.

### Бойлик ва абадий ҳаёт

<sup>17</sup> Исо йўлга чиқаётганда, кимдир югуриб келиб, Унинг олдида тиз чўкди-да:

– Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлмоғи учун нима қилишим керак? – деб сўради.

<sup>18</sup> Исо унга деди:

– Нега Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас-ку. <sup>19</sup> Сен илоҳий амрларни биласан: “Зино қилма. Одам ўлдирма. Ўғрилик қилма. Сохта гувоҳлик берма. Бировнинг ҳақини ема. Ота-онангни ҳурмат қил”.

<sup>20</sup> У киши Исога жавоб қайтариб:

†† қаранг: Ибтидо 1:27, 2:24, 5:2, Эфесликлар 5:31.

– Устозим! Буларнинг ҳаммасига ёшлигимдан буён риоя қилиб келаман, – деди. <sup>21</sup> Исо унга қаради ва яхши кўриб қолди.

– Сенга бир нарса етишмайди, – деди унга. – Бор, нимага эга бўлсанг, ҳаммасини сотиб, пулини камбағалларга бўлиб бер. Шундагина осмонда хазинанг бўлади. Кейин кел, [хочни олиб] орқамдан юр.

<sup>22</sup> Бу сўзлардан бойнинг таъби хира бўлди, чунки унинг мол-мулки кўп эди. У қайғуриб қайтиб кетди.

<sup>23</sup> Исо атрофга кўз югуртириб шогирдларига деди:

– Пул-дунёси борларнинг Худо Шохлигига киришлари нақадар қийин!

<sup>24</sup> Шогирдлар бу сўзларни эшитиб, ақллари шовди. Исо эса қайта бошдан сўз олди:

– Болаларим, бойликка умид боғлаганлар Худо Шохлигига киришга қанчалик қийналади! <sup>25</sup> Бой одамнинг Худо Шохлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осондир.

<sup>26</sup> Шогирдлар ҳаддан ташқари ажабланиб ўзларича:

– Ундай бўлса, ким нажот топа оларкан? – дейишди. <sup>27</sup> Исо уларга кўзини тикиб:

– Одамларга бу имконсиз, лекин Худога эмас. Чунки Худо ҳамма имконга эгадир, – деди.

<sup>28</sup> Бутрус сўз олиб Исога:

– Мана, биз ҳамма нарсани қолдириб, Сенинг орқангдан эргашиб келдик, – деди. <sup>29</sup> Исо бунга жавобан деди:

– Сизларга ростини айтсам, ким Мен ва Инжил учун уй-жой, ака-ука, опа-сингил, ота-она, хотин-болаларини ёки ер-мулкини ташлаб кетса, <sup>30</sup> у ҳозир, бу дунёдаёқ дучор бўлаётган қувғинлар орасида юз ҳисса ортиқ уй-жойлар, ака-укалар, опа-сингиллар, ота-оналар, болалар ва ерларга эга бўлади, келажак дунёда эса абадий ҳаётга сазовор бўлади. <sup>31</sup> Лекин кўп биринчилар охириги ва охиригилар эса биринчи бўладилар.

### Исо учинчи марта Ўз ўлими ҳақида

<sup>32</sup> Қуддусга қараб йўл босар эдилар. Исо олдинда кетаётган эди. Шогирдлари ҳайрон эди, бошқалар эса кўрқиб-кўрқиб эргашаётган эдилар. Исо ўн икки шогирдини ёнига чақириб, яна Ўзи билан нима юз бериши тўғрисида сўзлай бошлади:

<sup>33</sup> – Мана, биз энди Қуддусга кириб боряпмиз. У ерда Инсон Ўғли олий руҳонийлар ва уламолар кўлига тутиб берилади. Улар Уни ўлимга маҳкум қилиб, мажусийларга топширадилар. <sup>34</sup> Улар Уни ҳақорат қиладилар, қамчиладилар, юзига тупурадилар ва Уни ўлдирадилар. Лекин уч кундан сўнг У қайта тирилади.

### Ёқуб билан Юҳаннонинг тилаги

<sup>35</sup> Забадий ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно Исонинг олдига келиб:

– Устоз, бизнинг бир тилагимиз бор, уни биз учун бажо келтиришингни истаймиз, – дейишди.

<sup>36</sup> – Сизлар учун нима қилишимни истайсизлар? – сўради Исо. <sup>37</sup> Улар:

– Сен улўғвор даргоҳингда бўлганинда, биримиз Сенинг ўнг томонингда, бошқамиз эса чап томонингда ўтиришимизга рухсат бергин, – дейишди. <sup>38</sup> Исо уларга:

– Сизлар нима сўраётганингизни билмайсизлар. Мен ичадиган заққум косани сиз ича оласизларми? Мен ботадиган қайғу-аламларга ботиб чидаёласизларми? – деди. <sup>39</sup> Улар:

– Чидаёламиз, – деб жавоб беришди. Исо уларга деди:

– Сизлар-ку Мен ичадиган заққум косани ичиб, ботадиган қайғу-аламларимга ўзингиз ҳам дучор бўласизлар. <sup>40</sup> Аммо Менинг ўнг ва чап томонимда ўтиришга рухсат бериш Менинг ихтиёримда эмас. Бу ўрин кимларга аталган бўлса, уларники бўлади.

<sup>41</sup> Қолган ўнала шогирд буни эшитиб, Ёқуб билан Юҳаннодан аччиқлана кетишди. <sup>42</sup> Исо эса уларни ёнига чақириб, деди:

– Биласизларки, халқларнинг ҳокимлари ҳисобланганлар ҳокимлик қилишдан қолишмайдилар, катта амалдорлар элга ўз ҳукмини ўтказадилар. <sup>43</sup> Аммо сизларнинг орангизда бундай бўлмасин. Аксинча, орангизда ким катта бўлишни истаса, сизларга хизматда бўлсин. <sup>44</sup> Орангизда ким биринчи бўлишни истаса, ҳаммангизга кул бўлсин. <sup>45</sup> Чунки Инсон Ўғли † ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни қутқариш учун келган.

### Ерихо шаҳридаги кўрнинг кўзини очиш

<sup>46</sup> Улар Ерихо шаҳрига келдилар. Шаҳардан яна чиқиб кетаётганларида, Исога Ўз шогирдлари ҳамда бир талай халойиқ эргашиб бораётган эди. Йўл чеккасида Тимейнинг ўғли кўр Бартимей садақа сўраб ўтирган эди. <sup>47</sup> У носиралик Исо ўтиб кетаётганини эшитиб:

– Эй Довуд Ўғли †† Исо, менга раҳм қил! – деб бақира бошлади. <sup>48</sup> Кўп одамлар эса уни койиб, жим бўлишга мажбур қилишди. Лекин у:

– Эй Довуд Ўғли, менга раҳм қил! – деб яна қаттиқроқ ҳайқирди.

<sup>49</sup> Исо тўхтади ва у одамни ёнига чақиртирди. Кўрни чақиргани борганлар унга:

– Қўрқма, ўрнингдан тур, У сени чақиряпти, – дейишди.

<sup>50</sup> Кўр тўнини ечиб ташлаб, ўрнидан туриб кетди-да, Исонинг ёнига келди. <sup>51</sup> Исо ундан сўради:

– Сен Мендан нима истайсан?

– Устозим, кўзларим кўрсин! – деди кўр. <sup>52</sup> Исо унга:

† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. †† ДОВУД ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг, яна қаранг: 12:35-37.

– Бор, ишончинг сени кутқарди, – деди.  
 Ўша заҳоти кўрнинг кўзлари очилиб кетди. У  
 Исонинг ортидан эргашиб йўл юрди.

### Исонинг Қуддусга тантанали кириши

**11** Қуддусга яқинлашиб, Зайтун тоғи этагидаги  
 Байтфагия ва Байтания қишлоқларига  
 келганларида, Исо шогирдларидан иккитасини  
 жўната туриб деди:

<sup>2</sup> – Қаршингиздаги қишлоққа боринглар. У ерга  
 киришингиз биланоқ, ҳеч ким минмаган, боғлаб  
 қўйилган хўтиқни топинглар. Уни ечиб бу ерга  
 олиб келинглар. <sup>3</sup> Агар ким сизлардан: “Нима  
 қиляпсизлар?” деб сўраб қолса, “У Раббимизга  
 керак, У уни дарҳол бу ерга қайтариб юборади”,  
 деб жавоб беринглар.

<sup>4</sup> Улар бориб, кўчада дарвоза ёнида боғлаб  
 қўйилган хўтиқни топиб, ечиб олишди. <sup>5</sup> У ерда  
 турган бир неча киши уларга:

– Нима қиляпсизлар? Нега хўтиқни ечяпсизлар? –  
 дейишди.

<sup>6</sup> Шогирдлар Исо буюрганидек жавоб беришди,  
 одамлар уларни қўйиб юборишди. <sup>7</sup> Хўтиқни  
 Исонинг олдига олиб келишди. Унинг устига  
 кийимларини ёзиб қўйишди, Исо унга минди.  
<sup>8</sup> Кўпчилик ўз кийимларини йўлга пойандоз қилди.  
 Бошқалар эса даштдаги дарахтлардан яшил  
 новдаларни кесиб, йўлга тўшадилар. <sup>9</sup> Олдинда ва  
 орқада юраётганлар:

“Нажот бергин! †

Худованд номидан Келаётган муборак!

<sup>10</sup> Отамиз Довуднинг яқинлашган шоҳлиги мангу  
 бўлсин!

Кўклардан нажот келсин!”

– деб ҳайқиришар эдилар.

<sup>11</sup> Исо Қуддусга кириб келиб, маъбадга †† борди.  
 Ҳамма нарсани кўздан кечириб, вақт кеч бўлиб  
 қолди, деб ўн икки шогирди билан Байтания  
 қишлоғига кетди.

### Қуриб қолган анжир дарахти

<sup>12</sup> Эртаси кун Байтаниядан чиққанларида, Исо оч  
 қолди. <sup>13</sup> У узоқдан барглар билан қопланган бир  
 анжир дарахтини кўриб қолди, бирон нарса  
 топилармикин, деб унга яқинлашди. Дарахтнинг  
 ёнига келиб, баргдан бошқа ҳеч нарса тополмади;  
 чунки анжир териш вақти эмас эди. <sup>14</sup> Исо дарахтга  
 қараб:

– Бундан кейин абадий сенинг мевангни егувчи  
 бўлмасин! – деди.

Шогирдлари ҳам бу гапни эшитишди.

### Олди-сотди қилувчиларни маъбаддан қувиш

<sup>15</sup> Сўнг Қуддусга келишди. Исо маъбадга кириб,  
 ичкарида олди-сотди қилаётганларни қувиб  
 чиқара бошлади. Саррофларнинг хонтахталарини,  
 кабутар сотувчиларнинг курсиларини ағдариб  
 юборди. <sup>16</sup> Маъбад ичида бирон нарса кўтариб  
 ўтишга ҳам рухсат бермади.

<sup>17</sup> Исо халққа таълим бераётиб деди:

– *Тавротда* : “Менинг уйим барча халқлар ибодат  
 қиладиган уй деб аталгай”, – деб ёзилмаганми?  
 Сизлар эса Худонинг уйини қароқчилар уясига  
 айлантириб юборибсизлар!

<sup>18</sup> Уламолар ва олий руҳонийлар буни эшитганда,  
 Исони ҳалок этиш чорасини топмоқ пайига  
 тушдилар. Аммо бутун халқ Унинг таълимотига  
 маҳлиё эди, шунинг учун Ундан ҳайиқар эдилар.

<sup>19</sup> Кеч бўлгач, Исо шаҳардан ташқарига чиқиб  
 кетди.

### Ибодат ва ишонч ҳақида

<sup>20</sup> Эрта билан улар яна анжир дарахти ёнидан  
 ўтиб қарашсаки, дарахт илдизигача қуриб қолган  
 экан. <sup>21</sup> Бутрус бўлган ҳодисани эслаб, Исога:

– Устоз! Қара, Сен лаънатлаган анжир дарахти  
 қуриб қолибди, – деди. <sup>22</sup> Исо бунга жавобан айтди:

<sup>23</sup> – Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим  
 шуки, агар ким бу тоққа: “Кўпорилиб денгизга  
 отил”, деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани  
 бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади.

<sup>24</sup> Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда  
 нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва  
 эришасизлар. <sup>25</sup> Ибодат қилиб турганингизда  
 бировда гинангиз бўлса, уни кечириб юборинг,  
 токи осмондаги Отангиз ҳам сизларнинг  
 гуноҳларингизни кечирсин. <sup>26</sup> [Агар сизлар  
 бошқаларнинг айб-гуноҳларини  
 кечирмасангизлар, осмондаги Отангиз ҳам  
 сизларни кечирмайди.]

### Исонинг ваколоти ҳақида савол

<sup>27</sup> Улар яна Қуддусга келдилар. Исо маъбадда  
 айланиб юрган эди, олий руҳонийлар, уламолар ва  
 оқсоқоллар Унинг олдига келиб <sup>28</sup> сўрадилар:

– Сен бу мўъжизаларни қандай куч билан  
 қиляпсан? Буларни қилиш учун Сенга ким ваколат  
 берган?

<sup>29</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Мен сизларга бир савол берай. Менга жавоб  
 берсангизлар, Мен ҳам бу ишларни қандай ваколат  
 билан қиляётганимни сизларга айтаман. <sup>30</sup> Яҳё  
 пайғамбар халқни сувда тавба қилдириш учун  
 Худодан ‡ ваколат олганмиди, ёки инсонданми?  
 Жавоб беринглар Менга.

<sup>31</sup> Улар ўзларича мулоҳаза юрита бошлашди:  
 “Агар Худодан ‡† десак, У: Нега Яҳёга

† НАЖОТ БЕРГИН: аслида “хўшаъно” деган Забур ояти,  
 кутилган Нажоткор – Масихга қаратилган нидо; айнан қаранг:  
 117:25-26. †† МАЪБАД: луғатга ва маъбад харитасига қаранг.

‡ ХУДОДАН: аслида “осмондан”.

ишонмадингизлар? – дейди. <sup>32</sup> Аммо инсондан десак-чи?”

Ваҳоланки, улар халқдан қўрқардилар, чунки ҳаммалари Яҳёни ҳақиқий пайғамбар деб ҳисобларди. <sup>33</sup> Хуллас, улар Исога жавобан:

– Билмаймиз, – дейишди. Исо уларга:

– У ҳолда Мен ҳам қандай ваколат билан бу ишларни қилаётганимни сизларга айтмайман, – деб жавоб берди.

### Ёвуз боғбонлар ҳақида масал

**12** Исо халққа масаллар орқали сўзлай бошлади:

“Бир одам узумзор барпо қилибди. Атроф-теварагини панжара билан ўраб, узум сиқадиған исканжа қуриб, қўриқчи минораси ўрнатибди-да, боғни боғбонларга ижарага бериб, ўзи вақтинча бошқа мамлакатга кетибди.

<sup>2</sup> Мавсумида узумзорнинг ҳосилидан олиш учун боғбонларнинг олдига бир хизматкорини юборибди. <sup>3</sup> Боғбонлар эса уни тутиб уришибди ва ҳеч нарса бермасдан қайтариб юборишибди. <sup>4</sup> Боғ эгаси яна бошқа бир хизматкорини уларнинг олдига юборибди. Улар эса тош билан унинг бошини ёриб, хўрлаб чиқариб юборишибди. <sup>5</sup> Яна бошқасини йўллабди, унисини эса ўлдиришибди. Бошқа бир қанча хизматкорини юбораверибди, аммо боғбонлар уларнинг баъзисини уриб, баъзисини ўлдиришибди.

<sup>6</sup> Боғ эгасининг энди биргина одами қолибди, у ҳам бўлса, севикли ўғли экан. У: “Ўғлимни ҳурмат этарлар”, – деб, боғбонлар олдига уни юборибди.

<sup>7</sup> Лекин улар бир-бирига:

– Бу меросхўр-ку! Қани, уни ўлдирамиз, шунда мерос бизга қолади, – дейишибди. <sup>8</sup> Ўғлини ушлаб, ўлдириб, боғдан ташқарига чиқариб ташлашибди.

<sup>9</sup> Энди боғ эгаси нима қилар экан? У келиб боғбонларни ўлдиради, боғини эса бошқаларга топширади.

<sup>10</sup> Наҳотки сизлар шу оятни ҳеч ўқимаган бўлсангиз:

“Бинокорлар кераксиз деб ташлаган тош Нақ бинонинг пештоқидан жой олди.

<sup>11</sup> Бу Худованд иродаси туфайлидир, Бизга эса ажойибот тимсолидир”<sup>†</sup>.

<sup>12</sup> Дин пешволари буни эшитиб, Исони қўлга олишга интилдилар. Чунки У бу масални ўзлари ҳақида айтганини тушундилар. Бироқ халқдан қўрққанларидан, Уни қолдириб кетдилар.

### Худонинг ҳақи Худога

<sup>13</sup> Исони тилидан тузоққа илинтириш учун Унинг олдига фарзийлардан ва Ҳирод одамларидан баъзиларини юбордилар. <sup>14</sup> Улар келиб:

– Устоз, – дедилар, – биз биламизки, Сен одилсан, бирор кишига хушомадгўйлик қилмайсан.

Одамларга юз-хотир қилмасдан, Худонинг йўлини тўғри ўргатасан. Сенингча, Қайсарга <sup>††</sup> солиқ тўлаш динга мувофиқми, ёки йўқ? Бизлар берайликми, бермайликми?

<sup>15</sup> Исо уларнинг мунофиқлигини билар эди.

– Нима, Мени синаб кўрмоқчимисизлар? Менга бир динор <sup>‡</sup> олиб келинглар, бир кўрайин, – деди.

<sup>16</sup> Улар олиб келгач, Исо сўради:

– Бу сурат ва ёзув кимники?

– Қайсарники, – деди улар. <sup>17</sup> Исо уларга:

– Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини Худога беринглар, – деди.

Буни эшитганлар жуда ҳайрон бўлдилар.

### Қиёмат ҳақида савол

<sup>18</sup> Бундан кейин ўликлар тирилмайди, деб айтадиған саддуқийлар Исонинг олдига келиб, Ундан сўрадилар:

<sup>19</sup> – Эй Устоз! Мусо пайғамбар бизга шундай ёзиб қолдирган: “Агар кимнинг акаси ўлиб, унинг хотини қолиб, аммо ундан фарзанд қолмаган бўлса, унда укаси акасининг хотинига уйланиб, у учун авлод яратсин”<sup>‡‡</sup>. <sup>20</sup> Хўш, етти ака-ука бор экан.

Биринчиси хотин олиб, насл қолдирмай ўлиб кетибди. <sup>21</sup> Иккинчиси ўша хотинни олиб, фарзанд кўрмай оламдан ўтибди. Учинчисининг бошига худди шу кўргилик тушибди. <sup>22</sup> Шунингдек, ака-укаларнинг еттови ҳам ўша хотинга уйланиб, фарзанд кўрмай оламдан ўтибдилар. Охирида хотин ҳам қазо қилибди. <sup>23</sup> Хўш, қиёматда улар тирилганда, хотин қайси бирининг хотини саналар экан? Еттови ҳам унга уйланган эканлар-ку!

<sup>24</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Сизлар Муқаддас Китобни ҳам, Худонинг қудратини ҳам билмайсизлар, ана шу сабабдан адашяпсизлар. <sup>25</sup> Ўликлар тирилганда, на уйланадилар ва на эрга тегадилар, балки бамисоли осмондаги фаришталардай бўладилар. <sup>26</sup> Наҳотки сизлар Мусонинг китобида, ёнаётган бута тўғрисидаги оятда Худонинг нима айтганини ҳеч ўқимаган бўлсангизлар? Худо Мусога: “Мен Иброҳимнинг Худоси, Исҳоқнинг Худоси ва Ёқубнинг Худосиман”, – деган ва шу тариқа ўликларнинг тирилишига ишора қилган. <sup>27</sup> Чунки Худо ўликларнинг эмас, тирикларнинг Худосидир. Сизлар жуда ҳам адашяпсизлар.

### Энг муҳим илоҳий амр

<sup>28</sup> Уламолардан бири уларнинг мунозара қилаётганини эшитиб, Исонинг уларга яхши жавоб бериб турганини кўрди. У Исонинг олдига келиб:

– Бутун илоҳий амрларнинг энг муҳими қайси бири? – деб сўради. <sup>29</sup> Исо унга жавоб бериб деди:

†† ҚАЙСАР: Рим императори; умуман ҳукмрон ҳокимият кўзда тутилади. ‡ ДИНОР: Рим империясидаги кумуш танга. ‡‡ яна қаранг: Ибтидо 38:8.

†† ХУДОДАН: аслида “осмондан”. † қаранг: Забур 117:22-23.

– Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир. <sup>30</sup> Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан ва бутун қувватинг билан севгин”. Мана бу энг муҳим амр. <sup>31</sup> Иккинчиси эса ундан кам эмас, чунончи: “Ўзгани ўзинг каби севгин”. Булардан буюк амр йўқ.

<sup>32</sup> – Яхши гапирдинг, Устоз, – деди уламо Исога. – Худо ягона, Ундан бошқа худо йўқ, деб тўғри айтдинг. <sup>33</sup> Уни бутун қалб, бутун онг, бутун жон ва бутун қувват билан севиш, ўзгани эса ўзимизни севгандай севиш керак. Бу – ҳар қандай қурбон сўйиш ва назр-ниёз аташдан † аълороқдир.

<sup>34</sup> Исо унинг оқилона жавоб берганини кўриб: – Сен Худонинг Шоҳлигидан узоқда эмассан, – деди.

Шундан кейин бошқа ҳеч ким Ундан сўрашга журъат этмади.

### Масих кимнинг ўғли?

<sup>35</sup> Исо маъбадда таълим бераётиб, савол ташлади:

– Қандай қилиб уламолар Масихни Довуднинг ўғли дейдилар? <sup>36</sup> Довуднинг ўзи Муқаддас Рух илҳоми билан деганки:

“Худованд менинг Раббимга айтди: Ёвларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча, Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин” ††.

<sup>37</sup> Демак, Довуднинг ўзи Масихни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб Масих унинг ўғли бўлади?

Кўпчилик халқ эса Исони иштиёқ билан тинглар эди.

### Сохта диндорликка қарши огоҳлантириш

<sup>38</sup> Исо халққа насиҳат қилиб яна шундай деди:

– Узун кийимлар кийиш, халқ йиғинларида алиқ олиш, ибодатхоналарда ҳурматли ўринда ва зиёфатларда тўрда ўтиришни яхши кўрадиган уламолардан эҳтиёт бўлинглар! <sup>40</sup> Улар бева аёлларнинг уй-жойларини шилиб, хўжа кўрсинга узоқ дуо ўқийдилар. Мана шулар оғирроқ жазога дучор бўладилар.

### Бева аёлнинг хайр-эҳсон

<sup>41</sup> Исо маъбад хазинаси қаршисида ўтириб, халқнинг садақа қутисига қандай пул солаётганига қараб турар эди. Бир тўда бойлар анчагина пул ташладилар. <sup>42</sup> Бир камбағал бева аёл ҳам келиб, икки чақа ‡ ташлади.

<sup>43</sup> Шунда Исо шогирдларини ёнига чақириб деди:

† ҚУРБОН СЎЙИШ ВА НАЗР-НИЁЗ АТАШ: аслида “сўядиган ва бутунлай қуйдирадиган қурбонликлар”, яъни Тавротда буюрилган қурбонликларнинг айрим турлари. †† қаранг: Забур 109:1. ‡ ИККИ ЧАҚА: аслида “2 лепта, яъни 1 квадрант” (юнон пули “лепта” нинг паст қиммати Рим пули “квадрант” билан ҳам кўрсатилган).

– Сизларга чинини айтайин, бу камбағал бева аёл қутига пул ташлаганларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ ташлади. <sup>44</sup> Чунки бошқаларнинг барчаси ўзларининг ортиқча пулларида ташладилар. Аммо бу аёл ўзининг тирикчилик ташвишларига қарамасдан, бор-йўғини ташлади.

### Исо охирзамон ҳақида

**13** Исо маъбаддан чиқиб кетаётганда, шогирдларидан бири:

– Устоз, қара, нақадар чиройли тошлар, нақадар ҳашаматли бинолар! – деди. <sup>2</sup> Исо унга жавоб бериб:

– Бу ҳашаматли биноларни кўряпсанми? Бу ерда бирор-бир ғишт бутун қолмайди, ҳаммаси вайрон бўлади, – деди.

<sup>3</sup> Исо Зайтун тоғида, маъбаднинг рўпарасида ўтирган вақтда Бутрус, Ёқуб, Юҳанно ва Идрис Ундан алоҳида сўрадилар:

<sup>4</sup> – Бизга айт-чи, бу айтганларинг қачон юз беради? Буларнинг амалга ошишини кўрсатадиган белги қандай бўлади?

<sup>5</sup> Исо шогирдларига қараб сўз бошлади:

“Ҳеч ким сизларни йўлдан оздирмаслиги учун эҳтиёт бўлинглар! <sup>6</sup> Чунки кўп кишилар Менинг номим билан келиб: “Мен У бўламан”, – деб кўпларни йўлдан оздирадилар. <sup>7</sup> Сиз йироқ-яқиндан уруш хабарларини эшитганда, чўчиманглар. Гарчи булар содир бўлиши керак бўлса-да, бу ҳали сўнги ниҳоя эмас. <sup>8</sup> Халқ халққа қарши, подшоҳлик подшоҳликка қарши кўтарилади. Айрим жойларда зилзилалар, қаҳатчиликлар, қўзғолонлар бўлади. Бу ҳодисалар эса бамисли тўлғоқнинг бошидир.

<sup>9</sup> Сизлар эса ўзингизга эҳтиёт бўлинглар. Чунки сизларни адлияга топшириб, ибодатхоналарда урадилар. Мен туфайли сизларни ҳокимлар ва подшоҳлар ҳузурида турғизиб қўядилар, сизлар эса Менинг гувоҳларим бўласизлар. <sup>10</sup> Чунки аввало барча халқларга Инжил Хушхабари тарғиб қилиниши лозим.

<sup>11</sup> Сизларни топшириш учун олиб бораётганларида, нима айтаман, деб олдиндан ўйламанглар, қайғурманглар. Ўша соатда нима насиб этса, уни айтинглар. Чунки ўшанда сизлар эмас, балки Муқаддас Рух †† гапиради. <sup>12</sup> Ака укасини, ота боласини ўлимга топширади. Болалар ўз ота-оналарига қарши чиқиб, уларни ўлдирадилар. <sup>13</sup> Менинг номим туфайли ҳамма сизлардан нафратланади. Лекин охиригача чидаган қутулади”.

### Буюк мусибат ва Исонинг оламга қайтиши

<sup>14</sup> “Дониэл пайғамбар каромат қилиб айтган “даҳшатли разолат” ††† номуносиб жойда турганини

†† МУҚАДДАС РУҲ: Имонлининг қалбида яшовчи Худо Рухи.  
††† ДАҲШАТЛИ РАЗОЛАТ: луғатга қаранг.

кўрганингизда (ўқиган ўзи тушунсин!) Яхудияда бўлганлар тоғларга қочишсин. <sup>15</sup> Томнинг устида бўлганлар пастга тушиб уйдан бирон нарса олиб келиш учун уйига киришмасин. <sup>16</sup> Далада бўлганлар чопонини олгани орқасига қайтишмасин. <sup>17</sup> У кунларда ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг ҳолига вой! <sup>18</sup> Қочишингиз қишга тўғри келмаслиги учун ибодат қилинглари. <sup>19</sup> Чунки ўша кунларда шундай мусибат бўладики, Худо дунёни яратганидан то ҳозиргача бундай бўлмаган ва қайтиб содир бўлмайди. <sup>20</sup> Агар Раббимиз ўша кунларни қисқартирмаганда эди, ҳеч бир жонзод омон қололмас эди. Лекин У танлаган кишилар учунгина ўша кунларни қисқартиради.

<sup>21</sup> Агар ўшанда кимдир сизларга: “Масих мана бу ерда”, ёки: “Мана у ерда”, – деб айтса, ишонманглари. <sup>22</sup> Чунки сохта масихлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб, иложи бўлса, танланганларни ҳам йўлдан оздириш учун ғаройиботлар ва мўъжизалар кўрсатадилар. <sup>23</sup> Сизлар эса эҳтиёт бўлинглар. Мана, Мен ҳаммасини сизларга олдиндан айтиб қўйдим. <sup>24</sup> Аммо ўша кунларда, ўша мусибатдан кейин қуёш тутилиб, ой хираланади. <sup>25</sup> Юлдузлар осмондан тушиб, самовий кучлар ларзага келади. <sup>26</sup> У вақт Инсон Ўғли булутлар ичида, буюк қудрат ва шон-шухрат билан келаётганини кўрадилар. <sup>27</sup> Ўшанда У фаришталарини юбориб, осмоннинг бир бурчидан бошқа бурчигача, ернинг тўрт томонидан Ўзининг танлаган кишиларини тўплаб олади”.

### Хушёр бўлиш ҳақида

<sup>28</sup> “Анжир дарахтидан ибрат олинглар: унинг шохлари кўкариб барглари чиқараётганда, ёз яқинлашганини биласизлар. <sup>29</sup> Шунга ўхшаб, бу ишларнинг содир бўлаётганини кўрганда билингларики, У яқиндир, бўсағада турибди. <sup>30</sup> Сизларга чинини айтийин: бу насл ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир бўлади. <sup>31</sup> Еру осмон битар, лекин Менинг сўзларим битмас. <sup>32</sup> Ўша кун ёки соат ҳақида биргина Отамдан бошқа ҳеч ким билмайди; Ўғил ҳам, осмондаги фаришталар ҳам билмайдилар. <sup>33</sup> Кўз-қулоқ бўлиб туринглари, хушёр бўлиб ибодат қилинглари; чунки ўша вақт-соат қачон келишини билмайсизлар. <sup>34</sup> Бу худди сафарга жўнаган уй эгасига ўхшайди. У ўз уй-рўзғорини хизматкорларига топшириб, ҳар бирига бирон вазифа бериб, дарвозабонга эса хушёр бўлиб туришни буюриб, жўнаб кетибди. <sup>35</sup> Худди шундай, сизлар ҳам хушёр бўлиб туринглари. Чунки уй Эгаси қачон келишини – кечкурунми, ярим тундами, хўрозлар қичқиргандами, ёки эрталабми – билмайсизлар. <sup>36</sup> Мабодо У ногаҳон келиб, сизларни ғафлат уйқусида кўрмасин!

<sup>37</sup> Сизларга нима айтаётган бўлсам, ҳаммага айтганимдир: хушёр бўлиб туринглари!”

### Исони ўлдириш режаси

**14** Яхудийлар хамиртурушсиз нон ейдиган Фисиҳ † байрамига икки кун қолган эди. Олий руҳонийлар ва уламолар Исони ҳийла билан тутиб, ўлдириш учун фурсат пойлаб турган эдилар. <sup>2</sup> Улар: – Бу иш фақат байрам кунларида бўлмаслиги керак, яна халқ ғалаён қилмасин, – дейишди.

### Исога сунбул мойи қуйган аёл

<sup>3</sup> Исо Байтания қишлоғида мохов Симуннинг уйида меҳмон бўлиб ўтирган эди, бир аёл ганчдан ясалган идишда соф, қимматбаҳо сунбул мойи олиб келди. Идишни синдириб, мойни Исонинг бошига қуйди. <sup>4</sup> Баъзилар бундан ғазабланиб, бир-бирига:

– Бу мойни бундай исроф этишнинг нима кераги бор эди? <sup>5</sup> Мана, бу мойни уч юз кумуш тангадан ҳам кўпроққа сотиб камбағалларга тақсимлаб бериш мумкин эди-ку! – деб аёлни қаттиқ койишди.

<sup>6</sup> – Қўйинглари уни! – деди Исо. – Нега аёлни хижолатда қолдиряпсизлар? У Мен учун эзгу иш қилди. <sup>7</sup> Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга бўладилар. Истаган вақтингизда уларга эзгулик қила оласизлар. Лекин Мен доим сизлар билан бирга бўлмайман. <sup>8</sup> Аёл қўлида борини берди. У Менинг танамга хушбўй мой суртиб, ҳозирдан дафнга тайёрлади. <sup>9</sup> Сизларга чинини айтийин: Инжил Хушхабари дунёнинг қайси ерида тарғиб қилинса, бу аёл ҳам эсланиб, унинг қилган иши ёдга олинади.

<sup>10</sup> Шунда ўн икки шогирддан бири бўлган Ишқарийёт Яхудо чиқиб, Исони тутиб бериш учун олий руҳонийларнинг олдида борди. <sup>11</sup> Улар буни эшитиб, севиндилар ва Яхудога пул беришга аҳд қилдилар. У эса Исога хиёнат қилиш учун қулай пайт излай бошлади.

### Қутлуғ зиёфат ва Исога хиёнат

<sup>12</sup> Яхудийлар хамиртурушсиз нон ейдиган Фисиҳ байрамининг биринчи кунида қурбон қўзисини сўйиш керак эди. Бу кунда шогирдлар Исога:

– Фисиҳ байрам таомини қаерда емоқчисан? Биз бориб тайёргарчилик қилайлик, – дейишди. <sup>13</sup> Исо шогирдларидан иккитасини юбораётиб, уларга деди:

– Шаҳарга боринглари, сизларга кўзада сув кўтариб кетаётган одам учрайди; унинг орқасидан боринглари. <sup>14</sup> У кирадиган уйнинг эгасига: “Устозимиз: Шогирдларим билан Фисиҳ байрам таомини ейдиган хона қаерда, деб сўраяпти”, деб айтинглари. <sup>15</sup> У киши сизларга шинам, тайёрлаб қўйилган катта болохонани кўрсатади. У ерда биз учун ҳозирлик кўринглари.

† *ФИСИХ: яхудийларнинг улуғ байрами; луғатга қаранг.*

<sup>16</sup> Шогирдлар жўнашди. Шаҳарга кирганларида, худди Исонинг айтганини топдилар ва Фисиҳ байрам таомини тайёрладилар. <sup>17</sup> Оқшом бўлгач, Исо ўн икки шогирди билан бирга у ерга келди.

<sup>18</sup> Улар еб ўтирганларида Исо:

– Сизларга чинини айтайин, Мен билан таом еяётган сизлардан бир киши Мени тутиб беради, – деди. <sup>19</sup> Шогирдлар хафа бўлиб, бирин-кетин:

– Ўша мен эмасми? – деб Ундан сўрай бошладилар. [Ва шогирдлардан бири яна:

– Ўша мен эмасми? – деди.]

<sup>20</sup> Исо уларга жавобан деди:

– Ўн икки шогирдимдан бири-да, ким Мен билан бирга косага нон ивитиб еса, ўшадир. <sup>21</sup> Тўғри, Инсон Ўғлининг тақдири оятда ёзилганидай кетяпти. Лекин Инсон Ўғлини тутиб берадиган ўша одамнинг ҳолига вой! У одамнинг туғилмагани ўзи учун яхшироқ бўлар эди.

<sup>22</sup> Улар овқатланаётганда, Исо нонни олди, дуо ўқиб синдирди ва шогирдларига бериб:

– Олинглар, енглар, бу Менинг танамдир, – деди.

<sup>23</sup> Косани ҳам олди ва шукрона дуосини ўқиб уларга узатди. Ҳаммалари ундан ичдилар. <sup>24</sup> Исо уларга деди:

– Бу кўплар учун тўкиладиган, Янги Аҳдни † кучга киритадиган Менинг қонимдир. <sup>25</sup> Сизларга чинини айтайин: Худонинг Шоҳлигида Мен янги шароб ичадиган кунгача узум неъматини бошқа ичмайман.

<sup>26</sup> Сўнг улар куйлаб, Зайтун тоғи томон кетдилар.

### Бутруснинг Исодан тониши ҳақида каромат

<sup>27</sup> Исо шогирдларига деди:

– Бу тунда ҳаммангиз Мендан юз ўгирасизлар.

Чунки *Тавротда* шундай ёзилган:

“Мен чўпонни жароҳатлайман,  
Қўйлар ўзи тарқаб кетади”.

<sup>28</sup> Бироқ Мен ўлиб тирилганимдан кейин, сизларни Жалилада кутаман.

<sup>29</sup> Бутрус Исога:

– Агар ҳамма Сендан юз ўгирса ҳам, мен ўгирмайман! – деди. <sup>30</sup> Исо унга:

– Сенга ростини айтсам, бугун, шу кечасиёқ, хўроз икки марта қичқирмасданоқ, сен Мендан уч марта тонасан, – деди.

<sup>31</sup> Лекин Бутрус яна таъкид билан ўзиникини тасдиқлаб:

– Мен Сен билан бирга ўлишим керак бўлса ҳам, Сендан асло тонмайман, – деди. Бошқа ҳамма шогирдлар ҳам шундай дейишди.

### Исонинг боғдаги ибодати

<sup>32</sup> Сўнгра Гетсемания деган бир жойга келдилар. Исо шогирдларига:

– Мен ибодат қилгунимча, сизлар бу ерда ўтириб туринглар, – деди.

<sup>33</sup> Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннони Ўзи билан бирга олган Исо ваҳимага тушди ва қаттиқ қайғура бошлади. <sup>34</sup> Шогирдларига:

– Менинг жоним ўлим олдидалигини сезиб, жуда қийналмоқда. Шу ерда қолинглар-да, сергак туринглар, – деди.

<sup>35</sup> Бир оз нари кетиб ерга йиқилди, агар иложи бўлса, бу соатнинг алами мени четлаб ўтсин, деб ибодат қилди.

<sup>36</sup> – Эй азиз Отам ††! – деди. – Сен ҳамма нарсага қодирсан, бу заққум косани Менинг ёнимдан ўтказиб юборгин. Лекин Менинг истаганим эмас, Сенинг истаганинг бўлсин.

<sup>37</sup> Шогирдлари олдига қайтиб келгач, уларни ухлаб ётган ҳолда кўрди. Бутрусга деди:

– Симун! Ухлаяпсанми? Бир соатгина ҳам уйғоқ ўтира олмадингми? <sup>38</sup> Васвасага тушмаслик учун хушёр бўлиб, ибодат қилиб туринглар. Руҳ тетик, тана эса заифдир.

<sup>39</sup> Исо яна бориб, ўша сўзларни айтиб ибодат қилди. <sup>40</sup> У қайтиб келиб, шогирдларини яна ухлаб ётган ҳолда кўрди. Уларнинг кўзларини ғафлат босган эди. Унга нима деб жавоб беришларини билмас эдилар.

<sup>41</sup> Учинчи марта бориб келиб, Исо шогирдларига деди:

– Сизлар ҳали ҳам бепарво ухлаб, роҳатланиб ётибсизларми? Бас энди, мана вақт-соати келди, Инсон Ўғли гуноҳкорлар кўлига тутиб бериляпти.

<sup>42</sup> Туринглар, кетайлик! Мана, Менга хиёнат қилувчи яқинлашиб қолди.

### Исонинг қўлга олиниши

<sup>43</sup> Исо ҳали гапириб турганда, ўн икки шогирдидан бири Яҳудо қўққисдан келиб қолди. Унинг ёнида олий руҳонийлар, уламолар ва оқсоқоллар томонидан юборилган, қилич ва таёқ ушлаган оломоң бор эди. <sup>44</sup> Хоин Яҳудо: “Мен кимни ўпсам, у Ўша Кишидир. Уни ушланглар ва эҳтиёт қилиб олиб кетинглар”, – деб улар билан тил бириктирган эди.

<sup>45</sup> Яҳудо келибоқ, Исога яқинлашди-да:

– Устоз! Устоз! – деб Уни ўпди.

<sup>46</sup> Шу онда одамлар Исога даст солиб, Уни ушлаб олишди. <sup>47</sup> Исонинг ёнида турганлардан бири қиличини қинидан суғурди-да, олий руҳоний қаролига бир уриб қулоғини кесиб ташлади.

<sup>48</sup> Исо уларга деди:

– Сизлар Мени қўлга олиш учун қароқчига қарши чиққандек қиличу таёқлар билан қуролланиб келибсизлар. <sup>49</sup> Мен эса ҳар куни маъбадда сизнинг орангизда эдим, таълим берардим, сизлар-чи, Мени қўлга олмадингизлар. Аммо зотан оятлар бажо келиши лозим.

<sup>50</sup> Ўшанда ҳамма шогирдлари Исони ташлаб, қочиб кетишди. <sup>51</sup> Яланғоч танасини чойшабга

† ЯНГИ АҲД: луғатга қаранг.

†† АЗИЗ ОТАМ: аслида “Абба, Ота” (Абба арабий тилида “севиқли Ота” демақдир).

ўраган бир йигит ҳам Исога эргашиб бораётган эди. Аскарлар уни ушлаб олганда, <sup>52</sup> у чойшабни ташлаб, улардан яланғоч ҳолда қочиб қутулди.

### Исо яҳудийларнинг Олий Кенгаши олдида

<sup>53</sup> Исони бош олий руҳонийнинг олдида олиб келдилар. Унинг ёнига ҳамма олий руҳонийлар, оқсоқоллар ва уламолар йиғилдилар. <sup>54</sup> Бутрус эса Исога узоқдан, то олий руҳонийнинг ҳовлиси ичигача эргашиб келганди. Хизматкорлар билан бирга олов ёнида ўтириб, исинди.

<sup>55</sup> Олий руҳонийлар ва Олий Кенгашнинг † барча аъзоси Исога ўлим жазоси бериш учун Унга қарши гувоҳ излар эдилар, лекин тополмас эдилар. <sup>56</sup> Кўп одамлар Унга қарши сохта гувоҳлик бераётган бўлсалар-да, аммо берган гувоҳликлари бир-бирига мос келмас эди. <sup>57</sup> Сохта гувоҳлардан баъзилари сўзга чиқиб шундай дер эдилар:

<sup>58</sup> – У: “Инсон қўли билан қурилган бу маъбадни Мен бузиб ташлайман-у, уч кунда инсон қўлларисиз, бошқа бир маъбадни тиклайман”, – деганини эшитган эдик.

<sup>59</sup> Лекин бу хусусда ҳам гувоҳларнинг берган маълумотлари бир-бирига зид эди.

<sup>60</sup> Бундан кейин бош олий руҳоний ўртага чиқиб Исодан сўради:

– Сен нега ҳеч жавоб қайтармайсан? Уларнинг Сенга қўйган айбларига нима дейсан?

<sup>61</sup> Исо эса индамади, ҳеч жавоб қайтармади. Бош олий руҳоний яна Ундан сўради:

– Муборак Худонинг Ўғли – Масих Сенмисан?

<sup>62</sup> Исо:

– Мен Ўшаман ва сиз Инсон Ўғлини қодир Тангрининг ўнг томонида ўтириб, осмон булутлари билан келаётганини кўрасизлар, – деди.

<sup>63</sup> Шундан кейин бош олий руҳоний ўз кийимларини йиртиб:

– Бизларга яна гувоҳларнинг нима кераги бор?

<sup>64</sup> Куфр кетганини ўзларингиз эшитдингизлар. Бунга нима дейсизлар? – деди.

Ҳаммалари Уни ўлимга лойиқ деб топиди.

<sup>65</sup> Баъзилар Унга тупура бошлашди. Унинг юз-кўзини боғлаб, муштлаганларича:

– Пайғамбарлигингни кўрсат-чи! – дейишарди. Хизматкорлар ҳам Уни шапалоқлашарди.

### Бутруснинг Исодан тониши

<sup>66</sup> Бутрус пастдаги ҳовлида экан, олий руҳонийнинг хизматкор аёлларидан бири келиб қолди. <sup>67</sup> Исиниб турган Бутрусни кўриб, унга тикилиб қаради-да:

– Сен ҳам носиралик Исо билан бирга эдинг-ку! – деди. <sup>68</sup> Лекин Бутрус инкор этди:

– Сен нима деясан ўзи, тушунмаяпман, англамаяпман, – деди-ю, бошқа ёққа, ташқи ҳовлига чиқиб кетди. Шу пайт хўроз қичқирди.

<sup>69</sup> Хизматкор аёл уни яна учратиб, у ерда турганларга:

– Бу улардан бири-ку! – деб сўзлай бошлади.

<sup>70</sup> Бутрус яна инкор этди.

Бир оздан кейин у ерда турганлар яна Бутрусга гапира бошлашди:

– Ҳақиқатан сен улардан бирисан, жалилаликсан, [лаҳжанг жуда ўхшайди].

<sup>71</sup> – Сизлар айтаётган бу Одамни мен танимайман! – деб Бутрус лаънат ўқиб, қасам ича бошлади.

<sup>72</sup> Нақ шу пайт хўроз иккинчи марта қичқирди. Исонинг: “Хўроз икки марта қичқирмасданоқ, сен Мендан уч марта тонасан”, – деган сўзи Бутруснинг эсига тушиб, йиғлай бошлади.

### Исо ҳоким Пилатнинг олдида

**15** Тонг отар-отмас, олий руҳонийлар, оқсоқоллар ва уламолар ҳамда Олий Кенгашнинг қолган аъзолари маслаҳатлашиб олишди ва Исони боғлатиб, Пилатга олиб бориб топширишди. <sup>2</sup> Пилат Исодан:

– Сен яҳудийларнинг Подшосимисан? – деб сўради.

– Ўзинг айтдинг, – деб жавоб берди Исо.

<sup>3</sup> Олий руҳонийлар Уни кўп масалада айблаётган эдилар. <sup>4</sup> Пилат яна Унга:

– Сен ҳеч нарсага жавоб бермайсанми? Кўряпсан-ку, Сенга қарши айблар жуда кўп! – деди. <sup>5</sup> Лекин Исо бошқа ҳеч жавоб бермади. Пилат бунга ҳайрон қолди.

<sup>6</sup> Ҳар байрамда Пилат халқнинг илтимосига биноан бир маҳбусни озод қилар эди. <sup>7</sup> Ўшанда исён вақтида қотиллик қилган Барабба исмли бир киши ўз шериклари билан қамоқда эди. <sup>8</sup> Халқ янгитдан қий-чувлашиб, Пилатдан ҳар доим қилиб келган ишни улар учун адо этишни сўрай бошлади.

<sup>9</sup> Олий руҳонийлар Исони кўролмаганларидан тутиб берганликларини билган Пилат:

– Яҳудийларнинг Подшосини олдингизга чиқариб юборишимни истайсизларми? – деб сўради. <sup>11</sup> Олий руҳонийлар эса, бунинг ўрнига яхшиси Бараббани озод қилишини талаб қилинлар, деб халқни кўзгаб қўйишди. <sup>12</sup> Пилат яна уларга хитоб қилди:

– Ундай бўлса, сизлар яҳудийларнинг Подшоси деб атаган Кишини нима қилишимни истайсизлар?

<sup>13</sup> – Уни хочга михлаб қўй! – деб қайтадан шовқин-сурон кўтаришди. <sup>14</sup> Пилат сўради:

– У нима ёмонлик қилибди?

– Уни хочга михлаб қўй! – деб яна кучлироқ бақаришди.

<sup>15</sup> Шундан кейин Пилат халқни мамнун қилай, деб уларнинг олдида Бараббани чиқариб юборди. Исони эса роса савалатгандан сўнг хочга михлаш учун *аскарларга* топширди.

† ОЛИЙ КЕНГАШ: луғатга қаранг.



### Исони ҳақорат қилиш

<sup>16</sup> Аскарлар Исони ҳукумат саройидаги маҳкама биносига олиб бориб, бутун бўлинмани Унинг бошига тўплашди. <sup>17</sup> Унга шоҳона тўн кийдиришди ва тиканлардан тож ўриб бошига қўйишди.

<sup>18</sup> – Яшавор, эй яҳудийларнинг Подшоси! – деб Уни қутлай бошлашди. <sup>19</sup> Қамиш билан Унинг бошига уриб, юзига тупуришди. Унинг олдида тиз чўкиб, таъзим қилишди.

<sup>20</sup> Уни шундай масхара қилганларидан кейин, Ундан шоҳона тўнни ечиб олиб, Ўзининг кийимларини кийдиришди ва Уни хочга михлаш учун олиб кетишди.

### Исони хочга михлаш

<sup>21</sup> Искандар ва Руфнинг отаси, киринялик Симун исмли бир киши даладан келиб ўтиб кетаётган эди. Бу кишини Исонинг хочини кўтариб боришга мажбур қилишди.

<sup>22</sup> Ниҳоят Исони “Бошсуяги” маъносини берувчи Гўлгота деган жойга олиб келишди. <sup>23</sup> Унга мирра † аралаштирилган шароб беришди, лекин У ичмади. <sup>24</sup> Бундан сўнг Исони хочга михлаб қўйишди. Унинг кийимларини эса ўзаро бўлишиб, ким нима олади, деб қуръа ташлашди.

<sup>25</sup> Уни хочга михлаганларида соат тўққиз †† эди.

<sup>26</sup> Боши устида “Яҳудийларнинг Подшоҳи” деб Унинг айбини кўрсатадиган ёзув бор эди. <sup>27</sup> Исо билан бирга икки қароқчини ҳам – бирини Унинг ўнг томонига, иккинчисини эса чап томонига хочга михлаб қўйдилар. <sup>28</sup> [Шундай қилиб, “У жиноятчилар қаторида турди”, деган оят бажо бўлди.]

<sup>29</sup> Ўтиб кетаётганлар бошларини чайқаганча Исони ҳақоратлашарди:

– Ҳей маъбадни бузиб уч кун ичида тиклайдиган!

<sup>30</sup> Ўзингни Ўзинг қутқариб, хочдан тушиб кўр-чи!

<sup>31</sup> Олий руҳонийлар ва уламолар ҳам уларга қўшилиб, Исони масхаралай кетишди. Улар бир-бирига:

– Бошқаларни қутқарди, Ўзини эса қутқара олмайди! <sup>32</sup> Исроилнинг Подшоси Масих эндиликда хочдан тушсин, токи биз кўриб Унга ишонайлик! – дейишарди.

Исо билан бирга хочга михланганлар ҳам Уни сўкар эдилар.

### Исонинг жон бериши

<sup>33</sup> Туш чоғи бутун ерни қоронғилик қоплаб, соат учгача ‡ давом этди. <sup>34</sup> Соат учда Исо баланд овоз билан:

† МИРРА: оғриқни пасайтирадиган хушбўй дори. †† СОАТ ТЎҚҚИЗ: аслида “3-соат”; вақт жадвалига қаранг. ‡ ТУШ...СОАТ УЧ: аслида “6-соатдан 9-соатгача”.

– Элоҳи, Элоҳи, ламо шавақтани? – деб фарёд қилди. Бу сўзнинг таржимаси: “Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб қўйдинг?” – демакдир.

<sup>35</sup> У ерда турган баъзилар буни эшитиб:

– Қаранг, У Илёс пайғамбарни чақиряпти-ку, – дейишди. <sup>36</sup> Шунда биров югуриб бориб, шимгични сиркага ботириб, қамишнинг учига илиб қўйди-да, Исога ичирмоқчи бўлди. У:

– Тўхтанглар, кўрайлик-чи, Илёс келиб хочдан туширармикан, – деди.

<sup>37</sup> Аммо Исо қаттиқ фарёд қилдию жон берди.

<sup>38</sup> Маъбаддаги парда † юқоридан пастгача йиртилиб, иккига бўлиниб кетди. <sup>39</sup> Исонинг қаршисида турган юзбоши Унинг шундай қаттиқ фарёд қилиб жон берганини кўриб:

– Ҳақиқатан ҳам бу Одам Худонинг Ўғли экан! – деди.

<sup>40</sup> У ерда узоқдан қараб турган аёллар бор эди.

Улар орасида мағдалалик Марям, кичик Ёқуб билан Юсуфнинг онаси Марям ҳамда Саломия бор эдилар. <sup>41</sup> Исо Жалилада эканлигида, улар Унга хизмат қилиб эргашиб келган эдилар. У ерда Исо билан бирга Қуддусга келган бошқа кўп аёллар ҳам бор эди.

### Исони дафн қилиш

<sup>42</sup> Жума куни кеч киришига сал қолган, дам олиш кунига тайёргарлик қилиш вақти тугаётган эди.

<sup>43</sup> Шунда Олий Кенгашнинг таниқли аъзоси, Худо Шоҳлигига кўз тикиб юрган ариматеялик Юсуф журъат этиб, Пилатнинг ҳузурига борди ва Исонинг жасадини сўради. <sup>44</sup> Пилат Унинг дарров ўлганига ҳайрон бўлди. Юзбошини чақириб:

– Унинг ўлганига кўп бўлдимми? – деб сўради.

<sup>45</sup> Юзбошидан билиб олгач, жасадни Юсуфга берди.

<sup>46</sup> Юсуф кафан сотиб олди. Исони хочдан тушириб олиб, кафанга ўради ва қояда ўйилган қабрга қўйди. Кейин қабрнинг оғзига бир тошни юмалатиб келтириб, қўйиб кетди. <sup>47</sup> Мағдалалик Марям билан Юсуфнинг онаси Марям эса Исонинг қаерга кўмилганини кўрдилар.

### Исонинг тирилиши

**16** Шанба кунги дам олиш вақти тугагач, мағдалалик Марям, Ёқубнинг онаси Марям ва Саломия бориб Исога суртиш учун атирлар сотиб олдилар. <sup>2</sup> Яқшанба куни жуда барвақт туриб, тонг отарда қабрга бордилар. <sup>3</sup> Улар бир-бирига:

– Қабр оғзидаги тошни биз учун ким ағдариб беради? – дейишди.

<sup>4</sup> Бошларини кўтариб қарашсаки, тош аллақачон ағдарилган экан; у жуда ҳам катта эди. <sup>5</sup> Қабр ичига кириб, ўнг томонда ўтирган оқ кийимли бир йигитни кўрдилару, чўчидилар.

<sup>6</sup> Йигит уларга:

†† ПАРДА: луғатга қаранг.

– Қўрқманглар! – деди. – Сизлар хочга михланган носиралик Исони изламоқдасизлар. У тирилди, У бу ерда йўқ. Мана Унинг қўйилган жойи! <sup>7</sup> Энди сизлар бориб Унинг шогирдларига, айниқса Бутрусга: “У сизларни Жалилада кутяпти; сизларга айтганидек, Уни ўша ерда кўрасизлар”, – деб айтинглар.

<sup>8</sup> Аёллар қабрдан чиқиб, югуриб қочиб кетдилар. Уларни қалтироқ ва даҳшат босган эди. Қўрққанларидан ҳеч кимга бирон нарса айтмадилар.

#### Исонинг шогирдларига зоҳир бўлиши

<sup>9</sup> Якшанба куни эрта саҳарда тирилган Исо биринчи бўлиб етти жиндан қутқарган мағдалалик Марямга кўринди. <sup>10</sup> Марям бориб, илгари Исо билан бирга бўлган, энди эса мотам тутиб йиғлаётган кишиларга хабар етказди. <sup>11</sup> Бироқ улар Исонинг тирик эканлигини ва Марям Уни кўрганлигини эшитсалар ҳам, ишонмадилар.

<sup>12</sup> Шундан кейин Исо йўлда бир қишлоқ томон кетаётган иккита шогирдига бошқачароқ қиёфада кўринди. <sup>13</sup> Улар эса қайтиб келиб, бошқаларга хабар етказишди, лекин уларга ҳам ишонмадилар.

<sup>14</sup> Ниҳоят, Исо Ўзининг еб-ичиб ўтирган ўн бир шогирдига зоҳир бўлди. Уни тирилган ҳолда кўрган

одамларга ишонмай, имонсиз қолганлари, дийдасини қотиргани учун уларга таъна қилди.

#### Исонинг сўнги сўзлари ва осмонга кўтарилиши

<sup>15</sup> Исо шогирдларига деди: “Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар. <sup>16</sup> Ким ишониб, сувда имон келтирса, нажот топади. Ишонмаган эса маҳкум бўлади. <sup>17</sup> Қуйидаги аломатлар имонлиларга ҳамроҳ бўлади: Менинг номим билан жинларни қувиб чиқарадилар. Янги тилларда сўзлайдилар. <sup>18</sup> Қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки ҳалокатли бирон нарса ичсалар ҳам, уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйганда, улар соғайиб кетадилар”.

<sup>19</sup> Раббимиз Исо шогирдларига ушбуларни тайинлаб бўлгач, осмонга кўтарилди ва Худонинг ўнг томонига ўтирди.

<sup>20</sup> Шогирдлар эса кетиб, ҳамма ёқда воизлик қилиб юрдилар. Раббимиз уларга кўмаклашар ва пайдо қилган мўъжизалар орқали Ўз каломини тасдиқлар эди.

Омин.

#### ХУШХАБАР

# ЛУҚО

## ХУШХАБАР

### Муқаддима

**1** Орамизда авж олган воқеаларни ҳикоя қилишга киришган кўпларнинг ташаббуслари маълумдир. <sup>2</sup> Бу бўлиб ўтган ҳодисотларни бошданок ўз кўзлари ила кўриб, бизга нақл қилган кишилар Илоҳий Каломнинг шоҳиду хизматкорлари бўлмишлар. <sup>3</sup> Шундай қилиб, мен ҳам бошидан ҳаммасини синчиклаб текширганимдан кейин, эй муҳтарам Теофил †, бу воқеаларнинг тафсилотини тартиб ила сизга ёзиб беришни муносиб кўрдим, <sup>4</sup> токи сиз берилган маълумотларнинг жуда асосли эканини билингиз.

### Яхё пайғамбарнинг туғилиши ҳақида каромат

<sup>5</sup> Яхудия юртида Ҳирод ҳокимлик қилаётган даврда руҳонийларнинг Абиё аждодидан Закариё исмли бир руҳоний бор эди. Унинг хотини эса Ҳорун авлодидан бўлиб, оти Элисабет эди.

<sup>6</sup> Буларнинг иккови ҳам солиҳ ва художўй кишилар бўлиб, Худованднинг бутун амру фармонларига беками-кўст риоя қилиб юришар эди. <sup>7</sup> Лекин Элисабет пуштсиз бўлганидан, уларнинг фарзанди йўқ эди; бунинг устига иккови ҳам қартайиб қолган эдилар.

<sup>8</sup> Хизмат навбати ўз авлодига қолган бир кунда Закариё Худо ҳузурида руҳонийлик хизматини ўтаб турган эди. <sup>9</sup> Руҳонийлар одати бўйича, Худованд маъбадига †† кириб хушбўй тутатқилар тутатиш қуръаси унга насиб этган эди. <sup>10</sup> Тутатқи тутатиш вақтида катта жамоат ташқарида ибодат қилаётган эди. <sup>11</sup> Шу пайт Худованднинг бир фариштаси тутатқи тутатиладиган қурбонгоҳнинг ўнг ёғида пайдо бўлиб, Закариёга зоҳир бўлди. <sup>12</sup> Закариё уни кўриб, эсанкиради-ю ваҳимага тушди.

<sup>13</sup> Фаришта унга деди:

– Закариё, кўрқма, чунки сенинг илтижоларинг ижобат бўлди. Хотининг Элисабет сенга бир ўғил туғиб беради ва унинг исмини Яхё қўясан. <sup>14</sup> У сенга шодлик ва бахт-саодат келтиради, унинг туғилганидан кўплар қувонади. <sup>15</sup> У Худованд назарида улуғ киши бўлади, маю шаробни сира

† ТЕОФИЛ: “Худо севган” маъносигаги номаълум шахс исми; ёзилган асарни атоқли шахс номига тақдим этиш у даврнинг одати эди. †† МАЪБАД: луғатга ва маъбад харитасига қаранг.

ичмайди. Онаси қорнидан у Муқаддас Рухга ‡ тўлиб тушади. <sup>16</sup> Исроил фарзандларидан кўпларини у ўзларининг Эгаси – Худовандга қайтариб қўяди. <sup>17</sup> У Илёс пайғамбарнинг руҳи ва қудрати ила Раббимиз олдида юриб келади. Оталар дилини фарзандларига қайтариб, осий бандаларнинг фикрини солиҳлар томон мойил қилиб, ҳозирланмиш бир халқни Раббимизга тақдим этади.

<sup>18</sup> Закариё фариштага:

– Мен бунга қандай амин бўламан? Мана, ўзим қариб қолдим, хотиним ёши ҳам ўтиб қолди, – деди. <sup>19</sup> Фаришта унга жавоб берди:

– Мен Худо олдида турган Жаброилман, сенга бу гаплар тўғрисида хушхабар етказиш учун юборилганман. <sup>20</sup> Ўз вақтида бажо бўлажак сўзларимга ишонмаганинг учун, мана энди тилдан қопласан. Бу ишлар амалга ошадиган кунгача гапиролмайсан, – деди.

<sup>21</sup> Шу орада Закариёни кутиб турган халқ унинг маъбадда имиллаб қолганига ҳайрон бўлди. <sup>22</sup> Закариё халқ олдида чиққач, сўзламоққа тили айланмади. Халқ унинг маъбадда ваҳий кўрганлигини тушунди. Закариё гунг бўлиб қолгани учун, улар билан имо-ишора орқали мулоқот этди.

<sup>23</sup> Диний хизмат муддати тугагач, Закариё уйига қайтиб борди. <sup>24</sup> Орадан кунлар ўтиб, унинг хотини Элисабет ҳомиладор бўлди. У беш ой яшириниб юрди. <sup>25</sup> “Бу менга Раббимнинг назарлари тушган шу кунларда бўлди, – дерди у. – У менга эътибор бериб, эл ичида юзи қоралиқдан қутқарди”.

### Исо Масиҳнинг туғилиши ҳақида каромат

<sup>26</sup> Элисабетнинг ҳомиладорлигига олти ой бўлгач, Худо фаришта Жаброилни Жалиланинг Носира деган шаҳрига, <sup>27</sup> Довуд авлодидан Юсуф исмли йигитга унаштирилган бир қизга юборди. Қизнинг оти Марям эди. <sup>28</sup> Фаришта унинг олдида кириб: – Салом, эй Худо ёрлақан! Худованд сен билан. Аёллар ичра мубораксан, – деди.

<sup>29</sup> Марям эса фариштани кўриб, унинг сўзларидан саросимага тушди. “Бу қанақа саломлашиш бўлди?” – дея кўнглидан ўтказди.

<sup>30</sup> Фаришта унга деди:

‡ МУҚАДДАС РУҲ: Худонинг Рухи.

– Марям, кўрқма, сен Худодан иноят топдинг.  
<sup>31</sup> Мана, сен ҳомиладор бўлиб, ўғил туғажаксан ва Унинг исмини Исо кўюрсан. <sup>32</sup> У улуғ бўлгай, Худойи Таолонинг ўғли деб ном олгай. Худойи Таоло Унга отаси Довуднинг тахтини бергай. <sup>33</sup> У Ёқуб хонадони † узра абадий подшоҳлик қилур ва бу подшоҳликнинг чеки бўлмагай.

<sup>34</sup> Марям:

– Мен ҳали эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлади? – деб сўради фариштадан. <sup>35</sup> Фаришта жавоб берди:

– Муқаддас Руҳ сенинг устингга тушиб келади, Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу сабабли сендан туғилажак муқаддас бола Худонинг ўғли дейилур. <sup>36</sup> Мана, бепушт деб юришган қариндошинг Элисабет ҳам қарилигида ўғилга ҳомиладор бўлди. Ҳомиласи олтинчи ойда. <sup>37</sup> Зеро Худонинг бирон каломи пучга чиқмас.

<sup>38</sup> Шунда Марям:

– Мана, мен Худованднинг бандасиман. Менга айтганинг келсин, – деди. Фаришта эса унинг ёнидан ғойиб бўлди.

### Марям Элисабетнинг уйида

<sup>39</sup> Марям ўша кунлардаёқ зудлик билан йўлга тушиб, тоғлик юртга, Яхудо қабиласига мансуб бир шаҳарга борди. <sup>40</sup> У Закариёнинг уйига кириб Элисабет билан саломлашди. <sup>41</sup> Элисабет Марямнинг саломини эшитгани замон унинг қорнидаги боласи ўйноқлаб кетди. Элисабет Муқаддас Руҳга тўлди-да, <sup>42</sup> баланд овоз билан хитоб қилиб деди:

– Сен аёллар ичра мубораксан, қорнингдаги бола ҳам муборакдир! <sup>43</sup> Не бахтки, Раббимнинг оналари менга ташриф айладилар! <sup>44</sup> Сенинг саломинг қулоғимга етиши биланоқ қорнимдаги бола қувончдан ўйноқлаб кетди. <sup>45</sup> Эй эътиқод қилган, бахтлисан! Чунки Худованд сенга айтганларини амалга оширгай.

<sup>46</sup> Марям шундай деди:

<sup>47</sup> “Жон-танним-ла Худовандни улуғлайман, Халоскор Тангрим ила кўнглим шод-хуррам.

<sup>48</sup> Мен бандаи ҳақирига У назар солди.

Энди мени барча авлодлар олқагай.

<sup>49</sup> Қодир Тангри азимкорлик кўрсатди менга; Унинг исми – муқаддасдир.

<sup>50</sup> Унинг марҳаматлари насиб этгай

Ундан кўрққан авлод-аждодларга.

<sup>51</sup> Кучини У кўрсатди-да қўлдан келувчи, Манманларни ўз хаёллари-ла тўздай тўзитди.

<sup>52</sup> Тахтларидан туширди ҳукмдорларни, Баландга кўтарди ҳақир-мўминни.

<sup>53</sup> Очларни тўйғизиб бахт-саодатли қилди, Қуппа-қуруқ жўнатди бойликка ўчни.

<sup>54</sup> Ота-бобомизга берган ваъдаси бўй-ла,

Иброҳимга ҳамда унинг зурриётига

<sup>55</sup> Шафқат қилишни ёдда тутиб мангу,

Ўғлони – Исроилга ҳиммат айлади”.

<sup>56</sup> Шундай қилиб, Марям уч ойча Элисабет билан бўлиб, ўз уйига қайтиб келди.

### Яхё пайғамбарнинг туғилиши

<sup>57</sup> Элисабетнинг ой-куни тўлиб, ўғил туғди. <sup>58</sup> Қўни-қўшни ва қариндошлари Худованднинг унга кўрсатган буюк марҳаматини эшитиб, у билан бирга қувонишди. <sup>59</sup> Саккизинчи куни болани суннат қилгани олиб боришди. Унга отасининг исмини – Закариё қўймоқчи бўлишди. <sup>60</sup> Бунга боланинг онаси эътироз билдириб:

– Йўқ, исмини Яхё кўямиз, – деди. <sup>61</sup> Лекин бошқалар:

– Қариндош-уруғинг орасида бу исм билан аталган ҳеч ким йўқ-ку, – дейишди унга.

<sup>62</sup> Шу пайт отасига ҳам имо-ишора қилиб, ундан болага қандай исм қўймоқчи эканлигини сўрашди. <sup>63</sup> Закариё бир тахтача талаб қилди ва: “Унинг исми Яхё бўлади”, – деб ёзиб қўйди. Ҳамма ҳайрон қолди. <sup>64</sup> Ўша заҳоти Закариёнинг оғзи очилиб, тилга кирди. У Худони улуғлаб гапира бошлади.

<sup>65</sup> Атрофда яшовчиларнинг ҳаммасини ваҳима босди. Бу ҳақдаги овоза бутун тоғлик Яхудия ўлкасига ёйилиб, оғизга тушиб кетди. <sup>66</sup> Эшитган барчанинг фикри булар билан банд бўлиб: “Ажабо, бу бола ким бўлар экан?” – деб юришди. Чунки Худованднинг қўли унда намоён эди.

### Закариёнинг пайғамбарона мадҳияси

<sup>67</sup> Чақалоқнинг отаси Закариё Муқаддас Руҳга тўлиб, башорат қилиб деди:

<sup>68</sup> “Ўз халқини йўқлаб, асоратдан қутқарган Раббимиз

Исроилнинг Худовандига ҳамду санолар!

<sup>69</sup> У қули Довуд хонадонидан чиққан

Қудратли Нажоткорни берди бизга;

<sup>70</sup> Қадимдан муқаддас пайғамбарлар орқали сўзлаганига мувофиқ,

<sup>71</sup> У барча ашаддий душманларимиз қўлидан бизни қутқаргай.

<sup>72</sup> Ота-бобомизларга марҳамат айлаб, Улар-ла қилган муқаддас аҳдини ёдлади.

<sup>73</sup> Отамиз Иброҳимга қасамёд қилганига кўра, У ёвларимиз қўлидан бизни қутқариб,

<sup>74</sup> Умримиз борича Ўз паноҳида бехатар сақлаб,

<sup>75</sup> Муқаддаслик ва солиҳлик ила Ўзига хизмат қилмоғимизга илож топажак.

<sup>76</sup> Сен ҳам, эй чақалоқ,

Ҳақ Таолонинг пайғамбари деб ном оласан.

Зеро сен Раббимиз олдида юриб,

У қадам босар йўлни муҳайё қилурсан.

<sup>77</sup> Унинг халқига гуноҳлари афв бўлиб,

Нажот топажакларини англатарсан.

<sup>78</sup> Зеро Худойимиз меҳр-шафқати ила

Юксакликдан нажот тонги ёришди,

Уфқимизни равшан қилиб юборди.

† ЁҚУБ ХОНАДОНИ: Исроил халқи.

<sup>79</sup> Зулматда, ўлим соясида ўтирганларга зиёсин сочди,

Оёқларимизни эса тинчлик йўлига бурди”.

<sup>80</sup> Шундай қилиб, бола Яҳё улғайиб ва руҳан қувватланиб, Исроилга кўринадиган кунигача чўл-сахроларда бўлди.

### Исо Масихнинг туғилиши

**2** Ўша кунларда Қайсар † Август, бутун Рим дунёсидаги аҳоли рўйхатга олинсин, деган фармон чиқарди. <sup>2</sup> Шундай қилиб, Сурияда Квириний ҳокимлик қилганда илк бор рўйхатга олиш содир бўлди. <sup>3</sup> Ҳар ким рўйхатдан ўтиш учун ўз шахрига борди.

<sup>4</sup> Шунингдек, Юсуф ҳам Жалиланинг Носира шаҳридан Яхудияга, Довудлар шаҳри Байтлахмга борди. Чунки у Довуд насаби ва хонадонидан эди.

<sup>5</sup> У ўзига унаштирилган қиз, ҳомиладор Марям билан бирга рўйхатдан ўтмоқчи бўлди. <sup>6</sup> Улар ўша ерда бўлганларида эса Марямнинг ой-куни тўлди.

<sup>7</sup> У ўзининг тўнғич ўғлини туғди. Уни йўрғаклаб, охурга ётқизиб қўйди, чунки мусофирхонада уларга жой йўқ эди.

### Чўпонлар ва фаришталар

<sup>8</sup> Ўша юртда чўпонлар бор эди. Улар тунда сурувларини пойлаб, далада тунар эдилар.

<sup>9</sup> Тўсатдан Худованднинг фариштаси уларнинг олдида пайдо бўлди ва илоҳий нур уларнинг кўзларини қамаштирди. Бу даҳшат чўпонларни ваҳимага солди.

<sup>10</sup> – Қўрқманглар! – деди уларга фаришта. – Мен сизларга эл-халқни чексиз қувонтиражак Хушхабарни келтирдим. <sup>11</sup> Бугун Довудлар шаҳрида сизлар учун Халоскор туғилди. У Раббимиз – Масихдир ††. <sup>12</sup> Мана, сизларга Унинг белгиси: йўрғакланган, охурда ётган чақалоқни топасизлар.

<sup>13</sup> Бирданига фаришта ёнида лак-лак самовий қўшинлар буй кўрсатди. Улар Худога ҳамду сано айтишарди:

<sup>14</sup> “Самодаги Худога ҳурмату иззат,

Ердаги бандаларга тинчлигу марҳамат!”

<sup>15</sup> Фаришталар улар олдидан осмонга кўтарилган замон, чўпонлар ўзаро сўз қотдилар:

– Қани, келинлар, Байтлахмга бориб, Худованд бизга билдирган бу воқеани кўрайлик!

<sup>16</sup> Улар югура боришиб, Марям, Юсуф ва охурда ётган чақалоқни топдилар. <sup>17</sup> Кўришибоқ, чақалоқ ҳақида ўзларига айтилган башоратдан сўзладилар.

<sup>18</sup> Ҳамма эшитганлар чўпонларнинг гапига жуда ҳайрон бўлишди. <sup>19</sup> Марям эса бу сўзларнинг барини дилига тугиб олиб, чуқур ўйлаб юрди. Охири чўпонлар:

<sup>20</sup> – Биз ҳамма нарсани айни айтилганидек топдик, – деб, эшитиб кўрганлари учун Худога ҳамду сано ўқиб, қайтдилар.

### Исони Худога бағишлаш маросими

<sup>21</sup> Орадан саккиз кун ўтиб, чақалоқни суннат қилмоқ лозим бўлди. Марям ҳомиладор бўлишидан олдин фаришта унга буюрганидай, боланинг исмини Исо қўйдилар.

<sup>22</sup> Мусонинг Қонунида ‡ баён этилган чилла даври †† тамом бўлгач, Худовандга бағишлаш учун Исони Қуддусга олиб келдилар. <sup>23</sup> Чунки Худованд Қонунида: “Туғилган ҳар бир тўнғич ўғил Худовандга бағишлансин”, деб битилган. <sup>24</sup> Яна Худованд Қонунида айтилишича, улар “иккита мусича ёки иккита каптар палапонини” қурбон қилишга ният қилдилар.

<sup>25</sup> Ўша вақтда Қуддусда Шимъўн номли бир одам бор эди. У солиҳ ва диндор бўлиб, Исроилнинг тасалли топиш замонини интизор бўлиб кутар эди. Муқаддас Руҳ эса унга ёр эди. <sup>26</sup> Муқаддас Руҳ унга: “Сен Худованд юборган Масихни кўрмагунингча, ўлмайсан”, деб илҳом берган эди.

<sup>27</sup> Шундай қилиб, Шимъўн Муқаддас Руҳ таъсирида маъбадга борди. Исонинг отасию онаси Илоҳий Қонунда буюрилган маросимларни ижро қилайлик, деб чақалоқни ичкари олиб кирганларида, <sup>28</sup> Шимъўн чақалоқни кучоғига босиб, Худони улуғлаб деди:

<sup>29</sup> “Ҳой Эгам, Сен айтган сўзингга мувофиқ, Қулингга энди тинч жавоб бергайсан.

<sup>30</sup> Зероки ўз кўзим-ла кўролдим

<sup>31</sup> Барча эллар учун ҳозирлаган нажотинг,

<sup>32</sup> Турли элу халқларга илоҳий нур сочувчи, Халқинг Исроилга эса шараф келтирувчи нажотинг”.

<sup>33</sup> Исонинг отаси Юсуф ва онаси У ҳақда айтилган бу сўзларга ҳайрон бўлишди. <sup>34</sup> Шимъўн уларни дуо қилиб, Исонинг онаси Марямга деди:

– Мана шу ётган гўдак Исроилда кўпларнинг қулаши ҳамда юксалишига сабабчи бўлади, илоҳий синоат деб кўп қаршилиқ кўзғайди. <sup>35</sup> Сенинг қалбингга ҳам бу тиғ санчилар, кўпларнинг қалбидаги фикр-хаёли ҳам ошкор бўлиб қолар.

<sup>36</sup> У ерда Ошер қабиласидан Фануилнинг қизи Анна исмли жуда кекса бир пайғамбар аёл ҳам бор эди. У ёш эр кўриб, етти йилда тул қолган эди.

<sup>37</sup> Саксон тўрт ёшар бева энди маъбаддан ҳеч айрилмасди, рўза тутарди, кечаю кундуз тоат-ибодат қилиб, Худо хизматида эди. <sup>38</sup> Шу онда у ҳам яқинлашиб, Худовандни мадҳ этганча Қуддуснинг нажот кунига кўз тикиб юрганларнинг ҳаммасига бу бола ҳақида сўзлай бошлади.

‡ МУСОНИНГ ҚОНУНИ: Тавротнинг асосини ташкил этган илоҳий буйруқлар мажмуи. †† ЧИЛЛА ДАВРИ: Таврот, Левилар 12:1-4-оятларига кўра ўғил туққан аёл қирқ кун мурдор (нопок) ҳисобланиб, бундан сўнг қурбонлик қилса, яна ҳалолланар эди.

† ҚАЙСАР: Рим императори; умуман, ҳукмрон ҳокимият кўзда тутилади. †† МАСИХ: луғатга қаранг.

<sup>39</sup> Юсуф билан Марям Худованд Қонунида буюрилган бутун удумларни бажо келтиргандан кейин Жалилага, ўз шаҳарлари Носирага қайтиб бордилар. <sup>40</sup> Бола эса ўсиб, ҳикматга бой ва руҳан бақувват бўла борган сайин, Худонинг инояти Унда намоён бўлар эди.

### Ўсмир Исо маъбадда

<sup>41</sup> Исонинг ота-онаси ҳар йили Фисиҳ байрамида Қуддусга борар эдилар. <sup>42</sup> Исо ўн икки ёшга тўлганда, улар яна одатдагидай байрам учун Қуддусга бордилар.

<sup>43</sup> Байрам кунлари тамом бўлиб, улар уйга қайтар эканлар, ўсмир Исо Қуддусда қолди. Исонинг ота-онаси эса буни пайқамадилар. <sup>44</sup> У бошқалар билан бирга келяпти, деб ўйладилар. Бир кунлик йўл юришгач, қариндош билан танишлари орасида Исони қидира бошладилар. <sup>45</sup> Уни тополмай, қидира-қидира Қуддусга қайтдилар.

<sup>46</sup> Уч кундан сўнг Уни маъбаддан топдилар. У муаллимлар орасида ўтириб, уларни тинглар ва ҳам саволлар берар эди. <sup>47</sup> Уни тинглаётганлар бари Унинг фаҳм-идрокига ва бераётган жавобларига ҳайрон эдилар. <sup>48</sup> Ота-онаси Уни кўриб, ажабландилар. Онаси Унга:

– Болам, нега бизни бундай овора қилдинг? Мана, отанг билан мен жуда қайғуриб Сени қидириб келяпмиз, – деди. <sup>49</sup> Исо уларга:

– Мени қидиришингизнинг нима кераги бор эди? Ёки Отамнинг ишлари билан машғул бўлишим кераклигини билмас эдингизми? – деди.

<sup>50</sup> Аммо улар Унинг айтган сўзларини тушунмадилар. <sup>51</sup> Исо улар билан бирга жўнаб, Носирага қайтиб келди. Уларга итоатли бўлиб юрди. Онаси эса бу гапларнинг ҳаммасини дилига тугиб олди. <sup>52</sup> Шундай қилиб, Исо заковатда ҳам, ёшда ҳам улғайиб бориб, Худо ва бандаларининг меҳрини қозонар эди.

### Яхё пайғамбарнинг ўртага чиқиши

**3** Қайсар Тибериус салтанатининг ўн бешинчи йили эди. Яхудияда Пўнтий Пилат, Жалилада Ҳирод, Итурея билан Трахонит вилоятларида унинг укаси Филип, Авила юртида эса Лисаний ҳокимлик қилар эдилар. <sup>2</sup> Ҳанан ва Каяфа олий руҳоний лавозимида эдилар.

Ўша вақтда саҳрода яшаётган Закариёнинг ўғли Яхёга Худо каломи келди. <sup>3</sup> Яхё Ўрдун дарёси атрофидаги бутун юртларни кеза бошлади, халқни тавба-тазарру қилишга ва гуноҳлари кечирилиши учун сувга чўмиб имон келтиришга чорлади. <sup>4</sup> Бу воқеа худди Ишаъё пайғамбарнинг китобида битилган оятга тўғри келади:

“Мана, чўлда нидо янграмоқда:  
Худованд йўлини тайёрлангиз,  
Равон айлангиз сўқмоқларин! – дея.

<sup>5</sup> Неки сой бор, тўлажак лим-лим,

Ҳар тоғу тош чўкажак бир қур.

Қинғир-қийшиқ йўллар ростланиб,  
Паст-баландликлар текис бўлур,

<sup>6</sup> Ҳар бир башар Худо нажотин кўрур”.

<sup>7</sup> Яхё ўз ҳузурида сувга чўмиб имон келтириш учун келаётган халқ оммасига хитоб қилди:

– Ҳой илонлар зоти-ей! Бошингизга келаётган Худо ғазабидан қочишни сизларга ким уқтирди?

<sup>8</sup> Бундан буён тавба қилганингизга яраша самара беринглар! Ўзингизча: Отамиз Иброҳим, деб ўйлаб ўтирманглар. Мен сизларга: Худо шу тошлардан Иброҳимга авлод тиклашга қодир, деяпман.

<sup>9</sup> Ҳозирдан дарахтлар илдизида болта ётибди-ку. Энди яхши мева бермаган ҳар бир дарахт кесилиб оловга ташланади.

<sup>10</sup> Халойиқ Яхёдан сўради:

– Ундай бўлса, биз нима қилишимиз керак?

<sup>11</sup> У жавоб бериб деди:

– Кимнинг иккита уст-боши бўлса, бирини муҳтожларга берсин. Кимнинг озиқ-овқати бўлса, у ҳам шундай қилсин.

<sup>12</sup> Солиқчилардан баъзилари ҳам сувда имон келтириш учун келиб, Яхёдан:

– Устоз, биз нима қилишимиз керак? – деб сўрашди. <sup>13</sup> Яхё:

– Сизларга буюрилганидан ортиғини талаб қилманглар, – деб жавоб берди. <sup>14</sup> Баъзи бир аскарлар ҳам ундан:

– Ҳўш, бизлар нима қилишимиз керак? – деб сўрадилар. Яхё уларга:

– Ҳеч талончилик қилманглар, ҳеч кимнинг ҳақини еманглар, ўз маошингиз билан қаноатланиб юринглар, – деди.

<sup>15</sup> Халойиқ умидвор бўлиб, Яхё ҳақида: “Бу Масиҳ эмасмикин?” – деб кўнгилдан ўтказиб турар эди.

<sup>16</sup> Яхё эса ҳаммага жавобан деди:

– Мен сизларни сувгагина чўндириб юрибман.

Лекин бундан сўнг мендан қудратли Киши келмоқда, мен Унинг чориқ игларини ечишга ҳам муносиб эмасман. У сизларни Муқаддас Рухга ва оташга чўндиради. <sup>17</sup> Унинг паншаҳаси қўлида тайёр турибди, У Ўз хирмонини шопириб ташлайди: буғдойни Ўз омборига тўплаб, сомонни эса сўнмас ўтда ёндириб юборади.

<sup>18</sup> Яхё яна кўп нарсалар хусусида халойиққа насиҳат қилиб, Хушхабарни баён этар эди.

<sup>19</sup> Вилоят ҳокими Ҳирод ҳам Яхё тарафидан фош бўлиб қолди. Чунки у ўз укасининг хотини Ҳиродияни олган ва бошқа бир қатор ёмонликлар ҳам қилган эди. <sup>20</sup> Шундай қилиб, Ҳирод қилғиликлари етмагандай, бунинг устига Яхёни зиндонга қаматиб қўйди.

### Исонинг Худо томонидан тасдиқланиши

<sup>21</sup> Барча халойиқ сувга чўмиб имон келтираётган вақтда, Исо ҳам сувга чўмди. У ибодат қилиб турганда осмон очилиб кетди <sup>22</sup> ва Муқаддас Рух жисм тусини олиб, каптар шаклида Унинг устига

тушиб келди. Осмондан эса: “Сен Менинг севикли Ўғлимсан, Сендан мамнунман”, – деган садо келди.

#### Исонинг насабномаси

<sup>23</sup> Исо Ўз хизматини бошлаган вақтда ўттиз ёшлар чамасида эди. У Юсуфнинг ўғли ҳисобланар эди.

Юсуф эса – Эли ўғли,

<sup>24</sup> Маттот ўғли, Левий ўғли, Малкий ўғли, Янай ўғли, Юсуф ўғли,

<sup>25</sup> Маттатиё ўғли, Омўс ўғли, Наҳум ўғли, Ҳесли ўғли, Нагай ўғли,

<sup>26</sup> Маҳат ўғли, Маттатиё ўғли, Шимъий ўғли, Йўсеф ўғли, Йўдо ўғли,

<sup>27</sup> Юҳанно ўғли, Резо ўғли, Зарубобил ўғли, Шаълтиэл ўғли, Нерий ўғли,

<sup>28</sup> Малкий ўғли, Аддий ўғли, Қосам ўғли, Элмодам ўғли, Фер ўғли,

<sup>29</sup> Йўшуа ўғли, Ильазар ўғли, Ёрим ўғли, Маттот ўғли, Левий ўғли,

<sup>30</sup> Шимъўн ўғли, Яҳудо ўғли, Юсуф ўғли, Юнус ўғли, Элёқим ўғли,

<sup>31</sup> Малиё ўғли, Манно ўғли, Маттато ўғли, Натан ўғли, Довуд ўғли,

<sup>32</sup> Ишай ўғли, Обид ўғли, Бўаз ўғли, Салмўн ўғли, Наҳшўн ўғли,

<sup>33</sup> Аминадоб ўғли, Ром ўғли, Ҳасрўн ўғли, Парас ўғли, Яҳудо ўғли,

<sup>34</sup> Ёқуб ўғли, Исҳоқ ўғли, Иброҳим ўғли, Тераҳ ўғли, Наҳўр ўғли,

<sup>35</sup> Саруғ ўғли, Рағу ўғли, Фалаж ўғли, Ҳавер ўғли, Шалаҳ ўғли,

<sup>36</sup> Қенан ўғли, Арпахшод ўғли, Сом ўғли, Нух ўғли, Ламак ўғли,

<sup>37</sup> Матушалоҳ ўғли, Ҳанўх ўғли, Ёред ўғли, Маҳолалил ўғли, Қенан ўғли,

<sup>38</sup> Энўш ўғли, Шит ўғли, Одам ўғли, Худо ўғли эди.

#### Исонинг васвасага солиниши

**4** Исо Муқаддас Рухга тўлган ҳолда Ўрдун дарёсидан қайтиб келди. У Муқаддас Рухнинг таъсирида саҳрода айланиб юриб, <sup>2</sup> қирқ кун иблис томонидан васвасага солинди. У бу кунларда ҳеч нарса емай, охирида оч қолди. <sup>3</sup> Ўшанда иблис Исога:

– Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, бу тошга буюр, нонга айлансин! – деди. <sup>4</sup> Исо бунга жавобан:

– *Тавротда*: “Инсон ёлғиз нон билан эмас, балки Худонинг ҳар бир каломи билан яшайди”, деб ёзилган, – деди.

<sup>5</sup> Сўнг Исони баланд бир тоққа олиб чиқиб, иблис бир лаҳзада оламнинг барча салтанатларини Унга кўрсатди. <sup>6</sup> Иблис Исога деди:

– Барча бу ўлкалар устидан ҳокимлик қилишни ҳамда буларнинг шон-шуҳратини Сенга бераман; улар менга топширилган ва мен истаганимга бераман. <sup>7</sup> Энди Сен менга сажда қилсанг бас, ҳаммаси Сеники бўлади.

<sup>8</sup> Исо жавоб бериб:

– Йўқол олдимдан шайтон! *Тавротда*: “Эганг Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл”, деб ёзилган, – деди.

<sup>9</sup> Кейин иблис Исони Қуддусга олиб борди. Уни маъбаднинг тепасига турғизиб, шундай деди:

– Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, ўзингни бу ердан пастга ташла-чи. <sup>10</sup> Чунки шундай битилгани бор:

“У Ўз фаришталарига сен ҳақда амр этгай, Токи сени асраб қолсинлар.

<sup>11</sup> Улар сени қўлларига кўтариб кетар, Оёғинг ҳам тошга қоқилмагай” †.

<sup>12</sup> Исо иблисга жавобан:

– Яна: “Эганг Худовандни синама”, деб ёзилгани ҳам бор, – деди.

<sup>13</sup> Иблис эса барча васвасаларини тамом қилгандан кейин вақтинча Исодан узоқлашди.

#### Исонинг Ўз юртида рад қилиниши

<sup>14</sup> Исо Муқаддас Рух қудратида Жалилага қайтиб келди. У ҳақда мамлакат бўйлаб овоза тарқалди.

<sup>15</sup> Яҳудийлар ибодатхоналарида таълим бергани сари, ҳамма Унинг дуосини қилди.

<sup>16</sup> Сўнг Исо ўсиб тарбияланган жойи Носирага борди. Ўз одати бўйича шанба †† кунда ибодатхонага кириб, тиловат қилиш учун ўрнидан турди. <sup>17</sup> Унга Ишаё пайғамбарнинг китобини узатдилар. У китобни очиб, қуйидаги оят ёзилган жойни топди:

<sup>18</sup> “Худованднинг Рухи Менга ёр.

У Мени муқаддас мой-ла мойлади.

Бечораларга мужда етказмоқ учун,

Дилабгорларга шифо бермоқ учун,

Асирга: озод бўлгил,

Кўрга: очилсин кўзинг, демоқ-чун,

Мазлумга эркинликни эълон этиб,

<sup>19</sup> Марҳамат йили бўлгай, демоқ-чун,

Худованд Мени юборди”.

<sup>20</sup> Кейин Исо китобни ёпиб, хизматкорга бериб,

ўтирди. Ибодатхонадаги барчанинг кўзи Унга

тикилди. <sup>21</sup> Исо уларга сўзлай бошлади:

– Сизлар эшитган калом шу бугун бажо бўлди, – деди.

<sup>22</sup> Ҳамма Исонинг айтганларини маъқуллар эди. Унинг оғзидан чиққан латиф сўзларга маҳлиё бўлишиб: “Юсуфнинг ўғли эмасми Ўзи?” – деб қўяр эдилар.

<sup>23</sup> Исо уларга деди:

– Сизлар албатта: “Эй табиб, ўзингни ўзинг давола” деган матални эсимга туширмоқчисизлар. “Биз эшитганимиздай, Кафарнаҳумда рўй берган ишларни бу ерда, ўз юртингда ҳам қил-чи”, деб айтмоқчисизлар-да.

<sup>24</sup> Кейин Исо давом этди:

† қаранг: Забур 90:11-12. †† ШАНБА: яҳудийларнинг дам олиш ва ибодат кунни.

– Сизларга чинини айтайин, ҳеч қандай пайғамбар ўз юртида қабул қилинмайди.  
<sup>25</sup> Масалан, Илёс пайғамбар даврида уч йилу олти ой осмон тутилиб, бутун мамлакатда оғир очарчилик бўлганда, Исроилда кўп бева аёллар бор эди.  
<sup>26</sup> Аммо Илёс уларнинг биронтасига юборилмай, фақатгина Сидўн диёридаги Зорафат шаҳрида яшовчи бир бевага юборилган эди.  
<sup>27</sup> Худди шу сингари Элиша пайғамбарнинг даврида ҳам Исроилда кўп моховлар бор эди. Аммо буларнинг биронтаси соғаймаган бўлса-да, фақатгина суриялик Наоман соғайиб қолди, – деди.  
<sup>28</sup> Ийғилган жамоат буларни эшитиб, ҳаммалари қаттиқ ғазабланиб кетишди.  
<sup>29</sup> Ўринларидан туриб, Исони шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқаришди-да, Уни ташлаб юбориш учун ўз шаҳарлари қурилган тепанинг четига олиб боришди.  
<sup>30</sup> Лекин Исо уларнинг орасидан ёриб ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

### Ибодатхонадан жинни қувиб чиқариш

<sup>31</sup> Исо Жалиланинг Кафарнаҳум шаҳрига келиб, шанба кунларида халққа таълим берадиган бўлди.  
<sup>32</sup> Халқ эса Исонинг таълимотига ҳайрон қолди, чунки Унинг сўзида куч-қудрат бор эди.  
<sup>33</sup> Шаҳарнинг ибодатхонасида жинга чалинган, ёмон руҳли бир одам бор эди. У баланд овоз билан бақариб:  
<sup>34</sup> – Қўйсанг-чи, носиралик Исо! Бизлар билан нима ишинг бор? Сен бизни ҳалок қилгани келдинг-ку! Сенинг кимлигингни биламан: Сен Худонинг Азизисан! – деди.  
<sup>35</sup> – Жим бўл ва бу одамдан чиқиб кет! – деди Исо жинга дўқ уриб.  
 Жин эса бу одамни ҳамманинг кўз ўнгида ерга қулатди-да, унга ҳеч қандай зарар етказмай, чиқиб кетди.  
<sup>36</sup> Ҳаммани ваҳима босди. Халқ ўзаро мулоҳаза қилиб: “Бу қандай гап экан? У ёмон руҳларга ҳам куч-қудрат ва ҳокимлик билан буюради, улар эса чиқиб кетади!” – дейишар эди.  
<sup>37</sup> Шундай қилиб, Исо ҳақидаги шов-шув ён-атрофга овоза бўлди.

### Кўп хасталарни соғайтириш

<sup>38</sup> Исо ибодатхонадан чиқиб Симуннинг уйига кирди. Симуннинг қайнонаси оғир иситмада қийналиб ётган эди. Исога касални кўриб қўйишни илтимос қилишди.  
<sup>39</sup> Исо аёлнинг ёнига келиб, иситмани койиб қўйди. Иситма эса ўша заҳоти аёлни тарк этди. У турибоқ, уларга хизмат қилишга тутинди.  
<sup>40</sup> Қуёш ботаётган чоғ, ҳамма турли хасталикларга йўлиққан одамларини Исонинг ҳузурига келтиришарди. Исо қўлларини ҳар бирига тегизиб уларга шифо берарди.  
<sup>41</sup> Жинлар эса: “Сен Худонинг Ўғли – Масихсан!” – деб бақирганларича, кўп одамларни тарк этардилар. Исо жинларга дўқ уриб,

гапиришларига монелик қиларди. Чунки улар Унинг Масихлигини биларди.

<sup>42</sup> Кундуз бўлгач, Исо уйдан чиқиб хилват жойга тортиниб кетди. Халқ эса Уни қидириб топиб, ташлаб кетмасликни сўраб ёлворди.  
<sup>43</sup> Исо уларга:  
 – Мен Худо салтанати † тўғрисидаги Хушхабарни бошқа шаҳарларга ҳам етказишим фарз, Мен шунинг учун юборилганман, – деди.

<sup>44</sup> Шундай қилиб, Исо Жалила †† юртининг ибодатхоналарида воизлик қилиб юрди.

### Исонинг дастлабки шогирдлари

**5** Бир куни Исо Генисарет кўли ёқасида турганда, халойиқ Худонинг каломини тинглаш учун Унинг ҳузурига тирбанд эди.  
<sup>2</sup> Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар шу орада қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар.  
<sup>3</sup> Қайиқлардан бири Симуннинг қайиғи эди. Исо унга тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузиб боришни Симундан илтимос қилди. Сўнг ўтириб, қайиқ ичидан халққа таълим беришга тушди.  
<sup>4</sup> Насихатларини тугатиб, Исо Симунга:  
 – Чуқурроқ сувларга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар, – деди.  
<sup>5</sup> Симун жавоб бериб:

– Устоз, бизлар тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тутолмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, – деди.

<sup>6</sup> Улар Исонинг айтганини қилгач, жуда кўп балиқ овладиларки, ҳатто тўрлари йиртилиб кетди.  
<sup>7</sup> Улар бошқа қайиқдаги ўртоқларига ёрдам беришлари учун ишора қилдилар. Ўртоқлари келиб, иккала қайиқни чўкар даражада тўлдириб олдилар.

<sup>8</sup> Симун Бутрус буни кўрди-да, Исонинг тизига чўккалаб:

– Ё Раббий! Менинг олдимдан кетгин, чунки мен гуноҳкор инсонман, – деди.  
<sup>9</sup> Улар тутган бундай мўл балиқ овидан ўзини ва у билан бирга бўлганларнинг ҳаммасини ваҳима босган эди.  
<sup>10</sup> Симуннинг шериклари Забадий ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам ваҳимага тушишган эди.

Исо Симунга қараб:

– Қўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан, – деди.

<sup>11</sup> Улар иккита қайиқни қирғоққа тортдилар ва ҳаммасини қолдириб, Исонинг ортидан эргашдилар.

### Исонинг моховни соғайтириши

<sup>12</sup> Исо бир шаҳарда бўлганда, бутун танаси мохов бўлган бир киши келиб қолди. У Исони кўриб, юз тубан ерга ташланди-да:

– Эй Ҳазрат, агар истасанг, мени моховликдан поклай оласан, – деб ялинди.

<sup>13</sup> Исо қўлини узатди ва унга тегизиб:

† ХУДО САЛТАНАТИ: Худонинг Шоҳлиги; луғатга қаранг. †† ЖАЛИЛА: бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Яҳудия”.



– Истайман, пок бўл! – деб қўйди. Моховлик эса ўша заҳоти ундан ариди. <sup>14</sup> Исо унга буни ҳеч кимга айтмасликни тайинлади. Унга:

– Бориб ўзингни руҳонийга кўрсат, дардинг ариганини тасдиқлатиш учун Мусо пайғамбар амр этган қурбонликларни келтириб бер; бундан ҳаммага далолат бўлсин, – деди.

<sup>15</sup> Шу билан Исо ҳақидаги гап-сўз яна кўпроқ ёйилиб кетди. Тумонат халойиқ Уни тинглаш ва ўзларининг дардларидан фориг бўлиш учун Унинг олдига йиғилиб келар эди. <sup>16</sup> У эса гоҳо-гоҳо хилват жойларга чекиниб, ибодат қилар эди.

### Исонинг шолни соғайтириши

<sup>17</sup> Исо таълим бераётган кунларнинг бирида Жалила билан Яхудия юртларининг ҳар бир қишлоғидан ҳамда Қуддусдан фарзийлар <sup>†</sup> ва Таврот тафсирчилари келди. Улар ўтириб тинглар эканлар, хасталарни шифоловчи илоҳий куч Исода намоён бўлаётган эди. <sup>18</sup> Кимсалар тўшақда шол бир одамни олиб келдилар. Уни уйга, Исонинг олдига олиб киришга уриндилар. <sup>19</sup> Лекин одам кўплигидан бунинг иложини тополмай, уйнинг томига чиқиб, томни ёриб, шолни тўшаги билан ўртага, Исонинг олдигаёқ туширдилар.

<sup>20</sup> Исо уларнинг эътиқодини кўриб:

– Эй одам боласи, сенинг гуноҳларинг кечирилди, – деди.

<sup>21</sup> Уламолар ва фарзийлар эса: “Куфрлик қилаётган бу Одам ким экан? Ёлғиз Худодан бошқа гуноҳларни ким кечира олади?” – деб мулоҳаза юрита бошладилар.

<sup>22</sup> Исо уларнинг мулоҳазаларини сезиб, бунга жавобан:

– Сизлар кўнгилда нималарни мулоҳаза қиляпсизлар? – деди. <sup>23</sup> – Нимани айтиш осонроқ: Гуноҳларинг кечирилди, деб айтишми, ёки: ўрнингдан туриб юра қол, деб айтишми? <sup>24</sup> Лекин Инсон Уғлининг <sup>††</sup> ер юзида гуноҳларни кечириш қудрати борлигини ҳам билиб қўйинглар!

Шундай дейиши билан Исо шол одамга қайрилиб:

– Сенга айтаман: Ўрнингдан тур, тўшагингни олда, уйингга юр! – деди.

<sup>25</sup> Шол ўша заҳоти ҳамманинг кўз ўнгида ўрнингдан туриб кетди, ўзи ётган тўшагини олиб, Худони улуғлаб уйига кетди. <sup>26</sup> Ҳаммани ваҳима босди. Худони олқишлар эканлар:

– Биз ажиб ишлар кўрдик-да бугун, – дедилар қаттиқ кўрқиб.

### Исонинг Левийни чақириши

<sup>27</sup> Шундан сўнг Исо у ердан чиқиб, солиқ йиғадиган жойда ўтирган Левий номли солиқчини кўриб қолди, унга:

<sup>†</sup> ФАРЗИЙЛАР: яхудийларнинг мазҳаби; луғатга қаранг. <sup>††</sup> ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

– Менинг орқамдан юр! – деди. <sup>28</sup> У ўрнингдан турди, ҳамма нарсасини қолдириб, Исонинг кетидан эргашди.

<sup>29</sup> Сўнгра Левий ўз уйида Исо шарафига катта зиёфат берди. Улар билан бирга еб-ичиб ўтирганлар орасида оддий халқдан талай киши ва кўпгина солиқчилар бор эди. <sup>30</sup> Дин олимлари ва фарзийлар эса зорланиб, Исонинг шогирдларига:

– Нега сизлар солиқчию гуноҳкорлар билан бирга еб-ичиб ўтирибсизлар? – дейишди.

<sup>31</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Соғлар эмас, беморлар табибга муҳтождир.

<sup>32</sup> Мен тақводорларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман.

### Рўза тутиш ҳақида

<sup>33</sup> Яна Унга дедилар:

– Мана, Яҳёнинг шогирдлари тез-тез рўза тутиб ибодат қилишади, фарзийларнинг шогирдлари ҳам худди шундай қилишади. Сенинг шогирдларинг-чи, нега еб-ичиб юрибдилар?

<sup>34</sup> Исо уларга деди:

– Куёв даврада бўлган вақтда тўй аҳлини рўза тутишга мажбур қилиб бўлармикин? <sup>35</sup> Бироқ куёв улардан жудо бўлган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар.

<sup>36</sup> Исо уларга бир масални ҳам айтиб берди:

– Ҳеч ким янги кийимдан йиртиб олиб, эски кийимга ямоқ солмайди. Акс ҳолда янги кийим йиртиқ-ямоқ бўлади ва янги кийимдан олинган ямоқ ҳам эски кийимга тўғри келмайди.

<sup>37</sup> Шунингдек, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Чунки янги шароб мешни йиртади, шароб тўкилади ва меш ҳам нобуд бўлади.

<sup>38</sup> Аксинча, янги шаробни янги мешга қуйиш керак. [Шунда у ҳам, бу ҳам сақлаб қолинади.] <sup>39</sup> Ҳеч ким эски шаробни сипқирар экан, янгисини истамайди. “Эскиси ширин”, – деб ўтираверади.

### Дам олиш кунига риоя қилиш ҳақида

**6** Фисиҳ байрамидан кейинги биринчи шанбада Исонинг ғалла даласидан ўтишига тўғри келди. Унинг шогирдлари бошоқларни узиб, кафтга уқалаб еяётган эдилар. <sup>2</sup> Баъзи фарзийлар эса уларга деди:

– Нега сизлар дам олиш кунига қилиш мумкин бўлмаган ишни қиляпсизлар?

<sup>3</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Наҳотки сизлар Довуд билан унинг ҳамроҳлари оч қолганда нималар қилганини ҳеч ўқимаган бўлсангиз? <sup>4</sup> Довуд Худонинг уйига кириб, фақат руҳонийларгина ейиши мумкин бўлган бахшида нонларни олиб еб, ҳамроҳларига ҳам берган эди.

<sup>5</sup> Кейин Исо уларга деди:

– Инсон Ўғли <sup>‡</sup> дам олиш кунининг ҳам ҳокимидир.

<sup>‡</sup> ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

<sup>6</sup> Бошқа шанба кунда ҳам Исо ибодатхонага кириб таълим беришга тушди. У ерда ўнг қўли қуриб қолган бир одам бор эди. <sup>7</sup> Уламолар билан фарзийлар Исони айблаш учун бирон важ топиш мақсадида, У шанба кунда ҳам одамни соғайтирармикан, деб Уни кузатиб турдилар. <sup>8</sup> Исо бўлса, уларнинг фикрларини билиб, қўли шол одамга:

– Ўрнингдан туриб ўртага чиқ! – деб буюрди. У ўртага чиқди.

<sup>9</sup> Исо ҳаммага хитоб қилиб деди:

– Мен сизларга савол берай: дам олиш кунда нима қилиш лозим – яхшиликми ёки ёмонликми? Жонни халос қилишми ёки ҳалок қилишми?

Улар индамадилар. <sup>10</sup> Исо уларга бирин-кетин кўз югуртирди-да, у одамга:

– Қўлингни узат! – деди.

У одам шундай қилиши биланоқ шол қўли бошқа қўлидай соппа-соғ бўлиб қолди. <sup>11</sup> Бошқалар эса жазаваланиб, Исони нима қилсак экан, деб ўзаро фикрлаша бошладилар.

### Исонинг ўн икки ҳаворийни танлаши

<sup>12</sup> Ўша кунларда Исо ибодат учун тоққа чиқди ва кечани Худога ибодат қилиш билан ўтказди. <sup>13</sup> Тонг ёришгач, шогирдларини ёнига чақирди ва ораларидан қуйидаги ўн икки кишини танлаб, ҳаворий † қилиб тайинлади: <sup>14</sup> У Бутрус деб ҳам юритган Симун, унинг укаси Идрис, Ёқуб, Юҳанно, Филип, Бартолмей, <sup>15</sup> Матто, Тўма, Алфей ўғли Ёқуб, ватанпарвар деб танилган Симун, <sup>16</sup> Ёқуб ўғли Яҳудо ва кейинчалик хиёнат қилган Яҳудо Ишқариёт.

<sup>17</sup> Шундан сўнг Исо улар билан бирга пастга тушиб, ясси бир жойда тўхтади. Унинг кўплаб шогирдлари, шунингдек, бутун Яҳудиядан, Қуддусдан, Тир ва Сидўн соҳилларидан келган жуда катта оломон <sup>18</sup> Исони тинглаш ва ўз хасталикларидан фориғ бўлиш учун у ерга тўпланган эдилар. Ёмон руҳлардан азият тортганлар ҳам келиб, шифо топар эдилар. <sup>19</sup> Бутун халқ Унга қўл тегизиш илинжида интилар эди, чунки Ундан ҳаммани соғайтирадиган шифобахш бир куч чиқар эди.

### Саодатлилар ва саодатсизлар

<sup>20</sup> Исо кўзларини шогирдларига тикиб, деди: “Эй камбағаллар, саодатлисиз!

Чунки Худонинг Шоҳлиги сизникидир.

<sup>21</sup> Эй ҳозир оч-юпунлар, саодатлисиз!

Чунки сиз тўқ бўлажаксизлар.

Эй ҳозир йиғлаётганлар, саодатлисиз!

Чунки сизга севинч кулгиси келур.

<sup>22</sup> Инсон Ўғлига ён босганингиз учун

Одамлар сиздан нафратланса,

Жамиятдан қувғин қилиб, ҳақорат қилса,

Номингизга доғ тушириб этса бадном, Сиз барибир саодатмандсизлар!

<sup>23</sup> Ўша кунда севининг, севинчдан ўйнанглар!

Зеро сизга само мукофоти буюк бўлур.

Пайғамбарларга ҳам оталари шу йўлни тутган.

<sup>24</sup> Лекин бойлар, ҳолингизга вой!

Чунки сиз ўз ҳузурингизни олиб бўлдингиз.

<sup>25</sup> Эй ҳозир тўқлар, ҳолингизга вой!

Чунки сиз оч қолажаксизлар.

Ҳозир кулгувчилар, ҳолингизга вой!

Сиз йиғлаб-хўнграйсизлар.

<sup>26</sup> Сиз ҳақда хуш гапирса-да ҳамма инсонлар,

Бу ҳолда ҳам ҳолингизга вой!

Сохта пайғамбарларга ҳам оталари шу йўлни тутган”.

### Душманларингизни севинглар

<sup>27</sup> “Лекин сиз, тинглаётганларга айтаман:

душманларингизни севинглар, сиздан нафратланганга яхшилиқ қилинглар. <sup>28</sup> Сизга қарғиш ёғдирганга дуолар ўқинг. Сизга озор берганлар учун ибодат қилинглар.

<sup>29</sup> Бир чакканга урганга иккинчисини ҳам тут.

Тўнингни олгандан кўйлагингни ҳам аямагил.

<sup>30</sup> Сендан сўраган ҳар кимсага бер, сеникини олгандан қайтариб беришини талаб қилма.

<sup>31</sup> Одамлар сизларга қандай муомала қилишларини истасангизлар, сиз ҳам уларга шундай муомалада бўлинг.

<sup>32</sup> Агар сизни севганларнигина севсангиз, қандай савоб қилган бўласизлар? Ана, гуноҳкорлар ҳам ўзларини севганларни севадилар. <sup>33</sup> Агар ўзингизга яхшилиқ қилганларгагина яхшилиқ қилсангиз, қандай савоб қилган бўласиз? Ана, гуноҳкорлар ҳам худди шундай қиладилар. <sup>34</sup> Агар сиз қайтариб олишга умид қилиб қарз берсангиз, қандай савоб қилган бўласиз? Ана, гуноҳкорлар ҳам қанча қарзлари бўлса, шунча қайтариб олиш мақсадидагина гуноҳкорларга қарз берадилар.

<sup>35</sup> Лекин сиз душманларингизни севинг, яхшилиқ қилинг, ҳеч нарса тама қилмай қарз беринг. Шунда буюк мукофот олиб, Таолонинг ўғиллари бўласизлар. Чунки Унинг Ўзи ҳам ношукурлар билан ёмон ниятлиларга нисбатан меҳрибон-ку.

<sup>36</sup> Шундай қилиб, Отангиз †† раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар”.

### Бошқаларни ҳукм қилманглар

<sup>37</sup> “Бошқаларни ҳукм қилманг, сизлар ҳам маҳкум бўлмайсиз. Бошқаларни айблманг, сизлар ҳам айбдор бўлмайсиз. Бошқаларни кечиринг, сизлар ҳам кечириласиз. <sup>38</sup> Бошқаларга беринг, сизларга ҳам қайтади – яхшилаб босилган, силкитилган, тўлиб-тошган ўлчов билан қўйин-қўнжингизга тўкилади. Чунки сизлар қандай ўлчов билан

† ҲАВОРИЙЛАР: луғатга қаранг.

†† ОТАНГИЗ: яъни Худо.

ўлчасангизлар, худди шундай ўлчов сизларга ҳам татбиқ этилади”.

<sup>39</sup> Исо уларга қуйидаги матални ҳам айтиб берди: “Қўр кўрни етаклаб юра олармикин? Иккаласи ҳам чоҳга тушиб кетмасмикин?” <sup>40</sup> Ана, шогирд ўз устозидан юқори бўлмас. Аммо камолотга етгандан кейин ҳар ким ўзининг устозидай бўлур.

<sup>41</sup> Сен нега биродарингнинг кўзидаги зирапчага қарайсан-у, лекин ўз кўзингдаги ходани сезмайсан?

<sup>42</sup> Сен ўз кўзингдаги ходани кўрмай туриб қандай биродарингга: “Кел, биродарим, кўзингдаги зирапчани чиқарай”, дея оласан? Эй иккиюзламачи! Олдин ўз кўзингдан ходани чиқариб қўй, кейин биродарингнинг кўзидан зирапчани чиқаришни аниқ кўрасан”.

### Дарахт ва унинг меваси

<sup>43</sup> “Яхши дарахт ёмон мева бермас, ёмон дарахт ҳам яхши мева бермас. <sup>44</sup> Ҳар бир дарахт ўз мевасидан билинур. Тиканзордан анжир терилмас, бутазордан узилмас узум. <sup>45</sup> Яхши одам ўзининг яхши қалб хазинасидан яхшилиқ чиқарур. Ёмон одам ўзининг ёмон қалб хазинасидан ёмонлик чиқарур. Одамнинг дили нимага тўлиб-тошса, тили ўшани гапирур”.

### Соғлом ва чирик негиз

<sup>46</sup> “Нега сизлар Мени “Ё Раббим, ё Раббим” деб чақирасиз-у, аммо айтганларимни қилмайсизлар? <sup>47</sup> Менинг олдимга келган ва сўзларимни эшитиб, бажо келтирган ҳар бир кишининг кимга ўхшашлигини сизларга уқтирай: <sup>48</sup> У уй қураётганда қазиб чуқур қилган ва пойдеворини тош устига ўрнатган одамга ўхшайди. Сел тошиб, ўша уйни сув босибди-ю, лекин уйни қўзғатолмабди. Чунки у тош устига маҳкам ўрнатилган экан. <sup>49</sup> Лекин сўзимни эшитиб, унга амал қилмаган киши уйини тупроқ устига, пойдеворсиз қурган одамга ўхшайди. У уйни сув босган ҳамон қулаб тушибди, унинг харобалиги эса қўрқинчли бўлибди”.

### Римлик юзбошининг эътиқоди

**7** Исо ўзини тинглаб турган халққа бу сўзларини айтиб бўлганидан кейин, Кафарнаҳум шаҳрига кирди. <sup>2</sup> У ерда бир юзбошининг жуда азиз хизматкори касал бўлиб, ўлим тўшагида ётган эди. <sup>3</sup> Юзбоши Исодан хабардор бўлиб, У келиб хизматкорини даволасин, деб илтимос қилиш учун яҳудийларнинг оқсоқолларини Унинг ҳузурига юборди. <sup>4</sup> Улар Исонинг ёнига келгач, бир самимий ўтинч билан:

– У Сенинг шафоатингга муносибдир. <sup>5</sup> У халқимизни севади, бизга ҳатто ибодатхона ҳам қуриб берган, – дейишди.

<sup>6</sup> Исо улар билан бирга кетди. У уйга яқинлашиб қолганда, юзбоши Исога бу гапларни айтгани дўстларини пешвоз чиқарди:

– Эй Ҳазрат, овора бўлма! Кулбамга оёқ босишинг учун муносиб эмасман. <sup>7</sup> Шунинг учун Сенинг олдинга боришни ҳам ўзимга лойиқ кўрмадим. Сен биргина сўз айтсанг, бас, хизматкорим соғайиб кетади. <sup>8</sup> Чунки мен ҳам буйруққа тобе одамман, шунингдек, менинг ихтиёримда ҳам аскарлар бор. Бирисига “кет” десам, кетади, бошқасига “кел” десам, келади; бирон хизматкоримга “шуни қил” десам, қилади.

<sup>9</sup> Исо бу сўзларни эшитгач, юзбошига ҳайрон қолди. У ўгирилиб, орқасидан эргашиб келаётган халойиққа:

– Сизларга шуни айтиб қўяй, Мен бундай зўр эътиқодни Исроилда ҳам топганим йўқ, – деди.

<sup>10</sup> Юборилганлар уйга қайтиб келишганда, бемор хизматкорни тузалган ҳолда кўрдилар.

### Бева аёлнинг ўғлини тирилтириш

<sup>11</sup> Орадан кўп ўтмай, Исо Наин деган шаҳарга кетди. Кўплаб шогирдлари ва анча халқ У билан бирга юришар эди. <sup>12</sup> Исо шаҳарнинг дарвозасига яқинлашганда, бир бева аёлнинг яккаю ягона ўғли ўлигини кўтариб чиқаётган эдилар. Тумонат шаҳар аҳолиси у аёлни ўраб олган эди. <sup>13</sup> Раббимиз Исо онани кўргач, унга раҳми келиб:

– Йиғлама! – деди. <sup>14</sup> У ёндашиб, тобутга қўл тегизди. Тобуткашлар тўхтаб қолишди. Исо ўликка: – Эй йигит, сенга айтяпман: тур ўрнингдан! – деди.

<sup>15</sup> Ўшанда ўлик ростланиб ўтирди-да, гапира бошлади. Исо уни онасига топширди. <sup>16</sup> Ҳаммани ваҳима босди. “Орамизда буюк пайғамбар пайдо бўлди, Худо Ўз халқини йўқлаб келди”, – деганларича, Худони олқишлар эдилар. <sup>17</sup> Шу тариқа Исонинг донғи бутун Яҳудия ҳамда ён-атрофдаги жойларга тарқалди.

### Исо Масих ва Яҳё пайғамбар

<sup>18</sup> Яҳёнинг шогирдлари бу бўлиб ўтган воқеалар ҳақида устозларига хабар беришди. <sup>19</sup> Шунда Яҳё шогирдларидан иккитасини чақариб: “Келадиган Қутқарувчи Сенмисан, ёки биз бошқасини кутайликми?” – деб сўраш учун уларни Исонинг олдига юборди.

<sup>20</sup> Улар Исонинг олдига келиб:

– Бизни Яҳё пайғамбар юборди. У Сендан: “Келадиган Қутқарувчи Сенмисан, ёки биз бошқасини кутайликми?” деб сўраяпти, – дейишди.

<sup>21</sup> Нақ шу пайтда Исо турли хасталик ва иллатларга мубтало ва ёвуз руҳларга чалинган талай халққа шифо бериб, кўпгина кўрнинг кўзини ҳам очиб юрган эди. <sup>22</sup> Исо Яҳёнинг шогирдларига жавобан деди:

– Боринглар, кўриб эшитаётганларингизни Яҳёга билдиринглар: кўрлар кўряпти, чўлоқлар юряпти, моховлар тузалапти, карлар эшитяпти, ўликлар тириляпти ва бечоралар Хушхабарни

эшитяптилар. <sup>23</sup> Мени деб васвасага тушмаган бахтлидир!

<sup>24</sup> Яхёнинг хабарчилари кетгандан кейин, Исо халққа қарата Яхё тўғрисида гапира бошлади: “Сахрога нима кўргани бордингизлар? Шамолда ҳилпираб турган қамишними? <sup>25</sup> Ахир, нима кўргани бордингизлар? Башанг кийинган одамними? Бироқ башанглар, нашъаларда яшовчилар подшоҳларнинг саройида бўлади-ку! <sup>26</sup> Ахир, нима кўргани бордингизлар?

Пайғамбарними? Ҳа, сизларга ростини айтсам, пайғамбардан ҳам улуғини кўрдингизлар. <sup>27</sup> Бу киши ҳақида *Тавротда* шундай ёзилган:

“Мен Сендан аввал Ўз элчимни юборарман, У Сенинг олдингда йўл ҳозирлаб юрар”.

<sup>28</sup> Сизларга айтаманки, аёл зотидан туғилганлар орасида Яхё пайғамбардан улуғроқ бирон пайғамбар йўқ. Шунга қарамай, Худонинг Шоҳлигида ҳатто энг кичик ҳисоблангани ҳам ундан каттадир”.

<sup>29</sup> Шунда барча халқ ва ҳатто солиқчилар ҳам Яхёнинг ваъзига қулоқ солиб, сувда имон келтирдилар ва Худони одил деб тан олдилар.

<sup>30</sup> Лекин дин олимлари ва фарзийлар сувда имон келтирмай, Яхёнинг ваъзини, шунингдек, ўзларига мўлжалланган Худо иродасини рад қилдилар.

<sup>31</sup> “Шундай қилиб, бу насл одамларини нимага тенглаштирай? – *давом этди Раббимиз Исо* . – Улар нимага ўхшайди? <sup>32</sup> Ана улар майдонда ўтиришиб, бир-бировига:

“Сизларга най чалдик, ўйнамадинглар, Сизларга йиғи чиқардик, йиғламадинглар”, – деб қичқиришадиган болаларга ўхшайдилар.

<sup>33</sup> Чунки Яхё пайғамбар келиб нон емади, шароб ичмади; сизлар эса уни “жин урибди” дейсизлар.

<sup>34</sup> Инсон Ўғли келиб, ҳам еди, ҳам ичди; бу гал эса Уни “кабобхўру шаробхўр, солиқчилар билан гуноҳкорларнинг дўсти” дейсизлар. <sup>35</sup> Ва лекин *илоҳий* ҳикмат унга риоя қилувчилар орқали оқланади”.

### Исо ва гуноҳкор аёл

<sup>36</sup> Фарзийлардан бири Исони таом ейишга таклиф қилди. Исо фарзийнинг уйига кириб, дастурхон атрофида ўтирди. <sup>37</sup> Бу шаҳарлик гуноҳкор деб танилган бир аёл Исонинг фарзий уйида меҳмон бўлганлигини билиб, бир ганч идишда атир мой олиб келди. <sup>38</sup> Исонинг орқа томонида, оёқлари ёнгинасида турганича йиғлаб, кўз ёшлари билан Унинг оёқларини хўллай бошлади. Сўнг сочлари билан Исонинг оёқларини артганча, ўпа туриб атир мой суртди.

<sup>39</sup> Исони таклиф этган фарзий буни кўргач: “Агар бу одам пайғамбар бўлганида эди, Унга суйкалиб турган шу аёлнинг кимлигини, қанақа гуноҳкор аёл эканлигини билар эди”, – деб кўнглидан ўтказди.

<sup>40</sup> Исо унга қайрилди:

– Симун, сенга айтадиган сўзим бор.

– Айтгил, Устоз! – деди у.

<sup>41</sup> Исо деди:

– Бир қарз берувчининг икки қарздори бор экан, бири беш юз, иккинчиси эллик кумуш танга қарз бўлган экан. <sup>42</sup> Бироқ қарздорларнинг тўлаш учун ҳеч нарсаи бўлмаганидан, у икковини ҳам кечирибди. Айтиб бер-чи, улардан қайси бири уни кўпроқ севар экан?

<sup>43</sup> Симун жавоб бериб:

– Менинг фикримча, кўпроқ қарзи кечирилган киши бўлса керак, – деди.

– Тўғри мулоҳаза қилдинг, – деди унга Исо.

<sup>44</sup> Кейин аёлга ўгирилиб:

– Бу аёлни кўряпсанми? – деди Симунга. – Мен сенинг уйингга келганимда, оёқларимни ювгани сув берганинг йўқ. У эса ўзининг кўз ёшлари билан оёқларимни хўллаб, сочлари билан артиб қурипти. <sup>45</sup> Сен-чи, Мени ўпганинг йўқ, бу аёл эса келганимдан бери оёқларимни ўпишдан тўхтамаяпти. <sup>46</sup> Сен бошимга ҳатто мой қуймадинг, у эса-чи оёғимга атир мой суркади. <sup>47</sup> Шунинг учун сенга айтиб қўяй: унинг кўп гуноҳлари кечирилган, кўп севишининг сабаби ана шунда. Кимки оз кечирилса, у оз севади.

<sup>48</sup> Сўнг Исо аёлга қайрилиб:

– Гуноҳларинг кечирилди, – деди.

<sup>49</sup> Исо билан бирга еб-ичиб ўтирганлар ўзларича фикр юрита бошлашди: “Ким бўлди бу гуноҳни ҳам кечираётган?”

<sup>50</sup> Исо эса яна аёлга:

– Ишончинг сени қутқарди, эсон-омон боргил, – деди.

### Исога эргашган аёллар

**8** Орадан кўп ўтмай, Исо шаҳару қишлоқлар бўйлаб Худо салтанати тўғрисидаги Хушхабарни тарқатар эди. Ўн икки шогирди У билан бирга юришар эди. <sup>2</sup> Шунингдек, ёмон руҳлардан ва турли касалликлардан халос бўлган бир неча аёллар, шу жумладан, ичидан еттита жин чиқиб кетган мағдалалик Марям, <sup>3</sup> Ҳироднинг сарой бошқарувчиси Хузанинг хотини Йўанна, Сусанна ва бошқа кўп аёллар ҳам Исо билан юриб, ўз мол-мулкларини сарф қилиб, Унинг тирикчилигига хизмат қилишар эди.

### Уруғ сепувчи ҳақида масал

<sup>4</sup> Яна кўп халқ тўпланиб, барча шаҳарлар аҳолиси ҳам Унинг олдида оқиб келаётган бир пайтда, Исо масал билан гап бошлади:

<sup>5</sup> “Уруғ сепувчи ўз уруғини сепиш учун чиқибди. Сепаетганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушиб, поймол бўлибди. Осмондаги қушлар келиб, уруғларни чўқиб кетибди. <sup>6</sup> Баъзи уруғлар тошлоқ ерга тушибди. Уруғлар кўкариб чиқибдию, лекин тупроқ намсиз бўлгани учун қуриб қолибди. <sup>7</sup> Яна бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди.

Тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди. <sup>8</sup> Яна баъзи уруғлар яхши ерга тушибди. Улар кўкариб чиқиб, юз марта кўп ҳосил берибди”.

Исо буларни айтиб бўлиб: “Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!” – деб хитоб қилди.

### Масалларнинг мақсади

<sup>9</sup> Шогирдлар Исодан:

– Бояги масалнинг маъноси нима? – деб сўрашди.

<sup>10</sup> У шундай жавоб берди:

– Худо Шохлигининг сирларини билиш қобилияти сизларга насиб бўлган. Бошқаларга бўлса, ҳамма нарсани масаллар билан тушунтираман, токи *оятдагидек*: “Улар қараб туриб кўрмасинлар, эшитиб туриб англамасинлар”.

### Уруғ сепувчи масалининг маъноси

<sup>11</sup> “Бу масалнинг маъноси шу: Уруғ – Худонинг каломидир. <sup>12</sup> Йўл ёқасига тушган донлар шундай одамларни билдирадики, улар каломни эшитадилар, лекин кейин имон ва нажот топмасликлари учун иблис уларнинг юрагидан каломни олиб кетади. <sup>13</sup> Тошлоқ ерга тушган донлар эса шундай одамларни билдиради: улар каломни эшитганда уни севинч билан қабул қилавердилар. Лекин улар илдизга эга эмас.

Ўқтин-ўқтин ишонсалар-да, синов вақтида имондан қайтадилар. <sup>14</sup> Тиканлар орасига тушган уруғлар шундай инсонларни билдирадики, улар каломни эшитадилар, бироқ ҳаётнинг ташвишлари, бойлик ва завқ-шавқ савдолари остида бўғилиб, пишиқ ҳосил бермайдилар.

<sup>15</sup> Яхши ерга тушган уруғ эса шундай кишиларни билдиради: улар каломни эшитиб, яхши, соф юракда сақлайдилар ва чидам билан ҳосил берадилар”.

[Исо буларни айтиб: “Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!” – деб хитоб қилди.]

### Ёруғлик ва қоронғилик ҳақида

<sup>16</sup> “Ҳеч ким шамни ёқиб, уни идиш билан ёпмайди ёки чорпоя тагига қўймайди. Аксинча, кирганлар ёруғликни кўрсин, деб уни шамдонга қўяди.

<sup>17</sup> Шунингдек, ошкора бўлмайдиган ҳеч қандай сир йўқ, маълум ва аён бўлмайдиган ҳеч яширин нарса йўқ. <sup>18</sup> Шу сабабдан қандай тинглаётганингизга диққат қилинглр. Чунки кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, ўзида бор бўлишини фикр қилган нарсаси ҳам ундан тортиб олинади”.

### Исонинг онаси билан укалари

<sup>19</sup> Исонинг онаси билан укалари Унинг олдида келдилар, аммо халойиқ кўплигидан Унга яқинлаша олмадилар. <sup>20</sup> Исога:

– Онанг ва укаларинг Сени кўрмоқчи бўлиб ташқарида турибдилар, – деган хабар етказишди.

<sup>21</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Менинг онам ва укаларим – Худо каломини тингловчи ва бажо келтирувчилардир.

### Исонинг бўронни тинчитиши

<sup>22</sup> Қунларнинг бирида Исо Ўз шогирдлари билан қайиққа тушиб уларга:

– Кўлнинг нариги томонига сузиб ўтайлик, – деди.

Улар жўнаб кетишди. <sup>23</sup> Сузиб кетаётганларида Исо ухлаб қолди. Кўлда қаттиқ бўрон турди. Қайиқ сувга тўлиб, улар хавfli аҳволда қолди.

<sup>24</sup> Шогирдлар Исонинг ёнига бориб:

– Устоз, Устоз, ҳалокатдамиз! – деб Уни уйғотишди.

Исо туриб шамолга ва тўлқинланаётган сувларга дўқ урди. Шу заҳоти бўрон тиниб, сукунат тушди.

<sup>25</sup> Исо шогирдларига:

– Ишончингиз қани? – деди.

Улар эса жуда кўрқиб донг қотиб қолишди.

– Ким экан У? Мана шамоллар ва сувларга ҳам буюради, улар эса Унга бўйсунди! – дейишди бир-бирига.

### Жинга чалинганнинг тузалиши

<sup>26</sup> Жалиланнинг қарши томонидаги Гадара юртига сузиб келдилар. <sup>27</sup> Исо қирғоққа чиқиши билан шаҳардан бир одам учради. Бу одам анча вақтдан бери жинга гирифтор бўлиб, кийим ҳам киймасди. У уйда ҳам турмай, қабристон ёрларида яшар эди.

<sup>28</sup> Исони кўргач, у қичқириб юборди-да, ўзини Унинг олдида ташлаб, баланд овоз билан:

– Эй Исо, Худойи Таолонинг Ўғли, мен билан нима ишинг бор? Утинаман, мени қийнама! – деди.

<sup>29</sup> Чунки Исо ёмон руҳга бу одамдан чиқиб кетишни буюрган эди. Уни сақлаш учун занжир-кишан билан боғлаган бўлсалар-да, лекин у бандларни узиб ташлар ва жин тез-тез уни тутиб чўл-сахроларга судраб борар эди.

<sup>30</sup> Исо ундан сўради:

– Исминг нима?

– Исминг Тумонат †, – деди у. Чунки унинг вужудини бир талай жин чирмаган эди.

<sup>31</sup> Жинлар ўзларини тубсиз қаърга юбормасликни Исодан ёлвориб сўрадилар. <sup>32</sup> Шу тоғнинг ён бағрида катта бир тўнғиз подаси ўтлаб юрган эди. Жинлар тўнғизларга киришга рухсат бериши учун Исодан ёлвориб сўрадилар. Исо уларга рухсат берди. <sup>33</sup> Шунда жинлар одамдан чиқиб, тўнғизларга кириб олдилар. Тўнғиз подаси тик қияликдан пастга ёпирилди ва кўлда фарқ бўлди.

<sup>34</sup> Тўнғиз боқувчилар содир бўлган воқеани кўргач, югуриб бориб шаҳарда ва овулларда буларни гапириб бердилар. <sup>35</sup> У жойлар аҳолиси эса бўлиб ўтган ҳодисани кўриш учун далага чиқиб, Исонинг ёнига келди. Жин чиққан одамни кийинган ва ақли расо ҳолатда Исонинг оёғи

† ТУМОНАТ: юнонча “легион”, яъни Рим армиясида 6000 аскардан иборат ҳарбий қисм.

томонда ўтирганини кўриб, ваҳимага тушишди.

<sup>36</sup> Ҳодисани кўрганлар эса у одамнинг жиндан қандай қутулганини ҳаммага сўзлаб беришди.

<sup>37</sup> Шунда Гадара атрофидан келган барча аҳоли қаттиқ даҳшатга тушди, уларнинг еридан чиқиб кетишни Исодан илтимос қилишди. Исо эса қайиққа тушиб қайтиб кетди.

<sup>38</sup> Жинлардан халос бўлган одам Исо билан бирга юрмоқликни Ундан сўради. Лекин Исо унга:

<sup>39</sup> – Ўз уйингга қайтиб бориб, Худо сен билан нималар қилганини гапириб бер, – деб уни жўнатди.

У киши бориб, Исо у билан нималар қилганини бутун шаҳарда эълон қиладиган бўлди.

### Тирилган қиз, соғайган аёл

<sup>40</sup> Исо бериги қирғоққа қайтиб келгач, халқ Уни қувониб қаршилади, чунки ҳамма Уни кутиб турган эди. <sup>41</sup> Шу пайт ибодатхонанинг жамоабошиси бўлган Яир исмли бир киши келиб қолди. Исонинг оёқларига ўзини ташлаб, унинг уйига боришини ўтириб сўради. <sup>42</sup> Чунки унинг ўн икки ёшлардаги биргина қизи ўлим тўшагида ётар эди.

Исо бораркан, халойиқнинг сиқувида қолди. <sup>43</sup> Шу ўртада ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл ҳам бор эди. У бор-йўғини табибларга сарф этгани билан ҳеч биридан шифо топмаган эди. <sup>44</sup> Аёл Исога орқа томондан яқинлашиб, этагига элас қўл тегизган онда қон оқиши дарҳол тўхтади.

<sup>45</sup> – Ким у Менга қўлини тегизган? – деди Исо. Ҳамма тонгач, Бутрус билан ёнидагилар деди:

– Устоз, халойиқ Сени ўраб, сиқиб турибди, Сен эса-чи, Менга ким қўл тегизди, дейсан?

<sup>46</sup> Лекин Исо:

– Кимдир Менга аниқ тегди-да, Мен Ўзимдан бир куч чиққанини сездим, – деди.

<sup>47</sup> Аёл бошқа яширина олмаганини пайқагач, қалтираганча Исога яқинлашиб, Унинг оёқларига ўзини ташлади-ю, Унга қандай мақсад билан текканлигини ва ўша заҳоти қандай дарддан халос бўлганини бутун халққа эшиттириб сўзлаб берди.

<sup>48</sup> Исо унга:

– Дадил бўл, қизим! Ишончинг сени қутқарди, эсон-омон боргил, – деди.

<sup>49</sup> Исо гапини ҳали тугатмасданоқ, жамоабошининг уйдан кимдир келиб, жамоабошига:

– Қизингиз ўлди, Устозни овора қилмай кўяқолинг, – деди. <sup>50</sup> Бунга эшитган Исо у одамга:

– Кўрқма, фақат ишонгин, қизинг қутқарилади, – деди.

<sup>51</sup> Исо ўша уйга келиб, Бутрус, Юҳанно, Ёқуб ва қизнинг ота-онасидан бошқа ҳеч кимнинг Ўзи билан ичкарига киришига рухсат бермади.

<sup>52</sup> Ҳамма қизча учун йиғлаб нола қилаётган эди. Бироқ Исо:

– Йиғламанглар, у ўлган эмас, фақат ухлаб ётибди, – деди.

<sup>53</sup> Улар қизчанинг ўлганлигини била туриб, Унинг устидан кулишди. <sup>54</sup> Исо эса [ҳаммани ташқарига чиқариб,] қизчанинг қўлидан ушлаб қолди-да:

– Эй қизалоқ, ўрнингдан тур! – деб хитоб қилди.

<sup>55</sup> Қизчанинг руҳи танига қайтди. У шу ондаёқ ўрнидан туриб кетди. Исо унга овқат беришни буюрди. <sup>56</sup> Қизнинг ота-онаси ҳайрон қолдилар. Исо эса уларга бўлган воқеа ҳақида ҳеч кимга айтмасликни буюрди.

### Ўн икки шогирдни хизматга юбориш

**9** Исо ўн икки шогирдини ёнига чақириб, уларга бутун жинлар устидан ҳокимлик қилиш ва касалларни соғайтириш қудратини берди.

<sup>2</sup> Худонинг Шоҳлигини эълон қилиш ва хасталарга шифо беришга уларни юбориб, <sup>3</sup> Исо деди: “Йўлга ҳеч нарса олманглар: ҳасса ҳам, тўрва ҳам, нон ҳам, ақча ҳам, бир жуфт кўйлак ҳам олманглар.

<sup>4</sup> Қайси уйга кирсангизлар, у ердан жўнагунингизча ўша уйда қолинглар. <sup>5</sup> Агар бирор шаҳарда сизни қабул қилмасалар, у ердан чиқаётганингизда аҳолига огоҳлантириш тариқасида оёқларингиздаги чангни қоқиб кетинглар”.

<sup>6</sup> Шогирдлар жўнадилар. Қишлоқдан-қишлоққа ўтиб бориб, ҳамма ёқда Хушхабарни тарғиб қилар, касалларга шифо берар эдилар.

### Ҳоким Ҳироднинг эсанкираши

<sup>7</sup> Вилоят ҳокими Ҳирод содир бўлаётган ажойиботларни эшитиб, эсанкираб қолди. Чунки баъзилар: “Яҳё тирилиб келибди”, – десалар, <sup>8</sup> бошқалар эса: “Илёс пайғамбар пайдо бўлибди”, – дердилар. Яна бошқалар бўлса: “Қадимги пайғамбарлардан бири тирилиб келибди”, – деб юришди. <sup>9</sup> Ҳирод бўлса: “Мен Яҳёни бошидан жудо қилганман. Энди бундай ишларни қиляпти, деб юришгани ким экан?” – деди-да, Исони кўргиси келди.

### Исонинг 5000 кишини тўйдириши

<sup>10</sup> Шу орада Исонинг ҳаворийлари сафардан қайтиб келиб, қилган ишларини Унга айтиб беришди. Исо ҳаворийларни Байтсайда номли шаҳар яқинидаги хилват жойга Ўзи билан олиб кетди. <sup>11</sup> Аммо халойиқ бунга билиб, Унинг орқасидан бораверди. Исо уларни яхши қаршилаб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисида суҳбатлашди, шифога муҳтожларни даволади.

<sup>12</sup> Кун ботиб, кеч кира бошлади. Исонинг ўн икки шогирди Унинг олдида келиб:

– Халойиққа рухсат бер, атрофдаги овул ва қишлоқларга бориб ризқини топсин, тунасин. Чунки бунда овлоқ жойдамиз, – дедилар.

<sup>13</sup> – Сизлар уларга овқат беринглар! – деди Исо.

– Бешта нон ва иккита балиқдан бошқа бирон нарсамиз йўқ-ку. Бориб шунча кишига овқат сотиб ололамизми? – деди шогирдлар.

<sup>14</sup> Уша ерда беш мингга яқин эркак бор эди. Исо шогирдларига:

– Халойиқни ҳар қаторга элликтадан қилиб ўтқазинглар, – деди.

<sup>15</sup> Шогирдлар худди шундай қилиб, ҳаммани ўтқаздилар. <sup>16</sup> Исо бешта нон билан иккита балиқни олди-ю, осмонга қараб шукрона дуосини ўқиди. Сўнг буларни майда-майда қилиб, халққа тарқатиш учун шогирдларига берди. <sup>17</sup> Ҳаммалари еб тўйди. Ортиб қолган бурдаларни териб олишганда, ўн икки сават чиқди.

### Бутрус Исонинг Масихлигини тан олиши

<sup>18</sup> Бир вақтда Исо ёлғиз Ўзи ибодат қилар эди. Шогирдлари ҳам яқин турар эдилар. Исо улардан:

– Халқ Мени ким деб ҳисоблайди? – дея сўради.

<sup>19</sup> Улар жавоб бериб:

– Яхё пайғамбар деб ҳисоблайди, бошқалар эса Илёс пайғамбар деб ҳисоблайди. Яна бошқалар бўлса: “Қадимги пайғамбарлардан бири тирилиб келибди”, деб ўйлаб юришибди, – дедилар. <sup>20</sup> Исо улардан:

– Сизлар-чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар? – деб сўради. Бунга жавобан Бутрус:

– Сен Худо юборган Масихсан! – деди.

### Исо Ўз ўлими ҳақида

<sup>21</sup> Исо буларни ҳеч кимга айтманглар, деб шогирдларига қатъий буйруқ берди. <sup>22</sup> “Инсон Ўғли кўп азоб чекиши, оқсоқоллар, олий руҳонийлар ва уламолар томонидан рад қилиниб ўлдирилиши, учинчи куни эса қайта тирилиши керак”, – деди.

<sup>23</sup> Сўнг ҳаммага хитоб қилиб деди: “Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб †, ортимдан юрсин. <sup>24</sup> Ким ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади. <sup>25</sup> Агар инсон бутун дунёни эгаллаб олса-ю, бироқ ўзига зарар етказса ёки ҳалокатга йўлиқса, бундан қандай фойда кўради? <sup>26</sup> Ким Мендан ва Менинг сўзларимдан уялса, Инсон Ўғли †† ҳам Ўзи, Отаси ва муқаддас фаришталар салобати ила келганда, ундан уялади. <sup>27</sup> Сизларга чинини айтайин: бу ерда турганлардан баъзилари борки, Худонинг Шоҳлигини кўрмагунча, ўлим кўрмайдилар”.

### Исо қиёфасининг ўзгариши

<sup>28</sup> Исо бу сўзларни айтгандан кейин саккиз кунча ўтиб, Бутрус, Юҳанно ва Ёқубни олиб, ибодат қилиш учун тоққа чиқди. <sup>29</sup> У ибодат қилаётганда,

† ЎЗ ХОЧИНИ КЎТАРИШ: Исо Масих каби ўз нафсидан кечиб, Худо йўлига ўзини бутунлай бағишлаб, имон туфайли келадиган кулфатлардан бош тортмаслик маъносида; яна қаранг: 14:25-27.

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.

юзининг кўриниши ўзгариб, кийимлари яшиндай оқ бир тусда ярқираб кетди. <sup>30</sup> Шу онда нур ёғилиб турган икки зот – Мусо ва Илёс пайғамбарлар пайдо бўлиб, Исо билан гапга тушдилар. Улар Исонинг яқинда Қуддусга бориб оламдан ўтиши тўғрисида суҳбатлашар эдилар.

<sup>32</sup> Бутрус ва у билан бирга бўлганларни уйқу элитган эди. Қўққисдан уйғонишиб, нурли Исони ва У билан бирга турган икки зотни кўрдилар. <sup>33</sup> У зотлар энди Исодан ажралиб кетайлик, деган пайтда Бутрус Исога:

– Устоз, бизга бу жой жуда ёқяпти! Қани, учта чайла қурайлик – бириси Сенга, бириси Мусога, бириси Илёсга, – деди. Аммо у нима деярини билмас эди.

<sup>34</sup> Бутрус гапини тугатмасданоқ, бир булут пайдо бўлиб уларга соя солди. Улар булут остида қолиб, ваҳимага тушдилар. <sup>35</sup> Булут ичидан:

– Бу Менинг азиз Ўғлимдир; Унга қулоқ солинглар, – деган садо эшитилди.

<sup>36</sup> Садо узилгач, шогирдлар Исонинг у ерда ёлғиз қолганини кўрдилар. Улар кўрганларини яшириб, ўша кунларда ҳеч кимга билдирмадилар.

### Исонинг боладан жин қувиши

<sup>37</sup> Эртаси кун улар тоғдан тушди. Исони кўп халойиқ қаршилади. <sup>38</sup> Кимдир бирдан халқ ичидан дод солди:

– Устоз! Сендан ялиниб сўрайман, ўғлимга бир қарагин, у менинг ягона болам-ку. <sup>39</sup> Бир руҳ болани тутиб туради ва у бирданига бақириб юборади. Руҳ уни оғзидан кўпик чиққунча ерга йиқитиб судрайди, уни обдан қийнаб, зўрға ундан айрилади. <sup>40</sup> Мен Сенинг шогирдларингга, руҳни қувинглар, деб ёлвордим, лекин улар эплотмади, – деди. <sup>41</sup> Исо бунга жавобан:

– Эй вафосиз ва бузуқ насл! Қачонгача сизлар билан бирга бўламан? Қачонгача сизларга чидаб тураман? Ўғлингни бу ерга келтир! – деди.

<sup>42</sup> Бола яқинлашмасданоқ, жин уни ерга ағнатиб ура кетди. Лекин Исо ёмон руҳга бас қилишни буюрди, болани соғайтирди ва уни отасига топширди. <sup>43</sup> Ҳамма Исонинг буюклигига ҳайрон қолди.

### Исо яна Ўз ўлими ҳақида

Исонинг қилаётган ишларидан ҳамма таажжубда экан, У Ўз шогирдларига: <sup>44</sup> “Сизлар бу сўзларимни қулоқларингизга куйиб олинглар! – деди. – Инсон Ўғли одамлар кўлига тутиб берилиши муқаррардир”.

<sup>45</sup> Шогирдлар бўлса, бу сўзни тушунмадилар. Бу сўз уларнинг тушунчасидан яширин бўлиб, маъносига етмадилар, Исодан сўрашга эса кўрқар эдилар.

## Ким катта?

<sup>46</sup> Шогирдлар орасида: қай биримиз каттамыз, деган тортишув бўлди. <sup>47</sup> Уларнинг кўнглидаги фикрни уқиб, Исо бир болани олиб Узининг ёнига турғизди-да, <sup>48</sup> уларга деди:

– Ким бу болани Менинг номимдан қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади. Ким Мени қабул қилса, Мени Юборганни қабул қилган бўлади. Орангизда ким энг кичик экан, мана у буюк ҳисобланади.

<sup>49</sup> Шунда Юҳанно сўз олди:

– Устоз! Сенинг номинг билан жинларни қуваётган бир одамни кўрдик. У биз билан юрмагани сабабли, унга буни ман этдик.

<sup>50</sup> – Ман қилманг – деди Исо. – Кимки сизга қарши эмас, у сиз томонда.

## Самарияликларнинг Исони рад қилиши

<sup>51</sup> Исонинг оламдан ўтиш кунлари яқинлашаркан, У Қуддусга боришга жазм қилди. <sup>52</sup> Ўзидан олдин хабарчиларни юборди. Улар Исо келишига ҳозирлик кўриш учун Самариянинг бир қишлоғига кирдилар. <sup>53</sup> Лекин У Қуддусга кетаётган сайёҳ кўринишида бўлгани учун, самарияликлар Исони қабул қилмадилар. <sup>54</sup> Шогирдлари Ёқуб ила Юҳанно буни кўриб:

– Раббий, истасанг, биз Илёс пайғамбар қилганидек, буларни гумдон қилиш учун осмондан олов тушсин деб айтайлик! – дедилар. <sup>55</sup> Исо эса уларга бурилди-да, таъна қилиб:

– Сизлар қандай руҳда бораётганингизни билмайсизлар, – деди. <sup>56</sup> – Инсон Ўғли инсон жонини ҳалок қилиш эмас, халос қилиш учун келган.

Сўнгра улар бошқа қишлоқ сари кетдилар.

## Исога эргашишнинг шартлари

<sup>57</sup> Йўлда кетар эканлар, кимдир Исога:

– Ҳазрат, қаерга борма, мен Сенинг орқангдан юраман, – деди. <sup>58</sup> Исо унга:

– Тулкиларнинг инлари, кўк қушларининг уялари бор. Лекин Инсон Ўғлининг бош суқадиган жойи йўқ, – деди.

<sup>59</sup> Бошқа бирисига Исо:

– Орқамдан юр! – деди. Лекин у:

– Ҳазрат, олдин бориб отамни кўмиб келишга ижозат бер, – деди. <sup>60</sup> Исо унга:

– Ўликларни қўй, уларни ўзича ўлик бўлганлар кўмсин. Сен эса бориб, Худонинг Шоҳлиги ҳақида хабар тарқатгин, – деди.

<sup>61</sup> Яна бошқа бири:

– Ҳазрат, мен Сенинг орқангдан юраман. Фақат олдин бориб уйдагилар билан хайрлашимга ижозат бер, – деди. <sup>62</sup> Лекин Исо унга деди:

– Қўлларини омочда тутиб, орқасига қараган ҳеч ким Худонинг Шоҳлиги учун лаёқатли бўлмас.

## Етмиш шогирднинг воизлик сафари

**10** Бу ҳодисалардан кейин Раббимиз Исо бошқа етмиш шогирдни танлаб, Ўзи ташриф буюрадиган ҳар бир шаҳар, ҳар бир жойга Ўзидан олдин бориб турсин учун уларни иккита-иккитадан юборди. <sup>2</sup> Уларга хитобан деди: “Ҳосил мўл, бироқ юмушчилар оз. Ўз ҳосилингни йиғиб-терадиган юмушчилар юбор, деб ҳосил Эгасига илтижо қилинглр. <sup>3</sup> Боринглр! Сизни бўрилар орасига қўзилардай юборяпман. <sup>4</sup> Ҳамён ҳам, тўрва ҳам, чориқ ҳам олманг, йўлда ҳеч кимга салом ҳам берманглр. <sup>5</sup> Қайси уйга кирсангизлар, аввал бошда: “Уйингизга тинчлик бўлсин”, деб салом беринглр. <sup>6</sup> Агар у ерда бирор тинчликсевар бўлса, унинг боши саломат бўлади. Бўлмаса, саломингиз сизларга қайтиб келади. <sup>7</sup> Кирган уйда қолинглар, сизларга нимаики берсалар, уни еб-ичинглр. Чунки меҳнаткаш ўз меҳнатига яраша тақдирланмоққа муносибдир. Уйма-уй ўтиб юрманглр.

<sup>8</sup> Қайси шаҳарга келганингизда сизларни қабул қилсалар, олдингизга қўйилганни енглр. <sup>9</sup> Уша ердаги касалларга шифо бериб, уларга: “Худонинг Шоҳлиги сизларга яқинлашди”, деб айтинглр. <sup>10</sup> Агарда қайси шаҳарга келганингизда сизларни қабул қилмасалар, у ердан чиқаётганингизда кўча-кўйда баралла: <sup>11</sup> “Шаҳрингиздан оёқларимизга ёпишган чангни ҳам қоқиб, ўзингизга қолдириб кетяпмиз. Бироқ шунга қарамай билиб қўйинглрки, Худонинг Шоҳлиги сизларга яқинлашди”, деб айтинглр. <sup>12</sup> Сизларга гапим шуки, қиёмат кунида у шаҳардан кўра Садўм † шаҳрининг ҳоли енгилроқ бўлади”.

## Гуноҳкор шаҳарларнинг ҳолига вой

<sup>13</sup> “Сенинг ҳолингга вой, эй Ҳоразин! Сенинг ҳолингга вой, эй Байтсайда! Агар сизларда содир бўлган мўъжизалар Тир билан Сидўн шаҳарларида яратилганда, улар аллақачон жулга ўраниб, кулга ўтириб, тавба қилган бўлардилар. <sup>14</sup> Мана, қиёмат кунида сиздан кўра Тир ва Сидўннинг ҳоли енгилроқ бўлади. <sup>15</sup> Эй сен, кўккача ўрлаган Кафарнаҳум, тубан кетажаксан тамуғга!

<sup>16</sup> Сизни тинглаган Мени тинглаган бўлади. Сизни рад этган Мени рад этган бўлади. Мени рад этган эса Мени Юборганни рад этган бўлади”.

## Етмиш шогирднинг сафардан қайтиши

<sup>17</sup> Етмиш шогирд қувонч билан сафардан қайтиб келиб Исога:

– Раббий, Сенинг номингни тилга олсак, жинлар ҳам бизга бўйсунди-ку! – дедилар. <sup>18</sup> Исо уларга деди:

– Мен шайтоннинг осмондан яшиндай тушганини кўрдим. <sup>19</sup> Мана, Мен сизларга илону чаёнларни

† САДЎМ: луғатга қаранг.



эзиб ташлаш ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини оёқ ости қилиш иқтидорини берганман. Ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди. <sup>20</sup> Бироқ руҳлар сизга бўйсунётганидан қувонманглар, балки номларингиз осмонда ёзилганидан қувонинглар!

<sup>21</sup> Ўша пайтда Исо илоҳий Рухдан илҳомланиб, жуда хуррам бўлиб деди:

– Эй Ота, еру кўк Ҳукмдори! Сен бу ишларни доною оқиллардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун Сенга ҳамду сано айтаман. Ҳа Ота, Сенинг эзгу хоҳишинг шундай эди.

<sup>22</sup> [Кейин Исо шогирдларига ўгирилиб, деди:]

– Отам Менга ҳамма нарсани топширган.

Ўғилнинг кимлигини Отадан бошқа ҳеч ким билмайди, Отанинг кимлигини ҳам Ўғилдан ва Ўғил билим беришни истаган кишидан бошқа ҳеч ким билмайди.

<sup>23</sup> Сўнг шогирдларига қараб, Исо алоҳида деди:

– Сизлар кўраётган нарсаларни кўриб турган кўзлар саодатлидир! <sup>24</sup> Сизларга шуни айтайин: не-не пайғамбару подшоҳлар сиз кўраётгани кўрмоқ орзу этгандилар, лекин кўролмадилар, сиз эшитаётгани эшитмоқ орзу этгандилар, лекин эшитолмадилар.

### Амалий раҳмдиллик ҳақида

<sup>25</sup> Шунда Исони синаш мақсадида келган Таврот тафсирчиларидан бири оёққа туриб, Унга савол берди:

– Устоз, абадий ҳаёт насиб бўлмоғи учун нима қилишим керак?

<sup>26</sup> – Тавротда нима ёзилган? Қандай ўқийсан? – деб сўради Исо. <sup>27</sup> У киши шундай жавоб берди:

– “Эганг Худовандни бутун қалбинг, бутун жонинг, бутун қувватинг ва бутун онгинг билан сев, яқинингни <sup>†</sup> эса ўзинг каби сев”, – деб ёзилган .

<sup>28</sup> Исо унга:

– Сен тўғри жавоб бердинг, шундай қилгин, ана шунда яшайсан! – деди. <sup>29</sup> Аммо у одам ўзини оқламоқчи бўлиб:

– Хўп, менга яқин ким? – деб сўради Исодан. <sup>30</sup> Исо унга ўрнакли нақл билан жавоб қайтарди:

– Бир одам Қуддусдан Ерихога борар экан, қароқчилар қўлига тушиб қолибди. Қароқчилар унинг кийимларини ечиб олиб, ўласи қилиб уриб, шу ҳолича ташлаб кетибдилар. <sup>31</sup> Иттифоқо, шу йўлдан бир руҳоний <sup>††</sup> борар экан. Уни кўриб, ёнидан ўтиб кетибди. <sup>32</sup> У жойга бир левит <sup>‡</sup> ҳам келиб, у одамни кўрибоқ, ёнидан ўтиб кетаверибди. <sup>33</sup> Бир самариялик йўловчи эса бу жойдан ўтаркан, унинг устидан чиқиб қолибди ва ҳолига кўп куйинибди. <sup>34</sup> Унинг ёнига келибди-да, яраларига мой суриб, шароб қуйиб, боғлаб қўйибди. Сўнг уни ўз уловига миндирибди-да,

<sup>†</sup> ЯҚИНИНГНИ: яъни сенга яқин бўлган ўзга одамни. <sup>††</sup> РУҲОНИЙ: айрим лавозимдаги маъбад хизматкори. <sup>‡</sup> ЛЕВИТ: айрим лавозимдаги маъбад хизматкори.

меҳмонхонага олиб келиб, унга ғамхўрлик қилибди. <sup>35</sup> Эртасига жўнаётганда икки кумуш танга чиқарибди-да, меҳмонхона эгасига бериб: “Унга яхши қарагин. Агар бундан зиёд харж қилар бўлсанг, мен қайтиб келганимдан сўнг сенга бераман”, – деб кетибди.

<sup>36</sup> Сенингча, учовидан қайси бири қароқчиларнинг қўлига тушган одамнинг яқини саналади?

<sup>37</sup> Таврот тафсирчиси:

– Унга шафқат қилган одам-да, – деб жавоб берди. – Бор, сен ҳам шундай қил! – деди унга Исо.

### Исо Марям билан Мартанинг уйида

<sup>38</sup> Ўз йўлларида давом этишди. Исо бир қишлоққа кирди. Бу ерда Марта исмли аёл Уни уйига таклиф қилди. <sup>39</sup> Унинг Марям исмли бир синглиси бор эди. Марям Исонинг оёқлари олдида ўтириб Унинг сўзларини тинглар эди. <sup>40</sup> Марта эса тайёргарчилик ишлари билан жуда овора эди.

Ниҳоят, у Исо ёнига келиб:

– Ҳазрат! Синглим бир ўзимни хизматда қолдириб қўйганига эътибор бермаяпсанми? Унга айтгин, менга ёрдам берсин! – деди. <sup>41</sup> Исо унга шундай жавоб берди:

– Марта, Марта, бунча уриниб ташвишланмасанг!

<sup>42</sup> Зарур бўлган биттагина иш бор. Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади ва бу ундан тортиб олинмайди.

### Ибодат ҳақида

**11** Исо бир жойда ибодат қилар эди. Ибодатни тамом қилгач, шогирдларидан бири Унга:

– Раббий! Яхё ўз шогирдларини ўргатганидек, бизни ҳам ибодат қилишга ўргат, – деди. <sup>2</sup> Исо уларга деди:

– Ибодат қилаётганингизда шундай деб айтинглар:

Эй, Отамиз!

Сенинг муқаддас исминг улуғлансин <sup>†</sup>.

Сенинг Шоҳлигинг келсин.

<sup>3</sup> Кундалик ризқимизни бериб тургин.

<sup>4</sup> Гуноҳларимизни кечиргин, чунки биз ҳам ўзимизга қарздор бўлган ҳар бир кишини кечирамиз.

Бизни васвасага дучор қилмагин <sup>‡</sup>.

<sup>5</sup> Яна уларга деди: “Фараз қилайлик, орангизда бир кишининг дўсти бор. Ярим кечада дўсти унинг олдида келиб:

– Дўстим, менга учта нон қарз бериб тур.

<sup>6</sup> Менинг бир дўстим йўлдан ўтатуриб, ташриф буюрди, олдида қўядиган ҳеч нарсам йўқ, – дейди.

<sup>7</sup> Униси ичкаридан жавоб бериб:

<sup>††</sup> ёки “исминг муқаддас турсин (тутилсин)”. <sup>‡‡</sup> Инжилнинг энг қадимий ва ишонарли қўлёзмалари бўйича, Исо Масиҳнинг ушбу улуғ ибодатининг тўлиқ шакли Матто 6:9-13-оятларида бор.

– Мени безовта қилма. Эшик қулф, болаларим мен билан бир тўшакда ётишибди, энди ўрнимдан туриб сенга беролмайман, – дейдими?

<sup>8</sup> Сизларга ростини айтсам: ўз дўсти бўлгани учун ҳам туриб унга бермаса-да, лекин унинг шилқимлиги туфайли у туриб, қанча сўраса, шунча беради.

<sup>9</sup> Шундай қилиб, Мен сизга айтаман: сўраб турунглар, сизга берилади. Излаб турунглар, топасизлар. Тақиллатиб турунглар, эшик очилади.

<sup>10</sup> Чунки ҳар бир сўраган олар, излаган топар, тақиллатганга эшик очилар.

<sup>11</sup> Орангиздаги қайси бир ота, ўғли ундан нон сўраса, унга тош беради? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон беради? <sup>12</sup> Ёки тухум сўраса, унга чаён беради? <sup>13</sup> Шундай қилиб, сизлар ёвуз бўла туриб болаларингизга яхши ҳадялар бера билар экансиз, самодаги Ота эса Ундан сўраганларга Муқаддас Руҳни бериши янада шубҳасиздир”.

### Исо ва шайтон

<sup>14</sup> Бир куни Исо соқовдан жинни қувиб чиқарди. Жин чиққандан сўнг, соқов тилга кирди, халқ эса ҳайратда қолди. <sup>15</sup> Аммо ораларидан баъзилари: “У инс-жинслар бошлиғи иблиснинг † кучи билангина жинларни қувиб чиқаряпти!” – дедилар.

<sup>16</sup> Бошқалар эса Исони синаб кўрмоқчи бўлиб, осмондан далолат кўрсатишни Ундан талаб қилдилар.

<sup>17</sup> Исо уларнинг қалб кечинмаларини билиб, деди: “Ўз ичидан бўлинган ҳар бир подшоҳлик нурайди, ўз ичидан бўлинган хонадон хароб бўлади. <sup>18</sup> Агар шайтон ҳам ўзаро бўлинган бўлса, унинг салтанати қандай тура олади? Сизлар бўлса, яна Мени иблис кучи билан жинларни қувиб чиқараётибди, дейсиз-а? <sup>19</sup> Агар Мен жинларни иблис кучи билан қувиб чиқараётган бўлсам, у ҳолда сизларнинг ўғилларингиз кимнинг кучи билан қувиб чиқаришади? Шу сабаб ҳам улар сизга ҳакам бўладилар. <sup>20</sup> Агар Мен Худо дасти ила жинларни қувиб чиқараётган эканман, бу Худо Шоҳлигининг сизга етиб келгани демек.

<sup>21</sup> Агар кучли одам ўз уйини қурол-яроғи билан қўриқлаб турса, унинг мол-мулки бехатар бўлади. <sup>22</sup> Аммо ундан кучлироғи ҳужум қилиб уни енгса, у таянган барча қуролларини тортиб олади ва ўлжасини истаганга тақсимлаб беради. <sup>23</sup> Ким Мен билан бирга бўлмаса, Менга қаршидир. Ким Мен билан бирга йиғмаса, сочади.

<sup>24</sup> Ёвуз руҳ инсондан чиққанидан кейин, роҳат излаб сувсиз ерларни айланиб юради ва топмагач: “Чиққан уйимга қайтиб бораман”, дейди. <sup>25</sup> Келгач эса, уйни супурилган ва йиғиштирилган ҳолда кўради. <sup>26</sup> Шунда бориб, ўзидан ҳам ёвузроқ бошқа еттита руҳни чақиради ва улар билан уйга кириб яшай бошлайди. У одамнинг кейинги ҳоли аввалгидан баттарроқ бўлар”.

† ИБЛИС: аслида “Баалзабул”; луғатга қаранг.

### Ҳақиқий бахтиёрлик

<sup>27</sup> Исо бу сўзларни айтаётганда, халқ орасидан бир аёл овозини баланд қилиб:

– Сени асраган қорин, Сени эмизган кўкрак бахтлидир! – деб юборди. <sup>28</sup> Лекин Исо деди:

– Аниқроғи, Худо каломини тинглаб уни бажо келтирганлар бахтлидир!

### Исодан далил талаб қилиш

<sup>29</sup> Кўпдан-кўп халойиқ йиғила бошлагач, Исо сўз очиб деди: “Бу насл ёмондир! Бу насл бир далил изламоқда, аммо Юнус пайғамбарнинг аломатидан бошқа унга далил берилмайди. <sup>30</sup> Юнус Ниневия аҳолиси учун қандай аломатли бўлган бўлса, Инсон Ўғли †† ҳам бу насл учун шундай аломатли бўлади.

<sup>31</sup> Жануб маликаси ‡ қиёмат кунида бу насл одамлари билан бирга тирилиб, уларни маҳкум этади. Чунки у Сулаймоннинг ҳикматини тинглаш учун дунёнинг олис элидан келган. Ҳамда мана, Сулаймондан буюкроғи бу ердадир! <sup>32</sup> Ниневия одамлари қиёмат кунида бу насл билан бирга туриб, уни маҳкум этадилар. Чунки улар Юнуснинг ваъзи сабабли тазарру қилганлар. Ҳамда мана, Юнусдан буюкроғи бу ердадир!”

### Ёруғ тан ҳақида

<sup>33</sup> “Ҳеч ким шамни ёқиб, уни кўринмас ерга ёки челакнинг тагига қўймайди. Аксинча, кирганлар зиёни кўрсин, деб уни шамдонга қўяди. <sup>34</sup> Таннинг чироғи – кўз. Агар кўзинг тиниқ бўлса, бутун танинг ҳам нурли бўлар. Агарда кўзинг ёмон бўлса, танинг ҳам қоронғи бўлар. <sup>35</sup> Шунинг учун, ичингдаги нур қоронғи бўлмаслигига эътибор бер. <sup>36</sup> Агар танингда бирон қоронғи қисм бўлмай, ҳамма жойи нурланиб турса, шунда ёнар чироқ сени ёритгандек, бутун танинг ҳам ёрқин бўлар”.

### Исонинг дин арбобларини койиши

<sup>37</sup> Исо буларни гапириб турганда, бир фарзий Уни дастурхонга таклиф қилди. Исо унинг уйига кириб, овқатланишга ўтирди. <sup>38</sup> Исо овқатдан олдин қўлларини юваганини фарзий кўриб, ажабланди.

<sup>39</sup> Раббимиз Исо унга деди: “Эй фарзийлар, сизлар пиёлаю товоқнинг сиртини тозалайсиз-у, аммо ичингиз талончилик ва ёвузликка тўлиб-тошади!

<sup>40</sup> Ҳой бефаҳмлар! Сиртни яратган ични ҳам яратган эмасми? <sup>41</sup> Яхшиси, ўзингизда боридан хайр-садақа беринглар, шунда сизлар учун ҳамма нарса ҳалол бўлади.

<sup>42</sup> Эй фарзийлар, ҳолингизга вой! Сизлар ялпиз, заъфарон ва ҳар хил сабзавотдан ушр берасиз-у, аммо ҳаққоният ва Худо севгисига бепарвосизлар!

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг. ‡ ЖАНУБ МАЛИКАСИ: Подшоҳ Сулаймонни йўқлаб борган Шабоб (бугунги Яман) маликаси; (айнан Таврот, 3-Шоҳлар 10-боб).

Буларнинг бирини бажара туриб, иккинчисини ҳам ташлаб қўймаслигингиз керак эди.

<sup>43</sup> Эй фарзийлар, ҳолингизга вой! Сизлар ибодатхоналарда тўрда ўтириш ва халқ йиғинларида алик олишни яхши кўрасизлар.

<sup>44</sup> Ҳолингизга вой, эй мунофиқ тафсирчилар ҳамда фарзийлар! Сизлар одамлар сезмай устидан босиб ўтган белгисиз қабрларга ўхшайсизлар”.

<sup>45</sup> Шу маҳалда Таврот тафсирчиларидан бири сўзга чиқиб Исога: “Устоз, бу сўзларни айтиб, бизни ҳам ранжитдинг-ку”, – деди.

<sup>46</sup> Исо эса айтди: “Эй тафсирчилар, сизларнинг ҳам ҳолингизга вой! Сиз кўтариб бўлмайдиган юкларни инсонларга юклайсиз-у, ўзларингиз эса у юкларга бармоғингизни ҳам тегизмайсизлар.

<sup>47</sup> Ҳолингизга вой! Сизлар ота-боболарингиз ўлдирган пайғамбарларга мақбара қурасизлар.

<sup>48</sup> Шу билан ота-боболарингизнинг қилмишларини тасдиқлаб, уларга ҳамфикрдек бўлмоқдасизлар. Улар-чи, пайғамбарларни ўлдиришганди, сизлар эса уларга мақбара қуриб юрибсизлар! <sup>49</sup> Шунинг учун ҳам Худо ўз ҳикматларида шундай деган: “Мен уларга пайғамбарлар ва расуллар юбораман. Улардан баъзиларини ўлдирадилар, баъзиларини эса қувғин қиладилар”.

<sup>50</sup> Шу сабабли, дунё бино бўлгандан бери тўкилган барча пайғамбарлар қони, Ҳобилдан † тортиб, қурбонгоҳ ила маъбад орасида ўлдирилган Закариёгача тўкилган барча қонлар шу наслнинг бўйнига тушади! Ҳа, сизларга яна айтаманки, бу қонлар шу наслдан талаб қилинади!

<sup>52</sup> Эй тафсирчилар, маърифат калитини қўлга олганингиз учун ҳолингизга вой! Ўзларингиз-ку эшиқдан кирганингиз йўқ, кирмоқчи бўлганларга эса тўсқинлик қилиб турибсизлар”.

<sup>53</sup> Исо буларни энди айтиб тугатар экан, уламолар ва фарзийлар Уни қаттиқ сиқувга олдилар, кўплаб сўроқларга жавоб беришга мажбурладилар.

<sup>54</sup> Унинг оғзидан Уни айбловчи бирон гап чиқишини пойлаб, Уни тузоққа тушириш пайида эдилар.

### Риёкорликка қарши огоҳлантириш

**12** Шу орада мингларча одам тўпланиб, бир-бирини эзаётгандай туюлар эди. Исо олдин Ўз шоғирдларига қараб сўзлай бошлади: “Фарзийларнинг хамиртурушидан (яъни риёкорлигидан) эҳтиёт бўлинглар! <sup>2</sup> Очилмай қоладиган ҳеч ёпиқ нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч қандай сир йўқ. <sup>3</sup> Сизнинг қоронғиликда сўзлаганларингиз ёруғликда эшитилажак, берк эшиклар орқасида қулоққа шивирлаганларингиз томлар узра эълон этилажак”.

† ҲОБИЛ: луғатга қаранг.

### Қўрқиш ва қўрқмаслик ҳақида

<sup>4</sup> “Мен сиз, дўстларимга айтаман: баданни ўлдириб, кейин бошқа бирон нарса қилишга қодир бўлмаганлардан қўрқманглар. <sup>5</sup> Бироқ кимдан қўрқиниш кераклигини сизларга уқтирай: кишини ўлдиргандан кейин жаҳаннамга ташлашга ҳам қодир бўлган Худодан қўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаман, Ундан қўрқинглар!

<sup>6</sup> Бешта чумчуқ икки тангага сотилмайдими? Худо хузурида буларнинг бириси ҳам унутилмаган.

<sup>7</sup> Сизларга келсак, бошингиздаги сочлар ҳам бари санокли. Демак, қўрқманглар, сиз кўпдан-кўп чумчуқлардан қадрлироқсиз.

<sup>8</sup> Сизларга яна шуни айтай: кимда-ким инсонлар олдида Мени тан олса, Инсон Ўғли †† ҳам Худо фаришталари олдида уни тан олади. <sup>9</sup> Бироқ кимда-ким инсонлар олдида Мени инкор этса, у Худо фаришталари олдида ҳам инкор этилади. <sup>10</sup> Кимки Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Руҳни куфр қилса ‡, кечирилмайди.

<sup>11</sup> Сизларни диний ҳайъатлар †† ва бошлиқлар, ҳокимлар олдида олиб келганларида, нима деб, қандай гапириб ўзимизни ҳимоя қиламиз, деб қайғурманглар. <sup>12</sup> Чунки нима дейиш кераклигини ўша онда Муқаддас Руҳ сизларга ўргатади”.

### Ақлсиз бой ҳақида масал

<sup>13</sup> Халойиқ ичидан кимдир Исога:

– Устоз, акамга айт, меросни мен билан бўлсин, – деди. <sup>14</sup> Исо унга:

– Эй инсон! Мени сизларга ким қози ёки мерос бўлувчи қилиб қўйди? – деди. <sup>15</sup> Кейин халойиққа:

– Эҳтиёт бўлинглар, ўзингизни ҳар турли тамағирликдан сақланглар. Зеро инсон умри унинг мол-мулки кўплигига боғлиқ эмас, – деди.

<sup>16</sup> Исо уларга шундай масал келтирди:

“Бир бой одамнинг даласи мўл ҳосил бериб турар экан. <sup>17</sup> Бой ўз-ўзига:

– Нима қилай? Ҳосилни қўядиган жойим йўқ, – деб ўйлаб юрган экан. <sup>18</sup> – Мана бундай қиламан, – дебди охири, – омборларимни бузиб, каттароғини қураман, бутун ғалла ва молларимни шу ерга жойлайман. <sup>19</sup> Сўнг ўз-ўзимга: Эй жоним, дейман, сен кўп йилларга етгулик давлат тўпладинг. Энди роҳат қил, еб-ичгин, кайф-сафо сургин, – дебди.

<sup>20</sup> Лекин Худо унга:

– Эй нодон! Бу кечаёқ жонинг олинади. Шунда бу тежаб қўйганларинг кимга қолади? – дебди.

<sup>21</sup> Ўзи учун бойлик тўплаб, Худо назарида бойимаган кишининг қисмати ана шундай бўлади”.

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг. ‡ яъни ким Худо Руҳи ва шайтон иши деса. †† аслида “ибодатхоналар”.

### Тирикчилик ташвишлари ҳақида

<sup>22</sup> Исо шогирдларига яна деди: “Бинобарин, сизларга айтаманки, нима еймиз, деб жонингиз учун, нима киямиз, деб танингиз учун ташвишланиб юрманглар. <sup>23</sup> Жон овқатдан, тан эса кийимдан аълодир. <sup>24</sup> Қарғаларга қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборлари ва на кўрхоналари бор. Шунга қарамай, Худо уларнинг ризқини беради. Сизлар эса қушлардан нақадар қадрлисизлар! <sup>25</sup> Сизлардан ким ташвишланиб, ўз умрини бир лаҳза бўлсин узайтира олар экан? <sup>26</sup> Бу қадар кичик ишни қилишга қурбингиз етмас экан, бошқа нарсалар ташвишини қилмоқ не даркор?

<sup>27</sup> Пиёзгулларга қаранглар, улар қандай ўсади! Улар меҳнат ҳам қилмайди, чарх ҳам йигирмайди. Аммо сизларга айтаманки, ҳатто подшоҳ Сулаймон ўзининг шуҳрат чўққисиди ҳам буларнинг биридай кийинмаган эди. <sup>28</sup> Бугун бор бўлиб, эртага ўчоққа ташланадиган дашт ўтига Худо бундай зеб берган бўлса, сизларни ундан кам кўрармикин, эй имони суслар! <sup>29</sup> Нима еймиз, нима ичамиз, деб қайғуриб юриб безовта бўлманглар. <sup>30</sup> Дунё халқлари ҳадеб бу нарсаларнинг пайида юрадилар. Лекин сизларнинг Отангиз <sup>†</sup> буларга муҳтож эканингизни билади-ку! <sup>31</sup> Сизлар, яхшиси, Худо Шоҳлиги пайида бўлинглар ва қолгани сизга насиб этади.

<sup>32</sup> Қўрқмагил, эй кичик пода! Отангиз Шоҳликни сизларга беришни муносиб кўрди. <sup>33</sup> Мол-мулкингизни сотиб, садақа беринглар. Ўзингизга эскирмайдиган ҳамёнлар қилиб, кўкларда битмас-туганмас хазина ҳозирланглар. У ерда уларга ўғри ҳам яқинлашмас, куя ҳам тушмас. <sup>34</sup> Хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлур”.

### Исонинг қайта келишига тайёр бўлиш

<sup>35</sup> “Белларингиз белбоғлиқ, чироқларингиз ёниб турсин! <sup>36</sup> Сизлар хўжайин тўйдан қайтишини кутиб турган, у келиб эшикни тақиллатиши билан очиб беришга тайёр турган одамлардек бўлинглар. <sup>37</sup> Хўжайин келганда хушёр ҳолда кўрган хизматкорлар бахтлидир! Сизларга чинини айтайин, у хизматкорларини ўтқазиб, бел боғлаганча ўзи уларнинг хизматига тушиб кетади. <sup>38</sup> Хоҳ ярим кечада, хоҳ тонготарда <sup>‡</sup> хўжайин келиб қолса-ю хизматкорларини шундай ҳолда учратса, улар қандай бахтлидирлар! <sup>39</sup> Аммо билингларики, агар уй эгаси ўғри қай соатда келишини билганда, у бедор бўлиб, уйига лаҳим қазилишига йўл қўймас эди. <sup>40</sup> Шунингдек, сизлар ҳам тайёр бўлиб турунглари, чунки Инсон Ўғли сиз ўйламаган соатда келиб қолади”.

† ёки “ўз бўйига бир қарич ҳам қўша олар экан”. †† ОТАНГИЗ: яъни Худо. ‡ ЯРИМ КЕЧА...ТОНГОТАР: аслида “туннинг иккинчи ё учинчи қоровуллигида”; вақт жадвалига қаранг.

<sup>41</sup> Шу пайт Бутрус Исодан: “Раббий, Сен у масални фақат биз учун айтяпсанми, ёки ҳамма учунми?” – деб сўради.

<sup>42</sup> Раббимиз Исо деди: “Уй аҳлига ўз вақтида ризқ-рўз тарқатиш учун хўжайин хизматкорларига бошлиқ қилиб қўйган ишончли ва ақлли уй бошқарувчи ким? <sup>43</sup> Хўжайин келиб, хизматкорини юмуш қилиб турганда кўрса, у қандай бахтлидир! <sup>44</sup> Сизларга чинини айтайин, ўзининг бутун мол-мулкларини устидан уни назоратчи қилиб қўяди. <sup>45</sup> Мабодо у хизматкор ўз кўнглида: “Хўжайиним яқин орада келмайди”, деб қаролу чўриларни ура кетса-да, еб-ичиб маст-аласт бўлса, <sup>46</sup> у хўжайин хизматкори кутмаган бир кунда, ўйламаган бир соатда келиб қолади-ю, уни тилка-пора қилиб, бошига даҳрийлар кунини солади.

<sup>47</sup> Хўжайиннинг хоҳишини билиб, тайёр бўлмаган, хўжайин истагича иш тутмаган хизматкор кўп таёқ ейди. <sup>48</sup> Билмай туриб жазога муносиб иш қилган хизматкор эса оз таёқ ейди. Кимга кўп берилган бўлса, ундан кўп талаб қилинади. Кимга кўп ишониб топширилган бўлса, ундан кўпроқ ундирилади”.

### Исо низога сабаб

<sup>49</sup> “Мен ер юзига ўт ёқиш учун келдим. Ўт эндиёқ аланга олишини қанчалик истардим! <sup>50</sup> Мен жуда оғир дард-аламни <sup>††</sup> бошдан кечиримиз керак. Бу амалга ошмагунча нақадар қийналаман! <sup>51</sup> Мени ер юзига тинчлик келтириш учун келган, деб ўйлайсизларми? Сизга йўқ, аксинча, низо солгани келганман, деяпман. <sup>52</sup> Зеро бундан буён бир уйда беш киши ўзаро бўлинган бўлади, учтаси иккитасига ва иккитаси учтасига қарши тарафкашлик қилади. <sup>53</sup> Ота ўғлига қарши, ўғил отасига қарши, она қизига қарши, қиз онасига қарши, қайнона келинига қарши, келин қайнонасига қарши чиқади”.

### Замон аломатлари ва абадийлик

<sup>54</sup> Исо халқ оммасига яна ушбунни ҳам айтди: “Сиз ғарбдан булут кўтарилганини кўрдингизми, ҳамон “жала бўлади” дейсизлар ва худди шундай бўлади. <sup>55</sup> Жануб шамоли эсган вақтда сизлар “жазирама иссиқ бўлади” дейсизлар ва шундай бўлади. <sup>56</sup> Эй риёкорлар! Еру кўк юзини аниқлай биласиз-у, нега бу вақт-соатнинг маъносини била олмайсизлар? <sup>57</sup> Нахотки ўзингизча тўғри йўлни пайқамасангиз?

<sup>58</sup> Сен рақибинг билан бирга маҳкамага бораётганингда, йўл-йўлакай у билан келишишга ҳаракат қил. Акс ҳолда у сени қозининг олдида судраб келади, қози сени зиндонбонга топширади, зиндонбон эса сени зиндон қаърига ташлайди.

<sup>59</sup> Сенга гапим шуки: сўнгги тийинни тўламагунингча, у ердан чиқмайсан”.

†† ДАРД-АЛАМ: аслида “чўмиш”; бу ерда Исонинг ҳақоратланиши ва ўлишига ишора бор.

### Тавба ва ҳалокат ҳақида

**13** Ўша вақтда кимлардир Исога келиб, ҳоким Пилат ўлдирган жалилаликлар ҳақида хабар қилишди. Пилат уларни тиғдан ўтказиб, қонларини ўзлари сўйган қурбонлар қонига аралаштириб ташлаган эди.

<sup>2</sup> Исо хабарчиларга деди: “Сизнингча, бу жалилаликлар бошқа бутун Жалила кишиларидан кўпроқ гуноҳкор бўлгани учун шунчалик жафо чекдиларми? <sup>3</sup> Сизга йўқ дейман. Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз ҳам улар каби ҳалок бўласиз. <sup>4</sup> Масалан, Силоам минораси қулаганда, ўн саккиз киши эзилиб нобуд бўлган эди. Сизлар бу кишиларни Қуддусда яшовчи ҳаммадан кўра айбдорроқ деб ўйлайсизми? <sup>5</sup> Сизга йўқ дейман. Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз ҳам улар каби ҳалок бўласиз”.

### Худонинг сабри ҳақида масал

<sup>6</sup> Исо қўйидаги масални ҳам айтиб берди: “Бир кишининг узумзоридида ўтқазилган анжир дарахти бор экан. Киши келиб, ундан мева излабди-ю, лекин тополмабди. <sup>7</sup> У боғбонга:

– Мен уч йилдан бери бу анжир дарахтидан мева излаб келаман ва тополмайман. Уни кесиш ташла, нега у ерни банд қилиб турибди? – деб айтибди.

<sup>8</sup> Боғбон эса шундай жавоб берибди:

– Хўжайин, дарахтингиз бу йил ҳам турсин. Мен унинг ён-бағирларини бир чопиб гўнг солай.

<sup>9</sup> Балки мева берар. Майли, агар бермаса, унда келгуси йил кесиш ташларсиз”.

### Қадди букик аёлни шифолаш

<sup>10</sup> Шанба куни Исо яҳудий ибодатхоналарининг бирида таълим бераётган эди. <sup>11</sup> У ердаги бир аёл ўн саккиз йилдан бери ёмон руҳдан қийналиб оғриган, икки букилган, қаддини сира тиклаёлмас эди. <sup>12</sup> Исо уни кўргач, ёнига чақириб деди:

– Эй хотин, сен дардингдан халос бўлдинг!

<sup>13</sup> Сўнг қўлларини аёлнинг бошига қўйди. Аёл қадди тикланди-қолди, Худога олқишлар айта бошлади.

<sup>14</sup> Исо дам олиш куни ҳам шифолаш билан машғул эканини кўрган жамоабоши аччиқланиб, жамоага:

– Ишлаш учун олти кун бор. Даволанмоқчи бўлсангиз, шанбадан бошқа кун келинглар, – деди.

<sup>15</sup> Раббимиз Исо унга жавобан деди:

– Эй мунофиқ! Шанба куни бўлишига қарамай, ҳар бирингиз ўз ҳўкизи ёки эшагингизни охурдан ечиб суғоргани олиб бормайсизми? <sup>16</sup> Шунга кўра, ўн саккиз йилдан бери шайтон боғлаб қўйган, бобомиз Иброҳим қизи ҳисобланган бу аёлни шанба куни кишанларидан озод қилиш ўринли эмасмиди?

<sup>17</sup> Исонинг бу сўзлари Унга қаршилик кўрсатганларнинг ҳаммасини уятга қўйди. Бутун халқ эса Исо бажараётган барча ажойиб ишларни кўргани сайин қувонар эди.

### Худо салтанати ҳақида икки масал

<sup>18</sup> Исо яна сўз олди: “Худонинг Шоҳлиги нимага ўхшаш? Уни нимага тенглаштирайин? <sup>19</sup> У бир одам ўз боғига эккан хантал уруғига ўхшар. Уруғ униб, улкан дарахт бўлибдики, шоҳлари аро кўк қушлари ҳам қўниб уя қурибди”.

<sup>20</sup> Тағин деди: “Худонинг Шоҳлигини нимага ўхшатай? <sup>21</sup> У бир аёл бутун хамирни ошириш учун уч тоғора † унга қориштириб солган хамиртуруш бурдасига ўхшар”.

### Нажот эшиги тор

<sup>22</sup> Исо Қуддус томон йўл олиб, шаҳарма-қишлоқ юриб таълим берар эди. <sup>23</sup> Кимдир Унга савол берди:

– Ҳазрат, нажот топадиганлар озми?

Исо ҳаммага айтди: <sup>24</sup> “Тор эшикдан кириш учун жон куйдиринглар. Сизга шуни айтай: <sup>25</sup> Уй Эгаси туриб эшикни бекитиб қўйгач, кўплар кириш учун интиладилар, бироқ киролмайдилар. Ўшанда сизлар ҳам ташқарида қолиб:

– Ё Раббий, ё Раббий, бизларга очиб бер! – деб эшикни тақиллата бошлайсизлар. Лекин У сизларга:

– Ким ва қаердан эканингизни билмайман, – деб жавоб беради. <sup>26</sup> Шунда сизлар:

– Биз Сенинг олдинда еб-ичдик, Сен бизнинг кўчаларда таълим бериб юрдинг-ку, – деб айтасизлар. <sup>27</sup> У эса:

– Кимсиз, қаердансиз, билмайман, деб сизларга айтиб эдим-ку. Эй бадкирдорлар тўдаси, Менинг кўзимдан узоқлашинглари! – дейди.

<sup>28</sup> Ўшанда йиғи-сиғи ва оҳу воҳлар чекасизлар. Чунки ўзингизни ташқарига қувғинди, Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб ва барча пайғамбарларни эса Худонинг Шоҳлиги соясида кўрасизлар. <sup>29</sup> Шарқу ғарбдан, шимолу жанубдан одамлар келиб, Худо Шоҳлигида зиёфатга ўтирадилар. <sup>30</sup> Ўша вақт баъзи охиргилар биринчи, биринчилар эса охирги бўладилар”.

### Исонинг Қуддус учун ноласи

<sup>31</sup> Ўша куни фарзийлардан айримлари Исонинг олдига келиб:

– Бу ердан чиқиб кет, чунки Ҳирод Сени ўлдирмоқчи, – дейишди. <sup>32</sup> Исо уларга шундай деди:

– Бориб у тулкига айтинглари: Мен бугун ва эрта жинларни қувиб, шифокорлик қилмоқдаман. Учинчи куниёқ даврим тугар. <sup>33</sup> Шундай бўлса ҳам, Мен бугун, эрта ва индин Ўз йўлимдан оғмай

† ТОҒОРА: юнонча “сатон” – 13 литрга тенг суяқлик ўлчови.

юраверишим керак. Чунки пайғамбар Қуддусдан ташқарида ўлдирилиши маҳолдир.

<sup>34</sup> О Қуддус, Қуддус! Пайғамбарларни қатл қилиб, ҳузурингга юборилганларни тошбўрон қилгувчи шаҳар! Товуқ ўз жўжаларини қанотлари остига қандай тўпласа, Мен ҳам сенинг болаларингни неча бор шундай тўпламоқчи бўлдим, лекин сиз истамадингиз. <sup>35</sup> Мана, сизнинг уй-жойингиз ҳувиллаб қолади. Сизга шуни айтиб қўяй: “Худованд номидан Келаётган муборак”, – деб хитоб қилмагунингизча, Мени яна кўрмайсизлар.

#### Дам олиш кунидаги шифокорлик

**14** Бир шанба куни Исо фарзийлар мазҳаби бошлиқларидан бирининг уйига меҳмонга борди. Уни зимдан кузатиб туришарди. <sup>2</sup> Исонинг олдида истисқо дардидан қийналиб юрган бир одам пайдо бўлди. <sup>3</sup> Исо уни кўриши билан Таврот тафсирчилари ва фарзийларга қайрилиб:

– Дам олиш кунида кишини шифолаш мумкинми, йўқми? – деб сўради. <sup>4</sup> Улар эса индамадилар.

Исо бу одамни ушлади-да, шифолаб, жўнатиб юборди. <sup>5</sup> Сўнг дин пешволарига деди:

– Сизлардан кимнингдир ўғли † ёки хўкизи қудуққа тушиб кетса, шанба куни бўлишига қарамай, дарҳол чиқариб олмасингиз?

<sup>6</sup> Улар эса бу гапга бирон жавоб топа олмадилар.

#### Меҳмону мезбонга панд-насиҳат

<sup>7</sup> Меҳмонлар тўрда ўтиришга интилаётганларини пайқаган Исо уларга ибратли нақл айтди: <sup>8</sup> “Сени биров никоҳ тўйига чақирса, тўрга чиқиб ўтираверма. Эҳтимол, таклиф этилганлар орасида сендан эътиборлироғи бўлиб қолар. <sup>9</sup> Шунда икковингизни ҳам чақирган мезбон келиб сенга: “Бу ўринни унга бўшатиб бер”, – дейиши мумкин. Сен эса хижолат тортиб, пойгаҳда ўтиришга мажбур бўласан. <sup>10</sup> Шунинг учун, таклиф этилган бўлсанг, пойгаҳда ўтириб тур, токи мезбоннинг ўзи келиб сенга: “Дўстим, илтимос тўрга чиққин”, – деб айтсин. Шунда бошқа меҳмонлар кўзида сенинг ҳурматинг ортади. <sup>11</sup> Кимки ўзини юқори олса, пасайтирилади. Кимки ўзини паст олса, юксалтирилади”.

<sup>12</sup> Сўнг Исо ўзини таклиф қилган уй эгасига деди: “Тушки ёки кечки зиёфат қилганингда, дўст, ака-ука, қариндош-уруғ ва бой қўшнилариңгизга чақариб турма. Чунки улар ҳам сени чақариб, қаримта қилишига тўғри келади. <sup>13</sup> Аксинча, зиёфат берганингда, қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни чақир. <sup>14</sup> Шунда сен бахтлисан. Чунки улар сенга қаримтасини қайтара олмаса-да, лекин қиёматда солиҳлар тирилганида сен бунинг қаримтасини кўрасан”.

#### Худо чақирганлар ҳақида масал

<sup>15</sup> Исо билан бирга дастурхон атрофида ўтирганлардан бири бу сўзларни эшитиб, Унга:

– Худонинг Шоҳлигида туз тотган киши бахтлидир! – деди. <sup>16</sup> Исо ўз навбатида унга деди:

“Бир одам кечки катта дастурхон ясаб, кўпларни таклиф этибди. <sup>17</sup> Зиёфат вақти етганда:

– Келинлар, дастурхон тайёр бўлди, – деб меҳмонларни чақирмоқ учун хизматкорини юборибди. <sup>18</sup> Шунда ҳаммалари келишиб олгандек, узр сўрай бошлашибди. Биринчиси унга:

– Мен ер сотиб олдим, бориб уни кўришим керак. Илтимос, мени кечиринг, – дебди. <sup>19</sup> Бошқаси эса:

– Мен беш жуфт хўкиз сотиб олдим, уларни сингани боряпман. Илтимос, мени кечиринг, – дебди. <sup>20</sup> Учинчи бирови ҳам:

– Мен хотин олдим, шунинг учун келолмайман, – дебди.

<sup>21</sup> Хизматкор қайтиб келиб, хўжайинига вазиятни тушунтирибди. Хўжайин ғазабланиб, хизматкорига:

– Тез бўл, шаҳарнинг йўлак ва кўчаларини кезиб чиқ, қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни бу ерга олиб кел, – дебди.

<sup>22</sup> Хизматкор бориб келиб:

– Хўжайин, буюрганларингизни бажардим-у, яна ҳам бўш жой бор, – дебди. <sup>23</sup> Шунда хўжайин хизматкорига:

– Йўлларга чиқ, сўқмоқларга бор, элни келишга қиста, токи уйим тўлсин, – дебди. <sup>24</sup> – Сизларга айтаманки, чақирилган одамлардан бирортаси ҳам зиёфатимдан тотиб кўрмайди. [Чунки даъват этилганлар кўп, аммо танланганлар оздир.]”

#### Исонинг шогирди бўлмоқ

<sup>25</sup> Кўпдан-кўп халойиқ Исо билан бирга борар экан, У ўгирилиб уларга деди: <sup>26</sup> “Агар ким Менинг ҳузуримга келса-ю, ўзининг ота-онаси, хотини, бола-чақаси, ака-укаси, опа-сингиллари ва ҳатто ўз жонидан кўнгил узмаса ††, у Менинг шогирдим бўлолмайди. <sup>27</sup> Кимки ўз хочини кўтариб орқамдан юрмаса, Менинг шогирдим бўлолмайди.

<sup>28</sup> Сизлардан бирортангиз иморат қурмоқчи бўлсангиз, уни битириш учун маблағ етарлими, деб олдиндан харажатини ҳисоблаб чиқмайсизми?

<sup>29</sup> Бўлмаса пойдевор солиб, иморат кура билмасангиз, ўтган-кетган кўриб: <sup>30</sup> “Бу одам куришни бошлади-ю битира олмади”, – деб масхара қилишади.

<sup>31</sup> Ёки қайси подшоҳ бошқа бир подшоҳга қарши урушга борса, ўзимнинг ўн минг аскарим билан йигирма минг аскарга қарши чиқишга кучим етармикан, деб олдиндан ўтириб маслаҳатлашмас экан? <sup>32</sup> Кучи етмаса, душман ҳали узоқдалигида унинг олдида элчи юбориб сулҳ сўрайди. <sup>33</sup> Шундай

† Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “эшаги”.

†† аслида “нафрат қилмаса”, яъни Исони ҳаммадан кўп севишимиз лозим; яна қаранг: 9:23.

қилиб, сизлардан ҳар бирингиз ўзингизнинг бор-йўғингиздан кўнгил узмасангиз, Менинг шогирдим бўлолмайсиз.

<sup>34</sup> Туз – яхши нарса. Лекин туз ўз таъмини йўқотса, уни яна нима билан шўр қилиш мумкин? <sup>35</sup> Ерга ҳам, гўннга ҳам ярамайди, уни ахлатга ташлаб юборадилар. Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!”

#### Адашган қўй ҳақида масал

**15** Ҳар қандай гуноҳкор одамлар ва солиқчилар Исони тинглаш учун Унинг олдида оқиб келар эдилар. <sup>2</sup> Буни кўрган фарзийлар ва уламолар: “Мана, У гуноҳкорларни қабул қилиб, бирга еб-ичмоқда”, – деб норозилик билдирдилар. <sup>3</sup> Исо эса уларга қуйидаги масални айтиб берди:

<sup>4</sup> “Сизлардан кимнингдир юзта қўйи бўлса-ю, улардан бирортасини йўқотса, тўқсон тўққизтасини даштда қолдириб, йўқолган қўйни топмагунча қидирмайдими? <sup>5</sup> Уни топгач, қувониб елкасига олиб кўтариб кетади. <sup>6</sup> Уйга келгач, дўстлари билан қўшнилари чакриб: “Мен билан бирга қувонинглар, мен йўқолган қўйимни топдим”, – дейди. <sup>7</sup> Сизларга айтаманки, худди шунга ўхшаб, тавбага ҳожат сезмаган тўқсон тўққиз тақводордан кўра, тавба қилган биттагина гуноҳкор учун осмонда шодлик бўлади”.

#### Йўқолган танга ҳақида масал

<sup>8</sup> “Ёки қайси бир аёлнинг ўнта кумуш тангаси бўлса-да, биттасини йўқотиб қўйса, у шам ёқиб пулни топмагунча уйини супуриб-сидириб синчиклаб қидирмайдими? <sup>9</sup> Пулни топгач, дугоналари билан қўшнилари чакриб: “Мен билан бирга қувонинглар, мен йўқолган тангамни топдим”, – дейди. <sup>10</sup> Сизларга айтаманки, худди шунингдек, тавба қилган битта гуноҳкор учун Худо фаришталари ҳузурида шодлик бўлади”.

#### Дарбадар ўғил (Худо севгиси ҳақида масал)

<sup>11</sup> Исо яна деди: “Бир одамнинг икки ўғли бор экан. <sup>12</sup> Уларнинг кичиги отасига:

– Ота, мол-мулкингиздан менга тегишли қисмини беринг, – дебди.

Ота бисотини икки ўғлига бўлиб берибди.

<sup>13</sup> Бир неча кундан кейин кичик ўғил бор-йўғини йиғиштириб, узоқ бир мамлакатга кетибди. У ерда шалоқ яшаб, мол-дунёсини кўкка совуриб юрибди. <sup>14</sup> Борини исроф этгандан кейин, у мамлакатда оғир қаҳатчилик бошланибди, йигит ҳам муҳтожликка йўлиқибди. <sup>15</sup> У бориб, бу мамлакат фуқароларидан бирига ёлланибди. У эса йигитни ўз даласидаги тўнғизларни боқишга юборибди. <sup>16</sup> Ниҳоят, йигит тўнғизлар ейдиган қўзоқлар билан қорнини тўйдиришга ҳам зор бўлибди, лекин унга шуни ҳам раво кўришмас экан.

<sup>17</sup> Ўзига келгач, у дебди: “Отанинг қанчадан-қанча ёлланма ишчиларининг нони ошиб-тошиб ётибди, мен эса бу ерда очликдан ўляпман. <sup>18</sup> Энди отанинг олдида борай ва унга: Ота, мен Худога † ва сизга қарши гуноҳ қилдим. <sup>19</sup> Энди сизнинг ўғлингиз аталишга лойиқ эмасман. Мени ёлланма ишчиларингиз қаторига қабул қилсангиз, бас, дейман”.

<sup>20</sup> Йигит отаси олдида равона бўлибди. У ҳали узоқда келаётганлигидаёқ, отаси ўғлини кўриб, кўнгли бўшаб кетибди. Югурганча бориб, ўғлининг бўйнидан кучиб, юз-кўзларидан ўпибди.

<sup>21</sup> Ўғли унга:

– Ота, мен Худога †† ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз деб аталишга лойиқ эмасман, – дебди.

<sup>22</sup> Ота хизматкорларига шундай буюрибди:

– Тез бўлинг, энг нафис тўн келтириб елкасига ёпинг, қўлига узук тақинг, оёқларига чориқ кийгизинглар. <sup>23</sup> Бўрдоқини олиб чиқиб, сўйинглар, еб-ичайлик, хурсандчилик қилайлик. <sup>24</sup> Чунки менинг бу ўғлим ўлган эди – тирилди, йўқолган эди – топилди.

Шундай қилиб, хурсандчилик қила бошлабдилар. <sup>25</sup> Катта ўғил шу пайтда далада экан. Қайтаётиб уйга яқинлашганда, қулоғига чолғу ва ўйин-кулги садолари эшитилибди. <sup>26</sup> Хизматкорлардан бирини чакриб:

– Нима гап? – деб сўрабди.

<sup>27</sup> – Укангиз келди, отангиз уни соғ-саломат кўргани учун бўрдоқини сўйдилар, – дебди у.

<sup>28</sup> Шунда катта ўғил аччиқланиб, ичкарига киргиси келмабди. Отаси эса ташқарига чиқиб, ўғлига ўтиниб гапирибди. <sup>29</sup> У отасига жавоб берибди:

– Мен шунча йилдан бери сизга хизмат қиламан. Сира сизнинг буйруғингизга қарши чиққанам йўқ. Лекин дўстларим билан хурсандчилик қилишим учун сиз менга битта улоқ ҳам атамадингиз.

<sup>30</sup> Аммо мол-мулкингизни фоҳишаларга сарфлаб қайтган анави ўғлингизга бўрдоқи сўйибсиз!

<sup>31</sup> Отаси унга шундай жавоб берибди:

– Ўғлим! Сен доимо мен билан биргасан, менинг ҳамма нарсам сеники. <sup>32</sup> Бироқ бугун шодланиш, хурсандчилик қилиш керак. Чунки сенинг бу уканг ўлган эди – тирилди, йўқолган эди – топилди”.

#### Шум иш бошқарувчи

**16** Исо ўз шогирдларига ҳам айтди: “Бир бойнинг хўжалик ишларини бошқарувчиси бор экан. Бойнинг қулоғига, иш бошқарувчи мол-мулкингизни бежо сарф қилиб юрибди, деган чақув етибди. <sup>2</sup> Шунда бой иш бошқарувчини чакриб:

– Сен тўғрингда узунқулоқ гап юрибди. Ишларингнинг ҳисобини бер, сен энди уйимни бошқаролмайсан, – дебди.

† аслида “осмонга”. †† аслида “осмонга”.

<sup>3</sup> Иш бошқарувчи ўзича:

– Нима қилсам экан? – дебди. – Хўжайиним бошқарувчиликни қўлимдан оляпти. Ер қазिशга кучим етмайди, тиланчилик қилиш эса менга уят.

<sup>4</sup> Бошқарувчиликдан бўшатиладиганидан сўнг одамлар яна ўз уйларига қабул қилишлари учун нима қилсам бўлади?

Сўнг:

– Ҳа, топдим! – дебди-да, <sup>5</sup> хўжайинидан қарз бўлганларнинг ҳар бирини алоҳида ёнига чақирибди. Биринчисидан сўрабди:

– Хўжайинимдан қанча қарзинг бор?

<sup>6</sup> – Юз кува <sup>†</sup> зайтун мойи, – жавоб берибди у.

– Тилхатингни ол, тезда ўтириб эллик кува деб ёз! – дебди унга иш бошқарувчи. <sup>7</sup> Кейин бошқасидан ҳам сўрабди:

– Сенинг қанча қарзинг бор?

– Юз қанор <sup>††</sup> буғдой, – жавоб берибди у. Унга ҳам:

– Тилхатингни ол, саксон қанор деб ёз! – дебди.

<sup>8</sup> Хўжайини эса ўзининг бу шум иш бошқарувчисини, ақлли иш қилдинг, деб мақтабди. Чиндан ҳам бу дунёнинг одамлари ўзларига ўхшаганлар орасида нур аҳлидан <sup>‡</sup> кўра эс-хушлироқ ҳаракат қиладилар”.

#### Бойлик ва садоқат ҳақида

<sup>9</sup> “Мен сизга айтаманки, бу бевафо дунёнинг бойлигидан фойдаланиб дўст орттиринглар, токи бу бойлик тугагач, сизларни абадий маконларга қабул қилсинлар. <sup>10</sup> Кичик ишда садоқатли бўлган буюк ишда ҳам садоқатлидир. Кичик ишда садоқатсиз бўлган буюк ишда ҳам садоқатсиздир. <sup>11</sup> Агар сиз бу бевафо дунёнинг бойлигига содиқ бўлмасангиз, ҳақиқий бойликни сизга ким ишониб беради? <sup>12</sup> Агар бошқаларнинг нарсасига содиқ бўлмасангиз, ўз насибангизни сизга ким беради?”

<sup>13</sup> Ҳеч қандай хизматкор икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини севади, ёки бирига ихлос қўйиб, бошқасини хор қилади. Сиз ҳам Худога, ҳам пулга бирдек сиғина олмайсиз”.

#### Худо салтанати ҳақида

<sup>14</sup> Фарзий мазҳабидагилар буларни эшитиб, пулпараст бўлганлари учун Исога мазах қила бошладилар.

<sup>15</sup> Исо уларга деди: “Сиз одамлар олдида ўзингизни тақводор қилиб кўрсатасизлар, лекин Худо юрагингизни билади. Ана, одамларда кўкка кўтарилган неки бўлмасин, Худо назарида жирканчдир. <sup>16</sup> Таврот ва Пайғамбарлар даври <sup>‡‡</sup> Яхё келгунча давом этди. У вақтдан буён Худо

Шоҳлиги тўғрисидаги Хушхабар ваъз қилинмоқда ва ҳамма бу Шоҳликка кириш учун зўр бермоқда.

<sup>17</sup> Бироқ Тавротдан бир чизиқ йўқолишидан кўра, еру осмоннинг йўқолиши осонроқдир.

<sup>18</sup> Кимда-ким ўз хотинидан ажралиб, бошқасига уйланса, зино қилган бўлади. Шунингдек, эридан ажралган хотинга уйланган киши ҳам зино қилган бўлади”.

#### Охиратдаги бой билан гадой

<sup>19</sup> “Кимхоб ва шойи кийимлар кийиб, ҳар куни дабадали базмларда кайф-сафо сурган бир бой одам бор экан. <sup>20</sup> Бойнинг дарвозаси олдида ҳамма баданига яра тошган Лазар <sup>‡‡</sup> исмли бир қашшоқ гадой ётар экан. <sup>21</sup> У бой дастурхонидан тўкилган ушоқлар билан қорин тўйдиришни орзу қилар, итлар эса келиб унинг яраларини ялаб кетар экан.

<sup>22</sup> Бир куни гадой ўлиб қолибди, фаришталар уни Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнига олиб борибдилар. Кейин бой ҳам ўлиб, уни кўмишибди.

<sup>23</sup> Тамуф <sup>‡‡‡</sup> азобидан ўтар экан, бой бошини кўтариб узоқдаги Иброҳимни ва унинг ёнидаги Лазарни кўрибди. <sup>24</sup> У фарёд кўтариб:

– Эй Иброҳим ота! Менга раҳм қилиб Лазарни юборгин, у бармоғининг учини сувга ботириб тилимга сув томизсин. Чунки мен бу оловда кўп азоб чекапман, – дебди. <sup>25</sup> Иброҳим унга шундай жавоб берибди:

– Унутма, ўғлим, сен ҳаётингда яхшилик насибангни олиб бўлдинг, Лазар эса ёмонлик насибасини олиб бўлди. Энди у бу ерда тасалли топяпти, сен бўлсанг, азоб чекапсан. <sup>26</sup> Бундан ташқари, сиз билан бизнинг орамизда тубсиз жарлик бор. Бу ердан сиз томон ўтмоқчи бўлганлар ўта олмайдилар ва у ердан биз томон ҳам ўтмайдилар.

<sup>27</sup> – Ундай бўлса, эй ота, сендан ўтиниб сўрайман, Лазарни отамнинг уйига юборгин. <sup>28</sup> Менинг бешта укам бор. Улар ҳам бу азобли жойга келмасликлари учун уларни огоҳлантириб қўйсин, – дебди бой.

<sup>29</sup> Иброҳим унга:

– Улар Мусо пайғамбарни ва бошқа пайғамбарларни билишади, уларга қулоқ солишсин, – дебди. <sup>30</sup> Бой эса:

– Йўқ, Иброҳим ота, қулоқ солмаслар. Фақат ўликлардан бири уларнинг олдида борса, ўшанда тавба қиларлар, – дебди. <sup>31</sup> Иброҳим шундай дебди:

– Агар Мусо ва бошқа пайғамбарларга қулоқ солмаган бўлсалар, ўликлардан бири тирилиб борса ҳам ишонмайдилар”.

#### Васваса, гуноҳ ва кечирим ҳақида

**17** Исо ўз шоғирдларига яна деди: “Васвасалар келиши шаксиздир. Лекин ким орқали келса,

пайғамбаргача бўлган Қадимги Аҳд даври (тақрибан милoddан олдинги 1400-200 йиллар); луғатга қаранг. <sup>‡‡</sup> ЛАЗАР: аслида “Ильазар”, “Худо ёрдамчим” демақдир. <sup>‡‡‡</sup> ТАМУФ: аслида “ҳадес”; луғатга қаранг.

<sup>†</sup> ЮЗ КУВА: юнонча “100 бат” – тақрибан 3000 литр. <sup>††</sup> ЮЗ ҚАНОР: юнонча “100 кор” – тақрибан 30000 литр. <sup>‡</sup> НУР АҲЛИ: аслида “нур ўғиллари”, яъни Исо Масиҳнинг йўлида юриб илоҳий нурдан нурланиб турганлар; яна қаранг: Юҳанно 8:12, 12:36, Эфесликлар 5:8, 1-Салониқалиқлар 5:5. <sup>††</sup> ТАВРОТ ВА ПАЙҒАМБАРЛАР ДАВРИ: яъни Мусо пайғамбардан бошлаб Яхё



ўша одамнинг ҳолига вой! <sup>2</sup> Бу кичиклардан биронтасини йўлдан оздиргандан кўра, унинг бўйнига тегирмон тошини осиб, денгизга ташланиши у учун фойдалироқ бўлар эди.

<sup>3</sup> Ўзларингизга эҳтиёт бўлинглар!

Агар биродаринг гуноҳ қилса, унга танбеҳ бер. Агар тавба қилса, уни кечир. <sup>4</sup> Агар сенга қарши бир куннинг ўзида етти марта гуноҳ қилса-ю, етти марта сенга қайтиб келиб: “Тавба қилдим”, – деса, уни кечириб юбор”.

### Имон ҳақида

<sup>5</sup> Ҳаворийлар Раббимиз Исога:

– Имонимизга имон кўш, – дедилар. <sup>6</sup> Раббимиз жавоб берди:

– Агар зиғирдай <sup>†</sup> имонингиз бўлиб, шу тут дарахтига: “Илдизинг билан кўпорилиб чиқ ва денгизга кўчиб илдиз от”, – десангиз, дарахт сизга бўйсунди.

### Хизмат бурчи ҳақида

<sup>7</sup> “Орангиздаги қай бирингиз кўш ҳайдовчи ёки подачи хизматкорингиз даладан қайтгач, унга: “Тез келиб дастурхонга ўтир”, – дейсиз? <sup>8</sup> Аксинча: “Кечки овқатимни тайёрла, ишга бел боғлаб, овқатланиб бўлгунимча менга хизмат қил, ундан кейин ўзинг еб-ичасан”, – демайсизми? <sup>9</sup> Хўжайин буюрган ишларни бажарган қул ташаккур олармикин? Қайдам. <sup>10</sup> Сизлар ҳам шунга ўхшаб, ўзингизга буюрилган ҳамма ишни бажаргандан сўнг: “Бизлар арзимайдиган қуллармиз, фақат зиммамиздаги ишни қилдик”, – денглар”.

### Шифо топган ўнта мохов

<sup>11</sup> Исо Самария билан Жалила оралиғидан ўтиб, Қуддус томон йўл олди. <sup>12</sup> У бир қишлоққа кираётганда, ўнта моховга дуч келди. Улар узоқда турганча <sup>13</sup> овозларини баланд қилиб:

– Эй Устозимиз Исо, бизга раҳм қил! – дейишди.

<sup>14</sup> Уларни кўрган Исо:

– Бориб, ўзларингни руҳонийларга <sup>††</sup> кўрсатинглар, – деди.

Улар эса йўлда кетаётиб, моховдан фориг бўлишди.

<sup>15</sup> Улардан бири ўзининг шифо топганини пайқагач, баланд овоз билан Худони улуғлаб орқага қайтди. <sup>16</sup> Исонинг оёқларига йиқилиб Унга ташаккур билдирди. Бу одам самариялик <sup>‡</sup> эди.

<sup>17</sup> Исо:

– Шифо топган ўн киши эди-ку? Қолган тўққизингиз қани? <sup>18</sup> Худони улуғлаш учун шу бегона кишидан бошқа ҳеч ким қайтиб келмадими? – деди.

<sup>19</sup> Сўнг у одамга:

– Ўрнингдан туриб бора қол, ишончинг сени қутқарди, – деди.

### Худо Шоҳлиги ва Исонинг қайта келиши

<sup>20</sup> Фарзийлар Исога:

– Худонинг Шоҳлиги қачон келади? – деган саволни беришди. Исо уларга жавоб берди:

– Худонинг Шоҳлиги кўзга кўриниб келмайди.

<sup>21</sup> “Қара, у бу ерда”, ёки “Ана у ерда”, – деб ҳам айтишмайди. Мана, Худонинг Шоҳлиги ўз ичингиздадир.

<sup>22</sup> Сўнг Исо шогирдларига қайрилиб, деди:

– Шундай кунлар келадикки, Инсон Ўғлининг <sup>‡‡</sup> биттагина кунини кўришга ҳавас қиласизлар, бироқ кўролмайсизлар. <sup>23</sup> Сизларга: “Мана, у бу ерда”, ёки “Мана шу ерда”, деб айтишса, борманглар, уларнинг орқасидан қувманглар. <sup>24</sup> Чунки чакмоқ чақиб, фалакни бир учидан бошқа учигача ярқиратиб юборганидек, Инсон Ўғли ҳам ўз кунини худди шундай пайдо бўлади. <sup>25</sup> Лекин ундан аввал У кўп азоб чекиши ва бу насл томонидан рад қилиниши керак.

<sup>26</sup> Нуҳ пайғамбар даврида қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли келадиган кунларда ҳам шундай бўлади. <sup>27</sup> Нуҳ кемага кирган кунига қадар едилар, ичдилар, уйландилар, турмушга чиқдилар. Ва тўфон келиб, ҳаммани ҳалок қилди. <sup>28</sup> Лут кунларида ҳам шундай бўлди: еб-ичдилар, олди-сотди қилдилар, экин-тикин ва бинокорлик билан машғул бўлдилар. <sup>29</sup> Лекин Лут Садўм шаҳридан чиққан кунини осмондан олов ва олтингугурт ёғиб, ҳаммани ҳалок қилди.

<sup>30</sup> Инсон Ўғли зоҳир бўлган кунда ҳам худди шундай бўлади. <sup>31</sup> У кунда томнинг устида бўлган киши уйда қолдирган анжомларини олиш учун пастга тушмасин. Шунингдек, даладаги ҳам қайтиб келмасин. <sup>32</sup> Лутнинг хотинини эслаб туринглар. <sup>33</sup> Кимки жонини сақлашга ҳаракат қилса, уни йўқотади. Кимки жонини фидо қилса, уни қутқаради. <sup>34</sup> Сизга яна айтаманки, ўша кеча бир тўшақда икки киши бўлади; бири олинади, бири қолдирилади. <sup>35</sup> Икки аёл бирга тегирмон тортаётган бўлади; бири олинади, бири қолдирилади. <sup>36</sup> [Икки киши далада бўлади; бири олинади, бири қолдирилади.]

<sup>37</sup> Шогирдлар Исодан сўради:

– Раббий, бу воқеалар қаерда юз беради?

– Мурда қаерда бўлса, калхатлар ҳам ўша ерда тўпланади, – деди Исо.

### Муттасил ибодат ҳақида

**18** Исо шогирдларига доимо, безмасдан ибодат қилиш кераклиги ҳақида масал айтиб берди:

<sup>2</sup> “Бир шаҳарда Худодан ҳам кўрқмайдиган, одамдан ҳам уялмайдиган бир қози бор экан. <sup>3</sup> Ўша

<sup>†</sup> ЗИҒИРДАЙ: аслида “хантал донидай”; яна қаранг: 13:19.

<sup>††</sup> РУҲОНИЙ: Тавротда (Левилар 14) буюрилишича, юкумли касалдан соғайган киши руҳонийга мурожаат қилиб

соғайганини тасдиқлатиши керак эди; яна қаранг: 5:14. <sup>‡</sup>

САМАРИЯЛИКЛАР: бу халқнинг моҳияти луғатда изоҳланади.

<sup>‡‡</sup> ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

шаҳарда бир тул аёл ҳам яшар экан. У қозининг олдига доим келиб:

– Мени рақибимдан ҳимоя қилинг, – деб ўтиниб юрибди. <sup>4</sup> Қози анча вақтгача эътибор бермас экан. Охирида у ўзи-ўзига:

– Мен Худодан қўрқмайман, одамдан ҳам уялмайман. <sup>5</sup> Бироқ майли, бу тул аёл менга тинчлик бермаётгани учун, уни ҳимоя қила қолай. Бўлмаса у келавериб, жонимдан безор қилади, – дебди.

<sup>6</sup> Эшитяпсизми, инсофсиз қози нима дебди, – давом этди Раббимиз Исо. <sup>7</sup> – Наҳотки Худо Ўзига кечаю кундуз фарёд қилаётган Ўз танлаганларини ҳимоя қилмаса, наҳотки уларни кўп куттириб қўйса? <sup>8</sup> Сизларга айтаманки, уларни кўп ўтмай ҳимоя қилади. Бироқ Инсон Уғли келганда, ер юзида имон топармикин?”

### Диндор билан гуноҳкорнинг ибодатлари

<sup>9</sup> Ўзининг тақводорлигини пеш қилиб, бошқаларни эса камситиб юрган баъзи одамларга Исо қуйидаги масални айтиб берди:

<sup>10</sup> “Бири фарзий, бошқаси солиқчи бўлган икки киши ибодат қилиш учун маъбадга кирибдилар.

<sup>11</sup> Фарзий алоҳида туриб, ўзича шундай ибодат қилибди:

– Ё Худо! Мен бошқа одамлардай талончи, жиноятчи, зиногар ва ҳатто шу солиқчи сингари бўлмаганим учун Сенга шукр айтаман. <sup>12</sup> Ҳафтада икки марта рўза тутаман. Топганимнинг ўндан бирини ушр учун ажратаман.

<sup>13</sup> Солиқчи бўлса узоқда туриб, ҳатто кўзларини осмонга қаратишга ҳам ботина олмай, кўкрагига урганича:

– Ё Худо, мен гуноҳкорга раҳм қил! – дебди.

<sup>14</sup> Сизга айтаманки, бу одам боягидан кўра оқланиб уйига қайтибди. Чунки ўзини юқори олган ҳар бир киши пасайтирилади, ўзини паст олган эса юксалтирилади”.

### Исонинг болаларни дуо қилиши

<sup>15</sup> Уларга қўли тегсин, деб Исонинг олдига ёш болаларни ҳам келтиришар эди. Шогирдлар буни кўриб, келтирувчиларни койий бошлашди. <sup>16</sup> Исо эса болаларни ёнига чақириб, шогирдларига шундай деди: “Болалар Менинг олдимга келишларига ижозат беринг, уларни койиманг. Зеро Худонинг Шоҳлиги шундайларникидир. <sup>17</sup> Сизларга чинини айтайин: кимки Худонинг Шоҳлигини бола каби қабул қилмаса, унга қиролмайди”.

### Бойлик ва абадий ҳаёт

<sup>18</sup> Бошлиқлардан бири Исодан сўради:  
– Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаёт насиб бўлмоғи учун нима қилишим керак?

<sup>19</sup> Исо унга деди:

– Нега сен Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас.

<sup>20</sup> Илоҳий амрларни биласан: “Зино қилма. Одам ўлдирма. Уғрилиқ қилма. Сохта гувоҳлик берма. Ота-онангни ҳурмат қил”.

<sup>21</sup> – Буларнинг ҳаммасига ёшлигимдан амал қилиб келаман, – деди бояги бошлиқ киши. <sup>22</sup> Буни эшитиб, Исо:

– Сенга яна бир нарса етишмайди: нимага эга бўлсанг, ҳаммасини сот ва пулини камбағалларга бўлиш. Шундагина осмонда хазинанг бўлади. Ва сўнг келиб, Менга эргашгил, – деди.

<sup>23</sup> Бошлиқ бу сўзни эшитиб, жуда хафа бўлди, негаки у ҳаддан зиёд бадавлат эди. <sup>24</sup> Исо унинг хафа бўлганини кўриб:

– Мол-дунёси борлар Худо Шоҳлигига киришга нақадар қийналади! <sup>25</sup> Бойнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осонроқдир, – деди. <sup>26</sup> Буни эшитганлар эса:

– Ундай бўлса, ким нажот топа олар экан? – деб сўрашди.

<sup>27</sup> – Одамларга иложсиз нарса Худо учун иложи бордир, – деди Исо.

<sup>28</sup> – Мана, биз мол-ҳолимизни қолдириб, Сенинг орқангдан эргашиб келдик! – деди Бутрус. <sup>29</sup> Исо шогирдларига деди:

– Сизларга чинини айтайин, Худо Шоҳлиги йўлида уй-жой, ота-она, ака-ука, опа-сингил ёки хотин-болаларини қолдириб кетган ҳар бир киши <sup>30</sup> бу дунёдаёқ қат-қат яхшилиқлар топиб, у дунёда эса абадий ҳаётга муяссар бўлур.

### Исо Ўз ўлимини учинчи бор айтиши

<sup>31</sup> Исо ўн икки шогирдини махсус чақириб уларга деди: “Биз энди Қуддусга яқинлашиб қолдик. Ана ўша ерда Инсон Уғли тўғрисида ёзилган барча пайғамбар оятлари амалга ошади. <sup>32</sup> Уни мажусийларга † топширадилар, Уни масхаралаб ҳақорат қилдилар, Унинг юзига тупурадилар. <sup>33</sup> Уни қамчилаб ўлдирадилар. Аммо учинчи куни У қайта тирилади”.

<sup>34</sup> Шогирдлар эса бу сўзлардан ҳеч нарса англамадилар. Бу сўзлар маъноси уларга сирли эди, айтилганни улар идрок этмадилар.

### Исонинг кўрни соғайтириши

<sup>35</sup> Исо Ерихо шаҳрига кириб келаётганда, бир кўр йўл чеккасида садақа сўраб ўтирар эди. <sup>36</sup> Олдида халойиқ ўтиб кетаётганини эшитиб:

– Нима гап? – деб сўради.

<sup>37</sup> – Носиралик Исо ўтпти, – деб унга хабар қилишди. <sup>38</sup> Шунда кўр:

– Эй Довуд Уғли †† Исо, менга раҳм қил! – деб бақириб юборди. <sup>39</sup> Олдинда кетаётганлар эса:

† МАЖУСИЙЛАР: луғатга қаранг. †† ДОВУД УҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

– Жим бўл! – деб уни койиб қўйишди. Лекин у янада кучлироқ ҳайқира бошлади:  
 – Эй Довуд Ўғли, менга раҳм қил!  
<sup>40</sup> Шунда Исо тўхтаб, кўрни ёнига келтиришларини буюрди. Кўр келгач, <sup>41</sup> Исо ундан сўради:  
 – Сен нима қилишимни истайсан?  
 – Ҳазрат, кўзларим кўрсин! – деди у. <sup>42</sup> Исо унга:  
 – Кўзларинг кўрсин, ишончинг сени қутқарди, – деди.  
<sup>43</sup> Шу заҳоти кўрнинг кўзлари кўра бошлади. У Худога олқишлар айтганча Исонинг кетидан эргашди. Буни кўрган бутун халқ Худога ҳамду санолар айтди.

### Солиқчи Заккайнинг Исо билан учрашуви

**19** Исо Ерихо шаҳрига кириб, гузарларидан ўтиб борарди. <sup>2</sup> Йўлда Заккай исмли бир одам учради; у солиқчиларнинг бошлиғи бўлиб, жуда бой эди. <sup>3</sup> У Исони кўришга, ким эканлигини билишга ошиқар эди. Бироқ бўйи пастлиги туфайли ва халойиқ кўплигидан Уни кўролмади. <sup>4</sup> Исони кўриш учун олдинга югуриб, бир ёввойи анжир дарахтига чиқиб олди. Чунки Исо ўша ердан ўтиши керак эди.  
<sup>5</sup> Исо у жойга келгач, юқорига қараб қўйди-да, унга:  
 – Заккай! Тезроқ пастга туш, Мен бугун сенинг уйингга қўнишим керак, – деди.  
<sup>6</sup> Заккай дарров пастга тушди, Исони қувонч билан қаршилаб, меҳмон қилди. <sup>7</sup> Буни кўрганларнинг ҳаммаси:  
 – У гуноҳкор одамнинг уйига ташриф буюрди, – деб норозилик билдиришди. <sup>8</sup> Аммо Заккай Раббимиз Исонинг олдида қўл қовуштириб туриб, Унга деди:  
 – Эй Ҳазрат, мол-мулкимнинг ярмини камбағалларга бериб юбораман. Агар бировнинг ҳақини еб кетган бўлсам, тўрт баробар кўпайтириб берганим бўлсин.  
<sup>9</sup> Исо унга шундай жавоб берди:  
 – Бугун бу уйга нажот келди. Чунки бу одам ҳам бобомиз Иброҳим ўғлидир. <sup>10</sup> Инсон Ўғли † эса адашгани излаб топиш ва қутқозиш учун келган.

### Ўн тилла ҳақида масал

<sup>11</sup> Исо Қуддусга яқинлашиб қолгани сабабли, Уни тинглаётган халойиқ, Худо Шоҳлиги ҳозир намоён бўлиши керак, деб ўйлар эди. Шундай қилиб, Исо Ўз нутқини бир масал билан давом эттирди:  
<sup>12</sup> “Асилзода бир одам ўзи учун салтанат олиб келиш учун узоқ мамлакатга борибди. <sup>13</sup> Ўзининг хизматкорларидан ўн нафарини чақирибди-ю, уларга ўн тилладан †† бўлиб бериб:

† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. †† ТИЛЛА: юнонча мина – “100 динар”, яъни қарийб 100 кунлик иш ҳақиға тенг.

– Мен қайтиб келгунимча, бу пулни ишлатиб турунглари, – деб жўнаб кетибди.  
<sup>14</sup> Ҳолбуки, асилзоданинг ҳамшаҳарлари уни ёмон кўришар экан. Ҳамшаҳарлар унинг орқасидан элчилар юбориб:  
 – Бу одам бизга подшоҳ бўлишини истамаймиз, – деб айттирибдилар.  
<sup>15</sup> Бир муддатдан сўнг у асилзода салтанат эгаси бўлиб, ўз ватанига қайтиб келибди. Берган ақчалари билан ким қанча фойда ундирганини билиш учун, хизматкорларини ёнига чақиртирибди.  
<sup>16</sup> Биринчиси келиб:  
 – Хўжайин, сизнинг тиллангиз ўн тилла ундирди, – дебди. <sup>17</sup> Хўжайин унга:  
 – Офарин, сен яхши хизматкор экансан. Кичик ишда садоқат кўрсатганинг учун ўнта шаҳар устидан ҳоким бўласан, – дебди.  
<sup>18</sup> Иккинчиси келиб:  
 – Хўжайин, сизнинг тиллангиз беш тилла фойда келтирди, – дебди. <sup>19</sup> Унга ҳам:  
 – Сен ҳам беш шаҳарга ҳокимлик қиласан, – дебди.  
<sup>20</sup> Учинчиси келиб:  
 – Хўжайин! Мана сизнинг тиллангиз, мен уни рўмолчага тугиб сақладим. <sup>21</sup> Мен сиздан кўрқдим, сиз қаттиққўл одамсиз. Сиз бермасдан оласиз, экмасдан ўрасиз, – дебди. <sup>22</sup> Хўжайин эса унга дебди:  
 – Эй ёмон хизматкор, оғзингдан чиққанини елканга ёпиштирай! Менинг қаттиққўллимни ҳамда бермасдан олишимни, экмасдан ўришимни биларкансан, <sup>23</sup> нега пулимни муомалага киритмадинг? Шунда мен келиб, ҳеч бўлмаса фойдасини кўрардим.  
<sup>24</sup> Сўнг хўжайин ёнида турганларга қараб:  
 – Унинг кўлидан тиллани олиб, ўн тилласи борга беринглари, – дебди.  
<sup>25</sup> – Хўжайин, унинг ўн тилласи бор-ку! – дейишибди улар.  
<sup>26</sup> – Сизларга ростини айтсам, кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, кўлида бор бўлгани ҳам ундан тортиб олинади. <sup>27</sup> Энди менинг подшоҳлик қилишимни истамаган ўша душманларимга келсак, уларни шу ерга келтиринглари-да, кўзим олдида дами тиғдан ўтказинглари!”

### Исонинг Қуддусга тантанали кириши

<sup>28</sup> Бу сўзларни айтиб, Исо олға босганча Қуддус сари йўл олди. <sup>29</sup> Зайтун тоғи этагидаги Байтфагия билан Байтания қишлоқларига яқинлашгач, У икки шогирдини юбориб деди:  
<sup>30</sup> – Қаршингиздаги қишлоққа боринглари. Қишлоққа киргач, боғлаб қўйилган, ҳозиргача одам боласи минмаган хўтикни топасизлар. Уни ечиб олиб келинглари. <sup>31</sup> Агар кимки сизлардан:

“Хўтиқни нега ечяпсизлар?” – деб сўраб қолса, “У Раббимизга керак”, деб айтишлар.

<sup>32</sup> Шогирдлар жўнаб, худди Исонинг айтганини топдилар. <sup>33</sup> Хўтиқни ечаётганларида унинг эгалари:

– Нега хўтиқни ечяпсизлар? – деб сўрашди.

<sup>34</sup> Шогирдлар:

– У Раббимизга керак, – дедилар.

<sup>35</sup> Хўтиқни Исонинг олдига келтиришди-да, устига ўз кийимларини ташлаб, Исони миндиришди. <sup>36</sup> У миниб кетаётганида, қолган шогирдлар кийимларини йўлга пойандоз қилди. <sup>37</sup> Исо энди Зайтун тоғидан ошиб, паст томонга, *шаҳарга қараб* юраётган эдики, шогирдлар тумонати кўрган барча мўъжизаларини эслаб хурсанд бўлишди, овозларини баланд кўтариб, Худо шаънига ҳамду санолар айта бошлашди:

<sup>38</sup> “Худованд номидан келаётган Подшоҳ муборак! Кўкларда тинчлик, Арши Аълода иззат!”

<sup>39</sup> Шунда халойиқ орасидаги баъзи фарзийлар Исога:

– Устоз, шогирдларингни жим қил! – дейишди. <sup>40</sup> У эса уларга жавобан:

– Сизга айтаманки, агар булар жим бўлса, тошлар чинқиргай! – деди.

<sup>41</sup> Исо Қуддусга қирай деганда, шаҳарни кўриб, унинг ҳолига йиғлаб юборди:

<sup>42</sup> – Кошки сен ҳеч бўлмаса шу кунингда тинчлигингга нелар даркор эканини билсанг эди! Бироқ ҳозир бу кўзларингдан яширингандир.

<sup>43</sup> Бошингга шундай кунлар тушадики, душманларинг атрофингга девор тортиб, чор тарафдан қуршаганча сиқувга оладилар. <sup>44</sup> Сени ер билан яксон қилиб, кўксингдаги фарзандларингни қирғин қиладилар. Илоҳий йўқлаш вақт-соатини билмаганинг учун, кулингни кўкка совурадилар.

### Сотувчиларни маъбаддан қувиш

<sup>45</sup> Исо маъбадга кириб, ичкарида олди-сотди қиладиганларни қувиб чиқара бошлади. <sup>46</sup> Уларга шундай деди:

– *Тавротда*: “Менинг уйим ибодат уйи бўлгай”, – деб ёзилган. Сизлар эса Худо уйини қароқчилар уясига айлантириб юборибсизлар!

<sup>47</sup> Исо ҳар кун маъбадда таълим берадиган бўлди. Олий руҳонийлар, уламолар ва халқ оқсоқоллари эса Уни ҳалок қилиш пайига тушдилар. <sup>48</sup> Лекин бунинг чорасини топмадилар, негаки бутун халқ Исони жону дили билан тинглар эди.

### Исонинг ваколоти ҳақида савол

**20** Ўша кунларнинг бирида Исо маъбадда таълим бериб, халққа Хушxabарни баён этар эди. Олий руҳонийлар ва уламолар эса оқсоқоллар билан бирга келиб, <sup>2</sup> Исога савол беришди:

– Бизларга айт-чи, Сен бу ишларни қандай ҳуқуқ билан қиялпсан? Буларни қилиш учун Сенга ким ваколат берган?

<sup>3</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Мен ҳам сизларга бир савол берайин, Менга айтишлар: <sup>4</sup> Яхё пайғамбар одамларни сувда тавба қилдириш учун кимдан ваколат олган эди? Худоданми †, инсонданми?

<sup>5</sup> Улар эса ўзаро мулоҳаза юритдилар: “Агар Худодан † десак, У: “Нега Яхёга ишонмадингизлар?” – дейди. <sup>6</sup> Агар инсондан десак, бутун халқ бизни тошбўрон қилади, чунки халқ Яхёнинг пайғамбарлигига қатъий ишонади”.

<sup>7</sup> Ниҳоят Исога жавобан:

– Қаерданлигини билмаймиз, – дедилар. <sup>8</sup> Исо уларга:

– Ундай бўлса, Мен ҳам бу ишларни қайси ваколат билан қиладиганимни сизга айтмайман, – деди.

### Ўвуз боғбонлар ҳақида масал

<sup>9</sup> Исо сўзини давом эттириб, халққа ушбу масални айтиб берди:

“Бир одам узумзор яратиб, уни боғбонларга ижарага бериб, ўзи узоқ вақтга бошқа мамлакатга кетибди. <sup>10</sup> Ҳосил чоғи узумзор маҳсулидан унга беришлари учун боғбонлар олдига бир хизматкорини юборибди. Лекин боғбонлар уни уриб, қуруқ қайтаришибди. <sup>11</sup> Узумзор эгаси яна бир хизматкорини юборибди. Уни ҳам уриб, ҳақорат қилиб, қуруқ қайтариб юборишибди. <sup>12</sup> Яна учинчисини юборганда, уни ҳам ярадор қилиб, қувиб чиқаришибди.

<sup>13</sup> Шунда узумзор эгаси:

– Нима қилсам экан? Севикли ўғлимни юбора қолай. Балки уни кўриб, инсофга келишар, – дебди.

<sup>14</sup> Аммо боғбонлар унинг ўғлини кўришлари билан ўзаро муҳокамага тушиб:

– Бу меросхўр-ку! Уни ўлдирамиз, мероси бизга қолади, – дейишибди-да, <sup>15</sup> ўғлини узумзордан ташқарига ҳайдаб, ўлдиришибди.

Начора, узумзор эгаси уларни нима ҳам қиларди?

<sup>16</sup> У келиб бояги боғбонларни йўқ қилади, узумзорни эса бошқаларга топширади”.

Бунинг эшитганлар:

– Худо кўрсатмасин! – деб юборишди. <sup>17</sup> Исо эса уларга тикилиб, шундай деди:

– У ҳолда, *Забурдаги*:

“Бинокорлар кераксиз деб ташлаган тош Нақ бинонинг пештоқидан ўрин олди” ‡, – деган оят нимани ифодалайди? <sup>18</sup> Кимки бу тошга йиқилса, парчаланиб кетади. Тош кимнинг устига тушса, уни эзиб юборади.

<sup>19</sup> Исо бу масални уларга қарата айтганини олий руҳонийлар билан уламолар пайқаб, шу онда Унга

† ХУДОДАН: аслида “осмондан”. †† ХУДОДАН: аслида “осмондан”. ‡ қаранг: *Забур* 117:22; *Тош – Исо Масихнинг рамзи*.

қўл узатмоқчи бўлдилар, лекин халқдан ҳайиқдилар.

### Худонинг ҳақи Худога...

<sup>20</sup> Исони зимдан кузатиб, Унинг олдида ўзларини мўмин-қобил кишилардек кўрсатувчи исковучларни юбордилар. Айтадиган бирон ножўя сўзи учун Уни тузоққа илинтириш ва шу йўсин ҳокимнинг қўли ва ҳукмига топшириш ниятлари бор эди. <sup>21</sup> Улар Исодан сўрадилар:

– Устоз! Биз биламизки, Сен ҳақиқатгўйсан, тўғри таълим берасан, ҳеч кимга юз-хотир қилмасдан Худонинг ҳақиқий йўлини ўргатмоқдасан. <sup>22</sup> Бизга айт-чи, Қайсарга † қарамлик солиғи тўлашимиз динга мувофиқми, йўқми?

<sup>23</sup> Исо уларнинг маккорлигини англаб:

– [Нега Мени синаб кўрмоқчисизлар?] <sup>24</sup> Қани, Менга бир динор †† кўрсатинглар! Бу тангадаги сурат ва ёзув кимники? – деди.

– Қайсарники, – жавоб берди улар. <sup>25</sup> Исо:

– Ундай бўлса, Қайсарнинг ҳақини Қайсарга, Худонинг ҳақини Худога беринглар, – деди.

<sup>26</sup> Шундай қилиб, халқ олдида айтган биронта сўзи учун ҳам Исони тузоққа туширолмадилар. Унинг жавобидан ҳайрон бўлиб, лол қолдилар.

### Қиёмат ҳақида савол

<sup>27</sup> Ушанда қайта тирилиш бўлишини инкор этадиган саддуқийлардан баъзилари келиб, Исога савол бердилар:

<sup>28</sup> – Эй Устоз! Мусо пайғамбаримиз шундай ёзиб қолдирган: “Агар хотини бор одам фарзандсиз қазо қилса, укаси унинг хотинини олиб, ўз акасига авлод тикласин”. <sup>29</sup> Хўш, етти ака-ука бор эди. Биринчиси уйланиб, боласиз ўтиб кетди. <sup>30</sup> Иккинчиси ҳам ўша хотинни олиб, ўлди. <sup>31</sup> Шунингдек, учинчиси ҳам, ҳатто еттинчисигача ҳаммаси ҳам ўша хотинни олиб, фарзанд кўрмай ўлиб кетдилар.

<sup>32</sup> Ҳаммасидан кейин хотин ҳам ўлди. <sup>33</sup> Хўш, қиёматда у қайси бирининг хотини бўлади экан? Чунки у еттовига ҳам хотинлик қилган эди-ку.

<sup>34</sup> Исо уларга жавобан деди:

– Бу дунёнинг болалари уйланадилар ва эрга тегадилар. <sup>35</sup> Лекин у дунёга кетганлар ҳамда тирилишга сазовор бўлганлар уйланмайдилар ҳам, эрга тегмайдилар ҳам. <sup>36</sup> Улар энди ўлим кўрмайдилар. Улар фаришталар билан тенг бўлиб, қиёмат аҳли сифатида Худонинг болалари бўладилар. <sup>37</sup> Мусо пайғамбарнинг ўзи ҳам *ёнаётган* бута тўғрисидаги оятда Худовандни “Иброҳимнинг Худоси, Исҳоқнинг Худоси ва Ёқубнинг Худоси” деб атаб, ўликларнинг тирилишига ишора қилган эди. <sup>38</sup> Зотан Худо ўликларнинг эмас, тирикларнинг Худосидир. Унга нисбатан ҳамма тирикдир.

† ҚАЙСАР: Рим императори; умуман ҳукмрон ҳокимият назарда тугилади. †† ДИНОР: Рим империясидаги кумуш танга.

<sup>39</sup> Шунда уламолардан баъзилари:  
– Устоз, Сен яхши сўзладинг, – дедилар. <sup>40</sup> Ва Исодан яна бирон гап сўрашга ботинолмадилар.

### Масих кимнинг ўғли?

<sup>41</sup> Исо уларга деди: “Нега Масихни Довуднинг ўғли дейишади? <sup>42</sup> Мана, Довуднинг ўзи Забур китобида нима деган:

<sup>43</sup> “Худованд менинг Раббимга айтди: Ёвларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча, Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин” ‡.

<sup>44</sup> Демак, Довуд Масихни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб Масих Довуднинг ўғли бўлади?”

### Сохта диндорликка қарши огоҳлантириш

<sup>45</sup> Бутун халойиқ тинглаб турганда, Исо ўз шогирдларига бурилиб деди: <sup>46</sup> “Узун кийимлар кийиб юришни ва халқ йиғинларида алик олишни севадиган, ибодатхоналарда юқори ўринни олиш ва зиёфатларда тўрда ўтиришни яхши кўрадиган уламолардан эҳтиёт бўлинглар! <sup>47</sup> Улар беваларнинг уй-жойларини шилиб, хўжа кўрсинга узоқ дуо ўқийдилар. Ана бундайлар оғирроқ жазога мубтало бўлғусидир”.

### Бева аёлнинг хайр-эҳсони

**21** Исо маъбаднинг садақа қутисига назар солиб, хайр-эҳсон ташлаб турган бой одамларни кўрди. <sup>2</sup> Шунингдек, икки тийин ташлаган бир камбағал бева аёлни ҳам кўрди. <sup>3</sup> Шунда Исо деди: “Сизларга чинини айтайин, бу камбағал бева ҳаммадан кўпроқ эҳсон берди. <sup>4</sup> Чунки буларнинг бариси ўзларининг ортиқча пулларидан худойи қилди. Аммо бу аёл камчилигига қарамасдан, ўзининг бор-йўғини ташлади”.

### Исо Масих охирзамон ҳақида

<sup>5</sup> Баъзи кишилар маъбаднинг нақадар гўзал тошлар ва бахшидалар билан безатилгани тўғрисида сўзлашар эдилар. Исо эса деди:

<sup>6</sup> – Шундай кунлар келадики, сиз шу ерда кўриб турган бинолардан бирор ғишт бутун қолмайди, ҳаммаси вайрон бўлади.

<sup>7</sup> Улар Исодан сўрадилар:

– Устоз, бу ишлар қачон юз беради? Буларнинг содир бўлажagini қандай аломатдан билмоқ мумкин?

<sup>8</sup> Исо деди:

– Йўлдан озмаслик учун эҳтиёт бўлинглар! Зеро кўплар “Бу Менман” ва “Вақт яқин”, деб Менинг номим остида келадилар. Уларнинг орқасидан борманглар. <sup>9</sup> Уруш ва исёнлардан дарак топганда чўчимаанглар. Чунки булар аввалдан бўлиб ўтиши керак, лекин дарҳол сўнгги ниҳоя келмайди.

‡ қаранг: Забур 109:1.

<sup>10</sup> Кейин Исо давом этиб уларга деди: “Халқ халққа қарши, подшоҳлик подшоҳликка қарши кўтарилади. <sup>11</sup> Айрим жойларда шиддатли зилзилалар, қаҳатчиликлар, ўлатлар бўлади. Ваҳимали ҳодисалар содир бўлиб, осмонда ажиб ғаройиботлар юз беради.

<sup>12</sup> Лекин буларнинг ҳаммасидан бурун сизларни исканжага олиб, қувғин қиладилар, диний ҳайъатларга † топшириб, зиндонларга ташлайдилар. Менинг номим туфайли сизларни подшоҳлар ва ҳокимлар олдига олиб борадилар. <sup>13</sup> Шунда сиз фурсатдан фойдаланиб, *Мен ҳақда* шоҳидлик қиласизлар. <sup>14</sup> Ўзимизни қандай ҳимоя қиламиз, деб олдиндан қайғурмасликни юрагингизга тугиб олинглар. <sup>15</sup> Чунки Мен сизларни оғзи ботир қилиб, шундай ҳикмат берманки, сизларга қарши чиққанлардан бирортаси ҳам фикрингизни инкор этолмай, гапсиз-сўзсиз қоладилар. <sup>16</sup> Ҳатто ота-она, ака-ука, қариндош-уруғ, ёр-биродарларингиз сизни тутиб беришади, баъзиларингизни эса ўлимга топширишади. <sup>17</sup> Менинг номим туфайли ҳамма сиздан нафратланади. <sup>18</sup> Бироқ бошингиздан бир тола соч ҳам нобуд бўлмайди. <sup>19</sup> Сабр-бардош билан жонингизни сақлаб қоласиз”.

#### Қуддуснинг харобалиги ҳақида каромат

<sup>20</sup> “Қуддусни қўшинлар қуршаб олганини кўрганда билинги, шаҳарнинг хароб бўлиш вақти яқинлашган. <sup>21</sup> Ўшанда Яҳудияда бўлганлар тоғларга қочсин, шаҳарнинг ичида бўлганлар ундан чиқсин, атроф-теварақда бўлганлар шаҳарга асло кирмасин. <sup>22</sup> Чунки бу кунлар – барча оятлар бажо бўлғуси интиқом кунлари бўлади. <sup>23</sup> У кунларда ҳомиладор ва эмизувчи аёлларнинг ҳолига вой! Чунки ер юзини катта мусибат чулғаб олиб, бу халқнинг бошига қаҳр-ғазаб ёғади. <sup>24</sup> Улар қилич дамидан ўтказилиб, барча элларга асир қилиб олиб кетиладилар. Ёт халқларнинг даврони тугамагунча, Қуддус ёт халқлар томонидан оёқ ости қилинади”.

#### Буюк мусибат ва Исонинг қайта келиши

<sup>25</sup> “Қуёш, ой ва юлдузларда ажойиб аломатлар пайдо бўлади. Денгиз шовуллаб-жўшиб тўлқинланган сари, ер юзидаги халқлар эсанкираб, маъюсликка тушадилар. <sup>26</sup> Одамлар жаҳонга келаётган мусибатларни кутиб, кўрқувдан адо бўладилар. Чунки ўшанда самовий кучлар ларзага келади. <sup>27</sup> Ниҳоят, булут ичида, буюк қудрат ва улғуворлик ила келаётган Инсон Ўғлини кўрадилар.

<sup>28</sup> Бу воқеалар рўй бера бошлаганда, энди халос бўлиш вақт-соатингиз яқинлашганини билиб, қоматингизни ғоз тутиб бош кўтаринглар”.

#### Хушёр бўлиб туриш ҳақида

<sup>29</sup> Исо уларга бир масални айтиб берди: “Анжир дарахтига ва дарахтнинг бошқа турларига қаранглар: <sup>30</sup> улар япроқ ёзаётганини кўриб, ёз келиб қолганини ўзингиз ҳам англайсиз. <sup>31</sup> Худди шунга ўхшаб, бояги ишларнинг содир бўлаётганини кўрганингизда билинги, Худонинг Шоҳлиги жуда яқиндир. <sup>32</sup> Сизларга чинини айттайин, бу насл ўтмасданоқ, буларнинг ҳаммаси содир бўлажак. <sup>33</sup> Еру осмон битар, лекин Менинг сўзларим битмас.

<sup>34</sup> Ўзингизни эҳтиёт қилинг! Айш қилиб, кайф суриб, ҳаётнинг ташвишлари остида бўғилиб, юракларингизни ёғ босмасин, тагин у кун ногаҳон бошга тушиб сизни тўрға илинтирмасин! <sup>35</sup> Чунки у кун ер юзида яшовчи ҳар бир кишини босиб олажак. <sup>36</sup> Шу сабабдан доим хушёр бўлинглар. Юз бергувчи бу мусибатлардан омон қолишга куч топиб, Инсон Ўғли олдида туришга муносиб бўлмоқ учун доимо ибодат қилинглар”.

<sup>37</sup> Исо кундузи маъбадда таълим берар, тунларини эса шаҳардан чиқиб, Зайтун тоғида ўтказар эди. <sup>38</sup> Барча халқ Исони тингламоқ учун эрталабдан маъбадга, Унинг ҳузурига оқиб келар эди.

#### Исони ўлдириш режаси

**22** Хамиртурушсиз нон ёпиладиган Фисиҳ байрами яқинлашаётган эди. <sup>2</sup> Олий руҳонийлар билан уламолар халқдан кўрқиб, Исони орадан кўтариш чорасини излардилар. <sup>3</sup> Шунда ўн икки ҳаворийдан бири – Яҳудо Ишқариётнинг ичига шайтон кириб олди. <sup>4</sup> Яҳудо бориб, олий руҳонийлар ва маъбад миршаббошилари билан Исони қандай қўлга тушириш тўғрисида маслаҳатлашиб олди. <sup>5</sup> Улар севиниб, унга пул беришга аҳд қилдилар. <sup>6</sup> Яҳудо бунга розилик берди ва Исони халқ кўзидан яширинча уларнинг қўлига тутиб бериш учун қулай пайт излайдиган бўлди.

#### Сўнги оқшом ва Исога хиёнат

<sup>7</sup> Хамиртурушсиз нон ейиладиган ва қурбонлик қўзи сўйиладиган Фисиҳ байрамининг қутлуғ куни келди. <sup>8</sup> Исо Бутрус билан Юҳаннони юбориб:

– Боринглар, Фисиҳ байрами таомини ейишимиз учун тайёргарлик кўринглар, – деди. <sup>9</sup> Улар Исодан сўради:

– Қаерда тайёрлашимизни буюрасан?

<sup>10</sup> Исо уларга деди:

– Хўш, шаҳарга киришингизда кўзада сув кўтариб кетаётган бир одам учрайди. Ортидан у кирадиган уйга эргашиб киригиз <sup>11</sup> ва уй эгасига шундай денглар: “Устоз сендан: Шогирдларим билан Фисиҳ байрам таомини ейдиган хона қаерда, деб сўраётир”. <sup>12</sup> Шунда у сизга тўшалган катта

† аслида “ибодатхоналарга”.

болохонани кўрсатади. Ўша ерда ҳозирлик кўринглар.

<sup>13</sup> Шогирдлар бориб, худди Исонинг айтганини топдилар ва Фисиҳ таомини тайёрлаб қўйдилар.

<sup>14</sup> Зиёфат вақти етгач, Исо ўн иккала ҳаворий билан бирга дастурхон атрофида жой олди <sup>15</sup> ва уларга деди:

– Мен азоб чекмасимдан аввал бу Фисиҳ таомини сизлар билан бирга ейишни жуда ҳам орзу қилгандим. <sup>16</sup> Сизларга айтиб қўяй: бу таом Худо Шоҳлигида тўла маъносини топмагунча, Мен уни бошқа емайман.

<sup>17</sup> Кейин Исо косани олиб, шукрона дуосини айтиб деди:

– Буни олинглар, ўзаро бўлишинглар. <sup>18</sup> Сизларга айтиб қўяй: Худонинг Шоҳлиги амалга ошмагунча, Мен узум ичкилигини бошқа ичмайман.

<sup>19</sup> Сўнгра нонни олди, шукрона дуосини айтиб синдирди ва шогирдларига бериб:

– Бу сизлар учун фидо бўлаётган Менинг танамдир. Мени эслаб туриш учун шундай қилинглар, – деди.

<sup>20</sup> Овқатланиб бўлишгач, Исо яна бир бор косани олиб, шундай деди:

– Бу коса *Худо одамзод ила тузган* Янги Аҳдни † билдиради. Бу аҳд Менинг сизлар учун тўкаётган қоним эвазига кучга киради. <sup>21</sup> Бироқ, Менга хиёнат қилувчининг қўли ҳам Мен билан бир дастурхонга чўзилмоқда. <sup>22</sup> Ҳа, Инсон Ўғли тақдирида бўлган йўлдан кетиб борадир. Аммо Унга хиёнат қилгучи кишининг ҳолига вой!

<sup>23</sup> – Ким экан ичимизда бу ишни қиладиган? – дея ҳаворийлар ўзаро суриштира бошладилар.

#### Ҳаммадан буюк ким?

<sup>24</sup> Ҳаворийлар орасида, биздан ким энг буюк деб ҳисобланмоғи керак, деган масала ҳақида тортишув ҳам юз берди.

<sup>25</sup> Исо уларга деди: “Эл-юрт подшоҳлари ўз халқлари устидан ҳукмронлик қиладилар. Элни бошқарувчилар олиҳиммат деб олқишланадилар.

<sup>26</sup> Сизлар эса бундай бўлманглар. Аксинча, ичингизда ким катта бўлса, энг кичикдай бўлсин. Ким раҳбар бўлса, хизматкордек бўлсин. <sup>27</sup> Қай бири улуғдир – дастурхонга ўтирганми, ёки хизмат қилиб турганми? Дастурхонга ўтирган эмасми? Мен эса орангизда бамисоли хизматкордирман.

<sup>28</sup> Синов чоғларимда Мен билан бирга дош берганлар сизлар бўлдингиз. <sup>29</sup> Шу сабабдан, Отам Менга васият қилгани каби, Мен ҳам сизга Шоҳликни васият қиламан. <sup>30</sup> Сиз Менинг Шоҳлигим дастурхонида ўтириб еб-ичасизлар, тахтларга ўтириб, Исроилнинг ўн икки қабиласи устидан ҳукмронлик қиласизлар”.

† ЯНГИ АҲД: *луғатга қаранг.*

#### Имондан қайтиш васвасаси

<sup>31</sup> Раббимиз Исо яна деди:

– Симун, Симун! Мана, шайтон сизларни буғдой каби ғалвирдан ўтказишга изн сўради. <sup>32</sup> Бироқ Мен, имондан тоймагил, дея сен учун ибодат қилдим. Сен бир кун қайтиб келганингда, биродарларинг имонини мустаҳкамла.

<sup>33</sup> Симун Исога жавобан:

– Раббий! Мен Сен билан зиндонга ҳам, ўлимга ҳам боришга тайёрман! – деди. <sup>34</sup> Исо деди:

– Сенга шуни айтайин, Бутрус, бугун хўроз қичқирмасдан аввалоқ сен Мени танишдан уч марта тонасан.

#### Ҳамён, тўрва, қилич

<sup>35</sup> Исо шогирдларига деди:

– Мен сизларни ҳамёнсиз, тўрвасиз, чориқсиз юборганимда, бирон нарсада камчилигингиз бормиди?

– Ҳеч нарсада! – жавоб берди улар. <sup>36</sup> Исо уларга шундай деди:

– Бироқ энди кимнинг ҳамёни бўлса, ўзи билан олсин. Кимнинг тўрваси бўлса, ёнида кўтариб юрсин. Бўлмаса, кийимини сотиб қиличга алмаштирсин. <sup>37</sup> Сизларга айтиб қўяй: *Тавротдаги* “У жиноятчилар қаторида турди”, – деган оят Менда амалга ошмоғи лозим. Чиндан ҳам, Мен тўғримда ёзилган барча оятлар бажо бўлмоқда.

<sup>38</sup> Шогирдлар:

– Раббий, ана бу ерда иккита қилич бор! – дейишди.

– Бас! – деди Исо.

#### Исонинг боғдаги ибодати

<sup>39</sup> Исо у ердан жўнаб, одати бўйича Зайтун тоғига чиқиб кетди. Шогирдлари ҳам Унинг орқасидан кетдилар. <sup>40</sup> Бу ерга келганда, Исо уларга:

– Васвасага тушмаслик учун ибодат қила туринглар, – деди. <sup>41</sup> Ўзи улардан бир тош отар масофача нари борди-да, тиз чўкиб ибодат қила бошлади:

<sup>42</sup> – Эй Ота, кошки бу заққум косани Мендан ўтказиб юборсанг! Лекин Мен айтгандек эмас, Сен айтгандек бўлсин.

<sup>43</sup> Шу орада осмондан бир фаришта Исога зоҳир бўлиб, Уни қувватлаб турди. <sup>44</sup> У жон илинжида янада ҳафсала билан ибодат қилди. Ундан чиққан тер эса ерга томаётган қон томчиларига ўхшар эди.

<sup>45</sup> Ибодатдан туриб, Исо шогирдлари ёнига келди. Уларни қайғудан ухлаб ётган ҳолда кўрди. <sup>46</sup> Уларга:

– Нега ухлаб ётибсизлар? Қани туринглар, васвасага тушмаслик учун ибодат қила туринглар, – деди.

### Исонинг ҳибсга олиниши

<sup>47</sup> Исо ҳали буларни гапириб бўлмасдан, бир оломон кўзга кўринди. Ун икки ҳаворийдан Яҳудо исмлиси олдинда келаётиб, Исога яқинлашди-да, Уни ўпишга чоғланди. [Чунки у: “Мен кимни ўпсам, У Ўша кишидир”, деб эшларига айтиб қўйган эди.]

<sup>48</sup> Исо унга:

– Яҳудо, сен Инсон Ўғлига ўпиш билан хиёнат қиляпсанми? – деди.

<sup>49</sup> Исонинг ёнидагилар воқеа қаёққа йўналаётганини пайқаб:

– Раббий, қилични ишга солайликми? – дейишди.

<sup>50</sup> Улардан бири эса олий руҳонийнинг қаролини бир уриб, ўнг қулоғини узиб туширди. <sup>51</sup> Шунда Исо:

– Қўйинглар, бас! – деди-да, қаролнинг қулоғига қўл тегизиб уни асл ҳолига қайтарди. <sup>52</sup> Сўнг Ўзига рўпара бўлган олий руҳонийлар, маъбад миршаббошилари ва оқсоқоллар томон қайрилиб, деди:

– Сизлар худди қароқчининг пайига тушгандек қиличу таёқ билан Мени олгани келибсизлар!

<sup>53</sup> Лекин ҳар куни сизлар билан бирга маъбадда бўлганимда Менга қўл тегизмадинглар. Бироқ энди замон сизники, энди зулумот ҳукмрон.

### Бутруснинг Исодан тониши

<sup>54</sup> Исо ни ушлаб, бош олий руҳонийнинг уйига олиб бордилар. Бутрус эса узоқдан уларга эргашиб келди. <sup>55</sup> Ҳовлининг ўртасида олов ёқиб бирга ўтиришганда, Бутрус ҳам у кишиларнинг орасига ўтирди. <sup>56</sup> Бир оқсоч Бутруснинг олов ёнида ўтирганини кўриб, унга тикилиб қаради-да:

– Бу одам ҳам У билан бирга бўлган! – деди.

<sup>57</sup> Лекин Бутрус у аёлга:

– Эй синглим, мен Уни танимайман! – деб инкор этди.

<sup>58</sup> Бир оздан кейин бошқа бир одам Бутрусни кўриб:

– Сен ҳам улардан бирисан-ку! – деди. Лекин Бутрус унга ҳам:

– Эй биродар, мен улардан эмасман! – деди.

<sup>59</sup> Бирон соат ўтгандан сўнг яна кимдир:

– Ҳақиқатан бу одам ҳам У билан бирга бўлган, асли у ҳам жалилалик, – деди комил ишонч билан.

<sup>60</sup> Лекин Бутрус:

– Биродар, ўзи нима деяпсан? – деди унга ҳам.

Шу заҳоти, у гапини тугатмасданоқ, хўроз қичқирди. <sup>61</sup> Раббимиз Исо Бутрусга қайрилиб, унга кўзини тикди. Шунда Бутрус Раббимизнинг унга: “Бугун хўроз қичқирмасдан, сен Мендан уч марта тонасан”, – деган сўзини эслади. <sup>62</sup> Ва ташқарига чиқиб, аччиқ-аччиқ йиғлади.

<sup>63</sup> Исо ни ушлаб турган одамлар эса Уни ҳақоратлаб ура бошладилар. <sup>64</sup> Унинг кўзларини боғлаб, юзига шапалоқлар тортиб:

– Қани кароматингни кўрсат-чи, Сени ким уряпти экан? – деб сўрашди Ундан. <sup>65</sup> Яна анча куфр сўзлар билан Уни таҳқирладилар.

### Исо яҳудийларнинг Олий Кенгаши олдида

<sup>66</sup> Тонг отгач, халқ оқсоқоллари ва олий руҳонийлар билан уламолар тўпланиб, Исо ни ўзларининг Олий Кенгаши ўтказилувчи машваратхоналарига келтирдилар.

<sup>67</sup> – Сен Масихмисан? Бизларга очиғини айт! – дейишди Уни сўроқ қилиб. Исо уларга шундоқ деди:

– Сизларга айтсам, ишонмайсизлар. <sup>68</sup> Сизларга савол берсам, жавоб бермайсиз, Мени озод ҳам қилмайсизлар. <sup>69</sup> Бироқ бундан буён Инсон Ўғли Қодир Тангрининг ўнг томонида ўлтиражак.

<sup>70</sup> Шунда ҳамма бирданига:

– Демак, Сен Худонинг Ўғлимисан? – деб сўрашди.

– Ўша Мен эканимни ўзингиз айтдингизлар, – деди уларга Исо. <sup>71</sup> Шунда улар:

– Бизга яна қандай гувоҳлик керак? Ўз оғзидан ўзимиз эшитдик, ахир! – дейишди.

### Исо ҳоким Пилат олдида

**23** Бутун Кенгаш аъзолари туриб, Исо ни Пилатнинг олдида келтирдилар. <sup>2</sup> Улар айбловни бошлаб:

– Биз бу Одам халқимизни йўлдан оздираётганини аниқладик. У Қайсарга солиқ тўлашни ман этиб, Ўзини Ўзи Масих, яъни подшоҳ деб айтмоқда, – дедилар. <sup>3</sup> Пилат Исодан:

– Сен яҳудийларнинг Подшоҳимисан? – деб сўради. Исо унга жавоб бериб:

– Ўзинг айтяпсан, – деди.

<sup>4</sup> Пилат олий руҳонийларга ва халқ йиғинига хитобан:

– Мен бу Одамда ҳеч қандай айб кўраётганим йўқ, – деди. <sup>5</sup> Лекин улар қаттиқ туриб:

– Жалиладан тортиб шу ергача – бутун Яҳудия бўйлаб таълимотини ёйиб, халқни ғалаёнга солмоқда, – дедилар.

<sup>6</sup> Пилат Жалила сўзини эшитгач:

– Бу Одам жалилаликми? – деб сўради. <sup>7</sup> Исонинг Ҳирод ҳукумати доирасидан эканини билгач, Уни шу кунларда Қуддусда турган Ҳироднинг қошига юборди.

### Исо ҳоким Ҳирод олдида

<sup>8</sup> Ҳирод Исо ни кўриб жуда кайфи чоғ бўлди. Чунки У ҳақда хабардор бўлиб, анчадан бери Уни кўрмоқчи бўлган, У қилган бирон-бир мўъжизани ўз кўзи билан кўришни умид қилиб юрган эди.

<sup>9</sup> Шундай қилиб, Унга анча саволлар берди. Бироқ Исо унга ҳеч бир жавоб қайтармади. <sup>10</sup> Атрофда турган олий руҳонийлар ва уламолар эса Уни шиддат билан қораладилар. <sup>11</sup> Ҳироднинг ўзи ҳам аскарлари билан бирга Исо ни камситиб масхара



қилди-да, Унга шоҳона чопон кийдириб, Пилатнинг олдиға қайтариб юборди. <sup>12</sup> Бу ҳодисадан аввал бир-бирига адоватда бўлган Ҳирод ва Пилат ўша куни дўстлашдилар.

### Исони маҳқум қилиш

<sup>13</sup> Пилат эса олий руҳонийлар, бошлиқлар ва халқни бир ерга чақириб, <sup>14</sup> уларга деди:

– Сизлар бу Одамни халқни йўлдан оздиришда айблаб олдимға олиб келдинглар. Аммо мен Уни ўз кўзларингиз олдида текшириб кўрсам-да, сизлар қўяётган айбларнинг биронтасини ҳам Ундан топмадим. <sup>15</sup> Мен Уни Ҳироднинг олдиға юбордим, Ҳирод ҳам ҳеч нима тополмади. Хуллас, Унда ўлимға лойиқ бирор-бир айб топилмади.

<sup>16</sup> Бинобарин, Уни бир калтаклаб бўшатиб юбораман.

<sup>17</sup> [Пилат айна ҳар байрамда бир маҳбусни озод қилишиға тўғри келар эди.] <sup>18</sup> Халойиқ эса бир оғиздан:

– Унга ўлим! Бизларға Бараббани чиқариб юбор! – деб бақира кетишди.

<sup>19</sup> Барабба эса шаҳарда юз берган исёнға араллашиб қотиллик қилганлигидан зиндонға ташланган эди. <sup>20</sup> Пилат Исони бўшатиб юбормоқчи бўлиб, яна бир бор халойиққа хитоб этди. <sup>21</sup> Лекин улар:

– Уни хочға михлаб қўй! Хочға! – деб қичқирдилар. <sup>22</sup> Пилат учинчи марта уларға хитобан:

– У ахир нима ёмонлик қилди? Мен Унда ўлимға лойиқ бирор-бир айб топганим йўқ. Шундай экан, мен Уни бир калтаклаб бўшатиб юборайин, – деди.

<sup>23</sup> Бироқ улар овозлари борича қичқиришда давом этиб, Исони хочға михлашни қаттиқ туриб талаб қилдилар. Ниҳоят халойиқ ва олий руҳонийларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари устун келди <sup>24</sup> ва Пилат уларнинг талабига кўнди. <sup>25</sup> Улар сўраб турган, исёнчилиги ва қотиллиги учун зиндонға солинган одамни озодликка чиқариб, Исони эса уларнинг ихтиёриға топширди.

### Исони хочға михлаш

<sup>26</sup> Исони олиб чиқаётганларида, даладан келаётган Симун исмли киринялик бир одамни ушлашди-да, Исонинг орқасидан кўтариб бориш учун хочни унга юклашди. <sup>27</sup> Жуда кўп халойиқ, жумладан Исоға йиғи қилиб кўксига ураётган талай хотин-қизлар Унинг орқасидан эргашиб борди.

<sup>28</sup> Исо уларға қараб:

– Эй Қуддус қизлари! – деди. – Мен учун йиғламанглар, аксинча, ўзингиз ва болаларингиз учун йиғланглар. <sup>29</sup> Зеро шундай кунлар келадики: “Туғмаган аёллар, бепушт қоринлар, бола эмизмаган кўкраклар бахтлидир”, – деб айтишади. <sup>30</sup> Ўшанда тоғларға: “Устимизға қуланг!”, тепаликларға эса: “Бизни босиб қолинг!” – деб

айтишади. <sup>31</sup> Ям-яшил оғочға бундай қилишса, қуриган оғочға не қилишар экан?

<sup>32</sup> Исо билан бирға икки жиноятчини ҳам ўлимға олиб бордилар. <sup>33</sup> Бошсуяги деган жойға келганларида, Исони ҳамда ўнг ва сўл томонида иккала жиноятчини хочға михлаб қўйдилар. <sup>34</sup> Исо:

– Эй Ота! Уларни кечиргин, улар нима қилаётганини билмайдилар, – дер эди.

Аскарлар қуръа ташлаб, Исонинг кийимларини бўлиб ола бошладилар. <sup>35</sup> Халойиқ томоша қилиб турди. Улар билан бирға бошлиқлар ҳам Исонинг устидан ҳиринглашиб:

– Бошқаларни қутқарар эди. Модомики У Худонинг арзандаси – Масих экан, қани Ўзини Ўзи қутқарсин-чи! – дейишарди.

<sup>36</sup> Аскарлар ҳам Унга сирка ичиргани яқинлашиб: <sup>37</sup> – Агар Сен яҳудийларнинг Подшоҳи бўлсанг, Ўз-ўзингни қутқар-чи! – дедилар истехзо билан.

<sup>38</sup> Исонинг боши узра [юнон, лотин ва ибрий тилларида] “Яҳудийларнинг Подшоҳи будир” – деган ёзув бор эди.

<sup>39</sup> Осилган жиноятчилардан бири:

– Агар Сен Масих бўлсанг, қани Ўзингни ва бизларни ҳам қутқар, – деб Исони куфр этди.

<sup>40</sup> Иккинчиси эса унга таъна қилиб:

– Сен ҳам айна жазоға маҳқум бўлиб, Худодан кўрқмайсанми? <sup>41</sup> Мана бизлар қилмишимизға яраша одилона жазо олдик. У эса ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ, – деди.

<sup>42</sup> Кейин Исоға:

– Ё Раббий, Шоҳлигингга кирганингда мени эслагин! – деди. <sup>43</sup> Исо унга деди:

– Сенга чиндан айтаманки, бугуннинг ўзида сен Мен билан бирға жаннатда бўласан.

### Исонинг жон бериши

<sup>44</sup> Туш чамасида қуёш қорайиб, бутун ерни соат учгача † давомли зулмат қоплади. <sup>45</sup> Маъбаддаги парда †† ўртасидан йиртилиб кетди. <sup>46</sup> Исо баланд овоз билан фарёд қилди:

– Ота! Руҳимни Сенинг қўлларингга топширяпман.

Шундай деди-да, жон таслим қилди. <sup>47</sup> Воқеани кўриб турган юзбоши Худони улуғлаб:

– Ҳақиқатан ҳам, бу солиҳ Одам экан, – деди.

<sup>48</sup> Томошаға тўпланган бутун халойиқ содир бўлган воқеаларни кўриб, кўксига ура-ура қайтиб кетди. <sup>49</sup> Исони билганларнинг бари, шу жумладан, Жалиладан Унга эргашиб келган аёллар узоқда турганча, бу ҳодисотни кузатдилар.

### Исони дафн қилиш

<sup>50</sup> Кенгаш аъзоларидан Юсуф исмли яхши ва солиҳ бир киши бор эди. <sup>51</sup> У яҳудийларнинг Ариматея шаҳридан бўлиб, Худо Шоҳлигига кўз

† ТУШ...СОАТ УЧ: аслида “6-соатдан 9-соатгача”; вақт жадвалиға қаранг. †† ПАРДА: луғатға қаранг.

тикиб юрар эди. У Кенгашнинг қарорида ҳам, ишида ҳам иштирок этмаган эди. <sup>52</sup> Юсуф Пилатнинг олдида бориб Исонинг жасадини сўради. <sup>53</sup> Сўнг Уни хочдан тушириб олиб кафанлади ва қояда ўйилган, ҳали ичига кимса қўйилмаган бир қабрга қўйди. <sup>54</sup> У кун жума бўлиб, дам олиш вақти <sup>†</sup> бошланишига сал қолган эди. <sup>55</sup> Жалиладан Исо билан бирга келган аёллар ҳам эргашиб бориб, қабрни ва Жасад қандай қўйилганини кўрдилар. <sup>56</sup> Қайтиб келганларидан сўнг, атирлар ва хушбўй ёғлар тайёрладилар. Шанба куни эса илоҳий амр бўйича ором олдилар.

### Исо Масихнинг тирилиши

**24** Якшанба куни эрта тонгда аёллар тайёрлаб қўйган атирларини олиб қабрга келдилар. [Улар билан бирга бошқа бир неча аёллар ҳам бор эди.] <sup>2</sup> Улар қабр оғзидаги тошни ағдарилган ҳолда кўрдилар. <sup>3</sup> Ичкарига кириб, Раббимиз Исо жасадини топмадилар. <sup>4</sup> Улар бундан гангиб турганда, бирдан олдидарида ялтироқ кийим кийган икки зот пайдо бўлди. <sup>5</sup> Аёллар ваҳимадан бошларини ерга эгиб туришди. У зотлар уларга: – Нега сиз тирикни ўликлар орасидан изляяпсизлар? – дейишди. <sup>6</sup> – У бу ерда йўқ, У қайтадан тирилиб кетди. Ҳали Жалилада эканидаёқ айтганларини эслангиз. <sup>7</sup> У сизга: “Инсон Ўғли гуноҳкор одамлар қўлига тутиб берилажак, хочга михланажак, учинчи куни эса қайтадан тириллажак”, – деган эди-ку. <sup>8</sup> Аёллар Исонинг бу сўзларини эсладилар. <sup>9</sup> Қабрдан қайтиб бориб, бу ҳақда ўн бир ҳаворийга ва бўлак барчага маълум қилдилар. <sup>10</sup> Ҳаворийларга бу хабарни етказганлар – мағдалалик Марям, Йўанна, Ёқубнинг онаси Марям ва улар билан бирга бўлган бошқа аёллар эди. <sup>11</sup> Бироқ бу сўзлар ҳаворийларга қуруқ гап туюлиб, аёлларга ишонмадилар. <sup>12</sup> Бутрус эса ўрнидан туриб, қабр томон югурди. Ичкарига энгашиб қараб, у ерда фақат кафаннинг ўзинигина кўрди. Юз берган воқеадан ҳайратга тушиб, ортига қайтди.

### Исонинг йўлдаги икки шогирдига кўриниши

<sup>13</sup> Худди шу куни шогирдлардан иккиси Қуддусдан бир тош <sup>††</sup> узоқликдаги Ёммаус деган қишлоққа боришар эди. <sup>14</sup> Рўй берган бу ҳодисотлардан ўзаро гаплашиб кетдилар. <sup>15</sup> Ўзаро сўзлашиб ва баҳслашиб боришар экан, Исонинг Ўзи уларга яқинлашиб, ҳамроҳлик қилди. <sup>16</sup> Лекин уларнинг кўзлари Уни танимоққа ожиз эди.

<sup>17</sup> Исо улардан:

– Сизлар ўзаро нималар ҳақида тортишиб боряпсиз? Нега юзингиз ғамгин? – деб сўради.

<sup>18</sup> Шогирдлардан Клеопа дегани Унга жавоб берди:

<sup>†</sup> ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ: аслида “шаббат”; луғатга қаранг. <sup>††</sup> юнонча “60 стадия” – тақрибан 8 чақирим; жадвалларга қаранг.

– Наҳотки Қуддусга келганлар орасида шу кунларда бу ерда содир бўлган ҳодисалардан бир Ўзинг беҳабар бўлсанг?

<sup>19</sup> – Қайси ҳодисалар? – сўради Исо.

– Худо ва бутун халқнинг олдида қудратли иши ва сўзи билан танилган носиралик Исо пайғамбар ҳақидаги ҳодисалар-да, – дейишди Унга. <sup>20</sup> – Бизнинг олий руҳонийлар билан бошлиқларимиз ўлим жазосини талаб қилиб, Уни хочга михлатдилар. <sup>21</sup> Биз Уни Исроилни халос қиладиган Нажоткор деб ўйлаб, умидвор бўлгандик. Бунинг устига-устак, бу ҳодисалар содир бўлганига бугун учинчи кун бўлдики, <sup>22</sup> бизнинг айрим аёлларимиз бизни ҳайратда қолдиришди. Улар эрта билан қабрга бориб, <sup>23</sup> Унинг жасадини тополмай келишди. Улар ҳатто: фаришталарни кўрдик, деб айтишди. Фаришталар уларга: “Исо тирик”, – дейишибди. <sup>24</sup> Шунда орамиздан баъзи одамлар қабрга бориб, худди аёллар айтганларининг шоҳиди бўлишибди, Исонинг Ўзини эса кўришмабди.

<sup>25</sup> Исо уларга:

– Эй фаросатсизлар! Барча пайғамбар сўзларига ишончи суст одамлар! <sup>26</sup> Масих Ўз улғуворлигига эришмоқ учун шу азобларни бошдан кечирмоғи керакмасмиди? – деди.

<sup>27</sup> Шундай қилиб, Исо Мусо пайғамбардан тортиб, барча пайғамбар китобларида Ўзи ҳақида ёзилган оятларнинг ҳаммасини уларга тушунтира бошлади. <sup>28</sup> Ниҳоят, ўша бораётган қишлоққа яқинлашдилар. Исо Ўзини йўли давом этадиган қилиб кўрсатди.

<sup>29</sup> Лекин улар Унга:

– Биз билан бирга қол, чунки кун ботай деб қолди, энди кеч кира бошлади, – деб Уни қисташди.

Исо улар билан бирга қолгани ичкарига кирди. <sup>30</sup> Улар билан бирга дастурхон ёнида ўтирганда, нонни олиб шукрона дуосини айтди ва нонни синдириб уларга берди. <sup>31</sup> Шундагина уларнинг кўзлари очилиб, Уни таниб қолишди. Бироқ Исо шу онда кўздан ғойиб бўлди.

<sup>32</sup> Шогирдлар бир-бирига:

– У йўлда биз билан гаплашиб, оятларни тушунтираётганида, кўнглимизга илиқлик югурмаганмиди, ахир! – дедилар. <sup>33</sup> Шу заҳоти ўринларидан туриб, Қуддусга қайтиб бордилар. Ўн бир ҳаворийни ва улар билан тўпланиб турганларни топдилар. <sup>34</sup> Улар келганларга: – Раббимиз ҳақиқатан тирилиб келган, У Симунга зоҳир бўлибди-ку, – дедилар. <sup>35</sup> Келганлар ҳам йўлдаги воқеаларни, Исо нонни синдираётганда Уни қандай таниб қолганликларини айтиб бердилар.

### Исонинг шогирдларига зоҳир бўлиши

<sup>36</sup> Улар ҳали бу хусусда сўзлашаётганда, Исонинг Ўзи ўрталарида зоҳир бўлди.

– Сизларга тинчлик бўлсин! – деди.

<sup>37</sup> Шогирдлар ўтакаси ёрилгандай бўлиб, арвоҳ кўряпмиз, деб ўйладилар. <sup>38</sup> Лекин Исо уларга деди:

– Нега бунча ҳаяжонланмоқ? Нечун кўнглингизда бунча гумонлар туғиляпти? <sup>39</sup> Қўлларимга ва оёқларимга қаранглар, бу Менинг Ўзим. Мени ушлаб кўринглар. Менда кўриб турганингиздек арвоҳнинг эту устухони бўлмайди-ку, ахир!

<sup>40</sup> Шундай деб, Исо қўл-оёқларини уларга кўрсатди. <sup>41</sup> Шогирдлар севинчидан таажжубланиб ҳали ишонмайин турганларида, Исо улардан сўради:

– Бу ерда ейдиган бирон нарсангиз борми?

<sup>42</sup> Улар Унга бир парча қовурилган балиқ [ва бир оз мумли асал] беришди. <sup>43</sup> Исо буни олиб, уларнинг кўзлари олдида еди. <sup>44</sup> Сўнгра уларга:

– Мен ҳали сизлар билан бирга бўлганимда, Мен ҳақимда Мусо Қонунида, Пайғамбарлар ва Забур китобларида ҳамма ёзилганлар бажо келиши керак, деб айтган эдим-ку. Мана шу бўлиб-ўтганларга тўғри келади, – деди.

<sup>45</sup> Кейин оятларни англамоқ учун шогирдларининг зеҳнини очиб юборди <sup>46</sup> ва уларга яна деди:

– Мана шу ёзилганларга кўра, Масих азоб чекиши ва учинчи куни эса қайта тирилиши керак эди.

<sup>47</sup> Шунингдек, Қуддусдан бошлаб барча халқлар Унинг номи билан тавба-тазарруга чақирилмоғи ва гуноҳлари кечирилиши эълон қилинмоғи ҳам лозим. <sup>48</sup> Сизлар эса бу ишларга гувоҳ бўлажаксиз. <sup>49</sup> Энди Мен Отамнинг берган ваъдасини † сизларга юбораман. Аммо юқоридан бу қудратни олмагунингизча, Қуддус шаҳрида қола туринглар.

### Исонинг осмонга кўтарилиши

<sup>50</sup> Кейин Исо шогирдларини шаҳардан ташқарига, Байтания яқинларигача олиб чиқди-да, қўлларини кўтариб уларни дуо қилди. <sup>51</sup> Дуо қилаётиб, улардан узоқлашганча осмонга кўтарилди.

<sup>52</sup> Шогирдлар эса Унга сажда қилдилар ва катта севинч ила Қуддусга қайтиб бордилар. <sup>53</sup> Худога ҳамду санолар айтиб, доимо маъбадда бўлдилар. Омин.

### ХУШХАБАР

---

† ОТАМНИНГ БЕРГАН ВАЪДАСИ: Худо имонлиларга юборишга аҳд қилган Муқаддас Рух; яна қаранг: 3:16, 11:13.

# ЮХАННО

## ХУШХАБАР

### Азалда – Калом

**1** Азалда Калом † бор эди.  
Калом Худо хузурида эди,  
Калом – Худо эди.  
<sup>2</sup> Азалданоқ У Худо хузурида эди.  
<sup>3</sup> Борлиқ У орқали бор бўлган,  
Усиз ҳеч нарса бор бўлган эмас.  
Неки бор бўлган бўлса,  
У орқали бор бўлган.  
<sup>4</sup> Унда ҳаёт бор эди,  
Ҳаёт инсонларнинг нури эди.  
<sup>5</sup> Нур зулматда порлайди,  
Зулмат эса нурни қоплай олмади.  
<sup>6</sup> Худо томонидан юборилган бир одам бор эди,  
унинг исми Яҳё эди. <sup>7</sup> У шоҳидлик қилгани, нур  
ҳақида шоҳидлик қилгани келган эди, токи ҳамма  
унинг шаҳодати орқали имон келтирсин. <sup>8</sup> Унинг  
ўзи нур эмас эди, у фақат нур ҳақида шаҳодат  
беришга юборилган эди. <sup>9</sup> Дунёга келаётган ҳамма  
одамзодни ёритувчи ҳақиқий нур бор эди.  
<sup>10</sup> Калом дунёда бор эди,  
Дунё У орқали бор бўлган эди,  
Бироқ дунё Уни танимади.  
<sup>11</sup> Ўзиникиларнинг ёнига келди У,  
Лекин Ўзиникилар Уни қабул қилмади.  
<sup>12</sup> Уни қабул қилганларга эса,  
Барча Унинг номига имон келтирганларга  
У Худонинг фарзанди бўлиш иқтидорини берди.  
<sup>13</sup> Улар на қондан,  
На тана хоҳишидан,  
На эр хоҳишидан,  
Балки Худодан туғилдилар.  
<sup>14</sup> Калом инсон қиёфасига кирди  
Ва биз аро маскан қилди.  
Биз эса Унинг улуғворлигини кўрдик;  
Отаси хузуридан келган,  
Марҳамат ва ҳақиқат ила тўлган  
Ягона Ўғилнинг улуғворлигини кўрдик.  
<sup>15</sup> Яҳё У ҳақда гувоҳлик берди ва овозини баланд  
қилиб деди: “Менинг кетимдан Келаётган бор, У

† КАЛОМ: юнонча “логос”, яъни борлиқнинг асосидаги  
илоҳий куч ва мантиқ, Худонинг Каломи – Исо Масих, Худо Исо  
Масих орқали коинотни яратган ва уни асрамоқда; яна қаранг:  
17:5, Ибронийлар 1:1-4, Колосаликлар 1:15-20, 1-Юҳанно  
мактуби 1:1-2, Ибтидо 1-2-боблар.

мендан ҳам улуғ, чунки У мендан илгарироқ бор  
эди, деб айтганим Шунинг Ўзидир”.

<sup>16</sup> Унинг камолотидан биз ҳаммамиз  
Марҳамат устига марҳамат олдик.  
<sup>17</sup> Таврот Қонуни Мусо орқали берилган эди,  
Илоҳий марҳамат ва ҳақиқат эса  
Исо Масих орқали зоҳир бўлди.  
<sup>18</sup> Ҳеч ким ҳеч қачон Худони кўрган эмас;  
Отасининг бағрида бўлган ягона Ўғил  
Ўзи Уни изҳор қилди.

### Яҳё пайғамбарнинг гувоҳлиги

<sup>19</sup> Қуддусдаги яҳудийлар юборган руҳонийлар ва  
левитлар †† Яҳё пайғамбарнинг олдида бориб  
ундан:

– Сен кимсан? – деб сўрадилар. Яҳё шаҳодат  
берди:

<sup>20</sup> – Мен Масих эмасман, – деб очиқ тан олди у,  
инкор этмади. <sup>21</sup> Яна ундан:

– Бўлмаса Илёс пайғамбармисан? – деб  
сўрадилар.

– Йўқ! – деди у.

– Ўша пайғамбармисан †? – деб савол бердилар. У  
яна:

– Йўқ! – деб жавоб берди.

<sup>22</sup> – Ахир, сен кимсан? Бизни юборганларга жавоб  
қилишимиз керак. Сен ўзинг ҳақингда нима  
дейсан? – деб сўрадилар.

<sup>23</sup> – Мен, Ишаъё пайғамбарнинг айтганидай,  
“Худовандга йўл ҳозирланглар”, деб саҳрода хитоб  
қилувчининг садосиман, – деди Яҳё.

<sup>24</sup> Унинг олдида юборилганлар орасида  
фарзийлар †† ҳам бор эди. <sup>25</sup> Улар Яҳёдан:

– Модомики сен Масих ҳам, Илёс ҳам, ўша  
пайғамбар ҳам эмас экансан, нега халқни сувга  
чўндириб, тавба қилдириб юрибсан? – деб  
сўрадилар. <sup>26</sup> Яҳё уларга жавоб берди:

– Мен одамларни сувга чўндирияпман, холос.

Лекин орангизда сизлар танимайдиган Кимса  
турибди. <sup>27</sup> Менинг кетимдан келаётган [ва мендан  
илгари бор бўлган] Кимса бор, деб айтганим ана

†† РУҲОНИЙЛАР...ЛЕВИТЛАР: яҳудий дин арбоблари; луғатга  
қаранг. † ЎША ПАЙҒАМБАР: Илёс пайғамбар каби  
охирзамонда пайдо бўлиши кутилган маъшар элчиси. ††  
ФАРЗИЙЛАР: яҳудийларнинг мазҳаби; луғатга қаранг.

Ўшадир. Мен Унинг чориғи ипларини ечишга ҳам муносиб эмасман, – деди.

<sup>28</sup> Бу ҳодисалар Яҳё одамларни тавба қилдириб юрган ерда, Ўрдун дарёсининг нарёғидаги Байтаварада содир бўлди.

### Исо – Худонинг қурбонлик Қўзиси

<sup>29</sup> Эртасига Яҳё Исонинг ўзига яқинлашаётганини кўриб, шундай деди: “Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг қурбонлик Қўзиси! <sup>30</sup> Мен айтган эдим: Менинг кетимдан келаётган Зот бор, У мендан улуғ, чунки У мендан илгари ҳам бор эди. Бу – Ўшанинг Ўзидир. <sup>31</sup> Мен Уни билмас эдим, лекин Исроил Уни таниб олсин, деб мен одамларни сувга чўмдириб, тавба қилдиргани келдим”.

<sup>32</sup> Яҳё яна шундай шаҳодат берди: “Мен Илоҳий Рухнинг осмондан каптардай учиб келиб, Ўшанинг устига қўнганини кўрдим. <sup>33</sup> Мен Уни билмас эдим. Лекин одамларни сувга чўмдиришга мени юборган Худонинг Ўзи: “Муқаддас Рух кимнинг устига тушиб қўнганини кўрсанг, билки, Муқаддас Рухга Чўмдирувчи Ўшадир”, – деган эди менга. <sup>34</sup> Мен эса Уни кўрдиму, мана бу – Худонинг Ўғлидир †, деб шаҳодат бердим”.

### Исонинг дастлабки шогирдлари

<sup>35</sup> Эртасига Яҳё яна иккита шогирди билан шу ерда турган эди. <sup>36</sup> У юриб келаётган Исога тикилиб қараб:

– Мана Худонинг қурбонлик Қўзиси! – деди.

<sup>37</sup> Иккала шогирд Яҳёнинг бу сўзларини эшитиб, Исонинг орқасидан эргашиб боришди. <sup>38</sup> Исо ўгирилиб қараб, уларнинг эргашиб келаётганини кўрди-да:

– Сизларга нима керак? – деб сўради улардан.

– Сен қаерда турасан, Раввий? – дейишди улар. (“Раввий” устоз маъносидадир).

<sup>39</sup> – Бориб кўринглар, – деди Исо.

Улар бориб, Исонинг турар жойини кўришди. Ўша куни У билан қолишди. Соат тўртлар †† чамаси эди.

<sup>40</sup> Яҳёдан Исо ҳақида эшитиб, Унинг орқасидан эргашганлардан бири Симун Бутруснинг укаси Идрис эди. <sup>41</sup> У дастлаб акаси Симунни топди-да, унга:

– Биз Масихни топдик, – деди. (Масих – “Худо юборган” ‡ демақдир.) <sup>42</sup> Идрис акасини Исонинг олдига олиб келди. Исо эса унга тикилиб:

– Сен Юнус ўғли Симунсан-ку, сен Кифа (яъни Тош ††) деган ном оласан, – деди.

<sup>43</sup> Эртаси куни Исо Жалилага бормоқчи бўлди. У Филиппни топиб унга:

† ХУДОНИНГ ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.  
†† СОАТ ТЎРТЛАР: аслида “10-соат”; вақт жадвалига қаранг. ‡ ХУДО ЮБОРГАН: аслида “Христос”, яъни “бошига мой суртилган”; Масих сўзи луғатда изоҳланади. †† ТОШ: юнончада “Бутрус”, арабийчада “Кифа” деган номларнинг маъноси бир, яъни “тош”; яна қаранг: Матто 16:18.

– Орқамдан юр! – деди.

<sup>44</sup> Филип Байтсайда шаҳридан, Идрис билан Бутруснинг ҳамшаҳари эди. <sup>45</sup> Филип кетди. У Натанъилни топиб, унга:

– Биз Мусо ва бошқа пайғамбарлар Тавротда ёзган Юсуф ўғли носиралик Исони топдик, – деди.

<sup>46</sup> – Носира шаҳридан бирон яхшилик чиқармикин? – деди Натанъил унга.

– Бориб кўргин! – деди унга Филип.

<sup>47</sup> Бундан сўнг Исо Натанъилнинг Ўзига яқинлашаётганини кўриб:

– Қаранг, ҳеч ҳийлани билмайди, худди ҳақиқий исроиллик! – деди. <sup>48</sup> Натанъил Исодан сўради:

– Сен мени қаердан танийсан?

– Филип сени чақирмасидан олдин, сен анжир дарахтининг тагида эдинг. Мен сени ўша ерда кўрган эдим, – деб жавоб берди Исо. <sup>49</sup> Шунда Натанъил:

– Устоз, Сен Худонинг Ўғлисан, Сен Исроилнинг Подшоҳисан! – деди. <sup>50</sup> Исо унга жавобан:

– Мен сенга: Сени анжир дарахти тагида кўрдим, деганим учун ишонапсан-да. Сен бундан ҳам буюк ишларни кўрасан! – деди. <sup>51</sup> Сўнг унга яна:

– Сизларга ростини айтмай: бундан кейин осмон очилиб, Инсон Ўғли †† олдига Худо фаришталари тушиб-чиқаётганини кўрасизлар, – деди.

### Исонинг дастлабки мўъжизаси

**2** Учинчи куни Жалиланинг Кана шаҳарчасида никоҳ тўйи бўлди. Исонинг онаси ҳам у ерда эди. <sup>2</sup> Исо билан шогирдлари ҳам тўйга таклиф этилган эдилар.

<sup>3</sup> Шароб тугаб қолгач, Исонинг онаси Унга:

– Уларда шароб қолмабди, – деди. <sup>4</sup> Исо унга:

– Менинг ишимга аралашма, аёл. Менинг вақт-соатим ҳали етгани йўқ, – деди. <sup>5</sup> Шунда онаси хизматчиларга:

– У сизларга нимаики деса, ўшани қилинглр, – деди.

<sup>6</sup> Ўша ерда яҳудийлар таҳоратда ишлатадиган, ҳар бири икки-уч челақ ††† сиғимли олтита тош хум бор эди.

<sup>7</sup> Исо хизматчиларга:

– Хумларни сувга тўлдиришлар, – деди. Улар хумларни лиммо-лим тўлдиришди. <sup>8</sup> Исо уларга:

– Энди чўмичлаб олиб, тўйбошига олиб боринглр, – деди. Улар эса олиб боришди.

<sup>9</sup> Тўйбоши шаробга айланган сувни татиб кўрди. Унинг қаёқдан келганлигини у билмас эди, фақат олиб келган хизматчилар билишар эди. Тўйбоши куёвни чақиртиб унга айтди:

<sup>10</sup> – Ҳар ким аввал яхши шаробни кўяди. Кайф қилишгандан кейингина ёмонроғини беради. Сен эса яхши шаробни шу вақтгача сақлабсан-ку!

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.

††† ИККИ-УЧ ЧЕЛАК: юнонча “2-3 метритис” – тақрибан 80-120 литр.

<sup>11</sup> Исо дастлабки ушбу мўъжизасини Жалиланинг Кана шаҳарчасида намойиш қилди, бу билан Ўзининг улуғворлигини зоҳир қилди. Шогирдлари эса Унга имон келтирдилар.

<sup>12</sup> Шундан кейин Исо, онаси, укалари ва шогирдлари Кафарнаҳум шаҳрига келдилар ва у ерда бир неча кун турдилар.

### Исонинг сотувчиларни маъбаддан қувиши

<sup>13</sup> Яхудийларнинг Фисиҳ байрами яқинлашиб қолгани учун Исо Қуддус шаҳрига борди.

<sup>14</sup> Маъбадга † кирганда, хўкиз, қўй, каптарларни сотаётганлар ва ўтирган саррофларни †† кўрди.

<sup>15</sup> Исо арқондан дарра ясади-да, маъбаддан ҳаммасини, хўкизу қўйлари билан бирга, қувиб чиқарди, саррофларнинг хонтахталарини ағдариб, пулларини сочиб юборди. <sup>16</sup> Каптар сотувчиларга:

– Буларни йўқотинглар бу ердан, Отамнинг уйини савдохонага айланторманглар! – деди. <sup>17</sup> Шунда Унинг шогирдлари “Сенинг уйинга бўлган рашким Менинг ичимни кемириб кетди”, деган оятни ‡ эсладилар.

<sup>18</sup> Шунда яхудий мансабдорлари :

– Бундай қилишга қандай ҳуқуқинг бор? Исбот қилиб мўъжиза ярат-чи! – деб Исодан талаб қилдилар. <sup>19</sup> Исо деди:

– Бу маъбадни бузинглар, Мен уч кун ичида уни тиклайман.

<sup>20</sup> Бунга жавобан яхудий мансабдорлари :

– Бу маъбад қирқ олти йилда қурилган, Сен уни уч кунда тикламоқчимисан-а?! – дедилар.

<sup>21</sup> Ҳолбуки, Исо маъбад деб Ўзининг баданини назарда тутган эди. <sup>22</sup> Исо ўлиб тирилгандан кейин, шогирдлари Унинг бу сўзини эсладилар ва муқаддас битикка ҳам, Исонинг сўзига ҳам ишондилар.

<sup>23</sup> Исо Қуддусда, Фисиҳ байрамида бўлганда, кўп одамлар Унинг қилаётган ибратли мўъжизаларини кўриб, Унга имон келтирдилар. <sup>24</sup> Аммо Исо ҳамма инсонларнинг кўнглини билгани учун, Ўзини уларга ишонмас эди. <sup>25</sup> Унга инсон ҳақида бирор маълумотнинг ҳожати йўқ эди, чунки инсон дилида нима борлигини У билар эди.

### Исо ва Никодим

**3** Яхудий бошлиқларидан Никодим исмли бир одам бор эди, у фарзийлар мазҳабида эди. <sup>2</sup> Бу одам бир кун кечаси Исонинг олдига келиб, Унга деди:

– Устоз! Сен Худодан келган бир муаллим эканингни биз биламиз, чунки ҳеч ким, агар Худо у билан бўлмаса, Сен қилаётган мўъжизаларни қилолмайди.

<sup>3</sup> Исо унга шундай жавоб берди:

– Сенга ростини айтай: агар ким юқоридан †† туғилмаса, Худо салтанатини кўролмайди.

<sup>4</sup> – Кекса одам яна қандай туғила олади?

Онасининг қорнига иккинчи гал кириб туғила оладими? – деб сўради Никодим. <sup>5</sup> Исо жавоб берди:

– Сенга ростини айтай: агар ким сувдан ва Рухдан туғилмас экан, Худо салтанатига киролмайди.

<sup>6</sup> Танадан туғилган танадир, Рухдан туғилган эса Рухдир. <sup>7</sup> Сизлар юқоридан †† туғилишингиз керак, деганимга таажжубланма. <sup>8</sup> Шамол ††† истаган жойда эсаверади. Унинг товушини эшитасан-у, лекин қайси томондан келиб, қайси томонга кетишини билмайсан. Рухдан туғилган ҳар бир кишида ҳам шундай бўлади.

<sup>9</sup> – Бу қандай бўлиши мумкин? – сўради Никодим.

<sup>10</sup> Исо унга жавоб берди:

– Сен Исроилнинг устозисан-ку ахир, нега бунга билмайсан? <sup>11</sup> Сенга ростини айтай: Биз билганимизни сўзлаймиз, кўрганимиз ҳақида шаҳодат берамиз. Лекин сизлар Бизнинг шаҳодатимизни қабул қилмаяпсизлар. <sup>12</sup> Агар сизлар ердаги нарсалар ҳақида айтганларимга ишонмасангизлар, самовий нарсалар тўғрисида гапирганларимга қандай ишонасизлар? <sup>13</sup> Осмонда турадиган ва осмондан тушган Инсон Ўғлидан ††† бошқа ҳеч ким осмонга чиққан эмас. <sup>14</sup> Мусо саҳрода илонни § қандай юқорига кўтарган бўлса, Инсон Ўғли ҳам худди шундай юқорига кўтарилиши керак. <sup>15</sup> Шу тариқа Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмай, абадий ҳаётга эришади.

<sup>16</sup> Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин. <sup>17</sup> Худо оламни ҳукм қилиш учун эмас, балки Ўғли орқали қутқариш учун Ўғлини дунёга юборди. <sup>18</sup> Унга ишонган одам ҳукм қилинмайди. Унга ишонмаган одам эса аллақачон маҳкум бўлган, чунки у Худонинг ягона Ўғли исмига ишонмаган.

<sup>19</sup> Илоҳий ҳукм шундан далолатдирки, оламга нур келган бўлса ҳам, одамлар нурдан кўра зулматни аъло кўрдилар; чунки уларнинг қилмишлари ёмонлик эди. <sup>20</sup> Кимки ёмонлик қилиб юрса, нурни ёмон кўради, ёмон қилмишлари фош бўлиб қолмаслиги учун нурга қараб юрмайди. <sup>21</sup> Кимки ҳақиқат йўлини тутса, нурга қараб юради, токи Худога таяниб қилган ишлари ошкора бўлсин.

### Исо Масиҳ ва Яҳё пайғамбар

<sup>22</sup> Шундан кейин Исо билан шогирдлари Яхудия юртига келдилар. Исо улар билан бир муддат у

†† ЮҚОРИДАН: ёки, янгидан. ††† ЮҚОРИДАН: ёки, янгидан. †††† ШАМОЛ: ёки, Рух (юнонча асли икки маъноли). †††† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. § ИЛОН: Исроил халқи чўлда исён қилганда, Худованд уларга заҳарли илонлар юборди. Мусо пайғамбар мисдан илон ясаб халқ олдига юқорига кўтарди, бу илонга боққанлар эса шифо топди.

† МАЪБАД: луғатга қаранг. †† САРРОФЛАР: луғатга қаранг.  
‡ ОЯТ: қаранг: Забур 68:10.

ерда қолиб, одамларни сувга чўмдириб, тавба қилдирар эди. <sup>23</sup> Яхё ҳам Салим яқинидаги Эйнон ерида халқни дарёга чўмдириб юрган эди. У ер серсув бўлиб, одамлар оқиб келар эди. <sup>24</sup> Яхё эса ҳали зиндонга ташланмаган эди.

<sup>25</sup> Шу маҳал Яхёнинг шогирдлари билан яҳудий мансабдорлари орасида таҳорат ҳақида баҳс бўлди. <sup>26</sup> Охири Яхёнинг олдига бориб дедилар:

– Устоз! Ўрдун дарёсининг нариги бўйида сен билан бўлган, сен гувоҳлик берган Одам бор-ку, ўша Одам энди халқни сувда тавба қилдириб юрибди, ҳамма ҳам Унинг олдига боришяпти.

<sup>27</sup> Бунга жавобан Яхё деди:

– Агар осмондан насиб бўлмаса, инсон ҳеч нарсани сиғдира олмайди. <sup>28</sup> Мен Масих эмасман-у, фақат Унинг олдидан юборилганман, деб айтганимга ўзингиз гувоҳсизлар. <sup>29</sup> Келин кимга тегишли бўлса, куёв ўшадир. Лекин куёвнинг ёнида туриб унга қулоқ солган дўсти куёвнинг овозини эшитиб, севишиб қувонади. Худди шундай: менинг қувончим энди комил бўлди. <sup>30</sup> Масих улғайиши, мен эса пасайишим керак.

#### Исо Масих юқоридан келган

<sup>31</sup> Юқоридан келган Зот ҳаммадан устундир. Ердан бўлган ерга мансубдир ва ерга хос гапиради. Осмондан Келган эса ҳаммадан устундир. <sup>32</sup> У кўргани ва эшитгани ҳақида гувоҳлик беради, аммо ҳеч ким Унинг гувоҳлигини тан олмайди. <sup>33</sup> Унинг гувоҳлигини тан олувчи киши эса Худонинг ҳақлигини тасдиқлайди. <sup>34</sup> Худо юборган Зот Худонинг сўзларини гапиради; Худо Ўз Руҳини чексиз-ўлчовсиз беради. <sup>35</sup> Ота Ўғлини севади, У ҳамма нарсани Унинг қўлига топширган. <sup>36</sup> Кимки Худо Ўғлига ишонса, абадий ҳаётга эришади. Ўғилга ишонмаган одам эса ҳаёт кўрмай, Худонинг ғазабига учрайди.

#### Исо ва самариялик аёл

**4** Исо Яхёдан кўра кўпроқ одамларни дарёда тавба қилдириб, шогирд орттиряпти, деган хабар фарзийларнинг қулоғига етиб борди. <sup>2</sup> (Ваҳоланки, Исонинг Ўзи эмас, шогирдлари халқни дарёда тавба қилдирар эдилар.) <sup>3</sup> Исо буни билиб қолгач, Яҳудияни ташлаб, яна Жалилага кетди. <sup>4</sup> Исо йўл-йўлакай Самариядан ўтиши керак эди. <sup>5</sup> Шундай қилиб, У Самариянинг Сихар деган шаҳрига келди. Бу шаҳар Ёқубнинг ўғли Юсуфга берган ерига яқин эди. <sup>6</sup> Ёқубнинг қудуғи ҳам ўша ерда эди.

Исо йўл юриб чарчаган эди, қудуқнинг ёнига ўтирди. Тахминан туш пайти <sup>†</sup> эди. <sup>7</sup> Шу вақт самариялик бир аёл сув олгани келиб қолди. Исо унга:

– Менга ичгани сув бер, – деди. <sup>8</sup> Исонинг шогирдлари эса овқат сотиб олиш учун шаҳарга кетган эдилар.

<sup>9</sup> Самариялик аёл:

– Сен яҳудий бўлсанг, мен самариялик аёл бўлсам, қандай қилиб сув сўрашга журъат қилдинг? – деди. (Чунки яҳудийлар самарияликлар <sup>††</sup> билан алоқа қилмайдилар.)

<sup>10</sup> Исо аёлга жавоб берди:

– Агар сен Худонинг инъомини ва “Менга сув бергин”, деб айтаётганининг кимлигини билганинга эди, сен ўзинг Ундан сув сўра эдинг ва У сенга ҳаётбахш сув берар эди.

<sup>11</sup> – Ҳазрат! – деди аёл, – Сенда сув оладиган ҳеч нарса йўқ-ку, қудуқ эса чуқур. Ахир, Сенинг ҳаётбахш сувинг қаерда? <sup>12</sup> Бобокалонимиз Ёқуб бу қудуқни бизга берган, ўзи ҳам, болалари ва чорвалари ҳам ундан сув ичган. Наҳотки Сен ундан ҳам катта бўлсанг?

<sup>13</sup> Исо аёлга шундай жавоб қайтарди:

– Бу сувдан ким ичса, яна чанқаб қолади. <sup>14</sup> Лекин Мен берадиган сувдан ким ичса, абадий чанқамайди. Мен берадиган сувдан ичганинг вужудида булоқ пайдо бўлиб, абадий ҳаёт сари жўшиб оқаверади.

<sup>15</sup> – Ҳазрат, бу сувдан менга ҳам бер, мен ҳам энди чанқамайин ва сув олгани бу ерга келавермайин, – деди аёл.

<sup>16</sup> – Бориб эрингни бу ерга чақириб кел, – деди Исо.

<sup>17</sup> – Менинг эрим йўқ, – деди аёл.

– Эрим йўқ деб сен тўғриси айтдинг, – деди Исо. <sup>18</sup> – Сенинг беш нафар эринг бўлган, ҳозиргиси ҳам эринг эмас. Буни сен тўғри айтдинг!

<sup>19</sup> – Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайғамбарсан, – деди аёл. <sup>20</sup> – Ота-боболаримиз бу тоғда топиндилар. Аммо сизлар, топинадиган ер Қуддусда, дейсизлар.

<sup>21</sup> Исо унга айтди:

– Менга ишонгин, шундай вақт келадики, ўшанда Отага <sup>‡</sup> на бу тоғда, на Қуддусда топинасизлар.

<sup>22</sup> Сизлар нимага топинишни билмайсизлар, бизлар эса нимага топинишни биламиз. Чунки нажот яҳудийлардандир <sup>††</sup>. <sup>23</sup> Бироқ вақт-соати билан ҳақиқий топинувчилар Отага Руҳ ва ҳақиқат билан топинадилар, ана ўша вақт-соат келди! Ота шу йўсинда Ўзига топинувчиларни излайди. <sup>24</sup> Худо – Руҳдир, Унга топинувчилар эса Руҳ ва ҳақиқат билан топинмоқлари лозим.

<sup>25</sup> Аёл Исога:

– Қутқарувчи Масих келажагини биламан. У келганда, ҳамма нарсани бизга маълум қилади, – деди. <sup>26</sup> Исо аёлга:

– Сен билан гаплашаётган Мен Ўшаман, – деди.

†† САМАРИЯЛИКЛАР: бу халқнинг моҳияти луғатда изоҳланади. ‡ ОТА: яъни Худо. †† НАЖОТ ЯХУДИЙЛАРДАНДИР: Худо юборишга аҳд қилган Нажоткор (Масих) Довуд наслидан келиб чиқиши керак, деган маънода; яна қаранг: Римликлар 1:3, 9:1-5, 2-Тимўтий 2:8.

† ТУШ ПАЙТИ: аслида “6-соат”; вақт жадвалига қаранг.

<sup>27</sup> Шу пайтда Исонинг шогирдлари келиб қолишди. Унинг бир аёл билан гаплашаётганини кўриб ҳайрон бўлишди. Лекин бирортаси ҳам: “Ундан нима талаб қилияпсан?” ёки: “У билан нима тўғрисида гаплашяпсан?” – деб сўрамади.

<sup>28</sup> Шундан кейин аёл кўзасини ўша ерда қолдириб, шаҳарга борди ва одамларга деди:

<sup>29</sup> – Боринглар, мен қилган ҳамма ишларни айтиб берган Одамни кўринглар! У Масих эмасмикин?

<sup>30</sup> Одамлар эса шаҳардан чиқиб, Исонинг олдига бордилар.

<sup>31</sup> Шу орада шогирдлари:

– Устоз, овқат еб олгин, – деб Исодан илтимос қилишди. <sup>32</sup> Аммо Исо уларга деди:

– Менинг ейдиган бошқа овқатим бор, сизлар уни билмайсизлар.

<sup>33</sup> Шогирдлари ўзаро гап қотиб:

– Ажабо, бирон киши Унга овқат келтирганмикин? – деб ҳайрон бўлишди. <sup>34</sup> Исо уларга деди:

– Менинг овқатим – Мени Юборганнинг иродасини адо этиш, Унинг юмушини бажо келтиришдан иборатдир. <sup>35</sup> Сизлар: ўрим-йиғимга ҳали тўрт ой вақт бор, деб айтяпсизлар-ку. Энди сизларга айтай: кўзларингизни экинзорларга тикиб қаранглар. Ҳосил аллақачон етилибди, ўрим-йиғимга тайёр бўлибди. <sup>36</sup> Ўроқчи ҳозирдан меҳнат ҳақини олади ва абадий ҳаёт учун ҳосилини йиғиб олади; шундай бўлгани учун экувчи билан ўроқчи биргаликда қувонадилар. <sup>37</sup> “Бириси экади, бошқаси ўради”, деган мақол шу вазиятга тўғри келади. <sup>38</sup> Мен сизларни ўзингиз заҳмат чекмаган ҳосилни ўргани юбордим. Бошқалар заҳмат чеккан эди, сизлар эса уларнинг заҳматидан фойдаланасизлар.

<sup>39</sup> Шундан кейин, ўша шаҳарда яшовчи талай самарияликлар Исога имон келтиришди. Улар ҳалиги аёлнинг “Мен қилган ишларнинг ҳаммасини айтиб берди”, деган гувоҳлигига ишонишган эди. <sup>40</sup> Шундай қилиб, самарияликлар Исонинг олдига келиб, уларникида қолишини илтимос қилишди. У эса икки кун ўша ерда қолди. <sup>41</sup> Натижада Исонинг сўзини эшитиб, янада кўпроқ одамлар имон келтирди. <sup>42</sup> Улар аёлга:

– Энди сенинг сўзларинг туфайлигина ишонаётганимиз йўқ. Уни ўзимиз ҳам эшитдик, У ҳақиқатан оламнинг Қутқарувчиси – Масих эканига қаноат ҳосил қилдик, – дейишди.

### Исо соғайтирган амалдор ўғли

<sup>43</sup> Икки кун ўтгандан кейин Исо у ердан Жалилага жўнаб кетди. <sup>44</sup> Унинг ўзи: “Пайғамбар ўз юртида эътиборсиз қолади”, деб таъкидлаган эди.

<sup>45</sup> Жалилага келганда эса, аҳоли Уни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Чунки улар Қуддусдаги байрамга борганларида, у ерда Исонинг бутун қилган ишларини кўрган эдилар.

<sup>46</sup> Шундай қилиб, Исо яна Жалиланинг Кана шаҳарчасига келди, бу ерда У сувни шаробга айлантирган эди. Ўша пайтда Кафарнаҳум шаҳрида бир сарой амалдорининг ўғли касал бўлиб ётган эди. <sup>47</sup> Бу одам Исонинг Яҳудиядан Жалилага келганлигини эшитиб, Унинг олдига борди. Ўлим тўшагида ётган ўғлини бориб кўриб тузатишни Исодан ўтиниб сўради.

<sup>48</sup> – Сизлар ажойиботу мўъжизалар кўрмагунча ишонмайсизлар-да! – деди унга Исо.

<sup>49</sup> – Ҳазрат, – деди сарой амалдори Унга, – болагинам ўлмасидан олдин етиб боргин!

<sup>50</sup> – Сен борақол, ўғлинг соғ-саломат, – деди Исо. У одам Исонинг айтганига ишониб, кетди.

<sup>51</sup> Эртага унинг йўлига чиқиб турган хизматкорлари уни қаршилаб:

– Болангиз соғ-саломат, – дейишди.

<sup>52</sup> – Қайси соатда аҳволи энгиллашди? – дея сўради.

– Кеча тушда соат бирда † иситмаси тушиб қолди, – дейишди хизматкорлар.

<sup>53</sup> Боланинг отаси Исо унга: “Ўғлинг соғ-саломат”, дегани шу вақтга тўғри келганини англади. Ўзи ва бутун хонадони Исога имон келтирди.

<sup>54</sup> Бу эса Исонинг Яҳудиядан Жалилага келиб қилган иккинчи ибратли мўъжизаси эди.

### Исо ҳовузда шолни соғайтиргани

**5** Бу ҳодисалардан кейин яҳудийларнинг байрами бўлди ва Исо Қуддусга борди.

<sup>2</sup> Қуддуснинг Қўй дарвоза номли кираверишида яҳудийча Байт-Ҳасда †† деган беш шийпонли бир ҳовуз бор эди. <sup>3</sup> Бу шийпонларда кўр, чўлоқ, майиб-мажруҳ жуда кўп беморлар ётар, [сувнинг қимирлашини интизор бўлиб кутардилар. <sup>4</sup> Чунки Худованднинг бир фариштаси гоҳ-гоҳ ҳовузга тушиб, сувни ҳаракатга келтирар эди. Сув қимирлаши билан ҳовузга биринчи бўлиб ким тушса, ҳар қандай хасталиқдан халос бўлар эди.]

<sup>5</sup> Бу ерда ўттиз саккиз йилдан бери касал бўлиб ётган бир киши бор эди. <sup>6</sup> Исо унинг ётганини кўрди, узоқ вақтдан бери хаста эканлигини пайқади-да,

– Соғайишни истайсанми? – деб сўради ундан.

<sup>7</sup> Бемор Исога жавоб берди:

– Ҳа, Ҳазрат! Лекин сув қимирлаганда, мени ҳовузга туширадиган одамим йўқ. Мен боргунимча, бошқаси мендан олдин тушиб олади.

<sup>8</sup> – Ўрнингдан тур, тўшагингни олиб юр! – деди Исо беморга. <sup>9</sup> У эса шу ондаёқ соғайиб қолди. Тўшагини олиб, юриб кетди.

У кун дам олиш куни ‡ эди. <sup>10</sup> Шунинг учун яҳудий мансабдорлари соғайиб кетган одамга:

– Бугун дам олиш куни-ку, сенга тўшагингни кўтариш мумкин эмас! – дейишди.

† СОАТ БИРДА: аслида “7-соатда”. †† БАЙТ-ҲАСДА: арабийча “илоҳий раҳм-шафқат уйи” демақдир. ‡ ДАМ ОЛИШ КУНИ: луғатга қаранг.



<sup>11</sup> – Мени соғайтирган Одам менга: “Тўшагингни олиб юр”, деб айтди-да, – деди у одам.

<sup>12</sup> – “Тўшагингни олиб юр”, деб айтган Одам ким? – деб сўрадилар. <sup>13</sup> Шифо топган одам эса Унинг кимлигини билмас эди, у ерда халқ кўплигидан Исо ўзини четга олган эди.

<sup>14</sup> Кейинроқ Исо у одамни маъбадда учратиб қолди.

– Мана, сен соғайдинг. Энди бошқа гуноҳ қилма, тагин бошингга янада ёмон кун келмасин, – деди унга.

<sup>15</sup> Бу одам бориб, уни соғайтирган Исо эканлигини яхудий мансабдорларига хабар қилди.

<sup>16</sup> Улар эса, дам олиш кунда бундай ишлар қилиб юрибди, деб [Исонинг жонига қасд қилиб,] Уни қувғин қила бошладилар. <sup>17</sup> Аммо Исо уларга шундай деди:

– Менинг Отам шу кунгача ўз ишини қилиб келяпти, Мен ҳам ўз ишимни қиялпман, – деди.

<sup>18</sup> Ана шу сўзи учун яхудийлар Исони ўлдиришга яна кўпроқ ҳаракат қилишди. Чунки У дам олиш кунини бузибгина қолмай, балки Худони Отам деб, ўзини Худога тенглаштирган эди.

#### Исо – ҳаёт манбаи

<sup>19</sup> Буларга қарши Исо деди: “Сизларга ростини айтай: Ўғил Отанинг қилган ишларини кўрмагунча, ўзи ҳеч нарса қила олмайди. Ота нималарни қилса, ўғил ҳам худди шуларни қилади. <sup>20</sup> Чунки Ота ўғлини севади, ўзи қилган ҳамма нарсани ўғлига кўрсатади. Сизларни таажжубда қолдиргудек, бундан каттароқ ишларни ҳам кўрсатади. <sup>21</sup> Ота қандай қилиб ўликларни тирилтириб уларга ҳаёт бахш этса, ўғил ҳам кимни истаса, ўшанга ҳаёт бахш этади. <sup>22</sup> Шунингдек, Ота ҳеч кимни ҳукм қилмайди, балки ҳукм қилиш ҳуқуқини бутунлай ўғлига берган, <sup>23</sup> токи ҳамма Отани қандай ҳурмат қилса, ўғлини ҳам шундай ҳурмат қилсинлар. Ким ўғилни ҳурмат қилмаса, Уни юборган Отани ҳам ҳурмат қилмаган бўлади.

<sup>24</sup> Сизларга ростини айтай: Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эга бўлади. У ўлимдан ҳаётга ўтгани учун ҳукм қилинмайди. <sup>25</sup> Сизларга ростини айтай: ўликлар Худо ўғлининг † овозини эшитадиган вақт келади ва келиб қолди ҳам. Унинг овозини эшитганлар эса тирилиб кетадилар. <sup>26</sup> Чунки Отанинг ўзи ҳаёт манбаи бўлгани каби, ўғлига ҳам ҳаёт манбаи бўлишни ато қилган. <sup>27</sup> Ота ҳукм қилиш ваколатини ҳам ўғлига берган, чунки У Инсон ўғлидир ††. <sup>28</sup> Бунга таажжубланмангиз, қабрда ётган марҳумларнинг ҳаммаси Худо ўғлининг овозини эшитадиган вақт келади.

<sup>29</sup> Шунда ўликлар қабрдан чиқадилар; яхшилик

† ХУДОНИНГ ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони, бу ерда чинакам одам боласи маъносига; луғатга қаранг.

қилганлар яшаш учун, ёмонлик қилганлар эса ҳукм қилиниш учун тириладилар”.

#### Исо ҳақида Худо берган гувоҳлик

<sup>30</sup> “Мен ўз-ўзимдан ҳеч нарса қилолмайман. Қандай эшитсам, шундай ҳукм қиламан ва Менинг ҳукмим ҳаққонийдир. Чунки Мен ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отанинг иродасини бажо келтиришни истайман. <sup>31</sup> Агар Мен ўзим ҳақимда ўзим гувоҳлик берсам, Менинг гувоҳлигим ҳақиқий бўлмайди. <sup>32</sup> Мен ҳақимда бошқа гувоҳлик берувчи бор ва биламанки, Унинг берган гувоҳлиги ҳақиқатдир.

<sup>33</sup> Сизлар Яҳёнинг олдида одам юбордингизлар, у ҳақиқат тўғрисида гувоҳлик берди. <sup>34</sup> Гарчи Мен инсоннинг гувоҳлигини қабул қилмасам-да, лекин буларни сизлар нажот топишингиз учун айтяпман. <sup>35</sup> Яҳё – ёниб, нур сочиб турган чироқ эди. Сизлар эса унинг нурида бирпас қувонмоқчи бўлдингизлар. <sup>36</sup> Бироқ Мен Яҳёдан кўра каттароқ гувоҳликка эгаман. Чунки Отанинг тамомлашим учун берган ишлари, шу бажараётган ишларимнинг ўзи Мени Отам юборганлигига гувоҳлик бермоқда.

<sup>37</sup> Мени юборган Отанинг ўзи ҳам Мен ҳақимда гувоҳлик бериб турибди. Сизлар эса ҳеч қачон Унинг овозини ҳам эшитмагансиз, қиёфасини ҳам кўрмагансизлар. <sup>38</sup> Унинг каломи ҳам кўнгилларингиздан жой олмайди, чунки У юборган Зотга ишонмаяпсизлар. <sup>39</sup> Сизлар Муқаддас Битикларни ‡ текширасизлар, чунки улар орқали абадий ҳаётга эришамиз, деб ўйлайсизлар. Ана ўша Битиклар Мен тўғримда гувоҳлик беради. <sup>40</sup> Аммо сизлар абадий ҳаётга эришиш учун Мен тарафга келишни истамайсизлар-ку.

<sup>41</sup> Мен инсонлардан таҳсин-тасанно қабул қилмайман. <sup>42</sup> Лекин сизларни биламан, қалбларингизда Худога муҳаббат йўқ. <sup>43</sup> Мен Отанинг номидан келган бўлсам-да, аммо сизлар Мени қабул қилмаяпсизлар. ўз номи билан келадиган аллакимни қабул қилаверасизлар. <sup>44</sup> Сизлар-ку бир-бирингиздан таҳсин-тасанно олишни яхши кўрасизлар, лекин ягона Худонинг таҳсинига сазовор бўлишга ҳаракат қилмайсизлар. Қандай қилиб ҳам ишона олардингиз? <sup>45</sup> Мен сизларни Отам олдида айблайман, деб ўйламанглар. Сизларни айбловчи ўзингиз умид боғлаган Мусо бўлади. <sup>46</sup> Агар Мусога ишонганингизда эди, Менга ҳам ишонар эдингизлар; у Мен ҳақимда ёзган эди. <sup>47</sup> Мусонинг ёзувларига ишонмабсизларми, Менинг сўзларимга қандай ишонасизлар?”

‡ МУҚАДДАС БИТИКЛАР: қадимги яхудийларда Таврот ва Забур, ҳозир бутун Муқаддас Китоб.

## Исонинг 5000 кишини тўйдириши

6 Шундан кейин Исо Жалила (яъни Тиверия) кўлининг нариги қирғоғига сузиб ўтди. <sup>2</sup> Унинг беморлар билан қилаётган ажойиб ишларини бир талай халойиқ кўриб, Унинг орқасидан эргашиб бораверди. <sup>3</sup> Исо тоққа чиқиб, у ерда ўз шогирдлари билан ўрнашди. <sup>4</sup> Яҳудийларнинг Фисиҳ байрами яқинлашаётган эди.

<sup>5</sup> Исо бир қараса, халойиқ кўплашиб У томонга келаётган экан. Исо Филипдан:

– Буларни тўйғазиш учун қаердан нон сотиб оламиз? – деб сўради. <sup>6</sup> Бу гапни эса уни синаб кўриш учун айтганди, Ўзи нима қилишни билар эди.

<sup>7</sup> – Буларнинг ҳар қайсисига оз-оздан берсак ҳам, икки юз кумушлик нон етмайди-ку! – деб жавоб берди Филип.

<sup>8</sup> Шунда шогирдларидан бири, Бутруснинг укаси Идрис Исога:

<sup>9</sup> – Бу ерда бир болада бешта арпа нон ва иккита балиқ бор эмиш, лекин кўпчиликка бу нима ҳам бўлар эди, – деди.

<sup>10</sup> – Одамларни ерга ўтқазинглар, – деди Исо.

У ер қалин майсазор эди. Беш мингга яқин бўлган эркаклар жамоати ёнбошлаб ўтирди. <sup>11</sup> Исо нонларни олиб, шукрона дуосини ўқиди-ю [шогирдларига бўлиб берди, шогирдлар эса] ким қанча истаса, ўтирганларнинг ҳаммасига бўлиб берди. Балиқлар билан ҳам худди шу йўлни тутди.

<sup>12</sup> Одамлар еб тўйди. Бундан кейин Исо Ўз шогирдларига:

– Қолган бурдаларни териб олинглар, ҳеч нарса исроф бўлмасин, – деди. <sup>13</sup> Шогирдлар одамлар еган бешта арпа нондан ортиб қолган бурдаларни териб олишди, ўн иккита сават чиқди. <sup>14</sup> Шунда одамлар Исонинг қилган ибратли мўъжизасини пайқаб:

– Ҳақиқатан ҳам, Бу оламга келадиган Пайғамбар экан, – дедилар. <sup>15</sup> Исо одамлар Уни зўрлик билан ушлаб, подшоҳ қилиб кўтармоқчи эканликларини билиб қолгач, яна ёлғиз Ўзи тоққа чиқиб кетди.

## Исонинг сув устида юриши

<sup>16</sup> Кечки пайт Исонинг шогирдлари кўл бўйига бордилар. <sup>17</sup> Қайиққа тушиб, кўлнинг бериги қирғоғидаги Кафарнахумга қараб йўл олдилар. Қоронғи тушган, Исо эса ҳали ҳам уларнинг олдига келмаган эди. <sup>18</sup> Кучли шамол эсиб, кўл тўлқинланиб кетди. <sup>19</sup> Улар бир тош † йўлча сузганларидан кейин, кўл юзида юриб қайиққа яқинлашаётган Исони кўриб қолишди-да, ваҳимага туришди.

<sup>20</sup> – Бу Мен, кўрқманглар! – деди уларга Исо.

<sup>21</sup> Улар Исони қайиққа олмоқчи бўлдилар. Лекин ўша заҳотиёқ қайиқ улар бораётган қирғоққа етиб тўхтаб қолди.

## Исо – ҳаёт нони

<sup>22</sup> Эртаси куни кўлнинг нариги ёқасида қолган халқ у ерда шогирдлар тушган қайиқдан бошқа қайиқ йўқлигини кўришди ва Исо шогирдлари билан бирга қайиққа тушмаганини, шогирдлари ёлғиз ўзлари сузиб кетганини пайқадилар. <sup>23</sup> Шу пайт Тивериядан бошқа қайиқчалар келиб қолди. Қайиқчалар тўхтаган жой Раббимиз Исо шукрона дуосини ўқиган ва халқ нон еган ерга яқин эди.

<sup>24</sup> Халойиқ Исо билан шогирдларининг у ерда йўқлигини кўргач, қайиқларга тушиб, Исони қидириб Кафарнахумга сузиб келишди. <sup>25</sup> Кўлнинг бериги бўйидан Уни топдилар.

– Устоз, Сен қачон бу ерга келдинг? – деб сўрадилар. <sup>26</sup> Исо уларга шундай жавоб берди:

– Сизларга гапнинг ростини айтсам, сизлар ибратли мўъжизаларни кўргангиз учун эмас, балки нон еб тўйганингиз учун Мени қидиряпсизлар. <sup>27</sup> Сиз ўткинчи озиқ учун эмас, абадий ҳаётга бошловчи боқий озиқ учун ҳаракат қилинглар, уни сизларга Инсон Ўғли беради. Инсон Ўғли эса Ота – Худонинг муҳрига моликдир.

<sup>28</sup> Халқ Исодан:

– Худога маъқул ишларни бажариш учун нима қилишимиз керак? – деб сўради. Исо деди:

<sup>29</sup> – Худога маъқул иш – Худо юборган Зотга ишонишдир.

<sup>30</sup> – Бизлар Сенга ишонишимиз учун қандай иш қиласан, кўрайлик-чи, қандай ибратли мўъжиза кўрсатасан? – деди халойиқ. <sup>31</sup> – Ота-боболаримиз саҳрода манна †† еганлар, Тавротда: “Ейиш учун уларга осмондан нон ёғдирди”, деб ёзилган.

<sup>32</sup> Исо уларга деди:

– Сизларга ростини айтсам, сизларга осмондан нон берган Мусо пайғамбар эмас. Осмондан тушган ҳақиқий нонни сизларга Менинг Отам беради. <sup>33</sup> Худо берган нон осмондан тушувчи ва дунёга ҳаёт бағишловчи нондир.

<sup>34</sup> Бунга қарши халқ:

– Ҳазрат, бундай нонни бизга доимо бериб тургин! – деди Исога. <sup>35</sup> Исо шундай айтди:

– Мен ҳаёт нониман. Менинг олдимга келган одам сира оч қолмас, Менга ишонган одам ҳеч қачон чанқамас. <sup>36</sup> Лекин Мен сизларга айтган эдим-ку, Мени кўриб турган бўлсангизлар ҳам, ишонмаяпсизлар. <sup>37</sup> Отам кимни Менга берган бўлса, Менинг олдимга келади. Олдимга келган одамни эса сира қувиб чиқармайман. <sup>38</sup> Мен Ўз иродамни эмас, балки Мени юборган Отамнинг иродасини адо этиш учун осмондан тушганман. <sup>39</sup> Мени Юборганнинг иродаси – Унинг Менга берганларидан ҳеч бирини йўқотмаслигим, балки охириги кунда уларнинг ҳар бирини

† БИР ТОШ: юнонча “25-30 стадия”; жадвалларга қаранг.

†† МАННА: луғатга қаранг.

тирилтиришимдир. <sup>40</sup> Отамнинг иродаси яна шуки, Унинг Ўғлини кўрган, Унга ишонган ҳар бир киши абадий ҳаётга эга бўлсин. Мен эса бундайларни охири кунда тирилтираман.

<sup>41</sup> Исо “Мен осмондан тушган нонман”, дегани учун яҳудийлар Ундан нолий бошлашди.

<sup>42</sup> – Юсуфнинг ўғли Исо бу эмасми? Ота-онасини биз таниймиз-ку! Энди қандай қилиб У: “Мен осмондан тушдим”, деб айтяпти? – дейишарди ўзаро.

<sup>43</sup> – Ўзаро нолиманглар! – деди уларга Исо. <sup>44</sup> – Агар Мени юборган Отам бировни жалб қилмаса, у Менга ҳеч ҳам етишолмайди. Менга етишган одамни эса охири кунда тирилтираман.

<sup>45</sup> Пайғамбар оятада: “Ҳамма Худо томонидан ўргатилган бўлади”, – деб битилган. Шундай қилиб, Отадан эшитган ва ўрганган ҳар бир киши Менинг олдимга келади. <sup>46</sup> Аслида ҳеч ким Отани кўрган эмас, биргина Худодан чиққан Зот Отани кўрган.

<sup>47</sup> Сизларга ростини айттай: Кимки Менга ишонса, абадий ҳаётга эга бўлади. <sup>48</sup> Мен ҳаёт нониман.

<sup>49</sup> Ота-боболарингиз саҳрода манна еб, ўлиб кетганлар. <sup>50</sup> Одам еб ўлмаслиги учун осмондан тушадиган нон бор, мана у кўз ўнгингизда турибди.

<sup>51</sup> Мен осмондан тушган тирик нондирман. Бу нонни еган киши абадий яшайди. Мен берадиган нон – Ўзимнинг танамдир, уни дунёга ҳаёт бахш этиш учун фидо қиламан.

<sup>52</sup> Шунда яҳудийлар:

– У қандай қилиб бизга Ўзининг танасини едира олар экан? – деб ўзаро таллашиб-тортиша бошладилар. <sup>53</sup> Исо уларга айтди:

– Сизларга ростини айттай: агар Инсон Ўғлининг танасини емасангизлар ва Унинг қонини ичмасангизлар, у ҳолда сизда ҳаёт бўлмайди.

<sup>54</sup> Менинг танамни еган ва қонимни ичган одамда абадий ҳаёт бор, Мен уни охири кунда тирилтираман.

<sup>55</sup> Менинг танам – ҳақиқий озик, қоним – ҳақиқий ичимликдир. <sup>56</sup> Танамни еб, қонимни ичадиган киши Мен билан, Мен эса У билан бир жон, бир тан бўламиз. <sup>57</sup> Худди барҳаёт Отам Мени юборгандай, Мен Отам орқали яшаётгандай, Мени еган одам ҳам Мен орқали яшайди. <sup>58</sup> Осмондан тушган нон мана шудир. Бу нон ота-боболарингиз еган маннага ўхшамайди, улар манна еб ўлиб кетганлар. Мен берган нонни еган одам эса абадий яшайди.

### Исони тан олувчилар ва рад этувчилар

<sup>59</sup> Исо бу сўзларни Кафарнаҳумдаги яҳудийлар ибодатхонасида таълим бераётганда гапирар эди.

<sup>60</sup> Унинг кўп шогирдлари бу гапларни эшитиб:

– Қандай қаттиқ сўзлар! Ким буни тинглайди? – дейишар эди. <sup>61</sup> Шогирдларининг норози бўлганликларини Исо Ўз кўнглида сезди.

– Бу сизларни васвасага соляптими? <sup>62</sup> Хўш, Инсон Ўғлининг илгариги жойига чиқишини кўрсангизлар нима бўпти? <sup>63</sup> Руҳ ҳаёт бахш этади,

жисм ҳеч қандай фойда келтирмайди. Менинг сизларга айтиб келаётган сўзларим руҳдир, ҳаётдир. <sup>64</sup> Шунга қарамай, ичингизда имонсиз қолганлар бор, – деди.

Кимлар имонсиз, ким хиёнат қилади – Исо ҳаммасини аввалдан билар эди.

<sup>65</sup> – Отам йўл қўймаса, ҳеч ким Менинг олдимга келолмайди, дейишимга боис ана шу бўлган эди, – деди У яна.

<sup>66</sup> Ўша вақтдан бошлаб Унинг кўп шогирдлари Исодан юз ўгириб, У билан бошқа юрмайдиган бўлдилар. <sup>67</sup> Шунда Исо ўн икки шогирдидан:

– Наҳотки сизлар ҳам кетмоқчи бўлсангизлар? – деб сўради.

<sup>68</sup> – Раббим, – деди Симун Бутрус, – бизлар кимга борайлик? Сенда абадий ҳаётнинг сўзлари бор.

<sup>69</sup> Бизлар ишондик ва билдик, Сен Худонинг Азизи – Масихсан †.

<sup>70</sup> Исо уларга айтди:

– Сизларни ўн иккита қилиб танлаган Ўзим эмасми? Лекин сизларнинг бирингиз иблисдир.

<sup>71</sup> Исо Симун ўғли Яҳудо Ишқариётни назарда тутган эди. У ўн икки шогирддан бири бўлиб, Исога хиёнат қилмоқчи бўлган эди.

### Исо ва укалари

**7** Шундан кейин Исо Жалилада юрар эди. Яҳудий мансабдорлари Уни ўлдиришга қасд қилганликлари учун, Яҳудияда юришни истамади. <sup>2</sup> Яҳудийларнинг Чайла байрами †† яқинлашаётган эди. <sup>3</sup> Шундай қилиб, Исонинг укалари Унга:

– Бу ердан чиқиб Яҳудияга бор, қилаётган ишларингни шогирдларинг ҳам кўрсин. <sup>4</sup> Ўзини машҳур қилмоқчи бўлган ҳар бир киши яширинча иш қилиб юрмайди-ку! Сен бу ишларни қилаётган бўлсанг, қани Ўзингни дунёга ошкор қилиб кўр, – дейишди. <sup>5</sup> Ҳатто укалари ҳам Унга ишонмас эдилар. <sup>6</sup> Исо уларга шундай деди:

– Менинг вақт-соатим ҳали келгани йўқ. Лекин сизлар учун ҳар вақт қулайдир. <sup>7</sup> Дунё сизлардан нафратлана олмайди, лекин Мендан нафратланади. Чунки Мен унинг қилмишлари ёмонлигини фош қиламан. <sup>8</sup> Майли, сизлар байрамга боринглар. Мен ҳозирча бу байрамга бормаيمان, чунки Менинг вақтим бўлгани йўқ.

<sup>9</sup> Шу сўзларни айтиб, Исо Жалилада қолди.

### Исо Қуддусда Чайла байрамида

<sup>10</sup> Исонинг укалари байрамга боргандан сўнг, Ўзи ҳам борди; фақат очик эмас, яширинча борди.

<sup>11</sup> Яҳудий мансабдорлари эса Исони байрамда қидирар, “У қаёқда?” – деб сўраб-суриштирар эдилар. <sup>12</sup> Омма орасида Исо тўғрисида ҳар хил гап-сўзлар ёйилаётган эди. Баъзилари: “У яхши Одам”, – десалар, бошқалари: “Йўқ, У халқни йўлдан

† Бошқа қўлёзмалар бўйича “Барҳаёт Худонинг Ўғли Масихсан”. †† ЧАЙЛА БАЙРАМИ: луғатга қаранг.

оздиряпти”, – дейишарди. <sup>13</sup> Бироқ яхудий мансабдорларидан кўрққанлари учун У ҳақда ҳеч ким очиқ гапирмас эди.

<sup>14</sup> Байрамнинг ярми ўтганда, Исо маъбадга кириб таълим бера бошлади. <sup>15</sup> Шунда яхудий мансабдорлари:

– Бу Одам ўқимаган бўлса, қандай қилиб Муқаддас Битикларни билади? – деб таажжубландилар. Исо уларга жавобан айтди:

<sup>16</sup> – Менинг таълимотим Ўзимники эмас, балки Мени Юборганникидир. <sup>17</sup> Ким Унинг иродасини бажаришни истаса, бу таълимот Худоданми, ёки Мен Ўзимдан гапиряпманми, билиб олади. <sup>18</sup> Ким ўз номидан гапирса, ўзига улуғлик излайди. Ким уни юборганга улуғлик изласа, у ҳаққонийдир, унинг дилида бирон ноҳақлик йўқ. <sup>19</sup> Тавротни сизларга Мусо пайғамбар бермадимми? Шунга қарамай, бирортангиз ҳам Таврот Қонунига қараб иш юритмайсиз. Нима учун Мени ўлдирмоқчисизлар?

<sup>20</sup> – Сени жин урибди! Ким Сени ўлдирмоқчи экан? – деди халойиқ. <sup>21</sup> Исо эса Ўз сўзида давом этди:

– Мен битта иш қилдим, ҳаммангиз бунга ҳайрон қоляпсизлар. <sup>22</sup> Мусо сизларга суннатни † буюрган (суннат аслида Мусодан эмас, балки ота-боболардан меросдир), сизлар эса дам олиш кунида ўғил болани суннат қиласизлар. <sup>23</sup> Мусонинг Қонуни бузилмасин деб, ҳатто дам олиш куни ўғил бола суннат қилинадиган бўлса, нега сизлар Менга дам олиш куни одамзодни бутунлай соғайтирди, деб ғазаб қиласизлар? <sup>24</sup> Юзаки ҳукм қилманглар, ҳукмингиз адолатли бўлсин.

### Исонинг кимлиги ҳақида гумонлар

<sup>25</sup> Шунда баъзи қуддусликлар гапга кирди:

– Ўлдириш учун қидириб юришган Шу эмасми?

<sup>26</sup> Мана У бемалол сўзляпти, Унга қарши ҳеч ким ҳеч нарса демаяпти. Наҳотки бошлиқлар Унинг ҳақиқий Масих эканлигига тан беришган бўлса?

<sup>27</sup> Ахир, Бунинг қаерданлигини ҳаммамиз биламиз-ку, бироқ Масих келганда, Унинг қаерданлигини ҳеч ким билмайди.

<sup>28</sup> Бунга жавобан Исо маъбадда овозини баланд қилиб, шундай таълим бера бошлади:

– Сизлар Менинг кимлигимни ҳам, қаерданлигимни ҳам биласизлар. Лекин Мен Ўз-Ўзимдан келганим йўқ. Мени Ҳақ юборган, сизлар Уни билмайсизлар. <sup>29</sup> Мен Уни биламан, чунки Мен Унинг олдидан келганман, Мени Ўша юборган.

<sup>30</sup> Бу сўзи учун Исони ушлашга интилдилар. Бироқ ҳеч ким Унга қўл узатмади, чунки Унинг вақт-соати ҳали келмаган эди. <sup>31</sup> Шу билан бирга, оломондаги кўпгина одамлар Унга имон келтирди. Улар:

– Масих келганда бундан ҳам кўпроқ мўъжиза яратармикин? – дейишарди.

† СУННАТ: ўғил бола туғилганига 8 кун бўлганда, ҳатто ишлаш тақиқланган шанба кунига тўғри келса ҳам, ўша куниёқ хатна қилинар эди; қаранг: Ибтидо 17-боб.

### Исони тутиб олмоқчилар

<sup>32</sup> Исо тўғрисида халқ орасида бундай гап-сўзлар тарқалаётганини фарзийлар эшитиб, олий руҳонийлар билан тил бириктиришди-да, Исони қўлга олиш учун миршабларни юборишди.

<sup>33</sup> Исо деди:

– Мен сизлар билан узоқ бўлмайман, яна Мени Юборганнинг олдига қайтиб бораман. <sup>34</sup> Сизлар Мени излайсиз-у, лекин тополмайсизлар. Мен қаерда бўлсам, сизлар у ерга боролмайсиз.

<sup>35</sup> Шу пайт яхудийлар:

– У қаерга бормоқчи, биз Уни тополмас эканмиз? – дейишди ўзаро. – Наҳотки У юнонлар орасида тарқалиб кетган яхудийлар олдига бориб, яхудийларга ҳам, юнонларга ҳам таълим бермоқчи бўлса? <sup>36</sup> “Сизлар Мени излайсиз-у, лекин тополмайсизлар, Мен қаерда бўлсам, сизлар у ерга боролмайсизлар”, деган гапларининг мазмуни нима экан?

### Ҳаётбахш сув ва Руҳ ҳақида

<sup>37</sup> Байрамнинг охириги, улуғ кунида Исо тик турди-да, овозини баланд қилиб хитоб қилди:

– Ким чанқаган бўлса, Менинг олдимга келиб ичсин. <sup>38</sup> Муқаддас Битикда айтилганидек, Менга ишонганнинг вужудидан ҳаётбахш сув дарё бўлиб оқади.

<sup>39</sup> Исо бундай деб, Муқаддас Руҳни назарда тутган эди; Унга ишонганлар Муқаддас Руҳни яқин орада олишлари керак эди. Исо ҳали улуғворликка юксалмаган, шунинг учун Муқаддас Руҳ ҳануз тушмаган эди.

### Исо туфайли низо

<sup>40</sup> Оломон ичидан баъзилар бу сўзларни эшитиб:

– Ҳақиқатан Бу ўша пайғамбар ††, – дедилар.

<sup>41</sup> Бошқалари:

– Бу Масих, – дейишса, яна бўлаклари:

– Масих Жалиладан кела оладими? <sup>42</sup> Тавротда, Масих Довуднинг уруғи бўлади, У Довуднинг юрти – Байтлаҳмдан чиқиб келиши лозим, деб ёзилмаганми? – дейишди.

<sup>43</sup> Шу тариқа Исо туфайли халқ орасида низо юзага келди. <sup>44</sup> Баъзилар Уни тутмоқчи бўлишди, аммо ҳеч ким Унга қўл кўтармади.

<sup>45</sup> Шу пайт миршаблар олий руҳонийлар ва фарзийлар олдига қайтиб келишди.

– Нега Уни олиб келмадинглар? – деб сўрашди улардан.

<sup>46</sup> – Дунёда ҳеч ким бу Одамдай гапирмаган, – деди миршаблар.

<sup>47</sup> – Бўлмаса, сизлар ҳам йўлдан озибсизлар-да! – дейишди фарзийлар. <sup>48</sup> – Бошлиқлар ёки фарзийлардан биронтаси Унга ишонганмикин?

†† 1:21 оятдаги изоҳга қаранг.

<sup>49</sup> Лекин Тавротни билмаган бу жоҳил оммага лаънатлар бўлсин!

<sup>50</sup> Фарзийлардан Никодим номли бири, аввал тунда Исонинг олдига келган одам, сўз олди:

<sup>51</sup> – Айбланувчининг ўзини оқлашига имкон бермай, унинг ишини тергаб аниқламай маҳкум қилиш бизнинг Таврот Қонунига мосмикин?

<sup>52</sup> – Наҳотки сен ҳам Жалиладан бўлсанг? Яхши ўйлаб кўр, Жалиладан пайғамбар чиқмаслиги аниқ, – дейишди унга.

<sup>53</sup> Шундан кейин ҳаммалари уй-уйларига тарқалиб кетдилар.

### Исонинг бузуқ аёлни кечирishi

**8** Исо Зайтун тоғи томон кетди. <sup>2</sup> Эрталаб яна маъбадга қайтиб келди. Бутун халқ Унинг олдига келар, У эса одамларга таълим бериб ўтирар эди. <sup>3</sup> Шу орада уламолар билан фарзийлар бир аёлни Исонинг олдига келтиришди, уни зино қилаётганда ушлаб олишган эди.

<sup>4</sup> – Устоз! – дейишди аёлни ўртага қўйиб. – Бу аёл зино қилаётганида ушланди. <sup>5</sup> Мусо пайғамбар Қонунига бундайларни тошбўрон қилишни буюрганлар. Сен нима дейсан?

<sup>6</sup> Бу сўроқ билан Исони тузоққа илинтириб айбламоқчи эдилар. Исо эса уларга эътибор бермай, энгашиб бармоғи билан ерга ёзар эди.

<sup>7</sup> Улар бу ҳақда сўрайвергач, Исо тик турди-да:

– Сизнинг ичингизда ким бегуноҳ бўлса, ўша биринчи бўлиб аёлга тош отсин, – деди. <sup>8</sup> Сўнг яна энгашиб ерга ёзаверди.

<sup>9</sup> Улар бу гапни эшитиб, виждонан фош бўлишди. Чоллардан бошлаб, кексаю ёш ҳаммаси бирин-кетин кета бошлашди. Охирида ёлғиз Исо билан ўртада турган аёл қолди. <sup>10</sup> Исо ўрнидан турди-да, аёлдан бошқани кўрмай:

– Эй аёл! – деди, – сени айбловчилар қани? Ҳеч ким сени маҳкум қилмадимми?

<sup>11</sup> – Ҳеч ким, Ҳазрат! – деб жавоб берди аёл.

– Мен ҳам сени маҳкум қилмайман, – деди Исо. – Бор, бундан кейин бошқа гуноҳ қилма.

### Исо Масих – оламнинг нури

<sup>12</sup> Исо яна халққа хитоб қилди:

– Мен оламнинг нуриман. Кимки Менга эргашса, зулматда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади.

<sup>13</sup> Исонинг шу сўзига қарши фарзийлар:

– Сен Ўзингга Ўзинг шоҳидлик беряпсан. Сенинг шоҳидлигинг ҳақиқат эмас, – дейишди. <sup>14</sup> Исо шундай жавоб берди:

– Мен Ўзимга Ўзим шоҳидлик берсам ҳам, тўғри шоҳидлик бераман. Чунки Мен қаердан келиб, қаерга кетаётганимни биламан. Сизлар эса Менинг қаердан келиб, қаерга кетаётганимни билмайсизлар. <sup>15</sup> Сизлар ташқи қиёфага қараб ҳукм қиласизлар; Мен эса ҳеч кимни ҳукм қилмайман.

<sup>16</sup> Агарда Мен ҳукм қилсам ҳам, тўғри ҳукм

қиламан. Чунки ёлғиз эмасман, Мени юборган Отам Мени ёқлайди. <sup>17</sup> Мана, ўзларингизнинг Тавротда: “Икки шоҳиднинг гувоҳлиги тўғридир”, деб ёзилган. <sup>18</sup> Шундай қилиб, Ўзимга Ўзим ҳам шоҳидлик бераман, Мени юборган Отам ҳам шоҳидлик беради.

<sup>19</sup> – Сенинг Отанг қаерда? – деб сўрадилар Исодан. У бунга жавобан:

– Сизлар на Мени, на Отамни танийсизлар. Агар Мени таниганингизда, Отамни ҳам таниган бўлар эдингизлар, – деди.

<sup>20</sup> Бу сўзларни Исо маъбадда таълим бераётиб, садақа қутисининг олдида айтди. Ҳеч ким Уни тутиб олмади, чунки Унинг вақт-соати ҳали келмаган эди.

### Исони рад қилганларнинг оқибати

<sup>21</sup> Исо уларга яна деди:

– Мен кетяпман. Сиз Мени қидирасиз-у, гуноҳкор бўлиб ўласизлар. Мен борадиган жойга сизлар бора олмайсизлар.

<sup>22</sup> – Наҳотки У Ўзини Ўзи ўлдиради? “Мен борадиган жойга сизлар бора олмайсизлар”, деб айтяпти-ку, – дейишди ўзаро яҳудийлар. <sup>23</sup> Исо уларга шундай деди:

– Сизлар пастдансиз, Мен эса юқориданман. Сизлар бу оламдан, Мен эса бу оламдан эмасман.

<sup>24</sup> Сиз гуноҳкор бўлиб ўласизлар, деб айтдим-ку сизларга. Ҳа, агар Ўша Мен эканлигимга † ишонмасангизлар, гуноҳкор бўлиб ўласизлар.

<sup>25</sup> – Сен кимсан? – деб сўрашди шу маҳал Исодан. Исо шундай деди:

– Бошданоқ сизларга қандай айтган бўлсам, худди Ўшаман. <sup>26</sup> Сиз ҳақингизда айтадиган ҳамда ҳукм ўтказадиган кўп нарсаларим бор. Бироқ Мени Юборган ҳақиқатгўйдир, Мен Ундан нима эшитган бўлсам, ўшани дунёга маълум қиламан.

<sup>27</sup> Улар эса Исо Ўз Отаси ҳақида гапираётганини тушунмадилар. <sup>28</sup> Исо Ўз сўзида давом этди:

– Инсон Ўғлини юқорига кўтарганингизда ††, Ўша Мен эканлигимни билиб қоласизлар. Ўшанда сизлар Мен Ўзимчалик ҳеч нарса қилмаслигимни, аксинча, Отам Менга қандай ўргатган бўлса, шундай сўзлаётганимни биласизлар. <sup>29</sup> Мени Юборган Ўзим биландир. Отам Мени ёлғиз қолдирмаган, Мен ҳар доим Унга маъқул бўлган ишларни қиламан.

<sup>30</sup> Исо бу сўзларни айтар экан, кўп одамлар Унга ишондилар.

### Илоҳий ҳақиқат ва озодлик ҳақида

<sup>31</sup> Шу вақт Исо Унга ишонган яҳудийларга деди:

† ЎША МЕН ЭКАНЛИГИМ: аслида “Менлигим”, яъни Ўз-ўзича бор бўлиб турган Худонинг эпитети; Исо Худонинг Ўғли бўлиб Отасидай азалий ва абадий мавжуддир; яна қаранг: 13:19, Колосаликлар 1:13-20. †† ИНСОН ЎҒЛИНИ ЮҚОРИ КЎТАРИШ: Исони хочга михлаб ўлдиришнинг рамзи; айнан қаранг: 3:14 ва 12:32.

– Агар Менинг каломимга риоя қилсангизлар, ҳақиқий шогирдларим бўласизлар. <sup>32</sup> Сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади.

<sup>33</sup> – Биз Иброҳим наслимиз, – деб жавоб берди улар. – Ҳеч қачон ҳеч кимга қул бўлмаганмиз. Сен қандай қилиб, “Озод бўласизлар”, деяпсан?

<sup>34</sup> – Сизларга гапнинг ростини айтсам, – деди Исо, – гуноҳ қилувчи ҳар бир киши гуноҳнинг қулидир.

<sup>35</sup> Қул уйда умрбод турмайди, ўғил умрбод туради.

<sup>36</sup> Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан эркин бўласизлар. <sup>37</sup> Иброҳим насли эканлигингизни биламан. Бироқ Менинг жонимга қасд қилмоқчисизлар. Чунки Менинг сўзим қалбингизга ўрнашмайди. <sup>38</sup> Мен Отамнинг ҳузурида нима кўрган бўлсам, ўшани сўзлаб бераман. Сизлар эса ўз отангиз ҳузурида кўрганларингизни бажарасизлар.

### Иброҳим болалари, иблис болалари

<sup>39</sup> Улар Исога жавобан:

– Бизнинг отамиз Иброҳим-ку, – дейишди.

– Агар сиз Иброҳим фарзандлари бўлсангиз эди, Иброҳимнинг қилган ишларини қилар эдингизлар, – деди Исо. <sup>40</sup> – Энди бўлса, Худодан эшитган ҳақиқатни сизларга сўзлаб бераётган Одамни – Мени ўлдирмоқчисизлар. Иброҳим бундай йўл тутмаган эди. <sup>41</sup> Сизлар ўз отангизнинг ишларини қиляпсизлар.

– Биз фаҳшдан туғилган эмасмиз-ку, бизнинг битта Отамиз бор, У Худодир, – деб жавоб беришди Исога. У уларга шундай деди:

<sup>42</sup> – Агар Отангиз Худо бўлганида эди, Мени севар эдингиз, чунки Мен Худодан чиқдим. Мен Ўзимча келганим йўқ, Мени У юборди. <sup>43</sup> Нега айтганларимни англамаяпсизлар? Сабаб, Менинг сўзимни эшита олмайсизлар. <sup>44</sup> Сизларнинг отангиз – иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо келтирмоқчисизлар. Азалданоқ иблис қотил эди. У ҳақиқат томонида турмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлғон сўзлаганда, ўзига яраша сўзлайди. Чунки у ёлғончи, ёлғоннинг отасидир.

<sup>45</sup> Аммо Мен ҳақиқатни сўзлаётганим учун, Менга ишонмаяпсизлар. <sup>46</sup> Қайси бирингиз Мени бирон гуноҳ билан айблай оласиз? Агарда ҳақиқатни сўзлаётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар?

<sup>47</sup> Ким Худоники бўлса, Худонинг сўзларини эшитади. Сизлар эса Худога бегона бўлганингиз учун, эшитмаётирсиз.

### Исо азалдан мавжуд

<sup>48</sup> Бунга жавобан яҳудийлар:

– Сен самарияликсану, Сени жин урибди, деб хато қилмабмиз! – дейишди.

<sup>49</sup> – Мени жин ургани йўқ, – деди Исо. – Мен фақат Отамни ҳурмат қиламан. Сизлар эса Мени бадном

қиляпсизлар. <sup>50</sup> Мен Ўз шуҳратимни изламайман, Мени Улуғловчи ва Ҳукмловчи бор. <sup>51</sup> Сизларга ростини айттайин: ким Менинг сўзимга риоя қилса, абадий ўлимга юз тутмайди.

<sup>52</sup> – Энди биз биламиз, Сени жин урибди, – дейишди яҳудийлар Унга. – Иброҳим ва пайғамбарлар бари ўлиб кетган, Сен эса: “Ким Менинг сўзимга риоя қилса, абадий ўлимга юз тутмайди”, деяпсан-а?! <sup>53</sup> Наҳотки Сен вафот этган отамиз Иброҳимдан ҳам катта бўлсанг?

Пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам ўлиб кетишган. Сен Ўзингни ким деб ҳисоблайсан?

<sup>54</sup> Исо жавоб берди:

– Агар Мен Ўзимни Ўзим улуғласам, Менинг улуғлигим пучдир. Отамнинг Ўзи Мени улуғлайди. Сизлар Уни Худойимиз дейсизлар, <sup>55</sup> аммо аслида Уни таниганингиз йўқ. Мен эса Уни таниб-биламан. Агар Уни билмайман, десам, сизларга ўхшаган ёлғончи бўламан. Бироқ Мен Уни таниб-биламан ва Унинг каломига риоя қиламан. <sup>56</sup> Отангиз Иброҳим Менинг кунимни кўришини билиб, шод-хуррам бўлган эди. Энди кўриб, хуррам бўлди.

<sup>57</sup> – Сен ҳали эллик ёшга тўлганинг йўғу, Иброҳимни ҳам кўрибсан-а?! – дейишди яҳудийлар Унга. <sup>58</sup> Исо уларга:

– Сизларга ростини айттай: Иброҳим вужудга келмасидан олдин Мен бор эдим, – деди.

<sup>59</sup> Шунда Исога отиш учун тош олдилар. Лекин Исо улардан чекиниб, маъбаддан ташқарига чиқди. [Халқнинг ўртасидан ёриб ўтиб, узоқлашиб кетди.]

### Исонинг туғма кўрни соғайтириши

**9** Исо ўтиб кетаётганда, Унинг кўзига бир туғма кўр одам чалинди. <sup>2</sup> Шогирдлари Исодан:

– Устоз, бунинг кўр бўлиб туғилишида ким гуноҳкор, ўзими ёки ота-онасимиз? – деб сўрадилар. <sup>3</sup> Исо шундай жавоб берди:

– Бунда на ўзи гуноҳкор, на ота-онаси, балки Худонинг ишлари унда намоён бўлиши учун у кўр туғилган. <sup>4</sup> Кун ёруғ экан, Мени Юборганнинг ишларини қилишим лозим. Ана тун келяпти, ўшанда ҳеч ким иш қила олмайди. <sup>5</sup> Мен оламда бор эканман, оламнинг нуридирман.

<sup>6</sup> Исо буларни айтди-ю, ерга тупурди, тупукдан лой қилиб, кўрнинг кўзларига суртди.

<sup>7</sup> – Бориб Силоам ҳовузида ювин, – деди унга. (Силоам – “Юборилган” демақдир.)

Кўр одам бориб ювинди ва кўзи очилиб қайтди. <sup>8</sup> Шунда унинг қўшнилари ва илгари унинг кўр бўлиб ўтирганини кўрган одамлар:

– Бу ҳалиги тиланчилик қилиб ўтирган кўр одам эмасми? – деб сўрашарди. <sup>9</sup> Баъзилар:

– Бу худди ўша, – десалар, бошқалар:

– Ўшанга ўхшайди, – дейишарди. Одамнинг ўзи эса:

– Ўша менман, – деб таъкидларди.

<sup>10</sup> – Ундай бўлса, кўзларинг қандай очилди? – деб сўрадилар.

<sup>11</sup> – Исо деган Киши тупукдан лой қилиб кўзларимга суртди-ю, “Бориб Силоам ҳовузида ювин”, деди. Мен бориб ювиндим ва кўрадиган бўлиб қолдим, – деди у одам.

<sup>12</sup> – У қаерда? – деб сўрадилар.

– Билмайман, – деб жавоб берди у.

### Соғайган кўрни сўроқ қилиш

<sup>13</sup> Илгари кўр бўлган ўша одамни фарзийларнинг олдига келтиришди. <sup>14</sup> Ўша куни яҳудийларнинг дам олиш куни эди. Бунга қарамай, Исо лой қилиб, кўр одамнинг кўзларини очган эди. <sup>15</sup> Бинобарин, фарзийлар ҳам кўрдан кўзлари қандай очилганини сўрадилар.

– У кўзларимга лой суртди. Мен ювиндим-у, кўзларим кўрадиган бўлди, – деди ҳалиги одам.

<sup>16</sup> – Бу Одам Худодан эмас, чунки У дам олиш кунига риоя қилмаяпти, – деди баъзи фарзийлар. Бошқалари эса:

– Гуноҳкор одам бундай мўъжизаларни қандай қила олади? – дейишди. Шундай қилиб, ораларида нифоқ пайдо бўлди.

<sup>17</sup> – Кўзларингни очган у Киши ҳақида сен нима дейсан? – деб сўрашди яна кўр одамдан.

– У пайғамбар, – деди ўша.

<sup>18</sup> Бироқ яҳудий дин арбоблари кўзлари очилган одамнинг ота-онасини чақиртирмагунча, унинг илгари кўр бўлганига ва кўзлари очилганига ишонмадилар. <sup>19</sup> Ота-онаси келди.

– Кўр туғилган, деб айтган ўғлингиз шуми? Хўш, энди қандай қилиб унинг кўзлари кўряпти? – деб сўрашди ота-онасидан. <sup>20</sup> Ота-онаси жавоб беришди:

– Бу бизнинг ўғлимиз, унинг кўр туғилганини биламиз. <sup>21</sup> Лекин қандай қилиб кўзлари кўраётганини, кўзларини ким очганини биз билмаймиз. У балоғат ёшида, ўзидан сўранглар. Ўзи учун ўзи жавоб берсин.

<sup>22</sup> Кўрнинг ота-онаси яҳудий дин арбобларидан кўрққанлари учун бундай айтдилар. Дин арбоблари бундан аввал, ким Исонинг Масихлигини тан олса, ибодатхонадан бадарға қилинсин, деган фатвони чиқарган эдилар. <sup>23</sup> Ана шу сабабдан кўрнинг ота-онаси: “У балоғат ёшида, ўзидан сўранглар”, – дейишди.

<sup>24</sup> Шундай қилиб, илгари кўр бўлган одамни иккинчи марта чақирдишди:

– Худони улуғла! Биз у Одамнинг гуноҳкорлигини биламиз, – дейишди.

<sup>25</sup> – У гуноҳкорми, йўқми, мен билмайман, – деб жавоб берди у, – Мен шуни биламанки, мен кўр эдим, энди эса кўзларим кўряпти.

<sup>26</sup> – У сенга нима қилди? Кўзларингни қандай очди? – деб яна ундан сўрадилар.

<sup>27</sup> – Олдин ҳам мен сизларга айтган эдим-ку, аммо сизлар қулоқ солмаяпсизлар! Яна нима

хоҳлайсизлар? Наҳотки сизлар ҳам Унинг шогирдлари бўлмоқчисизлар? – деди у одам.

<sup>28</sup> Яҳудий дин арбоблари эса уни жеркиб:

– Сен Унинг шогирди, биз Мусонинг шогирдларимиз. <sup>29</sup> Биз биламизки, Мусога Худо гапирган. Бу Киши-чи, Унинг қаерданлигини ҳам билмаймиз, – дейишди.

<sup>30</sup> – Ана шуниси жуда ажабланарли-да! – деди уларга кўзи очилган одам. – Сизлар Унинг қаерданлигини билмайсизлар, аммо кўзларимни очган ана Шунинг Ўзи! <sup>31</sup> Маълумки, гуноҳкорларга Худо қулоқ солмайди. Бироқ ким Худодан кўрқиб, Унинг иродасига амал қилса, Худо уни тинглайди.

<sup>32</sup> Туғма кўрнинг кўзларини биров очганлиги дунёда эшитилмаган гап. <sup>33</sup> Агар У Киши Худодан бўлмаганда, ҳеч нарса қилолмасди.

<sup>34</sup> Яҳудий дин арбоблари бунга жавобан:

– Сен ўзинг бутунлай гуноҳ ичида туғилган экансан-у, энди бизларга ақл ўргатяпсанми? – дейишди-да, уни қувиб чиқаришди.

### Қалби кўрлар

<sup>35</sup> У одамнинг қувиб чиқарилганлигини Исо эшитди-ю, уни ахтариб топди.

– Сен Худонинг Ўғлига † ишонасанми? – деб сўради ундан. У одам Исога:

<sup>36</sup> – Ҳазрат, – деди, – У кимдирки, мен Унга ишонсам?

<sup>37</sup> – Сен Уни кўрдинг, мана сен билан гаплашаётган – Ушанинг Ўзи, – деди Исо. <sup>38</sup> Шунда у одам:

– Ишонаман, ё Раббий, – деди-да, Исога сажда қилди.

<sup>39</sup> Исо:

– Кўрлар кўрсин, кўзи очиқлар эса кўр бўлсин, деб Мен бу дунёни ҳукм қилгани келганман, – деди.

<sup>40</sup> Унинг атрофида баъзи фарзийлар турган эди. Улар бу гапни эшитгач:

– Наҳотки бизлар ҳам кўр бўлсак? – деб сўрашди.

<sup>41</sup> Исо уларга деди:

– Агар кўр бўлганингизда, гуноҳингиз бўлмас эди. Лекин сизлар “Кўзларимиз кўряпти”, деганингиз учун, гуноҳингиз ўз бўйингизда қолади.

### Исо – яхши Чўпон

**10** “Сизларга ростини айтай: ким қўй қўрасига эшикдан кирмай, бошқа йўлдан ошиб тушса, у ўғри ва босқинчидир. <sup>2</sup> Эшикдан кирган одам эса қўйларнинг чўпонидир. <sup>3</sup> Унга дарвозабон эшикни очиб беради. Қўйлар унинг товушига қулоқ солади. У эса ўз қўйларини номма-ном чақириб ташқарига олиб чиқади. <sup>4</sup> У ўз қўйларини кўрдан олиб чиқиб, уларнинг олдида бораверади. Қўйлар эса унга эргашади, чунки улар чўпоннинг товушини биладилар. <sup>5</sup> Бегона кишига эса эргашмайдилар.

† Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Инсон Ўғли”.

Аксинча, бегонанинг товушини танитай, ундан қочиб кетадилар”.

<sup>6</sup> Исо бу ибратли нақлни айтиб берганда, тингловчилари Унинг нима демоқчи эканлигини тушунмадилар. <sup>7</sup> Шу сабабдан Исо яна гап олди: “Сизларга ростини айтмай: Мен қўйларнинг эшигиман. <sup>8</sup> Мендан илгари ўтганларнинг ҳаммаси ўғри ва босқинчи эдилар. Лекин қўйлар уларга қулоқ солмадилар. <sup>9</sup> Мен эшикман. Ким Мен орқали кирса, нажот топади. У кириб чиқиб, яйлов ҳам топади. <sup>10</sup> Ўғри фақат ўғирлаш, бўғизлаш, барбод қилиш учун келади. Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман.

<sup>11</sup> Мен яхши Чўпонман. Яхши Чўпон қўйлари учун жонини бағишлайди. <sup>12</sup> Ёлланган одам қўйларнинг чўпону эгаси эмас. У бўрининг келганини кўргач, қўйларни ташлаб, қочиб кетади. Бўри эса қўйларни талаб, тумтарақай қилади. <sup>13</sup> Ёлланган одам қўйлар ҳақида ҳеч қайғурмагани учун қочиб кетади.

<sup>14</sup> Мен яхши Чўпонман. Мен Ўзимникиларни биламан, Ўзимникилар эса Мени биладилар. <sup>15</sup> Отам Мени қандай таниб-билса, Мен ҳам Отамни шундай таниб-биламан. Мен қўйларим учун жонимни бағишлайман. <sup>16</sup> Бу қўрадагидан бошқа қўйларим ҳам бор. Уларни ҳам олиб келишим керак. Улар ҳам Менинг товушимни эшитади ва бир сурув, бир чўпон бўлади. <sup>17</sup> Мен жонимни бериб, яна қайтиб оламан, шу боис Отам Мени севади. <sup>18</sup> Ҳеч ким жонимни Мендан ололмайди, Мен Ўз ихтиёрим билан уни бераман. Уни бериш ҳам қайтадан олиш ҳуқуқим бор. Ушбу муқаддас бурчни Менга Отам топширган”.

<sup>19</sup> Бу гап сабаб бўлиб, яҳудийлар орасида яна келишмовчилик пайдо бўлди. <sup>20</sup> Ораларидан кўпи: – Уни жин урибди, У телбалик қилипти-ку! Нега Унга қулоқ соляпсизлар? – дер эдилар.

<sup>21</sup> Бошқалари эса:

– Бу жин урганнинг сўзлари эмас, сўқир одамнинг кўзларини жин оча олармиди? – деб айтишарди.

### Дин арбобларининг имонсизлиги ва душманлиги

<sup>22</sup> Ўша вақтда Қуддусда Маъбадни Янгилаш байрами † кутланарди. Қиш эди. <sup>23</sup> Исо маъбадда Сулаймон равоқида айланиб юрар эди. <sup>24</sup> Яҳудий дин арбоблари Унинг атрофини ўраб олдилар.

– Қачонгача Сен бизларни лақиллатасан? Агар Сен Масих бўлсанг, бизларга очиғини айт, – дейишди.

<sup>25</sup> Исо уларга жавоб берди:

– Мен сизларга айтдим, аммо сизлар ишонмаяпсизлар. Менинг Отам номидан қилаётган ишларимнинг ўзи Мен тўғримда

† МАЪБАДНИ ЯНГИЛАШ БАЙРАМИ: яҳудийларнинг Ҳанука (яъни “бағишлаш”) байрами; миллоддан олдинги 164 йилда суриялик ҳукмдор Антиох Епифан Исроилни ишғол қилиб, яҳудийлар маъбадини расво қилган. Яҳудо Маккабей номли қаҳрамон исён қилган, маъбад янгидан очилиб, Худого бағишланган.

шоҳидлик бермоқда. <sup>26</sup> Сизлар эса ишонмаяпсизлар. Аввал айтганимдек, сизлар Менинг қўйларимдан эмассизлар. <sup>27</sup> Менинг қўйларим товушимга қулоқ солади. Мен уларни танийман, улар эса Менга эргашиб юришади. <sup>28</sup> Мен уларга абадий ҳаёт бағишлайман ва улар абадий ҳалок бўлмайдилар. Ҳеч ким уларни Менинг қўлимдан тортиб ололмайди. <sup>29</sup> Уларни Менга берган Отам ҳаммадан буюқдир. Отамнинг қўлидан уларни тортиб олишга ҳеч кимнинг кучи етмайди. <sup>30</sup> Мен ва Отам – бирмиз.

<sup>31</sup> Шунда яҳудий дин арбоблари яна Исони тошбўрон қилмоқчи бўлиб, тош ола бошладилар.

<sup>32</sup> – Мен сизларга Отам номидан кўп хайрли ишлар кўрсатдим, уларнинг қайси бири учун Мени тошбўрон қилмоқчисизлар? – сўради Исо. <sup>33</sup> Яҳудий дин арбоблари Унга жавобан:

– Сени хайрли ишинг учун эмас, балки куфрлигинг учун тошбўрон қилмоқчимиз. Сен одам бўла туриб Узингни Худо деяпсан! – дейишди. <sup>34</sup> Исо шундай жавоб қайтарди:

– Сизнинг Тавротда: “Мен айтдим, сизлар худоларсиз”, деб ёзилган эмасми? †<sup>35</sup> Мана Худо қадомига каломини юбориб, уларни ҳатто худолар деб атаган. Муқаддас Битикни эса бузиб бўлмайди. <sup>36</sup> Шундай экан, Отам Ўзига ажратиб олган ва дунёга юборган Киши “Худонинг Ўғлиман” деса, нима бўпти? Нега сизлар Мени куфрликда айблайсизлар? <sup>37</sup> Агар Мен Отамнинг ишларини қилмаётган бўлсам, Менга ишонмай қўя қолинглар. <sup>38</sup> Агар Унинг ишларини қилаётган бўлсаму, сизлар ишонмаётган бўлсангизлар, ақалли Менинг ишларимга ишонинглар. Отам Менда ва Мен Отамда эканимизни англаб, имонингизни комил қилинглар.

<sup>39</sup> Шунда яна Исони ушлаб олишга ҳаракат қилдилар, аммо Исо улардан қутулиб қолди.

<sup>40</sup> Сўнг Исо яна Ўрдун дарёсининг нарёғига, илгари Яҳё пайғамбар одамларни тавба қилдириб юрган жойга борди ва у ерда қолди. <sup>41</sup> Унинг олдига кўп одамлар келаверди. Улар:

– Яҳё ҳеч қандай мўъжиза яратмаган эди, лекин Яҳёнинг бу Киши ҳақида айтганлари ҳаммаси тўғри чиқди, – дейишар эди. <sup>42</sup> Шундай қилиб, ўша ерда талай одамлар Исога узил-кесил ишондилар.

### Лазарнинг ўлими

**11** Байтания деган қишлоқда Лазар исмли бир одам касал ётган эди. Марям ва Марта номли опа-сингил ҳам шу қишлоқда яшар эдилар.

<sup>2</sup> Раббимиз Исога атир мой суртган ва Унинг оёқларини сочи билан артиб қуритган ўша Марям эди. Касал ётган Лазар эса Марямнинг акаси эди.

<sup>3</sup> Опа-сингил Исога:

– Ҳазрат, Сенинг азиз дўстинг касал бўлиб ётибди, – деб хабар етказишди. <sup>4</sup> Исо буни эшитиб:

†† қаранг: Забур 81:6.



– Бу касаллик ўлим билан яқунланмайди, балки Худонинг улуғланишига, шунингдек, Худо Ўғлининг улуғланишига сабаб бўлади, – деди.

<sup>5</sup> Исо Марта ва унинг синглисини ҳамда Лазарни севар эди. <sup>6</sup> Аммо Лазарнинг бемор бўлиб ётганини билса ҳам, ўша жойда яна икки кун қолди. <sup>7</sup> Бундан сўнг У шогирдларига:

– Яна Яхудияга борамиз, – деди.

<sup>8</sup> – Устоз, – деди шогирдлари, – яқиндагина яхудияликлар Сени тошбўрон қилмоқчи эдилар-ку! Энди яна у ерга бормоқчимисан?

<sup>9</sup> Исо жавоб берди:

– Кундуз ўн икки соат-ку! Ким ёруғда юрса, қоқилмайди, чунки бу дунёнинг ёруғини кўради.

<sup>10</sup> Кечаси юрган эса қоқилади, чунки ёруғлик у билан эмас.

<sup>11</sup> Бу сўзларини айтиб бўлиб, уларга яна деди:

– Дўстимиз Лазар ухлаб қолди. Мен уни уйғотгани кетяпман.

<sup>12</sup> – Ҳазрат, агар ухлаб қолган бўлса, тузалиб кетади, – деди шогирдлари.

<sup>13</sup> Исо Лазарнинг ўлимини назарда тутган эди. Шогирдлар эса Исо одатдаги уйку тўғрисида гапирди, деб ўйладилар. <sup>14</sup> Кейин Исо уларга очигини айтди:

– Лазар вафот этди. <sup>15</sup> Мен сизлар учун хурсандманки, ўша ерда йўқ эдим, чунки бу сизларнинг имон топишингизга ярайди. Қани энди юринглар, унинг олдига борайлик.

<sup>16</sup> Шунда “Эгиз” лақабли Тўма бошқа шогирдларга:

– Қани юринглар, биз ҳам У билан ўламиз! – деди.

### Исо – тириклик манбаи

<sup>17</sup> Исо у ерга етиб бориб билдики, Лазарнинг дафн қилинганига тўрт кун бўлган экан. <sup>18</sup> Байтания қишлоғи Қуддусдан яқин уч чақиримча † ерда эди.

<sup>19</sup> Кўп яхудийлар Марта билан Марямнинг олдига акасининг вафоти муносабати ила тасалли бериш учун борган эдилар. <sup>20</sup> Марта Исонинг келаётганини эшитиб, Уни кутиб олгани чиқди. Марям эса уйда ўтирар эди.

<sup>21</sup> – Ҳазрат! – деди Марта Исога. – Агар Сен бу ерда бўлганингда эди, менинг акам ўлмас эди. <sup>22</sup> Аммо ҳозир ҳам биламан, Сен Худодан нима сўрасанг, Худо Сенга беради.

<sup>23</sup> – Сенинг аканг тирилади, – деди Исо.

<sup>24</sup> – Биламан, қиёматда, охиратда тирилади, – деди Марта. <sup>25</sup> Исо унга деди:

– Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди. <sup>26</sup> Кимда-ким Менга ишониб яшаса, то абад ўлмайди. Бунга ишонсанми?

<sup>27</sup> – Ҳа, Раббим, – деди Марта, – Сен оламга келадиган Масих, Худонинг Ўғлисан, деб ишонаман.

<sup>28</sup> Шундай деди-ю, Марта бориб синглиси Марямни яширинча чақирди.

– Устоз шу ерда, У сени чақиряпти, – деди Марямга.

<sup>29</sup> Марям бунини эшитгач, шошиб ўрнидан турди-да, Исонинг олдига жўнади. <sup>30</sup> Исо ҳали қишлоққа кирмаган, Марта Уни кутиб олган жойда пойлаб турар эди. <sup>31</sup> Марям билан уйда қолган, унга тасалли бераётган яхудийлар унинг шошилиб ўрнидан туриб ташқарига чиққанлигини кўришди. Марям йиғлагани қабрга кетяпти, деб ўйлашиб, унинг орқасидан кетаверишди.

<sup>32</sup> Марям Исо турган ерга етиб келиб Уни кўрди-ю, оёқларига ўзини ташлаб:

– Ҳазрат! – деди, – агар Сен шу ерда бўлганингда, менинг акам ўлмас эди!

<sup>33</sup> Марям ҳам, у билан келган яхудийлар ҳам йиғлаётган эдилар. Исо бунини кўриб, қаттиқ изтиробга тушди, кўнгли ўртаниб кетди.

<sup>34</sup> – Уни қаерга қўйдингизлар? – деб сўради.

– Бориб кўргин! – дедилар.

<sup>35</sup> Исонинг кўзи ёшланди. <sup>36</sup> Яхудийлар:

– Қаранг, уни нақадар севар экан! – дейишди.

<sup>37</sup> Лекин улардан баъзилари:

– Кўрнинг кўзларини очган бу Киши наҳот унинг ўлмаи қолиши учун бирор нарса қилолмаган бўлса? – дедилар.

### Исонинг Лазарни тирилтириши

<sup>38</sup> Исо тагин қаттиқ изтироб чекиб, қабр олдига келди. Қабр бир ғор бўлиб, унинг оғзида тош ётган эди. <sup>39</sup> Исо:

– Тошни кўтаринглар! – деди. Марҳумнинг синглиси Марта Унга:

– Ҳазрат, У қабрга қўйилганига тўрт кун бўлди, энди ҳидланиб қолган, – деди.

<sup>40</sup> – Агар инонсанг, Худонинг улуғворлигини кўрасан, деб сенга айтган эдим-ку, – деди Исо.

<sup>41</sup> Шундай қилиб, марҳум ётган ғор оғзидан тошни кўтариб олдилар. Исо эса осмонга кўз тикканча:

– Эй Ота! – деди, – Мени эшитганинг учун Сенга ташаккур билдираман. <sup>42</sup> Сен Мени доимо эшитишингни биламан-у, лекин бу сўзларни шу ерда турган халқ учун, улар Мени Сен юборганингга ишонсин деб айтдим.

<sup>43</sup> Шундай деди-ю, баланд овоз билан хитоб қилди:

– Лазар, ташқарига чиқ!

<sup>44</sup> Шу пайт қўлу оёқлари дока билан боғланган, юзи рўмол билан ўралган жасад чиқиб келди.

– Уни ечинтириб, қўйинглар, кетаверсин, – деди Исо одамларга.

### Исони ўлдириш режаси

<sup>45</sup> Марямни йўқлагани келган яхудийлардан кўпи Исонинг қилган ишини кўриб, Унга ишонишди.

<sup>46</sup> Аммо баъзилари фарзийларнинг олдига бориб, Исонинг қилганларини айтиб беришди.

† Уч чақирим: юнонча “15 стадия”; жадвалларга қаранг.

<sup>47</sup> Шундан кейин олий руҳонийлар ва фарзийлар кенгашига йиғилишди.

– Биз нима қилайлик? Бу Одам жуда кўп мўъжизалар яратиб юрибди-ку! – дейишди ўзаро.  
<sup>48</sup> – Агар Уни ўз эркига қўйиб берсак, ҳамма Унга ишониб кетади. Римликлар келиб, муқаддас жойимизни ҳам, халқимизни ҳам босиб оладилар.

<sup>49</sup> Улардан бири, шу йили бош олий руҳоний бўлган Каяфа сўз олди:

– Сизлар ҳеч нарса билмайсизлар. <sup>50</sup> Бутун миллат ҳалок бўлганидан кўра, битта киши халқ учун ўлиши биз учун яхшироқ эканини ўйламадингизларми?

<sup>51</sup> Бу сўзлар ундан ўзича чиқмаган эди. У шу йили бош олий руҳоний сифатида каромат қилиб, Исо халқ учун ўлишини олдиндан айтган эди. <sup>52</sup> Амалда Исо ёлғиз яҳудий халқи учунгина эмас, балки тарқалиб гумроҳ бўлган барча Худо фарзандларини † ҳам йиғиб бирлаштириш учун ўлиши керак эди.

<sup>53</sup> Шундай қилиб, ўша кундан бошлаб Исони ўлдиришга тил бириктирдилар. <sup>54</sup> Исо эса энди яҳудийлар орасида очиқ юролмайдиган бўлиб қолди. У ердан саҳро яқинидаги Эфраим шаҳрига борди. Ўша жойда Ўзининг шогирдлари билан қолди.

<sup>55</sup> Яҳудийларнинг Фисиҳ байрами яқин эди. Мамлакатнинг ҳамма ёғидан эл-улус байрамдан олдин покланиш учун Қуддусга боришарди. <sup>56</sup> Шу вақтда Исони излардилар. Маъбадда йиғилиб турганлар ўзаро: “Қандай ўйлайсизлар, У байрамга келармикан?” – деб сўраб-суриштарар эдилар.  
<sup>57</sup> Олий руҳонийлар ва фарзийлар эса Исони қўлга олиш ниятида юриб: “Ким Унинг қаердалигини билиб қолса, хабар қилсин”, деган фармон чиқардилар.

### Исога атир мой суртган аёл

**12** Фисиҳ байрамидан олти кун олдин Исо яна Байтанияга, яъни ўлган Лазарни тирилтирган қишлоққа борди. <sup>2</sup> Ўша ерда Исога зиёфат ҳозирладилар. Марта хизмат қилиб юрган эди, Лазар эса Исо билан меҳмонлар қаторида ўтирар эди. <sup>3</sup> Шу пайт Марям бир шиша †† соф, қимматбаҳо сунбул мойи олиб келди ва Исонинг оёқларига суртиб, сочлари билан Унинг оёқларини артиб қуритди. Мойнинг ҳидидан уй хушбўй исга тўлиб кетди.

<sup>4</sup> Исонинг шогирдларидан бири, Унга хиёнат қиладиган Симуннинг ўғли Яҳудо Ишқариёт гап қистириб:

<sup>5</sup> – Бу мойни уч юз кумуш тангага сотиб камбағалларга бўлиб берса бўлмасмиди? – деди.

<sup>6</sup> Бу гапни у камбағалларга қайишгани учун эмас, балки ўғри бўлгани учун айтди. Пул қутиси

† ХУДО ФАРЗАНДЛАРИ: Исо Масиҳнинг қурбонлигига ишониб, Худонинг ҳақиқий уммати бўлганлар; яна қаранг: 1:12, Римликлар 8:16-23, 1-Юҳанно 3-боб, Филиппиликлар 2:15. †† БИР ШИША: юнонча “литра” – тақрибан 330 грамм.

Яҳудонинг назоратида эди, у қутига солинадиган пулларни шилиб кетар эди.

<sup>7</sup> – У аёлни тинч қўйинглар! – деди Исо. – Зотан у бу мойни Менинг дафн кунимга сақламоқчи эди.

<sup>8</sup> Камбағаллар ҳар доим сизлар билан бирга. Мен эса доим сизлар билан бирга бўлмайман.

<sup>9</sup> Исонинг Байтанияда эканлигини билиб, бир талай яҳудийлар у ерга келди. Улар нафақат Исони, балки Исо тирилтирган Лазарни ҳам кўришни истардилар. <sup>10</sup> Олий руҳонийлар эса Лазарни ҳам ўлдирмоқчи бўлиб келишган эдилар. <sup>11</sup> Чунки кўпчилик яҳудийлар Лазар туфайли у ерга бориб, Исога имон келтираётган эдилар.

### Исонинг Қуддусга тантанали кириши

<sup>12</sup> Эртаси куни байрамга борган кўпчилик халойиқ Исонинг Қуддусга келаётганини эшитиб қолишди. <sup>13</sup> Пальма дарахти шохларини олиб, Уни қарши олишга чиқишди ва баланд овоз билан:

“Нажот бергин! †

Худованд номидан келаётган Исроилнинг Подшоҳи муборак!”

– деб ҳайқиришар эди. <sup>14</sup> Исо бир хўтикни топиб, унга минди, худди *Тавротда* ёзилганидай:

<sup>15</sup> “Эй Сион қизи, қўрқма!

Сенинг Подшоҳинг хўтика миниб келадуру”.

<sup>16</sup> Исонинг шогирдлари аввал бунга тушунмадилар. Фақат Исо Ўз улуғворлигига эришгандан сўнггина улар бу оятнинг У ҳақда ёзилганини ва халқ худди оятдагидек қилганини эсладилар. <sup>17</sup> Исо билан юраётган кўпчилик халқ эса Исо Лазарни қабрдан чақириб тирилтирди, деб гувоҳлик бераётган эди. <sup>18</sup> Исо бундай ажойиб мўъжизани яратганини халқ эшитган эди, шунинг учун ҳам Уни очиқ чеҳра билан кутиб олаётган эдилар.

<sup>19</sup> Фарзийлар эса бир-бирига:

– Кўряпсизми, энди ҳеч нарса қилолмаясизлар. Бутун дунё Унинг ортидан бормоқда! – дейишарди.

### Исо Ўз ўлими ва юксалиши ҳақида

<sup>20</sup> Сиғиниш учун байрамга келганлар орасида баъзи юнонлар бор эди. <sup>21</sup> Улар Жалиланинг Байтсайда шаҳридан бўлган Филипнинг олдига бориб ўтиндилар:

– Тақсир, биз Исони кўрмоқчи эдик.

<sup>22</sup> Филип бориб бу ҳақда Идрисга айтди; кейин Идрис билан Филип иккаласи Исонинг олдига бориб, Унга айтишди. <sup>23</sup> Исо уларга шундай жавоб қайтарди:

– Инсон Ўғли †† улуғланадиган вақт-соат келди.

<sup>24</sup> Сизларга ростини айтай: агар буғдойнинг дони ерга тушиб ўлмаса, у бир донлигича қолади. Агарда ўлса, кўп ҳосил беради. <sup>25</sup> Ким ўз жонини севса, уни йўқотади. Ким бу дунёда ўз жонини аямаса, уни

† НАЖОТ БЕРГИН: ибронийча “хўшаъно”, Қутқарувчи Масиҳга қаратилган Забур ояти; айнан қаранг: Забур 117:25-26.  
†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг.

абадий ҳаёт учун сақлаб қолади. <sup>26</sup> Агар ким Менга хизмат қилса, Менинг изимдан юрсин. Мен қаерда бўлсам, хизматчим ҳам у ерда бўлади. Ким Менга хизмат қилса, Отам уни ҳурмат қилади.

<sup>27</sup> Энди эса юрагим сиқилляпти, Мен нима ҳам десам экан? “Эй Отам, Мени ушбу вақт-соатдан қутқаз” дейми? Ваҳоланки, мен шу вақт-соат учун келганман. <sup>28</sup> Эй Ота, Ўз номингни улуғлагин!

Исо шундай дейиши биланоқ осмондан:

– Мен уни улуғлаганман ва бундан кейин ҳам улуғлайман, – деган садо келди. <sup>29</sup> У ерда турган омма буни эшитиб, момақалди роқ деб ўйлади.

– Йўқ, Унга фаришта гапирди! – дейишди бошқалари.

<sup>30</sup> Бунга жавобан Исо айтди:

– Бу садо Мен учун эмас, сизлар учун бўлди.

<sup>31</sup> Ҳозир бу дунё ҳукм қилинади, ҳозир бу дунёнинг ҳокими † ташқарига чиқариб ҳайдалади. <sup>32</sup> Мен ердан юқорига кўтарилганимда, ҳаммани Ўзимга жалб қиламан.

<sup>33</sup> Ушбу сўзларни Исо Ўзининг қай йўл билан ўлишини билдириш мақсадида айтган эди. Халқ бунга жавобан деди:

<sup>34</sup> – Биз Тавротда, Масих абадий туради, деб эшитганмиз. Қандай қилиб Сен: Инсон Ўғли юқорига кўтарилиши керак, деб айтяпсан? Ким бу Инсон Ўғли?

<sup>35</sup> Исо уларга айтди:

– Яна қисқа бир муддат нур сизлар билан бўлади. Нур борида юринлар, тагин зулмат сизларни қамраб олмасин. Зулматда юрадиган киши қаерга кетаётганини билмайди. <sup>36</sup> Ҳозирча нурга эгасизлар, нурга ишонинглар, токи нур аҳли бўлинглар.

Буларни айтиб бўлгач, Исо узоқлашиб кетди ва халқнинг кўзидан яширинди.

### Омманинг ўжарлиги ва имонсизлиги

<sup>37</sup> Исо омманинг кўз ўнгида шунча кўп ибратли мўъжизалар яратган бўлса ҳам, улар Исога ишонмас эдилар. <sup>38</sup> Шу тариқа Ишаъё пайғамбарнинг айтган сўзи бажо бўлди:

“Ё Худоё Худованд!

Берган хабаримизга ким ҳам ишонди?

Худованднинг қудрати кимга ошкора бўлди?”

<sup>39</sup> Улар ана шу сабабдан ишона олмадилар.

Ишаъё пайғамбар яна айтганидек:

<sup>40</sup> “Бу халқ ўз кўзларини кўр қилди,

Ўз дилларини тош қилди.

Кўзлари ила кўрмайдилар,

Диллари ила фаҳмламайдилар,

Мен уларни шифолашим учун,

Менга қайтиб келмайдилар”.

<sup>41</sup> Ишаъё пайғамбар Масихнинг улуғворлигини олдиндан кўриб, У тўғрида шуларни сўзлаган эди.

<sup>42</sup> Шунга қарамасдан, бошлиқларнинг ҳам кўплари Исога имон келтираётган эдилар. Фақат ибодатхонадан ҳайдалишдан қўрқиб, улар фарзийлар олдида тан олмас эдилар. <sup>43</sup> Чунки бошлиқларга Худонинг мақтовидан кўра инсоннинг мақтови хуш ёқарди.

### Исонинг сўзи – ҳакам

<sup>44</sup> Исо хитоб қилиб деди: “Менга ишонган одам Менга эмас, балки Мени Юборганга ишонган бўлади. <sup>45</sup> Мени кўрган одам Мени Юборганни кўрган бўлади. <sup>46</sup> Менга ишонган ҳар бир киши зулматда қолмасин, деб Мен дунёга нур бўлиб келганман. <sup>47</sup> Ким Менинг сўзларимни эшитиб ишонмаса, уни Мен айбламайман. Мен дунёни айблаш учун эмас, балки қутқариш учун келганман. <sup>48</sup> Мени рад қилиб, сўзларимни қабул қилмаган одамнинг ҳаками бор – уни охиратда Менинг айтган каломим ҳукм қилади. <sup>49</sup> Мен Ўз номимдан сўзлаганим йўқ. Аксинча, Мени юборган Отам нима айтишимни, қандай сўзлашимни Менга амр этган. <sup>50</sup> Унинг амри эса абадий ҳаётдир, деб биламан. Хуллас, Мен нимаики гапирётган бўлсам, Отамнинг Менга айтганларини гапиряпман”.

### Исо шогирдларининг оёқларини ювиши

**13** Фисих байрамига оз қолган эди. Исо бу оламдан Отаси олдида ўтиш вақт-соати келганини билар эди. У бу оламдаги Ўзиникиларни севар эди, уларни охиригача севди.

<sup>2</sup> Кечки овқат пайти эди. Симуннинг ўғли Яхудо Ишқариётнинг дилига иблис аллақачон Исога хиёнат қилиш ниятини солган эди. <sup>3</sup> Исо бўлса, Отаси ҳамма нарсани Унинг қўлига берганини билар эди, Ўзи Худо ҳузуридан чиқиб, яна Худо ҳузурига қайтаётганини ҳам билар эди.

<sup>4</sup> Шундай қилиб, Исо овқатдан сўнг устки кийимини ечиб ташлади, сочиқни олиб белига боғлади. <sup>5</sup> Кейин обдастага сув қуйиб, шогирдларининг оёқларини ювишга тушди. Белига боғлаган сочиқ билан уларнинг оёқларини артиб қуритди.

<sup>6</sup> Исо Симун Бутруснинг олдида келди.

– Раббим, наҳот оёқларимни Сен ювсанг?! – деди Бутрус.

<sup>7</sup> – Мен ҳозир нима қилишимни сен билмайсан. Кейинчалик тушунасан, – деди Исо унга жавобан.

<sup>8</sup> – Менинг оёқларимни икки дунёда ҳам ювмайсан! – деди Бутрус.

– Агар сени ювмасам, Мен билан улушинг бўлмайди, – деди Исо. <sup>9</sup> Шунда Симун Бутрус:

– Раббим, фақат оёқларимнигина эмас, кўлларимни, бошимни ҳам ювиб қўй! – деди. <sup>10</sup> Исо унга:

– Чўмилган одам тамоман покдир, энди унинг оёғини ювса, бас. Сизлар ҳам поксизлар, аммо

† Бу дунёнинг ҳокими: яъни шайтон; яна қаранг: 14:30, 16:11, 2-Коринфликлар 4:4, Эфесликлар 2:2, 6:12.

хаммангиз эмас, – деди. <sup>11</sup> Исо Ўзига хоинлик қиладиган одамни билар эди, шунинг учун “Хаммангиз пок эмассизлар”, деди.

<sup>12</sup> Шогирдларининг оёқларини ювиб бўлгач, Исо тағин устки кийимини кийиб, ёнбошлади. Шогирдларига айтди:

– Мен сизларга нима қилганимни англадингларми? <sup>13</sup> Сизлар Мени Устозимиз ва Раббимиз деб атайсизлар ва тўғри қиласизлар, чунки Мен худди шундайман. <sup>14</sup> Шундай қилиб, агар Мен Раббингиз ва Устозингиз бўла туриб оёқларингизни ювган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз қарздир. <sup>15</sup> Мен сизларга нима қилган бўлсам, сизлар ҳам ўшани қилишингиз керак. Мен сизларга ўрнак кўрсатдим. <sup>16</sup> Сизларга ростини айттайин: қул ўзининг хўжайинидан юқори турмас, элчи ҳам уни юборгандан улуғ бўлмас. <sup>17</sup> Агар гапимни уққан бўлсангиз, бунга амал қилинглар ва бахтли бўласизлар!

### Исога хиёнат

<sup>18</sup> – Мен хаммангиз ҳақингизда айтмаяпман, – *давом этди Исо*, – Мен танлаган кишиларимни биламан. Забурда: “Нон-намагимни еган дўстим Менга қарши товонини кўтарди”, – деб ёзилган †. Бу оят бажо бўлиши керак. <sup>19</sup> Ҳозирдан, бу воқеалар содир бўлмасидан олдин, мен сизларга айтяпман, токи бу воқеалар содир бўлганда, Мен – Ўша †† эканлигимга ишонинглар. <sup>20</sup> Сизларга ростини айттай: Мен юборган кишини қабул қилган Мени қабул қилган бўлади. Мени қабул қилган эса Мени Юборганни қабул қилган бўлади.

<sup>21</sup> Исо буларни айтди-ю, кўнгли ғаш тортди. Энди очикдан-очик сўзлай бошлади:

– Сизларга ростини айттайин, сизлардан бир киши Менга хиёнат қилади.

<sup>22</sup> Шогирдлари эса У кимни назарда тутаётганини билолмай, гангиб бир-бирига қараб турар эдилар.

<sup>23</sup> Шогирдларидан бири Исонинг бағрига бош қўйиб ёнбошлар эди; Исо уни севар эди. <sup>24</sup> Унга Симун Бутрус: “Исо ким ҳақида гапиряпти, сўра-чи”, деб имо-ишора қилди. <sup>25</sup> Шунда у Исонинг кўксига яқинроқ энгашиб:

– Раббим, у ким? – деб сўради. <sup>26</sup> Исо жавоб берди:

– Мен бир бурда нонни ботириб кимга берсам, у ўшадир, – деди. Сўнг бурда нонни ботириб, Симун ўғли Яхудо Ишқариётга берди. <sup>27</sup> Яхудо бурдани олар-олмас, шайтон унинг ичига кириб олди.

– Қиладиганингни тезроқ қил, – деди унга Исо.

<sup>28</sup> Дастурхон атрофидагилардан ҳеч ким нима учун Исо бу сўзларни Яхудога айтганини тушунмади. <sup>29</sup> Пул қутиси Яхудога бўлгани сабабли, баъзилари Исо унга: “Байрам учун бизга керак бўладиган нарсаларни сотиб ол”, ёки “Камбағалларга бир нима бер”, деяпти деб

† қаранг: Забур 40:10. †† ЎША: 8:24-оятдаги изоҳга қаранг.

ўйлардилар. <sup>30</sup> Яхудо эса ўша бурда нонни олган ҳамон ташқарига чиқиб кетди. Тун чўккан эди.

### Бир-бирингизни севинглар

<sup>31</sup> Яхудо чиқиб кетгач, Исо деди:

– Ҳозир Инсон Ўғли улуғланди, Худо ҳам Инсон Ўғли орқали улуғланди. <sup>32</sup> Инсон Ўғли Худони улуғлагани учун, Худо ҳам Ўзига Инсон Ўғлини улуғлайди, ҳа, Уни тез орада улуғлайди.

<sup>33</sup> Болаларим! Энди Мен сизлар билан узоқ бўлмайман. Мени қидирасизлар. Яхудий мансабдорларига айтган эдим, сизларга ҳам айтяпман: Мен борадиган жойга сизлар боролмайсизлар.

<sup>34</sup> Сизларга янги буйруқ беряпман: бир-бирингизни севинглар. Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизни шундай севинглар. <sup>35</sup> Агар орангизда муҳаббат ҳукмрон бўлса, сизлар Менинг шогирдларим эканлигини ҳамма шундан билиб олади.

### Бутруснинг Исодан тониши ҳақида каромат

<sup>36</sup> Симун Бутрус Исога деди:

– Раббим, Сен қаерга кетяпсан?

– Энди Мен борадиган жойга сен орқамдан боролмайсан, кейинчалик борарсан, – деди унга Исо.

<sup>37</sup> – Раббим, – деди Бутрус, – Нега энди Сенинг орқангдан боролмас эканман? Мен Сен учун жонимни фидо қиламан!

<sup>38</sup> Исо жавоб берди:

– Мен учун жонингни фидо қиласанми-я? Сенга ростини айтсам, хўроз қичқирмасданоқ, сен Мендан уч марта тонасан!

### Исо – йўл, ҳақиқат ва ҳаёт

**14** *Исо шогирдларига деди :*

– Юрагингиз ғаш бўлмасин. Худога ишонинг, Менга ҳам ишонингиз! <sup>2</sup> Отамнинг уйида маскан кўп. Шундай бўлмаса эди, Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман, деб айтармидим? <sup>3</sup> Мана, Мен бориб сизларга жой тайёрлайману, яна келиб, Мен бўлган жойда бўлишингиз учун сизларни олдимга олиб кетаман. <sup>4</sup> Мен борадиган жойни сизлар биласизлар, йўлни ҳам биласизлар.

<sup>5</sup> – Раббим! – деди Унга Тўма, – Қаерга боришингни билмаймиз-ку, йўлни ҳам қандай била оламиз?

<sup>6</sup> Исо унга деди:

– Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига боролмайди. <sup>7</sup> Агар Мени билсангиз, Отамни ҳам биласизлар. Бундан буён Уни биласизлар, Уни кўргансизлар.

<sup>8</sup> Филип Исога деди:

– Раббий, бизларга Отани кўрсат, шу биз учун етарли!

<sup>9</sup> – Филип, – деди унга Исо, – Мен шунча вақтдан бери сизлар билан биргаман-у, Мени танимайсанми? Мени кўрган Отамни кўрган бўлади. Энди сен қандай қилиб, “Отани бизларга кўрсат”, деяпсан? <sup>10</sup> Мен Отамда ҳозирман, Отам эса Менда ҳозир, сен бунга ишонмайсанми? Мен сизларга Ўзимдан тўқиб гапирмаяпман, балки Менда ҳозир бўлиб турган Отам Ўз ишларини бажармоқда. <sup>11</sup> Менга ишонинглар; Мен Отамда ва Отам Менда ҳозирдир. Бордию бунга ҳам ишонмасангизлар, ақалли бажараётган ишларимнинг ўзи орқали Менга ишонинглар. <sup>12</sup> Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдида кетяпман. <sup>13</sup> Менинг номимдан Отадан бирор нарса сўрасангизлар, уни бажо келтираман, токи Ота Ўз Ўғли орқали улуғлансин. <sup>14</sup> Ҳа, Менинг номим учун нима сўрасангизлар, Мен уни бажо келтираман.

### Муқаддас Рухни юбориш ваъдаси

<sup>15</sup> – “Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар. <sup>16</sup> Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини <sup>†</sup> юборади. <sup>17</sup> Бу Юпатувчи – Ҳақиқат Рухидир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди. <sup>18</sup> Сизларни етим қолдирмайман, яна олдингизга қайтиб келаман. <sup>19</sup> Бироздан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди. Аммо сизлар Мени кўрасизлар; Мен ҳаёт бўлганим учун, сизлар ҳам яшасизлар. <sup>20</sup> Мен Отамда, сизлар Менда ва Мен сизларда ҳозир эканимни ўша кунда фаҳмлайсизлар. <sup>21</sup> Ким Менинг амрларимни билсаю, уларга амал қилса, у Мени севади. Ким Мени сева, Отам ҳам уни севади. Мен ҳам уни севаман ва Ўзимни унга кўрсатаман”.

<sup>22</sup> Ишқарийёт бўлмаган бошқа Яҳудо Исога деди: – “Раббим, бу қанақаси, Сен Ўзингни дунёга эмас, бизга кўрсатмоқчисан?”

<sup>23</sup> Исо унга шундай жавоб берди:

– “Ким Мени сева, Менинг сўзимга амал қилади. Отам ҳам уни севади. Биз унинг ҳузурига келиб, Ўзимизга маскан яратамиз. <sup>24</sup> Мени севмаган киши сўзларимга амал қилмайди. Сизлар тинглаётган сўз Меники эмас, балки Мени юборган Отамниқидир.

<sup>25</sup> Буни, Мен сизлар билан эканман, айтдим. <sup>26</sup> Ўша Юпатувчи, яъни Менинг номимдан Отам юборадиган Муқаддас Рухнинг Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади, Менинг сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга туширади”.

<sup>†</sup> ЮПАТУВЧИ: бу сўзни Ҳимоячи, Ёрдамчи, Ўғитчи деб ҳам таржима қилиш мумкин (Муқаддас Рухнинг эпитетидир).

### Исо Масих – тинчлик манбаи

<sup>27</sup> “Мен сизларга тинчлик қолдиряпман; Ўз тинчлигимни сизларга беряпман. Мен берган тинчлик дунё берган тинчликка ўхшамайди. Юрагингиз сиқилмасин, ҳадиксираманглар. <sup>28</sup> Сизларга айтганимни эшитдингизлар: Мен сизлардан кетиб, яна қайтаман. Агар Мени севганингизда эди, Отам олдида кетяпман деганимга қувонар эдингизлар. Зеро Отам Мендан улуғдир. <sup>29</sup> Бу ҳодисалар содир бўлганда ишонинглар деб, ҳали содир бўлмасдан олдин Мен бу ҳақда сизларга айтдим. <sup>30</sup> Сизлар билан сўзлашишга унча кўп вақтим қолмади. Чунки бу дунёнинг ҳокими <sup>††</sup> келяпти, Менга эса у мутлақо ҳоким эмас. <sup>31</sup> Лекин дунё билсинки, Мен Отамни севаман, Отам Менга неки буюрган бўлса, худди шуни бажараман. Қани, туринглар, бу ердан кета қолайлик”.

### Ток ва новдалари ҳақида масал

**15** <sup>1</sup> “Мен ҳақиқий токман, Отам эса Боғбондир. <sup>2</sup> Мендаги ҳосил бермайдиган ҳар бир новдани У кесиб ташлайди. Ҳосил берадиган ҳар бир новдани эса, яна кўпроқ ҳосил берсин деб, хомток қилиб тозалайди. <sup>3</sup> Менинг сизга айтган сўзим орқали сизлар ҳозирдан тозасизлар. <sup>4</sup> Мен билан алоқада бўлинглар, шунда Мен сизлар билан алоқада бўламан. Токда қолмаган новда ўз-ўзидан ҳосил беролмайди; шу сингари, агар сизлар Мен билан алоқада қолмасангизлар, ҳосил беролмайсизлар.

<sup>5</sup> Мен – ток, сизлар – новдасизлар. Ким Мен билан алоқада бўлиб, Мен у билан алоқада бўлсам, у кўп ҳосил беради. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар. <sup>6</sup> Ким Мен билан алоқани узса, новда каби ташлаб юборилади ва қурийдир. Бундай новдаларни эса териб, ўтга улоқтириб ёндиришади. <sup>7</sup> Агар сиз Мен билан алоқада бўлиб, сўзларимни қалбингизга жо қилсангизлар, истаганингизни сўранглар, эришасизлар. <sup>8</sup> Сизлар кўп ҳосил берсангиз, Отам улуғланади, сизлар эса Менинг шогирдларим бўласизлар”.

### Севги ҳақида

<sup>9</sup> “Отам Мени қандай севган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай севдим. Менинг муҳаббатимга содиқ қолинглар. <sup>10</sup> Мен Отамнинг амрларига амал қилиб, Унинг муҳаббатига содиқ қолганман. Худди шу сингари сизлар ҳам, агар Менинг амрларимга амал қилсангизлар, муҳаббатимга содиқ қоласизлар.

<sup>11</sup> Менинг шодлигим сизларга ўтсин ва кўнглингиз қувончларга тўлсин деб, Мен бу сўзларни сизларга айтдим. <sup>12</sup> Менинг амрим шу: Мен сизларни қандай севган бўлсам, сизлар ҳам

<sup>††</sup> БУ ДУНЁНИНГ ҲОКИМИ: яъни шайтон; яна қаранг: 12:31.

бир-бирингизни шундай севинглар. <sup>13</sup> Ким ўз жонини дўстлари учун бағишласа, бундан ортиқ севги йўқ. <sup>14</sup> Агар сизлар буюрганларимни бажо келтирсангизлар, Менинг дўстларим бўласизлар. <sup>15</sup> Мен сизларни энди қул деб атамайман. Қул хўжайини нима қилишини билмайди. Сизларни дўстларим дейман, чунки Отамдан эшитган ҳамма нарсани сизларга билдирдим.

<sup>16</sup> Сизлар Мени эмас, Мен сизларни танладим. Бориб ҳосил беринглар ва ҳосилингиз боқий бўлсин, деб сизларни танладим. Шундай қилиб, Менинг номимдан Отадан нимаики сўрасангизлар, У сизларга беради.

<sup>17</sup> Хуллас, сизларга буйруғим шу: бир-бирингизни севинглар!"

### Дунёнинг нафрати

<sup>18</sup> "Агар дунё сизлардан нафратланаётган бўлса, билингизким, сизлардан илгари Мендан нафратланган. <sup>19</sup> Сизлар бу дунёники бўлсангиз эди, дунё сизларни ўзиники каби севар эди. Ҳолбуки, сизлар бу дунёники эмассизлар; Мен сизларни дунёдан танлаб олдим. Ана шу сабабдан дунё сизлардан нафратланади. <sup>20</sup> Қул ўз хўжайинидан юқори бўлмас, деган сўзимни эсланглар. Агар Мени қувғин қилган бўлсалар, сизларни ҳам қувғин қиладилар. Агар Менинг сўзларимга риоя қилган бўлсалар, сизларникига ҳам риоя қиладилар.

<sup>21</sup> Одамлар сизларга неки қилсалар, Менинг номим учун қиладилар; чунки Мени Юборганни танимайдилар. <sup>22</sup> Агар Мен келиб уларга айтмаганимда эди, уларда гуноҳ бўлмас эди. Энди бўлса гуноҳлари узрсиз қолди. <sup>23</sup> Мендан нафратланган Отамдан ҳам нафратланган бўлади. <sup>24</sup> Агар Мен улар орасида бошқалар сира қилмаган ишларни намоён қилмаганимда эди, уларда гуноҳ бўлмас эди. Энди бўлса ишларимни кўрдилар-у, Мендан ҳам, Отамдан ҳам нафратландилар. <sup>25</sup> Бу эса уларнинг Тавротдаги: "Мендан ноҳақ нафратландилар", – деган оят † бажо бўлиши учун содир бўлди.

<sup>26</sup> Отам ҳузуридан Мен сизларга юборадиган Юпатувчи, яъни Отам наздидан чиқувчи Ҳақиқат Рухи келгач, У Мен тўғримда гувоҳлик беради.

<sup>27</sup> Сизлар ҳам гувоҳлик берасизлар, чунки бошданоқ Мен билан биргасизлар".

### Муқаддас Рухнинг фаолияти

**16** "Мен буларни сизлар васвасага тушманглар, деб айтдим. <sup>2</sup> Сизларни ибодатхонадан ҳайдаб юборадилар. Ҳатто шундай замон келадики, сизларни ўлдираётган ҳар бир киши бу билан Худога хизмат қиляпман, деб ўйлайди. <sup>3</sup> Бу ишларни Отамни ҳам, Мени ҳам танимаганлари учун қиладилар. <sup>4</sup> Буларни сизларга ҳозирдан

† қаранг: Забур 34:19 ва 68:5.

маълум қилиб қўйяпман, токи ўша вақт-соат келганда, сўзларимни эсга олинглар.

Аввалдан сизларга буларни айтишимга ҳожат йўқ эди, чунки сизлар билан бирга эдим. <sup>5</sup> Энди эса Мени Юборганнинг олдига кетяпман. Лекин орангиздан ҳеч ким Мендан: "Қаерга кетяпсан?" деб сўрамаяпти. <sup>6</sup> Буларни сизларга айтганим учун, дилингиз ғам-қайғуга ботган. <sup>7</sup> Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишим сиз учун фойдалидир. Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга келмайди. Агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман. <sup>8</sup> У эса келиб, гуноҳ, адолат ва ҳукм хусусида дунёнинг хато қилганини фош қилади. <sup>9</sup> Дунёнинг гуноҳи шундан иборатки, одамлар Менга ишонмайдилар. <sup>10</sup> Илоҳий адолат шундаки, Мен Отамнинг олдига кетяпман ва сизлар Мени бошқа кўрмайсизлар. <sup>11</sup> Илоҳий ҳукм эса шундан далолат берадики, бу дунёнинг ҳоқими †† ҳукм қилинган.

<sup>12</sup> Сизларга яна айтадиганларим кўпу, лекин энди ичингизга сиғдиролмайсизлар. <sup>13</sup> Муқаддас Ҳақиқат Рухи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди. У Ўзича гапирмайди, неки эшитса, ўшани сўзлаб беради, У келажак ҳақида сизларга хабар қилади. <sup>14</sup> У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, шу билан Мени улуғлайди. <sup>15</sup> Отам эга бўлган ҳамма нарса Меникидир. Ана шу сабабдан, У Мендан эшитган нарсаларни сизларга маълум қилади, деб айтдим. <sup>16</sup> Кўп ўтмай, сизлар Мени кўролмай қоласизлар, яна кўп ўтмай, кўрасизлар. Чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман".

### Қайғунгиз шодликка айланади

<sup>17</sup> Шу пайтда Исонинг шогирдлари бири иккинчисига:

– Ажабо, У бизга нима деяпти ўзи? "Кўп ўтмай Мени кўролмай қоласизлар, яна кўп ўтмай кўрасизлар", деди. "Отамнинг олдига кетяпман", деб ҳам айтди. <sup>18</sup> "Кўп ўтмай" дейиши билан нима демоқчи экан, биз англай олмадик, – дер эдилар.

<sup>19</sup> Исо шогирдлари Ўзидан гап сўрамоқчи бўлганликларини пайқади ва сўз олди:

– Кўп ўтмай Мени кўролмай қоласизлар, яна кўп ўтмай кўрасизлар, деб Мен сизларга айтдим-ку, наҳотки бу гапимни муҳокама қиляпсизлар?

<sup>20</sup> Сизларга ростини айтайин: сизлар йиғлаб дод-фарёд қиласизлар, дунё эса қувонади. Сизлар қайғурасиз, лекин қайғунгиз шодликка айланади.

<sup>21</sup> Ойи тўлган аёл дард билан туғади. Аммо бола туғилгандан кейин, дунёга одамзод келди деб қувонади ва чеккан дардини унутиб юборади.

<sup>22</sup> Шунга ўхшаш, сизлар ҳам энди ғам-қайғу чекяпсизлар. Лекин Мен сизларни яна кўраман ва юрагингиз қувончга тўлади. Қувончингизни эса сизлардан ҳеч ким тортиб олмайди.

†† яъни шайтон; яна қаранг: 12:31.

<sup>23</sup> Ўша куни Мендан ҳеч нарса сўрамайсизлар. Сизларга ростини айттайин: агар Менинг номимдан Отадан нима сўрасангизлар, Ўзи сизларга беради. <sup>24</sup> Ҳозиргача Менинг номимдан Отадан бирон нарса сўрамадингизлар. Сўранглар, эришасизлар ва қувончингиз камол топади.

### Исо – дунёдан устун

<sup>25</sup> – Шу вақтгача сизларга рамз билан гапириб келдим. Лекин шундай бир вақт келадики, энди сизларга рамз билан гапирмай, Отам ҳақида очикдан-очик хабар қиламан. <sup>26</sup> Ўша куни истаганингизни Менинг номимдан сўрайсизлар. Мен эса сизлар учун Отамдан илтимос қиламан, деб айтмаяпман. <sup>27</sup> Отамнинг Ўзи сизларни севади, чунки сизлар Мени севиб, Худо ҳузуридан чиққанимга ишондингизлар. <sup>28</sup> Мен Отамнинг ҳузуридан чиқиб, дунёга келдим. Энди яна дунёни тарк этиб, Отамнинг олдида кетмоқдаман.

<sup>29</sup> – Мана, ҳозир Сен очик сўзлаяпсан, ҳеч рамз қўлламаяпсан, – дейишди шогирдлар Исога. <sup>30</sup> – Ҳозир кўриб турибмизки, Сен ҳаммасини биласан. Бирон-бир кишининг савол беришига ҳам муҳтож эмассан. Ана шунинг учун биз Сен Худо ҳузуридан чиққанингга ишонамиз.

<sup>31</sup> – Энди ишонасизларми? – деди Исо уларга. <sup>32</sup> – Мана, ҳар бирингиз ўз томонингизга тўзиб, Мени ёлғиз қолдирадиган вақт-соат келади ва ҳатто келди ҳам. Бироқ Мен ёлғиз эмасман, чунки Отам Мен биландир. <sup>33</sup> Буларни сизларга Менда хотиржам бўлишингиз учун айтдим. Дунёда қайғу-алам чекасизлар; лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим.

### Исонинг Ўз уммати учун ибодати

**17** Шу гаплардан кейин Исо кўзларини осмонга тикиб, деди:

“Эй Ота! Вақт-соати келди. Ўғлинг Сени улуғлаши учун Сен ҳам Ўз Ўғлингни улуғлагин. <sup>2</sup> Сен Унга бутун башарият устидан ҳокимликни бердинг; Сен Унга берган одамларнинг ҳаммасига У абадий ҳаёт ато қилади. <sup>3</sup> Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масихни таниб-билишдан иборатдир.

<sup>4</sup> Сен Менга топширган вазифани Мен адо этиб, ер юзида Сени улуғладим. <sup>5</sup> Дунё яратилишидан аввал Мен Сенинг ҳузурингда улуғвор эдим. Энди, эй Ота, Ўз ҳузурингдаги ўша улуғворликни Менга тағин ато қилгин.

<sup>6</sup> Сен дунёдан Менга берган одамларга Сенинг исмингни изҳор қилдим. Улар Сеники эдилар ва Сен уларни Менга бердинг. Улар эса Сенинг каломингга амал қилдилар. <sup>7</sup> Улар энди тушуниб олдилар: Сен Менга нима берган бўлсанг, ҳаммаси Сендан экан. <sup>8</sup> Менга берган каломларингни уларга топширдим. Улар эса каломларингни қабул қилиб, Мен Сенинг ҳузурингдан чиққанлигимни

чинакамига тушундилар, Мени Сен юборганингга ишондилар.

<sup>9</sup> Мен улар учун сўрайман; дунё учун эмас, балки Менга берганларинг учун сўрайман. Чунки улар Сеникидир. <sup>10</sup> Зотан Меники бўлган ҳамма – Сеники, Сеники эса – Меникидир. Шу тариқа Менинг улуғворлигим улар орқали зоҳир бўлади.

<sup>11</sup> Бундан сўнг Мен бу дунёда бўлмайман, Сенинг ҳузурингга қайтйпман. Улар эса бу дунёда қоладилар. Эй Муқаддас Ота! Менга кимни берган бўлсанг, Ўз номинг билан асраб қолгин, токи улар ҳам Биздай бир бўлсинлар. <sup>12</sup> Мен улар билан бўлганимда, Сенинг номинг билан уларни асраб эдим. Ҳа, Менга берган одамларнинг ҳаммасини омон сақладим. Фақат оят бажо бўлсин деб, пешанасига ҳалокат ёзилган одамдан † бошқа улардан ҳеч ким ҳалок бўлмади.

<sup>13</sup> Энди эса Сенинг олдинга боради деб турибман. Менинг шодлигим уларга ўтиб дилларини бутунлай тўлдирсин, деб буларни ҳали дунёда бўлганимда айтйпман. <sup>14</sup> Мен уларга Сенинг каломингни топширдим. Дунё эса улардан нафратланди. Чунки Мен дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам дунёдан эмаслар. <sup>15</sup> Энди уларни дунёдан олишингни эмас, балки ёвуз шайтондан сақлашингни сўраяпман. <sup>16</sup> Мен бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмаслар. <sup>17</sup> Уларни ҳақиқатинг билан муқаддас қилгин. Сенинг каломинг – ҳақиқатдир. <sup>18</sup> Сен Мени дунёга юборган эдинг, Мен ҳам уларни дунёга юбордим. <sup>19</sup> Улар ҳақиқий муқаддас бўлсин деб, Мен Ўзимни улар учун бағишлайман ††.

<sup>20</sup> Мен фақат улар учунгина сўрамайман, балки уларнинг гапи бўйича Менга имон келтирадиганлар учун ҳам сўрайман: <sup>21</sup> Ҳаммалари бир бўлишсин. Эй Ота, Сен Менда ва Мен Сенда ҳозир бўлганимизга ўхшаб, улар ҳам Бизда ҳозир бўлиб, бир бўлишсин. Шу тариқа дунё Мени Сен юборганингга инонсин. <sup>22</sup> Менга ато қилган улуғворлигингни уларга бердим, токи биз бир бўлганимиздек, улар ҳам бир бўлишсин. <sup>23</sup> Сен Менда, Мен эса уларда ҳозир бўлиб, мукамал бирликка эришсинлар. Натижада, дунё Мени Сен юборганингни тан олсин, Мени қандай севсанг, Меникиларни ҳам шундай севганингни дунё билсин.

<sup>24</sup> Эй Ота! Сен Менга берган одамлар Мен билан бир жойда бўлишини хоҳлайман. Сен Менга ато қилган улуғворликни улар ҳам кўриб турсин, дунёни яратмасдан аввалоқ Сен Мени қандай севганингни улар билсин. <sup>25</sup> Эй одил Ота! Дунё Сени билмаса ҳам, Мен Сени биламан. Булар ҳам Мени Сен юборганингни билиб олдилар. <sup>26</sup> Сенинг

† ПЕШАНАСИГА ҲАЛОКАТ ЁЗИЛГАН ОДАМ: аслида “ҳалокат ўғли”, яъни Исога хиёнат қилувчи Яхудо; яна қаранг: Матто 27:3-10, Ҳаворийлар 1:16-19. †† БАҒИШЛАЙМАН: аслида “муқаддас қиламан”; Исо Масих бизни қутқармоқ учун пок жонини қурбонликка бағишлади; яна қаранг: Ибронийлар 2:11, 9:13-14, 10:10-14, 13:12.

номингни уларга билдирганман ва янада билдираман. Менга боғлаган муҳаббатинг улардан ўрин олсин, Мен ҳам улардан ўрин олайин”.

### Исони қўлга олиш

**18** Бу сўзларни айтгандан сўнг, Исо Ўз шогирдлари билан у ердан чиқиб, Қидрон сойлигининг нариги бўйига ўтди. Ўша ерда бир боғ бор эди. Исо шогирдлари билан боққа кирди.

<sup>2</sup> Исонинг хоини Яхудо ҳам ўша жойни билар эди, чунки Исо шогирдлари билан у ерда тез-тез учрашиб турар эди. <sup>3</sup> Шундай қилиб, Яхудо бир тўда аскарларни ҳамда олий руҳонийлар ва фарзийлар томонидан юборилган миршабларни олиб, у ерга келди. Қўлларида машъалу фонуслар, қурол-яроғлар бор эди.

<sup>4</sup> Исо Ўз бошига келадиган ҳамма нарса билар эди. У одамларга пешвоз чиқиб, сўради:

– Кимни қидиряпсизлар?

<sup>5</sup> – Носиралик Исони, – деб жавоб беришди улар.

– У Менман, – деди Исо.

Исонинг хоини Яхудо уларнинг ўртасида турган эди. <sup>6</sup> Исо “У Менман” дейиши биланоқ, улар орқага тисланиб, ерга йиқилишди. <sup>7</sup> Исо улардан яна сўради:

– Кимни қидиряпсизлар?

– Носиралик Исони, – дедилар.

<sup>8</sup> – Сизларга айтдим-ку, У Менман. Агар Мени қидираётган бўлсангизлар, шуларни қўйиб юборинглар, кетаверишсин, – деди уларга Исо. <sup>9</sup> Унинг илгари: “Сен Менга берган кишилардан ҳеч бирининг ҳалок бўлишига йўл қўймадим”, деган сўзлари шу билан бажо бўлди.

<sup>10</sup> Шу онда Симун Бутрус ёнидаги қиличини қинидан суғурди-да, олий руҳонийнинг қаролига бир уриб, ўнг қулоғини узиб юборди. Қаролнинг исми Малик эди.

<sup>11</sup> Исо Бутрусга:

– Қиличингни қинига солиб қўй! Наҳотки Менга Отам берган тақдир шаробини ичмасам? – деди.

<sup>12</sup> Шу заҳоти аскарлар билан бўлинма қўмондони ва яҳудий мансабдорларининг қароллари Исони ушлаб, боғлаб қўйишди. <sup>13</sup> Уни олдин Ҳанан олдига олиб келишди. Ҳанан шу йилги бош олий руҳоний бўлган Каяфанинг қайнатаси эди. <sup>14</sup> Бу – яҳудий мансабдорларига: “Халқ учун битта кишининг ўлиши яхшироқ”, деб маслаҳат берган Каяфа эди.

### Бутруснинг Исодан тониши

<sup>15</sup> Исонинг орқасидан Симун Бутрус ва яна бошқа бир шогирд эргашиб боришар эди. Бу шогирд олий руҳонийга таниш эди, у Исо билан бемалол олий руҳонийнинг ҳовлисига кирди. <sup>16</sup> Бутрус эса ташқарида, эшикнинг олдида турарди. Кейинроқ олий руҳонийга таниш бўлган шогирд яна ташқарига чиқди-да, дарвозабон аёлга бирор

нарса деб, Бутрусни ичкарига олиб кирди. <sup>17</sup> Шунда дарвозабон чўри Бутрусдан:

– Сен ҳам У Одамнинг шогирдларидан эмасмисан? – деб сўради.

– Йўқ! – деди Бутрус.

<sup>18</sup> Ҳаво совуқ бўлгани учун у ерда турган қароллар билан миршаблар кўмир ёқиб, исинаётган эдилар. Бутрус ҳам улар билан исиниб турар эди.

### Исо олий руҳоний Ҳанан олдида

<sup>19</sup> Шу пайтда олий руҳоний Исога Ўз шогирдлари ва таълимотига тааллуқли саволлар берар эди.

<sup>20</sup> Исо унга жавоб берди:

– Мен элу оламга очиқ сўзладим. Ҳар доим яҳудийлар йиғиладиган ибодатхоналарда ва маъбадда таълим бериб юрдим, ҳеч яширинча гап айтмадим. <sup>21</sup> Нега Мени сўроқ қиляпсан? Менинг нутқларимни эшитганлардан сўраб билгин, гапирганларимни улар билса керак.

<sup>22</sup> Исо буларни айтиб бўлган ҳам эдики, яқин турган миршаблардан бири:

– Олий руҳонийга ҳам шундай жавоб берасанми? – деди-ю, Исонинг юзига туширди. <sup>23</sup> Исо бунга жавобан:

– Агар Мен ёмон гап гапирган бўлсам, ёмонлигини кўрсат. Агар тўғри айтган бўлсам, нега Мени урасан? – деди.

<sup>24</sup> Шундан кейин Ҳанан Исони боғланган ҳолда олий руҳоний Каяфа қошига юборди.

### Бутруснинг Исодан яна тониши

<sup>25</sup> Симун Бутрус ҳамон исиниб турган эди.

– Сен ҳам Унинг шогирдларидан эмасмисан? – деб сўрашди ундан.

– Йўқ! – деб тонди у.

<sup>26</sup> Олий руҳонийнинг қаролларидан бири Бутрус қулоғини узиб юборган одамнинг қариндоши эди. Бу қарол Бутрусга яна:

– Сени боғда У билан кўрдим, шекилли? – деди.

<sup>27</sup> Бутрус эса янгидан тонди. Нақ шу пайт хўроз қичқирди.

### Исо римлик ҳоким Пилат олдида

<sup>28</sup> Тонг ёришган эди. Яҳудий мансабдорлари Исони Каяфа олдидан маҳкамага олиб бордилар. Улар Фисиҳ байрам таомини емагунча ҳаром бўлишдан қўрқиб, маҳкамага кирмадилар. <sup>29</sup> Шу сабабли Пилат ташқарига, уларнинг олдига чиқди.

– Бу Одамга қарши қандай айбни қўймоқдасизлар? – деб сўради.

<sup>30</sup> – Агар У жиноятчи бўлмаганида, Уни сенинг қўлингга топширмас эдик, – деб жавоб беришди улар.

<sup>31</sup> – Уни ўзларингиз олинглар-да, ўз Қонунингиз бўйича ҳукм қилаверинглар, – деди Пилат.

– Бизга ҳеч кимни қатл қилишга ижозат берилмаган, – дейишди унга яҳудийлар.



<sup>32</sup> Бу гаплар эса Исо Ўзининг қандай ўлиши ҳақида айтганларини тасдиқлади, Унинг кароматлари бажо бўлиши керак эди.

<sup>33</sup> Шундай қилиб, Пилат яна маҳкамага кирди ва Исони чақирди:

– Сен яхудийларнинг Подшоҳимисан? – деб сўради.

<sup>34</sup> – Бу гап Ўзингдан чиқдимми, ёки бошқалар сенга Мен тўғримида айтишдимми? – деб сўради Исо.

<sup>35</sup> – Нима, мен яхудийманми? Ахир, Ўз халқинг, Ўз олий руҳонийларинг Сени менга топширишди. Сен нима иш қилиб қўйдинг? – деди Пилат. <sup>36</sup> Исо жавоб берди:

– Менинг Шоҳлигим бу дунёдан эмас. Агар Шоҳлигим бу дунёдан бўлганда эди, яхудий мансабдорлари қўлига тушмаслигим учун Менинг қаролларим курашар эдилар. Бироқ энди Менинг Шоҳлигим бу ердан эмас.

<sup>37</sup> – Демак, Сен подшоҳ экансан-да? – деди Пилат. – Подшоҳ эканимни ўзинг айтдинг, – деди Исо. – Мен ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик қилмоқ учун туғилганман, ана шу мақсадда оламга келдим. Кимки ҳақиқат тарафида бўлса, Менинг овозимни эшитади.

<sup>38</sup> – Ҳақиқат нима? – сўради Пилат. Буни айтди-ю, яна ташқарига, яхудийларнинг олдига чиқди.

– Мен Ундан ҳеч қандай айб тополмаяпман, – деди уларга. <sup>39</sup> – Сизларнинг бир одатингиз бор-ку, сизлар учун Фисиҳ байрамида бир маҳбусни озод қилиб келар эдим. Шунга кўра, сизлар учун яхудийларнинг Подшоҳини озод қилишимни истайсизларми?

<sup>40</sup> – Уни эмас, Бараббани озод қил! – деб ҳамма бараварига бақирди.

Барабба эса қароқчи эди.

#### Исони ҳақоратлаш ва маҳкум қилиш

**19** Шундан кейин Пилат Исога даст солиб, Уни қамчилатди. <sup>2</sup> Аскарлар эса тиканлардан тож ўриб, Исонинг бошига қўйдилар, танасига шоҳона тўн кийдирдилар. <sup>3</sup> Исонинг олдига турганларича: – Яшавор, эй яхудийларнинг Подшоҳи! – деб, Уни тарсакилар эдилар.

<sup>4</sup> Пилат яна ташқарига чиқиб халойиққа хитоб қилди:

– Мана, Уни олдингизга чиқаряпман, билиб қўйинглар, мен Ундан ҳеч қандай айб тополмадим!

<sup>5</sup> Шу пайт бошида тиканли тож, эгнида шоҳона тўн билан Исо ташқарига чиқди.

– Мана, у Одам! – деди Пилат уларга. <sup>6</sup> Олий руҳонийлар ва миршаблар Исони кўриб, бақириб кетишди:

– Уни хочга михлаб қўй, хочга!

– Уни сизлар олиб хочга михлаб қўйинглар! Мен Ундан ҳеч қандай айб тополмадим, – деди Пилат уларга. <sup>7</sup> Яхудийлар унга жавобан:

– Бизда Қонун бор, Қонунимиз бўйича У ўлиши керак, чунки У Ўзини Худонинг Ўғли қилиб кўрсатди, – дедилар.

<sup>8</sup> Пилат буни эшитгач, юраги орқага тортиб кетди.

<sup>9</sup> Қайтадан маҳкамага кирди ва Исодан:

– Сен қаердансан? – деб сўради. Исо унга жавоб бермади.

<sup>10</sup> – Менга жавоб бермайсанми? – деди Пилат. – Сени хочга михлатиш ё бўшатиш учун ҳукм юритишга қодир эканимни билмайсанми?

<sup>11</sup> Исо жавоб берди:

– Агар сенга юқоридан берилмаганида эди, сен Менинг устимдан ҳеч қандай ҳукм юрита олмас эдинг. Шу сабабдан Мени сенинг қўлингга тутиб берганнинг гуноҳи сенинг гуноҳингдан катта.

<sup>12</sup> Шу вақтдан бошлаб Пилат Исони қўйиб юборишга чора излай бошлади. Аммо яхудийлар қичқиришарди:

– Агар Уни қўйиб юборсанг, сен Қайсарнинг † дўсти эмассан. Ўзини подшоҳ дейдиган ҳар бир киши Қайсарнинг душмани бўлади!

<sup>13</sup> Пилат бу сўзни эшитгач, Исони ташқарига олиб чиқди ва яхудийча Габбата деган тош супа устидаги ҳукм курсисига ўтирди. <sup>14</sup> Ўша куни Фисиҳ байрами арафаси, туш †† маҳали эди. Пилат яхудийларга хитоб қилди:

– Мана, Подшоҳингиз!

<sup>15</sup> – Йўқ қил Уни, йўқ қил! Хочга михлаб қўй! – деб бақирди улар.

– Сизларнинг Подшоҳингизни хочга михлаб қўйяйми? – сўради Пилат.

– Қайсардан бошқа подшоҳимиз йўқ, – дейишди олий руҳонийлар.

<sup>16</sup> Охири Пилат Исони хочга михлаш учун уларга топширди. Улар эса Исони олиб кетдилар.

#### Исони хочга михлаш

<sup>17</sup> Исо Ўз хочини кўтариб, Бошсуяги (яхудийча Гўлгота) деган жойга келди. <sup>18</sup> У ерда Исони хочга михлаб қўйдилар. Исо ўртада бўлиб, чап ва ўнг томонига яна икки кишини михлаб қўйдилар.

<sup>19</sup> Пилат шу мазмундаги лавҳани ёзиб хочнинг тепасига остириб қўйди: “Яхудийларнинг Подшоҳи Носиралик Исо”.

<sup>20</sup> Исо хочга михланган жой шаҳарга яқин бўлгани учун, бу лавҳани анчагина яхудийлар ўқиб ўтар эдилар. Лавҳа яхудий, юнон ва лотин тилларида ёзилган эди. <sup>21</sup> Яхудий олий руҳонийлари эса Пилатга бориб шундай дедилар:

– “Яхудийларнинг Подшоҳи” деб ёзма, балки Ўзи айтганидек, “Мен яхудийларнинг Подшоҳиман”, деб ёзиб қўй.

<sup>22</sup> – Мен нимаики ёзган бўлсам, шундайлигича қолсин, – деди Пилат.

† ҚАЙСАР: Рим императори; умуман ҳукмрон ҳокимият кўзда тутилади. †† ТУШ: аслида “6-соат”; вақт жадвалига қаранг.

<sup>23</sup> Аскарлар Исони михлаб бўлиб, Унинг кийимини олдилар. Ҳар аскарга бир парчадан теккудай қилиб, кийимни тўрт бўлакка бўлдилар. Ички кўйлагини ҳам олдилар. Ички кўйлак бошдан-оёқ чоксиз бир тўқима эди. <sup>24</sup> Аскарлар бир-бирига:

– Буни йиртмайлик, бу учун қуръа ташлаймиз, кимга тушса, ўшаники бўлсин, – дейишди.

Шу тариқа қуйидаги Забур ояти бажо бўлди:

“Кийимларимни ўзаро бўлишиб олиб, Либосим учун қуръа ташладилар” †.

Аскарлар худди шундай қилдилар.

<sup>25</sup> Исонинг хочи ёнида Унинг онаси, онасининг опаси, Клопанинг хотини Марям ҳамда мағдалалик Марям турар эдилар. <sup>26</sup> Исо онаси ёнида Ўзининг севикли шогирди турганини кўрди-да, онасига:

– Эй аёл, мана бу сенинг ўғлинг! – деди. <sup>27</sup> Кейин шогирдига қараб:

– Мана бу сенинг онанг! – деди.

Ўша ондан бошлаб у шогирд Марямни ўз уйига олиб кетди.

### Исонинг жон бериши

<sup>28</sup> Шундан кейин Исо энди ҳаммасининг амалга ошганини кўрди. Забур ояти †† бажо бўлсин деб, У:

– Чанқадим! – деди.

<sup>29</sup> Бу ерда сирка тўла бир идиш турган эди.

Аскарлар сиркага шимгични ботирдилар-да, найнинг учига илиб, Исонинг оғзига олиб бордилар. <sup>30</sup> Исо сиркани татиб кўргач:

– Амалга ошди! – деди-ю, бошини эгиб жон берди.

<sup>31</sup> Ўша куни дам олиш куни арафаси – жума эди.

Эртанги шанба жуда табаррук кун ҳисоблангани учун, яхудий мансабдорлари жасадаларни хочда қолдиришни истамадилар. Улар Пилатнинг олдига бориб, жасадаларнинг болдирларини синдириб ташлаб ‡, хочдан туширишни сўрадилар. <sup>32</sup> Шунда аскарлар бориб, Исо билан бирга хочга михланган биринчи, сўнгра иккинчи одамнинг болдирларини синдириб ташладилар. <sup>33</sup> Исонинг олдига келиб, Унинг аллақачон ўлганлигини пайқадилар, болдирларини синдирмадилар. <sup>34</sup> Лекин аскарлардан бири Исонинг биқинини найза билан тешди, шу заҳоти Унинг биқинидан қон билан сув оқиб чиқди.

<sup>35</sup> Бу ҳодисани кўрган киши, сизлар ишонинглар деб, гувоҳлик бериб келмоқда. Унинг гувоҳлиги ҳақиқатдир, у ҳақиқатни сўзлаётганини билади.

<sup>36</sup> Ана шу бўлиб ўтган ҳодиса: “Унинг суюяги синмайди”, – деган Забур ояти †† бажо келиши учун рўй берди. <sup>37</sup> Бошқа бир оятда шундай айтилган: “Найзаланган Одамга тикилиб қарайдилар”.

### Исони дафн қилиш

<sup>38</sup> Бундан сўнг ариматеялик Юсуф Пилатдан Исонинг жасадини хочдан тушириш учун илтимос

† қаранг: Забур 21:19. †† қаранг: Забур 21:16, 68:22. ‡ Хочга михланган кишининг ўлишини тезлатиш учун унинг оёқларини синдириш мумкин эди. †† қаранг: Забур 33:21.

қилди. Юсуф Исонинг шогирди эди-ю, лекин яхудийлардан кўрққани учун буни яшириб юрар эди. Пилат эса ижозат берди. Шунда Юсуф бориб, Исонинг жасадини бўшатиб олди. <sup>39</sup> Бундан илгари кечаси Исонинг олдига келган Никодим ҳам юз қадоқча мирра билан сабур қоришмасини олиб келди. <sup>40</sup> Улар икковлон Исонинг жасадини олиб, яхудийларнинг дафн одатларига кўра, бу муаттар моддалар билан Уни кафанладилар. <sup>41</sup> Исо михланган жойда бир боғ бор эди, у боғда ҳали ҳеч мурда кўйилмаган янги қабр бор эди.

<sup>42</sup> Яхудийларнинг дам олиш кунига тайёргарлик қилиш муддати тугаётгани сабабли улар, бу жой яқинроқ, деб Исони ўша қабрга кўмдилар.

### Исонинг тирилиши

**20** Ҳафтанинг биринчи куни эрта саҳарда, ҳали қоронғи пайтда, мағдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди. <sup>2</sup> У югуриб Симун Бутрус ва Исонинг севган бошқа шогирди олдига келди-да:

– Раббимни қабрдан олиб кетишибди, Уни қаерга кўйишганини билмаймиз, – деди.

<sup>3</sup> Ўша заҳоти Бутрус ва бошқа шогирд қабр томон жўнашди. <sup>4</sup> Иккови бирга югуриб кетишди. Аммо у шогирд Бутрусдан тезроқ югуриб, қабрга биринчи бўлиб етиб келди. <sup>5</sup> У энгашиб ичкарига кўз ташлади, у ерда фақат кафан ётганини кўрди. Ўзи қабрга кирмади. <sup>6</sup> Унинг орқасидан Симун Бутрус етиб келиб, қабрга кирди-ю, ётган кафанни кўрди. <sup>7</sup> Исонинг бошига ўралган рўмол эса кафан билан бирга эмас, алоҳида жойга йиғиштириб кўйилган эди. <sup>8</sup> Шунда аввал келган шогирд ҳам қабрга кирди ва кўриб, ишонч ҳосил қилди. <sup>9</sup> Лекин Исо ўлиб тирилиши керак, деган оятларни улар ҳали тушунмас эдилар.

### Исонинг Марямга зоҳир бўлиши

<sup>10</sup> Шундан сўнг шогирдлар яна ўз уйларига қайтиб кетдилар. <sup>11</sup> Марям эса қабрнинг олдида турганча, йиғлар эди. Йиғлаётиб, бир эгилиб қабр ичига назар солди. <sup>12</sup> Шунда оқ кийим кийган икки фариштани кўриб қолди. Бири Исонинг жасади ётган жойнинг бош томонида, иккинчиси эса оёқ томонида ўтирган эди. <sup>13</sup> Улар Марямга:

– Эй аёл, нега йиғлаяпсан? – дейишди.

– Раббимни олиб кетишибди, Уни қаерга кўйишганини билмайман, – деди у. <sup>14</sup> Шундай деди-ю, орқасига бурилиб, турган Исони кўрди. Лекин Унинг Исо эканлигини билмади.

<sup>15</sup> – Эй аёл, нега йиғлаяпсан? Кимни қидиряпсан? – деди Исо унга. Марям Уни боғбон деб ўйлади. Унга:

– Оға, агар сен Уни олиб кетган бўлсанг, қаерга кўйганингни менга айт-чи, мен Уни бориб келай, – деди. <sup>16</sup> Исо унга:

– Марям! – деди.

– Раббуний! – деди Марям Исога қайрилиб.  
(Раббуний яхудий тилида “Устозим” демақдир).

<sup>17</sup> – Менга қўл тегизма! – деди Исо Марямга. – Мен ҳали Отамнинг хузурига чиққанам йўқ. Сен бориб биродарларимга шундай деб айтгин: Мен Ўз Отам ва сизларнинг Отангизнинг, Ўз Худойим ва сизларнинг Худойингизнинг хузурига чиқиб кетяпман.

<sup>18</sup> Шунда мағдалалик Марям шогирдларнинг олдида бориб:

– Мен Раббимни кўрдим! – деди, Исо унга нималар айтганини гапириб берди.

### Исонинг шогирдларига зоҳир бўлиши

<sup>19</sup> Ўша якшанба куни оқшомда шогирдлар тўпланган эдилар. Улар яхудий мансабдорларидан кўрқиб, уйнинг эшиklarини қулфлаб қўйган эдилар. Шу пайт Исо келиб қолди. У ўртада туриб шогирдларига:

– Сизларга тинчлик бўлсин! – деди. <sup>20</sup> Шундай деб, қўл-оёқларини ва биқинини уларга кўрсатди. Шогирдлар Раббимизни кўрдик, деб жуда севиндилар.

<sup>21</sup> Исо яна уларга деди:

– Сизларга тинчлик бўлсин! Отам Мени қандай юборган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай юборяпман.

<sup>22</sup> Шундай деб, уларнинг устига пуфлади ва:

– Муқаддас Руҳни олинглар, – деди. <sup>23</sup> – Кимнинг гуноҳларини кечирсангизлар, у кечирилади. Кимнинг гуноҳларини кечирмасангизлар, у кечиримсиз қолаверади.

### Исо билан Тўма

<sup>24</sup> Ўн икки шогирддан бири, “Эгиз” лақабли Тўма, Исо келганда у ерда шогирдлар орасида йўқ эди.

<sup>25</sup> Бошқа шогирдлар унга:

– Биз Раббимизни кўрдик, – дейишди. Тўма уларга шундай деди:

– Мен Унинг қўлларидаги мих чандиқларини кўрмагунимча, Унинг мих чандиқларига ўз бармоғимни тегизмагунимча, қўлимни Унинг биқинига қўймагунимча, ишонмайман.

<sup>26</sup> Саккиз кундан сўнг Исонинг шогирдлари яна уйда тўпланган эдилар, Тўма ҳам улар билан бирга эди. Уйнинг эшиклари қулф бўлган вақтда Исо келди ва ўрталарида туриб:

– Сизларга тинчлик бўлсин! – деди. <sup>27</sup> Кейин Тўмага қараб:

– Бармоғингни бу ёққа текиз! Менинг қўлларимни кўр, қўлингни чўзиб биқинимга қўй ва имонсиз бўлма, имонли бўл! – деди. <sup>28</sup> Тўма Исога:

– Эй, менинг Раббим ва Худойим! – деб жавоб берди. <sup>29</sup> Исо унга шундай деди:

– Сен Мени кўрганинг учун ишондинг. Кўрмай ишонганлар қандай бахтлидирлар!

<sup>30</sup> Исо бу китобда ёзилмаган бошқа бир талай ибратли мўъжизаларни Ўз шогирдларига кўрсатди.

<sup>31</sup> Булар эса Исо – Худонинг Ўғли, Масих эканлигига ишонингиз учун ва ишониб, Унинг номи билан ҳаётга эришингиз учун ёзилган.

### Исонинг қўл бўйида зоҳир бўлиши

**21** Ундан кейин Тиверия қўли бўйида Исо Ўзини яна шогирдларига кўрсатди. Бу шу йўсинда содир бўлди: <sup>2</sup> Симун Бутрус, “Эгиз” лақабли Тўма, Жалиланинг Кана шаҳридан бўлган Натанъил, Забадийнинг ўғиллари ва бошқа икки шогирд бир жойда эдилар. <sup>3</sup> Симун Бутрус бошқаларга:

– Мен балиқ овлагани кетяпман, – деди.

– Бизлар ҳам сен билан борамиз, – дейишди улар ва қайиққа тушиб, жўнаб кетишди. Лекин ўша кеча ҳеч нарса тутишолмади.

<sup>4</sup> Кун ёришгач, Исо қирғоқда турар эди.

Шогирдлари эса Унинг Исо эканлигини пайқамадилар.

<sup>5</sup> – Болалар, сизларда бирон овқат борми? – сўради Исо улардан.

– Йўқ, – деди улар.

<sup>6</sup> – Тўрингизни қайиқнинг ўнг томонига ташланглар, шунда тутасизлар, – деди Исо.

Улар эса тўрни ташладилар ва балиқ кўплигидан тортиб ололмадилар. <sup>7</sup> Шу пайт Исонинг севикли шогирди Бутрусга:

– Ана, Раббимиз! – деди.

Симун Бутрус бу Раббимиз, деб эшитиб, ечиб ташлаган жомасини кийди-ю, ўзини қўлга отди.

<sup>8</sup> Бошқа шогирдлар эса балиқ тўла тўрни судраганча, қайиқда келдилар. Улар қуруқликдан яқин тақрибан икки юз газ нарида эдилар.

<sup>9</sup> Қирғоққа чиққанларида, ёниб турган кўмирни ва қовурилаётган балиқ билан нонни кўрдилар.

<sup>10</sup> Исо уларга:

– Сизлар ҳозир тутган балиқларингизни олиб келинглар, – деди.

<sup>11</sup> Симун Бутрус бориб, тўрни қирғоққа тортиб чиқарди. Тўрда бир юз эллик учта катта балиқ бор эди. Балиқлар кўплигига қарамасдан, тўр йиртилмади.

<sup>12</sup> Исо шогирдларига:

– Келиб овқатланинглар, – деди. Улардан ҳеч бири: “Сен кимсан?” – деб сўрашга ботинолмади, чунки улар, Бу бизнинг Раббимиз, деб билар эдилар. <sup>13</sup> Исо яқинроқ келиб, нонни олди ва уларга берди. Балиқни ҳам шундай бўлиб берди.

<sup>14</sup> Шу йўсин Исо тирилгандан кейин учинчи марта шогирдларига зоҳир бўлди.

### Исонинг Бутрусга саволи

<sup>15</sup> Нонушта қилиб бўлишгач, Исо Симун Бутрусдан сўради:

– Юнус ўғли Симун, сен Мени улардан кўпроқ севасанми?

– Ҳа, Раббим! Мен Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан-ку, – деди Унга Бутрус.

– Қўзиларимни ўтлат, – деди унга Исо.

<sup>16</sup> Иккинчи марта Исо Бутрусдан яна сўради:

– Юнус ўғли Симун, сен Мени севасанми?

– Ҳа, Раббим! Сени яхши кўришимни Ўзинг биласан-ку, – деди Бутрус Унга.

– Қўйларимни боқ, – деди унга Исо.

<sup>17</sup> Сўнг учинчи марта Бутрусдан сўради:

– Юнус ўғли Симун, сен Мени яхши кўрасанми?

Ўзидан уч марта: “Мени яхши кўрасанми”, деб сўраганига Бутрус хафа бўлди.

– Раббим! Сен ҳаммасини биласан, мен Сени яхши кўришимни ҳам биласан, – деди Бутрус. Исо унга шундай деди:

– Қўйларимни ўтлат! <sup>18</sup> Сенга ростини айттайин: ёш бўлганигда камарингни ўзинг боғлар, хоҳлаган жойингга борар эдинг. Лекин қариганигда эса қўлларингни узатасан ва бошқа биров камарингни боғлайди-ю, сени хоҳламаган жойингга олиб боради.

<sup>19</sup> Исо бу сўзларни Бутруснинг қай йўл билан ўлиб, Худони улуғлашига ишора қилиб айтган эди. Сўнгра унга:

– Менинг орқамдан юр! – деди.

#### Исо ва Унинг севикли шогирди

<sup>20</sup> Бутрус бурилиб, Исонинг севикли шогирди орқаларидан эргашиб келаётганини кўрди. Бу

кечки зиёфатда Исонинг бағрига бош қўйиб:

“Раббим, Сени ким тутиб беради?” – деб сўраган шогирди эди. <sup>21</sup> Бутрус уни кўриб, Исодан:

– Раббим, унинг тақдири нима бўлади? – деб сўради. <sup>22</sup> Исо унга:

– Агар Мен келгунимгача унинг соғ қолишини истасам, бундан сенга нима? Сен Менинг орқамдан юравер, – деди.

<sup>23</sup> Шундай қилиб, биродарлар орасида, бу шогирд ўлмайди, деган гап-сўз тарқалиб кетди. Ҳолбуки, Исо уни ўлмайди демаганди. У фақат: “Агар Мен келгунимгача унинг соғ қолишини истасам, бундан сенга нима”, – деб айтган эди.

#### Хотима

<sup>24</sup> Ана шу шогирд бу ишларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиб, уларни ёзиб олган. Унинг гувоҳлиги ҳақиқат эканлигини биламиз. <sup>25</sup> Исо бажарган бошқа бир талай ишлар ҳам бор. Булар бирма-бир ёзиб чиқилганда эди, ёзилган китоблар оламга ҳам сиғмас эди, деб ўйлайман.

Омин.

#### ФАОЛИЯТИ

# ҲАВОРИЙЛАР

## ФАОЛИЯТИ

### Муқаддима

**1** Эй Теофил, Исонинг бажаришга ва ўргатишга киришган ҳамма нарсаларини, чунончи Унинг дастлабки кунларидан бошлаб, то Узининг танлаган ҳаворийларига † Муқаддас Рух †† амри ила буйруқлар бериб, осмонга кўтарилган кунигача рўй берган ҳамма воқеаларни илк китобимда ‡ қаламга олдим.

<sup>3</sup> Исо азоб чекиб ўлгандан кейин, қирқ кун мобайнида ҳаворийларига зоҳир бўлиб, Худонинг Шоҳлиги ҳақида уларга сўзлар ва кўп ишонарли исботлар билан Узини барҳаёт қилиб кўрсатар эди. <sup>4</sup> Уларни тўплаб, буюриб деди:

– Қуддус шаҳридан кетиб қолманглар, балки Отамнинг †† берган ваъдаси амалга ошгунча у ерда кутиб туринглар. Сизлар бу ваъдани Мендан эшитгансизлар. <sup>5</sup> Яҳё †† пайғамбар одамларни сувга чўндириб, тавба қилдирган, сизлар эса кўп ўтмай Муқаддас Рухга чўндириласизлар.

### Исонинг осмонга кўтарилиши

<sup>6</sup> Ҳаворийлар шундай йиғилган пайтда, Исодан сўрадилар:

– Ё Раббий, Сенинг Исроилда Шоҳликни тиклашинг шу вақтга тўғри келмайдими?

<sup>7</sup> Исо уларга деди:

– Отам Ўз эрки билан белгилаб қўйган вақту фурсатларни билиш сизларнинг ишингиз эмас.

<sup>8</sup> Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Қуддусда, Яҳудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар.

<sup>9</sup> Буларни айтгач, Исо уларнинг кўз олдида осмонга кўтарилди. Уни булут қоплаб, кўздан ғойиб бўлди. <sup>10</sup> Исо кўтарилаётиб, ҳаворийлар осмонга тикилиб турган пайтда, оқ кийим кийган икки зот уларнинг ёнида пайдо бўлди:

<sup>11</sup> – Эй жалилаликлар! Нега сизлар осмонга қараб турибсизлар? Сизларнинг орангиздан осмонга

† ҲАВОРИЙЛАР: луғатга қаранг. †† МУҚАДДАС РУХ: Худонинг Рухи. ‡ ИЛК КИТОБИМ: яъни Инжилнинг “Луқо баён этган Муқаддас Хушхабар” деган қисми; қаранг: Луқо 1:1-4. †† ОТАМ: яъни Худо. †† ЯҲЁ: Исо Масиҳнинг келишини эълон этган пайғамбар; қаранг: Матто 3 ва 14-боб.

олинган бу Исо, кўкка кўтарилганини қандай кўрган бўлсангиз, худди шундай қайтиб келади, – дейишди.

### Хоин Яҳудонинг ўринбосари Маттия

<sup>12</sup> Шундан сўнг ҳаворийлар Зайтун тоғидан Қуддусга қайтиб келдилар. Бу тоғ Қуддусдан бир чақиримлик йўлчалик ††† яқиндир. <sup>13</sup> Улар шаҳарга кириб, қўнган хонадонларининг болохонасига чиқдилар. Бутрус, Ёқуб, Юҳанно ва Идрис, Филип ва Тўма, Бартолмей ва Матто, Алфей ўғли Ёқуб, ватанпарвар Симун ва Ёқуб ўғли Яҳудо ўша ерда эдилар. <sup>14</sup> Уларнинг ҳаммаси, шу жумладан, Исонинг онаси Марям, бошқа хотин-қизлар ҳамда Исонинг укалари яқдиллик ва сидқидиллик билан тоат-ибодатга берилган эдилар.

<sup>15</sup> Ўша кунларда юз йигирмага яқин имонли биродарлар йиғини олдида Бутрус оёққа турди-да, сўзга чиқиб: <sup>16</sup> “Эрлар, биродарлар! – деди. – Исони тутиб берганларнинг сарвари бўлмиш Яҳудо ҳақида Муқаддас Рухнинг Довуд пайғамбарга берган ояти бажо келиши керак эди. <sup>17</sup> Бу киши сафимизга қўшилиб, ўша хизматидан қисматига ярашасини олган эди. <sup>18</sup> У ҳаром йўл билан қўлга киритган пулига бир ерни сотиб олиб, гуп этиб кулаб тушди-ю қорни ёрилди, бутун ичак-човоқлари чиқиб кетди. <sup>19</sup> Бу ҳодиса бутун Қуддус аҳлига маълум бўлди ва у ер маҳаллий тилда Ҳақалдама, яъни “Қон Ери” деб аталиб қолди.

<sup>20</sup> Забур китобида ёзилганидай:

“Унинг маскани хувиллаб қолсин,  
Унда истиқомат қилувчи қолмасин”.

Ва шунингдек:

“Унинг ўрнини бошқаси олсин” †††.

<sup>21</sup> Шундай қилиб, энди сафимизга қўшиладиган киши, худди бизларга ўхшаб Раббимиз Исонинг тирилганига шоҳид бўлган биров бўлмоғи керак. Раббимиз Исо орамизда яшаган бутун замонда, яъни Яҳё пайғамбарнинг одамларни дарёда тавба қилдириш давридан бошлаб, то Исо орамиздан юксакликка олинган кунга қадар бизлар билан

††† БИР ЧАҚИРИМЛИК ЙЎЛ: аслида “бир дам олиш кунчалик йўл”, яъни дам олиш кунни – шанбада яҳудий динига кўра юриш мумкин бўлган масофа. ††† қаранг: Забур 68:26, 108:8.

бирга юрган одамлардан бири бўлиши лозим”, – деди.

<sup>23</sup> Шунга кўра икки кишини: Юстус лақабли ва Барсабо деб ҳам аталувчи Юсуф ҳамда Маттияни олға чиқаздилар. <sup>24</sup> Кейин ибодат қилиб дедилар: “Эй бутун инсонларнинг қалбини биладиган Раббимиз! Яхудонинг ўз жойига бориб, тарк этган ҳаворийлик хизматини бўйнига олиши учун бу икки кишидан қай бирини танладинг, уни кўрсатгин!”

<sup>26</sup> Шундан сўнг улар учун қуръа ташладилар. Қуръа Маттиянинг чекига тушди ва у ўн бир ҳаворийга қўшилди.

### Муқаддас Рухнинг келиши

**2** Ҳосил байрами † бўлганда, шогирдларнинг ҳаммаси яқдиллик билан бир жойда йиғилиб турган эдилар. <sup>2</sup> Тўсатдан осмондан кучли шамол эсаётгандек бир шовқин келди-ю, улар турган уйни тамоман тўлдирди. <sup>3</sup> Оловга ўхшаш алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бири устига биттадан кўнди. <sup>4</sup> Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Унинг бераётган башорати билан янги тилларда гапира бошлашди.

<sup>5</sup> Ўша замонда Қуддусда фалак остидаги ҳамма эллардан келган диндор яхудийлар турар эди. <sup>6</sup> Бу товушни эшитганларида, эл-улус бир жойга ялпи тўпланиб келди. Ҳар бири ўз шеvasида гапиришаётганини эшитиб, эсанкираб қолди. <sup>7</sup> Ҳамма ҳайрату таажжубга тушиб, ўзаро: “Бу гапираётганларнинг ҳаммаси жалилалик эмасми? – дейишарди. <sup>8</sup> – Қандай қилиб ҳар биримиз ўз она тилимизни эшитяпмиз? <sup>9</sup> Парфияликлар, мидияликлар, эламликлар; Месопотамия, Яхудия, Каппадокия, Понт ва Асия юртларида яшовчилар, <sup>10</sup> Фригия, Памфилия, Миср ва Ливиянинг Киринаея атрофидаги ерларда яшовчилар, Римдан келганлар, яхудийлар билан яхудий динига кирганлар ҳам, <sup>11</sup> критликлар билан араблар ҳам бизнинг тилларимизда Худонинг улуғ ишлари ҳақида гапираётганларини эшитяпмиз”, – дер эдилар. <sup>12</sup> Ҳамма довдираб қолиб, бир-бирига: “Бу қандай гап?” – деб таажжуб изҳор этарди. <sup>13</sup> Бошқалари эса масхара қилиб: “Улар мусаллас ичиб маст бўлишибди”, – деб айтишарди.

### Ҳаворий Бутруснинг хутбаси

<sup>14</sup> Унда Бутрус ўн бир ҳаворий билан бирга оёққа қалқиди-да, овозини баландлатиб халойиққа хитоб қилди:

“Эй барча яхудийлар ва Қуддусда яшовчилар, сўзларимга қулоқ солиб, шуни билиб қўйинглар: <sup>15</sup> Бу одамлар сиз ўйлагандек маст эмаслар, чунки ҳозир эрталаб соат тўққиз-ку! ††<sup>16</sup> Бу воқеа билан

Йўэл пайғамбарнинг азалдан каромат қилиб айтганлари бажо келмоқда. У айтган эди:

<sup>17</sup> “Мана, охирги кунларда воқеа бўлади, – дейди Худованд – Мен бутун жонзод узра Ўз Рухимни ёғдираман. Сизнинг ўғил-қизларингиз башорат қиладилар, Йигитларингиз ваҳий кўрадилар, Мўйсафидларингиз кароматли туш кўрадилар. <sup>18</sup> Ўша кунларда Мен қулу чўриларим устига Ўз Рухимни ёғиндай юбораман, Улар эса башорат берадилар. <sup>19</sup> Юксакликда, осмонда ғаройибот, Тубанликда, ер юзида эса ажойибот, Қон, олов ва паға-паға тутун барпо қиламан. <sup>20</sup> Худованднинг улуғ ва нурафшон куни келишидан аввал, Қуёш қоронғиликка, ой эса қонга айланиб кетади. <sup>21</sup> Ўшанда Худованд исмини айтиб чақирган Ҳар бир киши нажот топади”.

<sup>22</sup> Эй Исроил эрлари, бу сўзларни тингланглар! Носиралик ‡ Исо – қилган қудратли ва ажойиб мўъжизалари асосида Худо томонидан тасдиқланган кишидир. Унинг орангизда қилган ишларини ўзларингиз биласизлар. <sup>23</sup> Худонинг азалий мурод-мақсади ва чексиз билимига кўра қўлингизга топширилган ўша Одамни сизлар тутиб, қонунсизлар қўли билан хочга михлатиб ўлдирдингизлар. <sup>24</sup> Лекин Худо ўлим занжирларини узиб, Уни тирилтирди, чунки ўлим Уни ушлаб туриши мумкин эмас эди. <sup>25</sup> Довуд *Забурда* У ҳақда деганидай:

“Худовандни доимо олдимда кўрдим.

У ўнг томонимда бўлгани учун,  
Мен ҳеч қачон иккиланмадим.

<sup>26</sup> Шул боис юрагим қувонур,  
Тилимдан шод-хуррамлик тўкилур,  
Бундан сўнг таним умидвору бехатар бўлур.

<sup>27</sup> Сен жонимни ўликлар диёрига ташлаб кетмайсан,

Азизингнинг чиришни кўришига йўл қўймайсан.

<sup>28</sup> Ҳаёт йўлларини менга билдириб келдинг,  
Ўз ҳузурингда мени бахт-қувончга тўйдирасан” ††.

<sup>29</sup> Эрлар, биродарлар! Сизларга улуғ отамиз Довуд ҳақида рўй-рост гапиришимга ижозат берилсин: у ҳам ўлди, ҳам кўмилди ва унинг қабри бугунгача бизда бордир. <sup>30</sup> У пайғамбар бўлгани учун билар эдики, Худо унга қасам ичиб берган ваъдаси бўйича ўз уруғидан бўлганлардан бирини [Масиҳ қилиб, ўлимидан кейин тирилтириб] тахтига ўтирғизади. <sup>31</sup> У Масиҳнинг тирилишини олдиндан кўриб, Унинг жони ўликлар диёрига ташланмаслиги, жасади эса чиришни кўрмаслиги тўғрисида каромат қилган эди. <sup>32</sup> Ана бу Исони Худо тирилтириб қўйди, биз ҳаммамиз эса бунинг гувоҳларимиз. <sup>33</sup> У Худонинг қудрати билан юксалтирилгандан кейин, Ота Худонинг ваъдаси

† ҲОСИЛ БАЙРАМИ: луғатга қаранг. †† СОАТ ТЎҚҚИЗ: аслида “3-соат”; вақт жадвалига қаранг.

‡ НОСИРА: Исонинг улғайган шахри. †† қаранг: *Забур* 15:8-11.

бўйича олган Муқаддас Рухни бизга ёгиндай юборди. Ҳозир сизлар бу воқеани кўриб, эшитиб турибсизлар. <sup>34</sup> Довуд ўзи осмонга чиқмаган бўлса-да, шуни айтиб кетган:

“Худованд менинг Раббимга деди:

<sup>35</sup> Ёвларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча, Сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин” †.

<sup>36</sup> Шундай қилиб, бутун Исроил аҳли узил-кесил билсинки, сизлар хочга михлаган бу Исони Худо – Раб ва Масих қилиб тайинлади”.

<sup>37</sup> Бу сўзларни эшитганлар юракларига ўқ қадалгандай бўлишди, Бутрус ва бошқа ҳаворийларга:

– Биродарлар, биз нима қилайлик? – дейишди.

<sup>38</sup> Бутрус уларга деди:

– Тавба қилинглр ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масих номидан сувга чўмиб имон келтиринглр. Шундай қилиб, Муқаддас Рух инъомини оласизлар. <sup>39</sup> Чунки бизнинг Раббимиз – Худованд бу ваъдани сизлар билан фарзандларингиз ва шунингдек, ҳамон узоқлардан чорламоқчи бўлган ҳамма одамзод учун берган.

<sup>40</sup> Бутрус бошқа кўп сўзлар билан тингловчиларни оғоҳлантириб: “Бу бузуқ наслдан халос бўлинглар!” – деб ўтинар эди. <sup>41</sup> Шундай қилиб, унинг сўзини чин кўнгилдан қабул қилганлар сувга чўмиб имон келтирдилар. Ўша куни уч мингга яқин жон жамоатга кўшилди. <sup>42</sup> Улар ҳаворийларнинг таълимотига, ҳамдўстликка, нон синдиришга †† ва тоат-ибодатларга астойдил берилиб борар эдилар.

### Имонлилар жамоатининг бирдамлиги

<sup>43</sup> Ҳар бир жонда хавотир бор эди. Ҳаворийлар эса Қуддусда кўп ажойиб ва мўъжизакор ишлар қилмоқда эдилар. <sup>44</sup> Бутун имон топганлар ҳамжиҳат бўлиб, ҳамма нарсалари муштарак эди. <sup>45</sup> Мол-мулкларини сотиб ҳаммага, ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб тақсимлаб, ёрдамлашар эдилар. <sup>46</sup> Ҳар куни яқдиллик билан маъбадда ‡ йиғилиб туришар, уйларида эса нон синдириб, шодлик ва соддадиллик билан овқатланишарди. <sup>47</sup> Худонинг ҳамду саноси уларнинг тилидан тушмас, бутун халқнинг кўнглини хушлардилар. Худо эса кун сайин нажот топганларни имонлилар жамоатига кўшиб кўяр эди.

### Шол тиланчини соғайтириш

**3** Бир куни Бутрус билан Юҳанно ибодат маҳали – соат учда †† бирга маъбадга чиқаётган эдилар. <sup>2</sup> У ерда онадан туғма шол бўлган биров ҳам бор эди. Бу одамни маъбадга кираётганлардан садақа тилаш учун ҳар кун маъбаднинг Гўзал деган дарвозаси ёнига келтириб кўяр эдилар. <sup>3</sup> У

† қаранг: Забур 109:1. †† НОН СИНДИРИШ: умуман овқатланиш ва айниқса, Исонинг ўлимини ёдлаш мақсадида ўтказиладиган махсус маросим; яна қаранг: 1-Коринфликлар 11:17-34. ‡ МАЪБАД: луғатга ва маъбад харитасига қаранг. †† СОАТ УЧ: аслида “9-соат”; вақт жадвалига қаранг.

маъбадга кириб келаётган Бутрус билан Юҳаннони кўрибоқ, улардан ҳам садақа сўради. <sup>4</sup> Бутрус билан Юҳанно эса кўзларини унга тикиб:

– Бизларга қара! – дедилар.

<sup>5</sup> У одам улардан бирон нарса олишни умид қилиб, уларга диққат билан қарар эди. <sup>6</sup> Бутрус унга:

– Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман: носиралик Исо Масих номидан сенга айтаман, ўрнингдан туриб юр! – деди-ю, <sup>7</sup> ўнг қўлидан тутиб, уни оёққа турғизди. Бирданига унинг тиззалари билан тўпиклари мустаҳкамланиб қолди. <sup>8</sup> У дик этиб оёққа турди-да, юра бошлади. Худога ҳамд айтиб, ирғиб-сакраб юрганича, улар билан маъбадга кирди.

<sup>9</sup> Бутун халқ эса у одамнинг Худони қандай олқишлаб бораётганини кўрди. <sup>10</sup> Маъбаднинг Гўзал деган дарвозасида садақа сўраб ўтирадиган одам бунинг ўзи эканини улар пайқагач, у билан юз берган мўъжиза қаршисида ғоят ажабланиб ҳайрон қолдилар.

### Ҳаворий Бутруснинг иккинчи хутбаси

<sup>11</sup> Соғайган шол Бутрус билан Юҳаннонинг олдидан кетмай тургани учун, бутун халқ ҳайрон бўлиб, уларнинг ҳузурига югуриб келди. У ер Сулаймон равоқи эди.

<sup>12</sup> Бутрус буни кўриб, халққа хитобан: “Эй Исроил эрлари! – деди. – Нима учун бунга ҳайрон бўляпсизлар? Гўё бизлар ўз қудратимиз ёки тақводорлигимиз билан ўша кишини оёққа турғизганимиздек, бизларга нега қараб турибсизлар? <sup>13</sup> Мана, ота-боболаримизнинг Худоси, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси Ўзининг Ўғлони †† Исони юксалтириб, шон-шарафга сазовор қилган. Сизлар эса Унинг хоинлари бўлдингизлар. Пилат ††† Уни кўйиб юборишга қарор қилганда, Пилатнинг олдида Уни рад қилдингизлар. <sup>14</sup> Қотил одамнинг сизларга бахш этилишини сўраб, муқаддас ва солиҳ Бўлганни рад қилдингизлар. <sup>15</sup> Ҳа, Ҳаёт Соҳибини ўлдирдингизлар. Бироқ Худо Уни тирилтирди ва биз бунга гувоҳимиз. <sup>16</sup> Бу сизлар кўрган ва билган одам эса Исонинг исми ҳақи, Унинг исмига ишонини сабабли олдингизда соппа-соғ турибди. Ҳаммангизнинг кўз ўнгингизда бу одамга шифо берган нарса – Исо номидан қилинган эътиқоддир.

<sup>17</sup> Энди биродарлар, бошлиқларингиз каби сизлар ҳам бу ишни билмасдан қилганингизни биламан. <sup>18</sup> Худо-ку барча пайғамбарлар оғзи ила Масихнинг азоб чекишини олдиндан хабар қилган эди ва Ўз сўзини ана шу йўсинда бажо келтирди. <sup>19</sup> Шундай қилиб, гуноҳларингизнинг ўчирилиши учун тавба қилинглр ва Худога илтижо этинглр, <sup>20</sup> токи Худо сизларга фароғат кунларини бахш этсин ва азалдан

†† ЎҒЛОНИ: ёки, қули, яъни қадимги пайғамбарлар Унинг келишини айтган Худонинг Азизи – Масих; яна қаранг: Матто 12:15-21. ††† ПИЛАТ: Исони суд қилган ҳукмрон.

тайинлаган Исо Масиҳни олдингизга юборсин.

<sup>21</sup> Гарчи, Худо қадимдан бери муқаддас пайғамбарлар оғзи билан билдирган борлиқни тузатиш вақти бўлмагунга қадар, У осмонда қолиши керакдир.

<sup>22</sup> Мусо пайғамбар ота-боболаримизга гапириб деган: “Раббингиз бўлган Худованд сизларга биродарларингиз орасидан мен каби бир Пайғамбар зоҳир қилгай. Бутун ишларда сизларга нимаики гапирса, Унга қулоқ солингизлар. <sup>23</sup> Уша Пайғамбарга қулоқ солмаган ҳар бир жон ўз халқи орасидан қириб ташлангай”.

<sup>24</sup> Шунингдек, Шомуил пайғамбардан бошлаб, ундан кейин гапирган бутун пайғамбарлар ҳам бу кунларга қарата башорат қилганлар. <sup>25</sup> Сизлар эса пайғамбарлар ворислари †, Худо ота-боболарингиз билан қилган аҳднинг ворисларисизлар. Худо: “Ер юзидаги барча халқлар сенинг наслингдан барака топадилар”, – деб Иброҳим билан аҳд тузган эди.

<sup>26</sup> Шундай қилиб, Худо ҳар бирингизни ёвуз ишларингиздан қайтариб, баракали қилай, деб Ўзининг Ўғлини Исони тирилтирди ва биринчи галда сизларга юборди”.

#### Бутрус билан Юҳанно қамоқда

**4** Бутрус билан Юҳанно халққа гапириб турганда, руҳонийлар, маъбад миршаббошиси ҳамда саддуқий †† мазҳабидан бўлганлар уларнинг устига бостириб келдилар. <sup>2</sup> Улар Исони ибрат қилиб кўрсатиб, ўликларнинг тирилиши ҳақида халққа таълим бераётганлари учун, дин пешволари жуда аччиқланган эдилар. <sup>3</sup> Бутрус билан Юҳаннони ушладилар ва энди вақт кеч бўлди, деб эртагача уларни қамоқхонада қолдирдилар. <sup>4</sup> Сўзни эшитганларнинг кўплари эса имон келтирдилар; бу одамларнинг сони беш мингга яқин эди.

<sup>5</sup> Эртаси куни яхудийларнинг бошлиқлари, оқсоқоллари ва уламолари Қуддусда тўпландилар. <sup>6</sup> Олий руҳоний Ханан, Каяфа, Юҳанно, Искандар ва олий руҳоний авлодидан бўлган бошқаларнинг ҳаммаси шу ерда эдилар. <sup>7</sup> Иккала ҳаворийни ўртада турғизиб: “Сизлар қандай ваколат билан ва кимнинг номидан буни қилдингизлар?” – деб сўрашди улардан.

<sup>8</sup> Муқаддас Рухга тўлган Бутрус уларга деди: “Эй халқнинг раҳнамолари, Исроилнинг оқсоқоллари! <sup>9</sup> Агар бугун бир хаста одамга қилинган эзгу иш, унинг қандай шифо топгани ҳақида биздан жавоб талаб қилаётган бўлсангиз, <sup>10</sup> унда ҳаммангизга – бутун Исроил халқига маълум бўлсинки, сизлар хочга михлаб қўйган ва Худо эса тирилтирган носиралик Исо Масиҳ исми ҳақи бу одам қаршингизда соппа-соғ турибди. <sup>11</sup> Бу Исо – оятдагидек: “Сиз бинокорлар менсимаган, лекин пештоқнинг боши бўлиб қолган тошдир” ‡. Бошқа

† ВОРИСЛАР: аслида “ўғиллар”. †† САДДУҚИЙ: луғатга қаранг. ‡ қаранг: Забур 117:22, Луқо 20:17, 1-Бутрус 2:4-7.

ҳеч кимдан нажот йўқ. <sup>12</sup> Нажот топишимиз учун, осмони фалак остида одамзодга берилган бошқа ҳеч бир исм йўқ”.

<sup>13</sup> Руҳонийлар Бутрус ва Юҳаннонинг бу жасоратини кўриб ва улар ўқимаган, оддийгина одамлар эканларини билиб, жуда ҳайрон қолдилар. Уларнинг Исо билан бирга бўлганликларини пайқаб олдилар. <sup>14</sup> Шифо топган одамнинг ҳам улар билан бирга турганини кўриб, уларга қарши ҳеч нарса айта олмадилар. <sup>15</sup> Уларга кенгашдан ташқарига чиқиб кетишни буюриб, сўнгра ўзаро муҳокама қилишга тушдилар. <sup>16</sup> “Бу одамларни нима қилишимиз керак? Уларнинг кўли билан очиқдан-очиқ бир мўъжиза қилинганини бутун Қуддус аҳли билиб олди-ку! Бизлар буни рад қилолмаймиз. <sup>17</sup> Лекин халқ орасида бу гап яна кўпроқ ёйилмаслиги учун уларга дўқ урамиз, яна тағин бу исм тўғрисида бошқа ҳеч кимга сўзламасинлар”, – дейишди.

<sup>18</sup> Сўнгра уларни чақириб, Исо номини тилга олиб мутлақо таълим берманглар, деб буюрдилар.

<sup>19</sup> Лекин Бутрус ва Юҳанно уларга жавоб бериб: “Ўзларингиз қарор қилинган, Худодан кўра кўпроқ сизларга қулоқ солишимиз Худо олдида тўғри бўладими? <sup>20</sup> Биз кўрган-эшитганларимизни айтмай туролмаймиз”, – дейишди.

<sup>21</sup> Кенгаш аъзолари жазо бериш учун ҳеч қандай асос тополмагач, уларга яна бир дўқ уриб, кўйиб юбордилар. Мўъжиза натижасида шифо топган одам қирқ ёшдан ошганини бутун халқ билиб, юз берган воқеа учун Худога ҳамду сано айтишар эди.

#### Имонлилар жамоатининг ибодати

<sup>23</sup> Бутрус билан Юҳанно озодликка чиқарилгандан кейин, ўртоқларининг қошига бориб, олий руҳонийлар билан оқсоқолларнинг барча айтганларини сўзлаб бердилар. <sup>24</sup> Улар буни эшитгач, бир овоздан Худога нидо қилиб дедилар:

“Эй бизнинг Эгамиз, еру осмон, денгиз ва уларнинг ичидаги ҳамма нарсаларни яратган Худо! <sup>25</sup> Сен Муқаддас Рух орқали Ўз қулинг – отамиз Довуд оғзи ила дегансан:

“Миллатлар нега исён кўтаряптилар?

Халқлар нега беҳуда қасд қилмоқдалар?

<sup>26</sup> Дунё подшоҳлари ва ҳукмдорлари бош кўтариб, Худованд ва Унинг Масиҳига қарши тил бириктирдилар” ††.

<sup>27</sup> Ҳақиқатан ҳам, Ҳирод билан Пўнтий Пилат бу шаҳарда Исроил халқи ва бошқа халқлар билан тил бириктириб, Сен Масиҳ деб тайинлаган азизу муқаддас Ўғлонинг †† Исога қарши кўл кўтаришди.

<sup>28</sup> Сен Ўз қудратинг ва хоҳишинг билан аввалдан белгилаган ишларнинг ҳаммасини бажаришди.

<sup>29</sup> Энди, ё Раббий, уларнинг дўқ-пўписаларига қара, Сенинг сўзингни тўла жасорат билан айтиш қувватини шу қулларингга эҳсон айла. <sup>30</sup> Азиз

†† қаранг: Забур 2:2-3. †† ЎҒЛОНИНГ: 3:13 даги изоҳга қаранг.



Ўғлонинг Исо исми билан одамларга шифо бериш ва турли аломатлар, мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!”

<sup>31</sup> Ибодат қилиб бўлгач, улар йиғилиб турган жой силкиниб кетди. Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Худонинг сўзини жасорат билан гапира бошладилар.

#### Имонлилар жамоатининг муштарак ҳаёти

<sup>32</sup> Инонганларнинг жамоати бир жон, бир тан эди. Ҳеч бири мулкидан бирон нарсани меники демас эди, ҳамма нарсани умумий деб билишар эди.

<sup>33</sup> Ҳаворийлар эса Раббимиз Исо Масих қайта тирилди, деб жуда таъсирчан тарзда гувоҳлик беришар эди. Худонинг буюк инояти барчада намоён бўлаётган эди. <sup>34</sup> Ораларида муҳтож киши йўқ эди. Чунки ерлари ёки уй-жойлари бор бўлганларнинг ҳаммаси мулкларини сотар, эвазига олган пулларини келтириб, <sup>35</sup> ҳаворийларнинг ихтиёрига топширардилар. Шу йўсинда пул ҳар бирига эҳтиёжга кўра тақсимланар эди.

<sup>36</sup> Шулар каби Юсуф исмли, левитлар авлодига мансуб кипрлик бир киши бор эди. Ҳаворийлар унга Барнабо, яъни “далда берувчи” деган ном беришган эди. <sup>37</sup> У ўз ерини сотиб, пулини ҳаворийларнинг ихтиёрига топширди.

#### Ҳанания билан Саффира

**5** Яна Ҳанания деган бир киши билан хотини Саффира бор эдилар. Бу киши бир ерни сотиб, <sup>2</sup> хотинининг розилиги билан ўша пулдан бир қисмини олиб яширди, бир қисмини эса келтириб ҳаворийларнинг ихтиёрига топширди.

<sup>3</sup> Бутрус унга деди:

– Эй Ҳанания, нега энди сен шайтонга юрагингни бой бериб, Муқаддас Рухга ёлғон гапирдинг, ернинг пулидан бир қисмини олиб яширдинг?

<sup>4</sup> Сотидан олдин у сеники эмасмиди? Сотилгандан кейин ҳам пули сенинг ҳукмингда эмасмиди? Нима учун дилингда бундай ният қилдинг? Сен одамларга эмас, балки Худога ёлғон гапирдинг.

<sup>5</sup> Ҳанания бу сўзларни эшитиши биланоқ ерга йиқилиб жон берди. Бундан эшитганларнинг ҳаммасини қаттиқ даҳшат қоплади. <sup>6</sup> Йигитлар ўликни кафанлашга киришдилар ва ташқарига чиқариб кўмдилар.

<sup>7</sup> Бундан қарийб уч соат кейин, бўлиб ўтган воқеадан хабарсиз Ҳананиянинг хотини ҳам кириб келди. <sup>8</sup> Бутрус бурилиб, ундан сўради:

– Менга айтгин, ерни шунчага сотдингизларми?

– Ҳа, шунчага, – деди аёл. <sup>9</sup> Бутрус:

– Нега сизлар Тангри Рухини синаб кўришга келишдингизлар? Мана, эрингни кўмганлар эшикдан киришяпти. Энди сени ҳам ташқарига олиб чиқишади, – деди.

<sup>10</sup> Шу ондаёқ аёл Бутруснинг оёқларига йиқилиб, жон берди. Йигитлар ичкарига кириб, уни ўлиб

ётган ҳолда кўрдилар. Ўлигини ташқарига олиб чиқиб, эрининг ёнига кўмдилар.

<sup>11</sup> Бу воқеаларни эшитган бутун имонлилар жамоати ва бошқа ҳаммани қаттиқ даҳшат қоплади.

#### Шифолар, мўъжизалар

<sup>12</sup> Халқ орасида ҳаворийларнинг қўллари билан кўп ажойиб ва мўъжизали ишлар содир бўлар эди. Ҳамма имонлилар яқдиллик билан Сулаймон равоқида йиғилиб турдилар. <sup>13</sup> Халқ шарафлаётган бўлса-да, аммо ташқаридан ҳеч ким улар билан кўшилишга журъат эта олмас эди. <sup>14</sup> Шунга қарамай, Исони Раббим деб тан олиб, жамоатга кўшилган эркак ва аёлларнинг сони тобора ортиб борар эди. <sup>15</sup> Бутрус ўтиб кетаётганда, ҳеч бўлмаса унинг сояси баъзилар устига тушсин деб, хасталарни кўчаларга чиқазиб, замбил ва каравотларга ётқизиб қўйишар эди. <sup>16</sup> Теварақдаги шаҳарлар аҳолиси ҳам Қуддусга кўплашиб келиб, ўзларининг касал ва ёмон руҳлардан қийналган одамларини келтирар эдилар. Қийналганларнинг ҳаммаси эса шифо топар эдилар.

#### Ҳаворийлар қувғин остида

<sup>17</sup> Шунинг кетидан олий руҳоний ва унинг саддуқий мазҳабидаги барча маслакдошларининг ғашлиги келди. <sup>18</sup> Ҳаворийларни қўлга олиб, давлат қамоқхонасига ташладилар. <sup>19</sup> Лекин Худованднинг фариштаси кечаси зиндоннинг эшикларини очиб, уларни ташқарига чиқариб қўйди. <sup>20</sup> “Боринглар, маъбадга чиқиб, бу абадий ҳаёт сўзларининг барини халққа айтаверинглар!” – деди фаришта. <sup>21</sup> Ҳаворийлар бу сўзга қулоқ солиб, эрта тонг маъбадга кириб таълим бера бошладилар.

Шу пайтда олий руҳоний ва у билан бирга бўлганлар келиб, Исроил ўғилларининг оқсоқоллар мажмуи бўлган Олий Кенгашни йиғилишга чақирдилар, ҳаворийларни келтириш учун зиндонга одам юбордилар. <sup>22</sup> Лекин хизматкорлар бориб, зиндонда уларни топмай, қайтиб келиб:

<sup>23</sup> – Биз қамоқхонани бутун эҳтиёткорлик билан қулфланган ва қоровулларни эшиклар олдида турган ҳолда кўрдик. Лекин очиб қараганимизда, ичкарида ҳеч кимни топмадик, – деган хабарни бердилар.

<sup>24</sup> Маъбад миршаббошиси ва барча олий руҳонийлар бу сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлишди. “Бу нима бўлиши мумкин?” деб ўйлаиб қолдилар.

<sup>25</sup> Ўша пайтда бир одам хабар олиб келиб:

– Мана, сизлар зиндонга ташлаган одамлар маъбадда халққа таълим бериб юришибди, – деди.

<sup>26</sup> Миршаббоши хизматчилари билан бирга бориб, уларни олиб келтирди. Халқ бизларни тошбўрон қилар, деб қўрққанлари учун уларга зўрлик ишлатмадилар.

<sup>27</sup> Ҳаворийларни олиб келиб, Олий Кенгаш ҳузурида турғизиб қўйишди. Олий руҳоний уларни сўроқ қилди:

<sup>28</sup> – Бу исм асосида таълим берманглар, деб сизларга қаттиқ тақиқ қилмаганмидик? Мана, таълимотингиз билан Қуддусни тўлдириб юбордингизлар ва бу Одамнинг қонини бизнинг бўйнимизга туширмоқчисизлар, – деди. <sup>29</sup> Бутрус ва бошқа ҳаворийлар бунга жавобан:

– Одамлардан кўра Худога кўпроқ итоат қилиш керак. <sup>30</sup> Сизлар ёғочга осиб ўлдирган Исони ота-боболаримизнинг Худоси тирилтириб қўйди.

<sup>31</sup> Исроил халқи гуноҳ қилишдан қайтиб кечирим топсин, деб Худо Исони юксалтириб, Ўзининг ўнг томонига ўтқазиб, Сарвар ва Халоскор қилиб қўйди. <sup>32</sup> Бизлар бу ишларнинг гувоҳларимиз. Шунингдек, Худога итоат қилганларга насиб бўладиган Муқаддас Рух ҳам гувоҳлик қилмоқда, – дедилар.

#### Гамалиэлнинг доно маслаҳати

<sup>33</sup> Кенгаш аъзолари бунга эшитгач, қаттиқ ғазабланиб ҳаворийларни ўлдиришга қасд қилдилар. <sup>34</sup> Лекин фарзий мазҳабидаги бир Таврот тафсирчиси, бутун халқнинг ҳурматини қозонган Гамалиэл исмли бир киши Кенгашда ўрнидан туриб, ҳаворийларни қисқа вақтга ташқарига чиқазиб туришни буюрди. <sup>35</sup> Сўнг Кенгаш аъзоларига хитоб қилди:

“Эй Исроил эрлари, бу одамлардан эҳтиёт бўлинглар! Сизлар нима қилмоқчисизлар? <sup>36</sup> Мана, бундан олдин ўзини бир буюк кишидек кўрсатган Февда пайдо бўлди-ку, унга эса қарийб тўрт юз киши қўшилди. У ўлдирилди, унга қўшилганларнинг ҳаммаси эса тарқаб, йўқолиб кетишди. <sup>37</sup> Ундан кейин, аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган вақтда жалилалик Яҳудо пайдо бўлиб, анча халқни орқасидан эргаштириб борди. Лекин у ҳам ҳалок бўлди ва унга эргашганларнинг барчаси тарқаб кетишди. <sup>38</sup> Энди сизлар бу одамлардан қўл тортинглар, дейман, уларни қўйиб юборинглар! Чунки агар бу қилинган ташаббус, бу ҳаракат инсон иши бўлса, вайрон бўлади. <sup>39</sup> Лекин агар Худодан бўлса, сизлар уни бузолмайсизлар. Яна сиз ҳам Худога қарши уруш қилганлардан бўлиб қолманглар!”

<sup>40</sup> Кенгаш аъзолари Гамалиэлнинг маслаҳатига кўнишди. Ҳаворийларни чақириб, уларни калтаклашга буюришди. Сўнг Исо номидан сўзлашларини тақиқлаб, уларни қўйиб юборишди.

<sup>41</sup> Ҳаворийлар эса, Раббимиз Исо номи учун ҳақоратга сазовор бўлдик, деб қувониб, Кенгашдан чиқиб кетишди. <sup>42</sup> Улар ҳар қуни маъбадда ва хонадонларда таълим бериш, Исо Масих ҳақидаги Хушхабарни ёйишдан тинмас эдилар.

#### Етти вазифадорни танлаш

**6** Исо шогирдлари кўпайиб бораётган ўша кунларда юнон тилида сўзлашувчи яҳудийлар орасидан ерли яҳудийларга қарши норозилик юз берди, чунки кундалик эҳтиёжларини улашиб бераётганда, уларнинг бева аёллари эътиборсиз қолардилар. <sup>2</sup> Ана шу сабабли, ўн икки ҳаворий Исо шогирдларининг жамини чақириб, бундай дедилар:

“Биз Худонинг каломини ёйиш ишини четда қолдириб, дастурхонга хизмат қилишимиз яхши эмас. <sup>3</sup> Эй биродарлар, энди синалган ҳамда Муқаддас Рух ва ҳикматга тўлиб-тошган етти кишини орангиздан танлаб олинглар; уларни бу хизматга тайин этамиз. <sup>4</sup> Бизлар эса доимо ибодатга берилиб, Худо каломини ёйиш хизматида машғул бўлайлик”.

<sup>5</sup> Бу таклиф бутун жамоатга маъқул тушди. Имони комил ва Муқаддас Рухга тўлган Стефан исмли одамни, шунингдек, Филип, Прохор, Никанор, Тимон, Пармен ва яҳудий динига кирган антиохиялик Николайни сайладилар. <sup>6</sup> Уларни ҳаворийлар олдига турғизиб қўйдилар. Ҳаворийлар эса уларнинг бошига қўлларини қўйиб дуо қилдилар.

<sup>7</sup> Шундай қилиб, Худонинг каломи ёйилган сари, Қуддусдаги Исо шогирдларининг сони ниҳоятда кўпайиб борар эди. Айниқса, руҳонийлардан кўпчилик имонга бўйсунди эди.

#### Стефанни қўлга олиш

<sup>8</sup> Бу пайт имони комил <sup>†</sup> ва илоҳий қудратга тўлган Стефан халқ орасида буюк ва ажойиб мўъжизалар кўрсатар эди. <sup>9</sup> Эркинлар Синагогаси деган яҳудий жамоасидан баъзилари, шунингдек, Кириная, Искандария, Киликия ва Асиядан бўлган бир қанча кишилар Стефан билан баҳсга киришдилар. <sup>10</sup> Бироқ унинг сўзидаги ҳикмат ва Рухга қарши туролмадилар. <sup>11</sup> Шунда баъзи одамларни гижгижлаб: “Бунинг Мусо ва Худога қарши куфр сўзлари айтганини эшитдик”, – деб айтишга кўндирдилар. <sup>12</sup> Эл-халқни ва оқсоқоллар билан уламоларни кўзгаб, Стефанга ҳужум қилишди-ю, уни тутиб олиб, Олий Кенгашнинг қошига судраб келишди. <sup>13</sup> Сохта гувоҳларни ёллаб, уларга бундай дегиздилар: “Бу одам ҳадеб шу муқаддас маъбад ва Тавротни ёмонлаб юрибди-ку. <sup>14</sup> Носиралик Исо бу жойни хароб қилади ва Мусонинг бизларга берган урф-одатларни ўзгартиради, деб айтганини эшитдик”.

<sup>15</sup> Шу пайт Олий Кенгашда ўтирганларнинг ҳаммаси Стефанга тикилиб қараб, унинг юзи бир фариштанинг юзига ўхшаб қолганини кўришди.

<sup>†</sup> Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Худо иноятига тўла”.

### Стефаннинг ҳимоя нутқи

7 Олий руҳоний Стефандан: “Бу сўзлар ростми?” – деб сўради. <sup>2</sup> Стефан сўз бошлади: “Эй эрлар, биродарлар ва оталар, тингланглар! Отамиз Иброҳим Ҳорон шахрига кўчиб ўрнашишидан аввал, ҳали Месопотамияда бўлганда, улуғвор Худованд унга зоҳир бўлиб: <sup>3</sup> “Ўз ерингдан, она юртингдан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга кет”, – деган эди. <sup>4</sup> Ўшанда Иброҳим халдейларнинг юртидан чиқиб, Ҳорон шахрида истиқомат қилди. Отаси ўлгандан кейин, у ердан сизлар яшаётган бу ерга Худо уни кўчирди. <sup>5</sup> Бу ерда унга оёқ кўядиган бирон парча ерни бермади. Лекин ҳали унинг боласи йўқ экан, Худо бу юртни унга ва унинг зурриётига мулк қилиб беришни ваъда этди. <sup>6</sup> Худо унинг зурриёти бегона юртда ғарибларча яшаб, тўрт юз йил қул бўлиб жабр-зулм кўражагини билдирди. <sup>7</sup> “Уларни қул қилиб олган халқни эса Мен ҳукм қиламан. Шундан кейин улар у ердан чиқиб, бу ерда Менга хизмат қиладилар”, – деди Худо. <sup>8</sup> Сўнгра уларга суннат аҳдини <sup>†</sup> берди. Иброҳим эса Исҳоқ исмли ўғил кўриб, уни саккиз кунлигида суннат қилди. Исҳоқ ҳам Ёқуб билан, Ёқуб эса ўн икки қабиламиз оталари билан шундай йўл тутди. <sup>9</sup> Оталар ғаразга тўлиб, Юсуфни Мисрга сотдилар. Лекин Худо у билан бирга эди. <sup>10</sup> Худо Юсуфни бутун қайғуларидан халос қилиб, унга ҳикмат берди, уни Миср подшоҳи Фиръавннинг ҳимматида сазовор этди. Фиръавн уни Миср ва бутун саройи устидан ҳоким қилиб қўйди. <sup>11</sup> Ундан сўнг бутун Миср ва Канъон ўлкалари бўйлаб қаҳатчилик юз берди-ю, буюк қайғу даври бошланди. Оталаримиз озиқ-овқат топмайдиган бўлишди. <sup>12</sup> Ёқуб Мисрда буғдой борлигини эшитиб, биринчи галда оталаримизни у ерга жўнатди. <sup>13</sup> Иккинчи гал борганларида эса, Юсуф ака-укаларига ўзини танитиб қўйди. Шу йўсинда Юсуфнинг авлоди Фиръавнга маълум бўлиб қолди. <sup>14</sup> Юсуф ҳам хабар юбориб, отаси Ёқубни ва етмиш беш нафардан иборат бутун уруф-аймоғини чақиртириб олди. <sup>15</sup> Ёқуб Мисрга борди. Ўзи ва оталаримиз у ерда қазо қилдилар. <sup>16</sup> Сўнгра жасаdlари Шакам шахрига келтирилиб, шакамлик Ҳамўр ўғилларидан Иброҳимнинг кумуш пулга сотиб олган мақбарасига дафн этилдилар. <sup>17</sup> Худо Иброҳимга берган қасамли ваъдасини бажо келтириш вақти яқинлашганда, Исроил халқи Мисрда униб-ўсиб кўпайган эди. <sup>18</sup> У вақт Мисрда Юсуфни танимаган бошқа бир подшоҳ тахтга чиқди. <sup>19</sup> Бу подшоҳ авлодимизга қарши найранг ишлатди, ота-боболаримизга жабр-жафо ўтказди.

<sup>†</sup> СУННАТ АҲДИ: Худо Иброҳим пайғамбар билан аҳд қилиб: “Ҳар бир ўғил болангиз саккиз кунлигида хатна қилинсин”, – деб буюрган эди; қаранг: Таврот, Ибтидо 17-боб ва 21:1-4.

Ўдақларини ташлаб, уларни ўлимга маҳкум этишга мажбур қилди.

<sup>20</sup> Шу вақтда Худо жуда гўзал қилиб яратган Мусо туғилди. У уч ой отасининг уйида боқилди. <sup>21</sup> Ташлаб кетилгандан сўнг, Фиръавннинг қизи уни топиб олиб, ўз ўғли каби тарбия қилди. <sup>22</sup> Мусога мисрликларнинг ҳамма ҳикмати ўргатилиб, у сўзда ва ишда маҳоратли бўлди. <sup>23</sup> Мусо қирқ ёшга тўлганда, унинг юрагида биродарлари – Исроил ўғилларини кўриш орзуси туғилди. <sup>24</sup> Озор тартаётган бир одамни кўрганда, унинг тарафини олиб, мисрликни ўлдирди, ранжиганнинг ўчини олди. <sup>25</sup> “Худо мен орқали уларга нажот беришини биродарларим тушунар”, деб ўйлаган эди. Лекин улар тушунмади. <sup>26</sup> Эртаси куни Мусо уришаётганларни кўриб қолди. Уларни ярашишга ундаб: – Сизлар биродарсизлар; нега бир-бировларингизга озор беряпсизлар? – деди. <sup>27</sup> Лекин биродарига озор бераётган одам Мусони итариб: – Ким сени устимизга бошлиқ ва қози қилиб қўйди? <sup>28</sup> Кеча мисрликни ўлдирганинг каби мени ҳам ўлдирмоқчимисан? – деди. <sup>29</sup> Бу сўзларни эшитиб, Мусо қочиб кетди. Мидён <sup>††</sup> диёрида мусофир бўлиб яшаб, у ерда икки ўғил кўрди. <sup>30</sup> Қирқ йил тўлгандан кейин, Синай тоғи саҳросида ёнаётган бутанинг алангаси ичидан Мусога Худованднинг фариштаси зоҳир бўлди. <sup>31</sup> Мусо бу манзарани кўриб ҳайратда қолди. Қараш учун яқинлашганда, Худованд унга хитоб қилиб: <sup>32</sup> “Мен оталарингнинг Худосиман, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худосиман”, – деди. Мусо эса кўрқувдан титраб, қарашга журъат эта олмас эди. <sup>33</sup> “Оёқ кийимларингни ечиб қўй, чунки сен турган жой муқаддас ердир, – деди унга Худованд. <sup>34</sup> – Мен Мисрда бўлган халқимнинг мусибатини кўриб, ноласини эшитдим ва уларни халос қилиш учун осмондан тушдим. Энди бор, Мен сени Мисрга юбораман”. <sup>35</sup> Одамлар: “Сени ким бошлиқ ва қози қилиб қўйди?” – деб рад этганлари ана шу Мусо эди. Бутада Мусога зоҳир бўлган фаришта орқали Худо Мусони бошлиқ ва халоскор қилиб юборди. <sup>36</sup> Исроил халқини Миср диёридан чиқарган, у ерда, Қизил денгизда ҳамда қирқ йил саҳрода ажойиб мўъжизалар яратиб юрган ўша Мусо эди. <sup>37</sup> Бу орада Исроил ўғилларига: “Раббингиз – Худованд сизларга биродарларингиз орасидан мен каби бир Пайғамбар зоҳир қилгай, Унга қулоқ солингизлар”, – деган ўша Мусо эди. <sup>38</sup> Саҳрода Худонинг уммати олдида бўлган, Синай тоғида фариштанинг ҳузурида ҳамда ота-боболаримиз ҳузурида турган ўша Мусо эди. Фаришта бизга етказиш учун Мусога ҳаётбахш каломлар берган ЭДИ.

<sup>††</sup> МИДЁН: Арабистоннинг шимоли-ғарбидаги ўлка.

<sup>39</sup> Аммо ота-боболаримиз унга бўйсунганини истамай, рад қилишди, кўнгилларини Миср томон мойиллантиришди. <sup>40</sup> Ҳорунга †: “Бизларга бош бўладиган худолар яса, чунки бизни Миср еридан чиқарган Мусога нима бўлганини билмаймиз”, – дейишди.

<sup>41</sup> Ўша кунларда бир бузоқни ясадилар. Бутга қурбонлик сўйиб, ўз кўллари яратганидан қувониб кетдилар. <sup>42</sup> Худо эса улардан юз ўгириб, осмон жисмларига топинишга уларни топшириб қўйди. Пайғамбарларнинг китобида ёзилганидек:

“Эй Исроил хонадони!

Қирқ йил саҳрода кезганларингизда, Қурбонликлар сўйиб, Менга тасаддуқ бердингизмикин?

<sup>43</sup> Сизлар-ку илоҳингиз Малукнинг †† чодирини, Худойингиз Кайвоннинг ‡ юлдузини кўтариб юрдингизлар.

Узларингизга бут тимсолларини ясаб, Уларга сиғиниб сажда қилдингизлар.

Шу сабабли Мен сизларни Бобилдан нарига сургун қиламан”.

<sup>44</sup> Саҳрода оталаримизнинг шаҳодат чодирини †† бор эди. Бу чодир худди Худонинг Мусога буюрган тасвирида ясалган эди. <sup>45</sup> Чодирни қабул қилган оталаримиз Наби Ясу билан бирга юришди. Худо қувган халқларнинг мол-мулкини эгаллаб олган сайин, чодирни ўзлари билан олиб боришарди. Довуднинг кунларига қадар чодир ораларида қолди. <sup>46</sup> Худонинг меҳрини қозонган Довуд: “Ёқубнинг Худосига бир маскан қуриб берай”, – деб орзуманд бўлди. <sup>47</sup> Ниҳоят Довуд ўғли Сулаймон Худога уй қуриб берди.

<sup>48</sup> Шунга қарамасдан, Худойи Таоло инсон қўли билан қурилган маъбадларда яшамайди. У пайғамбар оғзи ила айтганки:

<sup>49</sup> “Осмон – Менинг тахтим, Ер эса – пойандозим экан, Сизлар Менга қандай уй қурасизлар?

– деб айтади Худованд, – Ёки Менинг ором топишим учун Қандай маскан бор экан?

<sup>50</sup> Буларнинг ҳаммасини яратган Менинг қўлим эмасми?”

<sup>51</sup> Эй энсаси қотганлар! Юраги ва қулоқлари суннат бўлмаганлар ††† Оталарингиз каби сизлар ҳам доимо Муқаддас Руҳга қарши турасизлар.

<sup>52</sup> Оталарингиз пайғамбарлардан қайси бирини қувғин қилишмаган? Солиҳ Кишининг ††† келишини

† ҲОРУН: Мусо пайғамбарнинг акаси, Исроил ўғиллари Мисрдаги асоратдан қочиб қутулаётганда укасига ёрдам берган.  
†† МАЛУК: бутнинг номи; қадимги Фаластинда бу бутга ҳатто болаларини қурбон қилишарди. ‡ КАЙВОН: Зуҳал (Сатурн) сайёраси билан алоқадор топинилган бут; Луғатда “Бобилга сургунлик” мақоласига ҳам қаранг. †† ШАҲОДАТ ЧОДИРИ: луғатга қаранг. †† ЮРАГИ ВА ҚУЛОҚЛАРИ СУННАТ БЎЛМАГАНЛАР: яъни юраги сезмайдиган, қулоқлари эшитмайдиганлар. ††† СОЛИҲ КИШИ: Исо Масих; айнан қаранг: 3:14, 1-Юҳанно 3:7, 1-Бутрус 3:18.

башорат қилиб айтганларни ҳам ўлдиришган-ку. Сизлар ҳам энди Ўшанинг хоинлари ва қотиллари бўлиб қолдингизлар. <sup>53</sup> Сизлар Илоҳий Қонунни фаришталар буйруғи билан олиб, ўша Қонунга риоя қилганингиз йўқ!”

### Стефанни тошбўрон қилиш

<sup>54</sup> Кенгаш аъзолари бу сўзларни эшитгач, қутуриб жўшиб, Стефанга қарши тишларини ғижирлатдилар. <sup>55</sup> Муқаддас Руҳга тўлган Стефан эса осмонга тикилиб қараб, Худонинг улғворлигини ва Худонинг ўнг томонида турган Исони кўрди. <sup>56</sup> “Мана, мен осмоннинг очилиб кетганини ва Худонинг ўнг томонида турган Инсон Ўғлини ††† кўряпман!” – деди.

<sup>57</sup> Улар бўлса қулоқларини бекитиб, овозлари борича қичқириб, ҳаммалари Стефан устига ёпирилди. <sup>58</sup> Уни шаҳардан ташқарига судраб чиқиб, тошбўрон қилишди. Унга қарши гувоҳликка ўтганлар эса кийимларини Шоул деган бир йигитнинг пойига қўйишди. <sup>59</sup> Стефанни тошбўрон қилаётганларида, у ибодат қилиб: “Ё Раббим Исо, руҳимни қабул қилгин!” – деди. <sup>60</sup> Охири тиз чўкиб, баланд овоз билан хитоб қилди: “Ё Раббий, бу гуноҳни уларга қўйма!”

Шуни айтиб, жон берди.

### Қувғин кескинлашмоқда

**8** Стефаннинг ўлдирилишини Шоул маъқуллаган эди. Ўша куннинг ўзида Қуддусдаги имонлилар жамоатига қарши кескин қувғин даври бошланди. Ҳаворийлардан бошқа ҳамма Яҳудия ва Самариянинг ҳар хил жойларига тарқаб кетдилар. <sup>2</sup> Баъзи диндор одамлар Стефанни кўмиб, у учун катта йиғи қилдилар. <sup>3</sup> Шоул эса имонлилар жамоатини талон-тарож қилар эди. Уйма-уй юриб, эркакми, хотинми, ҳаммани судраб қамоқхонага берар эди.

### Самарияда Филип ва сеҳргар Симун

<sup>4</sup> Шу орада тарқалиб кетганлар Инжил Хушxabарини тарғиб қилиб юришди. <sup>5</sup> Филип Самария шаҳрига келиб, унинг аҳлига Масихни тарғиб қилди. <sup>6</sup> Филипнинг сўзини тинглашиб ва қилаётган мўъжизаларини кўришиб, бутун халқ унга қулоқ солди. <sup>7</sup> Чунки ёмон руҳларга гирифтор бўлган кўп кишилардан руҳлар баланд овоз билан бақириб чиқар, анчагина шолу чўлоқлар эса шифо топарди. <sup>8</sup> Шундай қилиб, у шаҳарга катта хурсандчилик келди.

<sup>9</sup> Самария шаҳрида сеҳргарлик қилган, ўзини буюк бир одам қилиб кўрсатиб, шаҳар аҳолисини ҳайратда қолдириб келаётган Симун исмли бир киши бор эди. <sup>10</sup> Каттаю кичик ҳамма унга қулоқ осиб: “Бу Худонинг буюк қудрати!” – деб айтар эди. <sup>11</sup> Симун анча вақтдан бери ўзининг сеҳр-жоду

††† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масихнинг унвони; луғатга қаранг.

ишлари билан халқни ҳайратда қолдириб келгани учун, ҳамма унга қулоқ беришар эди. <sup>12</sup> Лекин Худонинг Шоҳлиги ва Исо Масих тўғрисидаги Хушхабарни келтирган Филипни тинглашиб, кўп эркак ва хотин унинг сўзига ишонди ва сувга чўмиб имон келтирди. <sup>13</sup> Симуннинг ўзи ҳам ишониб, сувда имон келтирди. У Филипнинг қилаётган ажойиб ва қудратли мўъжизаларини кўрган сайин ҳайратга тушиб, Филипдан ажралмайдиган бўлиб қолди.

<sup>14</sup> Қуддусда қолган ҳаворийлар эса, самарияликлар † ҳам Худонинг каломини қабул қилибди, деб эшитганларида, Бутрус билан Юҳаннони уларнинг олдига юборишди. <sup>15</sup> Бутрус билан Юҳанно у ерга келгач, самариялик имонлилар Муқаддас Рухни қабул қилиши учун ибодат қилишди. <sup>16</sup> Чунки уларнинг бирортасига ҳам Муқаддас Рух тушмаган эди. Улар Исони Раббимиз деб тан олиб, сувда имон келтиришган эди, холос. <sup>17</sup> Ҳаворийлар уларнинг бошига қўл қўйиши биланоқ улар Муқаддас Рухни қабул қилишди.

<sup>18</sup> Ҳаворийларнинг қўл қўйиши билан Муқаддас Рух берилганини Симун кўриб, уларга пул келтирди-да:

<sup>19</sup> – Менга ҳам бу қудратни беринглар, токи, кимнинг бошига қўлларимни қўйсам, Муқаддас Рухни қабул қиладиган бўлсин! – деди. <sup>20</sup> Лекин Бутрус унга:

– Кумушинг сен билан бирга ҳалок бўлсин; сен Худонинг ҳадясини пул билан олиш мумкин деб хаёл қилдинг, – деди. <sup>21</sup> – Бу ишда сенинг на ҳиссанг бор ва на қисматинг бор, чунки Худо олдида юрагинг тўғри эмас. <sup>22</sup> Энди бу ёмонлигиндан тавба қилиб Худога ёлвор, балки юрагининг ниятидан кечар. <sup>23</sup> Чунки сенинг аччиқ зардага тўлган ва ёвузлик занжирига боғланганини кўряпман.

<sup>24</sup> Симун бунга жавобан:

– Мен учун сизлар Раббингизга ёлвориб сиғининглар, тагин айтганларингиздан бири бошимга тушмасин! – деди.

<sup>25</sup> Бутрус билан Юҳанно у ерда Худонинг каломини ваъз қилиб, шаҳодат бергандан кейин, Самариянинг яна кўп қишлоқларига Хушхабарни етказиб, Қуддусга қайтиб кетдилар.

### Филип ва ҳабашистонлик амалдор

<sup>26</sup> Шу пайтда Филипга Худованднинг фариштаси гапириб: “Ўрнингдан тур ва жануб томон, Қуддусдан Ғазага борадиган саҳро йўлига бор!” – деди. <sup>27</sup> Филип эса йўлга равона бўлди.

Ўша вақтда Ҳабашистон маликаси Кандакининг вазири, маликанинг бутун хазиналари мудури бўлган ҳабашистонлик бир амалдор †† ўз ватанига қайтиб кетаётган эди. У Худога топиниш учун

† САМАРИЯЛИКЛАР: бу халқнинг моҳияти луғатда изоҳланади. †† АМАЛДОР: аслида, ҳарам оғаси.

Қуддусга бориб келган, <sup>28</sup> аравасида Ишаъё пайғамбарнинг китобини ўқиб ўтирган эди.

<sup>29</sup> Муқаддас Рух Филипга: “Яқинлашиб бу аравага ҳамроҳ бўлгин!” – деди. <sup>30</sup> Филип ҳабашнинг олдига чопиб борди. Унинг Ишаъё пайғамбарнинг китобини ўқиб турганини эшитиб:

– Ўқиётганингни тушуняпсанми? – деб сўради.

<sup>31</sup> – Менга йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлмаса, қандай тушуна оламан? – деди ҳабаш. Филипдан ўз ёнига чиқиб ўтиришни илтимос қилди. <sup>32</sup> Унинг Тавротдан ўқиётган жойи эса бу эди:

“У қўй каби бўғизлашга етакланди.

Кўзи жун қирқувчиси олдида қандай индамай турса,

У ҳам Ўз оғзини очмади.

<sup>33</sup> У хўрланиб ҳаққониятдан маҳрум бўлди, Ер юзидаги умрига хотима берилди.

Унинг насл-насабини ким зикр этур?” ‡

<sup>34</sup> Амалдор Филипга қараб:

– Сендан илтимос қиламан, пайғамбар буни ким ҳақида айтяпти? Ўзи ҳақидами ёки бошқа киши ҳақидами, менга айт-чи, – деди.

<sup>35</sup> Филип эса ўша оятдан бошлаб, Исо ҳақидаги Хушхабарни унга баён қилди. <sup>36</sup> Йўлда давом этиб кетаётганларида, сув бор бир жойга келдилар.

Амалдор:

– Мана, сув! Менинг чўмиб имон келтиришимга нима тўсқинлик қилади? – деди. <sup>37</sup> [Филип унга:

– Агар бутун қалбинг билан ишонсанг бўлади, – деди. Амалдор:

– Исо Масих – Худонинг Ўғли деб ишонаман, – деди.]

<sup>38</sup> Ўшанда аравани тўхтатишга буюриб, Филип билан амалдор иккаласи ҳам сувга тушишди, Филип амалдорни сувга чўндириб имонга киритди.

<sup>39</sup> Улар сувдан чиққач, Муқаддас Рух [амалдорнинг устига тушиб келди ва Худованднинг фариштаси] Филипни кўтариб кетди. Амалдор бошқа уни кўрмадию, қувониб ўз йўлида давом этди.

<sup>40</sup> Филип Ашдод шаҳрида пайдо бўлди ва Кесарияга келгунча йўл юриб, ҳамма шаҳарларда Хушхабарни тарғиб қилди.

### Шоулнинг имон келтириши

**9** Шоул ҳали ҳам Исо Масихнинг шогирдларига қарши қатлу қирғин таҳдидлари билан нафас олиб юрар эди. У олий руҳонийнинг ҳузурига бориб, <sup>2</sup> Дамашқ шаҳридаги яҳудий ибодатхоналари учун мактублар сўради. Бу таълимотнинг изидан бораётган кимсани топса, у эркак ёки хотин бўлишидан қатъи назар, кишанлаб Қуддусга келтирмоқ ниятида эди. <sup>3</sup> Йўли Дамашққа яқинлашганда, тўсатдан осмондан тушган нур унинг атрофини ярқиратиб юборди. <sup>4</sup> У ерга йиқилган заҳоти:

‡ қаранг: Ишаъё 53:7-8; Ишаъё пайғамбар Исо Масихдан 800 йил аввал яшаган, Худодан олган ваҳий билан Масихнинг гуноҳкорлар учун қурбон бўлиши ҳақида каромат қилган.

– Шоул, Шоул! Нега Мени қувғин қиляпсан? – деган овозни эшитди. <sup>5</sup> Шоул:

– Ё Раббий, Сен кимсан? – деди.

– Мен сен қувғин қилаётган Исоман. Нишга қарши тепишинг қийин, – деди У. <sup>6</sup> Шоул ваҳималаниб, титроқ билан:

– Ё Раббий, нима қилишимни буюрасан? – деди. Исо унга:

– Қани, ўрнингдан туриб шаҳарга кир, унда нима қилишинг кераклиги сенга айтилади, – деди.

<sup>7</sup> Шоулнинг ҳамроҳлари овозни эшитиб, лекин ҳеч кимни кўрмасдан, қотиб қолгандилар. <sup>8</sup> Шоул ердан туриб кўзларини очганда, ҳеч нарса кўринмас эди. Уни қўлидан тутиб, Дамашқ шаҳрига келтирдилар. <sup>9</sup> Уч кунгача кўзлари кўрмай қолди, на еди ва на ичди.

<sup>10</sup> Дамашқ шаҳрида Ҳанания деган Исонинг шогирди бор эди. Раббимиз Исо ваҳийда унга кўриниб:

– Эй Ҳанания! – деди.

– Лаббай, Раббим! – деди у. <sup>11</sup> Раб унга деди:

– Ўрнингдан тур ва Тўғри деган кўчага бориб, Яҳудонинг уйидаги Тарс шаҳарлик Шоул исмли одамни сўрагин. Шу маҳалда у ибодат қиляпти.

<sup>12</sup> Ваҳийда Ҳанания исмли бир одам унинг ёнига келганини ва кўзлари очилиши учун қўлларини унинг бошига қўйганини кўрди.

<sup>13</sup> Ҳанания жавоб берди:

– Ё Раббий, бу одам Қуддусда Сенинг азизларингга қанча ёмонлик қилгани ҳақида кўп одамлардан эшитдим. <sup>14</sup> Бу ерда ҳам Сенинг исмингни айтганларнинг ҳаммасини тутқунга солиш учун олий руҳонийлардан ижозат олибдику, – деди.

<sup>15</sup> Раббимиз Исо унга шундай деди:

– Сен боравер, мана бу одам Менинг исминини турли халқлар, подшоҳлар ва Исроил ўғиллари олдида улуғлаш учун танланган қуролимдир.

<sup>16</sup> Менинг исми учун у қанчалар азоб чекиши керак эканини Ўзим унга кўрсатаман.

<sup>17</sup> Ҳанания бориб ўша уйга кирди. Шоулнинг бошига қўлларини қўйиб:

– Биродарим Шоул! Келаётган йўлингга сенга кўринган Раббимиз Исо, кўзларинг яна кўриши ва Муқаддас Рухга тўлишинг учун мени юборди, – деди.

<sup>18</sup> Ўша заҳоти Шоулнинг кўзларидан парда тушгандай бўлиб, кўра бошлади. Ўрnidан турибоқ, сувга чўмиб имон келтирди. Сўнг овқат еб, қувватга кирди.

### Шоулнинг жонига қасд

<sup>19</sup> Шоул бир неча кун Дамашқдаги Исо шогирдлари билан бирга бўлди. <sup>20</sup> У дарҳол Исо Худонинг Уғли экани ҳақида яҳудий ибодатхоналарида тарғибот қила бошлади.

<sup>21</sup> Эшитганлар эса ҳайратда қолиб: “Қуддусда бу исми айтганларни қириб ташлаган, кишанлаб

олий руҳонийларга олиб бориш учун бу ерга келган унинг ўзи эмасми?” – деб айтишарди.

<sup>22</sup> Шоул эса тобора нуфузини ошириб борарди.

Исонинг Масихлигига доир ишонарли далилларни олға суриб, Дамашқда турган яҳудийларни доводиратиб кўярди.

<sup>23</sup> Орадан неча кунлар ўтиб, ниҳоят яҳудийлар сўз бириктириб, Шоулни ўлдиришга қарор қилишди.

<sup>24</sup> Уни ўлдириш учун кечаю кундуз шаҳар дарвозалари олдида пойлаб туришар эди. Лекин уларнинг қасди Шоулга аён бўлди. <sup>25</sup> Кечаси шогирдлар уни саватга солиб, девордан тушириб юборишди.

<sup>26</sup> Шоул Қуддус шаҳрига етиб боргач, у ердаги Исо шогирдларига кўшилиб, иноқлашишга уринди.

Лекин унинг Исо шогирди бўлганига ҳеч ким ишонмай, ундан кўрқишарди. <sup>27</sup> Ўшанда Барнабо Шоулни ҳаворийларнинг ҳузурига бошлаб келди ва унинг йўлда Исони қандай кўриб, Исо унга нима

деб сўзлаганини, Дамашқда Исонинг номи билан қандай довораклик билан ваъз айтганини уларга айтиб берди. <sup>28</sup> Бундан кейин Шоул энди улар

билан бирга юрадиган бўлиб, Қуддусда Раббимиз Исонинг номи билан кўрқмасдан тарғибот қиларди. <sup>29</sup> Юнон тилида сўзлашувчи яҳудийлар

билан ҳам суҳбатлашиб баҳслашарди. Улар эса Шоулни ўлдириш пайига тушдилар. <sup>30</sup> Имонли биродарлари бунини эшитгач, Шоулни Кесариягача кузатиб, Тарсга жўнатишди.

<sup>31</sup> Шундай қилиб, Яҳудия, Жалила ва Самария юртлари бўйлаб имонлилар жамоати тинчликка эришди. Жамоат Худодан кўрқиб тобора ривож топар, Муқаддас Рухдан жасурланиб, сон жиҳатдан кўпайиб борарди.

### Соғайган Еней, тирилган Тавита

<sup>32</sup> Бу орада Бутрус ҳамма жойларни айланиб чиқиб, Лўд шаҳрида турган имонлиларнинг олдида ҳам борди. <sup>33</sup> У ерда саккиз йилдан бери тўшагидан турмаган Еней исмли бир шол одамни кўрди.

<sup>34</sup> Бутрус унга:

– Еней, Исо Масих сенга шифо беряпти. Ўрнингдан тур, кўрпа-тўшагингни йиғиб қўй! – деди.

Еней ўша заҳоти ўрnidан туриб кетди. <sup>35</sup> Лўд шаҳри ва Шарон даласида яшаганларнинг ҳаммаси у кишининг ҳолини кўрди-да, Исони Раббимиз деб тан олиб, имон келтирдилар.

<sup>36</sup> Яффада Исонинг шогирди бўлган Тавита исмли бир аёл бор эди. Бу отнинг таржимаси “оҳу”

демақдир. Бу аёл ихлосмандлик билан хайрли ишларга берилиб, кўп садақа қилар эди. <sup>37</sup> Худди ўша кунларда у касалланиб ўлди. Уни ювиб,

болохонага қўйишди. <sup>38</sup> Лўд шаҳри Яффага яқин бўлгани учун, Бутруснинг у ерда эканини эшитиб қолган шогирдлар унинг ҳузурига икки кишини юбориб: “Тезда бизнинг олдимизга келгин!” – деб

илтимос қилишди.

<sup>39</sup> Бутрус ўрнидан қўзғалиб, улар билан бирга кетди. Уйга етиб келгач, уни болохонага олиб киришди. Бутун бевалар унинг ёнига тўпланиб, дод-фарёд қилар, Охунинг тириклигида тиккан кўйлак ва жомаларини кўрсатишарди. <sup>40</sup> Бутрус эса ҳаммани ташқарига чиқазгандан кейин, тиз чўкиб ибодат қилди ва жасадга қараб:

– Тавита, ўрнингдан тур! – деди.

Шунда аёл кўзларини очди-да, Бутрусни кўриб, ростланиб ўтирди. <sup>41</sup> Бутрус кўлини узатиб, уни турғизиб қўйди. Сўнг имонлилар билан бева аёлларни чақириб, тирик ҳолдаги аёлни уларга топширди.

<sup>42</sup> Бу ҳодиса бутун Яффага маълум бўлди ва кўп одамлар имон келтириб, Исони Раббим деб тан олдилар. <sup>43</sup> Бутрус анча вақт Яффада Симун исмли бир кўнчининг уйида турди.

### Римлик юзбоши Корнилий кўрган ваҳий

**10** Кесария шаҳрида Корнилий исмли бир одам бор эди. У “Италян” деган полқда юзбоши, <sup>2</sup> бутун хонадони билан Худодан кўрқадиган диндор бир одам эди. Халққа кўпдан-кўп садақа бериб, доимо Худога ибодат қиларди. <sup>3</sup> Бир куни тушдан сўнгги соат учлар † чамасида Худонинг бир фариштаси унинг олдига келганини у ваҳийда очик кўрди. Фаришта унга деди:

– Корнилий!

<sup>4</sup> – Лаббай, Ҳазрат? – деди Корнилий унга ваҳима билан тикилиб.

Фаришта деди:

– Қилган ибодату садақаларинг Худо ҳузурида ижобат бўлди. <sup>5</sup> Энди Яффага одамлар юбориб, Бутрус лақабли Симун деган кишини олдинга чақиртир. <sup>6</sup> У уйи денгиз бўйида бўлган Симун исмли кўнчиникида меҳмон бўлиб турибди. [Унинг сенга айтадиган сўзларидан ўзинг билан бутун хонадонинг нажот топасизлар.]

<sup>7</sup> Унга гапирган фаришта кетгандан сўнг, Корнилий хизматкорларидан иккисини ва унинг хусусий вазиладори бўлган диндор бир аскарни чақирди. <sup>8</sup> Уларга ҳамма нарсани тушунтириб, Яффага жўнатди.

### Бутрус кўрган ваҳий

<sup>9</sup> Эртаси куни туш †† чамасида, бу одамлар йўл юриб шаҳарга яқинлашарканлар, Бутрус ибодат қилиш учун томга чиқди. <sup>10</sup> У оч қолганини ҳис этиб, овқат егиси келди. Овқатни тайёрлар эканлар, у рухланиб ўзини йўқотди. <sup>11</sup> Осмон очилиб, катта рўмолга ўхшаш бир идиш тўрт бурчагидан осилган ҳолда пастга тушиб келаётганини кўрди. <sup>12</sup> Рўмолнинг ичида ерга хос ҳар хил тўрт оёқли ва судралувчи ҳайвонлар ҳамда

кўкда учувчи қушлар бор эди. <sup>13</sup> Бир овоз унга хитоб қилиб:

– Бутрус, тур ва сўйиб егин! – деди. <sup>14</sup> Бутрус:

– Асло, ё Раббим! Мен мутлақо ифлос ёки ҳаром нарса еган эмасман, – деди.

<sup>15</sup> Яна овоз иккинчи марта унга эшитилиб:

– Худо ҳалол деганини сен ҳаром дема! – деб айтди. <sup>16</sup> Бу манзара уч марта такрорланди. Сўнг идиш яна осмонга кўтарилди.

<sup>17</sup> Бутрус гангиб қолган эди. Мен кўрган ваҳийнинг нима маъноси бор экан, деб ўйлаб турганда, Корнилий томонидан юборилган одамлар Симуннинг уйини суриштириб дарвоза бўсағасида тўхтаб қолишди. <sup>18</sup> Улар овозларини баландлатиб:

– Бутрус лақабли Симун шу ердами? – деб сўрашди.

<sup>19</sup> Бутрус эса ҳануз ваҳийни ўйлаб, мулоҳазага чўмиб ўтирарди. Муқаддас Рух унга: “Мана, уч киши сени излаяпти. <sup>20</sup> Урнингдан тургин-да, пастга туш ва ҳеч шубҳа қилмасдан улар билан бирга боргил, чунки уларни Мен юбордим”, – деди.

<sup>21</sup> Бутрус пастга тушиб, Корнилий томонидан юборилган одамларга:

– Сизлар излаётган одам мен бўламан. Нима юмуш билан бу ерга келдингизлар? – деди. <sup>22</sup> Улар Бутрусга:

– Корнилий исмли, бутун яҳудий халқи орасида яхши ном чиқарган, солих, Худодан кўрқадиган бир юзбоши бор. Муқаддас фаришта унга, сени ўз уйига чақиртириб, айтганларингга кулоқ беришини буюрибди, – дейишди. <sup>23</sup> Шунда Бутрус уларни ичкарига чорлаб, меҳмон қилди.

### Бутрус Корнилийнинг уйида

Эртаси куни Бутрус жойидан қўзғалиб, келганлар билан йўлга чиқди. Яффадаги имонлилардан баъзи одамлар ҳам унга ҳамроҳ бўлди. <sup>24</sup> Иккинчи куни Кесарияга келишди. Корнилий эса ўз қариндошлари ва яқин дўстларини бир жойга тўплаб, уларни кутиб турарди. <sup>25</sup> Бутрус ичкарига кирганда, Корнилий уни қаршилаб, оёқларига йиқилиб сажда қилди. <sup>26</sup> Бироқ Бутрус:

– Тур, мен ҳам бир инсонман, – деди-ю уни оёққа турғизди.

<sup>27</sup> Бутрус Корнилий билан суҳбатлашиб уйга кираркан, тўпланиб турган катта жамоани кўрди. <sup>28</sup> Уларга айтди:

– Бошқа қабила кишиси билан алоқа қилиш, иноқлашиш яҳудий бир одам учун жоиз эмаслигини биласизлар. Лекин Худо ҳеч бир одамни ифлос ёки ҳаром деб ҳисобламаслик лозимлигини менга кўрсатди. <sup>29</sup> Шунинг учун мен чақирилганимда, сўз қайтармай келдим. Энди айтинглари-чи, нима учун мени чақирдингизлар?

<sup>30</sup> Корнилий сўз бошлади:

– Бундан тўрт кун аввал, салкам айни шу маҳалда мен уйимда рўза тутардим. Соат учда ‡ ибодат

† СОАТ УЧ: аслида “9-соат”; вақт жадвалига қаранг. †† ТУШ: аслида “6-соат”.

қилаётганимда, бирданига порлоқ кийимли бир одам рўпарамда пайдо бўлди. <sup>31</sup> “Корнилий! – деди у. – Худо ибодатингни эшитди ва садақаларингни мақбул топди. <sup>32</sup> Энди Яффага одам юбор, денгиз бўйидаги кўнчи Симуннинг уйида меҳмон бўлиб турган Бутрус лақабли Симунни чақиртир. Унинг сенга айтадиган сўзлари бор”, – деди. <sup>33</sup> Мен ҳам ўша заҳоти сенинг олдинга одамларни юбордим ва хайрият, келганинг яхши бўлди-да. Энди Худо сенга буюрган сўзларининг ҳаммасини тинглаш учун биз барчамиз бу ерда Худонинг ҳузурда ҳозирмиз.

### Бутруснинг нутқи

<sup>34</sup> Бутрус сўз бошлади:

“Ҳақиқатан, Худонинг юз-хотир қилмаслигини, балки Ундан кўрққан ва тўғрилиқ ила иш тутган ҳаммани миллатига қарамай қабул қилишини мен энди чинакамига тушундим. <sup>36</sup> Худо Ўз каломини Исроил ўғилларига юбориб, Исо Масих номидан тинчлик муждасини эълон қилди. Исо Масих эса ҳамманинг Раббидир. <sup>37</sup> Яҳё пайғамбар ваъз қилиб, халқни сувда тавба қилдириб юргандан кейин, Жалиладан бошлаб бутун Яҳудия юрти бўйлаб содир бўлган воқеаларни сизлар биласизлар. <sup>38</sup> Носира шаҳридан чиққан Исони Худо юборди. Худонинг Ўзи Исо билан бирга бўлгани учун, У Муқаддас Рух ва қудратга тўлган ҳолда эзгулик қилар, иблисининг золим ҳукми остида қийналиб юрганларнинг ҳаммасини соғайтирар эди.

<sup>39</sup> Мана биз яҳудийларнинг мамлакатида ва Қуддус шаҳрида Исонинг қилган барча ишларига гувоҳимиз. Унинг Ўзини эса ёғочга осиб ўлдирдилар. <sup>40</sup> Аммо Худо учинчи куни Уни тирилтириб, кўзларга намоён қилди. <sup>41</sup> Исо тирилгандан кейин бутун халққа эмас, балки Худо олдиндан танлаган, У билан еб-ичган шоҳидларга – бизларгагина зоҳир бўлди. <sup>42</sup> Худо Исони тиригу ўликларни ҳукм қилувчи этиб тайинлаган. Бу ҳақда гувоҳлик бериб, халққа ваъз айтишимизни Худонинг Ўзи буюрган. <sup>43</sup> Исога инонган ҳар бир кишининг гуноҳлари Унинг номи билан кечирилади, деб қадимий пайғамбарларнинг ҳаммаси ҳам шаҳодат берганлар”.

<sup>44</sup> Бутрус ҳали гапириб турганда, каломни эшитаётганларнинг барчаси устига Муқаддас Рух тушди. <sup>45</sup> Бутрус билан бирга келганлар Исога ишонган яҳудийлар † эди. Муқаддас Рух ғайрияҳудийларга ҳам насиб бўлганини улар кўриб, ҳайратда қолдилар. <sup>46</sup> Чунки у кишиларнинг янги тилларда сўзлашиб, Худони улуғлаётганларини эшитиб туришарди.

Шунда Бутрус сўз олди: <sup>47</sup> “Худди бизлар каби Муқаддас Рухни қабул қилган бу одамларнинг сувга чўмиб имон келтиришига ким моне бўла олар экан?” – деди-ю, <sup>48</sup> уларни Исо Масих номи

билан чўмдиришни буюрди. Шундан кейин улар Бутрусдан бир неча кун қолишини илтимос қилишди.

### Қуддусда Бутрус берган ахбор

**11** Ғайрияҳудийлар ҳам Худонинг сўзини қабул қилибди, деган хабар ҳаворийларнинг ва Яҳудиядаги имонлиларнинг қулоғига етиб келди. <sup>2</sup> Шу сабабдан Бутрус Қуддус шаҳрига борганда, суннатчилар †† унга таъна қилиб: <sup>3</sup> “Сен суннат қилинмаган одамларнинг олдига кириб, улар билан бирга еб-ичибсан-ку!” – дейишди.

<sup>4</sup> Бутрус эса бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан уларга нақл қилишга тушди:

<sup>5</sup> “Мен Яффа шаҳрида ибодат қилаётган эканман, ўзимни йўқотиб ваҳий кўрдим: мана, катта рўмолга ўхшаш бир идиш тўрт бурчагидан осилган ҳолда осмондан тушиб, то олдимгача келаётган экан.

<sup>6</sup> Унинг ичига назар солсам, ер юзининг тўрт оёқли, ваҳший ва судралувчи ҳайвонларини ҳамда кўкда учувчи қушларни кўрдим. <sup>7</sup> Ўшанда:

– Бутрус, тур ва сўйиб егин! – деган бир овозни эшитдим. <sup>8</sup> Мен эса:

– Асло, ё Раббим! Менинг оғзимга мутлақо ифлос ёки ҳаром нарса кирган эмас, – дедим.

<sup>9</sup> Овоз иккинчи марта осмондан эшитилиб:

– Худо ҳалол деганини сен ҳаром дема, – деди менга. <sup>10</sup> Бу манзара уч марта такрорланди. Кейин ҳаммаси яна осмонга кўтарилди.

<sup>11</sup> Мана, ўша заҳоти Кесариядан менга юборилган уч одам мен турган уйнинг рўпарасида тўхтаб қолди. <sup>12</sup> Муқаддас Рух эса ҳеч шубҳаланмай улар билан бирга боришимни айтди. Шундай қилиб, бу олти биродар ҳам менга ҳамроҳ бўлишди, улар билан бирга ўша одамнинг уйига кирдик. <sup>13</sup> У эса уйида пайдо бўлган фариштани қандай кўрганини бизларга айтиб берди. Фаришта унга: “Яффага одамлар юбор, Бутрус лақабли Симунни чақиртир. <sup>14</sup> У сенга айтадиган сўзларидан ўзинг билан бутун хонадонинг нажот топасизлар”, – деб айтибди.

<sup>15</sup> Мен гапира бошлаганимдаёқ, даставвал бизнинг устимизга тушган Муқаддас Рух уларнинг устига ҳам тушиб келди. <sup>16</sup> Шунда мен Раббимиз Исонинг: “Яҳё пайғамбар одамларни сувга чўмдириб тавба қилдирган, сизлар эса Муқаддас Рухга чўмдириласизлар”, – деган сўзини эсга олдим. <sup>17</sup> Агар Худо бизга берган ҳадяни Раббимиз Исо Масихга худди биздай инонган мана буларга ҳам берган бўлса, унда мен ким бўлдимки, Худога қаршилиқ қила олсам?”

<sup>18</sup> Бу сўзларни эшитиб, улар тинчланди. “Худо ғайрияҳудийларни ҳам тавба қилдириб, абадий ҳаёт насиб қилар экан”, – деб Худони олқишлашди.

† СОАТ УЧ: аслида “9-соат”. †† ЯХУДИЙ: аслида “суннатли”; луғатга қаранг.

†† СУННАТЧИЛАР: луғатга қаранг.



### Антиохия шаҳридаги Масих жамоати

<sup>19</sup> Стефаннинг ўлдирилиши билан бошланган қувғин оқибатида тарқалиб кетган имонлилар шу орада Худонинг каломини яҳудийлардан бошқа ҳеч кимга билдирмай, Финикия, Кипр ва Антиохиягача етиб борган эдилар. <sup>20</sup> Антиохия шаҳрига келган баъзи бир кипрлик ва киринеялик кишилар эса Раббимиз Исонинг Хушхабарини у ердаги юнонларга ҳам етказдилар. <sup>21</sup> Раббимизнинг кучи улар орқали амал қилаётгани учун ҳам кўпчилик Исони Раббим деб имон келтирди.

<sup>22</sup> Бу ҳақда Қуддусдаги имонлилар жамоатининг қулоғига хабар етиб келгач, Барнабога Антиохияга боришни топширдилар. <sup>23</sup> Барнабо у ерга келганда, Худо иноятининг самарасини кўриб қувонди. Раббимиз Исога чин кўнгилдан берилинглари, деб ҳаммага далда берди. <sup>24</sup> У Муқаддас Рух ва имонга тўлган, хушфеъл одам бўлгани учун, халқнинг талай қисми Исони Раббим деб қабул қилди.

<sup>25</sup> Кейин Барнабо Шоулни ахтариб, Тарсга борди ва уни топиб, Антиохияга келтирди. <sup>26</sup> Бир йил мобайнида улар имонлилар жамоати билан тўпланиб, талай одамга таълим беришди. Биринчи марта Антиохия шаҳрида Исо шогирдлари Масихий † деган номни олдилар.

<sup>27</sup> Ўша кунларда Антиохияга Қуддусдан баъзи пайғамбарлар келди. <sup>28</sup> Улардан Агав дегани Муқаддас Рухдан руҳланиб қад ростлади-да, бутун дунёда оғир қаҳатчилик бўлишини каромат қилди. (Бу воқеа Қайсар Клавдий †† даврида содир бўлди.)

<sup>29</sup> Шунда шогирдларнинг ҳар бири кўлидан келганича, Яҳудияда яшовчи имондошларига ёрдам юборишга аҳд қилишди. <sup>30</sup> Бу аҳдни амалга ошириб, йиғилган нафақаларни Барнабо ва Шоул орқали жамоатнинг оқсоқолларига юборишди.

### Бутруснинг қамоқдан қутулиш мўъжизаси

**12** Ўша кунларда подшоҳ Ҳирод имонлилар жамоатидан баъзиларига озор бериш учун қўл кўтарди. <sup>2</sup> Юҳаннонинг акаси Ёқубни қилич билан чопиб ўлдирди. <sup>3</sup> Бу яҳудийларга ёққанини кўриб, унинг ортидан Бутрусни ҳам қўлга олди. Ана шу воқеалар яҳудийлар хамиртурушсиз нон ёпадиган Фисиҳ байрамида содир бўлди. <sup>4</sup> Ҳирод Бутрусни зиндонга қамаб, Фисиҳ байрамидан кейин халқ олдига чиқариш нияти бор эди. Уни кўриқлаш учун ҳар бири тўрт аскардан иборат тўрт дастага топширди.

<sup>5</sup> Бутрус шундай зиндонда тутиларкан, имонлилар жамоати унинг учун ихлос билан Худога ибодат қилар эди.

† МАСИХИЙ: юнонча “христиан”, яъни Масихга қарашли, Масих йўлида юривчи. †† ҚАЙСАР КЛАВДИЙ: 41-54 йилларда Рим императори эди. “Бутун дунё” сўзи Рим дунёси маъносига. Мазкур қаҳатчиликнинг кечгани тарихий ҳодисадир.

<sup>6</sup> Ҳирод уни чиқармоқчи бўлган кундан аввалги кечаси Бутрус икки аскар ўртасида, иккита занжир билан кишанланган ҳолда ухлаётган эди. Эшикнинг ёнидаги қоровуллар эса зиндонни кўриқлашар эди. <sup>7</sup> Ногаҳон Худованднинг фариштаси Бутруснинг ёнида пайдо бўлиб, хужрада нур порлади. Фаришта Бутруснинг биқинига туртиб:

– Тезроқ ўрнингдан тур! – деб уни уйғотди. Шу ондаёқ қўлларидаги занжирлар тушиб кетди.

<sup>8</sup> Фаришта Бутрусга:

– Камарингни боғла, чорикларингни кий! – деди. У шундай қилди. Кейин фаришта:

– Тўнингни кий, орқамдан юр! – деди. <sup>9</sup> Бутрус чиқиб, унинг орқасидан кетди. Фақат фаришта қилаётган ишнинг ўнг ёки туш эканини уқмай, ваҳий кўраётганини ўйлар эди. <sup>10</sup> Биринчи ва иккинчи қоровулхоналардан ўтиб, шаҳарга чиқадиган темир дарвозага келишди. Дарвоза ўзидан ўзи уларга очилди. Ташқарига чиқиб, бир кўчани босиб ўтишди. Ногаҳонда Бутруснинг ёнидаги фаришта ғойиб бўлди.

<sup>11</sup> Бутрус ўзига келгач: “Энди мен чиндан кўрдим, Раббим фариштасини юбориб, мени Ҳирод кўлидан ва яҳудий халқининг бутун қасд-адоватидан қутқазди”, – деди. <sup>12</sup> У бўлиб ўтган воқеаларнинг фарқига етган заҳоти Марк лақабли Юҳаннонинг онаси Марямнинг уйига етиб келди. У ерда бир талай одам тўпланиб, ибодат қилаётган эди. <sup>13</sup> Бутрус дарвозани тақиллатгач, Рода исмли бир хизматкор қиз қулоқ солгани чиқди.

<sup>14</sup> Бутруснинг овозини таниб, севинганидан дарвозани очмай ичкарига югуриб, унинг ташрифини билдирди.

<sup>15</sup> – Ақлинг жойидами? – дейишди улар қизга. Лекин қиз ўз айтганини тасдиқлайвергач, улар: – Унинг фариштасидир, – дейишди.

<sup>16</sup> Шу орада Бутрус тақиллатишда давом этди. Очганларида уни кўриб ҳайрон қолишди. <sup>17</sup> Бутрус уларнинг жим туриши учун кўли билан имо қилиб, Раббимиз уни қандай зиндондан чиқарганини гапириб берди. Сўнг:

– Буларни Ёқуб ва бошқа биродарларга билдиринглари! – деб, у ердан чиқди-да, бошқа жойга кетди.

<sup>18</sup> Кундуз бўлгач, Бутрус билан нима юз бергани ҳақида ўйлаб, аскарлар қаттиқ ҳаяжонга тушишди.

<sup>19</sup> Ҳирод эса уни излаб тополмаганидан кейин қоровулларни сўроқ қилиб, ўлим жазосига маҳкум этди.

### Подшоҳ Ҳироднинг ҳалокати

Шундан сўнг Ҳирод Яҳудияни тарк этиб, Кесария шаҳрига борди ва у ерда бир муддат қолди. <sup>20</sup> У Тир ва Сидўн аҳолисига бор заҳрини сочар эди. Улар эса ўзаро келишиб, унинг ҳузурига ташриф буюришди. Подшоҳнинг сарой нозири Бластани ўз томонларига кўндириб, сулҳ сўрашди. Чунки

уларнинг вилояти учун зарур бўлган озиқ-овқат подшоҳнинг вилоятидан олинар эди.

<sup>21</sup> Белгиланган кунда Ҳирод шоҳона кийимларини кийиб, минбарга ўтирди-да, халойиққа ваъз айтди.

<sup>22</sup> Халойиқ эса: “Бу одамнинг овози эмас, бу Худонинг овози!” – деб хитоб қиларди. <sup>23</sup> Ўша ондаёқ Худованднинг фариштаси Ҳиродни урди. У шарафни Худога бермагани учун танасини қуртлар кемириб, жон берди.

<sup>24</sup> Худонинг каломи эса тобора ёйилар, самара берарди. <sup>25</sup> Барнабо билан Шоул топшириқни бажолагач, Марк лақабли Юҳаннони ўзлари билан бирга олиб, Қуддусдан қайтиб келишди.

### Шоул (Павлус) нинг биринчи тарғибот сафари

**13** Антиохия шаҳридаги имонлилар жамоатида баъзи бир пайғамбарлар ва муаллимлар, чунончи Барнабо, “Қорача” лақабли Симун, киринеялик Луций, вилоят ҳокими Ҳирод билан бирга тарбияланган Маноҳим ва Шоул бор эдилар. <sup>2</sup> Булар диний хизматини ўтаб, рўза тутиб турган маҳалда, Муқаддас Рух гапириб: “Барнабо билан Шоулни Мен сайлаган иш учун Менга ажратиб беринглар!” – деди. <sup>3</sup> Шу тариқа, улар яна рўза тутиб ва ибодат қилиб бўлгач, Барнабо билан Шоулнинг бошига қўлларини қўйганча дуо ўқиб, уларни жўнатишди.

### Кипр оролида

<sup>4</sup> Барнабо билан Шоул Муқаддас Рух буюрганига кўра йўлга тушиб, Селевкия шаҳрига келдилар. У ердан эса Кипр оролига сузиб кетдилар. <sup>5</sup> Саламис шаҳрига келиб, яҳудийларнинг ибодатхоналарида Худонинг каломини тарғиб қилдилар. Юҳанно ҳам уларнинг хизматида эди.

<sup>6</sup> Улар бутун оролни кезиб чиқиб, Пафос шаҳрига етиб келдилар. У ерда сеҳргар ва сохта пайғамбар бўлган Барйешу исмли бир яҳудийга дуч келдилар.

<sup>7</sup> Барйешу вилоят ҳокими Сергей Павлуснинг ходими эди. Ақлли одам бўлган ҳоким Барнабо билан Шоулни чақиртиб, Худонинг каломини тингламоқчи бўлди. <sup>8</sup> Бироқ Барйешу (бошқа оти билан Алимо, яъни “сеҳргар”) уларга қаршилиқ кўрсатиб, ҳокимни имондан тойдиришга тиришарди. <sup>9</sup> Шунда Муқаддас Рухга тўлган Шоул, яъни Павлус, унга кўзларини тикиб деди:

<sup>10</sup> – Эй иблис ўғли! Юрагинг ҳар хил ҳийла ва айёрликка тўлгандир, ҳар қандай ҳақиқат душманисан! Худованднинг тўғри йўлларини чалкаштиришни бас қил! <sup>11</sup> Ва энди Худованд сенга қарши қўл кўтарди. Сен кўр бўласан ва бир қанча вақт қуёшни кўрмайсан.

Шу заҳотиёқ бу одамнинг кўзлари қоронғи-зимистонликка кўмилди. Энди у атрофни пайпаслаганича ўзига етакловчи излар эди.

<sup>12</sup> Ҳоким бу воқеани кўрди-да, Раббимиз Исо

тўғрисидаги таълимотга қойил қолиб, имон келтирди.

### Писидиянинг Антиохия шаҳрида

<sup>13</sup> Павлус ва унга ҳамроҳ бўлганлар Пафос шаҳридан сузиб кетиб, Памфилиянинг Пергия шаҳрига келишди. Юҳанно эса улардан ажралиб, Қуддусга қайтиб борди. <sup>14</sup> Улар Пергиядан яна йўлга чиқиб, Писидия юртидаги Антиохия шаҳрига боришди.

Шанба кунда яҳудийларнинг ибодатхонасига кириб ўтиришди. <sup>15</sup> Таврот ва Пайғамбарлар китобларидан қироат тугагач, ибодатхонанинг жамоабoshiлари уларга киши юбориб:

“Эрлар, биродарлар, агар халққа берадиган насиҳат сўзларингиз бўлса, марҳамат қилиб айтинглар”, – дейишди.

<sup>16</sup> Павлус оёққа турди ва қўли билан ишора қилиб: “Эй Исроил эрлари ва барча Худодан қўрққанлар, тинглангиз! – деди. <sup>17</sup> – Бу халқнинг, Исроилнинг Худоси ота-боболаримизни танлади. Улар Миср ерида, ғурбатда яшаганда, Худо уларнинг мартабасини баланд қилди. Сўнгра Ўзининг музаффар қўли билан уларни у ердан олиб чиқди.

<sup>18</sup> Қарийб қирқ йил саҳрода уларнинг кирдикорларига чидади. <sup>19</sup> Канъон мамлақатида етти элатни ҳалокатга йўлиқтириб, уларнинг заминини Исроил халқига насиб қилди. <sup>20</sup> Бу ҳол қарийб тўрт юз эллик йил давом этди.

Шундан сўнг, Шомуил пайғамбар замониғача Худо уларга қозиларни берди. <sup>21</sup> Бунинг изидан халқ подшоҳ талаб қилди ва Худо Бенямин насл-насабидан Киш ўғли Шоул деган мардни уларга қирқ йил подшоҳ қилиб берди.

<sup>22</sup> Уни тахтдан туширгандан кейин эса, уларга Довудни подшоҳ қилиб берди. Худо Довуд ҳақида шундай шаҳодат берди: “Мен кўнглимдагидай бир одамни – Ишай ўғли Довудни топдим; бутун истақларимни у бажо келтиради”.

<sup>23</sup> Худо берган ваъдасига мувофиқ, Довуд зурриётидан Исроилга Нажоткорни – Исони юборди. <sup>24</sup> Исонинг келишидан бурун Яҳё пайғамбар бутун Исроил халқини тавба-тазарру қилишга ва сувда имон келтиришга ундаб юрди. <sup>25</sup> Яҳё ўз фаолиятини яқунлаётганда: “Сизлар мени ким деб ҳисоблайсизлар? Мен Масих эмасман. Лекин мендан кейин Келаётган бор, ана мен Унинг чориқ ипларини ечишга ҳам муносиб эмасман”, – деган эди.

<sup>26</sup> Эй эрлар, биродарлар, эй Иброҳим наслдан бўлганлар ва орангиздаги барча Худодан қўрққанлар! Бу Нажоткор ҳақидаги хабар энди сизларга етиб келди. <sup>27</sup> Қуддусда яшовчилар билан уларнинг раҳнаmolари Исони тан олмадилар. Уни ўлимга маҳқум қилиб, ҳар шанба кун тиловат қилинадиган пайғамбар сўзларини ўзлари бажо келтирдилар. <sup>28</sup> Унда ўлимга лойиқ ҳеч бир айб тополмаган ҳолда, Пилатдан Уни

ўлдиришни сўрадилар. <sup>29</sup> У ҳақида ёзилган бутун оятларни шундай бажо келтиришгандан кейин, Уни ёғочдан тушириб қабрга қўйдилар. <sup>30</sup> Лекин Худо Исони тирилтирди. <sup>31</sup> Исо Ўзи билан бирга Жалиладан Қуддусга борганларга анча кунлар давомида кўриниш бериб турди. Энди улар халқ олдида Унинг гувоҳлари бўлиб қолганлар. <sup>32</sup> Бизнинг сизларга етказётган Хушxabар ҳам шу: Худо оталаримизга берган ваъдасини <sup>33</sup> уларнинг болалари бўлмиш бизлар учун Исони тирилтириш орқали амалга оширди. Забур китобининг иккинчи саносида ёзилганидек:

“Сен Менинг Ўғлимсан,  
Сени бугун таваллуд эттирдим”.

<sup>34</sup> Исони тирилтириш ва асло чиришига йўл қўймаслик ҳақида эса Худо *Забурда* яна шундай деган:

“Мен Довудга ваъда қилган дуоларимни  
Сизларга муқаррар этиб бергайман”.

<sup>35</sup> Шунингдек, бошқа бир оятда ҳам:  
“Ўз Азизингнинг чиришни кўришига йўл қўймайсан” †,

– деган. <sup>36</sup> Довуд Худонинг амри билан ўз наслига хизмат қилганидан кейин вафот этди ва ота-боболари сингари кўмилиб, унинг танаси чириб кетди. <sup>37</sup> Бироқ Худо тирилтирган Исонинг танаси чиришни кўрмади.

<sup>38</sup> Энди эй биродарлар, мана шу сизларга маълум бўлсинки, ушбу Исо номидан гуноҳларингиз кечирилиши эълон қилинмоқда. <sup>39</sup> Сизлар Мусонинг Қонунига амал қилиб, оқланишингиз мумкин эмас эди. Энди эса Исо Масихга ишонган кишининг ҳар қандай гуноҳидан Худо ўтади.

<sup>40</sup> Фақат эҳтиёт бўлинглар, яна пайғамбарлар китобида айтилган бу сўзлар сизларнинг бошингизга тушмасин:

<sup>41</sup> “Эй хор қилувчилар, қаранглар,  
Ҳайратда қолиб ҳалок бўлинглар!  
Сиз яшаётган кунларда Мен бир иш қиламанки,  
Уни сизларга бирон киши айтиб берганда эди,  
Унга ҳеч инонмас эдингизлар”.

<sup>42</sup> Бундан сўнг Павлус билан Барнабо яҳудийларнинг ибодатхонасидан чиқиб кетишди. Халойиқ улардан бу ҳақда келгуси шанба куни яна сўзлашни илтимос қилди. <sup>43</sup> Жамоат тарқалгандан кейин, яҳудийлардан ва Худодан кўрқиб яҳудий динига кирганлардан кўпгинаси Павлус ва Барнабонинг орқасидан эргашдилар. Улар бу кишилар билан суҳбат қуриб, Худонинг иноятига таяниб, имонда маҳкам бўлишга ишонтиришарди.

<sup>44</sup> Келгуси шанбада шаҳарликларнинг қарийб ҳаммаси Худонинг каломини эшитиш учун йиғилишди. <sup>45</sup> Лекин шунча халойиқни кўрган яҳудийлар ҳасадга тўлиб, Павлуснинг айтаётган сўзларини инкор қилганча, ҳақоратга ўта бошладилар. <sup>46</sup> Шунда Павлус билан Барнабо жасорат билан жавоб бериб дедилар: “Худонинг

каломини биринчи навбатда сиз, яҳудийларга тарғиб қилмоқ керак эди. Аммо сизлар Уни рад қилиб, ўзларингизни абадий ҳаётга нолайиқ кўрдингизлар. Шундан буён биз бошқа халқ вакилларига мурожаат қиламиз. <sup>47</sup> Чунки Худованд *Тавротда* бизга васият қилиб деган:

“Сени турли халқларга нур беришга қўйдим,  
Замин четларига қадар нажот келтиргин дея”.

<sup>48</sup> Ғайрияҳудийлар буни эшитгандан сўнг севиниб, Раббимизнинг каломини кўкка кўтаришди, абадий ҳаётга тайин бўлганларнинг ҳаммаси эса имон келтиришди. <sup>49</sup> Шу тариқа Раббимизнинг каломи бутун мамлакат бўйлаб ёйилиб борар эди. <sup>50</sup> Бироқ яҳудийлар художўй ва эътиборли аёллар ва шунингдек, шаҳарнинг нуфузли одамларини Павлус ва Барнабога қарши кўзғатиб, уларни ўз юртларидан қувиб чиқаздилар. <sup>51</sup> Шунда Павлус ва Барнабо оёқ чангларини уларга силтаб қоқиб, Икония шаҳрига кетишди.

<sup>52</sup> Шогирдлар бўлса, севинч ва Муқаддас Рухга тўлиб-тошиб борардилар.

### Икония шаҳрида

**14** Икония шаҳрида Павлус билан Барнабо одатдагидай яҳудийларнинг ибодатхонасига кириб, ваъз айтдилар. Натижада яҳудий ва юнонлардан жуда кўплари имон келтирди. <sup>2</sup> Лекин инонмаган яҳудийлар мажусийларнинг юракларини заҳарлаб, уларни имонлиларга қарши кўзғатдилар. <sup>3</sup> Павлус билан Барнабо бўлса, анча вақт Раббимиз Исо учун жасорат билан фаолият кўрсатардилар. Раббимиз ҳам уларнинг қўллари орқали ажойиб ва мўъжизакор ишлар яратиб, Ўзининг иноятли каломини тасдиқлар эди. <sup>4</sup> Шундай қилиб, шаҳар аҳолиси иккига бўлинди: баъзилари яҳудийлар ва баъзилари ҳаворийлар томонига ўтдилар.

<sup>5</sup> Яҳудийлар ва мажусийлар ўз раҳнамолари билан келишиб, ҳаворийларга озор бериб, уларни тошбўрон қилмоқчи бўлишди. <sup>6</sup> Улар эса буни пайқаб қолиб, Ликаониянинг Листра ва Дервия шаҳарлари ва атрофдаги вилоятга қочиб кетишди. <sup>7</sup> У ерда Инжил Хушxabарини тарғиб қилишда давом этишди.

### Листра ва Дервия шаҳарларида

<sup>8</sup> Листра шаҳрида бир чўлоқ киши ерда ўтирар эди. У туғма майиб бўлиб, умрида асло юрмаган эди. <sup>9</sup> У Павлуснинг айтаётган сўзларини тингларкан, Павлус унга кўз тикиб, дарддан халос бўлиш учун имони борлигини пайқади. <sup>10</sup> Овозини баланд қилиб:

– Раббим Исо Масих номидан сенга айтаман:  
оёгингда тикка тур! – деди. Ўша заҳоти у киши ўрнидан ирғиб турди-да, юра бошлади.

<sup>11</sup> Халойиқ Павлус қилган ишни кўриб, Ликаония тилида баралла:

† қаранг: *Забур* 2:7, 15:10.

– Тангрилар одам қиёфасида олдимишга тушибди! – деб бақира кетишди. <sup>12</sup> Барнабони – Зевс †, Павлусни эса нотиқ бўлгани учун Ҳермес †† дейишди. <sup>13</sup> Шаҳарнинг ташқарисидаги Зевс маъбадининг қоҳини эса шаҳар дарвозаларига ҳўкизларни ва гулчамбарларни олиб келиб, халойиқ билан бирга қурбонлик келтирмоқчи бўлди.

<sup>14</sup> Ҳаворийлар Барнабо ва Павлус бунини эшитгач, кийимларини йиртганча, ўзларини халойиқнинг орасига отиб: <sup>15</sup> “Эрлар! – деб бақирдишди. – Нима учун бу ишларни қилиясизлар? Биз ҳам сизларга ўхшаган инсонмиз! Сизлар бу сохта тангриларга топинишдан қайтиб, ер, осмон, денгиз ва ундаги ҳамма нарсани яратган барҳаёт Худога илтижо қилинглари. Мана, биз сизларга етказётган Хушхабаримиз шу. <sup>16</sup> Гарчи Худо ўтган барча халқларга ўз йўллари билан юришларига эрк берган бўлса-да, <sup>17</sup> шу билан бирга Ўзини доимо ошқора қилиб келган. Осмондан ёгингарчилик ва серҳосил мавсумлар бериб, ризқ-рўзингизни таъминлаб, юракларингизни бахт-саодатга тўлдириб, сизларга эзгулик қилиб келган”.

<sup>18</sup> Ҳаворийлар бу сўзларни айтиб бўлиб, оломонни зўрға тинчатишди ва ўзларига қурбонлик қилмасликка кўндиришди. [Ҳамма уй-уйларига кетгандан сўнг, улар яна шу ерда таълим беришни давом эттиришди.]

<sup>19</sup> Шу орада ҳаворийлар жасорат билан ваъз айтиб турганда, Антиохия ва Икония шаҳарларидан яҳудийлар келиб, халқни улардан бош тортишга ундадилар. “Улар бирон ҳақиқатни айтишгани йўқ, ҳамма сўзлари ёлғон”, – деб халқнинг авзойини бузиб, Павлусни тошбўрон қилдилар. Уни ўлган ҳисоблаб, шаҳардан ташқарига судраб чиқдилар. <sup>20</sup> Лекин шогирдлари унинг атрофига тўпланганда, Павлус ўрнидан туриб, шаҳарга қайтиб кирди. Эртаси куни Барнабо билан Дервия шаҳрига жўнади.

### Суриянинг Антиохия шаҳрига қайтиш

<sup>21</sup> Хушхабарни Дервия шаҳрида тарғиб қилиб, кўп шогирд орттиришгандан сўнг, Листра, Икония ва Антиохия шаҳарларига қайтдилар. <sup>22</sup> Йўл-йўлакай Исо шогирдларининг жонларига жон кўшиб, имонда собит бўлишлари учун далда берардилар. “Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулардан ўтиб киришимиз керак”, – деб насиҳат қилардилар. <sup>23</sup> Ҳар бир имонлилар жамоати учун оқсоқоллар тайин этдилар. Рўза тутиб, имонлиларни дуо қилиб, Раббимиз деб қаттиқ ишонишган Исо Масиҳнинг қарамоғига уларни топширдилар.

<sup>24</sup> Писидия юридан ўтиб Памфилия вилоятига келдилар. <sup>25</sup> Пергия шаҳрида Худонинг сўзини ваъз қилгандан кейин, Атталияга тушиб бордилар. <sup>26</sup> У жойдан сузиб, энди тамомлаган ишлари учун

† ЗЕВС: қадимий юнонларда “бош худо”. †† ҲЕРМЕС (Гермес) эса “худоларнинг нотиқи” деб ҳисобланар эди.

Худонинг иноятига топширилган жой – Антиохияга қайтиб келдилар. <sup>27</sup> У ерга етгач, имонлилар жамоатини йиғиб, Худонинг улар билан нималар қилганини, мажусийларга имон эшигини қандай очганини сўзладилар. <sup>28</sup> Бу ердаги Исо шогирдлари билан бирга анча вақт турдилар.

### Қуддусдаги буюк кенгаш: суннат масаласи

**15** Яҳудия ўлкасидан келган баъзи одамлар Антиохияда турган имонли биродарларига: “Агар Мусонинг одати бўйича суннат қилмасангизлар, нажот тополмайсизлар”, – дея таълим берардилар. <sup>2</sup> Павлус ва Барнабо улар билан анча тортишув ва баҳсга киришдилар. Охирида Павлус билан Барнабони, шунингдек, ораларидан бошқа баъзи кишиларни тайин этиб, бу масалани ҳаворийлар ва оқсоқоллар қошида ечиш мақсадида уларни Қуддусга юборишга қарор қилишди. <sup>3</sup> Улар жамоат томонидан жўнатилгандан сўнг, Финикия ва Самария ўлкаларидан ўтаётиб, ўша ердаги биродарларига мажусийларнинг Худога илтижо қилишганини айтиб бериб, ҳаммага катта севинч бағишлардилар.

<sup>4</sup> Қуддусга етганларида, имонлилар жамоати, ҳаворийлар ва оқсоқоллар томонидан яхши қабул қилиндилар. Ўзлари билан Худонинг қилган бутун ишларини, мажусийларга имон эшигини қандай очганини уларга билдирдилар. <sup>5</sup> Лекин фарзийлар мазҳабидан Исога ишонган баъзи бирлари қарши туриб: “Уларни суннат қилиш ва Мусонинг Қонунига риоя эттириш керак”, – дедилар.

<sup>6</sup> Ҳаворийлар ва оқсоқоллар бу масалани муҳокама қилиш учун йиғилдилар. <sup>7</sup> Анча мунозарадан кейин Бутрус ўрнидан туриб, уларга хитоб этди:

“Эрлар, биродарлар! Сизларга маълумки, мажусийлар Инжил Хушхабарини мендан эшитиб, имон келтирсинлар деб, Худо анча вақт аввал орангиздан мени танлаган эди. <sup>8</sup> Қалбларни билган Худо бизга берган Муқаддас Рухни уларга ҳам эҳсон этиб, шу билан уларни маъқул топганини тасдиқ этди. <sup>9</sup> Улар билан бизнинг орамизни ҳеч қандай фарқ билан ажратмасдан, имон келтиришлари орқали уларнинг ҳам дилларини тозалади. <sup>10</sup> У ҳолда, сизлар нима учун Худони синаб, на оталаримиз, на бизлар кўтариб боролмаган бўйинтуруқни Исо шогирдларининг бўйнига юкламоқчисизлар? <sup>11</sup> Ўзимиз биргина Раббимиз Исонинг инояти билан нажот топишга ишонганимиз каби, улар ҳам худди шунга ишонишади”.

<sup>12</sup> Шунда бутун жамоат жим бўлиб, Барнабо билан Павлусга қулоқ солиб турди. Улар эса Худонинг ўзлари орқали мажусийлар орасида бажарган барча ажойиб ва мўъжизакор ишларини айта бошладилар.

<sup>13</sup> Улар сўзлаб бўлгандан кейин, Ёқуб гап бошлади:

“Эрлар, биродарлар, менга қулоқ солинглар!  
<sup>14</sup> Симуни †, биринчи галда Худо бошқа миллатлардан Ўз исмини таниган бир халқни олиш учун осмондан тушганини тушунтирди. <sup>15</sup> Ана, пайғамбарларнинг сўзлари ҳам бунга мувофиқ келяпти, Тавротда ёзилишича:

<sup>16</sup> “Бундан кейин Мен қайтиб келиб, Довуднинг йиқилган даргоҳини барпо қилурман. Унинг харобаларини янгидан қуриб, Уни бошдан қайта тиклаб қўюрман.

<sup>17</sup> Токи қолган одамлар, Исминини таниган барча халқлар, Мен – Худовандни излаб топсинлар.

<sup>18</sup> Буларни қадимдан маълум этган Худованд буюриб бажармоқда”.

<sup>19</sup> Шунинг учун менинг фикримча, бошқа миллатлардан Худога имон келтирганларни қийнаб қўймаслигимиз лозим. <sup>20</sup> Фақат уларга хат ёзиб, бутларга сўйилган ҳаром қурбонлик гўшти, зино, бўғилган ҳайвоннинг гўшти ва қон ейишдан ўзларини сақласинлар, [ўзлари учун истамаган нарсани ўзгага қилмасинлар], деб буйруқ берайлик. <sup>21</sup> Зотан, Мусонинг Қонуни қадимги аждодлар замонидан бери ҳар бир шаҳарда ваъз қилинмоқда, ҳар шанба куни ибодатхоналарда қироат қилиниб келмоқда”.

#### Исога ишонган ғайрияхудийларга хат

<sup>22</sup> Бунинг изидан бутун жамоат билан ҳаворийлар ва оқсоқоллар ўз ораларидан одамларни сайлаб, Павлус ва Барнабо билан Антиохияга юборишни лозим кўрдилар. Биродарлар орасида обрў орттирган Барсабо лақабли Яҳудони ва Силани сайладилар. <sup>23</sup> Улар орқали шу мактубни ёзиб юбордилар: “Ҳаворийлар, оқсоқоллар ва барча биродарлардан, турли халқ вакилларида иборат бўлиб, Антиохия, Сурия, ва Киликияда яшаётган биродарларимизга салом!

<sup>24</sup> Эшитишимизча, биздан чиққан баъзи кишилар ўзларининг гаплари билан сизларни довдиратиб, суннат қилиш керак, Мусонинг Қонунига риоя қилиш керак, деб кўнгилларингизни ташвишга солишибди. Биз эса буни буюрмаган эдик. <sup>25</sup> Шу сабабдан ўз орамиздан сайланган баъзи бир одамларни азизларимиз Барнабо ва Павлус билан бирга сизларнинг олдингизга юбориш учун бир фикрга келдик. <sup>26</sup> Бу иккаласи Раббимиз Исо Масихнинг исми учун ўз жонларини ҳам аямаган зотлардир. <sup>27</sup> Қароримиз бўйича ҳузурингизга ҳозирча Яҳудо билан Силани йўллаяпмиз; улар сизларга буларни оғзаки ҳам тушунтирадилар. <sup>28</sup> Шундай қилиб, Муқаддас Рухга ва бизга маъқул кўринган қуйидаги зарур саналганлардан бошқа сизларга ҳеч нарса юкламасликка қарор қилдик, чунончи: <sup>29</sup> бутларга сўйилган қурбонлик гўшти, қон, бўғилган ҳайвоннинг гўшти ҳамда зинодан ўзингизни сақланглар. [Ўзингиз учун истамаган

нарсани ўзгага қилманглар.] Бу ҳаром нарсалардан ўзларингизни сақлаб юрсангиз, яхши иш қилган бўласизлар. Саломат бўлинглар!”

<sup>30</sup> Шундай қилиб, бу одамлар йўлга тушиб, Антиохия шаҳрига келишди. У ердаги жамоатни тўплаб, хатни топширишди. <sup>31</sup> Улар эса насиҳатни ўқиб севиндилар. <sup>32</sup> Ўзлари ҳам пайғамбар бўлган Яҳудо ва Сила маъноли, мўл сўз билан биродарларига далда бериб, жонларига жон қўшдилар. <sup>33</sup> Бу ерда бир муддат туришганидан кейин, биродарлари уларни эсон-омон кузатиб, юборганлар қошига қайтаришди. <sup>34</sup> [Лекин Сила Антиохияда қолишни афзал кўрди ва Яҳудо якка ўзи Қуддусга қайтди.] <sup>35</sup> Павлус ва Барнабо бўлса, Антиохияда қолишди. Улар бошқа кўп кишилар билан ҳамжиҳат бўлиб, таълим беришни ва Раббимиз Исонинг Хушхабарини тарғиб қилишни давом эттиришди.

#### Павлуснинг иккинчи тарғибот сафари

<sup>36</sup> Бир мунча вақтдан кейин Павлус Барнабога: “Энди қайтиб бориб, Раббимиз каломини тарғиб этган ҳар бир шаҳардаги биродарларимизни йўқлайлик, уларнинг ҳол-аҳволини билайлик”, – деди. <sup>37</sup> Барнабо эса Марк деган Юҳаннони ҳам ўзи билан бирга олмоқчи эди. <sup>38</sup> Лекин Павлус, Памфилияда ўзларини тарк этиб, ҳамкорликдан бош тортган одамни ўзи билан бирга олишни ўринли деб ҳисобламас эди. <sup>39</sup> Натижада ораларида шундай хафалик бўлиб ўтдики, улар бир-бирларидан айрилиб қолдилар. Барнабо Маркни эргаштириб, Кипр оролига сузиб кетди. <sup>40</sup> Павлуснинг ўзи эса Силани танлади. Биродарлар уни Худонинг иноятига топширгандан сўнг, у жўнаб кетди. <sup>41</sup> У Сурия ва Киликия ўлкаларидан ўтиб борган сари, Масих жамоатларини имонда мустаҳкамлар эди.

#### Тимўтийнинг сафарга қўшилиши

**16** Павлус Дервия ва Листра шаҳарларига етиб борди. У ерда Тимўтий исмли Исо шогирди бор эди. Унинг онаси имон топган яҳудий, отаси эса юнон эди. <sup>2</sup> Бу киши Листра ва Иконияда яшаган имонлилар орасида яхши ном чиқарган эди. <sup>3</sup> Тимўтийни ўзи билан бирга олиб кетишни истаб, Павлус ўша атрофдаги яҳудийлар сабабли уни суннат қилди. Чунки унинг отаси юнон эканини ҳамма билар эди.

<sup>4</sup> Улар шаҳарма-шаҳар кезиб боришаркан, Қуддусдаги ҳаворийлар ва оқсоқоллар томонидан қарор қилинган қонун-қоидаларни имонлиларга топшириб, буларга риоя қилишларини тайинлашарди. <sup>5</sup> Шу йўсинда жамоатларнинг имони қувватланиб, сони кундан-кунга ошиб бораётган эди.

† СИМУН: Ҳаворий Бутруснинг эски оти; қаранг: Матто 4:18.

### Оврупага даъват

<sup>6</sup> Павлус билан йўлдошлари Фригия ва Галатия юртларидан ўтишди, чунки Муқаддас Рух Асияда Худо сўзини тарғиб қилишларига тўсқинлик қилди. <sup>7</sup> Мисия чегараларига яқинлашганда, Битинияга бормоққа интилдилар, лекин Исонинг Рухи яна уларга ижозат бермади. <sup>8</sup> Шундай қилиб, Мисия юртидан ўтиб, Троас шаҳрига тушиб келдилар. <sup>9</sup> Ўша кечаси македониялик бир одам Павлуснинг тушига кирди. У Павлуснинг қаршисида туриб: “Македонияга келиб, бизга ёрдам бергин!” – деб ёлворар эди. <sup>10</sup> Павлуснинг кўрган бу кароматли тушидан кейин бизлар <sup>†</sup> дарҳол Македонияга бориш ҳаракатини қилдик. Чунки Раббимиз бизни у аҳолига Хушхабарни етказишга чақиряпти, деган хулосага келган эдик.

### Лидиянинг имон келтириши

<sup>11</sup> Троас шаҳридан жўнаб, тўғри Самофракия ва эртаси куни Неаполь шаҳрига сузиб бордик. <sup>12</sup> У ердан чиқиб, Македониянинг ўша қисмидаги биринчи Рим колонияси бўлмиш Филиппи шаҳрига келдик ва ўша ерда бир неча кун туриб қолдик.

<sup>13</sup> Яхудийларнинг дам олиш кунида биз шаҳардан ташқарига чиқиб, худди ўйлаганимиздек дарё бўйида ибодат қилаётган жамоатга дуч келдик. Йиғилган аёллар билан суҳбатлаша бошладик. <sup>14</sup> Тингловчилар орасида Лидия исмли художўй бир аёл бор эди. У Тиятира шаҳарлик алвон тўн сотувчи эди. Павлуснинг айтаётганларини фаҳмлаши учун Раббимиз унинг қалбини очди. <sup>15</sup> Лидия ўзининг уй аҳли билан бирга сувда имон келтиргандан сўнг, бизни меҳмон қилмоқчи бўлди. “Агар сизлар мени Раббимиз Исога имон келтирган деб ҳисобласангизлар, уйимга кириб ўтиринглар”, – деб бизни кўндирди.

### Ёмон руҳли фолбин қиз

<sup>16</sup> Бир куни ибодатгоҳга кетаётганимизда, ичида фолчилик руҳи бўлган бир чўри бизга дуч келди. У фолчилик маҳорати билан хўжайинларига кўп даромад келтирарди. <sup>17</sup> Павлуснинг ва ҳаммамизнинг орқамиздан юриб:

– Бу одамлар Худойи Таолонинг қулларидир, бизга нажот йўлини эълон қилмоқдалар, – деб бақирарди. <sup>18</sup> Анча кун буни такрорлади. Охири, Павлуснинг жонига тегиб, у чўрига бурилди-да, ичидаги руҳга:

– Исо Масих номидан сенга буюраман: чўридан чиқиб кет! – деди. Рух эса ўша заҳоти чўрининг танидан чиқиб кетди.

<sup>19</sup> Чўрининг хўжайинлари энди даромад умиди йўқолганини кўриб, Павлус билан Силани

тутганларича марказий майдонга, шаҳар маҳкамасига судраб бордилар. <sup>20</sup> Уларни Рим маъмурларининг қошига чиқариб:

– Бу одамлар яхудий бўла туриб, шаҳримизни тўс-тўполон қилиб юбормоқдалар! <sup>21</sup> Биз римликларга қабул этиш ва бажариш мумкин бўлмаган одатларни тарғиб қилмоқдалар, – дейишди.

<sup>22</sup> Оломон Павлус билан Силага ёпирила бошлагач, маъмурлар уларнинг уст-бошини йиртиб олиб, калтаклашга буюрдилар.

### Павлус билан Сила қамоқда

<sup>23</sup> Уларни жуда кўп калтаклашгандан кейин зиндонга ташлаб, қаттиқ қўриқлашни зиндонбонга буюрдилар. <sup>24</sup> У ҳам олган амрига кўра, уларни зиндоннинг ички бўлмасига қамаб, оёқларини кундалаб қўйди.

<sup>25</sup> Тун яримлаб қолганда, Павлус ва Сила ибодат қилиб, Худони куйлашар эди; маҳбуслар эса уларни тинглаб туришарди. <sup>26</sup> Тўсатдан шиддатли зилзила юз берди-да, қамоқхонанинг пойдеворини силкитиб ташлади. Ўша заҳоти барча эшиклар очилиб, ҳамманинг кишанлари бўшаб қолди.

<sup>27</sup> Зиндонбон эса уйғонган заҳоти зиндон эшикларининг очилиб қолганини кўрди. У қиличини қинидан суғуриб, ўзини ўлдирмоқчи бўлди, чунки маҳбуслар қочиб кетишган, деб ўйларди. <sup>28</sup> Лекин Павлус баланд овозда бақириб:

– Зинҳор ўз жонингга қасд қилма, биз ҳаммамиз шу ердамиз! – деди.

<sup>29</sup> Зиндонбон чироқ сўраб, зиндонга югуриб кирди ва титраб Павлус билан Силанинг пойига ўзини ташлади. <sup>30</sup> Уларни ташқарига чиқариб:

– Жаноблар, нажот топиш учун нима қилишим керак? – деб сўради. <sup>31</sup> Улар:

– Раббимиз Исо Масихга ишонгин, сен ўзинг ва бутун хонадонинг нажот топасизлар, – дейишди.

<sup>32</sup> Кейин унга ва бутун уй аҳлига Худонинг каломини сўзлаб беришди.

<sup>33</sup> Зиндонбон кечанинг ўша соатида Павлус билан Силани бир четга олиб, яраларини ювди. Дарҳол ўзи билан бутун хонадони сувга чўмиб имон келтирди. <sup>34</sup> Уларни ўз уйига келтириб, дастурхонга таклиф қилди. Худога имон топдим деб, бутун хонадони билан бирга жуда хуррам бўлаётган эди.

<sup>35</sup> Кундуз бўлгач, римлик маъмурлар:

– У одамларни қўйиб юборинглар, – деб вазифадорларини йўллашди. <sup>36</sup> Зиндонбон Павлусга хабар етказиб:

– Маъмурлар сизларни озодликка чиқариш учун одам юборишибди, энди чиқиб эсон-омон кета қолинглар, – деди. <sup>37</sup> Павлус уларга шундай жавоб берди:

– Рим фуқароси бўлган бизни суд қилмай халқнинг кўз ўнгида уриб, зиндонга ташладилар. Энди эса бизни яширинча қўйиб юбормоқчиларми? Йўқ, ўзлари келиб бизни чиқазсинлар!

<sup>†</sup> БИЗЛАР: Ҳозиргача ҳикоятни томошабин тилидан ёзган Луқо бир муддат ўзи ҳам сайрда қатнашган.

<sup>38</sup> Вазифадорлар бу сўзларни маъмурларга айтиб бердилар. Павлус билан Силанинг Рим фуқароси <sup>†</sup> бўлганларини маъмурлар эшитгач, юраклари сесканиб кетди. <sup>39</sup> Келиб улардан кечирим сўрадилар. Сўнг уларни кузатиб, шаҳардан кетишларини илтимос қилдилар. <sup>40</sup> Павлус билан Сила эса зиндондан чиқиб, Лидиянинг уйига боришди. Биродарлари билан кўришиб, уларга насиҳат бергандан кейин, жўнаб кетишди.

### Салоника шаҳрида қувғин

**17** Амфиполь ва Аполлония шаҳарларидан ўтиб, Салоника шаҳрига келишди. У ерда яҳудийларнинг ибодатхонаси бор эди. <sup>2</sup> Павлус ўзининг одатидай яҳудийларнинг олдига кириб, сурункасига уч шанба куни улар билан муқаддас ёзувлар <sup>††</sup> борасида мунозара қилди. <sup>3</sup> “Сизларга мен эълон қилаётган бу Исо – Масихдир”, – деб айтар, Масихнинг азоб билан ўлиб тирилиши кераклигини ишонтирарли исботлар билан баён этар эди. <sup>4</sup> Яҳудийлардан баъзилари, шунингдек, Худодан қўрққан кўпгина юнонлар билан эъозли аёллардан иборат катта бир тўда қаноат ҳосил қилиб, Павлус билан Силага қўшилдилар.

<sup>5</sup> Лекин *инонмаган* яҳудийлар ҳасадга тўлиб, майдондан ярамас одамларни тўплаб, халойиқ орасига ғулу солишди-да, бутун шаҳарни тўс-тўполонга айлантириб юборишди. Ясоннинг уйига ҳужум қилиб, Павлус билан Силани халқнинг олдига олиб чиқишни талаб қилишди. <sup>6</sup> Уларни тополмай, Ясон ва баъзи имонлиларни шаҳар маъмурлари ҳузурига судраб келишди-да, қичқиришиб: “Дунёни остин-устин қилаётган бу одамлар мана бу ерга ҳам келишибди! <sup>7</sup> Мана, Ясон уларни уйига қабул қилибди. Буларнинг ҳаммаси: Исо деган бошқа бир подшоҳ бор, деб Қайсарнинг буйруқларига қарши ҳаракат қилмоқдалар”, – дейишди. <sup>8</sup> Бу сўзлар оломонни ва шаҳар маъмурларини жуда ҳам ҳаяжонга солди. <sup>9</sup> Ниҳоят, Ясон ва бошқалардан кафолат олиб, уларни қўйиб юборишди.

### Верия шаҳрида яхши қабул

<sup>10</sup> Дарҳол, ўша кечасиёқ имонлилар Павлус билан Силани Верия шаҳрига жўнатишди. Улар у ерга етгач, яҳудийларнинг ибодатхонасига боришди. <sup>11</sup> Бу ердаги яҳудийлар Салоника аҳолисидан кўра фаросатлироқ эдилар. Худо сўзини жуда иштиёқ билан қабул қилиб, бу таълимот ҳақиқатмикин, деб кундан-кунга муқаддас ёзувларни синчиклаб ўқир эдилар. <sup>12</sup> Шундай қилиб, улардан кўплари, шу жумладан муҳтарам юнон аёлу эркаларининг кўпчилиги ҳам имон келтиришди.

<sup>†</sup> Рим фуқароси бўлган кишини судсиз жазоламоқ қонунга хилоф эди; айнан қаранг: 22:22-29. <sup>††</sup> МУҚАДДАС ЁЗУВЛАР: Муқаддас Китобнинг у вақтгача ёзилиб бўлган Таврот ва Забур қисмлари.

<sup>13</sup> Павлус Верия шаҳрида ҳам Худонинг каломини ваъз қиляпти, деб эшитган Салоникадаги яҳудийлар у ерга ҳам келиб, халойиқни гижгижлаб, алғов-далғов қилдилар. <sup>14</sup> Шунда имонлилар Павлусни зудлик билан денгизга кузатиб қўйдилар. Сила ва Тимўтий эса ўша ерда қолдилар.

<sup>15</sup> Павлуснинг кузатувчилари уни Афина шаҳригача узатиб қўйдилар. Павлусдан: “Сила билан Тимўтий олдимга тезроқ келишсин”, деган топшириқни олгандан сўнг, улар йўлга тушди.

### Афинада файласуфлар мунозараси

<sup>16</sup> Павлус Афинада Сила билан Тимўтийни кутиб тураркан, бу шаҳарнинг бутлар билан тўлганини кўриб, кўнгли жуда ғашланди. <sup>17</sup> Шу тариқа, у гоҳ яҳудий ибодатхонасида яҳудийлар ва Худодан қўрққан бошқа кишилар билан сўзлашар, гоҳ бозор майдонида учрашиб турганлар билан ҳар куни мунозара қилар эди. <sup>18</sup> Айниқса, эпикурчи ва стоик <sup>‡</sup> файласуфлар у билан баҳслашардилар. Павлус Исо ва тирилиш тўғрисидаги Хушхабарни баён этди. Бири: “Бу маҳмадона нима демоқчи экан?” – деса, бошқалари: “У бегона тангриларнинг ваъзхони, шекилли”, – деб айтишарди.

<sup>19</sup> Павлусни Арес-тепага <sup>‡†</sup> олиб боришди ва унга: “Сен тарғиб қилаётган бу янги таълимотнинг нималигини билишимиз мумкинми?”

<sup>20</sup> Қулоқларимизга ғалати сўзлар эшитиляпти-да, биз уларнинг нималигини билмоқчимиз”, – дейишди.

<sup>21</sup> Барча афиналиклар ва бу шаҳарда яшовчи бегоналар ҳамма вақтларини янгиликларни сўзлаш ёки тинглаш билангина ўтказишарди.

<sup>22</sup> Шундай қилиб, Павлус Арес-тепанинг ўртасида туриб, ваъз айтди:

“Эй афиналиклар! Мен сизларни ҳар жиҳатдан жуда диндор кўряпман. <sup>23</sup> Чунончи, кезиб-кезиб, азиз жойларингизни кўздан кечириб, “НОМАЪЛУМ ХУДОГА БАҒИШЛАНГАН” деб ёзилган бир қурбонгоҳга ҳам дуч келдим. Худди шу сизлар билмай сиғинаётган Худони мен сизларга маълум қилмоқчиман.

<sup>24</sup> Борлиқни яратган Парвардигори олам еру осмон Эгаси бўлиб, инсон қўли билан яратилган маъбадларда яшамайди. <sup>25</sup> У бирон нарсага муҳтож эмаски, Унга инсон қўллари билан хизмат қилиб бўлса. У Ўзи ҳаммага ҳаёт, нафас ва борлиқни берган. <sup>26</sup> Худо барча одамзодни бир одамдан яратиб, ер юзига тарқалиб яшашига йўл қўйган. Инсониятнинг белгили даврларини, турли истиқомат жойларини Худо тайин этган. <sup>27</sup> У ҳар биримизга жуда яқин бўлиб, пайпаслаб-пайпаслаб бўлса-да, Мени қидириб топинглар, деб буюрмоқда. <sup>28</sup> Зотан, биз У орқали яшаймиз, ҳаракат қиламиз, бормиз. Ўз шоирларингиздан

<sup>‡</sup> ЭПИКУРЧИ...СТОИК: луғатга қаранг. <sup>‡†</sup> АРЕС-ТЕПА: юнонча “Ареопаг”; қадимдан бу номдаги тепада Афинанинг оқсоқоллар кенгаши йиғилиб турган.

баъзилари айтганидек: “Биз ҳам Унинг уруғидирмиз”.

<sup>29</sup> Энди биз Худонинг уруғидан бўлганимиз сабабли, гўё Худойи Таолони инсон ақли билан ижод қилинган ёки инсон хунари билан ишланган олтин, кумуш ёки тош буюмлар билан тенглаштирмаслигимиз керак. <sup>30</sup> Худо ўтган бу қоронғи даврларга кўз юмган бўлса-да, энди ҳамма ерда, ҳамма инсонларнинг тавба қилишларини буюрмоқда. <sup>31</sup> Ўзи кўйган Зот орқали У дунёни адолат билан ҳукм этадиган бир кун тайин этди. Ўша Зотни ўлганидан кейин тирилтириб, барча инсонларга ишонч бағишлади”.

<sup>32</sup> Ўликларнинг тирилишини эшитиб, баъзилар масхара қилиб кулдилар. Бошқалар эса: “Бу ҳақда сени бўлак пайт эшитамиз”, – дедилар. <sup>33</sup> Шундай қилиб, Павлус уларнинг ўртасидан чиқиб кетди. <sup>34</sup> Баъзи одамлар эса унга эргашиб имон келтирдилар, шу жумладан Арес-тепа кенгашининг аъзоси – Дионисий, Дамар исмли бир аёл ва бошқалар бор эди.

#### Коринф шаҳрида қаттиқ қаршилик

**18** Бу ҳодисалардан кейин Павлус Афинани тарк этиб, Коринф шаҳрига келди. <sup>2</sup> Бу шаҳарда асли понтлик бўлган Акил исмли бир яҳудийни топди. Қайсар Клавдий <sup>†</sup> бутун яҳудийларга Римдан чиқиб кетишлари ҳақида фармон чиқаргани туфайли, Акил билан хотини Прискилла яқинда Италиядан келишган эди. Павлус уларнинг олдига борди. <sup>3</sup> Ҳамкасб бўлганлари учун уларнинг ёнида қолиб ишлади. Уларнинг хунари эса чодир тикувчилик эди. <sup>4</sup> Павлус ҳар шанба кун яҳудийлар ибодатхонасида баҳслашиб, яҳудий билан юнонларни ишонтиришга ҳаракат қиларди.

<sup>5</sup> Сила билан Тимўтий Македониядан келганларидан кейин, Павлус ўзини бутунлай ваъзхонликка бағишлаб, Исонинг Масихлигини яҳудийларга таъкидлаб баён этарди. <sup>6</sup> Лекин улар қарши бориб, уни ҳақорат қилгач, Павлус кийимидаги чангни қоқиб: “Сизлар тўккан қон ўз бўйнингизга! Мен тозаман. Бу кундан эътиборан мен мажусийларнинг олдига бораман”, – деди.

<sup>7</sup> Павлус у ердан кетиб, Худога сиғинувчи Юстус исмли бир одамнинг уйига келди. Унинг уйи эса яҳудийлар ибодатхонасига девор-дармиён эди. <sup>8</sup> Шундай қилиб, ибодатхонанинг жамоабошиси бўлган Крисп бутун хонадони билан Исони Раббим деб имон келтирди. Буни эшитган коринфликлардан кўплари ҳам ишониб, сувда имон келтирдилар.

<sup>9</sup> Бир кечаси Павлуснинг тушида Исо кўриниш бериб: “Қўрқма, лекин тинмай гапиравергин, – деди. <sup>10</sup> – Мен сен билан биргаман, ҳеч ким сенга кўл тегизиб ёмонлик қилмайди; чунки бу шаҳарда кўп одамларим бор”. <sup>11</sup> Павлус шундан сўнг бир

йилу олти ой бу ерда яшаб, Худо каломидан таълим берди.

<sup>12</sup> Галлион Ахая вилояти ҳокими бўлган даврда, яҳудийларнинг ҳаммаси бир бўлиб, Павлусга қарши бош кўтаришди. Уни маҳкамага судраб келиб: <sup>13</sup> “Бу одам Қонунимизга зид ўлароқ Худога сиғинишни халққа ўргатмоқда”, – деб айтишди.

<sup>14</sup> Павлус оғзини очай деганда, Галлион яҳудийларга хитоб этиб: “Ҳой яҳудийлар! Агар бирон ҳақсизлик ёки оғир жиноят масаласи бўлса эди, у вақтда арзингизни эшитиш учун менда бир асос бўлар эди. <sup>15</sup> Ҳолбуки, баҳс таълимот, исмлар ва Қонунингиз ҳақида бораётган бўлса, унда ўзларингиз ҳал этинглар. Мен бу ишларнинг қозиси бўлишни истамайман”, <sup>16</sup> – деди-ю, уларни маҳкамадан ҳайдаб юборди. <sup>17</sup> Шунда бутун юнонлар жамоабоши Состенни тутиб, маҳкама олдида урдилар. Галлион эса бунга парво қилмади.

#### Павлуснинг Антиохияга қайтиши

<sup>18</sup> Павлус яна анча кун Коринф шаҳрида тургандан кейин, биродарлари билан хайрлашиб, Акил ва Прискилла билан бирга Сурияга бораётган кемага тушди. У назр-аҳд қилгани учун, Кенхрея шаҳрида сочларини қирқтирган эди.

<sup>19</sup> Эфес шаҳрига етиб борганда, Павлус Акил билан Прискиллани у ерда қолдирди. Ўзи эса яҳудийлар ибодатхонасига кириб, баҳс очди. <sup>20</sup> Яҳудийлар янада кўпроқ вақт уларникида қолишини Павлусдан илтимос қилган бўлишса-да, у кўнмади. <sup>21</sup> Улар билан хайрлашиб: “Яқинлашиб келаётган байрамни мен албатта Қуддусда қутлашим керак. Аммо Худо хоҳласа, олдингизга яна қайтиб келаман”, – деди-ю, Эфесдан сузиб кетди. [Акил билан Прискиллани эса Эфесда қолдирди.]

<sup>22</sup> Кема Кесария портига етиб келиб тўхтади. Павлус Қуддусга бориб, имонлилар жамоати билан кўришди. Сўнгра Антиохия шаҳрига тушди. <sup>23</sup> У ерда бир муддат туриб, тагин йўлга чиқди. Тартиб бўйича Галатия ва Фригия юртларини кезиб чиқиб, барча Исо шогирдларининг кўнглини кўтарди.

#### Аполлоснинг ойдинланиши

<sup>24</sup> Шу орада асли искандариялик бўлган Аполлос исмли бир киши Эфес шаҳрига келди. У гапга чечан, Тавротни яхши билган бир яҳудий эди. <sup>25</sup> Бу одам Раббимиз Исо йўлида тарбия олган бўлиб, бу ҳақда тўғри ва оташин руҳ билан таълим берар эди. Лекин у фақатгина Яҳё пайғамбарнинг сувда тавба қилдириш усулини билар эди <sup>††</sup>. <sup>26</sup> Яҳудийлар ибодатхонасида жасорат билан ваъз айтадиган бўлди. Аполлосни тинглаган Акил билан Прискилла уни кутиб олиб, Раббимиз Исо йўлини аниқ қилиб тушунтириб бердилар.

† ҚАЙСАР КЛАВДИЙ: яна қаранг: 11:28.

†† 1:5 ва 19:1-7 даги изоҳларга қаранг.



<sup>27</sup> Аполлос Ахая юртига бормоқ ниятини изҳор этганда, биродарлари у ердаги Исо шогирдларига хат ёзиб, уни яхши қабул қилишларини ўтиндилар. Аполлос Ахаяга бориб, Худонинг инояти билан имон топганларга самарали ёрдам берди. <sup>28</sup> Таврот асосида Исонинг Масих эканини исбот этиб, ҳамманинг кўз ўнгида яҳудийларнинг иддаоси нотўғрилигини узил-кесил фош қилар эди.

### Павлус Эфес шаҳрида

**19** Аполлос Коринф шаҳрида бўлганда, Павлус тоғли вилоятларни кезиб ўтиб, Эфес шаҳрига келди. У ерда бир неча Исо шогирдини топиб, улардан сўради:

<sup>2</sup> – Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?

– Муқаддас Рух борлигини биз ҳеч қачон эшитмаганмиз, – деб жавоб берди улар.

<sup>3</sup> – Бундай бўлса, сизлар қай асосда сувга чўмиб имон келтиргансизлар? – деб сўради Павлус.

– Биз Яҳё пайғамбарнинг таълимоти асосида сувга чўмиб имон келтирганмиз, – деб жавоб бердилар. <sup>4</sup> Павлус деди:

– Яҳё пайғамбар халқни дарёга чўмдириб, тавба қилдирган эди, холос. У халққа: Мендан кейин келадиган Зотга, яъни Исо Масихга инонинглар, деб айтган эди.

<sup>5</sup> Улар буни эшитгач, Раббимиз Исо номидан ҳам сувга чўмиб имон келтирдилар. <sup>6</sup> Павлус қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди. Улар янги тилларда гапириб, каромат қила бошладилар. <sup>7</sup> Улар жами бўлиб, ўн икки кишига яқин эдилар.

<sup>8</sup> Павлус уч ой давомида бемалол яҳудийлар ибодатхонасида баҳслашиб, Худонинг Шоҳлиги тўғрисида ишонтирарли далиллар келтирарди.

<sup>9</sup> Ниҳоят, баъзилар бўйин қотиб, имонни рад қилиб, халқ олдида Раббимиз Исо йўлини ёмонлайдиган бўлишди. Павлус улардан юз ўгириб, шогирдларини улардан ажратди ва ҳар куни Тиран деган бир кишининг мактабида суҳбатлашарди.

<sup>10</sup> Шу тариқа икки йил давомида хоҳ яҳудий, хоҳ юноний бўлсин, Асия вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси Раббимиз Исонинг каломини эшитдилар.

### Азайимхонлар ва ёқилган сеҳр китоблари

<sup>11</sup> Худо Павлуснинг қўллари билан кўп қудратли ишларни қилар эди. <sup>12</sup> Ҳатто унинг баданига теккан рўмоллар ва камарлар ҳам беморларнинг устига қўйилганда, улар касалдан халос бўлар, ичларидаги ёвуз руҳлар эса чиқиб кетарди.

<sup>13</sup> Яҳудийлар орасида сайёҳ юрувчи баъзи азайимхонлар ҳам бор эди. Булар ёвуз руҳларга чалинган одамлар тепасида Раббимиз Исонинг исмини зикр қилишга уннай кетар, “Павлус эълон этаётган Исо номи билан сизларга буюрамиз”, – деб айтишарди. <sup>14</sup> Бундай қилганлар орасида олий

руҳоний Скева исмли бир яҳудийнинг етти ўғли бор эди.

<sup>15</sup> Ёвуз руҳ уларга жавобан: “Исони танийман, Павлусни биламан, сизлар эса ким бўласизлар?” – деди. <sup>16</sup> Шундай дейиши биланоқ ёвуз руҳли одам уларнинг устига ташланиб, шундай зўр чиқдики, азайимхонлар қип-яланғоч ва ярадор ҳолда у уйдан қочиб қутулишди.

<sup>17</sup> Бу воқеа Эфесда яшаган яҳудий билан юнонларнинг ҳаммасига маълум бўлди. Ҳаммани даҳшат қоплаб, Раббимиз Исонинг исми улуғланди.

<sup>18</sup> Имон келтирганлардан кўплари эса келиб, қилмишларини очиқ эътироф этишарди.

<sup>19</sup> Шунингдек, сеҳргарлик қилганлардан кўпчилиги ўз китобларини тўплаб, ҳамманинг кўз ўнгида ёндирдилар. Китобларнинг қимматини

ҳисоблаганда, эллик минг кумуш тангага тенг келди. <sup>20</sup> Ана шу йўсинда Раббимиз каломи қудрат билан ёйилар, таъсири тобора ортиб борар эди.

<sup>21</sup> Бу воқеалар бўлиб ўтгандан сўнг, Павлус ўз кўнглида Македония ва Ахаядан ўтиб, Қуддусга боришга жазм этди. “У ерда бўлганимдан кейин Римни ҳам кўришим керак”, – деб ният қилди.

<sup>22</sup> Павлус ўзига хизмат қилиб юрганлардан икки кишини: Тимўтий ва Ерастни Македонияга юборди, ўзи вақтинча Асия вилоятида қолди.

### Эфес шаҳрида кўзғолон

<sup>23</sup> Ўша кезларда Раббимиз Исо йўлига қарши дярли кучли ғалаён юз берди. <sup>24</sup> Димитрий исмли бир заргар кумушдан Артемис † маъбадларини ясаб, санъаткорларга кўп фойда келтирарди.

<sup>25</sup> Димитрий санъаткору хунармандларни йиғиб: “Биродарлар! – деди, – Сизларга маълумки, бизнинг фаровонлигимиз бу хунар орқалидир.

<sup>26</sup> Эфесдагина эмас, балки қарийб бутун Асия вилоятида бу Павлус: инсон қўли билан ясалаётган бу буюмлар худо эмас, деганини ўзларингиз кўриб, эшитиб турибсизлар. Шу гап билан у кўп одамларни авраб йўлдан оздирди. <sup>27</sup> Шундай қилиб, хунаримиз эътиборсиз бўлиб қолиш хавфигина эмас, балки бутун Асия ва бутун дунё сиғинадиган буюк маъбуда Артемиснинг маъбади ҳам арзимайдиган нарсага айланиб, маъбуда улғворлигидан маҳрум бўлиб қолиш хавфига рўбарў келдик”.

<sup>28</sup> Халойиқ буни эшитгач, қаттиқ ғазабланиб: “Эфеснинг Артемиси буюқдир!” – деб бақира кетди.

<sup>29</sup> Бутун шаҳар саросимага тўлиб кетди. Ҳамма бирдан Павлуснинг йўлдошлари – македониялик Гай ва Аристархни ушлаганча, шитоб билан театр томон ёпирилишди. <sup>30</sup> Павлус халқнинг орасига кирмоқчи бўлганда, шогирдлар унга йўл қўйишмади. <sup>31</sup> Асия вилояти маъмурларидан баъзилари ҳам унинг дўстлари бўлганлари сабабли унга хабар юбориб, театрда кўринмасин, деб

† АРТЕМИС: Қадимги юнонларнинг фаровонлик маъбудаси; унинг Эфесдаги маъбади жуда ҳашаматли эди.

илтимос қилишди. <sup>32</sup> Бу орада одамлардан бири у деса, бошқаси бу деб қичқиришарди. Йиғин тартибсиз эди, кўплари эса нима учун йиғилганларини билишмас эди.

<sup>33</sup> Яҳудийларнинг таклифига кўра, халойиқ ичидан Искандар деган бир кишини вакил қилиб илгари сурдилар. Искандар кўли имоси билан халойиқ олдида ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлди.

<sup>34</sup> Лекин халойиқ унинг яҳудий эканини билгач, ҳамма бир оғиздан қарийб икки соат: “Эфеснинг Артемиси буюқдир!” – деб бақириб туришди.

<sup>35</sup> Оқибат шаҳар котиби оломонни тинчитиб: “Эй Эфес халқи! – деди. – Эфес шаҳри буюқ маъбуда Артемиснинг ва осмондан тушган тошнинг † ҳомийси эканини қайси одам билмайди?”

<sup>36</sup> Модомики, бу ишда даъво йўқдир, унда сизлар хотиржам бўлишингиз ва ўйламасдан ҳаракат қилмаслигингиз керак. <sup>37</sup> Ана, маъбадни таламаган ҳам, маъбудангизни ҳақорат ҳам қилмаган кишиларни сизлар бу ерга бошлаб келибсиз.

<sup>38</sup> Агар Димитрий ва у билан бирга бўлган санъаткорлар бирон кишидан шикоят қилмоқчи бўлишса, унда маҳкамалар бор, қозилар бор, кўйинг, бир-бирдан шикоят қилаверишсин.

<sup>39</sup> Бордию бошқа бирон нарсани талаб қилмоқчи бўлсангизлар, бу масала қонуний мажлисда ҳал қилинади. <sup>40</sup> Бугун бўлиб ўтган ишлар туфайли ғалаён кўзгашда айбланиш хавфида турибмиз-ку! Бундай тўполон учун ўзни оқлагудек ҳеч қандай важимиз ҳам йўқ”.

Шу сўзларни айтиб бўлиб, котиб йиғинни тарқатиб юборди.

#### Павлус Македония ва Юнонистонда

**20** Тўполон тугагандан кейин Павлус Исо шогирдларини чақириб, насиҳат қилди ва улар билан хайрлашиб, Македонияга жўнаб кетди. <sup>2</sup> У кезиб ўтган юртлардаги имонлиларга кўп ўғит-насиҳат бериб, Юнонистонга келди. <sup>3</sup> Уч ой у ерда турди. Сурияга сузиб кетай, деган пайтда яҳудийлар унга қарши суиқасд уюштирамоқчи бўлишди. Шунинг учун яна Македония орқали қайтишга қарор қилди.

<sup>4</sup> Вериядан Пир ўғли Сосипатр, Салоникадан Аристарх ва Секунд, Дервиядан Гай ва Тимўтий, асияликлардан эса Тихик ва Трофим уни Асиягача кузатиб бордилар. <sup>5</sup> Улар аввал жўнаб, бизларни Троасда кутиб турардилар. <sup>6</sup> Бизлар эса Хамиртурушсиз Нон байрамидан †† кейин Филиппи шаҳридан сузиб, беш кун деганда уларнинг олдида – Троас шаҳрига етиб келдик. У ерда етти кун турдик.

† ОСМОНДАН ТУШГАН ТОШ: гўё худо Зевс ер юзига улоқтирган деб ишонишган табаррук тош. †† ХАМИРТУРУШСИЗ НОН БАЙРАМИ: Фисиҳ байрами.

#### Троасда жони қайтган йигит

<sup>7</sup> Якшанба куни нон синдириш ‡ учун бир ерда тўпланган эдик. Павлус эртаси куни жўнамоқчи бўлиб, имонлиларга насиҳат бериб, сўзни ярим кечагача давом эттирди. <sup>8</sup> Бизлар йиғилган болохонада жуда кўп шамчироқ ёнган эди. <sup>9</sup> Евтих исмли бир йигит дераза рахида ўтирарди. Павлуснинг нутқи узоқ чўзилиб, йигитни қаттиқ уйқу босди. У уйқусида қимирлаб, учинчи қаватдан пастга тушиб кетди. Ердан унинг ўлигини кўтаришди.

<sup>10</sup> Павлус пастга тушиб, йигитнинг устига ўзини ташлади ва уни кучоқлаб: “Хавотир бўлманглар, унинг жони ўзидадир!” – деди. <sup>11</sup> Сўнг яна юқорига чиқиб, нон синдириб овқатланди. Тонг отгунча анча суҳбат қилиб, йўлга чиқди. <sup>12</sup> Шу орада ўсмирни тирик олиб келишди ва беҳад хурсанд бўлишди.

<sup>13</sup> Бизлар олдин кемага тушиб, Павлусни у ердан олиб кетиш учун Асса шаҳрига сузиб бордик; чунки ўзи пиёда бормоқчи бўлиб, бизларга шундай топшириқ берган эди. <sup>14</sup> Бизлар Ассада учрашгач, унинг билан Митилина шаҳрига бордик. <sup>15</sup> У ердан сузиб кетиб, эртаси кун Хиос ороли қаршисига келдик. Учунчи кун эса Самос оролига ўтиб, Трогилия шаҳрида тўхтагандан кейин, яна бир кун ўтиб, Милит шаҳрига етиб бордик. <sup>16</sup> Павлус Асияда кечикиб қолмаслик мақсадида Эфес шаҳрига кирмай ўтиб кетишга қарор қилган эди. Агар иложи бўлса, Ҳосил байрамини †† Қуддусда қутлайин, деб шошилаётган эди.

#### Эфес оқсоқоллари билан хайрлашиш

<sup>17</sup> Милитдан Павлус Эфесга одам юбориб, маҳаллий имонлилар жамоатининг оқсоқолларини ўз қошига чақиртирди. <sup>18</sup> Улар унинг хузурига келганда, деди:

“Мен Асия вилоятига оёқ босган илк кундан бери, ёнингизда яшаган шунча вақт давомида қандай ҳаракат қилганимни ўзларингиз биласизлар. <sup>19</sup> Яҳудийларнинг ёвуз ниятлари туфайли бошимдан ўтган оғир синовлар ичида камтарлик ва кўзимнинг ёши билан Раббимга хизмат қилиб юрдим. <sup>20</sup> Фойдали бўлган ҳеч бир нарсдан сизларни маҳрум қилмайин, деб кўчама-кўча, уйма-уй юриб таълим бериш фурсатини бекор ўтказмадим. <sup>21</sup> Тавба қилиб, Худога илтижо этинглар ва Раббимиз Исо Масиҳга имон келтиринглар, деб яҳудийлар билан юнонларга жиддий насиҳат қилиб турдим.

<sup>22</sup> Мана энди Муқаддас Руҳнинг банди бўлиб, Қуддусга боряпман. У ерда мен билан нима юз беришини билмайман. <sup>23</sup> Фақат шуни биламанки, шаҳарма-шаҳар юрган сари занжиру кишанлар,

‡ НОН СИНДИРИШ: 2:42 даги изоҳга қаранг. †† ҲОСИЛ БАЙРАМИ: луғатга қаранг.

қайғу-аламлар мени кутади. Буни Муқаддас Руҳ менга аён қилмоқда. <sup>24</sup> Лекин бунга қарамай, ўз жонимни ҳам аямайман – қани энди фаолиятимни тамомлаб, Худонинг иноятдан далолат берувчи Хушхабарга гувоҳлик бермоқ учун Раббим Исодан олган топшириқни қувонч ила бажо келтира олсам.

<sup>25</sup> Энди яна шуни биламанки, гарчи орангизда Худо Шоҳлигини эълон қилиб юрган бўлсам-да, ҳеч бирингиз менинг юзимни ортиқ кўра олмайсизлар.

<sup>26</sup> Шунинг учун бу куннинг ўзида сизга таъкидлаб айтаманки, мен бировнинг ҳалокатига жавобгар эмасман <sup>†</sup>. <sup>27</sup> Чунки Худонинг мурод-мақсадини сизларга тамоман баён этиш учун бирон фурсатни бой бермадим. <sup>28</sup> Ўзингизни ва Муқаддас Руҳ сизларни назоратчи қилиб тайинлаган барча жамоатни кўз-қулоқ бўлиб эҳтиётланглар. Сизлар чўпонлик қилаётган ушбу сурувни Раббимиз Исо Ўз қони эвазига сотиб олган. <sup>29</sup> Мен кетганидан кейин, сурувни аямайдиган йиртқич бўрилар орангизга суқилиб киришларини биламан. <sup>30</sup> Ҳатто ўз ораларингиздан чиққан одамлар ҳам тесқари сўзлари билан Исо шогирдларини йўлдан оздириб, орқаларидан эргаштирадилар. <sup>31</sup> Шунинг учун хушёр бўлиб туринглар. Мен сизга қай тариқа уч йил кечаю кундуз, кўзларимнинг ёши билан ҳар бирингизга ҳормай-толмай панду насиҳат бериб юргангани хотирланглар.

<sup>32</sup> Энди биродарларим, сизларни Худонинг паноҳига ва Унинг иноятли каломига топшираман. Бу калом сизларни мустаҳкамлашга ва Худонинг бутун азизлари билан сизларга ҳам насиб этган мерос улушига сазовор қилишга қодирдир. <sup>33</sup> Мен ҳеч кимнинг симу зарига ёхуд кийимига кўз тикканим йўқ. <sup>34</sup> Ўзимнинг, шунингдек, йўлдошларимнинг эҳтиёжларини қондиришда шу қўлларим хизмат этганини ўзларингиз яхши биласизлар. <sup>35</sup> Шундай меҳнат қилиб, ожизларга ёрдам беришда мен сизларга намуна бўлиб қолдим. Шу билан бирга, “Олишдан кўра беришнинг бахтиёрлиги катта”, – деган Раббимиз Исонинг сўзларини ҳам эслаб туринглар”.

<sup>36</sup> Бу сўзларни айтиб бўлиб, Павлус тиз чўқди-да, ҳамма билан бирга ибодат қилди. <sup>37</sup> Сўнг ҳаммалари зор йиғлаб, Павлуснинг бўйнига ташланиб, уни ўпишарди. <sup>38</sup> Павлуснинг: “Ортиқ юзимни кўролмайсизлар”, – деган сўзи эса уларни айниқса ғамгин қилган эди. Ниҳоят, уни кемагача кузатиб боришди.

### Қуддус йўлида

**21** Улардан айрилиб, кемада сузиб тўғри Кос оролига келдик. Эртаси куни Родос оролига тушиб, у ердан эса Патара шаҳрига сузиб бордик. <sup>2</sup> У жойдан Финикияга кетадиган бир кемани топиб, сузиб кетдик. <sup>3</sup> Кипр кўринганда, оролнинг жанубий ёнидан ўтиб, Сурияга қараб йўл олдик.

Тир шаҳрида кемадан юк туширадиган бўлишгани учун, у ерда қуруқликка чиқдик.

<sup>4</sup> Исо шогирдларини ахтариб топиб, уларнинг ёнида етти кун қолдик. Улар Муқаддас Руҳ илҳоми билан Павлусга: Қуддусга борма, дейишарди. <sup>5</sup> Бир неча кун ўтгандан кейин йўлга чиқдик. Барча имонлилар хотин ва бола-чақалари билан бирга бизни шаҳарнинг ташқарисигача кузатиб боришди. Соҳилда тиз чўкиб, ибодат қилдик. <sup>6</sup> Биз бир-биримиз билан хайрлашиб бўлиб, кемага тушдик, улар эса уйларига қайтиб кетишди.

<sup>7</sup> Тир шаҳридан сузиб кетдик ва Птолемай шаҳрига етиб бориб, денгиздаги саёҳатимизни тугатдик. У ердаги имонли биродарларимизни кўтлаб, улар билан бир кун бирга бўлдик.

<sup>8</sup> Эртаси куни Павлусга эргашаётган бизлар йўлга тушиб, Кесарияга келдик. Етти вазифадорнинг <sup>††</sup> бири бўлган Инжил воизи Филиппнинг уйига кириб, униқда қолдик. <sup>9</sup> Унинг башорат қиладиган тўрт нафар боқира қизи бор эди.

<sup>10</sup> У ерда бир қанча кун турганимиздан кейин, Яхудиядан Агав исмли бир пайғамбар тушиб келди.

<sup>11</sup> У олдимизга кириши биланоқ Павлуснинг камарини олди-да, ўзининг қўл-оёқларини боғлаб деди: “Муқаддас Руҳ бундай демоқда: Қуддусдаги яхудийлар бу камарнинг эгасини шунақасига боғлаб, мажусийларнинг қўлига топширадилар”.

<sup>12</sup> Бу гапларни эшитгач, биз ва у ердагилар ҳам Қуддусга бормаслиги учун Павлусга ёлвордик.

<sup>13</sup> Лекин Павлус жавоб бериб: “Нима қилиясизлар? Нега йиғлаб, дилимга озор беряпсизлар? Мен Қуддусга бориб асир бўлишгина эмас, Раббим Исо учун ҳатто ўлишга ҳам тайёрман”.

<sup>14</sup> Павлусни кўндира олмаганимизни кўриб: “Раббимиз айтгандай бўлсин!” – деб жим қолдик.

### Павлус Қуддус шаҳрида

<sup>15</sup> Ана шу кунлардан кейин анжомларимизни йиғиштириб, Қуддусга бордик. <sup>16</sup> Кесариядан баъзи бир Исо шогирдлари бизга йўлдош бўлишди. Улар бизларни яшаб туриш учун Исонинг эски шогирдларидан бўлган кипрлик Минасоннинг уйига бошлаб келишди. <sup>17</sup> Қуддусга келганимизда, имонли биродарларимиз бизни очиқ чеҳра билан қабул қилишди.

<sup>18</sup> Эртаси куни Павлус билан бирга Ёқубни кўргани бордик. Бутун оқсоқоллар жамоати ҳам ҳозир бўлди. <sup>19</sup> Улардан ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, Павлус ўз хизмати туфайли Худонинг мажусийлар орасида қилган ишларини бирма-бир тушунтира бошлади.

<sup>20</sup> Буларни эшитишгач, Худога ҳамду сано айтиб, Павлусга: “Эй биродаримиз, – дейишди. – Яхудийлар орасида имон келтирган неча минг одам борлигини кўряпсан. Уларнинг ҳаммаси Мусонинг Қонуни учун фидойидирлар. <sup>21</sup> Фақат улар эшитган гап-сўзларига кўра, сен мажусийлар

<sup>†</sup> аслида “Ҳамманинг қонидан тозаман”; айнан қаранг: 18:6.

<sup>††</sup> ЕТТИ ВАЗИФАДОР: қаранг: 6:1-6.

орасида яшаётган яҳудийларга: ўғилларингизни суннат қилманг, урф-одатга амал қилманглар, Мусонинг Қонунидан чиқинглар, деб таълим бериб юраётган эмишсан. <sup>22</sup> Шундай қилиб, нима қилдик? Сенинг келганингни эшитиб, халойиқ албатта тўполон қилади. <sup>23</sup> Шунинг учун, сенга нима десак, бундай қил: бизда назр <sup>†</sup> атаган тўрт киши бор. <sup>24</sup> Уларни ёнингга олиб, бирга таҳорат қил, сочларини олдиришлари учун қурбонлик харажатини ўз зимманга ол. Унда сенинг тўғрингда эшитганлари ноҳақ эканини, аксинча, Мусонинг Қонунига риоя қилиб юрганингни ҳамма билиб олади. <sup>25</sup> Мажусийлардан имон келтирганларга келсак, биз керак бўлмаган қонун-қоидаларга риоя қилмаслик ҳақида уларга хат ёзиб йўллаганмиз. Қабул қилган қароримиз бўйича, уларга фақатгина бутларга сўйилган қурбонлик гўшти, қон, бўғилган ҳайвоннинг гўшти ва зинодан ўзларини сақлашни тайинлаганмиз”. <sup>26</sup> Эртаси куни Павлус ўша одамларни ёнига олиб, улар билан бирга таҳорат қилди. Сўнг маъбадга кириб, покланиш кунлари қачон тугашини, ҳар бири учун қачон қурбонлик келтирилишини маълум қилди.

### Павлусга қарши ҳужум

<sup>27</sup> Етти кунлик муддат тугаётганда, асиялик яҳудийлар Павлусни маъбадда кўриб қолишди. Улар бутун халқни алғов-далғов қилиб, Павлусни ушлаб олишди-да: <sup>28</sup> “Эй Исроил эрлари, ёрдам беринглар! – деб бақира кетишди. – Мана ҳамма ёқда, ҳамма инсонлар орасида халқимизга, Таврот ва муқаддас жойга қарши таълим бериб юрган одам шунинг ўзи! Бунинг устига юнонларни ҳам маъбадга олиб кириб, муқаддас жойни ҳаром қилди-ку!”

<sup>29</sup> Буни айтишларига сабаб, бундан илгари эфеслик Трофимни шаҳарда Павлус билан бирга кўришган бўлиб, уни маъбадга <sup>††</sup> олиб кирган, деб ўйлашарди.

<sup>30</sup> Бутун шаҳар ҳаракатга келиб, халқ жўшиб кетди. Павлусни тутиб, маъбаддан ташқарига судраб боришди. Уша заҳотиёқ эшиклар бекитилди. <sup>31</sup> Улар Павлусни ўлдиришмоқчи эди. Шу пайт бутун Қуддус кўзғолон кўтарибди, деган хабар Рим кўшини мингбошисининг қулоғига етиб борди. <sup>32</sup> У дарҳол аскарларни ва юзбошиларни олиб, уларнинг устига ҳужум бошлади. Оломон мингбоши билан аскарларни кўргач, Павлусни уришдан тўхтади. <sup>33</sup> Мингбоши дарров яқинлашди-

<sup>†</sup> НАЗР: Худо йўлига аталган назрнинг ташқи ишораси ўлароқ маълум муддатгача спиртли ичимликдан парҳез қилиш ва сочини ўстиравериш удум эди (қаранг: Таврот, Саҳрода 6-боб). Павлусни бу маросимга тобе тутиб, унинг яҳудий урф-одатига содиқ қолганини кўрсатмоқчи эдилар. <sup>††</sup> МАЪБАД: Яҳудийларнинг Қуддусдаги марказий ибодатхонаси бўлиб, унинг ички бўлмасига ғайридин кишини киритиш катта гуноҳ ҳисобланар эди; луғатга ва маъбад харитасига қаранг.

да, Павлусни тутиб, иккита занжир билан кишанлаб қўйишни буюрди.

– Бу ким ва нима қилибди? – деб сўради.

<sup>34</sup> Оломон орасида бири бу деб қичқирса, бошқаси у деб бақирарди. Олағовур бўлганидан мингбоши ҳақиқатни билолмай, Павлусни қалъага олиб боришни буюрди. <sup>35</sup> Павлус зинапоёга етганда, оломоннинг зўр сиқуви туфайли аскарлар уни кўтариб боришди. <sup>36</sup> Чунки халойиқнинг кўпчилиги унинг орқасидан эргашиб бориб: “Унга ўлим!” – деб бақирарди.

<sup>37</sup> Қалъага кираётганда, Павлус мингбошига:

– Сенга бир нарса айтишим мумкинми? – деди. Мингбоши:

– Сен юнон тилини биласанми? <sup>38</sup> Бир неча кун илгари ғалаён кўтариб, тўрт минг хунрезни <sup>‡</sup> саҳрога олиб чиққан мисрлик сен эмасми? – деди.

<sup>39</sup> Павлус бунга жавобан:

– Мен Киликиянинг унчалик аҳамиятсиз бўлмаган Тарс шаҳрида туғилган бир яҳудийман. Сендан илтимос қиламан, халққа гапириш учун менга ижозат бергин, – деди.

<sup>40</sup> Мингбоши ижозат бергандан кейин, Павлус зинапоёда туриб, қўли билан халққа ишора қилди. Чуқур сукунат чўкканда, яҳудий тилида сўзлай бошлади.

### Павлуснинг ҳимоя нутқи

**22** “Эй эрлар, эй биродарлар ва оталар! Энди ҳузурингизда мени оқловчи сўзларимни тингланглар!” – деди.

<sup>2</sup> Павлуснинг уларга яҳудий тилида гапираётганини эшитгач, улар янада жим бўлдилар. Павлус сўзида давом этди:

<sup>3</sup> “Мен яҳудийман. Киликиянинг Тарс шаҳрида туғилган бўлсам-да, ушбу шаҳарда Гамалиэлнинг <sup>‡</sup> қарамоғида тарбияланганман. Бугун бу ерда йиғилган ҳаммаларингиз каби мен ҳам ота-боболар Қонуни йўриғида жиддий тарбияланиб, Худо учун фидойи бўлиб келганман. <sup>4</sup> Ҳатто бу Исо йўлининг избосарларини – эркакми, аёлми демасдан ҳаммасини боғлаб зиндонларга топширар, ўласи қилиб қувардим. <sup>5</sup> Ана, олий руҳоний билан оқсоқолларнинг ҳаммаси менинг гувоҳларимдир. Мен улардан Дамашқдаги яҳудий биродарларга ёзилган мактублар олиб, у ерда яшаган Исо имонлиларини жазолаш учун Қуддусга кишанлаб келтирмоқ ниятида йўлга тушган эдим.

<sup>6</sup> Туш арафасида мен йўл босиб, Дамашққа яқинлашаётганимда, тўсатдан осмондан тушган кучли бир нур атрофимни порлатиб юборди. <sup>7</sup> Мен ерга йиқилдим-у, бир овознинг менга:

– Шоул, Шоул, нега Мени кувғин қиляпсан? – деганини эшитдим. <sup>8</sup> Мен:

– Ё Раббий, Сен ким бўласан? – деб сўрасам, У:

<sup>‡</sup> ХУНРЕЗ: яҳудийларнинг “ханжарбозлар” деган зўравон миллатчи фирқаси. <sup>††</sup> ГАМАЛИЭЛ: Қуддусдаги эътиборли дин олими; яна қаранг: 5:34.

– Мен сен қувғин қилаётган носиралик Исоман, – деб жавоб берди. <sup>9</sup> Йўлдошларим нурни кўриб кўрқишган бўлса-да, лекин менга Гапирганнинг овозини эшитмадилар.

<sup>10</sup> Шунда мен:

– Ё Раббий, нима қилишим керак? – дедим. Исо менга:

– Ўрнингдан туриб Дамашққа бор, қилишинг лозим бўлган ҳамма нарса ўша ерда сенга айтилади, – деди. <sup>11</sup> У нурнинг ялтирашидан кўр бўлганим учун, ҳамроҳларим қўлимдан тутганча, Дамашққа етаклаб боришди.

<sup>12</sup> Дамашқда яшаган бутун яҳудийлар орасида яхши ном чиқарган, Худонинг Қонунига амал қилиб юрган Ҳанания исмли диндор бир одам бор эди. <sup>13</sup> У ёнимга келиб турди-да, менга:

– Биродарим Шоул, кўзларинг очилсин! – деди. Мен эса ўша заҳоти уни кўрдим. <sup>14</sup> Ҳанания менга: – Оталаримизнинг Худоси Унинг иродасини билишинг ва Солиҳ Кишини † кўриб, Ўзининг овозини эшитишинг учун сени танлади. <sup>15</sup> Чунки кўрган ва эшитганларинг учун барча инсонлар олдида Унинг гувоҳи бўласан. <sup>16</sup> Энди нимани кутиб ўтирибсан? Ўрнингдан тур, сувда имон келтир ва Исонинг исмини чақириб, гуноҳларингдан фориғ бўл! – деди.

<sup>17</sup> Мен Куддусга қайтиб келгандан сўнг, маъбадда ибодат қилаётганимда ўзимни йўқотиб, <sup>18</sup> Раббим Исони кўрдим. У менга:

– Қани, тезроқ Куддусдан чиқиб кет, чунки бу ерда Мен учун берган гувоҳлигингни қабул этмайдилар! – деди. <sup>19</sup> Мен:

– Ё Раббий! – дедим. – Сенга инонганларни зиндонга ташлаб ибодатхоналарда урган одам мен эканимни улар билишади-ку. <sup>20</sup> Сенинг шаҳидинг Стефаннинг қонини тўкканларида мен ҳам у ерда ҳозир эдим. Ҳатто унинг ўлдирилишига рози бўлиб, қотилларининг кийимларини сақлаб турардим, – дедим.

<sup>21</sup> Раббим Исо эса:

– Сен кета қол! Чунки Мен сени олисдаги элу халқларнинг олдида юбораман, – деди”.

### Рим фуқароси Павлус

<sup>22</sup> Бу вақтгача Павлусни тинглаб турганлар бояги сўзини эшитишлари биланоқ шовқин кўтаришди. “Бундай одамни ер юзидан йўқ қил! У яшашга муносиб эмас!” – деб бақира кетишди. <sup>23</sup> Улар шундай қичқиришиб, устларидан кийимларини қоқиб, ҳавога тупроқ сочиб туришаркан, <sup>24</sup> мингбоши Павлусга қарши бундай бақираётганларининг сабабини билмоқчи бўлиб, уни қалъага олиб бориб қамчилашни буюрди. <sup>25</sup> Уни тасма билан боғлашаётган вақтда, Павлус ёнида турган юзбошига:

– Рим фуқаросини ҳукм қилмай қамчилаш, сизнингча, қонунга мос келадими? – деб сўради.

† СОЛИҲ КИШИ: Исо Масих; яна қаранг: 7:52.

<sup>26</sup> Юзбоши буни эшитгач, бориб мингбошига хабар берди:

– Қаранг, сиз нима қилмоқчисиз ўзи? Бу одам Рим фуқароси экан-ку, – деди. <sup>27</sup> Шунда мингбоши Павлуснинг ёнига келиб:

– Менга айтгин-чи, сен Рим фуқаросимисан? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Павлус. <sup>28</sup> Мингбоши:

– Мен бу фуқароликка кўп пул билан эга бўлганман, – деди. Павлус:

– Мен ҳатто бу фуқароликда туғилганман, – деб жавоб берди.

<sup>29</sup> Шунда Павлусни сўроқ қилмоқчи бўлганлар дарҳол ундан қўл тортишди. Мингбоши ҳам унинг Рим фуқароси эканини билгач, уни боғлаб кўйгани учун кўрқиб кетди.

<sup>30</sup> Эртаси куни мингбоши яҳудийлар Павлусни нимада айблашларини аниқ билиш мақсадида, уни кишанлардан бўшатди. Яҳудий олий руҳонийлари ва барча Олий Кенгаш аъзоларига йиғилишларини буюрди. Павлусни келтириб, уларнинг қаршисига қўйди.

### Павлус яҳудийларнинг Олий Кенгаши олдида

**23** Павлус Олий Кенгаш аъзоларига тикилиб қараб:

– Эй биродарлар! Мен бу кунга қадар Худо олдида пок виждон билан яшаб келаман, – деди.

<sup>2</sup> Буни айтиши биланоқ, олий руҳоний Ҳанания Павлуснинг ёнида турганларга унинг оғзига уришларини буюрди. <sup>3</sup> Павлус унга:

– Эй оқланган девор, Худо сени уради! Сен қонун асосида ҳукм чиқариш учун ўтирибсан, аммо қонунга зид ўлароқ мени уришга амр беряпсан! – деди.

<sup>4</sup> Олдинда турганлар:

– Худонинг олий руҳонийсини ҳақорат қиляпсанми? – дедилар. <sup>5</sup> Павлус деди:

– Биродарлар! Унинг олий руҳоний эканини билмас эдим; чунки Тавротда: “Халқинг орасида бошлиқ бўлганни ёмонлама”, – деб ёзилган.

<sup>6</sup> Уларнинг бир қисми саддуқий ва бошқа қисми фарзий мазҳабларидан бўлганини Павлус билгач, Кенгашга баланд овоз билан хитоб қилиб:

– Биродарлар! Мен фарзийман, ҳам фарзийнинг ўғлиман. Мен ўликларнинг тирилишига қаттиқ эътиқод қилганим учун мени тергаяптилар, – деди.

<sup>7</sup> У буни айтган маҳалда фарзийлар билан саддуқийлар орасида жанжал чиқиб, мажлис иккига бўлиниб кетди. <sup>8</sup> Чунки саддуқийлар қиёматни ҳам, фариштани ҳам, руҳни ҳам йўқ, дейдилар. Фарзийлар эса буларнинг ҳаммасини тан оладилар. <sup>9</sup> Шундай қилиб, катта шовқин бўлди. Фарзийлар мазҳабининг уламоларидан баъзилари сўзга чиқиб, қатъий эътироз билдиришди:

– Бизлар бу одамда ҳеч бир ёмонлик топмаяпмиз. Агар бирон руҳ ёки фаришта унга айтган бўлса

нима бўпти, биз Худога қаршилиқ кўрсатмайлик! – дейишди.

<sup>10</sup> Жанжал тобора зўрайиб боргач, Павлусни тилка-пора қилмасинлар, деб қўрққан мингбоши пастга тушиб, ораларидан уни чиқазиб қалъага олиб киришни аскарларга буюрди.

<sup>11</sup> Кейинги кечада Раббимиз Исо Павлусга зоҳир бўлиб: “Дадил бўл! Қуддусда Менга қандай гувоҳлик берган бўлсанг, Римда ҳам шундай гувоҳлик беришинг керак”, – деди.

### Павлуснинг жонига қасд

<sup>12</sup> Кун ёришгач, баъзи яҳудийлар қасдланиб, Павлусни ўлдирмагунча еб-ичмасликка қасам ичдилар. <sup>13</sup> Бундай аҳдлашганларнинг сони қирқ кишидан зиёд эди. <sup>14</sup> Улар олий руҳонийлар билан оқсоқолларнинг ҳузурига келиб: “Павлусни ўлдирмагунимизча ҳеч нарса емасликка оғир қасам ичдик, – дедилар. <sup>15</sup> – Энди сизлар Олий Кенгаш аъзолари билан бирга мингбошининг ҳузурига боринглар ва гўё Павлус масаласини яна аниқроқ текширмоқчимиз, деб уни эртага олдингизга чиқаришни илтимос қилинглар. Бизлар эса у етиб келмасидан аввалроқ уни ўлдиришга ҳозирлик кўриб турамиз”.

<sup>16</sup> Павлус синглисининг ўғли, яъни жияни ана шу қасд ҳақида эшитиб қолиб, қалъага кирди-да, унга буни маълум қилди. <sup>17</sup> Павлус юзбошилардан бирини чақириб:

– Бу йигитни мингбошининг ҳузурига олиб боргин, унга айтадиган бир гапи бор, – деди.

<sup>18</sup> У йигитни олди ва мингбошининг қошига келтириб:

– Маҳбус Павлус мени ёнига чақириб, бу йигитни сизнинг олдингизга бошлаб келишимни илтимос қилди, сизга айтадиган бир гапи бор экан, – деди.

<sup>19</sup> Мингбоши йигитнинг қўлидан ушлаб, уни бир четга тортди-да:

– Менга айтадиган нима гапинг бор? – деб сўради. <sup>20</sup> Йигит жавоб берди:

– Яҳудийлар гўё Павлуснинг ишини яна аниқроқ текшириш учун уни эртага Кенгаш олдига чиқаришни сиздан илтимос қилишга келишибдилар. <sup>21</sup> Лекин сиз уларга қулоқ солманг. Чунки уларнинг қирқдан ортиғи Павлусни пойлаб туришибди; уни ўлдирмагунча еб-ичмаслик ҳақида қасам ичишибди. Мана ҳозир сизнинг фармойишингизни кутиб, тайёр бўлиб туришибди, – деди. <sup>22</sup> Мингбоши:

– Менга бу гапларни билдирганингизни ҳеч кимга айтма! – деб йигитни қўйиб юборди.

### Павлусни Кесарияга йўллаш

<sup>23</sup> Мингбоши юзбошилардан иккитасини чақириб:

– Кун ботгандан уч соат кейин Кесария шаҳрига бориш учун икки юз пиёда аскар, етмиш отлиқ ва

икки юз ўқчи аскар ҳозирланглар. <sup>24</sup> Павлусни миндириб, вилоят ҳокими Феликснинг қошига соғ-саломат етказиб бориш учун от-улов ҳам беринглар, – деб буюрди.

<sup>25</sup> Мингбоши қуйидаги мазмунда бир мактуб ҳам ёзди:

<sup>26</sup> “Клавдий Лисийдан муҳтарам ҳоким Феликсга – салом!

<sup>27</sup> Ушбу одамни яҳудийлар тутиб ўлдирмоқчи эдилар. Унинг Рим фуқароси эканини билиб, мен аскарлар билан бирга етиб келиб, унинг бошини қутқардим. <sup>28</sup> Кейин нимада айбдор этаётганларини билмоқчи бўлиб, уни яҳудийларнинг кенгашига олиб бордим. <sup>29</sup> Натижада ўзларининг шариатида доир масалалар бўйича уни гуноҳкор қилаётганларини билдим-у, лекин унда ўлимга ёки кишанга лойиқ ҳеч қандай айб топмадим. <sup>30</sup> Яҳудийларнинг бу одамга қарши уюштираётган суиқасдидан хабардор бўлгач, мен дарҳол уни сизнинг ҳузурингизга юбордим. Унинг айбловчиларига ҳам унга қарши бўлган даъволарини сизнинг қошингизда гапиришларини буюрдим.

Саломат бўлинг”.

<sup>31</sup> Шундай қилиб, аскарлар олган фармонига кўра Павлусни кечаси Антипатрисга бошлаб боришди.

<sup>32</sup> Эртасига у билан бирга бориш учун отлиқларни қолдириб, ўзлари эса қалъага қайтиб кетишди.

<sup>33</sup> Отлиқлар Кесарияга етгач, мактубни вилоят ҳокимига беришди ва Павлусни ҳам унга топширишди. <sup>34</sup> Ҳоким мактубни ўқигач, Павлусдан қайси вилоятдан эканини сўради. Киликиядан бўлганини билгач, унга: <sup>35</sup> “Айбловчиларинг келганидан кейин сенинг ишингни сўроқлайман”, – деди-ю, Ҳирод саройида қамоқда сақлансин деб амр берди.

### Павлус ҳоким Феликс олдида

**24** Орадан беш кун ўтгандан кейин, олий руҳоний Ҳанания ва баъзи оқсоқоллар Тертулл исмли бир ҳуқуқшунос билан Кесария шаҳрига келишиб, Павлусни қоралайдиган арзларини ҳокимга баён этишди. <sup>2</sup> Павлус чақирилгач, Тертулл айблашни бошлади:

<sup>3</sup> “Эй муҳтарам Феликс, халқимизнинг ободончилигига ғамхўрлик қилар экансиз, ўз соянгизда осойишталикка эришганимизни ҳар доим ва ҳар ерда беҳад миннатдорчилик ила тан оламиз. <sup>4</sup> Сизни кўп овора қилмаслик учун, ўзингизга хос бўлган меҳрибонлик ила бизнинг мухтасар сўзимизни эшитишингизни илтимос қиламан. <sup>5</sup> Биз бу одамни жамиятнинг марази деб биламиз. Мана у насронийлар † бидъатининг намояндаси бўлиб, дунёнинг барча яҳудийларини оёқлантирмоқда. <sup>6</sup> У маъбадимизни ҳам ҳаром этишга қўл кўтарган вақтдаёқ, биз уни тутиб, ўз

† НАСРОНИЙЛАР: Исонинг улғайган шаҳри Носирадан шаклланган атама, масиҳийлар.

қонунимизга кўра суд қилмоқчи бўлдик. <sup>7</sup> Лекин мингбоши Лисий келиб, уни зўрлик билан қўлимиздан тортиб олиб, сизнинг қошингизга юборди. <sup>8</sup> Уни айбловчи бизнинг ҳам сизнинг ҳузуригизга келишимизни буюрди. Бу кишини сўроқ қилсангиз, биз уни нималарда айблашимизни унинг ўзидан билиб олишингиз мумкин”.

<sup>9</sup> Ҳозир бўлган барча яҳудийлар ҳам айтилганларнинг тўғрилигини билдириб, Павлусга қўйилган айбни тасдиқлардилар. <sup>10</sup> Ҳоким Павлусга гапириши учун ишора этгач, у сўз бошлади:

“Сиз кўп йиллардан бери бу халққа ҳаққоний қози бўлганингизни билганим учун, мен ўз ишимни бемалол ҳимоя қиламан. <sup>11</sup> Ўзингиз билиб олишингиз мумкин: менинг сиғиниш учун Қуддусга келганимга ўн икки кундан ошгани йўқ. <sup>12</sup> На маъбадда, на ибодатхоналарда ва на Қуддус шаҳрида бирон киши билан баҳс қилганим ёки халқ орасига ғулғула солганимни улар кўришмади. <sup>13</sup> Ҳозир ҳам мени айблашларида бирон бир асос борлигини исбот қилишолмайди. <sup>14</sup> Ҳузуригизда шуни эътироф этаманки, улар бидъат деб атаган Йўлнинг избосари ўлароқ, ота-боболарим сиғинган Худойи Таолонинг ҳақиқий бандасиман. Таврот ва Пайғамбарлар китобида ёзилганларнинг ҳаммасига инонаман. <sup>15</sup> Айбловчиларимнинг ўзлари ҳам тан олганидек, мен солиҳ билан фосиқларни тирилтирадиган Худога қаттиқ эътиқод қиламан. <sup>16</sup> Шунинг учун ҳам Худо билан инсонлар олдида доим виждонимни соф сақлашга тиришаман.

<sup>17</sup> Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин, халқим шарафига хайр-садақа ва қурбонликлар бағишлаш учун Қуддусга қайтиб бордим. <sup>18</sup> Бу вақтда мени маъбадда таҳорат қилаётган ҳолатда топдилар; ҳолбуки, у ерда оломон ҳам, шовқин ҳам йўқ эди. <sup>19</sup> Фақат асиялик баъзи бир яҳудийлар бор эди. Аслида ўша одамлар бу ерга келиб, бирон шикоятлари бўлса, ҳузуригизда мени айблашлари керак эди. <sup>20</sup> Ёки бу ердагиларнинг ўзлари айтишсин, яҳудийларнинг Олий Кенгаши олдида турганимда менда қандай ҳақсизлик топишган экан? <sup>21</sup> Мен уларнинг орасида туриб, баланд овозда: “Ўликларнинг тирилишига ишонганим учун бугун олдингизда ҳукм қилиняпман”, – деб айтдим. Эҳтимол, шу сўзим учун айбдор саналсам керак?”

<sup>22</sup> Шунда Феликс: “Мингбоши Лисий келганидан кейин ишларингни синчиклаб текшираман”, – деб муҳокамани кейинга қолдирди. Феликс ўзи Исонинг йўли борасида анча хабардор эди.

<sup>23</sup> Павлусни юзбошига топшириб: “Қамаб қўйилсин, лекин енгиллик берилсин, унга хизмат қилмоқчи бўлган дўстларига ҳеч қаршилиқ қилинмасин”, деб буюрди.

<sup>24</sup> Бир неча кундан кейин Феликс яҳудий хотини Друсилла билан келди. Павлусни чақиртириб, Исо

Масихга ишониш тўғрисида уни тинглади. <sup>25</sup> Павлус ҳақиқат, нафсни тийиш ва қиёмат-қойим ҳақида гапирганда, Феликснинг юраги чўчиб кетди. “Энди боргин, вақт топганимда сени яна чақираман”, – деди. <sup>26</sup> Айни замонда, Павлус озод бўлиши учун менга пора беради деган умидда уни тез-тез суҳбатга чақирадиган бўлди.

<sup>27</sup> Икки йилдан сўнг Феликснинг ўрнига Порций Фест келди. Феликс яҳудийларнинг кўнглини олмоқчи бўлиб, Павлусни қамоқда қолдирди.

### Павлус ҳоким Фест олдида

**25** Фест вилоятга келганига уч кун ўтгандан кейин, Кесариядан Қуддусга борди. <sup>2</sup> Шунда олий руҳонийлар билан яҳудийларнинг асилзодалари ҳокимнинг олдида келиб, Павлусдан шикоят қилдилар. <sup>3</sup> Мурувват кўрсатиб, Павлусни Қуддусга чақиртиришини ўтиниб сўрадилар; ҳолбуки, йўл-йўлакай уни ўлдиришни қасд қилган эдилар. <sup>4</sup> Фест эса Павлус Кесарияда қамоқда турганини ва ўзи ҳам яқинда у ерга қайтиб боражагини уларга билдирди. <sup>5</sup> “Шундай қилиб, сизлардан кимнинг иложи бўлса, мен билан бирга боришсин ва агар бу одамда бирон ёмонлик бўлса, уни айбдор қилишсин”, – деди у.

<sup>6</sup> Фест уларнинг ёнида саккиз ёки ўн кундан зиёд турмай, Кесарияга қайтиб борди. Эртаси куни ҳукм курсисига ўтириб, Павлусни олиб келишни буюрди. <sup>7</sup> Павлус ўртага чиққач, Қуддусдан келган яҳудийлар уни ўраб олганларича, ўзлари исбот қилолмайдиган кўп оғир айбларни унга қўйдилар. <sup>8</sup> Павлус эса ўзининг ҳимоя сўзида:

– Мен на яҳудийларнинг Қонунига, на маъбадга ва на Қайсарга қарши бирон бир жиноят қилганим йўқ, – деди.

<sup>9</sup> Фест яҳудийларнинг кўнглини топмоқчи бўлиб, Павлусдан:

– Қуддусга бориб, у ерда менинг олдимда бу хусусларда суд бўлишни истайсанми? – деб сўради.

<sup>10</sup> Павлус деди:

– Мен Қайсарнинг ҳукм курсиси олдида турибман, мен бу ерда ҳукм этилишим шарт. Мен яҳудийларга ҳеч бир ҳақсизлик қилмаганимни ўзингиз ҳам яхши биласиз. <sup>11</sup> Агар мен ўлимга лойиқ бирор жиноятда айбдор бўлганимда, унда ўлимдан бош тортмасдим. Агарда бу кишилар менга кўяётган айблар асоссиз бўлса, унда мени ҳеч ким уларнинг қўлига топширолмайди. Мен Қайсарнинг ҳукмини талаб қиламан.

<sup>12</sup> Фест маслаҳатчилари билан кенгашгандан сўнг, Павлусга жавоб бериб:

– Сен Қайсарнинг ҳукмини талаб қилдинг, Қайсарнинг олдида борасан, – деди.

### Ҳокимлар суҳбати

<sup>13</sup> Бир неча кундан кейин, подшоҳ Агриппа билан Верника <sup>†</sup> Фестни табриклаш учун Кесарияга

келдилар. <sup>14</sup> Улар у ерда анча вақт тургандан кейин, Фест Павлуснинг ишини подшоҳга тақдим қилди:

– Бу ерда Феликс қамоқда қолдириб кетган бир одам бор. <sup>15</sup> Мен Қуддусда бўлганимда, яҳудийларнинг олий руҳонийлари ва оқсоқоллари шикоят билан олдимга келиб, уни маҳкум этишни талаб қилишди. <sup>16</sup> Мен уларга жавоб бериб, айбланувчи одам айбловчилари билан юзлаштирилмасдан ва унга қўйилган айблардан ўзини ҳимоя қилиш имкониятини бермасдан, ўлимга маҳкум қилиш римликларнинг одати эмас, дедим. <sup>17</sup> Шунинг учун улар бу ерга келишганда, сира вақт йўқотмай эртаси куниёқ мен ҳукм курсисига ўтириб, бу одамни олиб келишларини буюрдим. <sup>18</sup> Лекин айбловчилар уни ўраб олгач, мен тахмин қилган жиноятлардан бирортасини бўйнига қўя олмадилар. <sup>19</sup> Фақат ўз динлари билан боғлиқ, Павлус тирик эканини даъво қилаётган Исо исмли ўлган бир шахс ҳақида баъзи баҳслари бор эди. <sup>20</sup> Мен бу масалани ҳал қилишда қийналиб қолдим-да, Павлусдан Қуддусга бориб, бу хусусда суд бўлишни истар-истамаслигини сўрадим. <sup>21</sup> Лекин у бу ишни Императори аъзамнинг † муҳокамасига қолдиришни талаб қилгани сабабли, уни император ҳузурига юборгунга қадар қамоқда тутиб туриш ҳақида буйруқ бердим.

<sup>22</sup> Агриппа Фестга:

– Бу одамни мен ҳам тинглашни истар эдим, – деди.

– Эртанинг ўзидаёқ уни тинглайсиз, – деди унга Фест.

### Павлус подшоҳ Агриппа олдида

<sup>23</sup> Эртаси куни Агриппа билан Верника буюк ҳашамат билан келиб, мингбошилар ва шаҳарнинг атоқли кишилари билан бирга маҳкама саройига кирдилар. Фестнинг амри билан Павлус олиб келтирилди. <sup>24</sup> Фест сўз бошлади:

“Подшоҳ Агриппа ва бизлар билан биргаликда бу ерда ҳозир бўлган ҳамма кишилар! Мана бу одамни кўриб турибсизлар. Қуддусда ва шу ерда кўпгина яҳудийлар менга мурожаат қилиб, бу одам бошқа яшамаслиги керак, дея қичқирдилар.

<sup>25</sup> Менинг бўлса, унинг ўлимга лойиқ бирор иш қилмаганига ишончим комил. Унинг ўзи Императори аъзамнинг ҳузурида судланишни талаб этгани учун, уни Римга юборишга қарор қилдим. <sup>26</sup> Фақат олий ҳокимга унинг ҳақида ёзиш учун эса бирон қатъий сўзим йўқ. Шунинг учун уни ҳаммангизнинг, ва айниқса, подшоҳим Агриппа, сизнинг ҳузуригизга чиқартирдимки, бу ишни кўриб чиққандан кейин ёзиш учун бирон тайин сўз топилар, деб. <sup>27</sup> Чунки менинг фикримча, бир маҳбусни императорга юбориб, унга қарши

қўйилган айбларни кўрсатмаслик мулоҳазасизлик бўлур эди”.

### Павлуснинг ўзини оқлаши

**26** Агриппа Павлусга: “Ўзингни оқлаш учун гапиришинга рухсат берилади”, – деди. Шунда Павлус қўлини силтаганча, ўзини ҳимоя қилиб гапира бошлади:

<sup>2</sup> “Подшоҳ Агриппа! Яҳудийларнинг менга қўяётган ҳамма айбларидан бугун сизнинг ҳузуригизда ўзимни ҳимоя қилаётганим учун бахтиёр ҳисоблайман. <sup>3</sup> Айниқса сиз яҳудийларнинг барча одатларини ва мубоҳасали масалаларини яхши билганингизни кўзда тутиб, сабр-тоқат билан мени тинглашингизни илтимос қиламан.

<sup>4</sup> Менинг ёшлигимдан ўз мамлакатимда кечирган ҳаётим ҳамда кейинроқ Қуддус шаҳрида кечган умримни барча яҳудийлар билишади. <sup>5</sup> Мени азалдан танишади ва агар хоҳласалар, динимизнинг энг жиддий мазҳаби бўлмиш фарзийчилик таълимоти бўйича яшаб келганимга гувоҳлик бера олишади. <sup>6</sup> Энди эса, Худонинг оталаримизга берган ваъдасига умид қилганим туфайли, мен судда ҳозирман. <sup>7</sup> Ўн икки қабиламиз †† кеча-кундуз қунт ва ғайрат билан Худо йўлида хизмат қилиб, у ваъданинг ижро бўлишини кўриш умидидадирлар. Мен ана худди шу умидга эришганим учун, эй подшоҳим Агриппа, яҳудийлар мени айбламоқдалар. <sup>8</sup> Худо ўликларни тирилтиришини сизлар нима учун ишониб бўлмайдиган бир иш деб ҳисоблайсизлар?

<sup>9</sup> Тўғриси, ўзим ҳам носиралик Исо номига қарши кўп хилофона амалларни қилиш керак, деб ўйлар эдим. <sup>10</sup> Мен буни Қуддусда қилдим ҳам. Олий руҳонийлардан ижозат олиб, кўп азизу муқаддас кишиларни зиндонларга ташлаб, уларни ўлдираётганларида мен буни ёқлардим. <sup>11</sup> Барча яҳудий ибодатхоналарида уларни кўп марталаб жазога тортиб, Исони ҳақоратлашга мажбур қилардим. Уларга нисбатан ҳаддан ташқари дарғазаб бўлиб, ҳатто бегона шаҳарларда ҳам қувғин қилардим.

<sup>12</sup> Бунга доир яна бир бор олий руҳонийларнинг ваколоти ва топшириғи билан Дамашққа бораётган эдим. <sup>13</sup> Ва мана, эй подшоҳим, кундуз куни йўлда кетаётганимда, қуёш нуридан ҳам ярқироқ бир нур осмондан порлаганини кўриб қолдим. Нур мени ва йўлдошларимни ёрқин ёғдуга чўмдирди. <sup>14</sup> Биз ҳаммамиз ерга йиқилгандан кейин, менга яҳудий тилида сўзлаётган бир овозни эшитдим:

– Шоул, Шоул, нега Мени қувғин қилияпсан?

Нишга қарши тепишинг қийин, – деди. <sup>15</sup> Мен:

– Ё Раббий, Сен ким бўласан? – деб сўрасам, У:

– Мен сен қувғин қилаётган Исоман, – деди. <sup>16</sup> –

Қани, қаддингни ростлаб оёққа бос! Чунки сен

† ВЕРНИКА: Подшоҳ Агриппанинг синглиси. †  
ИМПЕРАТОРИ АЪЗАМ: Рим Қайсарлари унвонларидан бири бўлган “Август” сўзининг таржимаси.

†† ЎН ИККИ ҚАБИЛА: Исроил халқининг бутунлиги.



Менинг хизматимда бўласан. Мени қандай кўрганинг ҳамда Мен қай тариқа сенга зоҳир бўлганим ҳақида гувоҳлик қилишинг учун сени тайинладим. <sup>17</sup> Сени ўз миллатинг ва бошқа халқлар қўлидан халос қиламан. Мажусийларнинг кўзларини очиб, уларни зулматдан нурга ва шайтоннинг ҳокимиятидан Худога қайтариш учун сени юбораман, токи улар Менга имон келтириб, гуноҳлари кечирилсин ва Худо азизларига насиб этадиган *абдий* меросга ноил бўлсинлар, – деди.

<sup>19</sup> Бинобарин, эй подшоҳ Агриппа, мен кўкдан оборилган ушбу ваҳийга монелик қилмадим. <sup>20</sup> Аввал Дамашқ аҳолисига, кейин Қуддус ва бутун Яҳудия юртидаги, шунингдек, бошқа ерлардаги мажусийларни тавба қилдириб, Худога илтижо қилиш ва тавбага яраша ишларни бажаришга ундаб юрдим. <sup>21</sup> Шу иш учун яҳудийлар мени маъбадда тутиб ўлдиришга қасд қилдилар. <sup>22</sup> Лекин мен Худодан олган ёрдамим билан шу кунга қадар каттаю кичикка гувоҳлик бериб келаман. Мусо ва барча пайғамбарларнинг каромат қилиб айтганларидан бошқа ҳеч нимани гапирмаяпман, <sup>23</sup> чунончи: Масих ўз миллатига ҳам, бошқа миллатларга ҳам илоҳий нур ҳақида хабар қилиш учун азоб чекиб ўлиши ҳамда ўликлар ичидан биринчи бўлиб тирилиши муқаррар эди”.

<sup>24</sup> Павлус ўзини шундай ҳимоя қиларкан, Фест баланд овоз билан сўзини бўлди-да:

– Нодонлик қиялсан, Павлус! Катта олимпик сени ақлдан озишга оборяпти! – деди. <sup>25</sup> Павлус эса деди:

– Мен нодонлик қилмаяпман, муҳтарам Фест. Аксинча, ҳақиқат ва фаросат юзасидан фикр юргизаяпман. <sup>26</sup> Подшоҳ бу хусусларда билимдон бўлгани учун у билан бемалол сўзлашмоқдаман. Бу воқеалардан ҳеч бири унинг назаридан қочмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки булар бир чеккада қилинган иш эмас. <sup>27</sup> Подшоҳ Агриппа, пайғамбарларга ишонасизми? Биламан, ишонасиз!

<sup>28</sup> Агриппа Павлусга:

– Яна бирпасда мени кўндириб, Масихий қилмоқчисан-а? – деди.

<sup>29</sup> – Хоҳ қисқа, хоҳ узоқ муддатда бўлсин, – деди Павлус, – фақат ўзингизгина эмас, балки бугун мени тинглаётганларнинг ҳаммаси ҳам, бу занжирлардан холи, мен каби бўлишларини Худодан сўрар эдим!

<sup>30</sup> Павлус шуларни айтганидан кейин подшоҳ, вилоят ҳокими, Верника ва улар билан бирга ўтирганлар ўринларидан туришди. <sup>31</sup> Четга чиқиб, бир-бирлари билан маслаҳатлашиб олишди.

– Бу одам ўлимга ёки ҳибсга лойиқ ҳеч бир иш қилмаяпти-ку, – деб айтишар эди. <sup>32</sup> Охирида Агриппа Фестга:

– Агар бу одам Қайсар ҳукмини талаб қилмаганда, уни озод этиш мумкин эди, – деди. [Шундай қилиб, ҳоким уни Қайсар олдиға юборишга қарор қилди.]

## Павлуснинг Рим сари денгиз сафари

**27** Италияга сузиб боришга қарор қилинганда, Павлус ва бошқа баъзи маҳбусларни Август <sup>†</sup> полкидан Юлий исмли бир юзбошига топширдилар. <sup>2</sup> Биз Асия соҳиллари бўйлаб сузадиган Адрамит кемасига ўтириб жўнадик. Биз билан бирга Салоникадан келган македониялик Аристарх ҳам бор эди.

<sup>3</sup> Эртаси куни Сидўн шаҳрига келиб тўхтадик. Юлий Павлусга инсоний муомала қилиб, дўстларининг ёнига бориб тирикчилик эҳтиёжларини қондиришига рухсат берди. <sup>4</sup> У ердан яна жўнаб, шамол рўпарадан эсгани учун Кипр оролини паналаб сузиб ўтдик. <sup>5</sup> Киликия ва Памфилия қаршисидаги денгиздан ўтиб, Ликиядаги Мира шаҳрига келдик. <sup>6</sup> Юзбоши у ерда Италияга кетадиган Искандария кемасини топиб, бизни унга ўтқизди.

<sup>7</sup> Анча кун жуда қийналиб сузиб, Книдос шаҳрининг қирғоғига зўрға етиб бордик. Шамол қирғоққа яқинлашишимизга имкон бермади. Шунда Салмон бурнини айланиб, Крит оролини паналаб сузиб ўтдик. <sup>8</sup> Крит қирғоғи бўйлаб машаққат ила сузиб, Гўзал Бандаргоҳлар деган жойга келдик. Ласея шаҳри бу ерга яқиндир.

<sup>9</sup> Энди орадан кўп вақт ўтиб, ҳатто Рўза куни <sup>††</sup> ҳам кечган, сузиб бориш эса янада хавфли бўлиб қолган эди. Шунинг учун Павлус йўлдошларига маслаҳат бериб: <sup>10</sup> “Эрлар, кўряпманки, сузишни давом эттириш юк ва кема учунгина эмас, ўз жонимиз учун ҳам хавф-хатарли бўлади”, – деди.

<sup>11</sup> Лекин юзбоши Павлуснинг сўзларидан кўра, кема ҳайдовчисига ва дарғага кўпроқ ишонар эди.

<sup>12</sup> Пристань қишни ўтказишга мослаштирилмагани учун, кўпчилик йўловчилар у ердан жўнаб кетишга ва иложи бўлса, Критнинг Финик портига бориб, қишлашга қарор беришди. Финик жануби-ғарб ва шимоли-ғарб томонлардан эсадиган шамоллардан панада эди.

## Денгиз бўрони

<sup>13</sup> Хафиф жануб шабадаси эса бошлаганда, улар ўзларини мақсадимизга эришдик, деб ҳисоблаб, лангар кўтариб жўнадилар ва Крит соҳили бўйлаб сузиб кетдилар. <sup>14</sup> Лекин кўп ўтмай, орол томонидан “боди-шимол” деган шиддатли бир бўрон бостириб келди. <sup>15</sup> Тўфон кемани шундай исканжага олдики, у шамолга қарши бардош беролмади. Тўлқинларга таслим бўлиб, сузиб борардик. <sup>16</sup> Клавда деган кичик бир орол ёнидан ўтаётганимизда, кеманинг қайиқчасини зўрға ушлаб қолдик. <sup>17</sup> Қайиқчани кўтариб олишгандан кейин, кемани арқонлар билан ўраб боғладилар.

<sup>†</sup> АВГУСТ: 25:21 даги изоҳга қаранг. <sup>††</sup> РЎЗА КУНИ: Сентябрь-октябрь ойларида қутланадиган яҳудийларнинг Йўм Киппур байрами (қаранг: Таврот, Левилар 16-боб); кемачилик учун об-ҳаво энди хавфли бўлиб қолганини билдиради.

Саёз жойларга ботиб қолишдан қўрқиб, елканни туширдилар ва сузувчи лангар ташлаб, шамолга таслим бўлдилар.

<sup>18</sup> Тўфон кучаяверганидан, эртаси куни кемадан юкни ота бошлашди. <sup>19</sup> Учунчи куни эса ўз қўлимиз билан кема жиҳозларини сувга ташлаб юбордик. <sup>20</sup> Анча кун қуёш ҳам, юлдузлар ҳам кўринмай қолди. Тўфон шиддатли тус олган сари, қутулиб қолишимизга бўлган ҳар қандай умидни йўқотган эдик.

<sup>21</sup> Кемадагилар кўпдан бери овқат емаганлари сабабли, Павлус уларнинг ўртасида туриб: “Эрлар! – деди. – Менга қулоқ солиб Критдан кетмаганингизда эди, бу зарару заҳматларга дучор бўлмасдинглар. <sup>22</sup> Энди эса сизлардан ўтиниб сўрайман: дадил бўлинглар. Чунки сизлардан ҳеч бир жон ҳалок бўлмайди, фақат кема нобуд бўлади. <sup>23</sup> Мана, мен Унга мансуб бўлган ва Унга хизмат қилиб юрган Худонинг фариштаси бу кеча менга зоҳир бўлди. <sup>24</sup> У: “Қўрқма, Павлус! – деди. – Сен Қайсарнинг олдида туришинг керак. Кема йўловчиларига келганда, уларнинг ҳаммасини Худо сенга бағишлади”, – деди. <sup>25</sup> Шунинг учун, эрлар, дадил бўлинглар! Чунки Худо худди менга айтганидек қилишига қаттиқ ишонаман. <sup>26</sup> Ҳар ҳолда биронта оролга тушишимиз керак”.

#### Кема ҳалокати

<sup>27</sup> Адрия денгизида шамолга таслим бўлиб юришимизнинг ўн тўртинчи кечасида, қарийб туннинг ярмида денгизчилар қандайдир бир қуруқликка яқинлашганларини пайқадилар. <sup>28</sup> Чуқурликни ўлчаб, йигирма қулоч эканини билдилар. Кейин бироз масофада яна ўлчаб, ўн беш қулоч эканини аниқладилар. <sup>29</sup> Тошлоқ жойга урилиб қолишдан қўрқиб, кеманинг орқа тарафидан тўртта лангар ташладилар. Тонг отишини интизор бўлиб кутардилар. <sup>30</sup> Шу орада денгизчилар кемадан қочмоқ ниятида, гўё кеманинг тумшуғидан лангар ташламоқчи бўлиб, қайиқчани денгизга тушира бошладилар. <sup>31</sup> Павлус эса юзбоши ва аскарларга қараб:

– Агар улар кемада қолмасалар, сизлар қутулолмайсизлар, – деди. <sup>32</sup> Шунда аскарлар қайиқчанинг арқонларини кесиб, қайиқчани сувга тушириб юбордилар.

<sup>33</sup> Тонг отай деганда, Павлус ҳаммани овқат ейишга ундаб:

– Бугун ўн тўртинчи кундирки, ҳеч нарса емай озиқ-овқатсиз қолиб турибсизлар, – деди. <sup>34</sup> – Шунинг учун овқат ейишингизни ёлвориб сўрайман; бу қутулишингиз учун керакдир. Сизлардан ҳеч кимнинг бошидаги бирор соч толаси ҳам нобуд бўлмайди.

<sup>35</sup> Павлус бу сўзларни айтгандан кейин нонни олди, ҳамманинг олдида Худога шукрона айтиб, нонни синдириб ея бошлади. <sup>36</sup> Шу тариқа ҳамма дадилланиб, овқат еди. <sup>37</sup> Кемада жами бўлиб икки

юз етмиш олти жон бор эдик. <sup>38</sup> Овқатга тўйганимиздан кейин буғдойни денгизга отиб, кемани энгиллаштирдилар.

<sup>39</sup> Кундуз бўлгач, кўрган қуруқликларини танимадилар; қирғоғи қумлоқ бўлган бир қўлтиқни пайқадилар. Иложи бўлса, кема билан у жойга бориб тўхташга қарор қилдилар. <sup>40</sup> Лангарларни узиб ташлаб, денгизда қолдирдилар. Айни замонда рулларнинг ипларини ечиб, олдинги елканни шамолга томон қаратиб, қирғоқ сари кетдилар. <sup>41</sup> Кема қирғоқнинг саёз ерига дуч келиб, қумга тикилиб қолди. Кеманинг тумшуғи ботганча қимирламай қолди, қуйруғи эса тўлқинларнинг кучи билан парчалана бошлади.

<sup>42</sup> Ўшанда аскарлар, маҳбуслардан бирон киши сузиб қочиб кетмасин, деб уларни ўлдиришни ният қилдилар. <sup>43</sup> Лекин юзбоши Павлусни қутқазмоқчи бўлиб, бу ниятларини бажаришдан уларни тўхтатди. Сузишни билганлар биринчи бўлиб ўзларини кемадан ташлаганча қуруқликка чиқсинлар, <sup>44</sup> қолганлари эса хоҳ тахталарга, хоҳ кеманинг бирон синиқ бўлагига тутиниб, уларнинг кетидан борсинлар, дея амр берди. Шу йўсинда ҳамма соғ-саломат қуруқликка чиқиб олди.

#### Мальта оролида

**28** Халос бўлганимиздан кейин, оролнинг оти Мальта эканини билдик. <sup>2</sup> Ерли аҳоли бизга одатдан ташқари инсонийлик кўрсатди. Ёмғир ёғиб совуқ бўлгани учун, улар ўт ёқиб, ҳаммамизни дўстона қабул қилдилар. <sup>3</sup> Шу маҳал Павлус бир даста ўтин йиғиб, оловнинг устига қўяётганда, иссиқдан қочаётган бир заҳарли илон унинг қўлини чақиб олиб, осилиб қолди. <sup>4</sup> Павлуснинг қўлига илон осилганини ерлилар кўргач, бир-бирларига: “Бу одам қотил бўлса керак. Денгиздан халос бўлган бўлса ҳам, Ҳақ уни тирик қолдирмаяпти-да!” – дейишди.

<sup>5</sup> Павлус эса ҳеч қандай зарар кўрмасдан, илонни ўтга силкитиб ташлади. <sup>6</sup> Орол аҳолиси унинг шишиб кетишини ёки ўлиб қолиб, тўсатдан ерга йиқилишини кутарди. Лекин узоқ кутишгандан кейин унга ҳеч қанақа фалокат юз бермаганини кўришгач, бошқача фикр қилиб: “У бир худодир”, – деб айтишарди.

<sup>7</sup> У жойнинг яқинида оролнинг бошлиғи бўлган Публий исмли бир кишининг ер-мулки бор эди. У бизни қабул этиб, уч кун меҳмондўстлик қилди.

<sup>8</sup> Ўша пайтда Публийнинг отаси юракбуруғдан қийналиб, иситмалаб ётар эди. Павлус унинг ёнига кирди ва қўлларини унинг устига қўйганча ибодат қилиб, уни соғайтирди. <sup>9</sup> Бу ҳодисадан кейин оролдаги бошқа хасталар ҳам келиб, шифо топишди. <sup>10</sup> Эл бизга иззат-икром кўрсатди, жўнаётганимизда зарур нарсалар билан таъминладилар.

### Римга етиб бориш

<sup>11</sup> Уч ойдан кейин Искандариядан келиб, ўша оролда қишлаб қолган Жавзо † туғли бир кема билан сузиб кетдик. <sup>12</sup> Сиракузага бориб, у ерда уч кун турдик. <sup>13</sup> У ердан сузиб кетиб, Ригияга келдик. Бир кундан кейин эсаётган жануб шамолидан фойдаланиб, икки кунда Путеолга етиб бордик. <sup>14</sup> У ерда баъзи имонли биродарларимизни топдик. Етти кун уларникида туришимиз учун рухсатимизни сўраб олдилар.

Кейин Римга етиб келдик. <sup>15</sup> У ердаги биродарлар дарагимизни эшитиб, Аппия форуми ва ҳатто Уч Меҳмонхона майдонигача бизни кутиб олгани чиқишганди. Павлус уларни кўриб, Худого шукр қилди ва кўнгли кўтарилди. <sup>16</sup> Римга кирганимиздан кейин юзбоши маҳбусларни лашкарбошига топширди. Павлусга эса уни кўриқлаб турадиган бир аскар билан алоҳида яшаш учун рухсат берилди.

### Павлуснинг Римдаги фаолияти

<sup>17</sup> Уч кундан сўнг Павлус яҳудийларнинг атоқли кишиларини бир жойга чорлади. Улар тўпланганда: “Эрлар, биродарлар! – деб хитоб қилди. – Мен халқимизга ёхуд ота-боболаримиз одатларига қарши ҳеч нарса қилмаган ҳолда, Қуддусда қўлга тушиб, римликларга топширилдим. <sup>18</sup> Улар ҳам мени суд қилиб, ўлимга лойиқ бирон гуноҳда айблай олмай озод қилмоқчи бўлдилар. <sup>19</sup> Лекин яҳудийлар бунга қарши чиққач, мен Қайсарнинг ҳукмини талаб этишга мажбур бўлдим. Мен буни халқимни бирон хусусида қораламоқ ниятида қилмадим. <sup>20</sup> Аслини олганда, мен Исроилнинг умиди учун бу занжир билан боғланганман. Ана шу сабабдан ҳам сизлар билан кўришиб гаплашишни истардим”.

<sup>21</sup> Улар жавоб бериб: “Сенинг ҳақингда Яҳудиядан ҳеч қандай хат-хабар олганимиз йўқ, у ердан келган биродарлардан бирортаси ҳам бизга нохуш

† ЖАВЗО: юнонча “Диоскурлар”, яъни қадимги юнон худолари орасида гўё Зевснинг эгизи Кастор ва Поллукс эпитети.

маълумот ё ахбор билдиргани йўқ. <sup>22</sup> Шунга қарамай, қандай фикр юритишингни сендан эшитмоқчимиз, чунки бу бидъатга қарши ҳар ерда баҳс бўлаётгани бизга маълумдир”, – дедилар.

<sup>23</sup> Павлус учун бир кун тайин этиб, жуда кўп киши у турган меҳмонхонага келди. Эрталабдан оқшомгача Павлус уларга Худонинг Шоҳлигини баён этиб гувоҳлик берар, Мусонинг Қонунига ва Пайғамбарлар китобига биноан Исо тўғрисида ишончли далиллар келтирар эди. <sup>24</sup> Унинг айтганларига баъзилари эътиқод қўйиб, баъзилари эса инонмадилар. <sup>25</sup> Ўзаро келишмовчилик юзага келиб, Павлус уларга бир сўзни айтгандан сўнг, улар кета бошлади. Павлус деди:

“Муқаддас Руҳ Ишаёе пайғамбар орқали оталаримизга жуда тўғри гапириб кетган:

<sup>26</sup> “Бу халққа бориб айтгин:

Эшитиб-эшитиб ҳам англамайсизлар; Қараб-қараб ҳам кўролмайсизлар.

<sup>27</sup> Чунки бу халқнинг дилини ёғ босган, Қулоқлари зўрға эшитадиган бўлган, Кўзларини эса юмиб олганлар.

Мабодо кўзлари кўрадиган, қулоқлари эшитадиган,

Диллари эса фаҳмлайдиган бўлса-ю, тавба қилсалар,

Мен уларга шифо берган бўлур эдим”.

<sup>28</sup> Шуни билиб қўйинглар: Худонинг бу нажоти энди бошқа халқларга юборилган; улар эса эшитадилар”.

<sup>29</sup> [Павлус бу сўзларни айтиб бўлгандан кейин, яҳудийлар ўзаро анча тортишиб, у ердан чиқиб кетишди.]

<sup>30</sup> Павлус ижарага олган уйида тўлиқ икки йил турди. Ҳузурига келганларнинг ҳаммасини қабул қилар эди. <sup>31</sup> Худонинг Шоҳлиги келди ва Исо Масих Раббимиздир, дея жасорат билан бемалол ваъз айтиб, таълим берар эди.

Омин.

### МАКТУБИ

# РИМЛИКЛАРГА

## МАКТУБИ

### Сўз боши ва дуойи салом

**1** Худонинг Инжил Хушхабарини етказмоққа махсус сайланган ва ҳаворийликка чорланган Исо Масиҳнинг кули – Павлусдан салом.

<sup>2</sup> Худо қадимданоқ ўз пайғамбарлари орқали муқаддас ёзувларда башорат қилганидек, ушбу Хушхабар Унинг Ўғли ҳақидадир. <sup>3</sup> Исо Масиҳ жисман Довуд зурриёти эса-да, <sup>4</sup> руҳан илоҳийлик касб этади. У қайтадан тирилиб, Худонинг Ўғли эканини қудратли равишда намоён қилди. <sup>5</sup> Шундай қилиб, Раббимиз Исо Масиҳ номидан барча халқларни имонга бўйсундирайлик, деб Худо Унинг исми ҳақи бизга иноят қилди ҳамда ҳаворийликни ато этди. <sup>6</sup> Исо Масиҳ даъват этган сизлар ҳам ўша халқлардансизлар. <sup>7</sup> Худо севган ва муқаддас бўлишга чақирган барча Римда яшовчиларга Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масиҳдан иноят ва тинчлик бўлсин.

### Павлуснинг Римга бориш орзуи

<sup>8</sup> Энг аввало, имонингиз шуҳрати бутун дунёга таралаётганини кўриб, Исо Масиҳ шарофати ила барчангиз учун Худойимга шукр айтаман. <sup>9</sup> Худо менга шоҳиддирки, мен Унинг Ўғлининг Хушхабарини тарғиб этишда сидқидилдан хизмат қилибгина қолмасдан, узлуксиз ибодатларимда сизларни хотирлайдирман. <sup>10</sup> Худо хоҳласа, ниҳоят ёнингизга бориш насиб этсин, деб тоат-ибодатдаман. <sup>11</sup> Мустаҳкамланишингиз учун сизларга бирон руҳий инъом бахш этай, деб сизларни кўришни кўп орзу қиламан. <sup>12</sup> Яна тўғриси, кўришганимизда сизнинг ҳам, менинг ҳам имонимиз бир эканидан ўзаро жасорат топамиз, демоқчиман.

<sup>13</sup> Эй биродарлар, бошқа халқларда бўлгани каби, сизларда ҳам мен туфайли бирор натижа бўлсин, деб кўп дафъа ёнингизга келишни ният этганим, лекин ҳозиргача қаршилиқларга дуч келганимдан беҳабар қолишингизни истамайман. <sup>14</sup> Мен юнонлару варварлар †, олимлару жоҳиллар олдида қарздорман. <sup>15</sup> Шундай қилиб, Римдаги сизларга

† **ВАРВАРЛАР:** юнонлар маданиятсиз деб ҳисобланган чет эллилар.

ҳам қўлимдан келганича, Инжил Хушхабарини етказишга тайёрман.

<sup>16</sup> Ҳар ҳолда мен Инжилдан ор қилмайман. Аввало яҳудий, сўнг турли халқдан †† имон келтирган ҳар бир киши учун Инжил Худонинг халоскорлик қудратини етказувчи Хушхабардир.

<sup>17</sup> Бу Хушхабарнинг мағзи шуки, Худо Ўзи гуноҳкорни оқлайди. Бу оқлаш эса фақатгина имон орқали содир бўлади ‡. *Тавротда* ёзилганидек: “Имони билан оқланган киши ҳаёт бўлур”.

### Инсониятнинг гуноҳкорлиги

<sup>18</sup> Ноҳақлик қилиб ҳақиқатни оёқ ости қилаётган барча бетавфиқ ва фосиқ инсонларга кўндан Худонинг ғазаби тўкилишга тайёр. <sup>19</sup> Худо ҳақида нимаики билиш мумкин бўлса, уларга равшандир; Худонинг Ўзи уларга зоҳир этган. <sup>20</sup> Унинг кўринмас хусусиятлари, яъни абадий қудрати ва илоҳиёти, Ўз ижод маҳсулию борлиқни яратганидан англашилади ва очиқ кўриниб туради. Шундай қилиб, уларнинг узрлари йўқ. <sup>21</sup> Чунки улар Худони идрок этганлари ҳолда, Уни Худо сифатида улуғламадилар ва Унга шукрона айтмадилар. Бунинг ўрнига бемаъни хаёлларга берилиб, уларнинг бефаросат диду дилига зулмат тушди. <sup>22</sup> Ўзларини ақлли билиб, ақлдан ноқис бўлиб қолдилар. <sup>23</sup> Мангу барҳаёт Худонинг улуғвор жамолини улар дунёдан ўткинчи инсон, қуш, чорва, судралувчи суратидаги бутларга алмаштирдилар.

<sup>24</sup> Шунинг учун Худо уларни ўз юракларидаги чиркин эҳтирослари оғушида қолдирди. Улар бир-бирининг баданларида беҳаёлик қилиб, тубанлашиб кетдилар. <sup>25</sup> Худонинг ҳақиқатини ёлғон билан алмаштириб, Холиқ ўрнига махлуққа сиғиниб топиндилар. Холиқи оламга эса абадий шон-шарафлар бўлсин! Омин.

†† **ТУРЛИ ХАЛҚ:** аслида “юнон” (файрияхудийлар умуман юнон дейиларди). ‡ **ХУДО ЎЗИ ГУНОҲКОРНИ ОҚЛАЙДИ...ИМОН ОРҚАЛИ СОДИР БЎЛАДИ:** луғавий таржимада: “Худонинг адолатли (ёки: Худо маъқул топган солиҳлик) имондан чиқиб, имонга олиб боради”. Бу оятда Исо Масиҳнинг гуноҳкорлар учун қурбон бўлганига ишонишдан ташқари ҳеч қандай дин ёки савоб гуноҳкорни оқлай олмаслиги таъкидланмоқда; яна қаранг: 3:30-31, Галатияликлар 3-боб, Филиппиликлар 3-боб.

<sup>26</sup> Шу сабабдан Худо уларни беҳаё эҳтиросларга топширди. Уларнинг хотинлари табиий алоқани ғайритабиий алоқа билан алмаштирдилар.

<sup>27</sup> Шунга ўхшаб, эркаклар ҳам аёл билан табиий алоқани ташлаб, бир-бирига шахвоний муносабатни қизитдилар. Эркак билан эркак шармандагарчилик қилиб, бузуқликларига яраша жазони ўзларидан олдилар. <sup>28</sup> Худони тан олишни лозим кўрмаганлари учун, Худо уларни бузуқ фикрга, лозим бўлмаган ишларни қилишга гирифтор қилди.

<sup>29</sup> Улар ҳар турли ҳақсизлик, зино, ёвузлик, тамагирилик ва гина-қудуратга тўлиб, ҳасадгўйлик, қотиллик, жанжалкашлик, фирибгарлик ва бадфеълликка муккасидан кетгандирлар. <sup>30</sup> Улар тили аччиқ, туҳматчи, худобезор, дилозор, кибрли, мағрур, бадният, ота-онага итоатсиз, <sup>31</sup> андишасиз, бевафо, илтифотсиз, муросасиз ва бераҳмдирлар. <sup>32</sup> Бундай ҳаракат қилувчилар ўлимга сазовор, деган Худонинг адолатли ҳукмини улар билган ҳолда, нафақат бу ишларни ўзлари қиладилар, балки бу ишларни қилувчиларни қўллаб-қувватлайдилар.

#### Худонинг одил ҳукми

**2** Шунинг учун билки, эй ҳукм қилувчи киши, сен ким бўлишингдан қатъи назар, узринг қабул қилинмайди. Сен бошқа одамни ҳукм этиш баробарида ўзингни ҳам маҳкум этасан. Чунки, эй ҳукмловчи, ўзинг ҳам шу ишларни қиялсан-ку! <sup>2</sup> Бундай ишлар қилиб юрганларни Худо маҳкум қилишда ҳақли эканини биламиз. <sup>3</sup> Айни ишларни ўзинг қила туриб, шундай ишларни қилувчиларни ҳукм этсанг, Худонинг ҳукмидан қочиб қутуламан, деб ўйлайсанми, эй одам? <sup>4</sup> Ёки Худонинг муруввати сени тавбага келтиришини билмай, Унинг илтифоти, мулойимлиги ва сабрининг чексизлигига бепарво қарайсанми? <sup>5</sup> Мана, сен саркаш ва тавба қилмовчи қалбинг туфайли Худонинг одил ҳукми амалга ошажак қаҳр-ғазаб кунигача ўзингга-ўзинг ғазаб тўплаб юрибсан-ку. <sup>6</sup> Худо ҳар кимни қилмишига яраша тақдирлайди. <sup>7</sup> Яхши ишда қунт қилиб, улуғ қадриятни ва мангуликни излаганларга У абадий ҳаёт ато этади. <sup>8</sup> Аммо худбинлик қилиб, ҳақиқатга бўйсунмай, ҳақсизлик пайдан бўлганларга қаҳру ғазабини сочади. <sup>9</sup> Аввало яҳудий, сўнг ўзга халқ кишиси бўлиб ёмонлик қилувчи ҳар бир банданинг жонини У қийноқ ва қайғуга солади. <sup>10</sup> Аввало яҳудий, сўнг ўзга халқ кишиси бўлиб яхшилик қилувчи ҳар бир бандага эса иззат, ҳурмат ва эсонлик насиб этади. <sup>11</sup> Зероки, Худо юз-хотир қилиб ўтирмайди.

<sup>12</sup> *Илоҳий Қонунни* † билмай туриб гуноҳ қилганлар Қонундан ташқари ҳалок бўладилар. *Илоҳий Қонунни* била туриб гуноҳ қилганлар эса қонуний равишда жазоланадилар. <sup>13</sup> Чунки *Худо*

† *илоҳий*

Қонунни эшитганларни эмас, балки бажо келтирганларни оқлайди.

<sup>14</sup> Илоҳий Қонуни йўқ халқлар ўз-ўзларидан бу Қонунда буюрилгандек қилганларида, улар Илоҳий Қонунга эга бўлмай туриб, ўзлари учун ўзлари қонундирлар. <sup>15</sup> Бу билан улар Илоҳий Қонуннинг талаблари ўз юракларида ёзилганини кўрсатадилар. Уларнинг виждони ҳамда бири иккинчисини гоҳ қоралаб, гоҳ оқловчи фикрлари бунга гувоҳдир. <sup>16</sup> Мен тарғиб этаётган Инжил Хушхабарига кўра, Худо Исо Масих орқали инсонларнинг сирли ишларини муҳокама этадиган кунда ана шундай бўлади.

#### Яҳудийлар ва Илоҳий Қонун

<sup>17</sup> Мана, сен ўзингни яҳудий деб, Илоҳий Қонунга суяниб, Худо билан мақтаниб юрибсан. <sup>18</sup> Сен Худонинг хоҳиш-иродасини билиш ва яхшини ёмондан фарқ қилишни Илоҳий Қонундан ўрганиб олибсан. <sup>19</sup> Сен Илоҳий Қонундаги илму маърифат ҳамда ҳақиқатнинг моҳиятига англаб етибсан-у, кўрларга йўл кўрсатувчи, зулматда қолганларга нур, ғофилларга мураббий, ғўр болаларга эса муаллим бўлганинга ишонч ҳосил қилибсан.

<sup>21</sup> Шундай экан, сен қандай қилиб бошқаларга таълим бера туриб, ўзингга таълим бермайсан?

<sup>22</sup> “Ўғрилиқ қилма”, деб насиҳат қилиб, ўзинг ўғрилиқ қиласанми? “Зино қилма”, деб туриб, ўзинг зино қиласанми? “Бутлардан жирканаман”, деб, бутхоналарни талайсанми? <sup>23</sup> Илоҳий Қонунни мақтайсан-у, унга амал қилмай Худони таҳқирлайсанми? <sup>24</sup> Худди *Тавротда* ёзилгани каби: “Сизлар боис мажусийлар орасида Худо исми мудом куфр қилинадир”.

<sup>25</sup> Суннат †† масаласига келайлик. Агар сен Илоҳий Қонунга риоя қилсанг, суннатнинг фойдаси бор. Лекин Қонунни бузсанг, сенинг суннатинг суннатсизлик кабидир. <sup>26</sup> Шунингдек, агар суннат қилинмаганлар Илоҳий Қонунга амал қилсалар, уларнинг суннатсизлиги суннат бўлган каби қабулга ўтмайдими? <sup>27</sup> Одатан суннат бўлмаган ҳолда Илоҳий Қонунга амал қилган кимдир суннат ҳамда Қонун эгаси бўлган сен, қонунбузарни айбламайдими?

<sup>28</sup> Зотан, зоҳиран яҳудий асл яҳудий эмас ва зоҳиран, жисмангина қилинган суннат асл суннат эмас. <sup>29</sup> Фақат ботинан яҳудий асл яҳудийдир. Шунингдек, асл суннат – дил суннатиدير. Бу эса Қонун битигидан қатъи назар, Худо Руҳи таъсирида содир бўладиган суннатдир. Бундай суннатни қабул қилган киши одамларнинг эмас, Худонинг мақтовига сазовор бўлади.

†† *СУННАТ*: яҳудийликнинг белгиси; луғатга қаранг; яна қаранг: 4:9-12.

## Худонинг садоқати

**3** Хўш, яҳудийларнинг қандай устунлиги бор? Ёки суннатнинг нима фойдаси бор?  
<sup>2</sup> Яҳудийлар ҳар жиҳатдан буюк устунликка эгадирлар. Бу устунлик энг аввал шундан иборатки, Худонинг ваҳийлари уларга ишониб топширилгандир. <sup>3</sup> Агар улардан баъзилари имонсиз бўлиб чиққан бўлса, нима қипти? Наҳотки бу имонсизлик Худонинг уларга садоқатини бекор қила олади? <sup>4</sup> Йўқ, асло! Ҳар бир инсон ёлғончи бўлса ҳам, Худо ҳақдир. *Забурда* ёзилганидек: “Сен сўзингда доим ҳақ бўлурсан, Сени ҳукм қилсалар-да, Ўзингни оқларсан” †.  
<sup>5</sup> Шундай қилиб, агар бизнинг ҳақсизлигимиз Худонинг одиллигини янада очикроқ кўрсатса, нима ҳам дердик? Инсоний фикр юритиб айтайин: бандалари бошига ғазаб ёғдиргани учун Худони ноҳақ деб бўладими? <sup>6</sup> Асло! Акс ҳолда Худо дунёни қандай қилиб ҳукм қила олади?!  
<sup>7</sup> *Яна шундай сўраш мумкин*: агар менинг ёлғончилигим туфайли Худонинг ҳақиқати янада улуғроқ бўлар экан, менинг устимдан гуноҳкор деб ҳукм чиқарилиш тўғри бўладими? <sup>8</sup> Яхшиликка айланиб қолар, деб ёмонлик қилаверайлик, десакмикин-а?  
 Чиндан ҳам, у шундай таълим беради, деб баъзилар бизга тухмат қилмоқдалар. Бу кишилар одилона жазо оладилар.

## Ҳамма гуноҳ қилган

<sup>9</sup> Хўш, шундай қилиб, биз, *яҳудийларнинг ўзга халқларга қараганда устунлигимиз борми, ўзи?* Асло йўқ! Чунки илгари исбот этганимиздек, хоҳ яҳудий бўлсин, хоҳ юнон бўлсин, ҳамма одамлар ҳам гуноҳнинг ҳокимияти остидадирлар. <sup>10</sup> *Забурда* ёзилишича: “Солиҳ киши йўқ, Бир киши ҳам йўқдир.  
<sup>11</sup> Идрокли ҳеч ким йўқ, Худони изловчи ҳеч ким йўқдир.  
<sup>12</sup> Ҳамма гумроҳ бўлди, барча бузилди. Яхшилик қилгувчи йўқ, бирор киши ҳам йўқ.  
<sup>13</sup> Уларнинг бўғзи – очик лаҳаддир, Сўзларида – тилёғламалик, Тиллари остида – илон заҳари.  
<sup>14</sup> Зардага, заққумга тўла оғизлари, <sup>15</sup> Қон тўкмак-чун чаққондир оёқлари. <sup>16</sup> Улар қадам босган жойга фалокат келур. <sup>17</sup> Улар билмас тинчлик йўлини.  
<sup>18</sup> Худодан кўрқиш йўқ уларнинг кўз ўнгида”.  
<sup>19</sup> Энди биз биламизки, Илоҳий Қонун неки буюрган бўлса, Қонунга қарам бўлганларга буюрган, токи ҳар бир оғиз юмилсин ва бутун дунё Худо олдида гуноҳкор бўлсин. <sup>20</sup> Зотан Қонун амрларини бажо қилиш билан ҳеч кимса Худо олдида ўзини оқлай олмайди. Аксинча, Илоҳий

† қаранг: *Забур* 50:6.

Қонун инсонга ўз гуноҳкорлигини янада аниқроқ кўрсатади.

## Гуноҳкорни оқлаш – Худонинг иши

<sup>21</sup> Энди эса, Қонунга алоқасиз равишда Худо талаб қилган солиҳликка эришиш йўли аниқ-равшан кўринмоқда, бунга Таврот ва пайғамбарлар ҳам гувоҳлик берадилар: <sup>22</sup> Худо талаб қилган солиҳлик – Исо Масихга ишонишдан иборатдир. Шу имонга эга бўлган ҳаммани Худо оқлайди.

Чунки одамлар орасида ҳеч бир фарқ йўқ. <sup>23</sup> Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир. <sup>24</sup> Лекин Худо инояти билан, Исо Масихнинг қони эвазига гуноҳкорлар текин оқланадилар. <sup>25</sup> Масих биз учун қонини тўкканига ишонган кишининг гуноҳлари ювилсин, деб Худо Масихни қурбонликка бағишлади ва шу йўсинда Ўзининг адолатли ҳукмини очик намоён қилди. Худо сабр қилиб, илгари қилинган гуноҳларни жазосиз қолдирган бўлса-да, <sup>26</sup> ҳозирга келиб, Ўзининг адолатли ҳукмини амалга оширди. Шундай қилиб, бир ёқдан Худо Ўз адолатига содиқ қолмоқда ва иккинчи ёқдан Исога ишонган гуноҳкор оқланмоқда.

<sup>27</sup> Энди мақтанишга арзигулик нарсамиз қолдимиз? – Битди. Қайси қонунга кўра битди? Таврот амрларини бажо келтиришни талаб қилувчи қонунга кўрами? – Йўқ, имонни талаб қилувчи қонунга кўра. <sup>28</sup> Биз қаноат ҳосил қилдикки, Худо Таврот амрларини бажо келтирувчи эмас, балки имон келтирувчи кишини оқлайди. <sup>29</sup> Ёки наҳот Худо бошқа халқларнинг ҳам Худоси бўлмай, фақат яҳудийларнинг Худосими? Албатта, барча халқларнинг ҳам Худосидир. <sup>30</sup> Суннат аҳлини имон асосида оқлайдиган Худо ягона бўлиб, суннат аҳли бўлмаганларни ҳам худди шу имон орқали оқлайди. <sup>31</sup> Демак, биз бу имон туфайли Илоҳий Қонунни бекор қиляпмизми? – Асло! Аксинча, Қонунни тасдиқляпмиз.

## Иброҳим пайғамбарнинг ибратли имони

**4** Хўш, бобокалонимиз Иброҳим, дейлик, аждодидан нима орттирди? <sup>2</sup> Агар Иброҳим савоб ишлари туфайли ўзини оқлаганда эди, мақтаниш учун сабаб топар эди. Бироқ Худо олдида мақтаниб бўлмайди. <sup>3</sup> Мана Тавротда не дейилган: “Иброҳим Худога ишонди ва шу тариқа оқланди” ††.

<sup>4</sup> Меҳнаткашга тўланадиган маош илтифот эмас, хизмат ҳақидир. <sup>5</sup> Бироқ қилган савобли ишига суянмай, балки бетавфиқни ҳам йўлга солиб оқловчи Худога ишонган киши ўз эътиқоди билан оқланади. <sup>6</sup> Мана, *Забурда ҳам*, савоб ишларидан қатъи назар, Худо ёрлақанган одамни Довуд бахтиёр деб айтади:

<sup>7</sup> “Қонунсиз ишлари афв этилиб, Кимнингки гуноҳи ўтилса,

†† қаранг: *Ибтидо* 15:6, *Галатияликлар* 3:6, *Ёқуб* 2:23.

Бундай одам бахтиёрдир!

<sup>8</sup> Кимнингки Худованд инобатга олмас айбин, Саодатманд эрур шу киши!" †

<sup>9</sup> Бу бахтиёрликнинг суннатга дахли борми, йўқми? Боя айтганимиздек, Иброҳимнинг эътиқоди уни Худо олдида оқлади. <sup>10</sup> Хўш, Иброҳим қандай ҳолатда оқланди? Суннат бўлганидан сўнгми, ёки суннат бўлганидан аввалми? – Суннат бўлганидан аввал. <sup>11</sup> Иброҳим ҳали суннат бўлмасидан, имони туфайлигина Худо олдида оқланди. Сўнг имонининг муҳри ўлароқ суннат белгисини қабул қилди. Шундай қилиб, Иброҳим суннатсиз ҳолатда имон келтирган ҳамманинг ҳам маънавий отасидирки, улар ҳам унга ўхшаб, имон туфайли Худо олдида оқланадилар. <sup>12</sup> Айни замонда, Иброҳим аҳли суннатнинг ҳам отаси ҳисобланади, шу шарт биланки, улар суннат бўлибгина қолмай, балки Иброҳим суннат бўлмасиданоқ тан олган ўша имоннинг изи билан юрсалар.

#### Илоҳий ваъда имон билан амалга ошади

<sup>13</sup> Худо Иброҳим ва унинг зурриётига ер юзини эгаллаб олиш тўғрисида ваъда берган эди. Бу ваъда Иброҳимга Тавротга амал қилган, деб эмас, балки имони билан ўзини оқлаган, деб насиб этди. <sup>14</sup> Агар ер юзини эгаллаб олувчилар фақат Илоҳий Қонунга амал қилувчилар бўлганида эди, унда имон беҳуда, илоҳий ваъда эса қуруқ бўлиб қолар эди. <sup>15</sup> Қонун Худо ғазабини кўзғатади, холос. Қонун бўлмаган ерда жиноят ҳам бўлмайди.

<sup>16</sup> Шу сабабдан илоҳий ваъда Худо иноятига боғлиқ бўлиб, фақат имон билан амалга ошади. Бунга эса Иброҳим зурриётининг ҳаммаси дохил, яъни Тавротга эга бўлибгина қолмасдан, балки Иброҳимнинг имонига ҳам эга бўлган ҳамма дохилдир. <sup>17</sup> Худо Иброҳимга: “Мен сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қилиб тайинладим” ††, деган эди. Шундай қилиб, ўликларни тирилтирувчи ва мавжуд бўлмаган нарсаларни вужудга келтирувчи Парвардигорга ишониб, Иброҳим ҳаммамизнинг отамиз бўлиб қолди.

<sup>18</sup> Худо Иброҳимга яна: “Сенинг зурриётинг сон-саноқсиз бўлади” ‡, деган эди. Иброҳим кўп халқларнинг отаси бўлишга ҳеч бир умиди қолмаганига қарамасдан, имони туфайли умидвор эди. <sup>19</sup> У юз ёшга яқинлашганда, ўзининг бадани мажолсизлашганини ва Соро бибининг пуштан қолганини била туриб, имонда заифлашмади. <sup>20</sup> Худонинг ваъдасидан эса имонсизлик қилиб шубҳаланмади, балки Худога ҳамд-сано айтиб, имонида маҳкам турди. <sup>21</sup> Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир, деб Иброҳим қатъий ишонар эди. <sup>22</sup> Ана шу ишончи туфайли у Худо олдида оқланди.

<sup>23</sup> Бу сўз эса фақат Иброҳимгагина хос эмас, <sup>24</sup> балки биз учун ҳам айтилган. Худо Раббимиз

† қаранг: Забур 31:1-2. †† қаранг: Ибтидо 17:5. ‡ қаранг: Ибтидо 15:5.

Исони тирилтирганига ишонсак, биз ҳам оқланамиз. <sup>25</sup> Раббимиз Исо бизнинг гуноҳларимиз учун ўлимга топширилди ва оқланишимиз учун тирилиб келди.

#### Худо билан сулҳ

**5** Раббимиз Исо Масихга бўлган имонимизни инобатга олиб, Худо бизни оқлади ва биз билан сулҳ тузди. <sup>2</sup> Раббимиз Исо Масих Ўзи Худонинг иноят † эшигини бизга очиб берди. Биз имонимиз туфайли бу иноятга эришиб, маҳкам турамыз ва Худонинг улуғворлигига эришмоқ умиди билан фахрланиб юрамыз. <sup>3</sup> Бунинг устига, қайғулар билан ҳам фахрланмоқдамиз, чунки қайғу сабр-қаноатни ҳосил қилишини биламыз. <sup>4</sup> Сабр-қаноат эса тажрибакорликни, тажрибакорлик эса умидни ҳосил қилади. <sup>5</sup> Умидимиз бўлса, бизни уятга қолдирмайди. Чунки бизга берилган Муқаддас Руҳ орқали юракларимиз Худо севгисига тўлиб-тошади.

<sup>6</sup> Биз ҳали чорасиз бўлганимизда, белгиланган вақтда Масих бетавфиқлар учун ўлди. <sup>7</sup> Бировнинг солиҳ киши учун ўлиши эҳтимолдан узоқдир. Балки ҳимматли киши учун кимдир ўлимга боришга рози бўлар. <sup>8</sup> Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди. Бу Худонинг бизга бўлган муҳаббатидан далолатдир.

<sup>9</sup> Демак, агар биз энди Масихнинг тўкилган қони туфайли оқланган бўлсак, Унинг соясида Худо ғазабидан қутулишимиз янада аниқроқдир. <sup>10</sup> Биз Худонинг душманлари эканмиз, У Ўз Ўғлининг ўлими туфайли бизни Ўзи билан яраштириб қўйди. Энди У билан ярашган бўлсак, Унинг Ўғли ҳаётлиги туфайли нажот топишимиз янада аниқроқдир. <sup>11</sup> Ва бу билан кифояланиб қолмай, балки бизни Худо билан яраштириб қўйган Раббимиз Исо Масих шарофати билан Худодан шодланиб юрибмиз.

#### Одам Атодан ўлим, Масихдан ҳаёт

<sup>12</sup> Битта одам дастидан дунёда гуноҳ пайдо бўлди, гуноҳдан эса ўлим пайдо бўлди ва бутун инсонларга ўтди. Маълумки, ҳамма гуноҳ қилган. <sup>13</sup> Илоҳий Қонун мавжуд бўлмасдан бурун ҳам дунёда гуноҳ бор эди, лекин Қонун йўқлигида гуноҳнинг ҳисоби тutilмайди. <sup>14</sup> Шунга қарамай, Одам Атодан Мусо пайғамбарга қадар яшаганларнинг ҳаммаси Одам Атога ўхшаб жиноят қилмаган бўлсалар-да, ўлим уларнинг ҳаммасига ҳам ҳокимлик қилди.

Одам Ато келажак Зотнинг † тимсоли эди. <sup>15</sup> Лекин булар бирдай эмас, Худонинг эҳсони Одам Атонинг гуноҳига ўхшамайди. Гарчи бир кишининг гуноҳи туфайли кўплаб кишилар ўлган бўлсалар

†† ИНОЯТ: Одамлар савоб ишлари билан эриша олмайдиган, фақат Худонинг меҳри туфайли келадиган илоҳий марҳамат. ‡‡ КЕЛАЖАК ЗОТ: яъни Худо азалдан юборишни ваъда қилган Қутқарувчи – Исо Масих; яна қаранг: Ибтидо 3:боб.

ҳам, Худонинг инояти бундан каттароқдир, чунончи битта Одам, яъни Исо Масихнинг инояти билан берилган бой эҳсон кўпдан-кўп кишиларга тегди. <sup>16</sup> Худонинг эҳсони билан Одам Атонинг гуноҳи орасидаги фарқ шундан иборатки, бир гуноҳнинг оқибати ўлимга ҳукм этиш билан тугаса, эҳсоннинг натижаси эса кўп инсоннинг гуноҳларидан фориғ бўлишига олиб келади.

<sup>17</sup> Тўғри, бир кишининг гуноҳи туфайли, шу ягона одамнинг дастидан ўлим ҳокимлик қила бошлади. Аммо яна тўғриси, ягона бир Одам, яъни Исо Масих соясида одамлар энди Худонинг чексиз иноятига эришиб, оқланадилар ва ҳаётда ҳукм сурадилар.

<sup>18</sup> Шунга кўра, битта гуноҳкорнинг иши барча одамзодни ўлимга маҳкум этган бўлса, энди эса битта Солиҳнинг иши одамларни оқлайди ва абадий ҳаётга ноил этади. <sup>19</sup> Бир одамнинг итоатсизлиги туфайли кўп одамлар гуноҳкор бўлган бўлса, энди эса бир Кишининг итоаткорлиги туфайли кўп одамлар солиҳ деб қабулга ўтадилар.

<sup>20</sup> Шу орада Илоҳий Қонун пайдо бўлган, натижада жиноят кўпайган эди. Аммо гуноҳ кўпайган сари, Худо инояти ҳам шунчалик орта борди. <sup>21</sup> Хулласи калом, илгари гуноҳ ўлим сари ҳоқонлик қилган бўлса, энди эса Раббимиз Исо Масих қиёфасидаги Худо инояти гуноҳкорни оқлаб, абадий ҳаёт сари ҳукм сурмоқда.

### Масих билан ўлиб тирилишимиз

**6** Хўш, нима дейлик? Иноят кўпайсин, деб гуноҳ қилишни давом эттираверайликми? <sup>2</sup> Асло! Биз гуноҳ қаршисида ўлганмиз. Энди гуноҳ қилиб қандай яшайверамиз? <sup>3</sup> Унутмангизки, биз Исо Масихни тан олиб сувда имон келтирганимизда, ҳаммамиз ҳам Унинг ўлимини тан олиб имон келтирдик. <sup>4</sup> Биз сувга чўмиб, Масих билан бирга ўлдик ва кўмилдик. Шунингдек, Масих Отасининг улуғвор қудрати билан тирилганига ўхшаб, биз ҳам янги ҳаётда юришимиз лозим. <sup>5</sup> Агар ўлишда Масихга эргашган бўлсак, албатта, тирилишда ҳам Унга эргашамиз.

<sup>6</sup> Гуноҳ қилишга мубтало бўлган бу вужудимиз йўқ қилинсин, деб эски ўзлгимиз Масих билан бирга хочга михланган. Буни билиб, биз энди гуноҳга қул эмасмиз. <sup>7</sup> Чунки ўлган одам гуноҳ қилишдан озоддир. <sup>8</sup> Агар биз Масих билан бирга ўлган бўлсак, У билан яшашимизга ҳам ишончимиз комил.

<sup>9</sup> Масих тирилиб бошқа ўлмаслигини, ўлим эса Унга энди ҳоким бўлмаслигини биламиз. <sup>10</sup> Унинг ўлими гуноҳ учун бир бор ўлим эди. Қолган ҳаётини эса У Худо учун яшамоқда. <sup>11</sup> Шунга ўхшаб, сизлар ҳам ўзларингизни гуноҳ қаршисида ўлик, лекин Раббимиз Исо Масих билан бирлашган ҳолда Худо қаршисида тирик ҳисобланглар.

<sup>12</sup> Шундай қилиб, энди гуноҳ сизларнинг фоний баданларингизга ҳокимлик қилмасин, сиз

баданларингиз ихтиёрига бўйсуниб кетманглар.

<sup>13</sup> Аъзойи баданингизни ёмонлик қуроли қилиб гуноҳнинг измига топширманглар. Аксинча, ўлиб тирилганлар каби ўзингизни, яъни бутун аъзойи баданингизни солиҳлик қуроли қилиб Худонинг измига топширинглар. <sup>14</sup> Гуноҳ сизларга ҳукмрон бўлмасин, чунки сизлар энди Қонун эмас, иноят паноҳидасизлар.

### Солиҳликка қул бўлиш ҳақида

<sup>15</sup> Хўш, буёғи энди нима бўлади? Қонун эмас, иноят паноҳида бўлганимиз учун гуноҳ қилаверайликми? – Асло! <sup>16</sup> Билмайсизларми? Сиз ўзларингизни итоаткор қул қилиб кимнинг измига топширсангизлар, у кишининг қули бўласизлар. Сиз ё ўлимга олиб борувчи гуноҳга, ёки солиҳликка олиб борувчи итоаткорликка қул бўласизлар.

<sup>17</sup> Лекин Худога шукурки, илгари гуноҳга қул бўлганингиз ҳолда, энди ўзингиз қабул қилган таълимотнинг моҳиятига сидқидилдан берилгансизлар. <sup>18</sup> Гуноҳ қилишдан озод бўлиб, солиҳликка ўзингизни қул қилиб қўйгансизлар.

<sup>19</sup> Бандалигингиз туфайли инсонларча фикр юритиб гапиряпман. Сиз бир вақтлар ифлослик ва ёвузлик қилиш учун аъзойи баданингизни қонунсизликка қул қилиб топширгансизлар. Энди эса аъзойи баданингизни солиҳликка қул қилиб топширинглар ва муқаддас яшанглар. <sup>20</sup> Гуноҳнинг қули эканингизда, солиҳлик талабларидан озод эдингизлар. <sup>21</sup> Ҳозир ўзингиз уялаётган қилмишлардан ўша вақтда қандай наф бор эди? У қилмишларнинг оқибати ўлимдир. <sup>22</sup> Ҳозир эса гуноҳ қилишдан озод бўлиб, Худонинг қуллари бўлгансизлар. Бундан наф – муқаддасликдир ва бунинг натижаси эса абадий ҳаётдир. <sup>23</sup> Гуноҳнинг эвази – ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масих қиёфасидаги абадий ҳаётдир.

### Эр-хотинлик қонунидан мисол

**7** Қонунни билувчиларга сўзим: эй биродарлар, одам тирик экан, қонун унинг устидан ҳоким эканини наҳот билмасангиз? <sup>2</sup> Масалан, эрли хотин эри тирик экан, қонун бўйича унга боғлиқдир. Лекин эри ўлса, хотин боши боғлиқлик қонунидан озод бўлади. <sup>3</sup> Шунинг учун эри тирик хотин бошқа эрга тегса, у зинокор саналади. Аммо эри ўлса, хотин қонундан озод бўлади ва бошқа эрга тегса ҳам, зино қилган ҳисобланмайди.

<sup>4</sup> Шунга ўхшаб, сизлар ҳам, эй биродарларим, Бошқасига, яъни қайта тирилган Масихга тегиб ва Масих баданининг бир қисми бўлиб, Илоҳий Қонун олдида ўлган ҳисобидасиз. Бу эса Худо йўлида самарали бўлишимиз учундир. <sup>5</sup> Зеро биз ирсий табиатимиз амри билан яшаган вақтлар, Илоҳий Қонун ошкор қилган гуноҳкор эҳтирослар аъзойи баданимизда амал қилар ва ўлим учун замин ҳозирлар эди. <sup>6</sup> Энди эса илгари бизни боғлаб



турган Қонун қаршисида ўлиб, Қонундан озод бўлдик. Шундай қилиб, биз эски ҳарфма-ҳарф йўл † билан эмас, балки янги Руҳ йўли билан юриб, Худога хизмат қилмоқдамиз.

### Илоҳий Қонун ва гуноҳ

<sup>7</sup> Хўш, нима дейлик? Наҳотки Илоҳий Қонун гуноҳга боис бўлди? – Асло! Аммо агар Қонун воситачи бўлмаса эди, мен гуноҳни билмаган бўлар эдим. Қонун “тамагирлик қилма” деб буюрмаганда эди, мен тамагирликни билмас эдим.

<sup>8</sup> Шу тариқа гуноҳ амр орқали баҳона топиб, менинг юрагимда ҳар турли тамагирликни ҳосил қилди. Қонун йўқлигида эса, гуноҳ кучсиздир.

<sup>9</sup> Бир вақтлар мен ўзим Илоҳий Қонундан ташқарида бўлиб яшар эдим. Аммо онгимда амр туғилгач, гуноҳ тирилди, <sup>10</sup> мен эса ўлдим. Ҳаёт учун бўлган амр менинг ўлимимга сабаб бўлди.

<sup>11</sup> Чунки гуноҳ амр орқали баҳона топиб, мени алдади, амр орқали мени ўлдирди. <sup>12</sup> Бундан кўринадики, Қонун – муқаддасдир, ҳар бир амри ҳам муқаддас, одил ва яхшидир.

<sup>13</sup> Шундай экан, яхши бўлган амр менга ўлим келтирадики? – Мутлақо! Бироқ, гуноҳ – гуноҳ деб очиқ билиниши учун, яхшилик орқали менга ўлим келтирди, токи гуноҳнинг ниҳоят даражада гуноҳлиги амр орқали англашилсин.

### Гуноҳга қарши курашимиз

<sup>14</sup> Бизга маълумки, Илоҳий Қонун табарруқдир. Бироқ мен эса – гуноҳга қул бўлиб сотилган ожиз бандаман. <sup>15</sup> Шундан ўзим қилаётган ишларни ўзим тушунмайман: мен нимани хоҳласам, уни қилмайман ва нимани ёмон кўрсам, уни қиламан.

<sup>16</sup> Агар мен хоҳламаган нарсани қилаётган эканман, бу билан Қонуннинг яхши эканлигини маъқуллаётган бўламан.

<sup>17</sup> Демак, бу ишларни мен ўзим эмас, балки юрагимдаги гуноҳ қилаётган бўлади. <sup>18</sup> Менда, яъни ирсий табиатимда яхши нарса йўқлигини аниқ биламан. Яхшилик қилиш истаги дилимда бор бўлса-да, уни рўёбга чиқаришга кучим етмайди. <sup>19</sup> Мен истаган яхши ишни қилмаяпман, аксинча, истамаган ёмон ишни қиляпман. <sup>20</sup> Агар истамаган ишни қилаётган эканман, демак, бу ишни мен ўзим эмас, балки ичимда турадиган гуноҳ қиляпти.

<sup>21</sup> Мен бундан ушбу қонидани чиқараман: яхшилик қилмоқчи бўлганимда, қалбимда ҳамиша ёмонлик пойлаб туради. <sup>22</sup> Худонинг Қонунидан ички борлиғим завқ олади-ю, <sup>23</sup> аммо аъзойи баданимда бошқа бир қонун иш кўради: бу қонун онгим маъқуллаган Худо Қонунига қарши курашиб туради ва аъзойи баданимда амал қилувчи гуноҳ қонунига

† ЭСКИ ҲАРФМА-ҲАРФ ЙЎЛ: Шариатга, диний қонун-қоидаларга инсоний куч билангина риоя қилиш, Худо Руҳининг ёрдамисиз савоб қилиб ўзини оқлашга куруқ интилиш; яна қаранг: 2:17-29, 2-Коринфликлар 3:6.

мени асир этади. <sup>24</sup> Оҳ, мен шўрлик одам! Ўлимга гирифтор шу баданимдан мени ким қутқарар экан? <sup>25</sup> – Худога шукр, Раббимиз Исо Масих соясида Ўзи қутқаради!

Хулласи калом, мен онгим билан Худо Қонунига риоя этсам-да, вужудим билан гуноҳ қонунига хизмат қиламан.

### Худо Руҳидан руҳланиб яшашимиз

<sup>8</sup> Шундай қилиб, Исо Масих уммати бўлганларга қарши †† энди ҳеч бир маҳкумлиқ йўқдир. <sup>2</sup> Исо Масих умматига ҳаёт берувчи Руҳнинг Қонуни мени гуноҳ ва ўлимни ҳосил қилувчи Қонундан озод қилди. <sup>3</sup> Инсон табиати ожизлиги туфайли Илоҳий Қонун ўзи ҳам ожиз бўлиб қолди. Қонун улгура олмаган ишни эса Худо қилди: У Ўз Ўғлини гуноҳкор инсонга ўхшатиб оламга юборди ва Уни гуноҳ учун қурбонликка бағишлади, шу йўсин инсон табиатидаги гуноҳни маҳкум қилди. <sup>4</sup> Худо буни, Илоҳий Қонун талаблари табиат амри билан эмас, Руҳ амри билан яшаётган бизларда бажо бўлсин, деб қилди.

<sup>5</sup> Башарий табиат амри билан яшайдиганлар башарий фикр қиладилар. Илоҳий Руҳ амри билан яшайдиганлар илоҳий фикр қиладилар. <sup>6</sup> Башарий табиатнинг мурод-мақсади – ўлимдир. Илоҳий Руҳнинг мурод-мақсади – ҳаёт ва тинчликдир. <sup>7</sup> Башарий табиатнинг мурод-мақсади Худога душманликдир; чунки бундай табиат Худонинг Қонунига итоат қилмайди ҳамда қила олмайди. <sup>8</sup> Ўз табиати амри билан яшайдиган одамлар Худога манзур бўла олмайдилар.

<sup>9</sup> Худо Руҳи сизнинг ичингизда яшаётгани учун, сизлар энди табиатингиз амри билан эмас, балки Руҳ амри билан яшаяпсизлар. Кимки Масихнинг Руҳига эга бўлмаса, у Масихники эмасдир. <sup>10</sup> Агар Масих ичингизда экан, бадан гуноҳ учун ўлимга маҳкум † бўлса-да, руҳ оқланганингиз учун ҳаётдир. <sup>11</sup> Чунки Исо Масихни тирилтирган Худонинг Руҳи сизнинг вужудингизда яшаяпти. Агар Худо Ўз Руҳи қудратида Масихни тирилтирган бўлса, У ичингиздаги ўша Руҳ орқали сизнинг фоний баданларингизни ҳам тирилтиражак.

<sup>12</sup> Шундай қилиб, эй биродарлар, табиатимиз амри билан яшаш учун биз бу табиат талаблари олдида мажбур эмасмиз. <sup>13</sup> Агар ўз табиатингизга маҳлиё бўлиб яшасангиз, руҳан ўлишингиз муқаррар. Лекин агар башарий табиатнинг қилмишларини Руҳ кучи билан ўлдирсангиз, руҳан яшайсизлар.

<sup>14</sup> Худо Руҳи билан бошқариладиган барча Худонинг фарзандидир. <sup>15</sup> Чунки сизлар яна кўрқувда яшаш учун қуллик руҳини олмадингизлар, балки ўғиллик Руҳини олдингизлар. Бу Руҳдан руҳланиб, биз Худони азиз Ота †† деб чақирамиз. <sup>16</sup> Худо Руҳи Ўзи бизнинг

†† яъни ўз табиати амри билан эмас, Руҳ амри билан яшаётганларга қарши. † УЛИМГА МАҲКУМ: аслида “ўлик”. ††

руҳимизга қўшилиб, Худо фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради. <sup>17</sup> Агар Худонинг фарзандлари бўлсак, фарзандлардай мерос олиш ҳуқуқига ҳам эгадирмиз. Худонинг кут-баракаларидан мерос улуши олувчилар сифатида Масиҳнинг ворисдошларимиз. Агар биз Масиҳнинг азоб-уқубатларига шерик бўлсак, албатта, Унинг улуғ шон-шарафига ҳам шерик бўлажакмиз.

### Яратилган борлиқнинг порлоқ истиқболи

<sup>18</sup> Ўйлайманки, бизга зоҳир бўлажак улуғворлик олдида шу он азоб-уқубатларини айтиб ўтиш ҳам арзимасдир. <sup>19</sup> Мана, Худо Ўз фарзандларини зоҳир қилишини бутун махлуқот муштоқ бўлиб кутмоқда. <sup>20</sup> Чунки махлуқот ўткинчиликка маҳкум бўлган. Бу эса махлуқотнинг ўз ихтиёри билан эмас, балки махлуқотни яратган Худонинг ихтиёри билан бўлган <sup>†</sup>. <sup>21</sup> Айни замонда махлуқотнинг ўзи ҳам фано қуллигидан озод этилмоқ ва Худо фарзандларининг улуғвор эркинлигига эришмоқ умидига эгадир. <sup>22</sup> Биламизки, борлиқ махлуқот ҳозирга қадар биргаликда оҳ-нола қилиб, гўё туғиш азобини чекиб ётибди.

<sup>23</sup> Ва фақат махлуқотгина эмас, балки биз ўзимиз ҳам ичимиздан оҳ-нола қилаётибмиз. Биз келгуси ҳосилнинг илк маҳсулидай Худо Руҳини олган бўлсак ҳам, ўғил қилиб олинишни, вужудимиз қутулишини интизор бўлиб кутяпмиз. <sup>24</sup> Бизнинг нажотимиз умиддадир. Кўзга кўриниб турган нарса эса умид эмас. Ким кўриб турган нарсани умид қилар экан? <sup>25</sup> Агарда биз кўрмаганимизни умид қилаётган бўлсак, буни сабр билан кутиб турсак бўлади.

<sup>26</sup> Бунинг устига, Илоҳий Руҳ бизнинг заифлигимизга мадад бериб туради. Чунки биз қандай ибодат қилмоқ кераклигини билмаймиз. Лекин Илоҳий Руҳнинг Ўзи ифода қилиб бўлмас оҳ-нолалар билан биз учун Худо олдида шафоат қилади. <sup>27</sup> Юракларни синовчи Худо эса Руҳнинг фикри нимада эканлигини билади. Чунки Руҳ Худонинг иродасига кўра Худо азизлари учун шафоат қилади.

### Масиҳ шахсидаги Худонинг севгиси

<sup>28</sup> Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади. <sup>29</sup> Худо азалдан билган кишиларни Ўз Ўғлининг суратига айлантириш учун белгилади, токи Ўғил кўп биродарлар орасида Тўнғич бўлсин. <sup>30</sup> Худо азалдан белгилаган кишиларни даъват ҳам этди, даъват этган кишиларни эса оқлади, оқлаган кишиларни эса улуғликка ҳам сазовор қилди.

АЗИЗ ОТА: аслида "Абба, Ота" (Абба арабий тилида "севибли Ота" демақдир); яна қаранг: Марк 14:36, Галатияликлар 4:4-7. <sup>†</sup> Бу оят Худованднинг Одам Атога: "сен сабабли ер лаънати бўлгай" деган каломини эсга солади; қаранг: Таврот, Ибтидо 3:16-19.

<sup>31</sup> Энди бунга нима деймиз? Агар Худо биз томон бўлса, ким бизга қарши чиқар экан? <sup>32</sup> Худо Ўз Ўғлини аямай, балки ҳаммамиз учун Уни фидо қилган бўлса, У билан бирга ҳамма нарсани ҳам бизга бермасмикан? <sup>33</sup> Худо танлаган кишиларни ким айбдор қилар экан? Худонинг Ўзи уларни оқлаган-ку. <sup>34</sup> Бизни ким маҳкум қилар экан? Ўлган ҳам тирилган Исо Масиҳ Худонинг ўнг томонида туриб, биз учун шафоат қилмоқда-ку. <sup>35</sup> Худонинг севгисидан бизни ким жудо қилар экан: қайғуми, сиқилишми, қувғинми, очликми, яланғочликми, хавф-хатарми ёки қиличми? <sup>36</sup> Мана, *Забурда* ёзилганидек:

"Сен туфайли бизни ҳар кун ўлдирмоқдалар, Курбонлик кўйлар деб ҳисоблайдилар" <sup>††</sup>.

<sup>37</sup> Аммо бизни Севганнинг соясида буларнинг ҳаммаси устидан улкан ғалаба қозонамиз. <sup>38</sup> Мен аминманки, на ўлим ва на ҳаёт, на фаришталар ва на жин-ажиналар <sup>‡</sup>, на ҳозирги ва на келгуси ҳодисалар, <sup>39</sup> на баландликлар ва на чуқурликлар ҳамда на яратилган бошқа бирон мавжудот Раббимиз Исо Масиҳ шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас.

### Худо танлаган халқ

**9** Мен, Масиҳ ҳақи, ҳақиқатни айтяпман, ёлғон гапирмаяпман; Муқаддас Руҳдан ёришган виждоним ҳам бундан далолат бермоқда: <sup>2</sup> менинг юрагимда буюк ғамим, тинмайдиган дардим бор. <sup>3</sup> Ўз қариндошу қондошларим бўлган исроилликлар туфайли мен ҳатто Масиҳдан мардуду малъун бўлмоқчи эдим. <sup>4</sup> Худо уларни ўғилликка олган, Ўзининг улуғворлигини уларга намоён қилган, улар билан аҳд-паймон қилган, уларга Тавротни, диний хизмат кўрсатмаларини йўллаган ҳамда табаррук ваъдаларни берган. <sup>5</sup> Улуғ ота-боболаримиз уларнинг оталари бўлган, Масиҳ ҳам жисман улардан келиб чиққан. У борлиқ нарса устидан ҳукмдор, абадий ҳамду саноларга сазовор бўлган Худодир. Омин!

<sup>6</sup> Худонинг каломи ўз кучини йўқотди, демоқчи эмасман. Аммо Исроилдан бўлганларнинг ҳаммаси Худо халқи <sup>††</sup> эмасдирлар. <sup>7</sup> Иброҳим зурриётидан бўлганларнинг ҳаммаси Иброҳим болалари эмасдирлар, балки Худо Иброҳимга айтганидек: "Сенинг зурриётинг Исҳоқ орқали кўпаяди" <sup>‡‡</sup>.

<sup>8</sup> Демак, Худонинг фарзандлари табиатан туғилган болалар <sup>‡‡‡</sup> эмас, фақат илоҳий ваъда бўйича туғилганлар ҳақиқий зурриёт ҳисобланадилар.

<sup>9</sup> Худонинг Иброҳимга берган ваъдаси ана шундай

<sup>††</sup> қаранг: *Забур* 43:23. <sup>‡</sup> ЖИН-АЖИНАЛАР: аслида "бошлиқлар ва ҳокимиятлар", яъни кўринмайдиган оламда ҳокимлик қилаётган ёвуз руҳий кучлар; яна қаранг: *Колосаликлар* 2:15, *Эфесликлар* 1:21, 6:12. <sup>†††</sup> ХУДО ХАЛҚИ: аслида "Исроил". <sup>‡‡</sup> қаранг: *Таврот*, *Ибтидо* 21:12. <sup>‡‡‡</sup> ТАБИАТАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР: Иброҳим ўғли Исмоилнинг биби Ҳожардан кўрган ўғиллари рамзи; қаранг: *Ибтидо* 16-боб, *Галатияликлар* 4:22-23.

эди: “Келгуси йил шу вақтда Мен келаман ва Соронинг бир ўғли бўлади” †.

<sup>10</sup> Бунга ўхшаб, Ривқо биби ҳам эгиз ўғилларга ҳомиладор бўлган эди. Улар битта отадан, яъни улуғ отамиз Исҳоқдан эдилар. <sup>11</sup> Бу болалар ҳануз туғилмаган ва яхши ёки ёмон бирон иш қилмаган вақтда, Худо Ривқога: “Каттаси кичигига қул бўлади”, – деган эди ††. Демак, Худо бировни танлаганда, уни Ўзи билганидек, савоб ишларидан қатъи назар ёрлақайди ва даъват этади. <sup>13</sup> Худо Тавротда айтганидек:

“Мен Ёқубни севдим,

Лекин Эсовдан нафратландим”.

<sup>14</sup> Бунга нима деймиз? Худо ноҳақми? – Асло!

<sup>15</sup> Мана, Худо Мусога нима деган:

“Марҳамат этганимга марҳамат этаман,  
Раҳм айлаганимга раҳм айлайман”.

<sup>16</sup> Шундай қилиб, танланиш инсоннинг орзу ёки ташаббусига эмас, балки Худонинг марҳаматига боғлиқдир. <sup>17</sup> Тавротда Худо Фиръавнга айтганидек:

“Қудратимни сен орқали намоеён қилай, деб  
Исмим бутун ер юзида маълум бўлмай, деб  
Мен сени юксалтирдим”.

<sup>18</sup> Демак, Худо истаганига марҳамат этади ва истаганининг дийдасини қотиради.

#### Худонинг ғазаби ва марҳамати

<sup>19</sup> Энди мендан сўрайсан: “Хўш, нима учун Худо бировни айблайдими? Зотан Унинг иродасига қарши чиқа оладиган йўқ-ку!” <sup>20</sup> – Эй инсон, сен кимсанки, Худога сўз қайтарасан? Ҳайкал ҳайкалтарошга:

“Мени нима учун бундай ясадинг?” – дейдими?

<sup>21</sup> Кулол худди ўша гил қоришмасидан бир идишни эътиборли, бошқа идишни эътиборсиз иш учун яшашга ҳақи йўқми?

<sup>22</sup> Агар Худо ғазабу қудратини зоҳир этмоқчи бўлиб, Ўз ғазабига йўлиқтириб ҳалок қиладиган одамларга кўп сабр билан чидаган бўлса, нима бўпти? <sup>23</sup> Агар Худо азалдан марҳаматига сазовор билган ва улуғлаш учун белгилаган одамларга Ўзининг чексиз улуғворлигини зоҳир этмоқ мақсадида бундай қилган бўлса, нима бўпти?

<sup>24</sup> Нафақат яҳудийлар орасидан, балки бошқа барча халқлар орасидан ҳам Худо даъват этган бу кишилар – мана бизлармиз. <sup>25</sup> Хўшея пайғамбарнинг китобида айтилганидек:

“Мен халқим бўлмагани – Менинг халқим,  
Севгилим бўлмагани – севгилим дейман.

<sup>26</sup> Сиз Менинг халқим эмассиз, – дейилган ерда,  
Улар барҳаёт Худонинг ўғиллари дейилади”.

<sup>27</sup> Ишаъё пайғамбар эса Исроил ҳақида шундай нидо этипти:

“Исроил ўғилларининг сон-саногии  
Денгиз куми қадар бўлса ҳам,  
Ортиб қолган қисмиёқ нажот топур.

<sup>28</sup> Раббимиз Ўз ишини ер юзида  
Тез ва буткул бажариб чиқур”.

<sup>29</sup> Ишаъё пайғамбар яна каромат қилиб айтганки:

“Агар Худованд – Сарвари коинот  
Бизга зурриёт қолдирмаганида эди,  
Биз Садўм шаҳрига ўхшаб,  
Ғамўра сингари бўлиб қолар эдик”.

#### Исроил халқининг имонсизлиги

<sup>30</sup> Энди бунга нима деймиз? Бир ёқдан, солиҳлик пайдан бўлмаган мажусийларни Худо Ўзи оқлади, улар Масихга ишониб, солиҳ деб қабулга ўтдилар.

<sup>31</sup> Иккинчи ёқдан, Исроил халқи ўзимизни оқлайлик, деб Илоҳий Қонунга қаттиқ риоя қилишга уннаб, Қонунни ўринлатмай, айбдор бўлиб қолди. <sup>32</sup> Нима учун? Чунки улар имонга таянган солиҳликни изламай, балки Қонун амрларини бажариш билан савоб қозонмоқчи бўлдилар ва тўсиқ тошига қоқиниб, мункиб кетдилар. <sup>33</sup> Худди Тавротда ёзилганидек:  
“Мана, Мен Сионда бир тўсиқ тошини ‡,  
Одамлар қоқиниб кетгуси тошни қўюрман.  
Унга эътиқод этган киши уятга қолмас”.

#### Нажот ҳамма учун

**10** Эй биродарлар, юрагим орзу-армони ва Худодан ёлворган таваллоим –

исроилликларнинг қутулишидир. <sup>2</sup> Уларнинг Худо йўлида ғайратлари борлигига гувоҳдирман. Бироқ бу ғайрат ҳақиқий тушунчага асосланган эмас.

<sup>3</sup> Худонинг Ўзи одамларни оқлаб солиҳ дейишини улар англамасдан, ўз солиҳликларини ўрнатишга интилдилар, якка Ўзи одамларни оқлаб солиҳ деган Худога илтижо қилмадилар. <sup>4</sup> Масих эса – Қонуннинг охиридир. Масихга эътиқод қилган ҳар бир гуноҳкорни Худо оқлайди.

<sup>5</sup> Илоҳий Қонунга риоя қилиш билан ўзини оқламоқчи бўлганлар ҳақида Мусо пайғамбар бундай ёзган: “Қонунни бажо келтирган одам шу билан яшайверади”. <sup>6</sup> Имонга таянган солиҳлик эса бундай сўзлаяпти: “Юрагингда: Осмонга ким чиқади? – дема (гўё Масихни ерга тушириш учун).

<sup>7</sup> Ёки: Ернинг қаърига ким тушади? – дема” (гўё Масихни тирилтириш учун). <sup>8</sup> Оят нима дейди, эшит:

“Калом сенга яқиндир,  
Сенинг оғзингу дилингдадир”.

Мана бу – биз тарғиб қилиб юрган имон каломи.

<sup>9</sup> Агар сен Исони Раббим деб, оғзинг билан очик иқрор этсанг ва Худо Уни тирилтирганига чин юракдан инонсанг, нажот топасан. <sup>10</sup> Чунки оқланиш учун юрак билан эътиқод қилмоқ, қутулиш учун оғиз билан иқрор бўлмоқ лозимдир.

<sup>11</sup> Тавротда ёзилганидай: “Унга эътиқод қилган ҳеч кимса уятга қолмас”.

<sup>12</sup> Бу масалада яҳудий билан ғайридин орасида фарқ йўқдир. Худди ўша Раб – ҳамманинг

† қаранг: Ибтидо 18:10, 14. †† қаранг: Ибтидо 25:23.

‡ ТЎСИҚ ТОШИ: Исо Масих; яна қаранг: 1-Бутрус 2:4-8, Матто 21:42.

Раббидир. Исмини чақирганларнинг ҳаммаси учун У эҳсонга бойдир. <sup>13</sup> Чунки “Раббимиз исмини чақирадиган ҳар бир киши нажот топура”.

<sup>14</sup> Аммо улар инонмасдан туриб, Уни қандай чақирадилар? У ҳақда эшитмаган ҳолда, Унга қандай инонадилар? Тарғиб қилувчи бўлмаса, қандай эшитадилар? <sup>15</sup> Юборилмасдан туриб, Каломни қандай тарғиб қиладилар? – Тавротда ёзилганидек:

“Нақадар гўзалдир эзгулик муждасин,  
Тинчлик Хушхабарин келтирган оёқлар!”

<sup>16</sup> Ҳолбуки, Хушхабар келтирувчиларга ҳамма қулоқ солмади. Худди Ишаъё пайғамбар айтганидек:  
“Ё Раббий!

Бизнинг хабаримизга ким ишонди?”

<sup>17</sup> Шундай қилиб, имон – эшитишдан, эшитиш эса – Масих <sup>†</sup> каломини ваъз этишдан ҳосил бўлади.

<sup>18</sup> Аммо мен шундай сўрайман: Улар эшитмадимми? – Албатта, эшитдилар, мана *Забурда қандай ёзилган* :

“Уларнинг оҳанги бутун дунёга ёйилди,  
Сўзлари эса ернинг тўрт тарафига етиб борди” <sup>††</sup>.

<sup>19</sup> Яна сўрайман: Исроил билмас эдимми? – Аввало, Мусо пайғамбар орқали Худо шундай деган:

“Мен сизда халқим бўлмаганлар устидан рашк уйғотурман,

Фаҳмсиз бир қавм ила ғазабингизни кўзғатурман”.

<sup>20</sup> Ишаъё пайғамбар эса *Худо каломини жасурана гапириб деган*:

“Мени изламаганларга Ўзимни топтирдим,  
Мени сўрамаганларга Ўзимни зоҳир этдим”.

<sup>21</sup> Лекин Исроил ҳақида Худо шундай деган:

“Мен бўйсунмас ва қайсар бир халққа  
Кун бўйи қўлларимни чўзиб турдим”.

### Худо Ўзига ажратиб олган кишилар

**11** Хўш, мен сўрайман: Худо Ўз халқини рад этдимми? – Асло! Чунки мен ўзим ҳам Иброҳим наслидан, Бенямин қабиласидан бир исроилликман. <sup>2</sup> Худо азалдан билган Ўз халқини рад этмади. Исроилга қарши Худога шикоят этган Илёс пайғамбар ҳақидаги оятда нима ёзилганини наҳотки сизлар билмасангиз?

<sup>3</sup> “Ё Раббий!

Сенинг пайғамбарларингни ўлдирдилар,  
Қурбонгоҳларингни вайрон қилдилар.

Ёлғиз мен қолдим-у,

Менинг жонимга ҳам қасд қилмоқдалар”,

– деган эди Илёс. <sup>4</sup> Худо унга қандай жавоб берди? –

“Баал <sup>‡</sup> олдида тиз чўкмаган етти минг одамни  
Мен Ўзим учун ажратиб олдим”.

<sup>5</sup> Худди шундай, ҳозирги вақтда ҳам Худонинг инояти билан сайлаб олинган бир озчилик бордир.

<sup>6</sup> Улар Худо инояти туфайли сайланганлар, демак, савоб ишлари туфайли сайланган эмаслар; акс ҳолда иноят яна иноят бўлмас эди. [Агар улар савоб

ишлари туфайли сайланганда эди, яна Худо иноятига ўрин қолмас эди ва савоб яна савоб бўлмас эди.]

<sup>7</sup> Бу нимани билдиради? – Исроил излаганига эришмади. Фақат сайланганлар излаганига эришдилар, қолганларнинг эса дийдаси қотиб қолди. <sup>8</sup> Худди *Тавротда* ёзилганидек:

“Худо уларга қаттиқ уйқу руҳини юборди.

Бугунги кунга қадар кўрмайдиган кўзлар,  
Эшитмайдиган қулоқлар берди”.

<sup>9</sup> Довуд ҳам деганки:

“Уларнинг дастурхони ўзлари учун тўру қопқон,  
Тузоқ ҳамда жазо ери бўлсин.

<sup>10</sup> Кўзлари қоронғилашиб, кўрмайдиган бўлсин,  
Беллари абадий букилиб қолсин” <sup>‡†</sup>.

### Пояга уланган новдалар мисоли

<sup>11</sup> Шунинг учун мен сўрайман: яхудийлар йўқ бўлиш учун қоқиндиларми? – Асло! Аммо уларнинг рашки кўзғалсин, деб уларнинг гуноҳкорлиги туфайли бошқа халқларга нажот келди. <sup>12</sup> Агар яхудийларнинг гуноҳ қилиб, барбод бўлганлиги барча дунё халқларига қут-барака келтирган бўлса, уларнинг камол топиши нақадар кўпроқ қут-барака келтиради!

<sup>13</sup> Энди дунё халқларидан бўлган сизларга хитоб қиламан: мен ғайрияхудийларнинг ҳаворийси бўлиб, бу хизматимни фахрли деб биламан, <sup>14</sup> агарда мен ўз қон-қардошларимнинг рашкини кўзғатиб, улардан қандайдир баъзиларини қутқариб олсам! <sup>15</sup> Агар уларнинг рад қилиниши дунёнинг Худо билан ярашишига имкон берган бўлса, қабул бўлишлари ўлимдан ҳаётга қайтишдан бошқа нима бўла олади?! <sup>16</sup> Агар ачитқи муқаддас бўлса, хамир ҳам муқаддасдир. Агар томир муқаддас бўлса, новдалар ҳам муқаддасдир.

<sup>17</sup> Хўш, энди зайтун дарахтининг баъзи новдалари синдирилган ва сен ёввойи зайтун бутоғи бўла туриб, новдалар орасига пайванд бўлгансан, дарахтнинг ширадор томирига улангансан.

<sup>18</sup> Лекин новдалар олдида ғурурланиб кетма!

Ғурурлансанг, билгинки, сен томирни эмас, балки

томир сени кўтариб турибди. <sup>19</sup> Эҳтимол сен:

“Менинг пайванд бўлишим учун новдалар синдирилди”, – дерсан. <sup>20</sup> Тўғри, Исроил халқи имонсизлиги туфайли синдирилди; сен эса

имонингда маҳкам турасан. Шунга қарамай мақтанма, балки кўрқ.

<sup>21</sup> Йўқса, Худо асл новдаларни аямагани каби, сени ҳам аямаслиги мумкин.

<sup>22</sup> Шунинг учун сен Худонинг меҳрибонлигини ҳам, қаттиққўллигини ҳам билиб қўйгин!

Йиқилганларга У қаттиққўлдир, аммо сен Унинг меҳрибонлигига содиқ қолсанг, сенга меҳрибондир. Акс ҳолда сен ҳам кесиб

ташланарсан. <sup>23</sup> Яхудийлар имонсизликда қаттиқ туриб олмасалар, улар яна пайванд бўладилар,

<sup>†</sup> Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Худо”. <sup>††</sup> қаранг: *Забур 18:5*. <sup>‡</sup> БААЛ: луғатга қаранг.

<sup>‡†</sup> қаранг: *Забур 68:23-24*.

чунки Худо уларни яна пайванд қилишга ҳам қодирдир. <sup>24</sup> Сен табиатан ёввойи зайтун новдаси бўла туриб кесилдинг ва табиатга хилоф равишда яхши зайтун дарахтига пайванд бўлдинг. Шундай экан, асл новдалар ўз дарахтига яна пайванд бўлиши нақадар осондир!

### Бутун Исроил қутулажак

<sup>25</sup> Эй биродарларим, сиз тагин ўзбилармон бўлиб қолманглар, деб бу сирдан хабарсиз қолишингизни истамайман: бошқа халқлардан нажот топадиганларнинг сони тамом бўлмагунга қадар, Исроил халқининг вақтинча дийдаси қотган.

<sup>26</sup> Шундай қилиб, бутун Исроил қутулажак. *Тавротда* ёзилганидек:

“Қутқарувчи Сиондан келажак,  
Ёқуб элидан бетавфиқни даф қилажак.

<sup>27</sup> Мен уларни гуноҳларидан фориг қилганимда,  
Улар билан Менинг аҳдим бу бўлажак”.

<sup>28</sup> Инжил Хушхабарини рад қилганлари сабабли, яҳудийлар сизларнинг манфаатингиз учун Худога душман бўлиб қолдилар. Лекин Худо уларни танлагани сабабли, ота-боболари хотири учун, уларни азиз деб билади. <sup>29</sup> Чунки Худонинг инъомлари ва даъвати ўзгармасдир.

<sup>30</sup> Сизлар бир вақтлар Худога итоатсиз бўлиб, лекин энди яҳудийларнинг итоатсизлиги туфайли марҳаматга ноил бўлдингизлар. <sup>31</sup> Шунга ўхшаб, энди яҳудийлар ҳам сизга кўрсатилган марҳамат туфайли итоатсиз бўлдилар, токи улар ҳам энди марҳаматга ноил бўлсинлар. <sup>32</sup> Чунки Худо ҳаммага марҳамат кўрсата олиши учун, ҳаммани итоатсизликка гирифтор қилди.

### Худога ҳамду сано

<sup>33</sup> Оҳ, Худонинг саховату ҳикмати ҳамда билимининг чуқурлигини қаранг! Унинг ҳукмларига кимнинг ақли етар, йўлларини ким текшириб чиқар экан?

<sup>34</sup> “Худонинг ақлини ким билган экан?  
Унинг маслаҳатчиси ким бўлган экан?”

<sup>35</sup> “Ким Худога бир нарса бермишки,  
Худо унга қайтариб берсин?”

<sup>36</sup> Бутун борлиқ Ундан чиқиб, У орқали бордир ва Унга қаратилгандир. Унга абадий шон-шарафлар бўлсин! Омин.

### Худо хизматида яшашимиз

**12** Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман: Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб бағишланглар. <sup>2</sup> Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши, манзур, комил иродасининг нима эканини фаҳмламоқ учун фикрингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар.

<sup>3</sup> Менга берилган иноятдан фойдаланиб, сизларнинг ҳар бирингизга шуни айтяпман: ҳаддингиздан ошиб, ўзингизга бино қўйманглар. Лекин Худо ҳар бир кишига қанча имон берган бўлса, шунга кўра фикр қилиб, ақли расо одамлар бўлинглар. <sup>4</sup> Баданимиз бир бўлса-да, узвлар кўп, узвларнинг вазифаси эса бир хил эмас. <sup>5</sup> Шунга ўхшаб, биз кўп киши бўлсак ҳам, Масих вужудида бирлашганмиз ва бир баданни ташкил этамиз, ҳар биримиз алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биримиз учун узвдирмиз.

<sup>6</sup> Худонинг иноят қилгани бўйича, биз Ундан ҳар хил инъомлар олганмиз. Бировнинг инъоми башоратгўйлик <sup>†</sup> бўлса, ўз ишонч-эътиқодига мувофиқ башорат қилсин. <sup>7</sup> Агар хизмат инъоми бўлса, хизмат қилсин; агар муаллимлик инъоми бўлса, таълим берсин. <sup>8</sup> Ким насиҳатгўй бўлса, панд-насиҳат берсин. Ким эҳсон берувчи бўлса, чин кўнгилдан берсин. Ким бошлиқ бўлса, ғайрат билан бошчилик қилсин. Ким меҳрибончилик қилса, хурсандлик билан қилсин.

### Севги – энг юқори хислат

<sup>9</sup> Севгингиз риёсиз бўлсин. Ёмонликдан нафрат қилиб, яхшиликка чирмашиб олинглар. <sup>10</sup> Бир-бирингизни биродарларча, самимий муҳаббат билан севинглар. Бир-бирингизни иззат-ҳурмат қилишга ўзишгандай ҳаракат қилинглар.

<sup>11</sup> Ғайратингизни сусайтирманглар. Оташин руҳ билан Раббингизга хизмат қилинглар.

<sup>12</sup> Умидворлик ила хурсанд бўлиб юринглар. Қайғуда сабрли, тоат-ибодатда саботли бўлинглар.

<sup>13</sup> Имонлиларнинг <sup>††</sup> эҳтиёжларини таъминлашда иштирок этинглар. Меҳмондўст бўлишга жон куйдиринглар.

<sup>14</sup> Сизларни қувғин қилаётганларни дуо қилинглар, ҳа, дуо қилинглар, қарғаманглар.

<sup>15</sup> Севинаётганлар билан бирга севининглар, йиғлаётганлар билан бирга йиғланглар. <sup>16</sup> Ўзаро ҳамфикр бўлинглар. Такаббурлик қилмай, мулоим одамлар билан дўст бўлинглар. Ўзбилармонлик қилманглар.

<sup>17</sup> Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик қайтарманглар. Барча одамларнинг кўзи олдида яхшилик қилишга интилинглар. <sup>18</sup> Агар иложи бўлса, қўлингиздан келганича, барча одамлар билан тинч-тотув ҳаёт кечиринглар. <sup>19</sup> Эй севиклиларим, ўзингиз учун қасос олманглар, балки Худонинг ғазабига йўл қўйинглар. Зеро *Тавротда* шундай ёзилган:

“Қасос Менинг қўлимда,  
Сазосини Мен бераман,  
– дейди Худованд”.

<sup>20</sup> Аксинча:

“Агар душманинг оч қолган бўлса, уни тўйғизгил,  
Агар чанқаган бўлса, унга сув ичиргил.”

<sup>†</sup> БАШОРАТГЎЙЛИК: луғатга қаранг. <sup>††</sup> ИМОНЛИЛАР: аслида “муқаддаслар, азизлар”.

Мана шунда унинг бошига ёнаётган чўғлар йиққандай бўлурсан”.

<sup>21</sup> Ёмонликка мағлуб бўлма, ёмонликни яхшилик билан мағлуб қилгин.

### Ҳокимиятга бўйсунуш ҳақида

**13** Ҳар бир одам ҳукмрон ҳокимиятга бўйсунсин. Чунки Худо буюрмаган ҳокимият йўқ, мавжуд ҳокимиятларнинг ҳаммасини ҳам Худо тайин этган. <sup>2</sup> Шунинг учун ҳокимиятга қаршилиқ кўрсатган Худонинг амрига қарши чиққан бўлади. Қаршилиқ қилувчилар эса ўз-ўзларини ҳукмга дучор қиладилар. <sup>3</sup> Яхшилик қилганлар эмас, ёмонлик қилганлар бошлиқлардан кўрқкишлари керак. Ҳокимиятдан кўрқмасликни истайсанми? Унда яхши иш қилиб юр, шунда бошлиқнинг мақтовига сазовор бўласан. <sup>4</sup> Чунки бошлиқ сенинг манфаатинг учун Худонинг хизматкоридир. Аммо ёмон иш қилсанг, кўрқ. Чунки у қилишни беҳуда кўтариб юрмайди. У ёмонлик қилганга ғазабнок жазо берувчи сифатида Худонинг хизматкоридир. <sup>5</sup> Шунинг учун фақат ғазабдан кўрққанликдангина эмас, балки виждон юзасидан ҳам итоат қилмоқ лозимдир.

<sup>6</sup> Солиқ тўлашингизнинг сабаби ҳам шу. Чунки солиқ йиғиш билан машғул бўлган амалдорлар бу иш билан Худога хизмат қиладилар. <sup>7</sup> Ҳар бир кишига ўз ҳақини беринглар: солиқ йиғувчига – солиқ; бож олувчига – бож; кўрқувга лойиқ бўлганга – кўрқув; ҳурматга лойиқ бўлганга – ҳурмат.

### Бир-биримизни севиш бурчи

<sup>8</sup> Бир-бирингизни севишдан бошқа ҳеч кимдан бир нарса бурчли бўлманглар. Чунки ўзгани севадиган киши Илоҳий Қонунни бажо келтирган бўлади. <sup>9</sup> “Зино қилма”, “Қотиллик қилма”, “Ўғрилиқ қилма”, [“Ёлғон гувоҳлик берма”,] “Тамагирлик қилма” ва бунга ўхшаш яна қанча амрлар бор бўлса, ҳаммаси шу сўзда хулоса қилинади: “Ўзгани ўзинг каби севгин”. <sup>10</sup> Севувчи киши ўзгага ёмонлик қилмайди. Шундай қилиб, севиш – бутун Илоҳий Қонунни бажо келтириш билан баробардир.

<sup>11</sup> Ҳозирги вақт-соатнинг аҳамиятини билиб, шундай ҳаракат қилинглар. Мана, сизларнинг уйкудан уйғониш вақт-соатингиз келиб қолди! Биз имон келтирган вақтдан кўра, ҳозирги вақтда қутулишимиз яқинроқдир. <sup>12</sup> Кеча ўтиб кетиб, кундуз яқинлашди. Шунинг учун қоронғилик ишларидан фориғ бўлиб, нур аслаҳаларини кийиб олайлик. <sup>13</sup> Айш-ишрат ва ичкиликбозлик билан эмас, шаҳватпарастлик ва фисқ-фужур билан эмас, жанжалкашлиқ ва ҳасадгўйлик билан эмас, балки кундузга яраша, одоб билан кун кечирайлик. <sup>14</sup> Раббимиз Исо Масиҳни *совутдай* кийиб олинглар ва табиатингизнинг гуноҳли ҳавас-эҳтиросларини қониқтиришга интилманглар.

### Биродарингни ҳукм қилма

**14** Имони заиф одамни, унинг фикрлари ҳақида баҳслашмай, қабул қилинглар. <sup>2</sup> Кимдир, ҳамма нарсани еб бўлади, деб ишонади. Имони заиф киши эса фақат сабзавот ейди. <sup>3</sup> Ҳар нарсани ейиш мумкин деган киши емовчини камситмасин, шунингдек, ҳар нарсани емайдиган киши ейдиганни айбламасин; чунки Худо уни қабул қилгандир. <sup>4</sup> Сен ким бўлибсанки, бошқа кишининг малайини тергайсан? У ўз хўжайини олдида ё туради, ё йиқилади. Раббимиз эса уни турғазига қодир, шунинг учун у туради.

<sup>5</sup> Биров бир кунни бошқа кундан юқорироқ ҳисоблайди, бошқа киши эса ҳамма кунлар ҳақида бир хил фикр юргизади. Ҳар бир киши ўз фикрида маҳкам турсин. <sup>6</sup> Кунга эътибор қилувчи Раббим деб эътибор қилади. [Шунингдек, кунга эътибор қилмовчи Раббим деб эътибор қилмайди.] Ҳар нарсани егувчи Раббим деб ейди. Ҳар нарсани емовчи ҳам Худога шукр қилиб, Раббим деб емайди.

<sup>7</sup> Биздан ҳеч ким ўзи учун яшамайди ва ҳеч ким ўзи учун ўлмайди ҳам. <sup>8</sup> Агар яшасак, Раббимиз учун яшаймиз; агар ўлсак, Раббимиз учун ўламиз. Демак, яшасак ҳам, ўлсак ҳам, Раббимизга қарашлимиз. <sup>9</sup> Масиҳ ҳам ўликларнинг, ҳам тирикларнинг Рабби бўлиш учун ўлди-ю, ўлимдан тирилиб келди.

<sup>10</sup> Шундай бўлса, сен нима учун биродарингни ҳукм қилипсан? Нима учун биродарингни камситяпсан? Ҳаммамиз ҳам Масиҳнинг † ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлажакмиз-ку. <sup>11</sup> *Тавротда* ёзилишича:

“Ҳаётим ҳақи, – дейди Худованд, – Ҳар бир кас Менинг олдимда тиз чўккуси, Ҳар бир тил Худолигимни тан олғуси”.

<sup>12</sup> Демак, ҳар биримиз ўзимиз ҳақимизда Худога ҳисобот берамиз.

### Биродарингни васвасага солма

<sup>13</sup> Шунинг учун бир-биримизни бошқа ҳукм қилмайлик. Энг яхшиси, биродарингизнинг йўлига тўсиқ қўймаслик, уни васвасага солмаслик тўғрисида муҳокама қилинглар. <sup>14</sup> Мен шуни биламан ва Раббим Исо номидан қатъий аминманки, ҳеч бир нарса ўзи-ўзича ҳаром эмасдир. Фақат бир нарсани ҳаром ҳисоблаган киши учун у нарса ҳаромдир. <sup>15</sup> Агар биродаринг сен еяётган овқат туфайли хафа бўлса, демак, сен муҳаббат юзасидан ҳаракат қилмаётган бўласан. Масиҳ бу одам учун ўлган, уни овқатинг билан ҳалокатга йўлиқтирма. <sup>16</sup> Сизларнинг яхши деб билган нарсангиз қораланмасин. <sup>17</sup> Худонинг *Шоҳлиги* овқат ва ичимликдан иборат эмас, балки

† *МАСИҲНИНГ: бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Худонинг”.*

Муқаддас Рух бағишлаган солиҳлик, тинчлик ва севинчдир. <sup>18</sup> Ким Масихга шундай хизмат қилиб юрса, у Худога мақбул ва инсонларнинг мақтовига сазовордир.

<sup>19</sup> Шунинг учун ўзаро тинч-тотув яшайлик, бир-биримизни руҳан ривожлантириш учун жон куйдирайлик. <sup>20</sup> Овқат туфайли Худонинг ишини бузма! Ҳамма овқатлар ҳалолдир, лекин бирон нарса еб ўзгани васвасага солган киши ёмонлик қилган бўлади. <sup>21</sup> Биродаринг васвасага тушиб айниб қолишидан кўра, гўшт емаслик, май ичмаслик ёки биродарингни қоқинтирадиган бирон иш қилмаслик яхшидир.

<sup>22</sup> Бу хусусда сенинг эътиқодинг қандай бўлса, Худо олдида ўз эътиқодингни ўзинга сақлаб тур. Тутган йўлида ўз-ўзини маҳкум қилмайдиган одам бахтиёрдир! <sup>23</sup> Лекин ўз еганидан шубҳа қилган киши маҳкумликка йўлиқади, чунки у эътиқод бўйича емаган. Эътиқодга асосланмаган ҳар бир иш эса – гуноҳдир.

<sup>24</sup> Мен хабарлаб юрган Инжил, яъни Исо Масихнинг Хушхабарига биноан сизларни собитқадам қилишга қодир бўлган Худога ҳамду санолар бўлсин! Қадим даврлардан бери яширин тутилиб, ҳозирги вақтда эса очилиб қолган улуғ сир <sup>25</sup> мангу барҳаёт Худонинг амри ила қадимги пайғамбарларнинг китобларида ваҳий этилган, энди эса барча халқларга имонга бўйсунушлари учун тақдим этилгандир. <sup>26</sup> Донишманд бўлган ягона Худога Исо Масих орқали илалабад шон-шарафлар бўлсин! Омин.

#### Ўзингни эмас, биродарингни мамнун қил

**15** Биз, имони кучлилар, ўзимизни мамнун қилишни кўзламасдан, кучсизларнинг ожизлигига сабр-бардош қилишимиз керак. <sup>2</sup> Ҳар биримиз ўзганинг яхшилик ва ривож топишига ғамхўрлик қилиб, уни мамнун қилишга ҳаракат қилайлик. <sup>3</sup> Чунки Масих ҳам Ўз-ўзини мамнун қилмади. Лекин *Забурда* У ҳақда ёзилганидек: “Сени † таҳқир қилувчиларнинг ҳақорати Менинг устимга тушди”.

<sup>4</sup> Қадимги оятларда нимаики ёзилган бўлса, бизнинг таълим олишимиз учун ёзилган. Биз бу оятлардан сабр ва тасалли топиб, умидимизда маҳкам туришимиз лозим. <sup>5</sup> Сабр ва тасалли манбаи бўлган Худонинг Ўзи эса, Исо Масих ўргатганидек, бир-бирингиз билан ҳамфикр бўлишни сизларга ато этсин, <sup>6</sup> токи сизлар яқдиллик билан, бир оғиздан Раббимиз Исо Масихнинг Отаси бўлган Худони улуғланглар. <sup>7</sup> Худони улуғлаш учун Масих сизларни қабул қилганидек, сизлар ҳам бир-бирингизни қабул қилинглар.

#### Исо Масихнинг улуғ хизмати

<sup>8</sup> Менинг сўзимни тингланглар: Исо Масих ота-боболаримизга берилган илоҳий ваъдаларни рўёбга чиқарай, деб Худо ҳақиқатига содиқ қолди ва суннат аҳли бўлган *яхудийларнинг* хизматкори бўлди. <sup>9</sup> Айни замонда У Худонинг марҳамати ҳақи учун бошқа халқларга ҳам юборилди, токи улар Худони улуғласинлар. *Забурда* ёзилишича:

“Халқлар ичра Сенга ҳамдлар айтурман, Сенинг исмингни куйлаб сано айтурман” †.

<sup>10</sup> Яна бошқа жойда шундай ёзилган:

“Эй барча элу халқлар, Худонинг халқи билан бирга севининглар!”

<sup>11</sup> Ва яна:

“Эй барча миллатлар, Худовандга ҳамд айтинглар! Эй бутун халқлар, Уни мадҳ этинглар!” ‡

<sup>12</sup> Ишаъё пайғамбар эса шундай деган:

“Халқларга ҳукмронлик қилиш учун Ишай †† уруғидан бир Зот чиқиб келажак. Халқлар Унга умид боғлағайлар”.

<sup>13</sup> Умид манбаи бўлган Худо эса Муқаддас Рух кучи ила сизларни умидга бой қилсин, имонингизга яраша сизларни ҳар хил севинч ва тинчлик билан шод қилсин.

#### Ҳаворий Павлуснинг хизмати

<sup>14</sup> Эй биродарларим, сизга келсак, сиз яхшиликка ва ҳар хил билимга бой ҳамда бир-бирингизга панд-насиҳат қилишга қодир эканингизга ўзим аминман. <sup>15</sup> Биродарларим, Худонинг менга берган инояти туфайли сизларга эслатиб қўйиш учун бир қадар ботиниш билан ёздим. <sup>16</sup> Мен Худо инояти туфайли Исо Масихнинг барча халқларга юборган элчиси бўлиб, Худонинг Хушхабарини тарғиб қилишда муқаддас хизмат кўрсатмоқдаман. Бу халқлар Муқаддас Рух орқали муқаддаслаштирилиб, Худога бахшида этилган ва Унга мақбул бўлган бир ҳадядир.

<sup>17</sup> Шундай қилиб, Исо Масихга ташаккур, мен Худо йўлида қилган ишларим билан мақтансам бўлади. <sup>18</sup> Лекин мен орқали амал қилган Масихдан бошқа нарса ҳақида гапиришга журъат этмайман. Масихнинг Ўзи мажусийларни имонга бўйсундириш йўлида менга ёр бўлиб, сўзиму ишимга илҳом бериб, <sup>19</sup> Муқаддас Рухни юбориб, мен орқали қудратли ва ажойиб мўъжизалар содир қилди. Шундай қилиб, мен Қуддусдан бошлаб, то Иллирия †† соҳилларига қадар Масихнинг Хушхабарини тамоман ёйиб чиқдим. <sup>20</sup> Шу билан бирга, мен бошқаларнинг пойдевори устига бино қурмайин, деб Масихнинг исми ҳали тилга

†† қаранг: *Забур* 17:50. ‡ қаранг: *Забур* 116:1. †† ИШАЙ: Ҳазрати Довуднинг отаси. Ишаъё пайғамбар Масихнинг Довуд зурриёти бўлишини Унинг келишидан 750 йил олдинроқ каромат қилиб айтган эди. †† ИЛЛИРИЯ: бугунги Югославия соҳилларидаги ўлка.

† СЕНИ: яъни Худони; қаранг: *Забур* 68:10.

олинмаган ерларда Хушхабарни тарғиб қилиш учун жон куйдирдим. <sup>21</sup> *Тавротда* ёзилганидек: “Ундан хабарсиз бўлганлар кўргайлар, У ҳақда эшитмаганлар англагайлар”.

### Павлуснинг Римга бориш нияти

<sup>22</sup> Сизларнинг олдингизга келишим учун менга тўсқинлик қилган кўп сабаблар бор эди. <sup>23</sup> Энди эса бу мамлакатларда менга бошқа иш қолмаган. Мен кўп йиллардан бери сизларни кўришни орзу қилганимдан, <sup>24</sup> Испанияга йўл олиб сизларнинг олдингизга бормоқчиман. Ўтиб кетаётганимда аввал сизларни кўриб, бир оз дийдорингизга тўйганимдан кейин, мени у ерга кузатиб қўясизлар, деган умиддаман.

<sup>25</sup> Лекин ҳозирча мен Худо азизларига ёрдам бергани Қуддусга кетяпман. <sup>26</sup> Чунки Македония ва Ахая ўлкаларидаги Масих жамоатлари Қуддусдаги камбағал имонлилар учун иона тўплашни хуш кўрдилар. <sup>27</sup> Ҳа, хуш кўрдилар, чунки улар яҳудийлардан қарздордир. Мажусийлар энди яҳудийларнинг руҳий баракатларига шерик бўлганларидан кейин, уларга жисмонан ҳам хизмат қилишлари муносибдир. <sup>28</sup> Демак, мен бу ишни бажариб, тўпланган маблағни уларга топширганимдан кейин, сизларнинг ерингиздан ўтиб Испанияга жўнаб кетаман. <sup>29</sup> Мен сизлар билан кўришгач, Масих Хушхабарининг тўлиқ қут-баракасини келтиришни бурчим деб биламан.

<sup>30</sup> Эй биродарларим! Раббимиз Исо Масих ҳақи, Худо Руҳидан илҳом олган муҳаббат ҳақи сизларга ёлвораман: мен учун Худога ибодат қилинглр, курашимга қўшилинглр, <sup>31</sup> токи Яҳудия ўлкасидаги имонсизлардан қутулай ва Қуддусдаги хизматим у жойдаги Худо азизларига маъқул тушсин. <sup>32</sup> Худо хоҳласа, мен баҳузур сизнинг олдингизга борай ва сизникида шодлигу ором топай.

<sup>33</sup> Тинчлик манбаи бўлган Худо ҳаммаларингизга ёр бўлсин. Омин!

### Аҳли мўминга дуойи салом

**16** Кенхрея шаҳридаги имонлилар жамоатида хизмат кўрсатаётган опамиз Фивани сизларга тақдим этаман. <sup>2</sup> Уни Раббимиз ҳақи, Худо азизларига муносиб қабул қилинглр. У нимага муҳтож бўлса, ёрдам беринглр. Зеро у кўп кишиларга ва айниқса менга ҳам мадаккор бўлган.

<sup>3</sup> Исо Масих хизматида бўлган ҳамкорларим Прискилла билан Акилга салом айтинглр. <sup>4</sup> Улар менинг жонимни асраш учун ўзларини ўлим хавфига қўйдилар. Уларга ёлғиз мен эмас, балки мажусийлардан имон келтирганларнинг барча йиғилишлари ҳам ташаккур билдирмоқдалар.

<sup>5</sup> Уларнинг уйида йиғиладиган жамоатга ҳам салом айтиб қўйинглр.

Асия ўлкасида Масих учун биринчи униб-чиққан ҳосилдай бўлган севикли муҳибим Епенетга салом айтинглр.

<sup>6</sup> Биз учун кўп меҳнат қилган Марямга салом айтинглр.

<sup>7</sup> Ҳаворийлар орасида ном чиқарган ва мендан олдин Масихга имон келтирган ҳамда мен билан бирга маҳбус бўлган қариндошим Андроникка, шунингдек, Юнийга салом айтинглр.

<sup>8</sup> Раббимиз йўлида бораётган севикли ўртоғим Амплиатга салом айтинглр.

<sup>9</sup> Масих хизматида ҳамкоримиз бўлган Урбан ва севикли Стахисга салом айтинглр.

<sup>10</sup> Синовдан ўтиб, Масихга мақбул бўлган Апеллисга салом айтинглр. Аристовул хонадони аҳлига салом айтинглр.

<sup>11</sup> Қариндошим Ҳиродионга салом айтинглр. Наркис хонадони аҳлидан Раббимизга қарашли бўлганларга салом айтинглр.

<sup>12</sup> Раббимиз хизматида заҳмат чеккан Трифен билан Трифосга салом айтинглр. Раббимиз хизматида кўп заҳмат чеккан севикли синглим Персисга салом айтинглр.

<sup>13</sup> Раббимизнинг мумтоз хизматкори бўлган Руфусга ва мени ўз ўғли каби асраган онасига салом айтинглр.

<sup>14</sup> Асинкрит, Флегон, Ҳермес, Патровас, Ҳермас ва улар билан бирга бўлган биродарларга салом айтинглр.

<sup>15</sup> Филолог билан Юлияга, Нирей ва унинг синглисига, Олимпас ҳамда улар билан бўлган бутун азизларга салом айтинглр.

<sup>16</sup> Муқаддас ўпич билан саломлашинглр. Барча Масих жамоатлари сизларга салом йўллаяптилар.

### Сўнги панд-насиҳат ва саломлар

<sup>17</sup> Эй биродарларим, сизларни ўрганган таълимотингиздан айнитиб, нифоқ ва ғулғулага сабаб бўладиган кишилардан эҳтиёт бўлишингизни ўтиниб сўрайман; улардан ўзингизни четга олинглр. <sup>18</sup> Чунки бундай одамлар Раббимиз Исо Масихга эмас, балки ўз қоринларига хизмат қиладилар. Софдил одамларнинг кўнглини ширин сўзлар ва тилёғламалик билан овлайдилар. <sup>19</sup> Сизларнинг мўминлигингиз ҳаммага маълум бўлиб қолди. Мен ўзим ҳам сизлардан хурсандман-у, лекин сизлар яхшиликда доно, ёмонликдан холи бўлишингизни истайман. <sup>20</sup> Тинчлик манбаи бўлган Худонинг Ўзи тез орада шайтонни оёқларингиз остида эзиб ташлайди. Раббимиз Исо Масихнинг инояти сизларга ёр бўлсин.

<sup>21</sup> Менинг ҳамкорим Тимўтий ҳамда қариндошларим Луций, Ясон ва Сосипатр сизларга салом йўллаяптилар.

<sup>22</sup> Бу мактубни ёзаётган мен – Тертый ҳам сизларга Раббимдан саломатлик тилайман.

<sup>23</sup> Менинг ва бутун имонлилар жамоатининг меҳмоннавози бўлган Гай ҳам сизларга салом



айтяпти. Шаҳарнинг хазинадори Ераст ва биродаримиз Кварт сизларга салом йўллашяпти.  
<sup>24</sup> Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти ҳаммаларингизга ёр бўлсин. Омин.

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

# БИРИНЧИ КОРИНФЛИКЛАРГА

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

### Саломлар ва шукроналар

**1** Худонинг иродаси билан Исо Масихнинг хаворийси бўлишга чорланган мен, Павлус ила биродаримиз Состендан <sup>2</sup> Коринф шаҳридаги Худонинг жамоатига салом! Исо Масих орқали муқаддас қилинган ва муқаддас бўлишга чорланган сизларга, шунингдек, ҳаммамизнинг Раббимиз бўлган Исо Масихнинг исмини ҳар ерда тилга олувчиларнинг ҳаммасига <sup>3</sup> Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масихдан иноят ва тинчлик бўлсин.

<sup>4</sup> Исо Масих орқали сизларга берилган Худо инояти учун сиз ҳақингизда Худойимга тинмай шукроналар айтаман. <sup>5</sup> Масихнинг хабари орангизда кенг ўрин олмоқда. <sup>6</sup> У туфайли сизлар ҳар қандай каломда моҳир, билимда бой бўлдингизлар. <sup>7</sup> Раббимиз Исо Масихнинг кўкдан намоён бўлишини кутар экансизлар, Муқаддас Рухнинг инъомидан ҳеч бир кам-кўстингиз йўқ. <sup>8</sup> Раббимиз Исо Масих қайтадиган кунида қурсурсиз бўлмоғингиз учун, У сизларни охиригача қўллаб-қувватлайди. <sup>9</sup> Сизларни Ўз Ўғли Раббимиз Исо Масих билан мулоқотга чақирган Худо садоқатлидир.

### Имонлилар жамоатидаги низолар

<sup>10</sup> Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масих номи билан сизлардан ёлвориб сўрайманки, ҳаммаларингиз ўзаро келишиб яшанглар. Ўзаро низоларга йўл қўймай, фикр-хаёлда тамомила яқдил бўлинглар. <sup>11</sup> Зеро, биродарларим, сизларнинг орангизда жанжал борлигини Хлоиснинг хонадонигагилар менга хабар беришди. <sup>12</sup> Мен шуни назарда тутяпманки, орангизда: “Мен Павлус умматиман”, “Мен Аполлос † умматиман”, “Мен Кифа †† умматиман”, “Мен Масих умматиман”, деган гаплар юрар экан.

<sup>13</sup> Ахир, Масих бўлинганми? Ахир, сизлар учун Павлус хочга михландими? Наҳот сизлар Павлуснинг номи билан сувга чўмиб имон келтирдингизлар? <sup>14</sup> Худога шукурки, мен сизлардан Крисп ва Гайдан бошқа ҳеч кимни сувга

чўндириб имонга киритмадим. <sup>15</sup> Тағин ҳеч ким мени “Ўз номи билан имонга киритди”, – демасин. <sup>16</sup> Ҳа, яна Стефаннинг уй аҳлини ҳам сувга чўндириб имонга киритдим, бундан бошқа яна кимни чўндирганимни билмайман. <sup>17</sup> Зотан Масих мени чўндиришга эмас, балки Инжил Хушхабарини тарғиб қилишга юборди. Сўзамоллик қилишга ҳам юбормади, токи Масихнинг хочи инкор этилмасин.

### Масих – Худонинг ҳикмати ва қудрати

<sup>18</sup> Хоч ҳақидаги хабар ҳалок бўлаётганлар учун тентакликдир. Лекин биз, нажот топаётганлар учун бу хабар Худонинг қудратидир. <sup>19</sup> Худди Тавротда Худо айтганидек:

“Донишмандлар донолигин барбод қилурман, Барҳам бергайман оқиллар заковатин”.

<sup>20</sup> Доно қаерда? Олим қаерда? Бу дунёнинг нотқи қаерда? Дунёнинг ҳикматини Худо ақлсизликка айлантиргани йўқми?! <sup>21</sup> Модомики дунё ўз ақл-заковати билан Худонинг муродию ҳикматини англаб етмаган экан, Худо тентакликдай туюлган хабарга ишонувчиларни қутқаришни лозим кўрди. <sup>22</sup> Яҳудийлар ажойиботлар пайида, юнонлар эса ҳикматга ҳайрондир. <sup>23</sup> Биз эса фақат хочга михланган Масихни тарғиб қилмоқдамиз. Бу яҳудийлар учун васваса, юнонлар учун телбаликдир. <sup>24</sup> Бироқ Худо чақирган яҳудийлару юнонлар учун Масих Худонинг қудрати ва ҳикматидир. <sup>25</sup> Зеро Худонинг “ақлсизлиги” инсон донолигидан устундир, Худонинг “заифлиги” инсон қудратидан кучлироқдир.

<sup>26</sup> Олган даъватингизга қаранглар, эй биродарлар! Сиз кимсизлар? Инсоний нуқтаи назардан доно бўлганингиз кўп эмас, қудратли бўлганингиз кўп эмас, олижаноб бўлганингиз ҳам кўп эмас. <sup>27</sup> Лекин Худо доноларни шарманда қилиш учун дунёдаги ақлсиз деб ҳисобланганларни танлади. Қудратлиларни шарманда қилиш учун У дунёдаги заиф дейилганларни танлади. <sup>28</sup> Худо эътиборли нарсалар арзимас бўлсин учун, бу дунёдаги эътиборсиз, камситилган ва аҳамиятсиз деб ҳисобланганларни танлади, <sup>29</sup> токи ҳеч бир башар Худо олдида мақтанмасин. <sup>30</sup> Худонинг Ўзи сизларга Исо Масих уммати бўлишни ато қилди. Исо Масих

† АПОЛЛОС: Коринфда турган нуфузли воиз; яна қаранг: Хаворийлар 18-боб. †† КИФА: Симун Бутруснинг янги исми; қаранг: Матто 16:18, Юҳанно 1:42.

биз учун Худонинг ҳикмати бўлди, Масихнинг шарофати билан биз солиҳ, муқаддас, гуноҳдан фориғ бўлдик. <sup>31</sup> Шу йўсинда, “Мақтанаман деган Раббимиз билан мақтансин”, деган оят ўз ўрнини топди.

### Инжилнинг маъзи – хочга михланган Масих

**2** Эй биродарлар, мен сизларнинг олдингизга Худонинг хабарини эълон қилгани келганимда, сўзамоллик ва билгичлик ниқоби остида келмадим. <sup>2</sup> Орангизда эканман, Исо Масихдан ва Унинг хочга михланганидан бошқа ҳеч нарса билмасликка қарор қилдим. <sup>3</sup> Олдингизга заифлик ва қўрқув ҳисси ҳамда катта қалтироқ билан келдим. <sup>4</sup> Менинг сўзим ва ваъзим инсон заковатининг ишонтирувчилигидан эмас, Худо Рухи ва қудратидан далолатдир, <sup>5</sup> токи имонингиз инсон ҳикматига эмас, Худо қудратига асослансин.

### Масих сирини Илоҳий Рух очиб беради

<sup>6</sup> Шундай қилиб, биз етук бўлганлар орасида сўзлаб берадиган бир ҳикмат борки, у бу дунёнинг ва бу дунёдаги ўткинчи ҳокимларнинг ҳикматидай эмас. <sup>7</sup> Биз Худонинг махфий, сирли ҳикмати борасида гапиримиз, У бу ҳикматни дунё бино бўлишидан аввал бизга улғулик яратиш учун шайлаб қўйган эди. <sup>8</sup> Бу ҳикматни дунё ҳокимларидан ҳеч ким тушунмади. Тушунсалар эди, улғу Раббимизни хочга михламас эдилар. <sup>9</sup> Лекин худди Тавротда ёзилганидек бўлди:

“Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, Инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган”.

<sup>10</sup> Бизларга эса Худо буни Ўз Рухи орқали ошкор қилди. Илоҳий Рух бутун нарсаларни, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради.

<sup>11</sup> Инсоннинг ўйларини унинг ичидаги ўз руҳидан бошқа ким билади? Худди шундай, Худонинг ўйларини Худонинг Рухидан бошқа ҳеч ким тушуна олмайди.

<sup>12</sup> Бизлар эса дунёнинг руҳини олмадик, балки Худо бизга ато қилган бойликларни билиб олишимиз учун, Худодан чиққан Рухни қабул қилдик. <sup>13</sup> Биз бу бойликларни инсоний ҳикматдан далолат берувчи сўзлар билан уқтирмаймиз. Аксинча, Илоҳий Рухдан илҳомланган сўзлар билан Илоҳий Рухга тобе бўлган кишиларга илоҳий ҳақиқатни талқин қиламиз. <sup>14</sup> Инсон ўзининг туғма ҳис-туйғулари билан Худо Рухи ўргатган нарсаларни қабул қила олмайди. У буларни тушунмагани учун тентаклик ҳисоблайди. Зеро илоҳий ҳақиқатни Илоҳий Рух ёрдамида муҳокама қилиш лозим. <sup>15</sup> Худо Рухига тобе киши ҳамма нарсани муҳокама қилади, ўзини эса ҳеч ким муҳокама қила олмайди. <sup>16</sup> Тавротда ёзилганидек: “Худованднинг фикрини ким англаб етибдики, Унга таълим берса?” – Бизда эса Масихнинг фикри бор.

### Низо солувчиларни койиш

**3** Эй биродарлар, мен сизларга Муқаддас Рухга тобе кишиларга гапиргандек гапира олмадим, балки дунёвий фикрли, Масих йўлида чақалоқ қолганлар билан сўзлашгандек сўзлашдим.

<sup>2</sup> Сизларни милкингизга ботадиган емиш билан эмас, балки сут билан боқдим, чунки унга ҳали кучингиз етмасди. Ҳозир ҳам кучингиз етмайди.

<sup>3</sup> Сизлар ҳали ҳам бу дунёнинг одамларидай юрибсизлар. Орангизда ҳасад, жанжал ва келишмовчиликлар бор экан, дунёвий эмасмисизлар? Бундай ҳаракат қиларкансизлар, бошқа одамлардан нима билан фарқланасизлар?

<sup>4</sup> Сизлардан бири: “Мен Павлус умматиман” – деса, бошқаси: “Мен Аполлос умматиман”, – дейди. Сизнинг бу “инсонпарварлигингиз” ортиқча эмасми?!

<sup>5</sup> Ахир, Павлус ким? Аполлос ким? Улар хизматчи, холос, улар орқали сизлар имон топгансизлар.

Раббимиз бизга ато қилгани бўйича, ҳар биримизнинг вазифаси бошқа-бошқа. <sup>6</sup> Мен уруғ экдим, Аполлос суғорди; лекин Худо ўстирди.

<sup>7</sup> Шунинг учун эккан ва суғорган ҳеч нима, ҳамма гап ўстирган Худодадир. <sup>8</sup> Экувчи ва суғорувчининг моҳияти бир, ҳар бири мукофотни ўз меҳнатига яраша олади. <sup>9</sup> Биз Худонинг хизматдошларимиз, сизлар эса Худонинг зироати, Худонинг иморатисизлар.

<sup>10</sup> Худо берган иноят асосида мен доно қурувчи каби пойдевор қўйдим. Бошқа киши эса унинг устида нимадир бунёд этади. Ҳар ким қандай кураётганига диққат этсин. <sup>11</sup> Чунки ҳеч ким қўйилган пойдевор, яъни Исо Масихдан бошқа пойдевор қўя олмайди. <sup>12</sup> Бу пойдевор устида кимдир олтиндан, кимдир кумуш ёки қимматли тошлардан, кимдир эса ёғочу хашак ё похолдан бино қурмоқда, <sup>13</sup> ҳар кимнинг иши эса ўзига яраша ошкор бўлиб қолади. Маҳшар куни уни фош қилади, олов уни очиқ-ойдин қилади-қўяди. Шунда ҳар кимнинг иши қандай эканлигини олов синаб беради. <sup>14</sup> Кимда-кимнинг бунёд этган иши оловга бардош берса, у мукофот олади. <sup>15</sup> Кимнинг иши ёнса, у талафот кўради; ўзи қутулади-ю, аммо оловдан қутулиб чиққандек бўлади.

<sup>16</sup> Наҳотки билмасангиз? Сизлар Худонинг маъбадисизлар, Худонинг Рухи ичингизда яшамоқда. <sup>17</sup> Кимки Худонинг маъбадини бузса, уни Худо уради. Чунки Худонинг маъбади муқаддасдир; бу маъбад эса сизларсиз.

<sup>18</sup> Ҳеч ким ўз-ўзини алдамасин. Сизлардан ким бу дунёда доно бўламан деса, доно бўлиш учун ўзини ақлсиз деб билсин. <sup>19</sup> Чунки бу дунёнинг донолиги Худо олдида ақлсизликдир. Забурда ёзилганидай: “У доноларни ўзларининг қувлиги ила тўрга илинтирар”.

<sup>20</sup> Ва яна шундай ёзилган:

“Худованд биладир-ким,

Донолар фикр-хаёлоту пучга чиқур” †.

<sup>21</sup> Шунинг учун ҳеч ким одамийлик билан мақтанмасин. Чунки ҳамма нарса ўзингизники: <sup>22</sup> Павлусу, Аполлосу, Кифа ҳам, дунё ҳам, ҳаёт ва ўлим ҳам, шу дам ва келажак ҳам – ҳаммаси сизларники. <sup>23</sup> Сизлар эса – Масихники, Масих эса – Худоникидир.

#### Ҳаворийларнинг мартабаси ва вазифаси

**4** Шундай қилиб, кишилар бизни Масихнинг хизматкорлари ҳамда Худонинг сир-асрорларини баён этувчи идорачилар деб тушунмоғи лозим. <sup>2</sup> Умуман идора қилувчидан талаб қилинган нарса сидқидилдан ишлашидир. <sup>3</sup> Мен ҳақимда сизлар қандай фикрдасиз, ёки бошқа одамлар қандай фикрда, бу нарса мени деярли қизиқтирмайди. Мен ўзим ҳам ўз ҳақимда фикр юритмайман. <sup>4</sup> Зотан ўзимда ҳеч бир айб кўрмасам ҳам, бу билан ўзимни оқламайман. Чунки мен ҳақда ҳукм юритувчи Раббимиз бўлади.

<sup>5</sup> Шу боис вақтидан олдин, Раббимиз келмагунларича, асло ҳукм юритманглар. У келиб зулматда яширилган нарсаларни равшан қилади-да, дил ниятларини воқиф этади. Ушанда ҳар ким ўз ишига яраша Худодан таҳсин олади.

<sup>6</sup> Эй биродарлар, мен сизларни ўйлаб, бу қоидаларни ўзимга ва Аполлосга татбиқ этдим, токи сизлар ёзилгандан ташқарига чиқмай, билармонлик қилмасликни биздан ўрганинглар, бир-бирингиз олдида кеккайманглар. <sup>7</sup> Ким сени устун тутяпти? Худодан олмаган ниманг бор экан? Агар Ундан олган бўлсанг, нима учун Ундан олмагандек мақтаниб юрибсан?

<sup>8</sup> Сизлар энди тўқ бўлибсизлар, энди бойиб кетибсизлар, бизсиз султонлик қиляпсизлар! Кошки ҳақиқатан султон бўлсангиз эди, унда биз сизлар билан бирга давр сураар эдик! <sup>9</sup> Мен ўйлайманки, Худо биз, ҳаворийларни гўё намойишда охиргилар қаторида юргизиб, ўлимга маҳкум бўлганлар каби майдонга келтирди. Биз фаришталар ҳамда инсонлар олдида, қолаверса, бутун коинот олдида бир томоша бўлдик. <sup>10</sup> Бизлар Масих учун гўё ақлсизмиз, лекин сизлар Масих соясида ақлсизлар! Биз заифмиз, сизлар эса кучли! Сизлар шон-шухратли, биз эса эътиборсизмиз! <sup>11</sup> Ҳатто шу вақтгача оч-яланғочмиз, чанқоқлик ва калтакларга чидаймиз, саргардон бўлиб юрибмиз. <sup>12</sup> Ўз меҳнатимиз билан кун кўряпмиз. Бизни ҳақорат қилсалар, дуо қиламиз; зулм қилсалар, чидаймиз. <sup>13</sup> Фийбат қилсалар, юмшоқ жавоб берамиз. Ҳозиргача биз ҳамманинг ахлати, ҳатто дунёнинг супуриндиси бўлиб юрибмиз.

<sup>14</sup> Мен буларни сизларни хижолатда қолдирмоқ учун эмас, балки севимли болаларимдай насиҳат қилмоқ учун ёзаяпман. <sup>15</sup> Масих йўлида минглаб одамлар сизга устозлик қилса ҳам, оталарингиз кўп

† қаранг: Забур 93:11 (Аюб 5:12).

эмас. Бир ўзим Хушхабарни сизларга етказиб, Исо Масих номидан отангиз бўлдим. <sup>16</sup> Шунинг учун сизлардан ялиниб сўрайман: [мен Масихдан ўрнак олганимдек] мендан ўрнак олинглар! <sup>17</sup> Ана шу мақсадда мен Раббимизга содиқ бўлган севимли ўғлим Тимўтийни сизнинг олдингизга юбордим. Ҳар ерда ва ҳар бир имонлилар жамоатида таълим берганим каби, Масих билан юрган йўлларимни у сизларга эслатади.

<sup>18</sup> Мен сизларнинг олдингизга тез келмаганим учун, орангиздан баъзи кишилар киборланиб кетди. <sup>19</sup> Аммо Раббим хоҳласа, мен яқинда олдингизга бораман. Унда такаббурларнинг сўзини эмас, руҳий қувватини синаб кўраман. <sup>20</sup> Чунки Худо салтанати сўзда эмас, балки қувватдадир. <sup>21</sup> Нима истайсизлар? Ёнингизга ҳасса билан борайми, ёки меҳр ва мулойимлик руҳи билан борайми?

#### Ахлоқ ҳақида йўл-йўриқ

**5** Ҳар ҳолда, сизнинг орангизда зиногарлик пайдо бўлибди, деган овозалар чиқди; бунинг устига шундай зиногарликки, ҳатто мажусийлар орасида бундай ҳодиса юз бермаган, яъни сизлардан бир киши отасининг хотинини олибди! <sup>2</sup> Ва сизлар бу билан фахрляпяпсизлар! Аксинча, мотам тутиб, бундай иш қилган одамни орангиздан чиқариб ташлашингиз керак эди-ку! <sup>3</sup> Мен эса жисман ғойиб бўлсам ҳам, руҳан ҳар дам сизлар билан биргаман. Мен гўё ёнингизда бўлгандек, бу ишни қилган одам ҳақида аллақачон Раббимиз Исо Масих номи билан ҳукм юритдим: <sup>4</sup> Сизлар менинг руҳим ҳамда Раббимиз Исо Масихнинг қудрати билан бир жойда тўпланганингизда, <sup>5</sup> бу одамни тана тинкасини қуритиш учун шайтонга топшириш керак, токи Раббимиз Исо Масих келган кунда унинг руҳи халос бўлсин.

<sup>6</sup> Сизларнинг мақтанишингиз яхши эмас. Наҳотки, озгина хамиртуруш бутун хамирни ачитишини билмасангизлар? <sup>7</sup> Сизлар аслида хамиртурушсиз бўлишингиз керак. Шундай қилиб, эски хамиртурушни супуриб ташланг, янги хамир бўлинглар! Масихнинг Ўзи бизнинг Фисиҳ †† қурбонлигимиз бўлиб, жонини фидо қилган. <sup>8</sup> Шунинг учун биз эски ёмонлик ва бузуқлик хамиртуруши билан эмас, балки софлик ва самимийлик бўлган хамиртурушсиз нон билан байрам қилайлик.

<sup>9</sup> Мактубимда сизларга зинокорлар билан алоқа қилмасликни ёзган эдим. <sup>10</sup> Шубҳасизки, умуман бу дунёнинг зинокорлари ёки тамагирлари, товламачилари, бутпарастлари ҳақида демоқчи эмасдим, акс ҳолда сизлар бу дунёдан айрилишга мажбур бўлар эдингизлар! <sup>11</sup> Мен сизларга ўзини

†† **ФИСИХ:** Яхудийларнинг одатига кўра, Фисиҳ байрами қутланмасдан олдин уйлардан барча хамиртуруш қолдиқларини супуриб ташлаш керак; хамиртуруш гуноҳ ва бузуқликнинг рамзидир; қаранг: Луқо 12:1, Галатияликлар 5:9, 1-Бутрус 1:19.

биродарингиз деб, зинокор, тамагир, бутпараст, ҳақорат қилувчи, майхўр ёки талончи бўлган киши билан алоқа қилмасликни, ҳатто бундай одам билан бирга овқат емасликни ёзган эдим.

<sup>12</sup> Қолаверса, имонлилар жамоатидан ташқаридагиларни ҳукм этишга менинг нима ҳақим бор? Уларни Худо ҳукм қилади. Сизлар жамоатдагиларни ҳукм қилсангиз, бас. *Тавротда ёзилганидек* : “Фосиқ одамни ўз орангиздан чиқариб ташланглар”.

### Имонлилар орасида нораво даъволашиш

**6** Сизлардан бирингизнинг бошқа бировга даъвоси бўлса, қандай қилиб азизлар хузурида эмас, инсофсизлар хузурида суд бўлишга жасорат этасизлар? <sup>2</sup> Азизлар дунёни ҳукм этишларини наҳот сизлар билмасангиз? Модомики сизлар дунёни ҳукм қилар экансиз, наҳотки деярли аҳамиятсиз ишларни ҳам муҳокама қилишга лаёқатли бўлмасангиз? <sup>3</sup> Биз фаришталарни ҳукм этишимизни билмайсизларми? Шундай экан, тирикчилик ишлари қаерда қолди? <sup>4</sup> Сизлар эса тирикчилик масалалари ҳақида даъволашиб, имонлилар жамоатидаги обрў-эътиборсиз кишиларни ўз ҳакамларингиз қилиб қўясизлар. <sup>5</sup> Сизлар уялинг, деб шуларни айтяпман. Наҳотки орангизда ўз биродарлари орасида ҳакам бўладиган биронта ҳам доно одам йўқ? <sup>6</sup> Ҳолбуки, биродар биродар билан даъволашмоқда-ю, бу ҳам имонсизлар олдида! <sup>7</sup> Ҳар ҳолда бир-бирингиз билан даъволашишнинг ўзи ҳам сизлар учун тамоман мағлубиятдир. Ҳақсизликка чидаб турганингиз сизлар учун яхшироқ бўлмасмиди? Ҳақ-ҳуқуқингиз топталгани сизлар учун яхшироқ бўлмасмиди? <sup>8</sup> Лекин сизлар, аксинча, ўз биродарингизга ноҳақлик қилиб, уни ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қиляпсизлар.

### Зинодан қочинглар!

<sup>9</sup> Наҳотки билмасангизлар? Ноҳақлик қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайдилар. Адашманглар, на зинокорлар, на бутпарастлар, на фоҳишабозлар, на баччабозлар, на баччалар, <sup>10</sup> на ўғрилар, на тамагирлар, на ичкиликбозлар, на ҳақорат қилувчилар, на талончилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайдилар. <sup>11</sup> Сизлар баъзиларингиз шундай эдингизлар. Лекин сизлар ювиндингиз, муқаддас бўлдингиз, Раббимиз Исо Масиҳнинг номи ва Худойимизнинг Руҳи билан оқландингиз.

<sup>12</sup> Ҳамма нарса менга жоиз экан, лекин ҳамма нарса ҳам фойдали эмас. Ҳамма нарса менга жоиз экан, лекин ҳеч бир нарса менга ҳоким бўлмаслиги керак. <sup>13</sup> Овқат қорин учун, қорин ҳам овқат учун экан, лекин Худо уни ҳам, буни ҳам йўқ қилади. Бадан эса зино учун эмас, балки Раббимиз учундир, Раббимиз эса бадан учундир. <sup>14</sup> Ўз қудрати билан

Раббимиз Исо тирилтирган Худо бизни ҳам тирилтиради.

<sup>15</sup> Билмайсизларми? Аъзойи баданингиз Масиҳнинг аъзоларидир. Шундай бўлгач, Масиҳнинг аъзоларини олиб, фоҳишанинг аъзолари қилиб қўярмикинман? – Асло! <sup>16</sup> Фоҳиша билан қовушган у билан бир бадан бўлишини билмайсизларми? Мана Тавротда: “Иккови бир бадан бўлади”, – деб ёзилган <sup>†</sup>. <sup>17</sup> Раббимиз билан қовушган эса У билан бир руҳ бўлади.

<sup>18</sup> Зинодан қочинглар! Инсон қиладиган ҳар қандай гуноҳ бадандан ташқарида бўлади. Зино қилувчи эса ўз шахсий баданига қарши гуноҳ қилади. <sup>19</sup> Наҳот билмасангиз? Сизнинг баданингиз ўзингизда яшаётган Муқаддас Руҳнинг маъбадидир. Уни сизга Худо берган, сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. <sup>20</sup> Қиммат баҳо билан сотиб олиндингизлар. Шунинг учун баданингиз [ва руҳингиз] билан Худони улуғланглар. [Чунки сизлар Худога тегишлисиз.]

### Эр-хотинлик муносабатлари ҳақида

**7** Энди сизлар менга ёзган нарсаларга келайлик: Хотинга тегмаслик одам учун яхшидир. <sup>2</sup> Лекин зинога йўл қўймаслик учун, ҳар бир кишининг ўз хотини бўлсин ва ҳар хотиннинг ўз эри бўлсин. <sup>3</sup> Эр ўз хотинига нисбатан ва хотин ўз эрига нисбатан эр-хотинлик вазифасини бажо келтирсин. <sup>4</sup> Хотиннинг бадани устидан хотин эмас, балки эри ҳокимлик қилади. Худди шундай, эрнинг бадани устидан эр эмас, балки хотини ҳокимлик қилади. <sup>5</sup> Бир-бирингиздан бош тортманглар. Фақат ўзаро келишгандан сўнг, [рўза тутиш ва] ибодат қилиш учун вақтинча жудо бўлинглар. Кейин яна қовушинглар, токи ўзингизни тия олмаганингиздан фойдаланиб, шайтон сизларни васвасага солмасин.

<sup>6</sup> Мен буни буйруқ тариқасида эмас, ижозат тариқасида айтяпман. <sup>7</sup> Бутун инсонлар мен каби бўлишларини истар эдим. Лекин ҳар бир кишининг Худодан олган ўз қобилияти бор, бириники бу бўлса, бошқаники удир.

<sup>8</sup> Уйланмаганларга ва бева хотинларга айтаман: мен каби қолсалар, улар учун яхшидир. <sup>9</sup> Лекин ўзини тута олмасалар, уйлансинлар. Чунки шаҳвоний ишқ билан ёнишдан кўра, уйланиш яхшироқдир.

### Ажрлиш ҳақида

<sup>10</sup> Уйланганларга мен эмас, балки Раббимиз буюради: хотин эридан ажралмасин. <sup>11</sup> Агар ажралса, эрсиз қолсин ёки ўз эри билан ярашсин. Эр ҳам ўз хотинини қўйиб юбормасин.

<sup>12</sup> Бошқаларга эса Раббимиз эмас, балки мен айтяпман: агар бир имонли эрнинг хотини имонсиз бўлса-ю, эри билан яшашга рози бўлса, эр

<sup>†</sup> қаранг: *Ибтидо* 2:24.

хотинини қўйиб юбормасин. <sup>13</sup> Шунингдек, бирон хотиннинг эри имонсиз бўлса ва у хотини билан яшашга рози бўлса, хотин эридан ажрамасин.

<sup>14</sup> Чунки имонсиз эр имонли хотини орқали муқаддас бўлади ва имонсиз хотин ҳам имонли эри орқали муқаддас бўлади. Акс ҳолда болаларингиз ҳаром бўлур эдилар, энди эса муқаддасдирлар †.

<sup>15</sup> Агар имонсиз эр ёки хотин айрилмоқчи бўлса, айрилсин. У ҳолда имонли эр ёки хотин боши боғлиқ эмас. Раббимиз бизни тинчликка чорлаган.

<sup>16</sup> Эй хотин, эрингни қутқара олишингни қаердан биласан? Ёки эй эркак, хотинингни қутқара олишингни қаердан биласан?

### Худонинг даъватига қараб яшанглар

<sup>17</sup> Хуллас, ҳар бир кишига Раббимиз қандай тақдир ато этган бўлса, Худо уни қандай ҳолатда даъват этган бўлса, шундай турмуш кечирсин. Мен бутун Масих жамоатларига шундай буюраман.

<sup>18</sup> Биров суннатли †† бўлганда даъват этилдими? Суннатини бекитмасин. Биров суннатсиз бўлганда даъват этилдими? Суннат бўлмасин. <sup>19</sup> Суннатлилик ҳам, суннатсизлик ҳам ҳеч нарса эмас, ҳамма гап Худо буйруқларини адо этишдадир.

<sup>20</sup> Ҳар ким қандай ҳолатда даъват этилган бўлса, ўша ҳолатда қолсин. <sup>21</sup> Агар қул бўлганингда даъват этилган бўлсанг, ташвишланма. Аммо озод бўлишга имкон бор бўлса, фурсатни ғанимат бил.

<sup>22</sup> Раббимиз кимни қул сифатида даъват этган бўлса, у Раббимизнинг озод бандасидир. Шунингдек, Масих кимни озод киши сифатида даъват этган бўлса, у Масихнинг қулидир.

<sup>23</sup> Сизлар қиммат баҳо билан сотиб олиндингизлар, тагин инсоннинг қули бўлманглар.

<sup>24</sup> Биродарлар, ким қандай ҳолда даъват этилган бўлса, Худо олдида ўша ҳолда қолсин.

### Эрсиз ва тул хотинлар ҳақида

<sup>25</sup> Эрсизлар ҳақида Раббимдан амр олганим йўқ. Лекин мен Раббимдан олган марҳаматга биноан, ишончли киши сифатида маслаҳат бераман.

<sup>26</sup> Ҳозирги сиқик вазият сабабли инсонга аввалги ҳолатидек қолиш яхшидир, деб ўйлайман.

<sup>27</sup> Хотинингга никоҳланганмисан? Қўйиб юборишни излама. Бўйдоқ қолдингми? Хотин излама. <sup>28</sup> Лекин уйлансанг ҳам, гуноҳкор бўлмайсан. Шунингдек, қиз эрга тегса, гуноҳкор бўлмайди. Фақат бундай одамларнинг боши қайғуда бўлади ва мен бундан сизларни асрамоқчиман.

<sup>29</sup> Эй биродарлар, мен сизларга яна шуни айтмоқчиманки, вақт энди қисқа. Бундан кейин хотинли эркаклар хотини йўқдай бўлсинлар.

<sup>30</sup> Йиғлаётганлар йиғламагандай, севинаётганлар севинмагандай, сотиб олаётганлар харид

† МУҚАДДАС: бу оятда эр, хотин ёки бола сифатида Худога мақбул, ҳалолланган, демакдир. †† СУННАТ: яҳудийликнинг белгиси; луғатга қаранг.

қилмагандай, <sup>31</sup> бу дунёдан истифода қилаётганлар эса истифода қилмагандай яшасинлар. Мана, бу дунёнинг қиёфаси сўлиб боряпти-ку!

<sup>32</sup> Мен сизларнинг ташвишсиз бўлишингизни истайман. Уйланмаган одам Раббимни қандай рози қиламан, деб Унинг ишлари ҳақида қайғуради. <sup>33</sup> Уйланган одам эса хотинимни қандай рози қиламан, деб дунёвий ишлар ҳақида қайғуради. Эрли хотин билан эрсиз қиз орасида ҳам фарқ бор. <sup>34</sup> Эрга тегмаган қиз Раббимни қандай рози қиламан, деб Унинг ишлари ҳақида қайғуради, шу тариқа у жисман ва руҳан муқаддас бўлади. Лекин эрли хотин эримни қандай рози қиламан, деб дунёвий ишлар ҳақида қайғуради.

<sup>35</sup> Мен буларни сизларга банд солиш учун айтаётганим йўқ. Аксинча, адаб билан яшаб, фикрингизни чалғитмасдан, сидқидилдан Раббингизга берилинглар, деб сизларнинг манфаатингизни ўйлаб гапирдим.

<sup>36</sup> Агар бирон киши ўз бокирасининг † ифлатини сақлашни адабсизлик деб ҳисобласа ва қизнинг ёши ўтаётган бўлса, у хоҳлаганидек қилсин, гуноҳкор бўлмайди. Майли, бундайлар турмушга чиқсин. <sup>37</sup> Лекин ким ўз фикрида оғишмай қаттиқ турса ва эҳтиёж юзасидан қисилмай, ўз иродасига ҳоким бўлиб, бокирасининг ифлатини сақлашга қарор қилган бўлса, у одам яхши иш қилган бўлади. <sup>38</sup> Бинобарин, ким ўз бокирасини эрга берса, яхши иш қилган бўлади. Эрга бермаган эса яна ҳам яхшироқ иш қилган бўлади.

<sup>39</sup> Хотин ҳали эри тириклигида қонун бўйича боши боғлиқдир. Агар эри ўлса, у истаган кишига турмушга чиқиши мумкин, фақат у киши Раббимизга тегишли бўлсин. <sup>40</sup> Аммо хотин туллигича қолса, у яна ҳам бахтли бўлади.

Бу менинг фикрим ва ўйлайманки, менда ҳам Худонинг Руҳи бор.

### Бутга қурбон қилинган гўшт масаласи

**8** Бутга қурбон қилинган гўшт †† масаласига келсак, биз ҳаммамиз билимга эгамиз, дейиш мумкин. Лекин билим кишини шишинтиради, севги бўлса, яшнатади. <sup>2</sup> Агар бир киши билимлиман деб ўйласса, у ҳали зарур бўлган билимга эришмаган. <sup>3</sup> Кимки Худони севса, у Худо томонидан таниб-билинган.

<sup>4</sup> Энди бутга қурбон қилинган гўштни ейишга келсак, биз шуни биламизки, бут дунёда ҳеч нарса эмас, биргина Худодан бошқа худо йўқ. <sup>5</sup> Гарчи еру

‡ БОКИРА: бу сўзни “отанинг қизи” деб ҳам, “йигитга унаштирилган қиз” деб ҳам тушуниш мумкин. Шундай қилиб 38-оятни куйидагича ҳам таржима қилса бўлади: “Ким сўз берган қизга уйланса, яхши иш қилган бўлади. Уйланмаган эса яна яхшироқ иш қилган бўлади”. †† БУТГА ҚУРБОН ҚИЛИНГАН ГЎШТ: қадимги юнонлар сиғинган сохта худолари шаънига қурбон сўйиб, кейин бу гўшtlарни бозорда сотишарди. Баъзи Масихга ишонганлар бу гўшtlарни сотиб олиб ейиш мумкинми, деб виждонан азоб чекар эдилар; яна қаранг: 10:14-33, Ҳаворийлар 15-боб, Римликлар 14-боб.

кўкда худо деб аталган мавжудотлар бор бўлса-да (ҳақиқатан ҳам кўп “худолар” ва “раблар” бор),<sup>6</sup> лекин биз учун биргина Отамиз Худо бор. Ҳамма нарса Ундандир, биз У учун яшаймиз. Шунингдек, биргина Раббимиз Исо Масиҳ бор. Ҳамма нарса У орқали вужудга келган, биз ҳам У орқали яшаймиз.

<sup>7</sup> Лекин бу билим барча инсонларда йўқ. Баъзи имонлилар ҳозиргача эски бутпарастлик одати бўйича, бу гўшти бутга бағишланган қурбонлик сифатида ейдилар, улар виждонан сезгир бўлгани учун виждони булғанади.<sup>8</sup> Озиқ-овқатлар умуман бизни Худога яқинлаштира олмайди. Агар емасак ҳам, бир нарса йўқотмаймиз, есак ҳам, бир нарса орттирмаймиз.<sup>9</sup> Фақат эҳтиёт бўлингиз, сизларнинг бу эркинлигингиз заифларнинг васвасага тушишига сабаб бўлмасин.<sup>10</sup> Масалан, виждони сезгир бир киши билимдан деган сенинг бутхонада еб ўтирганингни кўриб қолса, у бутга бағишланган қурбонлик гўштарини ейишга мойил бўлмайди.<sup>11</sup> Ана шу заиф биродаринг учун Масиҳ ўлди, сен эса уни ўз билиминг туфайли ҳалокатга йўлиқтирасан.<sup>12</sup> Шундай йўл тутсангизлар, биродарларингизга қарши гуноҳ қилган бўласизлар. Уларнинг сезгир виждонига азоб бериб, Масиҳга қарши ҳам гуноҳ қилган бўласизлар.

<sup>13</sup> Хулласи калом, агар еяётган овқатим биродаримнинг васвасага тушишига сабаб бўладиган бўлса, мен уни васвасага солмаслик учун умрбод гўшт емайман.

### Ҳаворийнинг ҳақ-ҳуқуқлари

**9** Мен ҳаворий эмасманми? Мен озод эмасманми? Раббимиз Исо Масиҳни кўрмаганманми? Раббим йўлида қилган меҳнатим маҳсули сизлар эмасми?<sup>2</sup> Агар бошқалар учун ҳаворий бўлмасам, унда ҳеч бўлмаса сизлар учун ҳаворийдирман. Ахир, сизлар Раббимнинг умматисизлар, ҳаворийлигининг муҳрисизлар.<sup>3</sup> Мени сўроқ қилувчилар олдида ўзимни ана шу билан оқлайман.

<sup>4</sup> Наҳотки бизнинг еб-ичишга ҳуқуқимиз бўлмаса?

<sup>5</sup> Биз ҳам бошқа ҳаворийлар каби, Раббимиз Исонинг укалари ва Кифа каби имонли бир хотинни ўзимиз билан олиб боришга ҳуқуқимиз йўқми?<sup>6</sup> Наҳотки фақат мен ва Барнабо ишламаслик ҳуқуқидан бенасиб бўлсак?

<sup>7</sup> Ким ўз ҳисобидан аскарлик қилади? Ким ток ўтқазиб, унинг мевасини емайди? Ким пода боқиб, поданинг сутини ичмайди?<sup>8</sup> Мен буни фақат одамийлик юзасидан гапиряпманми? Таврот ҳам худди шуни айтади-ку!<sup>9</sup> Мана, Мусонинг Қонунида: “Ғалла янчаётган хўкизнинг оғзини тўсма”, – деб ёзилган. Ахир, Худо хўкизлар ҳақида қайғуряптими?<sup>10</sup> Ёки буни шахсан биз учун айтяптими? Ҳа, булар биз учун ёзилган. Шудгор қилувчи умид билан шудгор қилиши керак, ғалла янчувчи ҳам ўз ҳақини олиш умиди билан ишлаши

керак.<sup>11</sup> Биз орангизда Руҳнинг уруғини эккандан кейин сизлардан моддий ҳосилни ўриб олсак, буни кўп кўрасизми?<sup>12</sup> Агар бошқаларнинг сизлардан фойдаланиш ҳақи бор экан, бизнинг ҳақимиз янада кўпроқ бўлиши керак-ку!

Лекин биз бу ҳақдан фойдаланмадик, аксинча, Масиҳ Хушхабарига тўсиқ бўлмасин деб, ҳар нарсага чидаб юрибмиз.<sup>13</sup> Билмайсизларми, маъбадда хизмат қилувчи руҳонийлар маъбаддан овқат олиб ейдилар. Қурбонгоҳда хизмат қилувчилар келтириладиган қурбонликлардан улуш оладилар.<sup>14</sup> Шунингдек, Инжилни тарғиб қилувчилар бу юмуш орқали кун кечирешларини Раббимиз Исонинг Ўзи буюрган †.

<sup>15</sup> Лекин мен бу ҳуқуқларнинг ҳеч биридан фойдаланмадим, менга шундай қилинсин, деб ҳам буларни ёзаётганим йўқ. Бирон киши мени шу ифтихордан маҳрум қилганидан кўра, мен учун ўлиш яхшидир.<sup>16</sup> Агар мен Инжилни тарғиб этаётган бўлсам, бу билан фахрланишга ҳақим йўқ, чунки бу менинг зиммамдаги вазифамдир. Аммо Инжилни тарғиб этмасам, менинг ҳолимга вой!<sup>17</sup> Бу ишни ихтиёрий равишда қилсам, мукофот оламан. Лекин буни ғайриихтиёрий равишда қилаётган бўлсам, демак, мен фақат зиммамдаги вазифани адо этяпман.<sup>18</sup> У ҳолда менга қандай мукофот бор? Мукофотим шундаки, мен Масиҳ Хушхабарини бадалсиз тарғиб қилишни фахрли деб биламан, воизлик ҳақимдан воз кечаман.

### Ҳаммага ҳамма нарса бўлдим

<sup>19</sup> Мен ҳаммасидан озод бўлсам ҳам, янада кўпроқ одамни эргаштирай деб, ўзимни ҳаммасига қул этдим.<sup>20</sup> Яҳудийларни эргаштирай деб, яҳудийларга яҳудий каби бўлдим. Ўзим Таврот Қонунига қарам бўлмасам-да, қарам бўлганларни эргаштирай деб, улар учун Қонунга қарамдай бўлдим.<sup>21</sup> Мен Худо олдида қонунсиз ҳам эмасман; аксинча, Масиҳнинг Қонунига †† бўйсунаман. Аммо Илоҳий Қонунни билмаганларни эргаштирай деб, улар учун Қонундан беҳабардай бўлдим.

<sup>22</sup> Заифларни эргаштирай деб, улар учун заиф бўлдим. Ҳеч бўлмаса баъзиларни қутқарай деб, ҳаммага ҳамма нарса бўлдим.<sup>23</sup> Буларнинг ҳаммасини Инжил учун қияпман, токи унинг қут-баракасида менинг ҳам ҳиссам бўлсин.

<sup>24</sup> Наҳот билмасангизлар, мусобақа майдонида ҳаммаси чопади-ю, аммо фақат бир киши мукофот олади. Сизлар ҳам шундай чопингки, мукофот олинглар!<sup>25</sup> Мусобақада жонбозлик қиладиган ҳар бир одам ҳар нарсадан нафсини тияди. Улар фоний бир тож олиш учун, биз эса боқий тож олиш учун жонбозлик қиламиз.<sup>26</sup> Менга қолса, шундай чопяпманки, чопишим мақсадсиз бўлмайди.

† қаранг: Луқа 10:7, Матто 10:10, Галатияликлар 6:6, 1-Тимўтий 5:18. †† МАСИҲНИНГ ҚОНУНИ: Масиҳ келтирган Хушхабарга мос тарзда яшаш қоидаси; қаранг: Матто 5-7-боблар, Галатияликлар 6:2, Римликлар 8:2, Ёқуб 1:25 ва 2:12.

Шундай уриняпманки, зарбам ҳавога урилгандай бўлмасин. <sup>27</sup> Баданимни турткилаб, ўзимга қул қилиб оламан, токи бошқаларга насиҳат қилиб туриб, ўзим ярамас бўлиб қолмайин.

### Исроил тарихидаги ибратомуз ҳодисалар

**10** Биродарлар, сизлар шундан хабарсиз қолишингизни истамайман: ота-боболаримизнинг ҳаммаси нурли булут остида кездилар ва ҳаммаси Қизил денгиздан ўтдилар. <sup>2</sup> Уларнинг ҳаммаси шундай булут остида кезиб ва денгиздан ўтиб, Мусо пайғамбар номидан сувга чўмиб имон келтиргандай бўлдилар. <sup>3</sup> Ҳаммаси баравар руҳий озиқни <sup>†</sup> едилар. <sup>4</sup> Ҳаммаси баравар руҳий ичимликни <sup>††</sup> ичдилар; улар орқаларидан келаётган руҳий қоятошдан сув ичдилар. У қоятош эса Масиҳ эди. <sup>5</sup> Лекин Худо уларнинг кўпларидан рози бўлмади, улар саҳрода ҳалок бўлишди.

<sup>6</sup> Уларнинг бошига тушган бу кўргиликлар биз улардай ёмон нафсга берилмаслигимиз учун бизга намуна бўлди. <sup>7</sup> Уларнинг баъзиларига ўхшаб, бутпараст бўлманглар. Улар ҳақида *Тавротда* шундай ёзилган: “Халқ ейиш ва ичиш учун ўтирди, ўйнашмоққа турди”.

<sup>8</sup> Зинокорлик ҳам қилмайлик, чунки улардан баъзилари зинокорлик қилдилар ва бир кунда улардан йигирма уч минг киши нобуд бўлди. <sup>9</sup> Масиҳни ҳам синов қилмайлик, чунки улардан баъзилари Худони синадилар ва илонлардан ҳалок бўлдилар. <sup>10</sup> Шикоятбозлик ҳам қилманглар, чунки улардан баъзилари шикоят қилдилар ва Қирувчи <sup>‡</sup> уларни уриб нобуд қилди. <sup>11</sup> Улар бошдан кечирган бу ҳодисаларнинг ҳаммаси биз ибрат олишимиз учун содир бўлди, замонанинг охирига етишган бизлар учун насиҳат тариқасида ёзилган.

<sup>12</sup> Шунинг учун, ўзининг мустаҳкамлигига ишонган киши йиқилмаслик учун эҳтиёт бўлсин. <sup>13</sup> Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келмаган. Худо эса содиқдир, У кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл қўймайди, лекин васваса билан бирга тоқат қилишингиз учун иложини ҳам беради.

### Қутлуғ Кечлик ва бутлар

<sup>14</sup> Бинобарин, эй севикли биродарларим, бутпарастликдан қочинглар! <sup>15</sup> Мен сизларга ақли борлар деб хитоб қиляпман, гапимни ўзларингиз муҳокама қилинглар. <sup>16</sup> Биз қутлуғ косани <sup>‡‡</sup> қутлар эканмиз, Масиҳнинг қонига алоқадор бўлмаймизми? Нонни синдирар эканмиз,

† РУҲИЙ ОЗИҚ: Исроилликлар чўлда оч қолганда Худо “манна” деган ажойиб озуқа пайдо қилди; яна қаранг: Забур 77:23-31. †† РУҲИЙ ИЧИМЛИК: Исроилликлар чўлда чанқаганда Худо қояни ёриб сув оқизди; яна қаранг: Забур 77:12-16. ‡ ҚИРУВЧИ: Исроил халқини урган фаришта; қаранг: Забур 105:24-27, Ибронийлар 3:7-19. ‡‡ ҚУТЛУҒ КОСА: Исонинг ўлимини эшлаш маросими назарда тутилади; яна қаранг: 11:20-34, Луқо 22:14-20.

Масиҳнинг баданига алоқадор бўлмаймизми? <sup>17</sup> Нон қандай битта бўлса, биз ҳам худди шундай кўплашиб битта баданни ташкил этамиз. Ахир, бурда-бурда бўлса-да, ҳаммамиз битта нонни бўлишамиз.

<sup>18</sup> Ҳозирги дунёвий Исроилга қаранглар: *Худо шаънига келтириладиган* қурбонлик этларини егувчилар қурбонгоҳда иштирок этмайдиларми? <sup>19</sup> Мен нима демоқчиман ўзи? Бут бирон нарса ҳисобланадими? Ёки бутга бағишланган қурбонлик бирор аҳамият касб этадими? <sup>20</sup> Йўқ, аммо мажусийлар қурбонлик бағишлаганда Худога эмас, жинларга бағишлайдилар. Сизлар эса жинлар билан алоқа қилишингизни истамайман. <sup>21</sup> Сизлар ҳам Раббимиз косасидан, ҳам жинлар косасидан ича олмайсизлар; ҳам Раббимиз дастурхонида, ҳам жинлар дастурхонида иштирок қила олмайсизлар. <sup>22</sup> Наҳотки биз Раббимизнинг рашкини кўзғамоқчи бўлсак? Наҳотки биз Ундан кучли бўлсак?

### Масиҳга ишонувчининг озодлиги

<sup>23</sup> Ҳамма нарса менга жоиз экан, лекин ҳамма нарса фойдали эмас. Ҳамма нарса жоиз экан, лекин ҳамма нарса ибратли эмас. <sup>24</sup> Ҳар ким ўзининг эмас, ўзганинг манфаатини кўзласин.

<sup>25</sup> Виждонингиз тинч бўлиши учун, бозорда сотиладиган ҳамма нарсани текширмасдан еяверинглар. <sup>26</sup> Чунки “Худовандникидир ер юзи ва ундаги борлиқ жон” <sup>‡‡</sup>. <sup>27</sup> Агар имонсизлардан бири сизларни чақирса ва боришга майл қилсангиз, виждонингиз тинч бўлиши учун, олдингизга қўйилган ҳар бир нарсани текширмасдан еяверинглар. <sup>28</sup> Мабодо у киши сизларга: “Бу бутга бағишланган қурбон гўшти”, – деб айтса, айтганинг хотири учун ва виждон учун еманглар. [Зотан ер ва ундаги борлиқ жон Худовандникидир.]

<sup>29</sup> Мен виждон деб ўзимнинг эмас, бошқа кишининг виждонини кўзда тутяпман. Нима учун бошқа кишининг виждони туфайли менинг эркинлигимга доғ тушар экан? <sup>30</sup> Агар мен Худога шукрона айтиб овқатда иштирок этсам, нега миннатдорчилигим учун айбдор бўлар эканман?

<sup>31</sup> Шундай қилиб, ейсизларми, ичасизларми, нимаики қилсангизлар, ҳамма нарсани Худони улуглаш учун қилинглар. <sup>32</sup> На яҳудийларни, на юнонларни, на Худонинг жамоатини қоқинтирадиган бирон нарса қилманглар. <sup>33</sup> Мен ҳам ўз манфаатимни эмас, кўпларнинг манфаатини кўзлайман, улар нажот топсин деб, турли йўл билан ҳамманинг кўнглини топмоқчиман.

### Ибодат ва бош ёпиш ҳақида

**11** Мен Масиҳга қандай эргашсам, сизлар ҳам менга шундай эргашинглар. <sup>2</sup> Эй биродарлар, сизларни мақтасам арзийди, чунки сизлар мени

‡‡ айнан қаранг: Забур 23:1.



ҳар доим хотирлайсизлар, топширган ривоятларимга қаттиқ амал қиласизлар.

<sup>3</sup> Яна шуни билишингизни хоҳлайманки, ҳар бир эркакнинг бошлиғи Масих, хотиннинг бошлиғи эркак, Масихнинг бошлиғи эса Худодир. <sup>4</sup> Бошини ёпиб ибодат қилган ёки башорат қилган ҳар бир эркак ўз бошини шарманда қилади. <sup>5</sup> Яна бошини ёпмай ибодат қилган ёки башорат қилган ҳар бир хотин ўз бошини шарманда қилади. Бундай хотин сочларини қирган хотин билан тенгдир. <sup>6</sup> Агар хотин бошини ёпишни истамаса, унда сочларини ҳам қирқсин. Лекин агар хотинга сочларини қирқиш ёки қириш уят бўлса, бошини ёпсин. <sup>7</sup> Эркак Худонинг сурати ва иззати қилиб яратилгани учун, бошини ёпмоғи шарт эмас. Хотин бўлса – эркакнинг иззатидир. <sup>8</sup> Чунки эркак хотиндан эмас, балки хотин эркакдан бунёд бўлган. <sup>9</sup> Яна эркак хотин учун эмас, балки хотин эркак учун яратилган. <sup>10</sup> Шунинг учун ҳамда фаришталар сабабли, хотиннинг боши устида ҳоқимлик аломати бўлиши керак. <sup>11</sup> Ҳар ҳолда, Раббимиз назарида хотин эркакдан мустақил эмас ва эркак ҳам хотиндан мустақил эмас. <sup>12</sup> Хотин эркакдан яратилгани тўғри, лекин эркак хотиндан дунёга келиши ҳам тўғри. Зотан ҳамма нарса Худодандир. <sup>13</sup> Ўзларингиз йўлаб кўринглар: хотин бошини ёпмай Худого ибодат қилиши адаб юзасиданми? <sup>14</sup> Эркак сочларини ўстирса, бу унга шараф бўлмаслигини табиатнинг ўзи ҳам сизга ўргатади-ку! <sup>15</sup> Лекин хотин сочларини ўстирса, бу у учун шарафдир; чунки соч унга ёпқич ўрнида берилган. <sup>16</sup> Агар бирор киши бу ҳақда баҳслашмоқчи бўлса, билсинки, бизда ҳам, Худонинг бирон жамоатида ҳам бундай одат йўқ.

### Қутлуғ Кечлик ҳақида йўл-йўриқ

<sup>17</sup> Энди буларни тақдим этиб, сизларни мақтамайман. Мана, сизларнинг йиғилишларингиз фойдали эмас, зарарли бўлиб қолибди-ку! <sup>18</sup> Аввало, имонлилар жамоати йиғилганда орангизда низолар бўлганини эшитяпман ва бунга қисман бўлса ҳам ишонаман. <sup>19</sup> Орангизда нотўғри фикрлар ёйилмаса бўлмайди, ана шундагина тўғри фикр қилувчилар билиниб қолади. <sup>20</sup> Сизлар бир жойда овқатланишга йиғилганингизда, Раббимизнинг кечлигини қутлаётганга ўхшамайсизлар. <sup>21</sup> Ҳар ким бошқаларни кутмай, ўз овқатини еб юборади. Шу туфайли бири оч қолади, бошқаси эса маст бўлади. <sup>22</sup> Наҳотки ейиш ва ичиш учун уйларилингиз бўлмаса? Ёки Худонинг жамоатини писанд қилмай, йўқсилларни хижолатда қолдирмоқчимисизлар? Сизларга яна нима айтайин? Сизларни мақтайми? Йўқ, бу хусусда сизларни мақтамайман. <sup>23</sup> Мен сизларга топширган йўл-йўриқни Раббимнинг Ўзидан олганман: Раббимиз Исо хоинона тутиб берилган кечада нонни олди, <sup>24</sup> шукрона айтиб синдирди ва деди: “Олиб энглар,

бу сизлар учун синдирилган Менинг танамдир. Буни Мени эслаб туриш учун қилиб туринглар”.

<sup>25</sup> Шунингдек, кечки овқатдан кейин косани олиб деди: “Бу коса Менинг қоним билан тасдиқланган Янги Аҳддир. Ундан ҳар дафъа ичганингизда, буни Мени эслаб туриш учун қилинглар”. <sup>26</sup> Шундай қилиб, сизлар бу нонни ҳар дафъа еганингизда, бу косадан ичганингизда, Раббимиз келгунига қадар Унинг ўлимини эълон этган бўласизлар.

<sup>27</sup> Кимда-ким нолойиқ тарзда бу нонни еса ёки Раббимиз косасидан ичса, Раббимизнинг танаси ва қонига қарши гуноҳ қилган бўлади. <sup>28</sup> Шунинг учун инсон ўз-ўзини имтиҳон қилсин, шундан сўнг нондан есин ва косадан ичсин. <sup>29</sup> Кимки нолойиқ тарзда еб-ичса, еб-ичиб ўзини ўзи маҳкум қилади, чунки у Раббимизнинг танасини писанд қилмаган. <sup>30</sup> Ана шу сабабдан сизларнинг кўпингиз заиф ва хастасизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас. <sup>31</sup> Агар ўз-ўзимизни ҳукм этганимизда эди, маҳкум бўлмас эдик. <sup>32</sup> Дунё билан бирга маҳкум бўлмаслигимиз учун, Раббимиз ҳозирдан бизни ҳукм қилиб, адабимизни беряпти.

<sup>33</sup> Шундай қилиб, биродарларим, кечликка йиғилганингизда, бир-бирингизни кутиб туринглар. <sup>34</sup> Агар бирор киши оч бўлса, ўз уйида есин; тагин йиғилишларингиз маҳкум бўлишингизга сабаб бўлмасин.

Қолган масалаларни олдингизга келганимдан кейин тўғриларман.

### Муқаддас Рухнинг инъомлари ҳақида

**12** Эй биродарлар, Муқаддас Рухнинг инъомлари ҳақида беҳабар қолишингизни истамайман. <sup>2</sup> Эсингиздами, сизлар бутпараст бўлган вақтингизда гунг бутларга сажда қилар ва жуда маҳлиё бўлар эдингизлар. <sup>3</sup> Шунинг учун сизларга шуни билдирияпманки, Худонинг Рухидан илҳом олаётган ҳеч ким Исога лаънат айтмайди, шунингдек, ҳеч ким Муқаддас Рух илҳомисиз Исони Раббим деб айта олмайди. <sup>4</sup> Рухий инъомлар ҳар хилдир, Рух эса биттадир. <sup>5</sup> Хизматлар ҳар хилдир, Раббимиз эса биттадир. <sup>6</sup> Рухий таъсирлар ҳар хилдир, лекин ҳаммада ҳар қандай таъсирни вужудга келтирган ягона Худодир. <sup>7</sup> Муқаддас Рух умумий манфаат учун ҳар кимда алоҳида фаолият кўрсатади. <sup>8</sup> Биров Рух илҳоми билан ҳикматли каломни айтади, бошқасига ўша Рух билимли гапиришни ато этади. <sup>9</sup> Ўша Рух бировга имон кучи, бошқасига эса шифокорлик инъомларини бахш этади. <sup>10</sup> Бировга мўъжизакорлик кучлари, бошқасига башоратгўйлик, яна бошқасига руҳларнинг фарқига бориш қобилияти насиб этади. Бирига турли тилларда гапириш, бошқасига бу тилларни таъбир қилиш илҳоми келади. <sup>11</sup> Буларнинг ҳаммаси эса ўша битта Рух таъсирида содир бўлади, Рух Ўзи хоҳлагани бўйича, бу қобилиятларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди.

## Узвлар кўп, Бадан бир

<sup>12</sup> Бир баданда кўп узв бор. Баданнинг узвлари кўп бўлса-да, улар бир баданни ташкил этади. Масиҳ жамоати ҳам шундайдир. <sup>13</sup> Биз ким бўлишимиздан қатъи назар – яхудийми, юнонми, қулми, эркинми – ҳаммамиз бир бадан бўлиш учун ўша битта Рухга чўмганмиз ва ҳаммамиз ўша битта Рухдан ичганмиз †.

<sup>14</sup> Бадан бир эмас, кўп узвдан иборат. <sup>15</sup> Агар оёқ: “Мен кўл бўлмаганим учун баданга тегишли эмасман”, – деса-да, баданга тегишли бўлмай қоладими? <sup>16</sup> Агар қулоқ: “Мен кўз бўлмаганим учун баданга тегишли эмасман”, – деса-да, баданга тегишли бўлмай қоладими? <sup>17</sup> Агар бутун бадан кўз бўлса эди, эшитиш қаерда қолар эди? Агар бутун бадан қулоқ бўлса эди, ҳид билиш қаерда қолар эди? <sup>18</sup> Шундай қилиб, Худо узвларнинг ҳар бирини баданда истаганича қўйди. <sup>19</sup> Агар ҳаммаси биргина узв бўлса эди, бадан қаерда қолар эди? <sup>20</sup> Хулласи калом, узвлар кўп, бадан эса бирдир.

<sup>21</sup> Кўз қўлга: “Сен менга керак эмассан”, – ёки бош оёқларга: “Сизлар менга керак эмассизлар”, – деб айтолмайди. <sup>22</sup> Аксинча, баданнинг заифроқ кўринган узвлари жуда керакли. <sup>23</sup> Баданимизнинг эътиборсизроқ кўринган узвларига айниқса эътибор берамиз. Кўримсиз узвларимизга эса яна кўпроқ зеб берамиз. <sup>24</sup> Лекин хушбичим узвларимизнинг бунга эҳтиёжи йўқ. Худо эса баданни мувофиқлаштириб яратди, етишмаган узвга алоҳида эътибор берди. <sup>25</sup> Шу тариқа баданда бўлиниш бўлмайди, лекин бутун узвлар бир-бирига бир хил ғамхўрлик қиладилар. <sup>26</sup> Агар бир узв азоб чекса, бутун узвлар у билан бирга азоб чекади. Агар бир узв юксалса, бутун узвлар у билан бирга севинадилар.

<sup>27</sup> Сизлар эса Масиҳнинг баданисизлар, Унинг айрим-айрим узвларисизлар. <sup>28</sup> Шу тариқа, Худо имонлилар жамоатига, биринчидан, ҳаворийларни, иккинчидан, пайғамбарларни, учинчидан, муаллимларни тайинлаб берди. Кейин баъзиларга мўъжиза кўрсатиш қобилияти, шифокорлик кучлари, ёрдам бериш, бошқариш, турли тилларда гапириш қобилиятларини берди. <sup>29</sup> Ҳаммаси ҳавориймикин? Ҳаммаси пайғамбармикин? Ҳаммаси муаллиммикин? Ҳаммаси мўъжиза кўрсатармикин? <sup>30</sup> Ҳаммасида шифокорлик кучлари бормикин? Ҳаммаси номаълум тилларда гапирармикин? Ҳаммаси бу тилларни таъбир қилармикин?

<sup>31</sup> Сизлар яхшиси, аълороқ инъомларга қизиқинглар. Энди мен сизларга энг олий йўлни кўрсатаман.

† РУҲГА ЧЎМИШ...РУҲДАН ИЧИШ: Худо Рухи билан тамоман тўлиш, Унинг кучли таъсири остида қолиш демақдир; яна қаранг: Марк 1:8, Юҳанно 1:33, 7:37-39, Ҳаворийлар 13:52, Эфесликлар 5:18.

## Севги – энг олий хислат

**13** Агар мен инсонларнинг ва фаришталарнинг тилларида гапирсам-у, лекин севгим бўлмаса, жаранглайдиган мис чолғу, янграйдиган занг бўлиб қоламан. <sup>2</sup> Агар башоратгўй бўлсам, агар бутун сирлардан воқиф бўлиб, ҳар қандай илмни билсам, агар тоғларни кўчирадиган имонга эга бўлсам-у, лекин севгим бўлмаса, мен ҳеч нарса эмасман. <sup>3</sup> Агар бутун ер-мулкимни тақсимлаб берсам, ҳатто баданимни ёндиришга топширсам-у, лекин севгим бўлмаса, менга ҳеч фойдаси йўқ.

<sup>4</sup> Севги сабрли ва кўнгилчандир. Севги ҳасад қилмас, кеккаймас, шишинмас. <sup>5</sup> Севги бебошлик қилмас, худбинлик қилмас, аччиқланмас, кек сақламас. <sup>6</sup> Севги ноҳақликка севинмас, аксинча, ҳақиқат ила шод бўлур. <sup>7</sup> Севги ҳар нарсани кўтарар, ҳар йўлда ишонч ҳосил қилар, ҳар шароитда умид сақлар, ҳар нарсага тоқат қилар.

<sup>8</sup> Севги асло адо бўлмас. Пайғамбарлар башорати бўлса, тамом бўлғуси. Тиллар бўлса, жим бўлғуси. Билим бўлса, бартараф бўлғуси. <sup>9</sup> Бизнинг билимимиз ҳали тўлиқсиз, башорат қилишимиз тўлиқсиздир. <sup>10</sup> Камолот келганда эса, тўлиқсиз нарса бартараф бўлажак. <sup>11</sup> Мен бола бўлганимда, бола каби гапирар, бола каби фикр қилар, бола каби муҳокама қилар эдим. Вояга етгач, болаликни қолдирдим. <sup>12</sup> Шу сингари, биз ҳозир гўё хира ойнага қарагандек кўряпмиз, лекин у вақтда юзма-юз кўражакмиз. Ҳозир мен қисман билипман, лекин у вақтда ўзим билинганим каби билажакман.

<sup>13</sup> Эндиликда бу уч нарса қолади: ишонч, умид, севги. Севги эса энг аълосидир.

## Номаълум тиллар ва башорат ҳақида

**14** Севгининг пайдан бўлинглар, шунингдек, Рухнинг инъомларини олиш, айниқса башорат † қилиш учун ғайрат қилинглар. <sup>2</sup> Ким номаълум тилда ‡ гапирса, инсонларга эмас, Худога гапиради; чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Худо Рухидан илҳомланиб, сирларни гапиради. <sup>3</sup> Башорат қилувчи бўлса, одамларга ўгит-насиҳат бериб, тингловчиларни руҳан озуқалантиради. <sup>4</sup> Номаълум тилда гапирувчи ўзини ўзи яшнатади, башорат қилувчи эса имонлилар жамоатини яшнатади. <sup>5</sup> Энди сиз ҳаммангиз номаълум тилларда гапиришингизни истайману, лекин башорат қилишингизни янада кўпроқ истайман. Номаълум тиллар имонлилар жамоатининг манфаати учун таъбир этилмаса, башорат қилувчи номаълум тилда гапирувчидан афзалроқдир.

<sup>6</sup> Ҳўш, биродарлар, мен сизларнинг олдингизга келиб, номаълум тилларда гапира бошласаму, бироқ айтганларимнинг маъносини ваҳий,

†† БАШОРАТ: ёки, каромат қилиш, пайғамбарлик қилиш.  
‡ НОМАЪЛУМ

билимли калом, башорат ёки таълимот билан талқин қилмасам, сизларга қандай фойда келтираман? <sup>7</sup> Ҳатто жонсиз чолғу асбоблари ҳам, масалан, най ёки чанг, фарқли овозлар чиқармаса, най биланми ёки чанг биланми чалаётганини киши қандай билади? <sup>8</sup> Агар карнай ноаниқ овоз чиқарса, жанг учун ким тайёрлана бошлайди? <sup>9</sup> Шунга ўхшаб, агар сизларнинг гапирганингизни қандай билиб оладилар? Сизлар ҳавога гапиргандай бўласизлар. <sup>10</sup> Дунёдаги тиллар кўп ва хилма-хилдир, улардан бирортаси ҳам маъносиз эмас. <sup>11</sup> Бироқ агар мен бирор тилнинг маъносини тушунмасам, мен у тилни гапирётган учун ажнабийдек туюламан, гапирётган ҳам мен учун ажнабийдир. <sup>12</sup> Модомики сизлар Руҳнинг инъомларига қизиқар экансизлар, имонлилар жамоатини янада яшнатадиган инъомларга интилинглар.

<sup>13</sup> Шунинг учун *номаълум* тилда гапирувчи киши таъбир қилиш инъомини олиш учун ҳам ибодат қилсин. <sup>14</sup> Агар мен *номаълум* тилда ибодат қилсам, руҳим ибодат қилади, онгим эса самарасиз қолади. <sup>15</sup> Хўп, бундан қандай хулоса чиқараман? Руҳ билан ибодат қилсам, онг билан ҳам ибодат қилишим керак. Руҳ билан қўшиқ айтсам, онг билан ҳам қўшиқ айтишим керак. <sup>16</sup> Акс ҳолда, агар сен руҳий тилда ҳамд-санолар айтсанг, у ерда турган авом халқ сенинг шукрона дуонга қандай қилиб “омин” дейди? У сенинг нима айтаётганингни тушунмайди-ку! <sup>17</sup> Сен яхши шукур айтсанг ҳам, ўзга киши ибрат ололмайди.

<sup>18</sup> Худойимга шукурки, мен ҳаммангиздан кўпроқ *номаълум* тилларда гапираман. <sup>19</sup> Имонлилар жамоатида эса *номаълум* тилда сон-саноксиз сўзлар гапиргандан кўра, бошқаларга насиҳат қилиш учун оқилона беш сўз айтишни афзал биламан.

<sup>20</sup> Биродарлар, ўй-фикрда болалардек бўлманглар. Аксинча, ёмонликка нисбатан чақалоқ бўлиб, фикрлашда эса баркамол бўлинглар.

<sup>21</sup> Тавротда шундай ёзилган:

“Мен ўзга тилларда, ёт оғизлар-ла  
Шу халққа сўзлайвераман,  
Аммо у вақт ҳам Мени тингламаслар,  
– дейди Худованд”.

<sup>22</sup> Демак, *номаълум* тиллар имонлилар учун эмас, балки имонсизлар учун аломатдир. Пайғамбар башорати эса имонсизлар учун эмас, имонлилар учун аломатдир. <sup>23</sup> Агар бутун имонлилар жамоати бир ерда тўпланиб, ҳамма *номаълум* тилларда гапира бошласа ва авом халқдан ёки имонсизлардан кимдир у ерга кирса, “Сизлар тентаклик қиялмасизлар”, – деб айтмайдими?

<sup>24</sup> Лекин агар ҳамма башорат қилаётган бўлса-ю, имонсиз ёки авом халқдан бўлган бир киши кирса, у ҳамма томонидан фош бўлади, ҳамма ҳам уни муҳокама қилади. <sup>25</sup> Шу тариқа унинг дил сирлари

ошкор бўлади. У мук тушиб: “Чиндан Худо сизлар билан экан”, – деб Худога сажда қилади.

### Жамоат йиғилишларидаги тартиб-қоида

<sup>26</sup> Энди биродарлар, бундан нима хулоса чиқарамиз? Бир ерда тўпланганингизда, сизлардан ҳар бирингизда бирор сано † бор, бирор таълим бор, бирор тил бор, бирор ваҳий бор, бирор таъбир бор. Буларнинг ҳаммаси имонлилар жамоати яшнаб-гуллаши учун қилинсин. <sup>27</sup> Агар ким *номаълум* тилда гапирмоқчи бўлса, икки ёки энг кўпи билан уч одам навбат билан гапирсин ва бир киши эса таъбир қилсин. <sup>28</sup> Агарда таъбир қилувчи бўлмаса, *номаълум* тилда гапирувчи киши имонлилар жамоатида жим турсин, ўзига ва Худога гапирсин.

<sup>29</sup> Шунингдек, икки ёки уч пайғамбар †† гапирсин, қолганлар эса айтилганларни муҳокама қилсинлар. <sup>30</sup> Агар шу вақт ўтирганлардан бирига ваҳий келса, биринчи гапирган жим бўлсин. <sup>31</sup> Ҳар бирингиз бирин-кетин башорат қила оласизлар, токи ҳамма таълим олиб, барча дадиллансин.

<sup>32</sup> Пайғамбарларнинг руҳлари пайғамбарларга бўйсунди. <sup>33</sup> Чунки Худо тартибсизлик Худоси эмас, тинчлик Худосидир.

Худонинг барча азиз жамоатларида бўлгани каби, <sup>34</sup> сизнинг жамоатларингизда ҳам хотинлар сукут сақласин. Аёлларга сўзга чиқиш учун рухсат берилмаган, лекин Тавротда ‡ ҳам айтилишича, итоат этсинлар. <sup>35</sup> Агар бирор нарса ўрганишни истасалар, уйда ўз эрларидан бу ҳақда сўрасинлар. Имонлилар жамоатида хотинга сўзга чиқиш адабсизликдир.

<sup>36</sup> Наҳотки Худонинг каломи сиздан чиққан бўлса? Наҳотки у ёлғиз сизларга етиб борган бўлса? <sup>37</sup> Агар бирор киши ўзини пайғамбар ёки Руҳ амрида деб ҳисобласа, у шунинг англасинки, сизларга ёзганларим Раббимиз амридир. <sup>38</sup> Лекин ким буни англамас экан, англамай қўяқолсин.

<sup>39</sup> Хуллас, эй биродарлар, башорат қилишга ғайрат билан интилинглар, *номаълум* тилларда гапиришга эса тўсқинлик қилманглар. <sup>40</sup> Фақат ҳар нарса адаб ва тартиб билан содир бўлсин.

### Масих тирилишининг далили

**15** Биродарлар, мен сизларга эслатмоқчиман: ўзим Инжил Хушхабарини сизларга етказган эдим, сизлар эса уни тан олиб, унга қаттиқ умид боғладингизлар. <sup>2</sup> Агар менинг каломимга қаттиқ риоя қилсангизлар, бу калом орқали нажот топасизлар. Акс ҳолда эътиқодингизнинг асоси йўқ.

<sup>3</sup> Мен *Худодан* қабул қилганимни дастлаб сизларга топширган эдим, яъни Муқаддас Битикларга †† мувофиқ, Масих гуноҳларимиз учун

† САНО: ёки, Забур хониши; айнан қаранг: Колосаликлар 3:16, Эфесликлар 5:19. †† ПАЙҒАМБАР: ёки, башоратгўй, қароматгўй, яъни Худо Руҳидан илҳомланиб, Худо каломини гапирувчи киши. ‡ ТАВРОТ: аслида “қонун”. †† МУҚАДДАС

ўлди, <sup>4</sup> яна Муқаддас Битикларга мувофиқ, У кўмилди ва учинчи куни тирилди. <sup>5</sup> Аввал У Кифага †, сўнгра ўн икки шогирдига кўринди. <sup>6</sup> Ундан кейин бир вақтнинг ўзида беш юздан кўпроқ биродарга кўринди. Улардан аксарияти ҳозирга қадар тирик, баъзилари эса дунёдан кўз юмиб кетганлар. <sup>7</sup> Ундан сўнг Масих Ёқубга ва қолган бутун ҳаворийларга кўринди. <sup>8</sup> Ҳаммадан кейин эса чала туғилган болага ўхшайдиган менга ҳам кўринди. <sup>9</sup> Мен ҳаворийларнинг энг арзимайдиганиман, ҳаворий деб аталишга ҳам лойиқ эмасман. Чунки мен Худонинг жамоатини таъқиб этар эдим. <sup>10</sup> Энди эса нимаики бўлган бўлсам, Худонинг инояти билан бўлдим; Унинг менга кўрсатган инояти пучга чиқмади, зеро мен ҳаворийларнинг ҳаммасидан кўпроқ меҳнат қилдим. Аслида меҳнат қилган ўзим эмас, балки менга ёр бўлган Худо иноятидир. <sup>11</sup> Қандай бўлмасин, хоҳ мен воизлик қилсам, хоҳ улар – ваъзимиз бир хил ва сизларнинг имонингиз ҳам бир хилдир.

### Ўликларнинг тирилиши ҳақида

<sup>12</sup> Демак, Масих ўликлар ичидан тирилди, деб оламга очикъ эълон қилинмоқда. У ҳолда қандай қилиб баъзиларингиз: ўликлар тирилмайди, деб айтяпсизлар? <sup>13</sup> Агар ўликлар тирилмас экан, унда Масих ҳам тирилмаган демакдир. <sup>14</sup> Агар Масих тирилмаган бўлса, у ҳолда бизнинг хабаримиз ҳам, сизнинг имонингиз ҳам беҳудадир. <sup>15</sup> Бундай ҳолда Худонинг ёлғон шохидлари ҳам бўлар эдик; чунки биз “Худо Масихни тирилтирди”, деб шаҳодат бериб юрибмиз. Агар ҳақиқатан ўликлар тирилмас экан, унда Худо Масихни ҳам тирилтирган эмас. <sup>16</sup> Ҳа, агар ўликлар тирилмас экан, унда Масих ҳам тирилмаган демакдир. <sup>17</sup> Агар Масих тирилмаган бўлса, сизларнинг имонингиз бефойда, сизлар ҳали ҳам гуноҳга ботгансизлар. <sup>18</sup> У ҳолда Масихга умид боғлаб кўз юмганлар ҳам *абдий* ҳалокатга учрайдилар. <sup>19</sup> Агар биз ёлғиз бу ҳаёт учун Масихга умид боғлаган бўлсак, биз энг бахтсиз инсонлар эканмиз.

<sup>20</sup> Ваҳоланки, Масих чинакамига тирилди! У биринчи бўлиб тирилди, қолган марҳумларга намуна бўлди. <sup>21</sup> Ўлим бир инсон орқали дунёга кирди. Шунга ўхшаб, ўликларнинг тирилиши ҳам бир Инсон орқали содир бўлади. <sup>22</sup> Одам Атонинг фарзанди бўлган барча ўладилар. Худди шундай: Масихнинг фарзанди †† бўлган барча тириладилар.

<sup>23</sup> Ҳар ким ўз навбати билан тирилади: биринчиси, тирилганларнинг илғори – Масих, кейин Унинг оламга қайтишида Масих уммати бўлганлар тирилади. <sup>24</sup> Бундан сўнггина, яъни Масих ҳар қандай бошқарма, ҳокимият ва

қудратни тугатиб, салтанатни Ота – Худога топширгандан кейингина охират бўлади. <sup>25</sup> Худо бутун душманларни Масихнинг оёғига йиқитмагунига қадар, Масих ҳокимлик қилиши керак. <sup>26</sup> Шунда охирги душман – ўлим ҳам барҳам топади. <sup>27</sup> Ҳа, Худованд борлиқни Масихнинг оёқлари остига ташлаб, Унга тобе қилди. Гарчи *Забурда* “Борлиқ Унга тобе бўлди”, – дейилса-да ‡, бундан борлиқни Унга тобе қилган Худо истиснодир. <sup>28</sup> Ҳамма нарса Унга тобе бўлгандан кейингина Ўғил ҳам Ўзига ҳамма нарсани тобе қилдирган Отага тобе бўлади, токи Худо ҳамманинг ҳаммаси бўлсин.

<sup>29</sup> Агар тирилиш бўлмаса, ўликлар номидан сувга чўмиб имон келтирганлар бундан қандай фойда кутадилар? Агар ўликлар мутлақо тирилмайдиган бўлса, у ҳолда бу кишилар нега марҳумлар номидан сувга чўмар эканлар? ††

<sup>30</sup> Нима учун бизлар ҳар соатда хавф-хатарлар билан рўбарўмиз? <sup>31</sup> Эй биродарларим, мен сизлар туфайли Раббимиз Исо Масихдан топган ифтихорим билан айтаманки, мен ҳар кун ўляпман! <sup>32</sup> Мен Эфес шаҳрида ваҳший ҳайвонлар билан курашдим. Агар буни фақат инсоний умид учун қилганимда эди, менга қандай наф бўларди? Агар ўликлар тирилмас экан, майли, “келинг, еб-ичайлик, чунки эртага ўламиз!” <sup>33</sup> Лекин адашманглар: “Ёмон одамлар тўдаси яхши ахлоқни бузар экан”. <sup>34</sup> Энди лозим бўлганидай ўзингизга келинглр, гуноҳ қилманглр! Сизлар номус қиласиз, деб айтяпманки, сизлардан баъзи кишилар Худони билмайдилар.

### Тирилган тананинг хусусиятлари

<sup>35</sup> Эҳтимол, бирор киши шундай айтади: ўликлар қандай қилиб тирилар экан? Қандай жисм билан пайдо бўлар экан? <sup>36</sup> Эй нодон! Сенинг эккан уруғинг агар ўлмаса, тирилмайди-ку. <sup>37</sup> Экин экканинда бўлажак жисмни эмас, балки буғдой ёки бошқа бирор экиннинг қуп-қуруқ уруғини экасан. <sup>38</sup> Худо эса уруққа Ўзи истаганича жисм бағишлайди, ҳар бир уруғдан алоҳида жисмни ҳосил қилади. <sup>39</sup> Ҳар қандай эт ҳам бир хил эмас; лекин инсонларнинг эти бошқа, ҳайвонларнинг эти бошқа, қушларнинг эти бошқа, балиқларнинг эти бошқа. <sup>40</sup> Самовий ва дунёвий жисмлар ҳам бор. Лекин самовий жисмларнинг кўрки бошқа, дунёвийларники бошқа. <sup>41</sup> Қуёшнинг кўрки бошқа, ойнинг кўрки бошқа ҳамда юлдузларнинг кўрки бошқа. Кўркига қараб юлдуз юлдуздан фарқ қилади.

<sup>42</sup> Ўликларнинг тирилиши ҳам бунга ўхшайди: тана ўткинчи бўлиб экилади-ю, ўлмайдиган бўлиб

*БИТИКЛАР:* Муқаддас Китобнинг у вақтгача ёзилиб бўлган Қадимги Аҳд қисми, яъни Таврот ва Забур. † КИФА: Симун Бутруснинг янги исми; қаранг: 1:12, Матто 16:18, Юҳанно 1:42. †† МАСИХНИНГ ФАРЗАНДИ: аслида “Масихнинг уммати”; яна қаранг: Римликлар 5:12-21.

‡ қаранг: Забур 8:7, Эфесликлар 1:19-22, Ибронийлар 2:5-9. †† ЎЛИКЛАР НОМИДАН СУВДА ИМОН КЕЛТИРИШ: бу одатнинг моҳияти аниқланмаган. Эҳтимол Коринфда сувда имон келтирмай ўлганларнинг яқинлари улар ўрнида бу маросимни адо этиб, марҳумларнинг тирилишига умид қилганлар.

тирилади. <sup>43</sup> Тушкунликда экилади-ю, улуғворлик билан тирилади; заифликда экилади-ю, қудрат билан тирилади. <sup>44</sup> Моддий бадан экилади, руҳий бадан тирилади. Моддий жисмлар бор бўлганидек, руҳий жисмлар ҳам бор. <sup>45</sup> *Тавротда* ёзилишича: “Биринчи одам – Одам Ато тирик жон бўлди”.

Охирги Одам † эса ҳаётбахш Рух бўлди.

<sup>46</sup> Кўрамизки, биринчи навбатда руҳий эмас, моддий бадан келади. Руҳий бадан кейинроқ келади. <sup>47</sup> Биринчи одам ердан, яъни тупроқдан пайдо бўлган. Иккинчи Одам [Раббимиз Исо] эса осмондан тушган. <sup>48</sup> Тупроқдан яралган илк одам қандай бўлса, бошқа одамлар ҳам шундайдир. Самовий Одам қандай бўлса, самовийлар ҳам шундайдир. <sup>49</sup> Биз тупроқдан яралган одамга қандай ўхшасак, самовий Одамга ҳам шундай ўхшаб кетамиз. <sup>50</sup> Эй биродарлар, сизларга шуни айтяпманки, фоний махлуққа †† Худонинг Шоҳлигидан мерос насиб этмайди. Ўткинчи махлуқ ўлмасликдан улуш ололмайди.

<sup>51</sup> Мана, мен сизларга бир сир айтяпман: ҳаммамиз ўлмаймиз-у, аммо ҳаммамиз ўзгариб кетамиз. <sup>52</sup> Тўсатдан, кўз очиб юмгунча, охирзамон карнайи чалинганда ўзгариб кетамиз. Ҳа, карнайи чалинади ва шу онда мархумлар яна ҳеч ўлмайдиган бўлиб тириладилар. Шунда биз, ҳаёт бўлганлар ҳам ўзгариб кетамиз. <sup>53</sup> Бу ўткинчи баданимиз чиримайдиган, бу ўладиган вужудимиз ўлмайдиган вужудга бурканиши керак. <sup>54</sup> Бу ўткинчи бадан чиримайдиган, бу ўладиган вужудимиз ўлмайдиган бўлиб қолган пайтда, қуйидаги Таврот оятлари амалга ошади:

“Ўлим ғалаба билан ютилди.

<sup>55</sup> Эй ўлим, сенинг нишинг қаерда?

Эй дўзах, сенинг зафаринг қаерда?”

<sup>56</sup> Ўлимнинг ниши гуноҳдир. Гуноҳнинг қуввати эса Илоҳий Қонун орқали намоён бўлади ‡. <sup>57</sup> Лекин Худога шукр! У Раббимиз Исо Масих орқали бизга ғалаба бахш этган.

<sup>58</sup> Шунинг учун, эй севимли биродарларим, қаттиқ ва маҳкам туринглар. Ҳамиша Раббимиз хизматида бўлиб, янада ғайратли бўлинглар. Шуни билингларки, Раббимиз йўлида қилган меҳнатингиз фойдасиз бўлмайди.

### Иона тўплаш ҳақида йўл-йўриқ

**16** Энди азизлар учун иона †† тўплашга келсак, сизлар худди Галатиядаги Масих жамоатларига тайинлаганимга амал қилинглар. <sup>2</sup> Ҳафтанинг биринчи кунида ҳар бир одам ўз қўлидан келганича бир миқдор пулни олиб қўйсин, токи олдингизга келганимда, пул йиғишга ҳожат

† ОХИРГИ ОДАМ: Исо Масих; яна қаранг: Римликлар 5:12-19, 8:11, Юҳанно 5:21, Ибтидо 2:7. †† ФОНИЙ МАХЛУҚ: аслида “эт ва қон”. ‡ яна қаранг: Римликлар 3:20, 4:15, 7:7-13; Галатияликлар 3:19. †† АЗИЗЛАР УЧУН ИОНА: яъни Қуддусдаги Исо Масих жамоати учун тўпланган ёрдам; яна қаранг: Ҳаворийлар 11:27-30, 2-Коринфликлар 8-9-боблар.

қолмасин. <sup>3</sup> Мен олдингизга келгач, сизлар муносиб кўрган кишиларга мактублар бериб, эҳсонларингизни Қуддусдаги имонлиларга топшириш учун юбораман. <sup>4</sup> Агар менинг ҳам боришим зарур бўлса, улар билан бораман.

### Павлуснинг орзу-армонлари

<sup>5</sup> Мен Македониядан ўтганимдан кейин, сизнинг олдингизга бораман; чунки Македония орқали ўтиб бораман. <sup>6</sup> Балки ёнингизда бир оз қоларман ёки ҳатто қишни ўтказарман, сўнг сизлар мени кетадиган жойимга кузатарсизлар. <sup>7</sup> Чунки бу дафъа сизлар билан йўл-йўлакай кўришиб кетишни истамайман. Худо хоҳласа, ёнингизда бир қанча вақт қолиш умидидаман. <sup>8</sup> Лекин Ҳосил байрамига қадар Эфес шаҳрида қоламан. <sup>9</sup> Чунки у ерда таъсирчан фаолият кўрсатишим учун менга кенг эшик очилди. Аммо менга қарши чиққанлар ҳам кўп.

<sup>10</sup> Агар Тимўтий олдингизга келса, у орангизда хотиржам бўлиб юриши учун эътибор беринглар. Чунки у менга ўхшаш Раббимиз хизмати билан машғул. <sup>11</sup> Ҳеч ким уни эътиборсиз қолдирмасин. У менинг олдимга ҳам келсин, уни эсон-омон кузатиб юборинглар, уни мен биродарлар билан кутиб турибман.

<sup>12</sup> Биродаримиз Аполлосдан ўз дўстлари билан бирга сизларнинг олдингизга бориш учун кўп илтимос қилдим, бироқ ҳозир боришга ҳеч кўнгли йўқ. Қулай шароит бўлгач, у боради.

### Сўнгги панд-насиҳат ва саломлар

<sup>13</sup> Ҳушёр бўлинглар, имонда собит туринглар, жасоратли ва кучли бўлинглар. <sup>14</sup> Ҳамма ишларингизни меҳр-муҳаббат билан бажо келтиринглар.

<sup>15</sup> Биродарлар, Стефаннинг хонадонини биласизлар: Ахаяда биринчи имон келтирганлар улар бўлиб, азизларга хизмат учун ўзларини топширдилар. Энди сизлардан илтимос қиламан: <sup>16</sup> Бундайларга ва улар билан сафдошу меҳнатдош бўлган ҳар бир кишига эҳтиром қилинглар. <sup>17</sup> Мен Стефан, Фортунат ва Ахаикнинг келганига хурсанд бўлдим, сизларнинг йўқлигингизни улар тўлдирди. <sup>18</sup> Улар менинг ҳамда сизларнинг руҳингизни тинчитдилар. Бундайларни тақдирланглар.

<sup>19</sup> Асия вилоятидаги Масих жамоатлари сизларга салом йўллаяптилар. Акил билан Прискилла ва уларнинг уйида йиғиладиган жамоат сизларга Раббимиздан кўп саломатлик тилайдилар. <sup>20</sup> Бутун биродарлар сизларга салом йўллаяптилар. Муқаддас ўпич билан саломлашинглар.

<sup>21</sup> Мен, Павлус, сизларга дуойи салом ёзяман, бу менинг қўлим.

<sup>22</sup> Қимки Раббимиз Исо Масихни севмаса, мардуди даврон бўлсин! Маранафа ††

†† МАРАНАФА: арабий тилида “Ё Раббимиз, кел” демақдир.

<sup>23</sup> Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти сизларга ёр бўлсин. <sup>24</sup> Мен Исо Масиҳнинг севгиси ила ҳаммангизни севаман. Омин.

**ИККИНЧИ МАКТУБИ**

# ИККИНЧИ КОРИНФЛИКЛАРГА

## ИККИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Худонинг иродаси билан Исо Масихнинг хаворийси бўлган мен, Павлус ила биродаримиз Тимўтий, Коринф шаҳридаги Худонинг жамоатига, шунингдек, Ахая ўлкаси бўйлаб яшовчи барча Худонинг азизларига салом йўллаймиз. <sup>2</sup> Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин!

### Тасалли манбаи – Худо

<sup>3</sup> Ҳар турли тасаллининг манбаи бўлган Худо, марҳаматли Ота, Раббимиз Исо Масихнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! <sup>4</sup> У бутун ғам-қайғуларимиз учун бизга тасалли беради. Шу тариқа ўзимиздек ҳар турли қайғуларга йўлиққан бошқа одамларни биз Худодан олган тасалли билан овунтира оламиз. <sup>5</sup> Масихнинг азоблари бизда қанча кўпаяётган бўлса, Масихнинг тасаллиси ҳам бизда шунча кўпаймоқда. <sup>6</sup> Агар биз ғам-қайғу чекаётган бўлсак, бу сизлар тасалли ва нажот топишингиз учундир. Ва агар биз тасалли топаётган бўлсак, бу ҳам сизларнинг тасалли топишингиз учундир. Биз чекаётган қайғуларга ўзингиз ҳам йўлиққанингизда, шу билан тасалли топиб, сабр-тоқат қиласизлар. <sup>7</sup> Сизларга ишончимиз комил, чунки сизлар аламларимизгагина эмас, тасаллимизга ҳам шерик эканингизни биламиз.

<sup>8</sup> Эй биродарлар, Асия вилоятида бошимизга келган кулфатлардан хабарсиз қолишингизни истамаймиз. Биз ҳаддан ташқари, чидаб бўлмайдиган даражада эзилдик, ҳатто соғ қолишга умидимизни йўқотган эдик. <sup>9</sup> Ҳа, ўлимга маҳкум бўлганимизни ўз вужудимизда сезардик. Бу шунинг учун бўлдики, биз ўзимизга эмас, балки фақат ўликларни тирилтирувчи Худога умид боғлайлик. <sup>10</sup> Ҳақиқатан ҳам Худо бизни шундай катта ўлим таҳликасидан қутқарди ва яна қутқаради. Ҳа, У бизни яна қутқаради, деб Ундан қаттиқ умид қиламиз. <sup>11</sup> Чунки сизлар ҳам биз учун ибодат қилишда иштирок этиб келяпсизлар. Шундай кўп кишиларнинг илтижоси туфайли Худо бизга иноят кўрсатди, токи буни яна кўплар билиб, биз туфайли Худога шукр қилсинлар.

<sup>12</sup> Бизнинг ифтихор қилишимизнинг сабаби бор, виждонимиз ҳам шундан далолат берадики, биз бу дунёда, хусусан сизлар билан бўлган муносабатимизда инсоний ҳикмат билан эмас, балки Худонинг инояти билан, муқаддаслик билан, Худога мақбул бўлган самимийлик билан ҳаракат қилдик. <sup>13</sup> Биз сизларга нима ёзсак, ўқиб, англаб етинглар, деб ёзамиз. Умид қиламанки, сизлар буларни охиригача англаб етасизлар. <sup>14</sup> Сизлар, қисман бўлса ҳам, бизни англагансизлар ва биласизларки, Раббимиз Исо Масихнинг оламга қайтадиган кунида биз сизнинг фахрингиз, сиз эса бизнинг фахримиз бўласизлар.

### Павлуснинг кечиккан зиёрати

<sup>15</sup> Шу ишонч билан, сизлар иккинчи дафъа фараҳ топинглар деб, олдинроқ сизларнинг ёнингизга келиш ниятида эдим. <sup>16</sup> Сизларнинг олдингиздан Македонияга ўтиш ва Македониядан яна сизларнинг олдингизга қайтиш ниятида эдим, охири сизлар мени Яҳудияга кузатиб кўярдизлар. <sup>17</sup> Шундай ниятим бўла туриб, беқарорлик билан ҳаракат қилдиммикан? Ёки мен гоҳ ҳа-ҳа, гоҳ йўқ-йўқ дегандай, ўзбошимчалик билан ташаббус кўрсатдиммикан?

<sup>18</sup> Худо ўз сўзида туради, шунинг учун бизнинг сизга сўзимиз ҳам гоҳ “ҳа”, гоҳ “йўқ” эмас. <sup>19</sup> Биз, яъни мен, Силван ва Тимўтий сизнинг орангизда Худонинг ўғли – Исо Масихни тарғиб қилганимизда, буни гоҳ “ҳа”, гоҳ “йўқ” деб қилмадик. Масих дегани – “ҳа” дегани. <sup>20</sup> Чунончи Худо қанча ваъдаларни берган бўлса, улар Масих шарофати билан “ҳа” дегандай, “омин” дегандай рўёбга чиқади, токи биз Масих орқали Худони улуғлайлик. <sup>21</sup> Худонинг ўзи бизни сизлар билан бирга Масих уммати қилиб, мустаҳкам пойдеворли қилди, ўзига ажратиб олди, <sup>22</sup> устимизга ўзининг муҳрини босди, буларнинг гарови қилиб Муқаддас Рухни юракларимизга жойлаштирди.

<sup>23</sup> Ўз жоним ҳақи Худони шоҳидим биламан: сизларни аяганим учун ҳануз Коринфга бора олмадим. <sup>24</sup> Биз гўё сизларнинг имонингиз устидан ҳукмронлик ўрнатаётгандай бўляпмиз. Аслида биз қувонишингиз учун сизларга кўмаклашмоқдамиз. Чунки сизлар имонда маҳкам турибсизлар.

## Хафагарчилик ва кечирим ҳақида

2 Шундай қилиб, мен кўнглимда ёнингизга яна хафагарчилик билан келмасликка қарор қилдим. <sup>2</sup> Агар мен сизларни хафа қиладиган бўлсам, хафа қилганларимдан бошқа кимлар ҳам мени овунтира оларди? <sup>3</sup> Мен ҳам олдиндан шунинг учун сизларга ёздимки, ёнингизга келганимда мени хурсанд қиладиган одамлардан хафагарчилик кўрмайин. Чунки ишончим комилки, менинг севинчим ҳаммангизнинг севинчингиздир. <sup>4</sup> Мен сизларни хафа қилиш учун эмас, балки сизларга бўлган чексиз муҳаббатимни сезишингиз учун чуқур қайғу ва юрак изтиробни ичида ҳамда тўхтовсиз кўз ёшлари билан ёздим.

<sup>5</sup> Агар ким хафа қилган бўлса ҳам, мени эмас, муболаға қилмасдан айтяпманки, деярли ҳаммангизни хафа қилган бўлади. <sup>6</sup> Хафа қилган одамга кўпчилик томонидан берилган бундай жазо етар. <sup>7</sup> Шунинг учун энди бу одам ҳаддан ортиқ хафа бўлмаслиги учун, уни кечириб тасалли беришингиз маъқулдир. <sup>8</sup> Ҳа, унга бошқатдан муҳаббат қўйишингизни илтимос қиламан. <sup>9</sup> Сизлар ҳар ишда итоатли бўлганингизни амалда билиш учун сизларга ёздим. <sup>10</sup> Бирор кишини бирор нарса хусусида кечирсангизлар, мен ҳам кечираман. Мен кимни кечирган бўлсам (агар кечирадиган бирор нарса бўлса), уни сизлар учун, Масихнинг ҳузурида туриб кечирдим. <sup>11</sup> Зинҳор шайтоннинг панд беришига йўл қўймайлик, унинг фитналаридан хабарсиз эмасмиз-ку.

## Инжилнинг хуш ҳиди таралмоқда

<sup>12</sup> Масихнинг Хушхабарини етказиш учун Троас шаҳрига келганимда, Раббим менга бир эшик очиб берган эди. <sup>13</sup> Шунга қарамай, руҳим тинч эмас эди, чунки биродарим Титусни у ерда топмаган эдим. Ниҳоят, у ёқдагилар билан хайрлашиб, Македонияга жўнадим.

<sup>14</sup> Худога шукр! У бизни доимо Масихнинг тантанали юришида олиб бораётир ва биз орқали ҳар ерда Ўз ҳақидаги билимнинг хуш бўйларини тарқатаётир. <sup>15</sup> Биз халос бўладиганларнинг ҳам, ҳалок бўладиганларнинг ҳам орасида Худо шаънига таралаётган Масихнинг хуш ҳидимиз. <sup>16</sup> Бу – ҳалок бўладиганлар учун ҳалокатли ўлим ҳидидир, халос бўладиганлар учун эса яшатувчи ҳаёт ҳидидир.

Бундай масъулиятга ким лойиқ? <sup>17</sup> Мана биз кўпчилик қиладигандай, Худонинг каломини бозорга солмаймиз. Аксинча, Худо томонидан юборилган ва Масих хизматида бўлган кишилардек, Худонинг кўзи олдида соф кўнгиладан воизлик қилмоқдамиз.

## Янги Аҳднинг улуғлиги

3 Ўзимизни яна тавсия этишни бошлаймизми? Наҳотки баъзиларга керак бўлгандай, сизлар учун ёки сизлардан тавсияномалар керак бўлди? <sup>2</sup> Бутун инсонлар томонидан тан олинган ва ўқиладиган, бизнинг қалбимизга ёзилган тавсияномамиз – мана сизларсиз. <sup>3</sup> Очиқ кўриниб турибдики, бизнинг хизматимиз орқали ёзилган Масихнинг мактуби сизларсиз. Бу сиёҳ билан эмас, балки барҳаёт Худонинг Руҳи билан ёзилган ҳамда тош лавҳаларга <sup>†</sup> эмас, балки инсон қалблари бўлган эт лавҳаларга ёзилган мактубдир. <sup>4</sup> Биз Масих туфайли Худо ҳузурида шундай ишончга сазовормиз. <sup>5</sup> Лекин бунга гўё ўз-ўзимиздан, ўз қобилиятимиз билан муваффақ бўлмаганмиз. Бизнинг қобилиятимиз фақат Худодандир. <sup>6</sup> У бизга Янги Аҳднинг <sup>††</sup> хизматкорлари бўлишдай қобилиятни берди. Бу хизмат эса Қонун ҳарфи <sup>‡</sup> асосида эмас, Илоҳий Руҳ асосида содир бўлмоқда. Ҳарф ўлдиради, Руҳ эса ҳаёт бағишлайди.

<sup>7</sup> Таврот даврида Худога хизмат қилувчилар тошга ҳарфма-ҳарф чизилган ва гуноҳкорга мутлақо ўлим келтирадиган Қонун бўйича хизмат қилишлари керак эди. Бу хизматнинг кўрсатмаси шундай улуғворлик билан келдики, ҳатто Мусонинг нур ёғилиб турган юзига Исроил ўғиллари қарай олмас эдилар (ваҳоланки, Мусо юзининг улуғворлиги ўткинчи эди). <sup>8</sup> Шундай экан, Илоҳий Руҳ бўйича Худога хизмат қилиш йўли янада улуғворроқ бўлмайдими? <sup>9</sup> Илгари гуноҳкорни маҳкум қилган хизматнинг улуғворлиги бор эди. Энди эса гуноҳкорнинг оқланишига сабаб бўладиган хизмат бундан чандон улуғ эмасми? <sup>10</sup> Ҳаммадан улуғ бўлган нарса ўртага чиққандан сўнг, илгари улуғ деб билинган нарсанинг улуғлиги энди ҳечга чиқади. <sup>11</sup> Агар вақтинча жорий бўладиган тузум улуғворлик билан келган бўлса, унда боқий қолувчи тузум нақадар улуғворроқдир.

<sup>12</sup> Биз бундай умидга молик бўлиб, катта жасорат билан ҳаракат қиляпмиз. <sup>13</sup> Мусо пайғамбар юзимнинг ўткинчи порлоқлиги тугаганини Исроил ўғиллари кўрмасин деб, юзига парда ёпган эди. Биз унга ўхшамаймиз. <sup>14</sup> Уларнинг зеҳнлари ўтмаслашиб кетди. Чунки бугунга қадар Қадимги Аҳдни <sup>‡†</sup> ўқиш вақтида, ўша парда турибди. Парда кўтарилмаган, у ёлғиз Масих орқали бартараф бўлади. <sup>15</sup> То бугунга қадар Мусонинг китобини ўқиш вақтида уларнинг юракларини парда ёпиб турибди. <sup>16</sup> Фақат Раббимиз Исога илтижо қилганда бу парда олиб ташланади.

<sup>†</sup> ТОШ ЛАВҲАЛАР: Тавротнинг асосини ташкил этган Ўн Амри Худо тош лавҳаларга чизиб, Мусо пайғамбарга топширган эди; яна қаранг: Ибронийлар 10:16. <sup>††</sup> ЯНГИ АҲД: луғатга қаранг. <sup>‡</sup> ҚОНУН ҲАРФИ: аслида “ҳарф”, яъни Тавротнинг амр-фармонлари; яна қаранг: Римликлар 7:6; Юҳанно 6:63. <sup>‡†</sup> ҚАДИМГИ АҲД: луғатга қаранг.



<sup>17</sup> Раббимиз – Рухдир. Раббимизнинг Рухи қаерда бўлса, ўша ерда эркинлик бор. <sup>18</sup> Биз ҳаммамиз очиқ юзимиз билан, кўзгуга қарагандай, Раббимизнинг улуғворлигига қараб турибмиз. Улуғворликдан улуғворликка ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон ўзгармоқдамиз; бу эса Раббимизнинг Рухи орқали содир бўлмоқда.

#### Сопол идишлардаги улуғ хазинамиз

**4** Биз Худонинг марҳамати билан бундай хизматга мушарраф бўлиб, умидсизланмаймиз. <sup>2</sup> Лекин сирли ва уят ишларни рад этиб, ҳийла билан ҳаракат қилмаймиз, Худонинг каломини бузмаймиз. Ҳақиқатни очиқ-ойдин қилиб, Худо ҳузурида ўзимизни ҳар бир инсоннинг виждонига тақдим этамиз. <sup>3</sup> Бордию Хушхабаримиз ёпиқ бўлса, у ҳалок бўладиганлар учун ёпиқдир. <sup>4</sup> Худонинг тасвири бўлган Масихнинг улуғвор Хушхабарининг нуруни одамлар кўрмасин деб, бу дунёнинг тангриси <sup>†</sup> имонсизларнинг зеҳнларини кўр қилган. <sup>5</sup> Биз эса ўзимизни эмас, балки Раббимиз Исо Масихни тарғиб қилмоқдамиз; биз – Исо йўлида сизларнинг қулларингизмиз, холос. <sup>6</sup> Худо ибтидода: “Қоронғуликдан нур порласин”, – деб қандай буюрган бўлса <sup>††</sup>, энди Ўзининг нури билан бизнинг юракларимизни ҳам шундай ёритди, Исо Масих сиймосида порлаб турган Ўзининг улуғворлигини бизга кўрсатди.

<sup>7</sup> Бу улуғвор хазинани эса биз сопол идишларда <sup>‡</sup> олиб юрибмиз, токи бу олий қудрат бизга эмас, Худога мансуб эканлиги кўриниб турсин. <sup>8</sup> Биз ҳар томонлама жабрланамиз, лекин эзилмаймиз. Мушкул аҳволда қолдик, аммо умидимизни йўқотмаймиз. <sup>9</sup> Қувғинга учраймиз, лекин иложсиз эмасмиз. Ерга қулаймиз, аммо яксон бўлмаймиз. <sup>10</sup> Исонинг ҳаёти баданимизда намоён бўлиб турсин деб, Унинг ўлимини доим баданимизда олиб юрибмиз. <sup>11</sup> Бизнинг фоний баданимизда Исонинг ҳаёти намоён бўлсин деб, биз, тириклар Исо учун ҳамиша ўлимга топширилмоқдамиз. <sup>12</sup> Шундай қилиб, ўлим бизда, ҳаёт эса сизда амал қилмоқда.

<sup>13</sup> Забурда: “Ишонганим учун гапирдим”, – деб ёзилган <sup>††</sup>. Биз худди шу имоннинг руҳига эгамиз ва ишонганимиз учун гапирамыз. <sup>14</sup> Биламизки, Раббимиз Исони тирилтирган Худо бизни ҳам Исо билан бирга тирилтиради ва сизлар билан бирга Ўз ҳузурида турғизиб қўяди. <sup>15</sup> Буларнинг ҳаммаси сизлар учун содир бўлмоқда, токи Худонинг инояти яна кўпдан-кўп одамларга ўтсин, шу тариқа Худонинг ҳамду саноси янада ошиб, тиллардан тушмайдиган бўлсин.

<sup>†</sup> БУ ДУНЁНИНГ ТАНГРИСИ: Худони танимайдиган одамлар устидан худолик қилаётган шайтон; яна қаранг: Эфесликлар 2:2, Юҳанно 12:31. <sup>††</sup> қаранг: Ибтидо 1:3-5. <sup>‡</sup> СОПОЛ ИДИШЛАР: ўткинчилигимиз, бандалигимиз рамзи. <sup>‡†</sup> қаранг: Забур 115:1-2.

<sup>16</sup> Шунинг учун ҳам умидсизланмаймиз. Гарчи зоҳирий вужудимиз ҳар қанча хазон бўлаётган бўлса-да, ботиний вужудимиз кундан-кунга янгилянапти. <sup>17</sup> Бу ўткинчи ва арзимас қайғуларимиз биз учун ҳаддан ташқари ажиб, катта ва абадий улуғворлик ҳосил қилади. <sup>18</sup> Чунки биз кўзга кўринадиган нарсаларга эмас, кўзга кўринмайдиган нарсаларга қараймиз. Кўринадиганлари муваққат, кўринмайдиганлари эса абадийдир.

#### Самовий ватанимиз

**5** Биз биламизки, бу фоний уйимиз <sup>‡</sup>, бу кулбамиз хароб бўлгандан кейин, Худо бизга мангу бир уй, қўл билан қурилмаган осмондаги маконни беради. <sup>2</sup> Биз самовий масканимизга бурканишни соғиниб, оҳ чекиб юрибмиз. <sup>3</sup> Ўшанда шундай бурканган бўлиб, бошқа яланғоч кўринмаймиз. <sup>4</sup> Дунёвий кулбада бўлганимизча, истибдод остида оҳ-нола чекапмиз. Бу кулбадан чиқишни истамасак-да, *самовий вужудга* бурканишни орзу қиламиз, чунки ўшанда бу фонийлик боқий ҳаётга тамоман фарқ бўлажак. <sup>5</sup> Айнан шунинг учун Худо бизни яратган ва бунинг гарови қилиб бизга Муқаддас Рухни ато қилган. <sup>6</sup> Шунинг учун биз доимо хотиржаммиз. Биламизки, бу баданда жойлашганимизча, Раббимиздан узоқда қолган ғариблармиз. <sup>7</sup> Биз кўриш билан эмас, эътиқод билан яшаймиз. <sup>8</sup> Ҳа, хотиржаммиз ва иложи бўлса, баданимиз ғурбатсаросидан чиқиб, Раббимиз ҳузуридаги ватанга кўчишни хоҳлаймиз. <sup>9</sup> Лекин хоҳ ватанда, хоҳ ғурбатда жойлашсак, Раббимизга мақбул бўлиш учун жонбозлик қиламиз. <sup>10</sup> Чунки ҳаммамиз баданда яшаган пайтда қилган яхши ёки ёмон ишларимизга яраша қисматимизни олиш учун, Масихнинг ҳукм курсиси олдида ҳозир бўлажакмиз.

#### Худо билан ярашиш

<sup>11</sup> Биз Худодан кўрқишнинг нималигини анлаганимиздан кейин, бошқа одамларни ҳам Унга ишонтирмоққа тиришамиз. Худога эса биз аёнмиз ва умид қиламанки, сизларнинг виждонингизга ҳам аёнмиз. <sup>12</sup> Ўзимизни сизларга қайта тақдим этмаяпмиз. Лекин қалбидан кўра ташқи қиёфаси билан мақтанаётганларга тегишли жавоб беринглар деб, биз билан мақтаниш имкониятини сизларга беряпмиз. <sup>13</sup> Биз ақлдан оздикми? Унда бу Худо учун. Ақлли гапиряпмизми? Унда бу сизлар учун. <sup>14</sup> Ахир, Масихнинг севгиси бизни қамраб оляпти-ку! Агар ҳамма одамлар учун Биттаси ўлган бўлса, бу ҳаммаси ўлгани демак, деган хулосага келдик. <sup>15</sup> Масих ана шу мақсадда ҳамма учун ўлди, токи яшаётганлар энди ўзлари

<sup>‡‡</sup> ФОНИЙ УЙИМИЗ: баданимиз рамзи; айнан қаранг: 2-Бутрус 1:13-14.

учун эмас, балки ўзлари учун ўлган ва тирилган Масих учун яшасинлар.

<sup>16</sup> Шунинг учун биз энди ҳеч кимни инсоний фикр билан қадрламаймиз. Агар Масихни илгари инсоний фикр бўйича билган бўлсак, бундан кейин яна бундай билмаймиз. <sup>17</sup> Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди [ҳаммаси] янги бўлди.

<sup>18</sup> Буларнинг ҳаммасига Худо сабаб бўлди. У Масих орқали бизни Ўзи билан яраштирди ҳамда одамларни Худо билан яраштириш † хизматини бизга берди. <sup>19</sup> Ҳа, Худо Масих вужудида бўлиб дунёни Ўзи билан яраштирди, одамларнинг гуноҳларини ҳисобга олмади. Бу ярашиш тўғрисидаги хабарни етказишни эса бизга топширди. <sup>20</sup> Шундай қилиб, биз Масих учун элчилик қиялпмиз, Худо биз орқали инсонларга мурожаат этяпти. Биз Масих номидан ёлворяпмиз: Худо билан ярашинглар! <sup>21</sup> Худо бизни Ўзига маъқул, солиҳ деб билиш учун, гуноҳни ҳеч билмаган Масихни биз учун гуноҳга айлантирди.

### Инжил йўлида фидойилик

**6** Худонинг ҳамкорлари сифатида, Унинг иноятини бефойда қабул қилмасликни сизлардан илтимос қиламиз. <sup>2</sup> Чунки Худо *Тавротда* шундай деяпти:

“Мақбул вақтда сени эшитдим,  
Нажот кунида сенга ёрдам бердим”.

Мана энди мақбул вақт келди! Мана энди нажот куни келди!

<sup>3</sup> Хизматимиз қораланмасин деб, ҳеч кимга ҳеч қандай халақит бермаймиз. <sup>4</sup> Худонинг хизматкорлари сифатида ўзимизни ҳамма соҳада ибрат қилиб кўрсатамиз: чексиз сабр-тоқатда, ғам-қайғуларда, танқисликларда, тангликларда, <sup>5</sup> зарбалар остида, зиндонларда, тўполонларда, заҳматларда, уйқусизликда, рўза тутишда, <sup>6</sup> покликда, доноликда, тўзимлиликда, меҳрибонликда, Муқаддас Рух кучида, самимий муҳаббатда.

<sup>7</sup> Ҳақиқат каломини айтиб, Худонинг кудратига суяниб, ўнг ва сўл қўлда солиҳлик қуролларини †† тутиб юрибмиз. <sup>8</sup> Шараф ва иснодга, ҳақорат ва мақтовга дуч келяпмиз. Бизни алдамчи ҳисоблайдилар, аммо ҳақиқатгўйимиз.

<sup>9</sup> Номаълуммиз, аммо бизни ҳамма билади. Бизни ўлган деб ҳисоблайдилар, аммо мана, тирикмиз. Бизни жазога тортяптилар, аммо ўлмаяпмиз.

<sup>10</sup> Бизни хафа қиялптилар, аммо доимо хурсандмиз. Ўзимиз камбағалмизу, кўп кишиларни бойитамиз. Ҳеч нарсамиз йўғу, аммо ҳамма нарсага эгамиз.

† ХУДО БИЛАН ЯРАШИШ: яна қаранг: Римликлар 5:1-11, Колосаликлар 1:20-22. †† СОЛИҲЛИК ҚУРОЛЛАРИ: имонлининг ҳаёти жангга ўхшайди, бунга керак бўладиган қурол-аслаҳа эса поклик ва руҳий кучдан иборат; яна қаранг: 10-боб, Римликлар 13:12, Эфесликлар 6:10-20.

<sup>11</sup> Эй коринфликлар, сизлар учун тилимиз ечилди, юрагимиз кенг очилди. <sup>12</sup> Бизнинг кўнглимиз сизлар учун тор эмас, лекин ўзларингизнинг кўнглингиз жуда тор экан! <sup>13</sup> Бунинг бараварига – болаларимга гапираётгандек гапиряпман – сизлар ҳам кўнглингизни кенгроқ қилинглар-чи!

### Масих умматининг имтиёзлари

<sup>14</sup> Имонсизлар билан нораво шериклик қилманглар ‡. Солиҳлик билан қонунсизлик орасида қандай алоқа бор? Ёки нур билан қоронғилик орасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? <sup>15</sup> Масих билан алайҳиллаъна †† орасида қандай келишув бўла олади? Ёки имонли билан имонсиз орасида қандай шериклик бўлиши мумкин? <sup>16</sup> Худо маъбади билан бутлар орасида қандай мувофиқлик бор? Сизлар эса барҳаёт Худонинг маъбадасизлар. Худо *Тавротда* айтганидек:

“Мен улар ичра маскан қилиб,  
Ўрталарида юргайман.  
Уларнинг Худоси бўлурман,  
Улар эса Менинг халқим бўлур”.

<sup>17</sup> Бинобарин, Худованд яна шундай деган: “Уларнинг орасидан чиқинглар,  
Улардан айрилиб кетинглар,  
Нопокка эса қўл тегизманглар;  
Шунда Мен сизларни қабул қилурман.

<sup>18</sup> Мен сизларга Ота бўлурман,  
Сизлар эса Менга ўғилу қиз бўлурсиз,  
– дейди Худованд, Сарвари коинот”.

### Қувончга айланган хафалик

**7** Эй севиқли биродарларим, Худо бизга бундай улуғ ваъдаларни берган экан, бадан ва руҳимизни булғовчи ҳар қандай мурдорликдан ўзимизни тозалаб, Худодан кўрқиб яшаб, бутунлай муқаддас бўлайлик.

<sup>2</sup> Қалбингиздан бизларга жой беринглар. Биз ҳеч кимга озор бермадик, ҳеч кимга зиён келтирмадик, ҳеч кимдан манфаат кўзламадик. <sup>3</sup> Сизларга таъна қилиб айтмаяпман. Чунки олдин ҳам айтганимдек, ўлишми, қолишми, сизлар бизнинг дилимиздасизлар. <sup>4</sup> Сизларга ишончим комил, ифтихорим катта. Қайғу-аламларимиз қанча бўлмасин, менинг дилим тасаллига тўлиб-тошади, беҳад севинаман.

<sup>5</sup> Ҳатто Македонияга келганимиздан кейин ҳам танамизга ҳеч қандай роҳат тополмадик, аксинча, ҳар томонлама сиқилган эдик: ташқаридан хужумлар, кўнгилда кўрқувлар бор эди. <sup>6</sup> Лекин тушкунларга тасалли берувчи Худо Титусни ёнимизга юбориб, бизни овунтирди. <sup>7</sup> Биз Титуснинг келгани билангина эмас, балки у сизлардан топган тасалли ҳақида эшитиш билан

‡ НОРАВО ШЕРИКЛИК ҚИЛМАНГЛАР: аслида “ёт бўйинтуруққа ўзингизни кўшманглар”. †† АЛАЙҲИЛЛАЪНА: аслида “белиар”, яъни малъун шайтоннинг номи.

ҳам юпаниб қолдик. Титус мен учун бўлган қаттиқ соғинчингиз, тортган оҳларингиз, кўрсатган зўр ғайратингиз ҳақида бизга хабар бергандан кейин, янада кўпроқ севиндим.

<sup>8</sup> Шу сабабдан, мактубим билан сизларни хафа қилган бўлсам ҳам, афсусланмайман. Гарчи олдин у мактубдан қисқа бир муддат сизлар хафа бўлиб, мен пушаймон қилган бўлсам-да, <sup>9</sup> энди севиняпман. Хафа бўлганингиздан эмас, балки хафагарчилик сизларни тавбага келтиргани учун севиняпман. Ҳа, сиз азбаройи Худодан хафа бўлдингизлар, шунинг учун биздан ҳеч қандай зарар кўрмадингизлар. <sup>10</sup> Азбаройи Худо келадиган хафагарчилик ўкинтирмайди, аксинча, одамларни тавбага келтириб, нажот топишига имкон яратади. Дунёда бўладиган хафагарчилик эса фақат ўлимни келтириб чиқаради. <sup>11</sup> Қаранглар, айнан шу сабабли, яъни сизга Худо тақдир этган хафагарчилик сабабли ўзингизни оқлаш учун сизларда қандай ғайрат пайдо бўлди, қандай ғазаб, қандай кўркув, қандай соғинч, қандай жонбозлик, қандай адолатпарварлик ҳосил бўлди! Ана шуларнинг ҳаммаси билан ўзингизни ҳалолладингизлар. <sup>12</sup> Ҳар ҳолда, менинг сизларга мактуб ёзишимдан мақсад айбловчи ёки айбланувчини белгилаш эмас, балки Худонинг ҳузурда сизлар биз учун қандай ихлосманд эканингизни эслатиш эди.

<sup>13</sup> Шу йўсин биз тасалли топдик. Бу топган тасаллимиздан ташқари, Титуснинг хурсандлиги бизни яна кўпроқ қувонтирди. Чунки ҳаммангиз унинг руҳини жуда кўтарибсизлар. <sup>14</sup> Мен унинг олдида сизларни мақтаган эдим ва уятга қолмадим. Сизларга ҳар нарса тўғрисида ҳақиқатни гапирар эдик, Титусни мақтаганимиз ҳам ҳақиқат бўлиб чиқди. <sup>15</sup> У ҳаммангизнинг итоаткорлигингизни, ўзини қандай ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қилганингизни хотирлар экан, унинг сизларга бўлган муҳаббати янада ўт олмоқда. <sup>16</sup> Сизларга ишончим комил, ана шундан хурсандман.

### Куддусдаги Масиҳ жамоати учун иона

**8** Энди биродарлар, Македония ўлкасидаги Масиҳ жамоатларига Худо кўрсатган иноят ҳақида сизларга билдириб қўймоқчимиз. <sup>2</sup> Улар оғир кулфатларга йўлиқиб, синовдан ўтган бўлсалар-да, жўшқин бир севинч намоён қилдилар, ўта камбағаллигига қарамай, самимий бир сахийлик кўрсатдилар. <sup>3</sup> Улар қўлларидан келганча, ҳатто имконларидан ҳам ортиқ хайр-эҳсон берганларига мен шоҳидман. <sup>4</sup> Улар Худо азизлари учун қилинадиган ёрдамда иштирок этишни биздан кўп ўтиниб сўрадилар. <sup>5</sup> Улар ҳатто умид қилганимиздан ҳам зиёдроқ қилдилар: ўзларини олдин Раббимизга, кейин, Худонинг иродаси билан, бизга бағишладилар.

<sup>6</sup> Титус бу хайрли ишни олдинроқ бошлагани учун, буни сизнинг орангизда битириши учун уни рағбатлантирдик. <sup>7</sup> Сизлар ҳамма нарсада мўлсиз – имонда, каломда, билимда, ғайрату тиришқоқликда, бизга қўйган меҳрингизда... Шундай экан, бу хайрли ишда ҳам мўл бўлинглар. <sup>8</sup> Буни буйруқ тариқасида эмас, балки бошқаларнинг ғайрати билан муқояса қилиб, севгингизнинг ҳақиқийлигини синаб кўриб гапиряпман. <sup>9</sup> Чунки сизлар Раббимиз Исо Масиҳнинг иноятини биласизлар: У бой бўла туриб, камбағаллигим туфайли бой бўлинглар, деб сизлар учун камбағаллашди.

<sup>10</sup> Бу ҳақда мен сизларга фойдали бўладиган шундай маслаҳат бераман: сизлар ўтган йили бу ишни бошлабгина қолмай, роса кўнгил қўйган эдингизлар. <sup>11</sup> Энди бу ишни охирига етказинглар, чин кўнгилдан, қўлингиздан келганича битиришга ҳаракат қилинглар. <sup>12</sup> Агар ғайрат бўлса, кимда нима йўқлигига қараб эмас, балки нима борлигига қараб қабул қилинади. <sup>13</sup> Бошқаларга енгиллик бўлиб, сизларга эса оғирлик тушмаслиги керак, аммо барибир тенглик бўлсин. <sup>14</sup> Ҳозирда сизлардаги барака улардаги етишмовчиликларни тўлдирсин, бошқа вақтда улардаги барака сизлардаги камчиликларни тўлдирсин, шу йўсин тенглик бўлсин. <sup>15</sup> *Тавротда* ёзилганидек: “Кўп тўплаганда ортиғи бўлмади, Оз тўплаганда ками бўлмади”.

### Титус Коринфга юбориляпти

<sup>16</sup> Сизлар учун Титуснинг дилига бундай ғайратни жо қилган Худога шукр! <sup>17</sup> Мен унга илтимос қилган бўлсам-да, у ўз хоҳиши ва зўр ғайрат билан сизнинг олдингизга бормоқчи бўлди. <sup>18</sup> У билан бирга бутун Масиҳ жамоатларида Инжил воизи деб мақталган бир биродарни ҳам юборяпмиз. <sup>19</sup> Жамоатлар айниқса бу хайрли ишда ёрдам қилсин, деб уни йўлдошимиз қилиб сайладилар. Биз бу ишни Раббимизни улуғлаш учун олиб боряпмиз, шу билан ўз иштиёқмандлигимизни кўрсатишга ҳам фурсат топяпмиз. <sup>20</sup> Бизга ишониб топширилган бу мўл эҳсонни йиғишда биров бизга таъна қилмасин деб эҳтиёт бўлмоқдамиз. <sup>21</sup> Биз Раббимиз олдидагина эмас, балки инсонлар олдида ҳам ҳалол бўлишга ҳаракат қиламиз.

<sup>22</sup> Демак, бир неча марта турли шароитда синалган ва ғайрати борлигини кўрсатган, энди эса сизларга ишончи комил бўлиб янада ғайратли бўлган бу биродаримизни бояги икки киши билан бирга юборяпмиз. <sup>23</sup> Титусга келганда, у менинг ўртоғим ва орангизда юмуш бажарадиган ҳамкоримдир. Бошқа биродарларимиз бўлса, Масиҳ жамоатларининг элчилари ва Масиҳнинг шон-шухратидирлар. <sup>24</sup> Шундай қилиб, жамоатлар олдида буларга муҳаббатингизни намоён қилиб, сизлар туфайли топган ифтихоримизнинг тўғрилигини исбот этинглар.

## Сахий бўлишга ундаш

9 Азизлар учун қилинадиган ёрдам ҳақида сизларга ёзиш мен учун ортиқчадир. <sup>2</sup> Чунки биламанки, ёрдам беришга тайёрсизлар, шунинг учун ҳам: “Ахая аҳолиси ўтган йилдан бери тайёр”, – деб Македония бўйлаб сизлар билан мақтаниб юрибман. Сизларнинг ғайратингиз туфайли кўплар ҳаракатга келди. <sup>3</sup> Энди сиз ҳақингизда мақтаниш беҳуда бўлиб чиқмасин ва худди айтганимдай, тайёр бўлинглар деб, биродарларни юборяпман. <sup>4</sup> Яна македонияликлар мен билан бирга бориб, сизларни тайёр бўлмаган ҳолда топсалар, биз уятга қолмайлик – айнан сизлар деб айтмаяпман; чунки биз шундай ишониб сизлар билан мақтаниб кўйганмиз, ахир. <sup>5</sup> Шунинг учун ваъда этилган ионаларни олдиндан тайёрласинлар деб, мен биродарларни ўзимдан аввал олдингизга юбориб, илтимос қилишни лозим кўрдим. Ионангиз ноҳақ солиқдай эмас, розилик билан тайёр бўлсин.

<sup>6</sup> Шуни унутмангки, қизганиб эккан қизганиб ўриб олади; мўл эккан эса мўл ўриб олади. <sup>7</sup> Ҳар ким норози бўлиб ёки мажбурият билан эмас, балки кўнглида ният этганини берсин. Чунки Худо рози бўлиб берувчини севади. <sup>8</sup> Сизлар ҳамма вақт ҳамма нарсага тўла қаноат ҳосил қилиб, турли хайрли ишларга бой бўлишингиз учун, Худо сизларни ҳар хил ноз-неъматлардан бой қилишга қодир. <sup>9</sup> *Забурда* ёзилганидек:

“Солиҳ кўлини очиб камбағалга садақа берар, Унинг солиҳлиги эса абадий турар” †.

<sup>10</sup> Деҳқонга уруғ ва еювчига нон берадиган Худо сизларнинг экканингизни ҳам мўл қилади, бу ҳимматингизни унумли қилади. <sup>11</sup> Сизлар янада сахий бўлиб, ҳар жиҳатдан бойиб кетасизлар, натижада биз туфайли Худога ҳамду санолар ошиб кетади.

<sup>12</sup> Бу муқаддас бурчнинг ижро бўлиши билан на фақат Худо азизларининг камчиликлари тўлдирилади, балки кўпчилик одамлар ҳам Худога кўпдан-кўп ташаккур айтишга сабаб топади.

<sup>13</sup> Чунки бу хайр-эҳсонингиз сизнинг Худога бўйсунганингиздан, шунингдек, Масиҳ Хушхабарига бўлган ихлосингиз ва самимий саховатингиздан далолатдир; одамлар буни кўриб, Худони улуғлайдилар. <sup>14</sup> Сизлар учун ибодат қилар эканлар, Худо сизга ортиғи билан иноят берганидан қувонишиб, сизларга кўнгил кўядилар. <sup>15</sup> Унинг ифодалашга тил ожиз ҳадяси учун Худога шукр!

## Ҳаворий Павлуснинг мудофааси

10 Мен, Павлус – шахсан орамизда бўлганда камтар, биздан узоқ бўлганда эса жасур, деб юришган мен, Павлус – Масиҳнинг мулоимлиги ва муруввати билан сизларга мурожаат қиламан.

† қаранг: *Забур* 111:9.

<sup>2</sup> Сиздан ўтиниб сўрайман, олдингизга келганимда, мени жасуруна ва баландпарвоз гапиришга мажбур қилманглар! Шуни айтай, бизни ўз башарий қобилияти билангина иш қияпти, деб ўйлаётганларнинг баъзиларига мен шундай жасоратни бемалол кўрсатарман. <sup>3</sup> Бизнинг ҳаётимиз бандалик бўлса ҳам, башарий куч билан жанг қилмаяпмиз. <sup>4</sup> Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз башарий эмас, балки қалъаларни яксон қилиш қудратига эга бўлган руҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати билан сафсаталарни барҳам берамиз, <sup>5</sup> Худо билимига қарши бош кўтарган ҳар қандай баланд иддаони қуритиб юборамиз. Ҳар қандай фикрни Масиҳга бўйсундириб асир қиламиз. <sup>6</sup> Ўзларингиз ҳам тўла бўйсунгандан кейин, биз ҳар хил итоатсизликни жазолашга тайёрмиз.

<sup>7</sup> Ташқи қиёфага қараяпсизларми? Агар ким Масиҳнинг умматиман, деб ўзига ишонса, ўз-ўзидан қиёс қилсин: у қандай Масиҳнинг уммати бўлса, бизлар ҳам худди шундай Масиҳнинг умматимиз. <sup>8</sup> Раббимиз бизга берган иқтидор ҳақида андак кўпроқ мақтансам ҳам, хижолат бўлмайман. Чунки бу иқтидор сизни хароб қилиш учун эмас, барпо қилиш учун берилган.

<sup>9</sup> Мактубларим билан сизларни гўё кўрқитаётган бўлиб кўринмайин. <sup>10</sup> Баъзилар: “У мактубларида талабчан ва кучли, лекин шахсан заиф ва сўзи ўтмас”, – деяптилар. <sup>11</sup> Бундай деювчилар шуни билсинки, биз узоқда, мактубларимизда қандай бўлсак, шахсан, ҳузурингизда ҳам шундаймиз.

<sup>12</sup> Биз ўзларини намоийш қилаётганларнинг баъзилари билан ўзимизни баробар тутишга ёки қиёс қилишга журъат этмаймиз. Улар ақлсизларча ўзларини ўзлари билан ўлчаб, ўзларига ўзлари меъёрдирлар. <sup>13</sup> Лекин биз эса чексиз-чегарасиз мақтанавермаймиз. Биз фақат Худо тақдир этган чегара ичида мақтанамиз. Бу чегара эса сизларгача етиб борган. <sup>14</sup> Биз гўё сизларнинг олдингизга бормагандай, ҳаддимиздан ошмаяпмиз, чунки Масиҳнинг Хушхабарини сизнинг олдингизгача етказганмиз. <sup>15</sup> Биз ҳаддан ташқари бошқаларнинг меҳнати билан ҳам мақтанмаяпмиз. Лекин имонингиз комил бўла борган сари, биз ўз чегарамиздан ошмай, орангиздаги нуфузимизни яна орттирамиз, деб умид қиламиз. <sup>16</sup> Шундай қилиб, бегона ерлардаги тайёр ишлар билан мақтанмай, сизлардан узоқроқ жойларда ҳам Хушхабарни тарғиб қилайлик. <sup>17</sup> Мақтанаман деган Раббимиз билан мақтансин. <sup>18</sup> Ўзи-ўзини мақтаган эмас, балки Раббимиз мақтаган киши мақбулдир.

## Сохта ҳаворийлар

11 Кошки менинг чандон бефаросатлик қилишимга бироз бўлса ҳам сабр қилсангизлар эди! Зотан сизлар менга сабр қиялпсизлар ҳам. <sup>2</sup> Мен сизларни Худонинг рашки

билан қизғанияпман, чунки сизларни бир пок бокира қизни ягона эрга никоҳлагандай, Масихга тақдим этдим. <sup>3</sup> Мабодо Момо Ҳавони илон ўзининг ҳийлагарлиги билан алдаганига ўхшаб, сизларнинг ўй-фикрингиз ҳам бузилиб, Масихга хос соддаликдан айрилиб қолмасангизлар, деган хавотирдаман. <sup>4</sup> Агар биров келиб, биз ваъз қилгандан бошқа бир Исони ваъз қилса, ё сизлар олган Рухдан бошқа бир руҳни олсангиз, ёки қабул қилган Инжилдан бошқа бир хушхабарни эшитсангиз, нақадар хуш қаршилайсизлар! <sup>5</sup> Мен ҳам ўша “олий ҳаворийлар”дан ҳеч бир нарсада қолишмайман, деб ўйлайман. <sup>6</sup> Мен нутқда моҳир бўлмасам ҳам, лекин билимда моҳирман. Бу хусусда биз сизларга тамоман очиқ ва аёнмиз.

<sup>7</sup> Мен сизларни юксалтириш учун ўзимни пасайтириб, Исонинг Хушхабарини сизларга текинга тарғиб қилиб, гуноҳ қилдиммикан? <sup>8</sup> Мен сизларга хизмат қилиш учун бошқа Масих жамоатларига чиқим келтириб, улардан маблағ олар эдим. Орангизда бўлиб, муҳтожликда қолганимда ҳам бировга ортиқча юк бўлмадим. <sup>9</sup> Чунки Македониядан келган биродарлар етишмовчиликларини тўлдирдилар. Мен ҳеч нарсада сизларга оғир бўлмасликка тиришган эдим ва тиришман ҳам. <sup>10</sup> Ўзимдаги Масихнинг ҳақиқати ҳақи деяпман: Ахая мамлакати бўйлаб ҳеч ким бу ифтихоримдан мени маҳрум қила олмайди. <sup>11</sup> Нима учун шундай муносабатда бўляпман? Сизларни севмаганимданмикан? Худо билади, ундай эмас!

<sup>12</sup> Биз билан тенг бўлишга интилаётган мақтанчоқларга йўл бермаслик учун, мен нима қилаётган бўлсам, келажакда ҳам қилавераман. <sup>13</sup> Бу каби одамлар – сохта ҳаворийлар, ҳийлакор хизматкорлардир, улар фақат Масихнинг ҳаворийлари қиёфасини оладилар. <sup>14</sup> Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки шайтоннинг ўзи ҳам нурли фариштанинг қиёфасини олади. <sup>15</sup> Демак, шайтоннинг хизматкорлари аҳли салоҳ қиёфасини олсалар, ажабланмаслик керак. Уларнинг оқибати қилмишларига яраша бўлади.

### Ҳаворий Павлус чеккан қайғулар

<sup>16</sup> Яна айтаман: бирор киши мени ақлсиз деб ўйламасин. Бордию шундай ўйласангиз, ҳеч бўлмаса ақлсиз каби қабул қилинганлар-чи, токи мен ҳам бироз мақтанай! <sup>17</sup> Бундай баландпарвозлик қилиб, мен Раббим гапиргандай эмас, балки ақлини йўқотган мақтанчоқдай гапирган бўламан. <sup>18</sup> Модомики, кўпчилик ўзларининг инсоний фазилатлари билан мақтанаётган экан, майли мен ҳам мақтанавераман. <sup>19</sup> Сиз, ақллилар, ақлсизларга жон деб тоқат қиласизлар. <sup>20</sup> Чиндан ҳам агар бирор киши сизни асоратга солса, ҳақингизни еса, талон-тарож қилса, ўзини катта тутса, юзингизга тарсаки урса, сизлар бунга чидайсизлар.

<sup>21</sup> Хижолатлик билан айтаманки, бизда бундай ишларга дармон етмас эди!

Шундай қилиб, агар бирор киши бирон нарсада мақтанмоққа журъат қилса – ўзимни ақлсизликка солиб айтяпман – унда мен ҳам журъат этаман. <sup>22</sup> Улар яҳудийми? – Мен ҳам яҳудийман. Улар исроилликми? – Мен ҳам исроилликман. Улар Иброҳим наслими? – Мен ҳам Иброҳим наслиман. <sup>23</sup> Улар Масихнинг хизматкорларими? – Мен бефаросатлик қилиб айтяпманки, уларнинг ҳаммасидан устунман! Заҳмат десангиз, мен улардан кўпроқ заҳмат чекдим. Зиндон десангиз, улардан кўпроқ зиндонда ётдим. Зарба десангиз, мен ҳаддан ташқари зарба едим, ҳатто кўп марта ўлимга яқин юрдим. <sup>24</sup> Яҳудийлар томонидан беш дафъа бир кам қирқтадан қамчи едим. <sup>25</sup> Уч дафъа таёқ билан саваладилар, бир дафъа тошбўрон қилдилар, уч дафъа кемада ҳалокатга учрадим, бир кечаю кундузни денгиз бағрида ўтказдим. <sup>26</sup> Кўп дафъа саёҳатларга чиқдим. Дарёларда таҳликада қолдим, қароқчилардан таҳликада қолдим, ўз қондошларимдан ҳам, мажусийлардан ҳам таҳликага тушдим. Шаҳарда таҳлика, ёвонда таҳлика, денгизда таҳлика, сохта биродарлар орасида таҳлика! <sup>27</sup> Меҳнат ва машаққат остида, кўп дафъа уйқусизликда, очлик ва ташналикда, кўп рўза тутиш азобларида қолдим, совуқ ҳавода яланғоч юрдим.

<sup>28</sup> Ташқи ҳодисалардан бошқа ҳар куни одамлар йиғилиб келади, бутун Масих жамоатлари ҳақида ҳам ғамхўрлик қиламан. <sup>29</sup> Қайси дармонсизлар билан мен толиқмаган эдим?! Қайси васвасага тушганлар учун юрагим ёнмаган эди?! <sup>30</sup> Агар мақтаниш менга лозим бўлса, ўз заифлигим билан мақтанаман.

<sup>31</sup> Абадий ҳамд-саного муносиб Худо, Раббимиз Исо Масихнинг Отаси биладики, мен ёлғон гапирмаяпман. <sup>32</sup> Мана, Дамашқда подшо Аретаснинг вилоят ҳокими мени тутиш учун Дамашқ шаҳрини назорат остига олган эди. Аммо мени сават ичида девордаги деразадан туширишди ва мен унинг қўлидан қочиб қутулдим †.

### Ҳаворий Павлусга келган ваҳийлар

**12** Менинг мақтанишим ҳеч ҳам муносиб эмас, чунки энди Раббим менга аён қилган нарсаларга ва ваҳийларга келаман. <sup>2</sup> Масихга қарашли бир одамни биламан. Ўн тўрт йил олдин – баданда эдими, бадандан ташқарида эдими, билмайман, Худо билади – у одам ердан учинчи осмонга қадар кўтарилди. <sup>3</sup> Ҳа, бу одам ҳақида шуни биламанки, – яна баданда эдими, бадандан ташқарида эдими, билмайман, Худо билади, – <sup>4</sup> у жаннатга кўтарилди ва инсонга гапириш мумкин бўлмаган, тилга олиб бўлмас сўзлар эшитди. <sup>5</sup> Бундай бир одам билан мақтансам бўлади. Лекин

† айнан қаранг: Ҳаворийлар 9:24-25.

Ўзим ҳақимда бўлса, заифликларимдан бошқа ҳеч нарса билан мақтана олмайман. <sup>6</sup> Шу билан бирга, агар мақтанаман десам, ақлсиз бўлмайман, чунки ҳақиқатни гапирган бўламан. Фақат бирор киши мен ҳақимда ўзимда кўрган ёки эшитгандан ортиқ фикр қилмасин, деб ўзимни тутиб турибман.

<sup>7</sup> Менга келган одатдан ташқари ажойиб ваҳийлардан ўзимни ҳаммадан юқори тутмаслигим ва кибрланиб кетмаслигим учун, менинг баданимга бир ниш, мени ниқталайверадиган бир шайтон элчиси берилди.

<sup>8</sup> Буни мендан йироқлаштиргин деб, уч марта Раббимга ёлвордим. <sup>9</sup> Аммо Раббим менга шундай деди: “Сенга берган иноятим етар, Менинг қудратим заифликда тугал бўлади”. Шунинг учун, Масихнинг қудрати менда амал қилсин деб, янада кўпроқ, бажонидил ўз заифликларим билан мақтанаман. <sup>10</sup> Шу сабабдан Масих учун заифликларга, озорларга, муҳтожликларга, таъқиб ва сиқувларга йўлиққанымда, қаноат қиламан. Чунки заиф бўлсам, қудратим ошар экан.

<sup>11</sup> Мен мақтаниб, ақлсиз каби бўлдим. Аммо мени бунга сизлар мажбур этдингизлар-ку. Сизлар мени мадҳ қилишингиз лозим эди. Бордию мен ҳеч ким бўлмасам ҳам, ўша “олий ҳаворийлар”дан ҳеч кам эмасман. <sup>12</sup> Ҳаворийлигим моҳияти сизларнинг орангизда тугал сабр-қаноат билан, ажойиб ва қудратли мўъжизалар орқали исботлаб берилган-ку! <sup>13</sup> Ўзга Масих жамоатларидан сизларнинг нимангиз қолишар экан? Бордию, биргина сизларга менинг оғирлигим тушмаганини айтсам... Айбим учун мени кечиринглар!

### Коринфликлар учун қайғуриш

<sup>14</sup> Мана, учинчи дафъа олдингизга боришга тайёрману, сизларга ҳеч оғирлигимни туширмайман. Чунки қўлингиздагини эмас, ўзларингизни истайман. Зотан фарзандлар ота-оналарига эмас, балки ота-оналар фарзандларига мол-мулк жамғаришлари лозим. <sup>15</sup> Мен эса кўп мамнуният билан мол-мулкимнигина эмас, ўз жонимни ҳам сизларнинг жонларингиз учун сарфлайман. Мен сизларни ҳаддан ташқари севар эканман, сизлар мени камроқ севишингиз тўғри бўладими?

<sup>16</sup> Масалан, айтайлик, мен сизларга оғирлигимни туширмаган бўлсам-да, лекин алдаб, ҳийла билан сизлардан олган эканман. <sup>17</sup> Бироқ юборган одамларим орқали сизлардан бирор манфаат кўрдиммикан? <sup>18</sup> Титусдан илтимос қилиб, бошқа биродаримизни ҳам у билан бирга олдингизга юборганимда, Титус сизлардан фойдаландимикан? Бизлар бир руҳда фаолият кўрсатмаган эдикми? Бир йўлда юрмаган эдикми?

<sup>19</sup> Биз сизларнинг олдингизда ўзимизни оқламоқчимиз, деб фикр қилмаяпсизларми ҳали? Йўқ, Масих ҳақи Худонинг ҳузурида гапиряпмиз: эй севганларим, биз фақат ибрат олишингиз учун

бундай ҳаракат қиляпмиз. <sup>20</sup> Мен ёнингизга келганимда, мабодо сизларни ёқимсиз аҳволда топарман, сизлар эса мени ёқимсиз аҳволда топарсиз, деб кўрқаман. Мабодо келсаму, жанжал, ҳасадгўйлик, ғазабноклик, талаш-тортиш, бўҳтон, ғийбат, манманлик, тартибсизлик кўраманми, деган хавотирдаман. <sup>21</sup> Бордию яна ёнингизга келганимда, кўпчилик бурун қилган гуноҳлари – ҳаром-ҳаришлик, фаҳшбозлик, шалоқликдан тавба қилмаган бўлса, Худойим мени олдингизда ерга урмасин, сизлар учун мотам тутиб йиғламайин.

### Сўнги панд-насиҳат ва салом

**13** Мен энди учинчи дафъа ёнингизга боряпман. Ахир, *Тавротда ёзилганидек*: “Икки ёки уч шоҳиднинг ҳар қандай гувоҳлиги қатъий бўлади”. <sup>2</sup> Шундай қилиб, мен иккинчи дафъа ёнингизда бўлганимда огоҳлантирган эдим. Энди эса ғойиб бўлсам ҳам, ёзиб огоҳлантиряпманки, агар яна олдингизга борсам, олдин гуноҳ қилган одамларнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳеч бирини аямайман. <sup>3</sup> Сизлар-ку мен орқали Масих сўзлашига далил изляяпсизлар. Мана, Масих сизларга нисбатан заиф эмас, У орангизда Ўз қудратини намойиш қилмоқда. <sup>4</sup> Гарчи У заифлик ҳолатида хочга михланган бўлса-да, Худонинг қудрати туфайли тирикдир. Шунга ўхшаб, биз Масихнинг заифлигига шерик бўлсак ҳам, сизларни деб Худонинг қудрати туфайли Масихнинг ҳаётига ҳам шерикмиз.

<sup>5</sup> Ўз-ўзингизни текширинглар: имонда турибсизларми? Ўзингизни синаб кўринглар: Исо Масих ичингизда эканини билмаяпсизларми? Билмасангизлар, мақбул эмассизлар. <sup>6</sup> Биз эса номақбул эмаслигимизни биласизлар, деб умид қиламан. <sup>7</sup> Сизлар ёмон иш қилмаслигингизни Худодан тилаймиз. Мақсадимиз ўзимизни мақбул деб кўрсатиш эмас. Аксинча, бордию биз мақбул кўринмасак ҳам, сизлар яхши иш қилсангиз бўлди. <sup>8</sup> Зотан ҳақиқатга қарши туришга кучимиз етмайди, ҳақиқат йўлида эса куч-қувватлимиз. <sup>9</sup> Бизлар заиф, сизлар эса қувватли бўлганингиздан севинамиз. Зотан, тилагимиз сизларнинг комил бўлишингиздир. <sup>10</sup> Шунинг учун мен ҳали келмай туриб, шуларни ёзаяпман, токи келганимда Раббим менга берган иқтидор билан қаттиқ чораларни ишга солмайин. Мен бу иқтидорни хароб қилиш учун эмас, барпо қилиш учун олганман.

<sup>11</sup> Шундай қилиб, биродарларим, яхши қолинглар. Комил бўлишга ғайрат қилинглар. Панд-насиҳатга қулоқ солинглар. Ўзаро ҳамфикр бўлинглар, тинчликни сақланглар. Шунда севги ва тинчлик берган Худо сизлар билан бўлади.

<sup>12</sup> Муқаддас ўпич билан саломлашинглар. Худонинг барча азизлари сизларга салом йўллаяптилар.

<sup>13</sup> Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти, Отамиз  
Худонинг севгиси ва Муқаддас Руҳнинг ҳамроҳлиги  
ҳаммангизга ёр бўлсин! Омин.

**МАКТУБИ**

# ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА

## МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Инсонлар томонидан эмас, инсон орқали ҳам эмас, балки Исо Масих ва Уни тирилтирган Отамиз Худо томонидан ҳаворий қилиб тайинланган мен – Павлус, <sup>2</sup> шунингдек, мен билан бирга бўлган ҳамма биродарлар Галатия <sup>†</sup> ўлкасидаги Масих жамоатларига салом йўллаймиз. <sup>3</sup> Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ила тинчлик бўлсин. <sup>4</sup> Исо Масих бизни ҳозирги ёвуз асрдан қутқармоқчи бўлиб, гуноҳларимиз учун Ўзини фидо қилди, шу йўсин Отамиз Худонинг иродасини адо этди. <sup>5</sup> Унга абадулабад шон-шарафлар бўлсин! Омин.

### Инжил – ягона

<sup>6</sup> Ҳайронман, сизлар қанчалик тез Масихнинг иноятли даъватидан юз ўгириб, бошқа бир “Инжил”га сажда қилдингизлар! <sup>7</sup> Аслида бошқа Инжил йўқ. Фақат баъзилар сизларни чалғитиб, Масих Хушхабарини бузиб кўрсатишни хоҳлайдилар. <sup>8</sup> Бордию биз ёки ҳатто осмондан бирор фаришта келиб, ўзимиз сизларга ўргатган Инжилдан бошқа бир “хушхабар” келтирса, лаънати бўлсин. <sup>9</sup> Биз олдин ҳам айтган эдик, ҳозир яна айтяпман: агар кимки сизлар қабул қилган Инжилга зид бўлган хабарни тарғиб этса, лаънати бўлсин!

<sup>10</sup> Энди мен инсонлардан мақтов излаяпманми, ёки Худоданми? Наҳотки инсонларга ёқмоқчи бўлсам? Агар мен ҳали ҳам инсонларга ёқмоқчи бўлганимда эди, Масихнинг қули бўлолмас эдим!

### Павлус ҳаворийлар қаторига киради

<sup>11</sup> Эй биродарлар, сизларга эълон қилмоқдаман: мен тарғиб этаётган Инжил инсон ижоди эмас. <sup>12</sup> Чунки мен уни инсондан қабул қилмаганман ва ҳеч кимдан таълим олмаганман; балки Исо Масихдан ваҳий олганман.

<sup>13</sup> Менинг яҳудий динида кечган илгариги ҳаётим ҳақида эшитгансизлар; Худонинг умматига ҳаддан ташқари жабр-зулм қилиб, уни вайрон қилар эдим.

<sup>†</sup> ГАЛАТИЯ: Рим империясидаги вилоят, ҳозирги Туркиянинг шимолида жойлашган; қаранг: Ҳаворийлар 16:6, 18:23.

<sup>14</sup> Қавмимдан бўлган кўп тенгдошларимга қараганда, яҳудийликда хийла муваффақият қозонган эдим, ота-боболарим урф-одатларига ўта жонкуяр эдим. <sup>15</sup> Аммо Худо мурувват қилиб, онам қорнидаёқ мени танлаган, Ўз инояти билан мени даъват этган эди. <sup>16</sup> Мен дунё халқлари орасида Худо Ўғлининг Хушхабарини тарғиб қилишим учун, Худо Ўз вақтида Ўғлини менга зоҳир қилди. Шунда мен дарҳол одамзод билан маслаҳатлашмадим, <sup>17</sup> ўзимдан илғор ҳаворийларни кўргани Қуддусга бормадим. Балки Арабистонга кетиб, кейин яна Дамашққа қайтдим.

<sup>18</sup> Сўнгра, уч йилдан кейин, Бутрус билан танишмоқ учун Қуддусга бордим ва унинг ёнида ўн беш кун бўлдим. <sup>19</sup> Лекин Раббимиз Исонинг укаси Ёқубдан <sup>††</sup> бошқа ҳаворийларнинг ҳеч бирини кўрмадим. <sup>20</sup> Мен сизларга нима ёзаётган бўлсам, Худо шоҳид, ёлғон эмас.

<sup>21</sup> Ундан сўнг Сурия ва Киликия мамлакатларига бордим. <sup>22</sup> Яҳудия ўлкасидаги Масих жамоатлари эса мени шахсан танимас эдилар. <sup>23</sup> Улар фақат: у бир вақтлар бизларга жабр-зулм қилиб юрган киши эди, энди илгари илдизи билан қуритмоқчи бўлган имонни ўзи тарғиб қилмоқда, деган гапларни эшитар, <sup>24</sup> мен учун Худони улуғлар эдилар.

### Бошқа ҳаворийлар Павлусни қабул қилади

**2** Кейинроқ, ўн тўрт йил ўтгандан сўнг, Барнабо билан бирга яна Қуддусга бордим, Титусни ҳам ёнимга олдим <sup>‡</sup>. <sup>2</sup> У ерга ваҳий орқали бордим. Мен кўрсатган жаҳду жадалим пучга чиқмасин, деб кўрқиб, уларнинг алоҳида эътиборли одамлари билан кўришдим, мажусийлар <sup>††</sup> орасида ўзим тарғиб қилаётган Хушхабарнинг моҳиятини уларга баён этдим. <sup>3</sup> Улар эса ҳатто ҳамроҳим Титусни, юнон бўлишига қарамай, хатна бўлишга мажбур этишмади. <sup>4</sup> Фақат баъзи сохта биродарлар лип этиб орамизга суқилиб киришган эди. Улар бизга Исо Масих ато этган озодликни кўролмай, бизни яна қул қилмоқчи эдилар. <sup>5</sup> Биз эса Хушхабарнинг

<sup>††</sup> ЁҚУБ: Исонинг укаларидан бири, кейинчалик Қуддусдаги Масих жамоатига бош бўлган; яна қаранг: Марк 6:3, Ҳаворийлар 12:17, 15:13. <sup>‡</sup> қаранг: Ҳаворийлар 15-боб. <sup>††</sup> МАЖУСИЙЛАР: луғатга қаранг.



ҳақиқати сизлар билан абадий бўлсин деб, бир дам ҳам уларга ён бермадик.

<sup>6</sup> Кимлар томонидандир эътиборли ҳисобланган одамларга келганда (улар бир вақтлар қандай бўлган бўлсалар, менга бари бир, Худо инсонга юзхотир қилмайди), шуни айтай, ўша эътиборлилар менинг зиммамга бошқа ҳеч нарса юкламадилар. <sup>7</sup> Аксинча, улар Хушхабар Бутрусга аҳли суннат <sup>†</sup> учун берилганини билиб, мен энди шу мақсадда суннатсизлар <sup>††</sup> олдига юборилганимни тан олдилар. <sup>8</sup> Ахир, Худо аҳли суннатга ҳаворийлик қилаётган Бутрусда ҳам, мажусийларга ҳаворийлик қилаётган менда ҳам амал қилиб келмоқда. <sup>9</sup> Шундай қилиб, имонлилар жамоатининг устунлари ҳисобланган Ёқуб, Кифа <sup>‡</sup> ва Юҳанно Худо менга бу иш учун алоҳида иноят берганига ишонч ҳосил қилдилар. Улар биз мажусийларнинг олдига кетайлик, қолганлар эса аҳли суннатнинг олдига кетсин, деб келишдилар ва мен билан Барнабога бирдамлик қўлини бердилар. <sup>10</sup> Улар фақат биз камбағалларни эсдан чиқармаслигимизни илтимос қилдилар, буни шахсан мен бажо келтиришга жон куйдирдим.

### Яҳудийлик ва Илоҳий Қонун

<sup>11</sup> Бутрус Антиохия шаҳрига келганда, унинг хатолигини юзига айтиб фош қилдим. <sup>12</sup> Чунки Қуддусдан, Ёқубнинг ёнидан баъзи одамлар келишидан аввал Бутрус мажусийлар билан бирга еб-ичиб юрган эди. Аммо у одамлар келгач, суннатчилардан <sup>††</sup> хавотирланиб, ўзини четга олди ва мажусийлар билан алоқани узди. <sup>13</sup> Шунда бошқа яҳудийлар ҳам Бутрусга ўхшаб риёкорлик қилишди, ҳатто Барнабо ҳам улар риёкорлигининг қурбони бўлди. <sup>14</sup> Мен эса улар Инжил ҳақиқати бўйича ҳаракат қилишмаётганини кўриб, ҳаммага эшиттириб Бутрусга: “Агар сен яҳудий бўла туриб, яҳудийлар каби эмас, мажусийлар каби яшаётган бўлсанг, қандай қилиб мажусийларни яҳудийлашмоққа мажбур этяпсан?” – дедим.

<sup>15</sup> Тўғри, бизлар асл яҳудиймиз, мажусийлар сингари гуноҳкор эмасмиз. <sup>16</sup> Лекин шуни биламизки, Худо Илоҳий Қонунга амал қилган кишини эмас, Исо Масихга ишонган кишини оқлайди. Шунинг учун бизлар ҳам Илоҳий Қонунга амал қилиш билан эмас, Масихга ишониб билангина оқланамиз, деб Исо Масихга қаттиқ ишонганмиз. Ҳеч ким Илоҳий Қонунга амал қилиб, Худо олдида ўзини оқлаёлмайди.

<sup>17</sup> Бундан кўринадики, Масих орқали оқланишни излаган ўзимиз ҳам ҳамма одам қатори гуноҳкор бўлиб чиқдик. У ҳолда, Масих гуноҳ йўлининг ҳомийси экан-да? – Асло! <sup>18</sup> Агар мен ўзим қулатган қонун-қоидалар биносини қайтадан қуришга

<sup>†</sup> АҲЛИ СУННАТ: яҳудийлар. <sup>††</sup> СУННАТСИЗЛАР: ғайрияҳудийлар; яна қаранг: Римликлар 3:28-30, 4-боб. <sup>‡</sup> КИФА: Симун Бутруснинг янги исми; қаранг: Матто 16:18, Юҳанно 1:42. <sup>†††</sup> СУННАТЧИЛАР: луғатга қаранг.

киришсам, унда мен ўзимнинг қонунбузар эканимни кўрсатган бўламан. <sup>19</sup> Бироқ энди мен Худо учун яшай деб, Қонун олдида ўлганман, ҳа, Қонун ўзи мени ўлдирди <sup>‡‡</sup>. Мен Масих билан бирга хочга михлаб қўйилганман. <sup>20</sup> Энди яшаётган мен эмас, балки Масих менинг ичимда яшайпти. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун ўзини фидо қилган Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайпман. <sup>21</sup> Мен Худонинг иноятини инкор қилмайман. Агар Илоҳий Қонунга амал қилиш билан оқланиш мумкин бўлганда эди, у ҳолда Масих беҳуда ўлган бўларди.

### Илоҳий Қонун ва имон

**3** Эй бефаҳм галатияликлар! Ҳақиқатга бўйсунмаслик учун сизларни ким сеҳрлаб қўйди? Сизларнинг кўз ўнгингизда Исо Масихнинг хочга михлаб қўйилгани аниқ тасвир этилмаганмиди? <sup>2</sup> Сизлардан бир нарсанигина билмоқчиман, сизлар Муқаддас Рухни қандай қабул қилдингизлар: Таврот Қонунига амал қилиш биланми ёки имон тўғрисидаги хабарни эшитиш биланми? <sup>3</sup> Сизлар шунчалик фаҳмсизмисизлар? Муқаддас Рух кучи билан бошлаб, энди ўзингизнинг башарий кучингиз билан битирмоқчимисизлар? <sup>4</sup> Бекорга шунча синовлардан ўтдингизларми? Ҳақиқатан ҳам бекорга эдимиз? <sup>5</sup> Худо сизларга Ўз Рухини бахш этиб, орангизда ажойиб мўъжизалар яратмоқда. У буни Қонунга амал қилганингиз учун қиялпими ёки эшитганларингизга имон келтирганингиз учунми?

### Иброҳим пайғамбарнинг ибратли имони

<sup>6</sup> Иброҳим пайғамбардан ибрат олайлик: У Худога ишонди ва шунинг учун оқланди. <sup>7</sup> Шундан билинларки, ким имонга эга бўлса, у Иброҳимнинг ўғли саналади. <sup>8</sup> Худо Иброҳимга: “Бутун халқлар сендан барака топажаклар” <sup>‡‡‡</sup> деб, унга даставвал Хушхабар келтирган эди. Тавротнинг ана шу ояти аниқ кўрсатадики, Худо инсонни миллатига қарамай, имони туфайли оқлайди. <sup>9</sup> Имон соҳиби Иброҳим пайғамбарга шундай эргашган ҳамма аҳли имон худди Иброҳимдай Худо раҳматига эришади.

<sup>10</sup> Илоҳий Қонунга амал қилдим, деб ўзини оқламоқчи бўлган барча кишилар лаънат остидадилар. Чунки Тавротда шундай ёзилган: “Қонун китобининг ҳар бир моддасига қаттиқ риоя қилмайдиган барча лаънати бўлади”. <sup>11</sup> Шундай экан, Илоҳий Қонунга амал қилиш билан ҳеч ким Худо олдида ўзини оқлаёлмаслиги аниқдир. *Тавротда ёзилганидек*: “Имони билан оқланган киши яшайверади”. <sup>12</sup> Қонунга амал қилиш эса имонга боғлиқ эмас, аксинча, *Тавротда*: “Бу

<sup>‡‡</sup> ЎЛДИРДИ: яна қаранг: Римликлар 7:1-6. <sup>‡‡‡</sup> қаранг: Ибтидо 12:3, 18:18, 22:18, Ҳаворийлар 3:25.

буйруқларни бажо келтирган киши шу билан яшайверади”, деб ёзилган.

<sup>13</sup> Масих эса биз учун лаънатланиб, бизни Қонун лаънатидан халос қилди, худди Тавротда ёзилганидек: “Ёғочга осилган ҳар бир киши лаънатидир”. <sup>14</sup> Шу йўсин Худо Иброҳимга ваъда қилган қут-баракалар Исо Масих орқали мажусийларга ҳам насиб этди, биз имонимиз туфайли Худо ваъда берган Муқаддас Рухни қабул қилдик.

### Илоҳий Қонун ва Худонинг ваъдаси

<sup>15</sup> Биродарлар! Одамлар ҳаётдан бир мисол келтирай: одам қилган васиятни ҳеч ким бекор қилолмайди ва унга қўшолмайди. <sup>16</sup> Худонинг Иброҳим ва унинг зотига берган улуғ ваъдалари бундан кам эмас. Худо Иброҳимга: “Сенинг зотларингга бераман” деб, кўпчилик ҳақида гапирмади, аксинча: “Сенинг зотингга бераман” деб, битта кишини, яъни Масихни кўзда тутди.

<sup>17</sup> Шуни айтмоқчиманки, Илоҳий Қонун Иброҳимдан тўрт юз ўттиз йил кейин пайдо бўлган бўлса-да, Худонинг Иброҳим билан олдинроқ тасдиқлаган аҳдини ўртадан кўтармади, Худонинг Масих ҳақида берган ваъдасини бекор қилмади.

<sup>18</sup> Агар мерос † Қонунга амал қилиш шарт билан берилганда эди, ваъда бекорга чиққан бўлур эди. Аммо Худо меросни Иброҳимга ваъда бўйича ато қилди.

<sup>19</sup> У ҳолда Илоҳий Қонун нима учун берилган? Илоҳий Қонун гуноҳкорлигимизни очиқ кўрсатиш учун, илоҳий ваъдага қўшимча қилиб берилган. Ваъдани олган Иброҳим Зоти келмагунча, бу Қонун жорий бўлиши керак эди. Илоҳий Қонун фаришталар орқали берилган, воситачи † эса уни халққа эълон қилган. <sup>20</sup> Ваҳоланки, битта одам иш қилганда, воситачи керак бўлмайди. Худо эса биттадир.

### Илоҳий Қонуннинг ғояси

<sup>21</sup> Демак, Илоҳий Қонун Худонинг ваъдаларига зидми? – Асло! Агар *абдий* ҳаёт ато қилишга қодир бир Қонун берилган бўлса эди, унда шубҳасиз Қонунга амал қилиш билан оқланса бўлар эди.

<sup>22</sup> Аммо Муқаддас Китоб бутун борлиқни гуноҳнинг ҳокимияти остида деб эълон қилган. Демак, илоҳий ваъда фақат Исо Масихга ишониларга орқали рўёбга чиқади ва барча имонлиларга насиб этади.

<sup>23</sup> Бўлғуси имон пайдо бўлишидан аввал, биз бу имоннинг ваҳий қилинишини кутиб турган тутқунлардай эдик, Илоҳий Қонун назорати остида қамаб қўйилган эдик. <sup>24</sup> Бошқача айтганда, биз имон билан оқланишни кутар эканмиз, Қонун Масихга бошловчи мураббийимиз бўлган. <sup>25</sup> Лекин

† МЕРОС: Худо Иброҳимга ваъда қилган мамлакат ва унинг баракалари (қаранг: *Ибтидо* 12-боб, *Римликлар* 4-боб); *абдий меросимиз* – жаннат саодати рамзидир †† ВОСИТАЧИ: яъни Илоҳий Қонунни қабул қилган Мусо пайғамбар.

имон пайдо бўлганидан сўнг, биз энди Қонуннинг тарбиясида эмасмиз.

<sup>26</sup> Шундай қилиб, сизлар, Исо Масихга ишонган ҳамма, Худонинг ўғилларисизлар. <sup>27</sup> Сизлар Масихни тан олиб, сувда имон келтирдингизлар ва ҳар бирингиз Масихни кийиб олдингизлар ‡.

<sup>28</sup> Энди на яҳудий бор, на юноний, на кул бор, на озод, на эркак бор, на аёл. Сиз Исо Масих уммати бўлганингиз учун, ҳаммангиз бирсизлар. <sup>29</sup> Агар Масихники бўлсангизлар, у ҳолда Иброҳимнинг ҳам зурриётисизлар, шунингдек, Худо Иброҳимга ваъда қилган меросдан баҳрамандсизлар.

### Биз кул эмас, ўғилу ворисмиз

**4** Яна шуни айтайин: меросхўр ҳали ёш бола экан, гарчи у ҳамма нарсанинг хўжайини бўлса ҳам, кулдан ҳеч фарқ қилмайди. <sup>2</sup> У отаси белгилаган фурсатгача васий ва уй-рўзғор бошқарувчи хизматкорга бўйсунди.

<sup>3</sup> Бизлар ҳам худди бунга ўхшаб, болалик чоғимизда дунёнинг хурофий кучларига кул эдик. <sup>4</sup> Лекин замона охирлаб қолганда, Худо Ўз Ўғлини юборди. У хотиндан туғилиб, Қонунга бўйсуниб юрди, <sup>5</sup> токи бизни Қонунга кул бўлишдан қутқарсин ва ўғилликка қабул қилсин. <sup>6</sup> Энди сизлар Худога ўғил бўлгандан кейин, Худо Ўз Ўғли Исонинг Рухини юракларингизга юборди. Бу Рухдан руҳланиб, биз Худони азиз Ота †† деб чақирамиз. <sup>7</sup> Демак, сен бошқа кул эмассан, балки ўғилсан. Ўғил бўлганинг учун, Худо Исо Масих шарофати билан сени ворис ‡† деб ҳам қабул қилган.

### Павлуснинг галатияликлардан ташвишланиши

<sup>8</sup> Ўтмишда сизлар Худони билмай, аслан худо бўлмаган кучларга кул бўлгансизлар. <sup>9</sup> Энди эса Худони таниб-билиб олдингизлар, яна тўғриси, Худо тарафидан таниб-билиндингизлар. Шундай экан, қандай қилиб яна ўша кучсиз ва қадрсиз хурофотларга қайтасизлар? Янгитдан кулликка берилмоқчимисизлар? <sup>10</sup> Сизлар алоҳида кун, ой, фасл ва йилларни мушоҳада қиляпсизлар.

<sup>11</sup> Наҳотки сизлар учун шунча беҳуда заҳмат чеккан бўлсам, деб хавотирланяпман.

<sup>12</sup> Эй биродарлар, сизлардан илтимос қиламан, мендай бўлинглар, чунки мен ҳам сизлардай бўлган эдим. Сизлар менга ҳеч ҳам озор бермас эдингизлар. <sup>13</sup> Эсингиздан чиқмасин, мен сизларга Хушxabарни биринчи марта билдирганимда, жисман ожиз эдим. <sup>14</sup> Ожизлигим сизлар учун бир

‡ МАСИХНИ КИЙИБ ОЛДИНГИЗЛАР: яъни янги, пок либос кийгандек, Масихни поклигингиз, зеб-зийнатингиз қилиб қабул қилдингизлар; яна қаранг: *Римликлар* 6:3-4 ва 13:14, *Колосаликлар* 3:9-10. †† АЗИЗ ОТА: аслида “Абба, Ота” (Абба арабий тилида “севиқли Ота” демақдир); яна қаранг: *Римликлар* 8:15-17. ‡† ВОРИС: самовий Отамиз бизни ўғилларим деб, абдий хузур-ҳаловатдан баҳраманд қилишини билдиради; яна қаранг: *Римликлар* 8:14-17; 1-Юҳанно 3-боб.

синов бўлгани ҳолда, мендан жирканмай, силтаб юбормадингизлар, балки мени Худонинг фариштасидай, Исо Масиҳ каби қабул қилдингизлар. <sup>15</sup> Қани энди сизнинг ўша пайтдаги бахтиёрлигингиз? Ўзим сизларга шоҳидман: агар бу мумкин бўлса эди, ўша пайтда сиз ўз кўзларингизни суғуриб олиб, менга беришга тайёр эдингизлар! <sup>16</sup> Энди мен сизларга ҳақиқатни айтиб, душманингиз бўлдимми?

<sup>17</sup> Сизларни қўлга олиш учун ҳаракат қилаётганларнинг нияти яхши эмас. Улар сизларни қойил қолдириб, биздан ажратиб олмоқчилар.

<sup>18</sup> Ният холис бўлса, қойил иш яхшидир. Фақат бу мен сизларнинг ёнингизда ҳозир бўлганимдагина эмас, балки доимо шундай бўлмоғи лозим.

<sup>19</sup> Болаларим, Масиҳ сизларда гавдаланмагунча, мен сизларни янгитдан туғаетгандай, тўлғоқ азобидаман. <sup>20</sup> Мен ҳозир ёнингизда бўлиб, гапимнинг оҳангини ўзгартирмоқчи эдим, чунки сизларни нима қиларимни билмай, эсанкираяпман.

### Ҳожар биби ва Соро биби мисоли

<sup>21</sup> Эй сизлар, Қонун бандалари бўлишни истаганлар, менга айтинглари-чи, наҳот сиз Қонунга † қулоқ солмайсизлар? <sup>22</sup> Мана Қонунда: Иброҳим икки ўғилли бўлган, бири чўридан, бошқаси озод, ўз хотинидан эди, деб ёзилган. <sup>23</sup> Чўрисиники табиат қоидаларига биноан, озод хотининики эса илоҳий ваъдага биноан туғилган эди. <sup>24</sup> Бунда рамзий маъно бор. Икки она икки аҳдни билдиради: биринчиси, қуллар туғадиган Ҳожар биби – Худо Синай тоғида қилган аҳднинг †† рамзидир. <sup>25</sup> Ҳожар сўзи Арабистондаги Синай тоғини билдирса-да, ҳозирги Қуддуснинг рамзидир; чунки Қуддус ва унинг болалари ҳозир қул бўлиб хизмат қилмоқдалар. <sup>26</sup> Бироқ кўкдаги Қуддус ‡ эса озоддир: у бизларнинг ҳаммамизга она. <sup>27</sup> Мана, Тавротда бундай ёзилган:

“Эй туғмайдиган, наслсиз аёл, шод бўлгил!

Қувончларга тўлиб хитоб қилгил,

Эй тўлғоқ азобин чекмаган!

Зеро никоҳли аёлнинг ўғилларидан кўра, Ташлаб кетилганнинг ўғиллари кўп бўлди”.

<sup>28</sup> Биз эса, биродарлар, Исҳоққа ўхшаб, илоҳий ваъда бўйича туғилган ўғиллармиз. <sup>29</sup> Ўша вақтда табиий йўл билан туғилган *Исмоил* илоҳий ваъда бўйича туғилган Исҳоққа зулм этди. Ҳозир ҳам худди шундай. <sup>30</sup> Аммо Тавротда нима дейилади? – “Чўрини ва унинг ўғлини ҳайдаб юборгин. Чунки чўрининг ўғли озод хотиннинг ўғли билан барабар ворис бўлолмайди”.

† ҚОНУН: яъни Таврот; қаранг: Ибтидо 16 ва 21-боблар.

†† АҲД: Худованд Синай тоғида Мусо пайғамбарга Тавротни йўллаб, Исроил халқи билан аҳд қилган; яна қаранг:

Ҳаворийлар 7:20-38, Забур 67:9. ‡ КЎКДАГИ ҚУДДУС: самодаги абадий юртимиз рамзи; яна қаранг: Ваҳий 3:12, 21:2.

<sup>31</sup> Шундай қилиб, эй биродарлар, биз чўрининг эмас, балки озод хотиннинг фарзандимиз.

### Яна қулликка қайтманглар!

**5** Шундай қилиб, Масиҳ бизга берган эркинликни маҳкам тутинглари, қайтадан қуллик бўйинтуруғини тақманглари. <sup>2</sup> Буни мен, Павлус, сизларга гапиряпман: агар сизлар суннат қиладиган бўлсангизлар, Масиҳ сизларга фойда қилмайди. <sup>3</sup> Хатна бўладиган ҳар бир одамга яна таъкидлаб айтаман: у бутун Илоҳий Қонунни бажаришга мажбурдир. <sup>4</sup> Сизлар: Қонунга амал қилиб ўзимизни оқлаймиз, деб Масиҳдан ажралгансизлар ва Худо иноятидан маҳрум бўлгансизлар. <sup>5</sup> Бизлар эса *Илоҳий Рухдан* умидвор бўлиб, имонимиз асосида оқланишимизни кутамиз. <sup>6</sup> Исо Масиҳ йўлида на суннат, на суннатсизлик бирон ишга ярамайди, фақат муҳаббат билан амал қилувчи имон ярайди.

<sup>7</sup> Сизлар яхшигина қадам отаётган эдингизлар. Шундай экан, ҳақиқатга итоат қилишингизга ким халақит берди? <sup>8</sup> Сизнинг бу инонувчанлигингиз сизни Даъват қилувчидан бўлмади! <sup>9</sup> Озгина хамиртуруш бутун хамирни ачитади!

<sup>10</sup> Раббим ҳақи ишончим комилки, сизлар бу хусусда бошқача фикр қилмайсизлар. Фикрингизни чалғитувчи ким бўлмасин, шунга яраша жазосини олади. <sup>11</sup> Биродарлар, мен ҳали ҳам суннатни тарғиб этаётган бўлсам, нима учун ҳануз таъқибларга дучор бўлмоқдаман? Ундай бўлса, хоч васвасаси йўққа чиқар эди-ку! <sup>12</sup> Қанийди сизларни бу гап билан изтиробга солувчилар ўзларини бичишса! ††

<sup>13</sup> Эй биродарлар, сизлар эркинликка чорлангансизлар. Фақат бу эркинликни нафсингиз учун қурбон қилманглари, балки бир-бирингизга муҳаббат билан хизмат қилинглари. <sup>14</sup> Чунки Илоҳий Қонуннинг ҳаммаси бир сўзда жамланади, яъни: “Ўзгани ўзинг каби севгин”. <sup>15</sup> Аммо сизлар бир-бирингиз билан тишлашиб, ғажишсангизлар, эҳтиёт бўлинглари, тагин бир-бирингизни еб битирманглари!

### Инсон табиати ва Худо Рухи

<sup>16</sup> Мен шуни айтмоқчиман: Илоҳий Рух амри билан яшанглари, шунда табиатингиздаги ёмон эҳтирослар жунбишга келмайди. <sup>17</sup> Чунки инсон табиати Илоҳий Рухга, Илоҳий Рух эса инсон табиатига қарши йўналтирилган. Бу иккови бир-бирига душман бўлгани учун, сизлар истамаганингизни қиласизлар. <sup>18</sup> Агар сиз Рух амри

†† Суннат (хатна) ўзи-ўзидан ёмон эмас. Бу сўз суннатни савобли иш ҳисоблаб, шу тариқа Худонинг марҳаматига эришмоқчи бўлганлар учун айтилган. Худонинг марҳамати эса фақат Исо Масиҳнинг қурбонлигига ишонганларга насиб этади. Суннат хусусида яна қаранг: Ибтидо 17-боб, Ҳаворийлар 15-боб ва 16:3, Римликлар 4-боб, 1-Коринфликлар 7:18.

остида яшаётган бўлсангиз, унда Қонун амри остида эмассизлар.

<sup>19</sup> Башарий табиатнинг † ишлари маълум, чунончи: фахшбозлик, ҳаром-ҳаришлик, фисқ-фужур, <sup>20</sup> бутпарастлик, жодугарлик, душманлик, жанжалкашлик, рашк-ғазаб, манманлик, ихтилофчилик, бидъатчилик, <sup>21</sup> ҳасад, қотиллик, ичкиликбозлик, айш-ишрат ва шуларга ўхшаган ишлар. Сизларни олдин огоҳлантирган эдим, яна огоҳлантиряпман: бу каби ишларни қилувчилар Худо Шоҳлигидан бебаҳра бўладилар.

<sup>22</sup> Илоҳий Руҳнинг самараси эса – муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфорлик, хайрихоҳлик, садоқат, <sup>23</sup> мулойимлик ва ибодир. Бу хислатларга қарши бирор қонун йўқ. <sup>24</sup> Исо Масиҳга тегишли бўлганлар эса ўз табиатини, ҳирсу эҳтирослари билан бирга, хочга михлаб кўйганлар. <sup>25</sup> Агар биз Руҳ амри остида бўлсак, Руҳ амри билан умр кечиришимиз лозим.

<sup>26</sup> Шуҳратпараст бўлмайлик, бир-биримиздан рашк кўзғамайлик, бахиллик қилмайлик.

#### Яхшилик қилишдан безмайлик

**6** Эй, Руҳ амри билан яшаётган биродарларим, агар бирон одам гуноҳ қилиб кўйса, уни мулойим руҳ билан тузатинглар. Унга ўхшаб васвасага йўлиқмаслигингиз учун ўзингизга эҳтиёт бўлинг. <sup>2</sup> Бир-бирингизнинг оғирликларингизга ёрдамлашинглар, шундай қилиб Масиҳнинг Қонунини бажарган бўласизлар.

<sup>3</sup> Агар бирор киши, гарчи ҳеч нарса бўлмаса ҳам, ўзини муҳим киши ҳисобласа, у ўз-ўзини алдаган бўлади. <sup>4</sup> Ҳар ким ўз ишини муҳокама қилсин, шунда бошқанинг ишига қараб эмас, ўз ишига қараб таҳсин олади. <sup>5</sup> Зотан ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши лозим.

<sup>6</sup> Илоҳий Каломдан таълим олувчи таълим берувчи билан ҳар қандай эзгуликни баҳам кўрсин.

† ИНСОН ТАБИАТИ...БАШАРИЙ ТАБИАТ: ёки, вужуд, нафс (Худодан қайтган инсониятнинг ёмон руҳий ҳолатини билдиради); яна қаранг: Римликлар 7-8-боблар.

<sup>7</sup> Адашманглар, Худо ҳақоратланмайди. Инсон нима экса, шуни ўради. <sup>8</sup> Ўз нафси даласига уруф экса, нафсдан завол ўриб олади. Руҳ даласига уруф экса, Руҳдан абадий ҳаёт ўриб олади. <sup>9</sup> Шундай экан, яхшилик қилишдан безмайлик. Агар бўшашмасак, ўз вақтида бунинг ҳосилини ўриб оламиз. <sup>10</sup> Фурсатимиз бор экан, ҳаммага, айниқса, ўзимизнинг аҳли мўминга яхшилик қилаверайлик.

#### Масиҳнинг хочи – бизнинг фаҳримиз

<sup>11</sup> Менинг кўлимга қаранглар, сизларга қандай катта ҳарфлар билан ёздим!

<sup>12</sup> Сизларни суннат бўлишга қистаётган ўша кишилар фақат сиртдан яхши таассурот қолдирмоқчилар, Масиҳнинг хочи учун таъқибга дучор бўлмаслик учун шундай ҳаракат қиляптилар. <sup>13</sup> Ҳолбуки, аҳли суннатнинг ўзлари ҳам Илоҳий Қонунга риоя этмайдилар. Улар фақат сизларнинг таналарингиз билан мақтанмоқ учун хатна бўлишингизни истайдилар.

<sup>14</sup> Мен эса, асло биргина Раббимиз Исо Масиҳнинг хочидан бошқа ҳеч нарса билан мақтанмайман. Унинг хочи туфайли бу дунё мен учун ўлган, мен эса бу дунё учун ўлганман. <sup>15</sup> Исо Масиҳ йўлида суннатнинг ҳам, суннатсизликнинг ҳам ҳеч аҳамияти йўқ. Аҳамиятлиси – янгидан яратилишдир ††. <sup>16</sup> Бу қоидага кўра яшаётганларнинг ҳаммасига ва Худонинг Исроилига ‡ тинчлик ва раҳмат бўлсин!

<sup>17</sup> Бундан кейин ҳеч ким менга оғирлигини солмасин. Чунки мен Раббим Исонинг жароҳатларини ўз танамда олиб юрибман.

<sup>18</sup> Эй биродарлар, Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти руҳингизга ёр бўлсин. Омин.

#### МАКТУБИ

†† ЯНГИДАН ЯРАТИЛИШ: Худо яратадиган янги инсон, Колосаликлар 3:10 даги изоҳга қаранг; яна қаранг: Римликлар 6:3-4, 2-Коринфликлар 5:17, Эфесликлар 4:24, Ваҳий 21:5. ‡ ХУДОНИНГ ИСРОИЛИ: Қутқарувчи Исо Масиҳга ишониб, “ҳақиқий исроиллик” ҳисобланган яҳудийлар бўлса керак.

# ЭФЕСЛИКЛАРГА

## МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Мен, Худо иродаси билан Исо Масихнинг хаворийси бўлган Павлус, Эфес <sup>†</sup> шаҳридаги Исо Масихга имон келтирган Худо азизларига салом йўлламан. <sup>2</sup> Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

### Масихдан топган қут-баракаларимиз

<sup>3</sup> Раббимиз Исо Масихнинг Отаси – Худога ҳамду санола бўлсин! У Масих орқали самовий оламда бизга ҳар хил руҳий қут-баракалар ато этди. <sup>4</sup> Ўз ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун, У Масих ҳақи бизга муҳаббат кўрсатиб, бизни дунё яратилишидан аввал танлади. <sup>5</sup> Бизни мурувватига сазовор билиб, Исо Масих орқали Ўзига ўғил қилиб олишга азалдан қарор қилди. <sup>6</sup> Илоҳий меҳр-шафқатнинг донғи чиқсин, деб Худо севикли Ўғлини юбориб, бизга иноят қилди. <sup>7</sup> Унинг Ўғли эса қонини тўкиб, бизнинг гуноҳларимизни ювди. Худонинг бу чексиз инояти туфайли биз барча айбу гуноҳларимиздан фориф бўлдик. <sup>8</sup> Худо бундай иноятини ҳамда ҳар хил ҳикмату ақл-заковатни бизга мўл-кўл берди.

<sup>9</sup> Худо қадимдан аниқлаб қўйган мақсади бўйича, Масих орқали бизга мурувват қилиб, Ўзининг сирли режасини аён қилди. <sup>10</sup> Худо бу режани Ўзи белгилаган вақтда амалга оширади ва еру осмондаги бор мавжудотларни Масих бошчилигида бирлаштиради. <sup>11</sup> Худо ҳамма нарсени Ўз хоҳиши бўйича бажаради. У биз учун ҳам Ўзининг орзу-ниятини амалга ошириб, бизни Масих орқали азалдан танлади ва самовий меросдан баҳраманд қилди.

<sup>12</sup> Шундай экан, Масихга аввалдан умид боғлаган бизлар Худонинг шон-шарафини ошириш учун яшашимиз лозим. <sup>13</sup> Сизлар ҳам ҳақиқат каломини, яъни нажотингиз тўғрисидаги Хушхабарни эшитиб, Масихга имон келтирдингизлар. Имонингизнинг тасдиғи ўлароқ Худо ваъда қилган Муқаддас Рухни қабул қилдингизлар. <sup>14</sup> Худонинг уммати озодликка

<sup>†</sup> ЭФЕС: Рим империясидаги Асия вилоятининг пойтахти, катта аҳамиятга эга бўлган маданий ва диний марказ; бугунги Туркиянинг ғарбий соҳилида жойлашган; Хаворий Павлус бу ерда кенг кўламда фаолият кўрсатган; қаранг: Хаворийлар 19-боб, Ваҳий 2:1-7.

чиқмагунча, Муқаддас Рух самовий меросимизнинг гаровидир. Худонинг улуғворлиги шаънига тасаннолар бўлсин!

### Павлуснинг имонлилар учун ибодати

<sup>15</sup> Мен Раббимиз Исога бўлган эътиқодингиз ва бутун Худо азизларига бўлган муҳаббатингиз ҳақида эшитганимдан буён, доим сизларни ибодатларимда эслайман, тинмай Худога шукроналар айтаман. <sup>17</sup> Раббимиз Исо Масихнинг Худоси, улуғвор Падар, Ўзини таниб-билишингиз учун сизга ҳикмату ваҳий руҳини ато этсин. <sup>18</sup> Унинг Ўзи сизларнинг кўнгил кўзларингизни ёруф қилсин, токи У сизларни нақадар улуғ бир умидга чорлаганини билиб олинглар, Ўз азизларини қанчалик бой ва улуғвор бир меросга сазовор қилганини қадрланглар.

<sup>19</sup> Биз, имонлиларга таъсир ўтказаётган Худонинг ҳадсиз-поёнсиз куч-қудрати буюклигини ҳам билиб олинглар. <sup>20</sup> Худо Ўзининг чексиз салтанатини жорий қилиб, ана шу куч-қудратини амалда кўрсатди: Масихни тирилтириб, Уни самовий оламда Ўзининг ўнг томонига ўтказди. <sup>21</sup> Масихни ҳар қандай раҳнамолик ва ҳукмронлик, куч ва салтанатдан, у дунёю бу дунёда айтиладиган ҳар қандай номдан юқори қўйди. <sup>22</sup> Бутун борлиқни Унинг оёқлари остига тобе қилди. Уни бутун борлиқдан юқори қўйиб, имонлилар жамоатига бош қилиб қўйди. <sup>23</sup> Имонлилар жамоати эса Масихнинг бадани бўлгани учун, У каби тўқис-тугалликка эга. Чунки Масих бутун коинотни тўқис-тугал тўлдириб туради.

### Биз ўлимдан ҳаётга қайтдик

**2** Сизлар бир вақтлар гуноҳ ва жиноятларингиз туфайли руҳан ўлган эдингизлар. <sup>2</sup> Сизлар бу дунёнинг таомилига кўра, фазода <sup>††</sup> ҳукмронлик қилаётган ҳоким – шайтоннинг ихтиёрига қараб яшар эдингизлар. Шайтон руҳи ҳозир ҳам осий бандаларда амал қилмоқда. <sup>3</sup> Бир вақтлар биз ҳаммамиз ҳам ўша одамлар қатори яшаганмиз. Табиатимиздаги ёмон эҳтиросларга жисман ва фикран мубтало бўлиб, худди бошқа одамлардай табиатан Худо ғазабига йўлиққан эдик.

<sup>††</sup> ФАЗОДА: аслида “ҳавода”.

<sup>4</sup> Аммо марҳаматга бой Худо Ўзининг улкан муҳаббатини бизга кўрсатди: <sup>5</sup> биз жиноятларимиз туфайли руҳан ўлган эканмиз, У Масиҳ орқали бизга ҳаёт бағишлади. Сизлар Худонинг инояти билан қутулгансизлар. <sup>6</sup> Исо Масиҳга ишониб, У билан бирлашганимиздан сўнг, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди ва самовий оламда ўтқизиб қўйди. <sup>7</sup> Худо Ўз меҳр-иноятининг беҳад бойлигини келгуси асрларгача аниқ намоён қилмоқ учун бизга Исо Масиҳ орқали шунчалик катта илтифот қилди.

<sup>8</sup> Ҳа, сизлар Худодан иноят топиб, имонингиз туфайли қутулгансизлар. Бу – Худонинг инъоми, сизнинг ютуғингиз эмас. <sup>9</sup> Яна ҳеч ким: Мен савоб ишларим туфайли қутулганман, деб мақтанмасин. <sup>10</sup> Биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни Исо Масиҳ орқали хайрли ишлар қилишимиз учун яратди, бу ишларни эса биз учун азалданоқ тайёр қилиб қўйди.

### Худонинг ҳақиқий уммати – Масиҳ уммати

<sup>11</sup> Сизлар илгари аслан мажусий † бўлганингизни эсдан чиқарманглар. Яҳудийлар суннат қилинадигани учун, ўзларини “аҳли суннат”, сизларни эса “суннатсизлар” дейишади. (Ваҳоланки, суннат фақат тана билан боғлиқ бир одатдир.) <sup>12</sup> Тўғри, сизлар ўша замонда Масиҳдан беҳабар, Исроил умматидан бенасиб, илоҳий аҳду ваъдаларга бегона, дунёда умидсиз ва Худосиз эдингизлар. <sup>13</sup> Лекин илгари Худодан узоқ экансизлар, энди Исо Масиҳ воситаси билан, Унинг тўккан қони орқали яқин бўлдингизлар.

<sup>14</sup> Масиҳнинг Ўзи бизнинг тинчлигимиздир. У яҳудийлар билан мажусийларни яраштириб, бир уммат қилди. Ўз танасини фидо қилиб, уларнинг орасидаги тўсиқ деворни қулатди, адоватни бартараф қилди. <sup>15</sup> Яҳудийлар билан мажусийларни Ўз вужудида бирлаштириб, янги инсонни яратди, ана шу мақсадда Тавротнинг қонун-қоидаларини ҳам бекор қилди. <sup>16</sup> Масиҳ хочда ўлиб, адоватни бартараф, тинчликни эса барқарор қилди. Хоч орқали икки умматни бир бадандай қилди ҳамда Худо билан яраштирди. <sup>17</sup> Масиҳ келиб, илгари Худодан узоқ бўлган сизларга ва шунингдек, Унга яқин бўлган яҳудийларга тинчлик Хушхабарини эълон қилди. <sup>18</sup> Масиҳ орқали биз ҳаммамиз бир руҳ билан Отамиз Худонинг ҳузурига кира оламиз.

<sup>19</sup> Демак, сиз энди бегона эмассизлар, келгинди ҳам эмассизлар, балки Худонинг муқаддас халқига ватандош ва ҳамхонасизлар. <sup>20</sup> Сизлар ҳам ҳаворийлару пайғамбарлар солган пойдеворга асосан бино бўлгансизлар. Бинонинг негиз тоши эса – Исо Масиҳнинг Ўзи. <sup>21</sup> Бутун иморат Ундан таркиб топиб, ўсиб боради ва Худо учун муқаддас бир маъбадга айланади. <sup>22</sup> Сиз ўзларингиз ҳам Исо Масиҳ билан ва ўзаро бирлашган ҳолда, Худонинг руҳий масканини ташкил этмоқдасизлар.

† МАЖУСИЙ: ёки, ғайрияҳудий; луғатга қаранг.

### Худонинг сири маълум бўлди

**3** Мана мен – Павлус сиз, мажусийларни деб, Исо Масиҳ учун маҳбус бўлганман. <sup>2</sup> Мен Худонинг иноятини сизларга етказиш учун Худодан ваколат олганман, сизлар бу ҳақда, албатта, эшитгансизлар. <sup>3</sup> Юқорида қисқача ёзганимдай, Худо бу сирни менга ваҳий орқали маълум қилди. <sup>4</sup> Сизлар буларни ўқиб туриб, мен Масиҳ сирини қандай фаҳмлаганимни билиб олишингиз мумкин. <sup>5</sup> Бу сир ўтмиш одамзод авлодларига билдирилмаган бўлса-да, ҳозир Муқаддас Руҳ буни Масиҳнинг муқаддас ҳаворийлару пайғамбарларига ошкор қилди. <sup>6</sup> Шунга кўра, энди Исо Масиҳнинг Хушхабарига ишонган бошқа халқ вакиллари яҳудийлар билан бир бадандай бўлиб, Худонинг ваъда қилган қут-баракаларига шерик ва ҳамворисдирлар.

<sup>7</sup> Худонинг менга берган инояти ва кўрсатган илтифоти билан, Унинг менда амал қилаётган куч-қудрати туфайли Хушхабарни тарқатиш хизматини бўйнимга олдим. <sup>8</sup> Мен барча азизлар орасида энг арзимагани эдим. Аммо Худо иноят қилиб, Масиҳнинг ақл бовар қилмас бойлиги ҳақида турли халқларга Хушхабар етказиш учун мени юборди. <sup>9</sup> Мен Худонинг сирли режаси нимадан иборатлигини барчага аниқ маълум қилмоқ учун ваколат олдим. [Исо Масиҳ орқали] оламни яратган Парвардигор азалданоқ бу сирни Ўз ҳузурида пинҳон сақлаган эди. <sup>10</sup> Ҳозирги замонда эса У Масиҳ умматини барпо қилиб, у орқали самовотда ҳоким бўлган кучларга †† ҳам Ўзининг кўп қиррали ҳикматини ошкор қилди. <sup>11</sup> Шу тариқа Худо Ўзининг азалий мақсадини Раббимиз Исо Масиҳ орқали рўёбга чиқарди.

<sup>12</sup> Биз Исо Масиҳ орқали, Унга бўлган имонимиз орқали Худо ҳузурига дадил ва тўла жасорат билан яқинлашиш имконига эгамиз. <sup>13</sup> Шундай экан, мен сизлар учун қайғу чекаётганимда айнимаслигингизни илтимос қиламан. Чунки бу сизларнинг юксалишингизга хизмат қилади.

### Масиҳнинг севгисини билиш

<sup>14</sup> Ана шу сабабдан, мен самовий Отамиз ‡ олдида тиз чўкяпман. <sup>15</sup> Ер юзидаги ва осмондаги ҳар қандай сулола самовий Отадан ном олган. <sup>16</sup> У Ўзининг улўғвор бойлиги билан сизларни куч-қудратли қилсин, Ўз Руҳи билан ички борлигингизни бақувват қилсин. <sup>17</sup> Масиҳни имон билан дилингизга жо қилинглар. Масиҳнинг севгиси қалбингизда илдиз отиб, маҳкам ўрнашсин, <sup>18</sup> токи сизлар барча Худонинг азизлари билан бирга бу севгининг кенглиги, узунлиги, баландлиги ва теранлигини тўла англашга

†† САМОВОТДА ҲОКИМ БЎЛГАН КУЧЛАР: яъни фаришталар ёки жинлар; яна қаранг: 1:21, 1-Бутрус 1:12. ‡ САМОВИЙ ОТАМИЗ: яъни Худо; бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси”.

кучингиз етсин. <sup>19</sup> Ҳа, сизлар Масихнинг ақл бовар қилмас севгисини фаҳмлаб бориб, Худонинг бутун камолотига эришинглар.

<sup>20</sup> Худонинг куч-қудрати бизда амал қилмоқда.

Шунинг учун Худо биз сўраган ёки хаёл қилганимиздан ҳам ортиғини бажаришга ғоят даражада қодирдир. <sup>21</sup> Унга Исо Масих уммати орқали ва Исо Масихнинг Ўзи орқали наслдан-наслга, то абад шон-шарафлар бўлсин! Омин.

### Масих умматининг бирлиги

**4** Раббимиз учун маҳбус бўлган мен сизларга насиҳат қилиб ўтинаман: Худонинг даъватига муносиб тарзда яшанглар. <sup>2</sup> Бутун камтарлик ва юмшоқлик билан, муҳаббат билан бир-бирингизга сабр-тоқат қилинглари. <sup>3</sup> Ўзаро тинч-тотув яшаб, Руҳнинг бирлигини сақлашга жон куйдиришлар.

<sup>4</sup> Бадан † – бир, Руҳ ҳам – бир. Чунки Худо ҳаммаларингизни ҳам бир хилда умидвор бўлишга чақирган. <sup>5</sup> Раббимиз – бир, имон – бир, сувдаги иқдор – бир. <sup>6</sup> Ҳаммининг Отаси Худо – бир. У ҳаммининг устидан ҳоким, ҳамма орқали амал қилади, ҳаммада мавжуддир. <sup>7</sup> Биз ҳар биримиз Масих иноят этганига кўра бирон инъом олдик. <sup>8</sup> Мана, *Забурда Масих ҳақида* нима дейилган: “У юксакликка чиқиб, асирларни асир олди, Инсонларга эса ҳадялар улашди”.

<sup>9</sup> Энди бу “чиқди” сўзи нимани билдиради? Масих олдин тубанга, ер юзига †† ҳам тушганидан бошқа яна нимани билдиради? <sup>10</sup> Ҳа, Масих Ўзи тубанликка тушди ва коинотни тўлдириш учун осмону фалакдан ҳам юқорига чиқди.

<sup>11</sup> Шунингдек, Масихнинг Ўзи баъзи кишиларни ҳаворий, баъзиларини пайғамбар, баъзиларини Инжил воизи, баъзиларини эса имонлилар жамоатига чўпону мударрис қилиб тайинлади.

<sup>12</sup> Шу йўсинда имонлилар хизматга керак бўладиган таъминотни оладилар ва Масихнинг уммати ‡ обод бўла боради. <sup>13</sup> Бунинг натижасида ҳаммамиз имонда яқдил, Худо Ўғлини таниб-биладиган, Масихнинг камолига эришган етук одамлар бўламиз.

<sup>14</sup> Бундан буён ҳар турли таълимотларнинг шамоли билан учиб, тебраниб юрадиган гўдаклардай бўлмайлик. Мана, имонда гўдаклигича қолган кишилар қув одамларнинг ҳийласи ва тарқатаётган сохта таълимотларининг қурбони бўлиб, йўлдан озиб кетадилар. <sup>15</sup> Биз, аксинча, ҳақиқат ва муҳаббатга содиқ қолиб, ҳар жиҳатдан баданнинг боши – Масих томон ўсиб бораемиз.

<sup>16</sup> Унинг бошчилигида бутун бадан алоҳида-алоҳида ҳаётини паю бўғинлар ёрдамида ўзаро уланади ва бирикади. Ҳар бир бўлакнинг алоҳида

† БАДАН: яъни Исо Масихга ишонганларнинг жами; айнан қаранг: 1:23, 5:23, 1-Коринфликлар 12:12-27; Римликлар 12:3-5.

†† ТУБАНГА, ЕР ЮЗИГА: ёки “ернинг тубсиз жойларига”; айнан қаранг: Забур 67:19; Юҳанно 3:13, Матто 12:40, 1-Бутрус 3:19. ‡ УММАТИ: аслида “бадани”.

ўз ҳолича, муҳаббат билан ҳаракат қилиши натижасида бадан ўсиб-улғаяди.

### Эски ва янги ҳаёт

<sup>17</sup> Шундай экан, мен Раббимиз номидан сизларга қаттиқ буюраман: бундан буён ўзга халқларнинг бемаъни ўй-фикри билан яшаманглар. <sup>18</sup> Уларнинг зеҳнлари ўтмаслашган. Улар жаҳолатда қолиб, юракларини ёғ босган. Шунинг учун Худо берган ҳаётдан маҳрум қолганлар. <sup>19</sup> Улар ҳар қандай орномус туйғусини йўқотган, ҳар турли ифлос ишларга ўрганган, фисқу фужурга берилган тамагир одамлардир.

<sup>20</sup> Аммо сизлар Масихдан ундай ўрганмагансизлар. <sup>21</sup> Сизлар Масихнинг сўзларини эшитиб, У ҳақда таълим олгансизлар. Шунинг учун энди Исонинг ҳақиқий йўлида юриб, <sup>22</sup> эски ўзлигингизни бир четга олиб қўйинглар; яъни илгариги турмушингизга оид, алдовчи эҳтирослар билан бузилиб бораётган эски, ёмон табиатингизни соқит қилинглари. <sup>23</sup> Бунинг ўрнига янги фикрга, руҳга эга бўлинглар. <sup>24</sup> Худога муносиб суратда, ҳақиқий солиҳлик ва муқаддаслик билан яратилган янги табиатни ўзлаштиринглар.

### Янги ҳаётда яшаш қоидалари

<sup>25</sup> Шундай қилиб, ёлғонни рад этиб, ҳар бирингиз ўз биродарингиз билан ҳақиқатни гаплашинглар. Чунки биз бир-биримизга тананинг аъзоларидаймиз. <sup>26</sup> Ҳазабланиб, гуноҳ қилманглар. Қуёш ботгунча, ғазабдан қайтинглар. <sup>27</sup> Иблисга фурсат берманглар. <sup>28</sup> Ўғрилиқ қилган киши бошқа ўғрилиқ қилмасин. Балки яхши ишлаб, ўз қўллари билан меҳнат қилиб, муҳтож бўлганларга ҳам бирор нарса берсин.

<sup>29</sup> Оғзингиздан ҳеч қандай ярамас сўз чиқмасин. Лекин эҳтиёжга кўра, тингловчиларнинг жонига ора кирадиган яхши сўзлар гапиринглар. <sup>30</sup> Худонинг Муқаддас Руҳини хафа қилманглар; сизлар нажот кунигача †† ўша Руҳ билан муҳрлангансизлар. <sup>31</sup> Ҳар қандай ёмон ният ва гина-кудурат, ҳар қандай қаҳру жаҳл, нолиш ва ғийбатчиликни ўзингиздан соқит қилинглари. <sup>32</sup> Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масих ҳақи кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар.

### Аҳли нур бўлиб яшанглар

**5** Севикли болалар каби Худога эргашинглар. <sup>2</sup> Масих сизларни жуда севгани учун, сизлар учун Ўзини фидо қилди ва шу йўсин Худога маъқул келадиган, хуш ҳидли қурбонлик келтирди. Сизлар ҳам худди шундай муҳаббат билан яшанглар. <sup>3</sup> Сизнинг орангизда ҳеч қандай зиногарлик,

†† НАЖОТ КУНИ: Исо Масих оламга қайтиб, имонлиларни осмонга олиб борадиган кун; яна қаранг: 1:13-14, Римликлар 8:23, 2-Салониқликлар 1:7-10.

ифлослик ёки тамагирлик ҳатто тилга олинмасин. Булар муқаддас кишиларга муносиб эмас.

<sup>4</sup> Шунингдек, беадаб ва ахлоқсиз гап ёки майнабозчилик ҳам бўлмасин. Булар сизга муносиб эмас. Яхшиси, Худога шукур қилинглр.

<sup>5</sup> Шунинг билан қўйинглр: ҳеч бир фоҳиш, ифлос ёки тамагир киши (чунки тамагир – бутпараст билан тенг) Масихнинг ва Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайди. <sup>6</sup> Ҳеч ким сизларни қуруқ гаплар билан алдамасин. Ана шу нарсалар учун осий бандаларнинг бошига Худонинг ғазаби келади. <sup>7</sup> Шу сабабдан сиз уларга шерик бўлиб қолманглр.

<sup>8</sup> Сиз бир вақтлар зулмат эдингизлар, энди эса Раббимизга тегиб, нур бўлдингизлар. Аҳли нур бўлиб яшанглр. <sup>9</sup> Нур † ҳар хил эзгулик, одиллик ва ҳақиқат меваларидан иборат. <sup>10</sup> Раббингизга нима мақбул бўлишини ўрганиб олинглар. <sup>11</sup> Зулматнинг бесамара ишларида иштирок этманглр, аксинча, уларни фош этинглр. <sup>12</sup> Зулматда махфий қилинадиган ўша ишлар ҳақида гапириш ҳам уятдир. <sup>13</sup> Зотан ҳамма нарса нур орқали фош бўлиб, очик-ошкор кўринади. <sup>14</sup> Ёруғликка чиққан ҳамма нарса аён бўлади. *Қўшиқда айтилганидай:* “Эй ухлаган, тур!

Ўликлар ичидан тирил!  
Масих сенга нур сочар”.

<sup>15</sup> Шундай қилиб, қандай яшаётганингизга ўзингиз диққат қилиб қаранглр. Нодонлар каби эмас, доно кишилар каби кун кечиринглр.

<sup>16</sup> Фурсатни ғанимат билинглр, чунки биз яшаётган кунлар – ёмон кунлар. <sup>17</sup> Шунинг учун беақл бўлманглр, балки Раббингизнинг иродаси қандай эканини англаб олинглар.

<sup>18</sup> Шароб ичиб маст бўлманглр, чунки бу бузқуликка олиб боради. Аксинча, Муқаддас Рухга тўлиб-тошинглр. <sup>19</sup> Шу мақсадда Забур хониши, руҳий мадҳиялар ва қўшиқлар билан бир-бирингизга насиҳат қилинглр, чин юракдан Раббингизни куйлаб, ҳамду санолар ўқинглр.

<sup>20</sup> Ҳар доим, ҳар бир нарса учун Раббимиз Исо Масих номи билан Отамиз Худога шукур қилинглр.

<sup>21</sup> Масихни ҳурматлаб, бир-бирингизга бўйсунинглр.

### Эр-хотинлик муносабатлари

<sup>22</sup> Эй хотинлар, сиз Раббингизга қандай бўйсунсаларингиз, эрларингизга шундай бўйсунинглр. <sup>23</sup> Масих имонлилар жамоатининг боши бўлгани каби, эркак ҳам хотиннинг бошидир. Масих Ўз баданининг, яъни умматининг Халоскоридир. <sup>24</sup> Масихнинг уммати Масихга қандай тобе бўлса, хотинлар ҳам ҳар нарсада ўз эрларига шундай тобе бўладилар.

<sup>25</sup> Эй эрлар, Масих имонлилар жамоатини севиб, улар учун Ўзини қандай фидо қилган бўлса, сизлар

† *НУР: бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Рух”.*

ҳам хотинларингизни шундай севинглр. <sup>26</sup> Масих имонлилар жамоатини муқаддас қилай, деб уларни сув билан ювди †† ва Ўз каломи орқали тозалади, <sup>27</sup> токи устида бирон ғубор, ажин ёки доғи қолмаган, муқаддас, бенуқсон, камоли чиройли бир жамоатни Ўз ҳузурига элтиб қўйсин.

<sup>28</sup> Шундай қилиб, эркаклар ўз хотинларини ўз таналарини севгандай севишлари керак. Ўз хотинини севган ўзини ўзи севади. <sup>29</sup> Ҳеч ким ҳеч вақт ўз танасини ёмон кўрмаган. Аксинча, уни озиқлантириб, парвариш қилади. Масих ҳам Ўз умматини худди шундай озиқлантириб, парвариш қилади. <sup>30</sup> Биз Масих танасининг аъзоларимиз, [Унинг эту суюгимиз]. <sup>31</sup> *Тавротда*: “Киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан бўлади”, деб ёзилган ‡. <sup>32</sup> Бу сир буюк ва мен буни Масих ҳамда имонлилар жамоатига ўхшатиб айтяпман.

<sup>33</sup> Хулласи калом, ҳар бир эр ўз хотинини ўзини ўзи севгандай севсин. Хотин ҳам эрини ҳурмат қилсин.

### Оилавий муносабатлар

**6** Эй фарзандлар, ота-онангизга итоат қилинглр, чунки бу Раббимизга маъқулдир. <sup>2</sup> Бу ҳақдаги илоҳий буйруқ Худо ваъда қўшиб берган биринчи буйруқдир, чунончи: “Ота-онангни ҳурмат қил, токи барака топиб, ер юзида узоқ умр кўргайсан”. <sup>4</sup> Сиз, оталар, фарзандларингизнинг жаҳлини чиқарманглр. Уларни Раббимизнинг таълим-тарбияси билан ўстиринглр.

### Қул билан хўжайин муносабатлари

<sup>5</sup> Эй қуллар, дунёвий хўжайинларингизга, Масихга итоат қилганингиздек, камоли эҳтиром ва соддадиллик билан итоат қилинглр.

<sup>6</sup> Инсонларнинг кўнглини топай, деб хўжакўрсинга хизмат қилган кишилар каби эмас, балки Масихнинг қуллари каби Худонинг иродасини чин кўнгилдан бажо келтиринглр. <sup>7</sup> Инсонларга эмас, балки Раббингизга хизмат қилаётгандек, бажону дил хизмат қилинглр. <sup>8</sup> Билинглр ки, хоҳ қул, хоҳ эркин бўлсин, ҳар бир киши қилган яхшилигига яраша мукофотни Раббимиздан олади.

<sup>9</sup> Эй хўжайинлар, сизлар ҳам қулларингизга худди шу тарзда муомала қилинглр. Осмонда ҳам уларнинг, ҳам сизларнинг Эгангиз борлигини билиб, уларга дўқ-пўписа этишни бас қилинглр. Чунки Раббимиз юз-хотир қилмайди.

### Шайтонга қарши курашимиз

<sup>10</sup> Ниҳоят, Раббимиз билан иттифоқ бўлиб, Унинг куч-қудрати таъсирида қувватли бўлинглар.

<sup>11</sup> Иблисининг ҳийлаларига қарши тура олиш учун,

†† *СУВ БИЛАН ЮВДИ: сувда имон келтириш маросимининг рамзи; яна қаранг: 4:5, Юҳанно 13:1-17, 1-Коринфликлар 6:11, Титус 3:5. ‡ қаранг: Ибтидо 2:24 (Матто 19:1-12).*



Худо берган барча қурол-аслаҳалар билан қуролланингиз. <sup>12</sup> Чунки бизнинг курашимиз ўткинчи башарга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, ҳокимлару ҳокимиятларга, бу қоронғи дунёни бошқараётган руҳий ҳукмронларга қаршидир. <sup>13</sup> Шу сабабдан ёмон кунда қаршилиқ кўрсата олишингиз учун, Худонинг қурол-аслаҳаларини кўтаринглар, токи бутун тадбиркорлик билан иш тутиб, ўрнингизда тура олинглар.

<sup>14</sup> Белингизни ҳақиқат камари билан боғланг, кўксингизга солиҳлик совутини тақинглар.

<sup>15</sup> Тинчлик Хушхабарини ёйиш учун оёғингизга илдамлик пойабзалини кийинглар. <sup>16</sup> Бунинг устига имон қалқонини қўлга олинглар, у билан ёвуз шайтоннинг қиздирилган ҳамма ўқларини ўчира оласизлар. <sup>17</sup> Шунингдек, нажот дубулғасини кийинглар, Худо каломни бўлган Руҳнинг қиличини кўтаринглар. <sup>18</sup> Ҳар турли дуо ва ёлворишлар билан, Муқаддас Руҳ илҳоми билан ҳар доим ибодат қилинглар. Ибодатда хушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг азизлари учун илтижо қилинглар.

<sup>19</sup> Мен учун ҳам ибодат қилинглар. Мен оғзимни ҳар очганимда, зарур бўлган сўз менга берилсин, Инжил сирини кўрқмасдан баён эта олайин. <sup>20</sup> Мен Инжил учун маҳбус бўлсам-да, бу элчилигимни тегишлича оғзи ботирлик билан ижро этайин.

### Сўнгги тилаклар

<sup>21</sup> Сиз менинг ҳол-аҳволим қалай эканини, нималар қилаётганимни билиб оласиз, бу ҳақда севикли биродаримиз, Раббимизнинг содиқ хизматкори Тихик сизларга маълумот беради.

<sup>22</sup> Бизнинг шароитимиз ҳақида билиб, юракларингиз тасалли топсин дея, мен уни сизнинг олдингизга юборяпман.

<sup>23</sup> Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан биродарларимга тинчлик, эътиқод ва муҳаббат тилайман. <sup>24</sup> Раббимиз Исо Масихни ўлмас муҳаббат билан севганларнинг ҳаммасига Худонинг инояти ёр бўлсин. Омин.

### МАКТУБИ

# ФИЛИППИЛИКЛАРГА

## МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Филиппи † шаҳридаги Исо Масиҳ уммати бўлган барча Худонинг азизларига, айниқса имонлилар жамоатининг бошлиқлари ва хизматкорларига, Исо Масиҳнинг қуллари биз – Павлус ва Тимўтийдан салом! <sup>2</sup> Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масиҳдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

### Павлуснинг ибодати ва шукронаси

<sup>3</sup> Сизларни ҳар сафар хотирлаганимда, Худойимга шукроналар дейман. <sup>4</sup> Ҳар қачон ҳамма ибодатларимда барчаларингиз учун севинч билан илтижо қиламан. <sup>5</sup> Чунки сизлар биринчи кундан то ҳозирга қадар Инжил Хушхабарини ёйишимда иштирок этиб келмоқдасизлар. <sup>6</sup> Худо сизларда бошлаган хайрли ишини то Исо Масиҳнинг келадиған кунигача тамом қилишига аминман. <sup>7</sup> Менинг ҳаммаларингиз ҳақингизда шундай фикр қилишим ўринлидир. Сизлар менинг кўнглимдасизлар. Чунки кишанбандлигимга қарамасдан, ҳар бирингиз Хушхабарни ҳимоя қилиш ва қарор топтиришимда мени ёқлаб келмоқдасизлар, шу тариқа Худонинг менга берган иноятдан ҳам баҳраманд бўлиб келмоқдасизлар. <sup>8</sup> Мен Исо Масиҳнинг меҳр-муҳаббати билан сизларнинг ҳаммаларингизга иштиёқманд бўлганимга Худо шоҳиддир.

<sup>9</sup> Сизларнинг муҳаббатингиз ҳам ҳар қандай билим ва сезгида такомиллашиб, яна кўпдан-кўп ортиб боришини Худодан сўрайман. <sup>10</sup> Сизлар юқори қадриятни қадрламоғингиз лозим, токи Масиҳнинг келадиған кунда пок ва беайб бўлинглар <sup>11</sup> ва Исо Масиҳ орқали униб-ўсадиған солиҳлик самараларига бой бўлиб, Худога шон-шараф келтиринглар.

### Павлуснинг маҳбуслиги – Инжилнинг муваффақияти

<sup>12</sup> Эй биродарлар, шуни билишингизни истайманки, менинг бошимга тушган шароитлар Инжил Хушхабари янада кўпроқ муваффақият қозонишига хизмат қилди. <sup>13</sup> Мана, менинг Масиҳ учун қамалганлигим бутун сарой аҳлига †† ва қолган ҳамма одамларга ҳам маълум бўлди. <sup>14</sup> Шунингдек, Раббимиз Исога қарашли бўлган биродарларимизнинг кўпчилик қисми ҳам менинг кишанбандлигимдан руҳланиб, Раббимиз каломини янада ботирлик билан тарғиб қила бошладилар.

<sup>15</sup> Тўғри, баъзилар ҳасад ва рақобат руҳи билан Масиҳни тарғиб қиляптилар, бошқалар эса яхши ният билан тарғиб қиляптилар. <sup>16</sup> Баъзилар мен Хушхабарни ҳимоя қилиш учун тайин этилганимни тан олиб, муҳаббат билан ҳаракат қиляптилар. <sup>17</sup> Бошқалар эса менинг кишандаги қийинчилигимни орттиришни ўйлаб, рақобат руҳида, нопок ният билан Масиҳни тарғиб қилмоқдалар. <sup>18</sup> Хўш, унда нима бўпти? Хоҳ мунофиқлик билан, хоҳ самимийлик билан бўлсин, ҳар ҳолда Масиҳ тарғиб этилмоқда. Мен бунга севиняпман. Ва яна севинаман, <sup>19</sup> чунки биламанки, сизнинг дуоларингиз орқали ва Исо Масиҳнинг Руҳи ёрдамида мен озодликка чиқаман.

<sup>20</sup> Яшасам ҳам, ўлсам ҳам, ҳар ҳолда хижолатда қолмаслигимга қаноат ҳосил қилдим. Ҳар доим бўлиб келганидек, ҳозир ҳам Масиҳ менинг вужудимда улуғлансин, деган умидда яна жасурлик билан фаолият кўрсатишга жазм қилдим. <sup>21</sup> Мен учун ҳаёт – Масиҳдир, ўлим эса – ютуқдир. <sup>22</sup> Агарда бу баданда яшаётганим менинг ишимга самара келтираётган бўлса, унда нима танлашимни ҳам билмайман. <sup>23</sup> Мени униси ҳам, буниси ҳам тортади. Бир ёқдан тугаб, Масиҳ билан бирга бўлишни орзу қиламан, чунки бу жуда ҳам яхши бўларди. <sup>24</sup> Аммо иккинчи ёқдан менинг баданда қолишим сизлар учун яна ҳам кераклидир. <sup>25</sup> Бунга ишончим комил, шунинг учун қолишимни

† ФИЛИППИ: Юнонистоннинг шимолий қисми – Македонияда жойлашган муҳим шаҳар; Ҳаворий Павлус бу ерда ваъз қилиб, Европадаги биринчи Масиҳ жамоатини қурган; қаранг: Ҳаворийлар 16:11-40.

†† САРОЙ АҲЛИ: яъни Рим қайсарининг саройи; Павлус ушбу мактубни ёзган пайтда Рим шаҳрида маҳбус бўлган (тақрибан милоддан кейинги 60-йиллар) яна қаранг: 4:22, Ҳаворийлар 28:11-31.

биламан. Сизлар имонда ривож топиб қувонишингиз учун, мен ҳаммаларингиз билан бирга қоламан. <sup>26</sup> Шундай қилиб, олдингизга иккинчи дафъа келишимда, сизлар мен сабабли Исо Масиҳ ҳузурида яна кўпроқ фахрлана оласизлар.

<sup>27</sup> Фақат Масиҳнинг Хушхабарига муносиб равишда кун кечиринглар. Мен хоҳ келиб дийдорингизни кўрсам ҳам, хоҳ сизлардан узоқ бўлсам ҳам, аллақачон эшитганимдек, сизлар имонда собитқадам бўлиб, Инжил йўлида яқдиллик билан курашиб бораётганингизни билиб олай. <sup>28</sup> Сизларга қаршилиқ кўрсатаётганларнинг ҳеч қандай дўқ-пўписаларидан чўчиманглар. Ана шу уларнинг ҳалок бўлишидан, сизларнинг эса халос бўлишингиздан далолат бермоқда. Зотан бу – Худонинг иши. <sup>29</sup> Худо сизларга Масиҳга ишонишнигина эмас, балки Масиҳ учун азоб чекиш тақдирини ҳам насиб этган. <sup>30</sup> Менинг сиз кўрган ва ҳозир ҳам эшитаётган курашимга сизлар шериксизлар.

### Исо Масиҳнинг ибратомуз камтарлиги

**2** Агар сизларда Масиҳдан келган бирон жасорат, муҳаббатдан туғилган бирон тасалли, Муқаддас Рухдан илҳомланган бирон бирдамлик, дилдан чиққан бирон меҳру шафқат бор бўлса, <sup>2</sup> у ҳолда менинг севинчимни мукамал қилиб, фикр-зикрингизда яқдил, меҳр-муҳаббатингизда айнамайдиган бўлинглар, ўзаро ҳамдард ва ҳамфикр бўлиб юринглар. <sup>3</sup> Рақобат руҳи ва шуҳратпарастлик билан ҳеч нарса қилманглар. Аксинча, камтарлик билан бир-бирингизни ўзингиздан юқорироқ ҳурматга сазовор ҳисобланглар. <sup>4</sup> Ҳар бир киши ўз манфаатинигина эмас, балки бошқаларнинг манфаатини ҳам кўзласин.

<sup>5</sup> Исо Масиҳ қандай фикрга эга бўлса, сизлар ҳам ўзаро худди шу фикрга эга бўлинглар:

<sup>6</sup> Масиҳ Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади.

<sup>7</sup> Лекин Ўз улуғлигидан кечиб, Қул қиёфасига кирди У,

Кўринишда инсонлар сингари бўлди.

<sup>8</sup> У Ўзини шундай паст олиб, Ўлимга, ҳатто хочдаги ўлимга бориб итоат этди.

<sup>9</sup> Ана шу сабабдан Худо Уни жуда юксалтирди, Унга ҳар қандай исмдан юқори исмни ато этди,

<sup>10</sup> Токи Исонинг исми тилга олинганда

Кўк, ер ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин

<sup>11</sup> Ва ҳар бир тил Отамиз Худо шаънига Исо Масиҳни Раббим деб очик тан олсин.

### Худо иродасини адо этиш

<sup>12</sup> Эй севганларим, сиз доим менинг гапимга қулоқ солиб келдингизлар. Шундай қилиб, фақат олдингизда бўлганимдагина эмас, балки ҳозир

менинг йўқлигимда яна кўпроқ кўрқув ва титроқ билан топган нажотингизни бут қилишга тиришинглар. <sup>13</sup> Зотан Худонинг Ўзи сизларнинг вужудингизда амал қилади, У Ўз мурод-мақсадини адо этишингиз учун сизларда хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради.

<sup>14</sup> Ҳамма нарсани нолимай ва шубҳаланмай қилинглар, <sup>15</sup> токи бу ўжару бузилган насл орасида Худонинг пок, беғубор, бенуқсон болалари бўлинглар. Сизлар бу дунё одамлари орасида осмондаги юлдузлар каби порлаб турибсизлар-ку. <sup>16</sup> Ҳаёт каломини маҳкам тутинглар, токи менинг меҳнату заҳматим беҳудага кетмасин ва Масиҳ оламга қайтган кунда сизлар менинг фахрим бўлинглар. <sup>17</sup> Сизнинг имон йўлида қилган фидокорона хизматингиз Худо шарафига қурбондай гап. Мен Худога бу қурбонликни келтириб, ўз жонимни ҳам фидо қилишим мумкин. Шунга қарамасдан, севинаман ва сизларнинг шодлигингизга қўшиламан. <sup>18</sup> Худди шу тўғрида сизлар ҳам севининглар ва менинг шодлигимга қўшилинглар.

### Тимўтий ва Эпафродитни жўнатиш

<sup>19</sup> Сизларнинг аҳволингиздан хабардор бўлиб кўнглим таскин топсин, деб Тимўтийни яқин орада сизларнинг олдингизга юборишни Раббим Исодан умид қиламан. <sup>20</sup> Чунки сизларга шунчалик самимият билан, жон куйдириб ғамхўрлик қиладиган унга тенг одамим йўқ. <sup>21</sup> Ҳаммаси ҳам Исо Масиҳни эмас, ўз ишларини ўйлайди-ку. <sup>22</sup> Лекин Тимўтийнинг содиқлиги сизларга маълум. Хушхабарни ёйишимда у менга ўғил отага хизмат қилгандай хизмат қилди. <sup>23</sup> Мен ўзимга нима бўлишини билишим биланоқ, уни дарҳол юбориш умидидаман. <sup>24</sup> Ўзим ҳам яқинда ёнингизга боришга Раббимдан тўла ишонч ҳосил қилдим.

<sup>25</sup> Шу билан бирга, сизларнинг юборган элчингиз, муҳтожликда менга мадад берган биродарим, ҳамкорим ва сафдошим Эпафродитни ёнингизга юборишни лозим кўрдим. <sup>26</sup> Чунки у ҳаммангизни жуда кўргиси келди, унинг касаллиги тўғрисидаги миш-мишлар сизга етиб борганидан қаттиқ қайғурди. <sup>27</sup> Ҳақиқатан ҳам ўлар ҳолатда касал эди. Лекин Худо унга марҳамат этди. Ва фақат унга эмас, балки ғами устига ғам қўшилмасин деб, менга ҳам марҳамат этди. <sup>28</sup> Шундай қилиб, уни яна кўриб севининглар ва менинг ғамим ҳам енгиллашсин деб, уни тезроқ ёнингизга юбормоқчиман. <sup>29</sup> Уни Раббимиз номидан, қувноқ чеҳра билан қабул этинглар. Бу каби одамларнинг ҳурматини бажо келтиринглар. <sup>30</sup> Чунки сизлар менга тўлиқ бажо келтиролмаган муқаддас хизматни у бутлаб олай деб, Масиҳ йўлида ўз жонини аямаган, ўлишига сал қолган эди.

### Масихга тенг ҳеч нарса йўқ

**3** Хулласи калом, биродарларим, Раббингиз билан алоқада бўлиб, хурсанд бўлинглар. Сизларга айни нарсаларни ёзиш мени зериктирмайди, сизларга эса янада ибратлидир.

<sup>2</sup> Ана у ёмонлик қилувчилардан, у итлардан эҳтиёт бўлинглар! Ана у тана кесувчилардан <sup>†</sup> эҳтиёт бўлинглар! <sup>3</sup> Мана биз ҳақиқий аҳли суннатмиз. Чунки биз Муқаддас Рух кучи билан Худога хизмат қиламиз, фақат Исо Масих билан фахрланамиз, табиий фазилатларимизга ишонмаймиз.

<sup>4</sup> Қолаверса, мен ўз фазилатларимга ҳам ишоним мумкин. Агар бошқа кимса: мен ўз фазилатларимга ишонаман, деса, ундан ҳам кўпроқ мен ишонаман. <sup>5</sup> Мен саккиз кунлигимда суннат бўлганман. Мен Исроил халқининг Бенямин қабиласидан, иброний наслидан бир яхудийман. Таврот Қонунига мансублик десангиз, фарзий <sup>††</sup> мазҳабида эдим. <sup>6</sup> Диний ғайрат десангиз, Исо умматини таъқиб қилдим. Қонун талаб қилган солиҳлик десангиз, бегуноҳ эдим.

<sup>7</sup> Лекин бир вақт фазилат деб билган нарсаларимни энди Масих учун фойдасиз ҳисоблайман. <sup>8</sup> Чинакам, Раббим Исо Масихни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсадан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ҳа, Масихга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим. <sup>9</sup> Энди Илоҳий Қонунга амал қилишдан иборат бўлган ўз солиҳлигимга суянмайман. Аксинча, Масих билан бир бўлай, деб фақат Унга ишониш орқали, имон орқали бўладиган солиҳликка суянаман ва шу тариқа Худо ҳузурида ўзимни оқлайман. <sup>10</sup> Қани энди Масихнинг азобларида қатнашиб, ўлимида ҳам Унга эргашиб, Унинг Ўзинию тирилишининг қудратини билиб олсам <sup>11</sup> ва ишқилиб ўликларнинг тирилишига эришсам.

### Имон учун кураш

<sup>12</sup> Мен аллақачон муродимга етишганман ёки аллақачон камолотга эришганман, деб айтаётганим йўқ. Лекин Исо Масих менга етиб олганидек, мен ҳам мўлжалга етиб олиш учун жон куйдирмоқдаман. <sup>13</sup> Биродарлар, мен ўзимни муродимга етишганман деб ўйламасам-да, фақат бир нарсанигина ўйлайман: орқамда қолганларни унутиб, олдимдагиларга кўз тикаман. <sup>14</sup> Худо Исо Масих орқали мени олий мақсадга чорлади. Мен буни адо этиб, ғалаба гулчамбарини қўлга киритиш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қиламан.

<sup>†</sup> ТАНА КЕСУВЧИЛАР: Павлус ишлатган танбеҳ сўзи; яхудийликнинг белгиси бўлган суннатни (хатнани) Исо Масихга ишонган бошқа миллатли кишиларга ҳам қилдирмоқчи бўлган диний гуруҳни билдиради; яна қаранг: Галатияликлар 5-боб, Ҳаворийлар 15-боб, Римликлар 4-боб. <sup>††</sup> ФАРЗИЙ: яхудийларнинг мазҳаби; луғатга қаранг.

<sup>15</sup> Биздан кимки камолотга эришган бўлса, худди шундай фикр қилсин. Агар сизнинг фикрингизда бошқа нарса бўлса, унда буни сизга Худо ошкор этади. <sup>16</sup> Фақат бизлар нимага эришган бўлсак, унга яраша фикр юргизишимиз ва ўша қоида бўйича яшашимиз керак.

<sup>17</sup> Биродарлар, мендан ўрнак олинглар. Ким биз кўрсатган йўл-йўриқ бўйича яшаётган бўлса, унга эргашинглар. <sup>18</sup> Мен сизларга тез-тез гапирар эдим-ку, Масих хочининг душманлари каби иш тутаётган кишилар кўп деб. Энди улар ҳақида кўз ёшим билан сўзлаяпман: <sup>19</sup> Уларнинг охири – ҳалокат, уларнинг худоси – қорин, уларнинг шон-шарафи – шармандагарчилик. Улар ердаги нарсалар ҳақидагина ўйлайдилар.

<sup>20</sup> Бизларнинг ватанимиз эса осмондадир. У ердан биз Халоскоримиз – Раббимиз Исо Масихнинг келишини кутяпмиз. <sup>21</sup> Ҳар нарсани бўйсундириш кучига эга бўлган Раббимиз Исо Масих келганда, худди шу кучнинг таъсири билан бизнинг ожизу фоний танамизни Ўзининг улуғвор танасига ўхшатиб ўзгартиради.

### Турли панд-насиҳат

**4** Шундай қилиб, эй менинг соғинган, азиз биродарларим, қувончим ва гултожим, Раббингизга собит бўлинглар, эй севганларим!

<sup>2</sup> Эводия ва Синтихадан илтимос қиламан, Раббингиз ҳақи яқдил фикрда бўлинглар. <sup>3</sup> Эй вафодор ҳамкорим, сендан ҳам ўтинаман, у аёлларга ёрдам бер, чунки улар мен ва Климент билан, шунингдек, исмлари ҳаёт китобида <sup>‡</sup> ёзилган бошқа ҳамкорларим билан бирга Хушхабарни тарғиб этиш учун фаолият кўрсатдилар.

<sup>4</sup> Раббингиз билан алоқада бўлиб, доимо хурсанд бўлинглар. Яна айтаман: хурсанд бўлинглар! <sup>5</sup> Сизларнинг инсонпарварлигингиз <sup>††</sup> барчага маълум бўлсин; Раббимиз яқин. <sup>6</sup> Ҳеч нарсадан ташвиш қилманглар, лекин ҳар доим ибодатда ва илтижода бўлиб, ҳар бир тилагингизни Худонинг олдида миннатдорчилик билан изҳор қилинглар. <sup>7</sup> Шунда инсон ҳаёлига сиғмайдиган, Худо берган тинчлик сизнинг кўнглингиз ва фикр-хаёлингизни хотиржам қилади.

<sup>8</sup> Хуллас, эй биродарлар, нима ҳақиқий, нима мўътабар, нима тўғри, нима соф, нима ёқимли, нима фахрли бўлса, қандайдир бир фазилат, қандайдир мақтанарли хислат бор бўлса, булар ҳақида фикр қилинглар. <sup>9</sup> Сизлар мендан нимани ўрганиб қабул қилган бўлсангиз, нимани эшитиб, кўрган бўлсангиз, ўшани қилинглар, шунда тинчлик берган Худо сизларга ёр бўлади.

<sup>‡</sup> ҲАЁТ КИТОБИ: абадий ҳаётга сазовор бўлганларнинг номлари ёзиладиган Худонинг китоби; яна қаранг: Забур 68:29, Ваҳий 3:5, 13:8, 17:8, 20:12. <sup>††</sup> ИНСОНПАРВАРЛИГИНГИЗ: ёки, беозорлигингиз.

### Павлуснинг олган ёрдами учун ташаккури

<sup>10</sup> Мен, Раббим ҳақи, сизлардан жуда хурсандманки, ниҳоят, мен ҳақимдаги ғамхўрлик туйғуларингиз уйғонди. Сизлар илгари ҳам ғамхўрлик қилардингиз-у, аммо буни кўрсатишга фурсатингиз йўқ эди. <sup>11</sup> Буларни муҳтожликдан айтаётганим йўқ. Чунки мен ҳар қандай шароитда бориға қаноат қилишга ўрганганман. <sup>12</sup> Мен танқисликда ҳам, мўл-кўлчиликда ҳам қандай ҳаёт кечиришни биламан. Ҳар қандай шароитда ва ҳар ерда ҳам тўқ бўлиш, ҳам оч қолиш, ҳам фаровонликда яшаш, ҳам муҳтожликда қолишнинг сирларини ўрганганман. <sup>13</sup> Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан.

<sup>14</sup> Ҳар ҳолда, сизлар менинг қайғуларимга шерик бўлиб, яхши иш қилдингизлар. <sup>15</sup> Биласизларки, эй филиппиликлар, мен Македониядан чиқиб, Хушхабарни биринчи марта ёя бошлаган пайтларимда, сизлардан бошқа Масиҳ жамоатларидан биронтаси ҳам менга моддий ёрдам бермади. <sup>16</sup> Ҳатто Салоника шаҳрида бўлганимда ҳам, сизлар бир-икки марта эҳтиёжимни қондирмоқ учун у ерга ёрдам

юбордингизлар. <sup>17</sup> Мен буни садақа сўраб гапирётганим йўқ. Балки сизнинг фойдангизга бўладиган баракани истаб гапиряпман. <sup>18</sup> Менда ҳамма нарса бор, ҳатто мўлчиликда яшаяпман. Сизлар юборган тортиқларни Эпафродитдан олиб, ўзимга тўқ бўлиб юрибман. Мана бу тортиқлар – Худо шаънига тутатиладиган хушбўй тутатқилар, Худога мақбул бўладиган қурбонликлардир.

<sup>19</sup> Эгамнинг Ўзи сизларнинг ҳар қандай эҳтиёжингизни Исо Масиҳ орқали, Ўзининг улғвор бойлиги билан қондиради. <sup>20</sup> Отамиз Худога абадулабад шон-шарафлар бўлсин! Омин.

### Хотима

<sup>21</sup> Исо Масиҳ азизларининг ҳар бирига салом айтинглар. Мен билан бирга бўлган биродарлар сизларга салом йўллаяптилар. <sup>22</sup> Бутун Худонинг азизлари, хусусан Қайсар хонадонидагилар, сизларга салом йўллаяптилар. <sup>23</sup> Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти сизнинг руҳингизга ёр бўлсин. Омин.

### МАКТУБИ

# КОЛОСАЛИКЛАРГА

## МАКТУБИ

### Жамоатга салом, Худога шукрона

**1** Худонинг иродаси ила Исо Масихнинг хаворийси бўлган мен – Павлус ва биродаримиз Тимўтийдан <sup>2</sup> Колоса <sup>†</sup> шаҳридаги Масихга сидқидилдан берилган муқаддас биродарларимизга салом! <sup>3</sup> Отамиз Худодан [ва Раббимиз Исо Масихдан] сизларга иноят ва тинчлик ато бўлсин.

Сизларнинг ҳақингизга ибодат қилар эканмиз, Раббимиз Исо Масихнинг Отаси – Худога доим шукроналар билдирамиз. <sup>4</sup> Чунки Исо Масихга бўлган имонингиз ва бутун аҳли мўминга қўйган меҳр-муҳаббатингиздан хабардоримиз. <sup>5</sup> Бунга сизлар ҳақиқат каломи, яъни Инжил Хушхабари орқали эришдингизлар. Самода ўзларингиз учун тайёрлаб қўйилган хазина тўғрисидаги Хушхабарни эшитиб, умидвор бўлдингизлар. <sup>6</sup> Ана шу Хушхабар бутун жаҳонга ҳам ёйилди, сизларга ҳам етиб борди. Сизлар Худонинг иноятини эшитиб, чини билан англаб етдингизлар. Ўша кундан бери Хушхабар сизнинг орангизда тобора томир ёйиб, самара бермоқда.

<sup>7</sup> Манфаатингиз йўлида Масихнинг содиқ хизматкори бўлган севимли ҳамкоримиз Эпафрас ҳам ана шу хусусда сизларга таълим берган эди. <sup>8</sup> Энди у сизнинг илҳомли меҳр-муҳаббатингиз ҳақида ҳам бизга хабар қилди.

### Павлуснинг имонлилар учун ибодати

<sup>9</sup> Шунинг учун биз бу ҳақда эшитган кунимиздан бери сизлар учун ибодат қилишни канда қилмаяпмиз. Худодан шуни сўраймизки, Унинг иродасини тўла англашингиз учун Ўзи сизларга ҳар қандай илоҳий ҳикмат ва фаҳм-идрок ато қилсин, <sup>10</sup> токи сизлар Раббингизга муносиб яшаб, Уни ҳар жиҳатдан мамнун қилинглар, ҳар турли хайрли ишда самарали бўлинглар, Худони таниб-билиб улғайинглар, <sup>11</sup> Унинг улуғвор куч-қудратидан

<sup>†</sup> КОЛОСА: бугунги Туркиянинг ғарбий томонида жойлашган қадимий шаҳар. У ердаги Исо Масихга ишонганларнинг жамоати мажусий, яъни ғайрияхудий кишилардан таркиб топган. Павлус ушбу мактубни милоддан кейинги 60-йилларда ёзиб, имонлиларни мустаҳкамлаш мақсадида турли хурофий бидъатларга қарши огоҳлантирмоқчи бўлган.

баҳра олиб, тўла-тўқис бақувват бўлинглар, ҳамма нарсага сабр-тоқат ва севинч билан чидаб, <sup>12</sup> Отамиз Худога шукрона қилинглар. Чунки У Ўз азизларига ваъда қилган нурли меросдан <sup>††</sup> бизни баҳраманд қилди. <sup>13</sup> Бизни зулмат ҳукмронлигидан озод қилиб, севимли Ўғлининг Шоҳлигига кўчирди. <sup>14</sup> Худонинг Ўғли бизнинг ўрнимизга қурбон бўлди, Ўз қонини тўкиб гуноҳларимизни ювди.

### Исо Масихнинг кимлиги ва юмуши

<sup>15</sup> Исо Масих кўринмас Худонинг инъикосидир. У бутун махлуқот устидан, худди тўнғич сингари, биринчи ўринда туради. <sup>16</sup> Кўкдаги ва ердаги борлиқ мавжудот, кўринадиган ва кўринмайдиган махлуқот, *у дунёю бу дунёдаги* ҳар қандай тахту тож, салтанату ҳукмронлик У орқали яратилган. Ҳамма нарса У орқали ва У учун яратилган. <sup>17</sup> Унинг Ўзи эса ҳамма нарсадан аввал мавжуд эди. Борлиқ мавжудот Унинг соясида мавжуддир. <sup>18</sup> У Ўз бадани, яъни умматининг бошидир. У ўлиқлар ичидан биринчи бўлиб тирилгани учун, ҳамманинг илғори ва бошидир. <sup>19</sup> Худо бутун камолотни Унда жо қилишни хуш кўрди. <sup>20</sup> Унинг воситаси билан Худо еру кўкдаги борлиқ мавжудотни Ўзи билан яраштиришга қарор қилди. Хочда тўкилган қонни инobatга олиб, Худо Ўзи яратганлар билан сулҳ тузди.

<sup>21</sup> Мана, сизлар ҳам бир вақтлар ёмон ишлар қилиб, ярамас фикрда бўлиб, Худога бегона ва душман эдингизлар. <sup>22</sup> Энди эса Масих Ўзининг инсоний баданини қурбонликка бағишлаб, Ўз ўлими орқали сизларни Худо билан яраштирди, Худо ҳузурига сизларни муқаддас, айбсиз ва нуқсонсиз ҳолда тақдим қилди. <sup>23</sup> Сизлар энди эшитган Хушхабарга қаттиқ эътиқод қўйиб, умидингиздан қайтмасангиз, имонингизда маҳкам, оғишмай турсангиз, бўлди. Инжил Хушхабари осмони фалак остида Худо яратган барча жонзодга етказилди, мен – Павлус эса бу Хушхабарнинг фидойиси бўлдим.

<sup>††</sup> НУРЛИ МЕРОС: Исо Масихга ишонганларга Худо тайёрлаб қўйган абадий бахт-қувонч, жаннат ҳузур-ҳаловати; яна қаранг: Эфесликлар 1-боб, Ваҳий 21-22-боблар.

### Павлуснинг Худодан олган топшириғи

<sup>24</sup> Мен ҳозирги вазиятда сизлар учун азоб тортаётганимга севианаман. Масихнинг Ўз бадани, яъни уммати учун тортмаган қайғуларини мен ўз танамда тортиб тўлдиряпман. <sup>25</sup> Худонинг менга топшириғи бўйича, мен Масих уммати устидан масъул хизматкор бўлдим, Худо каломини тўлиқ тарғиб қилиш вазифасини ўз зиммамга олдим. <sup>26</sup> Ана шу калом ўтган асрлар ва авлодлардан сир тутилиб, ҳозир эса Худонинг азизларига ошкор бўлди. <sup>27</sup> Худо дунё халқлари учун сақлаган ушбу сирнинг нақадар бой ва улуғворлигини Ўз азизларига очиб беришга рози бўлди, чунончи улуғвор умидимизнинг маъзи – сизнинг ичингиздаги Масих.

<sup>28</sup> Шунга кўра, биз Масихга ишонган ҳар бир одамни мукамал ҳолда Худога тақдим этмоқчимиз. Ҳар бир одамга ақл ўргатиб, бутун донолик билан таълим-тарбия бериб, Масихни тарғиб қилмоқдамиз. <sup>29</sup> Мен ҳам ана шу мақсадда жон-жаҳдим билан хизмат қилар эканман, менга кучли таъсир қилаётган Раббимнинг қудратига суюнаман.

### Имонда қаттиқ туришга ундов

**2** Мен сизлар учун, шунингдек, Лаодикия <sup>†</sup> шаҳридагилар ҳамда шахсан юзимни кўрмаган имонлиларнинг ҳаммаси учун нақадар зўр ғайрат кўрсатаётганимни билишингизни истайман.

<sup>2</sup> Мақсадим шуки, сизлар дадил бўлинг, муҳаббат руҳида бирлашинг, фаҳм-идрок ва тўла комил ишонч билан Отамиз Худонинг сири – Масихни пайқаб олинг. <sup>3</sup> Чунки ҳикмат ва илму маърифатнинг ҳамма хазиналари Масихда пинҳондир. <sup>4</sup> Буни мен шунинг учун айтяпманки, ҳеч ким сизларни тилёғламалик қилиб йўлдан оздирмасин. <sup>5</sup> Мен гарчи жисман сизнинг орангизда бўлмасам ҳам, руҳан орангиздаман, сизларнинг тартиб-интизомингиз ва Масихга бўлган соғлом имонингизни кўриб севинаяпман.

<sup>6</sup> Энди сизлар Исо Масихни Раббимиз деб қабул қилган экансизлар, У билан алоқада бўлиб яшанглар. <sup>7</sup> Олган таълимотингизга мувофиқ, Унда томир ёйиб, қарор топинг, имонингизда қаттиқ туринг, шу йўлда ривожланиб бориб, Худога шукроналар тилингиздан тушмасин.

### Масихнинг ягоналиги, бидъатларга қарши оғоҳлантириш

<sup>8</sup> Эҳтиёт бўлинглар, ҳеч ким фалсафа ва қуруқ сафсаталар билан сизларни аврамасин. Бундай гаплар Масихга эмас, балки инсонларнинг

<sup>†</sup> ЛАОДИКИЯ: Колоса шахрининг ғарбий томонидаги қадимий шаҳар. Павлус Фригия ўлкасини кезганда Лаодикия шаҳрида ҳам ваъз айтган, деб ҳисобланади; яна қаранг: Ҳаворийлар 18:23, Ваҳий 3:14-22.

анъанасига, дунёнинг хурофий унсурларига асосланади. <sup>9</sup> Худонинг бутун борлиғи тўла-тўқис Масих вужудида мавжуддир. <sup>10</sup> Ҳар турли ҳукмронлик ва ҳокимиятнинг боши Масих билан алоқада бўлиб, сизлар ҳам тўла-тўқис бўлдингизлар.

<sup>11</sup> Сизлар Масих билан алоқада бўлиб суннат ҳам қилиндингизлар. Бу Масихнинг суннати <sup>††</sup> бўлиб, инсон қўли билан қилинмайди, бу суннат гуноҳкор вужуднинг кесиб ташланиши демақдир. <sup>12</sup> Сизлар имон келтирганда сувга чўмиб, Масих билан бирга кўмилдингизлар. Шунингдек, Масихни тирилтирган Худонинг қудратига қаттиқ инониб, Масих билан бирга тирилдингизлар. <sup>13</sup> Илгари сизлар суннатсиз, яъни гуноҳга ботган ҳолатда бўлиб, ўлик эдингизлар. Энди эса Худо барча гуноҳларингизни кечириб, сизларни Масих билан бирга янги ҳаёт учун тирилтирди. <sup>14</sup> Бизга қарши ёзилган, маҳкумлигимизни билдирувчи айбномани Худо ўчирди, яъни уни *Масих билан бирга* хочга михлаб, кучдан қолдирди. <sup>15</sup> Уша хоч орқали руҳий ҳоким ва ҳукмронликлар <sup>‡</sup> устидан ҳам ғалаба қозонди. Уларнинг қурол-яроғини олиб қўйди-да, уларни Ўзининг тантанали юришида юргизиб, расвои олам қилди.

### Кераксиз диний қоидалар

<sup>16</sup> Шундай қилиб, егулик-ичгулик, диний байрамлар, янги ой ёки дам олиш кунлари хусусида ҳеч ким сизларга қонун-қоида чиқармасин. <sup>17</sup> Булар келажак дунёнинг шарпасигина холос, асли эса Масихдадир. <sup>18</sup> Фаришталарга сиғинишни қойил қиладиган, ўз хаёлида туғилган “ваҳийлар”га мафтун бўлган, сохта камтарлик кўрсатиб, ўзининг инсоний фикрлаши билан беҳуда мағрурланиб кетган ҳеч бир киши сизларни васвасага солмасин. <sup>19</sup> Бундай кишилар *Ўз умматининг* Боши бўлган Масихдан ажралган. Ана бу Бошдан бутун бадан ҳаётбахш куч олиб, паю бўғинлар орқали ўзаро уланиб, Худо хоҳлаган йўлда ўсади.

<sup>20</sup> Агар сизлар Масих билан бирга ўлган бўлсангизлар, дунёнинг хурофий кучлари олдида ҳам ўлган бўласизлар. У ҳолда яна нима учун бу дунёга қул бўлгандек, <sup>21</sup> “тегма”, “тутма”, “ема” каби қонун-қоидаларга бўйсунасизлар? <sup>22</sup> Бу қоидаларнинг ҳаммаси фақат қўлланиб йўқ бўлувчи нарсалар билан боғлиқ бўлиб, инсонларнинг буйруқ ва анъаналарига таянади. <sup>23</sup> Гарчи булар натижасида пайдо бўладиган

<sup>††</sup> МАСИХНИНГ СУННАТИ: Суннат қилувчи кичкина тери парчасини кесар экан, Масих Унга ишонган кишини ёмон хулқ-атвордан бутунлай қутқариб, гуноҳдан пок қилади, руҳан суннат қилади; яна қаранг: Римликлар 2:25-29. <sup>‡</sup> ҲОКИМ ВА ҲУКМРОНЛИКЛАР: кўринмайдиган оламда ҳукмронлик қилаётган шайтон ва ёвуз руҳлар (жинлар). Исо Масих Ўзининг ўлими ва тирилиши орқали бу кучлар устидан ғолиб келди, Унга ишонган киши Унинг ғалабасига шерик; яна қаранг: 1-Бутрус 3:22, Римликлар 8:37-39, Эфесликлар 1:21, 6:12.

бебошларча диндорлик, ўзини мўминликка солиш, баданни қийнаш одамларга ҳикматдай туюлса-да, аслида нафсга ўт, нафсониятга доғ туширади.

### Масих билан янги ҳаётда яшаш

**3** Сизлар Масих билан бирга тирилган экансиз, юқоридаги, Масих бўлган жойдаги нарсаларни изланглар; У самода Худонинг ўнг томонида ўтирибди. <sup>2</sup> Фикрингиз ер юзидаги эмас, самодаги нарсалар билан банд бўлсин. <sup>3</sup> Чунки сизлар ўлгансизлар, *янги* ҳаётингиз эса Масих билан Худо ҳузурида пинҳондир. <sup>4</sup> Ҳаётингизнинг ўзи – Масихдир. У оламга қайтиб зоҳир бўлгач, сизлар У билан бирга улуғвор тусда зоҳир бўласизлар.

<sup>5</sup> Шундай қилиб, ерга хос нафсингизни тийиб, фаҳшбозлик, нопоклик, ёмон ҳирсу ҳаваслар ҳамда бутпарастлик билан тенг бўлган тамагирликни ўлдириглар. <sup>6</sup> Булар сабабли Худонинг ғазоби итоатсиз бандаларнинг бошига тушади! <sup>7</sup> Сизлар ҳам бир вақтлар бу кишилар билан ётиб-туриб, айна шундай ишлар қилар эдингизлар. <sup>8</sup> Аммо энди ғазаб, жаҳл, гиналарнинг ҳаммасини бир четга йиғштириб қўйинглар. Оғзингиздан ҳеч қандай жеркиш ёки ножўя сўз чиқмасин. <sup>9</sup> Бир-бирингизга ёлғон гапирманглар. Чунки сизлар эски инсонни ёмон одатлари билан бирга ўзингиздан соқит қилдингизлар. <sup>10</sup> Бунинг ўрнига Худони таниб-билиш сари янгиланаётган, Яратувчининг суратига † ўхшаб бораётган янги инсонни қабул қилдингизлар. <sup>11</sup> Шу нуқтаи назардан энди на юноний бор, на яҳудий; на суннатли бор, на суннатсиз; на жоҳил †† бор, на маданиятсиз ‡; на қул бор, на озод. Зеро Масих ҳамма нарсадир ва ҳамма нарсададир.

<sup>12</sup> Худо сизларни азизларим деб танлаган, сизлар муқаддасиз. Шунга кўра раҳм-шафқат, кўнгилчанлик, камтарлик, мулойимлик ва сабр-тоқатни зеб-зийнат қилиб тақинглар. <sup>13</sup> Бир-бирингизга нисбатан чидамли ва кечиримли бўлинглар. Агар бир киши иккинчисидан хафа бўлса, Масих сизларни кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар. <sup>14</sup> Яна буларнинг устига камолот чўққиси бўлган муҳаббат тожини кийинглар.

<sup>15</sup> Масих ато қилган тинчлик дилингизда ҳоким бўлсин. Сизлар бир баданнинг аъзолари каби тинч-тотув бўлишга даъват этилгансизлар.

† ЯРАТУВЧИНИНГ СУРАТИ: Тавротда: “Худо одамни Ўзининг суратидек, илохий суратда яратди”, деб ёзилган (қаранг: Ибтидо 1:26-27). Одамзод гуноҳ қилиб, руҳан ва жисман бузилгани учун, яна Худо яратган асл суратга қайтиши керак. Исо Масихга ишонган кишида бу янгиликни жараёни бошланган; яна қаранг: Эфесликлар 4:17-24, Римликлар 12:1-2. †† ЖОҲИЛ: юнонча “Варвар”, яъни қадимги юнонларда чет эллик одам; айнан қаранг: Римликлар 1:14, Галатияликлар 3:28. ‡ МАДАНИЯТСИЗ: юнонча “Скиф”, яъни Қора денгиз билан Каспий денгизи орасида яшаган халқ, римликлар ва юнонлар уларни “ғоят маданиятсиз ва ваҳший” деб таърифлаганлар; яна қаранг: Ибтидо 10:3.

Шунингдек, миннатдор бўлинглар. <sup>16</sup> Масихнинг каломи сизда чуқур ўрнашиб, яшнаверсин. Бутун донолик билан бир-бирингизга таълим беринг, насиҳат қилинг. Забур хониши, илҳомли кўшиқлар ва мадҳиялар билан, чин кўнгилдан, миннатдорчилик билан Худони тараннум этинглар. <sup>17</sup> Нима айтсангиз ёки нима қилсангизлар, ҳаммасини Раббимиз Исо номидан қилиб, У орқали Отамиз Худога шукрона айтинглар.

### Оила ва жамиятдаги турмуш тартиби

<sup>18</sup> Эй хотинлар, Раббимиз билан алоқада яшовчиларга муносиб, эрларингизга итоат этинглар. <sup>19</sup> Эй эркаклар, хотинларингизни севинглар, уларга кўпол муомалада бўлманглар. <sup>20</sup> Эй болалар, ҳар нарсада ота-оналарингизнинг сўзига қулоқ солинглар, чунки бу Раббимизга маъқул келади. <sup>21</sup> Эй оталар, руҳий тушқунликка тушмаслик учун болаларингизни ранжитаверманглар.

<sup>22</sup> Эй қуллар, дунёдаги хўжайинларингизга ҳар нарсада итоат этинглар. Буни инсонга ёқмоқ учун, хўжақўрсинга эмас, балки соддадиллик билан, Худодан кўрқиб қилинглар. <sup>23</sup> Қиладиган ҳар бир ишни инсонлар учун эмас, Раббингиз учун қилаётгандай, чин қалбдан бажаринглар. <sup>24</sup> Худодан абадий мукофот олишингизни ўйлаб, Эгангиз Масихга хизмат қилинглар. <sup>25</sup> Кимки ноҳақлик қилса, қилмишига яраша жазо олади. Худо юз-хотирчилик қилмайди.

### Алоҳида панд-насиҳатлар

**4** Эй хўжайинлар, сизнинг ҳам осмонда Эгангиз борлигини билиб, қулларингизга одил бўлинг, ҳақини тўлиқ беринглар.

<sup>2</sup> Тоат-ибодатга астойдил берилинглар; ибодат қилишда ҳушёр бўлиб, шукрона қилинглар. <sup>3</sup> Шунингдек, бизлар учун ҳам ибодат қилинглар: биз Худонинг каломини тарғиб қилишимиз ва Масих сирини баён этишимиз учун Ўзи бир эшикни очиб берсин. Мен ана шу сир туфайли қамоқдаман. <sup>4</sup> Бу сирни муносиб равишда изҳор эта олишимни Худодан сўранглар.

<sup>5</sup> Фурсатни ғанимат билинглар, сафингизда бўлмаганлар билан оқилона йўл тутинглар. <sup>6</sup> Ҳар бир одамга қандай жавоб бериш лозимлигини билинглар, сўзингиз ҳаммиша файзли ва мазали бўлсин.

### Саломлар ва тилаклар

<sup>7</sup> Раббимнинг содиқ хизматкори, ҳамкорим ва суюкли укам Тихик мен ҳақимдаги барча нарсаларни сизларга билдиради. <sup>8</sup> Ана шу мақсадда уни олдингизга жўнатаман: у кўнгилларингизни тинчитиб, аҳволингиздан хабар олиб келсин. <sup>9</sup> Содиқ ва севимли биродаримиз, ҳамшаҳарингиз Ўнисим ҳам Тихик билан бирга



олдингизга боради. Улар бу ерда юз берган ҳамма нарсани сизларга айтиб беришади. <sup>10</sup> Мен билан бирга қамалган Аристарх ва Барнабонинг жияни Марк ҳам сизларга салом йўллаяптилар. Марк ҳақида буйруқ олгансизлар; агар олдингизга борса, уни яхши қабул қилинглр. <sup>11</sup> Юстус лақабли Исо ҳам сизларга салом йўллаяпти. Худонинг Шоҳлиги йўлида меҳнат қилаётган булардан бошқа яҳудий ҳамкорларим йўқ. Улар менга юпанч бўлиб келмоқдалар.

<sup>12</sup> Исо Масихнинг кули, ҳамшаҳарингиз Эпафрас сизларга салом йўллаяпти. Сизлар Худога маъқул бўлган ҳамма нарсани бажарувчи етук, ишончи комил кишилар бўлиб оғишмай туринглр, деб Эпафрас зўр ғайрат билан, тинмай ибодат қилмоқда. <sup>13</sup> У сизлар учун ҳамда Лаодикия ва Иераполь шаҳарларидаги Масих жамоатлари учун не-не заҳматлар чекканига ўзим шоҳидман.

<sup>14</sup> Севимли табиб Луқо ва Димас сизларга салом йўллашяпти.

<sup>15</sup> Лаодикия шаҳридаги биродарларга, айниқса Нимфа ва унинг уйида тўпланадиган жамоатга салом айтинглр. <sup>16</sup> Бу мактубим орангизда ўқиб берилгандан кейин, Лаодикиядаги Масих жамоатига ҳам ўқитинглр. Сизлар эса Лаодикиядан келадиган мактубни ўқинглр.

<sup>17</sup> Архиппга: “Сен Раббимиз йўлида бўйнингга олган хизматни адо қилиш учун эҳтиёт бўл”, – деб айтинглр.

<sup>18</sup> Мен, Павлус, ўз қўлим билан бу дуойи саломни ёзяман. Қамоқда ётганимни эсдан чиқарманглр. Худонинг инояти сизларга ёр бўлсин. Омин.

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

# БИРИНЧИ САЛОНИКАЛИКЛАРГА

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

Жамоатга салом, намунали имон учун мақтов

**1** Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масихнинг уммати бўлган Салоника <sup>†</sup> шаҳридаги имонлилар жамоатига Павлус, Силван <sup>††</sup> ва Тимўтийдан салом! Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

<sup>2</sup> Ибодатларимизда тинмай сизларни хотирлаб, ҳаммаларингиз учун Худога шукр қиламиз. <sup>3</sup> Чунки сизлар имон билан иш қилиб, муҳаббат билан заҳмат чекаси, фақат Раббимиз Исо Масихга умид боғлаб, У туфайли сабр-тоқат қиласизлар. Шунинг учун Отамиз Худо хузурида сизларни эслаб турамыз.

<sup>4</sup> Эй биродарлар, Худо сизларни севиб, танлаганини биламиз. <sup>5</sup> Биз Инжил Хушхабарини сизларга куруқ сўз билан эмас, балки кудрат билан, Муқаддас Руҳ кучи билан, тўла ишонтириш кучи билан хабарлаб келдик. Биз орангизда бўлганимизда қандай намунали турмуш кечирганимизни ўзларингиз биласизлар.

<sup>6</sup> Шундай қилиб, сизлар кўп қайғуда бўлсангиз ҳам, Муқаддас Руҳдан илҳом олиб, ўзингизда севинч ҳосил қилдингизлар, Худонинг каломини қабул этиб, бизга ҳам, Раббимизга ҳам эргашдингизлар. <sup>7</sup> Македония ва Ахая ўлкаларидаги бутун имонлиларга ўрнатилган бўлиб қолдингизлар. <sup>8</sup> Раббимиз Исонинг каломини сизлардан бошлаб ёйилди. Сизларнинг Худога бўлган имонингизнинг шуҳрати ёлғиз Македония ва Ахаягагина эмас, ҳамма ёққа ҳам тарқалиб кетди. Шунинг учун энди бизнинг бирор нарса гапиришимизга ҳожат қолмади. <sup>9</sup> Ҳамма эшитганларнинг ҳам айтишларича, сизлар бизни яхши қабул қилдингизлар, бутларга сиғинишдан қайтиб, барҳаёт ва ҳақиқий Худога таваккал қилдингизлар. Энди Худога хизмат қилаётиб, <sup>10</sup> Унинг Ўғли Исонинг кўкдан тушишига кўз тутиб юрибсизлар. Худо Ўз Ўғли Исони тирилтирди, токи У бизни келажак Худо ғазабидан халос қилсин.

<sup>†</sup> САЛОНИКА (Фессалоника): Юнонистоннинг шимолий қисми - Македонияда жойлашган муҳим шаҳар, Ҳаворий Павлус у ерда ваъзхонлик қилган; қаранг: Ҳаворийлар 17-боб, Филиппиликлар 4:16, 2-Тимўтий 4:10. <sup>††</sup> СИЛВАН: Павлуснинг ёрдамчиси, Сила номининг лотинча шакли; қаранг: Ҳаворийлар 15-18-боблар, 2-Коринфликлар 1:19.

Павлуснинг Салоника шаҳридаги хатти-ҳаракати

**2** Эй биродарлар, олдингизга бориб қилган зиёратимизнинг бефойда бўлмаганини ўзларингиз биласизлар. <sup>2</sup> Яна аввалдан биласизларки, ундан олдин Филиппи шаҳрида азоб чекиб, ҳақоратга учраган эдик. Аммо бу шиддатли қаршиликларга қарамасдан, Худо Ўз Хушхабарини сизларга ҳам етказиш учун бизга жасорат берди. <sup>3</sup> Биз насиҳат қилар эканмиз, бизда на хато, на нопок ният, на бирон ҳийла бўлган. <sup>4</sup> Биз инсонларга ёқиш учун ўзимизча гапирмаяпмиз. Аксинча, Худо Хушхабарни бизга ишониб топширди, уни етказиш учун бизни лойиқ топди, шунинг учун биз фақат Худони хушнуд этмоқчимиз. Юракларимизни У синаб кўради. <sup>5</sup> Сиз яхши биласизларки, биз ҳеч вақт тилёғламалик қилмадик, ниқоб остида тамагирикни ҳам кўзламадик. Худо бунга шоҳид. <sup>6</sup> Биз на сизлардан, на бошқалардан инсоний шон-шараф изламадик.

<sup>7</sup> Биз Масихнинг ҳаворийлари каби олдингизга салобат билан келишимиз мумкин эди. Аммо болаларини ардоқлаган бир энага каби орангизда ювош бўлдик. <sup>8</sup> Сизларга шу қадар кўнгул боғлаган эдикки, фақат Худонинг Хушхабаринигина эмас, балки ўз жонимизни ҳам беришга тайёр эдик. Чунки сизлар биз учун азиз бўлиб қолган эдингизлар. <sup>9</sup> Эй биродарлар, сизларга сарф қилган меҳнату заҳматимизни эсда тутинглар! Сизларнинг бирортангизга малол келмасин, деб кечаю кундуз меҳнат қилдик ва Худонинг Хушхабарини талқин қилиб бердик.

<sup>10</sup> Сиз, имонлилар олдида биз қандай покдил, солиҳ ва бенуқсон бўлганимизга ўзларингиз ҳам, Худо ҳам гувоҳдир. <sup>11</sup> Шуни ҳам биласизларки, ота ўз болаларини авайлагани каби, биз ҳам ҳар бирингизни авайлаб далда бердик. <sup>12</sup> Биз сизларга жиддий насиҳат қилдик. Худо Ўзининг улуғвор Шоҳлиги соясига сизларни чорлади, энди шунга лойиқ суратда яшанглар, деб самимий ёлвордик.

<sup>13</sup> Бизнинг тинмай Худога шукр қилишимизнинг яна бир сабаби бор: сизлар Худонинг каломини биздан эшитганингизда, буни инсон сўзи сифатида эмас, балки Худо каломини сифатида қабул қилдингизлар. Бу калом ҳақиқатан Худо каломини бўлгани учун, сиз, имонлиларга таъсир қилмоқда.

<sup>14</sup> Эй биродарлар, сизлар Яҳудия ўлкасидаги Исо Масих уммати бўлган Худо жамоатларига эргашдингизлар; улар яҳудийлардан қандай азоб чеккан бўлса, сизлар ҳам ўз юртдошларингиздан шундай хўрлик кўрдингизлар. <sup>15</sup> Мана, яҳудийлар Раббимиз Исони ва пайғамбарларни ўлдиришган, бизни ҳам жабрлаб, қувғин қилишган. Улардан Худо рози эмас, улар барча одамларга ҳам душмандир. <sup>16</sup> Улар бошқа халқларга ваъз айтишимизни тақиқлаб, уларнинг нажот топишига тўсқинлик қилмоқдалар, шу тариқа тобора гуноҳ орттириб бормоқдалар. Улар аллақачон Худонинг ғазабига учраган-ку.

<sup>17</sup> Эй биродарлар, энди биз дилимиз билан бўлмаса-да, вужудимиз билан қисқа бир муддат сизлардан жудо бўлдик. Аммо сизларни жуда ҳам соғиниб, дийдорингизни кўришга жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилмоқдамиз. <sup>18</sup> Ҳа, биз, айниқса мен, Павлус, бир-икки марта сизнинг олдингизга бормоқчи эдик, лекин шайтон бизга халақит берди. <sup>19</sup> Зотан бизнинг умид ва севинчимиз ким? Раббимиз Исо қайтиб келганда, Унинг олдида фахрланадиган тожимиз ким? Сизлардан бошқа ким ҳам бўла оларди?! <sup>20</sup> Ҳа, сизлар биз учун шараф ва қувончсиз!

### Тимўтий келтирган эзгу хабар

**3** Биз энди бошқа тоқат қилолмай, Афина шаҳрида ёлғиз қолишга рози бўлдик <sup>2</sup> ва укамиз Тимўтийни сизнинг олдингизга юборишга қарор қилдик. Тимўтий Масих Хушхабарини тарғиб қилишда бизнинг ҳамкоримиз ҳамда Худонинг хизматкоридир. У сизларни имонда мустаҳкамлаб, руҳлантиради, <sup>3</sup> токи бу қайғулар билан яна бирортаси йўлдан тойиб кетмасин. Тақдиримиз қайғули эканлигини ўзларингиз биласизлар. <sup>4</sup> Биз ёнингизда бўлганимиздаёқ, биз учун қайғусизлик бўлмайди, деб сизларга таъкидлаган эдик. Билганингиздек, худди шундай бўлди. <sup>5</sup> Шунинг учун мен ортиқча сабр қилолмай, мабодо васвасачи <sup>†</sup> сизларни йўлдан оздирмадим, меҳнатимиз беҳуда кетмадим, деб имонингизнинг аҳволини билиш учун укамизни юбордим.

<sup>6</sup> Энди эса Тимўтий олдингиздан қайтиб келиб, имонингиз ва севингиз ҳақида эзгу хабар берди. Биз сизларни соғинганимиздек, сизлар ҳам бизни соғиниб қолибсиз, ҳар доим бизни дуо қилаётган экансиз, у гапириб берди. <sup>7</sup> Шу сабабдан, биродарлар, биз ҳамма қайғу ва эҳтиёжларимиз орасида сизнинг имонингизнинг ривожига ҳақида билиб, тасалли топдик. <sup>8</sup> Ҳа, сизлар Раббимиз билан маҳкам алоқада тураверсангиз, бизнинг жонимиз киради. <sup>9</sup> Худойимиз ҳузурида сизлар сабабли топган бахт-саодатимиз учун Унга қанча шукр қилсак оздир. <sup>10</sup> Дийдорингизни кўриш ва

имонингиздаги камчиликларни тўлдириш учун кечаю кундуз зўр бериб Худога илтижо қиламиз.

<sup>11</sup> Отамиз Худонинг Ўзи ва Раббимиз Исо Масих йўлимизни сизлар томон йўналтирсин. <sup>12</sup> Биз сизларни қанча севсак, Раббимиз Исо Масих бир-бирингизга ва барча инсонларга бўлган муҳаббатингизни шунча кўпайтириб юборсин. <sup>13</sup> Шунда Раббимиз Исо Масих Ўзининг барча азизлари <sup>††</sup> билан бирга осмондан тушиб келаётганда, сизнинг дилларингиз собит бўлади, сиз Отамиз Худо ҳузурида муқаддасликда бенуқсон бўласизлар. Омин.

### Муқаддас ҳаётга ундаш

**4** Хуллас, эй биродарлар, Худога маъқул келиш учун қандай яшашингиз кераклиги тўғрисида биздан таълим олгансизлар. Ҳозир ҳам шундай яшаётган бўлсангиз-да, бундан кўпроқ равнақ топинглар, деб Раббимиз Исо ҳақи сизлардан ёлвориб сўраймиз. <sup>2</sup> Биз Раббимиз Исо номидан сизларга қандай буйруқлар берганимизни, албатта, биласизлар.

<sup>3</sup> Худонинг иродаси шу: муқаддас бўлинглар, зинодан ўзингизни сақланглар. <sup>4</sup> Ҳар бир одам ўз хотинини <sup>‡</sup> эплаб, муқаддас ва ифбатли сақласин. <sup>5</sup> Худони танимаган халқлар каби шаҳвоний ҳирсга берилманглар. <sup>6</sup> Бу хусусда ҳеч ким биродарига фириб бериб, ноҳақлик қилмасин. Олдиндан сизларга айтиб, огоҳлантирганимиздек, ҳамма бу ишлар учун Худо қасос олади. <sup>7</sup> Чунки Худо бизларни нопокликка эмас, балки муқаддасликка чақирган. <sup>8</sup> Демак, бу қондани рад этган киши инсонни эмас, балки сизга Муқаддас Руҳни берган Худони рад этган бўлади.

<sup>9</sup> Биродарлик муҳаббати тўғрисида сизларга ёзишнинг ҳожати йўқ. Чунки бир-бирингизни севишни Худодан ўргангансизлар. <sup>10</sup> Зотан сизлар Македония ўлкаси бўйлаб яшовчи барча биродарларингизга ҳам шундай муносабатда бўляпсизлар. Шунга қарамай, сизларни янада кўпроқ равнақ топишга ундамоқчимиз.

<sup>11</sup> Биродарлар, биз сизларга: осойишта яшаш, шахсий ишларингиз билан машғул бўлиш, ҳалол ишлашга жон куйдиринглар, деб буюрган эдик. <sup>12</sup> Яна ҳеч кимга муҳтож бўлмасдан, бошқа одамларнинг кўзи олдида одоб билан яшанглар.

### Исо Масихнинг оламга қайтиши

<sup>13</sup> Эй биродарлар, умидсизликда яшаётган бошқа одамларга ўхшаб ғамгин бўлманглар, деб бу оламдан кўз юмиб кетганларнинг аҳволи ҳақида сизларни хабардор қилмоқчимиз. <sup>14</sup> Биз Исонинг ўлиб, тирилганига ишонамиз. Шунга ўхшаб, Худо Исога ишонган марҳумларни ҳам У билан бирга қайтариб келтиради.

<sup>††</sup> АЗИЗЛАР: ўлган имонлилар ёки фаришталар бўлса керак; яна қаранг: 4:16, Матто 25:31, Марк 8:38, 2-Салоникаликлар 1:7.

<sup>‡</sup> ХОТИНИНИ: ёки вужудини.

<sup>†</sup> ВАСВАСАЧИ: шайтон; яна қаранг: Матто 4:3.

<sup>15</sup> Буни сизларга Раббимиз каломи каби айтяпмиз: биз, тириклар, яъни Раббимиз Исо келишига қадар ҳаёт бўлганлар, ўлганлардан илгари келмаймиз.

<sup>16</sup> Чунки Раббимиз Исо Ўзи буюк нидо, бош фариштанинг садоси, Худонинг карнайи билан осмондан тушади. Аввал Масихга ишонган марҳумлар тириладилар. <sup>17</sup> Сўнгра биз, тирик қолганлар, улар билан бирга Раббимизни ҳавода кутиб олиш учун булутлар билан кўтариламиз. Шу тариқа ҳамиша Раббимиз билан бирга бўламиз.

<sup>18</sup> Ана шу сўзлар билан бир-бирингизни овунтиринглар.

#### Охирзамонда яшашлик ҳақида

**5** Эй биродарлар, бу воқеалар рўй берадиган замон ва муддатлар ҳақида сизларга ёзишнинг ҳожати йўқ. <sup>2</sup> Чунки ўзларингиз яхши биласизларки, кечаси ўғри қандай келса, маҳшар куни ҳам шундай келади. <sup>3</sup> Худди ҳомиладор хотинни тўлғоқ тутиб қолганидек, инсонлар тинч ва осойишта деб юрганда, тўсатдан уларнинг бошига ҳалокат келади ва ундан асло қочиб қутула олмайдилар.

<sup>4</sup> Сизлар эса, эй биродарлар, қоронғилиқда эмассизларки, ўша кун ўғри каби сизларни босиб олсин. <sup>5</sup> Ҳаммаларингиз ёруғлик ва кундузнинг ўғилларисизлар. Биз кечага ҳам, қоронғиликка ҳам тааллуқли эмасмиз. <sup>6</sup> Шунинг учун бошқалар каби ухламайлик, бедор ва ҳушёр бўлайлик.

<sup>7</sup> Ухлаганлар кечаси ухлайдилар, сархуш бўлганлар кечаси сархуш бўладилар.

<sup>8</sup> Лекин биз кундузга оидмиз. Шу туфайли имон ва муҳаббат қалқонини олайлик, нажотга умидворлик дубулғасини кияйлик, ҳушёр бўлайлик.

<sup>9</sup> Чунки Худо бизни ғазаб учун эмас, балки Раббимиз Исо Масих орқали нажот топиш учун тайин этди. <sup>10</sup> Раббимиз Исо Масих биз учун ўлди. Биз ҳаёт бўлсак ёки ҳаётдан кўз юмсақ ҳам, ҳамиша У билан бирга яшаймиз. <sup>11</sup> Шунинг учун ҳозир ҳам

қилаётганингиздек, бундан кейин ҳам бир-бирингизга далда бериб, ёрдам қилинглр.

#### Сўнги панд-насиҳат

<sup>12</sup> Эй биродарлар, орангизда меҳнат қилиб, Раббимиз йўлида сизларга бошчилик қилиб, йўл-йўриқ берадиганлар бор, уларни қадрлашингизни илтимос қиламан. <sup>13</sup> Қилган ишлари туфайли уларни чин қалбдан севиб, ҳурмат қилинглр. Бир-бирингиз билан тинч-тотув яшанглр. <sup>14</sup> Сизларга ёлворамиз, биродарлар: ишққмасларга йўл-йўриқ кўрсатинглр, жасоратсизларнинг руҳини кўтаринглр, кучсизларга ёрдамлашинглр, ҳаммага сабр-тоқатли бўлинглр. <sup>15</sup> Ҳеч ким ўзгага ёмонлик эвазига ёмонлик қилмасин. Аксинча, ҳар доим бир-бирингиз, қолаверса, ҳамма учун ҳам яхшилиқни изланглр.

<sup>16</sup> Ҳамиша хурсанд бўлинглр, <sup>17</sup> тинмай тоат-ибодат қилинглр, <sup>18</sup> ҳар қандай шароитда ҳам Худога шукр қилинглр. Бу – Худонинг иродаси, чунки сизлар Исо Масих умматисизлар. <sup>19</sup> Руҳнинг алангасини сусайтирманглр. <sup>20</sup> Пайғамбар кароматини камситманглр. <sup>21</sup> Ҳамма нарсани синаб кўринглр, яхшиликка ёпишиб олинглр. <sup>22</sup> Ҳар хил ёмонликлардан ўзингизни сақланглр.

<sup>23</sup> Тинчлик манбаи бўлган Худонинг Ўзи сизларни бутунлай муқаддас қилсин. Раббимиз Исо Масих келгунча, бутун руҳингиз, жонингиз ва танингиз бенуқсон сақлансин. <sup>24</sup> Сизларни даъват этган Худо Ўз сўзига содиқдир, У айтганини бажаради.

<sup>25</sup> Биродарлар, бизлар учун ибодат қилинглр. <sup>26</sup> Бутун биродарларга муқаддас ўпиш билан салом айтинглр. <sup>27</sup> Бу мактубни барча муқаддас биродарларимга ўқиб беришингизни Раббим Исо ҳақи қаттиқ буюраман.

<sup>28</sup> Раббимиз Исо Масихнинг инояти сизларга ёр бўлсин. Омин.

#### ИККИНЧИ МАКТУБИ

# ИККИНЧИ САЛОНИКАЛИКЛАРГА

## ИККИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масихнинг уммати бўлган Салоника шаҳридаги имонлилар жамоатига Павлус, Силван ва Тимўтийдан салом! <sup>2</sup> Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

### Маҳшар куни тўғрисида

<sup>3</sup> Эй биродарлар, биз сизлар учун ҳамиша Худога шуқр қилишни бурчимиз деб биламиз. Сизлар бунга муносибсиз, чунки имонингиз кун сайин мукаммаллашиб, ўзаро биродарлик муҳаббатингиз кўпайиб бормоқда. <sup>4</sup> Сизлар бошдан кечираётган бутун таъқибу қайғуларга сабр-қаноат ва эътиқод билан чидаб турибсиз. Ана шу сабабдан биз Худонинг жамоатлари олдида сизлар билан фахрланамиз.

<sup>5</sup> Сизлар Худонинг Шоҳлигига лойиқ топилишингиз учун, бу азобларни чекмоқдасизлар. Булар Худонинг адолатли ҳукмидан далолат бермоқда. <sup>6</sup> Худонинг адолати яна шундан ҳам иборатки, сизларга азоб бераётганларга У ўзига яраша жазосини беради, <sup>7</sup> сиз, азоб чекаётганларни эса биз билан бирга роҳат-фароғатга эриштиради. Раббимиз Исо Ўзининг қудратли фаришталари билан бирга олов алангасида осмондан тушиб зоҳир бўлган вақтда, бу воқеа содир бўлади. <sup>8</sup> Ўшанда Раббимиз Исо Худони танимаган ва Ўзининг Хушхабарига итоат этмаган шаккоклардан ўч олади. <sup>9</sup> Улар Раббимизнинг ҳузури ва ҳашаматли қудратидан олис, абадий ҳалокат жазосига маҳкум бўладилар. <sup>10</sup> Раббимиз Исо келган куни барча имонлиларни ҳайратда қолдиради ва Ўз азизлари орасида улуғланади. Ана, сизлар ҳам ўша имонлилар қаторида турасиз, чунки бизнинг гувоҳлигимизга ишонгансизлар.

<sup>11</sup> Шу сабабдан биз тинмай сизлар учун ибодат қиламиз: Худойимиз сизларни Ўз даъватига лойиқ кўрсин, Ўзига хос куч-қудрат билан бутун яхши мурод-мақсадингизни рўёбга чиқарсин, ҳар бир имонли ишингизга омад берсин, <sup>12</sup> шу йўсин Раббимиз Исонинг исми сизларда улуғлансин ва У

сизларни ҳам улуғласин. Худойимиз ва Раббимиз Исо Масихнинг иноятли иродаси ана шу.

### Дажжолнинг келиши

**2** Эй биродарлар, Раббимиз Исо Масих осмондан тушиб, сизлар билан қўшилиши арафасида сизлардан илтимос қиламиз: <sup>2</sup> “Раббимиз куни келди”, деб даъво қилаётган ҳеч қандай руҳ ёки сўз, бизнинг номимиздан битилгандай қилиб кўрсатилган ҳеч қандай мактуб ақлингизни дарров адаштирмасин, сизларни чўчитмасин. <sup>3</sup> Ҳеч ким сизларни турли йўллар билан алдамасин. Чунки имондан қайтиш вақти келмагунча, тақдири ҳалокат бўлган дажжол <sup>†</sup> пайдо бўлмагунча, ўша кун келмайди. <sup>4</sup> Дажжол эса илоҳий ва табаррук ҳисобланган ҳамма нарсага қарши туради, ўзини ҳаммадан устун ҳисоблайди, ҳаттоки Худонинг маъбадида ўтириб, ўзини Худо қилиб кўрсатади.

<sup>5</sup> Эсингизда йўқми, мен ёнингизда бўлган пайтимда буларни сизларга айтиб турардим. <sup>6</sup> Дажжол белгиланган вақтда пайдо бўлишига энди нима монелик қилаётганини биласизлар. <sup>7</sup> Гарчи ёвузликнинг сирли кучи ҳозирданоқ амал қилса ҳам, аммо унга монелик қилаётган *илоҳий* Зот ғойиб бўлмагунга қадар, бу сир ошкор бўлмайди. <sup>8</sup> Ўшандагина дажжол пайдо бўлади. Лекин Раббимиз Исо осмондан тушиб, Ўзининг нафаси билан уни ўлдиради, улуғвор кўриниши билан уни маҳв этади.

<sup>9</sup> Унгача дажжол шайтоннинг кучи билан ҳар турли қудратли ишлар, ажойиботлар, сохта мўъжизалар кўрсатади. <sup>10</sup> У ҳалок бўладиганларни ҳар турли ноҳақ васвасалар билан йўлдан оздиради. Бу кишилар ҳақиқат севгисини қабул қилмаганлари учун ҳалок бўладилар, нажот топа олмайдилар. <sup>11</sup> Ана шу сабабдан Худо уларга алдовчи бир куч юборади, улар эса ёлғонга ишониб кетади. <sup>12</sup> Шу йўсин ҳақиқатга ишонмаган, ноҳақлик қилишдан завқланадиган барча одамлар тегишли жазосини оладилар.

<sup>†</sup> *ДАЖЖОЛ: аслида “қонунсиз одам”, яъни Антихристоснинг эпитети; луғатга қаранг.*

### Маҳкам бўлинглар

<sup>13</sup> Эй Раббимиз севган биродарлар, сизлар учун ҳамиша Худога шукр қилиш бизнинг бурчимиз. Чунки сизлар Муқаддас Рух орқали муқаддас қилиндингизлар ва ҳақиқатга имон келтириб, нажот топдингизлар. Ана шу мақсадда Худо азалдан сизларни танлади, <sup>14</sup> Раббимиз Исо Масихнинг улуғворлигига эришишингиз учун, У биз тарғиб қилаётган Инжил Хушxabари орқали сизларни Ўзига даъват этди. <sup>15</sup> Шундай қилиб, эй биродарлар, маҳкам бўлинглар. Хоҳ оғзаки хабар, хоҳ мактуб орқали биздан олган ривоятларга риоя қилинглар.

<sup>16</sup> Раббимиз Исо Масих ҳамда Отамиз Худо бизни севиб, раҳм-шафқат кўрсатди, бизга боқий тасалли ва порлоқ бир умидни ато этди. <sup>17</sup> Унинг Ўзи кўнгилларингизни кўтарсин, ҳар қандай хайрли иш ва сўз учун қувват берсин.

### Биз учун ибодат қилинглар

**3** Хуллас, эй биродарлар, Раббимиз каломи худди сизларда бўлгани сингари, бизнинг орамизда ҳам тез ёйилиши ва улуғланиши учун ибодат қилинглар. <sup>2</sup> Бузуқ ва ёвуз одамлардан қутулишимиз учун ҳам ибодат қилинглар; чунки ҳамма ҳам имонли эмас. <sup>3</sup> Раббимиз эса ишончлидир. У сизларни қўллаб-қувватлаб, ёвуз шайтондан сақлаб қолади. <sup>4</sup> Биз буюрган нарсаларни бажо келтираётганингизга ва яна бажо келтиришингизга, Раббимиз ҳақи, аминмиз. <sup>5</sup> Раббимиз Исо Масих юракларингизни Худонинг меҳр-муҳаббати ва Ўзининг сабр-бардошига йўналтирсин.

### Бекор юришга йўл қўйманглар

<sup>6</sup> Эй биродарлар, Раббимиз Исо Масих номи билан сизларга буюрамиз: биздан қабул қилган

ривоятларга хилоф тарзда бекор юрган ҳар бир биродардан узоқлашинг. <sup>7</sup> Биздан қандай ўрнак олишингиз кераклигини ўзларингиз биласизлар. Чунки биз орангизда бўлганда бекорчи эмас эдик. <sup>8</sup> Ҳеч кимнинг нонини текин емасдик, бирон кишига оғирлигимиз тушмаслиги учун кечаю кундуз юмуш қилиб, заҳмат чекардик. <sup>9</sup> Ҳаққимиз бўлмаганидан эмас, балки сизларга намуна бўлишимиз учун ва сиз биздан ўрнак олишингиз учун, шундай қилар эдик. <sup>10</sup> Ёнингизда бўлганимизда: ким ишлашни истамаса, овқат ҳам емасин, деб буюрган эдик.

<sup>11</sup> Энди баъзиларингиз бекорчи бўлиб, ҳеч иш қилмай ҳовлиқиб юрганликларингизни эшитяпмиз. <sup>12</sup> Бундай одамларга Раббимиз Исо Масих номидан ўтинамиз ва буюрамизки, тинч ишлаб, ҳалол нон есинлар.

<sup>13</sup> Эй биродарлар, яхшилик қилишдан ҳориманглар.

<sup>14</sup> Агар бирор киши бу мактубда ёзган сўзларимизга риоя қилмаса, уни ажратиб қўйинглар, у билан муносабатни узинглар, токи у уялсин. <sup>15</sup> Бундай одамни душман ҳисобламасдан, биродарингиз каби йўл-йўриқ беринглар.

### Хотима

<sup>16</sup> Тинчлик манбаи бўлган Раббимизнинг Ўзи сизларга ҳар доим ва ҳар йўсинда тинчлик берсин. Раббимиз ҳаммангизга ёр бўлсин. <sup>17</sup> Мен, Павлуснинг ўз қўлим билан ёзган дуойи саломим ҳар бир мактубимда белги бўлиб хизмат қилади, мен бундай ёзаман.

<sup>18</sup> Раббимиз Исо Масихнинг инояти ҳаммангизга ёр бўлсин. Омин.

### БИРИНЧИ МАКТУБИ

# БИРИНЧИ ТИМЎТИЙГА

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Халоскоримиз Худо ва умидворимиз Исо Масихнинг буйруғига кўра Исо Масихнинг ҳаворийси бўлган мен, Павлус, <sup>2</sup> имонда ҳақиқий ўғлим Тимўтийга Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан иноят, марҳамат ва тинчлик тилайман.

### Сохта таълимотлардан эҳтиёт бўл

<sup>3</sup> Мен Македонияга кетаётганимда, сендан Эфес шаҳрида қолгин, деб илтимос қилган эдим. У ердаги баъзи кишиларга бошқача таълимотни ёймасликларини, <sup>4</sup> афсоналар ва бепоён шажаралар билан банд бўлмасликларини буюр. Булар хаёлпарастликка сабаб бўлади, холос. Лекин илоҳий режа рўёбга чиқиши учун имон керак. <sup>5</sup> Насиҳат қилишимдан мақсад ана шу, яъни соф юракдан, тоза виждондан, холис имондан меҳр-муҳаббат ҳосил бўлсин. <sup>6</sup> Чунки баъзи одамлар бу фазилатлардан юз ўгириб, қуруқ гапларга оғиб кетдилар. <sup>7</sup> Улар Илоҳий Қонун уламолари бўлишга ҳавас қиладилар-у, лекин нима сўзлаётганларини ва нима даъво қиладиганларини ўзлари билмайдилар.

<sup>8</sup> Биз биламизки, Илоҳий Қонун ундан тегишлича истифода этувчилар учун фойдалидир. <sup>9</sup> Маълумки, Илоҳий Қонун солиҳ одамлар учун берилмаган. Аксинча, қонунсизу итоатсиз, худосизу гуноҳкор, кофиру бетавфиқ, падаркушу қотил, <sup>10</sup> фоҳиш, баччабоз, одам ўғирлаб сотувчи, ёлғончи, қасамбузар ва соғлом таълимотга зид иш қилган бошқа ҳамма учун берилган. <sup>11</sup> Муборак Худонинг менга ишониб топширган Инжили шарифи бўйича аҳвол шундайдир.

### Павлуснинг Худога шукронаси

<sup>12</sup> Менга қувват берган Раббимиз Исо Масихга шукур қиламан. Чунки У мени ишончли ҳисоблаб, Ўз хизматига олди. <sup>13</sup> Мен илгариги вақтларда шаккок, золим, жафокор эканман, энди илоҳий раҳм-шафқатга ноил бўлдим. Ахир, мен жоҳиллик ва имонсизлик туфайли бундай ҳаракат қилар эдим. <sup>14</sup> Мен Раббимиз Исо Масихдан ҳаддан зиёд лутфу карам, имон ва муҳаббат топдим. <sup>15</sup> “Исо Масих гуноҳкорларни қутқариш учун дунёга

келди”, деган сўз тўғри ва ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир. Мана, ўша гуноҳкорларнинг биринчиси менман! <sup>16</sup> Аммо Исо Масих ҳаммадан олдин менга раҳм айлаб, буюк сабр-тоқат қилди, токи кейинроқ Унга ишониб, абадий ҳаёт топажакларнинг ҳаммасига мени ибрат қилиб кўрсатсин. <sup>17</sup> Мангу Подшоҳга, ўлмас, кўринмас, ягона доно Худога абадулабад ҳурмат ва шон-шарафлар бўлсин! Омин.

<sup>18</sup> Эй ўғлим Тимўтий, илгари пайғамбарнинг сен ҳақингда берган кароматларини кўзда тутиб, буларни сенга буюриб топшираман. Ўша кароматларга биноан яхши жангчидек жанг қил. <sup>19</sup> Имон ва виждон поклигини сақлаб тур. Баъзилар пок виждонни сотдилар ва уларнинг имон кемалари ҳалокатга учради. <sup>20</sup> Именей ва Искандар шулар жумласидандир. Улар яна куфр қилмасин деб, уларни шайтонга топшириб кўйдим.

### Дуо ва ибодатлар ҳақида

**2** Энг аввал шуни насихат қиламанки, Худо йўлида обрў-эйтиборли, осойишта, сокин ҳаёт кечиримиз учун, барча инсонлар, подшоҳлар ва ҳукмдорлар учун Худога илтижо қилинг, дуолар ўқинг, тоат-ибодатлар қилинг, шукроналар айтинглар. <sup>3</sup> Бу хайрли иш бўлиб, Нажоткоримиз Худога мақбулдир. <sup>4</sup> У бутун инсонлар ҳақиқатни билиб олиб, нажот топишини истайди.

<sup>5</sup> Худо ягона ва Худо билан инсонлар орасидаги Воситачи ҳам ягонадир. <sup>6</sup> Ўзи ҳам инсон бўлган Исо Масих ҳамма инсонларни қутқариш эвазига Ўз жонини фидо қилди, шу йўсин Худо белгилаган пайтда илоҳий режани тасдиқлади. <sup>7</sup> Мен эса бу режанинг воизи ва ҳаворийси бўлиб тайинландим. [Масих ҳақи] ҳақиқатни айтяпман, ёлғон айтаётганим йўқ: мен турли халқларга имон ва ҳақиқатни ўргатмоқ учун юборилдим.

<sup>8</sup> Шундай қилиб, ҳар ерда эркаклар беғараз ва шубҳа-гумонсиз пок қўлларини кўтариб, ибодат қилишларини истайман. <sup>9</sup> Шунингдек, хотинлар ҳам сочига ортиқча оро бермай, олтин, марварид ёки қимматбаҳо кийимлар билан эмас, балки содда қиёфа, иффат ва орият билан безансинлар. <sup>10</sup> Худодан кўрқаман, деган хотинларга муносиб хайрли ишларни ўзларининг зеб-зийнати қилсинлар. <sup>11</sup> Хотин сукутда ва тўла итоаткорлик

билан таълим олсин. <sup>12</sup> Хотин таълим бериб эркак устидан хукмронлик қилишига рухсат бермайман. Хотин сукут сақласин. <sup>13</sup> Чунки олдин Одам Ато, кейин Момо Ҳаво яратилди. <sup>14</sup> Шунингдек, Одам эмас, балки хотин *шайтонга* алданиб, жиноят қилди. <sup>15</sup> Агар хотинлар имонли, меҳрли, номусли, муқаддас умр сурсалар, бола туғиш орқали нажот топадилар <sup>†</sup>.

#### Имонлилар жамоатининг нозирлари

**3** Агар ким имонлилар жамоатининг нозири <sup>††</sup> бўлишга интилса, хайрли иш орзу қилган бўлади. Бу тўғри. <sup>2</sup> Фақат шарт шуки, нозир беайб, бир хотинли, ўз меъёрини билувчи, вазмин, адабли, меҳмондўст, таълим беришга қобилиятли бўлсин. <sup>3</sup> Шунингдек, у майхўр, урушқоқ, [ғаразгўй] эмас, балки мулойим, сокин табиатли, молпарастликдан йироқ, <sup>4</sup> уйини яхши бошқарадиган, болаларини бўйсундира оладиган, обрў-эътибор орттирган бир одам бўлсин. <sup>5</sup> Агар нозир ўз уйини қандай бошқаришни билмаса, Худонинг жамоатига қандай ғамхўрлик қила олади? <sup>6</sup> Нозир имонга эндигина кирган одам бўлмасин, яна керилиб иблисга ўхшаб жазо олмасин. <sup>7</sup> Маломатга қолмаслиги ва иблиснинг тузоғига илинмаслиги учун, у жамоатдан ташқаридагилар олдида яхши номга эга бўлиши керак.

#### Имонлилар жамоатининг хизматкорлари

<sup>8</sup> Шунингдек, имонлилар жамоатининг хизматкорлари ҳам ичувчи ва ғаразгўй эмас, балки тили билан дили бир, обрўли одамлар бўлиши лозим. <sup>9</sup> Имон сирини покиза виждонда сақласинлар. <sup>10</sup> Бундайларни аввал синовдан ўтказиш керак. Агар улар беками-кўст бўлсалар, хизматга қўйилсинлар. <sup>11</sup> Шунингдек, хотинлар ҳам ғийбатчи бўлмай, балки оғир, ўз ҳаддини билувчи, ҳар нарсада ишончли бўлиши лозим. <sup>12</sup> Имонлилар жамоатининг хизматкорлари бир хотинли, болаларини ва ўз уйларини яхши бошқарадиган одамлар бўлиши шарт. <sup>13</sup> Зеро хизматларини яхши бажарганлар ўзлари учун юқори бир мартаба ва Исо Масиҳга бўлган ишончларида буюк ғалаба қозонадилар.

#### Эътиқодимизнинг буюк сири

<sup>14</sup> Мен яқинда сенинг ёнингга боришни умид қилиб, ушбуни ёзиб қолдираман. <sup>15</sup> Борди-ю кечиксам, Худонинг хонадонидида қандай ҳаракат қилиш лозим эканлигини сен билишинг керак. Худонинг хонадони – барҳаёт Худонинг уммати, ҳақиқат устуни ва пойдеворидир.

<sup>†</sup> БОЛА ТУҒИШ ОРҚАЛИ НАЖОТ ТОПАДИЛАР: ёки “туғишда омон қоладилар”, ёки “Боланинг (яъни Исонинг) туғилиши билан нажот топадилар”; яна қаранг: Ибтидо 3:14-16. <sup>††</sup> НОЗИР: аслида “епископ”, яъни имонлилар жамоатини назорат қилувчи масъул диний вазифадор; яна қаранг: Титус 1:6-9.

<sup>16</sup> Эътиқодимизнинг сири эътироз қилиб бўлмайдиган даражада буюк: Масиҳ <sup>‡</sup> вужудда зоҳир бўлди, Руҳ тарафидан тасдиқланди, Малакларга намоён бўлди, Халқлар ичра донғи чиқди, Жаҳонда эътиқод топди, Самога жамоли ила юксалди.

#### Охирзамонга хос васвасалар ҳақида

**4** Худо Руҳи яққол айтяптики, охирги замонларда баъзи одамлар имондан қайтадилар. Улар йўлдан оздирувчи руҳларга, жин таълимотига кулоқ соладилар. <sup>2</sup> Ўз виждонларини гўё қизиган темир билан доғлаган ёлғончиларнинг риёкорлигига қойил қоладилар. <sup>3</sup> Улар уйланишни ман этадилар ва Худо яратган ҳар хил овқатлардан тийилишни буюрадилар. Ҳолбуки, ҳақиқатни билиб олган имонлилар шукрона қилиб овқат ейиши керак. <sup>4</sup> Чунки Худо яратган ҳар бир нарса яхшидир. Агар шукрона билан қабул қилинса, ҳеч бир нарса рад этилмаслиги лозим. <sup>5</sup> Чунки у Худонинг каломи ва дуо билан муқаддас қилинади.

#### Исо Масиҳнинг лаёқатли хизматкори

<sup>6</sup> Сен бу тўғрида биродарларингга ўғит-насихат қилсанг, Исо Масиҳнинг лаёқатли хизматкори бўласан. Имонимизнинг улуғ ақида ва таълимотларини ўзлаштириб, булардан руҳан озиқланиб борасан. <sup>7</sup> Сафсатабоз кампирларга хос диёнатсиз афсоналардан юз ўғир. Художўйлик йўлида машқ қил. <sup>8</sup> Жисмоний машқдан оз фойда бўлади. Художўйликдан эса жуда катта фойда бўлади, чунки унинг эвазига ҳозирги ҳамда келажак ҳаётда мукофотлар бор. <sup>9</sup> Бу сўз тўғри ва ҳар жиҳатдан қабул қилинишга лойиқдир. <sup>10</sup> Ана шу мақсадда биз меҳнат қиламиз ва заҳмат чекамиз. Биз бутун инсонларни, айниқса имонлиларни Қутқарувчи барҳаёт Худога умид боғлаганмиз.

<sup>11</sup> Бу ўғитларни таъкидлаб ўргатгин. <sup>12</sup> Сенинг ёшлигингни ҳеч ким хор қилмасин. Сен сўзда, юриш-туришда, муҳаббатда, имонда, пок руҳда имонлиларга ўрнак бўл. <sup>13</sup> Мен келгунимча тиловат, насихат ва таълим билан машғул бўл. <sup>14</sup> Пайғамбар каромат қилиб, оқсоқоллар кенгаши бошингга қўл қўйиб дуо қилишганда, сен махсус руҳий қобилиятга <sup>††</sup> эга бўлгансан. Бу қобилиятингни ишга сол, ялқовлик қилма.

<sup>15</sup> Ҳамма бу ишлар билан шуғуллан. Сенинг муваффақиятингга ҳамма гувоҳ бўлиши учун ўзингни бу ишларга бутунлай бағишла. <sup>16</sup> Узингга ва таълимотингга эҳтиёт бўл, фаолиятингни астойдил давом эттир. Бу билан ўзингни ҳам, тингловчиларингни ҳам қутқарасан.

<sup>‡</sup> Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Худо”. <sup>††</sup> РУҲИЙ ҚОБИЛИЯТ: Муқаддас Руҳ бағишлаган бирор махсус қобилият; яна қаранг: 2-Тимўтий 1:6, 1-Коринфликлар 12 ва 14-боблар.



### Имонлилар жамоатидаги туллар ҳақида

**5** Чол одамни койима, лекин отангдек унга насиҳат қил. Ёшларга укаларингдек, <sup>2</sup> кампирларга оналар каби, ёш аёлларга сингилларингдек, бутун пок руҳ билан насиҳат қил.

<sup>3</sup> Чиндан кимсасиз қолган тул хотинларни ҳурмат қил. <sup>4</sup> Лекин тул хотиннинг болалари ёки набиралари бор бўлса, улар энг аввал ўз оиласига Худо буюрганларини бажо келтиришни ўргансинлар, катталарни сийлаб уларга тегишли ҳақини берсинлар. Бу Худога мақбул бўлади.

<sup>5</sup> Чиндан тул ва ёлғиз қолган хотин Худога умид боғлаб, кечаю кундуз узлуксиз тоат-ибодат қилади.

<sup>6</sup> Лекин кайф-сафо билан яшаган тул хотин тириклигида ҳам ўликдир. <sup>7</sup> Гуноҳкор бўлмаслиги учун тулларга бу ўгитларни уқтир. <sup>8</sup> Ким ўз қавм-қариндошлари, хусусан оила аъзолари ҳақида ғамхўрлик қилмаса, у имонни инкор этган, имонсиздан ҳам баттар ҳисобланади.

<sup>9</sup> Туллар рўйхатига † ёзиладиган бева аёл битта эркакка теккан бўлиши ва олтмиш ёшдан кам бўлмаслиги шарт. <sup>10</sup> Шунингдек, у яхшилик қилувчи деб ном чиқарган, болалар тарбиялаган, мусофирларни қабул қилган, азизларнинг оёқларини ювган ††, қайғу-алам чекувчиларга ёрдам берган ҳамда хайрли ишларга астойдил берилган бўлиши лозим.

<sup>11</sup> Ёш тул хотинларни рўйхатга қабул қилма. Чунки уларнинг нафси Масиҳга хилоф равишда жунбушга келгандан кейин, эрга тегишни орзу қилиб қоладилар. <sup>12</sup> Шунда улар *Масиҳга* берган аввалги ваъдасини бузиб, гуноҳкор бўладилар. <sup>13</sup> Бундан ташқари уйма-уй кезиб, саёқ юришни ҳам ўрганадилар. Ва саёқ юрибгина қолмасдан, гап сотиб, бошқаларнинг ишига аралашиб, лозим бўлмаган нарсаларни гапирадилар. <sup>14</sup> Шу сабабдан ёш туллар эрга тегиб бола туғиши, рўзғор бошқаришини истайман, улар ғанимнинг бўҳтон қилиши учун ҳеч бир фурсат бермаслиги керак. <sup>15</sup> Чунки аллақачон баъзилари шайтоннинг гапига қулоқ солиб гумроҳ бўлдилар.

<sup>16</sup> Агар бир имонлининг тул қолган қариндошлари бор бўлса, уларга ўзи ёрдам берсин, имонлилар жамоатига юк бўлмасин. Имонлилар жамоати чиндан кимсасиз бўлган тул хотинларга ёрдам бера олсин.

### Имонлилар жамоатининг оқсоқоллари

<sup>17</sup> Имонлилар жамоатига яхши бошчилик қилаётган, хусусан ваъзхонлик ва таълим беришда заҳмат чекаётган оқсоқоллар икки баробар ҳурматга сазовор бўлсинлар. <sup>18</sup> Чунки Тавротда:

† ТУЛЛАР РЎЙХАТИ: Имонлилар жамоатининг муҳтож бевалар фонди; яна қаранг: *Ҳаворийлар 6-боб.* †† АЗИЗЛАРНИНГ ОЁҚЛАРИНИ ЮВИШ: имонли меҳмонларни ҳурмат қилиш демакдир; яна қаранг: *Юҳанно 13-боб, Ибронийлар 13:2.*

“Ғалла янчаётган хўкизнинг оғзини тўсма” ва “Юмушчи ўзига яраша иш ҳақида муносибдир”, – дейилган.

<sup>19</sup> Икки ёки уч гувоҳ бўлмасдан, ҳеч бир оқсоқолга қўйилган айбни қабул қилма. <sup>20</sup> Гуноҳ қилиб юрганларни эса ҳамманинг олдида фош қил, токи бошқаларнинг ҳам дилига кўрқув кирсин.

<sup>21</sup> Худо, Исо Масиҳ ва танланган фаришталар олдида сени қаттиқ огоҳлантираман: ҳеч бир ишда юз-хотирчилик ва тарафкашлик қилмай, бу буйруқларга риоя қил. <sup>22</sup> *Хизматга олиш учун* ҳеч кимнинг бошига шошилинич қўл қўйиб дуо қилма, бошқаларнинг гуноҳларига шерик бўлма, ўзингни пок сақла.

<sup>23</sup> Бундан кейин фақатгина сув ичма, балки ошқозонинг учун, тез-тез юз берадиган касалликларининг олдини олиш учун озгина шароб ҳам ичгин.

<sup>24</sup> Баъзи одамларнинг гуноҳлари очиқ-ошкор бўлиб, ҳатто қиёматдан олдин фош бўлмоқда. Бошқаларнинг гуноҳлари эса кейинроқ маълум бўлади. <sup>25</sup> Шунингдек, хайрли ишлар ҳам ошкордир. Ҳануз ошкор бўлмаса-да, пинҳон қолиши мумкин эмас.

### Хўжайинлар ва қуллар ҳақида

**6** Қуллик бўйинтуруғи остида бўлганлар ўз хўжайинларини камоли эҳтиромга лойиқ ҳисобласинлар. Яна Худонинг исми ва таълимоти ҳақоратга дучор бўлмасин. <sup>2</sup> Хўжайинлари имонли бўлган қуллар, “Энди бир-биримизга биродар бўлиб қолдик”, деб хўжайинларига илтифотсизлик қилмасинлар. Аксинча, яна кўпроқ тиришиб хизмат қилсинлар. Чунки бу хайрли хизматдан фойда кўрадиган хўжайинлар севикли имонлилардир. Булар ҳақида таълим бер ва насиҳат қил.

### Ҳақиқий бойлик – художўйлик

<sup>3</sup> Агар ким ўзгача таълимотни ёйса ва Раббимиз Исо Масиҳнинг ҳақиқий каломларига асосланган динимиз таълимотида қулоқ солмаса, <sup>4</sup> у босартусарини билмай қолган нодондир. Бундай одам баҳслашиш ва масала талашиш касалига йўлиққан, унинг гаплари ғайирлик, жанжал, бўҳтон ва ёлғон чақиқларга сабаб бўлади. <sup>5</sup> Ғаламис, фикри бузук, ҳақиқатдан маҳрум, дин-диёнатни фойда манбаи деб ҳисобловчи бундай одамлардан *ўзингни четга ол*.

<sup>6</sup> Ҳақиқатан ҳам, қаноатли киши учун художўйликдан фойда жуда катта. <sup>7</sup> Биз дунёга ҳеч нарса келтирмадик, ундан ҳеч нарса олиб кетолмаслигимиз ҳам аниқ. <sup>8</sup> Ейиш учун ризқ-рўз ва кийиш учун кийим бўлса, шулар билан қаноат ҳосил қилайлик. <sup>9</sup> Бойликка интилганлар васваса тузоғига илинадилар, инсонларни балою ҳалокатга йўлиқтирувчи кўп бемаъни ва зарарли ҳавасларга қурбон бўладилар. <sup>10</sup> Ҳар турли ёмонликнинг

томири пулпарастликдир. Баъзилар бойликка ружу қўйиб, имондан қайтдилар ва ўзларини кўпгина азобларга дучор қилдилар.

#### Имон учун курашиш ҳақида

<sup>11</sup> Эй Худонинг қули, сен булардан ўзингни четга торт. Аксинча, солиҳлик, художўйлик, имон, севги, сабр-тоқат ва мулойимликнинг пайидан бўл.

<sup>12</sup> Имон учун бўлган улуғ курашда жон-жаҳднинг билан ҳаракат қил, абадий ҳаётни қаттиқ ушлаб тур. Худо сени шунинг учун даъват этган, сен улуғ имонни кўп гувоҳлар олдида очиқ тан олгансан.

<sup>13</sup> Исо Масих ҳам борликқа ҳаёт бағишлаган Худо ва Пўнтий Пилатнинг олдида улуғ имонни очиқ тан олган эди, Унинг ҳузурида сенга буюраман:

<sup>14</sup> Раббимиз Исо Масих кўкдан тушиб кўрингунча, Худо буйруғини бенуқсон ва беғубор кўриқла.

<sup>15</sup> Мана Худо Ўзи хоҳлаган пайтда Исо Масихни улуғворлик билан намоён қилади.

Худо – ягона муборак Ҳоким, подшоҳларнинг Подшоҳи, хўжайинларнинг Хўжайини,

<sup>16</sup> ўлмасликнинг яқка моликидир. У яқинлашиб

бўлмайдиган нурда туради, Уни ҳеч бир инсон кўрмаган ҳамда кўриши мумкин эмас. Унга абадий шон-шуҳрат ва салтанат бўлсин! Омин.

#### Сўнги насихатлар

<sup>17</sup> Бу дунёда бойлик топган одамларга мағрурланмасликни ва бевафо бойликка умид боғламасликни буюр. Завқ олишимиз учун ҳар нарсани мўл-кўл эҳсон этган барҳаёт Худога умид боғласинлар. <sup>18</sup> Яхши ишларга бой, хайрихоҳ, сахий ва ҳаммага улфат бўлсинлар. <sup>19</sup> Келажакда ҳақиқий ва мангу ҳаётга эришмоқ учун, ўзларига соғлом таянч бўладиган *маънавий* хазина тўпласинлар.

<sup>20</sup> Эй Тимўтий, сенга ишониб топширилган омонатни эҳтиёт қил. Худога мақбул бўлмаган қуруқ гаплар ва ёлғондан “билим” дейилган пуч фикрлардан узоқлаш. <sup>21</sup> Баъзилар бу фикрларни тан олиб, имондан адашдилар.

Худонинг инояти сенга ёр бўлсин. Омин.

#### ИККИНЧИ МАКТУБИ

# ИККИНЧИ ТИМЎТИЙГА

## ИККИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Исо Масих орқали рўёбга чиққан ҳаёт ваъдасига биноан, Худонинг иродасига мувофиқ, мен, Павлус, Исо Масихнинг ҳаворийси бўлиб тайинландим. <sup>2</sup> Севимли ўғлим Тимўтийга Отамиз Худо ва Раббимиз Исо Масихдан иноят, марҳамат ва тинчлик тилайман.

### Инжилга содиқ қолишга ундов

<sup>3</sup> Мен, ота-боболарим каби, Худога соф виждон билан хизмат қиламан. Унга кечаю кундуз шукрлар айтар эканман, ибодатларимда доим сени эслаб тураман. <sup>4</sup> Сенинг кўз ёшларинг ёдимда, яна дийдорингга тўйиб кўнглим севинчга тўлсин, деб сени соғиниб қолдим. <sup>5</sup> Мен сенда кўрган самимий имон ҳали ҳам эсимда. Аввалдан бунинг Лоида ҳамда онанг Эвника қалбларига жо этган ўша имон энди сенда ҳам равнақ топаётганига аминман.

<sup>6</sup> Шу сабабдан, қўлларимни бошингга қўйишим натижасида сен Худодан олган руҳий қобилиятни <sup>†</sup> алангалатиб туришингни эслатмоқчиман. <sup>7</sup> Чунки Худо бизга кўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қувват, муҳаббат ва нафсни тийиш Руҳини берган. <sup>8</sup> Шундай қилиб, Раббимиз Исога гувоҳлик беришдан ҳам, Унинг бандиси бўлган мендан ҳам ор қилма, балки биз Инжил йўлида чекаётган азобларга Худо берган куч-қувват билан тўзим бергин.

<sup>9</sup> Худо бизларни қутқарди ва муқаддас бир даъват билан чақирди. Бунга биз савоб ишларимиз туфайли эришмадик. Аксинча, Худо Ўз хоҳиши билан азалий вақтлардан оқ Исо Масих орқали бизга иноят қилишга қарор қилган эди. <sup>10</sup> Бу иноят энди Халоскоримиз Исо Масихнинг оламга келиши билан очиқ намоён бўлди. Инжил Хушхабари шундан иборатки, Исо Масих ўлимни йўққа чиқарди, ҳаёт ва ўлмасликни эса ойдинликка чиқарди.

<sup>11</sup> Мен эса бу Хушхабарни турли халқларга етказувчи воиз, ҳаворий ва муаллим бўлиб тайинландим. <sup>12</sup> Шу сабабдан ҳам бу азобларни тортяпман. Лекин мен бундан ор қилмайман, чунки Кимга эътиқод қилганимни биламан ва

аминманки, Унинг менга топширган омонатини маҳшар кунига қадар Ўзи сақлашга қодир. <sup>13</sup> Сен мендан эшитган соғлом таълимотдан намуна олиб, Исо Масихнинг садоқати ва муҳаббати билан йўл тутгин. <sup>14</sup> Сенга топширилган улуғ омонатни ичимизда яшовчи Муқаддас Руҳ ёрдамида сақлагин.

<sup>15</sup> Асия вилоятидагиларнинг ҳаммаси, шу жумладан, Фигел билан Ҳермоген мендан юз ўгирганларини биласан. <sup>16</sup> Раббимиз Онисифорнинг уйига марҳамат эҳсон этсин. Чунки у занжирбандлигимдан уялмай, бир неча марта келиб менинг кўнглимни кўтарди. <sup>17</sup> У Римга бориб, катта ҳаракат билан мени ахтариб топди. <sup>18</sup> Маҳшар кунда Худованддан марҳамат топишини Раббимиз Масих унга ато қилсин. Эфес шаҳрида у менга нақадар хизмат қилганини ўзинг яхши биласан.

### Исо Масихнинг яхши аскарлари бўл

**2** Сен эса, эй ўғлим, Исо Масихдан топган иноят билан кучга тўлгин. <sup>2</sup> Кўп шоҳидлар ҳузурда сен мендан нима эшитган бўлсанг, бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли, ишончли одамларга топширгин. <sup>3</sup> Исо Масихнинг яхши бир аскарлари каби тақдирингдаги азобларга дош бергин. <sup>4</sup> Ҳарбий хизматдаги аскар, қўмондонимни мамнун қилай, деб тирикчилик ишлари билан банд бўлмайди. <sup>5</sup> Шунингдек, мусобақада қатнашган киши, агар қоидага риоя қилиб ўзиб кетмаса, ғалаба тожини киймайди. <sup>6</sup> Меҳнаткаш деҳқон эса ҳосилдан биринчи бўлиб улуш олиши керак. <sup>7</sup> Айтганларимни яхши ўйлаб кўр. Раббимнинг Ўзи ҳамма нарсани сенга тушунтиради.

<sup>8</sup> Мен тарғиб қилаётган Хушхабарнинг моҳиятини эсда тут: Довуд зоти-номидан бўлган Исо Масих ўлиб тирилди! <sup>9</sup> Ана бу Хушхабар учун мен худди жиноятчи каби занжирларга боғланиб, азоб чекапман. Аммо Худонинг каломи занжирбанд эмас! <sup>10</sup> Шу сабабдан ҳамда Худо танлаган кишилар сабабли мен ҳамма нарсага сабр-тоқат билан чидаяпман, токи уларнинг ўзи ҳам Исо Масих берган нажотдан фойдаланиб, абадий улуғворликка эришсинлар. <sup>11</sup> Бу сўз барқарордир: Агар У билан бирга ўлган бўлсак, У билан бирга ҳам яшаймиз.

<sup>†</sup> РУҲИЙ ҚОБИЛИЯТ: 1-Тимўтий 4:14 даги изоҳга қаранг.

<sup>12</sup> Агар сабр-тоқат қилсак,  
У билан бирга давр сурамиз.  
Агар биз Уни инкор этсак,  
У ҳам бизни инкор этади.

<sup>13</sup> Агар биз садоқатсизлик қилсак,  
У яна содиқ қолади,  
Чунки Ўзини Ўзи инкор эта олмайди.

### Ўзингни Худога бағишла

<sup>14</sup> Бу нарсаларни эслатиб тур, куруқ баҳс-тортишувлардан қочишни Раббимиз номидан ҳаммага қаттиқ тайинла. Бундай баҳслар тингловчиларни айнитишдан бошқа нарсага ярамайди. <sup>15</sup> Сен эса ҳақиқат каломини адаштирамай, тўғрилиқ билан ўқит, ўзингни Худога мақбул, ҳалол бир ишчи сифатида кўрсатишга ғайрат қил. <sup>16</sup> Худога маъкул бўлмаган куруқ гаплардан қоч. Бу гапларга берилганлар борган сари худобезор бўладилар. <sup>17</sup> Уларнинг гаплари мараз каби ёйилади. Мана, Именей ва Филит ҳам шундай одамлар жумласидан-ку. <sup>18</sup> Тирилишимиз аллақачон содир бўлди деб, улар ҳақиқат йўлидан адашиб, баъзиларнинг имонини хароб қилмоқдалар. <sup>19</sup> Ҳар ҳолда, Худо асос солган пойдевор мустаҳкам турибди ва қуйидаги оятларнинг тасдиғига ҳам эга: “Худованд Ўзиникиларни билади” ва “Худованд номини тилга олган ҳар бир одам ёмонликдан узоқ турсин”.

<sup>20</sup> Катта бир уйда нафақат олтин ва кумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол идишлар ҳам бор; уларнинг баъзиси шарафли, баъзиси эса шарафсиз иш учун қўлланади. <sup>21</sup> Кимки бу ёмонликлардан ўзини покласа, Эгаси учун фойдали, ҳар бир яхши ишга яроқли, шарафли ва муқаддас идиш бўлади.

<sup>22</sup> Ёшлиқ эҳтиросларидан қоч. Соф қалбдан Раббимиз Исо исмини чақирган ҳамма одамлар билан бирга солиҳлик, имон, севги ва тинчлик пайдан бўлгин. <sup>23</sup> Аҳмоқона ва жоҳилона баҳслардан узоқлаш. Булар фақат жанжалга сабаб бўлишини биласан. <sup>24</sup> Худонинг қули жанжалкаш бўлмаслиги керак. Аксинча, у ҳамма билан мулойим, ўргатишга тайёр, сабр-тоқатли бўлсин, <sup>25</sup> ўзига қарши турганларга юмшоқлик билан йўл-йўриқ берсин. Балки Худо бундай кишиларнинг тавба қилишларига бирон йўл очиб қолар, улар эса ҳақиқатни билиб, <sup>26</sup> яна ўзига келиб, иблиснинг тузоғидан қутулиб қоларлар. Чунки иблис уларни асир қилиб, ўз иродасини ўтказишга мажбур қилган.

### Охирзамон ҳақида

**3** Шуни билгинки, охирги кунларда оғир вақтлар келади. <sup>2</sup> У пайтда одамлар нафс бандаси, пулпараст, мақтанчоқ, кибрли, кофир, онага итоатсиз, нонкўр, худобехабар, <sup>3</sup> шафқатсиз, муросасиз, ғийбатчи, нафсини тия олмайдиган, инсонлик ва яхшилик душмани, <sup>4</sup> хоин, бемулоҳаза,

мағрур бўладилар. Худодан кўра айш-ишратни кўпроқ севадилар. <sup>5</sup> Ўзларини художўй кўрсатиб, илоҳий қудратни эса инкор этадилар. Бундай одамлардан узоқлаш.

<sup>6</sup> Улар гуноҳларга ботган, турли ҳирсу ҳавасларга берилган жувонларнинг уй-жойларига суқилиб кирадилар ва уларнинг дилини овлайдилар. <sup>7</sup> Бу жувонлар ҳар доим ўқиб туриб, ҳақиқатни асло ўқ олмайдилар. <sup>8</sup> Янний билан Ямбрий <sup>†</sup> Мусо пайғамбарга қандай қарши турган бўлсалар, бу одамлар ҳам ҳақиқатга худди шундай қарши турадилар. Улар фикри бузуқ, имонда тажрибасиз одамлардир. <sup>9</sup> Аммо улар яна муваффақият қозона олмайдилар; чунки Янний ва Ямбрийнинг ақлсизлиги маълум бўлганидек, буларнинг ҳам ақлсизлиги ҳаммага маълум бўлади.

### Умумий панд-насиҳатлар

<sup>10</sup> Сен эса менга эргашдинг, таълимотим, турмуш тарзим, мурод-мақсадим, имон, севги ва сабр-тоқатимдан намуна олдинг. <sup>11</sup> Бошимга келган қувғинларни – Антиохия, Икония ва Листра шаҳарларида чеккан азобларимни эшитдинг <sup>††</sup>. Қандай қувғинларга сабр-тоқат қилдим! Раббим мени ҳаммасидан қутқарди. <sup>12</sup> Исо Масих йўлида диёнатли яшамоқчи бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам қувғинга дучор бўладилар. <sup>13</sup> Ёмон ва фирибгар одамлар эса бошқаларни алдабгина қолмасдан, ўзларини ўзлари ҳам алдаб, тобора разиллашиб борадилар.

<sup>14</sup> Сен эса олган таълиминг ва сенга топширилган омонатга содиқ қол, чунки бу таълимни кимдан олганингни биласан. <sup>15</sup> Сен болалигингданоқ Муқаддас Ёзувларни ўргангансан. Бу ёзувлар сени Исо Масихга ишониш орқали доно қилмоқ ва нажот йўлини кўрсатмоққа қодир. <sup>16</sup> Ҳар бир Муқаддас Ёзув илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, далолат қилиш, тузатиш, солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир. <sup>17</sup> Шу йўсин Худонинг қули комил ва ҳар қандай яхши ишга қобил бўлади.

### Тимўтийга қатъий буйруқ

**4** Худонинг ҳузурида ҳамда тиригу ўликларни ҳукм қилажак, кўкдан тушиб, Ўз салтанатини жорий қилажак Исо Масих ҳузурида сенга қатъий буюраман: <sup>2</sup> Худо каломини ваъз қил, ҳозир бунинг вақтими, вақти эмасми, демай, доим гапиришга тайёр бўл. Бутун сабр-тоқат билан таълим бериб, одамларни мулзам қил, уларга таънаю насиҳат қил. <sup>3</sup> Чунки шундай вақт келадик, одамлар соғлом таълимотга чидаш бермайдилар, натижада ўз орзуларига мос муаллимлар тўплайдилар. Бу муаллимлар ўшандай одамларнинг қулоқларига ёқадиган сўзлар айтадилар. <sup>4</sup> Улар қулоқларини

<sup>†</sup> ЯННИЙ БИЛАН ЯМБРИЙ: Фиръавн олдида Мусо пайғамбарга қаршилик кўрсатган, лекин уни енга олмаган мисрлик сеҳргарлар. <sup>††</sup> қаранг: Ҳаворийлар 13 ва 14-боблар.

ҳақиқат каломидан беркитиб, афсоналарга буриладилар. <sup>5</sup> Аммо сен ҳамма нарсада хушёр тур, азобларга сабр-тоқат қил, Инжил воизлигингни бажо келтир, хизматингни сидқидилдан ижро этгин.

<sup>6</sup> Менинг қоним энди қурбонлик шароби † каби тўкилмоқда, дунёдан ўтишимга сал қолди. <sup>7</sup> Улуғ курашда астойдил курашдим, умр довонини ошиб бўлдим, имонни сақладим. <sup>8</sup> Бундан кейин солиҳлик тожи мен учун тайёр турибди. Одил ҳукм қилувчи Раббим Исо кўқдан тушиб зоҳир бўладиган кунда у тожни менга беради, ва фақат менга эмас, балки у кунни муштоқлик билан кутаётганларнинг ҳаммасига ҳам беради.

### Шахсий тилаклар, саломлар

<sup>9</sup> Менинг олдимга тезроқ келишга ҳаракат қил. <sup>10</sup> Чунки Димас бу дунёни севиб қолиб, мени тарк этди, Салоника шаҳрига кетди. Криский Галатияга, Титус Далматияга кетди. <sup>11</sup> Ёнимда ёлғиз Луқо бор. Маркни ўзинг билан бирга олиб кел, у менга хизмат учун керак. <sup>12</sup> Тихикни Эфес шаҳрига юбордим. <sup>13</sup> Келаётганинда Троас шаҳрида Карпнинг ёнида мен қолдириб кетган плашчни ва китобларни, айниқса пергамент †† китобларни ҳам олиб кел.

† ҚУРБОНЛИК ШАРОБИ: Худо йўлига аталадиган бирон ичимлик; Павлус шу билан Худо йўлида шаҳид бўлишига рамз қилган (кейинроқ Римда ўлим жазосига маҳкум бўлганлиги тарихий воқеадир); яна қаранг: Филиппиликлар 2:17. †† ПЕРГАМЕНТ: Қоғоз ихтиро қилинмаган вақтларда махсус йўл билан тайёрланиб, қоғоз ўрнида ишлатилган ҳайвон териси.

<sup>14</sup> Мисгар Искандар менга кўп ёмонлик қилди. Раббим унга қилмишларига яраша жазосини беради. <sup>15</sup> Сен ҳам ундан эҳтиёт бўл, чунки у бизнинг каломларимизга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

<sup>16</sup> Ўзимни биринчи марта ҳимоя қилганимда, ҳеч ким менинг тарафимни олмади, аксинча, ҳамма мени ташлаб кетди. Бу у одамлар учун гуноҳ ҳисобланмасин. <sup>17</sup> Лекин Раббим ёнимда туриб мени ёқлади. Мен орқали Хушхабар тугал тарғиб қилиниши ва барча халқларга ҳам етиб бориши учун, У менинг қудратимни оширди, арслон оғзидан қутқарди. <sup>18</sup> Раббим мени ҳар қандай ёмон ишлардан халос қилади ва Ўзининг самовий Подшоҳлигига соғ-саломат киргизади. Унга абадулабад шон-шарафлар бўлсин! Омин.

<sup>19</sup> Прискилла билан Акилга ва Онисифорнинг хонадонига салом айтиб қўй. <sup>20</sup> Ераст Коринф шаҳрида қолди. Трофимни эса касал ҳолда Милит шаҳрида қолдириб кетдим.

<sup>21</sup> Қиш бошланишидан олдин келишга ҳаракат қил. Эввул, Пуд, Лин, Клавдия ва бутун биродарлар сенга салом йўллаяптилар.

<sup>22</sup> Раббимиз Исо Масих сенинг руҳингга ёр бўлсин. Унинг инояти ҳаммангизга ёр бўлсин. Омин.

### МАКТУБИ

# ТИТУСГА

## МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Худо танлаган кишиларнинг имонли бўлишлари ва ҳақиқий диёнатни уқиб олишлари учун хизмат қилаётган Худонинг қули ва Исо Масихнинг ҳаворийси, Павлусдан – салом!

<sup>2</sup> Бизнинг имонимиз абадий ҳаётга умидворликдан иборатдир. Ёлгон гапирмайдиган Худо бу умид ҳақида азалий вақтларданоқ ваъда берган эди, <sup>3</sup> ҳозир эса, Ўзи хоҳлаган пайтда, каломини рўёбга чиқарди. Мен бўлсам, бу каломни эълон қилиш учун Қутқарувчимиз Худодан ваколат олдим. <sup>4</sup> Умумий имонимиз асосида ҳақиқий фарзандим бўлган Титусга Отамиз Худодан ва Қутқарувчимиз Исо Масихдан меҳр-шафқат ва тинчлик тилайман.

### Титуснинг Критдаги фаолияти

<sup>5</sup> Сенга буюрганимдек, қолган ишларни битир, ҳар бир шаҳардаги имонлилар жамоати устидан оқсоқоллар тайин қил. Мана шунинг учун сени Крит оролида қолдирдим. <sup>6</sup> Сен тайин қиладиган одам беайб, якка хотинли, болалари эса имонли ва шалоқлик ёки итоатсизлик айбидан холи бўлсин. <sup>7</sup> Чунки имонлилар жамоатининг ноziри <sup>†</sup> Худо хонадонини бошқарувчи сифатида бенуқсон бўлиши керак. Ўзбошимча, ғазабли, шаробга мойил, тажанг, ғаразгўй бўлмасин. <sup>8</sup> Аксинча меҳмондўст, хайрихоҳ, вазмин, одил, пок кўнгилли ва нафсини тиядиган одам бўлсин. <sup>9</sup> Соғлом таълимот билан насиҳат қилишга ҳамда қаршилик қилувчиларнинг адабини беришга иқтидорли, ҳақиқат каломига ўргатилган ва унга қаттиқ риоя қиладиган киши бўлиши лозим.

<sup>10</sup> Хусусан суннатлилар <sup>††</sup> орасида ўзбилармон, қуруқ гап сотувчи алдамчилар кўп. <sup>11</sup> Уларнинг оғзини тўсиш керак. Улар жирканч манфаат йўлида лозим бўлмаган нарсаларни ўргатиб, бутун оилаларни бузиб кетмоқдалар. <sup>12</sup> Мана, улардан чиққан бир шоир: “Критийлар доимо ёлгончи, золим йиртқишлар, еб-тўймас танбаллардир”, деб айтган эди. <sup>13</sup> Бу гап тўғри. Улар соғлом имонни топсин ва бунинг учун сен уларни қатъий

огоҳлантириб қўй. <sup>14</sup> Улар яна яҳудийларнинг афсоналарига ва ҳақиқатдан юз ўгирган одамларнинг гапларига қулоқ солмасинлар.

<sup>15</sup> Пок одамлар учун ҳамма нарса пок бўлур. Нопоку имонсизлар учун ҳеч бир пок нарса йўқ. Чунки уларнинг ақли ҳам, виждони ҳам нопоклашиб кетган. <sup>16</sup> Худони тан оламиз, дейдилар-у, ўз қилмишлари билан Уни инкор этадилар. Улар ҳар қандай хайрли ишга ярамас, бўйин эгмас, ифлос одамлардир.

### Соғлом таълимот тўғрисида

**2** Сенга келсак, соғлом таълимот асосида насиҳат қил. <sup>2</sup> Чоллар ўз ҳаддини билувчи, хушёр, вазмин, соғлом имонли, меҳр-муҳаббатли ва сабр-тоқатли бўлсинлар. <sup>3</sup> Шунингдек, кампирлар ҳам ғийбат ва майхўрликка ружу қўймай, балки муқаддасликка мувофиқ, ҳар қандай хайрли ишда ибрат бўлиб турмуш кечирсинлар. <sup>4</sup> Кампирлар ёш хотинларга ҳам таълим-тарбия берсинлар. <sup>5</sup> Худонинг каломи қораланмаслиги учун, улар ўз эрлари ва болаларини севадиган, рўзгорга жонкуяр, вазмин, иффатли, хушфеъл, эрларига бўйсунадиган бўлсинлар.

<sup>6</sup> Шунингдек, йигитларни ҳам босиқ бўлишга ундагин. <sup>7</sup> Ҳар бир хайрли ишда уларга ўрнак бўл. Таълим вақтида холис ва жиддий бўлиб гапир. <sup>8</sup> Сўзларинг аниқ ва ҳеч шубҳасиз бўлсин, токи рақибларинг биз ҳақимизда ёмон сўз айтолмай, уятга қолсинлар.

<sup>9</sup> Қулларга шундай насиҳат қилки, ўз хўжайинларига итоат этсинлар, уларни ҳар жиҳатдан мамнун қилсинлар, терслик қилмасинлар. <sup>10</sup> Ўғрилиқ қилмасинлар, балки очиқ кўнгил билан муомала қилиб, ҳар нарсада Қутқарувчимиз Худонинг таълимотини шарафласинлар.

<sup>11</sup> Чунки Қутқарувчимиз Худонинг инояти бутун одамларга яққол ошкор бўлди. <sup>12</sup> Бу иноят эса шуни ўргатадики, биз диёнатсизлик ва дунёвий орзу-эҳтиросларни рад этишимиз керак, бу дунёда Худодан кўрқиб, вазминлик ва тақводорлик билан ҳаёт кечиришимиз лозим. <sup>13</sup> Шу орада буюк Худо ва Қутқарувчимиз Исо Масихнинг улуғворлик билан осмондан тушиб зоҳир бўлишига ва муборак умидимиз амалга ошишига кўз тикиб юрибмиз.

<sup>†</sup> НОЗИР: яна қаранг: 1-Тимўтий 3:1-7. <sup>††</sup> СУННАТЛИЛАР: Исо Масихга ишонган критлик яҳудийлар бўлса керак.

<sup>14</sup> Масих бизни ҳар қандай гуноҳли ишлардан қутқариш учун, фақат Ўзига тегишли бўлган, хайрли ишларга ғайратли, пок бир уммат яратиш учун Ўзини биз учун фидо қилди.

<sup>15</sup> Буларни бутун бир салоҳият билан гапир, насиҳат қил, ошкор қил. Ҳеч ким сени камситмасин.

### Диёнат билан яшаш ҳақида

**3** Сен имонлиларга шуни эслатиб тургинки, улар ҳукмрон ҳокимиятга тўла итоаткорлик билан бўйсунсин, ҳар бир хайрли ишга тайёр бўлишсин.

<sup>2</sup> Ҳеч кимни ёмонламасинлар. Урушқоқ бўлмай, барча инсонларга ювошлик ва мулойимлик билан муомала қилсинлар.

<sup>3</sup> Чунки бир вақтлар бизлар ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар эдик, ҳар хил эҳтирос ва завқларга қул эдик, гина-кудурат ва бахилликка тўлган, бир-биримиздан нафратланадиган разил одамлар эдик. <sup>4</sup> Аммо Қутқарувчимиз Худо Ўзининг илтифот ва инсонпарварлигини очиқ кўрсатди.

<sup>5</sup> Худо бизнинг қилган савобли ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли бизни қутқарди, гуноҳларимизни ювиб, бизни янгидан туғилтирди, Муқаддас Рух орқали бизга янги ҳаёт ато этди. <sup>6</sup> Қутқарувчимиз Исо Масих шарофати билан Худо бизнинг устимизга мўл-кўл Муқаддас Рух ёғдирди. <sup>7</sup> Худо иноят қилиб, бизни оқлади ва абадий ҳаётга умидворлик билан қараган меросхўр ҳам қилди.

<sup>8</sup> Бу сўз барқарордир. Худога ишонганлар хайрли ишларга астойдил бел боғлаши учун, бу гапларни таъкидлаб уқтиришингни истайман. Бундай хатти-ҳаракат инсонларга маъқул ва фойдалидир.

<sup>9</sup> Лекин бемаъни баҳслар, шажаралар, Таврот қонун-қоидалари ҳақида борадиган жанжалу музокаралардан қоч; булар фойдасиз ва беҳудадир.

<sup>10</sup> Бидъатчи одам бир-икки огоҳлантиришдан сўнг ҳақиқатга тушунмаса, у билан алоқани уз. <sup>11</sup> Ўзинг биласанки, бундай бузук одам кундан-кунга гуноҳига гуноҳ қўшиб, ўзини ўзи маҳкум этади.

### Охирги истак ва саломлар

<sup>12</sup> Артемас ёки Тихикни сенинг ёнингда юборганимдан кейин, Никопол шаҳрига, менинг олдимга келишга ҳаракат қил. Чунки мен қишни шу ерда ўтказишга қарор қилдим. <sup>13</sup> Қонуншунос Зинас ва Аполлосни йўлга отлантираётганинда, уларнинг кам-кўстсиз жўнашларига эътибор қил.

<sup>14</sup> Бизнинг одамларимиз ҳам самарасиз кун кечирмасдан, зарурий эҳтиёжларини қондириш учун яхши ишлар қилишни ўргансинлар.

<sup>15</sup> Менинг ёнимдагиларнинг ҳаммаси сенга салом йўллаяптилар. Бизни севадиган имондошларга салом айтгин. Худонинг инояти ҳаммангизга ёр бўлсин. Омин.

### МАКТУБИ

# ФИЛИМЎНГА

## МАКТУБИ

### Дуойи салом, Худого шукрона

**1** Мен, Исо Масих учун банди бўлган Павлус ҳамда укамиз Тимўтийдан севикли ҳамкоримиз Филлимўнга салом! <sup>2</sup> Синглимиз Аффия билан сафдошимиз Архиппга, шунингдек, хонадонингда йиғилиб турадиган имонлиларнинг ҳаммасига салом йўллаймиз. <sup>3</sup> Отамиз Худодан ва Раббимиз Исо Масихдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

<sup>4</sup> Мен дуоларимда ҳар доим сени эслаб, Худойимга шукур қиламан. <sup>5</sup> Чунки Раббимиз Исога бўлган имонинг ва барча аҳли мўминга бўлган муҳаббатинг ҳақида эшитиб тураман. <sup>6</sup> Сенинг имон йўлида қилаётган фаолиятинг таъсирчан бўлгай, Масихдан бизга насиб бўладиган бутун хайр-баракани билиб олгайсан. <sup>7</sup> Сенинг меҳр-муҳаббатинг менга катта севинч ва тасалли берди. Биродарим, сен туфайли аҳли мўминнинг кўнгли тинч.

### Павлуснинг қул Ўнисим учун илтимоси

<sup>8</sup> Майли, шундай бўлса ҳам, Масих номидан сенга буйруқ беришга тўла ваколатим борлигини айтсам бўлади. <sup>9</sup> Бунинг ўрнига мен, мўйсафид Павлус, энди Исо Масих учун банди, меҳрибонлик билан сендан илтимос қиламан. <sup>10</sup> Мен маҳбуслигимда кўрган ўғлим Ўнисим † ҳақида сендан илтимос қилмоқчиман. <sup>11</sup> Ўнисим бир вақтлар сенга фойдасиз эди, энди эса сенга ҳам, менга ҳам фойдалидир. Мен уни сенга қайтариб юборяпман. <sup>12</sup> Уни, яъни ўзимнинг жон-дилимин, яхши қабул қил!

† **ЎНИСИМ:** хўжайини Филлимўндан қочиб, Римда Павлус билан бирга қамаб қўйилган қулнинг исми; таржимаси “фойдали” демакдир. Павлус Ўнисимни қамоқда ётганда имонга киритгани учун уни “маҳбуслигимда кўрган ўғлим” дейди; яна қаранг: Колосаликлар 4:9.

<sup>13</sup> Мен Инжил учун қамоқда ётибман, шунинг учун Ўнисимни ўз олдимда олиб қолиб, сенинг ўрнингда менга хизмат қилишини истар эдим.

<sup>14</sup> Аммо сенинг розилигингсиз ҳеч бир иш қилишни хоҳламадим. Чунки сенинг қиладиган илтифотинг мажбурият юзасидан бўлмай, балки ихтиёрий бўлишини истадим. <sup>15</sup> Наҳотки сен умрбод қабул қилишинг учун Ўнисим сендан вақтинчалик айрилган бўлса? <sup>16</sup> Сен уни энди қул каби эмас, балки қулдан юқори, севикли ука сифатида қабул қил. Мен уни жуда яхши кўраман. Сен эса уни ҳам одам боласи сифатида, ҳам Раббимизнинг боласи сифатида яна кўпроқ севишинг шубҳасиз.

<sup>17</sup> Агар сен мени сафдошинг билсанг, Ўнисимни мени қабул қилгандай қабул қил. <sup>18</sup> Агарда у сени бирор нарсада хафа қилган бўлса ёки сендан қарздор бўлган бўлса, буни менинг зиммамга юкла. <sup>19</sup> Мен, Павлус, буни ўз қўлим билан ёзаяпман: мен тўлайман. Ахир, сенга ўз ҳаётинг билан мендан қарздор эканлигингни айтаётганим йўқ! <sup>20</sup> Ҳа, биродарим, Раббимиз ҳақи сендан бир фойдаланай! Масих ҳақи кўнглимни тинчитгин! <sup>21</sup> Сен менинг сўзларимга қулоқ солиб, айтганларимни қиласан, ҳа, бундан ҳам кўпроқ қиласан, деб ишониб, буларни ёздим.

<sup>22</sup> Бундан ташқари, менга бир турар жой ҳам тайёрла. Чунки Худо ибодатларингизни эшитиб, мени яна сизларнинг олдингизга қайтаришига умид қиламан.

### Сўнги саломлар

<sup>23</sup> Мен билан бирга Исо Масих учун маҳбус бўлган Эпафрас, ҳамкорларим Марк, Аристарх, Димас, Луқо сенга салом йўллаяптилар.

<sup>25</sup> Раббимиз Исо Масихнинг инояти сизларнинг руҳингизга ёр бўлсин. Омин.

## МАКТУБ



# ИБРОНИЙЛАРГА

## МАКТУБ

### Худонинг охирги ваҳийси

**1** <sup>†</sup> Худо қадимда бир неча марта ва турли тарзда пайғамбарлар орқали ота-боболаримизга гапирган эди. <sup>2</sup> Охирги кунларда эса У бизга Ўз Ўғли орқали гапирди. Худо коинотни Ўғли орқали яратган ва Уни борлиқнинг вориси қилиб тайин этган. <sup>3</sup> Ўғил – Худо улуғворлигининг инъикоси, Худо борлигининг аниқ суратидир. У Ўзининг қудратли каломи билан коинотни асрайди. Гуноҳларимиз ювилиши учун имкон яратгандан сўнг, У самода Ҳазрати Олийнинг ўнг томонида ўтирди.

### Исо Масих – фаришталардан олий

<sup>4</sup> Исо фаришталардан ғоят олий мартабага юксалгани учун, улардан жуда улуғроқ бир номга ҳам эга бўлди. <sup>5</sup> Фаришталарнинг қай бирига қачон Худо:

“Сен Менинг Ўғлимсан,  
Сени бугун таваллуд эттирдим” ††,  
ёхуд:

“Мен Унга Ота бўламан  
Ва У Менга Ўғил бўлади”,  
– деган эди? <sup>6</sup> Худо Тўнғичимни ер юзига юборай,  
деб яна шундай деган:

“Худонинг бутун фаришталари  
Унга сажда қилсинлар” ‡.

<sup>7</sup> Фаришталар ҳақида:

“У Ўз малакларини шамолларга айлантириб,  
Хизматкорларини ўт алангаси қилади” ††,  
– дейилган бўлса, <sup>8</sup> Ўғилга эса бундай дейилган:  
“Эй Худо,

Сенинг тахтинг доимий ва абадийдир,  
Подшолигинг ҳассаси – ҳаққоният ҳассаси.

<sup>9</sup> Сен адолатни севиб,

Қонунсизликдан нафратланасан.

Шунинг учун Худо, Сенинг Худойинг,

Тенгдошларингдан кўра кўпроқ

Сенинг бошингга хуррамлик мойи суртди” ††.

<sup>10</sup> Яна шундай дейилган:

† ИБРОНИЙЛАРГА МАКТУБ: Таврот ва Забурни яхши билган, Исонинг Масихлигини тан олган яҳудийлар учун ёзилган илоҳий насиҳатнома, муаллифнинг кимлиги матнда билдирилмаган, баъзи илоҳиётчилар уни Ҳаворий Павлус деб ҳисоблайдилар. †† қаранг: Забур 2:7 (Ҳаворийлар 13:33). ‡

“Ё Раббий,

Сен ерни азалдан бунёд этгансан,

Осмон эса Сенинг қўлларинг ижоди.

<sup>11</sup> Улар йўқ бўлиб кетар,

Бироқ Сен тураверасан.

Ҳаммаси кийимдек нураб кетар,

<sup>12</sup> Бамисли либосдай ўраб қўясан уларни,

Жома сингари алмаштирилади.

Аммо Сен айни Ўшанинг Ўзисан,

Сенинг йилларинг тамом бўлмас” ††.

<sup>13</sup> Наҳотки Худо қачондир бирон фариштага:

“Ёвларингни оёқларинг остига йиқитмагунимча,

Сен Менинг ўнг томонимда ўтириб тур!” †††

– деган бўлса?! <sup>14</sup> Ахир, фаришталарнинг ҳаммаси ҳам нажот ворисларига хизмат қилиш учун юборилган хизматчи руҳлардир.

### Улуғ нажотга эътиборсизлик қилмайлик

**2** Демак, биз эшитганларимиздан қайтмаслик учун буларга жуда кўп диққат қилишимиз керак. <sup>2</sup> Фаришталар орқали айтилган калом <sup>§</sup> у вақтдаёқ ҳар турли жиноят ва итоатсизлик қилганни қатъий суратда жазолар эди. <sup>3</sup> Шундай экан, даставвал Раббимиз Исо билдирган, сўнгра шоҳидлари томонидан тасдиқланган нажот хабарига биз эътиборсизлик қилсак, жазодан қандай қочиб қутуламиз? <sup>4</sup> Худо Ўз шоҳидларига ажойиботлар, мўъжизалар ва ҳар турли қудратли ишлар кўрсатди, Ўз хоҳиш-иродасига кўра Муқаддас Руҳнинг инъомларини уларга улашиб, уларнинг шаҳодатларига Ўзининг тасдиғини қўшиб берди.

### Эргашувчиларига тенг бўлган Исо

<sup>5</sup> Биз гапираётган келажак дунёга келсак, Худо уни фаришталарга тобе қилмади. <sup>6</sup> Бир оятда шундай таъкидланган:

“Инсон қадрини недирки, Сен уни ёдлагайсан?

Одам ўғли недирки, Сен уни ардоқлайсан?

<sup>7</sup> Сен уни малаклардан андак паст қилдинг,

Иззату жамол тожини унга кийдирдинг.

қаранг: Забур 96:7. †† қаранг: Забур 103:4. ††† қаранг: Забур 44:7-8. ††† қаранг: Забур 101:26-28. †††† қаранг: Забур 109:1.

§ КАЛОМ: қадимги ривоятларга кўра, Мусо пайғамбар Тавротни фаришталар орқали қабул қилган; қаранг: Ҳаворийлар 7:53, Галатияликлар 3:19.

Ўз яратганларинг устидан унга салтанат бердинг,  
<sup>8</sup> Бор мавжудотни унинг оёқлари остига қўйдинг” †.  
 Худо борлиқни одамнинг оёқлари остига қўйган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарса қолдирмади. Ваҳоланки, биз инсонга ҳануз ҳамма нарсалар тобе эканлигини кўрмаймиз. <sup>9</sup> Бироқ Исони эса фаришталардан бироз паст қилиниб, ўлим азоб-уқубати чекканидан сўнг, иззату жамол тожи кийдирилган ҳолда кўряпмиз. Унинг ҳамма инсон учун ўлимга дучор бўлиши Худонинг иноятли хоҳиши эди.

<sup>10</sup> Ҳамма нарса Худо учун ва Худо орқали бор бўлган. Худо кўп ўғилларни улуғликка эриштирмоқчи бўлиб, уларнинг нажот Асосчиси – Исони ҳам азоб-уқубатлар орқали камолга эриштиришни муносиб кўрди. <sup>11</sup> Чунки ҳам муқаддаслик бахш этувчи Исо, ҳам муқаддаслик қабул қилувчи имонлилар ҳаммаси бир Отадандир. Бу сабабдан Исо уларни биродарларим деб чақаришдан ор қилмайди, *Забурда* айтганидек:

<sup>12</sup> “Сенинг исмингни биродарларимга эълон этгайман,  
 Жамоат ичра Сенга ҳамду санолар айтурман” ††.  
<sup>13</sup> *Пайғамбар оятида* Исо ҳақида яна шундай дейилган:

“Мен Худога таваккал қилурман”,  
 ва давомида:

“Мана, Мен ва Худо Менга берган болалар!”  
<sup>14</sup> Болалар эт ва қондан иборат бўлганлари учун, Исо Ўзи ҳам уларга тенглашиб, худди шундай вужудга эга бўлди, токи ўлим билан даҳшат сочувчи иблисни Ўз ўлими орқали йўқ қилсин <sup>15</sup> ва умр бўйи ўлим кўркувига қул бўлган одамзод болаларини озод қилсин. <sup>16</sup> Ҳар ҳолда Исо фаришталарга эмас, балки Иброҳим наслига ёрдам беради. <sup>17</sup> Шунинг учун У ҳар жиҳатдан биродарларига ўхшаб қолиши керак эди, халқнинг гуноҳлари учун Худо ҳузурида таважжуҳ қила оладиган марҳаматли ва содиқ Олий руҳоний ‡ бўлмоғи лозим эди. <sup>18</sup> Ўзи синовдан ўтиб азоб чеккани учун, синовдан ўтаётганларга мадад бера олади.

### Исо Масих – Мусо пайғамбардан олий

**3** Шундай экан, эй, самовий даъватдан баҳраманд бўлган муқаддас биродарларим, имонимизнинг Элчиси – Олий руҳонийимиз Исога қаранглар! <sup>2</sup> Мусо пайғамбар бутун Худонинг хонадонига †† содиқ қолгани каби, Исо Масих ҳам Уни тайин этган Худога содиқ қолди. <sup>3</sup> Иморатнинг меъмори иморатнинг ўзидан кўпроқ ҳурмат кўради. Худди шундай, Исо Масих Мусо пайғамбардан кўпроқ улуғворликка лойиқ ҳисобланди. <sup>4</sup> Ҳар бир уйнинг қурувчиси бору,

† қаранг: *Забур* 8:5-7. †† қаранг: *Забур* 21:23. ‡ ОЛИЙ РУҲОНИЙ: луғатга қаранг. †† ХУДОНИНГ ХОНАДОНИ: Исроил халқи, умуман аҳли мўмин; яна қаранг: 1-Тимўтий 3:15, 1-Бутрус 4:17.

аммо аслида ҳамманинг бинокори – Худо. <sup>5</sup> Мусо пайғамбар бутун Худо хонадонидан масъул содиқ хизматкор сифатида Худонинг келажақда айтадиган каломларига замин ҳозирлади, холос. <sup>6</sup> Масих эса Худо хонадонини Ўғил каби бошқаради. Агар биз жасоратимизни ва улуғ умидимизни охиригача маҳкам тутсақ, биз Унинг хонадонимиз.

### Юрагингизни тош қилманглар!

<sup>7</sup> Мана, Муқаддас Руҳ нима деяпти:  
 “Агар бугун Худонинг овозини эшитсангиз,  
<sup>8</sup> Чўлда, исён ва ғазаб кунда бўлганидек,  
 Яна юрагингизни тош қилманглар!  
<sup>9</sup> У ерда оталарингиз Мени синов қилдилар,  
 Қирқ йил ишларимни кўрган бўлсалар ҳам,  
 Мени имтиҳон қилдилар.  
<sup>10</sup> Шунинг учун бу наслдан безор бўлиб дедим:  
 Булар доим дилидан адашган бир қавмдир,  
 Менинг йўлларимга риоя қилмайдилар.  
<sup>11</sup> Мен ғазабланиб, онт ичдимки:  
 Улар Менинг фароғатимга кирмаслар” ††.  
<sup>12</sup> Эй биродарлар, ҳеч бирингизда барҳаёт Худодан қайтган ёмон, имонсиз бир юрак бўлмаслигига диққат этинглар. <sup>13</sup> Ҳеч ким гуноҳнинг алдови билан юрагини тош қилмасин; “бугун” дейилгунча, бир-бирингизга ҳар кун насиҳат қилиб турунглар. <sup>14</sup> Агар биз аввалги эътиқодимизни охиригача маҳкам тутсақ, Масихга шерик ҳисобланамиз. <sup>15</sup> Юқорида дейилгани каби:  
 “Агар бугун Унинг овозини эшитсангиз,  
 Исёну Ғазаб кунда бўлганидек,  
 Юрагингизни тош қилманглар!”  
<sup>16</sup> Ўшанда Худонинг овозини эшитиб, исён қилганлар ким эди? Мусо пайғамбар шарофати билан Мисрдан чиққанларнинг ҳаммаси эмасмиди? <sup>17</sup> Худо қирқ йил кимдан безор бўлди? Гуноҳ қилувчилардан эмасми? Мана, уларнинг жасадлари чўлда пароканда бўлди. <sup>18</sup> Худо: “Улар Менинг фароғатимга кирмайди”, деб кимлар ҳақида қасам ичган эди? Бўйсунмаганлар ҳақида эмасми? <sup>19</sup> Кўряпмизки, улар имонсиз бўлгани учун фароғат диёрига кира олмадилар.

### Худо халқининг фароғати

**4** Худонинг фароғат диёрига ††† кириш ҳақидаги илоҳий ваъда ҳали ҳам мавжуд экан, мабодо сизлардан бирор киши фурсатни қўлдан бермасин, деб хавотирланамиз. <sup>2</sup> Чунки ўтмишдошлар каби бизлар ҳам Хушхабарни олдик. Аммо улар эшитган сўзларини имон билан қабул қилмагани учун фойдаси бўлмади. <sup>3</sup> Фақат биз, имонлилар, у фароғат диёрига кирамиз.

†† айнан қаранг: *Забур* 94:7-11. ††† ФАРОҒАТ ДИЁРИ: аслида “ором, тиниш”. Исроил ўғиллари қирқ йил саҳрода кезгандан сўнг Худо ваъда қилган мамлакатга етиб фароғатга эришдилар. Бунга ўхшаб, Исо Масихга ишонганлар бу дунё ғурбати охирида абадий юртга, самовий роҳат-фароғатга эришиш умиди билан яшайдилар.

Худо:

“Ғазабланганимда онт ичдимки,  
Улар Менинг фароғатимга кирмаслар”,  
– деб айтган. Холбуки, дунё яратилганданоқ Худо  
тақдир этган ҳамма ишлар тамом бўлиб турибди.  
4 Яратилишнинг етти куни ҳақида бир оятда бундай  
дейилган:

“Худо еттинчи кунда қилган барча ишларидан  
фориг бўлди” †.

5 Аммо бояги оятда:

“Улар Менинг фароғатимга кирмас”,  
– деб таъкидланган.

6 Бундан англашиладики, даставвал Хушхабарни  
эшитганлар итоатсизлиги учун фароғат диёрига  
кирмаган бўлса-да, яна баъзи кишиларга кириш  
учун имконият бор экан. 7 Худо ана шуни кўзда  
тутиб, узоқ вақтдан кейин *Забурда* Довуд орқали  
“бугун” деб яна бир кун тайин қилган. Юқорида  
айтилгандек:

“Агар бугун Унинг овозини эшитсангиз,  
Яна юрагингизни тош қилманглар!”

8 Агар Наби Ясу †† Исроил ўғилларини фароғатга  
эриштирганда эди, бундан кейин Худо бошқа бир  
кун ҳақида гапиришига ҳожат йўқ эди. 9 Демак,  
Худо халқининг фароғат куни ‡ келажакка қолади.  
10 Худо Ўз ишларидан қандай фориг бўлган бўлса,  
Унинг фароғатига кирувчилар ҳам ўз ишларидан  
шундай фориг бўладилар. 11 Шундай экан,  
бирортамиз ҳам бундай итоатсизликдан ўрناق  
олиб, йиқилиб қолмаслигимиз учун, ўша фароғатга  
киришга жон куйдирайлик.

#### Худо каломининг таъсирлилиги

12 Худонинг каломи жонли ва таъсирли, ҳар турли  
дудама қиличдан ўткирроқдир. У жон билан руҳни,  
бўғинлар билан иликни бўлгундек суқилиб киради,  
юракнинг хаёлу ниятларини фош қилади.

13 Худонинг олдида пинҳон қолган ҳеч бир махлуқ  
йўқ, Унинг кўзи олдида ҳамма нарса очиқ ва  
аёндыр. Ахир, биз Унга ҳисоб берамиз-ку!

#### Олий руҳонийимиз Исо

14 Бизнинг улуғ Олий руҳонийимиз, яъни Арши  
Аълогача ўтиб борган Худонинг Ўғли Исо бор экан,  
тан олган эътиқодимизни маҳкам тутайлик.

15 Бизнинг Олий руҳонийимиз заифликларимизга  
ҳамдард бўлишга ожиз эмас, У ҳар томондан  
бизлар каби васвасага солинган, лекин гуноҳ  
қилмаган. 16 Шундай экан, илоҳий марҳаматга ноил  
бўлиш ва зарурат вақтида иноят ва ёрдам олиш  
учун, Худонинг иноят тахтига жасорат билан  
яқинлашайлик.

† қаранг: *Ибтидо* 2:2. †† *НАБИ ЯСУ*: луғатга қаранг. ‡  
*ФАРОҒАТ КУНИ*: аслида “дам олиш куни истироҳати”, яъни  
*Парвардигор дунёни яратишининг еттинчи кунда Ўз*  
*фаолиятдан тинганига ўхшаб, имонлилар ҳам ҳаётлари*  
*охирида абадий ором ва хузур-ҳаловатга эришади.*

#### Оддий олий руҳонийлар ва Исо Масих

5 Ҳар бир олий руҳоний одамлар орасидан  
танлаб олиниб, одамлар ўрнида Худога хизмат  
қилади, гуноҳлар учун Худога ҳадылар ва  
қурбонлар келтиради. 2 Жоҳиллар ва йўлдан  
озганларга у мулойимлик билан муомала қила  
олади, чунки ўзи ҳам заифликларга мубтало бўлиб  
юради. 3 Шу сабабдан халқнинг гуноҳлари учун  
ҳам, ўз гуноҳлари учун ҳам қурбон қилиши керак.  
4 Биров бу мартабага ўзи-ўзидан эришмайди, балки  
Ҳорун † каби Худонинг буйруғи билан эришади.

5 Шунга ўхшаб, Масих ҳам олий руҳонийлик  
шарафини ўзлаштириб олмади, балки Худо Унга:  
“Сен Менинг Ўғлимсан,

Сени бугун таваллуд эттирдим” †,  
– деб, Уни улуғликка сазовор қилди. 6 Шунингдек,  
бошқа бир жойда Худо Масих ҳақида шундай  
деган:

“Малкисидқ †† мартабаси бўйича  
Сен абадий руҳонийсан”.

7 Масих баданда яшаган кунларида Ўзини  
ўлимдан қутқаришга қодир бўлган Худога зўр  
фарёд ва кўз ёшлари билан сиғиниб, ялиниб-  
ёлворди, художўйлиги сабабидан тоати ижобат  
бўлди. 8 Гарчи У Худонинг Ўғли бўлса ҳам, азоб-  
укубат чекиб, итоат қилишни ўрганди. 9 Масих  
шундай камолотга эришиб, Унга қулоқ  
солганларнинг ҳаммаси учун абадий бир нажот  
яратди. 10 Шу тариқа Худо Масихни “Малкисидқ  
мартабаси бўйича Олий руҳоний” қилиб  
тайинлади.

#### Камолга етмоқ лозим

11 Бу ҳақда айтадиган сўзимиз кўп, аммо  
тушунтириш қийин, чунки қулоқларингиз оғир  
бўлиб қолди. 12 Вақт нуқтаи назаридан сизлар  
аллақачон муаллим бўлишингиз керак эди. Аммо  
сизларга яна Худо каломининг илк асосларини  
ўргатишга эҳтиёж бор. Сизларга қаттиқ озиқ эмас,  
сут керак. 13 Сут билан овқатланадиган ҳар бир  
киши эса ҳали чақалоқ, солиҳлик каломида ғўру  
тажрибасиздир. 14 Қаттиқ озиқ эса камолотга  
етганларга, яъни туйғулари яхши ва ёмонни фарқ  
этиш малакасига эга бўлганларга хосдир.

#### Имондан қайтмаслик ҳақида

6 Шунинг учун Масих ҳақидаги бошланғич  
таълимотни қолдириб, камолотга интилайлик.  
Тағин ўлик ишлардан тавба қилиш, Худога  
ишониш, ғусллар, бошга қўл қўйиб дуо қилишлар,  
қиёмат ва абадий ҳукм ҳақидаги таълимотнинг  
асосини солиб ўтирмайлик. 3 Худо хоҳласа, бунга  
эришамиз.

†† *ҲОРУН*: луғатга қаранг. †† қаранг: *Забур* 2:7. †††  
*МАЛКИСИДҚ*: луғатда ва 7-бобда изоҳланади; қаранг: *Забур*  
109:4.

<sup>4</sup> Бир марта зиёни кўрган, самовий инъомдан лаззат олган, Муқаддас Рухдан баҳраманд бўлган,  
<sup>5</sup> Худонинг хайрли каломини ва келажак оламнинг қудратларини тотиб кўрган кишилар <sup>6</sup> агар бундан кейин имондан қайтсалар, уларни яна тавба қилдириб тузатиш имконсиздир. Чунки бундай кишилар Худонинг Ўғлини янгидан хочга қоқиб, масхара қилган бўладилар.

<sup>7</sup> Устига мўл-кўл тушган ёмғирни ичган ва деҳқонлар учун фойдали ўсимлик берган ер Худодан баракат олади. <sup>8</sup> Аммо тикану қушқўнмасни берган ер эса ярамасдир ва лаънатга қолади. Унинг охирати – ёнишдир.

<sup>9</sup> Сизларга келсак, эй севиклилар, шундай гапиришимизга қарамай, аминмизки, сизларнинг аҳволингиз бундан яхшироқдир ва нажотга эришасизлар. <sup>10</sup> Чунки Худо адолатсиз эмас. У сизларнинг ишингизни, Унинг исмига кўрсатган муҳаббатингизни унутмайди, Ўз азизларига қандай хизмат қилганингизни ва ҳозир ҳам қилаётганингизни ёдда тутди. <sup>11</sup> Орзу қиламизки, умидингиз тамоман рўёбга чиқсин, ҳар бирингиз охиригача айнинамай ғайрат кўрсатинглар, <sup>12</sup> эринманглар, имон ва сабр-тоқат билан илоҳий ваъдаларга эришганлардан ўрнак олинглар.

#### Худонинг ўзгармас ваъдаси

<sup>13</sup> Худо Иброҳимга ваъда берганда, Ўзидан буюкроқ бировнинг исми ҳақи қасам ича олмай, Ўз Зоти ҳақи қасам ичиб, деди:

<sup>14</sup> “Мен сенга қут-баракат бераман, Зурриётингни бағоят кўпайтираман” †.

<sup>15</sup> Иброҳим эса узоқ сабр-тоқат қилиб, илоҳий ваъдага эришди.

<sup>16</sup> Одамлар ўзларидан буюкроқ бўлганнинг исми ҳақи қасам ичадилар. Қасам исбот ҳисоблангани учун, ҳар қандай тортишувларга хотима беради.

<sup>17</sup> Шунга ўхшаб, Худо ҳам ваъдасини олувчиларга Ўз иродасининг бузилмаслигини очиқроқ кўрсатмоқчи бўлиб, ваъдани қасам билан кучайтирди.

<sup>18</sup> Шундай қилиб, биз бу икки бузилмас далил билан ёлғон гапирмайдиган Худодан паноҳ топайлик, кўзимиз олдидаги умидни маҳкам ушлаб, дадил ва жасур бўлайлик. <sup>19</sup> Умидимиз жонлангаридай ишончли ва мустаҳкамдир, биз бу умид орқали маъбад пардасининг †† орқа томонига ҳам ўтиб қирамиз. <sup>20</sup> Ўтмишдошимиз Исо Малкисидқ мартабаси бўйича абадий Олий руҳонийимиз бўлиб, у ерга бизлардан илгари ўтиб кирган.

#### Улуғ руҳоний Малкисидқ

**7** Малкисидқ Салим ‡ подшоҳи ҳамда Худойи Таолонинг руҳонийси эди. Иброҳим тўрт

† қаранг: Ибтидо 22:16-17. †† ПАРДА: луғатга қаранг; яна қаранг: 10:19-20. ‡ САЛИМ: Иерусалим (Қуддус) шаҳрининг қадимий оти; қаранг: Ибтидо 14:18, Забур 75:3.

шоҳни тор-мор этиб қайтиб келаётганда, Малкисидқ уни қаршилагани чиқиб, уни дуо қилди. <sup>2</sup> Иброҳим эса унга ҳар бир нарсадан ушр берди.

Малкисидқ отининг биринчи маъноси “солиҳлик подшоҳи” демақдир. Бундан бошқа у “Салим подшоҳи”, яъни тинчлик подшоҳидир. <sup>3</sup> У отасизу онасиздир, умуман насабномасиздир. Умрининг на бошланиши, на охири қайд этилган. У Худонинг Ўғлига ўхшаш абадий руҳоний бўлиб қолади.

<sup>4</sup> Энди бу зотнинг нақадар буюк эканлигини кўринг! Улуғ отамиз Иброҳим ҳам ғаниматларининг ўндан бирини унга берди. <sup>5</sup> Тавротда буюрилишича, Левий †† ўғилларидан руҳонийлик вазифасини олганлар халқдан, яъни Иброҳим уруф-аждоди бўлган ўз биродарларидан ушр олишлари керак. <sup>6</sup> Лекин Левий ажодидан бўлмаган Малкисидқ эса илоҳий ваъдалар эгаси бўлган Иброҳимдан ушр олди-ю, уни дуо қилди. <sup>7</sup> Шак-шубҳасиздирки, дуо қилувчи дуо олувчидан буюқдир. <sup>8</sup> Оддий руҳонийлар ўладиган одамлар бўлиб халқдан ушр оладилар. Малкисидқ эса, Тавротда рамз қилинишича, мангу барҳаёт руҳоний бўлиб ушр олган. <sup>9</sup> Айтиш мумкинки, ушр олувчи Левий ўзи ҳам Иброҳим орқали ушр берган. <sup>10</sup> Чунки Малкисидқ Иброҳимни қарши олганда, Левий ҳали бобокалони Иброҳимнинг белида эди.

<sup>11</sup> Исроил халқи Левий авлодининг руҳонийлик тартиби бўйича Тавротни қабул қилган эди. Агар Ҳорун ажодидан бўлган Левийларнинг руҳонийлик хизмати мукамал бўлганда эди, унда яна бошқа бир ажод – Малкисидқ ажодидан бир Руҳонийнинг ўртага чиқишига қандай эҳтиёж бор эди? <sup>12</sup> Чунки руҳонийлик қонун-қоидалари ўзгартирилса, Тавротнинг ўзини ўзгартириш зарур бўлиб қолади.

<sup>13</sup> Боя айтилган Руҳоний эса – Раббимиз Исодир. У бошқа бир қабилага мансуб, бу қабиладан ҳеч ким қурбонгоҳда хизмат қилмаган. <sup>14</sup> Раббимиз Исо Яхудо қабиласидан келиб чиққанлиги маълумдир. Мусо пайғамбар эса бу қабила ҳақида гапирганда, руҳонийликка доир ҳеч нарса айтмаган эди.

#### Малкисидққа ўхшаш руҳоний – Исо

<sup>15</sup> Энди Малкисидққа ўхшаш бошқа бир Руҳоний – Исо ўртага чиққандан кейин, бу масала яна ҳам аниқ кўриниб турибди. <sup>16</sup> Исо инсоний қонун-қоидаларга риоя қилган, деб эмас, балки поёнсиз ҳаёт қудратига эга, деб руҳоний бўлди. <sup>17</sup> Забурда: “Сен Малкисидқ мартабаси бўйича абадий руҳонийсан”, – деб таъкидланган. <sup>18</sup> Бундан кўринадики, аввалги қонун-қоидалар ожиз ва фойдасиз бўлгани учун, энди бекор қилинган. <sup>19</sup> Чунки Таврот Қонуни бирон-бир кишини ҳам камолга етказмаган.

Бунинг ўрнига энди аълороқ бир умид майдонга келди, биз бу умид билан Худого яқинлаша оламиз.

†† ЛЕВИЙ: луғатга қаранг.

<sup>20</sup> Умидимиз қасамёд билан тасдиқлангани учун аълороқдир. <sup>21</sup> Илгари ўтган руҳонийлар қасамсиз руҳоний бўлардилар. Аммо Исо,

“Худованд қасамёд қилган ва сўзидан қайтмас: Малкисидқ мартабаси бўйича Сен абадий руҳонийсан”,

– деган илоҳий фармон билан руҳоний бўлди.

<sup>22</sup> Демак, Исо аълороқ бир аҳдга кафил бўлди.

<sup>23</sup> Оддий руҳонийларнинг сони кўп эди, чунки ўлим уларнинг боқий қолишларига монелик қилар эди. <sup>24</sup> Аммо Исо боқий қолганлиги учун, ўтиб кетмайдиган руҳонийликка моликдир. <sup>25</sup> Шунинг учун Исо ўзи орқали Худога яқинлашувчиларга нажот беришга бутунлай қодир, У ҳар доим барҳаёт бўлиб, уларга шафоат қилади.

<sup>26</sup> Чиндан, бизларга худди Исо каби олий руҳоний керак: У муқаддас, айбсиз, нуқсонсиз, гуноҳкорлардан айрилган, осмондан ҳам юқорига кўтарилган. <sup>27</sup> У бошқа олий руҳонийлар каби ҳар кун олдин ўз гуноҳлари учун, кейин халқнинг гуноҳлари учун қурбонлик келтириши керак эмас. Чунки ўзини ўзи қурбон қилганда, буни бир мартада қилиб бўлди. <sup>28</sup> Таврот Қонунига биноан ожиз бандалар олий руҳонийликка тайин этилар эди. Худонинг Тавротдан кейин, *Забурда* берган қасамли ваъдасига биноан энди абадий камол топган Худо ўғли тайин этилди.

### Олий руҳонийимиз Исо

**8** Айтганларимизнинг асосий нуқтаси шуки, бизнинг осмонда, Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирган Олий руҳонийимиз Исо бор. <sup>2</sup> Ўша ерда У инсон эмас, Худованд қурган ҳақиқий Чодирда † хизмат қилади.

<sup>3</sup> Ҳар бир олий руҳоний ҳадялар ва қурбонлар келтириш учун тайин этилади. Шундай экан, Исонинг ҳам келтирадиган бир нарсаси бўлиши лозим эди. <sup>4</sup> Агар У ер юзида бўлганда эди, умуман руҳоний бўлолмас эди. Чунки Тавротда буюрилган ҳадяларни тақдим қилувчи руҳонийлар бор. <sup>5</sup> Улар Мусо пайғамбар Худодан олган кўрсатмага мувофиқ қурилган чодирда диний хизмат кўрсатадилар. Худо Мусога: “Эҳтиёт бўл, ҳар бир нарсани тоғда сенга кўрсатилган намунага мувофиқ қилгин”, – деб буюрган эди. Демак, руҳонийлар хизмат қиладиган макон фақат осмондаги мавжудотнинг намунаси ва соясигинадир.

<sup>6</sup> Лекин энди Исо аълороқ ваъдаларга асосланган аълороқ бир аҳдга кафил бўлгани учун, жуда ҳам улуғроқ руҳонийлик хизматига эришди. <sup>7</sup> Агар Худо қилган биринчи аҳд нуқсонсиз бўлганда эди, иккинчисига фурсат ахтарилмас эди. <sup>8</sup> Ҳолбуки, Худо қадимгилардан нуқсон топиб, *Тавротда* шундай деган:

“Мана Худованд каломи:

† ЧОДИР: яъни Шаҳодат Чодир, луғатга қаранг; яна қаранг: 9-боб.

Исроил хонадони ва Яҳудо хонадони билан Мен янги бир аҳд қиладиган кунлар келяпти.

<sup>9</sup> Бу қиладиган аҳдим эса –

Мен уларнинг ота-боболари қўлидан ушлаб, Миср еридан олиб чиққанда қилган аҳдимга ўхшамагай.

Зероки – Худованд деяпти:

Улар Менинг аҳдимга содиқ қолмадилар

Ва Мен улардан юз ўгирдим.

<sup>10</sup> Ўша кунлардан кейин

Исроил хонадони ила қиладиган аҳдим бу бўлажак,

– дейди Худованд.

– Қонунларимни уларнинг фикрига жо қилиб, Дилларига ёзиб кўюрман.

Мен уларнинг Худоси бўлурман,

Улар эса Менинг халқим бўлур.

<sup>11</sup> Таълим бермагай яна ҳеч кимса

Ўз биродарию қабиладошига:

Худовандни тан олгин, – дея.

– Чунки ҳаммалари, каттаю кичик Мени таниб-билади.

<sup>12</sup> Мен уларнинг ёмонликларидан ўтиб,

Гуноҳларини бошқа эсга келтирмайман”.

<sup>13</sup> Шундай қилиб, Худо “янги бир аҳд” дейиш билан қадимги аҳднинг эскирганлигини кўрсатди.

Эскириб ва қариб бораётган нарса эса йўқ бўлиб кетиши муқаррардир.

### Қадимги Аҳд давридаги диний хизмат

**9** Қадимги Аҳд †† даврида диний хизмат ҳақида қонун-қоидалар ҳамда дунёвий бир маъбад бор эди. <sup>2</sup> Бир чодир қурилган эди. “Муқаддас макон” дейилган биринчи бўлмада шамдон, хонтахта ва муқаддас бахшида нонлар бор эди. <sup>3</sup> Иккинчи парданинг орқасида “муқаддаслар муқаддаси” деб аталган ички бўлма бор эди. <sup>4</sup> Бу ерда хушбўй тутатқи тутатиладиган олтин қурбонгоҳ, шунингдек, ҳар томони олтин билан қопланган аҳд сандиғи бор эди. Аҳд сандиғи ичида манна ‡ солинган олтин идиш, Ҳоруннинг гуллаган ҳассаси †† ва аҳд лавҳалари †† бор эди. <sup>5</sup> Сандиқ устида қурбонгоҳга соя соладиган улуғвор малаклар ††† бор эди. Ҳозир булар ҳақида бирма-бир гапириш мумкин эмас.

<sup>6</sup> Шундай жиҳозланган чодирнинг биринчи бўлмасига руҳонийлар узлуксиз кириб, диний хизматларини адо этардилар. <sup>7</sup> Лекин чодирнинг ичкари бўлмасига эса йилда бир мартагина фақат олий руҳоний кирарди. У ўзи учун ва халқнинг

†† ҚАДИМГИ АҲД: луғатга қаранг. ‡ АҲД САНДИҒИ...МАННА: луғатга қаранг. †† ҲОРУННИНГ ГУЛЛАГАН ҲАССАСИ: Худованд Ҳорунни раҳбар қилиб танлаганини кўрсатиш учун унинг ҳассасини гуллатган эди. †† АҲД ЛАВҲАЛАРИ: Худованд Тавротнинг “Ўн Амр”ини иккита тош лавҳага чизиб, Мусо пайғамбарга берган эди. ††† МАЛАКЛАР: аслида “карублар”, яъни номаълум самовий мавжудотлар суратида ясалган олтин ҳайкаллар; айнан қаранг: Ибтидо 3:24, Забур 17:11, 98:1.

ғафлатдан қилган гуноҳлари учун қон бағишламасдан, асло у ерга кира олмас эди.

<sup>8</sup> Бу билан Муқаддас Рух шуни кўрсатяптики, чодирнинг биринчи бўлмаси ҳануз мавжуд экан, муқаддас маконга кириш йўли очилмаган. <sup>9</sup> Бу ҳозирги замон учун рамздир. Бундан кўрамизки, Худога хизмат қилувчилар ҳадялар ва қурбонлар бағишлаш орқали ўз виждонларини поклай олмайдилар. <sup>10</sup> Бу удумлар егулик, ичгулик ва ҳар хил таҳоратлар билан, яъни киши танаси билангина боғлиқдир, улар фақат янги тузум пайдо бўлгунгача жорий эди.

### Масихнинг нуқсонсиз қурбонлиги

<sup>11</sup> Энди эса бўлғуси хайр-баракаларнинг Олий руҳонийси бўлган Масих пайдо бўлди. У қўл билан қурилмаган, яъни бу дунё ижоди бўлмаган буюкрок ва мукамалроқ чодирдан ўтиб борди. <sup>12</sup> Масих такалар ва бузоқларнинг қони билан эмас, балки Ўз қони билан муқаддас маконга бир марта кириб, бизлар учун абадий нажотни қўлга киритди. <sup>13</sup> Илгари такалару буқаларнинг қони ҳамда ёқилган ғунажинларнинг кули ҳаром бўлган кишиларнинг устига пуркалганда, улар жисман покланиб, муқаддас ҳисобланардилар. <sup>14</sup> Энди эса Масих абадий Рухиллоҳ қудратида Ўзини нуқсонсиз қурбон қилиб Худога бағишлади. Унинг тўккан қони виждонимизни ўлик ишлардан поклайди ва барҳаёт Худога хизмат қилишимиз учун имкон яратади.

<sup>15</sup> Ана шу сабабдан Масих Янги Аҳднинг <sup>†</sup> воситачиси бўлди. Қадимий Аҳд даврида яшаган одамлар қилган гуноҳларидан фориғ бўлсин деб ва Худо абадий меросга даъват этганлар бунга муяссар бўлсин деб, Масих Ўзини қурбон қилди.

<sup>16</sup> Қаерда васият <sup>††</sup> бор бўлса, васият қилганнинг ўлимани қайд қилиб ўтиш керак. <sup>17</sup> Чунки васият ўлимдан кейингина кучга киради. Васият қилувчи ҳали тирик экан, васиятнинг ҳеч бир таъсири йўқ.

<sup>18</sup> Шу боис Қадимги Аҳд ҳам қон тўкилмасдан кучга кирмади. <sup>19</sup> Мусо пайғамбар Тавротни қабул қилиб, унинг ҳар бир амрини бутун халққа ўқиб бергандан сўнг, бузоқлар ва такалар қони ҳамда арғувон юнг, иссоп <sup>‡</sup> тармоқлари ва сув олиб, китобнинг устига ҳам, бутун халқнинг устига ҳам пуркаб: <sup>20</sup> “Бу – Худо сизларга буюрган аҳднинг қони”, – деди. <sup>21</sup> Шунингдек, муқаддас чодир ва барча табаррук анжомлар устига қон пуркади. <sup>22</sup> Зотан Таврот Қонуни бўйича қарийб ҳамма нарса қон билан покланади, қон тўкилмасдан умуман кечирим бўлмайди.

<sup>23</sup> Агар самовий мавжудотнинг аксигина бўлган бу нарсаларни шундай поклаш керак бўлса, унда самовий мавжудотнинг асли яна қанчалик аълороқ

<sup>†</sup> ЯНГИ АҲД: луғатга қаранг. <sup>††</sup> ВАСИЯТ: юнонча аслидаги сўз ҳам “аҳд”, ҳам “васият” демақдир. <sup>‡</sup> ИССОП: хушбўй баргли кичик бута; покланиш учун қурбон қилишганда қон ва сув сепиш учун қўлланарди; яна қаранг: Забур 50:9.

қурбонларни талаб қилади! <sup>24</sup> Ана шу мақсадда Масих бизлар учун Худонинг ҳузурида ҳозир бўлди. У ҳақиқий воқеликнинг соясигина бўлган бу дунёдаги муқаддас маконга эмас, балки инсон қўли билан қурилмаган осмондаги ҳақиқий муқаддас маконга кирди.

<sup>25</sup> Олий руҳоний ҳар йил бегона қон бағишлаш учун муқаддас маконга кириши лозим. Масих эса фақат бир марта Ўз қонини бағишлаш учун самовий маконга кирди ва бу кифоядир. <sup>26</sup> Акс ҳолда У дунё яратилгандан бери бир неча марта азоб чекиши керак эди. Энди эса, замоннинг охирида, У одамларнинг гуноҳларини аритиш учун бир марта оламга келиб, Ўзини қурбон қилди.

<sup>27</sup> Зотан бир марта ўлиш ва ундан кейин ҳукм қилиниш инсонларнинг тақдиридир. <sup>28</sup> Шунингдек, Масих ҳам кўпларнинг гуноҳларини Ўз бўйнига олиш учун бир марта қурбон бўлди. Лекин У иккинчи марта дунёга келганда, яна гуноҳларни ювиш учун эмас, балки Уни кутаётганларга нажот келтириш учун осмондан тушиб келади.

### Масих – охирги қурбон

**10** Илоҳий Қонун бўлғуси хайр-баракаларнинг асл сурати эмас, соясигинадир. Шунинг учун йилдан-йилга мунтазам равишда айни қурбонларни келтирувчилар Илоҳий Қонун орқали камолга эриша олмайдилар. <sup>2</sup> Акс ҳолда, улар бу қурбонларни бағишлашни бас қилмас эдиларми? Ундай бўлганида эди, бу хизматни бажо келтирувчилар бир мартада покланган бўлар ва яна гуноҳи борлигини сезмас эдилар. <sup>3</sup> Холбуки, қурбонлар бағишлаш билан ҳар йили гуноҳлар эсга солинади, холос. <sup>4</sup> Чунки буқаю такаларнинг қони гуноҳларни бартараф қилолмайди.

<sup>5</sup> Шунинг учун Масих дунёга келиб, Худога шундай деган эди:

“Қурбону бағишловни Сен хоҳламадинг, Аммо Мен учун бадан ҳозирладинг.

<sup>6</sup> Гуноҳ учун ёқиладиган қурбонлардан, Хайр-эҳсонлардан рози бўлмадинг.

<sup>7</sup> Ушанда Мен дедим:

Ўроғлиқ битикда Мен ҳақда битилган, Хоҳишингни адо этмоқ-чун келдим, эй Худойим” <sup>‡†</sup>.

<sup>8</sup> Тавротда қурбонликлар бағишлаш ҳақида қонун-қоидалар кўп. Шунга қарамай, Масих биринчидан:

“Қурбону бағишловни, гуноҳ учун ёқиладиган қурбонлар ва хайр-эҳсонларни Сен хоҳламадинг,

рози бўлмадинг”, – деяпти. <sup>9</sup> Иккинчидан эса:

“Сенинг хоҳишингни адо этмоқ-чун келдим, эй Худойим”, – деяпти. Бундан кўрамизки, Масих иккинчи қонидани жорий қилиш учун биринчисини бекор қилди. <sup>10</sup> Чунончи, Худонинг хоҳиши билан Исо Масих Ўз танасини бир марта қурбонликка бағишлади ва шу йўл билан бизни муқаддас қилди.

<sup>11</sup> Ҳар бир руҳоний кун сайин Худога хизматини адо қилавериш, асло гуноҳларни йўқ қила

<sup>‡†</sup> айнан қаранг: Забур 39:7-9.

олмайдиган ўша-ўша қурбонликларни кўп марта бағишлайди. <sup>12</sup> Масих эса гуноҳлар учун битта қурбонлик бағишлагандан кейин, Худонинг ўнг томонида абадий ўтириб олди. <sup>13</sup> Ўша вақтдан бери У душманларининг Ўз оёқлари остига йиқилиб қолишларини кутмоқда. <sup>14</sup> У биттагина қурбонлик келтириб, ишонувчиларни муқаддас қилди ва абадий камолга эриштирди.

<sup>15</sup> Муқаддас Рух ҳам бу ҳақда бизларга шаҳодат беради. <sup>16</sup> Биринчидан, У шундай деган:

“Худованд каломи: Ўша кунлардан сўнг Мен халқим ила қиладиган аҳдим бу бўлажак: Қонунларимни уларнинг дилига жо қилурман, Ўй-фикрларига ёзиб кўюрман фармонларим”.

<sup>17</sup> Кейин У қўшимча қилиб:

“Уларнинг гуноҳларию жиноятларини Мен бошқа эса келтирмайман”, – деган. <sup>18</sup> Демак, Худо гуноҳлардан ўтган бўлса, улар учун бошқа қурбонликка ҳожат йўқ.

### Сизларга сабр-тоқат керак

<sup>19</sup> Шунинг учун, эй биродарлар, Исо Масихнинг қони туфайли муқаддас маконга киришга жасоратимиз бор. <sup>20</sup> Исо маъбаддаги парда орқали, яъни Ўз бадани орқали бизга янги, тирик кириш йўлини очиб берди. <sup>21</sup> У Худо хонадони устидан масъул бўлган буюк Рухонийимиздир.

<sup>22</sup> Шундай қилиб, дилларимиз ёмон виждондан покланган, баданимиз эса тоза сув билан ювилган бўлиб, биз энди тўла ишонч ва эътиқод билан, чин қалбдан Худога яқинлашайлик. <sup>23</sup> Имон келтириб топган умидимизни иккиланмай маҳкам тутайлик. Чунки ваъда берган Худо Ўз сўзига содиқдир.

<sup>24</sup> Бир-биримизга эътибор берайлик ва муҳаббатга, хайрли ишларга рағбатлантирайлик.

<sup>25</sup> Баъзиларнинг одатидек, йиғилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, *Раббимиз келадиган* кунни яқинлашиб қолганини билиб, бир-биримизга яна кўпроқ далда берайлик.

<sup>26</sup> Агар биз ҳақиқатни билиб олгандан кейин, қасддан гуноҳ қилишда давом этсак, энди гуноҳларнинг кечирилиши учун бошқа қурбонлик қолмайди, <sup>27</sup> фақат даҳшатли интизорлик билан ҳукми кутиш ва худобезорни куйдирадиган қизғин оташ қолади. <sup>28</sup> Кимки Мусонинг Қонунини рад этса, икки ё уч шоҳиднинг гувоҳлиги билан раҳмсиз ўлим жазосига маҳкум қилинади. <sup>29</sup> Агарда кимдир Худонинг Ўғлини оёқ ости қилса, Унинг қони билан муқаддас қилингани ҳолда бу қонни оддий деб билса, иноятли Худо Рухини ҳақорат қилса, у яна қанчалик оғирроқ жазога лойиқ ҳисобланади, деб ўйлайсизлар?! <sup>30</sup> Худонинг шу каломини яхши биламиз:

“Интиқом – Менинг қўлимдан, Сазосини Мен бераман, – дейди Худованд”.

Ва яна:

“Худованд Ўз халқини ҳукм этади”.

<sup>31</sup> Барҳаёт Худонинг қўлига тушиб қолиш даҳшатлидир! <sup>32</sup> Аввалги кунларни эсга келтиринглар. Ўшанда сиз зиёни кўриб, азоб-уқубатлар тўла қаттиқ курашга бардош берар эдингизлар. <sup>33</sup> Гоҳ ўзларингиз эл-юртнинг ҳақоратига қолиб, азоб чекар, гоҳ шундай аҳволга йўлиққанларга ҳамдард бўлардингизлар.

<sup>34</sup> Маҳбусларнинг алам-аччиғига шерик бўлардингизлар. Сизни янада яхши ва боқий бойлик кутаётганини билиб, мол-мулкингизнинг талон-тарож этилишини хурсандлик билан қабул қилардингизлар. <sup>35</sup> Шундай экан, келажакда улуғ тақдири бор умидингизни ташламанглар.

<sup>36</sup> Худонинг иродасини адо этиб, Унинг ваъдасини қўлга киритиш учун сизларга сабр-тоқат керак.

<sup>37</sup> Худо шундай деган:

“Яна бироз, жуда бироздан кейин Келадиган келади ва кечикмас.

<sup>38</sup> Солиҳ одам имони билан ҳаёт бўлур.

Агарда у орқага чекинса, Жоним ундан рози бўлмас”.

<sup>39</sup> Бизлар эса орқага чекиниб ҳалок бўлмаймиз, балки имонни сақлаб, жонимизга нажот топамиз.

### Қадимги имон қаҳрамонлари

**11** Имон – умидвор бўлган нарсаларнинг мужассамланишидир, имон билан биз кўринмайдиган мавжудотга амин бўлаемиз. <sup>2</sup> Отабоболаримиз имон билан Худонинг розилигини қозондилар. <sup>3</sup> Бизлар имон орқали англаяпмизки, коинот Худонинг каломи билан бунёд бўлган, яъни кўринадиган моддалар кўринмайдиган воқелиқдан вужудга келган.

<sup>4</sup> Имон билан Ҳобил Худога Қобилдан † кўра яхшироқ қурбон келтирди. Ҳобил имони туфайли солиҳ киши деб қабул қилинди. Худонинг Ўзи унинг бағишловларини тасдиқлаб, ундан розилигини билдирди. Ҳобил ўлган бўлса ҳам, имони орқали ҳануз гапиряпти.

<sup>5</sup> Имони туфайли Ҳанўх †† ўлмай, юқорига олинди. У яна топилмади, чунки Худо уни юқорига олган эди. Юқорига олишдан олдин Худо ундан розилигини таъкидлаган эди. <sup>6</sup> Ишонмасдан эса Худонинг розилигини топмоқнинг имкони йўқ. Ким Худога яқинлашмоқчи бўлса, Унинг борлигига ишонмоғи лозим, Худо Уни изловчиларга мукофот беришига эътиқод қилмоғи шарт.

<sup>7</sup> Нуҳ ‡ пайғамбар имонли бўлгани учун, Худо унга келажакда юз берадиган ҳодисалар ҳақида ваҳий юборди, Нуҳ эса ўз хонадонини кутқариш учун ихлос билан кема ясади. У бу иши билан дунёни маҳкум қилди, ўзи эса имони туфайли аҳли солиҳ деб қабулга ўтди.

<sup>8</sup> Иброҳим †† пайғамбар ҳам ўз имони туфайли Худога итоат қилди. Худо уни чақириб: “Насиб

† ҲОБИЛ ВА ҚОБИЛ: қаранг: Ибтидо 4-боб. †† ҲАНЎХ: қаранг: Ибтидо 5:21-24. ‡ НУҲ: қаранг: Ибтидо 6-боб. †† ИБРОҲИМ: қаранг: Ибтидо 12-боб, Ҳаворийлар 7:2-8.

этадиган мамлакатга кет”, деб буюрганда, Иброҳим қаерга боришини билмасдан йўлга тушди. <sup>9</sup> Имон билан у Худо ваъда берган ерда ўрнашди, насиб бўладиган қут-баракаларнинг ҳамворислари бўлган ўғиллари Исҳоқ ва Ёқуб билан бирга ғарибларча чодирда яшади. <sup>10</sup> У меъмори ва қурувчиси Худо бўладиган мустаҳкам, боқий шаҳарни кутар эди.

<sup>11</sup> Соро биби ҳам имон билан ваъда берган Худонинг садоқатига ишониб, ёши ўтса ҳам, ҳомиладор бўлишга қувват олди. <sup>12</sup> Шунинг учун ҳам бир одам, яъни қартайиб жонсизлашган Иброҳимдан кўкдаги юлдузлар ва денгиз соҳилидаги кум каби сон-саноқсиз насл туғилди.

<sup>13</sup> Бу кишиларнинг ҳаммаси Худо ваъда этган баракаларга эришмай, имонли бўлиб оламдан ўтдилар. Баракани узоқдан кўриб олқадилар, ер юзида ғарибу мусофир эканликларини эътироф этдилар. <sup>14</sup> Кимки бундай фикрда бўлса, бир ватан излаётганини кўрсатади. <sup>15</sup> Агар улар айрилган ватанини қўмсаб қолганларида эди, қайтиб боришга фурсатлари бўлар эди. <sup>16</sup> Аммо улар янада яхшиси, яъни самовий ватанни орзу этардилар. Шунинг учун Худо уларнинг Худоси аталмоқдан ор қилмайди. Унинг Ўзи улар учун бир шаҳар ҳозирлаган эди.

<sup>17</sup> Худо Иброҳимни синовдан ўтказаетганда, Иброҳим имон билан ўғли Исҳоқни † қурбонликка олиб борди. Ҳа, у Худодан маълум ваъдаларни олганига қарамасдан, ягона ўғлини бағишламоқчи бўлди. <sup>18</sup> Ваҳоланки, Худо унга: “Сенинг наслинг Исҳоқ орқали кўпаяди”, – деб ваъда берган эди. <sup>19</sup> Демак, Иброҳим, Худо ҳатто ўликларни ҳам тирилтиришга қодир, деган фикрда эди. Шунинг учун ҳам у рамзий маънода Исҳоқни ўлимдан қайтариб олди.

<sup>20</sup> Шунингдек, Исҳоқ ҳам имон билан ўғиллари Ёқуб ва Эсовни истиқболлари ҳақида дуо қилди. <sup>21</sup> Ёқуб эса ўлаётганида, имон билан ўғли Юсуфнинг ўғилларини бир-бир дуо қилди ва ўз ҳассасига суянганича, Худога сажда қилди. <sup>22</sup> Юсуф ҳам оламдан ўтай деганда, Исроил ўғилларининг Мисрдан чиқиб кетиши тўғрисида имон билан каромат қилди ва ўз суяклари ҳақида васият қилди.

<sup>23</sup> Мусо туғилганда ота-онаси уни имон билан уч ой яширишди. Улар чақалоқнинг чиройли эканлигини кўриб, Фиръавннинг фармонидан қўрқишмади. <sup>24</sup> Мусо вояга етгач, Фиръавн қизининг ўғли деб аталишни имон билан рад этди. <sup>25</sup> Гуноҳ қилиб вақтинчалик ҳузур-ҳаловат кўришдан, Худонинг халқи билан азоб-уқубат чекишни афзал кўрди. <sup>26</sup> Масих туфайли ҳақоратга қолишни Мисрнинг хазиналаридан буюкроқ бойлик ҳисоблади, чунки у оладиган мукофотни кўзлар эди. <sup>27</sup> Фиръавннинг ғазабидан кўрқмасдан, имон билан Мисрни тарк этди. У кўринмас Худони кўргандай, сабот-матонатли бўлди.

<sup>28</sup> Сўнгра мисрлик тўнғичларни қирган Азроил исроилликларга тегмасин деб, наби Мусо имон билан Фисих †† қурбонини сўйди ва эшикларга қон пуркади. <sup>29</sup> Имон билан исроилликлар Қизил денгиздан худди қуруқликдан ўтаётгандек кечиб ўтишди. Мисрликлар ҳам ўтишга ҳаракат қилгач, ғарқ бўлиб кетишди.

<sup>30</sup> Исроилликлар етти кун Ерихо шаҳри деворлари атрофида айланиб ўтгандан кейин, имонлари туфайли деворлар қулаб тушди. <sup>31</sup> Имон билан фоҳиша Раҳоба ‡ ҳам жосусларни дўстона қабул қилиб олди ва кофирлар билан бирга ҳалок бўлмади.

<sup>32</sup> Яна нималар ҳақида гапирай? Яна Гидъўн, Барақ, Шимъўн, Ифтаҳ, Довуд, Шомуил ва барча пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилиш учун вақтим етарли эмас. <sup>33</sup> Улар имон билан подшоликларни тўнтардилар, адолатни барқарор қилдилар, илоҳий ваъдаларга эришдилар, шерларнинг оғзини боғладилар. <sup>34</sup> Ловуллаган оташни сўндирдилар, қилич тиғидан қочиб қутулдилар, ҳолдан тойган бўлиб қувватга кирдилар, жангда матонат кўрсатдилар, бегона қўшинларни енгиб даф қилдилар.

<sup>35</sup> Бир неча аёллар ўз марҳумларини тирилган ҳолда қайтариб олдилар. Бошқалари эса аълороқ тирилишга – қиёматга эришиш умидида юриб, қутулишни қабул қилмадилар ва азобда қолиб ўлдилар. <sup>36</sup> Яна бошқалари ҳақоратлар, калтакларга чидаб, зиндонларда занжирбанд бўлиб ётдилар. <sup>37</sup> Тошбўрон бўлдилар, қийноқларга чидадилар, арралаб иккига бўлиндилар, қиличдан ўтказилдилар. Қўй ва эчки кўни ичида сарсон-саргардон кезиб, муҳтожлик, танглик, азоб-уқубат чекдилар. <sup>38</sup> Чўл-сахроларда, тоғ-тошларда адашиб, ғорларда, ернинг кавакларида фақирларча умр кечирдилар. Мана, дунё уларга муносиб эмас эди!

<sup>39</sup> Уларнинг ҳаммаси ҳам имони бор деган тасдиққа эга бўлса-да, Худо ваъда этган қут-баракага муяссар бўлмадилар. <sup>40</sup> Улар бизсиз камолга эришмасин деб, Худо биз учун аълороқ баракаларни кўзда тутган эди.

### Худо севганига танбеҳ беради

**12** Мана, бизнинг атрофимизни ўраб олаётган нақадар йирик шохидлар оломони бор экан! Шунинг учун ҳар бир оғирликни, айниқса ҳадеб пойлаб турадиган гуноҳни бир четга улоқтириб ташлайлик, тақдиримиздаги мусобақада сабр-тоқат билан чопайлик. <sup>2</sup> Имонимизнинг Илғори ҳамда уни камолга Етказувчи Исога кўз тикайлик. У Ўзини кутаётган шодлик учун шармандаликни менсимай, хоч азоб-уқубатига чидади. Ҳозир эса У Арши Аълонинг ўнг томонида ўтирмақда. <sup>3</sup> Исо гуноҳкорлар томонидан қаттиқ қаршиликка учраб, сабр-тоқат қилди.

†† ФИСИХ: луғатга қаранг. ‡ РАҲОБА: яна қаранг: Ёқуб 2:25.

† ИСҲОҚ: қаранг: Ибтидо 22, 27, 48-50-боблар.



Сизлар шу ҳақда фикр қилинг, токи тинкангиз қуриб, руҳингиз тушиб кетмасин. <sup>4</sup> Сизлар гуноҳга қарши курашишда ҳануз қон тўкилишига қадар қаршилиқ кўрсатмабсиз-у, <sup>5</sup> ўғил сифатида сизларга айтилган бу матални унутибсизлар:

“Эй ўғлим,

Худованднинг танбеҳига эътиборсиз қарама, У сени мазаммат қилганда сулайиб кетма.

<sup>6</sup> Худованд севган кишининг адабини берар, Ўғлим деб билган ҳамманинг чорасини кўрар”.

<sup>7</sup> Сизлар чекаётган машаққатларга танбеҳ деб, сабр қилинглр. Худо сизлар билан ўғиллардай муомала қиляпти-ку! Қандай ўғил йўқки, отаси унга танбеҳ бермаса?! <sup>8</sup> Танбеҳ – ҳамманинг насибасидир. Агар сизлар бундан маҳрум қолсангиз, сизлар ўғил эмас, ҳаромзодасизлар.

<sup>9</sup> Бизларга танбеҳ берган жисмоний оталаримиз бор эди ва уларни ҳурмат қилганмиз. Шундай экан, яшаш учун руҳларнинг Отаси – Худога итоат этишимиз янада муҳимроқ эмасми? <sup>10</sup> Оталаримиз ўзларига ёққандай бизга қисқа вақт танбеҳ берганлар. Худо эса Ўзининг муқаддаслигидан баҳраманд бўлишимиз учун, манфаатимиз учун танбеҳ қиляпти. <sup>11</sup> Ҳар бир танбеҳ ҳозирги замонда севинч эмас, қайғу бўлиб кўринади. Аммо шу тарих тарбияланганлар учун кейин солиҳлик ва тинчлик самараси униб-ўсади.

### Худо иноятини рад қилманглр

<sup>12</sup> Шундай экан, шалпайган қўлларингизни кўтариб, букик тиззаларингизни мустаҳкам қилинглр. <sup>13</sup> Оёқларингизни тўғри йўлга бурунглр, яна бирон оқсоқ йўлдан тоймасин, аксинча, шифо топсин.

<sup>14</sup> Ҳамма билан тинч-тотув яшаш ва муқаддас бўлишга ғайрат қилинглр. Муқаддасликка эга бўлмасдан ҳеч ким Раббимизни кўролмади.

<sup>15</sup> Диққат этинглр, бирортангиз ҳам Худонинг иноятдан маҳрум қолманг. Яна орангизда бирор аччиқ томир униб-ўсиб, оғуси кўпчиликка юқиб, заҳарламасин. <sup>16</sup> Ичингизда бирон зинокор, шунингдек, битта таом учун ўз тўнғичлигини сотган Эсов <sup>†</sup> каби Худодан кўрқмас одам бўлмасин. <sup>17</sup> Билганингиздай, Эсов шундан кейин отасининг дуосига интилди, аммо рад этилди. Ҳатто кўз ёшлари билан ёлворса-да, отасининг ниятини ўзгартиришга муваффақ бўлмади.

<sup>18</sup> Сизлар яқинлашган тоғ <sup>††</sup> – сезиб бўладиган, гуркираб ёнаётган, тим қоронғиликка кўмилган, бўрон босган, <sup>19</sup> карнай овози янграб турган Синай тоғидай эмас. У ерда Худо каломларини эълон қилган бир товуш бор эдики, уни эшитганлар яна бир сўз айтимасин деб ёлвордилар. <sup>20</sup> “Агар тоққа

<sup>†</sup> ЭСОВ: қаранг: Ибтидо 25:19-34. <sup>††</sup> ТОҒ: Худованд Синай тоғида кўрқинчли тусда зоҳир бўлиб, Мусо пайғамбарга Тавротни ваҳий қилган. Энди Исо Масих орқали Худога яқинлашувчилар улугроқ бахтиёрликка эришмоқдалар; яна қаранг: Галатияликлар 4:21-31, Ваҳий 14:1-5, 21:2, Луқа 10:20.

ҳайвон ҳам тегса, тошбўрон қилинади”, деган илоҳий фармонга улар дош беролмас эдилар. <sup>21</sup> Бу манзара шу қадар даҳшатли эдики, Мусонинг ўзи: “Мен жуда кўрқиб титраяман!” – деди.

<sup>22</sup> Сизлар, аксинча, Сион тоғига, барҳаёт Худонинг шаҳри – самовий Қуддусга, лак-лак фаришталар тумонотига яқинлашгансизлар. <sup>23</sup> Сизлар байрам тусини олган, исмлари осмонда ёзилган тўнғичлар умматига <sup>‡</sup>, ҳаммани ҳукм қилувчи Худога, камолга эришган солиҳларнинг руҳларига яқинлашгансизлар. <sup>24</sup> Сизлар Янги Аҳднинг воситачиси – Исога яқинлашгансизлар. Ҳобилнинг қонидан кўра улугроқ маънони ифодаловчи Исонинг қони устингизга сепилган <sup>††</sup>.

<sup>25</sup> Эҳтиёт бўлинглр, сўзлаётган Худодан юз ўгирманглр! Мусо пайғамбар Худодан ваҳий олиб, ер юзида сўзлаган эди, уни рад этган Исроил ўғиллари эса жазодан қочиб қутулмадилар. Агар биз осмондан сўзлаётган Худодан юз ўгирсак, бундан ҳам оғирроқ жазодан қандай қочиб қутуламиз?

<sup>26</sup> Ўша вақтда Унинг овози ерни ларзага солди. Энди эса У пайғамбар оятида шундай ваъда беряпти:

“Мен яна бир бор ёлғиз ерни эмас, Осмонни ҳам ларзага солгайман”.

<sup>27</sup> “Яна бир бор” сўзи эса бундан сўнг яратилган бутун ўткинчи мавжудотнинг йўқ бўлишини кўрсатади. Натижада фақат боқий мавжудот қолади. <sup>28</sup> Биз эса ўткинчи эмас, боқий подшоҳликка муяссар бўлганимиз учун Худодан миннатдор бўлайлик, Унга маъқул бўладиган эҳтиром ва кўрқув билан хизмат қилайлик. <sup>29</sup> Чунки бизнинг Худойимиз – еб тугатадиган оташдир.

### Имонлиларга алоҳида ўғитлар

**13** Бир-бирингизни биродарларча севишни давом эттиринглр. <sup>2</sup> Меҳмондўстликни унутманглр; баъзи кишилар меҳмонларимни яхши кутай, деб билмасдан фаришталарни кутганлар.

<sup>3</sup> Маҳбусларни, гўё ўзингиз ҳам улар билан бирга ҳибс бўлгандек, эслаб турунглр. Зориққанларни ўзингиз ҳам танангиз борлигини билиб, хотирланглр.

<sup>4</sup> Никоҳ ҳамманинг кўзида эътиборда бўлсин, ётоғингиз беғубор бўлсин. Чунки зинокорлару фоҳишларни Худо ҳукм қилади.

<sup>‡</sup> ТЎНҒИЧЛАР УММАТИ: Исога ишониб, Худонинг фарзанди бўлганларнинг жами; яна қаранг: 2-Боб, Юҳанно 1:12-13, Римликлар 8:14-17, Галатияликлар 4:1-7, 1-Юҳанно 3-Боб. <sup>††</sup> ИСОНИНГ ҚОНИ УСТИНГИЗГА СЕПИЛГАН: аслида “сепма қонга яқинлашгансизлар”; Тавротда буюрилишича, Худога келтирилган қурбонликнинг қонини қурбонгоҳга сепиш керак эди, бу эса гуноҳкорнинг айбидан фориғ бўлишининг рамзи эди. Ҳозир Масих хочда қонини тўкиб, Унга ишонганнинг барча гуноҳларини ўчирадиган мукамал “сепма қонни” таъмин этган; яна қаранг: 9-10-Боблар, 1-Бутрус 1:2, 1-Юҳанно 1:7, Ваҳий 1:5.

<sup>5</sup> Пулпарастликдан холи кун кечиринглар. Қўлингизда бори билан қаноатланинглар. Чунки Худонинг Ўзи: “Сени ҳеч ташлаб кетмайман ва асло тарк этмайман”, – деган. <sup>6</sup> Шунинг учун биз жасорат билан айтяпмиз:

“Худованд мен томонда, мен қўрқмайман.

Инсон менга не қила билар?” †

<sup>7</sup> Худо каломини сизларга гапирган бошлиқларингизни хотирланглар. Уларнинг ҳаёти натижасига қараб, имонларига эргашиб юринглар.

<sup>8</sup> Исо Масих кеча, бугун ва абадий худди Ушанинг Ўзидир. <sup>9</sup> Сиз турли ёт ва ғалати таълимотларга берилиб, йўлингиздан оғиб кетманглар. Юрак Худонинг инояти билан қувватланиши яхшидир, махсус таомлар билан эмас. Егулик-ичгуликка *доир қонун-қоидаларга* риоя қилувчилар бундан бирор фойда кўрмаган.

<sup>10</sup> Бизнинг бир қурбонгоҳимиз борки, Шаҳодат Чодирда хизмат қилувчи руҳонийлар у ерга кириб ейишга ҳақи йўқ. <sup>11</sup> Илгари гуноҳларнинг кечирилиши учун олий руҳоний муқаддас маконга кириб, ҳайвон қонларини бағишлар эди.

Ҳайвонларнинг жасадлари эса манзилнинг ташқарисида ёқилар эди. <sup>12</sup> Шунга ўхшаб, Исо ҳам Ўз қоним билан халқни муқаддас қилай, деб шаҳар дарвозасидан ташқарида азоб чекиб ўлди. <sup>13</sup> Энди бизлар ҳам Унинг хўрлигини ўзимизга олиб, манзилдан ташқарига – Унинг олдига чиқайлик.

<sup>14</sup> Чунки бу ерда бизнинг доимий шаҳримиз йўқ, биз бўлғуси шаҳарга кўз тикиб юрибмиз.

<sup>15</sup> Шундай қилиб, Исо орқали Худога узлуксиз ҳамду сано қурбонларини бағишлайлик, яъни Унинг номи тилимиздан тушмасин. <sup>16</sup> Хайрихоҳлик ва улфатчиликни унутманглар, чунки бундай қурбонлар Худога мақбулдир.

† айнан қаранг: Забур 117:6.

<sup>17</sup> Ўз жамоат бошлиқларингизга итоат қилинглар, уларга камоли эҳтиром билан бўйсунинглар. Чунки улар ҳисобот берадиганлардек ҳамиша жонларингизни қўриқлаб турадилар. Бу ишни эса оху нола билан эмас, балки севинч билан бажо келтирсинлар. Агар буни оху нола билан қилсалар, сизларга фойда бўлмайди.

<sup>18</sup> Бизлар учун ибодат қилинглар. Виждонимиз тоза эканлигига аминмиз, чунки биз ҳамма нарсани ҳалоллик билан бажаришга ҳаракат қиламиз. <sup>19</sup> Айниқса мен учун ибодат қилишингизни кўп ўтиниб сўрайман, Худо мени тезроқ сизларнинг олдингизга қайтарсин.

### Хотима ва дуойи салом

<sup>20</sup> Тинчлик берган Худо қўйларнинг улуғ Чўпони – Раббимиз Исони абадий аҳднинг қони билан тирилтирди. <sup>21</sup> Худо Ўз мурод-мақсадини Исо Масих орқали сизларда бажо келтирсин, Худонинг иродасини ижро этмоғингиз учун Ўзи сизларда ҳар хил фазл-камолотни пайдо қилсин. Исо Масихга абадулабад шон-шарафлар бўлсин! Омин.

<sup>22</sup> Эй биродарлар, сизлардан илтимос қиламан, қисқагина ёзган бўлсам ҳам, бу насиҳат каломини сабр-тоқат билан қабул қилинглар.

<sup>23</sup> Билинглarki, биродаримиз Тимўтий озодликка чиқарилди. Агар у тезлик билан ёнимга келса, у билан бирга сизларни кўргани бораман. <sup>24</sup> Жамоат бошлиқларингизнинг ҳаммасига ва барча аҳли мўминга салом айтинглар. Италияликлар сизларга салом йўллаяптилар.

<sup>25</sup> Худонинг инояти ҳаммангизга ёр бўлсин. Омин.

### МАКТУБИ

# ЁҚУБ

## МАКТУБИ

**1** Мен, Худонинг ва Раббимиз Исо Масиҳнинг қули Ёқуб, жаҳонга тарқалиб кетган ўн икки қабилага † саломатлик тилайман.

### Имон ва ҳикмат

<sup>2</sup> Эй биродарларим, турли синовларга дучор бўлганингизда, уни катта севинч билан қабул қилинглари. <sup>3</sup> Шунинг билан биланги, имонингизнинг синалишидан сабр-тоқат ҳосил бўлади. <sup>4</sup> Сабр-тоқат тўла самарасини кўрсатсин, токи сизлар ҳеч бир нарсадан камчиликсиз, комил ва нуқсонсиз одамлар бўлинглари.

<sup>5</sup> Агар сизлардан бирор кишининг ҳикмати камлик қилса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин, Худо унга беради. <sup>6</sup> Лекин ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин. Чунки шубҳа қилувчи киши шамолда тебранган денгиз тўлқинига ўхшайди. <sup>7</sup> Ўзининг бутун йўлларида беқарор, иккиланувчи бундай одам Раббимдан бирор нарса оламан, деб хаёл қилмасин.

### Бой ва ночор

<sup>9</sup> Ночор аҳволдаги биродар ўзининг юксалиши билан мақтансин. <sup>10</sup> Бой эса ўзининг пасайиши билан мақтансин. Чунки у ўтнинг гулидай сўлиб қолади. <sup>11</sup> Қуёш чиқиб, жазирама иссиғи билан ўтни қуритиб юборади. Ўтнинг гули тўкилади, бутун гўзаллиги йўқолади. Худди шу сингари бойнинг ҳам ҳаёт йўли хазон бўлади.

### Синов ва васвасалар

<sup>12</sup> Синовга сабр-тоқат қилган одам бахтиёрдир. Чунки у синовдан ўтгач, Раббимизни севувчиларга насиб бўладиган ҳаёт тожиги сазовор бўлади. <sup>13</sup> Васвасага тушганда ҳеч ким: “Худо мени синаб кўраётир”, – демасин. Чунки Худо ёмонлик васвасасига тушмайди, Ўзи ҳам ҳеч кимни васвасага солмайди. <sup>14</sup> Лекин ҳар ким ўзининг эҳтиросига берилиб, алданиб васвасага дучор бўлади. <sup>15</sup> Кейин эҳтирос ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, гуноҳ эса етилиб, ўлимга сабаб бўлади.

† *ЎН ИККИ ҚАБИЛА: Исроил халқининг ўн икки қабиласи рамзи, умуман оламшумул Худо халқи, яъни Исо Масиҳ умматини билдиради.*

<sup>16</sup> Эй севикли биродарларим, алданманглари!

<sup>17</sup> Ҳар бир неъмат, ҳар бир мукамал ҳада юқоридан, самовий нурлар Отасидан тушади. Унда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, ўзгарувчан кўланка ҳам йўқ. <sup>18</sup> Худо ҳақиқат каломи орқали бизга ҳаёт бағишлади, чунки Ўз яратганлари орасида биринчи ўринни эгаллашимизни хоҳлади.

### Тинглаш ва амалга ошириш

<sup>19</sup> Эй севикли биродарларим, шунинг биланги, ҳар бир одам эшитишда чаққон, гапиришда вазмин, ғазаб вақтида оғир бўлсин. <sup>20</sup> Чунки инсон ғазаби Худонинг одил ҳукмини амалга ошира олмайди. <sup>21</sup> Шунинг учун ҳар қандай ифлосликни, кўп бўлиб қолган ёмонликларни бир четга йиғиштириб қўйинглари, Худонинг қалбингизга экиб қўйган каломи мулойимлик билан тан олинглари. Ана бу калом жонларингизни қутқаришга қодир.

<sup>22</sup> Ўз-ўзингизни алдаб, Худо каломининг фақат тингловчиларигина эмас, балки ижрочилари бўлинглари. <sup>23</sup> Агар бирор киши каломни тинглаб, ижро этмаса, у ўзининг асл юзини кўзгуда †† кўрган одамга ўхшаб қолади. <sup>24</sup> Одам ўзига қаради-ю кетди ва дарҳол қандай эканлигини унутиб юборди. <sup>25</sup> Лекин мукамал Қонунга, Худонинг эрк берувчи Қонунига ‡ яқиндан қараб, унга қатъий амал қилган киши, яъни унутувчан тингловчи эмас, балки ишни бажарувчи киши ўз йўлида бахтиёр бўлади.

<sup>26</sup> Агар орангиздаги бирор киши ўзини диндор ҳисоблаб, тилини тиймаса, у ўз виждонини алдаган бўлади ва унинг диндорлиги бефойдадир.

<sup>27</sup> Отамиз Худога маъқул тушадиган дин-диёнат поклик ва бенуқсонликни талаб қилади, яъни етим-есирларни қайғули кунларида йўқлаб боришимиз лозим ҳамда бу дунёнинг нопокликларидан ўзимизни тоза сақлашимиз керак.

†† *КЎЗГУ: қадимги ойналар жуда хира акс берарди; яна қаранг: 1-Коринфликлар 13:12. ‡ ХУДОНИНГ ЭРК БЕРУВЧИ ҚОНУНИ: инсонни гуноҳга қул бўлишдан қутқариб, руҳий эркинликка олиб борувчи Масиҳнинг қонун-қоидалари, Масиҳнинг Руҳи; яна қаранг: 2:12, Юҳанно 8:31-36, Римликлар 8:2, Галатияликлар 5:13.*

### Юз-хотирчилик қилманглар

2 Эй биродарларим, улуғвор Раббимиз Исо Масихга бўлган имонингизни юз-хотирчиликдан тоза сақланглар. <sup>2</sup> Агар сизларнинг йиғилишингизга олтин узукли, башанг кийимли бир одам билан жулдур, кир кийимли камбағал бир одам кирса-ю, <sup>3</sup> сизлар башанг кийинганга қараб: “Марҳамат қилиб тўрда ўтиринг”, – камбағалга эса: “Сен пойгаҳда тур” ёки “Шу ерга, оёғим остида ўтир”, – десангиз, <sup>4</sup> сизлар юз-хотирчиликка бориб, бу билан ёмон ниятли қозиларга ўхшаб қолмайсизларми?!

<sup>5</sup> Эй севиқли биродарларим, кулоқ солинглар: Бу дунёда камбағал ҳисобланганларни Худо Ўзи танлаб, имонда бой қилди-ку! У Ўзини севганларга ваъда берганидек, уларни Ўз Шоҳлигидаги меросдан баҳраманд қилди. <sup>6</sup> Лекин сизлар-чи, камбағални беобрў қилиб ташладингиз! Сизларни жабр-зулм қилган, маҳкамаларга судраб олиб борган бойлар эмасми?! <sup>7</sup> Сизлар азиз бир Ном билан танилмоқдасизлар, бу Номни ҳақорат қилган улар эмасми?!

<sup>8</sup> Тавротда: “Ўзгани ўзинг каби севгин” деб буюрилган. Агар сизлар бу Шоҳ амрига мукамал риоя қилаётган бўлсангиз, унда яхши иш қилаётган бўласизлар. <sup>9</sup> Лекин агар юз-хотирчилик қилаётган бўлсангиз, гуноҳ қилиясиз ва Илоҳий Қонун олдида жиноятчи бўлиб қоласизлар. <sup>10</sup> Кимки Илоҳий Қонуннинг ҳамма моддаларига риоя қилса-ю, фақат бир нарсада гуноҳ қилса, у бутунлай гуноҳкор бўлиб қолади. <sup>11</sup> Чунки “Зино этма” деган Худо айни замонда “Одам ўлдирма” ҳам деган. Агар сен зино қилмасанг-у, аммо одам ўлдирсанг, барибир Худо Қонунини бузган бўласан.

<sup>12</sup> Сизлар Худонинг эрк берадиган Қонуни бўйича ҳукм қилинувчилар каби гапиринглар ва ҳаракат қилинглар. <sup>13</sup> Чунки ҳукм шафқатсизга шафқатсиздир. Шафқат эса ҳукмдан устун келади.

### Имон ва амал

<sup>14</sup> Эй биродарларим, агар бирор киши имони борлигини айтса-ю, хайрли ишлар қилмаса, нима фойдаси бор? Бундай имон уни қутқарармикин? <sup>15</sup> Бирон биродар ёки сингил яланғоч ва ризқи-рўздан маҳрум бўлса-ю, <sup>16</sup> бирортангиз уларга: “Эсон-омон бориб, исининг ва овқатланинг”, – десангиз, лекин уларнинг танаси эҳтиёжини қондирмасангиз, бундан нима фойда? <sup>17</sup> Худди шундай амалсиз имон ҳам ўзи-ўзидан ўликдир.

<sup>18</sup> Энди бирор киши: “Сенинг имонинг бор, менинг хайрли ишларим бор”, – дейиши ҳам мумкин. Қани, хайрли ишларсиз имонингни менга кўрсатгин, мен эса сенга имонимни хайрли ишларим орқали кўрсатаман! <sup>19</sup> Сен Худонинг ягоналигига ишонсанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонгани учун даҳшатдан титрайдилар.

<sup>20</sup> Эй ақлсиз одам, хайрли ишларсиз имоннинг фойдасиз эканлигини билмайсанми? <sup>21</sup> Отамиз Иброҳим ҳам ўғли Исҳоқни қурбон қилмоқчи бўлганида, ўз хайрли ишлари туфайли оқланган-ку! <sup>22</sup> Кўряпсанми? Унинг имонига хайрли ишлари омил бўлган. Имони хайрли ишлари билан такомиллашган. <sup>23</sup> Тавротда: “Иброҳим Худого ишонди ва шу тариқа оқланди”, – деб ёзилган. Бу сўз рўёбга чиқиб, Иброҳим Худонинг дўсти † деб аталган.

<sup>24</sup> Кўряпсизларки, инсон фақат имони туфайлигина эмас, балки хайрли ишлари туфайли ҳам оқланади.

<sup>25</sup> Яна фоҳиша Раҳобани †† мисол қилиб олайлик: у жосусларни қабул қилиб, пинҳона йўлдан жўнатиб, хайрли иш қилган ва шу тариқа оқланган.

<sup>26</sup> Хуллас, руҳсиз бадан ўлик бўлганидек, хайрли ишларсиз имон ҳам ўликдир.

### Тилни тиймоқ ҳақида

3 Эй биродарларим, биз, устозлар, жиддийроқ ҳукмга дучор бўлишимизни биласизлар, шунинг учун кўпларингиз устоз бўлаверманглар. <sup>2</sup> Чунки ҳаммамиз кўп хато қиламиз. Агар ким сўзлаётганда хато қилмаса, у комил инсондир, бутун вужудини ҳам тийиб олишга кучи етади. <sup>3</sup> Бизга итоат этиши учун отларнинг оғизларига сувлуқ солиб, уларнинг бутун вужудини бошқарамиз. <sup>4</sup> Мана, кемалар ҳам, қанча улкан бўлмасин ва кучли шамоллар билан юрмасин, кемачининг кўнгли қаерни истаса, жуда кичик бир руль билан бошқара олади. <sup>5</sup> Тил ҳам худди шундай баданнинг кичкина бир узвидир, аммо у кўп лоф уради.

Қара, кичик бир учқун нақадар катта ўрмонни ёндириб юборади! <sup>6</sup> Тил – бир олов, узваримиз орасида бир бузғунчи дунё! У бутун вужудимизни булғайди. У жаҳаннамдан алангаланиб, бутун фалакни ҳам ёндиради.

<sup>7</sup> Ҳар хил ёввойи ҳайвон, қуш, судралувчи ва денгиз ҳайвони инсон зоти томонидан тийилган ва тийилмоқда. <sup>8</sup> Аммо тилни ҳеч бир инсон тия олмайди. У тўхтатиб бўлмайдиган ёвуз кучдир, ўлдирадиган заҳар сочиб туради. <sup>9</sup> Тилимиз билан Раббимиз ва Отамизни мақтаймиз, тилимиз билан Худонинг суратида яратилган инсонларга лаънат ўқиймиз. <sup>10</sup> Мақташ ва лаънатлаш бир оғиздан чиқади. Эй биродарларим, бу шундай бўлмаслиги керак! <sup>11</sup> Ахир, битта булоқдан ширин ва аччиқ сув оқиб чиқадими? <sup>12</sup> Эй биродарларим, анжир – зайтун ёки ток новдаси анжир бера оладими? Шўр булоқ ҳам ширин сув бермайди-ку!

† ХУДОНИНГ ДЎСТИ: арабча Халилulloҳ; яна қаранг: Ибтидо 15 ва 22-боблар. †† РАҲОБА: Таврот, Ёшуа китобида (2 ва 6-боблар) мазкур, Ерихо шаҳрида яшаган хотин. У Исроил ўғиллари юборган жосусларни ўз уйида яшириб жонларини сақлаган, кейин Ерихо шаҳри қулаганда ўзи омон қолган; яна қаранг: Матто 1:5, Ибронийлар 11:31.

### Ким доно?

<sup>13</sup> Орангиздаги доно ва фаҳмли киши ким? Ундай одам бор бўлса, яхши юриш-туриши билан, доноликдан далолат берувчи мулойимлиги билан ўзини кўрсатсин. <sup>14</sup> Агарда юрагингизда рашк-ҳасад ва худбинлик бўлса ҳам, манманлик қилиб ҳақиқатни рад этманглар. <sup>15</sup> Бундай донолик юқоридан тушмаган. Бундай донолик дунёдан, моддиятдан, жин-ажинадан туғилган. <sup>16</sup> Чунки қаерда ҳасадгўйлик ва худбинлик ҳукм сурса, у ерда тартибсизлик ва ҳар хил ярамаслик пайдо бўлади.

<sup>17</sup> Лекин юқоридан тушган донолик эса, биринчидан, покдир. Иккинчидан эса, муросали, мулойим, бўйсунувчан, тўла меҳр-шафқатли, яхши самаралар билан тўлиб-тошган, беғараз ва риёсиздир. <sup>18</sup> Шу тариқа солиҳлик уруғи сепилиб, тинчликпарварлар учун осойишталик барпо бўлади.

### Худога итоат қилинглр

**4** Орангиздаги жанжал ва тўқнашувлар қаердан келиб чиқади? Танангизнинг узвларида ўзаро жанг қилаётган нафсу эҳтиросларингиздан эмасми? <sup>2</sup> Бир нарса орзу қиляпсизлар, аммо орзунгиз амалга ошмагач, одам ўлдиряпсизлар. Ҳасад қиляпсизлар, аммо мақсадингизга эриша олмагач, талашиб тортишяпсизлар. Худодан сўрамаганингиз учун сизларда йўқ. <sup>3</sup> Сўраяпсизлар-у, лекин олмаяпсизлар, чунки ёмон ният билан, нафсингизни қондириш учун сўраяпсизлар.

<sup>4</sup> Эй вафосизлар, дунё билан дўстлик Худога душманлик эканлигини билмайсизларми? Ким дунё билан дўст бўлишни истаса, Худога душман бўлади. <sup>5</sup> Наҳотки сизлар: “Худо ичимизга солган руҳни ниҳоятда қизғанади” деган оятни инобатга олмайсизлар? <sup>6</sup> Бироқ Худонинг инояти бунга қараганда янада сахийроқ, чунончи бошқа оятда шундай айтилган:

“Худо мағрурларга қарши,  
Аммо камтарларга иноятлидир”.

<sup>7</sup> Шундай қилиб, Худога итоат қилинглр. Иблисга қарши турунглр, шунда у сизлардан қочади.

<sup>8</sup> Худога яқинлашинглр, шунда У сизларга яқинлашади. Эй гуноҳкорлар, қўлларингизни гуноҳдан тозаланглр! Эй ҳардамхаёллар, кўнгиларингизни тўғри қилинглр!

<sup>9</sup> Қайғуринглр, мотам тутинглр, нола қилинглр! Кулгингиз йиғига, шодлигингиз мотамга айлансин.

<sup>10</sup> Раббингиз олдида ўзингизни паст олинглр, У эса сизларни юксалтиради.

### Биродарингни айблама

<sup>11</sup> Эй биродарларим, бир-бирингизни ёмонламанглр. Ўз биродарини ёмонлаган ёки айлаган киши Илоҳий Қонунни ёмонлаган

ҳисобланади. Агар сен Илоҳий Қонунни айбласанг, сен Қонуннинг ижрочиси эмас, балки қозиси бўласан. <sup>12</sup> Қонун чиқарувчи ва ҳукм қилувчи Худо эса ягонадир. Фақат У қутқариш ва нобуд қилиш қудратига эга. Сен ким бўлибсанки, биродарингни ҳукм қиласан?

### Режалар тузиш ҳақида

<sup>13</sup> Хўш, сизлар: “Бугун ёки эртага фалон шаҳарга бориб, у ерда бир йил яшаб, савдо-сотик қилиб, фойда кўрамиз”, – дейсизлар-у, <sup>14</sup> лекин эртага нима бўлишини билмайсизлар. Ҳаёт ўзи нима? Ҳаётингиз – бирпас кўриниб, кейин парланиб кетадиган буғ каби нарса. <sup>15</sup> Бунинг ўрнига сизлар: “Агар Раббимиз хоҳласа, биз тирик қолиб, уни ёки буни қиламиз”, – деб айтишингиз керак. <sup>16</sup> Ҳолбуки, сизларнинг димоғингиз кўтарилиб, кеккайиб юрибсизлар. Ҳар қандай кеккайиш эса ёвузликдир.

<sup>17</sup> Шундай қилиб, ким хайрли иш қилишни билса-ю, уни амалда қилмаса, гуноҳ ҳисобланади.

### Бойларни огоҳлантириш

**5** Келинг энди, эй бойлар, бошингизга тушадиган фалокатлар учун фарёд этинглр, йиғланглр! <sup>2</sup> Чунки бойлигингиз чириб кетган, кийимингизни куя еган. <sup>3</sup> Олтину кумушларингизни занг босган. Мана, уларнинг занги сизга қарши гувоҳлик беради ва танангизни оловдай ёндиради. Сизлар дунёнинг охири кунларига бойлик орттириб келмоқдасизлар. <sup>4</sup> Экинларингизни ўрган ўроқчиларнинг иш ҳақини ушлаб қолдингизлар. Мана, сизлар ушлаб қолган пуллар ўзи фарёд қилмоқда! Ўроқчиларнинг дод-фиғони қудратли Эгамнинг қулоғига етиб борди. <sup>5</sup> Сизлар дунёда ортиқча нашъу намога берилиб, кайф-сафода яшадингизлар. Қурбонлик кунига келгунча юракларингизни ёғ босди. <sup>6</sup> Сизларга қаршилиқ кўрсата олмаган софдил одамни қоралаб, қатл қилдингизлар.

### Сабр-тоқатли бўлинглр

<sup>7</sup> Эй биродарларим, Раббимиз Исо қайта келгунга қадар сабр-тоқат қилинглр. Деҳқон ҳам гоҳ кузги, гоҳ баҳорги ёмғирлар ёққунга қадар сабр-тоқат билан кутиб, ер ундирган қимматбаҳо ҳосилни йиғиб-теради. <sup>8</sup> Худди шу сингари, сизлар ҳам сабр-тоқатли бўлинглр, дилинги қувватга тўлсин. Чунки Раббимизнинг келиши яқинлашиб қолди.

<sup>9</sup> Эй биродарларим, айбдор бўлмаслик учун бир-бирингизнинг устингиздан шикоят қилманглр. Мана, ҳукм қилувчи Раббимиз эшик олдида турибди.

<sup>10</sup> Эй биродарларим, Худованд номидан гапирган пайғамбарларнинг азоб-уқубатга қандай чидаганликларидан ўрнак олинглр. <sup>11</sup> Сабр қилганлари учун уларни бахтиёр ҳисоблаймиз. Аюбнинг † сабр-тоқати ҳақида эшитгансизлар,

умрининг охирги кунларида Худованд у учун нималар қилганини биласизлар. Худованд кўп шафқатли ва марҳаматлидир.

<sup>12</sup> Эй биродарларим, энг аввало на ер ҳақи, на осмон ҳақи ва на бошқа нарса ҳақи қасам ичманглар. Айбдор бўлмаслигингиз учун, “ҳа” деган жойда “ҳа” денг, “йўқ” деган жойда “йўқ” денг.

#### Таъсирли ибодат ҳақида

<sup>13</sup> Агар орангизда бирор киши азоб-уқубат чекаётган бўлса, ибодат қилсин. Агар биров кўтаринки руҳда бўлса, ҳамду санолар ўқисин.

<sup>14</sup> Агар сизлардан бирор киши бемор бўлса, имонлилар жамоатининг оқсоқолларини чақирсин. Улар Раббимиз Исо номи билан дуо қилиб, беморнинг бошига ёғ суркасинлар. <sup>15</sup> Имон билан қилинган дуо беморни соғайтиради, Раббимиз Ўзи уни тузатади. Агар бемор гуноҳ қилган бўлса, Раббимиз уни кечиради. <sup>16</sup> Шундай

† АЮБ: луғатга қаранг.

қилиб, шифо топишингиз учун, бир-бирингиз олдида қилган гуноҳларингизга иқрор бўлинглар ва бир-бирингиз учун ибодат қилинглар. Солиҳ одамнинг зўр бериб қилган илтижоси кучли таъсирга эгадир.

<sup>17</sup> Мана, Илёс пайғамбар ҳам бизга ўхшаш бир инсон эди. Ёмғир ёғмасин дея, у астойдил илтижо қилди ва ер юзига уч йилу олти ой ёмғир ёғмади.

<sup>18</sup> У яна илтижо қилгач, осмондан ёмғир ёғди ва ердан ҳосил униб чиқди.

<sup>19</sup> Эй биродарларим, агар сизлардан бирор киши ҳақиқат йўлидан бош тортса, уни яна ҳақиқатга қайтаришга тиришинглар. <sup>20</sup> Билинглarki, гуноҳкорни хато йўлдан қайтарган киши ўлимдан бир жонни қутқарган ва кўп гуноҳларни ювган бўлади.

#### БИРИНЧИ МАКТУБИ

# БИРИНЧИ БУТРУС

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Исо Масихнинг ҳаворийси мен, Бутрусдан – Понт, Галатия, Каппадокия, Асия ва Битиния вилоятларига тарқалган мумтоз мусофирларга салом! <sup>2</sup> Отамиз Худо Ўзининг азалий қарорига биноан сизларни танлади, Ўз Руҳи орқали муқаддас қилди, Исо Масихга итоат этмоғингиз орқали Унинг қони устингизга сепилиши <sup>†</sup> учун имкон яратди.  
Сизларга Худо инояти кўпайиб, хотирингиз жам бўлсин.

### Самодаги меросимиз

<sup>3</sup> Раббимиз Исо Масихнинг Отаси Худога ҳамду санолар бўлсин! У бизга беҳад раҳм-шафқат кўрсатди, Исо Масихнинг тирилиши асосида бизни янгидан туғилтириб, тирик бир умидга эга қилди.  
<sup>4</sup> Самода сақланаётган беғубор, чиримас, сўлмас бир мерос сизларни кутмоқда.

<sup>5</sup> Охирзамонда очиқ кўринишга тайёр бўлган улуғ нажотга эришмоғингиз учун, имонингиз туфайли, Худонинг қудрати билан кўриқланмоқдасизлар.  
<sup>6</sup> Шу сабабдан беҳад хурсандсизлар. Ҳозир турли васвасалар туфайли бироз қайғуришингизга тўғри келса-да, <sup>7</sup> лекин бу васвасалар имонингизни синаш учун фойдали эканлигини билинглар. Ҳатто фоний олтин ҳам оловда тобланиб, синалади. Шу сингари, олтиндан ҳам қимматли бўлган имонингиз синовдан ўтиб, Исо Масих осмондан зоҳир бўлгач, сизларга мақтов ва шон-шараф келтирсин.

<sup>8</sup> Сиз Масихни кўрмаган бўлсангиз ҳам, Унга муҳаббат боғлаясизлар. Ҳозир Масихни кўрмаган ҳолда Унга ишонайсизлар ва сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада улуғ бир шодлик билан тўлиб-тошмоқдасизлар. <sup>9</sup> Чунки имонингизнинг натижаси ўлароқ жонларингиз учун нажот топмоқдасизлар.

<sup>10</sup> Сизлар топган улуғ нажот тўғрисида қадим замон пайғамбарлари ҳам каромат қилганлар, улар Худо иноятининг моҳиятини синчиклаб текширганлар. <sup>11</sup> Масихнинг Руҳи уларда бор эди ва уларга Масихнинг чекадиган азоб-уқубатларини,

<sup>†</sup> ҚОН...СЕПИШ: яна қаранг: Ибронийлар 12:24.

охирида эришадиган шон-шуҳрати ҳақида олдиндан маълумот берар эди. Бундан илҳомланган пайғамбарлар Масих Руҳи кимни ва қайси пайтни кўрсатаётганини англамоққа тиришардилар. <sup>12</sup> Аслида пайғамбарлар бу текширувларни ўзлари учун эмас, балки сизлар учун қилганликлари ҳақида Худодан ваҳий олганлар. Ҳатто фаришталар ҳам бу сирларни аниқлашни кўп орзу қиладилар. Ҳозирги даврда эса Инжил тарғиботчилари осмондан юборилган Муқаддас Руҳдан руҳланиб, буларни сизларга баён этдилар.

### Муқаддас яшанглар

<sup>13</sup> Шунинг учун фикр-зикрингиз ишда бўлсин, хушёр бўлинглар. Исо Масих осмондан тушиб зоҳир бўлганда сизларга насиб бўлажак иноятга мулақо умид боғланглар. <sup>14</sup> Гапга кўнадиган болалар каби бўлинглар, илгариги ғафлат пайтида сизларни қамраган эҳтиросларга қайтманглар.  
<sup>15</sup> Сизларни даъват этган Худо қандай муқаддас бўлса, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда шундай муқаддас бўлинглар. <sup>16</sup> Худо: “Муқаддас бўлинглар, зеро Мен муқаддасман”, деб айтгани ёзилган.

<sup>17</sup> Ҳар бир кишини юз-хотир қилмасдан, қилмишига яраша тақдирловчи Худога сизлар Отамиз деб мурожаат қилар экансиз, у ҳолда мусофирчилик даврингизда Худодан кўрқиб яшанглар. <sup>18</sup> Биласизларки, ота-боболарингизнинг бемаъни турмуш тарзидан кумуш ёки олтинга ўхшаш ўткинчи нарсалар эвазига қутулмагансизлар. <sup>19</sup> Сизлар бенуқсон ва беғубор кўзи қонига ўхшаган Масихнинг қимматбаҳо қони эвазига қутулгансизлар.

<sup>20</sup> Масих дунё бино бўлишидан бурун тайинланган бўлса ҳам, замоннинг охирида сизлар учун пайдо бўлди. <sup>21</sup> Сизлар Масих воситасида Худога ишонайсизлар. Худо Масихни тирилтириб, улуғворликка эриштирди. Бу имонда қаттиқ туринглар, Худога тамоман умид боғланглар.

<sup>22</sup> Сизлар Илоҳий Руҳ ва ҳақиқатни тан олиб, жонларингизни пок қилиб, самимий биродарлик муҳаббатига эга бўлгансизлар. Шунинг учун бир-бирингизни чин юракдан, ихлос билан севинглар.  
<sup>23</sup> Сизлар фоний эмас, балки боқий уруғдан, яъни

Худонинг ҳаётбахш, абадий каломи орқали янгидан туғилдингизлар. <sup>24</sup> Чунончи *Тавротда шундай ёзилган* :

“Бутун башар бир ўтга ўхшар,  
Ўтнинг гулидайдир унинг бор кўрки.  
Ўт қуриб қолар, гули ҳам тўкилар.  
<sup>25</sup> Аммо Худованд каломи абадий турар”.

Ана шу калом – сизларга етиб келган Инжил Хушхабаридир.

### Худо каломини орзу қилинглар

**2** Буниинг учун ҳар қандай ёмон ниют, ҳийла-найранг, ҳар турли иккиюзламачилик, рашк-ҳасад, ғийбатчиликни бир четга суриб қўйинглар. <sup>2</sup> Янги туғилган чақалоқ соф она сутини тусагандай, Худо каломини орзу қилинглар, токи у калом билан озикланиб, ўсиб бориб, нажотга эришинглар. <sup>3</sup> Чунки сиз Раббимизнинг илтифотини татиб кўрдингизлар.

### Тирик тош, танланган халқ

<sup>4</sup> Инсонлар кераксиз деб ташлаган, лекин Худо қимматбаҳо деб танлаган тирик тош – Раббимиз Исо Масихга яқинлашинглар. <sup>5</sup> Ўзларингиз ҳам тирик тош бўлиб руҳий бино барпо этинглар. Исо Масих орқали Худога мақбул, руҳий қурбонлик келтирадиган муқаддас руҳоний бўлинглар. <sup>6</sup> Мана, Тавротда Худо шундай деган:

“Мен Сионда бир тош ўрнатгайман,  
Мумтоз, қимматбаҳо пештоқ тоши бу.  
Унга ишонган киши хижолат бўлмас” †.

<sup>7</sup> Сиз ишонувчилар учун бу тош қимматбаҳодир. Аммо имонсизларга шу оят тўғри келади:

“Қурувчилар кераксиз деб ташлаган тош  
Нақ бинонинг пештоқидан жой олди,  
<sup>8</sup> Тўсиқ тошию, васваса қояси бўлди” ††.

Имонсизлар Худонинг каломига итоат қилмаганлари учун, қоқинадилар. Улар ана шу қисматга маҳкум бўлганлар.

<sup>9</sup> Аммо сизлар – танланган бир авлод, Шоҳаншоҳ † руҳонийлари, муқаддас халқ, Худонинг азиз қавмисизлар. Худо сизларни қоронғиликдан Ўзининг ажойиб нурига даъват этган, сизлар Унинг фазл-камолотидан хабар бериш учун танлангансизлар. <sup>10</sup> Бир вақтлар халқ эмас эдингизлар, энди эса Худонинг халқисизлар. Бир вақтлар марҳамат топмаган эдингизлар, энди эса Худонинг марҳаматига ноил бўлдингизлар.

### Жамиятдаги хатти-ҳаракатимиз

<sup>11</sup> Эй севганларим, сизлардан ўтиниб сўрайман, жонга қарши курашадиган нафс эҳтиросларидан сақланинглар. Чунки сиз бу дунёда ғарибу мусофирсизлар. <sup>12</sup> Мажусийлар орасида хатти-

† қаранг: *Ишаъё* 28:16. †† қаранг: *Забур* 117:22, *Ишаъё* 8:14. ‡ **ШОҲАНШОҲ**: *Худойи Таоло*; яна қаранг: *Ваҳий* 1:6, 5:9-10, 20:6.

ҳаракатингиз бенуқсон бўлсин. Улар эзгу ишларингизни кўриб туриб, сизларни ёмонликда айблаб ғийбат қилсалар ҳам, маҳшар куни Худо олдида жавоб берадилар.

<sup>13</sup> Раббингиз ҳақи ҳар хил инсоний тартиб-интизомга бўйсунинглар; хоҳ олий ҳоким бўлган подшоҳга †, <sup>14</sup> хоҳ подшоҳ ўрнида ёмонлик қилганларни жазоловчи ва яхшилиқ қилганларни тақдирловчи ҳокимга бўйсунинглар. <sup>15</sup> Чунки Худонинг иродаси шуки, яхшилиқ қилиш билан ақлсиз ва жоҳил одамларнинг оғзига урасизлар. <sup>16</sup> Озод одамлардек яшанглар, аммо озодлик ниқоби остида ёмонлик қилманглар. Худонинг қулларидай бўлиб юринглар. <sup>17</sup> Ҳамма одамларни хурмат қилинглар. Имонли биродарларингизни севинглар. Худодан кўрқинглар. Подшоҳни эҳтиром қилинглар.

### Масихдан ибрат олинглар

<sup>18</sup> Эй хизматкорлар, фақат юмшоқ ва хушфеъл хўжайинларгагина эмас, балки феъли-хўйи терс бўлганларига ҳам камоли эҳтиром билан итоат қилинглар. <sup>19</sup> Агар бирор киши Худога ишонганидан виждонан азоб чекиб, ноҳақ ғам-ғуссага чидаса, бу Худонинг иноятдан далолат беради. <sup>20</sup> Агар қилган гуноҳингиз учун таёқ ейишга чидасангиз, бу сизга қандай шараф келтиради? Аммо яхшилиқ қилиб, азобга чидасангиз, Худо бундан рози бўлади.

<sup>21</sup> Худо сизларни ана шу мақсадда даъват этган. Масих ҳам: “Менинг изимдан юринглар”, деб сизлар учун азоб чекиб намуна бўлди. *Тавротда У ҳақда ёзилганидек* :

<sup>22</sup> “У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган,  
Оғзидан бирон эгри сўз ҳам чиқмаган”.

<sup>23</sup> Масих ҳақорат қилинганда ҳеч кимга ҳақорат билан жавоб қайтармас эди, азоб чекканда эса ҳеч кимга таҳдид қилмас эди. Фақат одилона ҳукмловчи Худога Ўзини топширар эди. <sup>24</sup> Биз гуноҳ қаршисида ўлиб, энди солиҳлик билан яшашимиз учун, У хочда гуноҳларимизни Ўз баданига сингдирди. Унинг яраларидан сиз шифо топдингизлар. <sup>25</sup> Илгари чўпонсиз адашиб юрган қўйларга ўхшар эдингизлар, энди эса жонларингизнинг Чўпону Посбонига қайтиб келдингизлар.

### Эр-хотинлик муносабатлари

**3** Масихдан ибрат олиб, сиз, хотинлар ҳам, ўз эрларингизга бўйсунинглар. Худо каломига ишонмайдиган баъзи кишилар сиз, аёлларнинг орномусли, покдомон хулқ-атворингизни кўриб, *имон ҳақида* бирон сўз айтилмасданоқ қойил қолсинлар. <sup>3</sup> Сизнинг жозибангиз ўрилган сочлар, тақилган олтинлар, чиройли кийимлар каби ташқи зеб-зийнатдан иборат бўлмасин. <sup>4</sup> Аммо яширин

†† **ПОДШОҲ**: *Рим императори, умуман ҳукумат.*



қалбингиздаги ювош ва сокин руҳ сизларнинг сўлмайдиган ички гўзаллигингиз бўлсин. Бунинг Худо олдида қадри азиздир. <sup>5</sup> Ўтмиш вақтларда Худога умид боғлаган муқаддас хотинлар ҳам ўзларини шу йўсинда безаб, эрларига бўйсунар эдилар. <sup>6</sup> Масалан, Соро биби Иброҳимни жанобим деб атаб, унинг сўзига қулоқ солди. Агар сизлар яхшилик қилишда қунт қилиб, ҳеч қандай қўрқувдан ғулғулага тушмасангиз, Соро бибининг фарзандлари ҳисобланасизлар.

<sup>7</sup> Шунга ўхшаб, сиз, эрлар ҳам, хотинларингиз заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олиб, улар билан оқилона муносабатда бўлинглар. Улар ҳам абадий ҳаёт иноятдан баҳраманд бўлгани учун, уларни ҳурматга сазовор ҳисобланг ва ибодатларингизга халал берманглар.

### Ҳақиқат йўлида азоб чекиш

<sup>8</sup> Хуллас, ўзаро ҳамфикр, ҳамдард бўлинглар, бир-бирингизни биродарларча севинглар. Бир-бирингизга меҳр-шафқатли ва камтар бўлинглар. <sup>9</sup> Ёмонликка ёмонлик, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб қайтарманглар. Аксинча, дуойи хайр қилинглар, чунки ўзларингиз ҳам хайр-барака олиш учун даъват этилгансизлар. <sup>10</sup> *Забурда ёзилишича :*

“Кимки узоқ умр кўришни севиб,  
Яхши кунлар келишини хоҳласа,  
У тилини ёмон сўздан тутсин,  
Оғзини эгри гапдан тийсин.

<sup>11</sup> Ёмонликдан қочиб, яхшилик қилсин.  
Тинчликни қидириб, унинг пайдан бўлсин.

<sup>12</sup> Чунки Худованднинг кўзи солиҳлардадир.  
Солиҳлар фиғонига У қулоқ солар,  
Бадкирдорлардан эса юз ўгирар” †.

<sup>13</sup> Агар яхшилик қилишга бел боғласангиз, сизларга ким озор берар эди? <sup>14</sup> Ҳаттоки ҳақиқат йўлида азоб-уқубат чексангиз, бахтиёр бўласизлар. Дўқ-пўписа қилувчилардан қўрқманглар, довидраманглар.

<sup>15</sup> Раббингиз Масиҳга †† юракларингиздан муқаддас жой беринглар. Дилингиздаги умид ҳақида сиздан ҳар бир сўраган кишига жавоб беришга доимо тайёр бўлинглар. <sup>16</sup> Лекин буни мулойимлик ва эҳтиром билан бажо қилинглар, виждонингизни тоза тутинглар. Шундай қилиб, Масиҳ йўлидаги яхши юриш-туришингизни мазаммат қилганлар сизларни ёмонлаб айтган гапларидан уялсинлар.

<sup>17</sup> Агар Худонинг иродаси билан азоб чекишингиз лозим бўлса, ёмонлик қилиб азоб чекишдан кўра, яхшилик қилиб азоб чекиш афзалдир. <sup>18</sup> Чунки Масиҳ ҳам бизни Худога яқинлаштириш ва гуноҳларимизни ювиш учун бир марта азоб чекиб, ўлди. Ўзи солиҳ киши бўлгани ҳолда, гуноҳкорлар

† қаранг: *Забур 33:13-17*. †† *Бошқа қадимги кўлёмалар бўйича, “Худога”.*

учун қурбон бўлди. Унинг баданини ўлдиришган бўлса-да, Руҳи тирилди.

<sup>19</sup> Масиҳнинг Руҳи эса бориб, зиндонга қамалган руҳларга ваъз айтди. <sup>20</sup> Булар қадим замонда, Нуҳ пайғамбар ўз кемасини қураётган замонда Худонинг сабрини инобатга олмай, итоатсиз бўлган эдилар. Ўша кемадан оз киши, яъни саккиз жонгина сувдан ўтиб қутулган эдилар ‡. <sup>21</sup> Мана шу сув – ҳозирги сувда имон келтириш маросимининг тимсолидир. Бу маросимнинг маъноси баданни кирдан тозалаш эмас, балки Худодан пок виждонни сўрашдир. Сизлар ҳам сувга чўмиб имон келтирганингизда, Исо Масиҳнинг тирилиши туфайли нажот топдингизлар.

<sup>22</sup> Масиҳ эса осмонга чиқиб, Худонинг ўнг томонида ўтириб, фаришталар ва коинотдаги барча куч-қудратлар устидан ҳокимият ўрнатди.

### Худо йўлида яшаш

**4** Масиҳ биз учун жисман азоб чекиб, ўлди. Сизлар бундан ўрнак олинглар. Чунки жисман азоб чеккан киши бошқа гуноҳ қилишни бас қилади. <sup>2</sup> Энди бу баданда яшаш учун қолган вақтингизни бошқа одамлардай нафсингизни ўйлаб эмас, балки Худонинг иродасини ўйлаб ўтказинглар. <sup>3</sup> Сизлар ўтмишда мажусийларга ёқиб яшаганлигингиз энди етар. Ўша вақтларда фиқ-фужур, шаҳватпарастлик, сархушлик, айш-ишрат, кайф-сафолар ҳамда бутпарастлик разолати билан кун кечиргансизлар. <sup>4</sup> Энди эса улар каби юрмаяпсизлар, уларнинг шалоқликлари селига ўзларингизни ташламаяпсизлар. Мажусийлар бундан ҳайрон бўлиб, сизларни ёмонламоқдалар. <sup>5</sup> Улар тиригу ўликларни ҳукм этишга тайёр бўлган Худога ҳисоб берадилар.

<sup>6</sup> Ўликларга келсак, улар ҳамма одамзод қатори ўлиб, баданлари жазоланди. Аммо уларнинг руҳи Худога мувофиқ яшасин деб, Инжил Хушхабари ўликларга ҳам етказилди. <sup>7</sup> Энди борлиқ мавжудот охирлаб қолди. Шунинг учун ақл билан иш тутинглар, ибодат қилиш учун хушёр бўлинглар. <sup>8</sup> Аввало бир-бирингизни ихлос билан севинглар. Чунки севги кўп гуноҳларни ювади. <sup>9</sup> Ўзаро зорланмай меҳмондўстлик қилинглар.

<sup>10</sup> Худо сизларга ҳар турли қобилият берган. Ҳар бирингиз шу қобилиятингизни ишга солиб, бир-бирингизга хизмат қилинглар, Худонинг бой эҳсонларини парвариш қилувчилар каби кун кечиринглар. <sup>11</sup> Ким сўзласа, Худонинг сўзлари қилиб айтсин. Ким хизмат қилса, Худо берган куч билан хизмат қилсин. Шундай қилиб, Исо Масиҳ орқали Худо ҳар бир иш ва сўзда улуғлансин. Абадий улуғворлик ва салтанат Уникидир. Омин.

‡ қаранг: *Ибтидо 6-7-боблар*.

### Масих учун азоб чекиш

<sup>12</sup> Эй севганларим, сизларни синаш учун бошингизга келаётган оташли имтиҳонни ажиб воқеа деб, ҳайрон бўлманглар. <sup>13</sup> Аксинча, Масихнинг қанча азобларига шерик бўлаётган бўлсангиз, шунча хурсанд бўлинглар! Шунда У шон-шараф ила осмондан тушиб зоҳир бўлгач, кўнглингиз яна кўпроқ қувончларга тўлади. <sup>14</sup> Агар Масих номи туфайли сизларни ҳақорат қилишса, бахтиёрсизлар! Чунки Худонинг Руҳи, шон-шараф Руҳи сизларда маскан қилади. [Уларга қолса, Руҳни ҳақорат қилдилар, сизларда эса шарафланади.] <sup>15</sup> Сизлардан ҳеч ким қотил, ўғри, ёмонлик қилувчи ёки фитна-фасодчи бўлиб азоб чекмасин. <sup>16</sup> Лекин агар бирор киши Масихий † бўлгани учун азоб чекса, уялмасин, аксинча, бу ном билан Худони улуғласин.

<sup>17</sup> Худонинг Ўз хонадонини †† ҳукм қилиш вақти аллақачон бошланди. Агарда биз биринчи навбатда ҳукм қилинадиган бўлсак, унда Худонинг Инжилига итоатсизлик қилганларнинг охирати нима бўлади? *Сулаймон маталларида ёзилишича :*

<sup>18</sup> “Агар солиҳ одам зўрға қутулса,

Бетавфику гуноҳкорнинг аҳволи нима бўлади?”

<sup>19</sup> Шундай қилиб, Худо иродасига кўра азоб чекаётганлар яхшилик қилишга бел боғласинлар ва Ўз сўзига содиқ бўлган Парвардигорга жонларини бағишласинлар.

### Оқсоқоллар ва ёшлар

**5** Масих чеккан азоб-уқубатларнинг шоҳиди ҳамда Унинг намоён бўлажак улуғворлигининг қатнашчиси сифатида ўзимдай оқсоқоллардан ўтиниб сўрайман: <sup>2</sup> назоратингиздаги Худонинг сурувини ‡ яхши боқинглар. Бу ишни мажбурий эмас, балки Худога ёқадиган даражада кўнглидан чиқариб қилинглар. Қабиҳ ғаразгўйликсиз, сидқидилдан иш тутинглар. <sup>3</sup> Кўлингиз остидаги

† *МАСИХИЙ: Исо Масихни Раббим деб тан олувчи, Масих йўлида юрувчи, насроний; айнан қаранг: Ҳаворийлар 11:26, 26:28. †† ХУДО...ХОНАДОНИ: қадимда: Исроил халқи; ҳозир: Исо Масихга ишонган барча аҳли имон; яна қаранг: 1-Тимўтий 3:15, Ибронийлар 10:21. ‡ СУРУВ: Исо Масих Ўзини мурувватли Чўпон, Унга ишонганларни эса кўйларим деб айтади; яна қаранг: Юҳанно 10-боб ва 21:15-17, Ҳаворийлар 20:28.*

сурувга ҳукмронлик қилмасдан, яхши ўрناق кўрсатинглар. <sup>4</sup> Ана шунда, Бош Чўпон осмондан намоён бўлганда, сизлар сўлмас, улуғ жамол тожигга сазовор бўласизлар.

<sup>5</sup> Эй ёшлар, сизлар ҳам оқсоқолларга итоат қилинглар. Ҳаммангиз бир-бирингизга юмшоқ муомалада бўлинглар. Чунки “Худо мағрурларга қарши, аммо камтарларга иноятлидир”. <sup>6</sup> Шундай қилиб, ўз вақтида бизларни юксалтирсин деб, Худонинг қудратли қўли остида ўзингизни камтар тутинглар. <sup>7</sup> Бутун ғамларингизни Худога ташланглар, Унинг Ўзи сизларга ғамхўрлик қилади.

<sup>8</sup> Ҳушёр ва бедор бўлинглар. Душманингиз иблис бировни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб кезиб юрибди. <sup>9</sup> Дунёнинг ҳар ёғидаги биродарларингиз худди шундай азобларга дучор бўлаётганларини билиб, мустаҳкам имон билан иблисга қарши турунглар. <sup>10</sup> Худо ҳар хил меҳру иноятнинг манбаидир. Исо Масих орқали У бизни Ўзининг абадий, улуғвор жаннатига даъват этган. Қисқа бир муддат азоб чекканингиздан кейин, Ўзи сизларни мақсадингизга эриштиради, куч-қудратли, саботли ва мустаҳкам қилиб кўяди.

<sup>11</sup> Шон-шуҳрат ва салтанат абадулабад Уникидир. Омин.

### Сўнгги саломлар

<sup>12</sup> Буларни ўзимнинг фикримча ишончли бўлган биродаримиз Силван †† орқали сизларга қисқача ёзиб юбордим. Шу билан сизларга далда бериб, таъкидлаб айтмоқчиманки, бу азоб-уқубатлар Худонинг ҳақиқий иноятдан далолат беради. Унинг иноятида собит қолинглар.

<sup>13</sup> Худо ўзингиз каби танлаган Бобилдаги † Масих жамоати ва ўғлим Марк сизларга салом йўлламоқдалар.

<sup>14</sup> Бир-бирингизни муҳаббат билан ўпиб саломлашинглар. Исо Масихга тегишли бўлган ҳаммаларингизга тинчлик бўлсин. Омин.

### ИККИНЧИ МАКТУБИ

†† *СИЛВАН: яна қаранг: 1-Салоникаликлар 1:1. †† БОБИЛ: Римнинг мажозий оти бўлса керак; умуман ғурбатда яшовчи имонлиларни билдиради; яна қаранг: Ваҳий 18-боб.*

# ИККИНЧИ БУТРУС

## ИККИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Исо Масихнинг кули ва ҳаворийси мен, Симун Бутрус, одил Худойимиз ва Халоскоримиз Исо Масих соясида бизнинг қимматли имонимизга тенг бир имонга эришган барчага салом айтаман.  
<sup>2</sup> Худони ва Раббимиз Исони таниб-билганингиз сайин, сизларга Худо инояти ошиб, хотирингиз жам бўлсин.

### Илоҳий даъват

<sup>3</sup> Раббимиз Исо Ўзининг улуғворлиги ва камолоти шарофати ила бизни даъват этган ва бизга Ўзини танитган. Яшаш ва Худо йўлида юришимиз учун керак бўлган ҳамма нарсани У бизга Ўзига хос илоҳий куч-қудрат билан ато этган. <sup>4</sup> Бу дунё ёмон эҳтирослар натижасида бузилиб бормоқда. Сизлар бундан қочиб қутулинглар, деб Худо бизга кўп улуғ ва қимматли ваъдаларни берган. Булар рўёбга чиқиб, сизлар илоҳий табиатдан баҳраманд бўласизлар.

<sup>5</sup> Буларни назарда тутиб, имонингизни бут қилишга жон куйдиринглар. Шундай қилиб, имонингиз устига фазл-камолотга эга бўлинглар. Фазл-камолотингиз устига онг-билимга эга бўлинглар. <sup>6</sup> Онг-билимингиз устига нафсни тийишни ўрганинглар. Нафсни тийиш устига сабр-тоқатли бўлинглар. Сабр-тоқатингиз устига диёнатга эга бўлинглар. <sup>7</sup> Диёнатли бўлиш устига биродарларингизни севинглар. Биродарсеварлик устига тугал муҳаббатга эга бўлинглар. <sup>8</sup> Агар бу хислатлар сизда мавжуд бўлса ҳамда яна ортиб бораётган бўлса, унда сиз Раббимиз Исо Масихни таниб-билиш йўлида на сушт, на самарасиз бўласизлар. <sup>9</sup> Бу хислатлардан бенасиблар эса калтабин ва кўрдир, улар аввалги гуноҳларидан тозаланганини унутганлар.

<sup>10</sup> Шунинг учун, эй биродарлар, Худо сизларни танлаганини ва даъват этганини билиб, бунга муносиб бўлмоқ учун яна астойдил ҳаракат қилинглар. Бу йўлни тутсангиз, ҳеч вақт қоқинмайсизлар. <sup>11</sup> Шундай қилиб, Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масихнинг абадий Шоҳлигига кириш йўли сизларга кенг очилади.

<sup>12</sup> Сизлар бу нарсаларни билар экансиз ва тан олган ҳақиқатда қаттиқ турар экансиз, мен ҳар доим буларни эслатиб туришни хоҳлайман. <sup>13</sup> Бу фоний маконимда <sup>†</sup> бўлгунимча, буларни эслатиш билан сизларни уйғотиб туришни лозим кўраман. <sup>14</sup> Чунки бу маконимдан айрилиш вақтим яқинлашганини биламан, Раббимиз Исо Масих Ўзи бунга маълум қилган. <sup>15</sup> Бу дунёни тарк этганимдан кейин ҳам сизлар доимо буларни хотирлашингиз учун жон куйдирмоқдаман.

### Масихнинг улуғворлиги ва пайғамбарлар

<sup>16</sup> Биз Раббимиз Исо Масихнинг куч-қудрат билан келиши ҳақида сизларга маълумот берганимизда, уйдирма афсоналарни гапириб келмадик. Унинг салобатини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. <sup>17</sup> Масих Отаси Худодан ҳурмат ва шон-шараф қабул қилди. Улуғворлик тўкиб турадиган даргоҳи шарифдан Масихга бир садо келиб: “Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан мамнунман”, – деди. <sup>18</sup> Биз азиз тоғда <sup>††</sup> У билан бирга бўлдик, осмондан келган бу садони ўзимиз ҳам эшитдик.

<sup>19</sup> Шунинг учун қадимги пайғамбарларнинг сўзлари биз учун янада қатъий бўлиб қолди. Сизлар бу сўзларга риоя этиб, яхши иш қиласизлар. Тонг юлдузи чиқиб, кун ёригунгача, қоронғи жойда чироқ қандай нур сочса, пайғамбарларнинг сўзлари сизнинг юрагингизга шундай нур сочиб турсин. <sup>20</sup> Энг аввал шуни билингларки, пайғамбар китобларида учрайдиган башоратларнинг бирортаси ҳам бировнинг хусусий тафсирига боғлиқ эмас. <sup>21</sup> Ҳеч бир пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу азиз одамлар Муқаддас Рух томонидан ҳаракатга келтирилиб, Худонинг сўзларини гапириб берганлар.

### Сохта устозларнинг гуноҳи ва жазоси

**2** Исроил халқи орасида сохта пайғамбарлар бўлгани каби, сизларнинг орангизда ҳам сохта устозлар бўлади. Ўзларини қулликдан сотиб олган

<sup>†</sup> МАКОН: руҳимизнинг вақтинча макони бўлган танамиз; айнан қаранг: 2-Коринфликлар 5:1-10. <sup>††</sup> АЗИЗ ТОҒ: Исо Масих Бутрус ва бошқа икки шогирдига нурли қиёфада кўринган тоғ, Тобур ёки Ҳермун тоғи деб тахмин қилинади; қаранг: Матто 17:1-9.

Эгаларини улар инкор этиб, орангизда жуда зарарли бидъатларни тарқатадилар. Бу кишилар ногаҳон ҳалокатга йўлиқиб қоладилар. <sup>2</sup> Кўп одамлар уларнинг фиқс-фужур ишларига маҳлиё бўлади. Улар туфайли ҳақиқат йўли ҳақоратга дучор бўлади. <sup>3</sup> Улар тамагир бўлганидан, хушомад гаплар билан сизларнинг ҳисобингиздан давлат орттирадилар. Мана, уларнинг жазоси қадимданоқ тайёр турибди, ҳалокати эса кечикмаяпти.

<sup>4</sup> Чунки Худо ҳатто гуноҳ қилган фаришталарни † ҳам аямаган. Ҳукм кунигача сақлансинлар деб, У уларни жаҳаннамнинг зимистон ғорларига қамаб қўйган.

<sup>5</sup> Худо қадимги дунёни ҳам аямади. У худосизлар дунёси устига тўфон келтириб, фақат солиҳлик йўлини хабарлаб юрган Нух ва бошқа озгина кишини, яъни ҳаммаси бўлиб саккиз жоннигина сақлади.

<sup>6</sup> Худосизлар бошига келадиган балолардан ибрат бўлсин, деб Худо Садўм ва Ғамўра †† шаҳарларини ҳам ҳалокатга маҳкум этди ва кулга айлантди.

<sup>7</sup> Бебош одамларнинг бузук хатти-ҳаракатидан азоб чеккан солиҳ Лутни эса Худо кутқарди. <sup>8</sup> Ўша халқ орасида яшаган бу солиҳ одам уларнинг ҳақсиз ишларини кўрар, эшитар ва ўзининг солиҳ жонини кундан-кунга қийнаб эди.

<sup>9</sup> Бундан англашиладики, художўйларни васвасадан қандай кутқаришни, жазога маҳкум бетавфиқларни эса қиёмат кунигача қандай сақлашни Худованд билади. <sup>10</sup> Айниқса, шаҳвоний ҳавасларга берилиб, ўз танасини булғатувчи, илоҳий ҳокимиятни эса рад қилувчи сурбет ва ўжар одамларни жазолаш йўлини Худованд билади.

Улар самовий мавжудотларни ‡ ҳақорат қилишдан ҳам кўрқмайдилар. <sup>11</sup> Фаришталар одамлардан анча кучлироқ ва қудратлироқ бўлганига қарамай, Худованд ҳузурида бу мавжудотларни қарғаб ҳукм этмайдилар. <sup>12</sup> Аммо бу одамлар-чи, ақлига сиғдирилмайдиган ҳамма нарсани ёмонлайдилар, фақат туғма ҳис-туйғулари билангина яшайдилар, худди овланиб йўқ қилиниш учун туғилган онгсиз ҳайвонларга ўхшайдилар. Улар айнан ҳайвон сингари йўқ бўлиб кетади, <sup>13</sup> қилган ноҳақликларига яраша жазо оладилар.

Булар кундуз куни айш-ишратни ўзлари учун ҳузур-ҳаловат деб ҳисоблайдилар. Улар номингизга доғу ғубор туширадилар. Сизлар билан зиёфатга ўтирганларида, ўзларининг ахлоқий бузқлигидан завқланадилар. <sup>14</sup> Кўзлари зинога тўймайди, тинимсиз гуноҳ қиладилар. Улар саботсиз кишиларни овлаб, йўлдан оздирадилар. Кўнгиллари тамагирликка ўрганиб қолган лаънати одамлардир. <sup>15</sup> Улар тўғри йўлни тарк этдилар, улар

Баъёр ўғли Балъом †† йўлидан бориб, гумроҳ бўлдилар. Балъом ҳаром йўл билан топган пулини севиб қолган эди. <sup>16</sup> Лекин унинг гуноҳи фош бўлиб қолди. Тилсиз эшак тилга кириб, инсон тили билан бу пайғамбарнинг тентаклигига тўсқинлик қилди.

<sup>17</sup> Бу одамлар эса сувсиз булоқлардир, бўрон ҳайдаган тўзон ва булутдирлар. Улар учун тим қоронғи зулмат тайёрлаб қўйилган. <sup>18</sup> Чунки хато йўлдан зўрға қочиб қутулган имонлиларни улар дабдабали, девонавор гаплар билан авраб, нафсларига ўт тушириб, фиқсу фужур ҳаваси билан қизиқтирадилар. <sup>19</sup> Ўзлари бузғунликнинг қули бўла туриб, уларга эркинлик ваъда берадилар. Аммо одам нимадан енгилса, унинг қули бўлади.

<sup>20</sup> Улар Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масиҳни билиб олиб, дунёнинг қабохатларидан қочиб қутулган эдилар. Агар бундан кейин улар яна шундай ишларга аралашиб, мағлуб бўлсалар, унда сўнгги аҳволлари аввалги аҳволларидан баттар бўлади. <sup>21</sup> Солиҳлик йўлини билгандан кейин, тан олган муқаддас амрдан юз ўгиргандан кўра, бу йўлни ҳеч билмаган улар учун яхшироқ бўлар эди. <sup>22</sup> Мана бу ишончли мақол уларга айнан тўғри келади:

“Ит ўзининг қусганига қайтар”,  
шунингдек:

“Ювилган тўнғиз балчиқда ағнагани қайтар”.

#### Исонинг оламга қайтиши ҳақида

**3** Эй севганларим, энди сизларга бу иккинчи мактубни ёзяман. Бу мавзуларни ёдингизга солиб, сизда пок фикр уйғотишга ҳаракат қилмоқдаман. <sup>2</sup> Муқаддас пайғамбарларнинг илгариги вақтларда айтган сўзларини, шунингдек, Раббимиз ва Халоскоримиз Исонинг Ўз ҳаворийларига сизлар учун топширган васиятини эслаб туришингизни истайман.

<sup>3</sup> Аввало шуни билинларки, охириги кунларда ўз нафсига маҳлиё бўлиб юрадиган ҳаёсиз масхарабозлар пайдо бўлади. <sup>4</sup> Улар: “Раббингизнинг қайтиши тўғрисидаги ваъда қани? Мана, ота-боболаримиз ўтгандан буён, ҳамма нарса аввал бошда қандай яратилган бўлса, шундай турибди”, – деб масхара қиладилар.

<sup>5</sup> Ваҳоланки, улар атайлаб шуни эсдан чиқарадиларки, азалда Худонинг каломи орқали еру осмон бунёд бўлган. Ер эса сувдан чиқиб, сув билан яратилган. <sup>6</sup> Яна сувдан – тўфон сувидан қадимги дунё маҳв бўлган. <sup>7</sup> Ҳозирги еру осмон эса ўша илоҳий калом орқали сақланиб турибди, Худо бетавфиқ одамлар учун белгилаган ҳукм ва ҳалокат кунигача ёниш учун тайёр турибди.

<sup>8</sup> Эй севганларим, шугина эйтиборингиздан қочмасинки, Худованд назарида бир кун минг йил ва минг йил бир кун кабидир. <sup>9</sup> Баъзилар ўйлагандай, Раббимиз берган ваъдасини амалга оширишга имилламаяпти. Аксинча, У ҳеч кимнинг

† ГУНОҲ ҚИЛГАН ФАРИШТАЛАР: қаранг: Яхудо 6-оят. †† САДЎМ ВА ҒАМЎРА: қаранг: Ибтидо 18-19-боблар. ‡ САМОВИЙ МАВЖУДОТЛАР: аслида “улуғлар”, яна қаранг: Яхудо 8-9-оятлар.

†† БАЛЪОМ: луғатга қаранг.

ҳалок бўлишини истамай, ҳамма тавба қилсин, деб сабр-тоқат билан кутиб турибди.

#### Маҳшар ва янги коинот

<sup>10</sup> Кечаси ўғри қандай келса, Раббимизнинг маҳшар куни ҳам худди шундай ногаҳон келиб қолади. У куни осмон гумбурлаб тамом бўлади, моддий унсурлар қизиб, эриб кетади, ер ва унда қилинган ҳар бир иш кулга айланади. <sup>11</sup> Ўша кунда ҳамма нарса йўқ бўлиб кетар экан, сизлар қандай кишилар бўлмоғингиз керак? <sup>12</sup> Худонинг кунда осмон ёниб йўқ бўлар, моддий унсурлар эса қизиб, эриб кетар экан, сизлар ўша кунни муқаддас юриш-туриш, диёнат билан кутишингиз ва шу йўсинда унинг келишини тезлаштиришингиз керак. <sup>13</sup> Чунки Худонинг аҳд қилгани бўйича, биз адолат ҳукм сурадиган янги ер ва янги осмонни кутяпмиз.

#### Далда ва огоҳлантириш

<sup>14</sup> Бунинг учун, эй севганларим, модомики буларни кутяпсиз экан, Худо олдида тинч-тотувлик билан яшаб, беғубор ва бенуқсон одамлар бўлишга

жон куйдиринглар. <sup>15</sup> Севикли биродаримиз Павлус ҳам ўзига берилган донолик билан сизларга қандай ёзган бўлса, худди шу каби Раббимизнинг сабр-тоқатини қутулиш фурсати деб ҳисобланглар. <sup>16</sup> Павлус ҳамма мактубларида бу мавзулар ҳақида гапиради-ку. Уларда тушуниш қийин бўлган баъзи мавзулар борки, жоҳил ва саботсиз кишилар бошқа муқаддас ёзувларни бузганларидек, уларни ҳам бузиб талқин қиладилар. Бу эса уларни ҳалокатга йўлиқтиради.

<sup>17</sup> Эй севганларим, буларни олдиндан билар экансиз, эҳтиёт бўлинглар, яна бошбошдоқ одамларнинг ғавғоси билан йўлдан озманглар, топган қарорингиздан айниманглар. <sup>18</sup> Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масиҳнинг иноятига таяниб, Уни таниб-билиб борган сайин ривож топинглар. Ҳозирдан то мангу кунгача Унга шон-шуҳрат бўлсин! Омин.

#### БИРИНЧИ МАКТУБИ

# БИРИНЧИ ЮХАННО

## БИРИНЧИ МАКТУБИ

### Муқаддима: Ҳаёт каломи – Исо Масих

**1** Азалдан бор бўлган Ҳаёт Каломи † борасида биз эшитиб тамошо қилган, кўзларимиз кўрган, қўлларимиз сезганини сизларга маълум қилмоқдамиз. <sup>2</sup> Ҳаёт зоҳир бўлди, Отанинг ҳузуридаги абадий Ҳаёт бизга зоҳир бўлди. Биз Уни кўрдик ва шоҳид бўлиб сизларга билдирмоқдамиз. <sup>3</sup> Сизлар биз билан муносабатда бўлинглар, деб мана шу кўриб эшитганларимиздан сизларни хабардор қилмоқдамиз. Биз эса Ота билан ва Унинг Ўғли Исо Масих билан муносабатдамиз. <sup>4</sup> Буларни сизларнинг шодлигингиз тугал бўлиши учун ёзямиз.

### Худо – нур

<sup>5</sup> Масихдан эшитиб, сизларга билдираётган хабаримиз шуки, Худо – нур, Унда ҳеч қандай қоронғилик йўқ. <sup>6</sup> Агар У билан алоқа қиламиз, деб қоронғиликда юрсак, ёлғон гапириб, ҳақиқатга хилоф иш қилган бўламиз. <sup>7</sup> Бироқ Унинг Ўзи нурда бўлгани каби, биз ҳам нурда юрсак, бир-биримиз билан алоқа қиламиз ва Унинг Ўғли Исонинг қони бизни ҳар қандай гуноҳдан пок қилади. <sup>8</sup> Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўз-ўзимизни алдаган бўламиз ва кўнглимизда ҳақиқат бўлмайди. <sup>9</sup> Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориғ қилади. Чунки У Ўз сўзида содиқ ва адолатлидир. <sup>10</sup> Агар гуноҳ қилганимиз йўқ десак, Худони ёлғончи қилиб қўйган бўламиз ва қалбимиздан Унинг каломи жой олмайди.

### Исо – бизнинг Худо олдидаги ҳомиймиз

**2** Эй фарзандларим, буларни шунинг учун ёзяманки, сизлар гуноҳ қилманглар. Бордию бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсак, Отанинг олдида одил ҳомиймиз – Исо Масих бор. <sup>2</sup> Унинг Ўзи ёлғиз бизнинг гуноҳларимизнигина эмас, балки бутун дунёнинг гуноҳларини ювиш учун қурбон бўлди. <sup>3</sup> Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, Уни билиб олганимизга амин бўламиз. <sup>4</sup> Уни биламан деб туриб, Унинг амрларига риоя қилмаган киши

† ҲАЁТ КАЛОМИ: абадий ҳаёт бағишловчи Илоҳий Калом – Исо Масих; яна қаранг: Юҳанно 1-боб.

ёлғончи бўлади, унда ҳақиқат йўқ. <sup>5</sup> Кимки Масихнинг каломига риоя қилса, у кишида Худонинг севгиси ҳақиқатан камолга етган бўлади. Биз Худо билан бир тан эканимизни ана шундан билиб оламиз. <sup>6</sup> Худо билан бир танман, деган киши Масих юргандай юрмоғи шарт.

### Янги амр – биродарлик севгиси

<sup>7</sup> Эй маҳбубларим, сизларга янги амрни эмас, балки ўзингиз дастлаб қабул қилган қадимги амрни ёзяман. Қадимги амр – сизлар эшитган Худо каломи. <sup>8</sup> Шу билан бирга, янги амрни ёзяман деса ҳам бўлади, зеро қоронғилик ўтиб, ҳақиқий нур ҳозирдан порламоқда. Бу ҳақиқат Масихда ҳам, сизларда ҳам очиқ кўринмоқда. <sup>9</sup> Кимки нурда юрибман деса-ю, лекин биродаридан нафратланса, у ҳали ҳам қоронғиликдадир. <sup>10</sup> Кимки биродарини севса, у нур ичида яшайди ва қоқинишга йўл қўймайди. <sup>11</sup> Аммо биродаридан нафратланган киши қоронғиликда бўлади. У қоронғиликда юради-ю, қаерга бораётганини билмайди; чунки қоронғиликда унинг кўзлари кўр бўлган.

<sup>12</sup> Эй фарзандларим, сизларга ёзяман: Масих номи туфайли гуноҳларингиз кечирилган.

<sup>13</sup> Эй оталар, сизларга ёзяман: Азалдан бор Бўлганни билдингизлар. Эй йигитлар, сизларга ёзяман: Ёвуз шайтон устидан ғолиб чиқдингиз. Эй болалар, сизларга ёзяман: Сизлар Отамиз Худони таниб олдингиз.

<sup>14</sup> Оталар, сизларга ёздим: Сиз азалдан бор Бўлганни таниб олдингиз. Йигитлар, сизларга ёздим: Сизлар бақувватсизлар,

Худо каломини дилингизда сақлаётирсиз, Ёвуз шайтон устидан ғолиб чиқдингизлар.

<sup>15</sup> Дунёга ва ундаги нарсаларга муҳаббат қўйманглар. Ким дунёга муҳаббат қўйса, унинг қалбидан Отанинг муҳаббати жой олмайди.

<sup>16</sup> Чунки дунёга хос ҳар бир нарса – тана нафси, ҳирсли кўзлар, маишатга оид кибр-ҳаво Отадан эмас, балки дунёдандир. <sup>17</sup> Дунё ҳам, унинг нафси ҳам ўтиб кетади. Лекин Худонинг иродасини бажо келтирган киши абадий яшайди.

### Дажжол ва Масихнинг Руҳи

<sup>18</sup> Эй фарзандларим, дунёнинг сўнги дамлари келди! Дажжол † келишини эшитгансизлар, ҳозирданоқ кўп дажжоллар пайдо бўлди. Ана шундан биз сўнги дамларни яшаётганимизни биламиз. <sup>19</sup> Улар ўзимизнинг орамиздан чиқдилар, лекин улар бизга қарашли эмас. Агар бизга қарашли бўлганларида эди, биз билан қолган бўлар эдилар. Улар биздан айрилиб кетдилар, маълум бўлдики, ҳаммаси ҳам бизга қарашли эмас.

<sup>20</sup> Сизлар ҳаммасини биласизлар, чунки сиз табаррук Масихнинг Руҳига эгасизлар. <sup>21</sup> Мен бунини, ҳақиқатни билмайдилар, деб ёзаётганим йўқ. Аксинча, сизлар ҳақиқатни биласизлар, шунингдек, ҳар қандай ёлғон ҳақиқатдан пайдо бўлмаслигини биласизлар. <sup>22</sup> Агар Исонинг Масихлигини †† инкор этувчи ёлғончи бўлмаса, унда ёлғончи ким? Ота ва Ўғилни ким инкор этса, дажжол ўшадир. <sup>23</sup> Кимда-ким Ўғилни инкор этса, унда Ота йўқ. Кимда-ким Ўғилни тан олса, унда Ота ҳам бор.

<sup>24</sup> Сизлар азалдан эшитган каломни дилингизда сақланглар. Агар азалдан эшитган калом дилингизда сақланса, сизлар ҳам Ўғил, ҳам Ота билан бир тан бўласизлар. <sup>25</sup> Масихнинг бизларга берган ваъдаси ана шу, яъни абадий ҳаётдир.

<sup>26</sup> Буларни сизларни янглиштирадиганлар борлиги учун ёздим. <sup>27</sup> Ҳолбуки, сизлар Масихнинг Руҳини қабул қилгансизлар. Унинг Руҳи ичингизда яшаётгани учун, сизларга ҳеч кимнинг бирор нарса ўргатишига эҳтиёж йўқ. Масихнинг Руҳи ҳақиқий, сохта эмас. У сизларга ҳамма нарса ўргатади. Масих сизларга ўргатганидек, У билан алоқада бўлиб яшанглар. <sup>28</sup> Ҳа, фарзандларим, энди Масих билан алоқада бўлиб яшанглар, токи У оламга қайтиб келганда дадил бўлайлик, Унинг олдида уятга қолмайлик. <sup>29</sup> Агар Унинг солиҳ эканлигини билар экансизлар, шуни ҳам билингларки, тўғри иш қилган ҳар бир киши Унинг фарзандидир.

### Худонинг болалари ҳақида

**3** Қаранглар, Отамиз бизни болаларим деб, қандай буюк бир муҳаббат кўрсатди! Ҳақиқатан ҳам, биз Унинг болаларимиз. Дунё Отамизни танимагани учун, бизни ҳам танимаяпти. <sup>2</sup> Эй маҳбубларим, ҳозир биз Худонинг болалари бўлсак-да, келажакда нима бўлишимиз ҳануз ноаниқ. Фақат шуни биламизки, Исо Масих зоҳир бўлганда, биз У сингари бўламиз; У қандай бўлса, шундай ҳолда кўрамиз. <sup>3</sup> Масихга бундай умид боғлаган ҳар бир киши ўзини поклайди, чунки Масих покдир.

<sup>4</sup> Гуноҳ қилувчи ҳар бир киши қонунбузар билан тенгдир. Гуноҳ – қонунсизлик демакдир. <sup>5</sup> Масих эса

† **ДАЖЖОЛ:** луғатда изоҳланади; яна қаранг: 4:3, 2-Юҳанно 7-оят, 2-Салоникаликлар 2-боб. †† **МАСИХ:** Худо юборган ягона Халоскор.

гуноҳларимизни аритиш учун пайдо бўлганини биласизлар. Унда гуноҳ йўқ. <sup>6</sup> Масих билан бир тан бўлган ҳеч кимса гуноҳ қилмайди. Ким гуноҳ қилиб юрса, Уни кўрмаган ҳам, танимаган ҳам.

<sup>7</sup> Эй фарзандларим, ҳеч ким сизларни алдамасин. Масих қандай солиҳ бўлса, тўғри иш қилувчи киши ҳам У сингари солиҳдир. <sup>8</sup> Гуноҳ қилувчи киши эса иблис зотидир. Чунки дастлаб иблис гуноҳ қилган. Худонинг Ўғли эса иблиснинг ишларини барбод қилмоқ учун пайдо бўлди. <sup>9</sup> Худодан туғилган ҳеч бир киши гуноҳ қилмайди, чунки Худонинг уруғи ‡ унинг ичида қолади. У Худодан туғилгани учун гуноҳ қила олмайди. <sup>10</sup> Кимда-ким тўғри иш қилмаса, биродарини севмаса, у Худо зотидан эмас. Худонинг болалари ҳам, иблиснинг болалари ҳам шундан билинади.

### Бир-биримизни севайлик!

<sup>11</sup> Бошда сизлар Масихдан эшитган васият шу: бир-биримизни севайлик! <sup>12</sup> Ўз укасини қатл қилган иблис зоти Қобилга †† ўхшамайлик. Қобил укасини нима учун ўлдирди? Чунки унинг ишлари қабиҳ, укасининг ишлари эса солиҳ эди.

<sup>13</sup> Эй биродарларим, агар дунё сиздан нафратланаётган бўлса, ҳайратланманглар. <sup>14</sup> Биз ўлим ҳолатидан ҳаётга ўтганимизни биламиз, чунки биз биродарларимизни севамиз. Кимки биродарини севмаса, ўлим ҳолатида қолади. <sup>15</sup> Биродаридан нафратланган ҳар қандай киши қотилдир. Ҳеч бир қотил эса абадий ҳаётга эга бўлмаслигини биласизлар. <sup>16</sup> Масих бизлар учун жонини фидо қилди, ана шундан биз муҳаббатни билдик. Биз ҳам биродарларимиз учун жонимизни беришга бурчлимиз. <sup>17</sup> Агар бирор киши фаровон ҳаёт кечираётган бўлса-ю, биродарини муҳтожлик ҳолатида кўриб туриб, кўнглини тош қилса, қандай қилиб у одамда Худонинг севгиси жой олади?

### Севги ва хотиржамлик тўғрисида

<sup>18</sup> Эй фарзандларим, биз сўз ёки тил билангина эмас, балки амалда ва ҳақиқатда севишимиз лозим. <sup>19</sup> Шу тариқа биз ҳақиқат аҳли эканимизга ишонч ҳосил қиламиз ва Худо олдида кўнглимиз хотиржам бўлади. <sup>20</sup> Агарда кўнглимиз бизни айбласа, Худо кўнглимиздан улуғ эканини биламиз. Чунки У ҳамма нарса аниқ билади.

<sup>21</sup> Эй маҳбубларим, агар виждонимиз бизни қийнамаса, Худо олдида дадил бўламиз <sup>22</sup> ва Ундан нимаики сўрасак, У беради. Чунки биз Унинг амрларини бажо келтириб, Унга мақбул бўлган ишларни қилаётимиз. <sup>23</sup> Илоҳий амр – Худонинг Ўғли Исо Масихга ишонишдан ва худди Исо Масих буюрганидек, бир-биримизни севишдан иборат. <sup>24</sup> Ким Худонинг амрларини бажо келтирса, у Худо

‡ **ХУДОНИНГ УРУҒИ:** Худонинг ҳаётбахш кучи, каломини, Руҳини, илоҳий табиат; яна қаранг: Юҳанно 1:12-13, Матто 13:37-43, Марк 4:26-29. †† **ҚОБИЛ:** Одам Атонинг тўнғичи; қаранг: Таврот, Ибтидо 4-боб.

билан бир тан, Худо ҳам у билан бир тан бўлади. Худо вужудимизда яшаётганини шундан биламизки, У бизга Ўз Руҳини берди.

#### Руҳларни синовдан ўтказинг

**4** Эй маҳбубларим, ҳар қандай руҳга инонавермангиз. Худодан бўлган-бўлмаганлигини билиш учун руҳларни синовдан ўтказингиз. Чунки дунёда кўпгина сохта пайғамбарлар пайдо бўлган. <sup>2</sup> Одам вужуди билан дунёга келган Исо Масиҳни тан олувчи ҳар бир руҳ Худодандир. Худонинг Руҳини шундан танийсизлар. <sup>3</sup> [Одам вужуди билан дунёга келган] Исо Масиҳни тан олмовчи ҳар қандай руҳ Худодан эмас. Бу – дажжолнинг руҳи. Дажжол келишини сизлар эшитган эдингизлар. Мана, ҳозирдан у дунёдадир.

<sup>4</sup> Эй фарзандларим, сизлар Худодансизлар ва сохта пайғамбарларни енгингизлар. Чунки ичингиздаги Руҳ дунёда ҳукм сураётган руҳдан устундир. <sup>5</sup> Улар бу дунёдан, уларнинг гапи ҳам бу дунёга оид, шунинг учун дунё уларни тинглайди. <sup>6</sup> Бизлар эса Худоданмиз, ким Худони таниса, у бизни тинглайди. Худодан бўлмаган бизни тингламайди. Ана шундан биз ҳақиқат руҳини ва алдаш руҳини таниймиз.

#### Худо – севги

<sup>7</sup> Эй маҳбубларим, бир-биримизни севайлик. Чунки севги Худодандир. Ҳар бир севувчи киши Худодан туғилган ва Худони танийди.

<sup>8</sup> Севмайдиган киши Худони танигани йўқ. Чунки Худонинг Ўзи севгидир. <sup>9</sup> Худо бизга бўлган муҳаббатини очиқ кўрсатди: У ягона Ўғлини дунёга юбориб, У орқали бизга ҳаёт бағишлади. <sup>10</sup> Биз Худони севмаган эдик, У бизни севди ва Ўз Ўғлини гуноҳларимизни ювиш учун қурбонлик қилиб юборди. Ана, бу муҳаббатдир!

<sup>11</sup> Эй маҳбубларим, Худо бизни шундай севганига яраша, бизлар ҳам бир-биримизни севишимиз қарзидир. <sup>12</sup> Ҳеч ким ҳеч қачон Худони кўрган эмас. Агар бир-биримизни севсак, Худо бизнинг ичимизда қолади ва Унинг муҳаббати бизда камол топади.

<sup>13</sup> Унинг бизга берган Руҳи орқали биламизки, Худо биз билан, биз Худо билан бир танмиз. <sup>14</sup> Ота Ўз Ўғлини дунёнинг Халоскори қилиб юборди, буни биз кўрдик ва гувоҳлик берамиз. <sup>15</sup> Агар ким Исони Худонинг Ўғли деб тан олса, Худо у билан, у Худо билан бир тан бўлиб яшайди. <sup>16</sup> Худо бизга нақадар муҳаббат қўйганини биламиз ва бунга имонимиз комил.

Худо севгидир. Севгини дилига жо қилган киши Худо билан бир тан бўлиб яшайди, Худо ҳам унинг вужудида яшайди. <sup>17</sup> Шу тариқа севги дилимизда камол топади ва қиёматда сўроқ бўлганда дадил бўламиз. Чунки биз бу дунёда Масиҳ яшагандай

яшаймиз. <sup>18</sup> Севгида қўрқув йўқ, аксинча, комил севги қўрқувни қувиб чиқаради. Қўрқоқ кишида севги камолотга етмаган, чунки қўрқув жазо тушунчаси билан боғлиқдир.

<sup>19</sup> Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севди.

<sup>20</sup> Агар бирор киши “Худони севаман” деса-ю, биродаридан нафратланса, у ёлғончидир. Кўриб турган биродарини севмаса, кўрмаган Худони қандай сева олар экан?! <sup>21</sup> Ким Худони севса, биродарини ҳам севмоғи лозим, деган амрни биз Масиҳдан олганмиз.

#### Имонимиз дунёни енгади

**5** Исо Масиҳдир † деб ишонган ҳар бир киши Худодан туғилган. Отани севган ҳар бир киши боласини ҳам севади. <sup>2</sup> Агар Худони севсак ва Унинг амрларига амал қилсак, Унинг болаларини ҳам севишимиз шаксиздир. <sup>3</sup> Худони севиш – Унинг амрларини бажо келтириш демақдир. Худонинг амрлари эса оғир эмас; <sup>4</sup> чунки Худонинг ҳар бир фарзанди дунёни енгади. Мана шу бизнинг имонимиз дунё устидан ғолиб чиқди. <sup>5</sup> Исо Худонинг Ўғли деб инонган кишидан бошқа ким ҳам дунёни енга оларди?!

#### Исо Масиҳ ҳақидаги гувоҳлик

<sup>6</sup> Исо Масиҳ сув ва қон †† билан келди. У фақат сув билан эмас, сув ва қон билан келди. Руҳ эса У ҳақда гувоҳлик беради, чунки Руҳ ҳақиқатдир. <sup>7</sup> Шундай қилиб [осмонда учтаси гувоҳлик беради: Ота, Калом ва Муқаддас Руҳ. Бу учови бир. <sup>8</sup> Ерда ҳам] учтаси гувоҳлик беради: Руҳ, сув ва қон. Бу учови бир. <sup>9</sup> Гарчи инсонларнинг гувоҳлигини қабул қилсак-да, аммо Худонинг гувоҳлиги ундан муҳимроқ, бу эса Худонинг Ўз Ўғли ҳақида берган гувоҳлигидир.

<sup>10</sup> Ким Худонинг Ўғлига инонса, у ўз юрагида Худонинг гувоҳлигига эгадир. Худога инонмаган, яъни Унинг Ўз Ўғли ҳақида берган гувоҳлигига инонмаган киши Худони ёлғончи қилиб қўйган бўлади. <sup>11</sup> Худонинг гувоҳлиги шундан иборатки, Худо бизларга абадий ҳаёт берди. Бу ҳаёт эса Унинг Ўғлида мужассамдир. <sup>12</sup> Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлмаса, ҳаётга эга эмас.

#### Абадий ҳаёт тўғрисида

<sup>13</sup> Мен буларни сизлар абадий ҳаётга эгалигингизни билинглар, деб ёздим. Чунки сизлар Худонинг Ўғли номига имон келтиргансизлар. <sup>14</sup> Биз Худо ҳузурига дадиллик билан кирамиз, чунки биламизки, Худонинг иродасига кўра бир нима тиласак, У бизга қулоқ солади. <sup>15</sup> Агар Худо

† МАСИҲ: Худо юборган ягона Халоскор. †† СУВ: Исонинг инсон вужудида кириб туғилишининг рамзи, ҚОН эса хочдаги даҳшатли ўлимнинг рамзи.



тилакларимизни тинглаётганини билсак, тилакларимиз бажо бўлганини ҳам биламиз.

<sup>16</sup> Агар бирор киши биродарининг гуноҳ қилаётганини кўрсаю, бу гуноҳ *абадий* ўлимга † сабаб бўлмаса, у учун ибодат қилсин. Унинг ибодати туфайли биродарига ҳаёт бағишланади. Мен буни гуноҳи *абадий* ўлимга сабаб бўлмайдиганлар учун айтяпман. *Абадий* ўлимга сабаб бўладиган гуноҳ ҳам бор. Бундай гуноҳ учун ибодат қилинг, демаяпман. <sup>17</sup> Ҳар қандай ёмонлик гуноҳдир, аммо ҳамма гуноҳ ҳам *абадий* ўлим билан тугамайди.

---

† *АБАДИЙ*

<sup>18</sup> Худодан туғилган ҳар бир одам гуноҳ қилмаслигини биламиз. Худонинг Ўғли уни Ўз паноҳида асрайди ††, ёвуз шайтон унга тегмайди.

<sup>19</sup> Биламизки, бизлар Худоданмиз, бутун дунё эса ёвуз шайтоннинг ҳукмидадир. <sup>20</sup> Яна шуни ҳам биламизки, Худонинг Ўғли келиб, Ҳақни танишимиз учун бизга ақл-идрок берди. Биз Ҳақ билан, Унинг Ўғли Исо Масиҳ билан бир танмиз. У Ҳақ Таоло ва *абадий* ҳаётдир.

<sup>21</sup> Эй фарзандларим, бутлардан сақланинглар. Омин.

## ИККИНЧИ МАКТУБИ

---

†† *Бошқа қадимги қўлёзмалар буйича, "Худодан туғилган ўз-ўзини сақлайди".*

# ИККИНЧИ ЮХАННО

## ИККИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Худо танлаб олган азиз хоним † билан унинг болаларига салом! Мен – мўйсафид сизларни чин юракдан севаман, менгина эмас, ҳақиқатни билиб олганларнинг ҳаммаси ҳам шундай севади. <sup>2</sup> Зеро ҳақиқат бизнинг дилимизга жо бўлган ва то абад бизлар билан бўлади. <sup>3</sup> Отамиз Худо ва Отанинг Ўғли – Раббимиз Исо Масиҳ берган иноят, марҳамат ва тинчлик сизларга доим ёр бўлгай, сизларни ҳақиқат ва муҳаббат йўлига йўналтиргай.

### Ҳақиқат ва муҳаббат

<sup>4</sup> Эй хоним, Отамизнинг бизга буюрганига кўра, сенинг болаларингдан бир нечтаси ҳақиқат йўлидан бораётганларини кўриб, жуда ҳам хурсанд бўлдим. <sup>5</sup> Энди сендан илтимос қиламан, бир-биримизни севайлик. Сенга янги амр ёзаётганим йўқ, бу азалдан бизлар қабул қилган амр. <sup>6</sup> Муҳаббат – Худонинг амрларига амал қилишимиз дегани. Илоҳий амрнинг моҳияти эса, бошдан эшитганингиздек, муҳаббатга амал қилишимиздан иборат.

† ХОНИМ: бирор Масиҳ жамоати ва унинг аъзолари рамзи бўлса керак.

<sup>7</sup> Ваҳоланки, инсон вужудига кирган Исо Масиҳни тан олмовчи кўп алдамчилар жаҳоннинг ҳар тарафига ёйилиб кетганлар. Энг катта алдамчи – дажжол ҳам булар қаторида туради. <sup>8</sup> Қилган меҳнатимизнинг маҳсулини йўқотмаслик ва ҳамма мукофотни олиш учун ўзингизга эҳтиёт бўлингиз. <sup>9</sup> Ҳаддидан ошган, Масиҳ таълимотидан узоқлашган ҳар қандай одамда Худо йўқ. Бу таълимотга амал қилган киши эса Отага ҳам, Ўғилга ҳам эга бўлади. <sup>10</sup> Агар бирор киши олдингизга келиб бу таълимотни ўргатмаса, уни уйингизга киритманглар, унга салом ҳам берманглар. <sup>11</sup> Чунки унга салом берган киши унинг ёмон ишларида иштирок этган ҳисобланади. <sup>12</sup> Сизларга ёзадиган кўп гапларим бор эди-ю, аммо қоғозу сиёҳ билан ёзишни истамадим. Сизларнинг шодлигингиз тугал бўлсин, деб мен олдингизга бориб юзма-юз гаплашиш умидидаман. <sup>13</sup> Худо танлаган синглингнинг †† болалари сенга салом йўллаяптилар. Омин.

### УЧИНЧИ МАКТУБИ

†† СИНГЛИНГ: Ҳаворий Юҳанно пир бўлган жамоатнинг рамзи бўлиши мумкин.

# УЧИНЧИ ЮХАННО

## УЧИНЧИ МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Чин кўнгилдан севадиган азиз дўстим Гайга мен – мўйсафиддан салом! <sup>2</sup> Маҳбубим, сенинг жонинг ҳузур топгандек, яна ҳар жиҳатдан ҳузур топиб, соғ-саломат бўлишингни тилайман.

<sup>3</sup> Биродарларимиздан бир нечтаси келиб, сенинг ҳақиқатга содиқ қолганинг тўғрисида гувоҳлик беришди, бунга мен ҳаддан ташқари севиндим. Чиндан ҳам сен ҳақиқат йўлидан бораётирсан. <sup>4</sup> Мен учун фарзандларимнинг ҳақиқат йўлидан бораётганларини эшитишдан улўғроқ бир севинч йўқ.

### Ҳамкорлик ва рақобатчилик

<sup>5</sup> Маҳбубим, сен бегона биродарларимизга сидқидилдан хизмат қилиб юрибсан. <sup>6</sup> Улар имонлилар жамоати олдида сенинг меҳрибончилигингни кўкка кўтаришди. Сен уларни Худога муносиб тарзда йўлга отлантурсанг, яхши иш қилган бўласан. <sup>7</sup> Чунки улар мажусийлардан ҳеч ёрдам қабул қилмасдан, Исо Масих номи учун йўлга тушган эдилар. <sup>8</sup> Бинобарин, ҳақиқат йўлида хизмат қилувчиларнинг меҳнатида қатнашиш, бундай одамларни қўллаб-қўлтиқлаш бизнинг бурчимиздир.

<sup>9</sup> Мен имонлилар жамоатига баъзи нарсаларни ёзган эдим. Аммо уларнинг ораларида ўзини катта

тутаётган Диотреф бизларни қабул қилмаётир.

<sup>10</sup> Агар келсам, унинг қилмишларини фош этаман. У биз ҳақимизда ёмон гап тарқатиб, номимизга иснод келтириб юрибди-ку. Бу билан ҳам кифояланмай, бошқа биродарларни ўзи қабул қилмаяпти, қабул қилмоқчи бўлганларга эса тўсқинлик қиляпти ва ҳатто уларни жамоатдан қувиб чиқаряпти.

<sup>11</sup> Эй маҳбубим, сен ёмонликни танқид қил, яхшиликка тақлид қил. Яхшилик қилувчи Худонинг фарзандидир. Ёмонлик қилувчи Худони кўрган эмас.

<sup>12</sup> Димитрийнинг қадр-қимматида ҳамма гувоҳ, ҳақиқатнинг ўзи ҳам гувоҳдир. Биз бунга ўз гувоҳлигимизни қўшамиз, бизнинг гувоҳлигимиз тўғри эканини ўзинг биласан.

<sup>13</sup> Сенга ёзадиган кўп гапларим бор эди-ю, аммо сиёҳу қалам билан ёзишни хоҳламадим. <sup>14</sup> Яқинда сени кўриш умидидаман, ўша вақтда юзма-юз гаплашамиз. <sup>15</sup> Тинч-омон бўлгил. Дўстлар сенга салом йўллаяптилар. У ердаги дўстларимга номманом салом айтиб қўй.

Омин.

### МАКТУБИ

# ЯХУДО

## МАКТУБИ

### Дуойи салом

**1** Мен, Исо Масихнинг қули ва Ёқубнинг укаси Яхудо, Отамиз Худо чорлаган ва Исо Масих сақлаётган Худо азизларига салом айтаман.  
<sup>2</sup> Сизларга марҳамат, тинчлик ва муҳаббат кўпайсин.

### Сохта устозларнинг гуноҳи ва жазоси

<sup>3</sup> Эй севганларим, муштарак нажотимиз ҳақида ёзишга ғайратим кўп бўлган. Худо бу имонни ўз азизларига умрбод омонатга топширган, мен эса сизни шу йўлда яна жонкуярлик билан курашишга ундамоқни лозим кўрдим. <sup>4</sup> Чунки баъзи бетавфиқ одамлар сизнинг орангизга ўғринча кириб олганлар. Булар Худонинг иноятдан бузуқлик қилишда фойдаланади, ягона Эга Худони ва Раббимиз Исо Масихни эса рад қиладилар. Уларнинг жазоси азалданоқ ёзилган.

<sup>5</sup> Сиз ҳамма нарсани билсангиз ҳам, эсингизга туширмоқчиман: Худованд Исроил халқини Миср еридан, асирликдан қутқариб, кейин имонсизларни ҳалок қилган эди. <sup>6</sup> Шунингдек, қадр-қимматини сақламай, ўз маконини ташлаб кетган фаришталарни Худованд буюк қиёмат кунигача занжирбанд қилиб, абадий қоронғи-зимистонга қамаб қўйган. <sup>7</sup> Уларга ўхшаб, фаҳшбозликка ва нотабийий шахвоний ҳирсга берилган Садўм ва Ғамўра шаҳарлари, шунингдек, атрофдаги барча шаҳарлар ҳам абадий ўт билан куйдирилиб, бошқаларга ўрнак бўлди.<sup>†</sup>

<sup>8</sup> Энди шу тариқа ўз баданларини ҳаром қилувчи, илоҳий ҳокимиятни рад қилувчи, самовий мавжудотларни ҳақорат қилувчи хаёлпарастлар пайдо бўлди. <sup>9</sup> Ҳатто бош фаришта Микоил Мусо пайғамбарнинг жасади ҳақида иблис билан баҳслашганда, иблисни қарғашга журъат этолмай, фақат: “Раббим сенинг адабингни берсин”, – деган эди.

<sup>10</sup> Аммо бу одамлар ақлига сиғдиролмаган ҳамма нарсани ёмонлайдилар. Қолаверса, улар онгсиз ҳайвонлардай табиатан нимани уқсалар, бундан

<sup>†</sup> Таврот, Ибтидонинг 6-бобида мазкур “илоҳий зотлар” одамзод қизларини олиб бузилган бўлсалар, Садўм шаҳри аҳолиси эса одамзод наслидан бўла туриб фаришталарга тажовуз қилганлар; қаранг: Ибтидо 19-боб, 2-Бутрус 2:4-10.

ҳалокатга йўлиқадилар. <sup>11</sup> Уларнинг ҳолига вой! Улар Қобилнинг йўлидан бормоқдалар. Улар Балъом каби манфаатпарастлик тузоғига илинганлар. Улар Қўраҳга<sup>††</sup> ўхшаб исён қилиб, ҳалокатга учрайдилар.

<sup>12</sup> Севги кечаларингизда сизлар билан бирга уялмасдан еб-ичадиган бу одамлар қора бир доғдир. Улар фақат ўзларини семиртирадиган чўпонлар, шамолда учиб юрадиган ёмғирсиз булутлардир. Улар томири билан юлиб ташланган, мевасини тугмаган, икки марта ўлган кузги дарахтлардир. <sup>13</sup> Улар денгизнинг жўшқин тўлқинларидай ўзининг қабоҳатларини атрофга сачратадилар. Улар адашган юлдузлардир. То абад уларга қоп-қоронғи зулмат тайёрлаб қўйилган.

<sup>14</sup> Одам Атонинг еттинчи авлоди бўлган Ҳанўх ҳам бу одамлар ҳақида каромат қилиб шундай деган: “Худованд сон-саноксиз азизлари билан келиб, <sup>15</sup> Бутун одамзод устидан ҳукм қилгай. У фош қилгай ораларидаги барча гуноҳкорлару, Худодан кўрқмай ёмонлик қилувчи Барча бетавфиқу шаккоқларни”.

<sup>16</sup> Булар – ўз тақдирдан норози нолувчилар. Улар фақат ўз нафсини ўйлаб иш қиладилар, дабдабали гаплар ва тилёғламалик билан одамларнинг кўнглини овлайдилар.

### Сабр-тоқат қилишга ундов

<sup>17</sup> Эй севганларим, бошда Раббимиз Исо Масихнинг ҳаворийлари томонидан айтилган сўзларни эсдан чиқарманглар. <sup>18</sup> Улар сизларга: “Охирги замонларда ўз нафсига маҳлиё, Худодан кўрқмас масхарабозлар пайдо бўлади”, – деб айтишган эди. <sup>19</sup> Мана булар жудолик солувчи, моддиятга қул, Муқаддас Рухдан маҳрум одамлардир.

<sup>20</sup> Сизлар эса, эй севганларим, азизу муқаддас имонингизни ибрат қилиб, ривож топинглар, Муқаддас Рух илҳоми билан ибодат қилинглар.

<sup>21</sup> Абадий ҳаёт учун Раббимиз Исо Масихнинг марҳаматига кўз тутиб, ўзингизни Худонинг меҳр-муҳаббати соясида сақланглар.

<sup>22</sup> Баъзи иккиланувчи кишиларга мулоҳаза билан шафқат қилинглар. <sup>23</sup> Бошқаларни эса оловдан

<sup>††</sup> ҚОБИЛ...БАЛЪОМ...ҚЎРАҲ: луғатга қаранг.

олиб чиққандек, таваккал қилиб қутқариб қолинглар. Яна баъзиларни шафқат ва қўрқув билан фош қилиб, уларнинг танаси булғаган кийимдан ҳам ҳазар қилинглар.

<sup>24</sup> Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга, Ўзининг улуғвор ҳузурида бекаму қўст ва

Шод-хуррам қилиб турғизишга қодир бўлган  
<sup>25</sup> Яккаю-ягона, донишманд Нажоткоримиз Худога  
Исо Масих орқали азалдан, ҳозир ва то абад  
Шон-шараф, улуғворлик, куч-қудрат ва салтанат  
бўлсин! Омин.

# ВАҲИЙ

## Муқаддима ва дуойи салом

**1** Бу китоб Исо Масиҳнинг ваҳийсидир. Худо тез орада юз бериши муқаррар бўлган ҳодисотни Ўз қулларига кўрсатиши учун Исо Масиҳга ушбу ваҳийни берди. У эса фариштасини юбориб, қули Юҳаннога бун билдирди. <sup>2</sup> Юҳанно Худонинг каломи ва Исо Масиҳнинг шаҳодати, яъни кўрган нарсаларининг ҳаммаси ҳақида гувоҳлик берди. <sup>3</sup> Бу башоратни ўқийдиган ва тинглаётганлар ҳамда бу ёзилганларга амал қилувчилар бахтиёрдир. Чунки вақт яқин.

<sup>4</sup> Мен, Юҳанно, Асия вилоятидаги етти Масиҳ жамоатига ёзяман: ҳозир бор, азалдан бор бўлган, келажакда бор бўлғуси Худодан, Унинг тахти олдида турган етти Руҳдан, <sup>5</sup> шунингдек, ўликлар ичидан биринчи бўлиб тирилган, ер юзи подшоҳларининг Шоҳаншоҳи бўлган ишончли шоҳид – Исо Масиҳдан сизларга иноят ва тинчлик бўлсин.

Исо Масиҳ бизни кўп севди. У Ўз қонини тўкиб, бизни гуноҳларимиздан фориғ қилди. <sup>6</sup> У бизни шоҳлар қилди, Отаси Худо учун руҳонийлар ҳам қилди. Абадий шон-шараф, мангу салтанат Унга хосдир. Омин.

<sup>7</sup> Мана, У булутлар билан келяпти!  
Ҳар бир кўз Уни кўради,  
Унинг баданини тешганлар ҳам кўради.  
Дунёнинг жамики қабилалари У туфайли фиғон чекади.

Ҳа, шундай бўлгай! Омин.

<sup>8</sup> “Мен – Ибтидо ва Интиҳодирман”,  
– дейди Худойи Таоло,  
Ҳозир бор, азалдан бор бўлган,  
Келажакда бор бўлғуси Сарвари коинот.

## Исо Масиҳ – биринчи ва охириги

<sup>9</sup> Мен – Исо Масиҳнинг қайғу-ҳасрати, салтанати ва сабр-қаноатига сизлар билан шерик бўлган биродарингиз Юҳанноман. Худонинг каломи туфайли ва Исо Масиҳ учун шоҳидлик берганим сабабли Патмос оролига сургун қилинган эдим. <sup>10</sup> Раббимиз Исонинг тирилиши қутланадиган кунда мен Илоҳий Руҳнинг таъсирида қолдим.

† ИБТИДО ВА ИНТИҲО: аслида “Алфа ва Омега”, яъни юнон алифбесининг биринчи ва сўнгги ҳарфлари; борлиқнинг бошида ва охирида турган Парвардигор ва Исо Масиҳнинг эпитетидир; айнан қаранг: 21:6, 22:13.

Бирданига орқамдан карнай овозига ўхшаш кучли бир нидо эшитдим: “[Мен Ибтидо ва Интиҳо, Аввалию Охиридирман.] <sup>11</sup> Кўрганларингни китобга ёзиб бор ва Асиядаги етти жамоатга – Эфес, Измир, Пергам, Тиятира, Сардис, Филадельфия ва Лаодикия шаҳарларидаги жамоатларга юбор”.

<sup>12</sup> Мен билан гаплашаётган Кимсани кўриш учун ўғирилдим. Шунда етти олтин шамдонни кўрдим. <sup>13</sup> Шамдонлар ўртасида бўйи баравар узун ридо кийган ва кўксига олтин камар боғлаган Инсон Ўғлига <sup>††</sup> ўхшаш бир Кимса кўринди. <sup>14</sup> Унинг боши, сочлари бамисли оқ юнг, қордек оппоқ, кўзлари эса оташ алангасидек чақнарди. <sup>15</sup> Унинг оёқлари кўрада қиздирилган ялтироқ мисга ўхшарди, овози кўп сувларнинг шов-шувини эслатарди. <sup>16</sup> Ўнг қўлида етти юлдузни тутиб турар, оғзидан ўткир дудама қилич чиқазиб турар эди. Унинг юзи куннинг қизиғида балқийдиган қуёшдай балқиб турарди.

<sup>17</sup> Уни кўришим биланоқ, Унинг оёқлари остига жонсиз каби йиқилдим. У эса ўнг қўлини устимга қўйиб, шундай деди: “Кўрқма! Мен Аввалию Охиридирман. <sup>18</sup> Тирикман. Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Омин. Ўлим ва тамуф <sup>‡</sup> очқичлари Мендадир. <sup>19</sup> Шундай қилиб, нималар кўрдинг, нималар бўляпти, бундан сўнг нималар юз беради, ҳаммасини ёзиб бор. <sup>20</sup> Ўнг қўлимда сен кўрган етти юлдуз ва етти олтин шамдон сирига келсак, етти юлдуз – етти жамоатнинг фаришталари, етти шамдон эса – етти жамоатдир”.

## Эфес шаҳридаги Масиҳ жамоатига

**2** “Эфесдаги жамоатнинг фариштасига ёз:  
Етти юлдузни ўнг қўлида Тутгувчи, еттита олтин шамдон орасида Юрувчи шундай дейди:  
<sup>2</sup> Сенинг ишларинг, меҳнатинг, сабр-тоқатингни биламан, бузуқ одамларни кўтара олмаслигингни ҳам биламан. Ҳаворий бўлмаган ҳолда ўзларини ҳаворий деб айтганларни синадинг ва ёлғонини фош қилдинг. <sup>3</sup> Ҳа, сабр-тоқатинг бор. Менинг номим учун кўпни бошдан кечирдинг ва чарчамадинг. <sup>4</sup> Бироқ сенга бир эътирозим борки, сен илк муҳаббатингдан айнидинг. <sup>5</sup> Энди қаердан тушганингни эсла! Тавба қил ва аввалги ишларингни қилиб юр. Акс ҳолда, тавба қилмасанг, қўққисдан сенинг ёнинга келиб, шамдонингни

†† ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг. ‡ ТАМУФ: юнонча “ҳадес”; луғатга қаранг, яна қаранг: Матто 16:18-19.

жойидан силжитиб юбораман. <sup>6</sup> Лекин сендаги яхши фазилат шуки, сен николайчиларнинг <sup>†</sup> ишларидан нафратланасан. Мен ҳам улардан нафратланаман.

<sup>7</sup> Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин. Ғолибга Худонинг жаннатдаги ҳаёт дарахти мевасидан ейишни эҳсон этаман”.

#### Измир шаҳридаги Масих жамоатига

<sup>8</sup> “Измирдаги жамоатнинг фариштасига ёз: Ўлган бўлиб, тирилиб Келган, Биринчи ва Охириг шундай дейди: <sup>9</sup> Сенинг [ишларинг,] қайғуларинг, камбағаллигингни биламан. Аммо ҳолбуки, сен бойсан! Ўзларини яҳудий деганларнинг ҳақоратларини ҳам биламан. Улар яҳудий эмас, балки шайтон йиғинидирлар. <sup>10</sup> Бошга тушадиган азоб-уқубатлардан ҳеч қўрқма. Мана, иблис сизларни синаш учун орангиздан баъзиларни олиб зиндонга ташлайди, ўн кунгача азоб чекасизлар. Ўлимгача содиқ қол, шунда Мен сенга ҳаёт тожини бераман.

<sup>11</sup> Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин. Ғолиб келган иккинчи ўлимдан <sup>††</sup> ҳеч бир зарар қўрмайди”.

#### Пергам шаҳридаги Масих жамоатига

<sup>12</sup> “Пергамдаги жамоатнинг фариштасига ёз: Ўткир дудама қилич Соҳиби шундай дейди: <sup>13</sup> [Сенинг ишларингни биламан.] Шайтоннинг тахти бўлган жойда яшаётганингни биламан. Менинг номимга ихлос қўйдинг. Ҳатто орангиздаги содиқ шоҳидим Антипа шайтон ўтирган ерда шаҳид бўлган кунларда ҳам сен Менга бўлган имонингдан қайтмадинг. <sup>14</sup> Лекин сенга бир оз эътирозим бор: орангизда Балъом <sup>‡</sup> таълимотини тутувчилар бор. Балъом Исроил ўғилларини йўлдан уриш учун Болоқни <sup>‡‡</sup> ташвиқ қилган эди, Болоқ эса уларни бутга қурбон қилинган гўшт ейишга ва зинокорлик қилишга унатди.

<sup>15</sup> Шунингдек, сенинг ичингда николайчилар таълимотини тутувчилар ҳам бор. <sup>16</sup> Энди тавба қил! Акс ҳолда мен зудлик билан олдинга бориб, Ўз оғзимдаги қилич билан ўша гуноҳкорларга қарши жанг қиламан.

<sup>17</sup> Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин. Ғолибга сирли манна <sup>‡‡</sup> ва бир оқ тош бераман. Бу тошнинг устига янги бир исм ёзилганки, уни тошни олган кишидан бошқа ҳеч ким билмайди”.

#### Тиятира шаҳридаги Масих жамоатига

<sup>18</sup> “Тиятирадаги жамоатнинг фариштасига ёз:

<sup>†</sup> НИКОЛАЙЧИЛАР: имонлиларни бутпарастлик ва ахлоқсизлик йўлига тортган гуруҳ бўлса керак; яна қаранг: 15-оят. <sup>††</sup> ИККИНЧИ ЎЛИМ: жаханнам; айнан қаранг: 20:14 ва 21:8. <sup>‡</sup> БАЛЪОМ: луғатга қаранг. <sup>‡‡</sup> БОЛОҚ: луғатга қаранг. <sup>‡‡</sup> МАННА: луғатга қаранг.

Кўзлари оташ алангасидай чақноқ ва оёқлари ялтироқ мисдай порлоқ Худонинг Ўғли шундай дейди: <sup>19</sup> Сенинг ишларинг, севгинг, имонинг, фидойилигинг ва сабрингни биламан. Охириг ишларинг аввалгисидан кўпроқ эканини ҳам биламан. <sup>20</sup> Лекин сенга бир эътирозим бор: Изавел деган хотинга йўл қўйибсан. У ўзини пайғамбар деб, қулларимга зинокорлик этишни ва бутга қурбон қилинган нарсани ейишни тарғиб қилиб, уларни тўғри йўлдан оздирмоқда. <sup>21</sup> Тавба қилиши учун унга муҳлат бердим, аммо у зинокорлигидан тавба қилмоқчи эмас. <sup>22</sup> Мана, Мен уни хасталик тўшагига ётқизаман. У билан бирга зино қилганларни ҳам, бордию қилмишларидан тавба қилмасалар, буюк кулфатга дучор қиламан. <sup>23</sup> Унинг фарзандларига ўлим уруғини ёғдираман. Шунда бутун жамоатлар Мен кўнгил ва қалбларни синаб кўргувчи эканимни билиб оладилар. Орангиздаги ҳар бир кишини ўз қилмишига яраша тақдирлайман.

<sup>24</sup> Тиятирада қолган ва бу таълимотга эргашмаган, гўё “шайтоннинг теранликлари” дейилган сирларга бош суқмаган бошқаларнинг ҳаммасига айтаман: сизларга бошқа оғирлик солмайман. <sup>25</sup> Фақат Мен келгунимга қадар, сизда бор бўлганни қаттиқ ушланглар. <sup>26</sup> Ғолиб келган ва охиригача Менинг ишларимга эргашганга халқлар устидан ҳукмронлик қилишни ато этаман. <sup>27</sup> Бу иқтидорни Менга Отам ато қилган, Мен эса уни шогирдимга ато этаман. У темир таёқ ила халқларга чўпонлик қилади, улар эса сопол идиш сингари синиб кетади. Унга тонг юлдузини ҳам ато қиламан.

<sup>29</sup> Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин”.

#### Сардис шаҳридаги Масих жамоатига

**3** “Сардисдаги жамоатнинг фариштасига ёз: Худонинг етти Руҳига ва етти юлдузга Молик шундай дейди: Сенинг ишларингни биламан. Сенинг гўё тирик деган номинг бор, аммо ўликсан. <sup>2</sup> Бедор бўл! Ўлишга юз тутмаган ниманг қолган бўлса, тузатиб қўй. Сенинг ишларинг Худойим олдида тугал эмаслигини аниқладим. <sup>3</sup> Нима эшитган ва қабул қилган бўлсанг, эслаб амалга ошир ва тавба қил. Агар бедор бўлмасанг, Мен ўғридай босиб келаман, сен эса қайси соатда сени босиб олишимни билмайсан. <sup>4</sup> Бироқ Сардисда ўз кийимларини булғатмаган бир неча одамларинг бор. Улар Мен билан бирга оқ кийимда юрадилар, улар бунга лойиқдир. <sup>5</sup> Кимки ғолиб келса, шундай оқ кийим кияди. Мен унинг номини ҳаёт китобидан ўчирмайман, Отам Худо ва Унинг фаришталари олдида унинг номини тан оламан.

<sup>6</sup> Руҳнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин”.

### Филаделфия шаҳридаги Масих жамоатига

7 “Филаделфиядаги жамоатнинг фариштасига ёз: Муқаддас ва Ҳақ, Довуднинг калитига Молик, очганини ҳеч ким бекита олмайдиган, бекитганини эса ҳеч ким оча олмайдиган Зот шундай дейди: 8 Сенинг ишларингни биламан. Мана, олдиндаги эшикни очдим, уни ҳеч ким бекита олмайди. Сенда куч кўп эмас, аммо Менинг сўзимни сақладинг, номимни инкор этмадинг. 9 Мана, шайтон йиғинидан бўлганларни Мен нима қиларканман? Улар ўзларини ёлғондан яҳудий дейдилар, аммо яҳудий эмаслар. Мен уларни шундай кўйга соламанки, келиб сенинг оёғинга сажда қиладилар, Мен сени нақадар севганимни билиб оладилар. 10 Сен Менинг сабр қилиш ҳақидаги амримни бажо келтирдинг, шунинг учун Мен ер юзи бўйлаб яшовчиларни синаш учун юбориладиган васваса соатидан сени асрайман. 11 Мен тезда келаман. Қўлингда ниманг бўлса, маҳкам тут, зинҳор бирор кимса тожингни тортиб олмасин. 12 Ғолибни Мен Худойимнинг маъбадида устун қиламан, у бошқа у ердан чиқмайди. Унинг пешанасига Худойимнинг номини, шунингдек, Худойим олдидан, осмондан тушадиган Худойимнинг шаҳри – янги Қуддуснинг номини ва Ўзимнинг янги номимни ҳам ёзаман.

13 Рухнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин”.

### Лаодикия шаҳридаги Масих жамоатига

14 “Лаодикиядаги жамоатнинг фариштасига ёз: Омин †, ишончли ва ҳақиқий Шоҳид, Худо яратганларининг Бошлиғи шундай дейди: 15 Сенинг ишларингни биламан, сен на совуқ ва на иссиқсан. О, қани эди ё совуқ, ё иссиқ бўлсанг! 16 Сен иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, балки илиқ бўлганинг учун сени оғзимдан чиқариб юбораман. 17 Сен: “Бойман, бойиб кетдим, ҳеч нарсадан кам-кўстим йўқ”, – дейсан-у, аммо аянчли, ачинарли, қашшоқ, кўр ва яланғоч эканлигингни билмайсан! 18 Сенга маслаҳат бераман: бойишинг учун Мендан ўтда тобланган олтин, яланғочлик айбинг кўринмаслиги учун оқ кийим, кўришинг учун кўзга суртадиган малҳам сотиб ол. 19 Мен кимни севсам, унинг гуноҳини фош қиламан ва адабини бераман. Шундай экан, ғайратга кел ва тавба қил.

20 Мана, Мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимда-ким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўраман. 21 Ғолибга Ўзим билан бирга тахтимда ўтиришни ато этаман. Чунки Мен ҳам ғолиб келиб, Отам билан бирга Унинг тахтида ўтирдим.

† ОМИН: “барқарор”, “шундай бўлсин” деган дуо ибораси. Бу ерда Масихнинг унвони бўлиб “ишончли”, “ҳақиқий” демакдир; яна қаранг: 2-Коринфликлар 1:20.

22 Рухнинг жамоатларга айтаётган гапларини қулоғи бор киши эшитсин”.

### Арши Аъло

4 Шундан кейин бир қараган эдим, осмонда ланг очиқ бир эшикни кўрдим. Илгари мен билан гаплашган карнай садосига ўхшаш ўша овоз яна эшитилди: “Бу ёққа чиқ, бундан кейин нима юз беришини сенга кўрсатаман”.

2 Шу пайт мен Илоҳий Рухнинг таъсирида қолдим. Бир қарасам, осмонда бир тахт – Арши Аъло турар, унда бир Сиймо ўтирар эди. 3 Ўтирган Сиймо олмос ва лаълга ўхшаш ялтироқ эди. Арши Аъло атрофида зумрадnamо камалак бор эди. 4 Теварақда яна йигирма тўртта тахт турар, бу тахтларда бошларида олтин тож ва оқ кийим кийган йигирма тўрт нафар оқсоқол ўтирар эди. 5 Арши Аълодан чақмоқ чақиб, момақалдиروقнинг гулдираган овози келарди. Арши Аъло олдида Худонинг етти Рухи бўлган еттита машъал ёниб турарди. 6 Арши Аълонинг олд қисмида ойнага ўхшаган, биллурдай денгиз бор эди.

Арши Аълонинг ўрта қисми ва атрофларида тўртта жондор турар эди, уларнинг олди ва орқаси кўзлар билан қопланган эди. 7 Биринчи жондор арслонга, иккинчиси бузоққа ўхшар эди, учинчи жондорнинг юзи одамсимон, тўртинчиси эса учаётган бургутга ўхшар эди. 8 Бу тўрт жондорнинг ҳар бирининг олти қаноти бор эди. Улар ичинташин, ҳар тарафлама кўзлар билан қопланган эди. Кечасию кундузи улар тинмай шу сўзларни такрорлайди:

“Азалдан бор бўлган, ҳозир бор, Келажакда ҳам бор бўлғуси Сарвари коинот, Тангри Таоло Муқаддас, муқаддас, муқаддасдир!” 9 Жондорлар Арши Аълода ўтирган, то абад барҳаёт Сиймога иззат-икром ва шукроналар қилиши билан, 10 йигирма тўрт нафар оқсоқол тахтдаги то абад барҳаёт Сиймо олдида ерга ясланиб, сажда қилиб, тожларини тахт олдида ташлаб, шундай дейдилар:

11 “Ё Раббимиз, ё Худойимиз! Сен шон-шуҳрат, иззат-икром, Куч-қудратни эгаллашга лойиқсан. Зеро Сен бутун борлиқни яратдинг, Ҳамма нарса Сенинг ироданг ила вужудга келди”.

### Муҳрли китоб ва Кўзи

5 Арши Аълода ўтирган Сиймонинг ўнг қўлида ичи ҳам, таши ҳам ёзувдан иборат, еттита муҳр билан муҳрланган бир китоб кўрдим. 2 Кучли бир фаришта баланд овоз билан: “Китобни очишга ва унинг муҳрларини ечишга ким лойиқ?” – дея эълон қилаётганини кўрдим. 3 Бироқ на осмонда, на ер юзида, на ер остида китобни оча оладиган ёки ичига назар сола оладиган бирор кимса йўқ



эди. <sup>4</sup> Китобни очиб ўқишга ёки ҳатто ичига назар солишга ҳам лойиқ бирор кимса топилмаганлигидан, мен кўп йиғладим. <sup>5</sup> Шунда оқсоқоллардан бири менга: “Йиғлама! – деди. – Мана, Яҳудо қабиласидан бўлган Арслон, Довуд зотидан бўлган Фолиб китобни очиб, етти муҳрни ечишга қодир”.

<sup>6</sup> Тўрт жондор ва оқсоқоллар қуршаб олган Арши Аълонинг ўртасида бўғизланган каби бир Қўзи турганини кўрдим. Қўзининг етти шохи ва етти кўзи бор эди; булар Худонинг ер юзига юборган етти Руҳидир. <sup>7</sup> Қўзи келиб, Арши Аълода ўтирган Сиймонинг ўнг қўлидан китобни олди. <sup>8</sup> У китобни олганда, тўрт жондор ва йигирма тўрт оқсоқол Қўзининг олдида ерга юз тубан йиқилишди. Ҳар бирининг қўлида бир чанг ва хушбўй тутатқиларга тўла олтин косалар бор эди. Хушбўй тутатқилар – азизларнинг дуою ибодатлари демақдир. <sup>9</sup> Улар қўйидагича янги қўшиқ айтишар эди:

“Сен китобни олишга,  
Унинг муҳрларини ечишга лойиқсан!  
Чунки Сен бўғизланган эдинг,  
Ўз қонинг эвазига ҳар бир қабила, тил, халқ ва миллатдан

Худо учун одамларни қўлга киритдинг.

<sup>10</sup> Бизни Худойимизга шоҳлар ва руҳонийлар қилдинг,

Бизлар ер юзида ҳукм суражакмиз”.

<sup>11</sup> Кейин Арши Аъло, жондорлар ва оқсоқолларнинг атрофида кўп фаришталарни кўрдим, уларнинг овозларини эшитдим. Уларнинг саноғига етиб бўлмас, минг-минглаб, лак-лак эдилар. <sup>12</sup> Улар баланд овоз билан дердилар:

“Бўғизланган Қўзи куч-қудрат, бойлик,  
Донишмандлик, салтанат, шуҳрату шавкат,  
Ҳамду саноларга сазовордир!”

<sup>13</sup> Қўкдаю ердаги, ер остидаги, денгиз юзидаги ва ичидаги ҳар бир махлуқот, ҳар бир мавжудотнинг шундай деганини эшитдим:

“Арши аълода ўтирган Худо ва Қўзи  
Абадулабад ҳамду санолар, шон-шуҳратлар,  
Иззат-икром ва салтанатга сазовордир!”

<sup>14</sup> Тўрт жондор: “Омин!” – дедилар. Йигирма тўрт оқсоқол эса юз тубан йиқилиб, [илалабад барҳаёт Бўлганга] сажда қилдилар.

#### Дастлабки олти муҳрни бузиш

**6** Кейин мен Қўзининг етти муҳрдан бирини бузганини кўрдим. Ўша пайтда тўрт жондордан бири момақалди роққа ўхшаш овоз билан: “Чиқиб қарагин!” – деганини эшитдим. <sup>2</sup> Мен бир қарасам, бир оқ отни, устида камалаги бор суворини кўрдим. Унга бир тож берилди. У фолибларча йўлга отланди, яна ғалаба қозонишга чиқди.

<sup>3</sup> Қўзи иккинчи муҳрни бузганда, иккинчи жондор: “Чиқиб қарагин!” – деганини эшитдим.

<sup>4</sup> Шу пайт бошқа жийрон от чиқиб қолди. Отлиққа катта қилич – инсонлар бир-бирини золимларча

ўлдириши учун дунёдан тинчликни олиш қудрати берилди.

<sup>5</sup> Қўзи учинчи муҳрни бузганда, учинчи жондор: “Чиқиб қарагин!” – деганини эшитдим. Бир қарасам, қора бир от чиқаётганини кўрдим. Отлиқнинг қўлида тарози бор эди. <sup>6</sup> Мен тўрт жондорнинг орасидан шундай бир овоз эшитгандай бўлдим: “Бир тоғора буғдой бир кумуш тангага †, уч тоғора арпа бир кумуш тангага. Аммо зайтун ёғи ва шаробга зарар етказма!”

<sup>7</sup> Қўзи тўртинчи муҳрни бузганда, “Чиқиб қарагин!” деган тўртинчи жондорнинг овозини эшитдим. <sup>8</sup> Бир қарасам, бир саман от чиқаётган экан. Отга минган суворининг номи Ўлим эди. Тамуф †† унинг кетидан келаётган эди. Уларга қилич билан, қаҳатчилик ва ўлат билан, ернинг ваҳший ҳайвонлари билан одамларни қириш учун ернинг тўртдан бир қисми устидан ҳокимлик берилди.

<sup>9</sup> Қўзи бешинчи муҳрни бузганда, Худонинг каломи ва берган шаҳодатлари туфайли шахид бўлганларнинг жонларини қурбонгоҳ поясида кўрдим. <sup>10</sup> Баланд овоз билан фарёд қилиб шундай дердилар: “Эй муқаддас ва ҳаққоний Хукмдор, қачонгача ҳукм этмай ва дунёда яшаётганлардан қонимизнинг интиқомини олмай турасан?”

<sup>11</sup> Уларнинг ҳар бирига оқ либос берилди. Ўзлари каби ўлдириладиган ҳамкор ва биродарлари сони тўлмагунга қадар, қисқа бир муддат тинч қолишлари уларга айтилди.

<sup>12</sup> Қўзи олтинчи муҳрни бузганда, қарасам, буюк зилзила бўлаётганини кўрдим. Қуёш худди қора хирқага буркангандек қоронғилашди, ой эса лахта қонга айланди. <sup>13</sup> Кучли шамол анжир дарахтини силкитганда хом анжирлар ерга қандай тўкилса, осмондаги юлдузлар ҳам худди шундай ер юзига тўкилди. <sup>14</sup> Осмон дафтардай ўралиб, йўқолиб кетди. Ҳар бир тоғ ва орол жойидан силжиди.

<sup>15</sup> Дунёнинг шоҳларию мансабдорлари, бойлари, мингбошилари, зўравонлари, эркину тутқинлар – бари ғорларга ва тоғларнинг қоялари орасига яшириндилар. <sup>16</sup> Улар тоғу қояларга: “Устимизга қуланг, тахтда ўтирган Сиймодан ва Қўзининг ғазабидан бизни асранг! <sup>17</sup> Унинг буюк қаҳр-ғазаб куни келди-ку! Унга ким бардош бера олади?!” – деб ёлворар эдилар.

#### Муҳрланган 144000 киши

**7** Шундан кейин ер юзининг тўрт бурчагида турган тўрт нафар фариштани кўрдим. Ел эсиб, ерга ҳам, денгизга ҳам, бирон дарахтга ҳам тегмасин деб, улар ер юзининг тўрт шамолини ушлаб турар эдилар. <sup>2</sup> Сўнгра мен барҳаёт Худонинг муҳрини ушлаб турган, кунчиқардан чиқаётган бошқа бир фариштани кўрдим. У ерга ва денгизга зарар етказиш учун қудрат олган тўртта фариштага

† КУМУШ ТАҒА: юнонча “динор” – тақрибан бир кунлик иш ҳақи; кўрсатилган нархлар оғир қаҳатчилик даврини билдиради. †† ТАМУФ: юнонча “ҳадес”; луғатга қаранг.

баланд овоз билан хитоб қилди: <sup>3</sup> “Худойимизнинг қуллари пешаналарига муҳр босмагунимизча, на ерга, на денгизга, на дарахтларга бирон зарар етказманглар!”

<sup>4</sup> Мен муҳрланган кишиларнинг сонини эшитдим. Бани Исроил қабилаларининг барчасидан юз қирқ тўрт минг киши муҳрланган эди:

<sup>5</sup> Яхудо қабиласидан ўн икки минг киши муҳрланган эди.

Рубен қабиласидан ўн икки минг,

Гад қабиласидан ўн икки минг,

<sup>6</sup> Ошер қабиласидан ўн икки минг,

Нафтоли қабиласидан ўн икки минг,

Манаше қабиласидан ўн икки минг,

<sup>7</sup> Шимъўн қабиласидан ўн икки минг,

Левий қабиласидан ўн икки минг,

Иссохор қабиласидан ўн икки минг,

<sup>8</sup> Завулун қабиласидан ўн икки минг,

Юсуф қабиласидан ўн икки минг,

Бенямин қабиласидан ўн икки минг киши

муҳрланган эди.

### Оқ кийимли оломон

<sup>9</sup> Шундан кейин қарасам, ҳар хил миллатдан, барча қабилалар, халқлар ва тиллардан бўлган, унинг ҳисобига етиб бўлмайдиган даражада улкан бир оломон Арши Аъло олдида, Қўзининг хузурида турарди. Ҳаммаси оқ либос кийиб, қўлларида хурмо новдасини тутар эдилар. <sup>10</sup> Улар баланд овоз билан: “Нажоткорлик тахтда ўтирган Худойимизга ва Қўзига хосдир!” – деб хитоб қилишар эди.

<sup>11</sup> Ҳамма фаришталар тахт, оқсоқоллар ва тўрт жондорнинг атрофида турар эдилар. Тахтнинг олдида ўзларини юз тубан ерга ташлаб, Худога сажда қилиб, бундай айтишар эди:

<sup>12</sup> “Омин!

Ҳамду санолар, шон-шухрат, донишмандлик, Шукронаю шарафлар, қудрат ва салтанат Абадулабад бизнинг Худойимизга хосдир! Омин”.

<sup>13</sup> Оқсоқоллардан бири гап бошлаб мендан сўради:

– Оқ либос кийган бу одамлар ким, улар қаердан келганлар?

<sup>14</sup> – Эй тақсир, буни сиз биласиз, – дедим мен. У менга шундай айтди:

– Булар буюк қайғудан ўтиб чиққанлар. Либосларини ювиб, Қўзининг қони билан оқартирганлар. <sup>15</sup> Шунинг учун улар Худонинг тахти олдида турадилар ва Унинг маъбадида кеча-кундуз хизмат қиладилар. Тахтда ўтирган эса чодирини уларнинг устига қуради. <sup>16</sup> Улар бошқа оч қолмайдилар ҳам, чанқамайдилар ҳам. Энди на қуёш, на бирон-бир жазирама уларни қизитмайди.

<sup>17</sup> Чунки тахт ўртасидаги Қўзи уларни боқади, оби ҳаёт булоқларига олиб боради. Худо уларнинг кўз ёшларини бутунлай артиб юборади.

### Еттинчи муҳрни бузиш

**8** Қўзи еттинчи муҳрни бузганда, осмон ярим соатча сукунатда қолди. <sup>2</sup> Мен Худонинг хузурида турган етти фариштани кўрдим. Уларга еттита карнай берилди.

<sup>3</sup> Бошқа бир фаришта келиб, қурбонгоҳнинг олдида турди. Унинг қўлида хушбўй тутатқилар тутатишга мосланган олтин идиш бор эди. Арши Аъло олдидаги олтин қурбонгоҳ устида бағишласин деб, барча азизларнинг ибодатлари билан қориштириш учун унга кўп хушбўй тутатқилар берилди. <sup>4</sup> Азизларнинг ибодатлари билан тутатқиларнинг тутуни фариштанинг қўлидан Худонинг олдида кўтарилди. <sup>5</sup> Фаришта тутатқи тутатаётган идишни олди-ю, уни қурбонгоҳдаги оташ билан тўлдириб, ер юзига улоқтириб юборди. Ўшанда гулдурос садолари янграб, яшинлар чақнаб, зилзила бошланди.

### Етти охирзамон карнайи

<sup>6</sup> Кейин қўлларида етти карнай тутган етти фаришта карнай чалишга чоғландилар.

<sup>7</sup> Биринчи фаришта карнай чалди. Қон аралаш дўл ва оташ пайдо бўлди ва ер юзига ёғдирилди. Ернинг учдан бири, дарахтларнинг учдан бири ва бутун ўт-ўланлар ёниб кетди.

<sup>8</sup> Иккинчи фаришта карнай чалди. Худди ловуллаб ёнаётган катта тоғ денгизнинг ичига отилгандай бўлди ва денгизнинг учдан бири қонга айланди. <sup>9</sup> Денгиздаги жонли махлуқларнинг учдан бир қисми ўлди ва кемаларнинг учдан бир қисми нобуд бўлди.

<sup>10</sup> Учинчи фаришта карнай чалди. Осмондан машъал бўлиб ёнаётган улкан бир юлдуз дарёларнинг учдан бирига, шунингдек, сув булоқларига тушди. <sup>11</sup> Бу юлдузнинг оти Эрман эди. Сувларнинг учдан бир қисми эрманга айланди, шундай тахирлашиб кетган сувдан ичиб кўп одамлар ўлди.

<sup>12</sup> Тўртинчи фаришта карнай чалди. Куёшнинг учдан бири, ойнинг учдан бири ва юлдузларнинг учдан бири зарарланди. Натижада уларнинг учдан бир қисми қоронғилашди, кундузнинг ҳам, туннинг ҳам учдан бир қисми ёруғсиз қолди.

<sup>13</sup> Кейин қарасам, осмоннинг ўртасида учиб бораётган бир бургут † баланд овоз билан шундай деганини эшитдим: “Карнайларини чаладиган бошқа учта фариштанинг карнай садосидан ер юзида яшаётганларнинг ҳолига вой, вой, вой!”

### Бешинчи карнай: тубсизлик қаъридан чиққан чигирткалар

**9** Бешинчи фаришта карнай чалди. Осмондан ерга тушган бир юлдузни кўрдим. Унга тубсизлик қаърининг калити берилган эди. <sup>2</sup> У

† Бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “фаришта”.

тубсизлик қаърининг қулфини очди. Тубсизлик қаъридан катта ўчоқдан ўрлаётган дудга ўхшаш тутунлар чиқди. Тубсизлик қаъридан ўрлаётган тутундан қуёш ва ҳаво қоронғилашиб кетди.

<sup>3</sup> Тутундан чигирткалар чиқиб, ер юзига тарқалди. Уларга ер юзидаги чаёнларнинг кучига ўхшаш бир куч берилган эди. <sup>4</sup> Чигирткаларга ер юзидаги ўт-ўланларга ҳам, биронта кўкаламзор ёки дарахтга ҳам тегманглар, фақат пешаналарида Худонинг муҳри бўлмаган одамларгагина зарар етказинглар, деб буюрилди. <sup>5</sup> Чигирткаларга одамларни ўлдиришга эмас, фақат уларга беш ой азоб беришга рухсат этилди. Улар берган азоб эса чаён инсонни чаққандаги азобдай эди. <sup>6</sup> Бу ҳодиса содир бўладиган кунларда инсонлар ўлимни излайдилар, аммо уни топа олмайдилар. Улимни истаб қоладилар, аммо ўлим улардан қочади.

<sup>7</sup> Чигирткаларнинг кўриниши жангга шайланган отларга ўхшар эди. Уларнинг бошида олтин тожга ўхшаш буюмлар бор, юзлари эса одамсимон эди. <sup>8</sup> Сочлари аёллар сочига, тишлари эса арслон тишига ўхшар эди. <sup>9</sup> Кўкраклари худди темир зирхдай, қанотларининг товуши эса урушга елиб бораётган тумонат отлару жанг араваларининг товушини эслатар эди. <sup>10</sup> Чаёнларга ўхшаш думлари ва нишлари бор эди. Инсонларга беш ой зарар етказиш учун олган қудратлари ўша думларида эди. <sup>11</sup> Уларнинг устида тубсизлик қаърининг фариштаси ҳукмронлик қилади. Бу фариштанинг оти яхудийча Абаддўн, юнонча Аполлион † демақдир.

<sup>12</sup> Биринчи “вой” ўтди, мана бундан кейин яна иккита “вой” бор.

### Олтинчи карнай: отлиқ кўшинлар

<sup>13</sup> Олтинчи фаришта карнай чалди. Худо ҳузуридаги олтин қурбонгоҳнинг тўртта шохи томондан бир овоз эшитдим. <sup>14</sup> Бу овоз кўлида карнай бўлган олтинчи фариштага: “Буюк Фрот дарёси бўйида боғлаб қўйилган тўрт фариштани ечиб юбор!” – деди.

<sup>15</sup> Инсонларнинг учдан бирини ўлдирсин деб, ўша соат, ўша кун, ўша ой ва ўша йил учун ҳозир турган тўртта фаришта бўшатиб юборилди. <sup>16</sup> Отлиқ кўшинлар сони икки юз миллион эди, мен уларнинг сонини эшитдим. <sup>17</sup> Мен ваҳийда отлар билан сувориларни бундай ҳолатда кўрдим: уларнинг олов, ложувард ва олтингургурт рангли зирхлари бор эди. Отларнинг боши арслон бошига ўхшар, оғизларидан олов, тутун ва олтингургурт чиқиб турар эди. <sup>18</sup> Инсониятнинг учдан бири бу уч балодан – отлар оғзидан чиқаётган олов, тутун ва олтингургуртдан ўлди. <sup>19</sup> Чунки отларнинг кучи оғзи ва думларидадир. Думларида илонга ўхшаган бошлари бор, бу бошлари билан зарар етказадилар.

† АБАДДЎН...АПОЛЛИОН: иккови ҳам “ҳалокат”, “ҳалок қилувчи” демақдир; яна қаранг: Завур 87:12-13.

<sup>20</sup> Бу балолардан омон қолган инсонлар эса ўз қилмишларидан тавба қилмадилар. Жинларга бош эгишдан, кўролмайдиган, эшитолмайдиган, юролмайдиган олтин, кумуш, мис, тош ва ёғоч бутларга сажда қилишдан воз кечмадилар.

<sup>21</sup> Ўзларининг қотиллик, жодугарлик, зинокорлик ва ўғриликларидан ҳам тавба қилмадилар.

### Фаришта ва китобча

**10** Мен осмондан тушаётган, булутга бурканган кучли бошқа бир фариштани ҳам кўрдим. Унинг боши узра камалак бор эди. Юзи қуёшдай ялтирар, оёқлари олов устунларидай ловуллаб турар эди. <sup>2</sup> Унинг кўлида очилган бир китобча бор эди. У ўнг оёғини денгиз устига, чап оёғини эса ер юзига қўйганича, <sup>3</sup> арслон бўкиргандай кучли овоз билан ҳайқирди. У ҳайқирган маҳалда еттита момақалдироқ ҳам ўз товушлари билан гапга кирди. <sup>4</sup> Еттита момақалдироқ ўзича гапира бошлаганда, мен ёзмоқчи бўлдим. Лекин осмондан:

– Еттита момақалдироқнинг гапларини ёзма, муҳрлаб сир сақла! – деган товуш эшитдим.

<sup>5</sup> Денгиз ва ер юзида турган, мен кўрган фаришта ўнг кўлини осмонга кўтарди. <sup>6</sup> Осмон ва ундаги борлиқни, ер ва устидаги борлиқни, денгиз ва ичидаги борлиқни яратган, абадулабад барҳаёт бўлган Парвардигор ҳақи қасам ичиб, фаришта деди:

– Энди муҳлат узаймайди. <sup>7</sup> Мана, еттинчи фаришта карнай чалиб овоз берадиган кунларда, Худо Ўз қуллари – пайғамбарларга маълум қилган Ўзининг сирли мурод-мақсадини буткул амалга оширгай.

<sup>8</sup> Осмондан эшитилган овоз менга яна гапириб:

– Бор, денгиз ва ер устида турган фариштанинг кўлидаги очиқ китобчани ол, – деди. <sup>9</sup> Мен фариштанинг ёнига бориб:

– Китобчани менга бергил, – дедим. Фаришта менга:

– Китобчани олиб, уни егин! Қорнингда бир тахирлик ҳосил қилади, аммо оғзинг асалдай ширин бўлади, – деди.

<sup>10</sup> Мен китобчани фариштанинг кўлидан олиб едим. Оғзим асалдек ширин бўлди. Аммо уни еганимдан кейин қорним ачишиб кетди. <sup>11</sup> Сўнгра фаришта менга:

– Сен яна кўп халқлар, миллатлар, тиллар ва подшоҳлар ҳақида башорат қилишинг керак, – деди.

### Икки охирзамон шоҳиди

**11** Менга ҳассага ўхшаш бир қамиш берилиб, шундай дейилди: “Тур, Худонинг маъбадини ва қурбонгоҳни ўлчаб чиқ, унда сажда қилувчиларни санаб чиқ. <sup>2</sup> Лекин маъбаднинг ташқарисидаги ҳовлини қолдир, уни ўлчама. Чунки

у ер мажусийларга берилган. Улар табаррук шаҳарни қирқ икки ой оёқ ости қиладилар. <sup>3</sup> Мен икки шоҳидимга қудрат бераман, улар жул <sup>†</sup> кийган ҳолда бир минг икки юз олтмиш кун пайғамбарлик қиладилар”.

<sup>4</sup> Булар дунёнинг Рабби олдида туражак иккита зайтун дарахти ва иккита машъалдир. <sup>5</sup> Агар ким уларга озор бермоқчи бўлса, оғизларидан ўт чиқиб, душманларини еб битиради. Уларга озор беришни истаган шундай ўлдирилиши керак. <sup>6</sup> Улар пайғамбарлик қиладиган кунларда ерга ёмғир ёғмасин, деб кўк юзини боғлаш қудратига эгадирлар. Улар сувни қонга айлантириш ва ер юзини истаган вақтида турли балою офатларга йўлиқтириш қудратига эгадир.

<sup>7</sup> Улар шаҳодат бериб бўлгандан кейин, тубсизлик қаъридан чиққан ваҳший ҳайвон улар билан жанг қилади, уларни енгади ва ўлдиради. <sup>8</sup> Уларнинг жасадлари буюк шаҳарнинг майдонига ташланиб қолади. Бизнинг Раббимиз ҳам ўша шаҳарда хочга миҳланган эди, унинг рамзий номи Садўм <sup>††</sup> ва Мисрдир <sup>‡</sup>. <sup>9</sup> Барча халқлардан, қабилалардан, турли тил ва миллатлардан бўлган одамлар уч ярим кун уларнинг жасадларига кўз олайтириб, дафн этишга рухсат беришмайди. <sup>10</sup> Ер юзида яшаётганлар бундан севиниб хурсандчилик қилишади ва бир-бирларига ҳадялар юборишади. Чунки иккала пайғамбар ер юзида яшовчиларга кўп азоб берган эдилар.

<sup>11</sup> Уч ярим кундан кейин икки пайғамбарнинг вужудига Худодан ҳаёт руҳи кирди ва улар оёққа турдилар. Уларни кўрганларга қаттиқ даҳшат тушди. <sup>12</sup> Икки пайғамбар самодан келган баланд бир овознинг: “Бу ёққа чиқинглар!” – деганини эшитиб, душманларининг кўз ўнгида булут ичида осмонга кўтарилишди. <sup>13</sup> Уша заҳоти шиддатли бир зилзила юз берди ва шаҳарнинг ўндан бир қисми қулади. Зилзилада етти минг киши нобуд бўлди. Қолганлари эса даҳшатда қолиб, самодаги Худога ҳамду сано айтишди.

<sup>14</sup> Иккинчи “вой” ўтди. Мана, учинчи “вой” тез яқинлашяпти.

#### Еттинчи карнай: самодаги ҳамду сано

<sup>15</sup> Еттинчи фаришта карнай чалди. Осмонда баланд овозлар янгради:

“Бу дунёнинг ҳукмронлиги Худовандимизга Ва Унинг Масиҳига ўтди энди.

У абадулабад ҳукмронлик қилади”.

<sup>16</sup> Сўнг Худонинг ҳузурида тахтларида ўтирган йигирма тўрт нафар оқсоқол юз тубан ерга ташландилар ва Худога сажда қилиб дедилар:

<sup>17</sup> “Ё Раббий, Тангри Таоло,

<sup>†</sup> ЖУЛ: мотам аломати ва пайғамбар қиёфаси; яна қаранг: Матто 11:21, Ибтидо 37:34, Забур 68:12. <sup>††</sup> САДЎМ: Худо элчиларига ваҳшат қилган қадимий шаҳар; қаранг: Ибтидо 19-боб. <sup>‡</sup> МИСР: Худо халқини асир қилган мамлакат; иккови Худосиз халқ шоҳликларининг рамзи.

Ҳар нарсага қодир Сарвари коинот!

Ҳозир борсан, илгари бўлгансан.

Келажакда ҳам бор бўлажаксан.

Биз Сенга шукрлар қиламиз.

Сен буюк қудратингни амалга ошириб,

Шоҳ ўрнини эгалладинг.

<sup>18</sup> Элу халқлар ғазабланган эди,

Сен ҳам ғазабга миндинг.

Ана, ўликларни ҳукм қилиш вақт-соати келди,

Қулларинг – пайғамбарлар ва азизларинг

Ҳамда Сендан кўрққан каттаю кичикларни

Ўз қилмишларига яраша тақдирлаш вақт-соати келди,

Ер юзини хароб қилувчиларни хароб қилиш вақт-соати келди!”

<sup>19</sup> Кейин Худонинг осмондаги маъбади очилди.

Маъбадда Унинг Аҳд Сандиғи <sup>††</sup> кўринди. Ўшанда

чақмоқ чақиб, момақалди роқ садолари янгради,

зилзила бошланди, шиддатли дўл ёғди.

#### Туққан аёл ва аждаҳо

**12** Осмонда ажойиб бир аломат – қуёшга бурканган бир аёл пайдо бўлди. Унинг оёқлари остида ой ва бошида ўн икки юлдузли тож бор эди. <sup>2</sup> Аёл ҳомиладор бўлиб, уни тўлғоқ тутар, дард билан бақирар эди.

<sup>3</sup> Сўнгра осмонда бошқа бир аломат кўринди: етти бошли, ўнта шохли, етти бошига етти тож кийган улкан қизил аждаҳо пайдо бўлди. <sup>4</sup> У думи билан осмондаги юлдузларнинг учдан бирини сидириб, ерга улоқтирди. Кейин аждаҳо туғаётган аёлнинг чақалоғини ютиб юбориш учун унинг олдида кутиб турди. <sup>5</sup> Аёл ўғил туғди. Ўғлон Худонинг ҳузурига, Арши Аълога келтирилди, чунки у барча халқларни темир ҳасса билан боқиши керак. <sup>6</sup> Аёл эса чўл томон, Худо махсус ҳозирлаган жойга қочиб кетди. У ерда у бир минг икки юз олтмиш кун боқилиши лозим.

<sup>7</sup> Осмонда жанг бўлди. Микоил <sup>††</sup> ва унинг фаришталари аждаҳога қарши уришдилар. Аждаҳо ҳам ўзининг фаришталари билан урушга тушди. <sup>8</sup> Аммо аждаҳо ғолиб келмади. Осмонда уларга бошқа жой қолмади. <sup>9</sup> Улкан аждаҳо – иблис ва шайтон деб аталган, бутун дунёни алдаб йўлдан оздираётган ўша алмисоқ илон ўз фаришталари билан бирга ер юзига отилди.

<sup>10</sup> Ўшанда самодан баланд овоз билан айтилган бу сўзларни эшитдим:

“Энди Худойимиз нажоткорлиги, қудрати, салтанати

Ҳамда Унинг Масиҳи ҳукмронлиги ўрнатилди.

Энди биродарларимизнинг туҳматчиси,

Худойимиз ҳузурида уларга кеча-кундуз туҳмат

қилаётган иблис ташқарига отилди.

<sup>11</sup> Улар Қўзининг қони шарофати билан ва

<sup>††</sup> АҲД САНДИҒИ: луғатга қаранг. <sup>†††</sup> МИКОИЛ: Худо халқини кўриқловчи кучли бош фаришта; қаранг: Яхудо 9-боб (Таврот, Дониэл 10:10-21).

Ўзларининг шаҳодат каломи билан уни енгдилар.  
Улар ўз жонларини то ўлгунча севмаган эдилар.

<sup>12</sup> Шодланинг, эй осмону фалак ва унда яшовчилар!

Аммо ер ва денгизнинг ҳолига вой!  
Зеро иблис вақт оз қолганини билиб,  
Мудҳиш қаҳр-ғазаб ила сизнинг олдингизга тушди”.

<sup>13</sup> Аждаҳо ўзининг ер юзига отилганини кўргач,  
ўғил бола туққан аёлни таъқиб қила бошлади.

<sup>14</sup> Аёл илон олдидан чўл томон қочиб кетди, ўз жойига учиб бориши учун унга катта бургутнинг икки қаноти берилди. Ўша ерда у уч ярим йил † боқилиши лозим. <sup>15</sup> Илон эса, уни сел олиб кетсин деб, аёлнинг кетидан қувиб, оғзидан дарёдай сув тўқди. <sup>16</sup> Аммо ер хотинга ёрдам берди; ер оғзини очиб, аждаҳо қуйиб юборган дарёни ютиб юборди.

<sup>17</sup> Аждаҳо аёлга қарши дарғазаб бўлди. У аёл наслидан омон қолганлар билан, яъни Худонинг амрини сақлаган ва Исо Масихнинг шаҳодатига содиқ қолганлар билан жанг қилгани чиқди.

### Денгиздан чиққан ҳайвон

**13** Мен денгиз соҳилидаги қумлоқ устида турган эдим. Тўсатдан етти бошли, ўнта шохли бир ҳайвон денгиздан чиқаётганини кўриб қолдим. Шохларида ўнта тож бор эди, бошларида эса куфрона номлар ёзилган эди. <sup>2</sup> Мен кўрган ҳайвон қоплонга ўхшар эди. Оёқлари айиқнинг оёғига, оғзи эса арслоннинг оғзига ўхшар эди. Аждаҳо унга ўз қудрати, тахти ва буюк иқтидорини берди. <sup>3</sup> Мен ҳайвоннинг бошларидан бирини ўлар ҳолатда яраланган тахлитда кўрдим. У ўлай деганда, яраси соғайиб қолди. Шунда бутун жаҳон ҳайвоннинг кетидан бақрайиб, донг қотиб қолди, ҳайвонга бундай иқтидор берган аждаҳога сажда қилишди. <sup>4</sup> Одамлар: “Бу ҳайвонга ўхшаган яна ким бор экан? У билан ким уриша олар экан?” – деб ҳайвонга ҳам сажда қилишди.

<sup>5</sup> Ҳайвонга такаббуруна ва куфрона сўзлар сочадиган оғиз берилди, у қирқ икки ой давомида бу иқтидорини амалда кўрсатди. <sup>6</sup> Худога қарши куфр айтиш, Унинг номи ва макони ҳамда осмонда яшовчиларга қарши куфрлар ёғдириш учун ҳайвон оғзини очди. <sup>7</sup> Унга Худо азизлари билан уришиш ҳамда уларни енгилга рухсат берилди. Унга ҳар бир қабила, халқ, тил ва миллат устидан ҳокимлик қилиш иқтидори берилди.

<sup>8</sup> Ер юзиде яшаётганларнинг ҳаммаси ҳайвонга сажда қилишади, фақат дунё яратилганидан бери бўғизланган Кўзининг ҳаёт китобига исми қайд бўлганлар бундан истиснодир.

<sup>9</sup> Қулоғи бор киши қулоқ солсин! <sup>10</sup> Кимки асирликка олиб борса, ўзи асирликка тушар.

† Уч ЯРИМ ЙИЛ: юнонча “бир муддат, муддатлар ва ярим муддат” (айнан Дониэл 7:25, 12:7). Бу ибора илгарироқ 42 ой ва 1260 кун деб белгиланган муддатга тўғри келса керак (қаранг: 11:2-3, 12:6); мусибат муддати чекланганини билдиради.

Кимки қиличдан ўтказса, ўзи қиличдан ўтар.  
Бунда Худо азизларининг сабру имони даркор.

### Ердан чиққан ҳайвон

<sup>11</sup> Бундан сўнг мен ердан чиқаётган бошқа бир ҳайвонни кўрдим. Кўзи каби иккита шохи бор эди ва аждаҳо каби гапирарди. <sup>12</sup> У биринчи ҳайвоннинг бутун иқтидори билан унинг олдида амал қиларди. Ҳайвон бутун ер юзини ва унда яшовчиларни ўлар ҳолатдаги яраси соғайган биринчи ҳайвонга сажда қилишга мажбур қилди.

<sup>13</sup> У инсонлар олдида ҳатто осмондан ерга олов туширишга қадар ажойиб мўъжизалар яратди.

<sup>14</sup> Биринчи ҳайвон олдида қилиши учун унга берилган мўъжизакорлик қудрати билан у ер юзиде яшаётганларни алдаб йўлдан оздирди. У одамларга қиличдан яраланиб, бироқ соғ қолган биринчи ҳайвоннинг тасвирини қилишни буюрди.

<sup>15</sup> Унга ҳайвоннинг тасвирига руҳ киритиш учун қудрат берилди. Ҳайвон тасвири тилга кирди ва ўзига сажда қилмаганларнинг ҳаммасини ўлдиришни буюрди. <sup>16</sup> У ҳамманинг – каттау кичикнинг, бою камбағалнинг, эркину тутқиннинг ўнг қўли ёки пешанасига тамға босилсин, деб фармон чиқарди. <sup>17</sup> Шундай қилиб, ким ҳайвоннинг тамғаси, яъни унинг оти ёки отининг сонига эга бўлмаса, мутлақо олди-сотди қилолмас эди.

<sup>18</sup> Бунда ҳикмат бор. Ақли етган киши ҳайвоннинг сонини ҳисоблаб чиқсин, чунки бу сон – инсоннинг сонидир. Унинг сони олти юз олтмиш олтидир.

### Кўзи ва 144000 киши

**14** Мен қарадим-у, Сион тоғида Кўзи турганини кўрдим. Кўзи билан бирга пешанасида Унинг ва Отасининг исми ёзилган юз қирқ тўрт минг киши бор эди. <sup>2</sup> Осмондан кўп сувларнинг шов-шувидай, гумбурлаган момақалди роқ товушидай бир товуш янграр эди. Мен эшитган бу товуш худди чанг чалаётган чолғучилар чиқарадиган садони эслатарди. <sup>3</sup> Ўша бир юз қирқ тўрт минг киши Арши Аъло олдида, тўртта жондор ва оқсоқоллар олдида янги бир куй куйлар эдилар. Ер юзидан сотиб олинган † бу юз қирқ тўрт минг кишидан бошқа ҳеч ким бу куйни ўргана олмас эди. <sup>4</sup> Булар ўзларини хотинлар билан булғатмаган маъсум кишилардир. Булар Кўзи қаёққа кетса, Унинг орқасидан кетган кишилардир. Булар Худо ва Кўзига тўнғич бўлгудек, инсонлар орасидан сотиб олинганлар. <sup>5</sup> Уларнинг тилида ёлғон-макр йўқ, [Худонинг тахти олдида] улар бенуқсондир.

†† СОТИБ ОЛИНГАН: яъни Масихнинг қурбонлигига ишониб, Унинг қони эвазига гуноҳдан фориғ бўлиб қутулганлар; яна қаранг: 5:9, Юҳанно 1:29, 1-Бутрус 1:19, Ибронийлар 9:12-14.

## Уч фариштанинг хабари

<sup>6</sup> Шундан кейин осмон ўртасидан учиб бораётган бошқа бир фариштани кўрдим. Бу фаришта ер юзида яшовчи ҳар бир миллат ва қабилага, ҳар қандай тил ва халққа абадий Мужда келтираётган эди. <sup>7</sup> У баланд овоз билан шундай деди:

“Худодан кўрқинг, Уни улуғланг!

Унинг ҳукм қилиш вақт-соати келди.

Еру кўкни, денгизни, булоқларни Яратганга сажда қилинглр!”

<sup>8</sup> Кейин бошқа бир фаришта учиб келиб, шундай деди:

“Вайрон бўлди!

Вайрон бўлди буюк Бобил шаҳри!

У барча халқларга ичирган эди

Ўзининг қайноқ фаҳшу зино шаробидин”.

<sup>9</sup> Сўнгра учинчи фаришта учиб келиб, баланд овозда шундай деди:

– Кимки ҳайвонга ва унинг тасвирига сажда қилиб, пешанаси ёки қўлига тамға қабул қилса, <sup>10</sup> у Худонинг қаҳр косасида софлаб тайёрланган қайноқ ғазаб шаробини ичади-ю, муқаддас фаришталар ва Қўзи олдида ёнаётган олтингугурт ичида азоб чекади. <sup>11</sup> Улар азобининг дуди абадулабад бурқираб туради. Ҳайвон ва унинг тасвирига сажда қилиб, ҳайвон номли тамғани қабул қилганлар кечаю кундуз тинчлик кўрмайдилар. <sup>12</sup> Бунга Худо амрини сақлаган ва Исога содиқ қолган азизларнинг сабр-тоқати даркор.

<sup>13</sup> Шунда осмондан менга гапираётган бир овозни эшитдим:

– Буни ёзиб ол: Бундан кейин Раббимиз Исо уммати бўлиб дунёдан ўтганлар бахтлидир!

– Ҳа, – дейди Рух, – улар ўз меҳнатларидан тинчисин, уларнинг қилган ишлари ўзларига ҳамроҳдир.

## Ернинг ҳосилини териш

<sup>14</sup> Шундан кейин бир ёруғ булут кўрдим. Булут устида Инсон Ўғлига <sup>†</sup> ўхшаган Сиймо ўтирибди; Унинг бошида олтин тож ва қўлида ўткир ўроқ.

<sup>15</sup> Маъбаддан бошқа бир фаришта чиқиб, булут устида Ўтирганга баланд овоз билан шундай деди: “Ўроғингни ишга солиб ўр, чунки ўрим-йиғим вақти келди. Мана, ернинг ҳосили етилди”. <sup>16</sup> Булут устида Ўтирган ўроғини ерга ташлади, ернинг ҳосили ҳам ўрилди.

<sup>17</sup> Осмондаги маъбаддан бошқа бир фаришта чиқди. Унинг ҳам ўткир ўроғи бор эди. <sup>18</sup> Оловга ҳукмрон яна бошқа бир фаришта эса қурбонгоҳдан чиқиб келди. У ўткир ўроқли фариштага шундай хитоб қилди: “Ўткир ўроғингни ишга сол, ердаги

<sup>†</sup> ИНСОН ЎҒЛИ: Исо Масиҳнинг унвони; луғатга қаранг, яна қаранг: 1:13, Матто 13:36-43.

узум бошларини қирқиб ол, чунки ерда узум пишиб шингил-шингил бўлди”.

<sup>19</sup> Фаришта ўроғини ерга ташлади, ердаги узум бошларини териб, Худонинг катта қаҳр-ғазаб чархига улоқтирди. <sup>20</sup> Чарх шаҳарнинг ташқарисида ишга тушди. Чархдан оқиб чиққан қон дарё бўлиб, бир минг олти юз ўқ отими <sup>††</sup> ергача борди ва отларнинг юганларигача чиқди.

## Етти фаришта ва етти бало

**15** Мен осмонда одатдан ташқари ажойиб бошқа бир аломат кўрдим: қўлида охириги етти бало бор етти фаришта. Ана шу балолар билан Худонинг ғазаби тамом бўлади.

<sup>2</sup> Мен гўё олов аралаш ойнадан ясалган бир денгизни ҳам кўрдим. Ҳайвонга, унинг тасвири, [тамғаси] ҳамда номининг сонига қарши ғалаба қозонганлар Худонинг чанглари кўлга олиб, шу ойна денгизнинг устида турган эдилар. <sup>3</sup> Улар Худо кули Мусонинг куйини <sup>‡</sup> ва Қўзининг куйини куйлаб, шундай дердилар:

“Ё Раббий, Тангри Таоло,

Ҳар нарсага қодир Сарвари коинот!

Сенинг ишларинг буюк ва ажойибдир.

Эй элу халқлар <sup>#</sup> Подшоҳи!

Сенинг йўлларинг тўғри ва ҳақдир.

<sup>4</sup> Эй Худованди карим!

Ким чўчимас экан Сендан?

Ким улуғламас экан исмингни?

Зеро ёлғиз Ўзинг муқаддассан.

Жамики эллар ҳузурингга келиб,

Сенга бош эгиб сажда қилгайлар.

Барчага аён бўлди одил ҳукмларинг”.

<sup>5</sup> Шундан сўнг қарадим-у, самодаги маъбад, яъни Шаҳодат Чодирини <sup>#</sup> очилганини кўрдим. <sup>6</sup> Етти балога ҳоким етти фаришта тоза ва порлоқ зиғир мато кийган ва кўксига олтин камарлар боғлаган ҳолда маъбаддан чиқдилар. <sup>7</sup> Тўрт жондордан бири етти фариштага абадулабад барҳаёт Худонинг ғазаби билан тўлиқ еттита олтин коса берди.

<sup>8</sup> Маъбад Худонинг улуғворлиги ва қудратидан дуд билан тўлиб кетди. Етти фариштанинг етти балоси тамом бўлмагунча, ҳеч ким маъбадга кира олмади.

## Худо ғазабига тўла етти коса

**16** Бундан кейин маъбаддан етти фариштага: “Боринглр, Худонинг ғазаби билан тўлиб-тошган етти косани ерга тўкинглр”, – деган баланд бир овоз эшитдим.

<sup>††</sup> БИР МИНГ ОЛТИ ЮЗ ЎҚ ОТИМИ: юнонча “бир минг олти юз стадия” – тақрибан 200 чақирим (40 карра 40 – 1600, бу сон мазкур даҳшатли жазонинг чексизлиги рамзидир). <sup>‡</sup> МУСОНИНГ КУЙИ: Мусо пайғамбарнинг Худо шаънига айтган нажот таронаси (қаранг: Таврот, Чиқиш 15-боб, Қонунлар 32-боб). <sup>††</sup> ҲАЛҚЛАР: бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “азизлар”. <sup>##</sup> ШАҲОДАТ ЧОДИРИ: яна қаранг: 11:19, Ибронийлар 8:1-6, 9-боб.

<sup>2</sup> Биринчи фаришта бориб косасини ерга тўқди. Ўзида ҳайвоннинг тамғаси бўлган ва унинг тасвирига сажда қилаётган одамларда оғир, жирканч йирингли яралар пайдо бўлди.

<sup>3</sup> Иккинчи фаришта косасини денгизга тўқди. Денгиз ўликнинг қонига ўхшаш бир тус олди ва ичидаги бутун жониворлар ўлди.

<sup>4</sup> Учинчи фаришта косасини дарёларга ва булоқларга тўқди, булар ҳам қонга айланиб кетди.

<sup>5</sup> Сувлар фариштасининг шундай деганини эшитдим:

“Ё Раббий, Сен барҳақсан,  
Ҳозир бор, азалдан бору муқаддассан.  
Сенинг ҳукминг – одил ҳукм.

<sup>6</sup> Азиз-муқаддаслар ва пайғамбарлар қонини тўкканларга

Сен қон ичирдинг, улар бунга лойиқдир”.

<sup>7</sup> Қурбонгоҳ ҳам тилга кириб, шундай деганини эшитдим:

“Ҳа, Раббий, Тангри Таоло,  
Ҳар нарсага қодир Сарвари коинот!  
Сенинг ҳукмларинг одил ва ҳаққонийдир”.

<sup>8</sup> Тўртинчи фаришта ўз косасини қуёш устига тўқди, қуёшга инсонларни ўтдай ёндириш қудрати берилди. <sup>9</sup> Жазирама иссиқ инсонларни қиздирганда, улар бу офатларга ҳукми ўтадиган Худо шаънига ҳамду санолар эмас, ҳақоратлар ёғдирдилар, қилмишларидан тавба қилмадилар.

<sup>10</sup> Бешинчи фаришта косасини ҳайвон тахтига тўкиб юборди, ҳайвоннинг салтанати зимистонга чулғаниб қолди. Одамлар азобдан тилларини тишлади. <sup>11</sup> Азоб ва яра-жароҳатларидан нолиб, осмондаги Худони ҳақорат қилдилар-у, қилмишларидан тавба қилмадилар.

<sup>12</sup> Олтинчи фаришта косасини буюк Фрот дарёси устига тўқди. Кунчиқардан келадиған шоҳларга йўл очилсин деб, дарёнинг суви қуриди.

<sup>13</sup> Бундан кейин аждаҳо, ҳайвон ва сохта пайғамбарнинг оғизларидан чиқаётган қурбақанамо учта ёвуз руҳни кўрдим. <sup>14</sup> Булар ажойибот яратадиган жинларнинг руҳидир. Улар ҳар нарсага қодир Худонинг улуғ кунда бўладиган жангга барча жаҳон шоҳларини тўплаш учун чиқадилар.

<sup>15</sup> “Мана, Мен ўғри каби келяпман!  
Бахтлидир хушёр тортган киши,  
Яланғоч юрмайин, айбим кўринмасин деб  
Кийимини сақлаб турган киши!”

<sup>16</sup> *Руҳлар* шоҳларни яҳудий тилида Ҳор-Магидўн дейилган жойга тўпладилар.

<sup>17</sup> Еттинчи фаришта косасини ҳавога тўқди. Самовий маъбаддаги тахтдан: “Амалга ошди!” – деган баланд бир овоз чиқди. <sup>18</sup> Шу вақт яшинлар чақнаб, овозлар янграб, момақалди роқ гулдиради. Шундай кучли зилзила бўлдики, ер юзида инсон яшагандан бери бу қадар кучли зилзила юз бермаган эди. <sup>19</sup> Улуғ шаҳар уч бўлакка бўлиниб кетди. Мажусийлар шаҳарлари ер билан яксон

бўлди. Худонинг қайноқ қаҳр-ғазаб шароби билан тўлган коса унга берилсин деб, буюк Бобил шаҳри ҳам Худонинг ҳузурида хотирланди. <sup>20</sup> Ҳар бир орол ўрнидан жилди, тоғлар кўздан ғойиб бўлди.

<sup>21</sup> Осмондан ҳар бир донаси ботмон келадиған йирик дўл инсонлар устига ёғилди. Одамлар дўл балосидан Худони ҳақорат қилишарди, чунки бу бало ҳаддан зиёд эди.

### Ҳайвонга минган хотин

**17** Етти косали етти фариштадан бири келиб, менга шундай деди: “Бу ёққа келгин, кўп сувлар бўйида ўтирган буюк фоҳишага чиқарилган ҳукми сенга кўрсатаман. <sup>2</sup> Ер юзи шоҳлари у билан фаҳш қиларди, ер юзида яшаётганлар унинг зино шаробидан маст бўлардилар”.

<sup>3</sup> Бундан кейин фаришта мени Илоҳий Руҳ таъсирида чўлга олиб келди. У ерда етти бошли, ўн шохли, куфрона номлар билан тўлиб-тошган қип-қизил бир ҳайвон устига минган хотинни кўрдим.

<sup>4</sup> Хотин қип-қизил, арғувон кийимда, олтин, жавоҳирот, марваридлар билан безанган эди.

Унинг қўлида ифлосликлар билан, зино ҳаромликлари билан тўлиб-тошган олтин коса бор эди. <sup>5</sup> Хотиннинг пешанасида унинг исми ёзилган эди: “Сир: буюк Бобил – ер юзи фоҳишалари ва ҳаромликлари онасидир”.

<sup>6</sup> Хотин Худо азизлари қонидан, Исо шоҳидлари қонидан маст бўлганини кўрдим. Уни кўриб, ғоят даражада ҳайрон бўлдим.

<sup>7</sup> Фаришта менга деди: “Нима учун ҳайратга тушдинг? Мен сенга хотиннинг ва уни кўтариб юрган етти бошли, ўн шохли ҳайвоннинг сирини айтиб бераман. <sup>8</sup> Ана, сен кўрган ҳайвон бор эди, энди йўқ. У кўп ўтмай тубсизлик қаъридан чиқиб, ҳалокатга йўлиқади. Ер юзида яшаётган ва дунё яратилгандан буён ҳаёт китобига ёзилмаган барча одамлар ҳайвонни кўриб, ҳайрон қоладилар. Чунки у бор эди, ҳозир йўқ, аммо яна келади.

<sup>9</sup> Буни англамоқ учун ўткир ақлу идрок даркор. Етти бош – хотин устида ўтирган етти тоғдир. <sup>10</sup> Шу билан бирга етти подшоҳдир. Буларнинг бештаси маҳв бўлди, биттаси қолди, бошқаси эса ҳали келган эмас; у келганда ҳам кўп вақт турмайди.

<sup>11</sup> Илгари бор, ҳозир йўқ ҳайвон эса етти подшоҳдан бири бўла туриб, саккизинчисидир, у ҳалокатга йўлиқади.

<sup>12</sup> Сен кўрган ўнта шох – ўн подшоҳ демақдир. Улар ҳали салтанатни қўлга олган эмас. Улар ҳайвон билан бирга подшоҳ бўлиб, бир соат ҳокимлик қиладилар. <sup>13</sup> Булар бир фикрда бўлиб, қудратни ва салтанатни ҳайвонга топширадилар. <sup>14</sup> Улар Кўзи билан жанг қиладилар, аммо Кўзи уларни енгиб чиқади. Чунки Кўзи ҳокимларнинг Ҳокими – Шоҳаншоҳдир. У билан бирга бўлганлар эса даъват этилганлар, танланганлар, содиқ қолганлардир”.

<sup>15</sup> Фаришта менга яна шундай деди: “Фоҳиша ўтирган, сен кўрган сувлар – элу халқ, миллатлар, элатлар ва тиллардир. <sup>16</sup> Сен кўрган ҳайвондаги ўнта шох фоҳишадан нафратланадилар. Уни яланғочлаб, барбод қиладилар, гўштини бурдалаб ейдилар, ўзини эса ўтда ёндирадилар. <sup>17</sup> Чунки Худо Ўзининг иродасини бажаришни уларнинг дилига солган. Шундай қилиб, Худонинг каломлари бажо келмагунга қадар, улар бир жон, бир тан бўлиб, ўз ҳукмронликларини ҳайвонга топширадилар. <sup>18</sup> Сен кўрган хотин – ер юзи подшоҳлари устидан ҳукмронлик қиладиган буюк шаҳардир”.

### Бобилнинг вайрон бўлиши

**18** Бундан кейин улуғ салтанат соҳиби бошқа бир фариштанинг осмондан тушаётганини кўрдим. Унинг улуғворлигидан ер юзи ёришиб кетди. <sup>2</sup> У кучли бир нидо билан бундай деди:

“Вайрон бўлди! Вайрон бўлди буюк Бобил!

У жинларнинг макони, ҳар турли ёмон руҳнинг паноҳи,

Ҳар қандай мурдору манфур қушнинг паноҳи бўлди.

<sup>3</sup> У барча халқларга ўзининг қайноқ фаҳшу зино шаробидан ичирган эди.

Ер юзи подшоҳлари у билан зинокорлик қилган эди,

Ер юзи савдогарлари унинг сафолару дабдабаларидан бойиб кетдилар”.

<sup>4</sup> Шу пайт осмондан бошқа бир овоз эшитдим. У дедики:

“Эй халқим, ундан чиқиб кетинг!

Шерик бўлманг унинг гуноҳларига, Дучор бўлманг-да балоларига!

<sup>5</sup> Кўккача бориб етди-ку унинг гуноҳи, Худо эслади унинг ноҳақликларини.

<sup>6</sup> Бобил сизга қандай сазо берган бўлса, Сиз ҳам унга шундай сазо беринг!

Қилмишига яраша унга икки баробар сазо беринг!

Ўзи тайёрлаган ичимликдан икки баробар тўлдириб унга ичиринг!

<sup>7</sup> У нақадар кеккайиб дабдаба сурган бўлса,

Унга шу қадар азоб ва ғам-ғусса орттиринг!

У ўзича: “Тул эмас, мен маликаман, Ғам-ғусса ҳам кўрмайман”, – деб айтди-ку.

<sup>8</sup> Шу боис унинг тақдиридаги балою офатлар – Ўлим, ғам-ғуссаю қаҳатчиликлар

Бир куннинг ўзида қўпажак.

У ўтда ёқилиб кул бўлажак.

Қудратлидир уни ҳукм қилгувчи Худойи Таоло”.

<sup>9</sup> Бобил билан зино қилиб, кайф-сафо сурган ер юзи подшоҳлари ундаги ёнғин тутунини кўриб, унинг ҳолига бўзлаб йиғлайдилар. <sup>10</sup> Бобилнинг азоб-уқубати даҳшатидан кўрқиб, узоқда туриб дейдилар:

“Вой, сенинг ҳолингга вой!

Эй буюк шаҳар, мустаҳкам Бобил!

Бир соатдаёқ сенга жазо келди!”

<sup>11</sup> Ер юзи савдогарлари ҳам унинг ҳолига йиғлаб мотам тутадилар. Чунки уларнинг молларини энди ҳеч ким сотиб олмайди. <sup>12</sup> Олтин, кумуш, жавоҳирот ва марваридлар; атласу шойи, арғувону қирмизи газламалар; ҳар турли хушбўй ёғочлар, фил суягидан ясалган ҳар хил буюмлар; энг қимматбаҳо ёғочдан, мисдан, темирдан ва мрамардан ясалган турли буюмлар; <sup>13</sup> долчин, атирлар, хушбўй тутатқилар, мойлар ва смолалар, шароб, зайтун ёғи, сара ун ва буғдойлар; қорамол ва кўйлар, отлару аравалар, шунингдек, одамларнинг жонини ҳам, танини ҳам сотиб оладиган бошқа ҳеч ким бўлмайди. <sup>14</sup> Сен жондан яхши кўрган мевалар қўлингдан кетди. Бутун давлату шавкатинг ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетди.

<sup>15</sup> Бу моллар билан савдо-сотик қилиб, бойиб кетган савдогарлар Бобилнинг азоб-уқубат даҳшатидан кўрқиб, узоқда турганларича йиғлаб, зорлаб, дейдилар:

<sup>16</sup> “Аҳволингга вой, вой!

Шойи, атлас, қирмизи кийимлар ила ясанган, Олтин, жавоҳирот, марваридлар ила безанган буюк шаҳар!

<sup>17</sup> Шундай бойлигинг бир соатдаёқ йўқ бўлиб кетди”.

Ҳар бир дарға, кемачи ва кема йўловчиси, денгизда савдо-сотик қилувчиларнинг ҳаммаси узоқда турганларича, <sup>18</sup> шаҳардаги ёнғиндан ўрлаётган дудга қараб: “Қандай шаҳар бу буюк шаҳарга ўхшайди?!” – деб фарёд чекардилар.

<sup>19</sup> Улар бошларига кул сочиб, фарёд чекиб, инграб дод солардилар: “Вой ҳолингга, вой, эй буюк шаҳар! Денгиздаги кемаларга эга бўлганларнинг ҳаммаси сенинг қимматбаҳо молларингдан бойиган эди. Эндиликда у бир соатдаёқ харобага айланди!”

<sup>20</sup> Шодланинг унинг ҳолига, эй осмон, Эй азиз-муқаддаслар, ҳаворийлару набилар! Зеро Худо уни ҳукм қилиб, ўчингизни олди.

<sup>21</sup> Кейин кучли бир фаришта тегирмон тошига ўхшаш катта тошни кўтариб денгизга улоқтирди-да, шундай деди:

“Мана шундай шиддат-ла кулаб тушгуси

Буюк шаҳар Бобил!

Энди у асло қад кўтармас.

<sup>22</sup> Чангчилар, ашулачилар, найчию сурнайчилар овози энди эшитилмас сенда.

Энди санъат ҳам, санъаткор ҳам сендан чиқмас.

Тегирмон чархининг товуши ҳам асло эшитилмагай сенда.

<sup>23</sup> Энди чироқ ҳам сенга шуъла сочмас, Куёв билан келиннинг овози ҳам келмагай сендан.

Савдогарларинг ер юзининг катта аёнлари эди, Сехргарлигинг билан бутун халқлар алданган эди”.



<sup>24</sup> Пайғамбарлар, азиз-муқаддаслар ва ер юзида ўлдирилганларнинг ҳаммасининг қони Бобилдан топилди.

### Осмондаги ҳамду сано

**19** Бундан кейин осмонда катта оломоннинг ғала-ғовурига ўхшаш баланд овозлар

эшитдим:

“Ҳаллелуя! †

Худойимизга тегишлидир нажоткорлик, улғуворлик, куч ва қудрат.

<sup>2</sup> Унинг ҳукми ҳақ ва тўғридир.

Ер юзини ўз зиноси билан бузган буюк фоҳишани У ҳукм қилди,

Ўз қулларининг хунини ундан олди”.

<sup>3</sup> Иккинчи марта дедилар:

“Ҳаллелуя!

Бобилнинг дуди абадулабад бурқирагай”.

<sup>4</sup> Шу пайт йигирма тўрт нафар оқсоқол ва тўрт жондор ўзларини ерга ташлаб: “Омин! Ҳаллелуя!” – дея тахтда ўтирган Худога сажда қилдилар.

<sup>5</sup> Кейин тахтдан бир овоз келди:

“Эй Худойимизнинг барча қуллари,

Ундан қўрқувчи каттаю кичиклар,

Унга ҳамду сано айтинглари!”

<sup>6</sup> Сўнгра кўп халойиқ, шовуллаган сувлар, гумбурлаган момақалди роққа ўхшаш садолар эшитдим. Улар шундай дерди:

“Ҳаллелуя!

Ҳар нарсага қодир Худойимиз,

Сарвари коинот Шоҳ ўрнини олди.

<sup>7</sup> Унинг иззат-ҳурматини бажо келтирайлик,

Севиниб хурсанд бўлайлик!

Қўзининг никоҳ соати етди,

Унинг келини ўзини ҳозирлади”.

<sup>8</sup> Кийиниш учун келинга пок, оппоқ шойи берилди. Шойи – азиз-муқаддасларнинг солиҳлигидир.

<sup>9</sup> Сўнг фаришта менга:

– Ёз! – деди, – Қўзининг никоҳ оқшомига чақирилганлар бахтиёрдир!

Яна менга:

– Булар Худонинг ҳақ сўзларидир, – деди.

<sup>10</sup> Мен унга сажда қилиш учун оёқларига йиқилдим. Лекин у менга шундай деди:

– Зинҳор бу ишни қилма! Мен сенинг ҳамкорингман, шунингдек, Исонинг шоҳиди бўлган ҳамма биродарларингнинг ҳамкориман. Худога сажда қил! Зеро Исога шоҳидлик пайғамбарлик руҳи билан тенгдир.

### Оқ от минган Чавандоз

<sup>11</sup> Бундан кейин осмон очилиб, у ерда бир оқ от турганини кўрдим. Отлиқнинг исми Содиқ ва Ҳақ эди. У одилона ҳукм чиқариб, жанг қилади. <sup>12</sup> Унинг кўзлари олов алангасидай. Бошида кўп тожи бор,

† ҲАЛЛЕЛУЯ: ибрий тилида “Худовандни мадҳ қилинг” деган хитоб, Забурда кўп учрайди (умуман “Ҳамдлар бўлсин” деб таржима қилинган).

пешанасига эса Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган бир исм ёзилган. <sup>13</sup> У қонга бўялган кийим кийган, Унга “Худонинг Каломи” деб ном берилган эди. <sup>14</sup> Пок, оппоқ шойи кийган самовий қўшинлар оқ отда Унинг кетидан борарди.

<sup>15</sup> Халқларга шикаст бериш учун Унинг оғзидан бир кескир шамшир чиқиб турарди. Қўлида темир таёқ билан уларни боқадиган Ушадир. Ҳар нарсага қодир Худонинг қайноқ қаҳр-ғазаб шаробини тайёрлашга мосланган чархни Ўзи босади. <sup>16</sup> Унинг кийими ва белида шундай бир исм ёзилган: “Ҳокимларнинг Ҳокими – Шоҳаншоҳ”.

<sup>17</sup> Шундан сўнг қуёш устида турган бир фариштани кўрдим. У баланд овоз чиқариб, осмон ўртасидан учиб бораётган барча қушларга шундай хитоб қилди: “Худонинг буюк базмига келинглари! <sup>18</sup> Шоҳлар, саркардалар, кучлилар мурдасини, оту отлиқлар мурдасини, ҳамма эркину тутқинлар, каттаю кичиклар мурдасини хомталаш қилиш учун тўпланинглари!”

<sup>19</sup> Шундан кейин мен ҳайвонни, ер юзи шоҳларини, уларнинг қўшинларини кўрдим; улар от минган Чавандоз билан Унинг қўшинларига қарши жанг қилиш учун бир ерга тўпланган эдилар. <sup>20</sup> Ҳайвон ва унинг олдида ғаройиботлар қилган сохта пайғамбар асир тушдилар. Ҳайвоннинг тамғасини қабул қилиб, унинг тасвирига сажда қилганларни ўз ғаройиботлари билан алдаган сохта пайғамбар ана шу эди. Ҳар иккови ҳам олтингугурт билан ёнаётган оташ кўлига тириклайин ташланди. <sup>21</sup> Бошқалар эса от минган Чавандознинг оғзидан чиққан шамшир билан ўлдирилди. Ҳамма қушлар уларнинг гўштини еб тўйди.

### Минг йил тинчлик

**20** Қўлида тубсизлик қаърининг калити ва катта занжир билан осмондан тушаётган фариштани кўрдим. <sup>2</sup> Фаришта аждаҳони, яъни иблис ва шайтон деб аталган алмисоқ илонини тутиб, уни минг йил муддатга кишанлаб қўйди. <sup>3</sup> Минг йил тамом бўлгунга қадар яна халқларни алдамасин деб, уни тубсизлик қаърига ташлаб қамаб қўйди ва унинг устига муҳр босди. Минг йил ўтгандан кейин қисқа бир муддатга уни озод қилиш керак.

<sup>4</sup> Мен тахтларни ва тахтда ўтирганларни кўрдим. Уларга ҳукм этиш ҳуқуқи берилган эди. Исонинг шаҳодати ва Худонинг каломи туфайли боши олинганларнинг жонини ҳам кўрдим. Булар ҳайвонга ва унинг тасвирига сажда қилмаган, пешаналари ва қўлларига унинг тамғасини қабул қилмаганлар эди. Улар тирилик, Масиҳ билан минг йил ҳукм сурдилар. <sup>5</sup> Қолган ўликлар минг йил тамом бўлгунга қадар тирилмади. Бу – биринчи қиёматдир. <sup>6</sup> Биринчи қиёматда иштирок этадиганлар бахтиёр ва муқаддасдир. Иккинчи ўлим уларга ҳоким эмас. Улар Худонинг ва

Масихнинг руҳонийлари бўлиб, У билан минг йил ҳукм сурадилар.

### Шайтоннинг жазоланиши

<sup>7</sup> Минг йил тугагач, шайтон ўз зиндонидан озод этилади. <sup>8</sup> Ернинг тўрт бурчагидаги халқларни, Яъжуж-Маъжужни <sup>†</sup> алдаб васваса қилиш ва жангга тўплаш учун зиндондан чиқади. Уларнинг сони денгиз кумидай сон-саноксиздир.

<sup>9</sup> Улар ер юзи текислигига чиқиб, муқаддаслар манзили ва азиз шаҳарни қуршаб олдилар. Шу пайт Худо осмондан ўт ёғдириб, уларни қириб ташлади. <sup>10</sup> Уларни алдаган иблис эса ҳайвон ва сохта пайғамбар бўлган оловли ва олтингургуртли кўлга ташланди. У ерда улар кечаю кундуз, илалабад азоб чекадилар.

### Қиёмат қойим

<sup>11</sup> Кейин буюк бир оқ тахт ва тахтда ўтирган Сиймони кўрдим. Унинг ҳузуридан еру осмон қочар эди, лекин уларга жой топилмади. <sup>12</sup> Мен Худо тахти олдида турган катта-кичик ўликларни кўрдим. Китоблар очилди. Ҳаёт китоби деган бошқа бир китоб ҳам очилди. Ўликларнинг ҳар бири, китобларда ёзилгани бўйича, қилмишларига яраша ҳукм этилди. <sup>13</sup> Денгиз ўзидаги ўликларни берди, ўлим ҳам, тамуғ ҳам ўзларидаги ўликларни берди, ҳар бир киши қилмишларига яраша ҳукм этилди. <sup>14</sup> Ўлим ва тамуғ олов кўлига ташланди. Мана бу олов кўли – иккинчи ўлимдир. <sup>15</sup> Исмлари ҳаёт китобида ёзилмаганларнинг ҳаммаси олов кўлига ташланди.

### Янги еру осмон

**21** Шундан кейин мен янги бир осмон ва янги бир ерни кўрдим. Аввалги еру осмон ғойиб бўлган эди, денгиз ҳам энди йўқ эди. <sup>2</sup> Мен, Юҳанно, табаррук шаҳар – Қуддусни кўрдим; у куёви олдида безаниб чиқаётган келин каби осмондан, Худо ҳузуридан тушаётган эди. <sup>3</sup> Мен Арши Аълодан келган баланд бир овозни эшитдим, у шундай деди:

“Мана, Худонинг макони инсонлар аро!  
Худонинг Ўзи одамлар ичра яшар.  
Улар Худонинг халқи бўлгай,  
Худонинг Ўзи улар ичра маскан қилгай.

<sup>4</sup> Худо уларнинг кўзидаги ҳар бир ёшни артиб олур.

Энди ўлим сира бўлмас.  
Ҳузун ҳам, фарёд ҳам, оғриқ ҳам бўлмас.  
Зеро аввалгилар ўтиб кетди”.

<sup>5</sup> Тахтда ўтирган Сиймо: “Мана, Мен ҳаммасини янги қилиб яратяпман!” – деди. Кейин менга:

<sup>†</sup> ЯЪЖУЖ-МАЪЖУЖ: аслида “Гўг ва Могўг”; иблис бошчилигида Худонинг азиз халқига ҳужум бошлайдиган ашаддий душман (айнан қаранг: Таврот, Езекил 38-боб).

“Буларни ёзиб қўй, бу сўзлар ишончли ва ҳаққонийдир!” – деди.

<sup>6</sup> Сўнг менга қараб, деди: “Амалга ошди! Ибтидо ва Интиҳо <sup>††</sup>, Бош ва Сўнг Ўзимман. Мен чанқаганга оби ҳаёт булоғидан текин баҳра бераман. <sup>7</sup> Ғолиб келганга булар насиб қилади. Мен унинг Худоси бўламан, у Менинг ўғлим бўлади. <sup>8</sup> Аммо қўрқоқ, имонсиз, нопок, қотил, зинокор, жодугар, бутпараст ва ҳамма ёлғончиларнинг қисмати олов ва олтингургурт билан ёнаётган кўлдадир. Бу иккинчи ўлимдир”.

### Янги Қуддус

<sup>9</sup> Шу пайт охирги етти балога тўлдирилган еттита косани ушлаган етти фариштадан бири олдимга келди ва мен билан гаплашиб: “Бу ёққа кел, Қўзига келин бўладиган аёлни сенга кўрсатаман”, – деди.

<sup>10</sup> Фаришта мени Илоҳий Руҳнинг таъсирида баланд, юксак бир тоққа олиб чиқди-да, менга кўкдан, Худо ҳузуридан тушаётган табаррук шаҳар – Қуддусни кўрсатди. <sup>11</sup> Шаҳар Худонинг улуғвор жамоли билан балқир, унинг сайқали қимматбаҳо тош, биллур олмосга ўхшар эди. <sup>12</sup> Унинг девори қалин ва баланд эди; ўн икки дарвозаси бўлиб, дарвозалари устида ўн иккита фаришта ўлтирар эди. Дарвозаларда исмлар – Бани Исроилнинг ўн икки қабиласи номлари ёзилган эди. <sup>13</sup> Шарқдан уч, шимолдан уч, жанубдан уч ва ғарбдан уч дарвоза бор эди. <sup>14</sup> Шаҳар деворларининг ўн икки пойдевори бўлиб, уларда Қўзининг ўн икки ҳаворийси номлари ёзиб қўйилган эди.

<sup>15</sup> Мен билан гаплашган фариштанинг кўлида шаҳарни, унинг дарвозаларию деворини ўлчаш учун олтиндан бир ўлчагичи бор эди. <sup>16</sup> Шаҳар тўртбурчак шаклда жойлашган, унинг бўйи эни билан тенг эди. Фаришта шаҳарни ўлчагич билан ўлчади, у ўн икки минг ўқ отими <sup>‡</sup> экан. Унинг эни, бўйи ва баландлиги бир-бирига тенг эди.

<sup>17</sup> Фаришта шаҳарнинг деворларини ҳам ўлчади; у инсонлар ўлчовида ҳам, фаришталар ўлчовида ҳам юз қирқ тўрт тирсак чиқди. <sup>18</sup> Деворлар олмосдан, шаҳар эса шишадай тиниқ, соф олтиндан қурилган эди. <sup>19</sup> Шаҳар деворларининг пойдеворлари турли қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди: биринчи пойдевор олмосдан, иккинчиси кўк ёқутдан, учинчиси ақиқдан, тўртинчиси зумраддан эди. <sup>20</sup> Бешинчиси фируза, олтинчиси лаъл, еттинчиси сариқ ёқут, саккизинчиси кўк зумрад, тўққизинчиси забаржад, ўнинчиси яшил ақиқ, ўн биринчиси ложувард, ўн иккинчиси бинафшаранг ёқутдан эди. <sup>21</sup> Ўн икки дарвоза – ўн икки марвариддан иборат эди, яъни ҳар бир дарвоза битта марвариддан ясалган эди. Шаҳарнинг кўчаси эса бамисоли шаффоф шишадек, соф олтиндан эди.

<sup>††</sup> ИБТИДО ВА ИНТИҲО: аслида “Алфа ва Омега”; яна қаранг: 1:8. <sup>‡</sup> ЎН ИККИ МИНГ ЎҚ ОТИМИ: юнонча “ўн икки минг стадия” – тақрибан 2500 километр.

<sup>22</sup> Бу шаҳарда маъбад кўрмадим. Чунки ҳар нарсага қодир Худойи Таоло ва Қўзининг Ўзи шаҳарнинг маъбадидир. <sup>23</sup> Шаҳарни ёритиш учун қуёшга ёки ойга эҳтиёж ҳам йўқ. Чунки Худонинг улуғвор жамоли уни ёритади, Қўзининг Ўзи унинг ёритқичи бўлади. <sup>24</sup> [Қутулган] халқлар шаҳарнинг нурида юришади. Ер юзи подшоҳлари унга ўз шон-шуҳратларини келтирадидилар. <sup>25</sup> Шаҳар дарвозалари кун бўйи очиқ туради, сира ёпилмайди, чунки у ерда тун бўлмайди. <sup>26</sup> Халқларнинг барча давлату савлати унга киритилади. <sup>27</sup> Лекин ҳеч қандай мурдор нарса, ҳеч бир разил ёки ёлғончи киши унга кирмайди; фақат Қўзининг ҳаёт китобида ёзилганлар киради.

### Ҳаёт дарёси

**22** Фаришта менга Худонинг ва Қўзининг тахтидан чиқиб, шаҳар кўчаси бўйлаб оқаётган биллурдай тиниқ оби ҳаёт дарёсини кўрсатди. <sup>2</sup> Дарёнинг у ёғида ҳам, бу ёғида ҳам ҳар ойда бир, яъни йилда ўн икки марта ҳосил берадиган ҳаёт дарахти бор эди. Бу дарахтнинг барглари халқларга шифо бахш этади. <sup>3</sup> Бошқа ҳеч қандай лаънат қолмайди. Шаҳарда Худонинг ва Қўзининг тахти бўлади, Унинг қуллари Унга хизмат қилади. <sup>4</sup> Улар Унинг юзини кўриб туради, Унинг исми уларнинг пешанасига ёзилган бўлади. <sup>5</sup> У ерда бошқа тун бўлмайди; чироққа ҳам, қуёш ёғдусига ҳам эҳтиёж бўлмайди. Чунки Худойи Таолодан уларга нур ёғилиб туради, улар эса то абад ҳукмронлик қиладилар.

### Исо келяпти

<sup>6</sup> Фаришта менга шундай деди:  
– Бу сўзлар ишончли ва ҳаққонийдир. Азиз пайғамбарларни руҳлантирган Худойи Таоло яқин орада юз бериши муқаррар бўлган воқеаларни ўз қулларига билдириш учун фариштасини юборди.  
<sup>7</sup> “Мана, Мен тезда келаман!  
Бу китобнинг башоратли каломларига Риоя қилганлар бахтиёрдир!”  
<sup>8</sup> Мен, Юҳанно, буларни кўрдим ва эшитдим. Буларни кўриб эшитганимда, менга кўрсатган фариштанинг оёқларига йиқилиб сажда қилмоқчи бўлдим. <sup>9</sup> Аммо у менга:

– Зинҳор бу ишни қилма! Мен сенинг ҳамда биродарларинг – пайғамбарларнинг ҳамкориман, шунингдек, бу китобнинг сўзларига риоя қилувчиларнинг ҳамкориман. Худога сажда қил! – деди. <sup>10</sup> Кейин менга яна шундай деди:

– Бу китобнинг башоратли каломларини муҳрлаб сир сақлама, чунки вақт яқиндир. <sup>11</sup> Фосиқ, майли, ёмонлик қилаверсин; нопок, майли, ифлослик қилаверсин. Солиҳ эса тўғри иш қилаверсин ва муқаддас киши ўзини муқаддас сақласин.  
<sup>12</sup> “Мана, Мен тез келаман, қаримтам Ўзим билан. Ҳар кимга қилмишига яраша сазо бергумдир.  
<sup>13</sup> Мен Ибтидо ва Интиҳо, Аввалию Охири, Бош ва Сўнгдирман”.

<sup>14</sup> Қандай бахтлидир кийимларини ювганлар †, ҳаёт дарахти мевасидан еб, шаҳар дарвозаларидан кириш ҳуқуқига эга бўлганлар! <sup>15</sup> Ташқарида эса итлар, жодугарлар, зинокорлар, қотиллар, бутпарастлар, ёлғон-макрга ружу қўйганларнинг ҳаммаси бўлади.

<sup>16</sup> “Мен – Исо Ўз фариштамни олдингизга юбордим,

Токи у бу тўғрида жамоатларимга шаҳодат берсин. Мен Довуд авлодидан келиб чиққан Зот, Ёруғ тонг юлдузидирман”.

<sup>17</sup> Руҳ ҳам, Келин ҳам: “Кел!” – деб чорляпти. Эшитган киши ҳам: “Кел!” – десин. Чанқаган келсин, хоҳлаган ҳаёт сувидан текин баҳра олсин.

<sup>18</sup> Бу китобнинг башоратли каломларини эшитувчи ҳар бир кишига шаҳодатим шу: кимда-ким буларга бирор нарса қўшса, Худо бу китобда ёзилган балоларни унга тақдир қилади. <sup>19</sup> Кимда-ким бу китобда башорат қилиб айтилган сўзлардан бирор нарсани олиб ташласа, Худо уни бу китобда ёзилган ҳаёт дарахтидан †† ва муқаддас шаҳардан маҳрум қилади.

<sup>20</sup> Бу гапларнинг Шоҳиди: “Ҳа, Мен тез келаман!” – деяпти.

Омин! Кел, ё Раббимиз Исо!

<sup>21</sup> Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти барчангизга ёр бўлсин. Омин.

† бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “Худо буюрганларини қилувчилар”. †† бошқа қадимги қўлёзмалар бўйича, “ҳаёт китобидан”.